

Бола шахсида салбий



ўзгаришларни келтириб чиқарувчи
ташқи таъсирларнинг
психологик-педагогик асослари



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

ЁШЛАРГА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

«БОЛА ШАХСИДА САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ
ЧИҚАРУВЧИ ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК-
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Мақолалар тўплами

Тошкент-2021

Бола шахсида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг психологик-педагогик асослари / Мақолалар тўплами. – Тошкент, 2021. – 511 бет.

Мазкур тўплам “Бола шахсида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг психологик-педагогик асослари” мавзусига бағишлаб ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси материаллари асосида тайёрланган. Ушбу тўпланда психология ва педагогиканинг назарий, методологик ҳамда умумпсихологик масалалари, ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, унинг сабаб ва ечимлари, бола шахсининг хулқ-атвори ва дунёқарашида кузатилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-психологик таъсирлар, ижтимоий-психологик муаммоларнинг бола рухиятида намоён бўлиш хусусиятларини илмий тадқиқ этиш бўйича олиб борилаётган изланишларнинг долзарб йўналишлари, бу борада йиғилган маълумотлар ва улардан амалиётда фойдаланиш имкониятлари юзасидан амалий билимлар тақдим этилади.

Мақолалар тўплами соҳа мутахассислари, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга масъул ходимлар, амалиётчи психологлар, психология таълим йўналиши талабалари, психология бўйича илмий изланишлар олиб боровчи тадқиқотчилар, психологияга қизиқувчи турдош йўналишлар вакилларига мўлжалланган.

Тахрир кенгаши аъзолари: Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази директори
Д.О.ШОДИЕВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси, Психология фанлари бўйича PhD
М.Р.АКРАМОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси
А.С.НАЗАРОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси,
психолог
С.С.ҚАХХОРОВ

Психолог-тренер
М.Қ.КУБАЕВ

«Бола шахсида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг психологик-педагогик асослари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази Илмий-психологик Кенгашининг 2020 йил 29 сентябрдаги 01-04/14 сонли мажлис баёни билан мақуullanган.

Тўпланда келтирилган маълумотларнинг холислиги ва ишончлилигига муаллифлар масъулдирлар.

РЕКЛАМА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУНОСАБАТЛАР ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Акрамов Мирмухсин Рустамович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Дин психологияси ва педагогика»
кафедраси катта ўқитувчиси,
Шарипова Хурматой Қудрат қизи, Нуралиева Озода Шухрат қизи,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2-босқич талабалари

Маълумки, жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш, аввало, инсон омилига қаратилган бўлиб, у шахс ижтимоий-сиёсий қарашларига таъсир кўрсатади. Жамият ривожланган сари, ундаги турли ижтимоий-психологик муносабатлар, меъёрлар ва талаблар ҳам ўзгаради.

Бугунги кунда шаклланиб бораётган фуқаролик жамияти ва бозор муносабатлари шароити мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида, тафаккури ва хулқ-атворида янги мазмун, маъно касб этмоқда. Иқтисодий жиҳатдан ўз йўналиши ва салоҳиятига эга бўлиб бораётган юртимизда рақобат муҳити тобора шаклланиб, реклама унинг фаоллаштирувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Реклама нафақат иқтисодий тараққиёт омили, балки, ижтимоий тараққиёт омили ҳамдир. Реклама табиатига кўра, кучли психологик таъсир этиш характерига эга бўлиб, у шахсни фаол ижтимоийлаштирувчи восита ҳисобланади. Реклама маълумотлари ва хизматларини шахс томонидан идрок қилиниши турли мамлакатлар тараққиёти, турмуш тарзи, шаклланган стереотиплари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Реклама психологик йўналганлигига кўра, инсонлар руҳиятига, фикрлашига ва хулқ-атворида катта таъсир этади. Рекламани қай тарзда идрок қилиниши, уни қандай усулда ёритилишига ҳам боғлиқ. Рекламадаги вербал ва новербал воситалар орқали берилаётган маълумотлар, хизматларни идрок қилинишида гендер хусусиятларига биноан, тафовут мавжуд бўлиб, унга кўра тез эмоционал таъсирланиш жиҳати кўпроқ аёлларга хос хусусиятни ташкил қилади ва шу боис, реклама маълумотларини вербал тарзда, ҳиссиётни кўзғовчи турли мусиқавий матнлар, тасвирлар орқали ёрқинроқ англаш ҳам аёлларда яққол намоён бўлади. Эркакларда реклама маълумотларини англанилишида аксарият ҳолларда берилаётган маълумотлар қисқа ва лўнда, турли тасвирлар, чизмалар, новербал воситалар билан ифодаланилади. Аёлларда мулоқотга бўлган эҳтиёж, эмоционаллик ва табиий ишонувчанлик юқори бўлганлиги сабаб, улар оғзаки, тимсоллар билан ифодаланган, кучли эмоцияга йўғрилган реклама маълумотларини осон идрок қиладилар. Рекламани англаш, унга муносабат билдириш, шахсда ижтимоий воқеликни эркин баҳолаш, турлича янги кўринишларни шакллантириш, ижтимоий хулқ кўникмаларини намоён этишга имкон беради. Бугунги кунда рекламаларга билдирилаётган муносабатларга қараб, истеъмолчиларни таъби ва дидини, талаб ва эҳтиёжларини, иқтисодий фикрлашларини баҳолаш мумкин. Шунингдек, ёш хусусиятлари ҳам реклама

мазмунини англашда мухим аҳамиятга эга. Ўтказилган бирламчи сўров натижаларига кўра, ўсмир ва ўспирин ёшдагилар реклама маълумотларига кўпроқ эътибор қаратишлари ва янги урф бўлган кийим-кечакларга қизиқишларининг юқорилиги билан ажралиб турар экан. Айни шундай ёш шахс ўзини англаган даражада идрок қилишига имкон бериши билан ва янгиликларни, билимларни ўзлаштиришга нисбатан талабнинг юқорилиги билан характерланади.

Ҳозирда аксарият кўпчилик реклама рекламани безовта қилувчи чивин деб билишади, бу телеканални алмаштириш, журнални варақлаш, транспортда ва Интернетда эътиборсиз қолдириш орқали бекор қилинади. Бироқ, замонавий дунёнинг расмини рекламасиз тасаввур қилиб бўлмайди - бу бизнинг ҳаётимизга қатъий кириб келди ва жамиятнинг ажралмас функтсиясига айланди.

Реклама тобора кўпроқ одамнинг ҳаётига аралашади, уни онгли ва онгсиз даражада бошқаради. Шуниси қизиқки, эҳтиёжни англаш ҳар доим ҳам амалга ошавермайди. Эҳтиёж тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, инсон ўзининг олдида мақсадни, хиссий ташвишлардан халос бўлиш, завқни бошдан кечириш умидида интиладиган объектни шакллантиради. Шу билан бирга шахсда илгари шаклланган мавжуд тасаввурларни ўзгартириш жуда қийин, шунинг учун ҳам реклама маълумотларини тайёрлашда миллий стереотиплар, миллий онг ва характерни эътиборда тутиш жуда мухим. Сўнги пайтларда оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган реклама маълумотлари, асосан, кишилардаги иқтисодий тафаккурни, турли қийин вазиятларда ўз-ўзини бошқара олиш йўсинларини, эстетик таъб ва дидни, ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан тўғри фойдалана билишни, танқидий фикр юритишни шакллантиришга хизмат қилади. Реклама образлари орқали турли хулқ-атвор шакллари, шахслараро психологик таъсир имкониятлари ўзлаштирилади. Кўпроқ реклама тасвирларида аёллар образидан кенг фойдаланилади. Чунки, реклама маълумотларининг аксарияти аёллар учун мўлжалланганлиги ва аёллар образи орқали хиссий эмоцияларнинг кўзғолувчанлигини осон хосил қилинишидир. Бундан ташқари, ижтимоий рекламаларнинг мазмунини ифодалашда, уларнинг таъсирчанлигини орттиришда, асосан, аёллар, болалар ва кексалар образларига мурожаат этилади. Демак, реклама образлари рекламани идрок қилиш мазмунига, харид қарорини қабул қилинишига, турли хулқ-атвор мотивларини ўзлаштиришга катта таъсир кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ученова В.В., Старых. История рекламы, или Метаморфозы рекламного образа. Учебник для ВУЗов. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999.
2. Росситер Дж. Р., Перси Л. Реклама и продвижение товаров./ Пер. с англ. – СПб:Питер,2001.С.14-16.
3. Смит П., Бэрри К., Пулфорд А. Коммуникации стратегического маркетинга. / Пер. с англ. –М.: Юнити, 2001.

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Азамат Назаров

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,

“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим жараёнини бошқаришда бошқарув қарорларини ишлаб чиқишнинг ташкилий ва ижтимоий-психологик жиҳатлари аниқланган. Бошқарув қарори концепциясининг моҳияти, унинг асосий хусусиятлари ва амалга ошириш босқичлари очиқ берилади. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёнида менежернинг шахсий фазилатлари ва ишбилармонлик хатти-ҳаракатлари хусусиятларининг аҳамияти асослари берилган.

Калит сўзлар: шахс, персонал, менеджер, шахснинг идивидуал хусусиятлари, менежмент, қарор қабул қилиш, бошқарув қарорлари, онгли танлов, детерминизм, индетерминизм.

Қарор қабул қилиш жарайнида жуда кўплаб омилларни, жумладан иқтисодий, сиёсий, табиий, ижтимоий омилларни ҳам инобатга олмоқ зарур.

Қарор қабул қилиш субъекти деганда қарор қабул қилувчи киши назарда тутилади. Бу умулаштирувчи тушунча. Чунки қарор қабул қилувчи деганда бир киши (раҳбар) ёки одамлар гуруҳи (маъмурият) тушунилиши мумкин. Қарор қабул қилувчи субъект қарор қабул қилишда эксперт-мутахассисларни ҳам жадб этиши мумкин.

Қарорлар вариантларидан бирини танлаш раҳбар шахсига ҳам боғлиқ. Қарор қабул қилувчи шахснинг типологик, ижтимоий психологик хусусиятлари қарор қабул қилиш жараёнида ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, шахснинг индивидуал-психологик хусиятларидан бири – темперамент ҳам ўз таъсирини ўтказди. Маълумки, сангвиник ва холерик раҳбарлар қарор қабул қилишда шошишади, флегматик ва меланхолик раҳбарлар эса шошилишмайди. Шу нуқтаи назардан қарорлар ҳам бир-биридан фарқланади:

1. Босиқлик билан чиқариладиган қарорлар – ўз хатти-ҳаракатларига эътибор ва танқидий назар қаратилади. Ҳоҳ олдиндан шакллантирилади.

2. Импульсив қарорлар – жуда кўп ғоялар ишлаб чиқарилади. Уларни текшириб кўриш имконияти йўқ.

3. Инерт қарорлар – эҳтиёт чоралари кўрилган ҳолда чиқариладиган қарорлар. Ҳоҳлар кам. Барчаси текширилади. Ижодкорлик йўқ.

4. Таваккал чиқариладиган қарорлар – муаллифлар хавфдан кўрқишмайди.

5. Эҳтиёт бўлиб чиқариладиган қарорлар – барча вариантлар мукамал ҳолда текшириб кўрилади. Ўта танқидий ёндошув. Янгиликлар қарайиб йўқ.

Қарор қабул қилиш бошқарув функцияларидан бири ҳисобланади. Қарор бир қанча функцияларни бажаради:

1. Қарорнинг йўналтирувчи функцияси. Бунда қарор бошқарувнинг умумий

функцияларини, яъни режалаштириш, ташкил қилиш, назорат, мотивация ва ҳ.ларни ҳаётга татбиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. Координация функцияси. Бунда қарорнинг ижросини таъминлашда ижрочиларнинг хатти-ҳаракатларини координация қилади.

3. Мотивация функцияси. Бунда қарор ташкилий (буйруқлар, кўрсатмалар ва ҳ.), иқтисодий стимуллар (мукофот, маошга устама ва ҳ.) ва ижтимоий баҳолар (ўзини ўзи тасдиқлаш, шахснинг ўзини намоён қилиши ва ҳ.) кўринишада амалга оширилади.

Бошқарувнинг самарадорлиги оптимал қарорлар қабул қилишга боғлиқ. Шунингдек назардан бошқарув қарорлари ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлларида биридир.

Амалдаги ҳолатнинг исталган ҳолатга мос келмаслиги муаммони келтириб чиқаради. Муаммони ҳал этиш режасининг ишлаб чиқишлиги қарор қабул қилишнинг вазифаларини белгилаб беради. Муаммо қуйидаги ҳолларда пайдо бўлиши мумкин:

- мавжуд таълим тизими қўйилган мақсадларни амалга оширишни таъминлаб бермайди;

- мавжуд таълим тизими келажакда қўйилган мақсадларни амалга оширишни таъминлаб бермайди;

- фаолиятнинг ўз олдига қўйган мақсадларини ўзгартириш зарур.

Муаммо ҳамиша маълум шарт-шароитлар билан боғлиқ, яъни буни вазият деб аташади. Муаммо ва шарт-шароитларнинг тўплами муаммоли вазиятни ташкил қилади. Муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши қарор қабул қилиш учун заруратни келтириб чиқаради.

Қарор - ҳаракат учун қўлланма, фикрий фаолиятнинг тури ва инсон иродасининг юзага чиқишидир. У қатор белгиларга эга:

- имкониятлардан бирини танлашнинг мавжудлиги;

- танлов онгли ҳолда мақсадга эришишга йўналган;

- танлов қарорни тугаш қисмидир.

Қарор етарли даражадаги қарор бўлиши мумкин ёки оптимал бўлиши мумкин. Оптимал қарорда натижа айнан кўзланган мақсадларнинг эрилиши кўринишида бўлади.

Қарор қандай қарор ижро этилиши билан ҳаётга татбиқ этилади. Ижро қарор қабул қилишнинг энг муҳми босқичларидан биридир. Қарорнинг ижроси маълум талабларни зарур қилиб қўяди. Бошқача айтганда, бошқарув қарорлари ижросини таъминлаш ва ташкил этиш алоҳида муҳим масала ҳисобланади. Бу – бошқарув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, қарорни ишлаб чиқиб, қарор қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

Бошқарув қарорларининг ижросини ташкил этиш деганда бошқарув субъектининг фаолияти тушунилади. Бу фаолият ёрдамида чиқарилган қарор ҳаётга татбиқ этилади. Ижронинг мукамаллиги қарорнинг самарадорлигини белгилаб беради. Қарор тўғри чиқарилган бўлиши мумкин, бироқ унинг ижросидаги камчиликлар боис натижа кутилгандай бўлмаслиги мумкин. Демак, ижро интизоми, яъни қарорни амалиётга татбиқ этишда барча ижро талаблари мукамал бажарилиши лозим. Бунда меъёрга амал қилиниши талаб этилади.

Меъёр – ижро интизомида қарорнинг амалиётга татбиқ этилишида сақланиши лозим бўлган оптимал талаблардир. Ижродан кейин унинг баҳоланиши жараёни бўлади. Бунда кўзланган мақсадга ижро натижаси мос келиш-келмаслиги текшириб кўрилади ва баҳо берилади. Шундан сўнг қоникқанлик даражаси аниқланади. Қоникқанлик даражаси қарор ижросининг сифатини белгиловчи субъектив мезондир. Назорат бошқарув жараёнининг функцияларидан бири бўлиб, бошқарув қарорларида қабул қилинган ҳолатга баҳо беради, ташкилот ўз олдига қўйган мақсадларга эришилганлик даражасини белгилайди. Қарор ижроси бўйича ишончли назорат тизимининг йўқлиги (бу қайтар алоқани таъминлайди) ташкилотни таназзулга олиб келиши мумкин. Агар қабул қилинган қарор етарли даражада самара бермаса ёки хато қарор бўлса, яхши фаолият кўрсатаётган назорат тизими ўз вақтида унинг олдини олиши ёки қарорга яғни ўзгартиришлар киритиши мумкин бўлади. Назорат ҳам ўз ўрнида учга бўлинади: қарорни амалга оширишдан олдинги назорат, қарорни ҳаётга татбиқ этиш жараёнидаги назорат, якуний назорат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анфилатов В. С. Системный анализ в управлении М.: Финансы и статистика, 2002.
2. Воробьев С. Н. Управленческие решения Текст. / С. Н. Воробьев, В. Б. Уткин, К. В. Балдин. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. — 317 с.
3. Назаров А. Принятие управленческих решений как психологическая проблема // Вестник интегративной психологии. – Международный научный журнал. г. Ярославль, 2019., №19.
4. Назаров А. Принятие управленческих решений как основная функция современного менеджера // Вопросы экономики и управления. - Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №2.
5. Nazarov A. Psychological analysis of levels of administration of management decisions. // Вопросы экономики и управления.-Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №3.
6. Nazarov A. Adoption of management decisions as the main function of the modern manager // Проблемы современной экономики: материалы IX Междунар. науч.конф. г. Казань, апрель, 2020 г.

ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ ТУШУНЧАСИ. УНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Кубаев Маъруф
Шайхонтоҳур тумани 59-мактаб психологи*

Миллий кадриятларимиз ёшларни барча ёмонликлардан сақланадиган, яхши амалларни қилишга рағбат қиладиган, виждонли, ўта сезгир, иродаси маҳкам, ақли соғлом, хулқи чиройли, жисми бақувват, жамиятга наф келтирувчи, оиласи, маҳалласи, Ватанини ҳимоя қилувчи, юртни обод қилувчи бунёдкор, ўзига

юклатилган масъулиятни мукамал адо этувчи шахс бўлиб камол топишга даъват этади. Аммо ижтимоий ҳаётда қатор иллатлар мавжудки, улар инсонни оиласи, жамият ва давлат олдидаги бурчи ва масъулиятдан ўзоқлаштириб қўяди.

Ислом инсониятни барча ёмонликлардан сақланадиган, илоҳий амрларни адо этадиган, ихтиёрий яхши амалларни қилишга рағбат қиладиган, виждонли, ўта сезгир, иродаси маҳкам, ақли соғлом, хулқи чиройли, жисми бақувват, ўзига аҳамият берувчи ва бошқаларни ислоҳ этувчи, динига ҳимматли, жамиятга наф келтирувчи, Ватанини ҳимоя қилувчи, умматига қалқон бўлувчи, Раббисига ибодат қилувчи, барча халойиққа яхшилик этувчи, ер юзини обод қилувчи, ўзига юклатилган вазифани мукамал адо этувчи бўлишга даъват этади.

Аммо ижтимоий ҳаётда қатор иллатлар мавжудки, улар инсонни оиласи, жамият ва давлат олдидаги бурчи ва масъулиятдан ўзоқлаштириб қўяди. Уларнинг айримлари устида тўхталиб ўтиш жоиз саналади.

Ижтимоий иллатлар :

– оммавий маданиятга эргашиш, билимсизлик, ахлоқсизли, маданиятсизлик ва тартибсизликни тарғиб қилиш;

– жинойтчилик йўлига кириш;

– кашандалик;

– ўз жонига қасд қилиш;

– гиёҳвандлик;

– ахлоқсизлик;

– спиртли ичимликларга ружу қўйиш;

– жамоат жойида кийиниш маданиятини бўзган ҳолда юриш, миллий ва диний кадриятларга нисбатан ҳурматсизлик;

– катталарга ҳурматсизлик;

“оммавий маданият”га эргашиш ва эргашишни тарғиб этиш;

жинойтчилик;

спиртли ичимликларга ружу қўйиш;

ахлоқсизлик;

баданга турли хил татуировкалар чизиш;

жамоат жойида кийиниш маданиятини бўзган ҳолда юриш;

билимсизлик, ахлоқсизлик, маданиятсизлик ва тартибсизлик;

миллий ва диний кадриятларга нисбатан ҳурматсизлик ва катталарга ҳурматсизлик;

ўз жонига қасд қилиш.

“Оммавий маданият” деганда ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизига беписандлик билан қараш, уларни қўпориб ташлашга йўналтирилган таҳдидлар назарда тутилади. “Оммавий маданият” ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қарашни тарғиб қилади.

Миллий истиқлол ғоясига зид бўлган ва бегона ғояларнинг кириб келишига ва ёшлар онгини эгаллашга, уларни, мамлакатимизда белгиланган улут мақсадларни амалга оширишдан оғдиришда ўринишлар бўлганлигининг

гувоҳимиз. Бундай ҳаракатларнинг тарафдорлари “дўст”, “миллатдош”, “ватандош”, “диндош” бўлиб кўриниш мақсадида ўз ғояларини амалга оширишга ўринадилар. Натижада, миллий кадриятларимизга зид бўлган турли-хил қарашлар аҳоли, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилади.

1. Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг деярли барча жойларида тарқалган гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик офати сабабидан инсон жони ва ақлини ўз вазифасини адо этишидан маҳрум қилиб, ҳаётга эндигина қадам ташлаб келаётган азиз фарзандларимизни ногирон бўлиб қолишларига олиб келмоқда.

Ислом таълимоти инсон ҳаёти учун фойда келтирмайдиган, ақл-хушини қарахт қиладиган ҳар қандай кайф берувчи моддани зарарли деб билади ва уни истеъмол қилишдан қайтаради. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ҳақда марҳамат қилиб айтганлар: ҳар қандай маст қилувчи, баданни бўшаштирувчи ва сусайтирувчи нарсаларни истеъмол қилишдан қайтардилар”.

Шариатга мувофиқ, инсонга зарар келтирувчи нарсаларни тарқатиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Қуръони Каримнинг “Аъроф” сураси 157-оятда, “... У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади дейилган.

Инсон ҳаёти айниқса, ёшларимизнинг келажагига раҳна солиши мумкин бўлган гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши курашиш Ватанимизнинг ҳар бир онгли фуқаросининг, қолаверса ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланиши лозим. Зеро, жамият ҳаётида мавжуд бўлган зарарли иллатни йўқ қилиш ва уни олдини олиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг шарафли бурчидир.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтганлар: “Сизлардан ҳеч бирингиз Ўзига севган нарсани биродарига ҳам бўлишини истамагунча, ҳақиқий мўмин бўлмайди”.

Мана бу ҳадисдан биз шу нарсани тушунишимиз керакки, яъни, ўзига раво кўрган фаровон ҳаёт, соғлиқ ва саломатликни бошқаларга ҳам раво кўриш, уларни ҳалокатга етакловчи иллатлардан қайтариш ҳақиқий мўминлик аломатларидандир.

Оилаларнинг бузилиб кетиши.Ислом дини ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшилари қаторига қўшади. Бу ҳақда Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қиладиларки: “Сизларнинг ичингиздаги яхши эркак ўз аҳли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлгандир. Мен эса ўз аҳлимга сизлардан кўра яхшироқ муносабатдаман”.

Албатта, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, инсон зоти айбу нуқсондан холи эмас. Шундай экан, эркаклар ўз аёлларининг айбларини беркитиб, оиланинг бардавом бўлишлигини кўзда тутган ҳолда уларга панду насиҳат қилиб туришлик буюрилади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: “Ҳеч бир мўмин ҳеч қайси мўмина аёлини ёмон кўрмасин. Агар унинг хулқ атворидан бирини ёқтирмаса, бошқа хулқини ёқтириши мумкин”.

Эркак кишининг энг катта бурчи ўз қарамоғидагиларни ўзгаларга қарам бўлиб қолишига йўл қўймасликдир. Дарҳақиқат, эркакларнинг зиммасига нафақаи аҳли аёл фарздир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларининг бирида: “Киши ўз

қарамоғидагиларини нафақасиз ташлаб кўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қилади” – деб марҳамат қилганлар.

Моддий таъминот бўйича аёл эридан унинг тоқати етмайдиган нарсаларни талаб қилиш мумкин эмас. Уламоларимиз айтадиларки, эрининг топганига қаноат қилмасдан, ундан янада кўпроқ нарсалар талаб қилган аёллар гуноҳкор бўладилар.

Хуллас, оила бошлиқлари, яъни ота-оналар намунали, аҳил оила курсалар, фарзандларнинг тарбияси ҳам осон бўлади. Бинобарин, оиланинг муқаддас даргоҳ эканини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Сабрли бандалар Аллоҳ таолонинг қандай ваъдаларига доҳил бўлишлигини юқоридаги ояти каримадан яққол кўришиб турибди. Мана бу ояти каримага амал қилиб, ундаги ваъдаларга эришиш барчаларимизга насиб этсин!

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қиладиларки: “Мўмин киши қандай ҳам бахтли! Унинг барча ишлари яхшиликдан иборат. Масалан, унга бирор хурсандчилик етишганда шукр қилса савоб олади, бу ҳам яхши. Шунингдек, унга бирор ҳафачилик етишганда сабр қилса, яна савоб олади, бу ҳам яхши. Бундай бахт фақат мўмин кишигагина насиб бўлади”.

Татуировка- тери остига ранг юбориб турли хил шакл ва нақшлар чиздириш. Татуировка чиздириш аввалари махбусларга хос одат эди. Аслида эса у турли юқумли кассаликларни келтириб чиқаради.

Баданга турли хил шаклларни чиздириш амаллари миллий ўзлимиз ва урф-одатларимизга зид. Қолаверса ривоятларда бу каби одатлар дўзах аҳлининг жирканч одатларидан экани таъкидланади. На ўзлимиз ва на динимизга тўғри келадиган, иймонимиз, жисмимизга зарар келтирувчи бундай амалдан нафақат ўзимизни, балки бошқаларни ҳам асрашимиз лозим.

Ўз жонига суиқасд қилишлик. Кейинги пайтларда баъзи инсонлар айниқса вояга етмаган йигит ва қизларимиз ҳаётда дуч келадиган синов, қийинчилик, муваффақиятсизлик, мусибатларга сабр қилмасдан, арзимаган тортишувлар орқали, шайтоний васваса, тушкунлик ва умидсизликка берилиб ўз жонларига қасд қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Ислонда ўзини ўлдириш қатъиян ман этилган: Қуръони Каримнинг (“Нисо” сураси, 29-оятда) шундай дейилади: “Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шавқатлидир”. Уламолар “ўзларингизни ўлдирмангиз” жумласини мусулмонлар учун бир-бирларини, шунингдек ўз-ўзини ўлдиришни таъқиқ сифатида тафсир қиладилар.

Кўплаб ҳадисларда ҳам инсон ўзини-ўзи ўлдириши ман этилгани таъкидланади, масалан: “Собит ибн аз-Заҳҳок ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай дедилар: “... Кимки бирор қурол билан ўзини ўлдирса, жаҳаннамда ўша қурол билан унга азоб берилади. Мўъминни лаънатлаш уни ўлдириш билан баробардир.

Шунингдек, яна кўплаб манбаларда ислон фақиҳлари томонидан мусулмон шахс тинч-осойишта ҳаётда бўлса ҳам ўзини-ўзи ўлдириш у ёқда турсин, ўзига ўдим тилашлик ҳам қораланганини, ҳатто душман билан бўлган курашларда

ўзини ўлдирилишига имкон ҳам туғдирмаслиги лозимлиги таъкидланади.

Ҳаёт инсон учун берилган қадрли омонатдир. Шунингдек, у Аллоҳ тоало томонидан инсонга топширилган имконият ва масъулият. Инсон бу неъматни асраб-авайлаши, унга хиёнат қилмаслиги лозим. Акс ҳолда, энг оғир жиноятга қўл урган, ўз зиммасига катта гуноҳ орттирган бўлади.

Мазкур келтирилган далиллар ва фатволарга асосланган Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши “Ўзини-ўзи турли йўллар билан қасддан ўлдиришнинг оғир гуноҳлиги ҳақида фатво беради ва бегуноҳ инсон қони тўкилишига олиб келувчи бундай жирканч ҳаракатни қатъий қоралайди”. Уламолар кенгаши барча мўмин-мусулмонларни огоҳликка, хушёрликка чақириб, юрт тинчлигига раҳна солишга ҳаракат қилувчи ёвўз кучларга қарши курашда фаол бўлишга даъват этади.

Фолбинларга бориш. Ҳозирги кунларда ҳам ғайб илмини биламан дейдиган фолчи-ромчиларнинг сўзларига ишонадиган кимсаларнинг кўпайиб бораётгани жуда таассуфли ҳолдир. Уларнинг берган тахминий маълумотларига ишониш натижасида қанчадан-қанча оилалар бузилиб кетаяпти, ака-ука, куда-андалар ўртасига совуқлик тушаяпти. Бир-бирларидан бадгумон бўлиш каби нохуш ҳолатлар ана шу фолбинларнинг шум хабарлари натижасида вужудга келаяпти. Бинобарин, оят, ҳадис, муътабар китоблар ва илмий асослар билан исботламаган гапларга ишонишдан сақланишимиз даркор.

Аллоҳ тоало марҳамат қилган: Айтинг: «Аллоҳдан бошқа осмонлар ва Ердаги бирор кимса ғайбни билмас». Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар”.

Пайгамбаримиз (с.а.в.)дан фолбинлар ҳақида сўралганда, у киши шундай деган эканлар: “Одамлар Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳўзурларига келиб коҳин ва фолбинлар ҳақида сўрашганда у зот: уларнинг сўзи ҳеч нарса эмас, дедилар. Одамлар эса: Эй Аллоҳнинг Расули, гоҳида ўша фолбинлар айтган сўзлар тўғри чиқиб қолади-ку, дедилар. У зот: аслида бу сўзлар ҳақ бўлиб уни жинлар фаришталардан илиб олишади ва ўз дўстлари бўлмиш фолбинлар қулоғига етказиб беради. Фолбинлар эса, ўша нарсаларга юзта ёлғонни қўшиб одамларга етказадилар” – дедилар.

Ташвишли таҳдидлардан бири одам савдосидир. Инсон тирик мавжудотлар орасида ақл-идрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам озод ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидай ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, кадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид туғдирмоқда. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда. Ўзбекистоннинг ўзида тирикчилик қилиш имконияти бўла туриб, баъзи юртдошларимизнинг хорижга олиб кетиб сотилиши, хўрланиши, қулликка ёлланиши на бизга, на миллатимизнинг маънавий қадриятларига тўғри келмайди. Фикримизча, фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишининг бир неча сабаблари бор: – одамларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги; – тез вақт

ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи; – енгил иш топиш орзуси; – ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик; – айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайри инсоний ва ғайри қонуний ҳаракатлари; – жиноятдан жабрланганларни дунёқарашининг торлиги, саёзлиги.

Интернет тармоғида ёшлар учун кўплаб тижорий, ирқий, миллий, диний ва порнографик мазмундаги таҳдидлар мавжуд. Франсуз сайтларидан ўрин олган порнографик суратлар сони ҳозирги кунда 300 000 тадан кўпроқни ташкил этади.

Экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тарқалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугундек таҳдид солмаган. Шундай экан, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига даҳлдор масалага айланди. Яна бир иллат борки, унинг натижасида жамият пароканда бўлиб, тарбия буткул издан чиқиши мумкин. Бу лоқайдликдир.

ДИНИЙ МУТААССИБЛИК МУАММОСИНИ ПСИХОЛОГИЯДА ЎРГАНИЛИШИ

Қаххоров Сарвар Сайфиддинович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси

Диний мутаассиблик масаласи бугун пайдо бўлган феномен (ҳодиса) бўлмай, у ўзининг тарихига эга. Диний мутаассиб шахси ҳам айнан объект сифатида маълум ақидани танлайди ва уни юқоридаги каби “севиб” қолади. Натижада эса ўз объектига қарши ёки алоқадор бўлмаган ҳар қандай таъсир, маълумотни инкор этаверади [1, 39].

Диний мутаассиблик масаласини тарих, фаласафа, диншунослик ва психология каби қатор фанларда тадқиқ этилган. Муаммони таҳлил этишда фанлар ўз принципларига асосланган. Масалан, тарих фанлари тизимида диний мутаассибликни пайдо бўлиши, ривожланиши ва унга сабаб бўлган тарихий давр ёритилган бўлса, фалсафада эса мафкуравий бузилишлар билан тасвирланади. Диншунослик фанлари диний мутаассибликни ақидавий янглишишлар билан изоҳласа, психология фанлари тизими эса шахснинг деиндивидуаллашувига таянувчи маълум ғояга ҳаддан ортиқ қарамлик ҳолати сифатида тушунтирилади. Диний мутаассиблик муаммоси психологик тадқиқотларда қисман ўрганилган бўлиб, аммо бу тадқиқотлар диний мутаассибликни тўлиқ ёритиб берган, деб айтиб бўлмайди. Диний мутаассиб шахс, уни ўзига хос хусусиятлари, фаолият мотивлари етарли даражада изчил ёритилмаган.

Диний мутаассиб шахсининг ўзига хос классификацияси тўлиқ ҳолда ўрганилмаган. Ўрганилган манба ва адабиётлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

Биринчидан, диний мутаассиблик фақатгина ислом динига боғлиқ бўлмай, балки бошқа динларда ҳам кўп кузатилади.

Иккинчидан, диний мутаассибликнинг намоён бўлишида дастлаб мутаассиб жамоанинг ақидавий қарашлари устунлик қилган бўлса, кейинчалик бу энди инсон шахслилигини йўқотиш эвазига ҳокимиятни куч билан эгаллалаш мотиви устунлик қилар экан.

Учинчидан, аксарият манбаларда диний мутаассиб шахс одатда террорчига айланиши таъкидланган. Демак, диний мутаассиб шахсини тадқиқ этиш натижасида террорчи шахсининг ҳам психологик қирраларини аниқлаш, ёки аксинча, террорчи шахсини психологик тадқиқ этиш билан диний фанат шахсини хусусиятларини ҳам ўрганиш мумкин бўлади.

Тўртинчидан, диний мутаассиб шахсларни ўзига хос психологик хусусиятларини инобатга олиб, уларни коррекциялаш, соф ақидадан адашмасликлари учун дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳатто олдиндан мутаассибликка мойил бўлган шахслар билан психологик консултациялар ташкил этиш орқали уларни сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Бешинчидан, диний мутаассиб шахси шаклланишида психологик омилларнинг аҳамияти юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, тарғибот ишларида психолог мутахассислар иштирокини таъминлаш яхши натижа бериши мумкин.

Олтинчидан, мустақиллик шароитида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган обод юртимизда ислом динининг ўрни, унга бўлган қизиқишнинг юқорилигини инобатга олсак, бу омилдан диний мутаассиб оқимларларни фойдаланишга уринишлари, диний мутаассиб оқимлар тузилиши, таркиби, психологик муҳитини билиш уларга қарши курашнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Айни пайтда, асрлар давомида мусулмон дунёсидаги вазият мураккаблашиб бораётгани эътиборидан, унинг вужудга келишида мутаассибликка асосланган диний экстремизм ва терроризм, нафақат мусулмон оламига, балки бутун инсониятга таҳдид манбаи бўлиб қолмоқда. Зеро, мазкур мутаассиб кучлар, "...табiiйки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами дунёқарашини белгилай олмайди" [2, 222].

Шунингдек, тадқиқотларда мутаассиб-террорчи шахсининг:

-ёшлигидан она меҳридан жудо бўлиши;

-қулоқ аъзолари касаллигининг кўп учраши каби омилларни аҳамияти таъкидланади.

Тадқиқотларда Г.Айзенк сўровномасини террорчиларда ўтказилганда террорчилик актларининг

- 46% ини холериклар;
- 32% ини сангвиниклар;
- 12% ини меланхоликлар;
- 10% ини эса флегматиклар содир этганлиги кузатилган [3, 40].

Юқоридаги тадқиқот натижаларини таҳлил этар эканмиз, инсондаги мавжуд темпераментлар ҳам шахсдаги диний мутаассибликка мойиллигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин экан, деган хулоса чиқиши мумкин. Қолаверса, ёш хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, бу қўлланмада мутаассиб-террорчи гуруҳлар аъзоларининг ўртача ёшлари 16-35 атрофида эканлиги аҳамиятлидир. Зеро, инсоннинг жамиятдаги ўз ижтимоий статуси (мавқеи)ни англаш ва реал “мен”ини намоёниш этишлиги ҳам айнан шу ёш оралиғида кечади. Демак, маълум ижтимоий тўсиқларга учраган, рухий тушкунликка учраган шахсда диний мутаассибликка мойиллик ортиши мумкин экан.

Шунингдек, ушбу қўлланмада террорчи шахс типлари ажратилиб, улардан 2-мафкуравий мутаассиблар (этикодий, мафкуравий, сиёсий) ҳисобланиши ва бу тип бошқа типлардан кўра энг хавфли тип деб таъкидланади. Алиасхаб Мурзаев ўзининг “Психологические предпосылки развития религиозного фанатизма” номли мақоласида эса мутаассиб шахсининг унинг этикоди ва индивидуал хусусиятларини ўзаро қарамлигини алоҳида ажратиб кўрсатади. У ўз мақоласида шахс характери билан этикодини диалектик (ўзаро, узвий) боғлиқдир, деб кўрсатади. Яъни бунга кўра, ҳар қандай этикод шахсни индивидуал хусусиятлари таркибига кирувчи индивидуал маънога эга бўлади. Қолаверса, у диний мутаассиб шахсини характер акцентуация (шахсининг маълум хусусиятини бошқа хусусиятларига нисбатан яққол намоён бўлиши)сига эътибор беради. Демак, юқоридаги тадқиқотларни таҳлил қиладиган бўлсак, диний мутаассиб шахс одатда, террорчи шахсига айланар экан. Ундаги мавжуд хусусиятлари, фаолият мотивлари ўзгариб, ундаги характер акцентуацияси ниҳоятда яққол бўртиб кўриниб қолар экан. Қолаверса, тадқиқотларда мутаассиб-террорчиларнинг темперамент лотинча “темпераментум” сўзидан олинган бўлиб, “аралашма” деган маънони англатади [4, 134]. ларига алоҳида бағишланган ишлар эътиборга моликдир. Умумий қараганда эса амалга оширилган ишлар диний мутаассиб шахсининг маълум хусусиятларини ёритиб бера олади холос. Диний мутаассиб шахси психологиясини комплекс тадқиқ этган манбаларнинг мавжуд эмаслиги бу муаммонинг нақадар зарурий ва муҳим эканлигини англатади. Биринчи Президент Ислам Каримов: “...ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишга ишонч ҳисси сўнгги чораларга-зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо

бўлишига замин яратади”, деб айнан диний мутаассибликни таърифлаган эдилар [5, 38]. Хулоса қилганда, диний мутаассиб шахс, уни психологик портрети, тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари яхлит ҳолда чуқур илмий тадқиқотларни кутиб турибди.

Юқоридаги тадқиқотларда ҳам бу масалалар алоҳида ўрганилган, аммо комплекс тарзда илмий-психологик билимлар ўрганилиши, тажрибалар ўтказилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаххоров С.С. Диний мутаассибликни тавсифловчи омиллар // Ёшлар хулқ-атвори ва дунёқарашининг шаклланишида ижтимоий-психологик таъсирларнинг тутган ўрни. – Республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент ш., 2021 й.
2. Каримов И.А. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 222.
3. Душанов Р.Х.. “Жиноятчи шахс психологияси”. – Тошкент-2011. ИИВ Академия. – Б. 40.
4. Холжигитова Н. “Умумий психология” -ТОШКЕНТ 2009. – Б. 134.
5. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон,1997. – Б. 38.

БОЛА ШАХСИДА САНОГЕН ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Абдурахмонова Зухра
Низомий номидаги ТДПУ Психология кафедраси
психология фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd), доцент в/б.*

Аннотация: *ушбу мақолада бола шахсининг соғлом позицияда ривожланишида саноген тафаккурнинг аҳамияти ҳамда унга таъсир этувчи ижтимоий омиллар, саноген тафаккурга оид хориж олимларининг илмий қараишлари келтирилган.*

Калит сўзлар: *шахс, ўсмир, позитив, креатив, мантиқий, саноген тафаккур, хулқ-атвор.*

Юртимизда таълим муассасалари ва тадқиқот марказларида бола шахси тафаккурини ривожлантириш, ўсмирлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларни, суицидни олдини олиш, кибермания ва наркоманиядан ҳимоя қилиш, ёт вайронкор ғоялардан асрашга хизмат қилувчи психопрофилактик ва психокоррекцион ишларни амалга ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб

борилмоқда. Бола шахсида мулоқотмандлик, эмпатия, шукроналик, муваффақиятга интилиш мотивацияси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ўз мавқеига эга бўлиш жиҳататлари саноген тафаккурни намоён этувчи ижтимоийлашув хусусиятларни ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада позитив, креатив, мантиқий, тарихий, маънавий тафаккурларни ривожлантириш механизмларини кучайтириш, мулоқотга интилиш, билишга интилиш, ўзини ўзи намоён этиш, иродалилик сифатлари, эҳтиёжлар, мотивларни ривожлантириш масалаларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилган. Президентимиз таъкидлаганидек: “Зъро, бугун инсоният ғоявий урушлар, маънавий зиддиятлар, зўравон ғояларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган ўйинлари авж олган шиддатли замонда яшайпти. Ҳозир бузғунчилик, ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан ҳам хатарли тус олмоқда. Ёшларимиз бундай шароитларда ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлиши, фитна ва ғаразли мақсадлар, манфаатдор кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутмасдан, ёшлигиданоқ соғлом ўқувчиларда саноген тафаккурни шакллантириш лозим”.¹

Рус психолог олимаси Л.И.Адамян одам эмоционал соҳаси саноген тафаккур ёрдамида фаровонликка эришиши мумкин бўлган илмий фараз ҳисобланади. “Саноген тафаккур-ақлий мувозанатга эришиш учун восита ва механизм бўлиб хизмат қилади. Бу эса ақлий ҳолатларни тан олиш ва тартибга солиш имконини беради. Саноген сўзи соғлом маъносини англатар экан, соғлом тафаккур ижтимоий мақбул бўлган хулқ-атвори бошқариб, хотиржам ҳаётни таъминлаш, функциясини бажаради. Патоген тафаккур турли руҳий касалликларни, азоб-уқубатларни оғир изтиробларни келтириб чиқарса, саноген тафаккур эса бундай салбий жараёнларга қарши курашишга ёрдам беради. Шу билан бирга саноген тафаккур–ҳиссий мувозанат, ҳаётий фаравонлик, биологик саломатликка ҳам ҳисса қўшувчи ҳис-туйғулар, ҳамда жараёнларнинг натижаларини англаб ижобий хулоса чиқаришдир”.²

Саноген тафаккурга умумлаштириб таъриф берганда “Саноген тафаккур билиш жараёнларининг оптималлаштирилиши (эътибор, тасаввур, хотира, ҳис қилиш) ва ақлнинг ижобий фазилатлари ақл, мослашувчанлик, мустақиллик, танқидий фикр, ақлга амал қилиш қобиляти ҳамда стрессга қарши курашиш учун ички шароитларни яратувчи тафаккурдир” -деб таъриф бериш мумкин.

А.В.Колеватовнинг таъкидлашича “Вазиятга мос келмайдиган қарама-қаршиликлар; журъатсизлик кўрқув, ваҳима, жиззакилик, нафрат, ғазаб, уялиш ҳисси, хафагарчилик кабилар шахснинг ҳаётий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, масалан: ҳаёт фақат бахтсизликдан иборат, ҳамма инсонлар ёмон, омад йўқ нарса, бўлмади ҳам, ҳаёт бу -зулмат, мен энг омадсиз одамман каби салбий фикрлар билан яшайди. Хатто салбий ҳодисалар, бахтсизликларни кутиб, ўз

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент: “Ўзбекистан”, 2017. -Б.488.

² Адамян Л.И. Связь саногенной рефлексии с показателями психологической устойчивости личности // Теория и практика общественного развития. – 2012. – № 3. – С. 73–76.

тасаввурларига чақиради. Шунинг учун ноаниқ фикрлар билан ташвишга тушиб, натижада руҳий ва биологик саломатлигини йўқотади. Бу хатти-ҳаракат патоген тафаккур деб аталади. Инсоннинг соғлом ва носоғлом турмуш тарзи шахсий хатти-ҳаракатларнинг яъни патоген ё саноген тафаккури таъсирига боғлиқдир”.³

И.Е.Волпертнинг сўзларига кўра, саноген тафаккур-стрессли вазиятлар, оғир ҳолатларда жараёни позитив томонга қабул қила олиши билан ижобий жиҳат ҳаисобланади, кейинчалик бўшашиш ёки воқеа ёки тасвирни янги ижобий ҳиссий контекстга кўчириши, яъни тушкунлик ҳолатларини ёрқин ҳолатлар сифатида баҳолаб эслаши мумкин, ҳиссиётни келтириб чиқарувчи тасвир ёки воқеадан ҳам керакли сабоқ олишга интилиши, ўзини самимий намойиш этиши, унинг ҳаётида салбий оқибатларни келтирувчи объектдан воз кечишга интилиши билан ажралиб туради; [23].

Саноген тафаккурни ривожлантириш функциялари:

а) *коммуникативлик* - мулоқотмандлик, ахборот алмашиш, киришимлилик, муомала маданиятига эга бўлиш, мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этиши ва тушуниши;

б) *перцептивлик функцияси* – ўзлаштириш, идрок этиш, ҳис қилиш, ўзгаларнинг ички дунёсига кириш, психик ҳолатларнинг нозик жиҳатларини тушунишга хизмат қилувчи кузатувчанлик фазилати;

в) *Акмеологик функцияси*- юқори чўққига интилиш, етукликка эришишга қаратилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, мақсадли фаолият;

г) *Аксеологик функцияси*- миллий урф-одат, анъаналар, кадриятларга садоқат, миллий этнографик турмуш тарзини ифода этувчи фазилатларни шакллантириш;

д) *Социологик функцияси* - шахс ижтимоий-психологик мавжудот сифатида хамиша ижтимоий муҳит таъсирида бўлади ва уларни англайди. Ижтимоий онг, ижтимоий хулқ ва ижтимоий фаолиятни шакллантиришга қаратилган маънавий-ахлоқий тарбия (ватанпарварлик тарбияси; ҳарбий ватанпарварлик тарбияси; байналминал тарбия, фуқаролик тарбияси), ижтимоий киёфасини, ижтимоий образини, тасаввурларини ўрганади. Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради;

е) *Валеологик функцияси*-саломатлик соғлом бўлиш маъноларини билдириб, шахснинг индивидуал руҳий, жисмоний, физиологик саломатлиги, ишчанлик қобилияти ва умрнинг максимал давомийлиги муҳитида ижтимоий фаолликни сақлаб қолишга эришиш;

ё) *Рефлексивлик функцияси*-ўзини ва ўзгаларни хатта-ҳаракатлари ва ҳолатларини тўғри тушуниш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

ж) *Креативлик функцияси*- ноанъанавий, бетакрор кадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул қилиш, ўзгача ва такрорланмаган ғоялар асосида ноёб фикрлаш қобилияти.

Таълим жараёнида ўсмирларда танқидий тафаккур, рефлексияни

³ Колеватов А.В. “Формирование саногенной направленности личности курсантов юридических вузов ФСИН России в процессе профессиональной подготовки” Автореферат к.п.н. М.-2014.

ривожлантиришга эътибор берилиши, психологик манипуляция ва унинг таъсирини бартараф этиш восита ва усулларига батафсил тўхталиш лозим. Чунки, ўсмирларга психик таъсир кўрсатиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга “.. маълум мақсадни кўзлаб, бошқа инсоннинг ҳиссий ҳолати, хулқ-атвори, онги, тафаккурини ўзгартириш сингари ғаразли ниятда амалга ошириладиган манипулятив таъсир аҳолига катта хавф туғдиради”.⁴ Шунинг учун ўсмирларда танқидий ва креатив ва позитив фикрлашни шакллантириш ижтимоий зарур ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, шахснинг психологик саломатлиги, ҳимояси мураккаб, кўп даражали ижтимоий, ижтимоий-психологик ва индивидуал-шахсий механизмларнинг мавжудлигида намоён бўлиб, шахс психологик ҳимоясининг шаклланиши, фаолиятининг баъзи йўналишлари ва асосий даражалари тадқиқи ўз навбатида унинг тизим сифатида характерини тасаввур қилишга имкон беради.

Шахс онгининг четдан бошқарилиши ва ахборий таъсирнинг емирувчи оқибати, таъсирга нисбатан иммунитетни шакллантиришда, психологик қарамлик, инсоннинг манипуляция этилиши, онгининг назорат қилиниши профилактикасида энг асосий эътибор танқидий тафаккур ва рефлексияни ривожлантириш, ижтимоий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришда таълим жараёнида нафақат билим, кўникма, малакаларини такомиллаштиришга, балки интерактив усуллардан, психологик ўйин ва машқлар, тренинглар, мунозаралар, ролли ўйинлар, дебатлардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2017,- 48 б.

2. Адамян Л.И. Связь саногенной рефлексии с показателями психологической устойчивости личности // Теория и практика общественного развития. – 2012. – № 3. – С. 73–76.

3. Алимбаева Ш “Ўсмирлар ўқув фаолиятида хавотирланиш намаён бўлишининг психологик хусусиятлари” ном дис Т.: 2012,- 149 б.

4. Колеватов А.В. “Формирование саногенной направленности личности курсантов юридических вузов ФСИН России в процессе профессиональной подготовки” Автореферат к.п.н. М.-2014.

⁴ Алимбаева Ш “Ўсмирлар ўқув фаолиятида хавотирланиш намаён бўлишининг психологик хусусиятлари” ном дис Т.: 2012,- Б.149.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ YOSHIDAGI BOLALARDA TAFAKKUR VA XOTIRASINI RIVOJLANTIRISH METODIKALARI

Umarova Maxbuba Xikmatullaevna
Farg'ona viloyati Quvasoy shahar 4-DMTT direktori

Voqelikning inson ongida aks etishi turli xil jarayonlar, sabablar orqali yuz beradi. Bu jarayonlar bir-biridan ajralgan holda emas, balki, bir-birini to'ldirgan holda doimo harakatda bo'ladi. Ana shunday asosiy jarayonlardan biri bu tafakkurdir.

Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev yoshlarning tafakkuri haqida: "Hozirgi kunda bor e'tiriborimizni yoshlarning kelajagi, ularning ravnaqiga qaratyapmiz. Bunga javoban biz yoshlarda tafakkur kengligini, fikrlashning tiniqligini ko'ryapmiz" deya ta'kidlaydi. Ha haqiqatdanda, yoshlar dunyoni tafakkur kengligi, uning o'sishi orqali tanib boradi.

Tafakkur ijtimoiy hayot sharoitida shakllanadigan jarayon bo'lib, u dastavval keng predmetli faoliyat sifatida namoyon bo'ladi. Keyinchalik u «aqliy» xatti-harakat xarakterini oluvchi shaklga aylanadi. Tafakkur inson bilish faoliyatining oliy shakli sifatida atrof olamni umumlashtirgan holda vositali aks ettirish imkonini beradi, predmetlar bilan hodisalar o'rtasida aloqa va munosabatlarni tashkil qiladi.

Tafakkur - yangilikni qidirish va ochishdan iborat psixik jarayondir. Bu yangilik sub'ektiv bo'lishi, ya'ni uni kimlardir qachonlardir topgan bo'lishi mumkin, lekin sub'ekt tafakkur jarayoni yordamida o'zi uchun uni yangidan kashf etadi, aks holda biz ko'proq xotira, o'tgan tajribalarimizni qayta tiklagan bo'lamiz. Bolalarni o'qitishda tafakkurning shu muhim xususiyatini asos qilib olish mumkin.

Maktabgacha tarbiya Yoshi - psixik rivojlanishning intensiv bosqichi hisoblanadi. Aynan mana shu yoshdan bolada juda kata o'zgarishlar ro'y beradi, ya'ni psixofiziologik funksiyalarning takomillashuvidan boshlab, to murakkab yangi shaxsiy obrazlarning paydo bo'lishigacha bo'lib o'tadigan jarayonlar sodir bo'ladi. Yangi obrazlarni, xayoliy hodisalarni analiz qilish maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarga xosdir, ammo natijalar hamisha ijobiy bo'lmasa ham, bolalar faoliyatini tahlil qilganimizda, biz shu narsaga amin bo'ldikki, bolalar predmetlarni tasavvur qilibgina qolmay, ularning o'zaro bog'liqligini ham xayolan tasavvur qilar ekan.

Tasavvurning rivojlanishi, tafakkurning shakllanayotgan jarayoni bilan tavsiflanadi, bu shakllanish bolaning xayoliy tasavvurlarining ixtiyoriy ko'rsatkichlari bilan bog'liqdir.

Bunday imkoniyat 5-6 yoshli bolalarda yanada yuqoriroq bo'ladi, chunki bola yangi aqliy harakat usullarini juda tez o'zlashtirib oladi. Maktabgacha tarbiya yoshining so'ngida ko'rgazmali-obrazli tafakkurning eng yuqori formasi ko'rgazmali-sxematik tafakkurning rivojlanishi ko'zga tashlanadi. Ko'rgazmali-sxematik tafakkur tashqi muhitni o'zlashtirib olish uchun juda katta imkoniyatlar yaratadi, ya'ni har xil predmetlarni va hodisalarni umumlashtirishning modeli uchun manba bo'lib xizmat qiladi. Bundan tashqari, tafakkurning ko'rgazmali-sxematik formasi, mantiqiy tafakkurni rivojlantirishning asosiy negizi hamdir. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda asosan obrazli, so'z-mantiqli va ko'rgazmali-harakatli tafakkur turi rivojlangan bo'ladi. So'z-mantiqli tafakkur turi esa maktabgacha tarbiya yoshidagi

bolalarda endi rivojlanish davrida bo'ladi. Mana shuning uchun ham maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning intellektini diagnostika qilish uchun, birinchi navbatda obrazli, so'z-mantiqli va ko'rgazmali-harakatli tafakkur turlariga e'tibor qaratish kerak. Mana shu bog'lanishlar va munosabatlar tufayli bolalardagi obrazli – so'z-mantiqli va ko'rgazmali-harakatli tafakkurni diagnostikalash uchun, biz har ikkala tafakkur turining muhim jihatlari inobatga olgan holda, ushbu tafakkur turlariga quyidagi metodikalarni tavsiya qilamiz.

1. Obrazli, so'z-mantiqli tafakkur turini baholash uchun metodikalar:

- a. «Mantiqsiz tasvirlar» metodikasi
- b. «Yil fasllari» metodikasi
- c. «Bu yerda nima ortiqcha?» metodikasi
- d. «Rasmlarga qanday predmet yetishmaydi» metodikasi
- e. «Guruhlarga bo'lib ko'r-chi» metodikasi

2. Ko'rgazmali-harakatli tafakkur turini baholash uchun metodikalar:

- a. «Konturlarni birlashtirish» metodikasi
- b. «Labirintdan chiqish, yo'lini top» metodikasi
- c. «Figuralarni qirqib chiq» metodikasi
- d. «Tasvirlarni ko'chirish» metodikasi

Bog'cha yoshidagi bolalarning tafakkuri va uning rivojlanishi o'ziga xos xususiyatga ega. Tafakkur bolaning bog'cha yoshidagi davrida juda tez rivojlana boshlaydi. Odatda, har qanday tafakkur jarayoni biron narsadan taajjublanish, hayron qolish va natijada turli savollarning tug'ilishi tufayli paydo bo'ladi. Ayrim otaonalar va tarbiyachilar agar bolalar ortiqroq savol berib yuborsalar, "ko'p mahmadona bo'lma", "sen bunday gaplarni qayerdan o'rganding", deb koyib beradilar. Natijada bola o'ksinib, o'z bilganicha tushunishga harakat qiladi va noto'g'ri tafakkur ularda rivojlanib boshlaydi. Bunday bolalarga turli mashg'ulotlar va sayohatlarda kattalarning o'zlari ham savol berishlari va shu bilan ularni faollashtirishlari lozim. Har qanday tafakkur, odatda biron narsani taqqoslash, analiz va sintez qilishdan boshlanadi. Shuning uchun biz ana shu taqqoslash, analiz va sintez qilishni tafakkur deb ataymiz. Sayohatlar bolalardagi tafakkur jarayonini faollashtirish va rivojlantirishga yordam beradi.

Kichik maktab yoshidagi bolalar xotirasini rivojlantirish metodikalari.

Inson dunyoga kelar ekan, asta-sekinlik bilan butun olamni tanib, ilg'ab boshlaydi. Uning tashqi ta'sirlarga javob reaksiyasi ham tobora kuchayib boradi. Bu jarayonlarning barchasi birdaniga sodir bo'lib qolmasdan, balki, turli xil omillar aralashuvi natijasida yuzaga keladi. Ya'ni, insonning bilish jarayonlari, hissiy-irodaviy sohasi, tashqi o'zgarishlar jamlanib insonni olamga, olamni esa, insonga tanitib boshlaydi. Ana shunday jarayonlar sodir bo'lar ekan, bunda albatta xotiraning o'rni bo'lakdir. Chunki, agar tashqi olamning bosh miya katta yarim sharlari qobig'ida hosil bo'ladigan obrazlari, timsollari va ularning izlari yo'qolib ketaversa, tajribaning saqlanishi, bilimlarning boyishi, murakkablashishi, muayyan tartibga kelishi, qaytadan jonlanishi mutlaqo mumkin bo'lmas edi.

Biz bilamizki, individning o'z tajribasini esda saqlashi, esda olib qolishi va keyinchalik uni yana qaytadan esiga tushirishi xotira deb ataladi. Xotira insonni kelajagini, tarixini, butun yashash jarayonini anglatib, eslatib turuvchi jarayondir.

Xotira individ dunyoga kelganidan rivojlana boshlaydi. Uni rivojlantirishda turli xil metodikalar, mashqlar va o'yinlardan foydalaniladi. Bugun biz, kichik maktab yoshidagi bolalar xotirasini rivojlantirishda foydalaniladigan metodikalar va ularning ahamiyati haqida so'z yuritamiz.

Xotiraning rivojlanishi bola bilan ishlashda ta'limning qaysi metodlari ustunligiga, uni o'rab turgan muhit idrok obrazlari bilan qanchalik boyligiga bog'liq. Xotirani rivojlantirishda juda ko'p metodikalardan foydalaniladi. Yosh davrlari va ontogenez psixologiyasi sohasida qiyoslash metodi turli yoshdagi odamlarning bilish jarayonlari, shaxsiy xususiyatlari, bilimlarni o'zlashtirish imkoniyatlari, aqliy qobiliyatlarining o'ziga xosligi va farqlarini o'rganishda qo'llaniladi. Intellektual testlar xotiraning mahsuldorligi yoki noyob xislatliligini aniqlashda qo'llaniladi. Bevosita esda olib qolish xususiyatlarini piktogramma, ya'ni rasmlı assotsiatsiyalar metodi orqali ham o'rganish mumkin. Sinaluvchi aniq so'zni rasmdagi tasvir orqali eslab qolishi kerak. Sinaluvchi so'z va tasvir o'rtasidagi aloqani o'ylab topishi kerak, bu esa keyinchalik so'zni qayta esga tushirishga yordam beradi.

R.Meyli testi 1961-yilda ishlab chiqilgan bo'lib, 7-14 yoshli bolalar va kattalarning ko'rish va eshitish xotirasini o'rganishda qo'llaniladi. Bu metodika orqali sinaluvchining esda olib qolish qobiliyati o'rganiladi. Bu tadqiqotlar bir kunda o'tkazilmaydi. Yana bir metodikalardan biri obrazlarni eslab qolishga yo'naltirilgan va "Obrazlar bo'yicha xotira metodikasi" deb ataladi. Metodikadagi obrazlarni (12 ta rasm) sinaluvchiga 20 sekund mobaynida o'rganish tavsiya etiladi. Obrazlarni eslab qolish lozim va 1 minut ichida blankada aks ettirish lozim.

Ko'rib esda olib qolingan narsani qayta tiklash metodikasi - ko'rish xotirasi xususiyatlarini D.Veksler (1945) taklif etilgan metodika yordamida o'rganish mumkin. Bu metodika xotira shkalasini o'rganish subtestlaridan biridir. Bundan tashqari xotirani rivojlantiruvchi mashqlardan: "So'zlarni aytib ber", "Sonlar ketma-ketligini top", "Predmetlarning o'rnini top" kabilar ham kichik maktab yoshidagi bolalar xotirasini rivojlantirishda foydalaniladi.

Umuman aytganda bolalarning xotirasini rivojlantiruvchi metodika va mashqlar turlitumandir. Ularni rivojlantirishda metodikalardan foydalanish albatta yaxshi natija beradi. Shuningdek, xotirani rivojlantiruvchi mashqlar uni rivojlantiribgina qolmasdan, balki, kichik maktab yoshidagi bolalar xotirasini mustahkamlashda ham foydalaniladi.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, eng avvalo, yoshlarning ongini, tafakkurini o'zgartirsak, tafakkur darajasini yanada o'stirishga erishsak, bolalarda ijtimoiy muhitdan ajralib qolish, nutqiy kamchiliklar, idrok etish, xotiraning sustligi, tafakkurning cheklanishi kabi salbiy jarayonlarni oz bo'lsada bartaraf qilishga erishgan bo'lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ergash G'oziyev "Umumiy psixologiya" Toshkent 2010. { 458-463-b }
2. Sh. A. Dustmuhamedova, Z.T.Nishanova, S.X. Jalilova "Yosh davrlari va pedagogik psixologiya" Toshkent 2014. { 110-112 b }
3. Z. T. Nishanova, Z.Q.Urbanova S.Abdiyev "Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya" Toshkent-2011. {49-66 b }

МАКТАБ ПСИХОЛОГЛАРИ ТОМОНИДАН ПЕДАГОГИК ЖАМОАГА КЎРСАТИЛАДИГАН ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Абдуллаев Ақобр Шоқир ўғли
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
психология йўналиши 1-курс магистранти

Аннотация: мазкур мақолада мактаб психологлари томонидан педагогик жамоага кўрсатиладиган психологик хизматнинг айрим назарий ва амалий асослари кўриб чиқилади ҳамда мактаб психологлари томонидан педагогик жамоага кўрсатиладиган психологик хизматнинг самарасини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: таълим, психологик хизмат, мактаб психологи, педагогик жамоа, педагоглар билан ишлаш алгоритми, амалий психология.

Ўзбекистонда психолог лавозими таълим тизимида киритилганидан буён 30 йилдан ошди. Лекин, ҳамма ўқитувчи ёки раҳбарлар ҳам психолог ким ва у нима иш қилиши кераклиги ҳақида етарли тасаввурга эга эмас.

Бир неча таълим муассасаларида ўтказилган сўровномаларда ўқитувчилар ва тарбиячилар мактабда психолог бўлишини керакли, деб ҳисоблайдилар. Лекин унинг ишидан қониқмаганлар ҳам кўп.

Кўпчилик педагоглар ўртасида психологнинг таълимдаги роли ҳақида нотўғри фикрлар юради. Уларнинг ўйлашича, психолог бир ўзи худди сеҳрли таёқчани бир силикииши билан иккичи болани ўзлаштирувчига, қитмир ва тўполончи болани итоатли ва гапга кирадиган болага айлантириб қўяди, ўқув мотивациясини кўтара олади, деб ўйлашади ва ҳоказо. Психолог эса, ҳаммадан кўра кўпроқ ўқитувчилар билан ишлаш мураккаблигини билади. Педагоглар ўзларига нисбатан танқидга чидай олишмайди, ўзига баҳо беришлари юқори ва бир вақтнинг ўзида паст, ўзгаришларга мослашмаслик, ёпиқлик, заифлик уларга хос. Шунинг учун психолог ўқитувчиларни забт этиб олиши керак, аввалига ўзига эмоционал яқинлаштириб олиши керак, кейингина педагогларга нималарда ва қандай фойдали бўлиши мумкинлигини етказиши керак.

Айниқса, психолог педагогнинг ўзаро муносабатлари учун диагностик ишлар жуда муҳим – деярли барча психологлар ўз ишини шу фаолият орқали ташкил қиладилар. Психолог томонидан диагностика натижалари тақдим этилганда, ўқитувчилар қисқа давр ичида бола тўғрисида шунча маълумот олиш мумкинлигига ҳайрон қоладилар, у ёки бу хулқ сабабларини кўра бошлайдилар. Ўзларини ўйлантирган саволларга жавоблар топганларидан ҳурсанд бўладилар, масалан, бола нега ёмонроқ ўқий бошлагани, яхши эслаб қолмаслиги, бир жойда ўтира олмаслиги каби. Бундай маълумотлардан ўқитувчи деярли қониқади. Авваллари ўқувчининг камчиликларини ўз ҳисобига ёзилаётган бўлса, психолог ёрдамида буларнинг аниқ сабабларини тушуниб боради.

Лекин эртами-кеч бу қониқиш йўққа чиқиб боради ва педагог қуйидаги саволни юзага келтиради: “Бу билан нима қилиш керак энди?” Ана шу жойидан қийинчиликлар бошланади. Ўқитувчи энди психолог унга юзага келган масала юзасидан, масалан, тарбияси оғир болалар билан ишини осонлаштирадиган нималарнидир айтади ва ҳатто, ундан ҳам яхшироғи, ўзи барча муаммоларни ҳал қилади, деб ўйлайди. Лекин психолог ўқитувчи билан ҳамжиҳатликсиз муваффақиятга эриша олмайди. Биринчидан, психолог бола билан ҳафтасига 1-2 марта шуғулланиши мумкин, ўқитувчи эса у билан ҳар куни ва жамоада мулоқот қилади. Иккинчидан, ўқитувчи – психологга қараганда аҳамиятлироқ шахс, ва у томонидан, айниқса синфдошлар олдида айтилган сўз кўпроқ вазнга эга учинчидан, ўқитувчи ва ўқувчи мулоқоти таълим жараёнида амалга оширилади – бу ҳам катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи томонидан билдирилган ножоиз танбеҳи билан психолог томонидан қилинган барча ишларни йўққа чиқариб юбориши мумкин.

Мактабда янги педагогик технологияларни эгаллаш учун ҳатто барча шароитлар яратилган бўлсада, бошқа турдаги қийинчиликлар ҳам мавжуд – ўқитувчиларнинг шахсий муаммолари. Масалан, ўқитувчи – авторитар шахс, баланд овозда гапиради, рағбатлардан кўра танбеҳларни афзал билади, ўқувчи эса – кўнгли нозик қиз, ўқитувчисининг юқори овозини жазолашдек қабул қилади, ўзини йўқотиб қўяди, топшириқларни бажаришдан бош тортади. Ақлий ривожланиши нормада бўлсада, ушбу фан бўйича ўзлаштиришда орқада қолади. Бу ерда нима иш қилиш керак? Ўқитувчи (айниқса салобатли педагогик стажга эга бўлса) ўз хулқини ўзгартиришга рози бўладими? Кўнмаслиги қўнишидан аниқроқ – ҳар бир ўқувчи учун ўзини ўзгартирмаслигини, ундан кўра яхшиси бу қизча ўзини ўзгартирсин, деган позицияда туриб олади.

Бошқа мисол. Ўқитувчи – энергияли, эмоционал одам, дарсларини юқори темпда олиб боради, биринчи бўлиб жавоб берадиган ўқувчиларга чин дилдан ҳурсанд бўлади. Лекин синфда табиатан секин ҳаракатланадиган, бепарқ бола бор. У ақлий ривожланишдан ортда қолган эмас, лекин секин ўйлайди. Унинг секин ҳаракатланиши ўқитувчинини асабийлаштиради, болани қобилиятсиз ва интилишни истамайдиган, деб ҳисоблайди. Бола муваффақиятсизлик ҳис қилади, чунки у уддасидан чиқа оладиган вақт талаб қиладиган вазифаларни ўқитувчи кам беради. Муаммони англаш ҳам унинг ечими бўла олмайди: “Энди битта уни деб қолганлар учун вақтни чўзишим керакми? Кейин мен дастурни бажара олмайанку”.

Шунингдек, педагогнинг бир қатор чуқурроқ шахсий муаммолари мавжудки, улар англамаган ҳолда болалар билан муносабатларга йўналтирилади, масалан, ўқувчилар ҳисобига ўзини тасдиқлаш, ўз камчиликларини, оилавий зиддиятларини, бошқа шахсий келишмовчиликларини уларда проекциялайдилар. Бу муаммолар одатда педагог томонидан англамайди ва профессионал жиҳатдан кам таҳлил қилинади. Бир қанча ҳолларда педагоглар психотерапевтик ишларга муҳтож. Ўтказилган сўровномаларга кўра педагогларнинг беш фоизигина психолог билан ишлашга рози бўладилар. Ўқитувчилар билан ишлаш жуда нозик иш. Психолог фаолиятининг бу йўналиши ундан нафақат умумпсихологик билимларни талаб қилади, балки дидактика асослари, психотерапевтик

компетенция, тренинглар ўтказиш кўникмаларига эга бўлиши кераклиги маълум бўлади.

Янги иш бошлаган мактаб психологи кўпинча қуйидаги ҳатоликларга йўл қўяди: мутахассис ёки педагогик коллективга ўз дастурини, билимларини мажбурлаб сингдиради (бунга зарурат йўқ, албатта) ёки сўровлар бўйича ишлай бошлайди (кимга керак бўлса, ҳаммага). Ҳар иккала вазиятда ҳам психологнинг касбий ўзини англаши (эътироф этиши) тўхтаб қолади, ишларининг самарлилиги йўқолади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мактаб психологлари томонидан педагогик жамоага кўрсатиладиган психологик хизматнинг самарасини ошириш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

Биринчидан – мактаб (умуман таълим муассасаларидаги) психологлар педагоглар билан олиб бориладиган ишлар нималардан иборат эканлиги ҳақидаги билимларни ўзларида шакллантиришлари, мустаҳкамлаб боришлари, интерактив методлар юзасидан амалий кўникмалар сандиғини бойитиб боришлари зарур;

Иккинчидан – ҳар бир таълим муассасаси психологи ўзининг педагогик жамоа билан ишлаш алгоритмига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Қуйида намуна сифатида мактаб психологлари учун педагоглар билан ишлаш алгоритми келтирилган. Мазкур алгоритм барча психологлар учун қулай бўлмаслиги мумкин, айниқча ўз тажрибасига эга, амалий билимлари мавжуд мутахассисларга бундай алгоритм керак бўлиши эҳтимолдан йироқ. Лекин, энди иш бошлаган психологлар аввало кузатув методидан фойдаланиб, кўшимча психодиагностик тадбирлар асосидаги таҳлилий маълумотларига кўра берилган типдаги алгоритмдан фойдаланишлари самара беради деб ўйлаймиз.

ПЕДАГОГЛАР БИЛАН ИШЛАШ АЛГОРИТМИ

Шакллар	Профилактика	Психологик маърифат	Коррекция
Гуруҳли	Негатив психоэмоционал ҳолатларни бошқариш малакаларини шакллантириш, конструктив коммуникацияларни психологик ривожлантириш ўйинлари.	Семинарлар. Психик саломатликни сақлаш бўйича суҳбатлар. “Баҳс-мунозаралар” Конференциялар. Кўргазмали материаллар	Шахслараро муносабатларни коррекцияловчи тренинглар. Шахсий ривожланиш тренинглари. Эмоционал ёниш коррекцияси. Релаксациялар.
Индивидуал	Шахсий ҳақрақтердаги муаммолар бўйича индивидуал консультациялар. Ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар билан муносабатлардаги муаммолар бўйича консультациялар.		

Учинчидан – педагогик жамоада муайян индивидуал ёки гуруҳий психологик муаммо аниқланганда ёки муаммога замин яратилаётганда

коррекцион-профилактик фаолиятнинг қуйидаги 5 асосий йўналишида психолог тегишли ишларни олтиб бориши тавсия этилади:

- I. Психологик маданиятни шакллантириш.
- II. Жамоада шахслараро муносабатлар коррекцияси.
- III. Коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш.
- IV. Психоэмоционал ҳолатларни яхшилаш бўйича малакаларни шакллантириш.
- V. Ўзига ишонч ва адекват баҳолашни шакллантириш.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, психологнинг педагогик жамоа билан олиб борадиган иши унинг ўқувчи-ўқитувчи-ота-она тизимида боғловчи ришта саналади. Психолог таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда ҳамкорлик қилиши мумкин, тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлашда тавсиялар бериши мумкин. Кўпчилик педагогларда эмоционал ёниш, нерв-психик барқарорликнинг пастлиги, сурункали чарчаш синдроми кабилар кузатилиши ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли педагогларни психологик қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим релаксацион, юқори эмоционал зўриқишни олдини олишга қаратилган техникалар.

Яна бир аҳамиятга молик жиҳат шундан иборатки, турли изланишлардан маълум бўлишича, кўпчилик ўқитувчиларда уларнинг касби фаолиятлари учун муҳим бўлган эмпатия, бошқа инсон шахсига ҳурмат, самимийлик каби характеристикалар ривожланиши паст даражада. Бу маълумотлар ўқитувчиларда ўқувчилар билан унумли ва ижобий мулоқотни ривожлантиришга қаратилган ишларни талаб қилади. Бундай тайёргарликлар натижасида дарс жараёнларини унинг ҳар бир иштирокчиси учун чуқур маъно билан тўлдирилган инсоний мулоқот сифатида қабул қиладиган бўлиши керак.

Ҳозирги замон психологлари ва педаголарининг педагогик меҳнат психологияси, касбий ривожланиш психологияси соҳасида олиб борилган тадқиқотлари интерактив методлар ёрдамида жадал таълим самарали бўлишини исботлаганлиги сир эмас. Ижтимоий ўзаро муносабатлар (интерактив методлар демак) замонавий мактаб ўқитувчиси шахсий мотивациясининг кадриятларга йўналган мазмунда шаклланишига шунингдек, инновацион фаолиятга йўналтиришда психологик оқартув фаолияти сифатида фойдаланиш аҳамиятга эга. Маълум бўлишича, интерактив методлар айнан шахс фаолияти ёки шахс йўналганлигини ривожлантириш концепциясида ўринли бўлиб, реал таълим амалиётида қўллашга имкон беради. Психотерапия ва консультациялар, биринчидан, инсонга ўзини компетентлироқ ҳис қилишга ёрдам берса, иккинчидан, ўзгалар билан муносабатларини яхшилашга, пировард натижада нафақат ўқитувчининг ўзига, балки у таълим бераётган болаларнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Адабиётгар рўйхати:

1. Алферов А.Д. Опыт и проблемы повышения психологической компетентности учителя // Вопросы психологии. 1987.
2. Алферов А.Д., Луговой Е.А. Учитель в системе психологической службы в школе // Вопросы психологии. 1985.

3. Амонашвили Ш.А. Единство цели: Пособие для учителя. М.: Просвещение, 1987.
4. Андреева Г. М., Богомолова В. В., Петровская Л. А. Современная зарубежная социальная психология. М.: МГУ, 1984.
5. Андреева Г.М. Социальная психология. М.: Аспект пресс, 1996.
6. <https://psyjournals.ru/psyedu/1999/n3-4/Lukjanova.shtml>
7. http://www.e-osnova.ru/PDF/osnova_22_6_8512.pdf
8. <http://www.kspu.ru/upload/documents/2019/03/26/c605457679b019ba663fba49664e1495/golubnichaya-ev-dissertatsiya-2603.pdf>

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Алимжоновна Нафосат Рустамовна
Абдулла Қодирий номидаги ЖДПИ магистранти*

Маълумки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг етакчи фаолияти бўлган ўқиш шу ёшдаги болалар психикаси ривождаги ўзгаришларни белгилаб беради. Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги ўрнини ўзгартиради. Унинг вазифаси ўқишдан, билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолади. Бошланғич синф ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари мураккаб бўлган кўп даражали мотивлар тизими билан бошқарилади.

Ҳозирги кунда ўқувчиларга берилаётган ахборотлар ҳажми, мазмуни кенг бўлиб, уларнинг ичидан бевосита ўзига ва келажакда керак бўладиган ахборотларни ажратиш олиш методи, маданияти етарли эмасликлари, уларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва уни керакли йўналишларга олиб ўтиш лозим эканлиги ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Психологик кузатувлар шуни кўрсатадики, ўқувчиларда бирор кўникма шакллантирилиши учун улар бир-бирини алмаштирувчи босқичлардан ўтиши зарур. Жумладан, П.А.Гальперин [2] ақлий фаолиятнинг шаклланиш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлади:

- ўқувчилар масаланинг қўйилиши билан танишиш босқичи. Бу босқичда ўқувчилар ўқитувчининг қандай йўллар билан масала ечишини кузатадилар.

- масалага доир маълумотларни англаш босқичи, бу босқичда ўқувчилар ташқаридан кузатиш билан ақлий фикр юритадилар. Масалани ечиш учун зарур бўладиган ҳаракатларни фикрлайдилар ва масала мазмунини, унинг элементларини ўргандилар. Ўқитувчи эса уларнинг бу ҳаракатини баҳолайди.

- масала ечиш жараёнини айтиб бериш босқичи (кичик синфларда оғзаки, катта синфларда ёзма равишда, баъзан бу босқич алоҳида ажратилмаслиги ҳам мумкин).

- масаланинг алоҳида элементларини ҳар бир ўқувчи ўзича ечиш босқичи, бу босқичда масаланинг қадамма-қадам алгоритм асосида ечилишини ўқитувчи кузатади.

- охирги босқич – бу ақлий ва ички фикрлашлар шаклланиши. Бу босқичда ҳаракатлар жуда тез кечади, кузатиш қийинлашади.

Бу босқичларнинг бир-биридан фарқи шундаки, ўқувчи олдин кўрсатмалардан фойдаланади, кейинги босқичларда эса ёддан ечишга ўтади, керак бўлган ҳолларда кўрсатмалардан фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг тафаккури ривожланишидаги фаолиятига доир кўникмалари ақлий ҳисобланади. Демак, ўқувчиларда ақлий кўникмалар ҳосил бўлиши босқичма-босқич олиб борилиши керак.

Тафаккур образи бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси умумий маданиятининг зарурий элементи бўлиб қолмоқда. Бугунги кун ва келажакни ўйлаган ҳолда замонавий мактабларда ҳам буни назарда тутиш керак. Мактаблар ҳамма билимлар билан таъминлаши мумкин эмас, у билимларни эгаллаш ва уларни амалда ижодий қўллаш олишга йўналтириш вазифасини бажаради [3].

Ўрганилган билимларнинг татбиқини, унинг алгоритмини ўрганишни, айниқса, ҳозирги ижтимоий-психологик билимлар билан бирга қараш жуда долзарб масалалардир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш асосида ўқувчиларда моддий дунёни кенг маънода билишни таркиб топтириш ва ривожлантириш, атроф-муҳитда бўлаётган барча ҳодисалар ўзгаришларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, иложи борича мустақил фикр юритиб, уларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифаларидандир [1].

Таълим-тарбия жараёнида билимларни қайта тартибга келтириш ва ўқувчиларни фаоллаштириш ўзига хос аҳамиятга эга. Дарс жараёнида назарий ва амалий билимларни ўзаро боғлашда, яъни мақсадга йўналтиришда фаол методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб бошланғич синф ўқувчиларга бериладиган билимлар тизимини қуйидаги босқичлар бўйича амалга ошириш мумкин, яъни:

- ҳар бир янги бўлимга ўтиш учун зарур бўлган олдинги билимлар, тушунчалар, қонуниятлар, қоидалар ва фикрларни таҳлил қилиш;
- олдинги билимни ўзаро синтезини янги билимни мушоҳада қилиш учун яроқли бўлган даражагача кўтариш;
- янги билимни таркибда қатнашаётган билим мазмунини англаб етиш ва олдинги билим билан узвий алоқасини ўрнатиш;
- янги ва олдинги билимлар ўзаро синтезини амалга ошириш ёрдамида унинг татбиқий кучини, таъсир доирасини кўрсатувчи йўналишларга тааллуқли мисол ва масалалардан намуналар келтириш.

Демак, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи-ўқувчи муносабати педагогик-психологик жиҳатдан амалга ошириладиган аҳамиятли ҳаракатлар ижобий мазмун касб этишида намоён бўлади. Бундай ҳаракатлар мазмуни эса уларнинг мотивацион негизи тўғрисидаги тасаввурларда очиқ беради.

Адабиётлар:

1. Акрамов, М. Р. (2014). Психолого-педагогические особенности экологического образования. *The way of science*, 78.
2. Гальперин П. Я. Развитие исследований по формированию умственных действий // Психологическая наука. - Т. I. - М., 1959. - С. 94-115
3. Давидов В.В. Проблемы развивающего обучения: Опыт теоретического и экспериментального психологического исследования. М.Педагогика 1986-240 с

КРЕАТИВ ТАФАККУРЛИ ЎСПИРИНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупова Гулбаҳор

ЎЗМУ, магистратура 2-курс талабаси

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, талабалар, илмий-педагог кадрларни замонавий касбий билимлари ва креативлик қобилиятларини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.⁵

Мавзу юзасидан асосий тушунчаларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўспиринликнинг илк даври 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган давридир. Ўспиринлар олида келгусида ким бўлиш, қандай фаолият тури билан шуғулланиш керак деган ташвиш туради. Шу сабабли бу даврда улардаги яратувчанлик қобилияти, ижодий тафаккурни ривожлантириш асосий масалалардан бири ҳисобланади.⁶

XXI аср ахборотлар оқими даврида ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига, шу жумладан таълим-тарбия соҳасига ҳам кўплаб янгиликлар кириб келмоқда. Ушбу янгиликлар билан бир қаторда уларни ёритувчи янги тушунчалар ҳам бизнинг илмий тилимизда қўлланилиши кузатилмоқда. Жумладан педагогика, яни таълим-тарбия соҳасида кейинги 20 йил ичида қуйидаги тушунчалар қўлланилмоқда ва бизнинг илмий тилимиз истеъмолида кенг ишлатилмоқда:

- педагогик технология,

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.

⁶ Ғозиев Э. “Ёш психологияси ва педагогик психология нимани ўрганди?”. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги. 2017

- илғор технология,
- илғор тажрибалар,
- инновация ва инноватика,
- педагогик неология, праксиология, аксиология,
- инновация ва инноватор,
- интерактивлик,
- стратегиялар,
- гуманистик педагогика,
- либерализация,
- Таълимда ахборот коммуникацион технологиялар,
- тарбия жараёнида технологиялар,

Биз шулар орасида «креативлик» тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу тушунча сўнгги йилларда таълим-тарбия жараёнларида малум даражада қўлланилмоқда. Лекин бу тушунчанинг мазмун ва маъносини таҳлил этишга ҳамда инсонларда креативликнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга доир қатор татқиқотлар олиб борилган. Айниқса бундай изланишлар психология соҳасида кенг ривожланган.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради. Кўриниб турибдики, креативлик бевосита шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Унинг ривожланиши эса интеллект-интуиция-мантикий фикрлаш жараёни таъсирида кечади.

Юқори синф ўқувчиларининг ўз атрофларини, ўраб олган воқеликни билиб олишга бўлган интилиши уларда дунёқарашнинг таркиб топишига шароит яратади. Улардаги назарий билимларнинг ортиб боришида синфдан ташқари ишлар, тўғараклар ижобий таъсир кўрсатади.

Илк ўспиринлик даврида ўқувчининг мустақил фикр юрита олмаслиги унинг психикасидаги жиддий камчилик ҳисобланади. Бу даврда ўқувчи ақлининг танқидийлиги вазиятга қараб ўзгарувчан характер касб этади. Бунинг асосий сабабларидан бири – воқеликнинг моҳиятини илмий жиҳатдан тўғри тушунмасликдир. Шунингдек ўспириннинг «ўз позицияси»да бўш келмаслиги, нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаб туриб, баъзан атайлаб «ўжарлик» қилиши ҳам бу ҳолатнинг бир кўриниши ҳисобланади. Э.Ғозиев таъкидлашича, «уларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулоҳазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидан кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Ақлнинг танқидийлигини тарбиялашда ўқитувчи ўқувчининг ўзига хос типологик хусусиятларига, ақлий камолот даражасига, билимлари савиясига, мулоҳаза доирасининг кенглигига, нутқ қобилиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишга нисбатан муносабатига, қизиқишининг хусусият ва даражасига, ақлий

фаолият операцияларини қанчалик билишига, мавжуд ўқиш кўникмаси ва малакаларига алоҳида эътибор бериши лозим»⁷.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, илк ўспиринлик даврига келиб ўқувчиларнинг билиш (креатив-ижодий) фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар, касб-хунар мотивлари, интилиш, мойиллик, табиат ва жамиятга нисбатан ижтимоий ва ижтимоий-психологик муносабат улар шахсининг таркиб топишида (ижтимоийлашувида) муҳим роль ўйнайди.⁸

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ғозиев Эргаш. Онтогенез психологияси. Назарий-эксперимент таҳлил. Монография. "Ношир". Тошкент: 2010
2. Ғозиев Э., "Умумий психология" ЎЗМУ Ўқув методик Кенгаши нинг 2002 йил. Мажлис билан нашрга тавсия этилган. «Университет» нашриёти, 2002
3. Ғозиев Э. "Ёш психологияси ва педагогик психология нимани ўрганди?". Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги. 2017
4. Расулов Абдумўмин Ибрагимович. Психодиагностика. Тошкент-2009
5. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Хайдаров М., Ҳасанбоева, О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. - Т.:2009 «Фан ва технологиялар».
6. Жабборов Б.Г., Зокирова Н.Д., "Педагогларда Креатив тафаккурни ривожлантириш технологиялари". Наманган, Ўзбекистон
7. Райгородский Д.Я. "Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Самаара: Издательский Дом "Бахрах-М"
8. Степанюк Ирина Викторовна, "Формирование креативного мышления на уроках" СТ, Молодой учёный
9. Гаврилова Елена Дмитриевна, "Дидактические игры как средство развития креативного мышления учащихся", ДД, Санкт-Петербург педагогик маҳорат университети
10. Нагоров Павел Сергеевич, "Способы освоение генеративно-семантической информации студентами ВУЗов", КД, Санкт-Петербург педагогик маҳорат университети
11. Ледовских Ирина Александровна, "Развитие креативного мышления будущих педагогов-психологов в процессе обучения в вузе" КД, Пенза давлат педагогика университети
12. Гасимова Вера Александровна, "Когнитивные аспекты креативности" (на иатерале старшекласников) КД, Перм давлат санъат ва маданият институти
13. Журавлев Валерий Александрович Креативное мышление краеативный менеджмент и инновационное развитие общества СТ, "Креативная экономика" нашриёти
14. Мелибоева Рўзахон Насировна, "Талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизилари" ПхД, Ўзбекистон Миллий университети

⁷ Ғозиев Эргаш. Онтогенез психологияси. Назарий-эксперимент таҳлил. Монография. "Ношир". Т.: 2010 й.

⁸ Ғозиев Эргаш. Онтогенез психологияси. Назарий-эксперимент таҳлил. Монография. "Ношир". Тошкент: 2010, 181-бет

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳабибуллаев Баҳодир

Охирги ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирда дунёнинг 4.2 млрд аҳолиси, жами ер аҳолисининг 53 фоизидан кўпроғи ижтимоий тармоқлар фойдаланувчисига айланган. Бугун дунё бўйича ҳар 10 та интернет фойдаланувчисидан 9 таси ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда. 2020 йилнинг январидан то 2021 йилнинг январигача 12 ой давомида дунё бўйлаб 490 млн янги фойдаланувчилар ижтимоий тармоқларга қўшилган. Яъни бу кўрсаткич ҳар сонияда 15.5 нафар янги фойдаланувчи глобал тармоқларга қўшиляпти дегани.

Бугунги кунда ер юзидаги тинчликка раҳна солаётган, сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб минтақаларини қамраб олган терроризм ва экстремизм билан боғлиқ муаммолар фаол муҳокама қилинмоқда. Терроризм ва диний-экстремизмга қарши кураш Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Марказий Осиёда диний экстремистлар минтақа халқлари учун анъанавий бўлган ҳанафий мазхаби ва мотуридия ақидасини рад этиб, мусулмонларга сиёсийлаштирилган ғояларни сингдиришга уринмоқда. Улар «мавжуд муаммолар мусулмон жамоалари исломий тусини йўқотгани сабабли мавжуд, «кофир» ҳукуматларни ағдариб ташлаш лозим», каби сохта диний шиорлардан фойдаланиб сиёсий ҳокимиятга интилмоқда.

Замонавий коммуникация ва ахборот технологияларнинг тез суръатлардаги тараққиётининг ниқоби остидаги деструктив гуруҳларнинг ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларини кенгайтишига тўртки бўлиб, геосиёсий мақсадларга бўйсиндирилган, инсон қалби ва онги учун курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Аксарият ҳолатларда ушбу кураш қуролли тус олиб, глобал миқёсда таҳдид келтириб чиқараётган хавфларга айланмоқда.

Бугунги кунда диний-экстремистик, террористик гуруҳлар фаолиятида муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўзбекистон ва бошқа давлатларда диний-экстремистик, террористик ҳаракатларга нисбатан олиб борилаётган муросасиз ёндашув натижасида гуруҳ аъзолари ўз ҳаракатларини очик намоён этишни маъқул кўрмай, аксинча, хуфёна тарғибот-ташвиқот ишлари орқали, жумладан Интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали ўз ғояларини тарқатиш билан фаолиятларини жадаллаштиришмоқдалар.

Ҳозирда дунё аҳолиси асосан 8 та ижтимоий тармоқ платформаларида ўзларининг кунлик деярли 2.5 соат вақтларини сарфламоқдалар. Агар барча фойдаланувчиларнинг ижтимоий тармоқларда кетказган вақтини қўшиб чиқадиган бўлсак, тахминан ҳар куни 10 млн соат дунё бўйича сарфланаётганини гувоҳи бўламиз, бу тақрибан 1 млн йил дегани.

Таҳлиллар республикамизга турли дин ниқоби остидаги экстремистик тузилмаларнинг тарафдорлари томонидан диний экстремистик ғояларни тарқатиш

учун республикамиз ҳудудига диний экстремистик мазмундаги маҳсулотларни олиб киришга қаратилган ҳаракат фаоллашаётганидан далолат беради. Биргина 2020 йилнинг 1 июнига қадар ўтган давр ичида Дин ишлари бўйича қўмитанинг экспертиза бўлимига турли давлат идоралари томонидан 800 дан зиёд диний мазмундаги материаллар тақдим этилди. Ушбу материалларнинг салмоқли қисмини ақидапарастлик ғоялари йўғирилган маҳсулотлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти ҳозирги кунда Ироқ ва Сурияда фаолият юритаётган террористик ташкилотлар сафига қўшилишни даъват этувчи чақириқлар ва видеороликлар ташкил этади.

Аввало, «ижтимоий тармоқ» нима эканлигига ойдинлик киритиб олинсин. Масофадан интернет орқали одамлар орасидаги "online" танишув ҳамда мулоқотни таъминловчи ва ўз аъзоларининг турли хил шахсий маълумотларини ўзида акс эттирувчи интернет тармоқларига(сайтларига) ижтимоий тармоқлар дейилади. Мисол учун, ҳозирда дунё ва минтақамизда кенг тарқалган “Facebook”, “Odnoklassniki”, “Instagram”, “Vkontakte”, “Twitter” каби тармоқларни айтиш мумкин. Шундай экан ижтимоий тармоқлар билан боғлиқ баъзи кўрсаткичларни келтириб ўтамиз:

1. Facebookнинг ойлик фаол аудиторияси 2.7 млрд киши.
2. YouTube видеохостингига ҳар ойда 2.3 млрд киши ташриф буюради.
3. WhatsAppнинг ойлик фаол фойдаланувчилари сони 2 млрд атрофида.
4. Facebook Messengerнинг ойлик фаол фойдаланувчилари сони 1.3 млрд кишига етади.
5. Instagram платформасининг ойлик фойдаланувчилар потенциали 1.2 млрд кишидан ошади.
6. TikTok видеопорталининг ойлик фало фойдаланувчилари сони 689 млн киши атрофида.
7. Telegram мессенджеридан ҳар ойда 500 млн киши мунтазам фойдаланади.
8. Twitter ижтимоий тармоғининг ойлик фаол фойдаланувчилари сони 353 млн кишига етади.

XX аср охирларигача диний-экстремизм ва ақидапарастликни тарқатиш ва аҳоли орасида ёйишнинг асосий қуроллари бўлиб турли адабиёт ва нашрлар хизмат қилган бўлса, замонавий технология воситалари ривожланган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари, айниқса интернет тармоғи диний экстремистик ва ақидапарастлик ғояларини тарқатишнинг энг оптимал ва қулай манбаига айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда турли гуруҳ ва оқимлар томонидан диний экстремизм ва ақидапарастликни тарғиб қилишда, жамиятда норозилик кайфиятини тарқатишда ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилмоқда. Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга “куфр диёри”, “ҳижрат”, “жиҳод”, “шаҳидлик”, “халифаликни тиклаш” каби ғоялар сингдирилиб, улар турли тўкнунув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда. Турли кучларнинг ноғорасига ўйнаётган диний-экстремистик ва террорчи оқимлар томонидан у ерларда амалиётни ўтаб келган ақидапараст, дийдаси қотган, мустақил фикрлашдан маҳрум, раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини қонун деб билувчи зомби-жангарилардан тинч минтақаларда ҳам турли низолар ва

беқарорликларни келтириб чиқаришда фойдаланиш мақсади бугун кўпчиликка аён ҳақиқатдир.

Мутахассисларнинг фикрича ҳозирда 100 мингдан ортиқ экстремизмнинг турли кўринишларини ўзида ташувчи ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи сайтлар фаолият олиб бормоқда. Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга куфр диёри, хижрат, жиҳод, шахидлик, халифаликни тиклаш каби ғоялар сингдирлиб, улар турли тўқнашув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда. Муайян сиёсий кучларнинг ноғорасига ўйнаётган диний-экстремистик ва террорчи оқимлар томонидан у ерларда амалиётни ўтаб келган ақидапараст, дийдаси қотган, мустақил фикрлашдан маҳрум, раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини қонун деб билувчи зомби жангарилардан тинч минтақаларда ҳам турли низолар ва беқарорликларни келтириб чиқаришда фойдаланиш мақсади бугун кўпчиликка аён ҳақиқатдир.

Айниқса, “жиҳодчи” гуруҳлар ўз сафига янги шахсларни жалб этишда интернет ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланмоқда. Турли интернет сайтлари, “Однокласник”, “Твиттер” каби ижтимоий сайтларда ташкил этилган турли номлардаги форум ва гуруҳлар, “You Tube” порталидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур гуруҳларнинг тарғиботчилари кўп вақтини интернетда ўтказувчи, вақтинча ишсиз, хорижда пул топиш илинжида юрган ва ижтимоий ҳолатдан норози шахсларни ўз сафларига кўшиш мақсадида улар билан гўёки “мусулмонларнинг азобланаётгани” суҳбатлар олиб борадилар.

Интернет тармоғининг чегара билмаслиги, сунъий йўлдош орқали эфирга узатиладиган фазовий каналларга тўсиқ қўйишнинг иложи йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кунда бу каби бузғунчи ғоялардан аҳолини, хусусан ёшларни асраш учун уларда бу каби ёт ғояларга қарши маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, интернет ва ОАВ орқали мазкур гуруҳларга асосли раддиялар бериш, соф диний таълимотларни ёшларга етказиш, уларни халқпарварлик, ватанпарварлик, миллий ва диний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол намоён бўлади.

ЁШЛАРДА АХБОРОТ ХУРИЖЛАРИГА НИСБАТАН ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК УСУЛЛАРИ

Орзикулова Чарос Раҳматовна

Ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтириш ва психологик – педагогик республика таълим маркази Халқ таълими тизимида ижтимоий-психологик фаолиятни ташкил этиш бўлими методисти, Халқ таълими аълочиси

Қандай кўринишдаги жамият бўлишидан қаттиқ назар, ўз келажагига қайғурган холда ёшларни турли ёт маънавий, ахлоқий, сиёсий ва диний ғоялардан химоялашга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, ёшларни ўзи мантиқий мулоҳазаси орқали ахборотларни саралашни ўргатиб келинган.

Айнан ана шу мантикий мулоҳаза замонавий фан тилида ахборот ва ёт ғояларга нисбатан иммунитет деб номланади. Иммунетит сўзи - Латинча иммунитет, иммунитетус - қутилиш; халос, холи бўлиш деган маноларни билдиради.

Ижтимоий - психологияда шахснинг ўзи яшаб ривожланган ижтимоий жамиятдаги қадирият ва ғояларни онгли мулоҳаза асосида ёт ғоя ҳамда ғайри табиий ахборотлардан фарқ қила оладиган, ижтимоий жамиятни бутунлигига зарар етказадиган қарашлар (экстремистик, терористик ҳамда бошқа бузғинчи давлат ва ғоялар) ва ғайри ахлоқий хати - ҳаракатлардан ҳимояланиш реакциясига ахборот хурижларига нисбатан иммунитет деб таъриф берилди. Қуйида ана шу таърифдан келиб чиққан ҳолда мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Вояга етмаганларда ахборот хурижларига нисбатан иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий – психологик усулларида биринчиси ўз Ватанидан ғурурланишни хисини шакллантириш лозим бўлади . Бунинг учун Ватан тарихидан чуқур билимлар бериш билан бир қаторда Ватан тарихида ўзга хос ўринга эга бўлган қахрамонлар ва мутафакирларни ҳаёт тарзи ҳамда фаолияти билан таништириб бориш асосида авлодларини босиб ўтган йўлларида фахрланиш хисини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир. Ёшлар чет эл тарихий қахрамонларига эмас балки ўз миллий тарихий қахрамонларга тақлид қилишлари асосида, Ватани ва халқига нисбатан ҳам ҳар томонлама меҳри ортиб бориши ҳеч кимга сир эмас.

Шахснинг тафаккури ва тасаввурлари ривожига филогенез психологияси қонунияти асосида ёндошадиган бўлсак ёшларнинг ота – боболарини эришган ютуқлари ҳақидаги билимлари ҳеч қачон эскирмайди, аксинча авлоддан – авлодга сайқалланиб ёшларда ким – ким бўлганлиги – ҳозирги кунда кимлар – кимлигини англаб етишига асос бўлиб, тўғри фикр юритишларига ундайди.

Ёшларни тўғри фикрлашга ўргатиш ахборот хурижларига нисбатан иммунитетни шакллантиришнинг асосий ижтимоий – психологик усулларида бири ҳисобланиб уни ўзлаштириш орқали мавжуд манбалар билан янги маълумотларни қиёслаш юзага келади. Мустал фикрлашда қиёслаш учун аввало манбани аниқлаш кераклигини ҳар бир ёш авлод вакилига тушунтириш билан бир қаторда ишончли ахборот манбанинг бошқа манбалардан фарқлаш усулари билан ёшларни қурорлантириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Аниқ ва тўғри фикрлаш усулларида тафаккурнинг анализ, синтез ҳамда умумлаштириш жараёлари ҳақида тўлиқ ҳамда амалий билимлар билан қурорлантиришда ўқувчи устозларни роли ҳақида Э.Э.Ғозиени ўзининг “Онтогенез психологияси” китобида қуйидаги фикрларини такидлайди.

“Ўспирин ўқувчилар тафаккурининг мустақиллик даражасини вужудга келтиришда ўқитувчи улкан роль ўйнайди.

Биринчидан, у ўқувчиларни ахборотларни қабул қилишида уни тўғрилиги ҳақида ишонч ҳосил қилишга ва далиллашга ўргатиб бориши керак.

Иккинчидан, ўқитувчи ўқувчиларни нарса ва ҳодисалар ҳақида оригинал ёки ностандарт фикр юритишга, ижодий ёндашишга ўргатиши лозим

Учинчидан, ўспиринларни ижодий изланишга етаклашни ҳеч вақт диққат-эътибордан четга чиқармаслик зарур.

Тўртинчидан, ўқитувчи ўспиринларнинг ўзлаштирган билимларни амалда татбиқ қилиш вазифасини қўйиши шарт.

Бешинчидан, ўқитувчи ўспиринларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, захирадаги ақлий имкониятларнинг ишга солиши мақсадга молик.

Олтинчидан, ўқитувчи ўспиринлар олдида муаммоли вазиятни вужудга келтириши ва уларни ҳал қилиш босқичлари билан таништириб, ечишга даъват этиши айни муддао.

Еттинчидан, илк ўспиринларнинг эмоционал-иродавий хусусиятларини, мустаҳкамлашда йўл-йўриқ кўрсатиши, установка бериши, уларни қийинчиликларни енгиш ва олдини олишга ўргатиш ўқитувчининг касбий бурчидир”.

Э.Ғ.Ғозиев ўқувчини тўғри фикрлашга ўргатишда ўқувчини ролига алоҳида тўхталишига асосий сабаб аксари ўқувчилар ўқувчиларига тақлид қилишларидир, аслида ёшларни тўғри фикрлашга ўргатишда ота – оналар ва ижтимоий муҳитни роли ҳам беқиёсдир.

Ўқитувчи зиммасига қўйилган вазифалар ва шартларнинг барчаси педагогик фаолиятга татбиқ қилишга муяссар бўлинса, ҳаминша уларга риоя қилинса, у тақдирда мактаб таълими ўқувчилари тафаккурининг мустақиллигини шакллантириш босқичида юксак амалий вазифалар рўёбга чиққан бўлади. Бундай улкан талаб ва вазифаларни педагог шараф билан бажариш учун ўз фанини мукамал эгаллаш йўлида кўп меҳнат қилиш, сиёсий саводхон бўлиши, психологик билимларни пухта эгаллаши, ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини тўла ўзлаштириши, психологик таълим ва тарбия қонуниятлари билан қуролланиши мақсадга мувофиқдир.

Ёшларда ахборот хурижларига нисбатан иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий – психологик усуллари;

1. Ватанга бўлган муносабатни такомиллаштириш;
2. Ватан тарихи ва миллий қадриятлар ҳақида билимларини мунтазам бойитиб бориш;
3. Дунё оммавий ахборот тарқатмаларини анализ- синтез қилиш малакасини шакллантириш;
4. Ўз Ватани оммавий ахборот воситалари тарқатаётган ахборатларини биринчи манба сифатида қабул қилишни ўргатиш.
5. Миллий ананалар, қадриятлар ва урф одатларга нисбатан ҳурмат хиссини кундан – кунга орттириб бориш.

Ёшларда ахборот хурижларига нисбатан иммунитетни шакллантиришда ёшлар уюшмаларининг ўрни беқиёс бўлиб, уларда ёшларни фаол иштироки ҳар томонлама сиёсий имунитетни шаклланишини тامينлаб беради. Айнан фаол ёшларни бири бир неча ўнглаб ёшларда иммунитетни такомилланишга сабабчи бўлиши социологик татқиқотлар натижасида ўз исботини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тошимов Р.Ю., Ғозиев Э.Ғ. Психодиагностика ва амалий психология. Тошкент-2004.
2. Норқулова Н.Т. Ёшлар маънавиятида аффилиация мотивацияси психологияси (Монография).- Тошкент, “Фан ва Технология” 2015 йил.

ШАХСДА КОГНИТИВ УСЛУБЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Жаббор Алишер Мусирмон ўғли
ЎЗХИА “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси таянч докторанти

Сўнги вақтларда когнитив йўналиш тобора мустақил илмий йўналиш мақомига ега бўлиб, мазкур соҳага оид тадқиқотларнинг кўлами кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Чунки инсоннинг билиш жараёнлари, оламни қай тарзда идрок ва тасаввур етиши, унда шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларининг шаклланиш жараёни билан боғлиқ масалалар шу соҳадаги изланувчиларни аввалдан қизиқтириб келган. Жамият ривожланиб борган сари шахснинг дунёқараши, тафаккури, ақлий-интеллектуал сифатлари, идроки ва тасаввурлари ҳам тадрижий равишда ўзгариб боради. Шахс тараққиётининг асосий манбаи ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни кузатишда инсоннинг когнитив хусусиятлари ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда асосан ташқаридан олинадиган турли хил маълумотларни шахс тушуниши ва идрок етишини кузатиш мумкин. Бу борада психологик тадқиқотларда когнитив ёндашувнинг ўрганилиши, унинг тадқиқи ва замонавий психологияда тутган ўрнини таҳлил этиш нуқтаи-назаридан тўхталиб ўтиш мумкин.

Когнитив услубларни шахснинг ўқув жараёнидаги муваффақиятга эришиш жиҳатлари билан боғлаб ўрганишда услубларнинг турли хил кўринишлари ўқув жараёнига қай тарзда таъсир этишига доир тадқиқотлар мавжуд бўлиб, бу турли мамлакатларда ёш гуруҳларига боғлаб аниқ натижаларга еришилган. Бу эса, мустақил равишда ўқув машғулотининг муваффақиятли амалга оширилишига олиб келади. М.А.Холодная когнитив услубларни комплекс ҳолда ўрганган бўлиб, уларнинг икки даражаси яъни импульсив-рефлексив турларини таҳлил қилиб, импульсив когнитив услубдаги шахслар ноаниқ вазиятларда тез қарорларни қабул қилади ва маълумотларнинг аниқ ёки ноаниқлигига эътиборини камроқ қаратади, рефлексив когнитив услубга ега бўлган шахслар маълум бир ишни бошлашдан олдин ҳар бир вазиятни тўлиқ ўрганиб чиқиб кейин қарорларни қабул қилишади. [1]

Когнитив услублар ва концептуал тузилмаларнинг шаклланиш даражаси ўртасидаги боғлиқ тадқиқотлар интеллектуал жараёнларнинг кўрсаткичи сифатида когнитив услубларга ишора қилади. Хусусан, когнитив услублар майдонга тобе-майдонга мустақил, импульсив-рефлексив ва тенгқийматли чегаралар торлиги-кенглиги каби услублар интеллектуал назорат хусусиятларини ва қарорлар қабул қилиш суръатларини ўзида акс эттиради. Концептуал тузилмаларнинг шакллари М.А.Холодная томонидан белгилаб берилган ва концептуал фикрлашни таҳлил қилиш бирликлари ҳисобланган ақлий-интеллектуал бирликлар ўзида фикрлаш тараққиётининг мажбурий ва ихтиёрий таркибий қисмларини жамлайди. Инсоннинг концептуал тузилмаларининг шаклланиш даражаси когнитив услублар қандай ривожланганлигига боғлиқдир. [2]

Илмий тадқиқот ва адабиётларда когнитив услублар ва муваффақиятлар ўртасидаги боғлиқлик бўйича иккита асосий нуқтаи назарлар талқин қилинган: 1) когнитив услублар мустақил ақлий-интеллектуал ўлчов сифатида қаралади ва когнитив услубларнинг турли ҳил кўринишларига қараб интеллектуал фаолият самарадорлиги таъминланади; 2) когнитив услублар ягона билиш жараёнлари пойдеворида егадирлар ва когнитив услуб-маълум бир хусусиятларнинг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қиладиган жараёнлар қаторига киради. Шу билан биргаликда когнитив услублар касбий фаолиятда шу жумладан, оператив хизмат фаолият турларида маълум бир зиддиятли масалаларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин (Гопкало, 2007; Кирьянова, 2003; Леонова, Блинникова, Величковский, Капица, 2008; Либян, 1991; Сергеев, 1986; Мешков, Фабри, 1989 бўйича). Когнитив услубларнинг роли тўғрисидаги илмий маълумотларнинг мослиги, кўпинча когнитив услублар фаолият муваффақиятига таъсир қилувчи алоҳида омиллар сифатида кўриб чиқилганлиги билан изоҳланиши мумкин. Шу билан биргаликда когнитив услубларни яхлит комплекс сифатида ўрганиш керак. [3]

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, когнитив услубларнинг кўринишларини бугунги даврдаги аҳамияти шахснинг психологик хусусиятларини ўстиришга, игсонларни бир-биридан фарқлаш имкониятини ҳосил қилишга, таълим жараёнидаги қийинчиликларни олдини олишга, когнитив услублар шаклланганлигига қараб касбий саралаш ишларини йўлга қўйишга ва турли ҳилдаги маълумотларни тўғри тушунишга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Черемошкина Л.В. Способности как факторы профессиональной деятельности // Психология труда: Учебник. – М., 2005.– С. 174-190. 351
2. Холодная, М. А. Психология понятийного мышления: от концептуальных структур к понятийным способностям – М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2012. – С. 72 431 с.
3. Петрович Д.В. Когнитивно-стилевые характеристики считывания приборной информации: Автореф. Дис ...канд. пси.наук - М.: РАН. 2009. – С.9. 24 с.

MAKTABDA GIPERAKTIV BOLALAR BILAN OLIV BORILADIGAN ISHLAR VA ULARNI TASHKILLASHTIRISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

*Po 'latova Nodira Ibodullayevna
Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 21-maktab psixologi*

Annotatsiya. Hozirgi kunda giperaktivlik bu ko'pgina bolalarda o'zini namoyon qiladigan, ularning jamiyatdagi to'liq moslashuviga xalaqit beradigan hodisalardan biri sifatida e'tirof etilmoqda. Turli statistik ma'lumotlarga ko'ra, bolalarning 2,5 dan 18

foizigacha bu kasallikdan aziyat chekmoqda. Bunday bolalar, vaziyatdan qat'i nazar, har doim yugurib yurishadi, bezovtalanishadi, bemalol harakat qiladilar va ba'zi hollarda uzoq vaqt narsalarga e'tibor berolmaydilar. Shunday qilib aslida bolalarning giperaktivligi nima, uni qanday yengish kerak va nima qilish kerak yoki nima qilish kerak emas kabi savollarga javob topish, ularning yechimlari haqida fikr yuritishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik.

Kalit so'zlar: Giperaktivlik, xotira, chaqqonlik, pozitsiya, bezovta bola, sindrom, kompleks.

Giperaktivlik nima va u bolalarda qanday bo'ladi?

Ko'plab psixolog olimlar giperaktivlik tushunchasini odamning qo'zg'aluvchanligi va faoliyati normadan sezilarli darajada oshib ketadigan holat sifatida izohlashmoqda. Agar bunday xatti-harakatlar boshqalar uchun muammo tug'dirsa, haddan tashqari faollik ruhiy kasallik deb tasniflaydilar. O'tgan asrning oltmishinchi yillarida shifokorlar haddan tashqari motorli harakatni miyaning minimal buzilishlaridan kelib chiqadigan patologik holat sifatida aniqlab, saksoninchi yillarida giperaktivlik mustaqil kasallik sifatida atala boshlandi. Agar hodisa buzilgan diqqat bilan birga bo'lsa, kasallik DEHB deb ataladi - "diqqat yetishmovchiligining giperaktivligi buzilishi" deya izohlanadi.

Shu bilan birga, o'g'il bolalar giperaktivlikdan qizlarga qaraganda 4-5 marta tez-tez uchrashar ekan. Bu yigitlarning kattaroq bo'lib tug'ilishi va keyinchalik miyalari kamolga yetishi bilan bog'liq bo'lib, bu tug'ilish yoki ichi bo'sh jarohatlar uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Simptomlar odatda ikki yoshdan uch yoshgacha namoyon bo'la boshlaydi. Ammo, ota-onalar shifokorlarga murojaat qilishganda esa bolaning yoshi 10-12 ga yetgan bo'ladi. Buning sababi shundaki, agar hayotning birinchi yillarida bu muammoga e'tibor qaratilmasa bolaning ruhiy konsentratsiyasi chalkashib ketadi va maktab davrida o'ta mustaqil shaxs sifatida o'zini namoyon qila boshlaydi.

1. Bolalarda giperaktivlik namoyon bo'lishining asosiy sabablari

Ayni dam bolalarda giperaktivlik sindromini keltirib chiqarishi mumkin bo'lgan ko'plab nazariyalar mavjud bo'lib ular orasidan eng ma'qul ko'rilganlarini keltirib o'tamiz:

- Eng avval- irsiyat. Mutaxassislarining fikriga ko'ra, bolalari faolligi oshgan ota-onalarning 57 foizi bolalikda xuddi shunday alomatlardan shikoyat qilishadi. To'g'ri, ba'zida bunday oilalarda boshqa muammolar ham kuzatiladi, masalan, assotsial psixopatiya, affektiv kasalliklar yoki jiddiy allergik kasalliklar (astma, ekzema), spirtli ichimliklarni iste'mol qilish va chekish.

- Intrauterin gipoksiya. Xomilaning kislorod ochligi miyaning organik shikastlanishiga olib kelgan holatlar evaziga

- Homiladorlik paytida shikastlanishlar. Bu nafaqat jismoniy shikastlanish balki psixologik ham bo'lishi mumkin.

- Bolaning erta yoki qiyin tug'ilishi

- Tug'ilishdagi shikastlanish.

- Jiddiy infeksiyalar yoki hayotning birinchi yillarida shikastlanishlar, surunkali kasalliklar.

- Noto'g'ri yoki yomon ovqatlanish, qo'rg'oshin bilan zaharlanish, ovqatlanish etishmovchiligi.

2. Maktabda giperaktiv bolalar bilan olib boriladigan tadbirlar

Maktabda haddan tashqari faol bolalar bilan ishlash ham oson emas, ammo bunday bolalar ham o'ziga xos jozibali xususiyatlarga ega. Maktabdagi giperaktiv bolalar yangi spontan reaksiya bilan ajralib turadi, ular osongina ilhomlanib, o'qituvchilarga va boshqa tengdoshlariga doimo tayyorlik bilan yordam berishadi. Psixologlar fikrich giperaktiv bolalar mutlaqo tuzalib ketishmas ekan. Shuningdek, ular tengdoshlariga nisbatan ko'proq bardoshliva boshqa bolalarga qaraganda kasalliklarga moyil ham bo'lishadi. Bunda maktab amaliyotchi psixologi tibbiyot hodimasi bilan maslahat uyushtirgan holda davolashlari kerak bo'ladi. Giperaktiv bolalar ko'pincha juda boy tasavvurga ega bo'lganligi uchun, o'qituvchilarga bunday bolalar bilan ularning harakatlarining sabablarini tushunishga va o'zaro munosabat modelini aniqlashga harakat qilish uchun tegishli xatti-harakatlar strategiyasini tanlashni tavsiya etish zarur. Bolani yuqori faollik bilan tarbiyalash juda ko'p narsani talab qilmaydi, boshqacha qilib aytganda, ota-onalarga o'zlarining xatti-harakatlarida o'rta pozitsiyaga rioya qilishlarini uqtirish lozim va ular juda yumshoq bo'lmasligi kerak, lekin bolalar bajarolmaydigan haddan tashqari talablar ularni jazolar bilan birlashtirib, ularni oldini olish kerakligini psixolog ota-ona bilan hamkorlik davrida aytib o'tishi maqsadga muvofiq. Yuqorida aytilganlarga qo'shimcha ravishda, giperaktiv bolalar bilan tuzatish ishlari ularning o'ziga bo'lgan ishonchini oshirish, o'z potentsialiga ishonch hosil qilishdan iborat.

Giperaktiv bola - bu xulq-atvor va nevrologik kasalliklar bilan ajralib turadigan bola. Va biz psixologlar buni davolashimiz kerak. Agar bunday bolalar davolanmasa, ularning alomatleri ularning tarbiyasi va hayotining deyarli barcha sohalariga salbiy ta'sir qiladi va bu aqliy, ijtimoiy va maktabdagi ko'plabmuammolariga olib keladi. Ilgari, jamoat va tibbiy doiralarda DEHB o'z-o'zidan pasayib, balog'at davrida balog'at yoshiga kelib tuzalishiga ishongan. Biroq, keyingi izlanishlarda bu noto'g'ri ekanligi isbotlandi. Yoshi bilan giperaktivlik pasayadi, ammo ehtiyotsizlik va impulslarni boshqarish muammolari doimiy bo'lishi mumkin va biz bunga qat'iy choralar izlashimiz kerak bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. G'oziyev. E. E. "Ontogenez psixologiyasi" Toshkent. "Tafakkur" 2014. 158-b
2. www. Ziyonet. Uz

THE PROCESS OF GLOBALIZATION IN THE FORMATION IN THE YOUTH BACKGROUND

Ulugbek Kasimov

Namangan city Secondary school № 24. The English language teacher,

Ravshanbek Yusupov

Namangan city Secondary school № 24 The psychologist

In XXI century the process of globalization has become one of the main factors which identifying the speed of worldwide development.

The process of globalization is creating the opportunities for spreading modern communication and information technologies, scientific achievements and intensifying international relationship and news exchanging as well as, it has created some negative outcomes in social and political spheres.

For instance:

Because of globalization, solving external and internal political issues belonging to our national governmentalism.

As a result of globalization, national and racial discrimination, political and religious extremism, separatism and other evil political trends are spreading thoroughly in our continent. As long as modern technologies, scientific and technological achievements, cultural, moral and political outlooks are spreading in an intensive way our society. In this place, more than 20 counties are trying to manufacture nuclear weapons; we can notice that more than 120 countries are busy with providing news attacks.

With the help of globalization, religious, political religious, political, cultural literatures, video and audio products which could provide provocation immoral sexual relationship, violence, and aggression are extremely spreading. Nowadays, more than 90 % of the youth are using the Internet as a source of information. There are more than 9 thousand sites that may persuade the individuals to suicide easily.

More than 49% computer games are propagandized violence and brutality. More than 42% children and teenagers are under the effect of pornography in online regime. According to the international experts, 38% of the youth are using violence sites, 26 % of the youth are watching nationalistic web-sites regularly throughout the world.

Nowadays, fighting against above mentioned negative effects consciously and honestly is becoming worldwide demand. At first, apart from nationality, language and religious of our every single citizen in the country, we should create national cultural ideology, and improve their background against current ideological danger.

Especially, we should provide the activities which create the love for the country, national proud, we should give information about our great history, rich material and cultural heritage of our country to kids in the kindergartens and pupils in the elementary classes at the early ages. We should conduct the sessions to the pupils at schools, students at colleges and academic lyceums and for the university students which are dedicated on real life situation news, their basis, causes, effects which occur in the territory of our country. For example, in Russia “Safe Internet Centre”, in Britain “The Codex of Behaving” and “Safe Network” independent funds have been organized. Furthermore, because of there are more than one million network users, We should place more national information to the internet resources. Nowadays, there are more than 14 thousand sites work with national materials under the domain “uz” is one of the main achievements.

We should propagandize our nation’s long-life customs and traditions belonging to the ages in every family against the “Popular Culture” which popularize moral dissoluteness creating the trend “Bir bolaga yetti mahalla ota-ona” that means a kid is under the control of every person around.

We should widely use the materials which improve the feelings of shy, shame, kindness, pureness, honest and fair on the mass media resources. We should provide

different researches and observations in learning the process of the globalization and its negative effects. No one can ignore that the process of the globalization from the late XXs and the early XXI centuries created and provided immeasurable opportunities and changes to the youth and to the humanity in the world.

Today, we are witness to scientific and technological advanced achievements, modern communicative technologies, Especially, Internet network systems provided a great impact to the cooperating and integration through opening all kinds of borders. It is impossible not to pay attention to the fact that such kinds of high and bright achievements of humankind are being used for the wrong purposes who aims negative self-interest as a weapon.

People's, especially, the youth's background and thought, spiritual life are being spoilt and its causes and results, long-lasting effects are becoming important task in our life. In the process of globalization, the new term "Information War" has been discovered. "Information War" is the movement of effecting to the enemy's information center in order to fulfill strategic purposes against them. "Information War" is the attempt to create necessary way of changing the social thoughts and community background, effecting to the enemy country government, social and religious institutions and their decisions the means of influence are press materials, books, newspapers, magazines, electronic Mass Media and the radio, various disks, films, serials, Internet and telephones.

According to the historical statistic information, the radio spent 40 years, the television spent 14 years to cover the auditory interest. But 4 years was enough to do this to the Internet. In the beginning of XX century, German philosopher Gustav Lebon divided four main methods to effect to the person's mind: they are to absorb, to infect, to imitate, to persuade.

"Some televisions do not spend their opportunities for the tutorial purposes, but they propagandize the most negative social behavior. Being charmed by announcement on TV worsen the creative thinking of the teenagers and courage the brutal behavior" claims in the magazine "Tafakkur" - "The Mind"

According to the electron magazine "Sessionmagazine.com", Pornographic videos during 1999-2000 years were twice more than 1997-1998 years, every ten programs were dedicated to sexual life, 7% of music was also dedicated to this types of life. In 2001 two third of Hollywood films were the same type as well. Providing a kid watches such kind of cartoons, serials or films that full of pornography, brutality, violence scenes, at the age of 14 he or she could watch more than 4000 such kind of dangerous plots.

Today, information security scientists are worry about being the most bestseller goods of such S-S-S plots in the information market of the world. Making big money "Popular culture" sexual relations (pornography), criminal news teach and change the background of such product producing companies and their customers' desire.

Every nation in all over the world is worry about being popularized of this kind of Internet sites. So, regular information flows have both positive and negative impact to the whole world population, especially, to the youth.

For example:

Different violent ideas harm the nation mentality, the youth desire, moral standards.

There is possibility of ruining and spoiling the youth life with the help of violence, “Popular culture”, religious extremism, terrorism, bullying, murdering, suicide, pornographic videos, pornographic sites, immoral, brutal films, drinks and cigarette products’ announcements.

It is important to find the solution to minimize the impacts of these problems of information attack. Defending the youth from the information attack mostly means forbidding watching different news, various sites, films, newspapers and journals. But, it is impossible to get reasonable results. It is important to struggle together against our youth being spoilt by ideological danger, spiritual danger with our people’s many age’s culture, national mentality, religious outlook and life customs and traditions.

It is obvious how important the role of the social network in the life of the youth in Uzbekistan because 60% of Uzbekistan population consist of the youth. The only most effective way from information attack is to organize and popularize the most professional ideological-cultural TV programs through Mass Media means. It is very essential to make opportunities to every single youth in the country according to the state interest to correctly realize and comprehend the situation both in the country and in the world. The Uzbekistan Youth Community is the organization which observes the youth problems and courage the youth social activeness that is has political importance in the country. The movement of the community should make opportunities to correctly analyze and realize the country and world situation.

That’s why; Uzbekistan Youth Community organized “The Youth Media Center” in order to make media products using modern information communication technologies. It is very necessary to organize groups of experts from experienced journalists in association with psychologists and sociologists to provide information in a quality and meaningfully effective way. Creating the professionally described presentations about the information attack types and ways, organizing propaganda group parties throughout the Republic, informing the youth from the disasters and negative results beyond the “Popular culture” must be the main task of the community movement and its general departments and their branches.

It is important to create media products that could affect the youth wisdom and understanding consciousness, programs that could define truly the meaning of the information attack danger, and programs that could answer the actual questions of the future generation.

It is important to gather young professional and amateur journalists and creators, regularly working with leaders and most experienced master journalists continuing “Master and apprentice” tradition, organizing interactive sessions, creating a unique information resource base broadcasting the programs about the movement in the country. Identifying the movement’s media product instruments, methods, strategy media projects which are broadcasted on governmental and non-governmental Mass Media are very essential.

Increasing intellectual competence of the youth correctly using information communication technologies should be organized.

Using internet resources wisely and disciplining the activities of the Arcades and Internet-cafes are also very important.

Using information-communications and internet technologies in an intelligent way is also very important.

Establishing the knowledge and etiquette of using and creating environment of the information communication technologies is the main task as well.

Ideological immunity tutoring implements linked and completed each other and it will be effective to use them complexly by objects and subjects bring positive result. There are advantageous in tutoring ideological immunity to the youth:

Mental-spiritual- the person feels superior values and idols and supply them in the practical activity and behavior. So, the person must work out themselves and form supreme culture and knowledge, higher degree professional-ethical norms.

Historical-he or she must be aware of the nation history and be proud of great ancestors. For example: to learn the country history, to identify Uzbekistan status in the world history, to realize and respect selfness, traditions and customs, national cultural habits.

Political-judicial-The person must realize citizenship obligation, and understand the political and juridical process occurring in the country and society, and the person must know well the state laws.

Professional-occupational- the person must have responsibility in the career and be in good faith in the working place.

Spiritual-It is important to form supreme spiritual advantages among the youth. For example: forming the ability to forecast and analyze the spiritual condition in the different groups among the youth.

It is obvious to all of us that love for music and art, lyrics forms in the family condition from the early ages. It is not overstatement that there is not any family which keeps dutar, doira or any other musical instruments and playing them, loves and feels the lively sense of music.

The most important thing is that these days Music impacts more than other types of art in tutoring the younger generation. We all understand well the pop music singers charm the youth's soul with their talent, appearance and beauty has a great impact. We can say initial Uzbek pop music examples in the beginning of the last century became upper level in the independence years. To get this level national, world art achievements, opportunities to learn world classic music, attentions to develop to this sphere, to support the young artists play the great important impact.

Talking about the current and future development of pop music art, at first, it is important to pay attention to the meaning of "national pop music" phrase and to defend from the influence of the "Popular culture". Unfortunately, we should mention this case. The "Art" of some young singers and bands are not appropriate to any requirements and desire. Either meaning of the poem and music or presentation style and scene movement "dancing" directly to the strange "Popular culture" becoming "Pop star" illness cases offend the real auditory of real music art. Especially, the soundtracks to the national attitudes, traditions and moral rules, mixing the different words from foreign languages and mispronouncing them are becoming the new style of performance, the young singers think. – I think this is because of not understanding the art, its main point and

importance. I think that cultural community, music scientists, master artists, composers, writers, journalists and a great number of devotees should express their opinion and criticize this kind of problems.

So, the “5 Initiatives” was organized by the President of the Republic of Uzbekistan indicated several important tasks and decisions to learn the music art and its importance and maintenance. Such kind of situations which is not appropriate to our national aging and views, but, nowadays, popularizing negative habits should be expected as a quick-spreading, infectious disease. And, the same basis, we need to understand that such attack is a very dangerous situation.

After all, if a person’s ear becomes accustomed to light, dull tones, his or her artistic taste, his or her musical culture will gradually decline, and his or her spiritual world will be taken over by false notion.

In the end, it will be difficult for a person to accept the unique masterpieces of our national heritage, such as “Shashmaqom”, as well as the works of world-renowned composers such as Mozart, Beethoven, Bach and Tchaikovsky.

To prevent such situations, to create a healthy creative environment among artists, to raise the spiritual world and cultural level of the younger generation, along with the classics of national and world music culture of our youth, modern pop art that suits their moods and aspirations, it is very important to create the necessary conditions for the widespread use of music samples, to further develop music education.

If we take the field of cinema, which is the most popular art form, it should be noted with satisfaction that, in due time we have created a unique creative school in this area. Personally, I am convinced of this fact every time I watch our classic films such as “Tahir and Zuhra” (Tohir va Zuxra), “Last Days” (O’tgan kunlar), “You are not an orphan” (Sen yetim emassan), “Gossip in the neighborhood” (Mahallada duv duv gap). Such truly national works not only contribute to the spiritual development of our people but also to the promotion of its beautiful values to the world.

Given the immeasurable impact of the art of cinema on the human mind and thinking, the life of society, the national cinematography during the years of independence is one of the most comprehensive efforts to develop the necessary material and spiritual conditions. As a result of the event, new films are being made, covering various topics related to our history and modern life.

It is gratifying that Uzbek films are winning prizes at prestigious international festivals. But, it is also fair to say that the image of a modern hero, which has a profound effect on the education of young people, has not yet been created on our movie screens. Most of the films that are being shot show the real picture of our filmmakers today, their inability to deeply feel its acute problems, their distance from the lives of ordinary people.

Much can be said about the reason for this. However, one of the main reasons is that there were no higher education institutions in Uzbekistan in the field of cinematography. Unfortunately, the few Uzbek directors and screenwriters who studied at the film institute of the former Soviet Union were specialists who were alienated from the national spirit and the negative consequences of such a situation are still present in the work of many of our filmmakers has been preserved so far.

Therefore, in recent years, the training of national playwrights and directors is relevant. Because we have to admit it openly- we have not yet formed a real national school, which prepares professional film experts, in particular, directors, and screenwriters. To radically change this situation, we need to pay special attention to the issue of supporting talented young people with high artistic skills, as well as national thinking potential.

What to look for in order to perform the tasks outlined above. First of all, it is important to remember that there are two stages of upbringing. Of course, the main goal is to educate the younger generation, but to achieve this goal, it is necessary to start with educating educators in the first place.

In connection with this issue, we need to differentiate between the directions of national education and the methods of national education. The directions of upbringing mean the formation of different aspects of the spirituality of the pupils, and the methods of upbringing are the concepts used to name the various means of influence used in the entirely related to the educators.

For example: kindness education, example education, lecture methods, labor education, various education systems and others. Areas of education cover the main and additional types of education of young people, necessary for the formation of a spiritually mature person in the main areas of human and social life and the competitive aspects of personal spirituality.

In short, it is very essential to be aware of the events in neighboring countries, various ideological threats to prevent our people from being exposed to negative ideological influences. So that our young people, while preserving their nationality, become people who have a deep understanding of the world and keep pace with the times. Accordingly, it is necessary to organize meaningful leisure time for young people, expand the coverage of science and sports clubs even in the remote areas of the country, not to limit opportunities, but to focus on them and get positive results from them, I emphasize.

IMKONIYATI CHEKLANGAN BOLALARNING IJTIMOIYLASHUVIDA OILANING O'RNI

*Каримова Хадича Янгибойишна
17-ИЧБУИТМ директори*

Oila jamiyatning bosh bo'g'ini, negizi bo'lib, ko'p asrlik mustahkam ma'naviy tayanchga ega. Shaxsning ahloqiy-ma'naviy va ijtimoiy tiklanishiga ta'sir etuvchi omillar orasida oila yetakchi o'rin tutadi. Bolaning ijtimoiylashuvi va tarbiyalanishi bir maqsadga ega: uni jamiyatda moslashtirish, muloqot va normal hayot uchun zarur bo'lgan fazilatlarni shakllantirishdir. Insonning ta'lim, taraqqiyot va ijtimoiylashishi, jamoa ta'siri ostida sodir bo'ladi. Oila, mahalla, ta'lim muassasalari shaxsni shakllantirishda faol ishtrok etadi. Shunday ekan eshitishida nuqsoni bo'lgan bolaning psixologik xususiyatlari hamda shaxs sifatlarining shakllanishida oilaning ahamiyati

alohida o'rin tutadi. Oiladagi muhit va ota-ona munosabati, bolaning rivojlanishida o'z ta'sirini o'tkazadi. Oilada nogiron bolaning dunyoga kelishi, ko'pgina ota-onalar o'rtasidagi munosabatlarning o'zgarishiga sabab bo'ladi. Eshitishda nuqsoni bo'lgan bolalar oilasidagi jiddiy muammolardan biri bu muloqot jarayonidir. Bu jarayon ota-onalarda, farzand kelajagiga ishonchsizlik, qo'rquv, ruhiy tushkunlik holatlarini keltirib chiqaradi. Ba'zi oilalar nogiron farzandlarini atrofdan, mahalla kuydan yashiradilar, afsuski bunday oilalar ham yo'q emas. Imkoniyati cheklangan bola ham sog'lom bolalar kabi mehri, e'tibor va ta'lim-tarbiya olishga haqlidir. Biroq aksariyat oilalarda kar va zaif eshituvchi bolalarni mustaqil hayotga tayyorlash borasida kerakli pedagogik-psixologik ishlar yo'lga qo'yilmagan. Bolaning rivojlanish bosqichlari, kamoloti va barkamol bo'lib voyaga yetishida oilada ota-onalarning pedagogik va psixologik munosabatlari asosiy rol o'ynaydi. Ba'zi oilalarda kar bolalarga nisbatan etiborsizlik yoki xaddan ziyod avaylash va rahmdillik nuqtai nazari bilan qarash munosabati o'rnatilgan bo'ladi. Mazkur holat kar va zaif eshituvchi bolalarda, sog'lom bolalardagi kabi muomala, muloqot, o'z-o'ziga xizmat va boshqa faoliyatlarda ishtirok etish ko'nikmalarini yetarlicha shakllanmasligiga olib keladi. Natijada kar va zaif eshituvchi bolalar maxsus ta'lim muassasasiga kelgan kunidanoq, oddiy kundalik maishiy hayot uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni egallashga jalb etiladilar. Bu ko'nikmalar oddiy va soda tuyulsada, biroq kar bolalarning ijtimoiylashuvi uchun asos buluvchi omillardandir. Aksariyat ota-onalar bolalarini atrofdagilar bilan muloqot qilishda qiynalganliklari uchun mustaqil hayotga tayyor emas deb hisoblaydilar. Natijada bolani o'z vaqtida maktabgacha tarbiya va maktab-internatlariga yo'naltirmaydilar. Eshitiashida nuqsoni bo'lgan bolalarni shaxs sifatida kamol topishida, nutqni rivojlantirish hal qiluvchi rolni o'ynaydi. Eshitish qobiliyatining buzilishi, atrofdagi kishilar bilan ijtimoiy aloqani cheklaydi. Bolaning nutqiy cheklanishi ruhiyatning shakllanishiga hamda barcha kongnitiv faoliyatlar ya'ni idrok, xotira, e'tibor, fikrlash jarayonlariga ta'sir ko'rsatadi. Eshitishi buzilgan bola hech qachon o'zi mustaqil ravishda nutqni egallay olmaydi. Bunday bolalarga maxsus sharoitda, maxsus yondashish va maxsus uslublar yordamida ta'lim-tarbiya berilishi lozim. Bolalar hayotida eng muhim bo'lgan maktabgacha davrda bolalarning asosiy malaka va ko'nikmalari tarkib topib, jismoniy, ahloqiy, aqliy, ekologik, estetik jihatdan tarbiyalanishga poydevor qo'yiladi. Maktabgacha tayyorgarlikni ko'rmagan kichik maktab yoshidagi eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarning ta'lim jarayoni, maktabgacha tarbiya yoshdagi bolalar ta'limidan keskin farq qiladi. Maktabgacha tarbiya ta'limida, eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarni talaffuz qilishga, labdan o'qishga, daktel alifbosini maxsus o'rgatish natijasida og'zaki muloqoti rivojlantirib boriladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda o'yin faoliyati, yetakchi faoliyatlaridan biri sanaladi. Shunday ekan eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarda o'yin faoliyati orqali, atrof olamni tanishtirish, muloqotga kirishish, shaxslararo munosabatlarni, psixologik hususiyatlarni shakllantirish orqali, ortda surilgan rivojlanishni kompensatsiya qilish mumkin. Boladagi jismoniy va ruhiy nuqsonlarni o'z vaqtida korreksiya qilib borilishi, shu tarbiyalanuvchining oila a'zolari, xususan ota-onalarining farzandi bilan muntazam shug'ullanishi va o'z vaqtida maktabgacha ta'lim, maktab-internatlariga va maktabdan keying ta'limga yo'naltirishlariga bog'liq. Eshitishida muammolari bo'lgan o'quvchilarning aynan maktab ta'limi davrida ijtimoiy hayotga yetarlicha tayyor

emasliklarining sabablaridan biri bu, ota-onalar tomonidan kar va zaif eshituvchi bolalar ta'limida uzluksizlik va uzviylikning yetarlicha ta'minlanmaganligidir. Eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalar uchun maxsus tashkil etilgan maktabgacha tarbiya muassasasi hamda maktab- internatlarida barcha zarur shart-sharoitlarda, maxsus usullar va dasturlar asosida o'qitiladi va tatbiyalanadi. Maxsus ta'lim, o'quvchilarni mustaqil ta'limga va ijtimoiylashuviga tayyorlaydi. Maxsus ta'lim tizimi kar va zaif eshituvchi bola jamiyatning to'laqonli a'zosi sifatida siyosiy, iqtisodiy, madaniy va boshqa ijtimoiy munosabatlarning barchasida me'yorda rivojlangan, sog'lom tengqurlari qatorida o'z ona tilida bemalol, erkin, samarali va barcha uchun tushunarli tarzda muloqot qila olishini ta'minlaydi. Eshitishida muammosi bo'lgan bolalar maxsus maktab-internatlarining barchasi ovoz kuchaytiruvchi apparatlar bilan ta'minlangan, xonalar maxsus tovush qaytarmaydigan qoplamalar bilan jihozlangan va sog'lomlashtirish bo'yicha tadbirlarni maqsadli amalga oshirish uchun sharoitlar yaratilishi, maxsus ta'lim tizimini samaradorligini ta'minlaydi. Imkoniyati cheklangan bolalar ta'limi ham sog'lom bolalar ta'limi kabi bosqichma-bosqich, uzluksiz olib borilishi lozim."Ta'lim to'g'risida", "Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida", "O'zbekiston Respublikasida nogironlarni ijtimoiy himoya qilish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunlarida imkoniyati cheklangan bolalarning ta'lim tizimini takomillashtirish hamda umumiy o'rta ta'lim olishda va ularni bilish imkoniyatlariga muvofiq tarbiyalash, ularning jamiyatga moslashuvi va integratsiyalashuvida ko'maklashish ko'zda tutilgan. Imkoniyati cheklangan shaxslarni turmush faoliyatidagi cheklanishlarini bartaraf etish, to'laqonli hayot kechirishlariga, jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy turmushida faol qatnashishlariga, shuningdek, o'zlarining fuqarolik burchlarini bajarishlariga imkon beradigan qulay shart-sharoitlar yaratish, davlatimiz insonparvarlik siyosatining asosiy mazmunini tashkil etadi.

BARKAMOL SHAXSNI SHAKLLANTIRISHDA PSIXOLOGIK MEZONLAR

Berdieva Fotima Sobirjonovna

Termiz shahar xalq ta'limi bo'limi

Pedagogik-psixologik tashxis faoliyatini tashkil etish sho'basi rahbari

Insonning barkamol shaxs sifatida shakllanishi uchun nasl-irsiyat (inson – biologik mavjudot sifatida), ijtimoiy muhit (ijtimoiy-iqtisodiy hayot) hamda maqsadga muvofiq tashkil etilgan tarbiya va uning faoliyati kabilar ta'sir etadi. Shuning uchun ham pedagogik ta'lim jarayonida talaba-yoshlarning shaxs sifatida rivojlanishi, ularning har tomonlama kamolga yetishi qonuniyatlari, shaxs kamolotiga ta'sir etuvchi omillar o'rganiladi. Oliy pedagogik-psixologik ta'limning asosiy maqsadi ham shaxsni aqliy, ma'naviy-axloqiy, estetik, jismoniy rivojlanishi, talabalar yosh va shaxsiy xususiyatlarini hisobga olgan holda ularning ijodiy imkoniyatlarini har tomonlama ro'yobga chiqarish, insonparvarlik munosabatlarini shakllantirishdan iboratdir [1.33-34].

Tarbiya qonuniyatiga ko'ra shaxsning kamolga yetishi jamiyat rivojlanishidan orqada qolsa, ijtimoiy maqsadni amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratilmagan bo'lsa, uni amalga oshirish qiyin. Sh.Majitova o'qituvchi kadrlar tayyorlashda bir butun, yaxlit shaxsni rivojlantirish muammosini tadqiq etar ekan, shaxsni ijtimoiy munosabatlar va ongli faoliyat sub'ekti sifatida talqin etadi.

Shuningdek, shaxsning yaxlitligi atrof-olamni anglash hamda ijtimoiy muhit sharoitida aniqlanadi. O'qituvchining shaxs sifatida o'z-o'zini anglashi hamda faolligi, maqsadga intilishi talabning ijtimoiy-pedagogik muhitga moslashishi va o'z-o'zini baholashiga yordam beradi, degan g'oyani ilgari suradi. Muallif B.G.Ananev, A.N.Leontev, L.S.Vigotskiylarning fikrlariga tayangan holda o'qituvchi shaxsi tarbiya va ijtimoiylashuv sharoitida shakllanadi, degan xulosaga keladi. Tadqiqotda bo'lajak o'qituvchini yaxlit shaxs sifatida rivojlantirishning pedagogik asoslari ishlab chiqilib, ular quyidagilardan iborat deb ko'rsatiladi: [2.24-25].

- rag'batlantirish (motivatsiya);
- yaxlit shaxsni shakllantirish mezonlarini aniqlash;
- pedagogik tizimga ega bo'lish;
- shaxsni shakllantirish mazmuni, bosqichlari, jihatlarini, unga qo'yiladigan talablar;

- pedagogik jarayon;
- talabalarning shaxslik-kasbiy yo'nalishi;
- talabalarga qo'yiladigan talablar;
- kommunikativ vositalar va ularga qo'yiladigan talablar.

Tadqiqotchilarning fikrlariga tayanib shuni ta'kidlash lozimki, talabalarni barkamol shaxs sifatida shakllantirishda quyidagi talablarga rioya etish muhimdir:

- yoshlarning bilimlarni o'zlashtirishga bo'lgan qiziqishlari va qobiliyatlarini rivojlantirish;

- ta'lim jarayonida talabalar faoliyatini pedagogik jihatdan to'g'ri tashkil etish;
- talaba-yoshlarning har biriga individual yoshdashish;
- pedagogik nazokatni shakllantirish;
- kasb-hunarga tayyorlash;
- noqulay vaziyatlardan to'g'ri yo'l topib chiqib keta olish qobiliyatiga ega bo'lishlariga erishish;

- ijtimoiy faollik, fuqarolik rolini shakllantirish va hokazolar.

Yuqoridagi talablarni amalga oshirishda barkamol shaxsni shakllantirishga xizmat qiluvchi quyidagi mezonlar asos bo'lib xizmat qiladi. Barkamol shaxsni shakllantirish mezonlari:

- shaxsni aqliy, ma'naviy-axloqiy, hissiy-estetik, jismoniy rivojlantirish;
- ijodiy imkoniyatlarini namoyon etishga yo'llash;
- insonparvarlik munosabatlarini shakllantirish;
- yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda shaxsning individual o'ziga xosligini namoyon etishga sharoit yaratish;

- fuqarolik nuqtai nazarining tarkib topishiga erishish;
- hayotga, mehnatga, ijtimoiy ijodkorlikka tayyorlash;

- o'z-o'zini boshqarish, demokratik tamoyillarni anglash, Vatani va xalqi oldida o'z mas'uliyati va burchini his etish.

Barkamol shaxsni axloqiy tarbiyalashda, avvalo, jamiyat talabiga mos holda axloqiy tushunchalar, qoidalar, his-tuyg‘ular, e’tiqod va xulqiga doir ko‘nikmalar va malakalarni shakllantirish muhim vazifa sanaladi. Ma’naviyatli inson bilimli, kasb-hunar egasi, Vatanning sodiq fuqarosidir. U o‘z davlati qonunlarini biladigan va ularga amal qiladigan, o‘z yurtidan g‘ururlana oladigan, o‘z Vatani boyliklarini saqlash bilan birga uni yanada boyitadigan, go‘zalliklaridan bahramand bo‘ladigan shaxs. U har qanday zararli illatlarga qarshi kurashadi, xalq boyligini avaylab asraydi. Axloq esa shaxsning xatti-harakatlari, yurish-turishi, turmush tarzi, hayot kechirish tamoyillari, qoidalari, ijtimoiy munosabatlar mazmunini ifodalaydi.

Axloq ijtimoiy hodisa sifatida jamiyat ma’naviy-ruhiy hayotida o‘ziga xos o‘rin tutadi. U jamiyat tomonidan tan olingan tartib-qoidalar bo‘lib, kishilarning xattiharakatlarini tartibga soladigan tamoyil sanaladi. Axloq – ma’naviyatning tarkibiy qismi sifatida shaxs rivojlanishining yuqori bosqichi sanaladi. Zero, axloqsiz, axloqiy me’yorlarsiz shaxsning ruhiy, jismoniy va ma’naviy yetukligi shakllanmaydi. Shuning uchun ham ma’naviyaxloqiy tarbiyada uzviylik, aloqadorlik dialektik xarakterga ega bo‘lib, shaxsning ma’naviy-axloqiy shakllanishida muhim sanaladi [3.25-26].

Ma’naviy-axloqiy tarbiya mohiyatiga ko‘ra insonning jamiyat oldida burchliligi, o‘z xulq-atvorining jamiyat taraqqiyoti darajasi bilan uyg‘unligi, shuningdek, ma’naviy-axloqiy xulq-atvorning insonning kishilarga bo‘lgan hurmat-e’tiborini namoyon etuvchi mezonlardan ekanligini tushunishi, axloqiy ideallarining to‘g‘riligiga ishonch hosil qilishi, ma’naviy-axloqiy bilimlarining e’tiqodga aylanishi va e’tiqodning tizimli bo‘lishini ta’minlash va ma’naviyaxloqiy odatlarning shakllanishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Estetik (nafosat) tarbiya talabalar tomonidan estetik bilimlarning egallanishi, ularda estetik madaniyatni tarkib toptirish, voqelikka estetik munosabatlarni shakllantirish, estetik his-tuyg‘uni rivojlantirish, hayot go‘zalliklari, tabiat va mehnatga muhabbatni tarbiyalash; estetik idealni shakllantirish hamda hayotiy faoliyatni tashkil etishda estetik qonuniyatlariga rioya etish ko‘nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Shaxsda sog‘lom turmush tarzi ko‘nikmalarini shakllantirishda uning jismonan to‘g‘ri rivojlanishi, o‘z salomatligini mustahkamlashi; aqliy va jismoniy faoliyatning yuqori darajada bo‘lishiga erishish; gigienik malaka va ko‘nikmaga ega bo‘lishi; turmush tarzini mavjud axloqiy talablarga muvofiq tashkil etish; jismonan sog‘lom bo‘lib, o‘ziga va o‘zgalarga quvonch baxsh etish, zararli odatlardan saqlanish kabilar muhim ahamiyat kasb etadi. Talabalar o‘rtasida mehnat tarbiyasini tashkil etishda milliy va umumbashariy an’analariga tayanish, ustoz-shogird, oilaviy mehnat va hunarmandchilikning eng samarali metod va usullaridan foydalanish, zamonaviy kasb-hunarlar asoslarini o‘zlashtirish, ular tomonidan mehnatning shaxs rivojlanishida asosiy omillaridan ekanligini anglanishiga erishish muhim sanaladi. Shuningdek, barkamol shaxsning shakllanishida ekologik, iqtisodiy, huquqiy tarbiyalar ham o‘ziga xos ahamiyatga ega [4.90-95].

Xulosa qilib aytganda, barkamol shaxs individ – shaxs – inson tizimida o‘z dunyoqarashi, nuqtai nazariga ega bo‘lish, o‘z haq-huquqini hurmat qilishga o‘rganish, shaxslik xislatlarini tushunish, shuningdek, o‘z bilim, qobiliyat va ko‘nikmalarini namoyon etib, o‘z “Men”ini qaror toptirish asosida shakllanadi. Insonning shaxs sifatida rivojlanishi uning qiziqishlari, xarakteri, qobiliyati, aqliy rivojlanganligi, ehtiyojlari, mehnat faoliyatiga munosabati bilan belgilanadi. Insonda yuqorida ko‘rsatilgan

xususiyatlar rivojlanib, uning ijtimoiy voqelikka, mehnatga, kishilarga, jamiyatga bo'lgan munosabati muayyan bosqichga yetgandagina u barkamol shaxs darajasiga ko'tariladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. G`oziev E. Ontogenez psixologiyasi. T. Sharq. 2008 . B. 33-34.
2. Shoumarov G. Oila psixologiyasi. T.Sharq. 2001. B. 24-25.
3. Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya. T. O`zbekiston. 1998.

SOG`LOM YETUK QILIB BOLALARNI TARBIYALASHDA OTA-ONA VA MAKTABGACHA TA`LIM TASHKILOTINING HAMKORLIGI

*Hamrayeva Shahnoza Dilshodovna,
Isakova Dilbar Muzaffarovna
Zarafshon shahar 1-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti*

Annotatsiya. Ushbu maqolada sog'lom avlodni voyaga yetkazishda oila, maktabgacha ta'lim muassasasi o'zni hamda oila, maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiya maskani bo'lib, shaxsning kelajagi shu maskanda tarbiyaning qanday amalga oshirilishiga, haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: Dastur, poydevor tushunchasi, texnik, aqliy kamolot, dunyoqarash, insoniy e'tiqod, mahsuli, ijtimoiy, yondashuv, barkamol insonni.

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017-2021-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Dastur asosida keng ko'lamlı kompleks tadbirlarni amalga oshirib kelinmoqda. Bolalarni bog'chaga qamrab olish haqida gapirganda, 2017 yil 7 dekabr kuni O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 25 yilligiga bag'ishlangan tantanali tadbirda Prezident Shavkat Mirziyoev tomonidan bildirilgan quyidagi fikrlarni ta'kidlash maqsadga muvofiqdir: Bola bog'chaga sog'lom turmush asosida, maktabga tayyor bo'lib voyaga etadi. Hurmatli ayollarimiz bolasidan ko'ngli to'q bo'lib, ijtimoiy mehnat bilan, uy-ro'zg'or ishlari bilan shug'ullanadi. Qolaversa, ularda dam olish, o'z sog'lig'i haqida o'ylash uchun ozgina bo'lsa ham sharoit paydo bo'ladi. Shuning uchun maktabgacha ta'lim sohasidagina shunday ulkan islohotlarni hayotga joriy etish biz uchun ham qarz, ham farzdir. Qanchalik qiyin bo'lmasin, bu tarixiy vazifani amalga oshirishimiz shart va uni barchamiz birgalikda albatta bajaramiz deb ta'kidlagan edi.

Respublikamizda bugungi kunda besh mingga yaqin maktabgacha ta'lim muassasasida 3-7 yoshgacha bo'lgan 2.3 million bolani 31% maktabgacha ta'lim muassasasiga qamrab olingan. Oilada tarbiyaning negizlariga asos solinadi. U bolada shakllanishi lozim bo'lgan barcha insoniy munosabat va fazilatlarini tarbiyalovchi hayot maktabi hisoblanadi. O'zbek xalqi tabiatan bolajon xalq. Bolaga nisbatan bag'ri kenglik, mehri daryolik o'ta fidoyilik o'zbeklargagina xos xususiyatdir. Shu boisdan ham, ota-onalarimiz farzandlarning baxti va kelajagi uchun qayg'uradi. Ularning puxta

bilim olishlari, qiziqishlari bo'yicha kasb-hunar egallashlari, axloq-odob qoidalarini mukammal bilishlari va ularga amal qilishlari uchun mavjud imkoniyatlarni yaratadilar. Chunki oilada to'g'ri tarbiyalash-mustahkam poydevorli jamiyat barpo etilishining sharovidir. Bola tarbiyasi keng qamrovli, uzoq davom etadigan murakkab jarayon bo'lib, uning o'ziga xos xususiyatlari mavjud. Bolalarga maktabgacha ta'lim muassasalarida xalq va yurt taqdiri uchun fidoiylik tuyg'usini shakllantirish tarbiyada muhim o'rin tutadi. Buning uchun bola hayotining dastlabki yillaridan boshlab, uni moddiy olam bilan tanishtirish hamda milliy an'analarimizga xos shakllarini qo'llash lozim. Bu jarayonda milliy turmush tarzimizga yot bo'lgan «jangari» o'yinchoqlar, multfilmlar, kinofilmlardan imkon qadar foydalanmaslik davr talabidir. Sharqona odob va bashariyatning ezgu intilishlarini aks ettiruvchi o'yinlar, o'yinchoqlar, rasmlar, kitobchalar, milliy ertaklar asosida yaratilgan multfilmlar bolalar tarbiyasining to'g'ri shakllanishida asosiy vosita bo'lib hisoblanadi.

Ma'lumki, tarbiya tushunchasi o'sib kelayotgan avlodda hosil qilingan bilimlar asosida aqliy kamolot – dunyoqarashni, insoniy e'tiqod, burch va mas'uliyatni, jamiyatimiz kishilariga xos bo'lgan axloqiy fazilatlarni yaratishdagi maqsadni ifodalaydi. Maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini kengaytirish, malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash darajasini tubdan yaxshilash, ta'lim-tarbiya jarayoniga zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini tadbiiq etish, bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish lozim.

Sog'lom avlodni voyaga yetkazishda oila, maktabgacha ta'lim muassasasi hamkorligi hozirgi kunda keng yo'lga qo'yilgan.

Shu jihatdan olganda, oila va maktabgacha ta'lim muassasining asosiy vazifasi jamiyat talabiga mos insonni tarbiyalab voyaga yetkazishdir. Shaxs tafakkuridagi har qanday shakllanish, har qanday e'tiqod tarbiyasi va hatto g'oyaviy va mafkuraviy immunitet oilada shakllanishi kerak. Yoshlarning vatanparvarligi oiladagi tarbiya va mahalladagi ma'naviy muhitdan boshlanadi, o'z oila va mahallasini qadrlamagan inson Vatani ham qadrlashi qiyin kechadi.

Shunday qilib, Sog'lom avlodni voyaga yetkazishda oila, maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiya maskani bo'lib, shaxsning kelajagi shu maskanda tarbiyaning qanday amalga oshirilishiga, tarbiyachi hisoblanmish ota-onaning o'z burch va vazifalariga qanday munosabatda bo'lishiga bog'liqdir. Oiladagi har bir kishining o'z burch va vazifalariga mas'uliyat bilan yondashishi oila mustahkamligi, jamiyat farovonligiga erishishning omilidir.

Xullas, barkamol insonni, ya'ni avvalo oila uchun, qolaversa o'zi yashab turgan jamiyat, xalq uchun fidoiy, shaxsni tarbiyalash oila, maktabgacha ta'lim muassasasidan boshlanadi. Shuning uchun maktabgacha ta'lim tarbiyachilari, bola tarbiyasiga diqqat-e'tiborni qaratishlari zarur.

Bolaning emotsional faolligi bu - uning atrof dunyoni qiziquvchan, emotsional qabul qilishi, unda ishtirok etishi, unga to'g'ri baho berishni bilishdir. Emotsional faol bola boshqalarning tashvishiga, zulmiga befarq qololmaydi. Emotsional faollik odamlar bilan, atrof dunyo bilan o'zaro munosabat, muloqotga talabni rivojlanishiga undaydi.

Esda tutish lozimki, bolaning tanishi, his etishi orqali, bola muloqotining rivojlanishi fantaziyasi va o'y-fikrlari rivojlanadi. Shuning uchun bolaning faolligi rivojlanishining eng muhim yo'llaridan biri bu tasavvur etuvchi holatdir. Bu holat bolani o'qitish jarayonini tabiiy, erkin bo'lishini ta'minlaydi.

Ertak bola uchun mos va kattalar uchun tushunarli narsadir. Zarur mavzularda ertaklar to'qish qiziqarli mashg'ulotdir. Bu bolaning o'zini kuchli va zabardast deb his qilishiga yordam beradi. Chunki ertaklar to'qish ijodiy potentsiali tuganmas va turli xil ertaklarni to'qish mumkin. Eng yaxshi usullardan biri bu improvizatsiyalashtirilgan o'yin-spektakllardir. Bu orqali bolalar o'z ichki dunyosini ijodiy, ijtimoiy, ularga tushunarli yo'llar bilan boyitadi. Bunday qimmatli imkoniyat bola uchun ertak qahramoni tarafida bo'lishi uchun zarurdir. Kutilmagan holatlar va yangilik elementlaridan foydalanish mumkin. Mashg'ulotning bunday boshlanishi bolani qiziqtiradi, unda topishmoqni tezroq topish istagi o'yg'onadi. Mashg'ulotingizdagi yangilik uning qanday shaklda qayerda o'tkazilayotganligi bilan birga ishtirokchilar va mashg'ulotga ham bog'liq. Kulgi va hazil ham juda yordam beradi. Bu usul bolaga predmetlarga boshqa tomonlama qarashga ham imkon berib, kattalar o'rtasidagi chegarani olib tashlashiga imkon beradi. Bunda pedagogik va insoniy harakatlarni, oqko'ngillikni unutmazlik lozim.

Bir mashg'ulotda pedagog bir necha usullardan foydalanishi mumkinki, bunda bolaning emotsial faolligi rivojlanishiga kompleks yondashuv bo'ladi. Lekin bunda oltin oraliq qoidasiga amal qilish kerak.

Xulosa o'rnida e'tiborimizni shunga qaratmoqchimizki, bolaning emotsional faolligini rivojlanishidagi asosiy usul bu kattalarning namunasi bo'lib qoladi. Kattalarning u yoki bu voqealarga o'zining emotsial munosabatini bolalarga ko'rsata bilishi muhim shartdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

- 1.Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - T.: "O'zbekiston", 2017.
- 2.Mirziyoyev Sh.M. "Konstitutsiya— erkin va farovon xayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir" mavzusidagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 25 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi.
- 3.Munavvarov. Oila pedagogikasi T.1994y

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARNI VATANGA MEHRLI VA MA'NAVİYATLI QILIB TARBIYALASH

*Sayilxonova O`g`iloy G`ulomjonovna
Zarafshon shahar 1-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisi*

Annotatsiya. Mazkur maqolada ta'lim jarayonida maktabgacha yoshdagi bolalarga sharq didaktikasi asosida ma'naviy tarbiya berish, foydalanish, bugungi kunning dolzarb vazifalardan biriga aylanganligi haqida ma'lumotlar yoritilgan.

Kalit soʻzlar: Intelektual, maʼnaviy, axbort, ijobiy sifatlar, intellektual, eʼtibor, ahloq, qobiliyat, interaktiv, ijtimoiy psixologik.

Mustaqil yurtimizda jahon andozalari asosida oʻsib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama mustaqil fikrlaydigan, erkin shaxs sifatida tarbiyalash masalasiga jiddiy eʼtibor berib kelmoqda. Ushbu maqsad va vazifalar maktabgacha yoshdagi bolaning maktab taʼlimga oʻtishi hamisha uning hayoti, ahloqi, qiziqishi va munosabatlarida jiddiy tub oʻzgarishlarni yuzaga chiqaradi. Maktabgacha taʼlim muassasasida asosan ilgʻor xorijiy tajribani hisobga olgan holda bolalarni har tomonlama intellektual, maʼnaviy, estetik va jismoniy rivojlantirish sharoitlarini yaratishdan iborat. Bugungi bogʻcha bolasidan aniq bilimlarga emas, fikrlash koʻnikmasi, kattalar va tengdosh oʻrtoqlarini tushunish, ular bilan hamkorlik qilish ham talab etiladi.

Maʼnaviy tarbiya normalari har bir jamiyatning huquqiy normalariga asos boʻladi. Yosh avlodni jamiyatga, mehnatga, oʻziga munosabatni ochib beruvchi maʼnaviy fazilatlarga muvofiq ravishda tarbiyalash tarbiyalanuvchi shaxsning axloqiy tarbiyaning pedagogik va psixologik asoslarini chuqur bilishini talab qiladigan murakkab jarayondir. Maʼnaviy bilimlarni ongli ravishda oʻzlashtirib olishgina bolalarga atrofdagi kishilar xatti-harakatidagi qaysi jihatlar yaxshi-yu, qaysilari yomon ekanligini anglab olishga yordam beradi.

Eramizdan avvalgi 528-529-yillar orasida Zardusht tomonidan yaratilgan «Avesto» kitobida ham taʼlim-tarbiyaga, axloq-odobga oid qator gʻoya va qarashlarni koʻrish mumkin. «Avesto»da taʼkidlanishicha, tarbiya hayotning tayanchi, shu boisdan har bir yoshni yaxshi oʻqish va yozishga oʻrgatish lozim. Uni yosh paytidanoq mehnat qilib, mehnatning tagi rohat ekanligini anglatish uchun daraxt koʻchati oʻtkazishga, uy-roʻzgʻor qurollari yasash, yerga ishlov berish va chorva bilan shugʻullanishga oʻrgatilishi shart. Zotan, uning fikricha, yaxshi va ezgu ishlar yaratish uchun kishi mehnat qilishi zarur, oʻz qoʻllari bilan moddiy noz-neʼmatlar yaratmas ekan, u yashash lazzatini ham his qilmaydi, hayotning qadriga ham etmaydi.

Maktabgacha taʼlim yoshidagi bolalarni maʼnaviy jihatdan tarbiyalash vazifasi va mazmuni bolaning maʼnaviy dunyosini, uning ongini, axloqiy hislarini, shaxsiy sifatlarini tarbiyalash va rivojlantirish, maʼnaviy tarbiya mazmunini amalga oshirishdan iborat. Maktabgacha yoshdagi bolalarga maʼnaviy tarbiya berishning vazifalari quyidagilardan iborat:

1. Bolalarda maʼnaviy tasavvurlar va xatti-harakatlarni tarbiyalash.
2. Xulq madaniyati va ijobiy munosabatlarni tarbiyalash.
3. Bolalarda axloqiy his-tuygʻularni tarbiyalash.
4. Xulqdagi salbiy sifatlarni barham toptirish.

Maktabgacha talim muassasalarida maʼnaviy tarbiya berish har xil vositalar yordamida amalga oshiriladi. Birinchi galda bolalarni har xil faoliyatlar vositasida mashgʻulotlarda va mashgʻulotlardan tashqari vaqtlarda, taʼlim berish orqali kattalar mehnati bilan tanishtiriladi.

Har xil bayramlar, ijtimoiy hayot voqealari, bolalar adabiyoti, musiqa, oʻyin materiallari, ommaviy axborot vositalari — televideniya, radio va boshqalar bolalarning axloqiy tarbiyasiga katta taʼsir koʻrsatadi.

Shunday ekan, maktabgacha yoshdagi bolalarni maʼnaviy tarbiyalashda baynalminalchilik his-tuygʻularini shakllantirishda qardosh millat vakillari bilan

uchrashuvlar o'tkazish, maxsus mashg'ulotlarda ularning urf-odatlarini, madaniyati, san'ati, tabiati to'g'risidagi adabiyotlarni o'qib berish, suhbat o'tkazish, rasmlar ko'rsatish, video filmlar namoyish etish, turli millat bolalari hayoti to'g'risidagi hikoyalarni o'qib berish foydali bo'ladi.

Ma'naviy tarbiyaning asosiy tamoyillari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- g'oyaviy va tarbiyaviy ishning ma'lum maqsadga qaratilganligi;
- ta'lim-tarbiya ishiga bola shaxsini hurmat qilgan holda yondashish;
- ma'naviy tarbiya ishini hayot va zamon bilan birga olib borish;
- bolalarning faolligi;
- oila va MTTlar tarbiyaviy ta'sirining birligi;
- bola shaxsidagi ijobiy sifatlarga suyanish;
- bola shaxsining har tomonlama rivojlanishini ko'zda tutish.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, maktabgacha yoshdagi bolalarda ma'naviy va axloqiy sifatlarni shakllantirish, shaxs ma'naviy barkamolligining asosini tashkil etib, bunda bolalarning yosh va psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda, ulardagi axloqiy sifatlarni o'zlashtirishga bo'lgan qiziqish, ehtiyojni to'la qondirishga yordam beruvchi, pedagogik texnologiyalarga asoslangan zamonaviy didaktik ishlanmalarni tayyorlash va ularni amalga oshirishning mustahkam mexanizmini ishlab chiqish muammoning amaliy yechimini ta'minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

- 1.U.Maxkamov. «Axloq-odob saboqlari». Toshkent, 1994 y.
- 2.O.Xasanboeva “Maktabgacha ta'lim pedagogikasi” T.2006 yil
3. M.Fayzullaeva, Z.Raximova “Yaxshi odatlar gulshani” Toshkent-2011y.

TARBIYA JARAYONIDA OTA-ONA VA TARBIYACHINING O'RNI

Rasulova SarvinozFarxodovna

Zarafshon shahar 1-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada tarbiya jarayonida sharq didaktikasining rivojlanishning umumiy va o'ziga xos jihatlari, tarbiya jarayonida o'qituvchi, tarbiyachilarning asosiy vazifasi ta'lim-tarbiya berish, o'quvchilar bilim, ko'nikma, malakalarini muttasil oshirib borish, haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: Ta'lim-tarbiya, ilmu-ma'rifat mahsuli, ijtimoiy, yondashuv, metodlar, axloqiy, irodaviy, taqlidchanlik, estetik.

Tarbiya jarayoni shaxsni maqsadga muvofiq takomillashtirish uchun uyushtiriladi va tarbiyalanuvchining shaxsiga muntazam va tizimli ta'sir etish imkoniyatini beradi. Tarbiya jarayoni o'zaro bog'liq ikki faoliyatni o'qituvchi va o'quvchi faoliyatini o'z ichiga oladi. Tarbiya jarayonida o'quvchining ongi shakllana boradi, his-tuyg'ulari va turli qobiliyatlari rivojlanadi, g'oyaviy, axloqiy, irodaviy, estetik xislatlari shakllanadi, tabiatga, jamiyatga ilmiy qarashlar tizimi tarkib topadi, jismoniy kuch-quvvatlari mustahkamlanadi. Tarbiya jarayonida o'quvchida jamiyatning shaxsga qo'yadigan

axloqiy talablariga muvofiq keladigan xulqiy malaka va odatlar hosil qilinadi. Bunga erishish uchun o'quvchining ongiga (ta'lim jarayonida), hissiyotiga (darsda va turli sinfdan tashqari ishlarda), irodasiga (faoliyatni uyushtirish, xulqni idora qilish jarayonida) tizimli va muntazam ta'sir etib boriladi. Tarbiyalash jarayonida bularning birortasi (ongi, hissiyoti, irodasi) e'tibordan chetda qolsa, maqsadga erishish qiyinlashadi.

Inson tarbiyasi va uning tarbiyalanganlik darajasi o'z davrining ilmiy-amaliy mezonlari bo'yicha tadqiq etishlik ko'p asrlik fan tarixiga ega. Insoniyatning yer yuziga kelishidan e'tiboran kishilar muayyan sotsiumning a'zosi tariqasida shaxslararo munosabatga kirishishi, muloqat o'rnatishi, muomala maromiga rioya qilishi lozim, deb belgilanishi tarbiyalanganlik o'lchovlarining vujudga kelishiga sabab bo'lgan. Taraqqiyot, ijtimoiy ong, aql-zakovat, komfortga intilish hissi tarbiyalanganlikning ham harakatlantiruvchisi, ham mexanizmi, ham zarurat ekanligini ta'kidlovchi omil bo'lib xizmat qilgan va bundan keyin ham ko'p funksional vazifani ado etaveradi.

Tarbiyalanganlikning asosiy belgilari quyidagilardan iborat, deb hisoblaydi mutafakkir Alisher Navoiy:

- jahl chiqqanda o'zini bosa olish; har bir ishni qilganda «yetti o'lchab bir kesish», sir saqlay olish, mulohaza qilib, ayrim gaplarni ichga yutish;
- doimo ishonch bilan yashash va olg'a intilish; andisha chegarasidan chiqmagan holda dadil bo'lish;
- bir ishni boshlagandan keyin uni oxiriga yetkazmay qo'ymaslik;
- topgan-tutganini tejab-tergab sarflash va hokazolar.

Az-Zamaxshariyning fikricha, tarbiyanlanganlikning o'nta nishonasi farqlanadi:

- birinchisi – xalq to'g'ri topgan narsani noto'g'ri deb qaramaslik;
- ikkinchisi – o'z nafsiga erk bermaslik;
- uchinchisi – birovdan ayb qidirmaslik;
- to'rtinchisi – yomonlikni yaxshilikka yo'yishlik;
- beshinchisi – agar gunohkor uzr so'rasa, uzrini qabul qilish;
- oltinchisi – muhojirlar hojatini chiqarish;
- yettinchisi – el g'amini yeyish;
- sakkizinchisi – o'z aybini tan olish;
- to'qqizinchisi – el bilan ochiq yuzli bo'lish;
- o'ninchisi – odamlar bilan shirin muomalada bo'lish.

Beruniy insonning kamolotga yetishishida ilmu ma'rifat, san'at va amaliyot asosiy rol o'ynasada, nasl-nasab, ijtimoiy muhit va turmush qonuniyatlari ham katta ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlaydi. Uning fikricha, inson kamolga yetishuvining eng muhim omillari ilm ma'rifatli bo'lish va yuksak axloqlilikdir. Axloqlilikning belgilari yaxshilik, to'g'rilik, adolat, kamtarlik, saxovat, oliyjanoblik, do'stlik va hamkorlik, mehnat, poklik, go'zallikka intilish kabilardir.

Tarbiya jarayonida o'qituvchi, tarbiyachilarning asosiy vazifasi ta'lim-tarbiya berish, o'quvchilar bilim, ko'nikma, malakalarini muttasil oshirib borish, ularda tafakkur, ilmiy dunyoqarash va mafkuraviy tushunchalarni shakllantirishdan iboratdir.

Tarbiya jarayonining jamiyat taraqqiyotidagi roli nihoyatda beqiyosdir. Mutafakkir olim Abu Nasr Farobiy ta'lim-tarbiyaning asosiy vazifasi jamiyat talablariga

javob bera oladigan va shu jamiyat uchun xizmat qiladigan yetuk insonni tarbiyalashdan iborat deb biladi.

Axloqiy tarbiyada eng muhim vositalar bolaning nafsoniyatiga, gururiga tegmagan holda, yakkama-yakka suhbatda bo'lish unga nasihat qilishdir.

Ibn Sino bolada axloqiy hususiyatlarni mehnat, jismoniy aqliy tarbiya bilan o'zviy birgalikda shakllantirishni, uni inson qilib kamol toptirishda asosiy omil deb biladi.

Jamiyat taraqqiyotida muhim o'rin egallagan insonni tarbiyalash, uni bilim olishga, mehnat qilishga undash va bu xatti-harakatini sekin-asta ko'nikmaga aylantirib borish lozim. Insonning mushohada qilish qobiliyatini tarbiyalaydi va aqlini peshlaydi. Aql ongni saqlaydi. Ong esa moddiy va ma'naviy manbaga aylanadi. Shu tarzda inson asta-sekin takomillashib, komillikka erishib boradi. Ammo buning uchun tarbiyachi va tarbiyalanuvchilardan uzoq davom etadigan mas'uliyat, sharafli mehnat va qunt, irodani talab etadi. Bunda tarbiyachi bolalarning yosh xususiyatini e'tiborga olish zarur.

Xulosa qilib shuni ta'kidlaymizki, tarbiyaning samarali bo'lishi ko'p jihatdan jamiyatdagi ijtimoiy institutlarning rivojlanishiga bog'liq. Ma'naviy va insoniy sifatlarning shakllanishida oiladagi, atrofdagi, jamiyatdagi muhit va munosabat muhim o'rin egallaydi. Bolalarni taqlidchanlik xususiyati mavjudligi tufayli ularni tarbiyalashda ota-onaning ongi, ma'naviyati, bilimi, tarbiyalanganligi muhim ahamiyatga egadir.

SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDA OILANING O'RNI

*Bozorova Yulduz Etolmasovna
Qashqadaryo viloyati Qarshi tumani 24-maktab psixologi*

Jamiyatdagi o'zgarishlar oilaga ta'sirini ko'rsatganidek, oiladagi o'zgarishlar ham jamiyatga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Oila davlatning, jamiyatning asosiy tayanchi ekan, uning mustahkamligi, tinch-totuvligi, farovonligi va barqarorligidan jamiyat manfaatdordir. Oilada ma'naviy va jismoniy yetuk avlodni shakllantirish, yoshlarni oilaviy hayot qurishga tayyorlash, zamonaviy kasb-hunar sirlari bilan qurollantirish lozim. Bola tarbiyasida oilaning o'rni juda muhim hisoblanadi.

Oilada sog'lom turmush tarzini barqarorlashtirish doyicha amaliy ish quyidagicha amalga oshiriladi:

-maqсадni belgilash, ya'ni oiladagi erishilgan yutuqlarni aniqlab, ularga suyangan qolda ota-onalarning yana qanday imkoniyatlarga ega ekanliklarini hamda qanday yordamga muqtoj ekanligini belgilash;

-Harakatlar algoritmi, ya'ni ota-onalar orasida oila tashxisini o'rnatishga doir anketalar tarqatish, ularga javoblar olish, taqlil etish, ularning tavsifiga ko'ra ota-onalarni kichik guruqlarga ajratish va tashqis natijalari bilan tanishtirish kabi faoliyatdir;

-diagnostika asosida pedagogik konsiliumlarni tashkil etish, psixologik xizmatni amalga oshirish rejalarini tuzish ishlari amalga oshiriladi.

Oilaviy tarbiyaning o'ziga xosligi shundaki, u bolalarga ota-ona, qon-qardoshlik, avlod-ajdod xislatlarini uzatadi, uning davomiyligini saqlaydi, farzandni shaxs sifatida shakllantiradi, hayotga tayyorlaydi. Har bir oila o'ziga xos bir olam, olam ichidagi va

shu bilan birga olamga sig'magan olam, u tarbiya ishida o'ziga xos, takrorlanmas xususiyatlarni o'zida namoyon qiladi. Ana shuning uchun ham oilaviy tarbiyaning hammaga ma'qul tushadigan yo'l-yo'riqlari mavjud emas.

O'zbek xalqining milliy xususiyatlari: axloqiylik, o'zini o'zi anglash, milliy tuyg'u, milliy madaniyat, milliy kiyinish va yurish-turishda o'z aksini topadiki, o'zbek oilasining tuzilishi va shaxslararo munosabatini o'rganishda bularni chetlab o'tish mumkin emas. O'zbek oilalari tuzilishiga quyidagi sifatlar xosdir: ko'p bolalilik, oilada otaning bosh tarbiyachi sifatida namoyon bo'lishi; qarindoshchilik, bir necha avlodlarning birgalikda yashashi.

Oilaviy munosabatlar – ota-onalar yoki bolaning kamoloti uchun mas'ul bo'lgan shaxslar (buva-buvilar) hamda farzandlar o'rtasida turli yo'nalishlarda tashkil etiluvchi munosabatlardir. Oilaviy munosabatlar farzandlarning aqliy, ruhiy kamolotini ta'minlab, ota-onalarda o'ziga xos faollikni ham yuzaga keltiradi. Xususan, farzandlarning bevosita ta'siri tufayli ularning qiziqish hamda faoliyatlari doirasi kengayadi, o'zaro aloqalari mazmunan boyib boradi, real hayot mohiyatini chuqurroq anglash, ya'ni, farzandlar kamoloti, kelajagi timsolida o'z umri davomiyligini kurish holati ro'y beradi.

Shaxsning ma'naviy sifatlarga ega bo'lishi, unda ma'naviy bilimlarni egallashga nisbatan ehtiyoj va qiziqishning paydo bo'lishida oila tarbiyasi asosiy rolni bajaradi. Oilada qaror topgan sog'lom ma'naviy-ruhiy muhit farzandlarning etuk, barkamol bo'lib voyaga etishlari uchun beqiyos ahamiyatga egadir. Sharqda azal-azaldan oila tarbiyasiga yuksak baho berib kelingan. Totalitar tuzum davrida esa oilaning shaxs tarbiyasida tutgan o'rni inkor etilib, uni ijtimoiy borliq vositasida tarbiyalashga harakat qilindi.

Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda bolalarni, bilimlarini oshirish va so'zlashuv vositasi sifatida fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish, aqliy tarbiyaning asosiy maqsadi bo'lib xizmat qiladi. Aqliy tarbiya aqliy bilim olish bilan chambarchas bo'lgan xolatda olib boriladi. Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda bolalar bilim oladigan maxsus muassasalarda ta'lim va tarbiyalash jarayonida, zarur bilimlarni oladilar va shu bilan birga, olgan bilimlarini o'zgaruvchan xolatlarda ishlata bilish, taxlil qilish, taqqoslash va sintez qilish kabi aqliy bilimlarga ham ega bo'ladilar.

Aqliy tarbiya, nafaqat o'qitish yo'li bilan, balki olgan bilimlarini oilada, ota-onalar yordamlarda xam olib boradilar.

Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda bolalar dasturini yaxshi o'zlashtirish bilan birga, olgan bilimlarini amaliyotda ham muvaffaqiyatli ishlata bilmoqlari va undan tashqari so'zlashuv qobiliyatiga ham ega bo'ldilar. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, bolalarni maxsus maktablarda aqliy tarbiya korreksion-rivojlantirishish maqsadga yo'naltirilgan.

Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda bolalar bilan olib boriladigan mehnat tarbiyasi vazifalari kuyidagicha. Mehnat tarbiyasi bu - Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda bolalarning turli faoliyatiga yo'naltiruvchi murakkab, ko'p qirrali jarayondir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O. Xasanboyeva va boshq. Pedagogika tarixi.-T.: "G'.G'ulom, 2004.-312 b.
2. B. Ziyomhammadov. Pedagogika.-T.: "Turon-Iqbol". 2006.-112 b.

“OMMAVIY MADANIYAT”NING YOSHLAR TARBIYASIGA SALBIY TA’SIRI

*Nazarova Muhabbat Jo’raboyevna
Qashqadaryo viloyati Qarshi tuman 23-maktab psixologi*

Jamiyat rivojlanib borar ekan, uning barqarorligi va rivoji, albatta, har tomonlama etuk, yuksak ma’naviyatli komil insonlarga bog’liq. Shuning uchun insoniyat taraqqiyotining butun ongli davri jamiyatda barkamol insonlarni tarkib toptirishga intilish jarayonlaridan iborat bo’lgan. Komil insonlarni tarbiyalashda jamiyat ma’naviy hayotiga katta e’tibor berish va insonlar ongini zaharlovchi ma’naviy-mafkuraviy tahdidlardan himoya qilish darkor. Ayniqsa, bugungi globallashuv jarayonida «ommaviy madaniyat» tahdidlarining oldini olish dolzarb ahamiyat kasb etib, mazkur muammoni hal etishning yangicha yondashuv va samarali yo’llarini izlab topishni talab etadi.

Bugungi kunda madaniyatning yoshlarga ta’siri, uning ijobiy tomonlari bilan birgalikda salbiy tomonlariga ham alohida e’tibor berilmoqda. “Ommaviy madaniyat” deb nom olgan xalqimiz tasavvurlariga, tarixiy-madaniy an’analariga, sharqona odob-axloq normalariga zid qarashlar, siyqa san’at va g’ayriaxloqiy asarlar bugun milliy madaniyatlarga, milliy o’zlikni anglashga katta xavf solmoqda.

Globalashuv jarayonida dunyoda sodir bo’layotgan murakkab o’zgarishlar turli xalq, millat va elatlar madaniyatida ma’naviy-mafkuraviy ziddiyatlarni vujudga keltirmoqda. Milliy madaniyatimizga zid va chetdan kirib kelayotgan, salbiy xarakterga ega bo’lgan mafkuraviy tahdidlar xavfini o’z vaqtida bartaraf etish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Bugungi kunda jahonning aksariyat mamlakatlarida milliy madaniyatlarga qarshi bo’lgan, yoshlarni axloqsizlik g’oyalari sari ergashtiruvchi, ularning ma’naviy ongiga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi “ommaviy madaniyat” tahdidlarining salbiy ta’siri ancha kuchayganiga guvoh bo’lamiz. Shu nuqtai nazardan “ommaviy madaniyat”ning salbiy oqibatlarini bartaraf etishning asosiy yo’llarini ishlab chiqish dolzarb muammo bo’lib qolmoqda.

Endi “ommaviy madaniyat” masalasiga chuqurroq nazar soladigan bo’lsak, u hozirgi kunda madaniy globallashuvning, madaniy ekspantsiyaning, qolaversa, mafkuraviy tazyiqning eng xavfli quroliga aylanib bormoqda. Shuni e’tiborga olish lozimki “ommaviy madaniyat”da milliy qadriyat, milliy xususiyat va milliy tarixga asos yo’q. U milliy madaniyat, milliy an’ana, milliy xarakter yoki milliy mentalitet hamda milliy manfaat nima ekanligini bilmaydi.

Hozirgi sharoitda globallashuv bilan bog’liq ba’zi jarayonlar, ayniqsa, “ommaviy madaniyat” salbiy hodisa, milliy qadriyatlar va an’analar bilan bog’liq madaniyatga qarshi sifatida namoyon bo’layotgani, aslida esa bunday jarayonlarga “olomon madaniyati” deb atash to’g’ri bo’ladi. Bugungi kunda ommaviy axborot vositalari, televidenie madaniyatni olomonlashtirishning asosiy vositasi va manbai bo’lib xizmat qilmoqda. Bu avvalo, odamlarning haqiqatda vaqti bo’lgan, qayg’u va xursandchiliklarini ifodalagan, ularni qiziqtirgan har qanday muammoni tovarga, bir qolipga solgan ko’ngilxushlikka aylantirilishida namoyon bo’ladi.

“Ommaviy madaniyat” ning qiyofasi quyidagicha:

1. U millati, yoshi, joyi, ijtimoiy xususiyatlarga bog'liq bo'lmagan ommaviy iste'molchilarga ega bo'ladi;

2. Bu madaniyat namunalarini yaratish jarayonining o'zi ommaviy xususiyat kasb etib, industriyaning maxsus ko'rinishini o'zida namoyon qiladi, ya'ni unda yuz minglab kishilar band bo'lib, ularning “matbuot qiroli”, – shou tomoshabinlari, kino, TV, estrada yulduzlari bo'ladi.

Ommaviy madaniyat kishilarni hayotni befarq kuzatuvchi tomoshabinga aylantiradi, o'zlari ham mavjud hayotni go'yo sarob kabi tasavvur qiladilar.

Hozirgi globallashuv sharoitiga kelib “ommaviy madaniyat” orqali milliy qadriyat va an'analar tizimini, tubdan o'zgartirishga harakat qilinmoqda. Bu borada esa G'arb mamlakatlari tomonidan madaniyat “qoliplari”ni ishlab chiqarilayotganligidan kelib chiqib, aytish mumkinki, bu o'zgarish avvalo, g'arbona individualizm tomon harakat qilinayotganligidan darak bermoqda. Bu bilan globallashuv sharoitidagi “ommaviy madaniyat”ning ta'siri natijasida milliy madaniyatlarini o'ziga xosligining yo'qolib borishi, kam sonli xalqlarning o'z tili va urf-odatlarini unitishi, hattoki, uning yuqolib ketishi holatlarini keltirib chiqaradi. Jahonda g'arbona kiyinish keng tarqalayotgan bir paytda o'ziga modaga aylanib borayotgan libosini kiygan, aslida manqurtlik kasalligi ko'rinishlaridan biri – “ommaviy madaniyat” ko'rinishining umumjahon madaniyatiga aylanayotganidan dalolat bermoqda. “Ommaviy madaniyat” kishiga insoniylik, shaxs martabasini beradigan milliy madaniyatidan, ma'naviyatidan, tarixiy xotiradan mahrum etadi.

“Ommaviy madaniyat” fenomeni vujudga kelishida reklama, moda, mass-media muhandisligi, dizayn, xullas, onnga ta'sir etuvchi vositalarning ahamiyati katta. “**Ommaviy madaniyat**” ko'pincha keng aholi qatlamiga xush kelishi uchun sodda va ahamiyatsiz mavzularga e'tibor qaratgani uchun dindor va madaniyatshunoslar tomonidan yuzaki, iste'molparast, sensualist (sensualizm – bilish nazariyasida sezgilarni bilishning asosiy manbai deb tan oluvchi yo'nalish) va buzuvchi, deb tanqid qilinadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yoshlar ma'naviy dunyosini shakllantirish hamda «ommaviy madaniyat» tahdidlarining oldini olishda oila, mahalla, maktab, ta'lim tizimi muassasalari va mehnat jamoasining ta'siri katta. Mustaqillik yillarida ushbu institutlar tizimi va hayotida tub o'zgarishlar sodir bo'ldi. Ushbu o'zgarishlar bugun ta'lim-tarbiya jarayonlarini yangi davr nuqtai nazaridan tashkil qilishga undaydi.

TA'LIM – TARBIYA JARAYONIDA O'SMIR YOSHDAGI BOLALARNING MUAMMOLARNI YECHISHDA PSIXOLOGIK YONDASHUV

*D.Bekmuradova – Qashqadaryo viloyati
XTXQTMOHM “Pedagogika, psixologiya va ta'lim menejmenti” kafedrasi o'qituvchisi*

Yoshlarimizni mustaqil fikrlovchi faol, shijoatli, o'ziga ishonuvchan, bilimdon, demokratik munosabatlarning sub'ekti qilib tarbiyalashni amalga oshirish uchun so'zsiz ijtimoiy psixologiya va uning metotlari muxim rol o'ynaydi. U tarbiya

jarayonini sof ijtimoiy munosabatlarning maxsuli deb qaraydi. Yangicha fikrlash va tafakkurning muhim sharti sifatida demokratik munosabatlarga asoslangan muommala jarayonini taxlil qiladi. Uning asosida ta'lim beruvchi bilan ta'lim oluvchi o'rtasidagi yangicha "subyekt - subyekt" shaklidagi muomala ustuvor bo'lishi kerak.

O'smirlik davrida yetakchi faoliyat—bu o'qish, muloqat hamda mehnat faoliyatidir. O'smirlik davri muloqotining asosiy vazifasi bu do'stlik, o'rtoqlikdagi elementar normalarini aniqlash va egallashdir. O'smirlar muloqotining asosiy xususiyati shundan iboratki, u to'la o'rtoqlik kodeksiga bo'ysinadi.

O'smirlarning ota-onasi, kattalar bilan qiladigan muloqoti asosan ularning katta bo'lganlik hissi asosida tuzilgan bo'ladi. Ular kattalar tomonidan qilinadigan haq-huquqlarini cheklashlariga, qarshilik va e'tirozlariga qattiq qayg'uradilar. Lekin shunga qaramasdan u muloqotda kattalarning qo'llab-quvvatlashlariga ehtiyoj sezadilar. Birgalikdagi faoliyat o'smirlar kattalarni yaxshiroq tushinishlari uchun yordam beradi.

Yoshlar bilan ishlashdan avval ularning o'smirlik xususiyatlarini o'rganish lozim. O'smirlik — bolalikdan kattalikka o'tish davri bo'lib, fiziologik va psixologik jihatdan uziga xos xususiyatlari bilan xarakterlanadi. Bu bosqichda bolalarning jismoniy va psixik taraqqiyoti juda tezlashadi, hayotdagi turli narsalarga qiziqishi, yangilikka intilish ortadi, xarakteri shakllanadi, ma'naviy dunyosi boyiydi, ziddiyatlar avj oladi. O'smirlik balog'atga etish davri bo'lib, yangi hislar, sezgilar va jinsiy hayotga taalluqli chigal masalalarning paydo bulishi bilan ham xarakterlanadi. Bular ta'sirida o'smirning xarakteri, atrofdagi kishilar bilan muomalasi, jamiyatda sodir bo'layotgan voqkealarga munosabati tez o'zgarib boradi. Ba'zan ijtimoiy masalalar to'g'risida noto'g'ri tasavvur va yanglish fikrlar hosil bo'lishi tufayli u muayyan tartib-qoidalarga tanqidiy ko'z bilan qaraydi.

O'smirning psixik jarayonlarning keskin o'zgarishi bilan aqliy faoliyatida ham burilishlar seziladi. SHuning uchun shaxslararo munosabatda, o'quvchi bilan o'qituvchi muloqotida, kattalar bilan o'smirlarning muomalasida qat'iy o'zgarishlar jarayonida qiyinchiliklar paydo bo'ladi. Bular avvalo ta'lim jarayonida ro'y beradi: yangi axborot, ma'lumotlarni bayon qilish shakli, uslubi va usullari o'smirni qoniqtirmay qo'yadi. Odobli, dilkash o'smir kutilmaganda qaysar, intizomsiz, qo'pol, serzarda bo'lib qoladi. O'smir xulqidagi bunday o'zgarishlar tajribasiz o'qituvchi va ota-onasini qattiq tashvishga soladi.

O'smirning psixik o'sishini xarakatga keltiruvchi kuch - uning faoliyatini vujudga keltirgan yangi ehtiyojlar bilan ularni qondirish imkoniyatlari o'rtasidagi qarama-qarshiliklar tizimining namoyon bo'lishidir. Vujudga kelgan ziddiyatlarni psixologik kamolotni tahminlash, faoliyat turlarini murakkablashtirish orqali o'smir shaxsida yangi psixologik fazilatlarini tarkib toptirish bilan asta-sekin yo'qotish mumkin.

O'smirning ruy beradigan biologik-jismoniy o'zgarish natijasida uning psixik dunyosida tub burilish nuqtasi vujudga keladi.

O'smir o'zining qobiliyati va kuchini to'g'ri baholamay turib, murakkab hayotiy masalalarni hal qilishga urinadi, ammo fikr yuritish qobiliyati yuzaki bo'lganligi sababli kundalik hayotida qator kamchiliklarga yo'l qo'yadi. Lekin u o'z xatosini tan olishdan ko'ra kattalar bilan bahslashishni afzal ko'radi. Tanqid qilgan kishilarni il, o'zboshimchalik bilan ish tutishga urinadi, kattalarning maslahatiga ehtibor bermaydi. Ayrim o'smirlar o'zining kattalar safiga qo'shilganligini namoyish qilish uchun turli xil

odatlarga o'rgana boshlaydilar. Ota-onalar va pedagoglar o'smirlar bilan alohida ishlab, ularning ko'nglini topishi va xatti –harakatlarini o'z vaqtida to'g'ri yo'lga solishlari lozim.

O'smirlik yoshi dunyoqarash, e'tiqod, o'zligini anglash, baholash kabilar shakllanadigan davr hisoblanadi. O'smir o'z faoliyatini muayyan prinsip, e'tiqod va shaxsiy nuqtai nazari asosida tashkil qila boshlaydi. O'smir o'g'il-qizlar shaxsining kamol topishida o'zini anglash jarayonida o'ziga baho berish mayli va istagi o'zini boshqa shaxslar bilan taqqoslash, o'ziga bino qo'yish ehtiyoji paydo bo'ladi. Bular esa o'smirning psixik dunyosiga aqliy faoliyatiga, tevarak-atrofga munosabatning shakllanishiga ta'sir qiladi.

Kattalarga nisbatan agresiv munosabatning paydo bo'lishi, negativizm singari nohush xulq-atvor alomatlari o'z-o'zidan kelib chiqadigan bevosita jinsiy etilish tufayli paydo bo'ladigan belgilar bo'lmay, balki ular bilvosita ta'sir ko'rsatadigan o'smir yashaydigan ijtimoiy shart-sharoitlar vositasi orqali: uning tengdoshlari, turli jamoalardagi mavqei tufayli, kattalar bilan munosabati, maktab va oilasidagi o'rni munosabatlari sababli yuzaga keladigan xarakter belgilaridir. Mana shu ijtimoiy sharoitlarni o'zgartirish yo'li bilan o'smirlarning hulq-atvoriga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatish mumkin. O'smirlar nihoyatda taqlidchan bo'lib, ularda hali aniq bir fikr, dunyo qarash shakllanmagan bo'ladi. Ular tashqi ta'sirlarga va hissiyotlarga juda beriluvchan bo'ladilar. SHuningdek ularga mardlik, jasurlik, tantiqlik ham xosdir. Tashqi ta'sirlarga beriluvchanlik o'smirda shaxsiy fikrni yuzaga kelishiga sabab bo'ladi, lekin bu shaxsiy fikr aksariyat xollarda asoslanmagan bo'ladi. SHuning uchun ham ular ota-onalarning, atrofdagi kattalarning shuningdek, ustozlarning to'g'ri yo'lni ko'rsatishlariga qaramay o'z fikrlarini o'tkazishga harakat qiladilar.

Tarbiyaning umumiy ijtimoiy vazifasi – yosh avlodda bilim, ko'nikma, ijtimoiy tajriba va axloq normalarini shakllantirishdan iborat. Shu maqsadda yosh avlodga tarbiya berish maqsadga yo'naltirilgan tarbiyaviy ta'sir, ijtimoiy hayotda munosabatga kirishish me'yorlarini va shu asosda zaruriy shart-sharoit yaratishni nazarda tutadi.

TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISH JARAYONLARIDAYOSHLARDA AXBOROT OLISH MADANIYATINI SHAKILLANTIRISH

*Sanobar Asilova Xatambojevna
NamDU Pedagogika nazariyasi va tarixi 1-bosqich magistranti*

Annotatsiya. Maqolada ta'limni axborotlashtirish jarayonlarida yoshlarda axborot olish madaniyatini shakllantirishga qaratilgan taklif va mulohazalar keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar. Tarbiya, axborotlashtirish, ta'lim tizimini axborotlashtirish, kompyuter texnikasi, innovatsiya, mediya texnologiyalar, kompyuter texnologiyasi.

Ma'lumki, mustaqilligimizning ilk kunlaridan boshlab yurimizda yoshlarimizning ta'lim-tarbiyasiya alohida e'tibor qaratila boshlandi. Yoshlarimizga jahon talablari darajasida bilim olishlari va dunyo yoshlari bilan raqobatlasha olishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratildi va yaratilib kelinmoqda. 2020-yil 23-sentyabrda qabul qilingan

O'zbekiston Respublikasi "Ta'lim to'g'risidagi" Qonunining yangi tahriri ham ta'lim jarayonlarini isloh qilishga qaratilgan. Bugungi kunda yurtimizdagi barcha maktablar zamonaviy kompyuter o'quv xonalari bilan ta'minlangan. Bu ta'lim tizimini axborotlashtirishda pedagoglarimiz uchun qulaylik yaratildi demakdir. Ta'lim tizimini axborotlashtirish- bu butun ta'lim jarayonini samarali tashkil etishdir. Ta'lim tizimini axborotlashtirish- hayotdan yangi usullarni izlash jarayonidir. Ta'lim tizimini axborotlashtirish – bu kompyuter texnikasi va axborot texnologiyasidan dars jarayonida foydalanish, ta'limda yangi sifat ko'rsatkichlariga erishishdir. Buning uchun ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishda o'qituvchilarning malakasini oshirish va qo'llab-quvvatlash zarur. Har bir pedagogning AKT bo'yicha bilimlarini oshirish maqsadida mamlakatimizda pedagoglar uchun maxsus o'quv jarayonlari tashkil etildi. Hozirgi davrda insonga mediya texnologiyalarning ta'siri kun sayin ortib borayotgani kuzatilmoqda. Bu holat kitob o'qishga nisbatan televizorni qiziqib tomosha qiladigan bolalarga ta'sir etmoqda. Axborotlarning katta oqimi televideniya, telefon, internet, kompyuter o'yinlari, kompyuter, elektron o'yinchoqlar oilalarda mustahkam o'rin egallab borayotganligi bola tarbiyasi hamda atrofdagi olamni anglab borishiga kattalardan alohida e'tibor talab etmoqda. Bola voyaga yetgani sari uning sevimli mashg'uloti o'zgarib boradi. O'yinlari, sevimli qahramonlari, qiziqishlari ham o'zgaradi. Ta'lim jarayonida ham o'quvchilar ilgari axborotni darslik, adabiyotlar, dars jarayonlarida o'qituvchining ma'ruzalaridan, radio va televideniya orqali olgan bo'lsa, bular safiga endilikda axborot texnologiyalari va internet ham qo'shildi. Ta'lim tizimini axborotlashtirishda o'qituvchidan darsni yangi innovatsiyon va pedagogik texnologiyalar asosida dars o'tishni talab etmoqda.

Pedagog AKT dan foydalanib dars o'tish jarayonida bu o'sib kelayotgan yosh avlod uchun mo'ljallangan saboq ekanligini unutmasligi lozim. Darsga tayyorgarlik ko'rish jarayonida dars rejasini maqsadga ko'ra tayyorlash, mavzuga oid o'quv materialini tanlashda asosan: tizimlilik hamda muntazamlilik, qulaylik, ilmiylik va boshqa didaktik tamoyillarga rioya etishi zarur. Ta'lim jarayonlariga axborot texnologiyalarini tatbiq etish, pedagogning ish jarayonin osonlashtiradi, sifat jihatidan yuqori bo'lishiga va samarali ish usullarini tashkil etishga imkon beradi. Biroq, shuni alohida takidlab o'tish kerakki ta'lim jarayonlarida yoshlarga axborot vositalaridan samarali va maqsadli foydalanishni, axborot olish madaniyatini ham o'rgatishlariga e'tibor berish lozim. Ta'lim to'g'risidagi qonunda belgilab berilganidek, ta'lim sohasidagi munosabatlarni tartibga solishda aynan axborot olish madaniyatini ham tartibga solish nazarda tutilgan. Axborot olish jarayonida yoshlarimiz internet tarmoqlaridan o'zi uchun kerakli bo'lgan manzillardan ma'lumot qidirish va olishlari kerakligini pedagoglar muntazam tushuntirib borishi zarur. Bu tushuntirishlarni o'zlari tayyorlagan video darslar va slaydlarni ma'lum qismini ma'naviy bilimlarga ajratib olib borishsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Masalan: adabiyot darslarida o'quvchilar uchun videodars tayyorlandi. Pedagog bu jarayonda qaysi internet mazillariga murojat qilganligi ko'rsatib ketishi kerak. Yoki uy vazifalarini bajarishda yordam berishi mumkin bo'lgan aniq internet manzillarini o'quvchilarga tavsiya sifatida berishi ham mumkin. Xulosa o'rnida axborotlashtirishning milliy tizimining shakillantirish shu kunning eng dolzarb vazifalaridan biri bo'lib, jamiyat taraqqiyotining asosiy omili hisoblanadi. Ta'lim jarayonlarini axborotlashtirish ta'lim muassasalaridagi o'qitish sifatini tubdan

yaxshilashga hissa qo'shadi. Biroq, ta'lim jarayonlariga axborotlashtirinish tadbiriq etilayotgan bir paytda jamiyatimizda axborot olish madaniyatini, axborotdan maqsadli foydalanish madaniyatini ham oshirib borish lozim. Axborot olish madaniyati va axborotdan maqsadli foydalanish ta'lim muassasalarida yoshlarimizga o'rgatib borilsa, kelajakda biz axborot olish madaniyatiga ega kishilarni ko'rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'grisidagi qonun"ni. – Toshkent 2020-yil.
2. Maxsuda Tillashayxova. Axborot texnologiyalari ta'lim tizimini takomilashtirish omilidir. InfoCOM.UZ 23.04.2009.
3. Maftuna Gapporova. Ta'lim tizimini axborotlashtirish davr talabi. InfoCOM.UZ 07.11.2012
4. R. X. Alimova va boshqalar. "Axborot tizimlari" -Toshkent 2013.

IJTIMOYIY-PSIXOLOGIK TADQIQOTLARDA MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARDA KREATIV TAFAKKURNING SHAKLLANTIRISH MUAMMOSINI O'RGANILGANLIGI

Aziza Mirzabekovna Sayupova
TVCHDPI magistranti

Annotatsiya ijodiy tafakkur va kreativ fikrlash masalasining psixologik va pedagogik tadqiqotlarda mavjud konsepsiyalar va qarashlar tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: ijodiy tafakkur, kreativlik, intellekt, gipoteza, konsepsiya, maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar, tadqiqot.

Hozirgi vaqtda inson doimiy o'zgaruvchan ijtimoiy-iqtisodiy va ijtimoiy-madaniy sharoitda yashamoqda. Bunday tezkor o'zgaruvchan olamda yashashi uchun, u uzluksiz rivojlanishi hamda moslashuvi uchun yangi sharoitlarga moslashishga yordam beradigan shaxsiy kompetensiyaga ega bo'lishi kerak. Hozirgi kunda shunday muhim kompetensiyalardan biri – kreativ tafakkur, yuqori ijodiy faollik va kreativ hulq-atvordir. Bugungi kunda ijodkorlik, yaratuvchanlik, yangilikka qaratilgan faoliyat kreativ faoliyat deb tushuniladi. Kreativlik so'zi (inglizcha «create» – yaratuvchanlik, ijodkorlik) so'zidan olingan bo'lib, inson shaxsining ijodkorlikka bo'lgan qobiliyati, ijodkorlik istedod darajasi, individning an'anaviy yoki odat tusiga kirgan fikrlash sxemasidan uzoq bo'lgan, printsiptial yangi g'oyalarni yaratishga tayyorligini xarakterlovchi, shuningdek, muammolarni o'zgacha tarzda bartaraf etish, iqtidorning mustqil omili sifatida qabul qilingan qobiliyatdir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2017 yil 19 oktyabrda bo'lib o'tgan ta'lim jarayoning dastlabki bo'g'ini – maktabgacha ta'lim muassasalari muammolariga bag'ishlangan tadbirda: "Mutaxassis va pedagoglarning ilmiy xulosalariga ko'ra, inson umri davomida oladigan barcha axborot va ma'lumotning 70 foizini 5 yoshgacha bo'lgan davrda oladi. Ana shu dalilning o'zi bolalarimizning yetuk va barkamol shaxs bo'lib voyaga etishida bog'cha tarbiyasi qanchalar katta ahamiyatga ega ekanini yaqol ko'rsatib turibdi. Bunga qo'shimcha isbot qidirib uzoqqa borishning

hojati yoq. Bog'cha tarbiyasini olgan bola bilan bog'chaga bormagan bolani solishtirganda, uning fikrlash darajasi o'rtasida yer bilan osmoncha farq borligini sezish qiyin emas"¹, degan edilar.

O'zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlanishiga qo'yiladigan Davlat talablarini maktabgacha ta'limga joriy etish sharoitida o'sib kelayotgan shaxslarda maxsus ijodiy salohiyatni rivojlantirish masalalari muhim ahamiyat kasb etadi.

Psixologik-pedagogik adabiyotlarda kreativlik ko'p holatlarda shahsiy harakteristika sifatida ko'riladi va ijodiylik tushunchasi bilan uzviy bog'langan xolda yoritiladi. Ko'pgina tadqiqotchilar kreativlikka shahsning fazilati sifatida yondashgan xolda, tanxo va betakror qadriyatlarni yarata olish, noodatiy qarorlarni qabul qila olish kabi qobiliyatlarini aks etuvchi shahsning chuqur fazilati sifatida ta'rif beradilar. Olimlarning bunday yondashuvi zamonaviy ta'lim konsepsiyalarida asosiy e'tiborning ijodiy rivojlangan shahsni rivojlantirishga, uning nostandart qarorlar qabul qila olish, o'rganilgan va ma'lum, standart fikrlash doirasidan tashqariga chiqa olish, o'ziga yangilik jixatlarini qamrab oluvchi maxsulot yarata olishiga qaratilganligi bilan bog'liqdir.

Bu yo'nalishning rivojlanishiga V.N. Druzhinin, A. V. Zaporozhets, A. N. Leontiev, N. N. Poddyakov, D. B. Bogoyavlenskaya, V. A. Kudryavtsev, O. M. Dyachenko, A. M. Matyushkin, K. Heller, N. S. Leites, J. Guilford va boshqa olimlar o'z hissalarini qo'shishgan. Ular o'z ishlarida kreativlikni boshqa psixik jarayonlardan ajralib turuvchi tafakkurning o'ziga xos jihati sifatida ta'rif berganlar. Ular kreativlikni bolalarning shaxsiy fazilatlari va ularning tasavvuri bilan bog'laganlar. Ijodiy tafakkur va ijodiy tasavvur – insonning ijodiy qobiliyatining muhim tarkibiy qismidir. Maktabgacha yosh davri ijodiy faol shahsni shakllanishi uchun eng samarali davri, chunki aynan mana shu davrda psixik jarayonlar progressive o'zgarishlar (xotira, nutq, diqqat, tafakkur, tasavvur, idrok) kechadi va shaxsiy fazilatlar tezkor rivojlanadi, qaysining zaminida qobiliyat, moyilliklar shakllanadi.

O'zbek olimlaridan E.G'oziyev, P.Sunnatova, Z.Nishonova tafakkur psixologiyasi, mustaqil fikrlash, ijodiy fikrlash psixo-fiziologik xususiyatlari ilmiy jihatdan asoslab berishga katta hissa qo'shishgan.

A.V. Zaporojec, N.N. Podd'yakov, A.M. Matyushkin, D.B. Bogoyavlenskaya L.A. Vengyer, V.N. Drujinin, O.M. D'yachenko psiholog olimlar kreativlikka bergan ta'riflarida, qobiliyat muammosida kreativlik masalasini bilimlarni qayta ishlash jarayonidagi umumiy ijodiy qobiliyat sifatida yondashadilar. Bunda ular kreativlik tasavvur, xayol, gipotezalar tug'ilishi bilan bevosita bog'liq deb xisoblashadi.

Ijodiylik tushunchasining moxiyatini tushunmasdan turib, ijodiy qobiliyatlar to'g'risida fikr yuritish mumkin emas, ilmiy adabiyotlarning taxlili aynan mazkur masala bo'yicha ko'pgina: bir-biriga qarama-qarshi fikrlar, g'oyalar, nazariya va hulosalar mavjudligi ko'rsatdi.

Xozirgi kunda ijodiy qobiliyat muammosiga kamida o'ta asosiy yondoshuv mavjud bo'lib, ularni quyidagi tarzda ko'rib chiqishimiz mumkin:

1.Intellektga bog'liq bo'lmagan, ijodiy qobiliyat (kreativlik) -mustaqil omildir (K. Teylor, G. Grubyer, Dj. Gilford, Ya. A. Ponomarev). Bu nazariyaning “yumshoqroq” yondashish variantida, intellekt darajasi bilan kreativlik darajasi o'rtasida bir muncha

sezilarli bo'lmagan korrelatsiya mavjuddir. E.P.Torrensning «Intellectual chegara nazariyasi» eng rivojlangan konsepsiya bo'lib, unda: agar IQ 115-120dan past bo'lsa, intellekt va kreativlik yagona omilni tashkil qiladi, IQ 120dan yuqori bo'lganda ijodiy qobiliyat mustaqil ko'rsatkichga aylanadi, ya'ni past intellektda kreativlik mavjud emas, lekin past kreativlik bilan intellektuallar mavjud.

D.Pyerkins ma'lumotlariga ko'ra, xar bir kasbiy talablarda eng past intellektual ko'rsatkich chegarasi mavjudligi, Torrens tomonidan berilgan taxminini tasdiqlaydi. Ma'lum talab darajasidan IQ ko'rsatkchi past insonlar mazkur kasbni egallay olmaydilar, agar IQ ko'rsatilgan darajadan yuqori bo'lishi, o'z o'rinda intellekt bilan muvoffaqiyat o'rtasida bog'liqlik mavjud emasligini ko'rsatadi. Ish faoliyatda muvoffaqiyatga erishishda ko'proq shahsiy qadriyatlar va fazilatlar muxim xal qiluvchi rol o'ynaydi.

2. Ijodiy qobiliyatlarning o'zi mavjud emas. Shahsning ijodiy faolligi uchun intellektual qobiliyat talab qilinadi, lekin etarli darajada uning namoyon bo'lishi uchun sharoit yaratmaydi. Ijodiy faoliyat namoyon bo'lishida motivatsiya, qadriyatlar, shahsiy fazilatlar muxim ro'l o'ynaydi (D. B. Bogoyavlenskaya, A. Tannenbaum, A. Oloh, A. Maslou va b.q). Bu tadqiqotchilar ijodiy insonga hos fazilatlarga: muammolarni aniqlay olish, kognetiv qobiliyat, murakkab va noaniq vaziyatlarda mustaqil fikrlay olishni kiritadilar.

D.B.Bogoyavlenskayaning konsepsiyasi o'ziga hosligi bilan ajralib turadi, olima shahsning kreativ faollik, kreativ fikrlaydigan shahs tipiga aloqador, ma'lum psihik tuzulma natijasida yuzaga keladi deb izox beradi. Bogoyavlenskaya fikricha, ijod berilgan muammo chegarasidan chiqish natijasida yuzaga keladigan situativ stimullashtirilmagan faollikdir. Kretiv shahs tipi faoliyat turiga bog'liq bo'lmagan holda barcha novatorlarga: uchuvchi-sinovchi, musiqachi, rassom, ihtirochi va boshqalarga hos hususiyatdir.

3. Yuqori intellekt darajasi yuqori ijodiy qobiliyatni, aksincha past intellekt darajasidagi insonlarda past darajadagi ijobiy qobiliyat holati kuzatiladi deb tahmin qilinadi. Ijodiy jarayon psihik faollikning mahsus shakli sifatida ko'rilmaydi. Bu nuqtai nazar deyarli barcha intellekt soxasidagi mtahassislarga aloqador (D. Vekslyer, JI. Tyermen, R. Uaysbyerg, G. Ayzenk, R. Styernbyerg i drugie) [2, c.170-171].

Demak, hulosa qilib aytishimiz mumkinki, ijodiy tafakkur – umuman prinsipial yangi sub'ektiv bilimlarni ochish yoki yaratish, o'zining original g'oyalarini yaratish bilan bog'liq tafakkurdir. Ijodiy tafakkurni shakllantirishga bo'lgan qiziqish shundaki, bu tafakkur tarbiyalanuvchilarga atrofdagi olamni mustaqil anglash, undagi mavjud qarama-qarshiliklarni yangi, nostandart echimlar orqali muammoni xal qilish, ularning taraqqiyoti uchun yangi imkoniyatlar zaminini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati.

1. Bogoyavlenskaya D.B., Bogoyavlenskaya M.E. Odarennost' i problemi ee identifikacii // Psihologicheskaya nauka i obrazovanie. - 2000. - - 4. - S. 5-13.
2. Bogoyavlenskaya D.B. Psihologiya tvorcheskih sposobnostey: Ucheb. dlya stud. vissh. uceb. zavedeniy. – M.: Izdatel'skiy centr «Akademiya», 2002. – 320 s.
3. Drujinin V.N. Psihologiya obshhih sposobnostey. 3-e izd. – SPb.: Pityer, 2007. – 368 s.: il.
4. Kruteckiy V.A. Psihologiya: Uchebnik dlya uchashtihsya ped. uchilishh. – M.: Prosveshhenie, 1980. – 352 s.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУШТАРАКЛИГИ

Рахимова Барно Рустамовна

Тошкент вилояти Тошкент тумани 19-мактаб психологи

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳаёт суръатини беқиёс даражада тезлаштирган глобал ўзгаришларнинг таъсири таълим ва тарбия соҳасида ҳам акс этмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этса, иккинчи тарафдан таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш амалий аҳамиятга эга.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатларига тўхталсак, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши ва бошқаларга глобаллашув туфайли эришилмоқда. Шунингдек, глобаллашув туфайли таълим-тарбиянинг ахборот-коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педагогик технологиялар билан боғлиқ янги-янги имкониятлар эшиги очилмоқда.

Таълим соҳасида интерфаол усуллар ва инновацион технологияларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”¹ деб белгилаб қўйилди. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилган ислохотлар, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида илгари сурилган концепциялар таълим-тарбияга қўйилган янгича талабларга ўзига хос жавобдир.

Глобаллашув ва таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқлар ва муаммолар Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида теран ифодаланган. Унда жамият ривожланиши ва тараққиётини юксак маънавият билан боғлиқ эканлиги асосланиб, маънавиятни англаш, унга бўлган эҳтиёж, маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни, миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт, глобаллашув даврида маънавий таҳдид кўринишлари, маънавиятни юксалтириш омиллари, жамият тараққиётини таълим-тарбия билан боғлиқлиги ҳамда ҳозирги даврда ёт ва зарарли ғоялар ва уни олдини олиш шарт-шароит ва омиллари илмий таҳлил этилиб, маънавиятнинг инсонга хос муҳим хусусият экани, инсон қалбига йўл топа олиш билан боғлиқ муҳим жиҳатлар, маънавиятсиз келажак йўқ экани баён этилган: “Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий

нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги ҳўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари ёш авлод тарбиясига кўрсатаётган носоғлом кайфият бўлиб, жиддий ғоявий-мафкуравий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ер юзининг қайси чеккасида бирон воқеа-ҳодиса юз бериши билан бу ҳақда жаҳон афкор оммаси зудлик билан хабар топмоқда. Зеро, глобаллашув жараёнининг жамият ҳаётига тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг сабаби ҳам оддий: “Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”.

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тезкорки, энди илгаригидек “бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ” деб бепарво қараб бўлмайди: “Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир кууролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”.

Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу шиорнинг инсонни ҳамиша огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини кўриб бўлмайди. Мана шундай вазиятда ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаган кишилар турли маънавий таҳдидлар, уларнинг ошқора ва пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши мушкул.

Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган ҳозирги вақтда ёшларни ахборот воситаларини истеъфода қилмасликларига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Зеро, инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, курулли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо фуқаро, авваламбор, ёш авлод маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун нималарга таяниб-суяниб иш олиб бориш лозимлиги жиддий масъулият юклайди. Шундай экан, тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш зарур: “бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин...”

Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага

айланади. Ва аксинча қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавий қудратли кучга айланади”.

Маънавий илдири “аждодаларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб бугунги кунда кутубхоналаримиз хазиналарида сақланаётган минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт... ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг маънавий бойликларимиз”га бориб тақалади. Бу бебаҳо меросдан халқимиз, айниқса, ёшларимизни қанчалик қўп баҳраманд этсак, миллий маънавийтимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Глобаллашув тўхтовсиз жараён. Уни тўхтатишга уриниш бефойда. Аксинча, жамият тафаккурининг ўзгариши, “бир ёқадан бош чиқариш”, миллий урф-одат ва анъаналарнинг сақланиб қолиши, маданият, санъат, фан ва таълимнинг ривожини глобал жараёнларга қарши тура оладиган, метин иродали, соғлом тафаккурли, юксак салоҳиятли, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадирки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши ёш авлоднинг қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

*Хамроева Умида Сайфуллоевна
Бухоро вилояти Бухоро тумани 19-мактаб психологи*

Дастлабки педагогик ва психологик марказлар 1918 йили Тошкент ва кейинчалик Чимкент шаҳрида ташкил қилинган. Педагогик музей ва педагогик лаборатория универсал ўқув тарбия муассасаси бўлиб таълим тарбия билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифаларни қамраб олади. Бунинг ёрдамида таълим методлари ишлаб чиқарилган, шу ернинг ўзида синалган ва республиканинг бошқа ўқув муассасаларига тарқатилган. Ишнинг бундай ташкил қилинганлиги тадқиқот қилишга имкон берган. Педагогик лаборатория ҳақида низомда шундай дейилган: бу жой педагогик фикр ва ишнинг маркази бўлиши лозим. Шунинг учун педагогик ишнинг ҳар бир янгилигини ўқитишда лабораторияда тўпланган бой тажрибадан фойдаланиш имконияти берилиши керак, бу имконият бевосита мактабларга берилиши лозим. Бошқа лаборатория ва кабинетлар билан бир қаторда педагогик лаборатория ва педагогик музейда экспериментал психологик лабораторияси ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда турли хил психологик тажрибалар амалга оширилган. 1919 йили 1 апрелда Кавман Хорват маориф комиссарига хат йўллаб, давлат кўзи ожиз, гунг, рухий касал ва психик тараққиёти ҳамда психикаси мувозанатсиз болаларни ўз тарбиясига олиши зарурлигини таъкидлаган. Худди шу мақсадда бутун бир махсус муассасалар тизимини ташкил этишни таклиф этган. Хорватнинг таклифи бир неча йўналиш бўйича диққатга

сазовордир. Биринчидан, бу комплекс характердаги иш бўлиб, бирон бир психоневрологик касаллик назардан четда қолмаган. Иккинчидан, бу режада қаттиқ кетма-кетликнинг бир неча босқичи назарда тутилган.

1. Касаллик диагностикаси (тадқиқот даражаси);
2. Касалларни даволаш (амалий тиббий даражаси);
3. Касалларни тарбиялаш ва таълим бериш (амалий таълим даражаси).

Биринчи даражани психологик лаборатория, иккинчи даражани махсус даволаш муассасаси, учинчи даражани мактаблар амалга ошириши кўзда тутилган. Туркистондаги муассасалардан бири «Ўзбек давлат илмий тадқиқот институти», ҳозирги Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 1929 йили ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунга қадар бу институт ўқитишнинг педагогик концепцияларини, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия назариясини яратувчи ягона марказ ҳисобланади. 30-йиллар бошларида институт таркибида қуйидаги кабинетлар мавжуд бўлган:

1. Социал гигиена.
2. Иқтисод.
3. Педалого педагогик.
4. Психологик лаборатория.

Институт ташкил бўлган вақтдан бошлаб ерли халқ хусусиятлари ва ижтимоий муҳитни чуқур тадқиқ қилиш, болаларнинг психологик ижтимоий маданий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда дарсларни яратиш билан шуғулланди. Институт фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат эди:

1. Илмий эскпедициялар уюштириш;
2. Болалар характерини ўрганиш;
3. Педагогик кадрлар тайёрлаш.

Ушбу институтнинг фаолияти Бендриков, Заварова, Юсупов, Токанаев, Дебензов, Миршарипов, Муҳиддинов каби олимларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. 30 йилларда бу институтда жаҳон психология фанига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Александр Романович Лурия ишлаган. У институт доирасида ўтказган тадқиқотлари асосида кейинчалик “Билиш жараёнларининг тарихий тараққиёти ҳақида” деган асарини нашр қилди. Ўзбекистонда психология фанининг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири П.Иванов ҳисобланади. 1927 йил Самарқанддаги ўзбек педагогика институтида (педакадемия) экспериментал психология лабораториясини ташкил қилган. 1940 йилда у педагогика институтлари талабалари учун психологиядан биринчи ўқув қўлланмасини нашр қилган. Кейинчалик 1934 йили Самарқанд педагогика институтининг ўзбек давлат университетига айланиши муносабати билан Иванов ўз лабораторияси билан Низомий Номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига кўчиб ўтади. Педагогика ўқув муассасаларида илмий педагогик потенциалнинг етишмаслиги туфайли дастлабки психология дарслари таржимонлар ёрдамида олиб борилган кейинчалик бу таржимонларнинг ўзлари мустақил равишда психологиядан ўзбек тилида маърузалар ўқий бошлашган. Алиасқар Усмонов, Тоҳирийхон Аскархўжаев, Байбулова, Раҳматова ва бошқалар психология ўқитувчилари бўлишган. Ивановнинг (1891-1968 йиллар) психологиядан 75 дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган. Унинг 1927 йилда

нашр қилинган «Умумий педагогика» бўйича қисқа очерк, «мактабшунослик» тарбиянинг умумий методлари 40-йиллар ва 54-йилларда «Умумий психология», 62-йилда «Таълимнинг психологик асослари» каби асарлари Ўзбекистонда психология фани ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. Ш.А. Байбурова, Усмонов кабилар бевосита унинг раҳбарлигида фаолият кўрсатишди. 1959 йил унинг раҳбарлигида М.Г.Давлетшин, Бекбоев, Музаффаровлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. 1963 йил Ўзбекистонда психологиядан биринчи бўлиб Краснобоев Илья Берович (1896-1963) Тошкент Давлат университети филология факультети логика ва психология кафедраси мудири «Юқори синф ўқувчиларида эътиқод, ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиши» мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилган. Краснобоевнинг илмий фаолияти 20-йилларда Ўзбекистонда тадқиқотлар билан боғлиқ. Унинг раҳбарлиги остида логика ва психология кафедраси аъзолари: З.Мўминова В.Я. Марос, А. Абдусатторов, В.И.Софер, А. Гулямов, Р.В. Гулямовлар турли хил объектларда психология ва логика бўйича илмий тадқиқотларини олиб борганлар. Бу тадқиқотлар Ўзбекистонда халқ таълими билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. М.Воҳидов (1927-1989 йиллар) 1955 йилда Ленинградда номзодлик ишини ҳимоя қилган. У дастлаб Андижон педагогика институтида, сўнгра Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий тадқиқотлар институтида ишлаган. 1966 йил Тошкент Давлат университети психология кафедраси мудири этиб сайланган. Зинин, Л.И. Софер иштирокида ва марказнинг истеъдодли олимлари ёрдамида бу ерда ўқув экспериментал лаборатория ташкил қилинган. М.Воҳидов томонидан мактабгача педагогика билим юртлари учун, педагогика институтлари учун дарсликлар ёзилган, охириги йилларда М.Воҳидов, А.Петровскийлар таҳрири остидаги «Умумий психология» дарслиги таржима қилинган ва айни пайтда миллий ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзбек тилида дарслик яратиш билан машхур бўлган.

Давлетшин Муҳаммад Габдулгалимович 1923 йилда туғилган Тошкент Давлат Университетининг психология кафедраси мудири, психология фанлари доктори, 1957 йилда «5» ва «7» синф ўқувчиларида техник қизиқишларнинг шаклланиши» мавзусида номзодлик, 1971 йил «Ўқувчиларни техник қобилиятлар психологияси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. М.Г.Давлетшин раҳбарлигида, унинг бевосита маслаҳатлари ёрдамида Ўзбекистонда 100 дан ортиқ номзодлик ва докторлик ишлари ҳимоя қилинган. Ўзбекистонда турли хил муаммолар бўйича умумий, ёш психологияси, социал психология бўйича Ф.С. Исмоилова, Д.З. Зайнобиддинов, Мажидов, И.Маҳмудов, Л.К. Сайтов, М.И. Мусаева, В.Г. Горобец, Д.Д. Шарипов, Р.К. Шохназаров, Ж.У. Мавлонов, В.Мажитова, М.И.Сагатов, Д. Эгамбердиева, Г. Абдусаматов, К. Собиров, А. Синдаров ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Бундан ташқари турли мавзуларда 25 та иш ҳимоя қилинган. Булардан нутқ психологияси бўйича 7 та иш: (П.П. Замин, Н.Н. Нигматов, А.И. Аржонова, Х. Очилова ва бошқалар), хотира психологияси бўйича 4 та иш: (П.И. Иванов, М.В. Воҳидов, Х.М. Гафурова, В.П. Иванова); диққат бўйича М.Х. Раҳмонова; таълим-тарбия бўйича 14 та иш (Ғозиев, Қодиров, Расулов, Усмонова, Краснобоев, Токарева ва бошқалар);

Меҳнат психологияси бўйича 4 та иш (Турғунов, Сотиболдиев, Елисеев Холматов); шахс мавзуси бўйича 3 та иш (Ғофуров, Саидуллаев, Шақоволов); дифференциал психодиагностика бўйича 1 та иш (Мадмаров); юридик психология бўйича 2 та иш (Ибрагимова, Запругаев); спорт психология бўйича 3 та иш (Гаппаров, А.Гайнутдинов, Р.Гайнутдинов); нейропсихология бўйича 1 та иш (Бобожонова); психология тарихи бўйича (С.Рахимов) социал психология бўйича 3 та иш (Каримова, Абдумўминов, Турсунов) ва бошқа турли психологияни бўлимлари бўйича кўпгина олимлар иш олиб бориб, Ўзбекистонга психология фанини олиб кириб, тўлалигича очиб бердилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда психология тармоқлари кучайиб, унга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги етишиб чиққан барча олимларимиз Ўзбекистондаги психологияни чет мамлакатлар психологияси каби юқори чўққига чиқишида катта ҳисса қўшишга интилоқдалар. Одамлар онгига эса миллий психология асосида, яъни миллийлик руҳида тарбиялаб, уларни онгига психологияни синдирмоқдалар. Ўзбекистонда психология фанининг ҳозирги аҳволи илгаригидан анча ривожланган. Чунки бу фанни ўқитиш бўйича муассаса тайёрлов курслари ва марказлар очилиб кишилар онгига етиб бормоқда. Ўзбекистонда психология фанини ривожланишида Б.Қодиров, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, М.Воҳидов, М.Давлетшин, Э.Ғозиев ва бошқа олимларнинг хиссаси катта. Ҳозирги кунда психология фани ҳам ўз тармоқларини ривожлантирмоқда. Хулоса қилиб айтганда, психология фанини ривожини одамлар ҳаётига яъни яшаш тарзига ўз таъсирини кўрсатмоқдалар.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА МИРОВОЗЗРЕНИЕ И ПОВЕДЕНИЕ МОЛОДЕЖИ

*Федюнина Диана Станиславовна,
Ташкентский Государственный Педагогический Университет имени
Низами*

Аннотация: «В этой статье автором рассматривается важность и необходимость становления личности, которое происходит в постоянном противоречии между потенциями (опытом, мастерством, разумом) и тенденциями (намерениями, порывами, расписаниями). Становление личности представляет собой сложный и противоречивый процесс, включающий в себя уровни биологического, психологического, социального и мировоззренческого становления человека. Социализация молодежи не является лишь зависимым отражением действительности. По этой причине очень важно развивать в молодом человеке чувство нового, деятельности, созидания. Это неповторимый процесс общественного омоложения, противодействующий отсталости, бездействию, стагнации.»

Ключевые слова: Молодежь, воспитание, общество, поведение, стереотип, деятельность.

Введение. На данном этапе общество переживает жесточайший кризис, который ведет к видоизменению ценностных ориентаций. Семиотическая реорганизация искажается в воззрениях разных поколений, статусных групп, которые ведут к разрушениям и возрождениям общества на новом духовном, нравственном, семейном принципе. Социальные отношения в своем объективном формировании внедряют базу для разделения человечества, образования и глубокие социальные ценности становятся, впоследствии, духовным источником и механизмом общественного единения.

Сейчас необходимо рассматривать тенденции молодежи, ее социальных стандартов, их смысл и отношения с изменением преимущественного понимания различных возрастных и статусных групп населения. В целом, если хорошо изучить поведение и мировоззрение молодежи в обществе, то можно его удержать от саморазрушения.

Только в кризисном положении, можно рассмотреть срывы несбыточных желаний, усиление скептицизма. В молодом возрасте мировоззрение еще не укоренилось, и если оно не сформировано, то ведет к истощению духовного и нравственного самочувствия, отсюда и происходит депрессия у молодежи. Нужно понимать, что строение психики молодого поколения, является самым важным этапом развития. Это задача не из легких, ведь социальная привычка выражает отношение, направление социальной группой к явному событию. В аккурат стереотипы определяют моральные устои, возникают религиозные, культурные, политические системы. Поведенческая привычка различна и формирует наше поведение, суждение и отношение к окружающему. Поведенческий стереотип возникает на базе того, в каком обществе, человек находится. Это неплохо, что социальные перемены исправляют жизненные ситуации, цели и общепринятые нормы. Нужно правильно доносить информацию и формировать самосознание у человека с тринадцати лет. Ведь на этом этапе, подросток теряет и не понимает свое жизненное предназначение. Тема актуальна, ведь за нашей молодежью стоит будущее государства.

Негативные социальные факторы влияют на поведение молодежи, это приводит к асоциальному поведению. Сейчас фиксируется стабильный рост показателей молодежи, которая привлекается к ответственности. Получается, что с каждым годом, все больше возникает социальной неприспособленности в среде молодежи и начинается размах таких феноменов, как употребление наркотиков, алкоголя и игровая зависимость. Это приводит к тому, что у молодого поколения начинаются проблемы и психические, и психологические. Поведение человека это есть образ жизни, его действия по отношению к обществу, с точки зрения права и нравственности. Социальные нормы, которые нарушаются называют асоциальным поведением. Сюда входят нарушения: семейные, административные, уголовные и дисциплинарные. Совершенно деструктивное поведение возражает основам функционирования человека, его инициативам, уставам, нравам. Такое понятие можно назвать «социально-нежелательным поведением». Данное поведение является вариантом угрожающего поведения,

которое обозначается в дестабилизирующей деятельности, которое приводит в конечном итоге- нанесению вреда человеку. Существует три формы асоциального поведения:

- Девиантное поведение характеризуется в выражении в переступании социальных правил, сложившихся воззрений поступков в семье и учебном заведении.

- Делинквентное поведение формулируется в прочном образе действий молодежи наводивший правонарушения.

- Аддиктивное поведение квалифицируется убеганием от себя, от дилемм.

Сегодня осуществляются глубокие изменения, которые ведут к реформе психологии человека, его созерцаний, манер, мнений, этические ценности и общественные значения. Не вся молодежь может приспособиться к переломным ситуациям в жизни. Молодые люди являются группой населения, преимущественно впечатлительной к гражданскому и душевному стрессу. Ведь среди молодого поколения замечаются проблематичные, беспорядочные и неквалифицированные граждане. Нужно начать задумываться о том, что основная задача решения асоциального поведения является профилактической мерой по извещению отклонения поведения. Формируется любая личность в обществе, то это и должно быть определенным значением для воспитания человека. Все воспитание должно идти из малых групп: семья, учебные заведения и так далее. Нужно, чтобы малая группа прививала молодому поколению принятые в обществе ограничения, мировоззрение и смысл. Также немаловажную роль играет материальный достаток и высокое социальное положение родителей. Чтобы избежать определенные проблемы, нужно правильно, четко и целенаправленно организовывать воспитательное воздействие. Необходимо включить в сознание молодежи правовые меры, которые в дальнейшем станут частью его убеждений и опыта. Исходя из всего выше сказанного, данные установки можно сломать, применяя к ним систему доверительных отношений и почитание. Окружающая социальная атмосфера проявляется на молодежи и обязана стать существенным моментом воспитания.

Использованная литература:

1. Игорь Семенович Кон- «Ребенок и общество.»
2. Владимир Михайлович Русалов- «О природе темперамента и его месте в структуре индивидуальных свойств человека»
3. Роман Алексеевич Зобов, Александр Владимирович Лисовский - «Становление личности молодого человека»

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILAR PSIXIKASI

Mardiyeva Sarvinoz Xolmirza qizi
O`zMU magistratura talabasi

Kichik maktab yoshi davriga 6-10 yoshli boshlang'ich (I-IV) sinflarning o'quvchilari kiradi. Bola maktab ta'limiga bog'chada tarbiyalanayotganida

tayyorlanadi. Bunda u maktabda o'quvchilarga qo'yiladigan har xil talablar bilan tanishadi, fan asoslarini o'rganish uchun biologik va psixologik jihatdan tayyor bo'ladi. Ta'limga psixologik tayyorlik deganda, bolaning obyektiv va subyektiv jihatdan maktab talabiga munosibligi nazarda tutiladi. U maktab ta'limiga avval psixologik jihatdan tayyorlanadi, binobarin, uning psixikasi bilim olishga yetarli darajada rivojlanadi, shu yoshdagi bola idrokining o'tkirligi, ravshanligi, sofligi, aniqligi, o'zining qiziquvchanligi, dilkashligi, xayrixohligi, ishonuvchanligi, xayolining yorqinligi, xotirasining kuchliligi, tafakkurining yaqqolligi bilan boshqa yoshdagi bolalardan ajralib turadi. Maktab ta'limiga tayyorlanayotgan bolada diqqat nisbatan uzoq muddatli va hartli barqaror bo'ladi. Bola diqqatining xususiyatlari rolli va syujetli o'yinlarda, rasm chizish va qurish-yasash mashg'ulotlarida, loy hamda plastilindan o'yinchoqlar tayyorlashda, o'zgarlar nutqini idrok qilish va tushunishda, matematik amallarni yechishda, hikoya tinglash va tuzishda ko'rinadi. Bola o'z diqqatini muayyan obyektga yo'naltirish, to'plash, taqsimlash bo'yicha ma'lum darajada ko'nikmaga ega bo'lib, o'z diqqatini boshqarish va kerakli paytda to'plashga intiladi. Uning xotirasi qiziqarli, ajoyib-g'aroyib, kishini taajubga soladigan ma'lumot va hodisalarni puxta esda olib qolish, esda saqlash, esga tushirish imkoniyatiga ega bo'ladi. Shu davrgacha bevosita kattalar rahbarligida u yoki bu axborotlarni o'zlashtirib kelgan bo'lsa, o'z xohish-irodasi bilan zarur ma'lumotlar to'plashga, o'z oldiga aniq maqsad va vazifa qo'yishga harakat qiladi. Bolaning ana shu faolligi xotirasining muayyan darajada rivojlanganini bildiradi. U she'r, hikoya va ertaklarni esda qoldirish uchun ko'p takrorlashi, yod olishning eng qulay yo'l va usullaridan foydalanishi ta'lim jarayonida unga juda qo'l keladi, birinchi sinf o'quvchisi ko'pincha yaqqol obrazli xotiraga suyanib bilish faoliyatini tashkil etsa ham, bu ish xotiraning boshqa turlarini inkor qilmaydi, aksincha, ta'lim so'z - mantiq xotirasini taqozo etadi. So'z-mantiq xotirasining mavjudligi ma'nosini tushunib esda olib qolish jarayonining samaradorligi ortishiga keng imkoniyat yaratadi. Tajribadan ma'lumki, bola ma'nosiz so'zlardan ko'ra ma'nodor tu shunchalarni bir muncha tez va mustahkam eslab qolish xususiyatiga ega. Uning nutqi maktab ta'limiga tayyorgarlik bosqichida kattalar bilan muloqotga kirishish, kishilarning fikrini uqib olish va to'g'ri idrok qilish darajasida, nutqining tuzilishi esa, grammatika qoidalariga mos, mantiqan izchil, ifodali, miqdor va ko'lam jihatdan fikr almashishga yetarli bo'ladi. U eshitgan va ko'rganlari to'g'risidagi mahlumotlarni tushuna oladi. O'zidagi axborotlarni muayyan tartibda bayon qila biladi, aqliy faoliyat operatsiyalaridan o'rinli foydalanadi(ularni taqqoslaydi, oydinlashtiradi, guruhlarga ajratadi, umumlashtiradi, hukm va xulosa chiqarishga harakat qiladi). Yirik psixologlarning tadqiqotlari oqilona tashkil qilingan ta'lim jarayoni mazkur yoshdagi bolalarnint tafakkurini jadal rivojlantiradi. Masalan, ular lingvistika, fizika, matematikaga doir ilmiy tushunchalarni o'zlashtiradilar, soddaroq masalalar tuzadilar, yengilroq mashqlarni bajara oladilar, ijodiy va mahsuldor fikr yuritishga intiladilar. Olti yoshli bolaning psixik tayyorligi to'g'risida gapirilganida ko'pincha muayyan reja asosida, tartibli, ko'p qirrali maqsadga yo'naltirilgan, o'zaro mantiqiy bog'liq, izchil boshlang'ich ta'limga zamin vazifasini o'tovchi psixik o'sish darajasini nazarda tutamiz. Shuningdek, ta'lim uchun psixik o'sish

darajasidan tashqari, bola turmushi va faoliyatining tafovutlari, sharoitlari, o'ziga xosligi, uning sihat-salomatligi, usuliy jihatdan tayyorgarligi, oddiy ko'nikmalarni o'zlashtirgani kabi omillarni hisobga olish maqsadga muvofikdir. Yuqorida aytilganlarning hammasi bolaning maktab ta'limiga psixologik jihatdan tayyorligining obyektiv tomonlarini ifodalaydi. Bola maktab ta'limiga psixologik tayyorlanishining subyektiv tomoni ham mavjuddir. Uning maktabda o'qish xohishi, intilishi, katta yoshdagi odamlar bilan muloqotga kirishish istagi mazkur tayyorgarlik bilan uzviy bog'liqdir.

Bolada shu davrga kelib, o'qish, bilim olish haqida to'g'ri tasavvur shakllanadi. U maktab jamoasi a'zolarining mas'uliyatli vazifalarini anglaydi va ularga itoat qilishga, ularning ko'rsatmalarini bajarishga moyil bo'ladi. Lekin bolalar hammasi bir xil emasligi sababli ular o'rtasida muhim farqlar vujudga keladi. Ba'zi bola maktabga butun vujudi bilan talpinadi, o'qishga qancha vaqt qolganligini uzluksiz sanaydi, o'quv ashyolarini oldinroq tayyorlab qo'yishga harakat qiladi. Boshqa bir bola esa maktabdan qat'iy voz kechishgacha borib yetadi. O'qishga salbiy munosabat ko'pincha kattalarning qo'rqitishlari oqibatida vujudga keladi. O'qishga salbiy munosabatdagi bolalar ta'lim muhitiga kirishishga qiynaladilar, qator ruhiy to'siklarga duch keladilar. Maktabda ta'lim-tarbiya ishlarini tashkil qilishda kichik maktab yoshidagi bolalarning anatomik-fiziologik xususiyatlari, jismoniy kamolot darajasini hisobga olish muvaffaqiyat garovidir.

Maktab ta'limi o'quvchining turmush tarzini, ijtimoiy mavqeini, sinf jamoasi va oila muhitidagi ahvolini o'zgartiradi, uning asosiy vazifasi o'qishdan, bilim olish, ko'nikma va malakalarni egallash, tabiat va jamiyat to'g'risidagi qonuniyatlarni o'zlashtirishdan iborat bo'lib qoladi. O'quvchi doimo tengdosh lari bilan birga muayyan sinf jamoasida bo'ladi. Demak, uning oldida hamma vaqt sinf jamoasining manfaatini himoya qilish, shaxsiy istaklarini umumjamoaga yig'ilishiga bo'ysundirish, o'zaro yordam, o'zaro talabchanlik, ijtimoiy javobgarlik va burch hislarini egallash vazifasi turadi.

Adabiyotlar:

1. Davletshin M.G. va boshqalar. Yosh davrlari va pedagogik texnologiya. T., 2004
2. Z. Nishonova. Bolalar psixologiyasi va uni o'qitish metodikasi T. 2006

CHET TILINI O'RGANISHNING INTERAKTIV USULLARI

Ro`ziboyeva Zilola Alisher qizi
O'ZMU magistr:

Til kommunikatsiyaning asosiy bo'lagidir, tilsiz hayotimizning borligini hamda rivojlanishini tasavvur qila olmaymiz. Tilsiz insonlar o'rtasidagi bog'liqlik yo'qoladi, muomala tubdan uzilib ketadi. Bugungi kunda bizning dunyomizda ijtimoiy munosabatlarda katta o'zgarishlar bo'layotgan bir pallada aloqa axborot vositalari (axborot texnologiyalari) o'quvchilarning kommunikativ malakasini oshirishni talab qiladi, ular muloqotning boshqa ishtirokchilari bilan o'zaro muloqot qilish jarayonida

turli vaziyatlarda fikrlarni almashishi, til va so'zlashuv normalarini to'g'ri ishlatishi taqazo etadi. Bunday sharoitda, xorijiy tilning asosiy maqsadi kommunikativ qobiliyatni shakllantirishdir, ya'ni chet tilida shaxslararo va madaniyatlararo muloqotni amalga oshirishni talab etiladi.

Maktabgacha ta'lim davrida bolalarga bilim berishning chet tilini o'rgatishsiz tasavvur eta olamaymiz. Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan isloh qilish uchun yetarlicha shart sharoitlar yaratilganidan keyin u albatta pedagog kadrlar malakasi va sifati yuksalishi uchun alohida yangicha talablar yuzaga keldi. Chet tilini o'qitish uchun ham yangidan yangi interaktiv metodlardan ham to'laqonli foydalanish kerakligini talab qila boshladi. Va ushbu o'zgarishlar o'zining oldiga qo'ygan maqsadini oqladi ham. Asosiy vazifalardan biri etib, bu zamonaviy o'qitish va ta'lim texnologiyalarini o'zlashtirish orqali o'qituvchining pedagogik mahoratini oshirish belgilab qo'yildi. Har qanday yangi texnologiyalarni qo'llash bilan o'qituvchining yangi pedagogik g'oyalari boshlanadi: tizimli, metodologik tilning ravshanligi, o'quv uslubiyatida aniq taktika paydo bo'la boshlaydi. Ta'lim jarayonining eng muhim vazifasi — o'quvchining shaxsiy qiziqishini hisobga olgan holda unga tegishli materiallar tayorlab kelish hamda pedagogning bolani ta'lim jarayoniga qiziqtirishi muhim hisoblanadi. Kutilgan ijobiy natijalarni olish uchun, bolaga tilni o'rgatish jarayonida qaysi texnologiyalardan foydalanish kerakligini bilish kerak, ushbu texnologiyalar bolaning Yoshi, saviyasi, bilimi, qiziqishidan kelib chiqqanligi muhim omil sifatida namoyon bo'ladi. Noto'g'ri tanlangan har qanday texnika va metodlar aynan bolaning psixologik xususiyatlaridan yoki bilim va qobilyatlaridan kelib chiqmay tanlangan ekan, bu bolada bilim berish jarayonimizdagi qiyinchiliklarni olib keladi. Eng achinarlisi bir umrga bolaning ushbu tildan ko'ngli qolishiga olib keladi. Boladagi qiziqish 50% bolaning ichki qobilyatidan kelib chiqqan bo'lsa, 50% pedagogning mehnati natijasi hisoblanadi. Shu sababli ta'lim jarayoniga ma'sul har qaysi pedagog va tarbiyachilar ta'lim texnologiyasini yaxshi o'zlashtirgan va unga amala qila olishi kerak bo'ladi. Chunki ta'limning aynan ushbu bosqichida bolalar katalarning ayniqsa tarbiyachisining gapiga so'zsiz itoat etadigan, uning har bir harakati va so'zini qonun sifatida ilib oladigan yoshda bo'ladilar.

Pedagogik (ta'lim) texnologiyasi — o'quv jarayonini loyihalashtirish, tashkil etish va o'tkazish uchun o'quvchilar va o'qituvchilar uchun qulay muhit bilan birgalikda o'quv-pedagogik faoliyatning yaxshi o'ylangan modeliga aytiladi. Pedagogik texnologiya ta'lim jarayonining to'liq nazorat qilinadigan g'oyasini amalga oshirishni o'z ichiga oladi.[1]

Interaktiv ta'lim usuli bilan o'quvchilar o'quv muhitida bevosita muloqot qilishadi, bu esa o'z navbatida tajriba manbai bo'lib xizmat qiladi. Pedagogik usullarni tushunishda o'zaro munosabatlar o'quvchilarni va o'qituvchilarni o'qitishni tashkil etganda, ularni tayyorlash nazarda tutadi. O'quvchi-tinglovchi, kuzatuvchi sifatida ishlamaydi, lekin darsda faol ishtirok etadi. O'quv jarayonini tashkil etishning bunday shakli bilan nafaqat maktab bali litsey, kollej hattoki oliy ta'lim o'quvchilari ham to'liq ishtirokchiga aylanishadi. O'qituvchi vazifasi, asosan, mustaqil faoliyatni rag'batlantirish, ularning maqsadlariga erishish yo'llarini topishdir.[2]

Shunday qilib, darsda turli pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda, ingliz tilini o'qitish jarayoni butunlay yangi nuqtai nazardan qaralishi va shaxsni shakllantirishning yangi mexanizmlarini o'zlashtirish, qulay sharoitda sifatli natijalarga erishish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, Ingliz tili darslarida innovatsion usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi, nutqi ravonlashadi, tez va to'g'ri javob berish malakasi shakllanadi. Bunday usullar o'quvchida bilimga ishtiyoq uyg'otadi. O'quvchi darslarga puxta hozirlik ko'rishga intiladi. Bu esa o'quvchilarni ta'lim jarayonining faol sub'yektlariga aylantiradi. Ta'lim tizimi o'z oldiga erkin fikrlovchi, barkamol, yetuk shaxsni tarbiyalashni vazifa qilib qo'ygandir.

Foydalangan adabiyotlar:

1. Xorijiy tillarni o'rgatishda rol o'ynash texnikalari (1989)
2. ingliz tilini o'qitish bo'yicha loyihaustida ishlash //INR xorijiy tilarni o'qitish metodikasi usuli//INR2,3,(2000)

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Икрамжанова Нодира
ЎЗМУ магистранти*

Жаҳон миқёсидаги статистика ва умумий тенденцияларга назар ташласангиз, оилавий зўравонликдан асосан аёллар ва болалар жабр кўраётгани маълум бўлади. Лекин бу мутлақ характерга эга эмас, яъни оилада эркак кишининг ҳам аёли ёки ота-онанинг фарзандлар ёхуд бошқа оила аъзолари томонидан руҳий босим остида яшаб келиши кузатилади. Бу ҳам оилавий зўравонликнинг бир кўриниши саналади. Чунки, мазкур ҳолатда шахснинг бирламчи ҳуқуқлари бузилади, натижада жабрланган шахс жиддий психосоматик касалликлар орттириши ёки бошқа аянчли ҳолатлари рўй бериши мумкин.

Оилавий зўравонликнинг энг оғир оқибатларидан яна бири фарзандлар руҳий ҳолати ва ахлоқига етказиладиган жиддий зарардир. Кўпинча, болаларнинг ўзи ҳам оилавий зўравонлик қурбони бўлади. Кичик ёшдаги болаларда оилавий-маиший зўравонлик оқибатлари турли касалликлар шаклида намоён бўлса, ўсмир ёшдагилар орасида у ҳол суицид ҳолатларига олиб келиши ҳам кузатилади.

Яқинда ҳудудларимиздан бирида аёллар (асосан келинлар) ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 14 фоизи оила аъзолари томонидан камситилиши ва эри томонидан ҳақоратланишини, 9 фоизи оилада куч ишлатилгани ёки калтакланганини маълум қилишган.

Оилада зўравонлик ва камситишларга учраётган аёлларнинг асосий қисми ҳаётида моддий ва маиший қийинчиликлар мавжудлиги, турмуш ўртоғининг ичкиликка ружу қўйганлиги ва рўзғорга масъулиятсиз эканлигини билдиришган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, қийин иқтисодий ва маиший шароитда оиладаги ички муҳит ҳам зўравонликка олиб келиши, бу эса, ўз

навбатида, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни юзага келтириши мумкин.

Бундан ташқари, таранг муносабатлар, нотинчлик, беқарорлик, мунтазам хавотир ва кўрқув туйғуси туфайли болалар тарбиясида ва руҳиятида жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу келажакда салбий оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Бизнинг менталитетда оила олий қадрият саналади. Фарзандлар катталарга ҳурмат, анъаналарга содиқлик руҳида тарбияланади. Бироқ шу ўринда бола ҳуқуқи ва шахс эрки масалалари эътибордан четда қолади. Ваҳоланки, Ўзбекистон ҳудудида туғилган ҳар бир бола ҳаётининг илк дақиқалариданок қонун ҳимоясидадир.

Ўтган йили мамлакат парламенти бировни ўз жонига қасд қилиш даражасига олиб келганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтирди. Аммо бу юртимизда оилавий-маиший зўравонлик борасидаги аҳволни яхшилашга сабаб бўлди, деб айтолмаймиз.

Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонунлар – 2016” деб номланган ҳисоботида айтилишича, ҳозирда дунёдаги 46 мамлакатда оилавий зўравонликни тақиқловчи қонунлар йўқ. Улар орасида МДХ ҳудудидаги уч мамлакат – Россия, Арманистон ва Ўзбекистон ҳам бор. 2017 йилда Арманистон оилавий зўравонликка қарши қонун лойиҳасини қабул қилди ва рўйхатдан чиқди. Ўзбекистон ҳам ҳадемай бу рўйхатдан чиқади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлда имзоланган “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Адлия вазирлиги олдида “Маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди, яъни муаммо давлат раҳбари назоратига олинди.

“Айни кунда Адлия вазирлиги томонидан тайёрланаётган “Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида оилавий-маиший зўравонликка олиб келадиган барча сабаблар ҳамда унинг ҳар қандай кўринишлари қамраб олинади. Энди ҳуқуқ-тартибот органлари оилавий зўравонлик ҳақидаги мурожаатларни қабул қилмасликка ҳаққи йўқ. Ҳар бир ҳолат учун маъмурий ёки жиноий иш очилади, ҳеч бир жабрланувчи ва гумонланувчи эътибордан четда қолмайди.

Ҳар бир инсон қонун ҳимоясида. Ҳуқуқини билган инсон эса бу ҳимояни яхши ҳис этади ва ундан вақтида фойдалана олади. Зўравонликка тоқат қилманг. Йўқ денг ва чора кўринг. Зеро, инсон ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати ҳар нарсадан устун.”⁹[1]

Мамлакатимизда аёлларни ҳақ – ҳуқуқларини ҳимоя қилишга таъминлашга доир қилинган кўргина тадбирлардан сўнг уни қонунийлаштиришга муваффақ бўлинди. “Хотин – қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни Қонунчилик палатаси

⁹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. ‘“Оилавий зўравонлик – жамият дарди”.’ Электрон нашри. 01.08.2018.

томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланди¹⁰. [2] Ушбу қонун 35 моддадан иборат бўлиб, унда зўравонлик ва тазйиқ ҳолати ва турларига изоҳ берилган, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва айбдорларни жазолаш ва қайта тарбиялаш ҳақида кўрсатмалар каби ҳолатлар белгиланган.

23 августда қабул қилинган қонунга кўра пойтахтимиз Тошкент шаҳрида зўравонлик ва тазйиқдан жабрланувчиларга хизмат кўрсатувчи “Республика реалибитация ва мослаштириш маркази” ва республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ушбу марказ вилоят бўлимлари очилди.

Юртимизда зўравонликни олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган саъй – ҳаракатлар таҳсинга лойиқ, аммо бу соҳада фаолият олиб борувчи психологлар учун адабиётлар, услубий қўлланмалар кам. Бу ушбу соҳа бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаётганини билдиради.

Оила масаласи ҳар бир соҳа учун муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади ва психологияда ҳам бу масала доим ўрганилиб келинади. Аммо оиладаги зўравонлик ҳолатларини ўрганувчи мутахассис психологлар жуда озчиликни ташкил этади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. “Оилавий зўравонлик – жамият дарди”. Электрон нашри. 01.08.2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев. 'Тошкент ш.' 2019 йил 2 сентябрь. ЎРҚ-561-сон.

ВЛАСТЬ И ВЛАСТИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ В ЗНАНИИ

*Хабибуллаев Боходир
Магистр Национального университета Узбекистана*

Современная ситуация в теории познания характеризуется переосмыслением доминировавшей многие годы абстрактно-гносеологической стратегии изучения когнитивного процесса. Для теоретических интенций анализа познания и знания, заложенных Кантом, был характерен принципиальный фундаментализм и нормативизм, что в итоге привело к неисторической интерпретации реального познавательного процесса. В контексте вышеизложенного осмысление когнитивного отношения с использованием таких категориальных средств, как «авторитет», «репутация», «признание» позволит эксплицировать реальный социальный механизм духовной деятельности и детальнее проследить процесс накопления когнитивных преимуществ конкретными учёными и целыми исследовательскими коллективами¹.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев. 'Тошкент ш.' 2019 йил 2 сентябрь. ЎРҚ-561-сон.

Данное исследование направлено на изучение научных сообществ с целью выявления и последовательного описания функционального своеобразия механизма авторитета. Следует подчеркнуть, что в данном диссертационном исследовании понятие «авторитет» используется в целях выявления особенностей системы воспроизводства знания. В таком контексте авторитет рассматривается с точки зрения дифференциации, позволяющей различать его функциональные и атрибутивные свойства. Авторитет является функциональным элементом системы воспроизводства знания, закономерно существующим в связях внутри целостной структуры. Вне данных связей авторитет обладает лишь атрибутивными свойствами, которые подробно рассмотрены в рамках социологии, истории, политологии, психологии и т.д. Необходимо подчеркнуть, что актуальность исследования базируется на рассмотрении именно функциональных, а не атрибутивных свойств авторитета. Таким образом, авторитет рассматривается в рамках системодейственного подхода.

Выбор гносеологического аспекта в описании функционирования авторитета обусловлен также доминированием политического ракурса в рассмотрении данной проблемы. Вместе с тем, конкурентные отношения, борьба за признание и авторитет являются отличительными чертами не только политической, но и научной сферы человеческой жизнедеятельности. В этом контексте вполне логично возникает вопрос, какие именно механизмы участвуют в процессе формирования авторитета учёного? Постоянно растущее число научных организаций и исследовательских центров, а также увеличивающийся объём информации, настоятельно ставит в повестку дня вопрос о характере распределения интеллектуальных ресурсов и научного капитала. Таким образом, тестирование различных форматов научного авторитета содержательно расширяет представление о закономерностях развития науки и научного знания.

В этой связи, апелляция к проблеме авторитета тесно связана с процессом познания и воспроизводства знания, так как научное сообщество самоопределяется в рамках норм и образцов. Кроме того, актуальность выбранной темы исследования заключается в её потенциале, позволяющем сделать шаг к определению возможных этапов формирования новых научных теорий, а также исследовать характер преемственности в современной науке.

Авторитет возникает и формируется в определенных общественно-экономических и политических условиях. Он имеет различные *уровни (степени) проявления*: авторитетность вообще, затем талантливость, слава (высочайший уровень авторитетности) и, наконец, самый высокий уровень авторитетности – гениальность – признание за человеком обладания высшей степенью творческой одаренности.

Различаются *социальные типы авторитета*. Тип предполагает обладание объектом существенными качественными признаками. Социальный тип авторитета определяется тем, в какую историческую эпоху он функционирует, интересы какого класса или социальной группы, прежде всего, выражает, кого представляет носитель. В науке выделяются следующие социальные типы авторитета: рабовладельческий, феодальный, буржуазный, социалистический.

При этом важно учитывать, что общество в каждой формации является неоднородным, и авторитет личности определяется прежде всего социально-экономическим положением людей, господствующими отношениями собственности на средства производства. Неодинаковы и авторитеты, и авторитетные отношения. Говоря о социальном типе авторитета, мы имеем в виду наиболее типичное, присущее только авторитету этой формации. Возьмем рабовладельческое общество, с ним связывают рабовладельческий авторитет, здесь доминирует непререкаемый авторитет рабовладельца, как хозяина раба. Но ведь в этом обществе имеются и свободные граждане, между которыми существуют отношения, имеющие свою специфику, обусловленные формацией. Так, авторитетные отношения между свободными личностями имели большое значение.

МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИ ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ҳайдарова Ҳилола Шавкатовна
Навоий вилояти Зарафшон шаҳри 10-ДМТТ психологи*

Мактабгача ёшидаги даври боланинг ижтимоий етуклиги деганда, биз турли босқичларда ва турли хил ижтимоий муносабатларнинг фаол ижодий ривожланиш жараёнида шаклланган шахс сифатини, шунингдек, шахслараро ва ички ижтимоий муносабатларни куриш ва тартибга солишга асос бўлган ахлоқий нормаларни ўзлаштиришини тушунамиз.

Мактабгача ёш даврининг асосий фаолияти бу ўйин ҳисобланади. Ўйиннинг мактабгача ёшдаги бола шахсининг ижтимоий етуклик кўникмаларини шакллантиришга таъсири шундаки, у ўйин имитацияси ва роли ўйинлар орқали болалар катталар ўртасидаги хулқ-атвор ҳамда муносабатлар меъёрлари билан танишади, бу эса ўзини тутиш хулқ-атвори учун асос бўлади. Ўйинда бола атрофдагилар билан алоқа ўрнатиш ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун зарур бўлган ижтимоий етукликнинг асосий кўникмаларини эгаллайди.

Барчамизга маълумки мактабгача таълим ёш даври 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври ҳисобланади.

3-4 ёшли болалар. 3-4 ёш кичик гуруҳ болалари ҳисобланади. Бу ёшдаги болалар юқори жадалликдаги жисмоний ва рухий ривожланиш билан характерланади. Ақлий жиҳатдан ҳам жадал ривожланади. Бола шакллар, ранглар, катта-кичиклар, атрофни мавжудлигини ҳамда ўзи хақида ўйлай бошлайди. Уларнинг сўз бойлиги сезиларли даражада ортиб боради ва мураккаб гаплардан фойдаланишни бошлайди.

Бу ёшда ҳаракатчанликка эҳтиёж ортиб, йирик моторика ривожланиши биринчи ўринга чиқади. Кичик мактабгача ёшдаги болалар асосий ҳаракатларни ўзлаштиришади. Тезлик, куч, координатция, эгилувчанлик, чидамлик каби жисмоний сифатлар шакллана бошлайди.

Болалар биринчи марта ўз “Мен”лигини тушунади. Ўз жинсига оид ўйин ва ўйинчоқларга қизиқиши ортади.

Кичкинтойларнинг бу даврида ота-оналарига қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- Фарзандингиз билан ўйнанг, югуринг, сакранг! Ёки унга бу ишларни қилишига халақит берманг. Чунки кўп ҳаракатланиш болага хосдир.

- Фарзандингизга ўзини парваришлагга ўргатинг-соч тараш, тиш ювиш, чўмилиш... Боланинг кўпроқ ўйнаши учун шароит яратиб беринг: конструкторлар, ролли, жамоавий ўйинлар.

- 3-4 ёшли болалар жуда қизиқувчан бўлади. Шунинг учун уларни кўпроқ сайрга боғ ва музейларга олиб боринг ҳамда кўпроқ эртақлар ўқиб беринг.

- Фарзандингиз билан кўпроқ вақт ўтказинг бу жуда муҳим.

4-5 ёшли болалар. Бу давр боланинг фаол ўсиш даври ва организимининг ривожланиш даври ҳисобланади. Ўйин жараёнида болаларда билишга қизиқиш шаклланади, кузатувчанлик ривожланади. Бу даврда кўпроқ саволлар бера бошлашади, билиш мотиви етакчилик қилади. Бу пайтда “**Нима-нимачи ёш**” деб аташ мумкин. Шу сабаб, бу даврда болага юқори фикрлаш фаоллиги ҳамда қизиқувчанлик хосдир.

Бундай ёшда бола ўз она тилидаги деярли ҳамма товушларни талаффуз қила олади. Янги сўзлар топа бошлайди. Унча катта бўлмаган эртақларни қайта сўзлаб, ўйинчоқ, сурат, баъзи воқеалар ҳикоя қила оладилар.

Ота-оналарга тавсиялар:

-Бола билан ўйнаш, югуриш, сакрашни давом эттиринг. Бу жуда муҳимдир.

-Турли хил ўйинларга қизивишини ортиринг. (конструктор, стол ўйинлари)

-Болага ўзини тутишни ўргатиш даври келди. Нима қилиш мумкин-у нима қилиш мумкин эмаслигини болага тушунтирса бўлади.

-Бола интеллектини жадал ривожлантиринг. Кўпроқ китоб ўқиб беринг, бу ёшда бола таҳлил қилишга мойил бўлиб, китоб муҳокамасига осонлик билан кириша олади.

-Катталарга ёрдам бериш вақти ҳам келди. Меҳнат нималигини, ота-она ва оиланинг катта ёшли аъзолари нима билан шуғулланиши, нима учун “**меҳнат**” деб аталишини тушунтириб, унга нисбатан ҳурмат муносабатини уйғотинг.

5-6 ёшли болалар. Бу ёшда шахсиятнинг интеллектуал, маърифий-иродавий ва ҳиссий жиҳатдан жадал ривожланиш рўй беради. Олти ёшли бола ўзини ва ўзгаларни билишга ҳаракат қилади, ҳатти-ҳаракат ва ўзаро муносабатлардаги алоқаларни англай бошлайди. Турли хил характердаги муносабатларни тушунади, шахсий хулқ-атвор йўналишини танлайди. Ўз тўғрисидаги тасавурларда ўзгариш юз беради. Шахсиятнинг ривожланиши янги хусусият ва эҳтиёжлар пайдо бўлиши билан тафсиқланади. Амалий ва ақлий тажриба ўтказиш, умумлаштириш, сабаб-натига алоқаларни ўрнатиш қобилиятлари шаклланади. Маконда мўлжал олиш қобилияти ўсади (бирок фасллар ва ҳафта кунларига адашиш кузатилади). Нутқнинг грамматик қурилиши мукамаллашади. Таъсирчан оҳанг воситалардан эркин фойдаланади. Бола луғати умумлаштириувчи сўзлар, синонимлар, антонимлар ҳамда кўп маъноли сўзлар

билан бойиб боради. Уларнинг қомати шаклланиб, чидамайлик ва жисмоний сифатлари ривожланади. Ёшига мос бўлган гигиеник жараёнларни амалга ошира олади, озодлик малакалари, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлади.

Ота-оналарга тавсиялар:

- Биз ҳали ҳам югурамиз, сакраймиз ва фаолликнинг ҳар қандай илиқ кутиб оламиз. Ўз болалигимизнинг эслаймиз. Сиз қандай ўйинлар ўйнар эдингиз? Ҳаракатчан ўйинлар кўп бўлган -а тўғрими? Шундай экан унда фарзандингизни ҳам ўйнатинг.

- Болани одоб-ахлоқ қоидалари билан таништиришни давом эттиринг. Аммо энди кўпроқ ҳам қатталар, ҳам тенгдошлар билан кечадиган мулоқотга эътибор қаратамиз.

- Қизиқувчанлик, турли хил кўринишдаги ижодкорлик, ақлий вазифаларни еча олиш қобилиятларини янада ривожлантирамыз. Бунда болалар учун кашфиётчанлик вазифаларини ечиш назарияси бўйича китоблар тавсия қилинади. Улар кичкинтойларга кўп нарса бера олади.

6-7 ёшли болалар. 6-7 -ёш даври энг мураккаб даврлардан биридир. Болакай биринчи марта ўзини онадан ажрата бошлайди. Яъни “мен ўзим” ҳақиқий мотивацияга айланади. Бола ўзини бутунлай мустақил шахс сифатида англайди. Бу тенгдошлари билан кечадиган эркин мулоқот давомида намоён бўлади. Эндиликда болалар ҳамкорликдаги фаолиятда шахсий қарашларни химоя қилиб, ҳаётий вазиятларда ахлоқий танловни амалга ошира оладилар. Жинсидан келиб чиқиб, унга мос бўлган юриш-туриш қоидаларини онгли тарзда бажарадилар. Бундан ташқари, турли жинсдалигига хос бўлган ҳар хил фаолият турларини эгаллайдилар. Етти ёшли болалар нутқи пассив лексика ҳисобига бойишда давом этади. Бола фикр ва таассуротларини баён етиш, предметларни тасвирлаш, қайта сўзлашда сўзлашдан аниқ фойдаланади. Нутқ мулоқотнинг ҳақиқий воситасига айланади. Бу ёшда болаларда ҳаракатланиш малакаларида аҳамиятли тарзда тез шаклланиш юз беради: Юриш ва югуриш мукаммаллашади, бир ва икки оёқлаб сакрашни ўрганиб олишади, турган жойидан узоқликка ва баландликка сакрай олишади. Болаларда ўзи ҳамда шахсий жисмоний имкониятлари тўғрисида тасаввурлар кенгаяди.

Ота-оналарга тавсиялар:

- Яна ҳали ҳам югурамиз, сакраймиз ва фаолликнинг ҳар қандай илиқ кутиб оламиз. Ўз болалигимизнинг эслаймиз. Болаларимизни соғлом булишда спортнинг ўрни беқиёслигини тушунтирамыз.

- Бу даврда боланинг шахсий хусусиятларига таяниш мақсадга мувафиқдир. Фарзандингизна яқинда мактабга бориши ва у ерда ўзини назорат қилиш кераклигини тушунтириб бориш лозим бўлади.

- Боланинг мактабга бориш жараёнидаги ўзгаришлар ва қийинчиликка тайёрлаб борсангиз бола мактабга борганида қийналмайди.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Зарина Зарифовна Шарипова
Навоий вилояти Зарафшон шаҳар 10-ДМТТ директори

Мактабгача таълим ташкилотида маънавий-маърифий тадбирлар аҳамияти каттадир. МТТ да маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг алоҳида жиҳатларидан бири шуки айтилиши бу даврда инсоннинг асосий маънавий дунёқараши шаклланидиган даври ҳисобланади. Шу сабабли мактабгача таълим ташкилотларида маънавий тадбирларни ўтказиш болаларни юксак маънавиятли баркамол шахс қилиб тарбиялашда ўрни катта.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни эҳтиёжлари ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Бу ёш даврда болаларга оммавий-маънавий тадбирлар орқали маънавий тарбия бериш муҳим ҳисобланади. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак бўлади.

- Тарбияланувчиларни миллий халқ эртаклари ва дostonлари намуналаридан фойдаланиб ахлоқий сифатларни шакллантириш.

- МТТларини миллий маънавиятимизга ёт бўлган расмлар билан безатишдан воз кечиш, ташкилотларини миллийликларимизни акс эттирувчи жиҳозлар билан безатиш. Масалан: Амур Темур, Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис, Широқ, Пахловон Махмуд каби ватанпарвар аждодларимиз қиёфалари тасвирланган расмларни ташкилотларга жойлаштириш лозимдир.

Мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг асосий тамойиллари инсонпарварлик, узликсизлик, илмийлик, ҳаётийлик, ёш ва билим савиясига мослик тарзида ташкил этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 15 мартдаги “Мактабгача таълим муассасаларида Маънавият куни”ни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғида мактабгача таълим ташкилотларида ҳар ҳафтанинг жума кунлари тарбияланувчиларнинг маънавий фазилатларини шакллантириш мақсадида маънавият кунини ўтказиш ва ҳар ойнинг охириги жума кунлари педагог ходимларни маънавий дунёқарашини бойитиш мақсадида маънавият соатларини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек буйруқда тарбияланувчилар учун маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш кўрсатилган.

Мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад маънавий тарбия беришдир. Маънавий тарбия деганда, инсон маънавий олами, тафаккури ва дунёқарашининг миллий ва жамият талаблари даражасида узликсиз шакллантирилишини тушунамиз. Маънавий тарбия юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муаян шахс, Жамоа гуруҳ, Жамият, Миллатда жисмоний барқарорлик, рухий ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи тушунча. Инсонни жамиятда яшаши учун зарур бўлган маънавий хусусиятларини тарбиялаш унинг энг асосий қадрият сифатидаги моҳиятини

таъминлайдиган қадимги ва абадий қадриятдир. Маънавий тарбия инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган тушунчадир.

МТТларда ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар таълим тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб тарбияланувчиларда Ватанпарварлик туйғуларини шшакллантириш, миллий қадриятларимиз, урф одат ва анъаналаримизга содиқлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

МТТларида “Маънавият куни”ни ташкил этишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак бўлади:

- юқори малакали, маънавий салоҳиятга бой педагоглардан иборат ташвиқот гуруҳларини ташкил этиш;

- ахлоқий-тарбия, маданий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш;

- миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти, қадимий илдизларни, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кунда ривожланиш тамойинларини акс эттирувчи, аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- тарбияланувчиларнинг ўқув тарбия жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида сўнги йилларда юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, айниқса таълим соҳасида эришилган ютуқлар билан таништириш;

- мактабгача таълим ташкилотлари кутубхоналарида тарбияланувчилар ўртасида “Жажжи китобхон”, “Китоблар мўжизаси”, “Китоблар оламига саёҳат”, “Эртақлар-яхшиликка етаклар” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ва сахна кўринишлар ташкил этиш;

- педагоглар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш, уларни миллий менталитимизга ёт зарарли таъсирларни “оммавий маданият” ҳуружларидан ҳимоя қилишга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этиш;

- педагог ва тарбияланувчилар учун маънавий-маърифий интеллектуал тадбирлар ва спорт мусобақалари уюштириш;

- таълим-тарбия жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ўзини-ўзи бошқарув тизимлари фаолиятидан кенг фойдаланиш.

Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирлар орқали болаларда буюк алломаларимиз, миллий қаҳрамонларимиз, саркардаларимиз билан фаҳрланиш ва уларнинг бой маънавий меросини тўғрисида тушунчаларга эга бўладилар.

Мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашда таълим-тарбия тизимининг муҳим қисмидир. “Илк қадам” дастурида мактабгача таълим ташкилотида гуруҳдан ташқари машғулотлар ишлари кўнгиллилик фаолияти турини танлашда мустақиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик принциплари асосида ота-она истаги, болаларнинг қизиқиши, интилиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши белгилаб қўйилган. Айнан мана шу принциплар таълим-тарбиянинг давоми сифатида турли мавзудаги маърузалар, савол-жавоблар, суҳбатларда қатнашиш орқали мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчисини анъанавий савиясини бойитишга, таълим-тарбия жараёнида берилган маънавий тушунчалар, кўникмаларни мустаҳкамлайди,

қўшимча маълумотлар билан бойитади, маънавий кадриятларга қизиқишини оширади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар амалиётини ўрганиш гуруҳдан ташқари тарбиявий тадбирларнинг бой тизими мавжудлигини кўрсатади. Бу тизим танловлар, жисмоний тарбия мусобоқалари, сахна кўринишлари, суҳбат, айтишув, ўйинлар бадий кечалар шунингдек, энг азиз, энг улуғ Мустақиллик байрами, 8 декабрь-Конституция куни, 1 октябрь-ўқитувчи ва мураббийлар куни, 8 март-Халқаро хотин-қизлар байрами, умумхалқ Наврўз байрами, Янги йил байрами, 9 май-хотира ва кадрлаш куни, Ҳосил байрами ва бошқа қатор тадбирларни ўз ичига олади. Мазкур тадбирлар гуруҳ тарбиячилари ҳамда мусиқа раҳбарининг йиллик тарбиявий ишлар режаларида акс эттирилади.

Педагог-тарбиячиларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолияти йиллик иш режалари педагогик кенгашда тасдиқланади. Режа услубчи томонидан тасдиқланиб, амалга оширилади.

Мактабгача ёшидаги болаларда одоб-ахлоққа оид мультфильмлар, кинофильмлардан унимли фойдаланиш, музей, зиёратгоҳ жойларга саёхатлар уюштириш, хаёлан саёхатлар қилиш, болалар театрларидаги томошаларни мунтазам кўриб боришни ва таҳлил қилиш орқали болаларда эркин ва мустақил фикр қилиш, муомала ва муносабатга киришиш ҳислатларини таркиб топтириш ҳам муҳим саналади.

Одоб илми-Ватан, Ватан туйғуси, инсонийлик одобига оилада, жамиятда миллий урф-одат ва анъаналарга риоя қилиш билан шаклланади. Болалар маънавиятини шакллантиришда қуйидаги мавзуларда суҳбатлар ташкил этиш мумкин:

“Исрофгарчилик ва унинг зарари”, “Меҳнатсеварлик олий фазилат”, “Ким бўлсам экан”, “Орасталик яхши одат”, “Нима яхши-ю нима ёмон”, “Яхшидан ном қолар”, “Юрт тинчлиги-эл бойлиги”, “Боболаримиз ва момоларимиз куйлаган кўшиқлар”...

Бу мавзулардаги суҳбатлар болаларга теварак атрофга бўлган муносабатларни мушоҳада қилиб эшитиб, тушунганларини баён этиш қобилиятлари, ижодий тафаккурини қай даражада ривожланганлигини намоён этади.

МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ –БУ ЎЙИНДИР

Латинова Шаҳноза Равшановна

Навоий вилояти Зарафшон шаҳри 3-сонли “Буратино” номли ДМТТ тарбиячиси

Ўйин бу нима? Ўйин-бу қутилмаган ва фаол жараён бўлиб, унда тафаккур, ҳис-туйғулар ва ҳаракатлар ривожланиши мумкин.

Ўйин болалар ривожланишида катта аҳамиятига эга:

- боланинг ижодий ижтимоийлашувига кўмаклашади. Ўйинда импровизация қилса, тимсоллар, вазиятларни ўйлаб топса ва шу тариқа атроф-олам ҳақидаги маълумотларни олади;

- хотир, диққат, тасаввур, нутқ ... ривожланади.

- Болага қувонч бағишлайди, турли ҳиссиёт ва кечинмалар уйғонади,

- Ижтимоий хулқ-атворнинг дастлабки кўникмалари ривожланади: болалар билан мулоқотда бўлиш, турли муносабатларга киришиш, умумий ўйинларни режалаштириш...

- болаларга жамиятдаги ўз ўрнини тушуниш ва ўзига бўлган ишончсизликни камайтиришга ёрдам беради. Ўйинда болалар барча кўникмалардан фойдаланувчи назорат қилинадиган ҳаракат маконини яратадилар.

Мактабгача ёшда болаларнинг ижтимоий ҳаёти айнан ўйинда тўлиқ фаоллашган бўлади. Ўйин болаларга мулоқотнинг турли шаклларида мустақил фойдаланиш имконини беради.

Ўйин жараёнида болалар орасида икки турдаги муносабатлар шаклланади:

- ўйин мазмуни, қоидалари билан белгиланадиган муносабатлар;

- ўйин бўйича намоён бўладиган ҳақиқий муносабатлар.

Ўйинлар болаларнинг ёши билан боғлиқ. Масалан, кичик ёшдаги болалар яқка тартибдаги ва параллель ўйинлар билан шуғулланишади. Катта болаларда ўз фикр ва ҳис-туйғуларини ўрганиши учун ёлғиз ўйнашга эҳтиёжманлиги юқори бўлади. Ўйинларда болалар ҳис-туйғуларини ривожлантирадилар, ўз таассуротларини акс-эттирадилар, ўзлари тақлид қилаётган ва чин дилдан ўхшашни истаган шахснинг билими ва хатти-ҳаракатларини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Ўйин давомида болалар дўстона муносабатларга киришадилар, биргаликда ҳаракат қиладилар ва завқланадилар.

Ўйинда ҳеч қаерда учрамайдиган жиҳат бор: бола ўз мустақиллигини кўрсата оладилар; ўйин ва ўйинчоқлар, ўйиндаги дўстларни танлаши мумкин, ўйин жойини, унинг бошланиши ва якунланишини белгилаб бера олади. **3-4 ёшли бола** ўзига яхши таниш бўлган инсонларнинг ҳаракатлари ва юриш-туришини тўлақроқ ва батафсилроқ намоён этади, ўйинда ва у билан боғлиқликда кундалик ҳаётда бажаришнинг имкони унча бўлмаган мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни анча узоқ вақт бажара олади. Масалан, катталарнинг ҳаракатларини қайтаради; узоқ вақт ва диққатини жамлаган ҳолда машинани тузатади, кейин эса ўзини ҳайдовчига солиб роллар бажарадилар. Бу ёшга келиб болалар сюжетли-ролли ўйинлар анча кўпаяди.

5-7 ёшга келиб болаларда ўйинлар анча мураккаб сюжет билан ажралиб туради. Унда одамда инсон муносабатлари, ижтимоий ҳаётнинг турли ҳодисалари акс этади: ўғинларда бевосита кузатувларди ва билвосита (китоб ўқиш, суҳбатлардан сўнг...) олинган тасаввурлар уланиб кетади. Барча ёшдаги болалар ўйинларда болаларнинг ҳис-туйғулари ва атроф-муҳитга бўлган муносабатлари яққол намоён булади. Бу даврди келиб ўйиннинг аҳамияти катта бўлади. Болалар уларга таниш бўлган ўйинларни ўзлари ташкил қила оладилар, иштирокчилар томонидан қоидалар аниқ бажарилиши устидан назорат қилиб борадилар.

Ўйинда мавжуд бўлган турли жиҳатлар:

- завқ ва қувонч;

- иштирокчилар томонидан фаол жалб қилинганликни;
- ички мотивация
- тадбирлар иштирокчилар томонидан эркин танланади;
- иштирокчилар томонидан шахсан йўналтирилган ёки биргаликда йўналтирилган бўлиши мумкин;
- эътибор мақсадга (маҳсулот) эмас, балки воситаларга (жараёнга) қаратилади.

Ўйинлар болаларнинг музокара қилиш, ҳиссий мувозанатни тиклаш, низоларни ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар ўйин ва ўйин-кулгиларда иштирок этиб, амалий кўникмаларни эгаллайди; атрофдаги оламни ўрганади ва англайди; янги ғоялар, роллар ва тажрибани синовдан ўтказишади ҳамда ўз ижтимоий мавқеини тушинади.

Жисмоний жиҳатдан ўйин болаларга майда ва йирик моторикани ривожлантириш ҳамда жисмоний малака ва мушакларни бошқаришни машқ қилиш ва такомиллаштириш имконини беради. Мунтазам жисмоний фаолият болага саломатлик, овқатланиш ва фаровонликка соғлом муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Когнитив муносабатда ўйин хотира, тасаввур, концентрация ва ижодкорликни рағбатлантиради, ғоялар ва саволларни ўрганиш ва муаммоларни башорат қилиш ва ҳал қилиш имконини беради.

Билиш фаолияти жараёнида боланинг кўرғазмали ва мантиқий тафаккури, ихтиёрий англаш диққати, хотири, ижодий тасаввурнинг ривожланиши содир бўлади. Билиш фаолияти ўйин фаолиятининг ажралмас қисми вазифасини бажаради. Ўйин давомида боланинг маънавий ва жисмоний кучи, унинг диққати, хотираси, тасаввури, интизоми, чаққонлиги ривожланади, янги билим ва кўникмалари эгалланади ва ўзлаштирилади. Бундан ташқари, ўйин мактабгача ёш даврига хос бўлган ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг ўзига хос усулидир.

Лингвистик жиҳатдан ўйин оғизаки ва новербал мулоқот малакаларини ривожлантиришга ёрдам бериб, тил ёрдамида ўз тажрибалариниҳис қилиб дунёни тушуниши кенгайди.

Ҳиссий жиҳатдан ўйин болага ўз ҳис-туйғуларини ўрганиши хис қилиши ва номлаши улар ҳақида гапириши, рухий зуриқишни енгиши, қийин вазиятларни тўғри қабул қилиш ҳамда бошқалар билан мулоқот қилиш имконини беради.

Ижтимоий муносабатда ўйин болага одоб-ахлоқ қоидаларини ўрганиш ҳамда кечинмалар билан уланиш, музокаралар ўтказиш.

Маънавий муносабатда ўйин болаларнинг хайратланиш қобилиятини ривожлантиради ҳамда ҳурмат ва қадриятлар тизимларининг тартиб топишга ёрдам беради.

Бола ўйинда қандай бўлса, ишда ҳам кўп жиҳатдан у шундай бўлади деб ҳисоблайди. Шунинг учун бўлажак арбобнинг тарбиялаш кўп томондан ўйин орқали амалга оширилади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА МОСЛАШУВИНИНГ АЙРИМ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

*Усмонова Дилноза Ибрагимовна
Олтинкўл тумани 8-мактаб психологи*

Мактабга қабул қилинадиган бола ўз ҳаётининг энг муҳим даврига, яъни, мактаб томонидан қўйиладиган турли-туман талабларни бажаришга, таълим олишга ҳам жисмоний, ҳам психологик жиҳатдан тайёр бўлиши лозим. Негаки, жисмонан соғлом бола мактабга тавсия этилар экан, у ақлий савияси билан ҳис-туйғулари ва ижтимоий онглилик даражаси билан маълум талабларга жавоб бериши керак.

Ақлий етуклик соҳасида диққат қилиниши зарур бўлган билиш жараёнлари ва ташқи муҳитни нечоғлик тўлиқ ва тўғри акс етира олишни аниқлаш муҳимдир. Таркибан бу ҳислатлар боланинг идроки, ихтиёрий диққати, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қила олиши, сабаб ва оқибат тасаввурларининг шаклланганлиги, мантиқий тафаккур ҳислатлари, мантиқий хотира, мақсадли фаолиятни изчил бажара олиши, янгиликка интилиш, унга қаратилган мурожаатни қабул қила олиш, содда мақоланинг мазмунини тушуна олиш, бармоқларининг нозик ҳаракатлари ва кўз - ҳаракат мутаносиблиги каби кўпгина кўринишларни ўз ичига олади.

Мактабга етукликнинг ҳис-туйғулар соҳаси боланинг ҳулқ-атворида, руҳиятида турғунлик, ҳиссий муҳимлик ва мактабда ўқиш мотивларининг ҳиссий жозибадорлиги ва болани қамраб олган ҳаваслари билан характерланади.

Жисмоний етуклик;

- катта мия ярим шарларининг пешона қисмининг морфологик етилганлиги,

-боланинг оғирлиги бўйига мос келиши,

-умуртқа поғоналарининг ривожланганлиги,

- мускуллари ва майда маторикаси ривожланганлиги,

- сезги аъзолари ривожланганлиги,

- иштаҳа ва уйқунинг маромдалиги,

- ўпкасининг хажми мутаносиблиги,

- боланинг суяклари (кўкрак қафаси , тос, қўл суяклари),

- мия пўстининг аналитик–синтетик фаолияти такомиллашгани,

- кўзғалиш ва тормозланиш ўртасидаги мувофиқлик.

Ижтимоий етуклик деб - боланинг мактабда ўз тенгқурлари билан учрашиш, улар билан бирга бўлишга интилиш, ўқувчиларга ўхшаб мактаб тартибига кириш ёки итоат етиш, ўз зиммасига мактаб ўқувчиси бажарадиган вазифаларни олишга интилиш, ўқувчи бўлиб мактабга

қатнашни, дарс қилишни, ўз қалам дафтарларига эга бўлишни орзу қилиш каби ҳислатлар тушунилади.

Мактабга психологик тайёрлик боланинг илк ўқув мотивларининг шаклланганлиги, билиш жараёнларининг (сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл) етарли даражада ривожланганлиги, янги ижтимоий муҳитга мослашув ва жамоавий ҳамкорлик кўникмаларининг мавжудлиги, маънавий-руҳий салоҳият, шунингдек, ақлий имкониятларнинг таълим талабларига мутаносиблиги билан изоҳланади.

Мактабга келгунга қадар, мактабгача ёшдаги болаларнинг индивидуал - психологик ҳусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу ёшда асосий фаолият тури ўйин ҳисобланади. Шу сабабли олти ёшли болалар билан ишлашда психологик - педагогик ташхиснинг асосий шарти: «Болани имтиҳон қилиш эмас, у билан ўйнаш керак!»;

Топшириқларни эркин бажариши учун табиий шароит яратиш лозим. Ташхис жараёнида ота-онанинг иштирок этиши, айрим топшириқларни улар ёрдамида болага бажартириш ҳам ана шу табиий муҳитни содир этади.

Боланинг мактабга мослашуви асосан 4 ҳафтадан 7 ҳафтагача давом этади. Болаларда мослашув жараёни икки хил кўринишда намоён бўлиши мумкин.

-баъзилар жуда ҳам шўх, кўп кичкирадилар, дарс жараёнида кўп чалғийдилар, кўпинча ўқитувчиларга бўйсунмайдилар.

-бошқалари эса аксинча, тортинчоқ, ички дунёсига йўналган, кўзга ташланмасликка ҳаракат қилади, ўқитувчи унга мурожат қилганда тортинади.

Арзимаган муваффақиятсизлик ва танбех учун йиғлайдилар. Баъзи болаларда уйқу, иштаха бузилади, жуда қайсар бўлиб қоладилар. Бирданига жуда кичкина болаларга мўлжалланган ўйинларга, ўйинчоқларга китобчаларга қизиқиш ортади, касалликка кўп чалинади. Ушбу бузилишларнинг барчасини одатда функционал ортда қолиш дейилади. Буларнинг ҳаммаси бола психикасига ортикча оғирлик келиб тушганидан келиб чиқади.

Мослашув жараёни айниқса 3 йиллик бошланғич таълим дастури асосида таълим оладиган ўқитувчиларда оғирроқ кечади, чунки улар интенсив равишда кечадиган ўқув жараёнига киришлари зарур. Боланинг мактабга мослашувида умумтаълим мактаби амалиётчи психологнинг фаолиятида икки хил йўналишда иш олиб бориш лозим.

Биринчи йўналишда амалиётчи психолог фаол бўлиши, ўқувчиларга тез ва яхши мактабга мослашувида ёрдам бериши керак, ўқитувчига эса ҳар бир болага алоҳида индивидуал психологик ёндошув методлари орқали уларга ёрдам бериши керак. Бунда психолог алоҳида эътиборни функционал ортда қолиш уйқунинг бузилиши, невротик ҳолатлар белгилари мавжуд болаларга қаратиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи йўналишда психолог шу вақтда синфни кузатиб ҳар бир боланинг психик таррақиёти ҳақидаги маълумотларни йиғишга сарфлаши ва фақатгина қалтис вазиятлардагина аралашуви зарур, албатта ҳар бир кузатилган ҳолат бўйича ўқитувчи ва ота-онани хабардор қилиши зарур.

Шунингдек, бу ёшда бола билан бирга ота-она боланинг кун тартибига эътиборли бўлиши, дарсларни бирга бажариши, “Дарсингни тайёрладингми?”, деб эмас, балки кел бирга тайёрлаймиз мазмунида бола билан дўстона психологик яқинлик муносабатларини шакллантирса, у албатта шахс бўлиб ривожланишига ишонч билдириш мумкин.

OILAVIY QADRIYATLARNING YOSHLARNING DUNYOQARASHI VA XULQ-ATVORIGA TA'SIRI

Shahnoza Yigitaliyeva
Uchko`prik tumani 1-IDUMI

Аннотация: Chuqur ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy o'zgarishlarni amalga oshirish bilan bir qatorda respublikada jamiyatni insonparvarlashtirish va demokratlashtirishning real jarayonlari amalga oshirilmoqda: inson huquqlari va erkinliklari, fikr erkinligi, vijdon erkinligi va har bir millatning ma'naviy merosiga hurmat tamoyillarining to'liq namoyon bo'lishi uchun yangi shart-sharoitlar yaratilmoqda.

Калитсо'злар: oilaviyqadriyatlar; urf-odatlar; o'zigaxoslik; Islomqadriyatlari.

Hammamizga ma'lum, katta insonlarni hurmat qilish, yoshlarga hurmat, milliy urf-odatlar va an'analarga hurmat kabi fazilatlar oilada shakllanadi. Oila hayotimizning ma'naviy asoslarini rivojlantirishda, jamiyatda yuqori axloq muhitini yaratishda ishonchli tayanchdir. Hayot sinovlariga dosh bera oluvchi barkamol avlodni tarbiyalashda uning o'rni beqiyos.

Chuqur ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy o'zgarishlarni amalga oshirish bilan bir qatorda respublikada jamiyatni insonparvarlashtirish va demokratlashtirishning real jarayonlari amalga oshirilmoqda: inson huquqlari va erkinliklari, fikr erkinligi, vijdon erkinligi va har bir millatning ma'naviy merosiga hurmat tamoyillarining to'liq namoyon bo'lishi uchun yangi shart-sharoitlar yaratilmoqda. Shu bilan bir qatorda umuminsoniy qadriyatlar, milliy o'ziga xoslikni tiklash zamonaviy jamiyatning asosiy vazifalaridan biriga aylandi.

Ta'kidlashjoizki, oilaviy munosabatlar masalalari doimo olimlarning e'tiborini tortib kelgan. XIX asrning ikkinchi yarmi - XX asr boshlarida o'zbek oilaviy munosabatlari ushbu davrda Turkistonda yashagan rus mualliflarining asarlarida o'z aksini topgan. Masalan, rus olimi A.D. Grebenkina "Ruslar Turkiston" to'plamida 1972 yilda nashr etilgan "O'zbeklar" asari, taniqli etnograflardan V.P. Nalivkina va M.V. Nalivkin, Namangan aholisining hayotini o'rganib, keyinchalik 1886 yilda "Farg'onada istiqomat qiluvchi tubjoy aholining ayollari to'g'risidagi asarlar" ni nashr etgan [1, b.

21]. 1940 yilda Sovet Ittifoqi davrida K. L. Zadixina va M.V. Sazonov Xorazm viloyatidagi o'zbek oilalarini o'rganishga harakat qildi.

O'zbek xalqining an'analari va urf-odatlarini asrlar davomida rivojlanib kelgan. Madaniyatimizning bir bo'lagi bo'lgan mazkur udumlarimiz ko'plab bosqinchilarning begona xorijiy madaniyatni xalqimiz ongiga singdirish istagiga qaramay, deyarli o'zgarmadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, o'zbek xalqining urf-odatlarining shakllanishiga butun O'rta Osiyoda islom dinini tarqatgan arablar katta ta'sir ko'rsatdi. Islom an'analari islomdan oldingi e'tiqod va urf-odatlar bilan, o'zbek madaniyati bilan uzviy bog'liq bo'lib, o'zbek xalqining hayoti va ongiga mustahkam o'rnatilgan.

O'zbek an'analari mehmondo'stlik, oqsoqollarni e'zozlash va kollektivizmga asoslanadi, bu ayniqsa, asrlar davomida shakllangan milliy poydevorlarning asosi - mahallalarda alohida ta'kidlanadi. Biz qanday axloqiy me'yorni qo'llasak, u oilada erta yoshdanoq o'rganib chiqilganligi ayon bo'ladi. Axloqiy me'yorlarni assimilyatsiya qilish so'zlarda emas, balki odamlarning kundalik harakatlarida, ularning harakatlarida sodir bo'ladi. Va nihoyat, oila jamiyatning rivojlanish ko'rsatkichi va zamonaviy ijtimoiy jarayonlarning ko'plab parametrlarini aks ettiradi.

Oila muqaddas bo'lishining yana bir sababi shundaki, u jamiyatning ijtimoiy munosabatlarining muhim qismidir, lekin u shuningdek, butun insoniy fazilatlarini yoki, aksincha, jamiyatdagi ijtimoiy muammolarni shakllantirishning markazi bo'lishi mumkin.

Qadimiy yozma adabiyotning eng buyuk namoyondasi bo'lgan "Avesto" asarida, shuningdek, oiladagi muammolar va oiladagi reproduktiv xatti-harakatlarga alohida e'tibor beradi. "Avesto" asarida oila quruvchilarning jismoniy va psixologik xususiyatlarga ham alohida e'tibor berganligini hisobga olish kerak. Birinchidan, kelin va kuyovning jismoniy va ruhiy tayyorgarligi talab qilindi, chunki bu sog'lom avlod uchun zamin yaratadi [2, s. 34-36].

Oila qadriyatlarini, shuningdek, O'rta Osiyo mutafakkirlari va ma'rifatparvarlari Farobiy, Beruniy, Ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Alisher Navoiy, Bobur, Munis Xorazmiy, Bedil, Behbudiy, Abdulla Avloni, Cho'lpon, Fitratning asarlarida alohida aks etganini ta'kidlash lozim. Xususan, Abu Ali ibn Sinoning "Axloq", "Oilaiqtisodiyoti", Alisher Navoiyning "Hayrat-ulabror" asarlarida oilaga alohida e'tibor qaratilib, uni insoniy kamolotga erishishning asosiy joyi deb bilgan. Oiladagi sog'lom muhit, yangi oilalar jamiyat uchun mustahkam poydevor bo'lishi mumkinligini ta'minlaydi.

Islom nazariyasi va shariati oila va oilaviy munosabatlarining asosiy tushunchalarini ochib berishga xizmat qiladi. IX-XII asrlardagi O'rta Osiyo Uyg'onish davrida oilaviy qadriyatlar ham diqqat markazida bo'ldi. Olim Ibn Sino "Tibqonunlari" asarida oilaning bolalarni tarbiyalashdagi roli, bolalar va ota-onalar o'rtasidagi munosabatlar masalasiga katta e'tibor bergan. Ibn Sino hikoya va qissa kabi ishontirish usullari orqali axloqiy fazilatlarini shakllantirishga harakat qiladi. Ibn Sino yoshga bog'liq xususiyatlarni hisobga olgan holda, maktabda allaqachon boshlangan mehnat ta'limi sohasidagi barcha amaliy tadbirlarni batafsil bayon qiladi. Ibn Sino ota-onalarning bolalarni tarbiyalashdagi javobgarligi va bolalarning ota-onalar oldidagi ba'zi majburiyatlari to'g'risida ham so'z yuritadi. Ushbu tavsiyalarning amaliy foydasi, hatto zamonaviy oila uchun ham shubhasizdir [3, s. 6].

О‘zbek oilalari tarixan katta yoshdagilarga nisbatan xushmuomalalik va hurmatni, bu so‘zga sodiqlikni, mehmondo‘stlikni, do‘stlikni qadrlash kabi xislatlarni rivojlantiradilar. Mazkur holatlar, ayniqsa, A. Qodiriyning “O‘tkan kunlar” va “Mehrobdan chayon” asarlarida oilada xushmuomalalik va odob-axloq qoidalariga rioya qilish boshqa sohalarga qaraganda muhim ahamiyatga ega ekanligi o‘z aksini topgan. Mazkur asarlardan shu narsani xulosa sifatida qayd etish mumkinki, o‘zbek oilalarida oilada odob-axloq qoidalarining bolalarga yetkazilishida ta’lim tizimi katta o‘rin tutadi. Ota-onalarning bolalarga ta’siri kattayoshgacha, juda ko‘p davr mobaynida davom etishi mumkin. Bu ta’sir bolani mehnatsevarlikka, halollikka, xushmuomalalikka va boshqa ijobiy xislatlarning shakllanishiga yo‘naltirilsa, ota-onalar va bolalar o‘rtasidagi ma’naviy aloqa hayot davomida to‘xtamaydi. Xulq-atvor madaniyati nafaqat jamoada ma’lum bir aloqa darajasini ta’minlabgina qolmay, balki tegishli tarbiya bilan birga, odamda unga bo‘lgan ijobiy moyilliklarning maksimal darajalarini anglash uchun doimi yehtiyojni keltirib chiqaradi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, boy ilmiy-madaniy merosimiz, qadimiy urf-odat hamda an’analarimizdan ayonki, har qanday zamon va makonda ham oila biz uchun muqaddas qadriyatsanalgan. Binobarin, tarbiyaviy, ma’naviy-ma’rifiy, ruhiy-axloqiy, iqtisodiy-huquqiy munosabatlarga asoslangan ijtimoiy birlik hisoblanmish oila qanchalik mustahkam bo‘lsa, jamiyat ham shunchalik barqaror taraqqiy etishini ajdodlarimiz juda yaxshi anglashgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. - Казань: Типография императорского университета, 1886. - 244 с.
2. Арифханова З.Х., Зунунова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. - Ташкент, 2006. - 94 с.
3. Абу Али Ибн Сина. Канон врачебной науки. - Ташкент: Фан, 1994.

ШАХС ТАКОМИЛЛАШУВИДА БОЛАЛИКНИНГ ЎРНИ ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР

*Ёдгорова Насиба Исроиловна
Навоий вилояти Зарафшон шаҳар 20 –ДМТТ психологи*

Гўдаклик даври боланинг туғилганидан бир ёшгача бўлган даврни ўз ичига олиб,бу даврда бола ташқи муҳитга мослашиши учун маълум даражада етилган нерв тизими билан туғилади. Гўдаклик даври инсон ҳаётидаги органик эҳтиёжларини(кислородга,овқатга,иссиқ ёки совуққа) кондиришига нисбатан йўналтирилган хатти-ҳаракатларининг туғма,инстинктив шакллари соф ҳолда кузатиладиган ягона давр ҳисобланади.Инсонга хос бўлган хатти ҳаракатлар,янги тажрибаларнинг эгаллаш учун бекиёс имкониятларнинг борлиги гўдаклик ёшидаги болаларнинг асосий хусусиятларидир.Агар органик эҳтиёжлар етарли даражада кондириб борилса,улар ўзларининг асосий бўлиш аҳамиятини йўкотади:

тўғри ташкил этилган кун тартиби,режим ва тарбия натижасида бола психик ривожланиши учун асос бўладиган таъсуротларга,ҳаракатга, мулоқатга нисбатан янги турдаги эҳтиёжлар туркуми юзага келади.Бола туғилишининг биринчи ҳафтасиданоқ унинг кўриш ва эшитиш сезгилари жадал суратда ривожланади.Бола ҳаракатланаётган нарсани кузата бошлайди.У турли овозда,жумладан катталарнинг товушларига эътибор бера бошлайди.Янги туғилган чақолоқнинг мия оғирлиги катталар миясининг $\frac{1}{4}$ қисмига тўғри келади,нерв ҳужайраларнинг сони эса худди катталарники каби бўлиб,лекин улар етарли даражада ривожланмаган бўлади.

Илк гўдаклик даври – бу боланинг ҳимоясиз ,кам ҳаракат,ҳаракат ҳолатидан жуда жадал равишда ривожланадиган,қувноқ бола айланиш давридир.У қисқа вақт ичида катталар билан муносабат ўрнатади,предметларнинг улашишга ва улардан фойдаланишга ўрганади.У атроф оламдаги нарсаларни кузатади,предметларнинг қўли билан ушлаб,уларнинг қандайлигини билишга интилади,товушларга эътибор беради ва предметлар ёрдамида шу товушларнинг ўзи яратишга ҳаракат қилади.У ўз онаси ва бошқа яқинлари билан эмоционал муносабатга киришади. Гўдак ёшидаги бола ҳам жисмонан,ҳам психик,ҳам ижтимоий жиҳатдан тез ривожланади.Жуда қисқа вақт ичида атрофдаги ҳодисаларга жуда кам реакцияси бўлган боладан ,фаол,тез илғайдиган,ҳаракатчан ёрдамга чақирадиган,катталарнинг яқин келишидан қувонадиган болага айланади.

Гўдаклик давридаги боланинг ҳаёти тўлиқ катталар билан ҳамкорликдаги эмоционал муносабат билан боғлиқ бўлиб,бола кайфиятининг яхши бўлишига тўғридан –тўғри таъсир кўрсатади.

4-5 ойлигидан бошлаб,бола ўз яқинларини бегоналардан ажрата бошлайди.Катталар билан эмоционал муносабат шу ёшдаги болаларнинг асосий етакчи фаолияти бўлиб,бола психик тараққиётининг асоси бўлиб ҳисобланади.Катталарнинг доимий равишда бола билан бирга бўлиши,унга нисбатан диққатнинг қаратилишига одатланиши,унинг уйинчоқларига нисбатан қизиқишининг сусайишига олиб келиши мумкин.Тарбиянинг тўғри олиб борилиши боланинг катталар билан бўладиган муомила – муносабатини предметлар,ўйинчоқлар билан муносабатининг алмашишига олиб келади.Катталар ёрдами билан бажариладиган барча ҳатти-ҳаракатлари боланинг келгуси психик ривожи учун асос бўлади.Катталарнинг болага нисбатан эмоционал муносабати,уларнинг гапларига боланинг ўз диққатини қаратиш,жавоб қайтаришга ҳаракат қилиши баъзи сўзларни ёдида сақлаб қолиб,эмоция билдириши ,диққат,хотира,нутқ ва бошқа билиш жараёнларининг ривожланишига замин бўлади.Икки ойлик даврдан бошлаб болада оддий рангларни ажратиш 3-4 ойлигидан бошлаб предметларни шаклини ажратиш лаёқати юзага кела бошлайди.

Гўдак бола 2-ойлик вақтидан бошлаб,ўз онасининг юзини ва овозини ўзгаларникида ажрата бошлайди.

2-3 ойликда бошлаб эса онасининг табассуми ва кулгусига табассум ва турли ҳаракатлар билан жавоб қайтаради.

3-4 ойлигидан бошлаб болалар яқинларига ўз ҳаракатлари билан кўриш,эшитиш ёки гапиришни хоҳлаётганини кўрсатади.

8- ойлигидан бошлаб эса, бола ўзгача муҳит ва бегоналар қўлига тушса, ўз ҳавотирини йиғиси орқали намоён этади. Бу ҳавотир 14-18 ойгача аста секинлик билан камая юошлайди.

2-3 ойлик болада юзага келадиган нарсаларнинг ушлай олиш ҳаракатларининг шаклланиши уларда предметларнинг шакли ва ҳажмини идрок қилишларини ривожланишига олиб келади. 1 ёшга етган болада атроф муҳитни билишга қизиқиши ва ривожланаётган билиш фаоллиги кўзга ташланади.

Шуни алоҳида кўрсатиш жоизки, 1,6 -3 ёшлар нутқнинг ривожланиши учун сензитив давр ҳисобланади. Бу давр ақлий ривожланишни асосини идок ва тафаккур ҳаракатларининг янги кўринишларини ташкил этади. 1 ёшли бола предметларни изчил системали равишда кўриб чиқа олмайди, у асосан предметни қандайдир бир кўзга ташланиб турган белгисига ўз эътиборини қаратади ва предметларни шу белгиларга кўра танийди. Кейинчалик янги идрок ҳаракатларининг эгалланиши боланинг предметли ҳаракатларнинг бажаришдан кўз билан чамалаб, ҳаракат қилишига ўтишида намоён бўлади, энди у предметни бўлакларини ушлаб кўрмасдан балки чамалаб, идрок эта олади.

2,5-3 ёшли бола катталарнинг кўрсатган намунаси, ранги, шакли ва катталигига кўра, айнан шундай предметларни чамалаб идрок этган ҳолда тўғри топа олади. 5,6 та шаклни ва 8 хил рангни идрок этиши мумкин. Ранг ва шаклларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиши жиҳатдан турли хил нарсаларга турлича намоён бўлиши сабабли бу ёшдаги болалар уларнинг идрок этганлари билан уларнинг номларини аниқ билишлари ва ўз нутқларида ишлата олишлари бир мунча қийинроқ.

3-ёшгача ўзлаштирган сўзлар асосан предмет ва ҳаракатларнинг номларини билдиради. Номлар асосан уларнинг вазифасининг англатади, бунда предмет ёки ҳаракатнинг ташқи кўриниши ўзгарса ҳам унинг номи ўзгармайди. Шунинг учун ҳам бола предметларнинг номларнинг ишлатилишни функцияларга боғлаган ҳолда тез ўзлаштиради.

Илк болалик даврининг бошларига келиб, болада биринчи тафаккур операциялари юзага келади. Буни бола бирор предметни олишга ҳаракат қила олганидан сўнг уни синчиклаб ўрганишида кўришимиз мумкин. Уларнинг тафаккурлари, асосан, кўргазмали-ҳаракатли бўлиб, у атроф оламдаги турли боғлиқликларни ўрганишга хизмат қилади. Ўзидан узоқроқ турган коптокни бирор бир узунроқ нарса билан йтариб юбориш мумкинлигини кўрган бола энди мустақил равишда диван тагига кириб, кетган коптокни таёқча ёрдамида олиши мумкинлигини тафаккур эта олади. Бу даврдаги болалар тафаккурида умумлаштириш катта ўрин тутаяди. Умумлаштиришда нутқ муҳим аҳамият касб этади. Масалан соат дейилиши билан бола қўл соати ёки девордаги осма соатни ҳам тушуниши мумкин. Лекин, улар турлича бўлгани боис, уларда умумийликни топиш бола учун бир мунча қийинроқ ҳисобланиб, бу борада фикрлаш ёрдамга келади ва умумлаштиришни ташкил этади.

2-3 ёшли болалар маълум бир предметларни ўрнига уларнинг ўрнини босиши мумкин деб ҳисоблаган бошқа нарсалардан ҳам фойдаланадилар. Масалан, уйин жараёнида бола чўпни қошиқ ёки термометир ўрнида ёғочдан ясалган крават ёки машина ўрнида фойдаланиши мумкин. Бир предметни бошқаси ўрнида қўллаш

мумкинлигини англаш, бола учун атроф олами билиш, ўрганишдаги аҳамиятли бурилиш ҳисобланади ва у дастлабки тасаввурларни юзага келтиради. Бу ёшдаги болалар энди аста секинлик билан катталар айтиб бераётган эртак, воқеа ёки ҳикояларни, шунингдек расмда чизилган нарсаларни тасаввур эта оладилар. Эртакларни эшитиш жараёнида бола эртак қаҳрамонларни кимгадир ўхшатишга ҳаракат қилади, баъзида эса у ўзи мустақил эртак ёки ҳикояларни тўқий олиши ҳам мумкин. Илк болалик даврида хотира, билишдаги асосий функция ҳисобланиб, у билишнинг барча кўринишларини ривожланишига иштирок этади. Бу даврда боланинг хотираси жадал ривожланади. Боланинг ҳаётий тажрибаларни ўзлаштиришида дастлаб, ҳаракатли, эмоционал ва образли хотира иштирок этади. Бу борада ҳаракатли ва эмоционал хотира устунлик қилади. Хотира бу ёшда асосан ихтиёрсиз бўлади. Бу даврдаги болаларга кўп китоб ўқиб бериш натижасида улар эртак ва шеър ва ҳикояларни эслаб қоладилар, лекин бундай эслаб қолиш боланинг умумийликни топиш бола учун бирмунча қийинроқ ҳисобланиб, бу борада фикрлаш ёрдамга келади ва умумлаштиришни ташкил этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ- атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ "Мен" образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигининг мезонларидан ҳисобланади. "Мен" образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шунунга назардан олиб қаралганда, тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши жараёнидир деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

"Мен"- образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол уйнайди.

БОЛА ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ОИЛА МАСКАНИНИНГ РОЛИ

*Райимшукурова Мунисахон Зиёдуллаевна
Навоий вилояти Навбаҳор тумани 11-мактаб психологи*

Ижтимоийлашув ёки социализация тушунчаси соф ижтимоий-психологик ва социологик категория бўлиб, бу шахснинг уни ўраб турган ташқи ижтимоий муҳит таъсирларига берилиши, унинг норма ва қоидаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ўзлаштирганлик даражасини ифодаловчи жараёндир. Бу тушунчанинг умумий маъносида инсоннинг туғилиб, ўзини бевосита ўраб турган ташқи муҳит таъсирида улғайиши, шу жамият, шу атроф-муҳит қуршовида тарбияланиши ётади. Оила муҳити ҳар бир шахс учун ана шундай бирламчи, дастлабки ижтимоийлашув ўчоғи, маскани ҳисобланади. Ижтимоийлашувнинг иккиламчи масканлари ҳам мавжудки, унга Меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар ҳамда

ҳарбий билим юртлари киради. Чунки у ерда нисбатан узоқ вақт мобайнида бола тарбияланди, ўша ернинг нормалари, қадриятлари ва талаблари таъсирида дунёқараши шаклланади, шахс бўлиб етилади. Агар дастлабки ёки иккиламчи социализациядан чекиниш, ундан маҳрум бўлиш ёки хулқнинг ташқи салбий таъсиротлар натижасида девиант шаклга келиши қайд этилса, унда илмий тилда айтганда, ресоциализация деб номланган жараён назарда тутилади.

Оилавий ижтимоийлашувнинг қадри ва аҳамияти шундаки, унинг таъсирида биринчидан, шахс катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, иккинчидан, ҳар томонлама етук, баркамол, ақлли, соғ ва саломат шахс бўлиб етишиш имкониятига эга бўлади. Яъни, оила ва унинг соғлом маънавий муҳити болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-ҳунарли бўлиш, муомалада ахлоқ-одоб нормаларига бўйсунтиришга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Рус социолог олими А.Антоновнинг таъкидлашича, оила ижтимоий-психологик яхлитлик сифатида шахсга шундай норматив ва ахборот таъсирларини кўрсатадики, оқибатда бола энг аввало, жамиятдаги қонуний нормалар, хулқ андозаларини эгаллайди».[1. 4. с]

Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оилада ўзининг қадриятларидан ташқари, жамиятнинг қадриятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилган бўлади. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади. Бундай фарзандга турли бидъатлар, бемаза чақириқлар, даъватлар таъсир этмайди, мустқил фикрли, пок виждонли инсон бўлиб етишади. Чунки, оила бу кичик жамият, жамиятнинг кичиклашган андозаси,

оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлишини ўзбек халқи жуда яхши билади, шунинг учун ҳам айниқса, мустақиллик йилларида оила бизнинг Ватанимизда кадрланади, никоҳ муқаддас ришта сифатида эъзозланади.

Албатта, боланинг ижтимоийлашув жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи бошқа ижтимоий омиллар ҳам мавжуд. Масалан, жамият миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар, давлатнинг ёшлар сиёсати, таълим муассасалари ва у ерлардаги таълим ва тарбия стандартлари, диний муассасалар, бозор муносабатлари каби қатор жараёнлар ушбу масаланинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Юқорида айтилган ресоциализация жараёнидан ташқари, оила муҳитининг ўзи ҳам айрим ҳолатларда салбий маънодаги ижтимоийлашувга алоқадор бўлиб қолиши мумкин. Олимлар ўтказилган қатор тадқиқотлар асосида ана шундай омилларнинг тўрт гуруҳини ажратганлар:

-ота-оналар ўртасида муросанинг йўқлиги, оилавий ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида аниқ белгиланган ахлоқий тамойилларнинг мавжуд эмаслиги;

- ота-оналарнинг руҳий носоғломлиги ва қонунбузарлиги;

- яшаш шароитларининг яхши эмаслиги, боланинг тўлақонли ўсиши, дарс тайёрлаши, жисмонан чиниқиши учун шароитларнинг етарли эмаслиги;
- мактаб шароитининг талаб даражасида эмаслиги;
- маҳалла худудида оила обрўсининг яхши эмаслиги, нотинч, ноқобил оила мақомига эгалик;
- глобал ахборотлашув шароитида турли ахборот манбалари, жумладан,

Интернет тармоғи орқали бола онгига етиб келаётган турли маълумот, игво, уйдирма, миш-миш, оила қадриятларига зид ахлоқ намуналари ва бошқалар охирги йилларда бола ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатаётган ижтимоий омиллар жумласидандир.

Юқоридаги ҳолатлар айниқса, глобаллашув даврида оила институтининг бола социализацияси ва ижтимоий тарбиясидаги ўрни нечоғли сезиларли эканлигини исботламоқда.

Ижтимоий тарбиянинг асл маъноси ҳам, вазифаси ҳам боладаги ижтимоий фаолликни ошириш орқали, ундаги ижобий фазилатларни камол топтиришдир.

Одатда оилада ижтимоий фаолликни ошириш бола иродасини чиниқтириш орқали амалга оширилади. Чунки кўпинча ота-оналар болаларининг ақли, фаросатли бўлиб етишларига эътибор бериб, унинг руҳиятини ҳамда жисмоний қуваатини оширишга, иродасини мустаҳкамлашга безътибор қоладилар. Бунинг оқибатида бола турмуш сўқмоқларида тез қоқиладиган, турли ижтимоий вазиятларда қийинчиликларни енга олмайдиган, руҳияти мўрт бўлиб катта бўлади. Шунинг учун ҳам оилавий ижтимоийлашувда боланинг ижтимоий билимдонлиги, ижтимоий кўникмалар ва уларни оширишга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида урғу берилади.

Мутахассислар оилавий социализациянинг босқичлари, функцияларини тафовутлаш билан биргаликда унинг ҳар бирида ўзига хос ижтимоийлашув усуллари устивор бўлишини ҳам таъкидлайдилар. Масалан, рус социологи Н.Андреев [2. 220. с] ижтимоийлашув жараёнини икки катта босқичда тасаввур қилади. Унинг биринчи босқичи – индивиднинг ижтимоий мавжудот сифатида шаклланишини таъминловчи ҳаёт бўлагини ўз ичига олиб, у инсон ҳаётининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Бу даврда асосан боланинг:

- дастлабки илк социализацияси (болалик даври);
- норматив хулқнинг маргинал жиҳатларини ўзлаштириш даври (ўсмирлик даврига тўғри келади);
- ўспириинликдан балоғат ёшига ўтиш даврини ўз ичига олган ижтимоийлашув оқибатлари яхлит намоён бўладиган босқич.

Иккинчи босқич – шаклланиб бўлган шахснинг жамиятда фаолият юритиши даврларини ўз ичига олган ҳаёт босқичи. Бунда шахс дастлаб меҳнатга яроқли жамият аъзоси сифатида, сўнгра нақақа ёшига етган инсон сифатида ўз ўрнига эга бўлади.

Ижтимоийлашувнинг дастлабки йилларида унинг самарадорлиги кўпроқ юқорида таъкидлаганимиздек, оила, ундаги ижтимоий-психологик муҳит ва ота-онанинг тарбиячилик бурчини қандай адо этганлигига боғлиқ бўлса, унинг кейинги босқичларида таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларининг роли ортиб боради.

Шунга мос равишда ижтимоийлашув усуллари ҳам турлича бўлади. Кўплаб олимлар ва оила масалалари бўйича мутахассисларни хавотирга солган жиҳат шуки, замонавий оила ўзининг бола шахсини ижтимоийлаштирувчи вазифасини яхши ва тўлиқ адо этмаяпти. А.Антоновнинг таъкидлашича, замонавий оила оилавий турмуш тарзини шакллантира олмаётганлиги сабабли ҳам ўзининг бола тарбияси борасидаги ижтимоий билимдонлигини намоён эта олмаяпти.[3. 235.с].

Бундан ташқари, Ғарб мамлакатларида ўтказилган тадқиқотларда аксарият аёлларда оналик установкаларининг йўқлиги, бола тарбиялаш хоҳишининг йўқлиги, қўйди-чиқдининг бемалол амалга оширилиши, расман ФХДЁ бўлимларини никоҳни қайд этмай яшаш (фуқаролик никоҳи), ажримлардан кейинги эркак ва аёлнинг ўзаро ёмон муносабатлари болаларнинг ижтимоийлашувига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай эр-хотинларнинг фарзандлари бир томондан умуман оила институтига ва никоҳга нисбатан салбий қарашларга эга бўлиб, вояга етсалар, иккинчи томондан, уларнинг характерида асосан худбинлик, эгоизм, агрессивлик каби салбий сифатлар эгаси сифатида шаклланмоқда. Демак, жамиятда ўз даврига муносиб, соғлом фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг муҳим омили бу расмий никоҳда бўлган эр-хотинлар оиласининг баҳамжиҳатликда яшашларидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Андреевкова Н. Роль семьи на разных этапах социализации индивида // Динамика изменения положения женщины и семья. – М.: 1972. – С.4.
2. Социология семьи: Учебник / Под ред. проф. А.И. Антонова.- М.: ИНФРА-М, 2005 – С. 220
3. Социология семьи / Под ред. А.И. Антонова. – М.: 2005. – С. 235

ЁШЛАРНИ ГИЁҲВАНДЛИК ИЛЛАТИДАН САҚЛАШ АСОСИЙ БУРЧ

Пайзиев Аббос Муҳаммадович

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти
мустақил изланувчиси*

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, замон талабларига жавоб берадиган этиб тарбиялаш, уларни зарарли иллат ва хавф-хатарлардан асраб-авайлаш муҳим вазифалардан саналади. Ҳозирги ёшлар глобаллашув шароитида ҳаёт воқеълигини онгли равишда идрок этиб, ижобий ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини туйган ҳолда, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига ўз ҳиссаларини муносиб равишда қўшишлари лозим.

Бугунги кунда глобал ахборот маконидаги қарама-қаршилик, инсон, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалби учун курашнинг кучайиши шароитида ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда [2].

Афсуски айрим оилалардаги муҳитнинг носоғломлиги, ота-оналар ва катталарнинг баъзи ҳоллардаги безътиборлиги туфайли ёшларнинг назоратсиз қолдирилаётганлиги, бунинг оқибатида уларнинг оиладан зерикиши ва

бечорчилиги натижасида айрим манфур кимсалар тузоғига тушиб қолаётган айрим ҳоллар ҳам кузатилмоқда.

Бугунги кунда ёшлар ҳаётига салбий таъсир этувчи омиллардан бири бугиёхвандликдир. Ушбу иллат таъсирида ёшлар ўз йўлларини йўқотиб, умри хазон бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрда қабул қилган резолюциясига (№42/112) биноан ҳар йили 26 июн – “Халқаро гиёхвандлик ва бангифурушликка қарши кураш куни” деб эълон қилинди ва ушбу сана дунё миқёсида, шу жумладан мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши кен қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад ушбу иллатга қарши курашда ёшларимизни билиб-билмай ушбу иллат тузоғига тушиб қолишидан асраб-авайлаш, уларда гиёхвандликка қарши иммунитетни пайдо қилидир.


Юқоридаги халқаро ҳужжат асосида Ўзбекистонда ҳам бир қатор нарматив ҳуқуқий ҳужжатлар таъсис этилган. Хусусан, наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кундаги 878-сонли “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, ундан чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди [3]. Ушбу қарор гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш чораларини янада кучайтиришни кузда тутди.

Бугунги кунда бу офат туфайли дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар бошига турли кулфатлар ёғилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Охирги икки йил учун суд амалиёти таҳлили гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлиги учун ҳукм қилинганлар орасида 20-39 яшар шахслар 60 фоиздан зиёд эканлигини, ёши қирқдан ошганлар гуруҳи эса 35 фоиздан ортиқни ташкил этишини кўрсатади [4]. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида, «ёшлар (ёш фуқаролар) - ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар» эканлиги таъкидлаб ўтилган [5]. Буни инобатга олсак мазкур ҳолатлар кўпчилик ҳолларда ёшлар орасида кузатилаётгани ва унга қарши етарли даражада чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги маълум бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотига кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган амалий-ташқилий ва тезкор-профилактик тадбирлар натижасида биргина 2018-2019 йилларда гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 5026 (кейинги ўринларда 2018 йил учун 4779) та жиноят фош этилган. Улардан 1701 (1626) таси наркотик моддаларни ўтказиш-сотиш, 395 (266) таси контрабанда, 1064 (1238) таси гиёхвандлик ўсимликларини етиштириш, 43 (66) таси бангихоналар ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бўлса, бошқа турдаги наркожиноятлар 1823 (1583) тани ташкил этди.

2018-2019 йилларда республикада гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний



айланишида бўлган жами **1 т. 200 кг** (1 т. 172 кг) миқдордаги наркотик моддалар мусодара қилинган бўлиб, улардан: героин – **40,9** (20,6) кг, опий – **224,6** (254,7) кг, гашиш – **111,6** (61,4) кг, марихуана – **736,4** (600,8) кг, кўкнор – **62,9** (227) кг, трамадол ва бошқа дори воситалари – **23,8** (7,6) кг ҳамда **194,1** (165,7) гр. янги турдаги психофаол воситалар [6].

Юқорида келтирилган статистик маълумотнинг ўзи бизга бу масалага қанчалик жиддий ёндашишимиз

кераклигини кўрсатиб турибди.

Гиёҳвандлик иллатига берилиш кўп ҳолларда маънавий муҳити носоғлом оилаларда учрайди. Фарзандларининг гиёҳвандлик кучасига киришига кўпинча ота-оналар айбдор бўлишади. Бундай нохуш ҳолатларга қарши курашиш, уларнинг иллизини қиркиб ташлашга Ўзбекистонда Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва уларнинг жойлардаги тизимлари ходимлари устувор вазифаларидан бири сифатида қаралади. Соҳа вакиллари томонидан бу борада мактаб, коллеж ва бошқа жамоат жойларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа иллатларнинг таъсирига тушиб қолмасликлари учун кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Лекин аслида бу иллат билан фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, барча бирдай курашмоғи даркор, шундагина ёшларни мазкур оғу таъсирига тушиб қолишидан асраш мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшларда ёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, “бу – яхши, бу- ёмон” деган қатъий фикр пайдо бўлмас экан, мафкуравий ҳаракатларга қарши туриш қийин бўлади.

Ёшлар тарбиясини тўғри ва илмий асосда йўлга қўймасдан туриб, хотиржам бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ”.

Дарҳақиқат, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш пировард мақсад ҳисобланиб, фарзандларни маънавий-ахлоқий, миллий, маданий, тарихий анъаналарга, умумбашарий қадриятларга асосланган ҳолда тарбиялаш ота-оналар, мактаб, маҳалланинг олдида турган масулиятли вазифалардан саналади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан 2021 йил “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб номланди. Бу йилда ёшларнинг бўш вақтларини банд этиш ва мазмунли ўтказиш, шунингдек уларни тарбиялаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора- тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган мақсадли тадбирлар олиб бориш йўлга қўйилган. Зеро,

ёшлар тарбияси кенг жамоатчилик, қолаверса бутун халқимиз иштирок этиши лозим бўлган масаладир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: М 54 “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. -456 б.
2. Куролли Кучларни ривожлантириш борасидаги ишлар сарҳисоб қилинди, янги вазибалар белгиланди. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4075>
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.10.2018 й., 09/18/878/2120-сон.
4. 2017 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасидаги нарковазият / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази. – Тошкент, 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. 3-модда. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 37-сон, 426-модда). – Т.: «Адолат», 2016. –, Б.4.
6. 2020 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасидаги нарковазият / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази. – Тошкент, 2020.

TA'LIM OLISHDA MA'LUMOTLARNI IDROK ETISH USULLARI

*Raxmanova Dilfuza Uchqunovna
TVCHDPI magistranti*

Annotatsiya: Ushbu maqolada ta'lim olish jarayonida ma'lumotlarni idrok etish haqida fikr yuritilgan. Ta'lim oluvchilar turli xil bo'ladi. Ba'zilar eshitganini eslab qolsa, ba'zilar ko'rganini eslab qoladi, yana bir tur ta'lim oluvchilar borki, ular ushlab ko'rib, qo'li bilan sezib ma'lumotni oladi.

Kalit so'zlar: ta'lim, audial, kinestik, vizual, eshitib tushunish, ushlab ko'rib o'rganish, ko'rib bilim olish.

Аннотация: в этой статье основное внимание уделяется восприятию информации в процессе обучения. Учащиеся будут разными. Некоторые будут помнить то, что они слышали, другие - то, что они видели, другой тип обучения. Есть получатели, которые получают информацию, которую они видят и чувствуют с помощью их руки.

Ключевые слова: образование, аудио, кинестетика, визуальное, слуховое восприятие, визуальное обучение.

Annotation: This article focuses on the perception of information in the learning process. Learners will be different. Some will remember what they heard, some will remember what they saw, another type of learning There are recipients who receive the information they see and feel with their hands.

Keywords: education, audio, kinesthetic, visual, auditory comprehension, visual learning.

Ta'lim ijtimoiy hodisa bo'lib, uning tarixi juda uzoqdir. Ta'lim kishilik jamiyati rivojining dastlabki yillaridayoq katta rol o'ynagan. U to'plagan tajribalarni, dunyo haqidagi axborotlarni berish jarayonini ta'minlagan, insoniyatning faqat ijtimoiy rivojlanishiga emas, balki qiyin sharoitlarda yashashiga ham yordam bergan. Ta'limning tashkiliy masalalari Al-Farobiyning "Fan va aql zakovat" asarida o'quv fanlarini guruhlariga bo'lib o'qitish, ularning tarbiyaviy mohiyatini ochib berish masalalariga bag'ishlangan. Uzlüksiz rivojlangan jamiyatda ta'limning mukammal jamoa shakli, ya'ni dars ming yillar mobaynida vujudga kelgan. Y.A.Komenskiy "Buyuk didaktika" asarida tarbiyaning oldingi barcha tajribalarni umumlashtirdi, sinfning dars tizimida ta'limning asosiy didaktik prinsiplarini izchil ifodaladi. O'sha zamondan buyon 350 yil o'tdi. Shuncha vaqt mobaynida darsning tashkiliy shakllari ham, ta'limning metodlari ham uzluksiz takomillashib bordi. [1]

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Inson ayrim yorug' yoki rangli, tovushlar yoki aloqalarning o'rganilmagan dunyosida emas, jismlar va shakllar, murakkab vaziyatlar dunyosida yashaydi. Inson tomonidan idrok etiladigan narsalar uning ko'z o'ngida yaxlit tasvirlar ko'rinishida namoyon bo'ladi.

«Sezgi» va «idrok» tushunchlari o'zaro bir-biri bilan bog'liqdir, lekin ular o'rtasida tub negizli farqlar ham mavjud. Qo'shilish natijasida ayrim sezgilar yaxlit idrokka aylanadi, alohida belgilarni aks ettirishdan yaxlit jismlar yoki vaziyatlarni aks ettirishga o'tadilar. SHuning uchun idrokning sezgidan asosiy farqi, bizga ta'sir o'tkazuvchi barcha narsalarni anglash, ya'ni, jismni barcha xossalari bilan birgalikda yaxlit aks ettirishning predmetliligidan iborat.

Shunday qilib, **idrok** – bu jism va hodisalarni, ularning his-tuyg'u organlariga bevosita ta'sir ko'rsatishida yaxlit aks ettirish psixik jarayoni.

Idrok – bu sezgilarning oddiy yig'indisi emas. Idrok qilish jarayonida sezgilardan tashqari, avvalgi tajriba, idrok etiladiganlarni anglash, shuningdek, xotira jarayonlari qatnashadi. SHuning ko'p hollarda idrok insonning perseptiv tizimi deb ataladi.

Hozirda tasavvurlarni bilish jarayoniga oid turli nazariyalar mavjud. Bu nazariyalarda asosiy e'tibor his-tuyg'u organlariga ta'sir ko'rsatuvchi tashqi daraklarning anglangan perseptiv tasvirlarga aylanishiga qaratilgan.

Psixofiziologlarning tadqiqotlariga ko'ra, idrok tahliliy ishlarni olib borishni talab etuvchi juda murakkab jarayondir. Idrok qilish jarayoniga muntazam ravishda harakatli tarkibiy qismlar (aniq jismlarni idrok qilishda jismlarni ushlab ko'rish va ko'zlar harakati; nutqni idrok qilishda mos kelgan tovushlarni kuylash va talaffuz qilish) kiritilgan bo'ladi. SHuning uchun idrokni sub'ektning perseptiv (idrok qilinuvchi) faoliyati sifatida belgilash maqsadga muvofiqdir. Bu faoliyatning natijasi bo'lib, real hayotimizda to'qnashishimiz mumkin bo'lgan jism haqidagi yaxlit tasavvur etish hisoblanadi.

Jismni yaxlit aks ettirish ta'sir etuvchi belgilarning (rang, shakl, ta'm va h.k.) yaxlit to'plamidan, bir vaqtning o'zida mavjud bo'lmaganlardan asosiy etakchi belgilarni ajratib olishni talab etadi. Idrok qilishning ushbu perseptiv tasvirning shakllanish bosqichida tafakkur ham qantashishi mumkin, deb taxmin qilinadi. Lekin idrokning keyingi bosqichi asosiy mohiyatga ega bo'lgan guruhlarini birlashtirishni va idrok etilgan belgilar to'plami bilan jism haqidagi avvalgi bilimlarni taqqoslashni talab etadi, ya'ni, idrok qilish jarayonida xotira ishtirok etadi. Agar taqdim etilayotgan jism

haqidagi farazni taqqoslashda, u etkazilgan axborot bilan mos kelsa jismni tanib olish sodir bo‘ladi va u idrok etiladi, agarda mos kelmasa, sub’ekt uni topmagunicha, kerakli echimni izlash davom ettiriladi.

Idrok qilishda u yoki bu jismni idrok qilish istagi, uni idrok qilish zaruriyati yoki majburiyati, yaxshiroq idrok qilishga erishishga yo‘naltirilgan iroda kuchi, bunday vaziyatlarda namoyon bo‘ladigan qat’iyatlilik katta ahamiyatga egadir. Real olam jismini idrok qilishda insonning diqqati va yo‘nalganligi ham qatnashadi.

Idrok qilishga bo‘lgan munosabatimiz idrok jarayoni uchun katta ahamiyatga ega. Jism bizga qiziqarli yoki biz unga befarq bo‘lganimiz uchun, u bizda turlicha his-tuyg‘ularni uyg‘otishi mumkin. bizga qiziqarli bo‘lgan jism faol idrok etilishi, va, aksincha, bizga farqsiz bo‘lgan jismni sezmasligimiz ham mumkin.

SHunday qilib, idrok – bu ayni vaqtda bizga ta’sir ko‘rsatayotgan narsani bilishga qaratilgan o‘ta murakkab, shu bilan birga, umumiy jarayon.[3]

Tahlil va natijalar. Inson ma’lumotlarni idrok qiladi va hayotda qo‘llaydi.

Bilim-shaxsning ongida tushunchalar, sxemalar, ma’lum obrazlar ko‘rinishida aks etuvchi borliq haqida tizimlashgan ilmiy ma’lumotlar majmui.

Ko‘nikma-shaxsning muayyan faoliyatini tashkil eta olish qobiliyati.

Malaka-muayyan harakat yoki faoliyatini bajarishning avtomatlashtirilgan shakli.

Ta’lim olishda ma’lumotlarni idrok etish turli yoshdagi odamlar tomonidan axborotni qabul qilish va qayta ishlashning o'ziga xos xususiyatlarini anglatadi.

Vizual - bu ma'lumotlarning aksariyatini ko'rish yordamida qabul qiladigan inson.

Audial - eshitish orqali asosiy ma'lumotlarni oladigan inson.

Kinestetik - bu ma'lumotni boshqa hislar (hid, teginish va boshqalar) orqali va harakatlar yordamida qabul qiladigan inson.

Diskret - bu ma'lumotni idrok etish mantiqiy tushunish orqali, raqamlar, belgilar, mantiqiy dalillar yordamida tushunadigan inson. Ushbu toifadagi insonlar eng kam tarqalgan bo'lib, bolalar, shu jumladan maktab o'quvchilari odatda umuman darsni yaxshi tushunmaydi.

Psixikaning bunday xususiyatlari allaqachon maktabgacha yoshda namoyon bo'lib, bola va boshqalar o'rtasida aloqalarni o'rnatishda, o'rganish muvaffaqiyatida, yangi ko'nikma va malakalarni egallashda katta rol o'ynaydi. Insonda axborotni idrok etish va qayta ishlashning yetakchi bosqichini qanday bilib olish mumkin? Eng samarali yo'l kuzatish orqali amalga oshiriladi!

Maktabgacha yosh. Vizual bola ma'lumotni qabul qilish uchun ko'proq vizual hissiyotlarga tayanadi. U rangini, shakli, hajmini tezda eslab qoladi. Agar chaqaloqqa yangi o'yinchoq taklif etilsa, u avval uni har tomondan sinchkovlik bilan tekshiradi. Vizual bolalar haykaltaroshlik, rasm chizish, kesish, jumboq qo'yishni yaxshi ko'radilar. Ularning faoliyati va o'yinlari ko'zlar va qo'llarning o'zaro ta'sirini o'z ichiga oladi. Bunday bolalar ertak tinglashdan ko'ra (masalan, audio kasetda yoki onasi ijro etgan) kitobdagi rasmlarga qarashni afzal ko'rishadi. Vizual bola uchun uning kiyinishi muhim, o'zi kiyim, ko'ylak, rangini tanlaydi; qizlarda esa zargarlik buyumlariga, soch turmaklariga ahamiyati katta bo'ladi. Vizual bola, avvalo, bolalar bog'chasiga nima kelganini, o'yin maydonchasida eng yorqin o'yinchoq nima bo'lganligini eslaydi va aytib beradi. Vizual juda chiroyli (uning yoshiga qarab), masalan, ko'lmakka tushmaydi, chunki poyabzal iflos va xunuk bo'ladi. Tengdoshlari bilan muloqotda,

ko'rgazmali bola avval kuzatadi, shundan keyingina kontaktga (qo'shma o'yin) boradi, uzoq vaqt yolg'iz o'ynashi mumkin. Vizual chaqaloqni tarbiyalashda nutqni rivojlantirishga e'tibor berish kerak (u jim), muloqotga kirishish (muloqot qilish qobiliyati), jismoniy muvofiqlashtirish.

Maktabgacha yoshdagi eshitish vositasi atrofdagi dunyoni tovushlar orqali o'rganadi, shuning uchun u boshqalardan ko'ra erta gapirishni boshlaydi, katta so'z boyligiga ega. Bunday bolalar musiqa, ertaklarni audio orqali tinglashni, suhbatlar o'tkazishni - muhokama qilishni, isbotlashni yaxshi ko'radilar. Turli xil ertaklar, o'yinlar bilan birga keladi. Qanday qilib ishontirishni, biladi. Ammo u ochiq o'yinlarda qatnashishni yoqtirmaydi. Audial bolalar juda muloyim. Ular vizual (rasmlardagi farqlarni topish) va motor (tepalikka mahorat bilan chiqish, tez va uzoq vaqt yugurish qobiliyati) bilan bog'liq qobiliyatlarni rivojlantirishda tengdoshlaridan biroz orqada qolishlari mumkin. Shu sababli, ushbu ko'nikmalarni o'yinlar va mashqlar orqali rivojlantirishga harakat qiladi.

Kichkina kinestetik teginish va harakatlanish orqali dunyoni o'rganadi. U yaxshi rivojlangan vosita mahoratiga ega, u juda ko'p harakat qiladi, odatda erta yurishni boshlaydi. Bunday bola sakrash, yugurish, kurash bilan bog'liq bo'lgan faol o'yinlarni yaxshi ko'radi, unga bir joyda o'tirish, uzoq vaqt davomida bir narsani qilish qiyin. Kinestetik bola hamma narsaga tegishni va his qilishni yaxshi ko'radi; uning uchun teginish hissiyotlari ayniqsa muhimdir, shuning uchun tez-tez erkalash, quchoqlash, o'pish bag'ringizga o'zini bosadi.

Maktab Yoshi. Faol lug'at.

Vizual vositalar o'z nutqida ko'rish bilan bog'liq bo'lgan ismlar, fe'llar, sifatlardan foydalanadi (qarash, kuzatish, rasm, bir qarashda rang-barang, yorqin, o'zingiz ko'rib turganingizdek ...).

Audial eshitish hissi bilan bog'liq so'zlar bilan ifodalanadi (ovoz, tinglang, muhokama qiling, jim, sukut, tovushsiz ...).

Kinestetik lug'at asosan hissiyotlarni, hissiyotlarni tavsiflovchi so'zlarni o'z ichiga oladi (tushunish, yumshoq, iliq, ipak, teginish, yaxshi hid, xushbo'y, egiluvchan ...).

Ko'rish yo'nalishi.

Vizual tasvirlar bilan aloqa qilishda nigoh asosan yuqoriga, audiollar uchun - o'rta chiziq bo'ylab, kinestetikalar uchun pastga yo'naltiriladi.

Diqqatning xususiyatlari.

Odatda kinestetik odamga diqqatini jamlash qiyin, uni har qanday narsadan chalg'itish oson; audial tovushlar bilan osongina chalg'itadi; shovqin deyarli kam.

Yodda saqlash xususiyatlari.

Vizual ko'rganlarini eslaydi, rasmlar bilan eslaydi (obrazli fikrlash yaxshi rivojlangan). Audial - muhokama qilingan narsa, tinglashni eslaydi. Kinestetik umumiy taassurotni eslaydi; eslaydi, harakat qiladi, his qiladi, hidlaydi.

Xulq-atvorning farqlanishiga misollar.

Vaziyat: doskada yozilgan uy vazifasi.

Vizual itoatkorlik bilan kundalikni ochadi va taxtadan uyga tayinlangan narsalarni qayta yozadi.

Audial yana yonidagidan so'raydi va eshitishdan yozadi yoki umuman hech narsa yozmaydi, uyda esa u telefonda qo'ng'iroq qiladi va sinfdoshlaridan nima so'ralganini bilib oladi.

Uzoq vaqt davomida kinestetik kishi portfelini varaqlaydi, kerakli darsliklarni topadi, ularda - berilgan sahifalarni va darsliklarda nima tayinlanganligini qayd etadi.

Vizual ko'pincha sinfdan qoladi (agar u yerda juda shovqinli bo'lmasa) yoki koridorga chiqib, devorlardagi ma'lumotlarni tekshiradi, boshqa bolalarni kuzatadi.

Audial suhbat va shovqin qilish uchun o'zgarishlardan foydalanadi.

Kinestetiklar isinish, harakatlanish uchun o'zgarishga muhtoj.

Albatta, ta'lim va tarbiya berishda ma'lumotni idrok etish va qayta ishlashning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish kerak. Bu ota-onalarga ham, o'qituvchilarga ham tegishli. Bola bilan "uning tilida" muloqot qilish muhimdir.

Muloqot paytida bolaga tushunarli va yaqin bo'lgan usullardan foydalaning:

rang, shakl, joylashishni tavsiflovchi vizual so'zlar bilan siz kitobdagi fikrlarni ajratib ko'rsatishingiz, jadvallar, diagrammalar, ko'rgazmali vositalardan foydalanishingiz mumkin;

audio bilan, ovozli o'zgarishlardan foydalaning (ovoz balandligi, pauza, intonatsiya);

kinestetiklik bilan imo-ishoralardan foydalaning, teginish va sekinroq gapiring, unga ma'lumot bilan "o'ynasin".

Har qanday odam, shu jumladan bola, idrokning turli yo'llaridan foydalanadi. Idrokning o'ziga xos xususiyatlari yoshga ham bog'liq: yosh bolalar uchun bu hamma narsaga teginish, narsalarni tatib ko'rish istagi mavjud bo'ladi, maktab o'quvchilari esa eshitish va ko'rish qobiliyatidan ko'proq foydalanadilar.[2]

Xulosa va takliflar. Ta'lim jarayonidagi ta'lim beruvchi ta'lim oluvchilarning darsni o'zlashtirishi idroki orqali amalga oshiriladi.

Chunki ma'lumotni idrok etishiga qarab bilim o'zlashtiriladi. Va hayotda qo'llaniladi. Hayotda qo'llanilganda esa jamiyat farovonlashadi, jamiyat farovon bo'lsa oilalar mustahkam bo'ladi, oila mustahkam bo'lsa yurtimiz yanada rivojlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. R.A. Mavlonova, N.H. Rahmonqulova, K.O. Matnazarova, M.K. Shirinov, S. Hafizov. Umumiy pedagogika. Fan va texnologiya nashriyoti, 2018.

2. www.kirov.spb.ru

3. www.reja.tdpu.uz

4. G'oziev E.G. Umumiy psixologiya. Toshkent. 2002. 1-2 kitob.

INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ORQALI MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI VA IMKONIYATLARI

G.Sh. Yuldosheva

Navoiy viloyati Zarafshon shahar 16-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti psixologi

Annatsiya. Maqolada maktabgacha ta'lim bolalarini ma'naviyatini shakllantirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning afzalliklari

imkoniyatlari haqida fikr yuritilgan. Shuningdek tarbiyalanuvchilarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasini shakllantirishga erishish yo'llari ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar. Axborot texnologiyalari, rivojlanish, shakllantirish, talim texnologiyalari, tarbiyalanuvchining Barchamizgamanaviyati.

Barchamizga xalqning ma'naviy jihatdan yuksakligi va boyligi ko'p jihatdan ta'lim tizimining shakli, mazmuni, shuningdek, aholining savodxonlik darajasiga bog'liq holda tahlil etiladi. Asrlar osha erishilgan madaniyat, moddiy hamda ma'naviy qadriyatlar, urf-odatlar, turmush tarsi va dunyoqarash kabi omillar ham bugungi millat ma'rifiy olamining aslyatini, qolaversa, kelajagini belgilashda muhim ahamiyatga ega.

Innovatsion texnologiya va ularning ta'limda qo'llanishiga oid bilimlar, tajribalar bolalarni yuksak bilimli va intellektual salohiyatga, yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi. Innovatsion texnologiyalar inglizcha "innovation" - yangilik kiritish ma'nosini anglatadi, u pedagogik jarayon, ya'ni tarbiyachi va tarbiyalanuvchi faoliyatidagi o'zgarish, yangilik kiritish; ta'lim jarayonida interfaol usullardan to'liq foydalanishni o'z ichiga olsa, vositalar esa tarbiyalanuvchining tarbiyachi bilan birgalikdagi faoliyati orqali ta'lim mazmuniga ta'sir ko'rsatadigan vositalarni o'z ichiga oladi.

Axborot – kommunikatsion texnologiyalari barcha sohalar qatori ta'lim tizimiga ham izchillik bilan kirib kelmoqda. Jumladan , axborotlashtirilgan multimediali ta'lim texnologiyalarini maktabgacha ta'limga joriy etish orqali o'tiladigan mashg'ulotlar mazmunini tarbiyalanuvchilar ongiga to'liq va mukammal ravishda singdirish, innovatsion vositalar bilan tanishtirish muhim ahamiyatga ega. Bundan tashqari maktabgacha ta'limda multimedia vositalaridan samarali foydalanishning o'ziga xos afzalliklari ham bor.

Ularni quyidagicha ifodalash mumkin:

- ta'limda ko'rgazmalilik eng asosiy o'rinlardan birini egallaydi;
- bolalarni izlanishga undaydi;
- bolalar ta'lim jarayonini bir vaqtning o'zida ko'radi, uni eshitadi, o'quvchilarga kengroq qamrovdagi va kattaroq hajmdagi materiallarni tezroq yetkazib beriladi;
- bolalar tafakkurini faollashtiradi;
- bolalar faoliyatining ijobiy motivini hosil qiladi;
- mashg'ulotlarni jonli va muloqotli tarzda olib borishga imkoniyat tug'iladi;
- ta'lim mazmuniga tegishli materiallarni kompyuter xotirasida saqlab ularni bolalarga xohlagan vaqtda yetkazish imkoniyati bo'ladi;
- tanqidiy fikrlash ko'nikmasini hosil qiladi, bolalarning kompyuter savodxonligi oshib boradi;
- o'z-o'zini namoyish etish imkoniyatini beradi;
- ta'lim mazmunini yoritishda animatsiyalardan foydalanishning keng imkoniyatlari yaratiladi.

Shuning bilan birga, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarning ma'naviy tarbiyasi eng dolzarb muammolardan biri bo'lib, shu orqali jamiyat ma'naviyatini hakllantirishga erishish mumkin. Shuningdek, ta'limda axborot-

kommunikatsion vositalaridan foydalanish jarayonida yoshlarning mafkuraviy immunitetini shakllantirib, uni mustahkamlab borish lozim. Albatta bu ishlarni oiladan boshlash kerak, ya'ni oilada farzandlarimizdagi ma'naviy sifatlarni tarbiyalashdan boshlash zarur, chunki ulargaberilgan tarbiya o'zlari bilan o'sib takomillashib boraveradi. Shuning uchun hamfarzandlarimiz ma'naviyatini shakllantirish va uni yuksaltirishni avvalo oiladan, keyin esa bosqichma-bosqich uzluksiz ta'lim tizimida olib boriladi. Tarbiyalanuvchilar ma'naviyatini shakllantirishning pedagogik omillaridars mazmunini ma'naviyatga oid materiallar bilan boyitish:

-tarbiyalanuvchilarni mustaqil fikrlashgan o'rgatish, -tarbiyalanuvchilarni ma'naviy jihatdan yetuk qilib shakllantirishni tashkil etish darsliklar mazmuniga manaviy-axloqiy tarbiyaga oid ma'lumotlarni kiritish-tarbiyalanuvchilar ma'naviy tarbiyasida mutafakkirlarimiz hikmatlaridan foydalanish

-tarbiyalanuvchilar ma'naviyatini xalq maqollari negizida shakllantirish ta'lim mazmuniga ma'naviyatga oid bilimlarni kiritish. Qolaversa, boshlang'ich ta'limda o'tiladigan fanlar mazmuniga Vatan tuyg'usi, milliy g'urur, an'ana va milliy qadriyatlarimizni tarbiyalanuvchilar ongiga singdirish hamdamuomala madaniyati, ovqatlanish, kiyinish, saranjom-sarishtalik, odobli, mehnatsevar bo'lish kabi insoniy sifatlarni shakllantirib boorish lozim. Bundan tashqari tasviriy san'at, musiqa, odobnoma darslari hamda badiiy asarlar orqali tarbiyalanuvchilar qalbida xalqqa, ona Vatanga nisbatan muhabbat tuyg'usini tarkib toptirishga e'tiborni kuchaytirish kerak. Tarbiyalanuvchilarga ma'naviy tarbiya berishni quyidagi uch yo'nalishda olib borgan ma'qul:

1. Tarbiyalanuvchilar ma'naviyatin shakllantirishga ijobiy ta'sirlar.
2. Tarbiyalanuvchilar ma'naviyatini shakllantirishga salbiy ta'sirlar va ularni bartaraf etish.
3. Tarbiyalanuvchilar ma'naviyatini shakllantirishning multimediali ta'lim texnologiyalarini ishlab chiqish va undan amaliyotda keng foydalanishga erishish. Shuningdek, multimedia usuli ta'lim samaradorligini oshirishda quyidagi ta'limiy va tarbiyaviy afzalliklarga ega:

- axborotning xilma-xilligi: matn, lavha, bezak, nutq, musiqa, videofilmlardan parchalar, telekadrlar, animatsiyalardan foydalanishga erishiladi;
- “Inson – kompyuter” interaktiv muloqotning yangi darajasi ancha keng bo'ladi va undan har tomonlama axborotlarni oladi;
- tarbiyalanuvchilar ta'lim olishda ijodiy munosabatni uyg'otadi va bu o'z navbatida ularga ishonchni shakllantiradi;
- tarbiyalanuvchilar tafakkurini faollashtiradi;
- o'quv faoliyatining ijobiy motivini hosil qiladi;
- o'z-o'zini namoyish etish imkonini beradi;
- turli fikr va mulohazalarga diqqatni jalb qilishni o'rganadi;
- yangi fikr-mulohazani bildirishga va o'zlashtirishga ruhan tayyor bo'ladi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash mumkinki, ta'lim mazmunini boyitishga oid ishlarni muntazam ravishda olib borish lozim. Tarbiyalanuvchilar ma'naviyatini shakllantirishda pedagogik omillarni ham ko'plab topsa bo'ladi. Ular ta'lim mazmunini yangi sifat bosqichiga ko'tarishga mustahkam didaktik asos bo'la oladi va ularni ta'lim

mazmuniga ustalik bilan kiritish esa, o'ziga xos innovatsion jarayon bo'lib, bunda o'qituvchidan yuksak pedagogik mahorat talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sayidaxmedov N. Pedagogik amaliyotda yangi texnologiyalarni qo'llash namunalari. – T.: RTM, 2000. – 46 b.

2. G'ulomova M.X., Sobirova N.K. Yangi innovatsion texnologiya yordamida ta'lim samaradorligini oshirish usullari // Innovatsiya o'quv jarayonida (tezislar to'plami). –T.: 2009.– 106 b.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА РАНГЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Юсупова Шохиста Алимжановна

Гулистон давлат университети Тасвирий санъат ўқитувчиси,

Сайидқулова Одина Икром қизи

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси талабаси

Аннотация: Мақолада тасвирий санъатнинг инсон ҳаётидаги ўрни. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанининг ўқитилиши. Ўқитувчининг дарс машғулоти жараёнида рангларнинг қай ҳолатда фойдаланиши ва унинг муҳим аҳамияти. Рангларнинг турли давлатларда қайдай маънога эга эканлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: ўқувчи, ўқитувчи, ранг, санъат, ёруғлик, психология, инсон, асар, гўзаллик, ғоя, рассом, хиссиёт, тасаввур.

Санъатнинг энг муҳим ва ижобий хусусиятлари шундаки, фанлардан ўларок у кундалик ҳаётимизда бўлиб ўтаётган воқея-ҳодисаларни тушунчаларда эмас, балким ҳолатни сезиб уни ҳис қилиб, идрок қилинадиган шаклларда, типик бадиий образларда гавдаланади. Бизнинг жамиятимизда санъат соҳаси эркинлик асосида вужудга келади. Санъатнинг ўчоғи тасвирий санъат ўзида инсонпарварликни, ватанпарварликни ва миллий руҳни илғор ғояларни илгари суради. Шу қатори тасвирий санъат асарлари инсонларга катта куч билан таъсир кўрсатади. Инсонлар тасвирий санъат асарларини томоша қилиб, унда тасвирланган гўзалликни кўриб, ўз ҳаётларига шундай гўзалликни акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Рассомлар ўз асарларида ҳаётни қандай кўрсалар ўшандай эмас, балки ундаги характерли кўринишларни танлаб оладилар, керакмас иккинчи даражали кўринишларни тушуриб қолдирадилар ва муҳимларини бўрттириб кўрсатадилар. Танишиш ва бўрттириш орқали рассомлар нарса ва ҳодисаларни кишиларнинг тафаккури ва хиссиётларига самарали таъсир кўрсатишга эришадилар. Рассом борликни шунчаки биладиган шахс эмас, балки у бой тасаввур ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган кишидир. У ўз ижодида борликни шунчаки акс эттирибгина қолмай, балки унга асосланган ҳолда нималарнидир ўйлаб топади, тасаввур этади ва тўқийди. Энг муҳими санъат асарлари ўз мазмунида борликни акс эттирибгина қолмасдан, у рассомнинг ғояларини ифодалайди, уни бойитади, Шу билан бирга бундай асарлар

томошабинга эмоционал таъсир кўрсатиш кучига ҳам эгадир.[2.4-б] Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитишда фаннинг назарий ва амалий усуллари, шунингдек, тасвирий санъат асослари ҳамда унинг тарихи масалаларига алоҳида эътибор берилган. Тасвирий санъат ўқитилиши табиатни гўзалликларини хис қилиш, кетма-кетлик босқичлари асосида тасвирлар чизиш, лой ва пластилиндан ҳар хил нарсалар хайкалчаларни ясаш, ранг хусусиятлари билан яқиндан таништириш ва инсон ички кечинмаларини ўргатишга оид материалларни ўз ичига олади. Дунё чексиз сир-саноатлардан иборатдир. Уни бамисоли мусаввирнинг “Қора квадрат” асарига рамзий маънода ўхшатса бўлади. Зеро “квадрат” унинг абадий яратилганлиги, тўрт томони- чексизлиги тимсолини англатса, қора ранг эса мавхумлик дунё сир-саноатининг барчасини англаб бўлмас сир эканлигидан далолат беради.[1.3-б] Тасвирий санъат машғулотларини рангларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби бу соҳада инсон ташқи ва ички оламини ранглар ёрдамида тасвирлайди. Албатта, бу жараёнда ўқувчиларнинг ички ҳиссиётлари муҳим рол ўйнайди. Инсон умрининг ҳар бир лаҳзасида ранглар билан тўқнаш келади ва бунда унинг маънавиятини шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Ранглар унинг руҳиятига ҳар дақиқада ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Чунончи, “Ранг” ибораси тўрт харфдан иборат бўлсада бироқ, унинг маъносини ва сирли оламини ўрганиш учун инсонларнинг умри етмайди. Ёруғлик бор жойда албатта ранг бўлади. Агар кечқурун уйингизда чирок ўчиб қолса, ҳамма жой қоронғу бўлиб кўринади. Бу ҳолатда биз сиқиламиз, тушкунликка тушамиз, инсонда мавхумлик пайдо бўлади. Сўнг кўз қорачиғимиз катталашиб, юрак уриши ўзгариб, соғлиққа салбий таъсир кўрсатади. Агар биз бунинг аксини олсак, ҳар баҳорда ўқувчилар билан баҳор сайлига чиққанимизда, тоза ҳаводан ташқари, қир-адирларда турли хил ранглар кўриниши, майсаларни, мусаффо осмонни, тоғ чўққисидаги оппоқ қорларни кўриб, ўқувчиларнинг руҳи кўтарилади, хаётга ва табиатга бўлган мухаббатлари янада ортади. Бу ҳолатда ўқувчилар ўзлари учун ажойиб ранглар оламини кашф этиб, хаётларини сезиларли даражада ёрқинроқ тарафга ўзгаради.

Психологларнинг маълумотларига кўра, ранг инсоннинг хис-туйғуларига таъсир қилади ва руҳий ҳолатга таъсир қилиши мумкин. Ҳар бир ранг оҳанглари бетакрор уюшмаларга эга бўлиб, у шахснинг идрокига ва объектларнинг ҳажмига таъсир филади. Рангли тебранишларни сусайтириши ва ўзгариши, ўзига жалб қилиши ва чалғиши мумкин. Ранг палитраси бўйида тўхтатилган ҳаракатлар таскин топади, акс эттириш ва ижодкорликка ҳисса қўшади. Рангли тебранишлар ёрдамида қуйидагиларни қилишингиз мумкин:

- иссиқ ёки совуқ хис-туйғуларга олиб келади;
- керакли психологик ҳолатга эришиш;
- йилнинг муайян мавсумининг кайфиятини этказиш;
- ҳислар ва хис-туйғуларга таъсир қилади.

Рангларнинг вибрациялари инсоннинг физиологиясига ва руҳига таъсир қилади, руҳий ҳолатни ва умумий ҳолатни ўзгартириши мумкин. Мисол учун, қизил ранг англаш хавотирланиш ёки тақиқланиш деб тушунилади ва яшил ранг хавфсизликни ифодалайди. Шунинг боис, бу ранглар светофорларда акс эттирилган бўлиб, чунки одам уларни интуитив билиш даражасида сезади.

Бизнинг хаётимизни ранглар ўраб туради ва атрофимизни бутун дунёни рангларда кўрамыз. Кўк осмон, яшил ўтлоқ, қизил, сариқ, оқ ва қора машиналарга ўзимиз шу қадар ўрганиб қолганки, ранг аслида оптик диапазондаги электромагнит нурларининг субъектив талқини эканини унутиб кўямиз. Ранг - бу кўзимиз илғайдиган ёруғлик тўлқинлари бўлиб, уни узун-қисқалигига қараб биз хар хил кўрамыз. Ранг нафақат физик ходиса билким у маданий капиталининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ранг инсонни ўраб турган оламнинг муҳим қисми бўлиб, унга ўзгачалик бахш этадиган хусусиятдир. Шу боис одамлар кўп нарсалар, буюмлар, жойлар, шахсларни ранглар билан уйғунликда тасаввур қилади. Қоп-қора осмонни ёки бинафшаранг сувни тасаввур қилолмайсиз. Биз буюмларни ва жойларнигина эмас, маънавий тушунчаларни ҳам рангларга боғлаймиз. Сизга шуни маълум қиламиз кўшиқлар ва эртақлар туйғуларни рангларга боғлайди. Оқ ранг поклик, қора ранг ёвузлик, тундлик, яшил ранги бошланмалар, ёшлик каби маъноларига эгадир. Демак, ранг айни пайтда инсониятнинг маданиятини маълум даражада акс этиб, турли маданий тушунчалар билан, хис-туйғу ва қарашлар билан боғланади. Психологияда асосан ранглар 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ бу илиқ ранглар (қизил, сариқ, олов ва оқ ранг), Иккинчи гуруҳ эса совуқ ранглар (кўк, қора ва бинафша ранг) киради. Албатта, хар бир ранглар алоҳида рамзий маънога эгадир.

Хиндистон давлатида хар бир ранг табақанинг ўз рамзларига эга. Брахманлар оқ, аскет-гадойлар олов рангда кийим кийишадилар. Бу ранг жиноятчилар кийимининг ранги ҳисобланади. Хитой давлати эса рангларни дунёни хар хил томонлари билан боғлашади. Шарқ-яшил, ғарб-оқ, жануб-қизил, шимол-қора ва бешинчи ернинг маркази сариқ ранг яъни куёш рангида кўришади. Шуни яна айтиб ўтиш жоизки сариқ ранг бу давлатда алоҳида ўринга эга, юқори табақани билдиради. Ғарбда қора ранг ўлим, мотам ва қайғу рангни билдиради. Шарқда эса бу ранг куч ва қудрат рамзини билдиради. Еврейларда сариқ, олов ранги гуноҳ ранги ҳисобланади. Рангларни эмолсионал ёки психологик таъсини осон анализ қилиш қийин. Хар бир инсон ўзининг севимли ранги бўлиб, шу ранг уларнинг кайфиятини кўтаради деб ҳисоблашади. Бу албатта, ўша ҳолатдаги руҳиятга боғлиқ. Агар рангларни тўғри танламаган ҳоналарда яшаш ва ишланса ноқулайлик ва қийин бўлиши табирдир. Ранглар кучли ва кучсиз, тинчлантирадиган ва хавотирга соладиган, оғир ва енгил турларга бўлинади. Қизил, сариқ, яшил ва кўк ранглар инсоният “Фокус” ранглари ҳисобланади. Бу рангларни ёш болалар хали саводи чиқмасдан туриб ёқтиришади. Бундан кўриниб турибдики биз дарс машғулотида ўқувчиларнинг нафақат расмларига қараб балким уларнинг севимли рангига қараб психологиясини ўрганишимиз мумкин экан. Масалан, қора ранг жиддийлик ва зиёлийликни билдиради. Одатда қора рангни хуш кўрувчилар хиссиётга берилувчан бўлишади аммо улар буни сир тутишади. Жигарранг- бундай инсонлар хар доим ҳаммадан тинчлик, барқарорлик ва куч излашга мойил бўлган бироз консерватив инсонлардир. Кўк ранг- меҳрли, хушмомила ва хатто уятчан бўлишади. Яшил ранг- хамма билан келишиб кета оладиган, тасаввури кучли ривожланган, ичанлик қобилиятига эга, мулоим ва меҳрибон, яқинлари учун қайғурадиган инсонлар бўлишади. Бинафшаранг- ижодкор, ғояларни ва санъатни севувчи инсонларни билдиради. Сариқ ранг-ўзига

ишонч, хаётга қувонч, ижодкор ва фаол ҳисобланадилар. Оқ ранг ишонч одамларни жалб қилади, улар эркинликни севадилар ва хаётга умид билан қарашади. Психологларнинг таъкидлашича, пушти рангни хуш кўрувчилар романтик, оптимист ва ўзини яхши кўрадиган инсонлар бўлишади. Қизил рангни хуш кўрувчилар инергияга бой, оптимист, дилкаш мард, куч ва жасорат белгиси ҳисобланади. Тўқсариқ- улар бироз ўзгарувчан одамлар бўлса-да, шухратпараст ва эҳтиёткор бўлишади. Кулранг одамларнинг диққатини ўзига тортишни истамайдиган, хотиржам, ўлчовлик ва етуклик белгисидир. Бундан кўриниб турибдики, ўқитувчи тасвирий санъат машғулотида ранглар ёрдамида ўқувчиларнинг психологиясини ўрганиб, уларнинг тасаввуридан келиб чиқиб муомила қилса ва вазифа берилса олдиға қўйилган мақсадига етиши аниқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. С.С.Булатов Рангшунослик Ўзбекистон фаласуфлар миллий жамияти нашриёти. т.: -2009й
2. Б.Н.Орипов Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. “Илм зиё” Т.: -2016й
3. Тасвирий санъат асослари. Рахим Хасанов. Тошкент-2008.
4. Тасвирий санъат ўқитиш методикаси. С.Ф.Абдурасулов Тошкент-2002.
5. Умумий педагогика. Ў.Ж.Йўлдошев тахрири остида (Ўқув қўлланма) Тошкент-2017.

PAST O`ZLASHTIRUVCHI O`QUVCHILAR BILAN PSIXOLOGIK MASHG`ULOTLAR O`TISH

*Qalandarova Sarvinoz Abdihakimovna
Samarqand viloyati Paxtachi tumani 10-maktab psixologi*

Annotatsiya. Shaxs tarbiyasi, uning ijtimoiy- psixologik kamolati har qanday davlatning bosh strategik maqsadlaridan biridir. Chunki shaxsni ma'lum ezgu g'oyalar, ijtimoiy psixologik va yuksak intellektual shaxs sifatida tarbiyalamay turib har jihatdan kamol topishga qodir jamiyatni qurib bo'lmaydi.

Bugun mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy sohalardagi tub islohatlar har tomonlama barkamol, raqobatbardosh, ma'naviy jihatda yetuk kadrlarni tayyorlashni ko'zda tutadi. O'zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni “2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi”da ta'lim muassasalarida o'quv-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirish, jahon standartlariga mos tarbiya metodlarini joriy etish vazifalari belgilangan.

Ayni dam maxsus maktab va naktab-internatlarda faoliyat ko'rsatayotgan amaliyotchi psixologlarning faoliyatida o'quvchilar ruhiy holatlarini o'rganish, xulq-atvoridagi “o'g'ishlar”ni oldini olishga qaratilgan choralarni ko'rish, stress, nizo va ko'plab salbiy emotsional kechinmalarining oldini olish ishlarini to'g'ri tashkil qilish psixologik xizmatning samaradorligini oshirish dolzarb muammolardan biri

hisoblanadi. Mana shunday muammoli holatlarni yo'qotishda esa psixologik xizmat sohasida mavjud bir qancha yo'nalishlar yordam beradi.

Kalit so'zlar: psixologik maslahat, shaxs, muloqot, autizm, psixologik korreksiya, ahloq, suhbat.

1. Kirish qismi: Shaxs shakllanishidagi “inqiroz”li davrlarning o'quvchilar xulq-atvoriga ta'siri.

Shaxsning shakllanishi dunamik xususiyatga ega. Shuning uchun uning rivojlanishida goho igarilashib ketsa, goho taraqqiyotdan orqada qolib ketish holatlari kuzatiladi. Ba'zan “inqiroz”li davrlarni boshidan o'tkazayotganlar esa o'zlarining jismoniy va ruhiy salomatliklari bilan bog'liq xotirjamlikni yo'qotib qo'yadilar, ruhiy tushkunliklar natijasida o'z istiqbol rejalarini tuza olmaydilar, xuddi shu bois, o'zlarining ijtimoiy mavqelariga putur yetkazadilar. Mazkur holatlarni o'rganar ekanmiz, bunda barcha yondashuvlarga, tamoyillarga, yo'l-yo'riqlarga zamon ruhi orqali nazar tashlash talab etiladi. Bizni qiziqtirayotgan psixik buzilishning boshlanishi va namoyon bo'lish jarayoni, uni tashkil qiluvchi xususiyatlari hamda kechishining asosiy holatlarini chuqur tahlil qilish xulq-atvor rivojlanishining nazariy namunalarini tuzish va shakllantiruvchi tajriba majmuasini yaratish, psixokorreksion ruhiy tuzatish zarur hisoblanadi. Xulq-atvor psixologiyasida, jumladan jahon psixologiyasi fanining asosiy tushunchalaridan hisoblanadi. Ko'p hollarda esa bu psixologik kategoriya sifatida qaraladi.

“Inqiroz”li davrlar orasida o'smirlik davri o'zining xilma-xilligi va murakkabligi bilan ajralib turadi. Hozirgi kunda o'smirlarni voyaga yetkazishnin o'ziga xos qonuniyatlari, xususiyatlari, imloniyatlari, xatti-harakat motivlarining ifodalanishi va vujudga kelishining murakkab mexanizmlari mavjud. O'smirlik davri taqlidchanligi, muqim nuqtai nazarning shakllanmaganligi, hissyotlilik, mardligi, tantililgi bilan farqlanadi. O'smirlik davri xususiyatlarini tadqiq qilgan D.B. Elkonin va T.V.Dragunovlarning ta'kidlashicha, o'g'il-qizlarning bu davrda o'rtoqlari bilan munosabatlarga intilishi, tengdoshlari jamoasining hayotiga qiziqishi yorqin namoyon bo'ladi. O'smir o'quvchilarning to'g'ri va to'liq ta'lim va tarbiya olishi uchun oila va maktabning o'rni beqiyosdir.

2. Muammoni bartaraf etishning asosiy yo'nalishlari

Mazkur muammoni bartaraf etishda quyidagi asosiy yo'nalishlar mavjud:

- Xulqida og'uvchanligi bo'lgan o'quvchilar, ularning sinf rahbarlari, ota-onalari bilan tizimli ishlash.
- Bolalar va o'smirlarda xulq og'ishining oldini olishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqish.
- Maktab rahbariyati va jamoasi o'rtasidagi munosabatlarni kuzatish va turli muammoli vaziyatlarni oldini olish yuzasidan olib boriladigan tadbirlar o'tkazish.
- Psixologik profilaktika yo'nalishi bo'yicha olib boriladigan ishlarni maqsadli va uzluksiz olib boorish.
- Psixologik diagnostika yo'nalishi bo'yicha olib boriladigan ishlar.
- Psixologik korreksiya yo'nalishi bo'yicha olib boriladigan ishlar,
- Psixologik maslahat yo'nalishi bo'yicha olib boriladigan ishlar.
- Psixologik pedagogik konsiliumlar va ularni o'tkazish tartibi.

- Voyaga yetmagan bolalarni o'z joniga qasd qilish holatlarining oldini olishni amaliyotga muntazam joriy etish.

Sinfdagi o'quvchilar sonining tobora ortib borishi, maktabga jiddiy his-hayajon tangliklari bilan keladigan o'quvchilar sonining ortib borayotganligi va bilim va axloq darajalari turlicha bo'lgan o'quvchilardan iborat sinflar bilan ishlashga to'g'ri kelayotgan bir vaqtda, o'qituvchilar talabalarni rag'batlantirish va boshqarishning samaradorligini oshirishga tobora ko'proq ehtiyoj sezishmoqda. Turli xil jismoniy va ruhiy nuqsonlari mavjud o'quvchilarni sinflarga qo'shish harakatining kuchayib borayotganligi va sinflarda ta'lim borasida muammolari mavjud o'quvchilar sonining ko'payib borayotganligi va sinflarda ta'lim borasida muammolar mavjudligi o'quvchilar uchun psixologik muammo yaratishga sababchi bo'ladi.

O'sib kelayotgan yosh avlod ertangi kunimiz, kelajagimizning davomchilari ekanligini hisobga oladigan bo'lsak o'quvchilardagi mavjud psixologik muammolarni, jumladan xulq-atvorida "og'ish"i borlar bilan turli psixoprofilaktik chora-tadbirlarni ishlab chiqish bugungi kunda o'z dolzarbligini yo'qotmagan.

3. Maktabda psixologik muammolari bor o'quvchilar bilan psixologik maslahat o'tkazish shartlari.

Psixologik maslahat psixologik xizmatning obyektiga qarab o'zgarib rivojlanib o'zgarib boradi, bu esa individuallik, shaxsga yo'naltirilganlik tamoyiliga asoslanadi. Shuningdek, quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi:

- Bola tarbiyasidagi qiyinchilikni bartaraf etishning optimal psixologik yo'llarini aniqlash.

- O'smirning ichki ruhiy holatini: maqsadi, hayotga munosabati, o'z-o'ziga ishonchi, irodaviy – hissiy o'zini boshqarishni tahlil etib, shularga mos ravishda maslahat berish.

- Maqsadga erishishda o'smir bilan psixologik birgalikda harakat qilishi.

- Psixologik qiyinlikni bartaraf etish orqali o'smir hayotidagi ijtimoiy, shaxsiy vazifalarni hal etish.

- Ayniqsa, o'smirlar bilan ishlashda uning individual psixologik xususiyatlarini bilish, maslahat berishda aniq maqsad qo'yish.

Qolaversa amaliyotchi psixolog psixologik maslahat berishdan tashqari o'smirlar bilan reja asosida psixokorreksion mashg'ulotlarni yakka va guruhlar asosida olib borishi kerak bo'ladi. Maktablarda amaliyotchi psixologlar tarbiyasi og'ir bolalar bilan ishlashda sinf rahbari ma'naviy va ma'rifiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari, otalilar qo'mitasi, mahalla fuqarolar yig'ini, voyaga yetmagan yoshlar bilan ishlash inspektori, Yoshlar Ittifoqi, hududiy sport va madaniyat tashkilotlari bilan hamkorlikda amalga oshirishi kerak. Psixologlar va pedagoglar tomonidan dezadaptatsiyalangan xulqning oldini olishga qaratilgan bir qator tavsiyalar ham ishlab chiqilgan. Ularning keltirgan tavsiyalariga ko'ra, sinf jamoasi a'zolarida sog'lom psixologik munosabat hissini shakllantirish va bu jamoada tarbiyasi qiyin o'smirlarga nisbatan ijobiy va faol munosabat ruhini keltirish biz aytgan muammolarga barham berar ekan.

4.Xulosa. Hozirgi davrning muhim xususiyatlaridan biri bugungi zamon talablariga mos keladigan, yangicha fikrlaydigan yoshlarni tarbiyalashdan iborat. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek: "Fikrlash, ishlash va yashash

madaniyatiga ega bo'lgan mustaqil shaxsni voyaga yetkazishimiz kerak". O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" talablari asosida bolalarga ta'lim-tarbiya berishning asosiy maqsadi yosh avlodni milliy istiqbol g'oyalari asosida sog'lom, har tomonlama rivojlangan shaxs sifatida tarbiyalashdan iboratdir.

Afsuski, bugun maktablarimizdagi bir qancha o'quvchi yoshlarimizning ruhiyatida, xulq-atvorida muammolar uchrab turibdi. Ularning kelib chiqish sabablarini esa biz yuqorida ko'rib chiqdik. Lekin ularni bartaraf etilmasligi oqibati ko'plab salbiy holatlarga olib keladi. bu ham o'ziga va o'zgalarga qolaversa, butun jamiyatga ham o'z ta'sirini o'tkazmasdan qolmaydi. Shuning uchun bu jarayonda maktab amaliyotchi psixologi bir qator psixologik tadbirlar amalga oshirishi va mazkur o'quvchilar bilan ko'p suhbat uyushtirishi kerak. Shuning uchun biz ta'kidlaganimizdek maktab amaliyotchi psixologi psixologik xizmat sohasidagi bir qator yo'nalishlarini ishga solgan holda ruhiyatida buzilishlari bor o'quvchilar bilan birga psixokorreksion ishlarni amalga oshirishi va mavjud muammolarni bartaraf etishi kerak bo'ladi. Shuningdek, bu vazifalarni amalga oshirishda amaliyotchi psixolog bilan birgalikda sinf rahbari ma'naviy va ma'rifiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari, ota-onalar qo'mitasi, mahalla fuqarolar yig'ini, voyaga yetmagan yoshlar bilan ishlash inspektori, Yoshlar Ittifoqi, hududiy sport va madaniyat tashkilotlari bilan hamkorlikda amalga oshirishi kerak. Shundagina psixologik xizmatni to'laligicha amalga oshirgan bo'lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Adizova T.M. Psixokorreksiya. – Toshkent. Tafakkur. 2010. 150-b
2. Mahmudova D.A. Psixokorreksiya asoslari
3. Fan va texnologiya nashriyoti. 2011. 128-b
4. Nishonova Z.T. Psixologik xizmat. Toshkent. TDPU, 2006. 128-b
5. G'oziyev E.G'. Muomala psixologiyasi. Toshkent., 2006 y

КАСБ ТАНЛАШ МОТИВЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

*Бекчанова Холида Султонмуродовна
Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани 23-сон мактаб психологи*

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ҳамда кейинчалик пухта ўзлаштиришга қодир, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди [1. 6].

Инсоннинг касбий шаклланиши ва мутахассис сифатида камолга етишини унинг ҳаёт йўлидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Психологик адабиётларда таъкидлаб ўтилганидек, кишининг касбий шаклланиши бутун ҳаёти давомида кечадиган жараён бўлиб унинг ёшига ҳамда шахсининг тараққиётига мос ҳолда боради. Касбий фаолият соҳасидаги муваффақият ва мутахассиснинг

махорат даражасига эришиш суръати унинг касб танлаш мотивлари билан ўзаро алоқадордир.

Касб танлаш ўспиринлар учун муҳим муаммолардан биридир. Танлов доираси қанчалик кенг бўлса, у шунчалик психологик жихатдан мураккаблашиб боради. Шахснинг субъектив мойилликлари ва у ёки бу фаолиятга қобилиятлилиги бир бутунликни ташкил этади. Қизиқиш ва мойиллик фаолият жараёнида шаклланади ва ўзгариб боради. Бироқ ўспиринларда яққол ифодаланган, барқарор ва фаол мойиллик ҳар доим ҳам кузатилмайди. Касб танлаш арафасида турган ўспиринларнинг мазкур соҳага қанчалик мос, мойилэканлиги фақатгина фаолият кузатув, назарий, тажриба жараёнидагина аниқланади.

Касб танлаш мотивларнинг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар жуда кўп бўлиб, улар бир-бири билан ўзаро мутаносибликка эга. Ўспириннинг касб танлашига таъсир этиш кучига кўра асосий ўринни дўстлари ва ўртоқлари билан бир-бирини тушуниш муносабатлари ташкил этади. Иккинчи ўринни тез таъсир этувчи оммавий ахборот воситалари- китоблар, газета, журнал, кинофильм, телекўрсатувлар, айниқса, интернет эгаллайди. Учинчи ўринда педагогик жамоа, синф раҳбари, фан ўқитувчилари, таълим муассасаси директори ва ўринбосарлари, маҳалладошлари туради. Тўртинчи ўринга оиладаги бевосита маънавий-маърифий муҳитни қўйиш мумкин. Бешинчи ўринни ўқув фанларини ўзлаштириш жараёни эгаллайди. Яъни, ўспирин қанчалик юқори даражада ўзлаштиради ўқув фанлари унинг касб танлашига ижобий таъсир кўрсатиб ўз самарасини беради. Кейинги навбатда дарсдан ташқари тарбиявий ишлар, ижтимоий-фойдали ва ишлаб чиқариш меҳнатини кўрсатиш мумкин.

Ўспиринларда бирор ўқув фанига иштиёқ натижасида уларда ҳар хил касбларга қизиқиш пайдо бўлгач, танланган касбни ўзлаштириш билан боғлиқ фанга қизиқиш тобора ортиб бораверади. Натижада фан тўғарак машғулотларига ва факультатив курсларга қатнашишиштиёқки вужудга келади.

Ўспирин бу имкониятдан унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ, деб таъкидламоқчимиз. Касб танлаш ўспиринда касблар олами ва уларнинг инсонга ҳамда унинг хусусиятларига қўйиладиган талаблар ҳақида тасаввурлар бўлишини тақозо этади. Баъзан уларнинг ҳар иккиси ҳам ўспиринларда етишмаслиги мумкин.

Ўспиринларда касблар ҳақида яққол тасаввур бўлмаслиги сабабли, улар кўпроқ хатога йўл қўядилар. Танланган ёки танланиши зарур бўлган касб қандай шахсий фазилатларни талаб қилишини тушуниб етмайдилар. Ўз қобилиятларини оқилона баҳолай олмасликлари туфайли у ёки бу касбни эгаллаш учун қанчалик тез ва аниқ ҳаракат қила олишларини, бу ишга мослаша олишлари мумкинлигини билмайдилар. Бироқ ҳозир мазкур кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Булар: касбларни ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш, уларни тавсифлаш ва аниқ қилиб ифодалаш; ўқитувчининг касблар бўйича батафсил тарғибот ишлари олиб бориши, касблар юзасидан маслаҳатлар бериш, ўспирин ва унинг ота-онаси билан бирга касбга йўналтириш тадбирларини кўриб чиқиши; ўспиринларни касбнинг асосий турлари билан таништириш;

психодиагностик ва касб танлаш усуллари амалиётга татбиқ қилишга мослаштирилган турларини ишлаб чиқиш; жойларда замон талабига мос касб танлаш хоналарини ташкил этиш; касб танлаш тарғиботи юзасидан ўспиринларни оммавий ахборот воситаларига жалб қилиш ва психологик жиҳатдан тайёрлашдан иборат таълим концепциясининг асосий йўналишларидан биридир.

Ўспиринларнинг қизиқиши, майли, интилиши, қобилияти, истеъдодлари асосида танлаган касбларига тўғри йўналтириш улар учун катта ҳаётий масаладир. Касб танлаш жараёнида ўспиринларга ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик, ўз касбининг усталари, мураббийлар алоҳида эътибор беришлари, тўғри йўл-йўриқ кўрсатишлари керак. Зеро, бу амалий фаолият фуқаролик жамияти ривожланишига хизмат қилади.

Психология фанида касбий шаклланиш жараёнини даврлаштиришнинг бир неча вариантлари ишлаб чиқилган. Бу борада рус олими Т.В.Кудрявцев шахсининг касбга муносабати ва фаолиятни бажариш даражаси мезонига кўра касбий шаклланишнинг қуйидаги босқичларини ажратиб кўрсатган:

- 1) касбий мойилликнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши;
- 2) касбий таълим ва касбий фаолиятга тайёргарлик кўриш;
- 3) касбий фаолиятга киришиш, жамоада ўз ўрнини топишга фаол интилиш;
- 4) касбий меҳнатда шахсининг ўзини тўлиқ намоён этиши [2. 16].

Мазкур таснифда келтирилган ҳар бир босқичда касб танлашга ундаган мотивларнинг кучи ва сифати муҳим аҳамиятга эгаллиги кўрсатиб ўтилган. Рус олими Е.А.Климов эса инсонни меҳнат субъекти сифатида талқин этиб касбий йўналган даврлаштиришни қуйидагича асослаб берган:

- 1) ўйиндан олдинги босқич (4 ёшгача бўлган давр) – кишининг кейинги ривожланиши ва меҳнатга киришуви учун асос бўлган идрок қилиш вазифаларини ўзлаштириш;
- 2) ўйин босқичи (5-8 ёш) – инсон фаолиятининг “асосий мазмуни”ни ўзлаштириш;
- 3) ўқув фаолиятини ўзлаштириш босқичи (8-12 ёш) – фаолиятни режалаштириш, ўзини-ўзи назорат ва таҳлил қилиш;
- 4) оптация босқичи (12-17 ёш) – касб-ҳунар таълими муассасаларида касб танлаш даври;
- 5) адепт босқичи (17-20 ёш) – танланган ихтисослик бўйича касбий тайёргарлик;
- 6) адаптант босқичи (20-23 ёш) – касбнинг ичига кириш ва унга кўникиш;
- 7) интернал босқич (23-26 ёш) – касбий тажриба тўплаш;
- 8) касбий маҳорат босқичи – меҳнат фаолиятини малакали бажариш;
- 9) обрў-эътибор босқичи – мутахассис томонидан юқори малакани ўзлаштириш;
- 10) устозлик босқичи – мутахассис томонидан касбий тажрибани шогирдларга бериш, ўз мактабини яратиш [3. 38].

Шахсида касбий ўзлигини англаш шаклланишини касбий маҳоратнинг вужудга келишидаги асосий мезонлардан бири сифатида ҳам бир нечта босқичларни ажратиш мумкин:

1. Касблар олами ҳақидаги аниқ–кўргазмали тасаввурларнинг пайдо бўлиш даври.

Бу давр 2,5-3 ёшдан бошланиб 10-12 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Тараққиёт давомида боланинг онгида касблар олами ҳақидаги турли-туман тасаввурлар шаклланиб боради. Бошланғич таълимда эса етакчи ўқув-билув фаолиятида ўқувчининг касблар ҳақидаги тасавури ва тафаккури янада кенгайиб боради.

2. Ўзини касбий билиш даври.

Кўплаб касблар ҳақидаги тасаввурларни ўзлаштириб олгач, ўқувчи уларни у ёки бу шаклда қўллаш олиши керак. Касблар ҳақида етарли билим, кўникма ва тайёргарликка эга бўлмаганлари сабабли баъзи ўқувчилар ўзларини бирор касбий соҳада намоён эта олмайдилар. Бироқ уларда янги етакчи фаолият–тенгдошлари билан мулоқот жараёнида ўзинибилишга бўлган эҳтиёж янада кучли намоён бўлади. Айнанмана шу эҳтиёж ўзини касбий соҳада ҳам аниқлашига таъсир кўрсатади.

3. Ўзини касбий аниқлаш даври.

Ушбу босқичда касбий ўзликни англаш яқунланади. Бу давр мактабни тугатгандан кейин ҳам давом этиши мумкин. Ўқувчида касбни ўрганишнинг аниқ йўналиши, барқарор қизиқишлар, касбнинг талабларига мос бўлган шахс хусусиятларининг шаклланиши кузатилади.[4. 65].

Касбий шаклланиш жараёнининг дастлабки ва айнаи дамда ўта муҳим босқичи бўлажак касбни танлаш, яъни аниқ бир касбий қарорга келишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Ёшларнинг касб танлашга тайёргарлик даражаси фақатгина ёш хусусиятига боғлиқ эмас, у маълум ёшга келиб ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш – уларни шахсий мойиллик, лаёқат, қизиқишлари асосида ҳамда жамият талабларига мос ҳолда онгли касб танлашга тайёрлаш бўйича мақсадга йўналтирилган илмий-амалий фаолиятдир.

Шахснинг касбий шаклланишида ижтимоий вазиятлар, маънавий муҳит ва етакчи фаолият муҳим омил ҳисобланади. Касбий таълим оила ва таълим муассасаларида амалга ошириладиган касб танлангунга қадар давом этган таълим-тарбия негизида, яъни касб танлашга психологик тайёрлаш ҳамда меҳнат фаолиятига руҳан тайёргарликка кўмаклашадиган амалий восита, омил сифатида давом эттирилгач, у албатта ижобий натижа беради, деб таъкидламоқчимиз.

Адабиётлар:

1. Кудрявцев Т.В. Психология профессионального обучения и воспитания.- М., 1997.

2. Климов Е. А. Психология профессионального обучения и воспитания.- М., Просвещение, 1990.

Ўқувчи ёшларда ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришда мактаб ва оиланинг ўрни

Мухтарова Гулюз

Фаргона вилояти Олтиарик тумани 2 ДМТТ психологи

Ўқувчи-ёшларда ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш инсон камолотининг асосини ташкил этади. Чунки, ахлоқий ҳис-туйғу кишининг хатти-харакатида, одобида, ички кечинмаларида ва айниқса, инсонларнинг бир-бирига бўлган ғамхўрликларида, хурмат қилишларида, билимларида, ҳис-туйғуларида, хулқ-атворида, наъмунали фаолиятида намоён бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғу тузилишининг асосини инсон фаолитяи ташкил этади. Чунки, фаолият – бу инсоннинг ўраб турган дунёга бўлган муносабатини ўзига хос хусусиятлари, бир мақсадга қаратилган ҳаёт мазмунидаги ўзгариш лар, тузатиш кабиларни ташкил этади. Фаолиятнинг асосий иш тури меҳнат бўлиб, у инсоннинг жисмоний ва маънавий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Меҳнат инсоннинг мулоқот ўқиш фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Фаолиятнинг мазмуни шарт-шароитлари, воситалари ўзгариб бориши натижасида ҳар бир инсоннинг ахлоқий онги, ахлоқий ҳис-туйғуи такомиллашиб боради. Демак, фаолиятни тўғри ташкил этиш натижасида ўқувчиларнинг фаоллигига иш режаларининг аниқ бўлишига, кўзланган мақсадига, хатти-харакатларининг намунали бўлишига эришиш мумкин. Албатта бунда унинг юриш-туриши, турмуш тарзи, мустақиллиги намоён бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғуни ташкил топишида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос фаолиятини шакллантириш ва унга раҳбарлик ва назорат қилиш ўқитувчининг асосий вазифасидир. Чунки, бунинг натижасида ўқувчида мустақиллик, масъулият, интизом каби сифатлар ривожланади. Ўқувчиларда юриш-туришни бошқара олиш, фойдали ташаббус, қатъиятли бўлиш, кўзланган мақсадга эришиш каби ахлоқий-иродавий ҳислатлар шаклланади. Ўқувчи - ёшларнинг фаолиятини ривожлантириш ўқитувчидан ижодий ёндашишни талаб этади. Чунки, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг фаолиятида уларни кузатади, ижобий тажрибаларини оммалаштиради. Ўқувчиларда мустақиллик, ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашиш каби хусусиятларни намоён бўлишига, уларнинг қобилиятларини оширишга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ва мақсадларни амалга оширади. Ўқитувчи ўз ўқувчилари нинг фаолиятини ташкил этишда ҳамиша қувонч, мамнуният туйғусини ифода этиши билан бирга, ахлоқий эътиқодни тарбиялайди.

Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуини шакллантиришда меҳнат фаолияти, таълим жараёни, ўқувчилар жамоаси муҳим воситалар бўлиб қолмоғи керак. Чунки, жамоа фаолиятида ўқувчиларда одамларга нисбатан меҳрибонлик, ғамхўрлик, меҳр туйғулари шаклланади. Ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш бу ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзига доимо қараш ва камчиликларни ўзидан қидириш, ўз-ўзига талабчан бўлиш; ҳамма жойда аниқ ишларни бажариш, ўз-ўзини тарбиялаш ва бунда кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш, ахлоқий

тарбияланганлигини, билимларни яхши эгаллаганлиги, ахлоқий туйғуларнинг ривожланганлиги, мақсадга интилиш, довюраклик ва ҳал қилувчанлик, талабчанлик, ташаббускорлик ва мустақиллик, ўз-ўзини идора қилиш ва тута билиш ташкил этади.

Ахлоқий билимлар инсоннинг фаолиятида маънавий кўникма ва малакаларни шакллантиради. Демак, ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш ўқувчиларнинг мактабда турли ижтимоий фанлар асосларини эгаллаши борасида пайдо бўлади. Натижада ўқувчида ахлоқий билимлар ривожланади. Ахлоқий билим орқали ахлоқий маданиятга эришилади. Ҳаётда, тажрибада билимлилик билан билимсизлик ахлоқий ҳис-туйғуни баробар эмаслигини кўп учратиш мумкин. Билим – ўқувчи ёшларнинг ахлоқий нормаларида алоқа ва муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчи ёшларнинг ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантиришда таълим-тарбия жараёнининг мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштириш алоҳида роль ўйнайди. Бу ўқитувчининг билим савиясига педагогик маҳоратига, санъаткорлигига боғлиқ. Ўқувчиларнинг дарсларда олган билимлари уларнинг турмушида, хулқ-атворида жамиятдаги кишиларга муносабатида намоён бўлади.

Ахлоқий билим ҳар бир шахсни, маданият, инсоният, маърифат дунёсиги олиб киради. Ахлоқий билим кишиларни ҳар ерда азиз ва ҳурматли қилади. Ахлоқий ҳис-туйғу тузулишида ахлоқий ҳис-туйғулар асосий ўринни эгаллайди. Ахлоқий ҳис-туйғулар шахснинг маънавий фаолиятида, воқеа ва ҳодисаларда, ахлоқий жараёнида намоён бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғулар инсонларнинг ўз-ўзига, жамиятга, ҳаётга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Демак ахлоқий ҳис-туйғулар ўзининг келиб чиқиши ва аҳамияти билан ижтимоий ҳарактерга эга. Ахлоқий ҳис-туйғулар ўз мазмунига кўра ахлоқий ишонч, ахлоқий онг билан чамбарчас боғлиқдир. Ахлоқий ҳис-туйғулар жараёнида интилиш, яхши кўриш, бурч, масъулият, ор номус каби ҳислар камол топади. Шунини айтиш керакки, ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш ҳар бир кишининг шахс сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўзини билиш ёки англашида, бошқаришида фақатгина унинг билими ёки одоби етарли эмас, ҳис-туйғулар киши фаолиятига нисбатан аниқ билимларни қўллашга суянишни тақозо қилади. Таълим жараёни меҳнат фаолияти ўқувчилар жамоаси ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришнинг асосий воситалари ҳисобланади. Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларини тарбиялашда соғлом муҳит, завқли вазиятни вужудга келтириш муҳимдир.

Шунини айтиш керакки, ахлоқий ҳис-туйғу кишининг ҳоҳиши ва иродасида, турмушида, жамиятдаги вазиятда, ўқитувчи талабларини амалга оширишда, ўқувчиларнинг ўз ўрни ва мавқеини англашда ифодаланиш билан бирга ахлоқий онгнинг асоисни ташкил этади. Бу ўринда айниқса ўқитувчилар ўқувчилар билан ўтказилган мулоқотлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари билан мулоқотга киришар эканлар, ўз онгила кишиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларини, хулқларидаги муайян намуналарни тасаввур қиладилар. Ўқитувчиларнинг фикри, кечинмаси, кўрсатмаси, хулқи ва хатти-ҳаракати таъсири остида ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис туйғулари жараёнида ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш туйғулари кучайиши ёки аксинча сусайиши мумкин.

Ахлоқий ҳис-туйғуни шаклланишида кишининг хулқ - атори муҳим ўрин эгаллайди. Хулқ - атор ахлоқий ҳис-туйғуининг муҳим қисми бўлиб, у тадбир ва интизомда, ҳаёт нормаларини бажаришда, жамиятга, меҳнатга, одамларга нисбатан билдириладиган ахлоқий муносабатда намоён бўлади.

Ўқувчининг хулқ-атор маданиятини шакллантириш ўқитувчидан ахлоқий тарбия ишларини олиб боришни талаб қилади. Албатта бунда ўқитувчи хулқ-атор маданиятини тарбиялашда унинг ахлоқий онгига, синф жамоасига асосланиши керак. Шу билан бирга ўқувчи фаолиятини тўғрени ташкил эта билиш ҳам хулқ – атор маданиятини тарбиялашда самарали натижалар беради. Албатта бунда юқори синф ўқувчиларида хулқ – аторни тарбиялаш, уларни назорат қилиш, хатти-ҳаракатларига алоҳида аҳамият бериш билан бирга, доимий талбчан бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Шахсни ахлоқий ҳис-туйғуини шакллантиришда маънавий онг билан хулқ - атор ўртасида, яъни сўз билан иш ўртасида бирлик бўлишга эриши зарур, лекин бу бирлик ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки тинимсиз тарбиявий ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг хулқ-атори ахлоқий тушунчаларни билиш билан белгиланмайди. Чунки ахлоқий билим, ҳис-туйғулар, хулқ-атор ўқувчи хулқида намоён бўлади. Доно халқимизнинг “хулқ” ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир, “Хулқи йўқ” нақллари бежиз айтилмаган.

Демак, ўз хулқини одоб билан қуроллантирилган, қўлини эса тўғрилиқка одатлаштирган кишигина камолотга эришиши мумкин. Камолотга эришган инсон яхшилик билан ёмонликни фарқини билади, фойда билан зарар ўртасидаги тафовутни англайди, ўз фаолиятида ёмон ҳислатлардан ҳоли бўлади, чиройли фазилатларини англайди.

TA'LIM TIZIMIDA BOLA NUTQINING RIVOJLANISHI MULOQOT MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH ASOSI

Мухтарова Гулюз

Фаргона вилояти Олтиарик тумани 2 ДМТТ психологи

Tilga o'rgatish, nuqtani rivojlantirish nafaqat lingvistik sohada balki, bolalarning o'zaro hamda kattalar bilan muloqotini shakllantirish sohalarida ham ko'rib chiqilmoqda. SHundan kelib chiqqan holda, e'tiborga molik vazifa nafaqat nutq madaniyatini, balki muloqot madaniyatini ham shakllantirishdan iborat bo'ladi.

Ayniqsa, ravon nutqni, ya'ni mazmunli, mantiqiy, izchil nutqni shakllantirishda nutqiy va intellektual rivojlanish o'rtasidagi uzviy aloqa yanada aniqroq ko'rinadi. Biron-bir narsa haqida tushunarli qilib so'zlab berish uchun hikoya ob'ektini aniq tasavvur qilish, tahlil qila olish, asosiy xususiyat va sifatlarni tanlab olish, predmet bilan hodisalar o'rtasida turli nisbatlarni (sabab-oqibat, vaqt) o'rnatish lozim. Bundan tashqari, ushbu fikrni ifodalash uchun eng maqbul so'zlarni tanlay olishni, oddiy va

qo'shma gaplarni tuzishni bilish, alohida gaplar va fikrlarning bo'laklarini bog'lash uchun turli vositalardan foydalanish zarur.

Ona tilini to'laqonli egallash, til qobiliyatlarini rivojlantirish maktabgacha yoshdagi bola shaxsini to'laqonli shakllantirishning o'zagi hisoblanadi.

Maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirishda erishilgan asosiy natijalar tengdoshlar bilan muloqot asosiy o'rin egallaydigan muloqot sohasidagi chuqur o'zgarishlar bilan bog'liq. Bola katta yoshdagi odamdan ko'ra o'z tengdoshini afzal ko'ra boshlaydi. Birga o'ynayotgan o'rtog'iga qaratilgan nutq kattalar bilan bo'lgan nutqdagiga nisbatan mazmunliroq bo'lib boradi. SHERIK bilan dialog muvofiqlashtirilgan predmetli va nutqiy harakatlar tusiga ega bo'ladi. Bola endi qo'shnisining e'tiborini o'ziga jalb qilishni biladi, uning o'zi o'rtog'larining ishlari va fikrlari bilan qiziqadi.

Maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqining funksiyalari ko'p qirralidir. Bunda bola nutqdan atrofdagilar bilan muloqot o'rnatish, o'ziga, o'z ishlari va kechinmalariga e'tiborni jalb qilish, bir-birini tushunish, sherigining xulqiga, fikr va hissiyotlariga ta'sir qilish, o'z faoliyatini yo'lga qo'yish, o'zining va birga o'ynayotgan o'rtog'larining harakatlarini muvofiqlashtirish uchun foydalanadi. Nutq atrofdagilar haqidagi bilimlarning muhim manbai, tabiat, narsalar va kishilar olami haqidagi tasavvurlarni qayd etish vositasi, bilish faoliyatining vositasi bo'lib xizmat qiladi. Maktabgacha katta yoshdagi bola uchun nutq ob'ektiv munosabatlarning alohida sohasi bo'lib, bola ularni so'zlar, tovushlar, qofiyalar, ma'nolar bilan o'ynash orqali anglab etadi.

Bola o'zining amaliy, bilish va shaxsiy ehtiyojlarini qondirish uchun o'zida mavjud bo'lgan barcha vositalardan va noixtiyoriy vaziyatlarda fikr bildirishdan, nonutqiy vositalardan (imo-ishoralardan, mimika va harakat) va bevosita nutqning o'zidan foydalanadi. Nutqning barcha turlari va shakllari til shaxsining takrorlanmas individual portretini hosil qilgani holda o'zaro birgalikda mavjud bo'ladi.

Dialogni rivojlantirish faqatgina nutqning muayyan kompozitsion shaklini o'zlashtirishdan iborat bo'lib qolmay, balki u bolaning ijtimoiy jihatdan rivojlanishi va uning shaxsi shakllanishining muhim tarkibiy qismi bo'lib ham hisoblanadi. Dialogik muloqot nafaqat xabar qilishga (intellektual mazmundagi xabarga) va o'z manfaatlariga yo'naltirilishni, balki sherigining mavqesini, uning manfaatlari, istak-xohishlari va kayfiyatini ham hisobga olishni nazarda tutadi. Dialogda nutqiy harakatlarni muvofiqlashtirish to'g'ridan-to'g'ri sherigini tushuna olish, uning nuqtai-nazarini qabul qilishni bilishga ham bog'liqdir. Bunday tajribani bolalar o'zaro uyushgan faoliyatda (birgalikda yasash, rasm chizish, hikoya qilish, jamoaviy o'yinlar) orttiradilar. Tengdoshlar bilan muloqotda bola nutqi mazmunlilik (muloqot vaziyatidan qat'iy nazar til vositalaridan foydalanish asosida mazmunning tushunarligi) kasb etadi.

Maktabgacha katta yoshdagi bolalarning dialogik muloqoti jarayonida nutqning yangi shakli – monolog vujudga keladi va shakllanadi. U bolaning o'z fikrlari, hissiyotlari, atrofdagi olam haqidagi bilimlari bilan o'rtog'lashishni istashi tufayli vujudga keladi. Bunda nutq qisqa hikoya shaklida ro'y beradi. Hikoyada bolani hayron qoldirgan va hayajonga solgan qandaydir qiziq narsa (yangi o'yinchoq sotib olish, oila a'zolarining kulgili vaziyatlarga tushib qolishi va h.k.) aks etadi. Maktabgacha yoshdagi bolalar tanish ertaklarni hikoya qilish, multfilmlar mazmunini aytib berish, o'qigan narsalarini aytib berishni yaxshi ko'radilar.

Jaranglayotgan nutqqa bo'lgan qiziqishning shiddat bilan rivojlanishi, til borlig'ini eng oddiy anglashning shakllanishi maktabgacha katta yoshdagi bolalar erishgan eng muhim yutuq hisoblanadi. So'zga nisbatan lingvistik munosabat tovushlar, qofiyalar, mazmunlar bilan to'satdan boshlangan o'yinlar, so'z mazmuni, ularning jaranglashi va mazmuni haqidagi masalalarda ko'rinadi. Til borlig'ini anglash uning barcha – fonetik, leksik, grammatik tomonlarini qamrab oladi. Nutqqa nisbatan ongli munosabat lug'atni takomillashtirishga nutqning tovush madaniyatini (tovush talaffuzi, talaffuz, tinglay olish qobiliyati, ohang ifodaliligini rivojlantirishga, nutqning grammatik to'g'riligini (shakllantirishga, ravon nutqni rivojlantirishga ta'sir qiladi.

Nutqning tovush madaniyatini tarbiyalash ham til borlig'ini eng oddiy anglashni shakllantirish bilan o'zaro bog'liqdir. Maktabgacha yoshdagi katta bolalar so'zlar, tovushlar, qofiyalar bilan faol o'ynaydilar. Ular so'z jaranglagandagi umumiy va alohida jihatlarni payqay oladilar, artikulyasion va akustik jihatdan bir-biriga yaqin bo'lgan tovushlarni (S-SH, S-Z) farqlay oladilar, maqol, matal va tez aytishlardagi 4-5 ta so'zda uchragan tovushlarni sezadilar.

Maktabgacha katta yoshda nutqning grammatik to'g'riligini shakllantirish nutqqa nisbatan tanqidiy munosabat paydo bo'lishi hamda rivojlanishi, aniq va to'g'ri so'zlashga intilish bilan bog'liq so'z hosil qilishda, (non uchun – nondon, tuz uchun tuzdon va boshq) sintaksisda (og'zaki nutq qurilmasini engib o'tish: va bog'lovchisini ko'p marta qo'llash orqali gapni cho'zib yuborish, bitta gapda to'g'ri va bilvosita nutqni aralashtirib yuborish va boshq.) ko'zga tashlanadi. Nutqning grammatik to'g'riligiga intilish ko'proq etti yoshli bolalarga xosdir. Besh yoshli bolakay hali ham grammatik shakllar ustida zavq bilan mashq qiladi va aynan mana shu so'z bilan mashqlar kelajakda grammatik jihatdan to'g'ri ifodalangan nutq uchun poydevor yaratadi.

Adabiyotlar

1. F.R. Qodirova. «Maktabgacha yoshdagi rusiyzabon bolalarni o'zbekcha so'zlashishga o'rgatish» (metodik qo'llanma). Toshkent, «O'qituvchi», 1997.
2. F.R.Qodirova. R.M Qodirova. «Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi». T., «Istiqlol», 2006.

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИНИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ

*Эркаев Маъмуржон Рахмонбердиевич
Ўзбекистон ҳақаро ислом академияси таянч докторанти*

Аннотация. Ушбу мақолада ислом ҳуқуқида ижара муносабатларини тартибга солинишида ёшларнинг ўрни масаласи ўрганилди. Унда ислом ҳуқуқшунослигига оид фикҳ ва фатво жанрида ёзилган асарлардаги фикрлар муҳокама қилинди ва хулосалар билдирилди.

Калит сўзлар: ижара, ория, ҳадя, валий, эваз, ақд, қиёс, истехсон.

Мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг қизиқиши, маънавий-руҳий онгига ижобий ва салбий таъсир

кўрсатушвчи омиллар, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокини ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, ёш авлод мазкур саҳоларнинг бевосита ёки билвосита иштирокчисидир.

Ислом ҳуқуқшунослигида ижтимоий-ҳуқуқий, жумладан, савдо, ижара, ория, ҳадя каби муносабатларда ёшлар, яъни балоғат ёшига етмаганларнинг ўрни мужтаҳид олимлар томонидан батафсил ўрганилган.

Вояга етмаган ёшларнинг мазкур муносабатларни амалга оширишда синов тариқасида иштирок этишлари тўғрисида Аллоҳ таоло Қуръони каримда қуйидагича баён қилади.

“Етимларни, то балоғат ёшига етгунларига қадар назорат қилиб (вояга етиш вақтини кузатиб) турингиз: вояга етганларини сезсангиз, (қўлингиздаги омонат) мол-мулкларини ўзларига топширингиз!” [1, 77-б.]

Мазкур оятда ота-онасидан етим қолган болаларнинг мол-мулкни омонат сифати ўзларида сақлаб турган масъул шахслар ҳақида сўз бораётган бўлса-да, оят умумий маънони англатиб, валийси (ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа қаридошлари) томонидан болаларни турли тижорий муносабатларда ўзларини синаб кўришга рухсат бериш маъносини ифода этади, деганлар.

“Тафсири Қуртубий” асарида қуйидагича баён қилинган: “Уламолар: “Балоғатга етмаган болаларни кузатиб, назорат қилиш ва бирор нарсага, яъни турли тасарруфларга тайёргарлигини текшириш учун уларга маълум бир миқдордаги маблағни бериш, агар маблағни кўпайтириш чорасини кўрса ва уни тўғри ташкил қилаолса, демак, у синовдан ўтган ҳисобланади. Шундай бўлса-да, унга тегишли бўлган мол-мулкнинг тўлиқ тасарруф қилиш топширилмайди” [3, 61-62-б.], деганлар”.

Суфён Саврий: “Абу Ҳанифа, Аҳмад, Исҳоқ каби фақиҳлар: “Ёш бола валийсининг изни билан бирор нарсани сотиши ёки сотиб олиши жоиз бўлади”, деганлар. Абу Ҳанифа: “Ёш болага валийси изн бермаса ҳам тасарруф қилиши жоиз бўлади. Аммо мазкур келишув валийсининг изнига боғлиқ бўлади” [6, 15-б.], деган.

Ижара савдога оид муносабатларнинг бир тури бўлиб, юқоридаги Қуръон ояти ва уламоларнинг фикрлари ёш болаларни ижара муносабатларида бевосита ёки билвосита иштирок этишлари жоизлигини ифода қилади.

Ислом ҳуқуқшунослигида “Ижара – эваз баробарига фойда учун тузилган ақд (шартнома)” [7, 74-б.], маъносини англатади.

Демак, ижара илмий-истилоҳий маъносидан келиб чиқиб, бир нарсани маълум миқдордаги эваз баробарига вақтинча фойдаланиш учун бериш ёки олиш ҳамда шахсни муайян миқдордаги эваз баробарига бирон бир ишга ёллашдир.

Ижаранинг савдо келишувидан фарқи шундаки, унда мулк тўлиқ ижарачига ўтиб кетмайди. Балки ундан вақтинча фойдаланишни билдиради.

Ижара муносабатларини тартибга солишда фақиҳлар бир неча шартларни ишлаб чиққан. Улардан бири ижарага берувчининг оқил бўлишидир. Аммо балоғат етган бўлиши шарт қилинмаган.

Ижтимоий турмушда вояга етмаган болаларни енгил, оғир ёки ўта оғир ишларга ёлланиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Ислом ҳуқуқида бу каби ҳолатларда боланинг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилинганини кўриш мумкин. Бу

ҳақида Алоуддин Косоний (ваф. 587/1191) “Бадоиус саноеъ” асарида баён қилишича: “Балоғат ижара келишуви ва уни амалга ошириш шартларига кирмайди. Агар балоғатга етмаган шахс ўзига тегишли мол-мулкни ижарага берса ёки ўзини ижара асосида бирон бир ишга ёлланишига рози бўлса, тижоратга изн берилган бўлсагина келишув ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Агар изн берилмаган бўлса, келишув валийсининг изнига боғлиқ бўлади” [4, 524-б.].

Демак, ислом ҳуқуқида ижтимоий муносабатларга оид келишувларда балоғатга етмаган ёшлар иштирок этишига рухсат берилган. Аммо шарти шуки, валийси томонидан савдо ва шу каби тижоратга оид келишувларни амалга оширишига рухсат берилган бўлиши лозим. Акс ҳолда, келишув валийнинг изнига боғлиқ бўлиши белгиланган. Шунга кўра, валийси рухсат берса, келишув амалга оширилади. Изн бермаса, келишув бекор бўлади.

“Муҳит ал-Бурҳаний” асарида баён қилинишича: “Ота, бобо ёки улардан бошқа васийлар болани тарбия қилиш ва уни меҳнатга ўргатиш мақсадида ижара ҳақисиз бирон бир ишга ёлласа жоиз бўлади. Аммо бошқалар ёш болани ишга ёллаши мутлақо жоиз эмас”. [5, 309-б.]

Кўриниб турибдики, вояга етмаган болаларни бирон бир ишга ёллашга фақатгина уларнинг валийлари, яъни отаси, бобоси ёки уларнинг ўрнини босувчи қариндошлари ҳақли бўлади. Чунки улар боланинг тарбиясига масъул ҳисобланади. Шу боис, улар болани ҳаётга тайёрлаш учун ижара ҳақисиз бўлса-да бирон бир ишга ёллаши жоиз бўлади. Уламолар: “Ижара ҳақи асосида бўлса, яхшироқ бўлади” [5, 309-б.] деб таъкидлаганлар.

Ислом ҳуқуқида вояга етмаган болаларнинг фойда ва зарарни ажратиш ёшини белгилаш тўғриси уламолар бир хил фикрни билдирмаганлар. Чунки бу боланинг ривожланиши, табиий қобилияти ва бошқа омиллар таъсири билан боғлиқдир. Шу боис, вояга етмаган болаларнинг турли тасарруфлар, жумладан ижара келишувини амалга оширишларига рухсат берилиши учун муайян ёш белгиланмаган. Демак, вояга етмаган болаларни икки синфга ажратиб ўрганалади.

1. Ижара келишуви асосида бирон нарсани ёки таклиф қилинган ишга рози бўлиб ўзини ўзи ижарага ёлланишига рухсат берилган болалар;

2. Изн берилмаган болалар.

Вояга етмаганларга мазкур муносабатларни амалга оширишлари учун фақатгина уларнинг валийлари рухсат бериши мумкин.

Ислом ҳуқуқида ижарага изн берилган болаларнинг тасарруфлари тўғрисида ихтилоф йўқ. Барча уламолар улар ижара келишув асосида берон нарсани ижара беришлари ёки таклиф қилинган ишга рози бўлиб ўзини ижара ёлланишига рози бўлишлари жоиз. Бу ҳолатда келишув ҳуқуқий асосга эга ва бола ижара ҳақини олишга ҳақли бўлади, деган фикрни билдирганлар. Аммо муаммоли масала изн берилмаган болалар тўғрисидадир. Чунки бу ҳолатда ижара келишуви тўғри тузилган, яъни ҳуқуқий асосга эга ҳисобланмайди.

Бу ҳақида “Муҳит ал-Бурҳаний” асарида баён қилинишича: “Изн берилмаган болалар таклиф қилинган ишга рози бўлиб ижара асосида бирон бир ишга ёлланиши жоиз эмас. Умумий қоида бўйича ижара ҳақини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Чунки келишув ҳуқуқий асосга эга эмас. Ижара ҳақини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши учун келишув тўғри тузилган бўлиши лозим.

Аммо истехсон қондасига кўра, келишилган ижара ҳақини бериш лозим бўлади” [5, 311-312-б.].

Таъкидлаш жоизки, ислом ҳуқуқшунослигида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фақиҳлар истехсон услубидан кенг фойдаланган. Истехсон – луғатда бирор нарсани яхши деб билиш, маъносини англатади. Илмий истелоҳда эса, қиёс доирасидан чиқиб, унга қарши бўлган ҳукмни танлаб олишдир [2, 230-б.], маъносини ифода қилади.

“Бадоиус саноеъ” китобида айтилишича: “Агар тижоратга изн берилмаган бола ўзи учун таклиф қилинган ишни бажаришга рози бўлса ва белгиланган ишни бажарса, у ижарачи ҳисобланади ва ижара ҳақини олишга ҳақли бўлади” [4, 525-б.].

Демак, бу ўринда боланинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кўриш мумкин. Чунки келишувни бекор қилиш, боланинг ҳуқуқларини паймол бўлишига олиб келади. Бола келишув асосида гарчи изн берилмаган бўлса-да, белгиланган шартларни бажарди ва ишни ижарага берувчига топширди. Шу боис, у ижара ҳақини олишга ҳақли бўлади.

Мазкур вазиятда ижара асосида ёлланган болага эҳтиётсизлиги сабабли жароҳат етиши ёки вафот этиб қолиши ижарага ёлловчининг жавобгарлигига сабаб бўлади. Бу ҳақида “Бадоиус саноеъ” китобида таъкидланишича: “Агар ёш бола белгиланган ишни бажараётган вақтида вафот этиб қолса, ижарачи тўлайди. Чунки у вояга етмаган болани валийсининг рухсатисиз ишга жалб қилган. Шу боис, у зўравонлик билан тортиб олувчи деб ҳисобланади” [4, 526-б.].

Хизмат учун ишчи ёллаш каби келишувларда хавфсизлик чоралари кўрилиши лозим. Баъзан меҳнатга лаёқатсиз инсонлар, жумладан вояга етмаганларни ишга жалб қилиш, уларнинг жисмоний имкониятларини инобатга олмаслик, яъни оғир ёки ўта оғир ишларни бажаришга масъул қилиш ва шу каби эътиборсизликлар, ёлланган ишчининг ҳаёти учун хавфли бўлиши мумкин. Шу боис, ёш болани хизматга ёллаган жисмоний ёки юридик шахс унинг ҳаёти учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтилганда, вояга етмаган ёшларнинг турли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда иштирок этишлари табиий. Чунки оилавий, қариндош-уруғчилик ва кўни-қўшничилик алоқаларида кўпинча, ўзаро оғзаки келишув асосида ёш авлод турли даражадаги ишларни бажаришга ёлланади. Бу ҳолат баъзида келишмовчилик ва турли тортушувларга сабаб бўлади. Шу боис, вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, жумладан ижара масалаларини жамоатчиликка тушунтириш ва унинг ҳуқуқий нормаларини илмий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулазиз Мансуров. Қуръони карим маънолар таржимаси ва тафсири. – Т.: “Ўзбекистон ислом университети” 2018. – 621 б.

2. Абдулкарим Зайдон. А-Важиз фи усуул фикҳ. – Байрут. “Муассасатур рисола”. 2003. – 335 б.

3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қуртубий. Ал-Жомеъ ли аҳкомил Қуръон (Тафсиру Қуртубий). – Байрут. “Муассасатур рисола”. 2005. 24 мужаллад/б. – 571 б.

4. Алодуддин Косоний. Бадоиус саноеъ фи тартибиш шароеъ. – Байрут. “Дорул кутубул илмийя”. 2003. 10 мужаллад/5. – 580 б.
5. Бурҳониддин Маҳмуд Бухорий. Муҳит ал-Бурҳаний. – Риёз. “Мактабатур рушд” 2004. 25 мужаллад/11. – 480 б.
6. Ибн Кудома. Муғний. – Риёз. “Дор оламул кутуб”. 1997. 15 мужаллад/5. – 643 б.
7. Шамсиддин Сарахсий. Мабсут. – Байрут: “Дорул маърифат”. 1989. 31 мужаллад/15. – 185 б.

BOSHLANG`ICH SINIF O`QUVCHILARIDA MANTIQUIY FIKRLASHNI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK OMILI

*Ashurova Dilxumor Toyirjonovna
Norin tumani XTB qarashli 24-maktab psixologi*

Biz mantiqiy fikrlash, mantiq kabi soʻzlarni koʻp gapiramiz va tez-tez eshitib qolamiz. Ayniqsa mantiqiy fikrlash haqida juda soʻz yuritamiz-u, lekin oʻquvchilar qay darajada biz nazariy jihatdan asoslayotgan masalalar yechimini qabul qilayotgani yoki tushunib angalayotgani haqida unchalik koʻp maʼlumotga ega emasligimiz eng achinarli holdir. Balki, nazariy jihatdan asosli fikrlar, gʻoyalar amaliyotga tadbiiq qilinmayotganidadir. Barcha olib borilayotgan tadqiqotlar qanchalik samarali ekanligi, bu albatta, amaliyotga tadbiiq qilinib, uning natijasi koʻzga koʻringandagina bilinadi. Taʼlimda bu jarayon tezda yuzaga chiqmaydi, maʼlum vaqtni oʻz ichiga oladi. Biz yuqorida tilga olgan muammoni hal qilish yoʻlida atroflicha fikr yuritishimiz va oʻquvchi uchun zarur boʻlgan maʼlumotlarni tushunarli tilda yetkazib berish mahoratiga ega boʻlishimiz zarur. Oʻquvchilarni erkin, mustaqil, mantiqiy, tanqidiy va ijodiy fikrlashga oʻrgatishda faqatgina darslikda berilgan maʼlumotlar bilan cheklanib qotib qololmaymiz. Chunki, anʼanaviy qolipda qotib qolgan fikrlash bugungi kun talablariga javob bera olmaydi.

Jamiyat taraqqiyotida katta voqea hisoblangan “Taʼlim toʻgʻrisidagi Qonun” va “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi”ning asosini ham intellektual qobiliyatli, zamonaviy, maʼnaviyatli va maʼrifatli, mustaqil fikrlay oladigan, har bir voqea yoki hodisaga nisbatan oʻz soʻzini ayta oladigan yoshlarni tayyorlash ishi tashkil qiladi.

Boshlangʻich taʼlimda chin maʼnodagi taʼlim tarbiyaga birinchi boʻlib poydevor qoʻyiladi. Imorat mustahkam boʻlishi uchun poydevor ham shunga yarasha boʻlishi kerak. Oʻquvchilar yuqori sinfga oʻtganda fanlarni yaxshi oʻzlashtirishi uchun va tanlagan yoʻllaridan dadil borishlari uchun boshlangʻich sinf oʻqituvchisi bir oz ter toʻkishiga toʻgʻri keladi. Mantiqiy fikrlashga oʻrgatishda esa vaqt va sabrli boʻlish talab qilinadi. Oʻqituvchi dars davomida yangi pedagogik texnologiyalardan, didaktik oʻyinlardan oʻrni-oʻrni bilan foydalanishi, kerakli joylarda esa ularni oʻylashga, mantiqiy va mustaqil fikrlashga undovchi savol, muammoli va mantiqiy aqlni charhlaydigan masalalar, topshiriqlarni berib, sekin – asta oʻrgatib borish kerak. “Odamni sinchkov, ijodkor, izlanuvchan qilib tarbiyalash maktabning muhim vazifasi. Men bolalik yillarini tafakkur maktabi deb, oʻqituvchini esa oʻz tarbiyalanuvchilari

organizmi va ma'naviy dunyosini avaylab shakllantiruvchi kishi deb bilaman,"- deb aytgan edi buyuk pedagoglardan biri V. Suxomlinskiy. O'qituvchi kelajak egalari bo'lgan yoshlarni tarbiyalashdek mas'uliyatli va shu bilan birga sharafli vazifani bajarar ekan, u eng avvalo, tarbiyalanuvchilarni har tomonlama rivojlanishiga e'tibor berishi kerak.

Mantiqiy fikrlashga o'rgatish ma'lum bir darsda olib borilmaydi, balki har bir dars ichida o'tkaziladi. Birinchi sinfda mashqlar asosan o'quvchining og'zaki nutqini o'stirishga yordam beradi va fikrlashga undaydi. Ana shu fikrlash jarayonida mantiqiy fikrlashga asta-sekin o'rgatib boriladi. Dars mavzusini o'quvchilar ongli ravishda o'zlashtirib borsalar, keyingi bilimlarni egallashda turli xil qiyinchiliklarni kuchli zo'riqishlarsiz yengib o'tadilar. Biz o'qitish jarayonni qanday tushunamiz? O'qitish jarayoni- o'qituvchining va u rahbarlik qilayotgan o'quvchilarning- ularda aqliy qobiliyatlarni o'stirish, dialektik dunyoqarash asoslarini tarkib toptirish va hayotga tayyorgarlikni amalga oshirish maqsadida – bilim, ko'nikma va malakalar tizimining ongli hamda puxta o'zlashtirishga qaratilgan ilmiy asosdagi ishlarning majmuidir.

Maktabdagi o'qitish jarayoni qandaydir tasodifiy va ayniqsa, pedagogning xususiy fikridan kelib chiqadigan narsa emas. O'qitish jarayoni bilish nazariyasi asosida tarkib topadi va jamiyatning rivojlanish qonuniyatlaridan kelib chiqadigan talablarni aks ettiradi. O'quv jarayonining mohiyati o'quvchi bilish faoliyatining mantiqi bo'lib, u birinchidan, bilish bizdagi bilimlarning yagona manbai bo'lmish amaliyotni o'rganishdan boshlanishi va mavhum fikrlash asosida nazariy umumlashtirish kerakligidan; ikkinchidan, bilish olingan bilimlarni nazariy umumlashtirishlarni insondagi bilimlar haqiqatligining yagona ob'yektiv mezonlari sifatida ham xizmat qiladigan amaliyotga taqqoslash zarurligidan kelib chiqadi. O'quv jarayoni bilish jarayonining inson faoliyati sifatida psixologik- pedagogik jihatdan loyihalashga asoslanishini va olingan bilimlarni amaliyotda qo'llashni albatta o'z ichiga olishi zarur. Boshlang'ich sinf nomi bilan aytib turibdiki, o'quvchilarga barcha fanlarning boshlang'ich nuqtalari o'rgatiladi. Aslida mustahkam poydevorga g'isht qo'yiladi. Mantiqiy fikrlash faqatgina katta sinf o'quvchilari uchun xos emas, balki, boshlang'ich sinf o'quvchilarini ham o'z navbatida mantiqiy fikrlashga o'rgatib boriladi. Masalan: O'qituvchi "Noto'g'ri jumla" degan metoddan foydalanib, ularni qanday fikrlayotganini tekshirmoqchi, quyidagi jummalarni o'qib beradi va o'quvchilarga diqqat bilan tinglab, qaysi jumla mantiqan to'g'ri emasligini topish vazifasi beriladi. "Bahor! Hammayoqni yam-yashil maysalar qoplagan. Daraxtlar oppoq gulga burkangan. Tabiatda juda katta o'zgarishlar yuz bermoqda. Dehqonlar esa hosillarni nes-nobutsiz yig'ishtirib olish uchun tinmay mehnat qilyaptilar." O'quvchilar mantiqan o'ylab, qaysi jumla noto'g'ri ekanligini topish bilan bir qatorda, nima uchun noto'g'ri ekanligini aytib berishlari ham talab qilinadi. Bu metodikani o'tkazishdan asosiy maqsad, bolalarni fikrlashga, diqqatini bir joyga to'plashga va e'tiborli bo'lib, mantiqan fikrlashga o'rgatishdan iboratdir. Agar o'quvchi fikrlashda adashsa, o'qituvchi unga yo'llanma berib to'g'rilab turishi kerak. Uning fikrlarini xato deb qayirib tashlash o'quvchiga yomon ta'sir qilishi mumkin. Mamlakatimiz Prezidenti I. Karimov kelajak avlodni mustaqil va mantiqiy fikrlashi, o'zining fikriga ega bo'lishi kerakligi haqida quyidagi so'zlarida ta'kidlab o'tadi: "Demokratik jamiyatda bolalar, umuman har bir inson mustaqil va mantiqiy fikrlaydigan etib tarbiyalanadi. Agar bolalar mantiqiy

fikrlashni o'rganmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar. Albatta, bilim kerak. Mustaqil va mantiqiy fikrlash ham katta boylikdir"

Karima Qosimovaning mantiqiy fikrlashga o'rgatishda mantiqiy mashqlarning o'rni haqidagi quyidagi fikrlari har bir o'qituvchining e'tiborini o'ziga jalb eta oladi.

"Mantiqiy mashqlar bolalarning narsa va atrof muhit haqidagi bilimlarini tartibga soladi va ularga to'g'ri fikrlash usullarini o'rgatadi. O'quvchi maktabga kelganda, ko'p lug'at boyligiga ega bo'lsa ham, odatda, tafakkurning taqqoslash, qarshi qo'yish, umumlashtirish, guruhlash usullaridan foydalanishni bilmaydi (ayniqsa, bilish faoliyatining ob'yekti aniq predmet emas, uni ifodalovchi so'zlar bo'lsa). Mantiqiy mashqlarning vazifasi u yoki bu narsa va hodisalar bilan tanishish asosida bolalar predmet va hodisalardan muhimini, umumiysini ajratishga, so'z bilan aniq ifodalashga o'rgatish, bolalarga mantiqiy tizimini o'rgatish bilan bilimni material tomondan boyitish va uni aqliy tomondan o'stirish hisoblanadi.

Mantiqiy mashqlar bolalarning so'z boyligi va tilining umumiy o'sishida katta ahamiyatga ega bo'lib, lug'at ishi va tilga oid boshqa ishlar bilan bog'lab olib boriladi".

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxat:

1. Karimova V.M. Psixologiya. T.: 2002.
2. Qosimova K va boshqalar. Ona tili o'qitish metodikasi. T.: Noshir, 2009.
3. Sharipov M, Fayzixo'jayev D. Mantiq. T.: 2004.

КАРАНТИН ВАҚТИДА ҚЎРҚУВ ВА СТРЕССНИ ЕНГИШДА НИМА ЁРДАМ БЕРАДИ? ПСИХОЛОГДАН МАСЛАХАТЛАР

*Назарова Шоҳиста Аззамкуловна
Сурдарё туман 9 мактаб психологи*

Стресс-бу организмнинг экстремал шароитларига жавоб реакциясидир. Стресс ҳолатининг ривожланиши уч босқичга ажратилади:

1. **Таҳдид (хавотирланиш).**
2. **Резистентлик (чидаш).**
3. **Ҳолдан тойиш, мадорсизланиш.**

Стресслар инсон учун хавфли ва ижобий бўлиши мумкин. Инсон ҳаёти давомида жуда кўплаб ўй фикрлар пайдо бўлади, буларнинг барчаси мияга катта юк юклайди. Натижада руҳиятнинг мосланиш функцияси пасаяди ва стрессга олиб келади. **Стрессларсиз ҳаёт кечириб бўлмайди, чунки стрессларнинг бўлмаслиги бу ўлим билан баробар деган эди Г.Селье.** Демак стресс организмнинг фақулотдаги ҳолатларга носпецифик реакциясидир.

Бугунги кунда кўпчилик пандимия шароитида стресс, хавотир ёки қўрқув каби салбий ҳолатлар кузатилаётгани табиий. Уларга психологик ёрдам кўрсатиш ҳозирги вақтда жуда долзарб. Психологик мазмунга кўра, пандимия шароитидаги безовталиқ одамларда вазиятни янада қийинлаштиради. Шу сабабли баъзи фойдали маслаҳатларни бериб ўтамыз:

1. **Ишончли манбааларни ўқинг.** (Касаллик ҳақида Жаҳон сағлиқни сақлаш ташкилоти ва Республика соғлиқни сақлаш идораларининг ишончли

манбаларига таяниш жуда муҳимдир.) Агар сиз янгиликларни ўқиётганингизда ўзингизда ваҳима кўзғалишини ҳис этсангиз ва хавотирлик ҳисси сизда ошса, интернетда ўтиришдан вақтингизни чекланг. Ваҳимали фикрлар билан ёлғиз қолмаслик учун, сиз янгиликларни ўқишингиз учун кунига 30 минут вақт ажратишингиз фойдалидир, албатта куннинг биринчи ярмида ўқинг.

2. Салбий фикрлардан узоқроқ турунг. -Турли хил салбий фикрларга эга бўлган одамлар билан баҳслашиш учун куч сарфламасликка ҳаракат қилинг.

3. Кундалик ҳаракатларингиз ҳақида ўйланг. -Уйқу, овқатланиш, жисмоний фаолликни кузатиб боринг, шахсий гигиенага риоя қилинг, шифокор тавсиясига амал қилинг, иложи бўлса мунтазам равшда шифокор кўригидан ўтинг.

4. Ёрдам сўрашни унитманг. –Номаълум ва ҳаддан ташқари вазиятларда, ёрдам сўрашдан кўрқманг, шахсий учрашувлар чекланган пайтда яқинларингиз билан мобил алоқада бўлинг. Агар ҳис-туйғулар сизни ортикча ташвишга солаётганини сезсангиз психолог ёки психотерапевтдан ёрдам сўранг.

Ваҳима билан қандай курашиш керак.

Юртимиздаги карантин ҳолати билан боғлиқ вазият албатта, одамларнинг ҳиссий ҳолатига ўзига ҳос таъсир этиши табиий. Биз бу ҳолатни бошдан кечиряпмиз ва унга ҳар хил муносабатта бўляпмиз. Кимдир эътибор бермаяпти, кимдир ғазабда, кўрқди ва яна кимдир ваҳима ичида содир бўлаётган воқеаларда айбдор бўлганларни қидирмоқда. У нафақат вирус фаҳимасини, балки инсонлар ўртасида ахборот кўчкисини пайдо этади ва бу ўз навбатида психология фани тилида психологик инфекцияни юзага келтирмоқда. Психологик инфекция-бу ваҳима ва кўрқувдан иборат бўлиб, унинг таъсири бутун жамият кишилари психикасига таъсир этади. Кўрқув энг хавфли психологик инфекция сифатида салбий оқибатларга эга.

Айрим психологик маслаҳатларга амал қилинг: Кўлингиздан келадиган 20 та фойдали иш.

- Доим бир бир хил вақтда ухланг, бир хил вақтда уйғонинг.
- Нонушта, тушлик, кечки овқатни ҳар куни бир хил вақтда тановул қилинг.
- Бир суткада 8 соатдан кўп ухламанг.
- Ётишдан аввал бир оз пиода юринг ва тоза ҳаводан баҳраманд бўлинг.
- Кун давомида камида 1,5 литр сув ичинг.
- Ҳар куни мева сабзавотлар истеъмол қилинг.
- Ётишдан олдин бир стакан қатик ичинг.
- Кун давомида компьютердан 2 соатдан кўп фойдаланманг.
- Ташқи кўринишга эътибор беринг.
- Тонгда югуринг ва пиёда юринг.
- Спорт билан мунтазам шуғилланинг.
- Эрталабки бадан тарбияни қанда қилманг.
- Табассум қилинг.
- Ҳар куни 5та янги сўз ўрганинг.
- Ҳар куни ўзингизни тартибга солинг кераксиз нарсалардан воз кечинг.

- Ҳар куни янги нарса ўрганишга ҳаракат қилинг, бугунги кунингиз кечагисидан фарқ қилсин.

- Ҳар куни камида 10-15 саҳифа китоб ўқинг.
- Ўзингизда сабр-қаноат фазилатини шакллантиринг.
- Инсонларда чиройли муомилада бўлинг.
- Фақат яхши ният қилинг.

Стрессни даволаш ва олдини олиш.

Барчага маълумки яхши уйқудан кўра яхшироқ дори йўқ. Шундай экан, сиз қандай ухлашингиз ҳақида ўйлаб кўришингиз керак. Қуйида уйқуни яхшилашга ёрдам берадиган баъзи тавсиялар келтирамиз:

- ✓ Мунтазам машқлар нормал уйқу учун катта ёрдам беради. Уларни ётишдан икки соат олдин, очиқ ҳавода бажариш тавсия этилади.

- ✓ Ухлашдан олдин иссиқ ванна қабул қилиб, сокин мусиқа тинглашингиз мумкин. Ҳар куни буни қилишга ҳаракат қилинг.

- ✓ Уйқу нормал ва соғлом бўлиши учун организмга мелатонин деган гармон керак. У гармон эса гуруч, буғдой, арпа, писта уруғи, қуритилган ўрикда кўп бўлади.

- ✓ Ётоқхона ёруғ ва шовқинли бўлмаслиги керак, булар ухлашга халақит беради.

- ✓ Стрессли вазиятни енгишда бир текис ва сокин нафас олиш ёрдам беради. Нафасни бурун орқали чуқурроқ олиш керак, чиқаришда эса секин, оғиз орқали чиқариш керак.

- ✓ Стрессда тўғри овқатланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Озиқ-овқат осон ва яхши ҳазм бўлиши керак. Шошмасдан, кам-камдан овқатланиш керак. Овқатлангандан сўнг бир оз дам олиш керак.

- ✓ Стресс билан курашишда халқ табobati усуллари бор. Мойчечак яхши таъсирга эга. Унинг дамламаси бош оғриқи, уйқусизлик билан курашади ва тинчлантирувчи таъсирга эга. Бу зўриқишни, ташвишларни енгиллаштириш учун ишлатилади, ҳатто оғир стрессда ҳам ёрдам беради.

SHAXS KREATIVLIGINI RIVOJLANTIRISHDA ARTTERAPIYA USULLARI

*Bo'riyeva Zebiniso Kaxramonovna
TerDU magistri*

Juda ko'pchilik ijtimoiy-psixologik muammolar inson ongi va ruhiyati bilan bog'liq holda yuzaga keladi. Kishilar psixologga murojaat qilganlarida ko'pincha muammolarni o'zlari bilan emas, hayotida ro'y berayotgan o'zgarishlar, tashqi olamdagi voqea hodisalar, odamlar, ularning munosabatlari bilan bog'lashadi. Vaholangki, har bir insonning ichki tuyg'usi mavjud bo'lib, bu tuyg'uning atrof olam, jamiyatdagi jarayonlar bilan mos kelmasligi muammoning asosiy sababi ekanligi

psixologlarga ma'lum. Bunday nomutanosiblik tufayli inson aziyat chekadi, azoblanadi va oqibatda bu iztiroblar uning hayotida xilma xil energiyani hosil qiladi.

Kreativ CREA lotincha so'z bo'lib, yaratuvchanlik, ijodkorlik ma'nolarini anglatadi. Bir qarashda ta'lim jarayonini kreativ g'oyalar asosida tashkil etish o'quv dasturida belgilangan talablardan chetga chiqishdek tasavvur qoldiradi. Biroq, kreativlik, ijodiy yondashish o'quv mashg'ulotlarini mavjud Davlat ta'lim standartlari (DTS)ga moslashtirish, qolaversa, o'qituvchilardan o'qitish jarayoniga nisbatan kreativ, ijodiy yondashuvni ta'minlashga xizmat qiladigan metod, usul va vositalar mashg'ulotlarni metodik jihatdan samarali, to'g'ri olib borishni ta'minlaydi.

SHaxsda kreativ fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirish uchun, eng avvalo, ularda tanqidiy fikrlash malakalarini shakllantirish talab etiladi. O'quv materiallarini o'quvchilarga taqdim etishda savolning <<Agarda ...?>> deb qo'yilishi topshiriqlarni bajarish jarayonida ularning ham obyektiv, ham subyektiv fikrlash ko'nikmalarini samarali o'zlashtirishni ta'minlaydi. Kreativlik o'quvchilarda nafaqat yangi g'oyalarni ilgari surishini taqozo etishi, balki o'quv masalalari bo'yicha qarorlar qabul qilish, tahlil etish ko'nikmalarini ham shakllantira olishi lozim. Kreativlik jarayoni boshlang'ich g'oyalarni ishlab chiqish, ularni tadqiq qilish va tahlil etish, zarur bo'lsa ulardan voz kechishni ham o'z ichiga oladi. Ayni o'rinda shuni ham aytib o'tish joizki, ta'lim jarayoniga nisbatan kreativ yondashuv ta'lim olish, o'quv fanlari asoslarini o'zlashtirishga nisbatan qiziqishi susaygan o'quvchilar bilan ishlash maqsadida emas, balki barcha o'quvchilar bilan jonli, qiziqarli, jo'shqin muloqotga kirishish, ularni faollikka undash uchun qo'llaniladi.

Psixologiyada kreativlik voqeylikni o'ziga xos aks ettirishga, kishining oilam haqidagi boy tasavvurlarga egaligini ifoda etuvchi tafakkur uslubi sifatida baholanadi. O'z ichki olamini bilish, tushunish, his qilish hususiyati ko'pchilikka xosdir. SHuning uchun ham aksariyat odamlar o'z hayotini ma'lum maromga solib, ruhiyatini ongli idora qiladi. Afsuski, ayrim kishilarda bu garmoniyani his etish va boshqarish qobiliyati sust bo'ladi va ruhiy muammolar tufayli aziyat chekish ko'pincha shu toifadagi odamlarda ko'proq kuzatiladi. Eng qiziqarlisi shundaki, ko'pincha bu kabi muammolarning asosiy sababi insondagi ijodkorlik va uning o'z vaqtida ro'yobga chiqarish imkoniyati bilan bog'liq bo'lar ekan. Demak, ijodkorlikni ro'yobga chiqarish orqali inson ruhiyatidagi tashqi va ichki olam garmoniyasiga erishish mumkin degan xulosa chiqarsak mubolag'a bo'lmaydi.

Psixologiya ilmida bu kabi ruhiy muammolarni o'rganish va bartaraf etish bo'yicha ishlari talaygina. Shulardan eng samaralilaridan biri Art terapiya usulidir. Art terapiyaning qadim zamonlardan vujudga kelgan. O'tgan asr o'rtalarida klinik psixoterapiyada odamlarga san'at orqali ta'sir etish rivojlanib ketdi. Art terapiya atamasini birinchi marta Andrean Xill tomonidan fanga kiritildi. U maxsus tuberkulyoz kasalxonasida, art pedagog lavozimida ishlagan. Unga qadar olimlar Freydni fikriga asoslanib, odamning ichki "meni" xar xil ko'rinishda namoyon bo'ladi va o'z meni orqali xarakatlanadi deb aytadi. Rasm chizganda xam xuddi shu narsa takrorlanadi.

Terapiyaga san'at tushunchasi kirib kelishi XX asr o'rtalarida to'g'ri keladi. Birinchi bo'lib art terapiyani bemorlarda qo'llanilgan va samarali natijalarga erishganlar. Ularning asosiy vazifasi bemorlarni xastaliklarni tufayli ortirilgan salbiy emotsiyalarni yo'qotish bo'lgan.

Psixologik manbalardan ma'lum bo'lishicha, 1950-1960 yillarda g'arbda ruxiy kasalxonalar kamaytirilib, o'rniga ambulator kunduzgi kasalxonalar ko'paytirilgan. Natijada ruxiy bemorlarni davolash ishlariga pedagoglar, ruxoniylar, psixoterapevtlarni xissasi qo'shila boshlagan. Bu esa art terapiya nazariyasi va amaliyoti rivojiga olib kelgan. Art terapiya o'zini imkoniyatlar diapazonini kengaytira borib, so'nggi 2-3 o'n yillikda art terapiya o'zida juda ko'p psixoterapevtik yondashuvlarni sintez qilib mustaqil metodlarni qabul qildi.

Xozirgi kunda art terapiyaning quyidagi turlari yuzaga kelgan :

- 1 Rasm terapiya
- 2 Dramaterapiya
- 3 Biblioterapiya
- 4 Musiqaterapiya
- 5 Raqsterapiya
- 6 Kinoterapiya
- 7 Qo'g'irchoq terapiya
- 8 Origami

Ayniqsa, art terapiyani rasm chizish treninglari amaliyotda ko'p qo'llaniladi. Art terapiya san'at bo'lgani uchun ham treninglarda musiqa bilan davolash, raqs orqali, she'rlar, fotografiya, sahnada rol o'ynash ham eng samarali usullardan hisoblanadi.

Art terapiya bolalarda maktabgacha yosh davrda (3-7 yoshlar) va kichik maktab yoshida (7-11 yoshlar) qo'llanilish muvaffaqiyatli va samarali hisoblanadi. Bolalar bilan individual va guruh tarzda shug'ullanish mumkin. Psixologga murojaat qilgan ota onalar, bolalaridan shikoyat qilishganda, bolalar bilan psixolog suhbatini unchalik samarali bo'lmasligi mumkin. Lekin art terapevtga murojaat qilinsa bolalar rasm chizish orqali tinchlanishi, xarakterdagi zo'riqlashlarni bartaraf etishi mumkin.

Art terapevtga murojaat qilgan bolalarni avvalo individual tarzda qabul qilinadi. Chunki bola bilan tanishish, uni kuzatish, individual korreksiya qilish muhim bo'lgan jarayondir. Keyin esa bola guruhga kirsa bu uning moslashishiga qulay bo'ladi.

Art terapiya treninglari yordamida diqqatni bo'linuvchanligini yaxshilash, ongini faollashtirish, qaror qabul qilishda qat'iyatli bo'lish, shaxslararo munosabat o'rnatishda yordam beradi. Art terapiya treninglari orqali o'zimizni va boshqalarni anglaymiz. Biz trening jarayonida rasm chizish ekanimiz o'zimizning stresslarimizni, emotsiyalarimizni, tuyg'ularimizni, xoxish va istaklarimizni, qo'rquvimizni ongsiz holatda ifoda etamiz.

Art terapiya yordamida quyidagilarni bartaraf etish mumkin: emotsional buzilishni, emotsional zo'riqlash, odamovi bo'lib qolsa, uyatchanlikni, salbiy ta'sirlarni bardosh bilan yengishni, qo'rquvni korreksiya qilish, to'siqlarni yengish, Stress xolatlarini, Psixologik travma, ichki shaxslararo nizolarni;

Art terapiya treninglarida quyidagi ish qurollaridan foydalaniladi va mashg'ulotlarda ish qurollari erkin tanlanadi: bo'yoqlar, qalamlar, (har qanaqasi) rangli mellar, plastilin, rangli qog'oz. Qog'ozlar turli formatda; folga tekstil; kistochkalar; gupkalar; Bolalarni ish qurollarini tanlashganlarini kuzatganda maktabgacha yosh davrda bolalar qum bilan, rangli qog'ozlar bilan ishlashga qiziqishlarini ko'rish mumkin. Maktab yoshidagi bolalar esa bular bilan umuman qiziqmay, ular qalamlar va bo'yoqlar bilan ishlashga oshiqadilar. Mashg'ulotlarda materialni tanlash mijozning

holati va shaxsini hamda art– terapevtik protsessni dinamikasini bog'liq bo'lishi mumkin.

Art terapiyani qo'llashda ko'pincha bizni qurshab turuvchi qurshovlar va ularga insonning munosabatini o'zgartirish tamoyiliga asoslaniladi. Bu qurshovlariga:

1. O'z o'zidan qoniqmaslik– bu o'zini qadrlamaslik, o'zini yemirish, o'zini notovon deb hisoblash. Qalb deb atalmish go'zal bir oshiyonga nigoh solmaslik, aql-idrokni oily maqsad deb bilmaslik;

2. Qo'yilmagan maqsad- hech qayerga bormaydigan yo'ldir.

3. Dangasalik- bu xotirjamlik o'limning mitti ko'rinishidir. Yalqovlik bizni iroda kuchimiz, say harakatlarimiz bartaraf etamiz.

Art terapiya mashg'ulotlari davomida shaxsning o'z ijodiy salohiyatini anglashga yo'naltirish orqali, shaxsiy muammolarining mohiyatini tushunish va ularni bartaraf etish uchun o'z ijodiy salohiyatini, kreativ fikrlashni yuksaltirishga erishish orqali hayotiy garmoniya hosil qilinishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.A.I.Kopitin “Xrestomastiya Art terapiya” Piter Sankt-Peterburg Moskva-Xarkov-Minsk 2001

2.<http://psylib.myword.ru>

BOLA SHAXSIDA SALBIY O'ZGARISHLARNI KELTIRIB CHIQUARUVCHI TASHQI TA'SIRLARNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI

Hasanov Umarbek Begmat o'g'li

Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti 1-kurs talabasi

Annotasiya: Bola xulq atvorida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari.

Kalit so'zlar: Bolalar psixologiyasi, Pedagogik psixologiya, Tarbiya, Tarbiyaning metodologik masalalari, Ibrat, Tarbiya samaradorligi printsiplar, Bola shaxsiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi illatlar.

Bolalarning murg'ak qalbiga hech bir narsa ibratdek kuchli ta'sir etmaydi va barcha ibratlar ichida ota-ona ibratidan kuchliroq va mustahkamroq o'rin oladigan ibrat yo'q. N.I.NovikovRivoyat qiladilarki, bir ona donishmand oldiga kelibdi va bolasining tarbiyasiga qachon kirishish kerakligi haqida surabdi. Donishmand bolaning necha yoshga kirganini so'rabdi. Besh yoshga to'lganini bilib onaga xitob qilibdi:

— Tezda uyga qayt!

Bola tarbiyasida eng kerak bo'lgan besh yilni sen boy berib qo'yibsan! Shunday, bola dastlabki yillarda tez va ko'p qabul qiladi va tarbiyaning asosiy qismini qabul qiladi. Tarbiya keyin ham davom etaveradi. “Lekin siz mevani keyin ko'ra boshlaysiz, — deydi bir donishmand — bu o'zingiz bir vaqtlar, bolangiz besh yoshigacha bergan tarbiyangiz gulining mevasidir” bu davrda bolaning olamni bilishi odamni bilishi orqali kechadi. Yaxshilik va yomonlik degan katta tushunchalar ota va onasining bir-biriga

munosabati, ovozi, qarashi, harakati orqali borlig'iga singib boraveradi. Donishmandlar kishi keyin umr bo'yi o'zi yashaydigan yaxshilik va yomonliklarning qariyb 90% ni aynan bolalikning ilk davrida olishini, besh yoshli bala bilan keksalik o'rtasi bir qadam ekanligini tan olishadi.1

Hozirgi davrda mamlakatimizda, shu jumladan xalq maorifi tizimida amalga oshirilayotgan o'zgarishlar o'qituvchilar, barcha pedagoglar oldiga o'quvchining bilimlarni yuksak darajada o'zlashtirishi; o'quvchilar mustaqil tafakkurini, ular aktivligini rivojlantirish; ularda yuksak axloqiy sifatlarni tarbiyalash; ularning tafakkur, muloqot, o'qish, mehnat qilishga bo'lgan qobiliyatlarini taraqqiy ettirish kabi murakkab va mas'uliyatli vazifalarni qo'yimoqda. Bu vazifalarni muvaffaqiyatli hal qilish uchun faqat pedagogika fanining nazariy asoslarini, har bir o'qituvchi predmetni o'qitish metodikasini, maktab o'quvchilarining fiziologiyasi asoslari, maktab o'quvchilari gigiyenasi asoslarinigina bilish emas, balki ma'lum darajada psixologik bilimlarga ham ega bo'lish lozim. Har bir pedagog ma'lum darajada psixolog ham bo'lishi talab etiladi, chunki ular har biri faqat o'ziga xos bo'lgan, turli yoshdagi, turli individual xususiyatlarga ega bolgan o'quvchilar bilan ish olib boradi. Har bir bola faqat o'ziga xos bilish faoliyati, iroda, xarakter, xulq-atvor xususiyatlariga ega. Maktabdagi ta'lim-tarbiya berish jarayonida ham shu xususiyatlarni bilish va shunga asoslanib ularga individual munosabatda bo'lish lozim. Mana shularni hisobga olgandagina, har bir pedagog o'zining asosiy vazifasi, ya'ni yosh avlodga ta'lim-tarbiya berish ishini muvaffaqiyatli amalga oshiradi. Shuning uchun ham psixologiya fanining alohida sohalari bo'lmish yosh (Bolalar) va pedagogik psixologiya asoslarini chuqur bilish har bir pedagog uchun muhim hisoblanadi.

Bolalar psixologiyasi - bu bolalarning psixologik rivojlanishining umumiy va o'ziga xos xususiyatlarini, bu jarayon turli yoshlarda qanday sodir bo'lishini, uni qanday kuchlar va qonunlar boshqarishini o'rganadigan psixologiyaning bir bo'limi. Shu sababli, bolalar psixologiyasini ko'pincha yoshlar psixologiyasi deb atashadi.

1.Mirzo Ulug'bek nomidagi astronomiya, fizika, matematika va informatika fanlariga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktab-internati online sahifasi.

Bolalar psixologiyasi bolalardagi aqliy jarayonlar (kognitiv, og'zaki, hissiy, irodaviy va boshqalar) ning ko'rinishi va rivojlanishini, aqliy xususiyatlarini rivojlanishini, har xil faoliyatning (o'yin, o'rganish, mehnat) rivojlanishini va bolaning shakllanishini o'rganadi. Bolalar psixologiyasi umumiy psixologiyada ishlab chiqilgan tadqiqot usullaridan foydalanadi, ammo uni qo'llash o'ziga xos xususiyatlarga ega. Bolaning yoshini o'rganish uchun ko'ndalang kesma va longityud deb nomlangan tadqiqotlar qo'llaniladi.2

Birinchi holda, turli yosh guruhlariga mansub bolalarda bir vaqtning o'zida faqat bitta aqliy jarayon o'rganiladi. Ikkinchi holda, ma'lum (tanlangan) bolaning aqliy xususiyatlari ko'p yillar davomida o'rganiladi. Bu, o'z navbatida, ularga aqliy rivojlanishning umumiy yo'nalishini kuzatish imkonini beradi. Bolalar psixologiyasi mustaqil fan sifatida 19-asr o'rtalarida shakllana boshladi. U pedagogik psixologiya, pedagogika va yuqori asab faoliyati fiziologiyasi bilan chambarchas bog'liqdir. Uning bilimi va xulosalari yangi avlodlarni o'qitish va tarbiyalash nazariyasi va amaliyoti uchun ham, umumiy psixologiya uchun ham muhimdir.

Bola ijtimoiylashuvida sotsium muhim ahamiyatga ega. Bu ijtimoiy muhitni bola asta-sekinlik bilan o‘zlashtiradi. Agar bola tug‘ilgandan keyin asosan oilada rivojlansa, uning keyingi rivojlanishi yangi va yangi muhitlar-maktabgacha ta’lim muassasalari, maktab, maktabdan tashqari tarbiya muassasalari, turli ko‘ngilochar maskanlarda kechadi. Yosh ulg‘aygan sari ijtimoiy muhit “hududi” kengayib boradi. Bola qanchalik ko‘p muhitlarni o‘zlashtirsa, u shunchalik keng doira hududini egallashga harakat qiladi. Bola doimo o‘zi uchun qulay bo‘lgan uni yaxshi tushunadigan, unga hurmat bilan munosabatda bo‘ladigan muhitni izlashga urinadi. Shuning uchun u bir muhitdan boshqa muhitga ko‘chib yuradi. Muhit bolani shakllantirishda, uning ijtimoiy tajriba to‘plashida ijtimoiylashuv jarayoni uchun muhim ahamiyatga ega.

2. Bola psixologiyasi (wikipediya)

Keling, endi bola xulq atvorida salbiy o‘zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta’sirlar haqida gaplashsak.

Hammamizga ma’lumki, Oilada ota-onalar o‘rtasidagi o‘zaro samimiyat, hamjihatlik, mehru oqibat, o‘zaro hurmat, shirinsuxanlik, bir-biriga g‘amxo‘rlik qilish kabi munosabatlar farzand tarbiyasiga ijobiy ta’sir qiladi.

Bugungi kunda hayotda ko‘plab muammolarga duch kelamiz. Bulardan eng avvalosi bu- inson xarakteridir. Inson xarakteri qaerdan va qanday shakllanadi?. Albatta bu oiladan boshlanadi. Oila – bu juda nozik muassasa. Bu farzand dunyoga kelganidan, ota-onaning bir-biriga bo‘lgan munosabatidan boshlanadi. Ota-onaning bosayotgan har bir qadami bolaning ongiga o‘rnashib qoladi.

Ba’zi otalar farzandlari sigareta chekishiga o‘rganib qolganidan shikoyat qilishadi. Hurmatli Otalar, o‘zingiz uyda sigareta chekasizmi? O‘zingiz uyda sigareta chekib turib, qanday qilib farzandingizga sigareta chekma deb ayta olasiz? Ba’zida ota-onalar farzandlari ularni hurmat qilmayotganidan shikoyat qilishadi. Hurmatli ota-onalar, sizlar bir-birlaringizni chin dildan hurmat qilasizlarmi? Axir, har bir bola ota-onasidan, aka-opasidan o‘rnak oladi. Bir so‘z bilan aytganda oiladagi muhit unga ta’sir qiladi.

Oilada tanqid, yolg‘on, g‘azab, masxara, janjal, notinchlikni ko‘rib o‘sgan farzand yolg‘on gapirishni, janjallashishni, g‘azablanishni va boshqlarga ozor berishni o‘rganadilar. Ota bobolarimiz ham “Qush uyasida ko‘rganini qiladi” deb bejiz aytishmagan.

Shu bois, bizning oiladagi rolimiz juda ham muhimdir. Qiz bola ham ayollik jozibasi nima ekanligini, dunyoga kelganidan boshlab onadan o‘rganadi. Ona uydagi ayollik rolini chiroyli kiyinib, nazokat bilan amalga oshirishi, turmush o‘rtog‘i va farzandlariga qilayotgan muomalasi bilan o‘z qiziga o‘rnak bo‘ladi. Ana o‘shanda qiz voyaga etib, oila qurganda o‘z vazifasini chiroyli bajaradi.

Oilada dalda, maqtov, ishonch, halollik, mehr va xavfsizlikni ko‘rib o‘sgan farzand sabr qilishni, o‘zini va boshqalarni xurmat qilishni, o‘ziga bo‘lgan ishonchni va boshqalarni yaxshi ko‘rib ularni xurmat qilishni o‘rganadi.

Oilaviy muammolarda ko‘p hollarda “qars ikki qo‘ldan chiqadi”. Oila mustahkam qo‘rg‘onga aylanishi uchun oilada ikki taraf ham bir yoqadan bosh chiqarishi yaxshiroqdir. Er-xotinning do‘stona munosabati, ahilligi va mehr-oqibati farzandlarimizga ham o‘tadi.³

O'QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH

*Qosimova Shahnoza Imoilovna
Namangan viloyati Uychi tumani 22-maktab psixologi*

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'lim tizimidagi o'ziga hos jihatlar, ta'limda pedagogik texnologiyalarning qo'llashning afzalliklari, o'quvchilar dunyoqarashining rivojlanishida texnologiyalarning o'rnini xususida fikrlar bildirilgan. Shuningdek taapedagogik texnologiya rivojlanishiga xissa qo'shgan olimlarga ham qisqacha to'xtalib o'tilgan. Umuman ta'limda innovatsion yondoshuv ijobiy natijalar berishi yoritilgan.

Davlat va jamiyat hayotini modernizatsiyalash jarayonlarining harakatga keltiruvchi kuchi, O'zbekistonning bugungi va istiqboldagi izchil taraqqiyotining bosh omili bo'lgan insonning ma'naviyatini va kasbiy salohiyatini yuksaltirishda tajriba va mahoratini yanada takomillashtirish muhim ahamiyatga ega.

Demak, bugungi kun mutaxassisi o'z ustida tinimsiz mehnat qiladigan, har tomonlama keng fikrlaydigan, ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini samarali qo'llay oladigan ijodkor shaxsga, yoshlarning yuragiga chuqur kirib boradigan yuksak fazilatlar egasiga aylanishini hayotning o'zi taqozo etmoqda. Shu nuqtai nazardan, hozirgi kunda kasbiy o'zlikni anglash muammosi davr talabidir.

Birinchi yurtboshimiz I.A.Karimov: "...yuksak maqsadlarga erishishning hal qiluvchi omillaridan biri bu – hech shubhasiz, mamlakatimiz aholisining ongu-tafakkuri va dunyoqarashida yuz berayotgan o'zgarishlar, uning hayotga, mehnatga bo'lgan munosabati, tobora o'sib borayotgan siyosiy va huquqiy madaniyati, desam, aslo mubolag'a bo'lmaydi" – deb ta'kidlaydi.¹¹

Kasb-hunar kolleji o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning o'ziga xos xususiyatlari mavjud. Kollej o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirish ayniqsa, insonning tarbiyalanganligini, balki, eng avvalo, u bashariyat tomonidan jamlangan amaliy tajribalarni o'zlashtirib olishni nazarda tutish zarur.

Kasb-hunar egallashida shaxsning yangi integrativ sifat ko'rsatkichlarini hisobga olish, uni kasbiy mahorat va kasbiy yetuklikka yo'naltirish masalalari alohida o'rin egallaydi. Unda o'qituvchining turli sifatleri majmuasi o'z aksini topadi.

Bugungi kunda kasb-hunarga yo'naltirish muammosi faylasuflar, psixologlar, pedagoglar va metodistlarda katta qiziqish uyg'otmoqda. Biroq shuni ta'kidlash joizki, hozirgacha bu murakkab ijtimoiy hodisaning mohiyatini ifodalovchi, uning ta'limni takomillashtirish sharoitidagi aniq xususiyatlarini mujassamlashtirilgan kasb-hunarga yo'naltirish faoliyatga moslashish konsepsiyasi ishlab chiqilgan emas. Bugungi kunda kasb-hunarga yo'naltirishga ehtiyoj mavjud bo'lib, uning obyektiv muammolari ham ko'zga tashlanmoqda. Bu muammolarni aniqlash va hal etish yo'llarini topishning zaruriy dasturlarini amalga oshirish lozim.

¹¹Inson manfaati, huquq va erkinliklarini ta'minlash, hayotimizning yanada erkin va obod bo'lishiga erishish – bizning bosh maqsadimizdir. Xalq so'zi 2012 y/ 8 dek.

Umumiy o'рта ta'lim maktablarida o'quvchilarni kasbga yo'naltirish bo'yicha amaliyotda qo'llanilayotgan o'quv-dasturiy hujjatlar tahlili ularning quyidagi davr talablariga javob bera olmasligini ko'rsatdi:

- o'quv rejalarida o'quvchilarning bo'lajak kasbiy faoliyatiga bevosita bog'liq bo'lgan maxsus fanlarni o'rganishga yetarli darajada e'tibor qaratilmagan;
- mutaxassislikning o'ziga xos jihatlarini hisobga olgan holda ta'lim yo'nalishida ta'lim olayotgan o'quvchilarni o'quv ishlab-chiqarish va pedagogik amaliyotlarining zamon talabi darajasida yo'lga qo'yilmaganligi;
- ayrim o'quv fanlarining mazmunan bir-birini takrorlashi, ya'ni ular orasida izchillik, uzviylik va fanlararo aloqadorlikni o'rnatilmaganligi;
- umumta'lim fanlarining mazmunida kasbiy yo'nalganlik ta'minlanmaganligi;
- nashr etilgan darsliklar, o'quv va metodik adabiyotlar hamda didaktik tarqatma materiallarning hozirgi kun talablarini yetarlicha qondira olmasligi;
- ta'limning moddiy-texnik, ilmiy-metodik jihatdan zamonaviy talablar darajasida jihozlamaganligi.

Abu Nasr Forobiyning ta'kidlashicha, "ta'lim-degan so'z xalqlar va shaharliklar o'rtasida nazariy fazilatlarni birlashtirish tarbiya esa, shu xalq o'rtasidagi tug'ma fazilat va amaliy kasb-hunar fazilatlarini birlashtirish degan so'zdir. Ta'lim faqat so'z va o'rganish bilangina bo'ladi. Tarbiyachi esa amaliy ish tajriba bilan, ya'ni shu xalq, shu millatning amaliy malakalaridan iborat bo'lgan ish-harakat, kasb-hunarga berilgan bo'lishi, o'rganishidir"¹²

Bo'lajak mutaxassislarni kasbiy-pedagogik bilim hamda dunyoqarashlarini yanada yuqoriroq darajaga ko'tarish, ya'ni ta'lim-tarbiya jarayoni va darsdan tashqari ishlarda kasbga yo'naltirishning maqsad va vazifalari, mazmuni, shakl hamda metodlari haqida ma'lumotlarni keltirish, mashg'ulotlarda kasbga qiziqtirish va yo'naltirish ishlarini to'laqonli olib borish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Agarda:

- kollej o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning nazariy - metodologik asosiga ega bo'lsa;
- kollej o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning kasbiy - sharqona ma'naviy - tarbiyaviy asosga ega bo'lsa;
- kollej o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning ilmiy - amaliy ifodasini topgan bo'lsa;
- kollej o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning axloqiy va kasbiy o'z - o'zini tarbiyalash negizida qurilgan bo'lsa;
- kollej o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning yangicha tafakkur va pedagogik texnologiyalar mohiyatidan kelib chiqqan bo'lsa, o'z samarasini beradi.

O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish uchun biz pedagoglar shunday bir uzluksiz tizimni ishlab chiqishimiz kerakki, natijada o'quvchilarning hohlagan kasblarini tanlashga asos bo'lsin. Masalan:

- kasb-hunar kolleji o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning nazariy va amaliy asoslarini yaratish;

¹² Breslav G.M. Emotsionalnye osobennosti formirovaniya lichnosti v detstve: norma i otkloneniya. – M.: Pedagogika, 1990. – 140 s.

- kasb-hunar kolleji o'quvchilarini o'quv faoliyatida foydalaniladigan o'quv metodik manbaalar chop etilgan adabiyotlar mazmuniga kasb-hunarga yo'naltirishning muayyan o'quv majmuasini yaratish lozim;
- kasb-hunar kolleji o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishda muassasalarda shart-sharoitlar yaratish lozim;
- kollejlarda kasb-hunarga yo'naltirish bo'yicha seminarlar tashkil qilish;
- ishlab chiqarish korxonalaridagi zamonaviy texnologiyalar bilan tanishtirish;
- kasb-hunar kolleji o'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirishning tavsiyalar va uslubiy ko'rsatmalarini yaratish lozim;

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yuqoridagi keltirilganlarni barchasi, farzandlarimizning o'z istagidagi kasbni tanlashiga imkon yaratilishi mumkin. Farzandlarimizning kelajagini to'g'ri yaratish, biz pedagoglar va ota-onalarning vazifasi hamda burchimizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Inson manfaati, huquq va erkinliklarini ta'minlash, hayotimizning yanada erkin va obod bo'lishiga erishish – bizning bosh maqsadimizdir. Xalq so'zi 2012 y 8 dek.
2. Breslav G.M. Emotsionalniye osobennosti formirovaniya lichnosti v detstve: norma i otkloneniya. – M.: Pedagogika, 1990. – 140 s.

TA'LIM MUASSASALARIDA INKLYUZIV TA'LIM MODULIDAN FOYDALANISH ZARURIYATI

*Musoev Xurshedjon Musoevich
Suh tumani 2-sonli o'rta maktab psixologi*

Yangi bozor munosabatlariga o'tish va turli xil ta'lim jarayonlarining paydo bo'lishi sharoitida ta'lim muassasalari zamonaviy ijtimoiy ehtiyojlar bilan belgilanadigan asosiy ijtimoiy, psixologik va pedagogik xizmatlarning to'plamiga aylanib bormoqda.

Yangi turdagi ta'lim muassasalarining paydo bo'lishi bilan bir qatorda - oilaviy va xususiy bolalar bog'chalari, bolalar bog'chalari-maktablar, bolalar bog'chalari, litseylar, xususiy maktablar, iqtidorli bolalar uchun maktab-internatlar, qo'shimcha ta'lim tarmoqlari, maxsus ta'lim va boshqalar. O'zbekiston Respublikasining turli xil ta'lim modullaridan foydalanish zarurati mavjud.

Ta'kidlash joizki, ushbu ta'lim muassasalarining barchasi o'zlarining qonunchilik bazalariga ega bo'lib, ular ta'sischi idoralar va tashkilotlar tomonidan tasdiqlangan "Ta'lim to'g'risida" gi Qonunida, ularning Nizomi va Nizomlarida aks ettirilgan.

Inklyuziv ta'lim moduli dunyo bo'ylab inklyuziv yoki inklyuziv ta'limning o'zi sifatida tanilgan.

U nogiron bolalarni va ta'lim, o'qitish va kasb-hunar ta'limi uchun alohida ehtiyojlarni o'z ichiga oladi.

Uning huquqiy maqomi "Bola huquqlari to'g'risidagi konventsiya" (1989), "Nogironlar huquqlari to'g'risidagi bitim" va boshqa xalqaro hujjatlardan kelib chiqadi.

O'zbekiston hukumati Ta'limni rivojlantirish milliy strategiyasida inklyuziv ta'limga sodiqligini bildirdi.

O'zbekiston inson huquqlari bo'yicha nogiron bolalarga oid siyosat bilan bevosita bog'liq bo'lgan oltita bitimni ham ratifikatsiya qilmoqda.

Bolaning ta'lim olish huquqi, shu jumladan nogiron bolalar va mamlakat fuqarosi sifatida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida (41-modda), "Ta'lim to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Qonunida, Oila kodeksida, nogironlarni ijtimoiy himoya qilish to'g'risidagi qonun va boshqa qonunlar kafolatlangan.

Qonunda tegishli tibbiy xizmat mavjud bo'lgan joylarda o'rta maktablar, maktab-internatlar va maxsus sinflar tashkil etilishi ko'zda tutilgan.

Tojikistonda inklyuziv ta'lim modulidan foydalanish zarurati quyidagilardan kelib chiqadi:

1. Tojikiston Respublikasi qonunlarida va ta'lim sohasidagi muhim hujjatlarda ta'kidlanishicha, fuqarolar millati, tili, jinsi, dini, siyosiy mansubligi va ijtimoiy va sog'liqni saqlash holatidan qat'i nazar, umumiy o'rta ta'lim olish uchun teng huquq va imkoniyatlar bilan ta'minlangan. .

2. So'nggi yillarda teng huquqlilik asosida ta'lim olishga muhtoj nogiron bolalar soni ko'paymoqda.

3. Mutaxassislarining etishmasligi, maxsus o'quv dasturlari, o'quv materiallari, maxsus jihozlar (stollar, stullar va boshqalar) imkoniyati cheklangan va alohida ta'lim ehtiyojlariga ega bolalarning hammasi ham maxsus maktabgacha, maxsus maktablar, maxsus (inklyuziv) sinflar bilan qamrab olinmaydi. bor.

Shuningdek, bugungi kungacha jismoniy, aqliy, aqliy zaiflik va nogironlik bilan bog'liq kasalliklar tufayli nogiron bolalar soni bo'yicha doimiy statistik ma'lumotlar mavjud emas.

4. Inklyuziv ta'lim bo'yicha modul nafaqat nogiron bolalarni ta'limga jalb qilishni, balki ta'limni va iqtidorli bolalarning individual xususiyatlarini hisobga olishni ham nazarda tutadi, bu har doim ham ushbu guruh bolalarining ehtiyojlarini qondira olmaydi.

5. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, Tojikistonda quyidagi etnik ozchiliklar yashaydi: o'zbeklar (20,3%), qirg'izlar (1,1%), ruslar (1,1%), turkmanlar, tatarlar, qozoqlar va boshqalar, ammo barchasi ham emas (yoki ularning joylari). yashash joyi, ayniqsa chekka qishloqlarda) o'z ona tilida ta'limni tashkil etish imkoniyati mavjud.

Ular uchun rasmiy davlat tili - tojik tilini o'rganish majburiydir va sinflarni inklyuziv ta'lim moduli bilan tashkil etish ularga qo'shimcha ta'lim va tarbiya beradi.

6. Ta'lim muassasalarida inklyuziv ta'lim modullarini joriy etish nogironlarning salbiy fikrlash, fikrlash, mulohaza va xurofotni sharmandali hodisa, oilalar va jamoalar uchun keraksiz muammolar, keraksiz odamlar va boshqalar sifatida yo'q qiladi va ularning ko'payishiga olib keladi. huquqiy ong. ularning majburiyatini oshirish.

7. Inklyuziv ta'lim modulini tatbiq etish va uni o'qituvchilar, mutaxassislar, ta'lim muassasalari rahbarlari tomonidan targ'ib qilish (ota-onalar, davlat va nodavlat tashkilotlarning ko'magi bilan):

- hozirgi yosh avlodda o'zlarining sog'lom va nogiron tengdoshlariga nisbatan rahm-shafqat, mehr-oqibat, insonparvarlik va bag'rikenglik tuyg'ularini shakllantirish;

- nogiron bolalar va alohida ta'lim ehtiyojlariga ega bo'lgan bolalar sog'lom tengdoshlari bilan birgalikda ta'lim muassasalarida ta'lim olishlari, ijtimoiy ko'nikmalarni o'rganishlari va teng huquqli fuqarolar sifatida jamiyatda o'z o'rnini egallashi kerak.

8. Sog'lom tengdoshlari bilan birgalikda ta'lim olish imkoniyati cheklangan bolalarga va maxsus ta'lim ehtiyojlariga ijtimoiy, madaniy va iqtisodiy to'siqlarni engib o'tishga, aqliy va jismoniy rivojlanish asoslaridan foydalanishga, o'z qobiliyatlariga ishonch bilan ishlashga, munosib ishlashga va tayyor bo'lishga imkon beradi. hayot. Sovet Ittifoqi davrida nogiron bolalarga ta'lim berish jismoniy, aqliy va aqliy zaifliklariga qarab qat'iy ravishda ajratilgan.

Mamlakatdagi eshitish, ko'rish, nutq va aqliy rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalar uchun maxsus ta'limni tashkil etishda ushbu tasnif hanzugacha kuzatilmoqda.

Ammo, maxsus ta'lim muassasalari barcha nogiron bolalarni qamrab olishga qodir emas.

Chunki ularning muammolari bor:

- nogironlik bilan bog'liq kasalliklar soni va turlari bo'yicha aniq statistik ma'lumotlarning yo'qligi;

- zaif moliyaviy va kadrlar bazasi va kadrlar bilan ta'minlash;

- diagnostika va tuzatish-davolash, tibbiy-pedagogik va psixologik ishlarning yagona tizimining etishmasligi;

- Ushbu bolalar oilasi kichik tumanlar markazida va chekka qishloqlarda yashaydi.

- ota-onalarning maxsus ta'lim muassasalaridan uzoqroq joyda o'qishni va yashashni istamasligi;

- "Sog'lom tengdoshlar sharoitida bolani takomillashtirish" umidida ota-onalar bolalar bog'chalari va o'rta maktablarda ta'lim va tarbiya olish uchun harakat qilishadi; Ushbu ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy qiyinchiliklar nogiron bolalarning ta'lim olishlari va maxsus ta'lim ehtiyojlari hamda ta'lim muassasalarida sog'lom bolalar uchun etarli shart-sharoitlarni ta'minlashni talab qilmoqda.

Inklyuziv ta'lim modulini joriy etish - bu ko'rish qobiliyati past, kar, eshitish qobiliyati zaif, aqlan kasal bolalar uchun guruhlar / darslar tashkil etish, integratsiyalashuv shakllaridan biri va individual xususiyatlar va qobiliyatlarga asoslangan holda ta'sir o'tkazish usullaridan foydalanish. ish - bu ta'lim jarayonidir.

Bunday o'quv modulini tatbiq etish sifatli ta'limni, bolalarning ehtiyojlari va imkoniyatlarini aniq baholashni ta'minlaydigan yangi ta'lim xizmatlarining psixo-tibbiy, psixo-tuzatish va hokazolarini yaratishga imkon beradi.

Adabiyotlar:

1. 1989 yil 29 noyabrdagi Bola huquqlari to'g'risidagi konvensiya (Shartnoma).

2. "Inklyuziv ta'lim kontseptsiyasi" // Hamma uchun ta'lim: integratsiya yo'li.

- Saratov: gos.tekh.un-v, 2003, p. 69-78.

3. Inklyuziv ta'lim (Internetdan turli xil maqolalar)

UYALI TELEFONLARNING ODAMLARGA ZARARI

Musaev Xurshed

Farg'ona viloyati So'x tumani 2-sonli IT-ga ixtisoslashgan maktabning amaliy psixiatr

"Agar uyali telefon qo'ng'iroqlari doimo bir tomondan boshlanadigan bo'lsa, kasallik rivojlanish xavfi to'rt baravar ko'payadi."

Jahon sog'liqni saqlash tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra, 2011 yil 1 iyundan boshlab mobil telefonlar 2B sinfga, ya'ni ular kanserogen agentlarga tasniflanadi. Ushbu jarayon hujayrada xromosoma aberratsiyasining shakllanishiga olib keladi. Radiatsion ta'sir zaharlanishga olib keladi.

Ushbu zaharlanish bosh og'rig'iga, bosh aylanishi, charchashga, faollik, xotira va aqlning pasayishiga olib keladi.

Tadqiqotchilar shuni ko'rsatdiki, telefonda 10 dan 60 minutgacha suhbatlashgandan so'ng, odamning tanasi tiklanishi uchun 8 dan 14 soatgacha dam olish kerak. Homiladorlik ayol hayotidagi muhim va mas'uliyatli davrdir.

Homilador ayollar tomonidan uzoq vaqt davomida mobil telefondan foydalanish abortga, erta tug'ilishga va tug'ma nuqsonlarga olib kelishi mumkin. Bundan tashqari immunitet pasayadi va endokrin tizim faoliyati susayadi.

Ushbu tadqiqot asosida Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti homilador ayollarga ushbu davrda mobil telefonlar va Internet saytlaridan foydalanmaslikni maslahat berdi. Ko'zlarning xiralashishi qarish belgisidir, ammo bugungi kunda ko'plab yoshlar va telefon ekraniga yaqindan qarash ko'zning ko'rish keskinligini pasaytiradi.

Shvetsiyalik olimlar yana bir bor mobil telefonlarning inson salomatligiga salbiy ta'siri to'g'risida yangi kashfiyotlar qildilar.

Karolinska instituti tadqiqotchilarining fikriga ko'ra, telefonlardan uzoq vaqt foydalanish eshitish asabining yaxshi o'smalari paydo bo'lish xavfini oshiradi.

Ularning tadqiqotlariga ko'ra, bu o'sma faqat uyali telefon orqali suhbatlarning ko'p qismi sodir bo'lgan miya tomonida paydo bo'ladi.

"Agar uyali telefon orqali suhbat doim bir tomondan boshlanadigan bo'lsa, unda xavf tug'diradi

Ushbu kasallik bilan kasallanish to'rt baravarga oshdi », - deydi olimlar.

Uyali telefonlarning yurak-qon tomir tizimiga ta'siri Linkoping universiteti shved fiziklari shuni ko'rsatdiki, mobil telefonlarning elektromagnit nurlanishi qizil qon hujayralari - eritrotsitlarga zarar etkazishi mumkin.

Bundan tashqari, uyali telefon immunitet tizimiga ta'sir qiladi va organizmning tashqi qo'zg'atuvchilar, bakteriyalar va viruslarga chidamliligini pasaytiradi.

Sizning cho'ntagingizda uyali telefoningiz erkaklarning naslga ega bo'lish qobiliyatini 30% gacha kamaytiradi.

Bunday noxush natijalar Szeged universiteti venger olimlari tomonidan Berlindagi Evropa o'sishi va embriologiya jamiyatining (ESHRE) yig'ilishi paytida taqdim etildi.

Doktor Imre Fejes rahbarligida 13 oy davomida o'tkazilgan tajribalarda 221 kishi ishtirok etdi.

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, uyali telefon nurlanishi nafaqat sperma miqdoriga zararli ta'sir ko'rsatadi, balki ularning harakatlanish xususiyatiga ham ta'sir qiladi.

Deyarli butun kun davomida cho'ntagida yoki cho'ntagida faol uyali telefon bo'lgan erkaklarda sperma soni telefondan muntazam foydalanmaydiganlarga qaraganda uch baravar kam, mobil sperma esa ancha past.

Doktor Xojim Kimata o'z tadqiqotlari bilan mobil telefonlardan mikroto'lqinli nurlanish hali ham allergiyadan aziyat chekayotgan odamlarning qonidagi antigenlarga allergik reaksiyalar keltirib chiqarishi mumkinligini ko'rsatdi.

2005 yilda Evropaning ettita davlatidagi 12 ta institut va laboratoriyalar olimlari ishtirok etgan REFLEX loyihasi natijalari tirik organizmlar hujayralarida mobil telefonlar va Internetdan ortiqcha foydalanishning salbiy ta'sirini aniqladi.

Tadqiqot 2000 yildan 2004 yilgacha davom etgan va uning qiymati 3,15 million dollarni tashkil etgan.

Tadqiqotchilar noxush xulosaga kelishdi: GSM standartidagi mobil qurilmalar tomonidan ishlab chiqarilgan elektromagnit nurlanish inson tanasi hujayralarida genetik o'zgarishlarni keltirib chiqaradi.

Hujayralar nurga qanchalik ko'p ta'sir qilsa va intensivlik qancha yuqori bo'lsa, DNK tuzilishi shunchalik kuchli o'zgaradi.

Ushbu mutatsiyaning mumkin bo'lgan oqibatlaridan biri saraton bo'lishi mumkin. Tadqiqotchilar DNKdagi o'zgarishlarni ko'rsatdilar nurlanish darajasi 1 Vt / kg ga yetganda ham.

Olim Xuter telefonning elektromagnit maydonining miyaga ta'siri salbiy ta'sir ko'rsatishini, masalan, achchiq kofe yoki choyni ko'p iste'mol qilishini aniqladi.

Britaniyalik olim, professor Uilyam Styuartning fikriga ko'ra, 8 yoshgacha bo'lgan bolalar mobil telefonlardan foydalanish odatda taqiqlanadi.

Agar siz hatto tushingizda ham telefoningizni olib ketsangiz, endi uxlay olmasangiz hayron bo'lmang.

Masalan, siz uyg'otish uchun uyali telefoningizni yostiqning oldiga qo'yishga odatlanib qolgansiz.

Bu holda uyali telefon tungi dam olish, tez va sekin uyquni eng muhim davrlarini qisqartirish va buzish qobiliyatiga ega.

Shuning uchun uyqu ilmiy nuqtai nazardan murakkab jarayondir.

Agar siz kofe ko'p ichsangiz va uzoq vaqt telefonda gaplashsangiz, u holda sizning uyqingiz buziladi.

Ijobiy tomoni:

TM odamlar orasidagi aloqani osonlashtiradi.

Ota-onalarga farzandlari qaerdaligini ayting.

Shaxsiy xavfsizlikni ta'minlaydi (politsiya, tez yordam chaqirishga qulaylik yaratadi).

TM orqali Internetdan yangi ma'lumotlarni olish oson va qulay.

Kalkulyator, fonar, kun taqvimi, fotograf, kundalik, uyg'otish va boshqalar sifatida ishlatiladi.

Mobil telefonning salbiy ta'siri:

Elektromagnit energiya.

Radiatsiya ta'siri.

Ma'lumot juda ko'p.

Yuqoridagi omillar qon tomirlari, miya, yurak va qon tomirlariga salbiy ta'sir ko'rsatadi:

Mehnat qobiliyatining pasayishi;
Tez charchoq;
G'azablanmoq;
Bosh og'rig'i;
Spirtli ichimliklarni haddan tashqari iste'mol qilish;
Xotirani yo'qotish;
Uyqu buzilishi;
Yurak atrofidagi og'riq;
Astma;
Yurak urishi va arterial bosimning oshishi;
Chalkashlik;
Baxtsiz hodisa;
Jinoyat sodir etish;
Oilaviy byudjetga etkazilgan zarar;
Asab kasalliklarining kuchayishi;
Miya saratoni;
Tez qarishga olib keladi;

So'nggi yillardagi olimlarning tadqiqotlari shuni ko'rsatadiki, homilador ayollar, bolalar va o'spirinlar orasida:

Uzoqni ko'ra olmaslik;
Abort;
Tug'ma nuqsonlar;
Bepushtlik;
Menstrüel bozukluklar;
Erkaklarning jinsiy qobiliyatining pasayishi haqida xabar berilgan.

Mobil telefondan foydalanish bo'yicha tavsiyalar:

1. TM-ni papkada saqlang!
Belda va ko'krakda emas.
2. TMni jiddiy ehtiyojsiz ishlatmang!
3. TM orqali past ovozda va qisqa vaqt ichida gapiring!
4. TM bilan gaplashayotganda uni quloqdan 3 sm uzoqroq tuting!
5. Yotishdan oldin TMni o'chiring va uni 15 metr masofada saqlang!
6. Homilador ayollar, emizikli ayollar, bolalar, o'spirinlar, saraton va markaziy asab tizimiga chalingan bemorlar, qariyalar tomonidan TM dan foydalanish qat'iyan man etiladi.
7. Sanitariya-gigiyena talablari nuqtai nazaridan TM bilan kuniga 3 daqiqadan ko'proq suhbatlashish mumkin.

Dunyo olimlari tomonidan o'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki:

Odamlarning 70% TM ga qo'ng'iroq qilish bilan bir vaqtning o'zida kamida 30 daqiqa suhbatlashadi;

Odamlarning 30 foizida ikkita TM bor va ikkita SIM-karta bilan gaplashadilar;

Odamlarning 40% TMni yostiqlari ostida ushlab turishadi;

Odamlarning 30 foizi TM ning zararini bilishadi, lekin uni ishlatishdan aslo bosh tortishmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Akobir Tuloxov. Telefonga zarar. Dushanba, 2019 yil
2. Toxiri Safarzod. Yoshlik va telefon. Ozodlik radiosi.2018
3. Naim Rafi. Mobil telefonlarning yoshlar hayotidagi o'rni. Dushanbe.2010
4. Maqola va tezislar telefonda (Internetdan)

KICHIK MAKTAB YOSHIDA O`QISHGA BO`LGAN QIZIQISH

Umarova Gulhayoxon Murodiljon qizi
O`zbekiston Milliy Universiteti 1-bosqich magistranti

Annotatsiya. Mazkur maqolada kichik ya`ni 7-11 yoshli bolalarni o`yin faoliyatidan, o`qish faoliyatiga o`tish jarayonida qanday qiyinchiliklar yuzaga kelshi va ushbu davrda kichik maktab yoshidagi bolalarga ota-onasi va o`qituvchisi o`qish jarayonida qanday ta`sir ko`rsa olishi, buning unumli jixati va salbiy oqibatlarini ko`rib chiqishimiz mumkin. Maktab sharoitida kichik maktab yoshidagi bolalarga qanday munosabatda bo`lish darkorligini va shuningdek ularda o`qishga bo`lgan motivatsiyani yana oshirish bo`yicha masalalar tahlil etilgan.

Kalit so`zlar: idrok, diqqat, xotira, tasavvur, adaptatsiya

Аннотации. В этой статье обсуждаются трудности, с которыми сталкиваются маленькие дети в возрасте 7-11 лет при переходе от игры к обучению, а также влияние родителей и учителей на процесс обучения детей младшего школьного возраста в этот период. Мы можем рассмотреть преимущества и недостатки это. Анализируются вопросы, как относиться к детям младшего школьного возраста в школьной среде, а также как повысить их мотивацию к учебе.

Ключевые слова: восприятие, внимание, память, воображение, адаптация.

Abstract. This article discusses the difficulties encountered by young children aged 7-11 in the transition from play to learning, and the impact of parents and teachers on the learning process of children of primary school age during this period. We can consider the advantages and disadvantages of this. The issues of how to treat children of primary school age in the school environment, as well as to further increase their motivation to study are analyzed.

Keywords: perception, attention, memory, imagination, adaptation

Mustaqillik yillari davrlarida yosh avlodga bo`lgan e`tibor yanada oshdi, va shuningdek albatta ularga bo`lgan talablar xam oshayotganligini ko`rishimiz mumkin. Respublika miqyosida olib qaraydigan bo`lsak XXI asrda 7-11 yoshli bolalarda akseleratsiya jarayoni xam jada ravishda o`sib bormoqda. Ularni esa o`qishdagi qiyinchiliklarini bartaraf etish xozrgi kundagi dolzarb muammolardan biridir.

Bolalarning kichik maktab yoshidagi davri 7 yoshidan 11 yoshgacha boshlang'ich sinflarda o'qishi yillariga to'g'ri keladi. Bog'cha yoshidagi bolalik davri tugadi. Maktabga kelish oldidan bola quyidagiga ko'ra o'z hayotini eng muhim davriga ya'ni maktab davriga tomonidan qo'yiladigan turli tuman talablarni bajarishga boshqacha qilib aytganda ta'lim olishga xali jismoniy ham psixologik jihatidan tayyor bo'ladi. Bola rasm chizish mashg'ulotlarida mel yoki plastinkadan narsa yasash ishlarida va eng oddiy ko'rish yasash mashg'ulotlarida yaqqol namayon bo'ladi. Bola o'z diqqatini boshqarishda o'z diqqatini mustaqil tashkil qilishida bir muncha tajriba xosil qilgan bo'ladi. 7 yosh bolaning so'z xonasi ham yetarli darajada boy va mavhum tushunchalar miqdori ancha yuksak bo'ladi. Bola eshitganlarini yetarli darajda keng tushunadi. Mutaxxassislarning tadqiqotlaridan ma'lum bo'lishicha yaxshi tashkil qilingan ta'lim 6 yoshdan 7 yoshgacha bo'lgan bolalar tafakkurini rivojlantiradi. Ular sodda mashqlar va masalalarni tuza oladigan hamda yecha oladigan bo'ladilar. Ularda burch hissi va javobgarlik hissi endigina namayon bo'la boshlaydi. 7 yoshli bola o'z hissiyotlarini boshqarish tajribasini egallaydi bularning hammasi maktab ta'limiga tayyorgarligi muhim shartlaridan biri yuqorida aytganlarining hammasi bolaning maktab psixologiyasi jihatidan tayyor ekanligi ob'ektiv tamoyillarga maquldir. Boshlang'ich sinflarda pedagog ishlarni tashkil qilishda kichik maktab yoshidagi bolalarning anatomik fiziologik hususiyatlarini ijtimoiy taraqqiyot darajasini ham hisobga olish lozim.

Yuqoridagi matndan ko'rishimiz mumkinki endigina maktab tomon qadam qo'yayotgan bolada birinchi o'rinda maktab haqida tasavvurlar asosan o'zidan kata bo'lgan akasi yoki opasi maktab to'g'risidagi fikrlari orqali yuzaga kelar ekan. Kichik maktab yoshida bolalar asosan o'qish faoliyatini o'yin faoliyatiga bog'lagan xolda tashkil etadilar, toki ularda o'qish faoliyatiga bo'lgan adaptatsiya to'liq rivojlangunga qadar.

Xo'sh kichik maktab yoshida bolalarda jismoniy jixatdan qanday holatlar yuzaga keladi degan savol bilan murojaat qilsak!? Bu haqida rus olimi D.N.Levitov quidagicha fikr bildirgan;

Xech bir maktab yoshida salomatlik xolatiga va ijtimoiy taraqqiyotiga kichik maktab yoshidagi maxkam bog'liq bo'lmaydi. Bola 7 yoshdan 11 yoshgacha jismoniy jihatdan nisbatan osoyishta va bir tekisda rivojlanadi. Bo'yi va og'irligi organizmning tiniqligi o'pkasining hayotiy xajmi ancha tekis va propotsional rivojlanadi.

Ko'rib tuganingizdek kichik maktab yoshida bolalardagi ko'plab organizmlari prorotsional tarza rivojlanishga ega bo'ladi.

Kichik maktab yoshida bolalarning bilish jarayonlari qanday bo'ladi degan savollga javob berib o'tsak.

Idrok. Kichik maktab yoshidagi bolalar idrokining o'tkirligi sofligi bilan farq qiladilar. O'quvchilarning idroki o'ziga xos bilimga tomoshabin tariqasida berilganlik bilan farq qiladi.

Diqqat. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilar diqqatining asosiy hususiyatlari ixtiyoriy zaifligidadir. Kichik maktab yoshida diqqatni iroda kuchi bilan moslash va uni boshqarish imkoniyati cheklangan bo'ladi.

Xotira. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda xotira ta'limining ta'siri bilan ikki yo'nalishda rivojlanadi. So'z mantiq xotirasining va mahnosiga tushunib esda olib qolishning rolg'g'i va uning salmog'i kuchayadi, tartibga solish imkoniyatlariga bo'ladi.

Birinchi signal sistemasining faoliyatining nisbatan ustunligi tufayli kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda so'z mantiq xotirasi deb atalgan xotiraga qaraganda ko'rgazmali-obrazli xotira ko'proq rivojlangan bo'ladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilar qoida va tushuntirishlarga qaraganda konkret ma'lumotlarni, voqeliklarni, qiyofalarni narsalarni va faktlarni yaxshi tez esda olib qoladigan va xotiralarida mustahkam saqlaydilar.

Hayol. Hayol muhim psixik bilish jarayonlaridan biridir. Hayolning faoliyatsiz o'qituvchi gapirayotgan va darslarda yozilgan narsalarning tassavvur qilishni hamda ko'rgazmali obrazlar bilan ishlashni bilmay turib, xech qanday o'quv predmetni chinakkam o'zlashtirishi mumkin emas. Kichik maktab yoshidagi o'quvchining hayoli uning o'quv faoliyatining ta'siri va talablari bilan tarkib topadi. SHuning bilan bir qatorda bevosita ta'surotlar (mo'zey, vistavkalarining borib ko'rish, kinokartinalarni ko'rish, ekskursiyalarga borish, maktab yer uchastkasida ishlash va boshqalar) ham hayolni rivojlantiradi.

Kichik maktab yoshida shaxsning rivojlanib borishi nimalarga bog'liq bo'ladi? Garchi kichik maktab yoshidagi davr shaxsning taraqqiyotida xal qiluvchi siljishlar davri bo'lmasa ham bizning fikrimizcha bunday davr o'smirlik davridir, shunga qaramay, bu davrda shaxsning tarkib topishi yetarli darajada sezilarli yuz beradi. Yuqorida qayd qilib o'tilganidek, maktabga kirish bolaning hayotida burilish momenti hisoblanadi. Kattalar (o'qituvchilar) va tengdoshlari (sinfdoohlari) bilan yangi munosabatlar maydonga keladi. Bolaga butun bir jamoaviylar sistemasiga (umum maktab, sinf) qo'shiladi. O'qituvchi o'z oldiga bir qator jiddiy talablarni qo'ygan o'qishga yangi faoliyat turiga qo'shilish o'quvchining o'z hayotini qatxiiy tarzda tashqil qilishga, qoida va rejimga bo'ysunishga majbur qiladi. Bo'larning barchasi tevarak-atrofdagi voqeylikka, boshqa kishilarga, jamoaviyga ta'limga va uning bilan bog'liq bo'lgan majburiyatlarga nisbatan yangi munosabatlar sistemasining tarkib toptirishga va mustahkamlashga qatxiiy ravishda ta'sir qiladi harakterni irodani tarkib toptiradi. qiziqishlar doirasini kengaytiradi, qobiliyatlar taraqqiyotini belgilaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tmoqchimizki 7-11 yoshli bolalar endigina maktabga qadam bosgandan so'ng, ularda bazan maktabga nisbatan o'ng'aysizlik kelib chiqishini ko'rishimiz mumkin ekan. Bularni oldini olish uchun esa biz albatta ularga avvaldan tanish bo'lgan o'yin faoliyatini o'qish faoliyati bilan birgalikda olib borish zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.G'oziyev E. Ontogenez psixologiyasi. Toshkent, Noshir., T 2010 125-130 b
- 2.Do'stmuhammedova Sh.A., Z.T.Nishonova, S.X.Jalilova, Sh.T.Karimova, Sh.T.Alimbayeva "Yosh davrlari va pedagogik psixologiya" Toshkent Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi. 2013 70-80 b
- 3.Davletshin M.G. va boshqalar «Yosh davrlari va pedagogik psixologiya» T.: TDPU, 2004 yil

4.Абрамова.Г.С. «Возрастная психология»: Учебное пособие для студентов вузов.-М., “Изд-во” 2001. 99-107 б

5.G’oziev E.G’. Differentsial psixofiziologiya. Toshkent, 1999. 32-40 б

BOLA SHAXSIDA SALBIY O`ZGARISHLARNI KELITIRIB CHIQRUVCHI INFORMATSION XURUJLAR VA ULARNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI.

*Turdiboyeva Omatoy Rahimberdi qizi
Andijon viloyati Buloqboshi tumani 1-maktab psixologi*

Bugun hayotimizning barcha jabhalariga inson tafakkurining mahsuli bo'lgan zamonaviy texnologiyalarning shiddat bilan kirib kelishi, yangidan – yangi imkoniyat va qulayliklarni yaratmoqda, jamiyat taraqqiyoti yuksalishi, xalq farovonligining yanada oshishiga xizmat qilmoqda.

Chegara bilmas axborot ma'nbaidan foydalanishda ma'lum me'yorlarga amal qilish esa insonlarni turli ommaviy axborot “xuruj”lari, norasmiy manbalarning salbiy ta'siridan saqlashda muhim o'rin tutadi.

Ijtimoiy tarmoqlar orqali kirib kelayotgan milliy mentalitetimizga xos va mos bo'lmagan g'arbona hayot tarzini targ'ib etuvchi turli sayoz va jangari film, multfilm, shou dastur hamda videoroliklarni tomosha qilish, zo'ravonlik aks etgan komp'yuter o'yinlarini o'ynash, ayrim yoshlarning ta'lim-tarbiyasi, turmush tarzi va madaniyatiga salbiy ta'sir qilayotgani hech birimizga sir emas. Bu kabi jamiyatimizga xos bo'lmagan illatlarning oldini olishda farzandlarimizning tashqi ta'sirlar, ayniqsa internet va xorijiy telekanallar orqali namoyish etilayotgan g'arazgo'ylikni targ'ib etuvchi vositalardan himoya qilish har birimizning burchimizdir.

Olimlarning bergan ma'lumotiga qaraganda jangari kompyuter o'yinlari, ayniqsa, bolalarda qiziqqonlik va murosasizlik, atrofdagilarga nisbatan befarq, shafqatsiz munosabatda bo'lish, o'z hissiyotlarini ustun qo'yish, o'yindagi holatlarni real hayotda takrorlashga bo'lgan ishtiyoq kabi salbiy holatlar shakllanishiga olib keladi. Bu esa o'z navbatida kundalik turmushda kutilmagan muammo va ko'ngilsizliklarni keltirib chiqarmasligiga hech kim kafolat bera olmaydi.

Davlatimiz siyosatining ustivor maqsadlaridan biri yosh avlodni jismonan va ruhan sog'lom, aqlan barkamol qilib voyaga etkazish, ularni kelajagimizning munosib vorislari etib tarbiyalashga ko'maklashishdan iborat ekan, bu borada hammamiz farzandlarimiz tarbiyasi uchun birdek mas'ul bo'lishimiz lozim.

Kompyuterdan foydalanayotganingizda quyidagilarga amal qiling:

- Kompyuter oldida bir soatdan ortiq o'tirmang
- Ko'z bilan monitor orasidagi oraliq masofa 50 santimetrdan kam bo'lmasin
- Kompyuter oldida ko'p muddat va noto'g'ri o'tirish umurtqa pog'onasining qiyshayishiga olib keladi
- Kompyuter turgan xonani tez-tez shamollatib turing

- Kompyuterda ishlab bo'lganingizdan so'ng jismoniy mashqlar bilan shug'ullaning
- Ko'z charchashining oldini olish uchun ko'zni yumib-ochish mashqlarini bajaring
- Ko'zlaringiz dam olishi uchun choy shamasini xaltachalarga solib yarim soat davomida ko'zlaringizga qo'yib yoting
- Noutbukdan faqatgina stol ustiga qo'yib foydalaning.

Mobil aloqa telefonlari o'zidan elektromagnit to'lqinlarini tarqatishini hisobga olib, o'sib kelayotgan yosh avlod salomatligini muhofaza qilish maqsadida quyidagi tavsiyalarga e'tibor qaratish lozim:

- Mobil telefonlarini 7 yoshgacha bo'lgan bolalarga berish mumkin emas
- Mobil telefonlaringizni yotoqxonalarda saqlash mumkin emas
- Mobil telefonlardan uzoq muddat gaplashish mumkin emas
- Mobil telefonlarni yurak atrofida olib yurmang
- Transport vositalarida mobil telefonlardan foydalanmang
- Mobil telefonlaringizdan chiqayotgan nurlar miya faoliyati, eshitish, sezish qobiliyatiga salbiy zarar etkazadi.

Telefón ([dr.-grech.](#) τῆλε «uzoq, olis» va φωνή «ovoz», «tovush») — ovozni uzatish va qabul qilishga mo'ljallangan uskuna degan ma'noni anglatadi.

Uyali aloqa apparatining zararlari

- xotirani zaiflashtiradi;
- diqqatni buzilishga olib keladi;
- bilish jarayonlari tormozlanadi;
- inson jizzaki bo'lib qoladi;
- uyqu ritmi buziladi;
- asab tizimi stress holatlariga bardoshsiz bo'lib qoladi;
- bosh og'riqlarining tez-tez bo'lib turishiga olib keladi.

1970 – yillarda olimlar inson miya yarimsharlariga telefonni ta'siri bo'yicha ajoyib bir tadqiqot o'tkazdilar. Unga ko'ra telefonda suhbatlashayotgan inson sherigini kayfiyatini bilishi uchun telefonni chap qulog'iga ma'lum muddatga qo'yib turishi kerak edi.

CHunki inson miya yarimsharlari qonuniyatlariga ko'ra odamdagi o'ng yarimshar va chap quloq uzviy bog'langan, bu esa o'z-o'zidan chap miya yarimsharining vazifasi kayfiyatga javob beradi. Bunday usul shaxslararo biri birini to'g'ri tushuna olishi va vaziyatga aniq baho bera olishiga imkon yaratadi.

Telefonlarni chaqiruvi hozirgi zamon tili bilan aytiladigan “telefon chaqiruvidagi nevroz” (“nevroz ojidaniy zvonkov”) lar deb ataladigan holatni keltirib chiqarmoqda. Unga ko'ra telefonda gudok sonini ko'p bo'lishi yoki telefonni ko'tarilmasligi odamni kutishiga olib keladi va ushbu kutish oralig'ida odamda nevroz hastaliklari kelib chiqishi kuzatiladi.

Soat sayin rivojlanib borayotgan axborot texnologiyalari davrida texnik vositalardan oqilona va to'g'ri foydalansakkina o'z sog'ligimizga zarar etkazmagan bo'lamiz.

O'QUVCHILARDA KASBIY QIZIQISHLARNING SHAKLLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR

*Abdug'afforova Ozoda To'ymurodovna
Buxoro viloyati Olot tumani 25-maktab psixologi*

Insoniyat paydo bo'libdiki, u har doim o'zini boqishga, ehtiyojlarini va manfaatlarini qondirishga harakat qilgan va hozirda ham shu yo'ldan bormoqda. Inson o'z ehtiyojlarini eng awalo oziq - ovqat, boshpana, kiyim - kechaklarga bo'lgan ehtiyojlami qondirishdan boshlagan. Keyinchalik yangi sivilizatsiyalar paydo bo'lgach, ya'ni insoniyat madaniylashib borgan sari o'z ehtiyojlariga kerak bo'lgan mahsulotlami ishlab chiqara boshlagan. Bular eng awalo shu sohadagi kasb egalarini paydo bo'lishiga va jamiyatni shu mahsulotlarga bo'lgan ehtiyojini qondirishga intilishlami paydo qilgan. Jamiyat rivojlana borgan sari yangi kasblar paydo bo'lgan va rivojlanib borgan. Insonlar esa yaxshi va baxtli yashashga intilganlar. Buning uchun kasb tanlaganlar, tajriba oshirganlar va bilimlami to'plaganlar.

Kasb - inson ish faoliyatining ma'lum tajriba, tayyorgarlik talab etadigan faoliyat turi, sohasi, hunardir. Kasbga umumiy yoki maxsus ma'lumot hamda amaliy tajriba yo'li bilan erishiladi. Kasb ichida mehnat faoliyatining eng tor xarakteri bilan ajralib turuvchi ixtisoslari bor. Ba'zi kasblarda bir qancha ixtisoslar masalan: chilangar kasbida - remontchi chilangar, asbobsoz chilangar, yig'uvchi chilangar kabi yo'nalishlar mavjud. Demak, har bir kasbga xos bo'lgan yo'nalishlar mavjud bo'ladi. Bu esa inson faoliyatini kengayib borayotganligini, har bir sohani o'ziga xos tor jabhalari borligini tasdiqlaydi.

Hayotiyjarayonlar kasblami doimiy emasligini ko'rsatadi. Kasblami ayrimlari paydo bo'ladi ayrimlari yo'q bo'lib ketar ekan. Bu kasblami ayrimlari texnika va texnologiya sohalarini taraqqiyoti bilan bog'liq holda takomillashib boradi, yangi ko'rinishga ega bo'lgan kasblami paydo qiladi, eskilarini yanada takomillashtiradi. Misol uchun hozirgi zamon to'quvchisining ishini ilgari zamondagi to'quvchi mehnati bilan taqqoslab boimaydi. Hozirda to'quvchi stanoklami avtomatlashganligi tufayli bir qancha to'quv stanoklarini bir vaqtda boshqaradi. Albatta bu jarayonlarni taqqoslab bo'lmaydi, ulardagi mehnat sharoiti, stanoklami boshqarishga va to'qishga bog'liq bo'lgan yangi bilimlar tizimi va shu kabilar ulaming farqini ko'rsatib turadi.

O'smirlilikning birinchi fazasi uchun kishining mustaqil hayotiy yo'lini tanlashga tayyorlanishi kerakli bilim va ko'nikma orttirish, kasb tanlash bilan bog'liq bo'lgan izlanishlar, shaxsning u yoki bu sifatlarini hosil qilishi va hokazolar xarakterli bo'ladi. Ikkinchi faza uchun esa kishining ishlab chiqarish mehnatida ishtirok etishi va bunda egallagan bilim hamda kasbiy ko'nikma va malakalardan foydalanishi, o'z mahorati hamda o'z shaxsiga xos axloqiy fazilatlarni yanada takomillashtirib borishga intilish kerak.

O'smirlilik yoshida uning u yoki bu o'quv predmetiga qiziqishi, munosabati, u yoki bu sohadagi o'quv faoliyatida erishgan muvaffaqiyatlari ularda paydo bo'layotgan turli kasblarga munosabat bilan belgilanadigan bo'lsa, endi ilk yoshda o'quvchilar o'sha kasbga qiziqishi uning o'quv faoliyatiga ta'sir ko'rsata boshlaydi.

Shuning uchun o'smirlik yoshidagi o'quvchilarni kasbga yo'naltirish bo'yicha ish olib borishda har bir o'quvchining individual imkoniyatlari hamda o'zi yashab turgan mintaqadagi muayyan kasblarga ehtiyojni hisobga olish zarur. Biz faqat o'quvchilar bilangina emas, balki ularning ota-onalari bilan ham muntazam ish olib borishimiz kerak. Chunki oila kasbga yo'llashning eng ta'sirchan, shu bilan birga yomon boshqariladigan omilidir. Shuning uchun tarbiyachi va sinf rahbarlari ota-onalar bilan mustahkam aloqa o'rnatishlari zarur.

Ilmiy - tadqiqot natijalari shuni ko'rsatmoqdaki, 15-17 yoshli yigit va qizlar o'ziga xos muayyan va barqaror temperament, xarakter va qobiliyat xususiyatlariga ega bo'ladilar, biroq buni o'quvchilarning o'zlari to'la anglab yetmaydilar yoki noto'g'ri baholaydilar.

O'smir shaxsning tarkib topish qonuniyatlarini qarab chiqishda e'tiborni shunga qaratish kerakki, ilmiy tafakkurni shakllantirish uchun o'quvchilar faoliyatining xarakteri va mazmuni, ularning tabiat va jamiyat to'g'risidagi bilimlarini sintez qiluvchi o'quv predmetlarining mavjud bo'lishi muhim ahamiyatga egadir. Biroq shuni ham ta'kilab o'tish muhimki, bularning tizimliliigi va umumlashtirilganligi, nazariy masalalarga bo'lgan qiziqish, tushunib fikrlash qobiliyatining rivojlanib borishi, yuqori sinf o'quvchilarining bilish sohasidagi faolligi – bu dunyoqarashni rivojlantirish shartlaridandir. O'quvchilarning tobora o'sib boradigan ijtimoiy faollik, axloqiy tajribaning to'plana borishi, xulq-atvorning sotsial va etik normalarning egallab olinishi, turli xildagi sotsial hodisalarga, boshqa odamlarning xulq-atvori hamda faoliyatiga muayyan emotsional munosabatning shakllanishi – o'smir dunyoqarashini shakllantirishda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'ladi. Dunyoqarashning shakllanishi o'smirning tevarak - atrofdagi barcha narsalarga hamda o'z-o'ziga nisbatan muayyan shaxsiy qarash tizimiga ega bo'lgan shaxs sifatida o'zini tobora chuqurroq anglab borishning natijasi va sharti hisoblanadi.

O'smirlarda avvalo o'zini anglashdagi siljish yaqqol ko'zga tashlanadi. Bu hol shunchaki o'sishni bildirmaydi, balki o'z shaxsiyatining ma'naviy – psixologik fazilatlarini, faol ijtimoiy turmush tarzining maqsad va vazifalarini anglashni, oqilona baholashni aks ettiradi.

O'smirdagi o'zini anglash turmush, o'qish, mehnat va sport faoliyati taqozasi bilan namoyon bo'ladi. Maktabdagi odatlanmagan vaziyatning shaxslararo munosabat va muloqot ko'lamining kengayishi o'zining aqliy, axloqiy, irodaviy xis-tuyg'ularining xususiyatlarini oqilona baholash, qo'yilayotgan talablarga javob tariqasida yondoshish o'zini anglashni ta'minlaydi.

O'rta maktabni bitirguncha hamma o'quvchilar kasbini qat'iy tanlaydi deb bo'lmaydi. Kasb-hunarga har xil munosabatlar hosil bo'lishining asosiy sababi maktabdagi o'qish davrida kasb tanlash bo'yicha turli xil motivlar paydo bo'lishidir.

V.A.Krutetskiy o'smirlarda uchraydigan motivlardan quyidagilarni alohida ko'rsatadi:

- 1) biror o'quv predmetiga qiziqish;
- 2) vatanga foyda keltirish istagi;
- 3) shaxsiy qobiliyatni rukach qilish;
- 4) oilaviy an'analarga rioya qilish;
- 5) do'stlari va o'rtoqlariga ergashish;
- 6) ish joyi yoki o'quv yurtining uyiga yaqinligi;

7) moddiy ta'minlanishi yaxshi ekanligi;

8) o'quv yurti yoki ishxona ko'rinishining chiroyliligi yoki unga joylashish osonligi va h.

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*Xolliyeva Shoxista Sotliqovna
Buxoro viloyati Olot tumani 29-maktab psixologi*

Маълумки, ҳозирги вақтда кенг жамоатчилик орасида психология ҳақида, психологик хизмат ҳақида кўп гап юритилади. Хўш, психологик хизмат нима? У қандай йўналишларда олиб борилади?

Психологик хизмат, аҳолига, у ёки бу жамоа аъзоларига ўзларининг психологик муаммоларини ечиш, ўзини-ўзи тушуниш, билиш, англаш, ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабат-ларини тўғри йўлга қўйиш, юзага келиши эҳтимол бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш, тавсия бериш кабилардан иборат.

Таълим-тарбия муассасаларида психологик хизматни ташкил қилиш, психологик хизматнинг арим жиҳатлари устида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Психологик хизматни ташкил қилиш, уни амалга оширувчи ходим шахси ва унинг профессионал этик жиҳатлари нималардан иборат?

Таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил қилиш, ўқувчи-ўқитувчилар ўртасида психологик хизматни амалга ошириш, муассасаларнинг тегишли лавозимларига номзодларни қидириб топиш, улардан муносибларини танлаб олиш ва бу борада амалий психодиагностикадан ўринли фойдаланиш - ўта муҳим, масъулиятли ҳисобланади. Бу иш ўзига хос махсус маълумот, касбий маҳорат талаб қилади. Чунки, бу ўринда гап инсон тақдири, халқ манфаатлари, юрт келажаги устида боради.

Шунинг учун ҳам, психодиагностика ва психодиагност шахсига қатор ижтимоий этик талаблар қўйиладики уларга амал қилиш шарт. Буларга: психодиагностика натижаларини сир сақлаш, психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлигини, ўрганилаётган одамга зиён етказмаслик, улар учун тадқиқот натижаларининг ошкоралиги, хулосаларнинг объективлиги ва таклиф этилаётган амалий тавсияларнинг самарадорлиги кабилар киради. Бу талабларни психодиагностика тамойиллари кўринишида кўриб чиқамиз.

Психодиагностика натижаларини сир сақлаш тамойили - бу ўрганилаётган одам шахсан рухсат бермагунча унинг натижаларини ошкор қилмас-ликни тақозо этади. Психодиагностика илмий мақсадларда, экспериментал тадқиқотнинг бир қисми сифатида ўтказилаётган ҳолатлар бундан мустасно.

Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги тамойили - уларни энг камида валидлик ва ишонччилик талабларига жавоб беришини тақозо этади, яъни улар ишониш мумкин бўлган натижаларни бериши керак.

Зиён етказмаслик тамойили - психодиагностика натижаларини ҳар қандай ҳолатларда тадқиқ этилган одамга зиён етказмаслиги кераклигини назарда тутди.

Агар психодиагностика танлов асосида танлаб олиш мақсадида ёки одамни ишга қабул қилишда ўтказилаётган бўлса, унда мазкур тамойил психодиагностика натижалари синалувчи учун ошқора бўлиши тамойили билан биргаликда қўлланилади. Бунда синалувчи, ундан нимани ва қандай ўрганилишлигини, тестдан ўтказиш, уни тадқиқ этишнинг натижаси қандайлиги, шунингдек, бу маълумотлар, унинг муаммосини ҳал қилишда ким томонидан ва қандай фойдаланишлиги кабилар ҳақида маълумотни талаб қилиши мумкин.

Хулосаларнинг объективлиги тамойили- тестлаштириш натижаларидан уларнинг илмий асосланган бўлишлигини талаб қилади. Яъни, психодиагностика хулосалари тест ўтказаетган ёки унинг натижаларидан фойдаланадиган шахснинг субъектив установакаларига мутлақо боғлиқ бўлмаслиги ва у томонидан белгиланган бўлмай, балки валидли ва ишончли методикаларни қўллаган ҳолда ўтказилган тестлаштириш натижаларига асосланган бўлиши шарт.

Таклиф этиладиган тавсияларнинг самарадорлиги тамойили - бундай тавсиялар кимга берилаётган бўлса, шу одамлар учун албатта фойдали бўлиши керак. Тестлаштириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган одам учун фойдаси тегмайдиган ёки қандай оқибатларга олиб келиши номаълум бўлган амалий тавсияларни беришга рухсат этилмайди.

Психодиагностика ишларини амалга оширишда психодиагностикага қўйиладиган юқоридаги талаблар билан бир қаторда, психодиагност шахсига ҳам алоҳида квалификациян талаблар қўйилади. Уларнинг асосийлари: яхши назарий тайёргарликка эга бўлиш, психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш қоидаларини мукамал билиш, тегишли методикалардан амалда фойдаланиш борасида етарлича тажрибага эга бўлиш кабилардир.

Ҳар қандай психодиагностик методика, ўзи ўрганаётган объектга оид қандайдир бир назария заминида юзага келади ва ривожланади. Масалан, интеллект тестлари, интеллект табиати, тузилиши, аҳамияти ва ҳаётий намоён бўлиши ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади. Шахс тестлари эса, шахснинг илмий таърифи, шахс тузилишини тушуниш, муайян шахс ҳақида объектив мулоҳаза юритиш мумкин бўлган маълум бир шахс назарияларига асосланади. Ҳар бир психодиагностик методика айни вақтда ўзи боғлиқ бўлган у ёки бу назария билан бойитилган ва чегараланган бўлади. Тегишли назарияни билган ҳолда, шу назария доирасида ўрганилаётган одам ҳақида, кўпинча бевосита психодиагностика натижалари доирасидан (чегарасидан) кенгроқ, узоқни қўзлаган хулоса-лар қилишга эришиш мумкин. Масалан, айрим шахс назарияларига кўра шахснинг бир хислати бошқа бир хислати билан яқиндан боғлиқ бўлади. Шунинг учун шахс хислатларидан бирини психодиагностика ёрдамида аниқлаш билан, унинг бошқа бир хислатини қай даражада ривожланганлиги ҳақида ишончли мулоҳазаларга келиш мумкин. Лекин, психодиагностика методикаси заминида ётадиган назария кўпинча унинг натижаларини изоҳлашни (интерпретация қилишни) чеклаши мумкин. Шундай методикалардан бири, шахсни ўрганишга мўлжалланган, психоанализ таълимотига асосланган Тематик Апперцепциялашган Тест (ТАТ) натижаларини фақат шу таълимот доирасидагина изоҳлашни ва шуларга асосан тегишли хулосаларга келишни талаб қилади.

Бунда шахс ҳислатларининг гуманистик ёки факторли назарияларига кўра асосланиши ноўрин бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай психодиагностик методикалардан психологик амалиётда фойдаланишда, психодиагностмазкур методика асосланадиган назарияни билиш шарт. Буларсиз у одамларни тадқиқ этиш натижаларини таҳлил қилиш, изоҳлаш ва хулосалар чиқаришда жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Ниҳоят психологик хизматнинг сўнгги йўналиши бу психологик оқартув (маърифат) ишларини олиб боришдир. Маълумки, ҳамма одамлар ҳам психологияга қизиқавермаслиги ёки ўзининг касб фаолияти характеридан келиб чиққан ҳолда психология фани ютуқлари, психологик таълимотлар, амалий психология имкониятларидан беҳабар, булар ҳақидаги маълумотларга дуч келмаган бўлиши, ёки уларнинг бу ҳақдаги тасаввурлари ноадекват бўлиши мумкин. Психологик оқартув ишларини олиб бориш эса одамларни шу маълумотлардан хабардор қилиш, аҳоли ўртасида психологик билмларни тарғиб қилиш, уларнинг психологик саводхонлигини ошириш, психологик маърифий ишларни йўлга қўйилишини тақозо қилади. Унинг самарадорлиги, шубҳасиз, психологик хизматнинг юқорида санаб ўтилган йўналишлари натижаларига қанчалик асосланишга боғлиқ.

Амалиётчи психологнинг этик кодексидан намуналар

Этик кодекс - деб, одамларнинг улар мулоқотга киришадиган у ёки бу жиҳатлардаги ўзаро муносабатлари ва фаолиятида амалга ошадиган хулқининг ахлоқий қоидалари мажмуига айтилади. Этик кодекс асосида ўзида адолат, меҳрибонлик мезонларини намоён этадиган, ахлоқий меъёрлар ётади.

Қуйида психологик амалиётнинг турли вазиятларида амалиётчи психолог хатти-ҳаракати ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирувчи намунавий (тахминий) этик кодексини келтириб ўтаемиз:

1. Психологнинг психодиагностик амалиётдаги касбий фаолияти унинг синалувчилар олдида алоҳида жавобгарликка эга эканлиги билан характерланади.

2. Синалувчининг шахсий манфаатлари, тегишли муассаса, унинг раҳбарлари ва бошқа одамлар манфаатларига зид бўлган ҳолатларда, психолог ўз вазифасини максимал ҳолислик билан бажаришга мажбур.

3. Психолог қарорини тегишли ҳукм чиқариш ваколатига эга бўлган ва юқори малакали психологлардан ташкил топган махсус комиссия бекор қилиши мумкин.

4. Синалувчилар билан ишлашда психолог адолатлилик ва самимийлик тамойилларига асосланади.

Албатта, бу ишлар (психологик хизмат) махсус психологик маълумотга эга бўлган, малакали мутахассислар томонидан олиб борилса, айтиш мумкин, айни муддао бўлди. Лекин, афсуски бундай мутахассисларга бўлган тақчиллик Республикамизда ўта кучлидир. Шундай экан бу муаммони ҳал қилиш учун нима қилиш керак? Бизнингча, бу ўринда К.Д.Ушинскийнинг “Ҳар бир илмий маълумотли педагог - психологдир”, - деб таъкидлаган иборасига тузатиш киритиб, “Ҳар бир олий, илмий маълумотли, мулоҳазали, ўз ишини севадиган ходим - шубҳасиз психологдир”, - деб юритишимиз ва ҳар бир ходимнинг ҳақиқатан ҳам

психодиагностика, амалий психология билимларини етарли даражада эгаллаган, ўз фаолиятида ҳозирги замон психологияси ютуқларидан самарали фойдалана оладиган ходимлар бўлиб етишишларига ва улар ҳақиқатан ҳам одамни билиш борасида, шубҳасиз, психолог бўла олишларига эришиш лозим.

Бунга асосан ўзини-ўзи ўқитиш, ўзини-ўзи тарбиялаш, ўз устида, ўз билим, малака, кўникма-ларини ошириш борасида узлуксиз, мустақил ишлаш орқалигина эришиш мумкин. Тегишли соҳа мутахассисларималака ошириш ёки қайта тайёрлаш курслари ўқув дастури доирасида, психологиядан белгиланган машғулотларда иштирок этар эканлар, айниқса, бу фан бўйича ўтказиладиган амалий ва мустақил машғулотларда фаол иштирок этиб, тавсия этилган, берилган психодиагностик воситалар билан яқиндан танишиб чиқиб, улар ёрдамида аввало ўзини ўрганиб борар эканлар, ўзларининг психологик саводхонлик даражасини оширишга эришадилар. Тегишли билим, малака, кўникмаларни ўзлаштирадилар, деб умид қиламиз.

МАКТАБДА GIPERAKTIV BOLALAR BILAN OLIB BORILADIGAN ISHLAR VA ULARNI TASHKILLASHTIRISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

Biytemirova Dilfuza Abdiraimovna

Toshkent shahar Bektimir tumani 291-sonli maktab amaliyotchi psixologi

Annotatsiya. Hozirgi kunda giperaktivlik bu ko'pgina bolalarda o'zini namoyon qiladigan, ularning jamiyatdagi to'liq moslashuviga xalaqit beradigan hodisalardan biri sifatida e'tirof etilmoqda. Turli statistik ma'lumotlarga ko'ra, bolalarning 2,5 dan 18 foizigacha bu kasallikdan aziyat chekmoqda. Bunday bolalar, vaziyatdan qat'i nazar, har doim yugurib yurishadi, bezovtalanishadi, bemalol harakat qiladilar va ba'zi hollarda uzoq vaqt narsalarga e'tibor berolmaydilar. Shunday qilib aslida bolalarning giperaktivligi nima, uni qanday yengish kerak va nima qilish kerak yoki nima qilish kerak emas kabi savollarga javob topish, ularning yechimlari haqida fikr yuritishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik.

Kalit so'zlar: Giperaktivlik, xotira, chaqqonlik, pozitsiya, bezovta bola, sindrom, kompleks.

Giperaktivlik nima va u bolalarda qanday bo'ladi?

Ko'plab psixolog olimlar giperaktivlik tushunchasini odamning qo'zg'aluvchanligi va faoliyati normadan sezilarli darajada oshib ketadigan holat sifatida izohlashmoqda. Agar bunday xatti-harakatlar boshqalar uchun muammo tug'dirsa, haddan tashqari faollik ruhiy kasallik deb tasniflaydilar. O'tgan asrning oltmishinchi yillarida shifokorlar haddan tashqari motorli harakatni miyaning minimal buzilishlaridan kelib chiqadigan patologik holat sifatida aniqlab, saksoninchi yillarida giperaktivlik mustaqil kasallik sifatida atala boshlandi. Agar hodisa buzilgan diqqat bilan birga bo'lsa, kasallik DEHB deb ataladi - "diqqat etishmovchiligining giperaktivligi buzilishi" deya izohlanadi.

Shu bilan birga, o'g'il bolalar giperaktivlikdan qizlarga qaraganda 4-5 marta tez-tez uchrashar ekan. Bu yigitlarning kattaroq bo'lib tug'ilishi va keyinchalik miyalari kamolga yetishi bilan bog'liq bo'lib, bu tug'ilish yoki ichi bo'sh jarohatlar uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Simptomlar odatda ikki yoshdan uch yoshgacha namoyon bo'la boshlaydi. Ammo, ota-onalar shifokorlarga murojaat qilishganda esa bolaning yoshi 10-12 ga yetgan bo'ladi. Buning sababi shundaki, agar hayotning birinchi yillarida bu muammoga e'tibor qaratilmasa bolaning ruhiy konsentratsiyasi chalkashib ketadi va maktab davrida o'ta mustaqil shaxs sifatida o'zini namoyon qila boshlaydi.

1. Bolalarda giperaktivlik namoyon bo'lishining asosiy sabablari

Ayni dam bolalarda giperaktivlik sindromini keltirib chiqarishi mumkin bo'lgan ko'plab nazariyalar mavjud bo'lib ular orasidan eng ma'qul ko'rilganlarini keltirib o'tamiz:

- Eng avval- irsiyat. Mutaxassislarining fikriga ko'ra, bolalari faolligi oshgan ota-onalarning 57 foizi bolalikda xuddi shunday alomatlardan shikoyat qilishadi. To'g'ri, ba'zida bunday oilalarda boshqa muammolar ham kuzatiladi, masalan, assotsial psixopatiya, affektiv kasalliklar yoki jiddiy allergik kasalliklar (astma, ekzema), spirtli ichimliklarni iste'mol qilish va chekish.

- Intrauterin gipoksiya. Xomilaning kislorod ochligi miyaning organik shikastlanishiga olib kelgan holatlar evaziga

- Homiladorlik paytida shikastlanishlar. Bu nafaqat jismoniy shikastlanish balki psixologik ham bo'lishi mumkin.

- Bolaning erta yoki qiyin tug'ilishi

- Tug'ilishdagi shikastlanish.

- Jiddiy infeksiyalar yoki hayotning birinchi yillarida shikastlanishlar, surunkali kasalliklar.

- Noto'g'ri yoki yomon ovqatlanish, qo'rg'oshin bilan zaharlanish, ovqatlanish etishmovchiligi.

2. Maktabda giperaktiv bolalar bilan olib boriladigan tadbirlar

Maktabda haddan tashqari faol bolalar bilan ishlash ham oson emas, ammo bunday bolalar ham o'ziga xos jozibali xususiyatlarga ega. Maktabdagi giperaktiv bolalar yangi spontan reaksiya bilan ajralib turadi, ular osongina ilhomlanib, o'qituvchilarga va boshqa tengdoshlariga doimo tayyorlik bilan yordam berishadi. Psixologlar fikrich giperaktiv bolalar mutlaqo tuzalib ketishmas ekan. Shuningdek, ular tengdoshlariga nisbatan ko'proq bardoshliva boshqa bolalarga qaraganda kasalliklarga moyil ham bo'lishadi. Bunda maktab amaliyotchi psixologi tibbiyot hodimasi bilan maslahat uyushtirgan holda davolashlari kerak bo'ladi. Giperaktiv bolalar ko'pincha juda boy tasavvurga ega bo'lganligi uchun, o'qituvchilarga bunday bolalar bilan ularning harakatlarining sabablarini tushunishga va o'zaro munosabat modelini aniqlashga harakat qilish uchun tegishli xatti-harakatlar strategiyasini tanlashni tavsiya etish zarur. Bolani yuqori faollik bilan tarbiyalash juda ko'p narsani talab qilmaydi, boshqacha qilib aytganda, ota-onalarga o'zlarining xatti-harakatlarida o'rta pozitsiyaga rioya qilishlarini uqtirish lozim va ular juda yumshoq bo'lmasligi kerak, lekin bolalar bajarolmaydigan haddan tashqari talablar ularni jazolar bilan birlashtirib, ularni oldini olish kerakligini psixolog ota-ona bilan hamkorlik davrida aytib o'tishi maqsadga muvofiq. Yuqorida aytilganlarga qo'shimcha ravishda, giperaktiv bolalar bilan tuzatish

ishlari ularning o'ziga bo'lgan ishonchini oshirish, o'z potentsialiga ishonch hosil qilishdan iborat.

3. Xulosa.

Giperaktiv bola - bu xulq-atvor va nevrologik kasalliklar bilan ajralib turadigan bola. Biz psixologlar buni davolashimiz kerak. Agar bunday bolalar davolanmasa, ularning alomatlari ularning tarbiyasi va hayotining deyarli barcha sohalariga salbiy ta'sir qiladi va bu aqliy, ijtimoiy va maktabdagi ko'plab muammolariga olib keladi. Ilgari, jamoat va tibbiy doiralarda DEHB o'z-o'zidan pasayib, balog'at davrida balog'at yoshiga kelib tuzalishiga ishongan. Biroq, keyingi izlanishlarda bu noto'g'ri ekanligi isbotlandi. Yoshi bilan giperaktivlik pasayadi, ammo ehtiyotsizlik va impulslarni boshqarish muammolari doimiy bo'lishi mumkin va biz bunga qat'iy choralar izlashimiz kerak bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. G'oziyev. E. "Ontogenez psixologiyasi" Toshkent. "Tafakkur" 2014. 158-b.
2. www. Ziyonet. Uz
3. fayllar.org

ПСИХОЛОГИЯ СТРЕССА И МЕТОДЫ ЕГО ПРОФИЛАКТИКИ

*Маматкулова Рано Тимуровна
Психолог общеобразовательной школы № 291
Бектемирского района города Ташкента*

Аннотация. В статье дается определение понятию «стресс», рассматривается влияние стресса на жизнь человека, описываются основные признаки того, что человек испытывает стресс и методы его профилактики.

Ключевые слова: стресс, стрессор, эустресс, дистресс, хронический стресс, признаки стресса, профилактика стресса.

Жизнь современного человека наполнена стрессовыми ситуациями. Быстрый ритм жизни, трудности на работе, нехватка денег, семейные проблемы, проблемы с детьми и здоровьем, трудности в межличностном общении - все это и многое другое способствует возникновению стресса. Человек живет в стрессовом состоянии из года в год, вследствие чего у него повышается тревожность, он страдает от бессонницы, испытывает постоянное чувство усталости. Не смотря на то, что на сегодня опубликовано большое количество работ, посвященных данному социально-психологическому явлению, тема предупреждения и профилактики стресса, по-прежнему актуальна для решения вопросов, связанных со здоровой и полноценной жизнью человека и его продуктивной профессиональной деятельностью. Необходимость исследования проблемы профилактики стресса определяется реалиями современного общества, в котором существует тенденция жить в постоянном психическом напряжении и отсутствием способности преодолевать стрессовые ситуации. Изложение основного материала статьи. Стресс изучается такими науками как медицина, биология, социология, физиология, психология и другими. И каждая из них дает свое определение данному

понятию. Так, в медицинской энциклопедии стресс - это неспецифическая реакция организма, развивающаяся под влиянием различных интенсивных или новых воздействий (боли, холода, чрезмерной физической нагрузки психоэмоциональной травмы и др.) В биологии под стрессом понимается любое напряжение или препятствие функционированию организма. Социологическая наука определяет стресс как состояние общего напряжения, возникающее у индивида в экстремальных условиях на физиологическом, психологическом и поведенческом уровнях. В психологической литературе также существуют различные определения понятия «стресс». Так основоположник учения о стрессе Г. Селье установил, что стресс - это любое более или менее выраженное напряжение организма, связанное с его жизнедеятельностью. Речь идет о совокупности стереотипных, филогенетически запрограммированных реакций организма, вызываемых воздействием различных интенсивных стимулов окружающей нас среды, трудными жизненными ситуациями.

По своей начальной сути возникающие реакции организма имеют адаптационный характер. Стресс как реакция - это состояние психического напряжения, возникающее в ответ на сложные обстоятельства. А в результате отсутствия равновесия между человеком и окружающей обстановкой человек испытывает стресс, в том случае, когда предполагаемые требования обстановки становятся более высокими, чем предполагаемая способность удовлетворять эти требования. При этом Кордуэлл М. отмечает, что важным аспектом в этой модели является акцент на предполагаемых, а не реальных способностях и требованиях обстановки. И если человек не осознает этого разрыва, следовательно, он не испытывает стресс. Однако Г. Селье утверждал, что живой человек постоянно испытывает стресс: пробуждение, чувство голода, переизбыток, жажда, недосыпание, конфликты на работе с коллегами или начальником, влюбленность, ожог и т.д. Если человек не испытывает стресс, он сам сознательно или бессознательно может создать условия для его возникновения: полежу еще пять минут после звонка будильника; зная сроки предоставления какой-либо работы руководству, откладываю ее выполнение до последнего дня; диета; переизбыток; отказ от сладкого и т.д.

И.В. Дубровина определяет стресс как состояние напряжения, совокупность защитных физиологических реакций (адаптационный синдром), возникающих в организме животных или человека под воздействием чрезвычайных и неблагоприятных факторов (стрессоров). По мнению автора, стресс может оказывать как положительное (мобилизирующее), так и отрицательное влияние на деятельность личности. Таким образом, обобщив имеющиеся определения, можно утверждать, что стресс - это неспецифическая реакция организма на внутренние или внешние воздействия различного характера, требующие приспособления. В психологической литературе выделяются различные виды стресса. По влиянию на организм стресс может быть положительным (эустресс) и отрицательным (дистресс). При эустрессе у человека происходит мобилизация психических и физических сил организма (например, при сдаче экзамена). Дистресс приводит к упадку сил организма - у человека опускаются руки, он становится

раздражительным, рассеянным (например, после расставания с любимым человеком).

Острый стресс - ответная реакция организма на событие, в результате которого он потерял психическое равновесие (например, конфликт с начальником, ссора с близким человеком). Постоянная физическая или моральная нагрузка приводят к переживанию хронического стресса (например, безуспешный поиск работы, затяжной конфликт в семье). Физические перегрузки, воздействие вредных факторов окружающей среды, работа в опасных или экстремальных условиях, нерегулярное питание, недосыпание, жара, холод, жажда, голод, диете способствуют возникновению физиологического стресса.

Физиологический стресс бывает:

- химическим - связан с воздействием химических веществ, недостатком или избытком кислорода;
- биологическим - вызывается различными заболеваниями;
- физическим - данный вид стресса вызывают чрезмерные физические нагрузки или профессиональное занятие спортом;
- механическим - провоцируют повреждения тела (кожи или органа) в следствии нарушения его целостности (травма или хирургическая операция). Также можно выделить психологический управленческий, эмоциональный, нервный, информационный, профессиональный виды стресса. Психологический стресс - понимается как ответная реакция организма на нарушение психической устойчивости личности вследствие психической перегрузки (например, на работе). Условиями возникновения эмоционального стресса могут быть либо опасные для жизни ситуации (человек идет по темному, неосвещенному переулку), либо радостные или неожиданные события (рождение ребенка, бракосочетание, получение диплома о высшем образовании, повышение по службе, выигрыш в лотерею и т.д.). Управленческий стресс провоцирует высокая ответственность за принимаемые решения. Причинами возникновения нервного стресса могут стать сильное переутомление, чрезмерное эмоциональное напряжение. Факторами, провоцирующими информационный стресс являются с одной стороны непрерывный поток огромного количества информации, так и полный информационный «вакуум».

Одной из разновидностей стресса может быть профессиональный стресс, который понимается как эмоциональное напряжение, сопутствующее профессиональной деятельности человека. Если работник испытывает трудности в своей повседневной деятельности, имеет напряженные отношения с сотрудниками, руководством, или просто не удовлетворен своей работой, у него постепенно развивается стресс. Профессиональный стресс можно разделить на три вида:

- рабочий - причины, вызывающие данный вид профессионального стресса связаны с условиями труда (например, неудобный график работы, плохая организация рабочего места, однообразная работа, недостаточная безопасность труда);
- производственный - связан с самой профессией или видом деятельности (например, морально-психологический климат в коллективе, профессиональный уровень работника, социальная ответственность, ролевой статус);

- организационный - может возникнуть по причине негативного влияния на работника особенностей самого предприятия (например, стиль управления, кадровая политика, нарушение субординации, организационные изменения). Ни один человек не застрахован от профессионально стресса. В группу риска попадают владельцы предприятий, директора и менеджеры, а также рядовые сотрудники.

Помимо внешних факторов, вызывающих стресс, большое значение имеют и индивидуальные особенности личности работника. Профессиональному стрессу в первую очередь подвержены люди с повышенным уровнем тревожности, эмоционально лабильные и склонные к депрессивным реакциям.

Рассмотренные виды стресса могут проявляться в следующих симптомах:

- ухудшение процессов памяти;
- невозможность сосредоточиться;
- постоянное чувство усталости;
- увеличение ошибок при выполнении привычных действий;
- повышенная возбудимость;
- повышенная тревожность;
- потеря чувства юмора;
- жалость к себе;
- бессонница;
- излишнее упрямство;
- злоупотребление вредными привычками;
- потеря аппетита, либо постоянное чувство ненасыщаемого голода;
- снижение темпов деятельности;
- отсутствие времени на отдых.

В зависимости от стрессоров методами профилактики всех видов стресса могут быть:

1. Методы прямого воздействия на стрессор. Для этого необходимо понять в чем причина стресса; оценить свои возможности и способности изменить эту причину; оценить последствия своих действий. Например, человек испытывает хронический стресс в следствие того, что постоянно не высыпается. А не высыпается потому, что поздно ложиться спать. При чем не потому, что много работы, а потому, что много времени проводит либо в социальных сетях, интернете или просмотром фильмов или телепередач. Осознав причину, человек может ее устранить - отказаться от всех перечисленных выше действий и лечь спать пораньше.

2. Методы, направленные на изменение отношения к ситуации. Эти методы способствуют осознанию того, что проблема не управляема и нет смысла переживать по ее поводу; осознанию того, что нельзя управлять поведением и мнением других людей, значит надо изменить свое отношение к мнению или поведению другого человека, то есть научиться управлять своими эмоциями при общении с другими людьми, даже если нам что-то в них не нравится.

3. Методы непосредственной профилактики стресса (методы психической саморегуляции). Данные методы способствуют осознанию и постановке достижимых целей; избеганию формулировок «это не честно», «это не

справедливо»; использованию самоприказов «я могу справиться, если составлю план», «я сделаю это постепенно», «если не удастся, я попытаюсь вновь».

В качестве психологических рекомендаций профилактики всех видов стресса могут быть предложены:

- музыкотерапия;
- дыхательные упражнения (наиболее эффективно при переживании острого стресса);
- оценка произошедшего события (научиться относиться к жизни «по-философски», во всем искать что-то положительное, позитивное);
- произвольное переключение внимания (наиболее эффективно при переживании - хобби (рисование, вязание, шитье, танцы, занятия спортом и т.д.). В случае его отсутствия стоит найти время, возможности и желание научиться тому, о чем мечтали еще в детстве;
- общение с друзьями или людьми, не связанными с профессиональной деятельностью;
- прогулки на свежем воздухе (как раз в неделю по выходным, так и ежедневно перед сном);
- зоотерапия - домашние питомцы - не только полноправные члены многих семей, но и настоящие терапевты. Мало кто знает, что кошки и собаки благотворно влияют на сердечно-сосудистую систему человека, а аквариумные рыбки и попугайчики успокаивают нервы и поднимают настроение. Зоотерапия прекрасна тем, что не имеет противопоказаний, кроме аллергии на шерсть животных;
- эффективное планирование и организация дня, в том числе и рабочего (тайм-менеджмент). Планирование дня - особенно эффективно для профилактики профессионального стресса, это тот инструмент, который помогает не только эффективно использовать время, но и сокращать его. Это не банальный список дел, который нужно выполнить в строгой очередности. Планирование - способность выбирать, что нужно сделать, почему и когда.

Список литературы:

1. Галкина Н.Ю. Стресс как социально-психологическое явление // Социально-экономическое развитие России и Китая: сборник материалов Международной научно-практической конференции. Биробиджан, 28 декабря 2015 г. / под. общ. ред. Е. Л. Луценко. — Биробиджан: ИЦ ПГУ им. Шолом-Алейхема, 2016. С. 22-25.
2. Щербатых Ю.В. Психология стресса и методы коррекции. - СПб., 2012.
3. Маклаков А.Г. Общая психология. - СПб., 2012.

ВЛИЯНИЕ СЕМЕЙНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ НА ПСИХИКУ ДЕТЕЙ

*Маматкулова Рано Тимуровна
Психолог общеобразовательной школы № 291
Бектемирского района города Ташкента*

Аннотация. В представленной статье анализируются современные взгляды ученых на проблему формирования взаимоотношений ребенка с окружающими,

обосновываются теоретический и эмпирический материалы по исследуемой проблеме, а также влияние семейных отношений на психоэмоциональное состояние ребенка. На основе изучения большого объема литературы выявляется степень влияния характера семейных отношений на психоэмоциональное состояние ребенка.

Ключевые слова: семейные отношения, психоэмоциональное состояние ребенка, тревожности и агрессии у детей.

Семья оказывает решающее влияние на психическое развитие детей. Когда ребенок появляется на свет, хочется, чтобы он был здоров и хорошо развивался психически. И только позднее, задумываемся о том, каким человеком он станет. Со временем ребенок овладевает общими, свойственными человеку формами поведения среди людей и развивается как индивидуальность. Принимая положительное взаимоотношение со своими родителями и близкими, ребенок будет развиваться благополучно. Ведь хорошее отношение со стороны родителей жизненно необходимы ребенку и если он воспитывается в семье, где царит любовь и ласка, это благоприятно влияет на его развитие. Как показывают психолого-педагогические исследования, особое влияние на маленького ребенка оказывает семейный круг общения, в который входят родители, братья, сестры и другие близкие люди, которые удовлетворяют потребность ребенка быть защищенным, любимым. И если ребенок воспитывается в семье, где его понимают и поддерживают, то к их воспитательным воздействиям он особенно чувствителен. В нормальной благополучной семье ребенок окружен заботой и вниманием взрослых, и, казалось бы, не должно быть поводов для беспокойства. Однако и среди таких детей, встречается весьма высокий риск психических заболеваний, в том числе неврозов. Поэтому родителям с первых дней жизни ребенка необходимо принимать во внимание возможность появления отклонения в нервно-психическом развитии детей и знать причины, вызывающие такое отклонение.

Личностное влияние - это способность воздействовать на другого побуждающим, сдерживающим, успокаивающим либо другим развивающим образом, изменяя при этом не только поведение человека, но и взгляды, мотивы, сознание и даже характер.

Влияние - важнейшая составляющая процесса взаимодействия между людьми. Влияние является взаимным, но применительно к родительско-детским отношениям можно говорить о несимметричном влиянии. Данный вид влияния возникает тогда, когда один человек влияет на другого значительно сильнее. Причем это влияние сохраняется на протяжении длительного периода времени.

Семья, по мнению исследователей, может являться как мощным фактором развития и эмоционально-психологической поддержки личности, так и источником психической травмы и связанными с ней разнообразными личностными расстройствами.

Родители должны помнить, что неврозы у детей не возникают, если родители вовремя справляются со своими личными проблемами, не ссорятся в присутствии своих детей, не выясняют при них отношения, а наоборот поддерживают теплые взаимоотношения, любят своих родных и детей. Родители должны быть доброжелательны к ним, отзывчивы к их нуждам и запросам, просты

и непосредственны в общении, давать возможность детям выражать свои чувства и вовремя стабилизировать проявляющиеся у них нервные напряжения, действовать совместно в вопросах касающихся воспитания, принимая во внимание соответствующие полу ориентации и увлечения детей. Однако, невроты у детей могут возникнуть при неблагоприятных условиях, примером которых могут быть ссоры между родителями, недоброжелательность друг к другу, не понимание и т. д., к которым невозможно привыкнуть и перенести безболезненным образом. Возникающий в этих условиях неврот как психогенное заболевание формирующейся личности проявляется на психологическом уровне нравственно-этическую несовместимость с подобным отношением родителей, несовместимость, которую ребенок не смог преодолеть из-за особенностей своей психики и давления обстоятельств, превышающих предел его психофизиологических возможностей. При возникновении неразрешимых для ребенка переживаний необходимо отметить хроническую психотравмирующую ситуацию, как источник устойчивого психического напряжения. На этом фоне дополнительно действуют психические травмы, эмоциональные потрясения, повышающие патогенность жизненной ситуации, так как ребенок не может справиться с ними и пережить их.

Вместе с внутренним конфликтом, проблемами в общении и неблагоприятных жизненных обстоятельств, это свидетельствует о появлении неудачного, травмирующего жизненного опыта, и может привести в состояние хронического дистресса, как главного источника болезненного напряжения при невротозах.

Все это осложняется тем, что дети с невротозами не могут из-за своего ограниченного и уже психогенно деформированного жизненного опыта, условий воспитания и отношений в семье эмоционально отреагировать на накапливающееся нервно-психическое напряжение. Дети вынуждены подавлять его, что превышает предел адаптационных возможностей и изменяет нервно — психическую реактивность организма. И если долгое время действующий стресс превосходит приспособленные возможности детей, не дает им выразить себя, утвердиться в жизненно важных позициях, вовремя разрешить травмирующую ситуацию, то он подрывает способность адекватно воспринимать себя, сопровождаясь при этом понижением самооценки, неуверенность в себе, в своих силах и возможностях, страхами и тревогой, чувством беспомощности. Поэтому развиваются идеи самоуничтожения, неполноценности, ущербности, неспособности быть собой среди других сверстников [2]. Психическое здоровье и нездоровье ребенка непосредственно связаны со стилем родительского воспитания, которое зависит от характера взаимоотношений в семье. Детский врач-психотерапевт А. И. Захаров выделил следующие стили семейного воспитания: 1. Демократический стиль воспитания. Характеризуется уровнем принятия ребенка, развитым вербальным общением, верой в самостоятельность ребенка и готовностью помочь ему в случае необходимости. В результате этого дети отличаются умением общаться со сверстниками, активностью, агрессивностью, стремлением контролировать других детей, хорошим физическим развитием. 2. Контролирующий стиль воспитания.

В процессе этого стиля семейного воспитания формируется тревожный социально психологический тип личности. При данном стиле воспитания родители берут на себя ответственность, контролируют деятельность своего ребенка, наказывают его по первому же наговору. 3. Смешанный стиль воспитания. Дети характеризуются как послушные, эмоционально чувствительные, внушаемые, неагрессивные, нелюбопытные, с бедной фантазией [3, с. 77]. Также особый интерес вызывают изучение неправильных типов воспитания, которые могут привести к формированию различных неврозов. А. И. Захаров выделил три типа неправильного семейного воспитания: «Первый тип – неприятие. Т. е. осознаваемое или неосознаваемое эмоциональное отвержение ребенка, применение жестких регламентирующих и контролирующих мер, навязывание ребенку своего типа поведения. Второй тип – гиперсоциализирующий. Этому типу характерно тревожно-мнительное отношение родителей к здоровью, успехам в обучении своего ребенка и его статусу среди сверстников. Третий тип – эгоцентрический. Характеризуются как чрезмерное внимание к ребенку всех членов семьи».

Проведенное нами психологическое исследование представило эмпирические закономерности, которые могут быть использованы как источник расширения фактологической базы в изучении взаимосвязи особенностей родительского отношения в формировании личности ребенка. А именно результаты экспериментальных методик, процедуры и способы анализа результатов, предложенные в работе, дают возможность получить качественную и количественную оценку особенностей влияния семьи на развитие личности.

Результаты исследования доказали достоверность выдвинутой нами гипотезы. Именно педагоги и родители могут влиять на появление и коррекцию тревоги и агрессии, возникающих в дошкольном возрасте, если вовремя психолог выявит их причины и окажет психологическую помощь. Следовательно, при рекомендациях психолога о психологических особенностях проявления тревожности у детей дошкольного возраста, для дальнейшего выявления и преодоления их у детей родители начинают придерживаться, а педагогам предлагаются применить разные формы и методы детского воспитания с использованием комплексных средств и методов психолого-педагогической коррекции на практике.

Основная задача семейного воспитания - помочь ребенку стать полноценной личностью и проявить себя. Семья - эта та среда, в которой у ребенка формируется представление о себе, где он принимает первые решения относительно себя и где начинается развитие его социальной природы. Не случайно в психологической и педагогической науке сложились основанные на бесчисленных фактах убеждения о том, что даже самые грубые ошибки учителей и воспитателей обычно не так фатально сказываются на развитии личности ребенка, как неправильное воспитание и поведение родителей. Нужно формировать в семье прочные нравственно-эстетические связи между родителями и детьми, через установление в ней атмосферы взаимопонимания, сотрудничества, эмоциональной сопричастности друг к другу - это все то, что необходимо для благоприятного развития ребенка во всех сферах его жизнедеятельности.

Список литературы:

1. Гарбузов В. А., Захаров А. И., Исаев Д. Н. Неврозы у детей и их лечение. Л., 1977.
2. Журнал. Вопросы психологии. № 2, 1996.
3. Захаров А. И. Детские неврозы. С-Пб., 1997.
4. Захаров А. И. Неврозы у детей и психотерапия. СПб.: Союз, 2000.
5. Захаров А. И. Предупреждение отклонений в поведении ребенка. С-Пб., 1997.
6. Куликова Т. А. Семейная педагогика и домашнее воспитание: Учебник для студ. сред. и высш. пед. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 1999. — 232 с.
7. Шнейдер Л. Б. Семейная психология: Учебное пособие для вузов.-Изд.4-е.-М.: Академический Проект; Трикста, 2008.-736 с.

QARAQALPAQ BALALAR ÁDEBIYATIN MEKTEPKE SHEKEMGI BILIMLENDIRIW SHÓLKEMLERINDE QOLLANIW-BÚGINGI KÚNNIŃ DAWIR TALABI

Qalligúl Tleumbetova

NMPI, Mektepke shekemgi tálim kafedrası oqıtıwshısı ps. i.k. doc.,

Venera Seitmuratova

*NMPI Tálim hám tárbiya teoriyası hám metodikası (Mektepke shekemgi tálim)
qániygeligi 2-kurs magistrantı, Nókis qalası*

Keleshegimizdiń tırnağı-bilim dargaylarında jaratıladı, basqasha aytqanda xalqımızdiń erteńgi kúni qanday bolıwı perzentlerimizdiń búgin qanday tálim hám tarbiya alıwına baylanıslı ekenligin umıtpawımız kerek.

Bunıń ushın hár bir ata-ana, ustaz hám tárbiyashı hár bir bala tımsalında eń dáslep shaxstı kóriwi zárúr. Áne usı ápiwayı talaptan kele shıǵa otırıp, perzentlerimizdi erkin hám keń pikirlew uqıbına iye bolǵan, sanalı jasaytuǵın kámil insanlar etip kámalǵa jetkeriw - tálim-tarbiya tarawınıń tiykarǵı maqseti hám wazıypası bolıwı lazım dep qabıl etiwimiz kerek. Bul bolsa, tálim-tarbiya jumısın bir-birinen ajratpaǵan halda tıǵız baylanısta alıp barıwdı talap etedi.

Jaslarımızǵa múnásip tálim beriw, olardıń ilim-pánge bolǵan umtılıwların júzege shıǵarıwımız kerek. Usı maqsette, mektepke shekemgi tálim dizimin rawajlandırıwımız, orta hám joqarı oqıw orınlarınıń materiallıq-texnik bazasın, ilimiy hám oqıw barıslarınıń sıpatın túpten jaqsılawımız kerek. Ózbekistan Respublikası prezidenti SH. Mirziyoev 2019-jıl ushın mólsherlengen eń zárúr áhmiyetli wazıypalar haqqındaǵı Oliy Májiliske Murajatnamasında belgilep berildi.¹³

Usınday imkaniyatlar jaratılıp atırǵan bir payıtta Mámleketimizde házirgi dáwirde mektepke shekemgi jastaǵı balalardıń qaraqalpaq balalar ádebiyatına degen

SH. Mirziyoev 2019-jıl ushın mólsherlengen eń zárúr áhmiyetli wazıypalar haqqındaǵı Oliy Májiliske Murajatnaması

қизиғишлығын асирiw, халқимыздiн máдений миyrас дúрданалары болған халық awыз-eki dóреtpeleri арqалы аqыл-ойын rawajландырыw, ата-babамыздан бизге shekem jetip kelgen milliy qádiriyatларımızdи́н mazmunи́н а́нлаw, оларди́н sóз óнерине болған ыqlаси́н kúsheytiw, kórkem sóз dóреtpeleri арqалы Watan súwiyshilik sezimlerine tárbiyalawday ullы maqsetlerimizdi kóriwimizge boladı. Bul balalar ádebiyatındaғы kórkem sóз dóреtpeleriniń álbette халық pedagogikasи́нда da áhmiyeti oғada ullы dep esaplaymız.

Qaraqalpaq balalar ádebiyatı da kórkem ádebiyatıń bir túri sanaladı. Mektepke shekemgi jastaғы balalar kórkem ádebiyat арqалы tábiyatı, turmıstı biliwge umtıladı hám оlar tuwралы dáslepki túsinikler kórkem obrazlar menen bala sanasи́нда sawlelenedi. Balanıń jas ózgesheligine qaray ózlestirilip barılatuғын bunday kórkem shıǵarmalar balanıń dúnya tanıwın hám sóylew qábiletin jetildiriwge járdem beredi.¹⁴ [2].

Qaraqalpaq халқы da basqa халыqlar sıyaqlы balaların jas waqıtlarınan baslap kórkem-sóz óнерине, ilimge, ónermentshilikke úyretken. Sheshenlikke, dilwarlıqqa, baqsı-jırawlıqqa qızıqtırıp, hár qıylы aytıs-shertis jarıslarında jeńip shıǵıw jolların násiyatlap, оларди́н jeke adam bolıp qalıplesiwinde халық awыз-eki dóреtpelerindegi hár bir janrdan óz ornında tárbiyalıq xarakterde paydalanıp kelgen.

Kórkem ádebiyatı V.G.Belinskiy: “Kórkem ádebiyat - kórkem ónerdiń basqada túrлеринен óziniń jetekshilik qásiyeti hám qospalılıǵı menen pariқ qıladı” - dep kórsetedi. Máselen balalarǵa ertekti saxnalastırıwımız ushın eń dáslep ertektiń ádebiy nusqası bolıw kerek yamasa balalar menen bayram ertekligin saxnalastırıwımız ushın erteliktiń scenariyi bolıwı shárt.

Búgingi kúni mektepke shekemgi bilimlendiriw shólkemlerinde qaraqalpaq халқınıń халық awыз-eki dóреtpeleri, qaraqalpaq халқınıń balalar ádebiyatına salmaqlы úles qosqan balalar jazıwshı hám shayırları shıǵarmaları az muǵdarda úyretilip kelmekte.

Balaların sanasına óz milliyligin sińdiriw арqалы ата-babadan bizge miyras bolıp kelgen халық awыз-eki dóреtpeler hám shıǵarmalardı úyretip barganimızda balada sóз baylıǵı asadı, óz ana tiline húrmeti asadı jáne durıs sóylewdi úyrenedi, sırtqı ortalıq haqqında estetikalıq kóz-qarasları qalıpleseди. Balaların sóз-óнерине болған ыqlası kúsheygen sayın jeke dóretiwshilik qırları da kórine baslaydı. Bul ásirese оларди́н sóз sheberliklerin kórsetiwshı jumbaqlar menen ótirik óleńlerde, janıltpashlarda sawlelenedi. Jumbaqlar balalardan ótkir zeyinlilik, bilimlilik, aqıllılıq hám tapqırılıqtı talap etip ǵana qoymay balanıń intellektuallıq rawajlanıwına da úlken tásir jasaydı sonıń menen birge házirjuwaplılıqqa shaqıradı, tapqırılıqqa talpındıradı. Janıltpashlar sózlerdi jańılmay aytıwǵa, sóз hám seslerdi durıs sóylewge úyretetuғын metodikalıq kónlikpe xızmetin atqaradı jáne ekinshi jaǵınan balalar sóзlerdi jańılıp kúlkige qaladı hám jańılıtpash bunday waqıtta házil dálkeк xızmetin atqaradı, hámde balada til bulshıq eti normal rawajlanadı.

Balalar qosıqlarında balaların dúnya tanıwı, qorshaǵan ortalıqqa qatnası, sulıwlıq haqqında оyları, qosıqtı оyin menen baylanıstırıwları ayqın kórinip turadı. Balalar qosıqlarınıń ózgesheliklerin [N.Dáwqaraev](#) bılay dep jazadı: "Ol ózgeshelikler

¹⁴ “Qaraqalpaq folklorı” 99-tom

ең алди менен јамáát болıp айтылады. Екинshiden qosıq túrin халық оынарın ойнаған waqıtlarda аралас айтылады, úshinshiden sawal juwap retinde айтылады". Мáселен, "Áwelemen-dúwelemen" балалardıń басın бириктирип, оындı shólkemlestiriwди јанеде олар арасında doslıq сезимlerin bekkemlewge јáрдem береди. Ал, óтирик óлеңler балалardıń kewil keypiyatın kóteriwge hám sheshenlik penen sóylewди úyretedi. Мáселен;

Shekshek барar shel менен,

Shawıp aldım bel менен,

Ishek qarnın alıp edim,

Tawısa almadıq el менен.

Bunnan басqa оынар, sonıń ishinde shaqırma оынар da балалardı doslıqqa, јамáát болıp ойнаwға táрbiyalaydı:

Keliń-ho оын басlaymız,

Keltekti zıńgıp taslaymız,

Qaqshıp alıp aspannan,

Qarama-qarsı uslaymız.

Ertekler balanıń qıyal keńisligin јánеде keńeytedi, ruwhıy dúnyasın bayıтаdı, jeniske, maqsetke erisiw, ádillik, hadallıq, ar-namıs sıyaqlı adamgershilik pazıyletlerge táрbiyalaydı. Dástanlar bolsa балалardı batırliqqa, jawıngerlikke јane óz eliniń ar-namısın qorǵawға táрbiyalaydı. Solay eken, har bir жанr bala tarbiyasında ózgeshe áhmiyetli xarakterge iye болıp esaplanadı.¹⁵[3].

Qaraqalpaq folklorındaǵı sanamashlardı alıp qaraytuǵın bolsaq bul жанr балалardı durıs sanawға, оylawın rawajlandırıwға hám sanlardı bir-birinen aljaspay qosıw-alıwға uyretedi. Мáселен:

Bir degenim-bilek,

Eki degenim-elek,

Úsh degenim-úshek,

Tórt degenim-tósek,

Bes degenim-besik,

Altı degenim-asıq,

Jeti degenim-jilik,

Segiz degenim-sırıq,

Toǵız degenim-toqpaq,

On degenim-oymaq,

On bir degenim- qara jumbaқ.

dep балалardıń dáslepki matematikalıq túsiniklerin bayıtıp ǵana qoymastan, 6-jasar balanıń dunya tanıwı ushında qısqasha hám jeńil túrde kórsetilgen.

Házirgi waqıtta qaraqalpaq балалар ádebiyatına úles qosqan jazıwshı hám shayırlardıń salmaǵı ulesli, olardıń ádebiy жанrlarında álbette ózine say táрbiyalıq qásiyetler ornın alǵan. Sonlıqtan da biz mektepke shekemgi bilimlendiriw shólkemlerinde, mektepke shekemgi jastaǵı балалardıń kórkem sóz qábiletlerin rawajlandırıwda, ana-tiline degen mehir-muxabbatın oyatıwımızda, oz milliyligimizdi asıraǵan halda qaraqalpaq балалар ádebiyatı haqqında bilimlerdi óz ornında hám óz waqtında beriwimiz zárúr.

¹⁵ Q.Q Jarımbetov, Q.K Orazımbetob. "Qaraqalpaq ádebiyatı". –Nókis: Bilim басpası -2010

Mámleketimizdiń mektepke shekemgi bilimlendiriw shólkemlerinde “Ilk qadam” oqıw baǵdarlaması boymsha balalarǵa tálím-tàrbiya beriw durıs jolǵa qoyılǵan. Usı baǵdarlamaǵa qosımsha mektepke shekemgi bilimlendiriw shólkemlerinde kórkem ádebiyat hám til ósiriw sabaqlarınan tárbiyashılarga qolaylıq jaratıw maqsetinde, qaraqalpaq balalar ádeyatına baylanıslı ilimiy jaqtan támiyinlengen variativ dástúrler, metodikalıq kórsetpeler islep shıǵılıwları nazerde tutılmaqta.

Juwmaqlap aytqanda, mektepke shekemgi jastaǵı balalarǵa tálím-tàbiya beriwdegi áhmiyetli maqsetlerimizdiń biri - mektepke shekemgi bilimlendiriw shólkemlerinde, mektepke shekemgi jastaǵı balalardıń qaraqalpaq balalar ádebiyatınıńdagı janlardı ózlestiriw ushın kompetenciya payda etiw, jasına say kórkem pikirlewge úyretiwdiń psixologiyalıq, pedagogikalıq talapları, teoriyalıq hám metodologiyalıq ózgesheliklerin kórip shıǵıp, milliy qadiriyatlarımızdı saqlaǵan halda zamanagóy, qaraqalpaq balalar ádebiyatın kelesi áwladqa taza halda jetkerip beriw bolıp tabıladı.

Paydalanılǵan ádebiyatlar:

1. Ózbekistan Respublikası prezidenti SH. Mirziyoev 2019-jıl ushın mólsherlengen eń zárúr áhmiyetli wazıypalar haqqındaǵı Oliy Májiliske Murajatnamasındaǵı sózi.
2. “Qaraqalpaq folklorı” 99-tom, Nókis “Ilim” baspası 2015-jıl
3. Q.Q Jarımbetov, Q.K Orazımbetob. Qaraqalpaq ádebiyatı. Nókis. Bilim baspası. 2010ж.
4. Ó.Alewov. Qaraqalpaqstanda tálím-tarbiyalıq oy-pikirlerdiń qáliplesiwi hám rawajlanıwi. 1993 j.

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ЎЗ БОЛАЛАРИГА ЭЪТИБОРИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

*Рахимова Хуришда Тўраевна
Сурхондарё тумани Шеробод тумани 56-мактаб психологи*

Жамиятда оиланинг роли ўзининг кучи бўйича бошқа ҳеч бир ижтимоий институтлар билан тенглаштириб бўлмайди. Айнан оилада инсоннинг шахси шаклланади ва ривожланади Оилада инсоннинг маънавийлигига асос солинади, хулҳийҳ оидалари юзага келтирилади, шахсинг ички дунёси ва индивидуал сифтлари очиб берилади.

Бугунги кундаги энг долзарб масала сифатида жамиятда ёшларнинг хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Ўсмирлардаги бу ўзгаришлар агрессив хатти-ҳаракатларда ўз ифодасини топмоқда.

Хўш, бундай агрессив хулқ атвори юзага келтирувчи асосий омил нима? Буни қандай йўл билан олдини олиш мумкин?

Аввало, оиладаги тарбия жараёни, ўсмир шахсида хулқ-атвори юзага келишининг бирламчи омили ҳисобланади. Оиладаги муҳит ота-она ўз маъсулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Болаларнинг одобли бўлиб улғайиши учун ота-она билан бир қаторда маҳалла-куй ҳам катта ибрат мактабидир. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деб бежиз айтмаган халқимиз.

Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги кўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутаяди. Бола ота-она томонидан кўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, бу унинг табиатига салбий таъсир қилады. Бу эса ўз навбатида оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Болаларга етарли даражада эътибор берилмаслиги, уларда меҳр етмаслик ҳолатини юзага келтирмоқда. Психолог олимларни таъкидлашича, шахсда меҳрга бўлган эҳтиёжни қондирилмаслиги, ундаги жиддий камчиликлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин экан. Ҳар бир инсонга ўз эҳтиёжларини қондириш, шахсий ва умумий мақсадларга эришиш учун бошқа одамлар билан бирлашишга интилиш хосдир.

Бола шахсидаги меҳрга бўлган эҳтижни қондирилишда меъёрга амал қилиш муҳим. Зеро, эътиборнинг ҳаддан ортиқ даражаси ҳам салбий ҳолатлар сабабчиси бўлиши мумкин. Оиладаги ҳаддан зиёд ўсмир эркинликларини чеклаш ёки аксинча ота она томонидан сурункали бефарқлик ҳам шунингдек агрессив хулқ кўринишларини шаклланишга олиб келади. Агрессив хулқ оилада ўсмирнинг эркинликлари ҳаддан зиёд чегараланганда ёки унга ҳаддан зиёд эркинликлар берилганда ҳам шаклланиши мумкин.

Агар ўсмир оилада барча эҳтиёжларини тезлик билан қондирилдишига ўрганиб қолган бўлса, тенгдошлари жамоасида унинг эҳтиёжларига тўқинлик қилганга нисбатан агрессив муносабат билдиради

Оилада эмоционла инкор этилганлик ҳолатларида ҳам ўсмирлар ўзларининг агрессив хулқа кўринишлари билан ўзларига оила аъзоларининг эътиборини қаратишга ҳаракат қиладилар Ота -оан ўсмир хулқидаги ўзгаришлар сабабини излаш ўзаро муносабатларни ўзгартиришга ҳаракат қиладилар

Агар ўсмир оила аъзолари мунтазам тарзда ўзаро низолар , бақириқлар орқали таъсир ўтказиш асосида муаммоларини хал этишга ўрганган бўлсалар, бошқа ижтимоий вазиятда айнан ўзни шундай тўтишга интилади.

-шахсий муаммолар (физиологик ва психологик характердаги муаммоларни келиб чичишига сабаб бўлувчи пубертат даври хусусиятларининг намоён бўлиши) Ўзининг ташқи кўринишидан норози бўлиш (Терзит комплекси) катталар томонидан ноадекват идрок қилиниши Ўсмир ўзини каттадек хис этади, унга болалар каби муносабат бўлишлари ёқмайди. Ўсмирдаги таффакурнинг танқидийлиги катталар хатти ҳаракатига нисбатан шубҳа билан қараш, улардаги ахлоқий меъёрларга нисбатан эътироз хисларини шаклланишга олиб келади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, шахснинг агрессив хатти - ҳаракатига таъсир этувчи хусусиятларидан бири - бу фрустрацияни кўтара олмаслик қобилиятидир. Маълумки, фрустрация эҳтиёжларни қондиришда ёки мақсадга эришиш йўлида пайдо бўлган тўсиқлар туфайли келиб чиққан ҳолатдир. Худди

шу пайтда ўсмир шахсида ҳам ота - она ва яқинлари уни тушунмаслиги ва аксинча унга нисбатан қаттиққўллиги натижасида агрессив хатти - ҳаракатлар, ўсмир хулқида оғишлар намоён бўишини кўзатишимиз мумкин.

Демак, ўсмирнинг агрессив хулқи шаклланишида асосан ота - она таъсири кўзатилади ва оила тарбиясидаги қуйидаги омиллар катта рол ўйнайди:

- ўсмир ҳаракатидан қониқмаган ота - она реакцияси;
- ўсмирлар ва ота - оналар ўртасида муносабатнинг характери;
- ака - ука, опа - сингиллар ўртасидаги муносабатлар характери;
- ота ёки она ёки икковлари билан бўлган ёмон муносабат.

Шунингдек, ўсмир ота - оналарнинг қўллаб - қувватламаслиги ва уларнинг қизиқишларига бепарволигини сезса, қуйидаги вазиятлар юзага келиши мумкин:

- жиноятчилик фаолиятига кириб кетиш;
- бошқа ўсмирларга қарши чиқиш;
- ўз ота - онасига нисбатан ўзларини агрессив ҳолда тўтиши мумкин.

Ўсмир хулқидаги оғишлар асосини аввало оила муҳити ташкил қилиши ва оиладаги ўзаро бир - бирини психологик томондан тушунмаслиги натижасидир. Ўсмирлик кескин ўзгаришлар даврилигини ҳисобга олган ҳолда, уларга алоҳида эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда эса, юқоридаги салбий хусусиятлар ўсмир характери, унинг хатти - ҳаракатини тубдан ўзгартириб юборади.

Хулоса қилиб айтганда, тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзлик билан тарбиялашдир. Бу икки восита бир бўлиб, болани шакллантиради. Шу жумладан, таълимни ҳам ғазаб ва жазолаш билан амалга оширмаган маъқул. Зеро, зўрлаб берилган таълим бола хотирасидан тезда ўчиб кетади. Оқибатда унинг шу соҳага нисбатан қизиқиши сўниши мумкин. Бундан кўринадики, таълимнинг аввали ҳам яхши тарбиядан бошланади.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, ота-она, яқинлари томонидан меҳр-эътиборни етарли даражада, ўз вақтида берилиш бола шахсидаги барча ижобий ҳислатларни шакллантиради. Ҳар хил тобелик ҳолатларини (интернетга, видео ўйинларга, қарама-қарши жинс вакилларига тобелик) олдини олади.

ОИЛАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

*Раззақова Шарофат Фозиловна
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 164-мактаб психологи*

Оила - тарбия ўчоғи. Унда қандай муҳит ҳукмронлигини унда ўсиб-улғаяётган фарзандлардан билиш мумкин. Оилавий ҳаёт муаммоси, оила аъзолари ўртасидаги муносабат, фарзанд тарбияси давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масаладир.

Баъзан болаларнинг ёмон қилиқларини, ота-оналарини ҳурмат қилмаганликларини кўрсак, одатда ғазабланамиз, уларни тартибга чақириб

кўямиз, аммо биз шундай пайтларда бир адолатсизликка йўл кўямиз: болада юз берган ёмон хулқ-атворда ота-онанинг ҳам айби борми-йўқми, бу ёғи билан ишимиз бўлмай қолади. Баъзи бир ота-оналар фарзандларининг уст-бошлари, ейиш-ичишлари ғамини ейишади-ю, лекин афсуски, маънавий ва жисмоний этиёжларини аввал боғчага, кейин мактабга ҳавола қилиб қўйиб, фарзанд тарбиясидаги бениҳоя катта бурчларини ҳис қилмайдилар. Бошқа бир ота-оналар эса болаларини ёшлиқдан талтайтириб, танти қилиб ўстирадилар, меҳнатда тарбияламай, ўз ихтиёрларини ўзларига ташлаб қўядилар. Уларнинг хулқ-атворларига, ўқиш-ўрганишларига, юриш-туришларига бепарво қарайдилар.

Ўзбек оиласининг энг муҳим вазифаси –фарзандларини давримизга муносиб кишилар жамиятнинг баркамол кадрлари қилиб тарбиялашдир. Ота-оналар фарзандларининг тарбияси учун жамият, давлат олдида жавобгар эканликларини яхши тушуниб олишлари лозим. Боланинг хулқ-атвори, ирода ва характер сифатлари, фикрлари аввало оилада таркиб топа бошлайди. Унинг қобилиятлари ҳам, яхши одат, кўникма ва малакалари ҳам, оилада ҳосил қилинади. Мактаб таълими жараёнида эса боланинг шахси билан алоқадор бўлган юқоридаги ҳамма хусусиятлар маълум система воситасида янада такомиллашиб боради. Болалар мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланган тақдирда ҳам оила тарбиясининг аҳамияти камаймайди. Болалар мактабга қатнай бошлагандан кейин ҳам оила тарбия масалаларини бўйнидан соқит қила олмайди.

Кўпчилик ота-оналар оилада бола тарбиясини тўғри йўлга қўйишда педагогика фани тавсияларига ва ўзбек оилаларининг бола тарбияси соҳасида орттирган бой ва илғор тажрибаларига таяниб иш кўрмоқдалар. Жамиятимизда болаларимизнинг ҳар томонлама мукамал ўсиб, камол топишлари учун ҳамма шароитлар яратилиб берилган. Лекин шуни унутмаслик лозимки, бола учун оиланинг, жиддий тартибнинг ота-она меҳрига асосланган ҳар кунги, ҳар соат ва ҳар дақиқадаги сабр-тоқат, кунт билан олиб борилган тарбиянинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Шунинг учун ҳам А. С. Макаренко бола тарбиясида оиланинг масъулияти ҳақида фикр юритар экан, бу жамият олдидаги катта бурч эканлигини такрор таъкидлаган эди. “Агар сиз бола кўрган бўлсангиз, - деган эди у, - демак, сиз кўп йиллар учун олдиндан ўз фарзандингизга тинимсиз фикр-ўйларингизни, ўзингизнинг бутун диққат-эътиборингиз ва бутун иродангизни берган бўласиз. “Агар сиз болани дунёга келтириб, ота-она муаббатисиз ундан қутулмоқчи бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, ўзингизнинг разиллик қилмоқчи эканлигингиз ҳақида жамиятни огоҳлантириб қўйинг”.

Биз деярли ҳаммамиз, касбимиздан, жамиятда тутган ўрнимиздан, ишимиз кўп ё озлигидан, шахсий сифатларимиздан қатъий назар, **Ота** ва **Она** деган юксак номга эгамиз. Бу ном эса, албатта, катта масъулият юклайди. Иш кунимиз тугагандан сўнг биз ўз уйимизга – бола-чақа ёнига шошилаемиз. Бу ерда бизни фақат ҳордиқ чиқариш, хонадондаги ва турмушимиздаги қувончларгина эмас, балки, шу билан бирга, хилма-хил ота-оналик ташвишлари ҳам кутиб туради.

Ҳар бир ўзбек кишисининг ота-оналик бурчи унинг меҳнатдаги активлиги ва ишидаги обрў ва эътибори сингари муҳим ва масъулиятидир. Инсоннинг меҳнат каби, ота-оналик бурчини виждонан адо этиши ҳам, ўз

моҳияти билан, жамиятга хизмат қилишдан иборатдир, у ишлаб чиқаришда меҳнат қилса, оилада тарбиячидир. Бу икки вазифа бирга қўшилиб, фуқаролик бурчига айланади, бу бурчни сидқидилдан бажаришга эса ҳеч кимнинг бош тортишга ҳақи йўқ. Шунини унутмаслик керакки, фарзанд ота-онанинг қувончи, хонадоннинг эрмагигина бўлиб қолмай, балки фарзанд умр меваси, оила фахри, келажагимиз-бахтимиздир. Оиламиздаги инсон камол топади, жамиятимизнинг бўлғуси меҳнаткаш фуқаро вояга етади.

Бу инсоннинг қандай киши бўлиб етишуви кўп жihatдан оила тарбиясига, ота-она масъулиятига, виждонига, шунингдек, ота-онанинг бола тарбиясининг умумий қонуниятларини яхши билишига ва ҳаётда уларга қанчалик амал қилиб келаётганлигига боғлиқдир. Биз болаларнинг бугунги кундаги интилишларини оилавий манфаатлар билангина чеклаб қўймаслигимиз керак. Боланинг қизиқиши, умид ва орзуларига сезгирлик билан кулоқ солишимиз, энг яхши тилакларининг қанот ёзишига имконият яратишимиз лозим.

Тарбия кўп соҳали ва узоқ давом этадиган жараён дир. Болани ўраб олган шароитнинг ҳаммаси-одамлар, нарсалар, ходисалар унинг онгида, хулқ-атворида маълум тус олдиради, уни ўзгартиради ва ўстиради. Ота-оналик бурчи эса ана шу ўсишни онгли равишда, зийраклик билан бошқариш дир.

Атоқли рус педагоги А.С.Макаренко болалар тарбиясида ота-оналарнинг бурчи ҳақида тўхтаб: “Болалар тарбияси – ҳаётимизнинг энг муҳим соҳасидир. Болаларимиз – мамлакатимизнинг бўлажак фуқароларидир. Улар тарихни ижод қиладилар. Болаларимиз - бўлажак оталар ва оналар дир: улар ҳам ўз болаларини тарбиялайдилар. Ёмон тарбия – бизнинг келасида жафо чекишимиз, ғам-ғуссамиз дир. У – кўз ёшларимиз дир, у – бизнинг ўзгалар олдида, давлат олдида катта гуноҳимиз дир” деган эди.

Оила тарбиясида юз берадиган баъзи хато ва камчиликларнинг сабаби, аввало, ота-оналарнинг тарбия тўғрисидаги билимлардан беҳабарликларида, тажриба орттирмаганликларида дир. Ҳамма ота-оналар ҳам оилавий ҳаёт тартиби, талабларини, боланинг ўсиши ва тарбиясида оила ҳаёти ва оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини тўғри йўлга қўйиш зарурлигини яхши тушунадилар, бола тарбиясидаги ўз масъулиятларини тўғри англайдилар, деб бўлмайди. Сир эмаски, тарбия ишига баъзан бир томонлама қарайдиган ота-оналар ҳам учрайди. Баъзан эса ота-она ёки оиладаги катта кишиларнинг болага қўядиган талабларида бирлик бўлмайди, болани рағбатлантириш ёки жазолашнинг таълим-тарбияга зид бўлган чоралари қўлланилади.

Бола тарбияси ва яхши, қобил фарзанд ҳақида сўз кетганда кўпинча “яхши одамнинг фарзанди”, “отасининг боласи-да” ёки “онасига тортибди” каби сўзларни эшитамиз. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ақил ва ҳамжиҳат оилада ўсган, яхши ота-она тарбиясини кўрган ўил-қиз ҳам ота-онасига тортиб, тартибли бўлиб етишади, чунки бола инсонга хос энг яхши фазилатларни ўзининг отаси ва онаси сиймосида кўрган, уни ўзига сингдиришга ҳаракат қилган. Бундай оилаларда ота-она бола учун ахлоқий намуна бўлади. Айрим оилаларда болаларга ёшликданок нотўғри тарбия берилади. Болага қўйиладиган тарбиявий талабларда ҳар хиллик сезилиб қолади. Баъзан англамай қилинган ҳатти-ҳаракатлар бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, баъзи оилаларда эса сўз билан ҳатти-ҳаракат бирлиги

мезони бузилади. Натижада, ана шундай оилада тарбияланаётган бола ғоятда тартибсиз, эрка, танги, ишёқмас, қайсар бўлиб қолади. Бундай болалар қайта тарбияланишга муҳтож бўладилар. Бу ҳақида А.С.Макаренко болаларга мумкин қадар жуда кичик ёшлигидан бошлаб тўғри тарбия беришга киришиш кераклигини, акс ҳолда уларни кейинчалик қайта тарбиялаш ғоят оғир боўлишини, бу иш кўп куч ва билим талаб этишини кўрсатиб: “болани қайта тарбиялашга нисбатан уни тўғри ва нормал тарбиялаш қанча осондир” деган эди.

Тан олиш керак, жамиятимизда ёш авлоднинг жисмоний ривожланишига бугун жуда катта аҳамият берилмоқда, бироқ унинг психологик саломатлигига, руҳий ривожланишига педагог ва психологлар, қолаверса ота-оналар томонидан етарлича эътибор берилгани йўқ

Агар инсоннинг эътиқоди, маънавий баркамоллиги, руҳий турғунлигига эътибор берилмас экан, бундай инсон онгини осонлик билан захарлаш мумкин.

- ✓ *Агар бола кўп танқид қилинса* - у тергашни ўрганади;
- ✓ *Агар болага қаршилик кўрсатилса* - у урушқоқликка кўникади;
- ✓ *Агар бола кўп мазах қилинса* - у ўта тортинчоқ бўлиб қолади;
- ✓ *Агар бола кўп шарманда қилинса* - у ўзини айбдор деб билади;
- ✓ *Агар болани кўп қўллаб-қувватлашса* - у ўзида ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди;
- ✓ *Агар болани кўп мақташса* - у баҳолашни ва таққослашни ўрганади;
- ✓ *Агар бола билан ростгўй бўлишса* - у адолатли бўлишга интилади;
- ✓ *Агар бола хавфсизлик ҳисси билан яшаса* - у ўзига яхши муносабатда бўлади;
- ✓ *Агар бола самимийлик ва меҳр муҳитида тарбияланса* - у бу дунёда меҳр - муҳаббатни қадрлайди.

Фарзанд омадли, ўзига ишонган, одоб-ахлоқли, ўқимишли бўлиб етишиши учун қандай йўл тутмоқ керак? Катта педагогик ва психологик таълим мажмуасида озгина қаттиққўллик ва темир интизомни кўшинг. Бу мажмуани меҳр ва мақтов билан сайқалланг. Ана шундай мажмуани қўллаган ҳолда вояга етказинг. Ва яна шу нарсани унутмангки, оиладаги ўзаро муносабатни доим самимий бўлиши бу тарбиянинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИ АСОСЛАРИ

*Пўлатова Маҳбуба Ражаббоевна
Хоразм вилояти Хонқа тумани 23-мактаб психологи*

Ҳамма даврларда бўлгани каби бугунинг ҳам энг долзарб масалаларидан бири келажак авлодни муносиб камол топдиришдир. Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг муваффақияти - уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб, у купрок

шу даврга таалуклидир. Бу даврдаги болаларнинг хулқидаги салбий ўзгаришларни аксарият мутахассислар ижтимоий омиллар олиб бориб тақашсада, бошқа омилларнинг ҳам роли кўплигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Тарбияси кийин, инжик, хулқи оғир болаларни келиб чиқишининг ижтимоий омиллардан ташқари педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ёшларда ғайриижтимоий хатти-харакатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари хар хилдир. Қонунни бузишни ёки қоидага хилоф иш қилиши даражасига қараб тарбияси кийин ўсмирлар жиноий қонунбузар ва одий қоидабузар гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси кийинларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик жараёнидаги камчиликлар, ироданинг бўшлиғи, ақл идрокнинг заиф ривожлангани, ҳиссиётнинг кучсизлиги зарурий эҳтиёж ва қизиқишларнинг мавжуд эмаслиги, ўсмирнинг интилиши билан мавжуд имконияти ўртисидаги номуносиблик каби хатти-харакатларни издан чиқаради.

Мактабдан ташқари муҳитни таъсиридаги нуқсонлар, чунончи оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгдошларининг таъсири, маънавий-маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар тарбияси кийин ўсмирлар сонини тобора ортишига сабаб бўлади.

Ўсмирларнинг типологик хусусиятларига қараб уларни бир неча шартли гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тарбияси кийин усмирларнинг биринчи груҳи орсизлар ёки суботсизлар дейилади. Булар ўз хатоларини билиб туриб қонун-қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар. Лекин ютуқларини эътироф қилишини хоҳлайдилар. Шахсий фикрларини бошқа кишиларга маъқуллашини ва ўз талабларини ўзгалар сўзсиз бажаришини жуда ёқтирадилар. Улар бетга чопар, ўжар, раҳм-шафқатсиз, «зўравон» бўладилар.

Мустақил фикрга эга бўлмаган тенгдошларини ўз атрофларига тўплайдилар ва биргаликда тартиб бузушга ундайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб тарбияси кийин ўсмирлар яхши ва ёмонни тушунадиганлар, бироқ мустақил эътиқодга, барқарор юксак ҳис-туйғуга эга эмасликлари сабабли «орқа қанот»да туриб қоидани бузадилар. Уларнинг хатти-харакатлари тасодифий воқеликка, таъсир кучига ва вазият хусусиятига боғлиқдир. Улар ташвиқотга тез бериладиганлар, барча нарсаларга ишонадилар, қайси йўлга кириб қолганликларини англаб етадилар, бироқ «компания» фикрига қарши боришга ботина олмай кўнгилсиз ишларга қўл урадилар. Кўпинча тартиббузарлар қилмишларига тавба қилиб, синф жамоаси аъзоларини ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси кийин ўсмирлар шахсиятпарастлик туфайли қонунбузарлик, тартиббузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар шахсий

талаблари ва эҳтиёжларини қондириш учун ҳар қандай ноҳўя хатти-харакатлардан қайтмайдилар, камига одамларга яхшилик қилишни орзулайдилар. Бироқ ўзларининг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатдан юкори қўядилар. Ўзларининг хохишларини тақикланган усуллар билан амалга оширадилар, сўнг қилмишларига афсус-надомад чекадилар, рухан эзиладилар. Лекин мазкур кечинмаларни тез унутадилар.

Уларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳар қандай юксак ҳислардан, хохишлардан устун туради. Ахлоққа хилоф хатти-харакатлар ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади.

Инжиқ табиатли қийин тарбияланувчилар жамоа ва гуруҳларда ўз ўринларини топа олмайдилар, улар аразчан, гинахон бўлиб ўз гуруҳ ва жамоаларига қўшилиб кетавермайдилар, тортиниб ўзларини камситилгандек ҳис қиладилар. Улар ҳам қийин тарбияланувчи ёшларнинг бир туридир.

Жамоа ўртасида обрў қозонишни, хурматга сазовор бўлишни жуда хоҳлайдилар. Лекин улардаги тушкунлик кайфияти, умидсизлик, ўз имконияти, ақлий қувватга ишончсизлик бунга имкон бермайди. Улар мактаб, синф жамоасининг қоида ва қонунларини бузишга ҳаракат қилмасалар ҳам, лекин бу жамоанинг иш фаолияти ва муваффақиятида, таълим-тарбия жараёнида етарлича қийинчиликларни пайдо бўлишига таъсир кўрсатадилар. Жамоа ишини орқага сурадилар ва жамоа кўзлаган мақсадни амалга оширишда қийинчилик туғдирадилар.

Ғайриижтимоий ҳулққа эга ёшларни тарбиялашда улар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда ҳар бир ёшни индивидуаллигининг физиологик асосини ва унинг шахси ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий нерв(асаб) фаолияти типлари ҳақидаги И.П.Павлов таълимоти билиш ўқитувчиларга ёрдам беради.

Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг пластиклик хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларга берилувчанлигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий ҳислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу ўринда ёшларнинг ғоявий маслагини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. ўқувчи индивидуаллигини шахс мазмунига, аввало унинг ғоявий маслаги, яъни унинг қизиқишлари, идеалларини билиш керак. Ёшларга индивидуал муносабатда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишларини билиш айниқса муҳимдир...

Ёшларни эмоционал-иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, мўминлиги ёки эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчанлигини, яъни теварак атрофдагилардан фарқ этиш ёки фарқ этмаслигини, аффектга мойил ёки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олиш-олмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳим.

Ёшларнинг ахлоқий ҳислатини ҳисобга олиш ҳам лозим. Чунки ёшларнинг ғоявий маслаги унинг ахлоқий ҳислатида кўринади. Аммо, баъзан

ахлоқий маслак билан ёшларнинг хулқи тўлиқ равишда муносиб келмай қолади. Катталар ҳар бир ёшларнинг қанчалик ватанпарварлигини, меҳнатпарварлигини, қанчалик хурмат қилишини, қанчалик тўғрилигини ва виждонлигини, ўртоқлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишини кузатиб, билиб бориш зарур.

Салбий ахлоқий сифатларга эга бўлган ёшларда кўполлик, ёлғончилик, безорилик эгоизм, қайсарлик, уjarлик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик кабилар киради ва бундай ҳислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш (жамоа орасида тарбияланганда ҳам)да фақат уларга якка тартибда ёндошув лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишлигини ёки тарбия, танбех бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини ёқтирмайдилар, улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлишликнигина талаб қилинади. Тарбияси қийин болалар, ёшлар билан ишлашда унинг характери, қизиқишларига хос хусусиятлари эътиборга олиниши лозим. Кўп насиҳат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд кўтармаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна (меҳнат, ўқиш жараёнида) оила ва мактабдаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигина ёшларда шундай бўлишига хавас туғдиради.

Тарбияси қийин усмирларинг хатти-харакатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айна муддаодир. Уларга кичик жамоани, спорт сексиясини, «тирик бурчак»ни бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл-атворларни қамайтириш мумкин.

Уларни узлари кизиккан тугаракларга жалб қилиш орқали уқишга салбий муносабатлари аста-секин йўқолиб боради. Яна энг муҳими шунчаки, тарбияланувчиларга ишониш керак. Уларни қўлидан келадиган ишларга эътиборни бериб, уни бажарганидан кейин рағбатлантириш, уни ишни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашда тарбия беришнинг махсус шароитларини аниқлаш муҳимдир. Улар билан дуч келган вақтда ёки ҳар доим эмас, балки, қулай шароит келиб қолганда иш олиб борилса, яъни тарбиявий таъсир кўрсатилса, у кўпроқ натижа беради.

SOG'LOM OILA –BARKAMOL AVLOD YARATUVCHISI

*Igamberdiyeva Dilnoza Sunnatillayevna
Qarshi shahar 31-maktab psixologi*

Oila – nafaqat bir yurtning, balki umuminsoniyatning katta siyosati. Aytish kerakki - davlat siyosati. Nega deganda, bashariyatning tirikligi, uzluksizligi – oiladan! Axir oilaning eng birlamchi va bevosita vazifasi, ma'naviyat tili bilan aytganda,

muqaddas vazifasi – insoniyatning zanjirini sog'lom va iqtidorli avlodlar bilan ulab borishdan iborat –ku! Bu – hamma millat, hamma davlat, hamma xalqlar zimmasidagi sharaflı vazifa.

Oila dastlab ikki kishidan barpo bo'ladi. Shaffof irmoqlar biri biriga qo'shilib jo'shqin soy, daryolarni tashkil qilgani kabi o'zbeklar uchun katta oilalar urf hisoblanadi. Qo'shgani bilan q'osha qarishni, serfarzand bo'lishni, hamma bolalari yig'ilib kelganda uyi to'ydek bo'lib ketishini, chiroyli qarishni orzu qilmagan o'zbeklar, oila sohiblari topilmasa kerak.

Sharqda oila qadim-qadimdan muqaddas qo'rg'on hisoblangan. O'zbek oilalarining serildizlik, serbutoqlik xususiyatlari qadim – qadimdan va hozir boshqa millat kishilarida ham hayrat, ham hurmat uyg'otgan xususiyatdir. O'zbek oilasida ayol, ona ana shu qo'rg'onning posbonlari, oilaning muqaddasligini ta'minlovchi mo'tabar insonlardir.

Qur'oni karimda, hadislarda ayol – onani ulug'lash kerakligi haqida ko'plab ibratli ko'rsatmalar bor. Ularning hammasi ayol – onaning oilada tutgan o'rnidan kelib chiqib aytilgan, albatta. Negaki, dunyoga yangi kelgan farzand uchun oila – ilk tarbiya maskani, shu muqaddas dargohning ma'naviy – axloqiy muhitini yaratuvchi mo'tabar zotdir.

Momolarimiz o'z cheklariga tushgan bu qutlug' vazifani juda sidqidildan bajarib kelganlar. Ana shu momolar o'gitini eslash, tiklash, rivojlantirish hozirgi kunda oldimizda turgan eng dolzarb vazifalarning bir uchquni desak to'g'ri bo'lar. Qaysi yo'nalishda bo'lishidan qat'i nazar, mamlakat taraqqiyotiga oid hamma dasturlarda millatning yuzi, nozik qalbi, op-nomusi bilan bog'liq ma'naviy qadriyatlarga qayta-qayta murojaat qilinishi, ulardan quvvat olinishi, e'zoz bilan qaralishi bejiz emas. Oila – bashariyat yaratgan bebaho, yombi ma'naviy qadriyatdir.

Qalbning iymonli va rahmonliligi yoki, aksincha, bag'ritoshlik va iblislik ham oilada shakllanadi. Onalarimiz bu muqaddas vazifani juda oddiy yo'l bilan, ya'ni odobi, demakki xalq odobining eng ibtidoiy, lekin umri boqiy, qadri abad qirralari – kattalarga hurmat, kichikka izzat, murosai madora, yulduzga yulduzni moslab yashash kabilarni singdirish, bu fazilatlarni zamonga qarab rivojlantirish, oilaning har bir a'zosi ruhida turg'un qilish bilan o'taganlar. Oqibatda xalqimizga ulug' farzandlarni etishtirib berganlar.

Yuqorida oila – nafaqat bir yurtning, balki umuminsoniyatning katta siyosati, aytish kerakki – davlat siyosati, dedik. Shuning uchun ham dunyoda necha xalq, necha xil millat, necha xil mamlakat bo'lsa, ularning nashr etgan behisob adabiyotlari ichida oila, oilaviy munosabatlar, oilaning jamiyatda tutgan o'rni xususida alohida varaqlardan tortib, katta-katta ensiklopediyalargacha, hukumat qarorlari, nizomlardan tortib, kodekslargacha uchratish mumkin.

Oila muqaddas va buyuk ne'mat hisoblangani uchun ham juda ko'p donishmandlar oilani tuzishni mamlakatni tashkil qilish kabi muhim deb biladilar. Oilaning barqarorligi va baxtli hayoti – shu mamlakatning yuzi, obro'yi deb qaraladi. Taraqqiy etgan davlatlarning o'z mamlakatlarida oilaga bunday katta e'tibor berishi, turli yo'llar bilan uning nufuzini ko'tarishga intilishi also bejiz emas.

Bizda oilalar qurayotganda an'anaviy ko'rsatmalarga amal qilinadi. Asrlar davomida ma'naviyatimiz boyib borayotganiga, oilalarimiz mustahkamligiga bu

ko'rsatmalarning insonparvarligi, umrboqiyiligi sabab bo'layotgani ham sir emas. Yaxshi oila xushxulqli, imonli solih kishilarni, ibratli insonlarni tarbiyalaydi.

Voyaga yetayotgan har bir kishi oila to'g'risidagi yaxshi ko'rsatma, yo'riq, tuzuk, qonun- qoidalarni yaxshi bilishi lozim. Ana shu bilim va istak ularning o'z oilalarini ko'rkam tuzuvlariga, shu kichkina mamlakatlarni to'g'ri boshqaruvlariga yordam beradi. Oilada pihatli umr kechirish – barakotli umr kechirish demakdir.

Bordi-yu oila tuzuk bo'lmasa, tarbiyaga ham e'tibor berilmasa, qancha buyuk bo'lsa ham, bunday millat dunyoda uzoq yashay olmaydi. Buni donishmandlar ko'p ta'kidlashgan: "Millatlar sharafini yuqori martabaga ko'taradigan narsa millionlar ila sanaladigan askarlar-u, dunyoda eng buyuk va zo'r bo'lgan kemalar emas, balki eng oz e'tibor beradiganimiz yo bo'lmasa, hech bir zamon e'tibor bermasdan qoladiganimiz – oiladir.

Shuning uchun ham hamma asrlarda, hamma xalq va millatlarda dunyoning buyuk olim va fuzalolari, taniqli adiblari umrlarining oxirigacha qimmatli soatlarini oilani yaratish, uni barqarorlashtirish, insonni eng noyob farog'atdan bahramand qilish baxtiga muassar etish ustida bosh qotirib o'tkazadilar.

Garchi oila turmushni iqtisodiy tashkil etuvchi ilk uyushma sifatida ibtidoiy davrlardan boshlab mavjud bo'lib kelayotgan bo'lsa ham, davrlar o'tishi, "zamonlar o'zgarishi" bilan oilaning maqsad va vazifalari ham o'zgarib, tobora takomillashib boraveradi.

Bola tajribasining asoslaridan biri undagi ota-ona oilasi ta'sirida shakllanadigan ijtimoiy fe'l –atvordir. Ya'ni, o'zaro ishonch, o'zini-o'zi baholash, Men-konsepsiyasi ota-onasi, aka-ukalari, opa-singillari ta'sirida bola ongida shakllanadigan hislatlardir. Bola ota-onasining muloqotlariga qarab, umri mobaynida kuzatib, bilib-bilmay ularga taqlid qilib, inchlik xotirjamlikda, o'zaro hamjihatlikda yashashga o'rgansa, aka-uka, opa-singillariga qarab, jamiyatdagi murakkab o'zaro muomala holatlarida o'zini qanday tutishga o'rganadi, hayotning ma'nosini tushunib boradi, dunyoqarashi, dunyoviy hamda diniy e'tiqodlarining shakllanishi ham ayni shu munosabatlar ta'sirida ro'y beradi.

Demak, oila bolaning ijtimoiy munosabatlarga tayyor bo'lishida muhim ahamiyat kasb etgan pedagogik muhitdir. Shu bois ham olimlar oilaning eng muhim va dastlabki vazifalaridan ham birini tarbiyalovchi funktsiya ekanligini doimo e'tirof etadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vasila Karimova. Oila psixologiyasi
2. Ayol, oila va jamiyat (Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari) Mas'ul muh. F. Otaxonov .-T.: 2007 – 260 b.
3. Karimova V. Oilaviy hayot psixologiyasi: O'quv qo'llanma. –T.: 2006 – 142 b.

O'SMIRLIK DAVR GENDER XUSUSIYATLARINI TADQIQ ETILISHI

Oqilova Ziyodaxon Saidolim qizi

O'ZMU 2-kurs magistranti

Kalit so'zlar: O'smirlik, gender, jinsiy yetilish, shaxslararo munosabat, psixika.

O'smirlik insonning balog'atga etish davri bo'lib, o'ziga xos xususiyati bilan kamolotning boshqa pog'onalaridan keskin farqlanadi. O'smirida ro'y beradigan

biologik o'zgarishlar natijasida uning psixik dunyosida tub burilish nuqtasi vujudga keladi. Balog'at davriga 11 (12) –15 yoshli qizlar va o'g'il bolalar kiradilar. Kamolotning mazkur pallasida jismoniy o'sish va jinsiy etilish amalga oshadi.

Bolaning bo'yi 11–12 yoshida 6 –7 sm, hatto 10 sm gacha o'sishi mumkin. Biroq bu bosqichda qizlar o'g'il bolalarga qaraganda tezroq o'sadilar. O'smir 13–14 yoshga to'lganda har ikkala jins o'rtasida bo'ying o'sishi qariyb baravarlashadi. O'n besh yoshga qadam qo'yganda esa o'g'il bolalar qizlarni ortda qoldirib ketadilar. SHundan keyin to umrning oxirigacha o'sishda o'g'il bolalar ustunlik qiladilar.

O'smirlik davrida bo'y bilan tana nomutanosib ravishda o'sadi, natijada bolalar ori, nimjon va uzun bo'yli bo'lib ko'rinadilar.

O'smirlarda yurakning hajmi va tiriklik sig'imi har yili 25 foiz kattalashib boradi. Bo'ying jadal o'sishi va tana og'irligining ortishi bilan qon hamda kislorodga ehtiyoj ham ortadi, bu ehtiyoj yurak hajmining kengayishi va funksional faoliyati ko'rsatkichlarining boyishi evaziga ta'minlanadi. Mazkur davrda tananing umumiy hajmidan 7–8 foizini qon tashkil qiladi, qon bosimi birmuncha oshadi, simob ustunining 110–115 mm darajasida bo'ladi. YUrak qisqarishining chastotasi bir qadar sekinlashadi, masalan, 11 yoshda daqiqada 85–90 marta urgan bo'lsa, 14–15 yoshlarda 70 martagacha pasayadi.

Yurak kengayishi bilan birga qon tomirlari ham yo'g'onlashadi. Qon aylanishi tizimining qayta qurilishi, vegetativ, nerv sistemasidagi beqarorlik qon aylanishini buzadi va o'smirda ba'zan qon bosimining ortishi ro'y beradi. Qon aylanishining o'zgarishi qizlarda og'irroq kechadi, chunki ularda yurak vaznining ortishi oldinroq boshlanib, oldinroq yakunlanadi.

O'smirlik davrida nafas olish organlari jadal rivojlanadi. O'pkaning tiriklik sig'imi quyidagicha bo'ladi:

o'g'il bolalarda –11 yoshda 1900–2000 ml; 15 yoshda 2600–2700 mm.

qizlarda–11 yoshda 1800–1900 ml; 15 yoshda 2500–2600 ml. SHuning uchun nafas olish har daqiqada 2 marta kamayadi. O'g'il bolalar qorin bilan, qizlar esa ko'krak bilan nafas ola boshlaydidar. Ko'krak qafasi, nafas olish muskullari tez o'sa boradi va jinsiy etilishni kuchaytiradi.¹⁶

11–12 yoshdagi o'smirning ichki sekretiya bezlari qayta quriladi. Gipofizning old qismi ishlab chiqaradigan gormonlar gavdaning o'sishini ta'minlaydi. Gipofizning o'rta qismi kuchayishi sababli pigmentlar almashinishi o'zgaradi, natijada soch qorayishi, yuzlarning oqarishi namoyon bo'ladi. Gipofiz bilan bir qatorda qalqonsimon bezning funksiyasi ham ko'chayadi. Qalqonsimon bez ishlab chiqaradigan tiroksin gormoni organizmda modda almashinuvi va energiya sarfini keskin orttiradi. Markaziy nerv sistemasida qo'zg'aluvchanlik o'zgaradi natijada yaqqol his-tuyg'ular tug'ila boshlaydi. Qalqonsimon bez faoliyatining kuchayishi ko'zg'aluvchanlik, asabiylashish va toliqishni keltirib chiqaradi. Bosh miya qobig'ida tormozlanish jarayonining susayishi shiddatli emotsional kechinmalarni vujudga keltiradi, hulq-atvorda parokandalik, g'ayritabiilik paydo bo'ladi. Qalqonsimon bez funksiyasining o'zgarishi va modda almashinuvining buzishi sababli o'smirde semirish ro'y beradi.

¹⁶ Ғозиев Э.Ф. У мумий психология.. Т. Ўқитувчи. 2010 й.

Mazkur yosh davrida jinsiy bezlar faoliyati kuchayadi. Balogʻatga etishning birlamchi va ikkilamchi alomatlari oʻsa boshlaydi: oʻgʻil bolalarda ovoz oʻzgaradi, yoʻgʻonlashadi, moʻylov va soqol paydo boʻladi, qizlarda esa koʻkrak bezlari rivojlanadi va hokazo. Natijada boshqa jinsga qiziqish ortadi, orzu, xohish, nozik tuygʻu, sogʻinch, iztirob kabi kechinmalar paydo boʻladi.

Oʻsmirlar jinsiy etilish sirlarining 17 foizini ota-onadan, 9 foizini oʻqituvchilardan, 4 foizini maktab vrachidan va qolgan yashirin jihatlari, holatlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni koʻcha-koʻydan, oʻrtoqlari va dugonalaridan eshitib bilib oladilar. Kutilmagan holatlar va maʼlumotlar ularning xatti-harakatini chigallashtiradi, yakkalik olamiga berilish boshlanadi, feʼl-atvorda ayrim illatlar paydo boʻladi. Goho oʻsmirlar orasida axloqan tubanlashuv hollari roʻy berishi mumkin. Ularni bunday qiliqlardan nopok guruh va toʻdalardan xalos etish maqsadga muvofiqdir.¹⁷

Ijtimoiy hayotda yaramas odatlarni keltirib chiqaruvchi anchagina manbalar bor: birinchidan, kino zallari va televideniada oʻsmirlarga toʻgʻri kelmaydigan filmlarga ruxsat qilinishi; ikkinchidan, jamoat joylarida va koʻcha-koʻyda kattalarning nojoiz qiliqlar koʻrsatishlari; uchinchidan taʼlimda biologik oʻsish toʻgʻrisida etarli bilimlar berilmasligi; toʻrtinchidan, vrachlarning bu sohada keng koʻlamda ish olib bormasligi; beshinchidan, ota-onalarda fiziologik va psixologik bilimlar etishmasligi; oltinchidan, oʻsmir bolalar va qizlarga moʻljallangan materiallarning kamligi va hokazolar.¹⁸

Oʻsmirlik yoshida bolalikdan kattalik holatiga koʻchish jarayoni sodir boʻladi. Oʻsmirda psixik jarayonlar keskin oʻzgarishi bilan aqliy faoliyatida ham burilishlar seziladi. Shuning uchun shaxslararo munosabatda oʻquvchi bilan oʻqituvchining muloqotida, kattalar bilan oʻsmirlarning muomalasida qatʼiy oʻzgarishlar vujudga keladi. Bu oʻzgarishlar jarayonida qiyinchiliklar tugʻiladi. Bular avvalo taʼlim jarayonida roʻy beradi: yangi axborot, maʼlumotlarni bayon qilish shakli, uslubi va usullari oʻsmirni qoniqtirmay qoʻyadi. Oʻqituvchining yangi mavzuni batafsil tushuntirishi, darslar maʼruza shaklida olib borilishi oʻquvchilarni zeriktiradi, ularda oʻqishga loqaydlik tugʻiladi. Ilgari oʻquv materialini maʼnosiga tushunmay yodlab olishga odatlangan oʻsmir endi zarur oʻrinlarni mantiqiy xotira va tafakkurga suyangan holda oʻzlashtirishga harakat qiladi, oʻzlashtirilgan bilimlarni talab qilinganda oʻquvchi bilan oʻqituvchi oʻrtasida anglashilmovchilik paydo boʻladi, tahsil oluvchi unga qarshilik koʻrsata boshlaydi. Odobli, dilkash oʻsmir kutilmaganda qaysar, intizomsiz, qoʻpol, serzarda boʻlib qoladi. Kattalarning yoʻl-yoʻriqlariga, talablariga muloyimlik bilan javob qaytarib yurgan oʻsmir ularga tanqidiy munosabatda boʻladi. Uning fikricha, kattalarning talablari, koʻrsatmalari mantiqan ixcham, dalillarga asoslangan, etarli obʼektiv va subʼektiv omillarga ega boʻlishi kerak. Oʻsmirda shaxsiy nuqtai nazarning vujudga kelishi sababli u kattalarning, oʻqituvchining qaygʻurishi, koyishiga qaramay, oʻzining fikrini oʻtqazishga harakat qiladi. Uning oʻz qadr-qimmatini haqidagi tasavvuri, narsa va hodisalarga munosabati oqilonalikdan uzoqlasha boshlaydi, u ayrim maʼlumotlarni tushuntirib berishni yoqtirmaydigan boʻlib qoladi. Serzardalik kundalik xatti-harakatning ajralmas qismiga aylanadi. Oʻsmir xulqidagi bunday oʻzgarishlar tajribasiz oʻqituvchi yoki ota-onani qattiq tashvishga soladi, asabiylashtiradi va ularning

¹⁷ Андреева Г. М. Социальная психология. М., 2008.

¹⁸ Фозиев. Э.Ф. Ижтимоий психология. Т. 2010 й

o'quvchiga munosabatini o'zgartiradi. Natijada kelishmovchiliklar, anglashilmovchiliklar, nizolar kelib chiqadi.¹⁹

Ayrim pedagoglar o'smirlik davri inqirozi to'g'risida kuyinib gapiradilar, ba'zi illatlarni tanqid qiladilar va ularning ijtimoiy-psixologik ildizini topishga intiladilar. Aslida esa o'smirlarga yondashishda metodologik kamchilikka yo'l qo'yadilar. Mazkur illatlarning oldini olish chora va tadbirlari tizimini ishlab chiqa olmaydilar. Bu masalaga to'g'ri yondashish ayrim ilmiy tadqiqotlarda asoslab berilgan va o'smirlik davri inqirozi haqida mulohaza yuritishdan ko'ra, kattalar bilan o'smirlar muomalasining inqirozi haqida gapirish to'g'riroq bo'ladi, deb xulosa chiqarilgan.²⁰

Xo'sh, o'smirning psixik o'sishini harakatga keltiruvchi kuch nima? O'smirning psixik o'sishini harakatga keltiruvchi kuch – uning faoliyatini vujudga keltirganligi ehtiyojlar bilan ularni qondirish imkoniyatlari o'rtasidagi qarama-qarshiliklar tizimining namoyon bo'lishidir. Mana shu dialektik qarama-qarshiliklar ortib borayotgan jismoniy, aqliy hamda axloqiy imkoniyatlar bilan barqarorlashgan stereotipga aylangan tashqi olamni aks ettirishning shakllari o'rtasida sodir bo'ladi. Vujudga kelgan ziddiyatlar va qarama-qarshiliklarni, psixologik kamolotni ta'minlash, faoliyat turlarini murakkablashtirish orqali o'smir shaxsida yangi psixologik fazilatlarni tarkib toptirish bilan asta-sekin yo'qotish mumkin. Bu davr insonning kamoloti yuqoriroq bosqichiga ko'tarilishi bilan yakunlanadi. Kamol topish o'smirdan umumlashtirish, hukm va xulosa chiqarish, mavhumlashtirish, ob'ektlar o'rtasidagi ichki munosabatlarni o'rnatish, muhim qonun, qonuniyat, xossa, xususiyat, mexanizm va tushunchalarni anglash, ixtiyoriy diqqat, barqaror qiziqish, ongli motiv va mantiqiy eslab qolishni talab qiladi. Bularning barchasi fanlarga doir bilimlar tizimini vujudga keltiradi, amaliy ko'nikmalarni shakllantiradi, o'zini o'zi nazorat qilish, baholash, anglash singapi xususiyatlarni tarkib toptiradi.

Maktab va bilim yurtida oilada mustaqil faoliyatga keng imkoniyatlar bo'lsa, o'quvchi muayyan vazifa va topshiriqlarni, bajara boshlaydi. Natijada o'smirning ijtimoiy mavqei ortib, faoliyati takomillashib, psixikasi har tomonlama rivojlanib boradi.

Hozirgi o'smirlar o'tmishdoshlariga nisbatan jismoniy, aqliy va siyosiy jihatdan birmuncha ustunlikka ega. Ularda jinsiy etilish, ijtimoiylashuv jarayoni, psixik o'sish oldinroq namoyon bo'lmoqda. SHu sababli bizda o'g'il va qizlarni 10–11 dan 14–15 yoshigacha o'smirlik yoshida deb hisoblanadi.

Venalik psixolog Z.Freyd va uning shogirdlari o'smirlik davrini baholashda insonga azaldan berilgan qandaydir ilk mayl nishonasi sifatida vujudga keladigan o'z mavqeini belgilashga ongsiz intilishni eng muhim asos deb hisoblaydilar. Bu intilish go'yoki xudbinlik, boshqa kishilarni mensimaslik, paydo bo'lishga, atrof-muhit bilan kelisha olmaslikka, hatto nizolarga olib kelar, ongsizlik ehtiyojlari va mayllari shaxsning faolligini belgilar emish. Sobiq sovet psixologlari Z.Freyd nazariyasining mutlaqo asossizligini ta'kidlab, o'smirda imkoniyat bilan talabchanlik o'rtasidagi

¹⁹ http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm

²⁰ http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm

kelishmovchilik, o'zini ko'rsatishga moyillik va o'z ichki dunyosiga qiziqishning namoyon bo'lishi bilan tavsiflanishini asoslab berdilar.²¹

Ayrim psixologlar biogenetik o'sishning biologik omillariga, ya'ni jinsiy etilishga alohida ahamiyat beradilar. Ularning fikricha, o'smirning psixik jihatdan inqirozga etaklovchi, hayajonga soluvchi sub'ektiv ichki kechinmalari o'g'il va qizlarni tanholik psixologiyasiga tortar emish. O'smir uchun xarakterli norozilik, qo'pollik, qaysarlik, shafqatsizlik, tajanglik, ginaxonlik, tajovuzkorlik kabi illatlar jinsiy etilishning mahsuli yangi tuyg'ular, mayllar, kechinmalar o'smir xatti-harakatida hukmron bo'lib, uning xulq-atvorini boshqaradi deb tushuntirilmoqda. O'smirlikning psixologik qiyofasi, holati, imkoniyati yagona sof biologik omilga bog'liq emasligi hammaga ayondir.

O'smir shaxsining tarkib topishida axloq o'ziga xos, ong alohida ahamiyat kasb etadi. Bunda o'quvchilarning axloqiy tushunchalarni o'zlashtirishi va ularni turmushga tatbiq etishi muhim rol o'ynaydi. Umuminsoniy xislatlarni shakllantirish jarayoni, o'quvchidagi ishonch, aqida, nuqtai nazarning qarama-qarshiliklariga duch keladi. O'smir shaxsini tarkib toptirishda uning atrof-muhitga, ijtimoiy hodisalarga, kishilarga munosabatini hisobga olish lozim. Chunki o'smirda muayyan narsalarga munosabat shakllangan bo'ladi. Ijtimoiy turmushni kuzatish, undagi inson uchun zarur ko'nikmalarni egallash kattalar xulq-atvorini tahlil qilish imkoniyatini yaratadi. Natijada favqulodda holatlarga – katta yoshdagi odamlarning tutgan yo'li va uslubini baholash ko'nikmasi tarkib topa boshlaydi. O'smir xulq-atvorini baholashda (rag'batlantirish yoki jazolashda) kattalarning qat'iyatliligi, prinsipiialligi sinchkov o'quvchi tomonidan tahlil qilinadi va qo'llangan tadbirning to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligi yana bir marta tekshiriladi.²²

Shuning uchun rag'batlantirish va jazolash usulari oqilona, o'z vaqtida qo'llanishi kerak. Psixologik adabiyotlarda mehnat bilan jazolash o'smir psixologiyasida keskin o'zgarish yasashi ifodalangan. Ma'lumki, hamma o'quvchilarga mehnatning qahramonlik, yaratuvchilik ekanligi uqtirib kelinadi. Favqulodda mehnatdan jazo sifatida foydalanish ularga mutlaqo yomon ta'sir etadi.

Ijtimoiy hayotda gender faoliyatni keltirib chiqaruvchi anchagina manbalar bor: birinchidan, kino zallari va televideniada o'smirlarga to'g'ri kelmaydigan filmlarga ruxsat qilinishi; ikkinchidan, jamoat joylarida va ko'cha-ko'yda kattalarning nojoiz qiliqlar ko'rsatishlari; uchinchidan ta'limda biologik o'sish to'g'risida etarli bilimlar berilmasligi; to'rtinchidan, pedagoglarning bu sohada keng ko'lamda ish olib bormasligi; beshinchidan, ota-onalarda fiziologik va psixologik bilimlar etishmasligi; oltinchidan, o'smir bolalar va qizlarga mo'ljallangan materiallarning kamligi va hokazolar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ғозиев Э.Ғ. У мумий психология.. Т. Ўқитувчи. 2010 й.
2. Андреева Г. М. Социальная психология. М.. 2008.
3. Ғозиев. Э.Ғ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ. Т. 2010 й
4. http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm
5. http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm

²¹ Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. М: Изд-во полит, литературы.2005. 304 с.

²² Леонтьев А,Н. Деятельность. Личность. Сознание. М.: 2005

6. Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. М: Изд-во полит, литературы.2005. 304 с.
7. Леоньев А,Н. Деятельность. Личность. Сознание. М.: 2005

ЎСМИРЛАРДА АГРЕССИВ ХУЛҚНИ ЮЗАГА КЕЛИШИНING ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Мансурова Гулжаҳон Муҳиддинова
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 195 А мактаб психологи

Инсон умри давомида кўплаб эмоционал ҳисларни ўзи бошидан кечиради. Уларнинг кўпчилиги ёқимли ҳислар билан намоён бўлса, кўпчилиги инсонни безовта қиладиган ёқимсиз ҳисларни ташкил этади. Тадқиқотчилар шунга қараб, шахсдаги эмоционал ҳолатларни ижобий ва салбий турларга ажратишган. Агрессия ҳолати эса юқорида айтиб ўтгандек салбий эмоциялар сарасига киради.

Психологияда “Агрессия” атамасига нисбатан турли ёндошувлар мавжуд бўлиб, Дельдаго, Бусс, Семенюк, Паренс, Бандура ва Уолтерс, Можгинскийлар томонидан агрессия негатив баҳоланади.

Шу билан бир қаторда агрессияга нисбатан позитив ёндошувлар ҳам мавжуддир Жумладан Бендер: “Агрессия -бу инсоннинг ўз ўзини намоён қилишга интилишидир” деб таъкидлайди.

Мотивлаштириш нуқтаи назаридан агрессия ихтиёрий ва инструментал турларга ажратилади. Ихтиёрий агрессия мотиви инсон бошқага англандан тарзда зарар етказиш ҳисобланади.

Инструментал агрессияда инсон бошқага зарар етказишни мақсад қилиб қўймайди, юзага келган вазиятда унинг бошқа усул қўллашга имкони бўлмайди. Р.Бэрн ва Д.Ричардсонлар агрессияни қурбогна нисбатан мақсадли равишда зарар етказишидир дея таъкидлаганлар.

Агрессия асосий турлари:

Жисмония агрессия - Бошқага тўғридан тўғри жисмоний куч ишлатиш., унга жисмоний ва маънавий оғриқ етказиш. Бу ерда фақат қўқитишдан тортиб, жисмоний куч ишлатиш ҳолатига қадар.

Билвосита агрессия – бошқа инсонга зарар етказиши мумкин бўлган.

Ахборотларни тарқатиш, (миш-миш, калака қилиш ва х-зо), ўз ўзидан айнан бошқа инсонга қаратилмаган ҳолда агрессияни намоён бўлиши (мушти билан столниурниш, эшикни тақиллатиб ёпиш ва бошқалар).

Вербал агрессия -негатив хисларни бақариш, жанжал қилиш сўкиш ҳақорт, тахдид ва бошқа усуллар орқали билдириш.

Арзимаган қўзғовчи таъсирида ҳам қўполлик терслик эмоционал қўзғолиш билан жавоб бериш.

Тадқиқотчилар агрессияни келтириб чиқарувчи сабабларга субъектив омиллар тарихий хотира қасд олишудумлари, айрим динийоқимлар (фанатизм,экстремизм ғоялари), ОАВ (айниқса телевидение) айрим сиёсатчилар-нинг индивидуал этик жиҳатлари бевосита таъсир этиш имкониятларини таъкидлайдилар.

Ўсмирлик агрессияси муаммоси ўзоқ вақт мобайнида ёпиқ бўлган мавзулар сарасига киритилганлиги боис етарли даражада ўрганилмаган мавзулардан бири ҳисобланади.

Агрессия ўсмирларда юзага келган ижтимоий вазият ходисалар устидан ўзига хос назорат қилишнинг мақбул усули сифатида қабул қилинади.

Ғ.Б.Шоумаров фикрига кўра ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлокий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, руҳиятида, организмнинг физиологик жараёнларида, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият вазиятларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кўзатилади.

Ўсмирларда агрессивлик ҳолатларини шаклланишига қатор шахс хусусиялари таъсир қилади:

-тарбиянинг мувозатлашмаган шакллари ўз ўзига ҳаддан зиёд нодакат паст баҳо бериш юқори даражада импульсивлик, алкоголь ва наркотик моддалари истемол қилиш компютер ўйинларига тобелик, таваккалчиликка тайёрлик ҳолатлари ўз ўзини химоя қилиш хиссларининг чегараланганлиги

-хулқий омиллар (атрофдагилар ҳаётида халақит қилувчи омиллар (ўз вақтини мақсадсиз ўтказиш , мактабдаги дарсларни сабабсиз қолдириш ўзлаштириш даражасининг пастлиги эрта жинсий алоқаларга кириш , ва х-зо);

-ижтимоий омиллар (ОАВ психологик таъсири, жамиятда удум ва маросимлар, ота онанинг хулқий бузилишларга эга эканлиги, оиланинг ижтимоий мавқеининг пастлиги тарбиячиларнинг ўзгариши;

- ўсмирнинг тарбияда хулқий оғишлари шаклланган дўстлар билан яқин ижтимоий алоқаларнинг ўрнатилиши (Тақлид феномени);

- ички оилавий низолар (ота онаининг ажралиши ,икки/нчи никоҳдаги фарзандлар, ўсмирнинг ўзлаштирилишига ота она томонидан ўсмир қобилиятлари , қизиқишлари инобатга олинмаган ҳолда ҳаддан зиёд фуқори талабаларнинг қўйилиши Дисфункционал оилаларда тарбияланаётган ўсмирларда агрессив хулқ кўринишларининг шаклланиши эҳтимоли функционал оилаларда тарбияланаётган оилалардаги ўсмирларга нисбатан юқори эканлиги аниқланган.

Оиладаги ҳаддан зиёд ўсмир эркинликларини чеклаш ёки аксинча ота она томонидан сурункали бефарқлик ҳам шунингдек агрессив хулқ кўринишларини шаклланишга олиб келади. Агрессив хулқ оилада ўсмирнинг эркинликлари ҳаддан зиёд чегараланганда ёки унга ҳаддан зиёд эркинликлар берилганда ҳам шаклланиши мумкин.

Агар ўсмир оилада барча эҳтиёжларини тезлик билан қондирилдишига ўрганиб қолган бўлса , тенгдошлари жамоасида унинг эҳтиёжларига тўқинлик қилганга нисбатан агрессив муносабат билдиради.

Оилада эмоционла инкор этилганлик ҳолатларида ҳам ўсмирлар ўзларининг агрессив хулқ кўринишлари билан ўзларига оила аъзоларинингн эътиборини қаратишга ҳаракат қиладилар Ота -оан ўсмир хулқидаги ўзгаришлар сабабини излаш ўзаро муносабатларни ўзгартиришга ҳаракат қиладилар

Агар ўсмир оила аъзолари мунтазам тарзда ўзаро низолар , бақриқлар орқали таъсир ўтказиш асосида муаммоларини хал этишга ўрганган бўлсалар, бошқа ижтимоий вазиятда айнан ўзни шундай тўтишга интилади.

-шахсий муаммолар (физиологик ва психологик характердаги муаммоларни келиб чичишига сабаб бўлувчи пубертат даври хусусиятларининг намоён бўлиши) Ўзининг

ташқи кўринишидан норози бўлиш (Терзит комплексИ) катталар томонидан ноадекват идрок қилиниши Ўсмир ўзини каттдек хис этади , унга болалар каби муносабат бўлишлари ёқмайди . Ўсмирдаги таффакурнинг танқидийлиги катталар хатти ҳаракатига нисбатан шубҳа билан қараш, улардаги ахлоқий меъёрларга нисбатан эътироз хисларини шаклланишга олиб келади.

- ўсмирга нисбатан маълум бимр ижтимоий тамғаларнинг босилиши (ўқитувчилар томонидан ўсмирнинг ўзлаштира олмаслиги , тарбиясизлиги, у билан гаплашиш бефойдалиги айтилиши оқибатида) “Мен катта ман улар эса мен билан болаларга ўхшаб муносабатда бўлмоқдалар”.

- ижтимоий омиллар жамиятда муаммоларни куч ишлатиш орқали ҳал этилиши ҳақидаги ғоясининг ўрнатилганлиги мактаблардаги ўқув синфларнинг хаддан зиёд тўлдирилганлиги мактабда хаддан зиёд чарчаш, асабийлашиш).

Педагог ва психологлар тарбиявий ишларни ташкил этишда эътиборини нафақат агрессорлар балки қурбонлар ҳам талаб қилади Яъни ушба тоифадаги ўсмирлар “Ижтимоий аутсайдер “ атамаси билан номланадилар Ушбу ўсмирлар пассив ва намоишкорона турларга ажратилади Пассив типдаги қурбонлар босиқ , хадиксировчи кўрқоқ бўладилар Одатда уларда ўз тўзига паст баҳо бериш ўзларини кўримсиз кучсиз деб баҳолашлари кўзатилади Уларга нисбатан хужум жараёнида йиғлайдилар . қочадилар Мактабда махаллада ўртоқлари кам бўлади Иккичи гуруҳ намоишкорона типдадагилар учун агрессорларга хос бўлган хусусиятлар намоён бўлади. Бу ўсмирларда бир вақтнинг ўзида агрессив ҳам кўрқиш ҳолатлари намоён бўлади. Бу ўсмирлар импульсив агрессив ва хулқ кўринишлари улардаги кўрқиш ва хавотириланиш ҳолатлари биргаликда намоён бўлиши доимий тарзда курашга тайёрлик ҳолатлари кўзатилади билан биргаликда намоён бўлади. Ўзларининг хулқи билан улар ўзларига нисбатан атрофдагилар-нинг норозилиги агрессивлигини жалб қиладилар Бир томондан улар ўзларининг хулқи билан атрофдагиларни агрессив муносабатларини жалб қилсалар, бошқа томондан ўзларини куч ишлатиш ҳаракатларига жалб қилишга осон мойиллик бўладилар. Ушбу тоифадаги ўсмирлар тенгдошлари, катталар томонидан ёқтирмайдилар. Агрессивлик ўз ўзидан пайдо бўладиган ҳолат эмас, кўп ҳолларда психологик муаммоларни ҳал этишда ожизлик ҳолатлари таъсирида шаклланади

Чарчаш агар ўсмир хаддан зиёд чарчаган бўлса психик агрессия психик ресурсларни имкониятларини чекланганлиг оқибатида шаклланади. Агрессия чарчаш ҳолатларини чуқарлаштиради.

Ўз-ўзини негатив идрок этиш «Мен ёмон одамман Шунинг учун ўзимни шундай тутаман» каби ҳислар тобора ўсмир учун чуқур шахсий установкага айланади. Бу тоифадаги ўсмирларда арзимаган юмшоқ танқидга нисбатан ҳам психик оғриқни шаклланишига олиб келади.

Агар ўсмир инсонлар билан муносабатларда негатив тажрибага эга бўлса у эртароқ химояланишга интилади. Кўп ҳолларда унинг ҳаётий тажрибасида шунга ўхшаш ҳолатлар учраган, ўзи учун хавфли деб ҳисоблаган вазиятдан химояланишга ҳаракат қилади.

Ўсмирда яқин ижтимоий муҳитидаги инсонлар билан яқин эмоционал муносабатлар ўрнатилмаган бўлса ўзини химясиз ҳисоблайди, хавотирланиш даражаси юқори бўлиб қўрқув фобия ҳолатлари шаклланди

Ўсмирлар агрессияси муаммосини ўрганиш бевосита оммавий ахборот воситалари, видеофильмлар о орқали берилаётган кўрсатувлар ўзига хос тақлид феномени сифатидаги аҳамиятини ўрганишни талаб қилади Ўзига хос агрессив хулқий стереотип сифатида ўсмирларни ҳаракатларини бошқаради

Ўсмирлик агрессиясини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, уларнинг эмоционал кечинмаларини, хиссларини тушуниш, улар билан олиб бориладиган психологик коррекция имкониятларини белгилаш имконини беради.

Ўсмирга низоли вазиятларда бошқача усуллар билан ҳал этиш имкониятларини тушунтириб бера олиш зарур.

Агрессия ҳолатидаги ўсмир катталар, аввало ота-онанинг зарурий эътиборини, талаб қилади. Бу ҳолларда психологлар билан маслахатлашиш уларга тарбиявий жараёнда ўзларини хатти ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Шунинг ёдда тутиш керак - ки агрессив хулқ аввало ўсмирлардаги негатив салбий эмоционал ҳолатлар таъсирида шаклланади шунинг учун катталар аввало, ўзларидаги негатив салбий эмоционал ҳолатларини бошқара олишлари зарурдир. Бу билан ўсмирга инсоннинг ўзини ўзи бошқара олиши кўп ҳолларда ижтимоий вазиятни яхшилашнинг энг мақбул усули эканлиги ҳақида намуна сифага айланадилар.

BOLA XULQ-ATVORINI SHAKLLANISHIDA OILANING ROLI VA TASHQI MUHITNING TA`SIRI

Boboxolova Shahnoza Akrom qizi

O`zbekiston Milliy universiteti Amaliy psixologiya yo`nalishi 1-bosqich talabasi

Oila, ota-ona, farzandlar - bu uch so'z hayotimiz mazmuni desak mubolag'a bo'lmaydi. Hayotimizni tashkil etuvchi 3 ta mustahkam poydevorlarimiz aynan mana shu so'zlar bilan chambarchas bog'langan. Oiladagi baxt, ishonch, sadoqat, vafo, sabr va shunga o'xshash bo'lgan kòpgina xislatlar yuqoridagi 3 poydevorimizni baland, mustahkam bino bo'lib shakllanishida beminnat xizmat qiluvchi ko'priklarimizdir. Biz o'zbeklarda, ya'ni o'zbek xalqida qadimdan shakllanib kelgan kòpgina qadriyatlar, urf-odatlar, maqollar-u matallar talaygina. Bu maqollar orasida albatta oilaga tegishli bo'lganlari ham ancha ko'p. O'zbek xalq maqollarining asosiy qismi oila to'g'risidadir. Quyida keltirilgan maqollar mana shular jumlasidandir. Oila tinch—yur tinch. Oila—qo'sh ustunli ayvon. Onalik uyning ori bor, Otalik uyning—zari. Onang o'ldi—otang o'ldi. Oppoq bo'lgan oq uyim, Osh-noni yo'q oq uyim. Ota—aql, ona—idrok. Ota—bilak, ona—yurak. Erdan—xato, xotindan—uzr, Xotindan—xato, erdan—jazo. Bu maqol-matallarning sonining ko'pligidan va ularning mazmunidan ham oilaning ahamiyati bizda qanchalik muhim va yuqori o'rinda turishini bilib olsak bo'ladi. Oila - muqaddas dargoh. Oila insonning ma'naviy tug'ilishining beshigi sanaladi. Shaxsni shakllanish jarayonida oila ustunlik qiladi. Aynan oilada inson o'zining ilk qadamlarini qo'ya boshlaydi ota-ona, yaqinlari, Vatanning qadrini hamda qadriyat-u urf-odatlarining hayotidagi o'rni, ahamiyati haqidagi bilimlarini, o'z dunyoqarashlarini shakllantiradi. Oila bu bizga yaqindan tanish bo'lgan, biz aka-ukamiz, opa-singlimiz bilan talashib katta bo'lgan chorpoya va xontaxtamiz. Oila bu biz ilk qadamimizni qo'ygan o'sha namxush tuproqlarimiz. Oila bu kulgi. Ha, kulgi biz ilk marotaba ota-onamiz, yaqinlarimiz ismini adashib talaffuz qilganimizda atrofimizdagi barchani xursandchilik kayfiyatida xandon otib kulgan jarangdor kulgilari. Ajralmas yo'ldoshimiz, soyamiz, yo'lchi yulduzimiz. Yaxshi va yomon kun, quvonch-u qayg'uyimizdagi ajralmas

do'stimiz. Kulganimizda sevinch ko'z yoshlarini, yig'laganimizda esa qayg'u, alamning achchiq ko'zyoshlarini yuzimizdan sidirib artib tashlaydigan mehribon va tafti issiq bo'lgan ota-onamiz, jigarlarimizning mehrlili qo'llari bu oila emasmi? Bularning barchasi shaxsan mening oila deganda ko'z oldimga kelib go'zal manzarani shakllantiruvchi, ko'zimdan sog'inch ko'zyoshlarini shashqator oqishiga sabab bo'luvchi so'zlar sanaladi. Albatta, oilada har bir a'zoning o'z o'rni bo'ladi. Malasan, chaqaloq nafaqat tug'ilgan vaqtda balki u tug'ilmasidan avval, uning jajji, mard yurakchalari ilk bor ona qornida zarb berib ura boshlagan vaqtdan boshlab unga oila, atrof muhit bevosita ta'sir qila boshlaydi.

Oila kichkintoy hayotidagi birinchi barqaror jamoa. Aynan bola rivojlanishining ilk davrlaridan boshlab atrofini o'rab turgan olam, oila muhiting ta'siri natijasida uning xarakteri, odobi, atrofida gilariga kelajakda qilishi mumkin bo'lgan muomalasi asta-sekin shakllanib boradi. Bolani oppoq qog'ozga, uning xotirasini esa to'xtash nimaligini bilmasdan tinmay yozadigan ruchkaga qiyoslasak bo'ladi. Go'dak sezgi a'zolari: ko'zchalari, quloqlari, burni va shunga o'xshash retseptorlari orqali nimaniki sezib o'z miyasiga impuls yuborsa, xotira ruchkasi shularni aynan o'zida saqlab yozib bizning oppoq varog'imizga ma'lum bir chiziqlarni qoralab qo'yadi. Shu sababli ham turli xil olimlar bola tarbiyasida asosiy ta'sirlovchilar sifatida bevosita uning ota-onasini ko'rsatishadi. Masalan, Famusov aytganidek, "Otaning namunasi bolaning ko'z oldida bo'lsa, bola uchun boshqa modelga ehtiyoj yo'q". Yoki Manifoldning oila haqidagi fikrlarini gapiradigan bulsak, Oiladagi hissiyotlarning tezkorligi, his-tuyg'u bola xatti-harakatlarining eng kichik tafsilotlaridagi jonli munosabatlarida aks etadi. Oila bola hissiy, axloqiy jihatdan shakllanishi uchun qulay muhit sanaladi. Chet el olimlari emas balki o'zimizning o'zbek olimlarining oila haqidagi qarashlarini o'rganadigan bo'lsak. Ibn Sino bola tarbiyasi va tarbiya usullari haqida qimmatli fikrlarini bildirgan. Ibn Sino bolaning axloqiy tarbiyasi haqida bildirgan fikrlarida uy-ro'zg'or tutish masalalari xususida ham so'z yuritadi. Bolani tarbiyalash oilada ota-onaning asosiy maqsadi vazifasidir. O'z kamchiliklarini tuzatishga qodir bo'lgan ota-onalar tarbiyachi bo'lishi mumkin.

Axloqiy tarbiyada eng muhim vositalar bolaning nafsoniyatiga, g'ururiga tegmagan holda, yakkama-yakka suhbatda bo'lish unga nasixat qilishdir. Ibn Sino bola bilan bo'ladigan suhbatda ham ota onani diqqatli bo'lishga chorlagan. Bola bilan suhbatlashganda uning nafsoniyatiga tegmagan holda sof, tiniq, chiroyli munosabatda bo'lishni alohida e'tirof etib o'tgan. Yoki boshqa o'zbek olimlarining fikrlari, qarashlari haqida gapiradigan bo'lsak. Mirzo Ulug'bekning oila muhiti sog'lom avlodni yetishtirish haqidagi fikrlari shundan iboratki, alloma uqtirishicha, bolaning bilim olishiga bo'lgan qiziqish, havasini oshirishda u tarbiyalanayotgan muhit muhim o'rinni egallaydi. Oilada ota-onalar, ayniqsa, o'qimishli ota-onalar o'z farzandlarining haqiqiy inson bo'lib kamol topishiga alohida e'tibor berishlari lozim. Alisher Navoiy bolaning voyaga yetishida, kamol topishida tarbiyaning kuchi va qudratiga alohida e'tibor beradi. Tarbiya natijasida bolaning foydali va yetuk kishi bo'lib o'sishiga ishonadi. Yosh bolaning juda kichik yoshidan boshlab tarbiyalamoq zarur. Tarbiya insonga o'zida yaxshi odat va fazilatlar hosil qilishga yordam beradi. U odam shaxsi kishilar bilan

munosabatda, ayniqsa kishilarning bir-birlariga bo'lgan ruxiy, ma'naviy ta'sirlari natijasida tarkib topadi deb voyaga yetkazishda asosiy omillardan biri tarbiya ekanligini o'qitiradi. Yuqoridagi fikrlarda aytib o'tilganidek, oila haqidagi tushunchalar kecha yoki bugun paydo bo'lib qolmagan. Ular ming yillik qadriyatlar, qarashlar, an'analar ta'sirida shakllanib kelgan. Oila-bu bolaning birinchi aloqa maktabi. Oilada bola oqsoqollarni hurmat qilish, keksalar va kasallarga g'amxo'rlik qilish, qisqacha qilib aytganda, kattaga hurmatda, kichikka izzatda bo'lish kerakligini o'rganadi. Ijtimoiy muhit qanchalik yaxshi va sof bo'ladigan bo'lsa bu muhitda tarbiyalanayotgan bola ham, uning tarbiyasi ham shunchalik chiroyli va go'zal bo'ladi. Ammo guruch kurmaksiz bo'lmagani kabi barcha oilalar ham ertaklardagidek yoki biz televizor, gazeta yoki boshqa ommaviy axborot vositalarida ko'rayotganimizdek baxtli yoki barcha oilalar ham tinch osuda deb ayta olmaymiz. Tan olish kerak yon atrofimizda oilaviy kelishmovchilik va turli xil katta-kichik janjallar sababli tunlari tinchgina orom olib uxlay olmayotgan, olayotgan har nafasida qo'rquv, alamning achchiq nafasi ufurib turgan bolajonlar ham talaygina. Xo'sh bunday muhitda yashab, voyaga yetayotgan murg'ak go'daklarni qanday kelajak kutmoqda? Bola qanday muhitda yashashi kerak?

Statistik ma'lumotlarga qaraganda, bola qanchalik yomon muhitda katta bo'lsa unda shu muhitning ma'lumotlari takrorlangan holda saqlanib qoladi. Notinch oilada ulg'aygan bolalarning o'smirlik davrida, asosan, agrissiv xatti-harakatlar, suidsidga moyillik, hayotga qiziqishning pasayishi, atrofdagi olamni boshqa tengdoshlari kabi rangbarang tasvirlarda emas, balki faqat qora rangda ko'ra boshlashi, insonlarga nisbatan nafrat, alam tuyg'ularining maksimal darajada yuqori aks etish holatlari kuzatiladi. Shu sababli ham bizning yurtimizda bolani tarbiyasida oila muhim rol o'ynashi takror va takror e'tirof etiladi. Bunday noxush holatlarning oldini olish uchun ham O'zbekistonda turli xil oila maslahat markazlari, yoshlarni oilaga tayyorlaydigan oila muassasalari kabi ko'pgina tashkilotlar hamda psixologik maslahatlar, treninglar tashkil etilgan va tashkillashtirilib borilmoqda ham. Bunday profilaktik ishlar natijasida hozirgi kunda anchayin yuqori samaradorlikka erishganmiz. Bularning barchasi vatanimiz, hukumatimiz tomonidan nazoratga olinib, nazorat qilinadi va qaysi oilada ozgina muhit o'zgaradigan bo'lsa mahalla fuqarolar yig'ini va tegishli psixolog, shifokorlar bilan oila muhiti mo'tadillashtirilib yaxshilanadi. Bolaning shaxs bo'lib shakllanishidagi birinchi tashqi ta'sir oila bo'ladigan bo'lsa, ikkinchi tashqi ta'sir bu vertual olam sanaladi. Ha biz 21 asrni texnika asri deb nomladik va texnika sohasida juda katta yutuqlarga erishdik. Yangidan yangi telefon, kompyuterlar, elektron mashinalar-u robotlarni ixtiro etib, kashf etdik. Ammo kundan kunga biz erishib borayotgan yutuqlarimiz, o'ylab topib ixtiro qilgan yangidan yangi telefon-u kompyuterlarimiz qaysidir jihatdan bizni "zaharlamoqda". Gap shundaki, biz texnikadan qanday foydalanishni unutib qo'ydik. Oddiy misol hozirgi kunda ba'zi bir zamonaviy onalar bolasi yig'lasa aytadigan allasini ham telefondan eshittiradi, bola yig'lasa uni ovutish o'rniga qo'lga telefon, kompyuter, televizorni yoqib beradida qaysidir ma'noda bolasini tinchlantirgandek bo'ladi. Ammo bilmaydiki o'z bolasini, jigarbandini o'zi asta sekinlik bilan "zaharlab" bormoqda. Hali tug'ilganiga 10-15 kun bo'lmay turib telefonda alla eshitgan bolani kelajagini qanday tasavvur qilish mumkin. Ona aytgan allaning sehri o'zgacha bo'ladi. Sababi oddiy shu birgina alla onaning ruhiy, jismoniy holatini,

onaning bolasiga bo'lgan shirindan shirin, bir biridan go'zal niyatlarini, orzu armonlarini aks ettiradi. Ha onaning ovozidan bola farqlay oladi atrofida nima sodir bulayotganini. Shu sababli ham ota-onalar bolasini to'g'ri tarbiyalab, uning kamolini ko'rmoqchi bo'lsalar bola bilan bo'lgan munosabatda o'ta ehtiyotkorona bo'lishlari lozim. Ota-ona va farzand munosabatlari telefon-u turli xil texnikani aralashtirib bolani vertual olamga o'z qo'llari bilan topshirmasliklari kerak buladi. Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, bolalar ota-onaning yer yuziga ekan nihollaridir.

Odamlarni vaqtlar o'tib bizni yaxshi yoki yomon so'zlar bilan eslashi, yodiga olishi bolalarimizga bergan tarbiyamizga bog'liq. Har bir inson hayoti davomida tom manoda ma'lum bir imoratini quradi. Biz odamlar bu yorug' olamda to'rt kun yashaymizmi yoqmi o'z imoratlarimizni turfa xil qurar ekanmiz. Kimlardir o'z imoratini juda chiroyli qurib ketadi. Yana boshqa birovlar esa o'zi o'z qo'llari bilan qurgan imoratidan ham g'ishtlarini o'marib narigi dunyoga olib ketish ilinjida buladi. Ammo bu katta xato . Hayotda shunday yashab, shunday imorat qurish kerakki imoratingizni mustahkamligini hech kimsa buza olmasin. Zero, biz kelib ketguvchi to'garak jahon na boshi ma'lum na so'nggi a'yon, hech kimsa rostini aytib berolmas, qaydan kelurmizu keturmiz qayon...

TEMURIYZODA MALIKALARNING TA'LIM VA TARBIYA JARAYONIDAGI XIZMATLARI

Rahimova Dilnoza A'zamjon qizi

*Namangan davlat universiteti Pedagogika nazariyasi va tarixi yònalishi 1-kurs
magistranti*

Markaziy Osiyo, ayniqsa, Movorounnahr va Xuroson xalqlari tarixida XIV-XV asrlar ulug' sarkarda, davlat arbobi Amir Temur va uning avlodi Temuriylar sulolasi hukmronligi bilan bog'liq katta siyosiy o'zgarishlar ayni bir vaqtda iqtisodiy va madaniy, ilmiy va ma'naviy jamiyat hayotining barcha sohalariga dahldor rivojlanishlar davri bo'ldi. Shu sababli ham ushbu davr dunyo ilmiy tadqiqotlarida Markaziy Osiyo tarixidagi buyuk yuksalish davri deb baholanib kelinmoqda. Bunday yuksalishda Temuriyzoda malikalar ham yurt rivojiga o'z hissasini qo'shib, barcha mas'uliyatli vazifalarda birdek yelkadosh bo'lishgan.

Temuriylar sulolasining asoschisi Sohibqiron Amir Temur va Temuriyzoda shahzodalar haqidagi qimmatli ma'lumotlarni tarixiy manbaalarda ko'p mutolaa qilganmiz. Ana shunday tarix zarvaraqlarini ko'zdan kechirar ekanmiz, Temuriyzoda malikalarning ham nomlarini o'qib, bugun ularni tarannum etishdan shod bo'lamiz.

G'arb mamlakatlari ayollari orasida ham yetuk donishmandlar, oqila hukmdorlar, san'at va madaniyat oshuftalari ko'plab yetishib chiqqan. Biroq, Sharq mamlakatlari bu borada yetakchilik qilgan. Buning isbotini birgina Temuriyzoda malikalar sulolasiga mansub bo'lgan ayollar misolida ko'rishimiz mumkin.

A.Temurning volidasi –Takina Xotun (Tegina begim, Tegina Mohbegim), Sohibqironning sevimli zavjasi malika Saroymulkxonim (Bibixonim), A.Temurning

to'rtinchi o'gli shahzoda Shohruh Mirzoning rafiqasi – Gavharshodbegim, shahzoda Xalil Sultonning sevimli xotini – Shodmulk Xotun, shahzoda Umarshayx Mirzoning to'ng'ich qizi – Xonzodabegim, Zahiriddin Muhammad Boburning qizi – Gulbadanbegim, Jahongirshohning suyukli xotini – Nurjahonbegim (Mehriniso), Shohjahonning sevimli ayoli – Mumtozmahal (Arjumandbonu), Shohjahonning qizi – Jahonorobegim hamda Avrangzeb Olamgirning qizi – Zebunisobegimlarni ilm-fanga, madaniyatga va odob-axloq me'yorlarini yaratishga ulkan hissa qo'shgan ma'rifatli ayollar qatoriga qo'shamiz. Bu donishmand ayollar haqidagi ma'lumotlar qo'lyozma va turli asarlarda qayd etilgan.

Buyuk sarkarda A.Temurni dunyoda keltirgan muhtarama zot, Buxoroning oqila va soliha ayoli Tegin Mohbegimning xulq-atvori va odobi barchani hayratga solgan. Takina Xotun atiga 35 yil umr ko'rgan bo'lsa-da, u nihoyatda zukko, e'tiborli ayol bo'lganligi ma'lum. Sohibqironning tarbiyasi va ilmi bo'lib voyaga yetishida, albatta, onasining hissasi benazirdir.

Temuriyozda malikalar orasida xon avlodiga mansub bo'lgan Saroymulkxonim haramdagi barcha malikalardan ulug'roq sanalgan. Fahm-farosatda o'ta ziyrak bo'lgan bu malika o'zining donoligi bilan mamlakat boshqaruvida ham siyosiy-ijtimoiy ham iqtisodiy-madaniy jihatdan Amir Temurga mamlakat boshqaruvida maslakdosh bo'lgan. Malika ilm-ma'rifatdan ham e'tiborini ayamaydi. Bibixonim rahnamoligida qad ko'targan madrasalar XIV asr oxiri XV asr boshlarida Samarqanddagi madrasalar orasida ulkan va mahobatlilik jihatidan ajralib turgan. Madrasalarga zamonasining buyuk mudarrisleri tayinlanib, tolibi ilmlarga diniy va dunyoviy ilmlardan dars o'tganlar. Bibixonim madrasa tarbiyalanuvchilarining ahvolidan muntazam boxabar bo'lib, ularga moddiy tomondan yordam berib turgan. Azaldan o'zbek xonadonlarida farzand tarbiyasi an'anaviy ildizga ega bo'lgan. Malika farzand ko'rmagan bo'lsa-da, sulola shahzodalari : Shohruh Mirzo, Muhammad Sulton, Xalil Sulton va Ulug'bek Mirzo hamda boshqa nabiralari tarbiyasi, odob-axloqi bilan muntazam shug'ullangan. Shu sababli Temuriyozdalar tarbiyasi ko'p jihatdan Bibixonim bilan bog'liq bo'lgan va u shahzodalar hayotni adolat va ma'rifat bilan anglashlariga sababchi bo'ladi.

Yana bir Temuriyozda malika Gavharshodbegim qaynotasi A.Temurning vafotidan so'ng, Shohruh Mirzoga davlat boshqaruvida ko'maklashadi. Masjid, madrasalar, xonaqoh, mabara, dahma, musofirxona, shifoxona, ravot va sardobalar qurilishida o'z hissasini qo'shadi. Tabiatan vatanparvar, bilimdon va zukko bo'lgan malika mamlakat ravnaqi yo'lida tinmay g'amxo'rlik qiladi. U madaniy va ma'rifiy hayotni birinchi o'ringa qo'ygan. Shu sababdan bo'lsa kerak farzandlari hamda barcha nabiralari ilm-fan muhlislari bo'lib, xatto g'azal ham bitganlar.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, Temuriylar sulolasiga mansub malikalarning barchasi madaniyat va ma'rifat yuksalshida, hunarmandchilikning rivojlanishida hamda yurt obodonchiligini yo'lida jonbozlik ko'rsatgan buyuk jasorat egalaridir.

XULQ – ATVOR VA ODATLARNI SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK TAVSIFI

*Mamajonova Ra`no Abdusamatovna
Olmazor tuman 298-maktab psixologi*

Shaxsga taaluqli bo'lgan eng muhim tasnif ham uning jamiyatdagi murakkab ijtimoiy munosabatlarga bevosita aloqadorlik, ijtimoiy faoliyatga nisbatan ham ob'ekt, ham sub'ekt bo'lishlikdir. Shaxsga taalluqli bo'lgan fazilatlaridan eng muhimi shuki, u shu tashqi, ijtimoiy ta'sirlarni o'z ongi va idroki bilan qabul qilib, so'ngra shu ta'sirlarning sub'ekti sifatida faoliyat ko'rsatadi. Oddiy qilib aytganda, inson bolasi ilk yoshlikdanoq «mening hayotim», «bizning dunyo» degan ijtimoiy muhitga tushadi. Bu muhit o'sha biz bilgan va har kuni his qiladigan siyosat, huquq, axloq olamidir. Bu muhit - kelishuvlar, tortishuvlar, hamkorliklar, an'analar, udumlar, turli xil tillar olami bo'lib, undagi ko'plab qoidalarga ko'pchilik mutloq qo'shiladi, ba'zilar qisman qo'shiladi. Bu shunday qoidalar va normalar olamiki, ularga bo'ysunmaslik jamiyat tomonidan qoralanadi, ta'kidlanadi. Shulardan kelib chiqadigan xulosa shuki, shaxs jamiyatga nisbatan barcha tartib - qoidalarni qabul qiluvchi sub'ekt bo'lsa, jamiyat - ijtimoiy intizom va tartibning, madaniyatning mufassal ko'rinishidir.

Shaxs ijtimoiy xulqiga turli tashqi kuchlar ta'sir qiladi : siyosiy, mafkuraviy, iqtisodiy, ma'naviy, axloqiy va boshqalar. Bu ta'surotlar mohiyatan aslida jamiyat a'zolari bo'lmish shaxslar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning ayrim alohida yo'nalishlarini belgilab beradi.

Shunday qilib, shaxs turli ijtimoiy munosabatlar tizimi ta'sirida bo'ladi va ko'plab ijtimoiy institutlar (oila, mahalla, o'quv maskanlari, mehnat kollektivlari, norasmiy tashkilotlar, din, san'at, madaniyat va boshqalar.) bilan bog'liq bo'ladi. Masalan, shaxsdagi turli g'oyalar, fikrlar va mafkura mafkuraviy munosabatlar tizimi ta'sirida shakllanib, ular bevosita oila, bog'cha, maktab va boshqa o'quv va tarbiya muassasalari orqali ongga singdiriladi. Agar bu ta'sir uning e'tiqodi darajasida ko'tarilsa, va unda yana yangidan - yangi fikrlar va g'oyalarning paydo bo'lishi va o'sishiga olib kelsa, shaxs taraqqiyoti jarayonida shunday faoliyat sohasini tanlaydiki, o'z qobiliyatlari, malaka va ko'nikmalarini rivojlantira borib, ziyoli sifatida yo o'qituvchi, yoki vrach, yoki olim, kashfiyotchi, muhandis bo'lib, elu - yurtiga xizmat qiladi. Iqtisodiy munosabatlar ham shaxs ongi va uning insoniy xususiyatlari shakllanishida katta rol o'ynaydi. Masalan, bosqichma - bosqich bozor munosabatlariga o'tayotgan O'zbekiston sharoitini oladigan bo'lsak, yangicha iqtisodiy o'zgarishlar, bozor, raqobat, legalizatsiya va shunga o'xshash yangiliklar har bir shaxsning moddiy boyliklar va ularga bo'lgan shaxsiy munosabatlarida aks etib, uning iqtisodiy ongi, tafakkuri va iqtisodiy xulqi normalarini belgilaydi.

Ijtimoiy norma - shaxs hayotida shunday kategoriyaki, u jamiyatning o'z a'zolari xulq - atvoriga nisbatan ishlab chiqqan va ko'pchilik tomonidan e'tirof etilgan harakatlar talablaridir. Masalan, o'zbeklar uchun biror xonaga kirib kelgan insonning kim bo'lishidan qat'iy nazar, «Assalomu alaykum» deb kelishi - norma; o'quvchining

o'qituvchi bergan topshiriqlarni bajarishi lozimligi - norma; xotinning er hurmatini o'rniga qo'yishi, qaynonaga gap qaytarmaslik - norma; avtobusda yoki boshqa jamoat transportida kichikning kattalarga, nogironlarga o'rin bo'shatishi - norma va hakoza. Bu normalarni ayrim - alohida odam ishlab chiqmaydi, ular bir kun yoki bir vaziyatda ham ishlab chiqilmaydi. Ularning paydo bo'lishi ijtimoiy tajriba, hayotiy vaziyatlarda ko'pchilik tomonidan e'tirof etilganligi fakti bilan xarakterlanadi, har bir jamiyat, davr, millat va ijtimoiy guruh psixologiyada muxrlanadi.

Ijtimoiy normalarning u yoki bu davrda, u yoki bu toifa vakili bo'lmish shaxs tomonidan qay darajada bajarilishi yoki unga amal qilinayotganligi ijtimoiy sanksiyalar orqali nazorat qilinadi. Ijtimoiy sanksiyalar - normalarning shaxs xulqida namoyon bo'lishini nazorat qiluvchi jazo va rag'batlantirish mehanizmlari bo'lib, ularning borligi tufayli biz har bir alohida vaziyatlarda ijtimoiy xulq normalarini buzmaslikka, jamoatchilikning salbiy fikri ob'ektiga aylanib qolmaslikka harakat qilamiz. Masalan, yuqoridagi misolda, agar jamoat transportida katta mo'ysafid kishiga o'rin bo'shatishni norma deb qabul qilmagan o'smirga nisbatan ko'pchilikning ayblov ko'zi bilan qarashi, yoki og'zaki tanbex berishi, juda kam hollarda o'zini bebosh tutayotgan o'smirning qo'lidan tutib, nima qilish kerakligini o'rgatib, «ko'zini moshday qilib ochib qo'yish» ijtimoiy sanksiyaning hayotdagi bir ko'rinishidir.

Har bir alohida shaxs jamiyat tomonidan ishlab chiqilgan va qabul qilingan ijtimoiy normalar va sanksiyalarni u yoki bu ijtimoiy rollarni bajarishi mobaynida xulqida namoyon etadi. Rol - shaxsga nisbatan shunday tushunchaki, uning konkret hayotiy vaziyatlardagi huquq va burchlaridan iborat harakatlari majmuini bildiradi. Masalan, talaba rolini oladigan bo'lsak, uni bajarish - u yoki bu oliy o'quv yurtida tahsil olish, uning moddiy bazasidan foydalanish, kutubxonasiga a'zo bo'lish, stipendiya olib, ma'muriyatning ijtimoiy himoyasida bo'lish kabi qator huquqlar bilan birgalikda o'sha oliygoh ichki tartib - intizomi normalariga so'zsiz bo'ysunish, darslarga o'z vaqtida kelish, reyting baholov talablari doirasida kundalik o'zlashtirish normalarini bajarish, amaliyotda bo'lish, dekanatning bergan jamoatchilik topshiriqlarini ham bajarish kabi qator burchlarni ham o'z ichiga oladi. Bu rol uning uyga borgach bajaradigan «farzandlik» roli (ota va ona, yaqin qarindoshlar oldida) talab va imtiyozlaridan farq qiladi. Ya'ni, konkret shaxsning o'ziga xosligi va qaytarilmasligi u bajaradigan turli - tuman ijtimoiy rollarning xarakteridan kelib chiqadi.

Shunga ko'ra, kimdir «tartibli, ba'mani, fozil, axloqli va odobli» deyilsa, kimdir - be'mani, bebosh, o'zgaruvchan, ikkiyuzlamachi (ya'ni, bir sharoitda juda qobil, boshqa yerda - betartib) degan hayotiy mavqega ega bo'lib qoladi. Hayotda shaxs bajaradigan ijtimoiy rollar ko'pligi sababli ham, turli vaziyatlardagi uning mavqei - statusi ham turlicha bo'lib qoladi. Agar biror rol shaxs ijtimoiy tasavvurlari tizimida uning o'zi uchun o'ta ahamiyatli bo'lsa (masalan, talaba roli), u boshqa rollarni unchalik qadrlamasligi va oqibatda, o'sha vaziyatda boshqacharoq, noqulay va noboproq mavqeni egallab qolishi mumkin. Qolaversa, rollarning ko'pligi ba'zan rollar ziddiyatini ham keltirib chiqarishi mumkinki, oqibatda - shaxs ichki ruhiy qiyinchiliklarni ham boshdan kechirishi mumkin. Masalan, sirdan taxsil olayotgan talaba sessiya paytida ishlab turgan korxonasiga komissiya kelishi va uning faoliyatini tekshirayotganligini bilib, ruhiy azobga tushadi - bir tomondan, talabachilik va uning talablari, ikkinchi tomondan - kasbdoshlar oldida uyalib qolmaslik uchun har kuni ishxonaga ham borib

kelish. Hozirgi ijtimoiy - iqtisodiy vaziyat va bozor munosabatlari sharoitidagi raqobat muhiti shaxsdan bir vaqtning o'zida qator qobiliyatlar va malakalarni talab qilmoqdaki, ayniksa, yoshlar o'zgaruvchan sharoitlarga tezrok moslashish uchun ba'zan bir - biriga zid hislatlarni ham xulqda namoyon qilishga majbur bo'lishmoqda. Masalan, yosh oila boshlig'i, talaba, ota - onalarga moddiy jihatdan qaram bo'lmaslik uchun, bir vaqtning o'zida ham itoatkor, intizomli talaba va ishdan keyin esa - chaqqon va uddaburon, tadbirkor, tijoratchilik bilan shug'ullanishga majbur bo'lishi mumkin. Bu holat tabiiy, shaxsdan kuchli iroda, doimiy intiluvchanlik va o'z ustida muttasil ishlashni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. N.Ismoilova, D.Andullayeva-“Ijtimoiy psixologiya”.Toshkaent-2013.
2. V.Karimov, O.Xayitov-“Shaxsning ijtimoiylashuv masalasi”.Toshkent-2007.
3. Library.tersu.uz.
4. Science.i-edu.uz.

БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИ – ПСИХО-ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН СИФАТИДА

Райимова Шаҳноза Содиқовна

Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти 2 босқич талабаси

Аннотация: Мақолада бола шахсида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Боланинг ижтимоий муҳитга мослашиши, таълим-тарбиясида кечадиган ўзгаришларда ташқи таъсирларнинг педагогик-психологик асослари ифода этилган.

Калит сўзлар: бола, таълим, тарбия, шахс, таъсир, руҳият, фазилат, оила, дўстлик, ижтимоий муҳит.

Оила давомчиси, эртаси бўлган болалар таълим-тарбиясига қаратиладиган эътибор педагогик-психологик жиҳатдан уйғунлашгандагина самарали натижа беради. Боланинг аввало, оилага ва у орқали жамиятга киришувида дастлабки босқич бўлган мактабгача ёш давридаги таълимий, тарбиявий жараёнларнинг эҳтиёткорлик билан олиб борилиши бола шахсида салбий ўзгаришларнинг вужудга келмаслигига хизмат қилади.

Маълумки, мактабгача ёш – боланинг ўзи ва атрофдагиларни англаши ҳамда тушунишининг дастлабки босқичи. Бу босқич боланинг кичик мактабгача ёшидан шаклланиб, ўрта ва катта гуруҳ ёшида янада тўла, мукамалроқ мазмун касб этиб боради. Болани тарбиялашда ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, меҳнат тарбияси қаторида руҳий тарбияси ҳам бу даврда катта аҳамиятга эга. Бола хулқидаги ҳар қандай янгилик, унинг ижобий ёки салбий ўзгаришлар сари оғиши тарбиянинг илк ўчоғи бўлган оила, оилавий муносабатларнинг қанчалик тўғри йўлга қўйилганига боғлиқдир. Бинобарин, бола тарбиясидаги салбий ўзгаришларнинг бирламчи нуқтаси айнан оила ҳисобланиб, оилавий муҳитнинг

соғлом ёки носоғломлиги болаларнинг хулқида, таълим-тарбиясида яққол акс этади.

Бола шахсида келиб чиқувчи салбий ўзгаришларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Одамовилик, ўзини яқкалашга интилиш, ортиқча тортинчоқлик;
- Дангасалик, бепарволик, эринчоқлик;
- Ўжарлик, қайсарлик, ёлғончилик, ўзбилармончилик;
- Хатти –ҳаракат ва мулоқотда қўполлик;
- Ўз “мен”ини юқори баҳолаш, ўзини устун қўйиш.

Мазкур таснифларнинг дастлабки икки тури боланинг мактабга тайёрлов ёшида, кейинги турлар эса ўспиринлик, ўсмирлик ҳамда балоғат ёшларига тўғри келади. Бола хулқи, тарбиясидаги бу каби салбий ҳислатларнинг пайдо бўлиши секин-асталик, аниқроғи, яширин кўринишда кечган ҳолда, руҳ ва тананинг функцияларига сингиб боради. Бола шахсидаги салбий ўзгаришларни таҳлил қилар эканмиз, уларда юзага келадиган салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларни биринчи галда ота-она, яъни оилавий муносабатларда кўрамыз. Оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан ҳурмат, эътибори, самимий, дўстона муносабати ёки аксинча, қўполлик, зиддият, келишмовчилик, ҳурматсизлик, ҳаттоки нафрат туйғулари ҳам боланинг оламини ҳали тўла англаб етмаган мурғак тасаввури ва тафаккурининг ижобий ёки салбий томонга оғишига олиб келади. Боғча ёшиданок баъзи болалар хулқ-атворида яратувчанлик, айрим болаларда эса бузғунчиликка, истеъмомчиликка бўлган майллар ёрқин намоён бўлади. Тарбиячи ва ота-оналар бундай майлларни тез пайқаб олиши лозим. Чунки бу салбий хусусиятларни ўз вақтида коррекция қилиш, ижтимоий жиҳатдан қадрланадиган эҳтиёж ва мотивларни шакллантириш, ҳар бир бола учун ўз-ўзини намоён этишга шароит яратиш имконини беради.^[1, 130-6.]

Оилада ота-она ўз зиммасига ота-оналик мажбуриятини, масъулиятини, хулқу одобини олгандагина бола оилада ўзлигини топади, ўзини оиланинг бир бўлаги сифатда ҳис қилади. Бола тарбиясига таъсир этувчи омиллар ирсият, ижтимоий муҳит ва оила учлигида эканини назарда тутадиган бўлсак, мазкур уч мезон ўз навбатида бола шахсидаги маълум ўзгаришларнинг келиб чиқишига асос бўлади, замин яратади. Мазкур учликнинг марказидан ўрин олган ижтимоий муҳит бугунги замонавий технологиялар тобора такомиллашиб бораётган глобаллашув даврида ҳам анчайин салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда. Ижтимоий муҳитнинг бола шахсига қаратилган ташқи таъсирларини қуйидагича ажратиш мумкин:

1. Таълим олиш жараёнларидаги муносабатлар
2. Маҳалла аҳли, қариндош-уруғчиликдаги муносабатлар
3. Дўстлар, тенгдошлар билан кечадиган мулоқот
4. Оиладаги муносабат

Бола шахсидаги аксарият салбий ўзгаришларнинг юзага келишидаги асосий кўрсаткич дўстлар, тенгдошлар билан кечадиган муносабатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу ўринда доноларимизнинг: “Сен менга дўстингнинг кимлигини айт, мен сенга кимлигингни айтаман” деган ҳикматини инобатга оладиган бўлсак, боланинг ким билан дўст тутиниши унинг хулқида бора-бора у ёки бу инсоний

сифатлар, фазилатлар ёхуд иллатларнинг куртак ёзишига олиб келади. Дўстликнинг юксак инсоний фазилатлардан бири эканини билиш, тушуниш ва қабул қилиш боланинг то балоғат ёшига етгунига қадар бирмунча мураккаб ва танлови қийин бўлган масала кўламини олиши мумкин. Боланинг ўз танлови, ихтиёри билан танланадиган ва давом этадиган дўстлик муносабатларидаги қарашлар боланинг ўзи сезмаган ва кутмаган равишда ички оламига кириб боргани ҳолда руҳиятига ўрнашиши, уни исталган вақтда истаганча хоҳиш-иродага солиши муқаррар. Ўзаро ихтиёр ва танлов асосида шаклланган дўстлар давраси болани ўзига “ром этиши”, “сеҳрлаши”, ўзига “боғлаб олиши”ни сезиш биринчи навбатда ота-онанинг вазифасидир.

Аксарият ҳолларда нотўғри танлов сабаб йўлга қўйилган дўстлик муносабатлари орқали фарзанди хулқида кечаётган **бетоқатлик, бепарволик, эътиборсизлик, мактанчоқлик, манманлик** каби иллатларнинг бора-бора ёлғончилик, ўғрилиқ, талончилик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик кўчаларига бошлаб кетмаслигини ўз вақтида англаш ота-она қатори таълим муассасасида ўқитувчи-педагоглар, маҳалла фаоллари, қолаверса, қариндош-уруғларнинг ҳам доимий эътибори ва назоратида бўлмоғи лозим. Мазкур назорат бола билан ижодий ишлашда ҳам ўз аксини топиши мумкин, яъни болада салбий хулқларнинг пайдо бўлмаслиги, шаклланмаслиги учун унга туғилганданоқ шахс сифатида қараш, улғайган сайин иқтидорини ўз вақтида англаш, интилишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ўзи қизиққан машғулот билан эркин шуғулланишига имкон яратиш зарур. Хусусан, мактабгача таълим ёшида таълим-тарбиявий машғулотлар боис болада намоён бўладиган иқтидор нишонасини илғаш ва янада учкунлантириш орқали ҳам салбий ўзгаришларнинг олдини олишга эриша оламиз. Шунингдек, ўсмирлик ёшида боланинг руҳий ва жисмоний камолотида юз берадиган ўзгаришларга тайёр туриш, уларни болага ўз вақтида англантириш, унинг ўз “мен”ини топиши, намоён этишида имкон қадар тўғри йўлга солиш педагогика таълими ҳамда психология назариясида назарда тутилган тарбиявий мақсадлардан бири эканини унутмаслик ҳам мақсадга мувофиқдир.

Атоқли маърифатпарваримиз Абдулла Авлоний тарбия хусусида сўз кетганда шундай таъкидлайди: *“Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатлануб, катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулуб ўсса, Аллоҳдан қўрқмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насиҳатни қулогига олмайдурган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур”* [2, 35-6].

Бола шахсида юзага келадиган салбий ўзгаришларнинг педагогик-психологик назариясини очишда болалар психологияси ва психодиагностикасини билиш муҳим ўрин тутди. Педагогика ўз йўналиши, яъни таълим ва тарбия қонунлари, метод ва усуллари ҳақидаги фан сифатида бола таълим-тарбияси ҳақида қайғураётган экан, бу фан ўз ўрнида бола шахсини, унинг руҳий ва ақлий имкониятларини, ўзига хосликларини ўрганишни мақсад қилган психология билан ҳам узвийликда, ҳамкорликда кечмоғи зарур. “Ўз даврида машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский педагогика баркамол шахс тарбиясининг режасини ишлаб чиқиш учун инсон ҳақидаги барча фанларнинг ютуқларига таянилиши

кераклиги, бу йўллар орасида эса психология марказий ўрин эгаллашини таъкидлаган эди. Болага таълим ва тарбия беришга оид вазифаларни ҳал этишда педагогика қандай қилиб таълим-тарбия бериш кераклигини айтса, психология нима учун айнан шундай қилиш кераклигини аниқлайди.^[3, 6-6.] Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бола шахсида шаклланадиган ўзгаришларнинг педагогик-психологик асослари қуйидагича намоён бўлади:

-ўзгаришнинг моҳиятини англаш, қанчалик таъсир ва аҳамиятга эгаллигини аниқлаш;

-ўзгаришларнинг боланинг ёш хусусиятларига кўра мувофиқ ёки номувофиқ эканини топиш;

-ўзгаришларнинг келиб чиқиш сабабиятини излаш, топиш ва яхлит хулосага келиш;

-ўзгаришларнинг бола шахсига таъсирини аниқлаш, кўрсатиш ва исботлашга доир муҳим факт ва маълумотларга эга бўлиш.

Турли ҳиссиёт, дунёқараш, эмоцияга берилувчан болалик даврининг ўзига хосликларини аниқлаш, бу даврнинг кутилмаган бурилишларини олдиндан сезиш ва шунга кўра таълимий, тарбиявий, психологик методларни ўз вақтида қўллаш орқали бола характеридаги, шахсиятидаги юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган салбий ўзгаришларга йўл қўймаган бўламиз. Инсон ҳаётининг баҳори бўлган болалик, ёшлик фаслининг барқарор, ўз рангларида ўтишига эришишда эса педагогика-психология фанлари ўз мақсадидан келиб чиқиб, янгидан янги изланишлар қилишни тақозо этаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болалар психологияси ва психодиагностикаси. З.Т.Нишанова, Г.К.Алимова, А.Ғ.Турғунбоева, М.Х.Асранбоева. Дарслик. Тошкент-2017 йил.
2. Танланган асарлар. А.Авлоний. 2-жилд. – Т.: “Маънавият”, 1998.

ТАЪЛИМДА НУҚСОНИ БОР ЎҚУВЧИЛАРГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ

*Юсупова Мунисхон Маликжоновна
Наманган вилояти Чуст туман 15-мактаб психологи*

19 – аср мобайнида жамиятда рўй берган иштимой-иқтисодий ўзгаришлар туфайли нуқсонли болаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақида жамоатчилик фикри юзага келди. Психалогияда шундай ҳолатлар буладики доимо биз истаганимиз ҳам бўлавермайди. Хар бир ота-она фарзандини соғ-саломат ақлли хушли ўқимишли бўлишини хоҳлайди. Лекин доимо биз ўйлаганча бўлмас экан. Хозирда ривожланиб бораётган замонда хар бир бола ўзи хоҳлагандек билим олиши ўзи севган касб эгаси бўлиши лозим. Болани ўзини қобилиятига қараб ўқитишимиз лозимдир. Хар бир ота-она унинг учун фарзандини қўллаб қуватлаши керакдир. Фарзанд соғлиги барча нарсадан устундир. Лекин соғлигида муаммоси бор болаларни эса ўзларини махсус мактабида ўқиши керак деб биламан, чунки у болада ўртокларига нисбатан камситилиши, рухияти

бузилиш холлари кузатилмайди. Боланинг касаллигидан қатий назар барча педагоглар бирдек унинг яхши билим олиши учун масулдирлар. Хеч қайси педагог болани камситишга, унинг ҳақорат қилишга умуман ҳақли эмасдирлар.

Хозирда ота-оналарни қийнаётган муаммо болаларда учраётган турли хил касалликлар ва бу ҳолат боланинг рухий бузилишига сабаб бўлябди. Бу касалликни олдини олиш ва унга ёрдам берувчи, сабабларини ўрганиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва барҳам топтириш керак.

Касалликни қўзғатадиган сабабларининг организмга таъсирини камайтириш ва йўқотишни олдини олишга ҳаракат қилиш лозимдир.

Касаллик ривожланишига йўл қўйилмаслик учун унга эрта ташхис қўйиш ва самарали даволаш керакдир.

Тўла-тўқис даволаш ва касаллик қайталаниши ва унинг сурункали турларга ўтиб кетишининг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш лозим.

Бола шахсини ҳар бир ёш босқичида тўлақонли психик ривожланиш ва шаклланиш учун зарур бўлган психологик шарт-шароитларни яратиш керак.

Боланинг ақлий ва шахсий ривожланишидаги маълум қийинчиликларга, оғишларга олиб келиши мумкин бўлган хусусиятларини ўз вақтида аниқланиши керак.

Киши саломатлигига ижтимоий фойдали фаолият ва меҳнатнинг таъсирини ўрганиш психогигиенанинг асосий вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган амалий психологларнинг вазифалари асосан 6 та йўналиш билан белгиланади, жумладан: психологик хизмат кўрсатиш фаолиятини мактабни ҳозирга замон психология фани ютуқлари билан илмий-услубиёт бўйича таъминлашга, инсоннинг шахсий ва интеллектуал (ақлий) жихатдан ривожланишини диагностика қилишга, таълим ва тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлашга, энг муҳим мавжуд камчилик ва бузилишларнинг олдини олишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Психопрофилактика йўналишида ҳар бир ёш босқичида инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, шахс камолоти ва интеллектуал тараққиёти бўсағасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик бузилиш ва нуқсонларнинг ўз вақтида олдини олишга ҳаракат қилиш лозим.

Мана шу пайтларда одам психикасида, шунингдек, нерв тизимининг айрим бўлимлари ва бутун организмда катта ўзгаришлар рўй беради.

Илк гўдаклик даврида болани қатъий кун тартиби билан боқиш психогигиеник жихатдан ката аҳамиятга эгадир.

Оиладаги соғлом муҳит ота билан она ўртасидаги ўзаро муносабатлар фарзандлар тарбиясида муҳим рол ўйнайди.

Тарбиянинг бузилиши ва камчилиги – ёмон таъсир қолдирадиган психогигиеник омилдир. Ҳар бир даврнинг ўзига ҳос психогигиеник талабларига амал қилиш соғлом турмуш тарзини таъминлайди. Жумладан кун тартиби, тўғри овқатланиш жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва кўпроқ бадий китоб ўқиш боланинг ақлини ривожлантиради. Касал болаларга алоҳида этибор ва кўпроқ меҳр бериш лозимдир.

Касалларга даво мақсадида режа асосида мунтазам психик таъсир кўрсатиб бориш керак.

Касалликларни олидини олиш соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда жуда этиборли бўлишимиз лозим.

Жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим муассасалари фаолиятининг ўзига хослигини назарга олиб, психолог ўз иш режасини айнан шу тоифадаги болалар билан индивидуал ишлашга, уларнинг соғлигини тиклашга қаратади. Нутқий, рухий-асабий, ҳаракат аъзоларидаги камчиликларни бартараф этишда сақланиб қолган фаолият ва имкониятларидан тўла фойдаланиш йўллари излайди ва бу борада муассаса врачлари ва дефектологлари билан ҳамкорлик иш кўришлари лозим.

Жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим муассасаси психологи тавсия этилган ташҳис методикаларидан, болаларнинг ёши, жинси, соғлиги, касаллик турларига қараб фойдаланади, олинган маълумотларни муассаса дефектологлари билан биргаликда муҳокама этади, болаларнинг соғлигини тиклашда бевосита иштирок этиши керак. Нуқсонли ривожланиш турларига қараб болаларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашган ҳолда уларга касбий тасаввурлар бериш, касб-ҳунарга йўналтириш ва касбга тайёрлаш ишларини мураббий ва педагоглар билан биргаликда олиб боради, мактабдан кейинги ҳаёт йўлини аниқ ва ижтимоий мақбул тарзда режалаштиришда ота-она билан ҳамкорлик қилиш талаб этилади.

Инсонларда рухий касалликнинг айрим сабаблари турли хил кузатилябди.

Онг ҳамиша нима ҳақидадир билим беришдан иборат, у фаолият билан бевосита боғлиқдир. Ҳар - ҳил рухий касалликларда онг, эс хуш бузилиши мумкин. Рухий касалликлардан ташқари эс-хуш айнишига сабаб бўладиган таъсуротлар бор калла ва миянинг шикастланиши, кучли рухий жараёнлар кучли истма билан ўтадиган юқумли касалликлардан ҳам ўтиши мумкин.

Эс-хушнинг айниши бир неча секунддан тортиб бир неча ойга чўзилиши мумкин. Болаларда танглик вазияти бирор-бир инсоннинг ёрдамисиз ва қўллаб-қувватлашисиз, мустақил бирор-бир нарсани уддалай олмаганидан бошланади. Болани олдида қисқа вақт ичида ечиши зарур бўлган муаммо турибди, бироқ у бунга ўзига одат бўлган усул орқали бажара олади лекин сиз ва биз айтган муаммони қай йўсинда бажара олади. Айтилган муаммони бажаришида барчамиз биргаликда ҳамкорликда ҳаракат қилсак ҳеч йўқ болани кўнгли кўтариш кайфияти ўзгарар эди. Боланинг кучи ва доимий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, уни қўллаб қувватлашимиз керак. Керакли методлар орқали унинг кайфиятини кўтариш лозим. Ҳаётнинг гўзаллигини ва у ҳаёт ўзи билан гўзал эканлигини озми кўпми англашимиз керак.

Бу фарзандлар бизнинг келажакимиз. Келажакда бу болалардан буюк олимлар ва олималар чиқади деган умиддаман, зеро президентимиз томонидан яратилган шарт –шароитлар буларни албатта юқори чўққиларга кўтаради. Булар ҳеч қачон этиборсиз қолиб кетмайди.

BOLALAR DEVIANT XULQ-ATVORINING PSIXOLOGIK TAHLILI.

*Avlayev Orif Umirovich p.f.n,dotsent,
Valieva Munojatxon Sodiqovna -TVCHDPI magistranti*

Kalit so'zlar. xulq-atvor, deviant, voyaga yetmagan bolalar, o'smirlar, dezadaptatsiya, psixologik- pedagogik tarbiya amallari.

Bugungi murakkab globallashuv davrida ma'naviyat sohasida vujudga kelayotgan dolzarb muammolar, xalqimiz ma'naviyatini asrash, yuksaltirish, ayniqsa, yosh avlodning qalbi va ongini turli zararli g'oya hamda mafkuralar ta'siridan saqlash, shuningdek, uni himoya qilish masalalari alohida e'tiborga molikdir. Yoshlarimizning ma'naviy olamida bo'shliq vujudga kelmasligi uchun ularning qalbi hamda ongida sog'lom hayot tarzi, milliy va umummilliy qadriyatlarga hurmat-ehtirom tuyg'usini bolalik davridanoq shakllantirish bugun barchamizni o'ylantirishi tabiiydir. Hozirgi kunda mamlakatimizda yoshlarning ma'naviy hamda ijtimoiy yetukligi, shu bilan birgalikda xulqiy odoblik masalasidagi va yoshlarga oid islohotlar samaradorligini yanada oshirishdagi, «Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida»gi, «Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi qonunlari doirasida amalga oshirilgan chora-tadbirlar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu maqsadlarning ijobiy natijaga ega bo'lishi, eng avvalo, yosh avlodga ilmiy bilimlar asosini puxta hamda sifatli bilim berish, keng dunyoqarash hamda tafakkur ko'lamini dunyo bilan tenglasha oladigan darajada hosil qilish, ma'naviy-axloqiy sifatlarni shakllantirish borasidagi samarali ta'lim jarayoni tashkil etadi.

Muammoning hozirgi holati quyidagilarning yo'qligi yoki to'liqsizligi bilan tavsiflanadi.

- o'spirinlarning deviant xulq-atvorining psixologik mohiyatini, uning mezonlari va turlarini tushunishda birlik;

- o'spirinlarning deviant xulq-atvorining barqaror shaxsi determinantlari to'g'risida yagona tushuncha;

- voyaga etmagan huquqbuzarlarning shaxsiy xususiyatlariga oid zamonaviy tadqiqotlar;

- shaxsiy xususiyatlar va shakllanishlarning noqonuniy xatti-harakatlar bilan bog'liqligini tushunishda birlik;

Chet ellik tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, deviant xatti-harakatlar quyidagilar bilan birga keladi: past darajadagi ijtimoiy mavqe, bu o'spirinning jamiyat talablariga javob berishiga imkon bermaydi (A. Koen, R. Kloud, L. Olin); ijtimoiy anomiya holati (E. Dyurkgeym); jamiyat talablari va ularni amalga oshirishning mavjud vositalari o'rtasidagi ziddiyatlar (R. Merton); maqsadga erishishning noqonuniy vositalarining mavjudligi (R. Kloud, L. Olin); ijtimoiy tizimdagi kamchiliklar va o'z xatti-harakatlarini oqlash (G.Sayks, D. Matza); jinoiy muhit (E. Sutherland); jinoyatlar sodir etishidan foyda olish (R. Burgess, R. Eyker), ijtimoiy rollar va vakolat (S. Milgram, F. Zimbardo); ijtimoiy nazoratning yetishmasligi (I. Nye).

T.V Serebryakova[7] o'spirinlarning noqonuniy xatti-harakatlarining asosiy sababi moddiy farovonlikka bo'lgan munosabatni targ'ib qilish deb hisoblasa-da, bu yosh

avlodning qadriyatlar tizimining deformatsiyasiga va ularda salbiy antisotsial qarashlar va maqsadlarning shakllanishiga olib keladi, V.I. Ignatenko [5] o'spirinlarning bo'sh vaqtini to'g'ri tashkil etmagan va o'z faoliyatini eng ijtimoiy, ko'pincha ijtimoiy bo'lmagan faoliyatga yo'naltirishiga olib keladi, deb ta'kidlaydi.

Xorijiy va mahalliy tadqiqotchilar bir ovozdan o'spirinlarda noqonuniy xatti-harakatlarning genezisida ijtimoiy-psixologik old shartlarning alohida ahamiyatini tan olishadi. I.A. Gorkova [3] noqonuniy xatti-harakatlarning shakllanishiga yordam beradigan "oilaviy" sabablarning uchta guruhini aniqladi: *me'yoriy bo'lmagan* (nizoli, to'liq bo'lmagan) oilalar, ota-onalar amaliyotidagi *psixotravmatik* omillar (emotsional rad etish, gipoproteksiya, talabchanlikni oshirish), *ota-onalarning o'zlarining psixologik muammolari* (alkogol) va giyohvandlik, sudlanganlik va boshqalar).

M.A. Alemaskin [9] tomonidan olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, deviant xulq-atvorni shakllantirishda o'spirin uning jamoadagi mavqeidan noroziligi muhim rol o'ynaydi. Guruhning salbiy ta'siri tengdosh o'spirinlik ham muhim kriminogen omillardan biridir. Shunday qilib, V.V. Ustinovning fikriga ko'ra, zo'ravonlik jinoyati sodir etgan o'spirinlarning 100% yoki norasmiy muhitda zo'ravonlikni kuzatgan yoki o'zlari unda qatnashgan. Xudbin jinoyatchilar orasida bu ko'rsatkich 86,6% tashkil etdi. Voyaga etmagan mahkumlarning do'stlarining salmoqli qismi ijtimoiy-axloqsiz shaxslardir: 39,5% sudlanganligi, 68,4% ro'yxatga olingan, 36,8% buzilgan. jamoat tartibini, 76,3% qo'pol so'zlarni ishlatgan, 55,3% spirtli ichimliklarni suiiste'mol qilgan.

O'smirlar guruhida guruh xatti-harakatlarining turli shakllari doimo o'z a'zolarining o'z qadr-qimmatiga tahdid soladi va ularni turli xil harakatlar - vandalizmdan guruh qotilligiga qadar o'z maqomlarini himoya qilishga majbur qiladi. I. Yu. Borisov [2] fikriga ko'ra, "Gedonik xavf" - bu yuksak qadr-qimmat va xavfsizlikka bo'lgan ehtiyojni qondirishning o'ziga xos usuli. Kollektiv qarorlar individual qarorlarga qaraganda ancha xavfli (xavfni o'zgartiruvchi ta'sir).

Shunday qilib, voyaga yetmaganlar huquqbuzarligi ko'plab ijtimoiy sabablarga ega. Ijtimoiy muhit omillari jinoyat sodir etilishiga olib kelmasa-da, jinoyatchi shaxsini shakllantiruvchi shart-sharoitlar vazifasini bajaradi. Jinoiy xatti-harakatlarning bevosita sabablari ko'p hollarda shaxsga bog'liq.

Deviant xulq-atvorning determinant omillari shaxsiydir, vaziyatli esa modulyator rolini o'ynaydi. Bekorga emas, aftidan, A. A. Rean "situatsion omillarni huquqbuzar xatti-harakatlarning asosiy sabablari, determinantlari (va modulyatorlari emas) deb hisoblash mantiqan shaxsdan bunday xatti-harakatlar uchun javobgarlikni olib tashlashga olib keladi" deb yozadi [8].

GM Minkovskiy [6] jinoyatchi shaxsining tarkibida quyidagi elementlarni aniqladi: 1) demografik, madaniy va ma'rifiy xususiyatlar;

2) ehtiyojlar, qiziqishlar va etakchi faoliyatga munosabat;

3) kundalik hayot va dam olish ehtiyojlari, qiziqishlari va munosabatlari;

4) hissiy-irodali belgilar;

5) jinoyatni tavsiflovchi bevosita motivlar;

5) shaxsning ijtimoiy-motivatsion pozitsiyasini birlashtiradigan xususiyatlar (diqqat, yo'nalish) [4]

O'z-o'zini hurmat qilish o'spirinlarda xulq-atvor og'ishlarida muhim rol o'ynaydi. Qarama-qarshilik faqat uning mohiyatini aniqlashda yotadi. Birinchi qarash voyaga

etmagan jinoyatchilarning o'z-o'zini hurmat qilish past baholashiga asoslanadi. (G.V. Valitskas, Yu.B. Gippenrayter, G. Kaplan). O'z-o'zini past baholash shaxsning faoliyatiga noto'g'ri yo'nalish beradi va shu bilan shaxsni ijtimoiy bo'lmagan rivojlanish yo'liga yo'naltirishga yordam beradi. O'spirin o'z-o'zini hurmat qilishni oshirishga intiladi, ammo buni ijtimoiy jihatdan maqbul yo'llar bilan amalga oshirolmaydi, natijada o'spirin antisotsial aqli va xatti-harakatlar qadriyatlariga murojaat qiladi, bu esa o'z-o'zini hurmat qilishni kuchaytiradi [1].

O'smirlarda deviant xulq-atvor omillari.

Faktorlar	Mazmuni
Fiziologik omillar	Irsiy yoki orttirilgan xarakterdagi ruhiy og'ishlar va jismoniy nuqsonlar, balog'at yoshi jarayonining o'ziga xos xususiyatlari.
Ijtimoiy (makro-muhit) omillar	Ijtimoiy holatning pastligi, jinoiy muhit, maqsadga erishish uchun noqonuniy vositalar mavjudligi, ommaviy axborot vositalarining salbiy ta'siri, ijtimoiy nazoratning yo'qligi, ijtimoiy anomiya holati, o'spirin modasi, huquqiy ongning pastligi, oila institutining inqirozi .
Ijtimoiy-psixologik (mikro muhit) omillar	Yaqin atrof-muhitning salbiy ta'siri (oilalar, referent guruhi, maktab jamoasi va boshqalar).
Psixologik omillar	Shaxsning individual psixologik xususiyatlari.

Shaxsning faoliyati ehtiyojlardan tashqari, uning manfaatlari doirasi bilan ham belgilanadi, bu shaxs uchun ma'lum ob'yektning ahamiyatini, shaxsning uning ehtiyojlarini anglashini aks ettiradi. Ko'plab natijalar, tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, o'spirin huquqbuzarlarning manfaatlari doirasi cheklangan va tor. Kognitiv, ma'rifiy, ma'naviy va madaniy manfaatlar, qoida tariqasida, katta intellektual kuch talab qilmaydigan romantikaga, sarguzashtlarga, tavakkalga va beparvolikka qiziqish bilan almashtiriladi (N. A. Goncharova, G. G. Bochkareva, S. A. Belicheva, N. I. Vetrov, G. M. Minkovskiy, E. I. Kulchinskaya, K. E. Igoshev va boshqalar).

N.A.Goncharova tomonidan olib borilgan o'spirinlarning noqonuniy xatti-harakatlarining qiymatini belgilovchi omillarini o'rganish shuni ko'rsatdiki, ikkinchisi moddiy, gedonistik, individualistik qadriyatlarning kuchi va jismoniy kuchning ustunligi, ma'naviy va kognitiv qadriyatlar bilan tavsiflanadi.

Tadqiqot natijalariga ko'ra O. A. Padun, qadriyatlar tizimining deformatsiyasi yollanma va zo'ravonlik jinoyati sodir etgan o'spirinlar tomonidan zo'ravonlik ishlatishga tayyorlikni shakllantiruvchi shartlardan biridir.

Psixologlar va pedagoglar tomonidan dezadaptatsiyalashgan xulqning **oldini olishga** qaratilgan bir qator tavsiyalar, maslahatlar ishlab chiqilgan. Tadqiqotchi Ye.A.Gorshkova tarbiyasi qiyin o'smirlarning sinf jamoasi bilan bo'ladigan munosabatlarini sog'lomlashtirish voyaga yetmaganlar o'rtasida jinoyatchilik xulqining oldini olishda muhim omil vazifasini o'taydi deb ta'kidlaydi va quyidagi psixologik-pedagogik tavsiyalarni o'rtaga tashlaydi:

1. Tarbiyasi qiyin o'smirlarning sinf jamoasidagi o'rni va uning sinfdoshlari, atrofdagilar bilan munosabatlarini sog'lomlashtirish.

2. Tarbiyasi qiyin o'smirlarning shaxs xususiyatlarini har tomonlama o'rganish va tarbiyaviy tadbirlarni amalga oshirishda ijobiy shaxs sifatlarini shakllantirishga erishish.

3. Tarbiyasi qiyin o'smirlar sinf va maktab jamoasidan izolyatsiyalanishining (ajralib qolishlik) oldini olish tadbirlarini o'z vaqtida amalga oshirish.

4. Tarbiyasi qiyin o'smirlarni qiziqish, qobiliyatlaridan kelib chiqib sinfda va sinfdan tashqarida o'tkaziladigan tadbirlarga jalb qilish.

5. Sinf jamoasi a'zolarida sog'lom psixologik munosabat hissini shakllantirish.

6. Sinf va maktab jamoasida tarbiyasi qiyin o'smirlarga nisbatan ijobiy va faol munosabat ruhini yuzaga keltirish.

Tarbiyasi qiyin bolalarda bir qator o'ziga xos tipik illatlar kuzatiladiki, ular:

- ota-onalar, pedagoglar va boshqa katta yoshdagilar bilan munosabatda
- o'rtoqlari, sinfdoshlari va boshqa tengdoshlari bilan munosabatda
- o'ziga munosabatda va o'zini o'zi tushunishda
- ichki yagonalik, boshqalar bilan birlashaolmasligi
- o'qishdagi qiyinchiliklarni boshdan kechiruvchi kabi tipik illatlar kuzatiladi.

Bugungi kun psixologik-pedagogik tajribalar tarbiyasi qiyin bolalarga psixologik-pedagogik yordam ko'rsatish uchun quyidagi **tartibda ish tutishni taqazo etmoqda:**

1. Yosh jihatlariga qarab proflaktika va psixokorreksiya ishlarni boshlash talabi.

Chunki, tarbiyasi qiyinlarga o'smirlik yoshiga xulqdagi buzilishi qat'iy shakllangan vaqtda kelib proflaktik va korreksion tadbirlarga qo'l uriladi. Balki xulq-atvordagi o'zgarish bolalik davrida namoyon bo'lgan holda, unga chora ko'rishni kutib bo'lmaydi. Shu bois kichik maktab yoshdayoq maqsadli proflaktika va psixokorreksiya ishlarini ancha ilgari boshlash lozim.

2. Ishni differentsial va individual tashkil etish.

Bunda bolalarning tarbiyaviy-proflaktik jarayonda yosh va jinsiga qarab differentsial hamda ularni har birini individual xususiyatlarga qarab ishni rejalashtirish.

3. Ishdagi xilma-xillikni ta'minlash, ya'ni vaziyat, shart-sharoitga qarab usullar, vositalardan foydalanish.

4. Insoniylik munosabatidan yondoshish.

Bolalar bilan ishlayotganda ularni har bir toifasiga qanday millatga xosligi, dunyoqarashi, dinidan qat'iy nazar uning qiziqishlarini hisobga olib, unga ochiq ko'ngillik bilan munosabat o'rnatish lozim.

5. Mintaqaviy xususiyatlarni hisobga olish.

Tarbiyasi qiyin bolalar bilan tarbiyaviy-proflaktik tadbirlarni o'tkazish jarayonida ularni ijtimoiy—madaniy va iqtisodiy vaziyatlarga tayanib, u tashkil etilayotgan mintaqaning xususiyatlarini hisobga olish lozim.

Albatta yuqorida sanab o'tilgan talablar umumiydir, ammo tarbiyasi qiyin bolalar bilan ishlayotgan vaqtda ularga psixologik-pedagogik yordam ko'rsatish uchun bir qator metod, amallar va taktlardan foydalanishni bilish lozim.

Tarbiyada ta'sir ko'rsatish metodlarini taqdirlash va jazolash jabhalariga alohida e'tibor beriladi. Tarbiyasi qiyin bolalar bilan ishlash jarayonida ham pedagog-tarbiyachilar ulardan samarali foydalanishlariga to'g'ri keladi. Taqdirlash bola xatti-harakatlarida ijobiy sifatlarini tarkib topishi va mustahkamlanishi uchun, jazolash esa

ixtiyor etilmaydigan salbiy fazilatlarini tormozlash va ulardan ogoh etish maqsadida foydalaniladi. Jazolash ham adolatli va bolaning shaxsini kamsitmagan holda samarali tashkil etilishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Avlaev O.U., Mirzaeva S.R. Deviant xulq psixodiagnostikasi va korrektsiyasi. Uslubiy qo'llanma – T.: "Navro'z" nashriyoti, 2021, 140 bet.
2. Borisov, I. Yu. «Gedonisticheskiy risk» i otklonyayusheesya povedenie molodeji // Psixologicheskie problemi viyavleniya i korreksii otklonyayushegosya povedeniya shkol'nikov: sb. nauch. tr. – M.: APN SSSR, 1990. – S. 54-61.
3. Gor'kovaya, I. A. Lichnost' podrostka-pravonarushitelya. — SPb.: Izd-vo S.-Peterb. un-ta, 2005. – 236 s.
4. Kudryavsev, V. N. Sosial'nie otkloneniya: vvedenie v obshuyu teoriyu. — M.: Yurid. lit., 1984. – 320 s.
5. Ignatenko, V. I. Antiobshestvenniy obraz jizni i residiv prestupleniy nesovershennoletnix: sodержanie, prichini, preduprejdenie (kriminologicheskiy i penitentsiarniy aspekti). – Pskov: Pskovskiy yuridicheskiy institut FSIN, 2007. – 307 s.
6. Min'kovskiy, G. M. O nekotorix obshix polojeniyax kriminologicheskogo izucheniya lichnosti // Teoreticheskie problemi ucheniya o lichnosti prestupnika: sb. nauch. tr. — M.: Izd-vo Vsesoyuz. inta po izuch. prichin i razrab. mer preduprejdeniya prestupnosti, 1979. – S. 24-33.
7. Serebryakova, T. V. Sosial'no-psixologicheskie determinanti formirovaniya deviantnogo povedeniya nesovershennoletnix: avtoref. dis. ... kand. psix. nauk. – Ryazan', 2005. – 25 s.
8. Rean, A.A. Faktori riska deviantnogo povedeniya: semeyniy kontekst // Nacional'niy psixologicheskiy jurnal. – 2015. – №4 (20). – S. 105-110.
9. Pirojkov, V. F. Kriminal'naya psixologiya. — M.: «Os'-89», 2001. – 702 s.

GIPERAKTIV BOLALAR VA ULARNI TARBIYALASH MUAMMOLARI

*Tilloyeva Sarvinoz Barotovna
Buxoro viloyat Shofirkon tuman 21-maktab psixolog*

Annotatsiya. Mazkur maqolada giperaktiv bolalar va ularni tarbiyalashda muammolari haqida fikr-mulohazalar keltirildi.

Kalit so'zlar: giperaktiv, o'qituvchi, o'qish, maktab, psixologiya, charchoq, oila

Xulq-atvori buzilgan bolalarning muammolari va ular bilan bog'liq o'qishdagi qiyinchiliklar hozirgi paytda ayniqsa dolzarbdir. Doimiy hayajonlangan, beparvo, tinch va baland ovozda bunday bolalar jim o'tirishlari, vazifalarni bajarishlari va sinfdoshlariga xalal bermasliklari uchun kuzatilishi kerak bo'lgan o'qituvchining e'tiborini jalb qiladilar. Darsdagi bu talabalar doimiy ravishda o'z ishlari bilan mashg'ul bo'lishadi, ularni joyida ushlab turish, topshiriqni tinglashga majbur qilish va hatto uni oxirigacha bajarish qiyin. Ular o'qituvchilarni "eshitmaydilar", ular hamma narsani yo'qotishadi, hamma narsani unutishadi. Zamonaviy maktab bola hayotini tartibga

soladigan normalalar, qoidalar, talablar tizimi bo'lganligi sababli, mavjud ta'lim tizimi haqida gapirish mumkin, chunki u giperaktiv bolalar bilan ishlashga moslashtirilmagan. Shu sababli, so'nggi yillarda giperaktiv bolalarni o'qitish samaradorligi muammosi tobora dolzarb bo'lib kelmoqda va o'qituvchilar va maktab psixologlari orasida muhokama qilinmoqda. Shunday qilib, bir necha yil oldin giperaktiv bolalarning boshlang'ich sinflarida bir yoki ikkitasi bo'lgan bo'lsa, hozir 20-30% o'quvchilar ushbu guruhga kiradi. Va bu foiz doimiy ravishda o'sib bormoqda. Xulq-atvorning barcha mavjud muammolari bilan giperaktiv bolaning intellektual funktsiyalari buzilmaydi va bunday bolalar maktab muhitini talablari bolaning imkoniyatlariga mos kelishi sharti bilan umumiy maktab dasturini muvaffaqiyatli o'zlashtira oladilar.

Shunday qilib, giperaktiv bolalar (ayniqsa, kichik maktab o'quvchilari) harakatga ko'proq ehtiyoj sezadilar, bu esa maktab hayotining talablariga zid keladi, chunki maktab qoidalari ularga dars paytida va hatto tanaffus paytida ham erkin harakatlanishiga imkon bermaydi. Va stolda 35-6 daqiqa davomida 4-6 dars davomida o'tirish ular uchun imkonsiz ishdir. Shuning uchun, dars boshlanganidan 15-20 minut o'tgach, giperaktiv bola o'z stolida xotirjam o'tira olmaydi. Bunga darsda kam harakatchanlik, darsda va kun davomida faoliyat shakllarida o'zgarish bo'lmasligi yordam beradi. Keyingi muammo - bu bolaning xatti-harakatlarining impulsivligi va darsdagi munosabatlarining me'yoriy mohiyati o'rtasidagi qarama-qarshilik, bu belgilangan tartibda bolaning xatti-harakatlariga mos kelmasligi: o'qituvchining savoliga talabning javobi. Giperaktiv bola, qoida tariqasida, o'qituvchidan javob berishga ruxsat berishini kutmaydi. U ko'pincha savolni oxirigacha tinglamasdan javob berishni boshlaydi va ko'pincha joyidan qichqiradi.

Giperaktiv bolalar noturg'unlik bilan ajralib turadi, bu charchoq holati yuzaga kelganda, javoblar va yozma topshiriqlardagi ko'plab xatolarning ko'payishiga sabab bo'ladi. Giperaktiv bolaning o'qish va yozish qobiliyati tengdoshlariga qaraganda ancha past va uning intellektual qobiliyatiga mos kelmaydi. Yozma ish beparvolik tufayli xatolarga yo'l qo'ygan holda ixcham bajariladi. Bunday holda, bola kattalarning maslahatlarini tinglashga moyil emas. Mutaxassislarning fikriga ko'ra, bu nafaqat e'tiborni buzish. Yozish va o'qish ko'nikmalarini shakllantirishdagi qiyinchiliklar ko'pincha harakatlarni muvofiqlashtirish, ko'rish va nutqni rivojlantirishning etarli darajada rivojlanmaganligi tufayli yuzaga keladi.

Giperaktiv bolalarning muammolari bir kechada va bir kishi tomonidan hal qilinmaydi. Ushbu murakkab muammo ota-onalar va shifokorlar, o'qituvchilar va psixologlarning e'tiborini talab qiladi. Bundan tashqari, tibbiy, psixologik va pedagogik vazifalar ba'zan shu qadar takrorlanadiki, ular orasida bo'linish chizig'ini chizib bo'lmaydi.

Nevropatolog yoki psixiatr va giyohvand terapiyasi bo'yicha dastlabki tashxis psixologik va pedagogik tuzatish bilan to'ldiriladi, bu giperaktiv bolaning muammolariga kompleks yondashuvni belgilaydi va ushbu sindromning salbiy ko'rinishlarini engishda muvaffaqiyatni kafolatlaydi.

Oilada tuzatish. Giperaktiv bolaning hissiy tajribasini boyitish va diversifikatsiya qilish, unga o'zini tutishning elementar harakatlarini o'zlashtirishga yordam berish va shu bilan ortib borayotgan motor faolligi namoyon bo'lishini yumshatish, yaqin odam va ayniqsa onasi bilan munosabatlarini o'zgartirishni anglatadi. Bunga aloqalarni

chuqurlashtirishga qaratilgan har qanday harakat, har qanday vaziyat, voqea, hissiy jihatdan boyitishga yordam beradi.

Giperaktiv bolani tarbiyalashda qarindoshlari ikkita haddan tashqari narsaga yo'l qo'ymasliklari kerak:

- bir tomondan, haddan tashqari achinish va ruxsat berishning namoyon bo'lishi;
- boshqa tomondan, u haddan tashqari aniqlik, shafqatsizlik va sanktsiyalar (jazolar) bilan bir qatorda, u bajara olmaydigan ortiqcha talablarni qo'yish.

Yo'nalishlarning tez-tez o'zgarishi va ota-onalarning kayfiyatining o'zgarishi bunday bolalarga boshqalarga qaraganda ancha chuqurroq salbiy ta'sir qiladi.

Xatti-harakatlarning birgalikdagi buzilishlarini tuzatish mumkin, ammo bolaning ahvolini yaxshilash jarayoni ko'p vaqt talab etadi va darhol boshlanmaydi. Albatta, bolaning yaqin kattalar bilan emotsional jihatdan qizg'in munosabatda bo'lishining muhimligini ta'kidlab, oilaviy muhitni birlashtirishning sharti sifatida ko'rib chiqamiz va ba'zi hollarda hatto giperaktivlikning paydo bo'lishi bolaning xatti-harakati usuli sifatida, kasallik va travma ham giperaktivlikning shakllanishiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkinligini inkor etmaymiz. yoki ularning oqibatlari. So'nggi paytlarda ba'zi olimlar giperaktiv xatti-harakatni bolalarda miya deb ataladigan minimal funktsiyalarning mavjudligi, ya'ni individual miya funktsiyalarining tug'ma notekis rivojlanishi. Boshqalar giperaktivlik fenomeni homiladorlik patologiyasi, tug'ruq paytida tug'ruq, spirtli ichimliklarni iste'mol qilish, ota-onalarning chekishi va boshqalar natijasida kelib chiqqan miya organik shikastlanishining oqibatlari bilan izohlashadi. Ammo, hozirgi vaqtda bolalarda giperaktivlikning namoyon bo'lishi sezilarli darajada keng tarqalgan va har doim ham emas, fiziologlar ta'kidlaganidek, patologiya bilan bog'liq. Ko'pincha, bolalarning asab tizimining ba'zi xususiyatlari, yomon ta'lim va yashash sharoitlari tufayli, bolalarning noqulay sharoitlarga javob berish usuli sifatida giperaktivlikni shakllantirishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.E.G'.G'oziyev."O'quvchilarning o'quv faoliyatini boshqarish" T.1998
- 2.E.G'.G'oziyev."Yosh davrlari psixologiyasi" .T.1997
- 3.Z.Karamatovna " Bolalarda giperaktivlik va muamolar "- T.2011

ЁШЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШИ ВА ХУЛҚ-АТВОРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР. ШАРТЛИ РЕФЛЕКСЛАР

Садикова Муаттар

*Чилонзор тумани «Болаларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш маркази»
методист психологи*

Ёшларнинг дунёқараши ва хулқ-атвори, эҳтиёжлари турли шароитда турлича бўлади, ўсиш ва ривожланиш жараёнида ҳам ўзгариб туради. Эҳтиёжларга мувофиқ равишда одамда феъл-атвор ўзгаради, натижада организм замирида табиий ва ижтимоий муҳит ўртасида динамик мувозанат пайдо бўлади. Ҳаёт давомида ўзгариб турадиган, турли ижтимоий ва табиий муҳитга мослашишни талаб этадиган хулқ-атвордаги ҳаракатлар- ортирилган

ҳаракатлар бўлиб, улар, асосан, шартли рефлексларнинг турли кўринишида намоён бўлади.

Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш механизмлари индивидуал ҳаёт тажрибаси асосида орттирилган ҳаракатларнинг йиғиндиси-шартли рефлекслардир. 3 ёшдаги болаларда озиқ - овқат билан мустаҳкамлаш жараёнлари унумли бўлса, кейинроқ сўз ёрдамида рағбатлантириш унумлироқдир. 5 ёшдан кейин мақташ билан болалар ҳар қандай шартли рефлексни ишлаб чиқариш мумкин.

Шартли рефлекслар жуда ҳам кўп бўлганлиги туфайли уларнинг таснифлари турличадир. Таъсир этувчи сигналнинг табиатига қараб табиий ва сунъий шартли рефлексларга ажратиш мумкин. Табиий рефлексларда сигнал сифатида шартсиз табиий сигналлар - овқатнинг ҳиди, кўриниши иштирок этса, сунъий рефлексларда сигнал ҳохлаган индифферент (бефарқ) таъсирлагич, масалан, идишнинг кўриниши, электр чироғининг ёруғлиги ва кўнғироқ овози бўлиши мумкин. Табиий шартли рефлекслар тез ва осон ҳосил бўлади. Сунъий шартли рефлексни ҳосил қилиш учун маълум бир вақт зарур. Шартли рефлекслар соматик ва вегетатив рефлексларга ҳам бўлинади. Соматик рефлексларда скелет мускуллари ва пайлари ижрочи аъзолар бўлиб, улар тананинг фазодаги ҳаракатини таъминлайди. Вегетатив рефлексларда ижрочи аъзолар сифатида турли ички аъзолар иштирок этади. Шартли рефлекслар унинг фаолият натижасига кўра, мусбат ва манфий (тормозловчи) шартли рефлексларга ҳам ажратилади. Агар шартли рефлекснинг кўриниши ҳаракат билан боғлиқ бўлган бўлса, бундай шартли рефлекслар мусбат деб номланади. Агар рефлексда ҳеч қандай ҳаракат актлари кузатилмаса, бундай рефлекслар манфий ёки тормозловчи рефлекслар деб номланади. Мусбат ва манфий рефлексларнинг ўзаро таъсири боланинг ташқи муҳит билан муносабатларини ўрнатиш учун муҳимдир. Масалан, интизом билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар айти шу ҳилдаги рефлекслар шаклланиши билан боғлиқ. Жисмоний тарбия дарсларида турли гимнастик машқлар бажарилганда болаларда ҳимоя манфий рефлекслар тормозланиб, мусбат ҳаракат рефлекслари фаоллашади. Шартли рефлекслар ишлаб чиқарилганда мустаҳкамловчи омил сифатида олдин ишлаб чиқилган рефлекслар ҳам ҳизмат қилиши мумкин. Болаларнинг сўзлашувида ва тушунчаларни ҳосил қилишида юқори тартибдаги рефлекслар ётади. Вақт рефлекслари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Булар доимо бир ҳил пайтда бўладиган таъсирловчиларга нисбатан кузатилади. Масалан, доимо бир вақтда овқатланиш, уйқуга кетиш, уйғониш ва бошқа содда рефлексларнинг комплекс ва занжирсимон тарзда кечиши вазиятга қараб рўй бериши мумкин. Тарбиявий ишларида тақлид қилит рефлекслари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни ишлаб чиқариш учун маълум бир ҳаракатни кузатиш кифоядир. Болаларда тақлид қилиш рефлекслари ҳулқ-атвор, нутқ ва ижтимоий ҳаракатларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Экстраполяцион рефлекслар турли ҳаётий воқеаларни олдиндан билиш ва сезиш билан боғлиқ, муҳим аҳамиятга эга бўлган рефлекслардир. Улар тажрибали педагог ва тарбиячиларнинг амалиётида кенг қўлланилади. Шартли ва шартсиз рефлексларнинг фарқи шартсиз рефлекслар туғма бўлади. Шартли рефлекслар эса ҳаёт тажрибаси асосида рўй беради. Шартсиз рефлекслар барча

учун тахминан бир ҳилда кечади. Шартли рефлекслар эса ҳар бир организмда ўзига ҳосдир. Шартсиз рефлекслар организм умрининг охиригача сақланади. Шартли рефлекслар эса яшаш шароитига қараб ўзгариб туради. Шартсиз рефлекслар турли биологик таъсирлар (озик -овқатга боғлиқ таъсирлар, оғриқни келтирувчи таъсирлар ва х.к) туфайли вужудга келади. Шартли рефлекслар эса илгари фарқсиз бўлган таъсирловчиларга нисбатан ҳам ҳосил бўлаверади. Шартсиз рефлекслар автоматик тарзда бажарилади. Шартли рефлекслар эса шароитга қараб тормозланиши мумкин ва бундай пайтда улар организмни ҳимоя қилади. Шартли ёки ҳаёт давомида орттирилган рефлексларнинг маркази бош мия ярим шарлар пўстлоғи ва марказий нерв тизимининг турли бўлимларида жойлашади. Шартсиз рефлексларнинг маркази орқа мия ва мия сопида жойлашган.

Шартли рефлексларнинг тормозланиши олий нерв фаолияти асосида нерв тизимидаги кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ётади. Агар кўзғалиш оқибатида мияда кўпдан кўп шартли рефлекслар ҳосил бўлса, айнан шу пайтда улардан қайси бирининг фаоллашуви мақсадга мувофиқлиги тормозланиш туфайли аниқланади. Бундай кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг динамикаси сабабли организм доимий ўзгариб турадиган ташқи шароитга мослашиб боради. Шундай қилиб, одамнинг олий нерв фаолияти бош мияда кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мураккаб нисбати билан таърифланади. Тормозланиш икки ҳил бўлади - ташқи ва ички. Шартсиз тормозланиш. Ташқи тормозланиш ташқаридан келувчи ҳар қандай кутилмаган сигнал ёки жуда кучли, узоқ давом этувчи таъсирларга нисбатан пайдо бўлиши мумкин. Кутилмаган кучли таъсирловчига нисбатан пайдо бўлган тормозланиш индукцион тормозланиш деб номланади. Масалан, беҳосдан ташқарида кучли товуш эшитилса, синфда ўтирган ўқувчилар ҳар қандай фаолиятини тўхтатади. Биз эшитган муҳим нарсани ўйлаб кўриш учун кўзимизни юмамик, бу билан ташқи таъсирларни камайтирмоқчи бўламиз. Овқатланиш пайтида болага у орзу қилиб турган велосипед олиб келинса, ўша пайтда унинг иштаҳаси тўхтайдди. Очлик ҳисси билинмай туради. Ташқи чегарадан ташқари тормозланиш организмга жуда катта юклама берилганда, қаттиқ чарчаганда рўй беради. Масалан, имтиҳонга меъеридан ортиқ тайёрланиши натижасида ўқувчиларда иш қобилияти кескин пасайиб кетиши мумкин. Чегарадан чиқиб кетган тормозланишнинг биологик аҳамияти- ҳимоядир, шу сабабдан у баъзида ҳимояланувчи тормозланиш деб ҳам номланади. Шунинг учун мактабларда дарс жадвалларини тузишда болаларнинг ақлий имкониятларини, албатта, ҳисобга олиш зарур. Ички (шартли) тормозланиш шартли рефлексларнинг физиологик асослари ўзгариши натижасида пайдо булади. Буни ишлаб чиқариш учун маълум вақт зарур. Бу тормозланиш организмнинг ҳаётий фаолияти даврида пайдо бўлади. Шу туфайли шартли рефлексларнинг тормозланиш ватинчалик ҳаёт учун зарур пайтлардагина ишлатилади ёки тўхтатиб турилади. Ички шартли тормозланиш қуйидагиларга: сўнувчи тормозланиш, дифференциялашган тормозланиш, шартли ва кечикувчи тормозланишларга бўлинади. Сўнувчи тормозланиш. Бу пайтда рефлекс таг - туби билан йўқолиб кетмайди, у сўнади ва тегишли шароит яратилганда, рефлeksi қайта тиклаш мумкин. Қизиқзарли дарс

ўтадиган ўқитувчи дарсга тайёргарликсиз кела бошласа, болаларда қизиқиш йўқола боради. «Эсдан чиқиш» феноменининг асосида ҳам, кўпчилик психологлар фикрича, сўнувчи тормозланиш жараёнлари ётади. Дифференциялашган тормозланиш (фарқлаш). Одам учун тормозланишнинг бу ҳили айниқса катта аҳамиятга эга, чунки у ўқитиш ва тарбиялаш асосида ётади. Болада турли товушларни, сўзларни англаш, қариндошларни ажратиш ва умуман турли сигналларни фарқлаш билан боғлиқ бўлган фаолият дифференциялашган тормозланиш билан боғлиқдир. Фарқлаш билан боғлиқ бўлган тормозланишнинг ҳиллари бола ва ўсмирларнинг ўқиш имкониятларини белгилайди. Масалан, дарслар қизиқарсиз бўлиб, ҳеч қандай кўргазмали қуролларсиз, бир ҳил қолипда ўтилса, хатто ўқишга қизиқадиган болаларда ҳам бундай дарсларга нисбатан қизиқиш сўнади. Болаларни қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда дарс жараёнларини қизиқарли методикалар, кўргазмали қуроллар орқали ўтилса мақсадга мувофиқ бўлиб, болалардаги сўнувчи тормозланишни олдини олинган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Болалар ва ўсмирлар физиологияси ва гигиенаси. Б.А.Содиқова 2005
2. Ёш ва педагогика психология. Кўқон 2003
3. Онтогенез психологияси Э. Ғозиев 2010
4. [www.ziyouz.com.kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi)

TA'LIMDA PSIXOLOGIK XIZMATNING ASOSIY VAZIFALARI: YOSHLARNING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK MUAMMOLARI, SABAB VA YECHIMLARI

Mohinur Soyibjonovna Jo'raboyeva
O'zbekiston Milliy Universiteti, Xorijiy filologiya fakulteti, 2-bosqich talabasi

Аннотатсия. Ushbu maqolada ta'lim tizimida psixologik xizmatning asosiy maqsad-vazifalari, yo'nalishlari, hamda psixologik xizmatni tashkil etishning o'ziga xos tamoyillari haqida so'z boradi. Shuningdek bugungi kundagi yoshlarning xulq-atvorida uchraydigan ijtimoiy - psixologik muammolar: 1) yoshlarda xulq og'ishi va tarbiyaning buzilishi; 2) voyaga yetmaganlar o'rtasida salbiy nuqsonlarning shakllanishiga bir qancha sabablar va ularning yechimlarini topishga doir maslahatlar ham maqoladan o'rin olgan.

Калит со'злар: psixologiya, psixologik ma'rifat, profilaktika, korreksiya, ta'lim-tarbiya, salbiy og'ish, reabilizatsiya.

Bilamizki, inson psixologiyasini tushunish, uni teran tahlil qilish va rivojlantirishga e'tibor berish, hamisha har bir davlatning, ham ijtimoiy ham iqtisodiy hayotida ustuvor vazifa bo'lib kelgan. Shu o'rinda aytib o'tishimiz lozimki, psixologiya fani va uning ilg'or vakillari tomonidan, XX asr boshlarida asoslab berilgan psixologik xizmat ko'rsatish tizimining muqarraligi, butun insoniyat uchun jahonshumul voqea bo'ldi. Shuningdek, ta'limda psixologik xizmatning rivojlanib borishi har bir mamlakatda turli yillarda sodir bo'lgan. Misol tariqasida, AQShda 1800-yillardan,

Fransiyada esa undan 1 asr keyin, Chexoslovakiyada 1980-yilda, Estoniyada 1975-yilda, Rossiyada 1982-yilda, O'zbekistonda esa o'tgan asrning 70-80- yillaridan ta'limda psixologik xizmat faoliyati rivojlana boshlagan. (3, b.4-5)

Quyida psixologik xizmatning qaysi davlatda, qachon, qay tarzda sodir bo'lganligi ko'rsatilgan:

T/r	Davlatlar	Yillar	Voqealar
1.	AQSH	1800	AQShning birinchi amaliyotchi psixologlari o'z-o'zini tarbiyalash muammosini o'rgangan dastlabki ekspertlar bo'lib yetishdilar.
2.	Fransiya	1905	Aqliy taraqqiyotda orqada qolgan bolalarni ajratib beradigan Bine-Simon test dasturi yaratildi
3.	Estoniya	1975	Maktabda psixologik xizmat tashkil etildi
4.	Chexoslovakiya	1980	Tarbiya masalalari bo'yicha modda maktab to'g'risidagi qonunga kiritildi
5	Rossiya	1982	Maktablarda psixologik shtatlar ochildi
6.	O'zbekiston	1989	O'zbekistonda amaliyotchi psixologlarning yetishmasligi sababli Nizomiy nomli TDPIda amaliyotchi psixologlar tayyorlash fakulteti ochildi.

Har bir sohaning o'z ustasi bo'lganidek inson qalbining ham mahoratli ustasi bor, shubhasiz, biz ularni psixologlar deymiz! Pedagoglarning yordamchisi, bolalar qalbi va ruhiyatiga yo'l topa oladigan kishilar - psixologlarga bo'lgan ehtiyoj hozirgi kunda ta'lim-tarbiya sohasida ortib bormoqda. Shuning uchun ham, ta'lim tizimida amaliyotchi psixologlarning faoliyat ko'rsatishlari ta'lim mazmuni va uning sifatini oshirishda katta ahamiyat kasb etmoqda.

Ta'lim sohasida psixologik xizmatning asosiy maqsadi-o'quvchi yoshlarning ma'naviy va aqliy rivojlanishi, barkamol shaxs sifatida shakllanishi, ular uchun har tomonlama mukammal psixologik taraqqiyotni ta'minlovchi oqilona zarur shart-sharoitlarni yaratishdan iboratdir. Ta'lim tizimida psixologik xizmat uchun maktabgacha ta'limdagi bolalar, umumiy o'rta ta'lim o'quvchilari, maxsus o'quv yurti va oliy o'quv maskani talabalari hamda o'qituvchilarini tadqiqot va ta'sir o'tkazishning obyekt sifatida ko'rishimiz mumkin (1, b 152).

Odatda, har bir maqsadning vazifa va yo'nalishlari bo'ladi. Psixologik xizmat faoliyatining ham bir-biri bilan uzviy bog'liq bo'lgan 6 muhim yo'nalish va vazifalari mavjud. Bular:

1. Psixologik ma'rifat va tashviqot yo'nalishi – (vazifasi) pedagoglar, ot-onalar hamda, jamiyatning barcha tashkilotlari o'rtasida hamkorlikni yuzaga keltirish;

2. Psixologik-pedagogik tashxis yo'nalishi - iste'dodli o'quvchilarni aniqlash, ularning individual-psixologik xususiyatlarini va qiziqishlarini o'rganish, ularning qobiliyatlarini namoyon qilish va yanada rivojlantirishlari uchun zarur shart-sharoitlar yaratish;

3. Psixologik profilaktika yo'nalishi - o'quvchilarning tengdoshlari va kattalar bilan o'zaro munosabatlarida psixologik shikast yetkazuvchi omillarni bartaraf etishda yordam ko'rsatish, hamda, ular o'rtasidagi huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish bo'yicha profilaktika ishlari olib borish; (2)

4. Psixologik korreksiya yo'nalishi - pedagogik jamoalarda sog'lom psixologik muhitni yaratish va qo'llab quvvatlash, shaxslararo munosabatlar va ziddiyatlarni korreksiyalash, psixologik madaniyatni yuksaltirish;

5. Psixologik maslahat yo'nalishi - turlicha yoshdagi o'quvchilarning shaxsiy, aqliy va ijtimoiy rivojlanishini psixologik jihatdan kuzatib borish, ta'lim-tarbiyadagi psixologik nuqsonlarni aniqlash, ularning rivojlanishida sodir bo'lishi ehtimoli bo'lgan har qanday salbiy og'ishlarning oldini olish va ularga maslahatlar berish;

6. Kasb-hunarga yo'naltirish yo'nalishi - ta'lim muassasalarida o'quvchilarning qobiliyati, layoqati, qiziqishlari hamda kasb-hunarga moyilliklari asosida ularning kasb-hunarni to'g'ri tanlashlariga ko'maklashish.

Ta'lim va tarbiya xuddiki, ota-ona kabi bir birlariga chambarchas bog'liq bo'lgan muayyan 2 tushunchadir. Ta'lim insonlarga bilim, ko'nikma bersa, tarbiyaning umumiy vazifasi - yosh avlodda bilim, ko'nikma ahloq normalarini to'g'ri shakllantirishdan iborat. O'quvchilar xulq-atvoridagi salbiy og'ishlar, nuqsonlar borasida turli olimlar turlicha tipologiyalarni yaratishgan. Masalan, V.Klayn bunday holatlarni 6 ta alohida guruhlariga bo'lgan: "esipast", "ota-onaning dushmani", "axloqsiz bola", "organik", "psixotiklar", va "nasliy buzuvchilik" (4, b 11-12). Bundan ko'rinib turibdiki, har bir holatdagi salbiy og'ishga moyillikning sabablari turlicha. Bunga misol tariqasida, bir nechta omillarni ko'rsatishimiz mumkin:

- o'z (men) iga past nazar bilan qarash, boshqalarga tobelik;
- erkinlik hamda ijtimoiy tartib qoidalardan qochish;
- bolalarga ota-onalar tomonidan diqqat-e'tiborning yetishmasligi;
- oila davrasida doimiy urush-janjallar, bir-birini tushunmaslik, ota-ona va farzandlarning farqlanuvchi shaxsiy qiziqishlari;
- bolalarning qobiliyatlari ota-onalari tomonidan salbiy baholanishi;
- ichki ruhiy yolg'izlik, o'zgalarning tushunmasligi, baxtsizlikdan qiynalish;
- do'stlar bilan ziddiyatli munosabatlar va shaxsiy muvaffaqiyatsizlik;
- agressivlik, jahldorlik, tezda asabiylashish va ruhiy zo'riqish;
- tug'ma nuqsonlar;
- o'z-o'zini boshqarolmaslik.

Yuqorida ko'rib turganimizdek, ularning barchasi inson psixologiyasida salbiy og'ishning paydo bo'lishiga sababchi omillar hisoblanadi. Xo'sh, biz qanday qilib ulardan xalos bo'lishimiz mumkin? Nima bizning salbiy nuqsonlarimizni bartaraf etishimizga yordam bera oladi?... Albatta, inson qalbining "shifokori" hisoblangan psixologlar biz uchun doim ko'makka tayyor! Ko'pchilik mutaxassislar, bunday vaziyatda inson, ayniqsa, o'spirinlar o'zlarini qo'lga olishlari va psixologga murojaat qilib yordam so'rashlari yoki kim bilandir hissiy kechinmalarini bo'lishishi lozim, shunda salbiy ta'sirlardan biroz bo'lsada yiroq bo'ladilar deb fikr bildirishgan.

Xulq og'ishining oldini olishda psixologik yordam ikkita yetakchi yo'nalishni taqoza qiladi. Bu psixologik prevensiya (ogohlantirish, psixoprofilaktika) va psixologik intervensiya (bartaraf etish, korreksiya, reabilizatsiya) (5, b 44). Bilamizki, BSST (Butunjahon Sog'liqni Saqlash Tashkiloti) og'ishgan xulqning 3 xil turdagi shakllarini taklif qilgan. Birinchi usulda, nohush omillarni oldini olish va bu omillarga nisbatan chidamlilikni oshirish lozim. Ikkinchisida esa, asabiy-psixik buzilishlarni oldinroq aniqlash va ularni reabilizatsiya qilish hamda, salbiy og'ishga moyilligi bor yoshlar

билан ишлаш керак. Uchinchi usulda, asabiy-psixik buzilishlarni davolash darkor. Bunday usullar voyaga yetmagan yoshlar o'rtasida tarqalgan salbiy nuqsonlar yoki og'ishlarni oldini olish, ularga to'g'ri maslahat berish orqali davolash ishlariga yordam beradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, yurt kelajagi - yoshlar qo'lida, yoshlarning barkamol, teran fikrli, sog'lom aql-idrokli bo'lib ulg'ayishi esa ta'lim sohasidagi psixologik xizmatga bog'liq. Chunonchi, har qanday vaziyatda, o'quvchiga to'g'ri yo'l ko'rsatish, o'zligini anglab yetishishiga ko'maklashish, uning muammolarini teran tushunish va yechim topib berish biz o'ylaganimizdek oson emas, anchagina kuch, matonat, sabr-toqat talab qiladi bu, ayniqsa, uni ta'lim sohasi bilan bog'laganimizda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Dotsent F.A.Akramov, N.X.Lutfullayeva, X.R.Xaydarova «Pedagogik psixologiya» fani (maruzalar matni). - T.: TDIU, 2005 - 152 bet.

2. <https://lex.uz/docs/-4417140>

3. Z.T.Nishanova, SH.T.Alimbayeva, M.V.Sulaymonov Psixologik xizmat (darslik) Toshkent:. - 4, 5 betlar

4.G'. Shoumarov, B. Umarov, F. Akramova Yoshlarda xulq og'ishi va tarbiya buzilishining oldini olish bo'yicha psixologik maslahatlar. - T.: 2015 - 11,12 betlar.

5.G'. Shoumarov, B. Umarov, F. Akramova Yoshlarda xulq og'ishi va tarbiya buzilishining oldini olish bo'yicha psixologik maslahatlar. - T.: 2015 - 44 bet.

ЎҚУВЧИ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Mirdjalilova Bargida Baxadirovna

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti pedagogika va psixologiya
yo'nalishi 1 kurs magistranti*

Мақолада ўқувчилар қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш бўйича психологик қонуниятларга асосланиб, ўқувчиларда лаёқат, маҳорат, педагогик, коммуникатив, дидактик, авторитар, перцептив, танқидий фикрлаш ва умумий қобилиятлар атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Қобилиятлар, ақлий истедод, тестлар билан ишлаш, кўникма ва малака.

Давлат тараққиёти ва жамият равнақи кўп жиҳатдан халқнинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Чунки, илмий потенциали юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлади.

Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлагинидек, Ватанимиз келажаги ислохотларнинг тақдири ва уларнинг натижалари, халқимизнинг билим даражаси давр талабига ва тарраққиётига қанчалик мослигига, қандай мутахассислар етказиб бериб, ўрнимизни эгаллашларига боғлиқдир.[1.2]. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев барча соҳаларни жумладан

таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаётгани таълим тизими соҳасида туб бурилаш ясамоқда десак муболаға бўлмайди. Шунга кўра, юқори малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасидага кўтарилмоқда.

Психология фанида қобилият тушунчасини таҳлил қилишда шахс шаклланишига таъсир этувчи уч омил ҳисобга олинади. Яъни шахсга ота-она томонидан ўтган ирсий белгилар, шахс шаклланган ижтимоий муҳит ва шахсга бериладиган таълим-тарбия натижаси. Демак қобилият тушунчасини таҳлил қилишда юқоридаги уч омил таҳлили асосий ўринда туради. Психологик луғатларда қобилият шахснинг муайян фаолият турини муваффақиятли бажаришга бўлган лаёқат даражасини ифодалайдиган, турмуш жараёнида ҳосил қилинган индивидуал хусусиятлари йиғиндиси [2.95] деб таъриф берилади.

Билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади, лекин шу хусусиятларнинг ўзлари мазкур билим, кўникма, малакаларга тааллуқли бўлмайди. Қобилиятлар билим, кўникма, малакаларни эгаллашда намоён бўлса ҳам, билимлар ва кўникмаларни эгаллаш билан боғлиқ қолмайди. Қобилиятлар ва билимлар, қобилиятлар ва малакалар, қобилиятлар ва кўникмалар айнан бир-бирига ўхшаш нарса эмас.

Қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади, яъни, бошқача қилиб айтганда, мазкур фаолият учун муҳим бўлган билимлар ва кўникмаларни эгаллаш жараёни турли тенг шароитларда канчалик тез, чуқур, осон ва мустаҳкам амалга оширилишида намоён бўлади. Ҳудди ана шу ўринда юзага чиқадиган фарқлар бизга қобилиятлар ҳақида гапириш ҳуқуқини беради.

Ақлий истеъдод даражаси баланд болалар изланувчан, ҳар нарсага қизиқувчи ва уйғоқ қалбли бўладилар. Қобилиятлилик шахснинг ақл-фаросат, характер, хотира ва руҳий кечинмалари билан бевосита боғлиқдир. Психологияда қобилиятларни миқдор жиҳатдан ўлчаш муаммоси узоқ тарихга эгадир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қатор психологлар (Кеттел, Термен, Спирмен ва бошқалар) оммовий ихтисослар учун касб танлашни амалга ошириш зарурияти билан боғлиқ бўлган талаблар таъсири остида таълим олаётганларнинг қобилиятини аниқлашни тақлиф қилиб чиқдилар. Уша пайтларда қобилиятларни ўлчаш усули сифатида ақлий истеъдод тестларидан фойдаланилди.

Ақлий истеъдод тестлари мазмун жиҳатдан қатор саволлар ва масалалардан ташкил топгандир. Уларни ечиш муваффақияти (сарфланган вақтни ҳисобга олиб) балл ёки очколар йиғиндиси билан ҳисобланади. Масалан, ўн бир ёшлик болаларнинг ақлий қобилиятларини аниқлаш учун инглиз мактабларида қуйидагича тест қўлланган: “Петр Жеймсга қараганда баландроқ, Эдвард Петрдан пастроқ. Ҳаммадан кўра ким баланд? Савол тагига қуйидаги жавоблар ёзиб қўйилади: 1. Эдвард, 2. Жеймс, 3. Петр,” Айта олмайман ёки бошқача тест: қизил, яшил, кўк, хўл, сарик. Бу ерда бола туркумга кирмайдиган сўзни аниқлаши керак ва хокозо. [3.102]. Болалар тестлар тўпламини бажариб бўлгандан кейин уларнинг натижаларини стандартлаштирилган йўл билан, яъни ҳар бир синалувчи олган очколар миқдорини ҳисоблаш билан шуғулланишади. Қобилият бу кишининг бирор бир фаолиятга лаёқатлилиги, яроқлилиги ва бу фаолиятни муваффақиятли суратда амалга ошириш

маҳоратидир. Киши ўзида муайян фаолиятга қобилият бор ёки йўқлигини сезиш ёки сезмаслигини билдирадиган омил таълим методикаси ҳисобланади. Таълим методикаси қаерда ожиз бўлса, ўша ерда қобилиятларнинг туғма эканлиги ҳақидаги гаплар пайдо бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, методика доим такомиллашиб боради, бу эса «туғма қобилиятлар» доирасини торайиб боришига олиб келади. Қобилиятлар ва истеъдодларни шакллантириш муаммоси катта ижтимоий ва давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Дастлабки қобилиятлар ижтимоий муҳит таъсирида оилада, мактабгача таълим муассасаси ва мактаб таълимида босқичма-босқич ривожланиб боради. Психологлар ўқувчи қобилиятларини диагностика қилишда ўқувчининг асосий етакчи фаолият хусусиятларини инобатга олиши керак чунки, қобилият фаолиятда намоён бўлади.

Психологиянинг методологик асосининг кўрсатишича, қобилиятлар – имкониятлар тизимидан ташкил топган бўлиб, у ёки бу фаолиятдаги зарурий маҳорат даражасидир. Шундан келиб чиққан ҳолда ўқувчида мактаб таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда қобилиятнинг қуйидаги турларга бўлиб ўрганилади:

1. Мусиқага оид;
2. Математикага доир;
3. Бадиий ёки адабиётшуносликка доир
4. Тасвирий санъатга доир;
5. Спортга оид;
6. Актёрлик санъатига оид;
7. Ташкилотчилик;
8. Педагогик;
9. Илмий ва интеллектуал қобилиятлар намоён бўлади.

Мусиқавий қобилиятлар - Б.М.Теплов томонидан ўрганилиб, «Психология музыкальных способностей» китобида болада намоён бўлган мусиқий қобилият унинг мусиқачи бўлиши учун бирон бир даражада гаров бўла олмайди. Боланинг мусиқачи бўлиши учун унга махсус таълим берилиши, педагог ва бола намоёиш қилган қатъийлик, саломатликнинг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўплаб шарт-шароитлар бўлиши зарур. Буларсиз қобилиятлар ривожланмай турибоқ сўниб кетиши мумкин. [4.103].

Математик қобилиятлар - Крутецкий томонидан ўрганилган. У “Математик қобилиятлар психологияси” монографиясида математик қобилиятлар ва уларнинг тизимини кенг ёритиб берган. Идрок, тафаккур, хотира, хаёлнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаб, уларни математик фаолиятда намоён бўлишини тадқиқ қилган. Математик қобилиятга математик

материалларни умумлаштириш, мулоҳаза юритиш жараёнини қисқартириш, математик ишламалларни камайтириш, масалани идрок қилиш билан натижаси ўртасида алоқа ўрнатиш, тўғри ва тескари фикр юритишдан энгилга ўтишлик, масала ечишда фикр юритишнинг эпчиллиги каби чуқур мулоҳазалар билдирган.[5.106].

Адабий қобилият эса нафосат ҳисларининг юксак тараққиёт даражаси, хотирада ёрқин кўرғазмали образларнинг жонлилиги, “тил зеҳни”, беҳисоб

ҳаёлот, руҳиятга қизиқувчанлик, ўзи ифодалашга интилувчанлик ва бошқаларни ўзида ифодалайди. Ажратиб кўрсатилган қобилиятлар таркибидан кўриниб турибдики, математик ва адабий қобилиятлар ўзаро бир-бирига ўхшамаган талаблари билан тафовутга эгадир.

Тасвирий санъатга хос қобилиятларни - В.И.Криенко ўрганган бўлиб, у “Тасвирий фаолият қобилиятлари психологияси” китобида тасвирий қобилиятларни психологик таҳлили ҳақида маълумотлар берган.

Табий қобилиятлар - бу идрок, хотира, тафаккур ва бошқа оддий психик жараёнида намоён бўлиш қобилиятидир. Инсонда ижтимоий муҳитга мослаша олиш қобилияти мавжуддир. Бу умумий ва махсус ақлий қобилиятлар, нутқ ва мантиқдан фойдаланганда шахслараро, предметлараро муносабатларда намоён бўлади. Умумий қобилиятлар - инсонни турли фаолият йўналишларида муваффақиятини таъминлайди.

Махсус қобилиятлар - инсонни бирор бир махсус фаолият йўналишидаги муваффақиятини таъминлайди ва унинг намоён бўлиши учун махсус лаёқат бўлиши лозим. Бундай қобилиятларга мусиқавий, математик, техник, педагогик ва бошқалар киради.[6.107].

Ташкилотчилик қобилиятларини эса узок вақт Л.И.Уманский ўрганган. Қобилият муайян табий борлиққа боғлиқ бўлсада, лекин улар фақат табиатнинг инъоми эмас, балки инсоният тарихий тараққиётининг бебаҳо (қимматли) маҳсулидир. Шунинг учун ҳам қобилиятларнинг намоён бўлиши шахслар томонидан ижтимоий эҳтиёжларни қондириш давомида ижтимоий шартланган билимлар ва кўникмаларни таркиб топтиришнинг яққол усулларига бевосита боғлиқдир. Шахс қобилиятларини ривожлантиришда барқарор, турғун, касбий махсус қизиқишлар муҳим омиллар, воситалар тариқасида хизмат қилади.[7.108].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки Ўзбекистонда бугунги кунда ўсмир ёшларнинг қарийб 70 % интернетдан кенг фойдаланиб келади, лекин уларнинг қанчаси бу тармоқдан тўғри мақсадда фойдаланиши бизнинг энг оғриқ нуқтамиз бўлиб қоляпти. Чунки дунёдаги барча бузғунчилик ҳаракатларининг келиб чиқиш сабаблари вертуал олам орқали ёшларимизга бузғунчи ёд ғояларни уларнинг онгига таъсир этиш орқали амалга оширилмоқда. Бизнинг мақсадимиз уларда юқоридаги келтириб ўтилган қобилиятлар билан бир қаторда танқидий фикрлаш қобилиятларини ҳам шакллантириб боришимиз керак. Ойнали хар икки тарафи бўлгани каби ижтимоий тармоқларда маълумотларнинг барчаси ҳам инсон учун манфаатли бўлавермайди. Ёшларимиз бу тизимдан фойдаланар экан хар бир материалларни салбий ва ижобий томонларини чуқур тафаккур қила олиши, нима учун кераклиги, қандай мақсадни кўзлаб веб сайтларга жойлаштирилганини онгли тарзда фаҳмлашлари керак.

Президентимиз таъбири билан айтганда ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун ёшларимизга таълим-тарбия жараёнида, оилада, ОАВларда ва ахборот ҳавфсизлигига оид тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ижтимоий тармоқларнидан фойдаланишни чекламасдан улардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш маданиятини шакллантириб боришимиз керак.

Билдирилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қолган барча қобилиятлар тузилиши ҳам махсус хусусиятларга эга бўлиб, ўзига хос касбий аҳамият касб этиши билан кўп жихатдан характерлананишини мактаб амалиётчи психологларимиз эътиборга олишлари керак бўлади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг асосий тамойиллари. Т.: 1995.
2. М.Т.Давлетшин. Уқувчиларда қобилиятнинг таркиб топиши. "Ўқитувчи".Т., 1965.
3. Психология: Дарслик. - Тошкент, 2009.
4. Психология: Дарслик. - Тошкент, 2009.
5. Психология: Дарслик. - Тошкент, 2009.
6. Психология: Дарслик. - Тошкент, 2009.
7. Умумий психология. А.В. Петровский таҳририда. Т. 1992й. __

ЎСМИРЛИК ДАВРИДА СТРЕСС ҲОЛАТИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПСИХОПРОФИЛАКТИКАСИ

Яхшимбекова Сайёра Камаловна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

Аннотация: Психология фанининг марказий категорияси ҳисобланмиш шахс ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муайян функцияларни бажариш орқали жамиятнинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мазкур мақолада ўсмирлик даврида стресс ҳолати ва уни бартараф этишнинг психопрофилактикасига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Психология, категория, ижтимоий ҳаёт, стресс, психопрофилактика, ҳулқ-атвор, ижтимоий таълим.

Психик ҳолатларни изчил ўрганиш эраמידан 2-3 минг йил аввал Ҳиндистонда бошланган эди. Қадимги юнон файласуфлари ҳам психик ҳолатлар муаммоси билан шуғулланиб кўрганлар. "Ҳолат" тушунчаси фалсафий тушунча сифатида Кант ва Гегел ишларида ҳам келтирилган.

Психик ҳолатларни изчил ўрганиш У. Джемсдан бошланади. У психологияни онг ҳолатларини тавсифловчи ва ўрганувчи фан бўлиши керак деган ғояни илгари сурган. Онг ҳолати сифатида у сезги, хоҳиш, эмоция, билиш жараёнлари, фикрлар, қарорлар ва ниятларни тушунади. Психик ҳолат тушунчасининг кейинги ривожланиши рус психологиясининг тараққиёти билан боғлиқ.

Психолог олимлар А.О.Прохоров, Б. Г. Ананьев, Ф. Е. Василюкларнинг фикрича, инсоннинг турли ҳатти-ҳаракати ва фаолияти бир неча психик ҳолатлар фонида намоён бўлади, фаолиятнинг муваффақиятига ижобий ёки салбий таъсир этади.

А.О.Прохоров ҳар қандай психик ҳолатнинг пайдо бўлишида иккита бўғин борлигини таъкидлайди.

Биринчидан, индивиднинг ҳаёт фаолиятида намоён бўлувчи ташқи муҳит шароити ва индивид психик хусусиятлари мувозанати даражасини ифодаловчи вазият; 12 муҳитнинг ўзгариши, вазиятнинг ўзгариши, психик ҳолатлардаги ўзгаришларга олиб келади. Масалан, фикрлаш фаолиятидаги муаммоли вазият психик зўриқишни кучайтириши ва билиш фаолиятидаги фрустрацияга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, индивиднинг шахсга хос хусусиятларини ифодаловчи субъектив ички шароитлар (тажриба, кўникма, малака, билим) йиғиндиси сифатида ташқи муҳит таъсирларини воситали тарзда идрок қилади.

Ҳар қандай “ички шароит”нинг ўзгариши ўз ортидан психик ҳолатлардаги ўзгаришларни олиб келади. И. П. Павлов фикрича, “Бу ҳолат биз учун бирламчи ҳақиқат бўлиб, инсоният тараққиётини таъминловчи кундалик ҳаётда бизни йўналтириб турувчидир” [3, 136-б].

Психологик билимларни инсон томонидан ўрганилиши шунинг учун ҳам муҳимки одамларнинг билимдонлиги нафақат ташқи оламда рўй бераётган объектив ҳодисалар моҳиятига алоқадор билимлар мажмуига эга бўлиш билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда фаолиятини оқилона ташкил этишнинг барча сирларидан бохабар бўлиш, ўзига ва ўзгаларга таъсир кўрсатишнинг усул ва воситаларини билиш ва улардан ўз ўрнида унумли фойдаланишни назарда тутати. Кундалик ҳаётнинг тобора шиддатли тус олаётгани инсонга бўлаётган ахборот хуружининг кўплиги, ижтимоий муаммоларнинг ҳаддан зиёд зидлашуви натижасида асабларнинг таранглашиши жуда кўп инсонларни стресс ҳолатига дучор этмоқда.

Баркамол авлод камолоти ғоясини турмушга татбиқ этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий маънавият, миллий таълим ва тарбия муаммоларини ҳал қилишга жиддий эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ш.М. Миромонович 2020 йил якунлари муносабати билан Олий Мажлисга Мурожаатномасида: Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак [2] – деб таъкидлаб ўтдилар.

Сир эмаски, инсоннинг хулқ - атвори ўзгарувчан ва ранг-баранг бўлиб, унинг индивидуал хусусиятлари, ўзига хос “услуглари”нинг мавжудлиги ҳеч қачон ва ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бироқ бу хулқ-атворнинг хилма-хиллиги унинг чексиз дегани эмас, зеро, инсонларнинг ўзаро мулоқоти, ўзаро муносабати, уларни турли ижтимоий гуруҳларга бирикуви, яшаши учун илиқ психологик муҳитнинг сақланиши заруратдир. Ўсмирлик ёшининг классик тадқиқотида назар солсак, унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигининг гувоҳи бўламиз.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб,

улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак” [1, 47-б].

Ўсмирлик даврининг йирик тадқиқотчиларидан бири, 1924 йилда туғилган немис файласуфи ва психологи Э. Шпрангер ўсмирлик ёши қизларда 14-18 ва ўғил болаларда 13-19 ёшларгача давом этиб, унинг биринчи босқичи 14-17 ёшларга тўғри келиб, бу ёшда болалиқдан қутулиш содир бўлишини изоҳлади. У ўзининг ўсмирлик ёшининг маданий-психологик концепциясида ривожланишининг уч типи мавжудлигини ажратади.

Биринчи тип - кескин, кризисли, шиддатли кечади ва ўсмир ўзининг иккинчи туғилишини ҳис этади, оқибатда янги “Мен” вужудга келади.

Иккинчи тип - ўсмирнинг катталиқ ҳаётида босиқлик, сокинлик, узлуксизлик сезилиб, унинг шахсиятида чуқур ва жиддий ўзгаришлар рўй бермайди.

Учинчи тип - бу ривожланиш жараёнининг шундай босқичи, ўсмир ўз ички кечинмалари ва кризисларини матонат билан енгиб, ўзини фаол англаган ҳолда, шакллантиради ҳамда тарбиялайди.

Ўсмирлик даврида психологик муаммоларни бартараф этиш ҳамда тарбиялаш масалалари ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммосига айланган.

Оила, мактаб, жамиятнинг ўсиб келаётган авлодга бўлган ахлоқий-маънавий, сиёсий-ижтимоий, ғоявий талаблари кун сайин ортиб бормоқда.

Бугунги кунда келажак авлодга таъсир қилаётган ҳамда унинг кечинмаларини ўзгартирадиган ички ва ташқи омилларни кўз олдимишга келтириш жуда қийин.

Ўсмирлик даврини ўрганувчи кўпчилик олимлар агрессия, эмоционал кўзғалишни, жаҳл чиққан ҳолатларда балоғатга етмаган болаларда психологик муаммолар қандай намоён бўлишига кўпроқ эътибор қаратадилар. Чунки, бу ёшда уларда ҳаёт тажрибалари етарли бўлмайди, лекин бошқалар томонидан тан олинишга ва мустақил бўлишга интиладилар.

Ўсмирлик даври инсонни болалиқдан - ёшликка ўтувчи ва ўз навбатида бошқа даврлардан ўзининг нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан фарқланиб турувчи инсон онтогенетик ривожланишининг энг характерли даврларидан биридир. Бу давр психологик педагогик адабиётларда “ўтиш даври”, “оғир давр”, “инқироз даври”, каби иборалар билан аталади[4, 72-б].

Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, аклий, ахлоқий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмнинг физиологик ҳамда ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади.

Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кузатилади. Бу даврга келиб бола энди “бола” эмас ва шу билан бирга ҳали “катта” ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб боради. Унинг қизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини баҳолаши, кадриятлари тизими ўзгаради.

Шу билан бир қаторда инсон хулқ-атворининг шаклланишига ирсий омилнинг таъсири борлигини фақат назарий жиҳатдан тахмин қилиш мумкин, аммо эмпирик тадқиқотлар муҳит таъсирининг ўрни ҳам каттагина қийматга эга эканлигини таъкидламоқда.

Жумладан, нотўлиқ оиланинг ўсмир тарбиясидаги роли, яъни оила таркибининг тарбияси “қийин” лар шаклланишига таъсири муҳим сабаблардан бири сифатида юқори кўрсаткичга эга эмас. Аксинча, Жунгер Таснинг фикрича, оилавий назоратнинг тақчиллиги делинквент хулқ-атвор шаклланишининг асосий кўрсаткичи сифатида талқин қилинади.

Ўсмирлик даврида назорат икки хил: бевосита ва билвосита усулда олиб борилади. Назоратнинг бевосита усули “йўналтириш”, “тартибга солиш”, “тасодифий шароит”, “жазолаш” дан иборат. Бавосита назорат усули “идентификация” ва “ижобий мулоқот”дан иборат. Шундай қилиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари орасида муайян боғлиқлик мавжуд. Булар ўз ифодасини “иссиқ” ва “совуқ” оналар ҳамда “жисмоний” ва “психологик усулларни” самарали қўллаб билувчилар тимсолида топади[5, 59-6].

Оқибатда, бизга ижтимоийлашган оиланинг “қўллаб қувватловчи” ва “назорат қилувчи” каби асосий параметрлари билан ишлашга тўғри келади.

Психик ҳолатларни таснифлашда ҳар хил ёндошувлар мавжуд. Уларга кўра аклий, эмоционал, иродавий фаоллик ва пассивлик, стресс, кўтарилиш, ўзини йўқотиб қўйиш, тўйиниш, кутиш, ёлғизлик ва бошқаларни ажратиш мумкин. Умумлашганлик даражасига кўра ҳолатлар умумий, турга хос ва индивидуал бўлиши мумкин. Масалан, ҳолатларларнинг тавсифича уларнинг субъект томонининг анланганлик даражасига боғлиқ.

Психологик зўриқишлар организмнинг турли функционал тизимларидаги ўзгаришларда намоён бўлса, унинг жадаллиги ёки кучи кайфиятнинг бузилишидан тортиб, ошқозон яраси ёки юрак инфарктигача олиб келиши мумкин.

Ҳиссий зўриқишларнинг намоён бўлишини турлича таснифлаш мумкин. Бироқ психология учун уларни куйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. Хулқ-атворга хос реакциялар.
2. Аклий фаолиятдаги реакциялар.
3. Ҳиссий соҳадаги реакциялар.
4. Физиологик жараёнлардаги ўзгаришлар.

Худди шундай тасниф дастлаб Д. Нутт томонидан ҳиссий зўриқиш ёки стрессга олиб келиши мумкин бўлган безовталиклар, хавотирланишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида амалга оширилган эди. Д. Нутт безовталик ҳолатини вужудга келтирадиган куйидаги тўртта таркибий қисмларни ажратиб кўрсатган:

- кайфияти (ёки ҳаяжон);
- когнитив соҳа (нохуш хотиралар, бирор нарсани олдиндан ўйлаб, нотўғри башорат қилиш);
- физиологик белгилар (тахикардия-пулснинг тезланиши, тер ажралишининг тезлашиши, ҳаракатларнинг бузилиши);
- хулқ-атвордаги бузилишлар [6, 134-6].

Энди таркиб хусусида фикр юритадиган бўлсак, масалан, ижтимоий институт вазифасини ўтовчи оила, мактаб ва маҳалла таркибидаги ҳар қандай ўзгаришлар, шунингдек, ота-онанинг, ўсмирнинг оиладаги ва жамият мавқеидаги ўзгаришлари ижтимоий имконият ва дискриминация ҳолатини илк ҳис қилишлари билан боғлиқ тарзда маълум бир “оғиш” лар сабабчиси бўлиши мумкин. Шу ўринда, биз тарбияси “қийин” ўсмирларнинг ижтимоий институтлар орқали амалга ошадиган индивидуал йўлини тавсия этамиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон ўзида ҳаётга муҳаббатни, ўз-ўзига ишончини, ўз индивидуаллигини рўёбга чиқаришни, ўз-ўзига баҳонинг реаллигини, шахслараро муносабатларда мурсою-мадорани ва энг муҳими инсонлар психологиясини билиши лозим. У ўзи ва ўзгалар психологиясини қанчалик чуқур билса унинг учун стресс ҳолатини енгиш шунчалик осон бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т., “Ўзбекистон”, 2008. 47-б.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020. www.sbtsue.uz
3. Юнг К. Аналитическая психология: - СПб: Кентавр. 1994.-136 с.
4. Тигранян Р.А. Стресс и его значение для организма. -М., 1998. 72-б.
5. Шербаков Ю.В. Психология стресса и методы его коррекции. -П., 2006. 59-б
6. Нишонова З.Т. Психик тараққиёт диагностикаси. Т., 2004, 134-б.

BOLA SHAXSIDA SALBIY O`ZGARISHLARNI KELTIRIB CHIQRUVCHI TASHQI TA`SIRLARINING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI.

Samatova Xolida Vafoyevna

Navoiy viloyati Karmana tumani 19-DMTT tarbiyachisi

Kalit so`zlar: Maktabgacha yosh davri, adaptatsiya jarayoni, ta'lim-tarbiya, sezgi, idrok, xotira, diqqat, obrazlilik, mantiqiylik, adekvat aloqa.

Bugungi kundagi eng dolzarb masala yoshlarimizning, xalqimizning ongidan eskicha dunyoqarashni o`zgartirish, iqtisod, siyosat, madaniyat jabhalarida yangicha fikrlashni o`rgatish, mustaqillikni mustahkamlash sharoitida o`z haq-huquqlarini anglash va noxush holatlarni hayotga kirib qolmasligiga, unga qarshi kurashishga tayyor turadigan ilmiy dunyoqarashi keng bo`lgan shaxsni tarbiyalashdan iboratdir. Bu masalaga yechim topishda albatta, shaxsning tarbiyalashning boshlang`ich nuqtalaridan biri bo`lmish maktabgacha ta'lim muassasalaridagi o`quv jarayoniga va bolalar bilan ishlashda ularning individual xususiyatlariga e'tibor qaratish muhim masala hisoblanadi. Chunki, maktabgacha yoshidagi bolalarda sezgi, idrok, diqqat, xotira, tasavvur, tafakkur, nutq, hayol, hissiyot va irodaning rivojlanishi jadal kechadi. So`ngi yillarda Respublikamizda maktabgacha ta'lim tizimida qator yangiliklar kiritilmoqda. Xususan, Maktabgacha Ta'lim Vazirligini tashkil etilishi ham bu sohada

e'tiborni jiddiy qarataishimizdan dalolat beradi. Bolalarni maktabgacha ta'lim muassasalariga jalb qilish ko'lamini yanada oshirishga qaratilgan ko'plab chora-tadbirlar ishlab chiqilmoqda.

3-7 yoshgacha bo'lgan davr maktabgacha yosh davri hisoblanadi. Maktabgacha ta'lim muassasalariga endigina qabul qilingan bolada dastlab albatta, bog'cha muhitiga nisbatan adabtatsiya kechadi. Adabtatsiya bu organizmning tashqi muhit bilan adekvat aloqalarning shakllanish xususiyati hisoblanadi. Insonning tug'ilishining o'ziyiq adabtatsiyaning ilk sinovidir. So'ngi yillarda go'daklik davridagi adabtatsiyaga qiziqish ancha ortdi. Ta'lim muassasalarida tarbiyalanayotgan barcha bolalar uchun adabtatsiya muammosi juda muhimdir. Hozirgi vaqtda bolaning ko'nikish imkoniyatlarini oshirish, uning ijtimoiy aloqalarini kengaytirish bola shaxsining shakllanishi uchun nihoyatda katta ahamiyat kasb etmoqda. Bola shaxsining rivojlanishi uning aloqalarining xilma-xilligiga bog'liq. Shuning uchun ijtimoiy aloqalarning barvaqt shakllantirishda oiladagi tarbiya jarayonining roli katta. Bola hayotining uchinchi yilida Maktabgacha ta'lim muassasasiga qabul qilinishi undan shu paytgacha shakllanib bo'lgan yurish-turish, kundalik ratsionini o'zgartirishini talab qiladi. Bolaning sog'ligi, har tomonlama rivojlanishi borasida biror-bir nohush vaziyatlarni paydo bo'lishini bartaraf etish uchun va bola hayotini har tomonlama qulay tashkil etish jarayonida tarbiyachilar javobgar shaxs hisoblanadi. Moslashish jarayonini quyidagi 3ta darajaga bo'lishimiz mumkin.

1 Yengil adaptatsiya- bolaning yurish-turishi 10-15kunda me'yoriy holatga qaytadi. Bola maktabgacha ta'lim muassasasiga qatnay boshlaydi va biro y o'tgach o'zini me'yorda tuta boshlaydi.

2 O'rta adaptatsiya- bolaning yurish-turishi yoki emotsional holatidagi o'zgarishlar 10-15kun ichida me'yoriy holatga qaytadi. Agar avval unda oizish kuzatilsa, keyinchalik u o'z vaznini tikalab oladi.

3 Og'ir adaptatsiya – shunda namoyon bo'ladiki, bolalarda tez-tez qaytadan kasal bo'lish holatlari kuzatilishi mumkin. Bu holatda adaptatsiya bir oydan ko'p muddatga cho'ziladi, rivojlanish va salomatlik ko'rsatgichlarida nohush holatlar ham namoyon bo'ladi.

Adaptatsiyaning nohush holatlarini maksimal darajada bartaraf etish uchun bolalarning oilaviy muhiti bilan tanishish kerak va quyidagi oilaviy tarbiyani og'ir ko'rinishlari, kamchiliklarini bartaraf etish zarur.

- Noto'g'ri ovqatlanish,
- Bolani noto'g'ri belash,
- Salbiy odatlar,
- Oilaviy nizolar,
- Yoshiga mos kelmaydigan ko'nikmalar.

Bularning barchasini o'rganib chiqqan holda ish olib borilsa, va albatta tegishli chora tadbirlar ko'rib chiqilsa bolalrdagi adaptatsiya jarayonini yengil o'tishiga va bog'cha muhitiga tezda moslashishiga zamin yaratilgan bo'lar edi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasida juda tez sifat o'zgarishlari bo'lishini inobatga olgan holda 3 davrga (3-4yosh) kichik maktabgacha davri, (4-5) yosh kichik bog'cha yoshi, o'rta maktabgacha davr(o'rta bog'cha yoshi) 6-7 yosh va katta maktabgacha davr katta bog'cha yoshlilarga ajratish mumkin. Bola rivojlanish jarayonida odamlarning ilgari o'tgan avlodlari tomonidan yaratilgan predmed va

hodisalar olami bilan alohida maxsus munosabatga kirishadi . Bola insoniyat qo'lg'a kiritgan barcha yutuqlarni faol ravishda o'zlashtirib, egallab boradi. Kattalar va tengdoshlar bilan bo'lgan munosabat orqali bola axloq normalari, kishilarni anglash, shuningdek, ijobiy va salbiy munosabatlar bilan tanisha boshlaydi. Shuni ham aytib o'tish kerakki, fan-texnika mislsiz rivojlangan bizning hozirgi zamonamizdagi yaratilayotgan, xayratda qoldiradigan narsalar bolalarga go'yo bir mo'jizadek ko'rinadi. Natijada ular ham o'zlarining turli o'yinlari jarayonida o'xshatma qilib (ya'ni analogik tarzda) har xil xayoliy narsalarni o'ylab chiqaradilar (uchar ot, mashina odam, gapiradigan daraxt kabi). Bundan tashqari, bolalarning turli xayoliy narsalarni o'ylab chiqarishlari yana shuni bildiradiki, ular o'zlarining har turli o'yin faoliyatlarida faqat atroflaridagi bor narsalarni emas, balki ayni chog'da ehtiyojlari talab qilayotgan narsalarni ham aks ettiradilar.

Ma'lumki, rivojlanish qonuniyatiga ko'ra, har qanday taraqqiyot ko'rgazmali obrazlilikdan abstrakt mantiqiylikka qarab boradi. Agar bola hali o'qishga aqliy, ma'naviy-ruhiy jihatdan tayyor bo'lmay turib, unga harf va raqamlarni yozish, o'qish o'rgatilsa psixik rivojlanishning teskari tomonga ketishiga sabab bo'ladi. Psixolog olimlarning fikricha, psixik va evolyutsiya taraqqiyot qonunlari ham fizik qonunlardek buzilmas, hamda universaldir. Bundan kelib chiqadiki pedagoglar, ota-onalar, bolalarni erta maktabga berishning foyda yoki zarari to'g'risida o'ylaganlarida inson miyasi rivojlanishining neyrofiziologik qonuniyatlarini ham alohida e'tiborga olishlari lozim.

Bolani erta o'qish, yozish, sanashga o'rgatib uning bilish jarayonlari zo'riqtirilsa, bolaning emotsional hissiy rivojlanishi uchun zarur bo'lgan miya quvvatining tanqislashuviga sabab bo'ladi. Bundan bolalarning emotsional hissiy jarayonlarining kechishida yoki jismoniy rivojlanishida kamchiliklar sodir bo'ladi. Bolaning ijtimoiy munosabatlar tizimi va faoliyatidagi kardinal o'zgarishlarining organizmidagi barcha tizimlar va funksiyalaridagi o'zgarishlarga to'g'ri kelib boladan kuchli zo'riqish va o'z ichki imkoniyatlaridan to'liq foydalanish zaruriyatini taqozo etadi. Maktabga tayyor bo'lgan boladagi ushbu o'zgarishlar salbiy oqibatlarini olib kelmay, aksincha uning yangi sharoitlarga muvaffaqiyatli moslashuviga yordam beradi.

Adabiyotlar ro'yhati:

- 1 “Bolajon tayanch dasturi” 2010yil.
- 2“Ijtimoiy pedagogika” Nodira Egamberdiyeva Toshkent 2019yil
- 3 “Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya” Z.T.Nishanova, N.G.Kamilova, D.U.Abdullayeva, M.X.Xolnazarova Toshkent 2008.

ЕВРОПА УЙҒОНИШ ДАВРИ БУЮК НАМОЁНДАЛАРИ АСАРЛАРИДА БУГУНГИ КУНДА ФОНЕТИК ЭВОЛУЦИЯ ОҚИБАТЛАРИ

*Абсаламова Гулмира Шарифовна
Тошкент Давлат Аграр Университети Самарқанд филиали
“Ижтимоий ва Гуманитар” фанлар кафедраси ассистенти*

Калит сўзлар. Талаффуз, товуш, унсур, фонологик тизим, тиллар, жўғрофий жойлашиш, психологик, давр, роман тиллари.

Бизнинг мулоҳазаларимиз кам куч назариясини инкор этишга даъво қилмайди. Амалда ҳар бир тилга нисбатан талаффуз учун ниманинг осонроқ ва ниманинг қийинроқ эканлигини аниқлаш қийин. Товушнинг қисқариши (чўзиқликнинг камайиши маъносида) кам кучга мос тарзда содир бўлиши мутлақо аён, аммо кўпол талаффузининг ҳам унлиларнинг чўзилишига олиб келиши, қисқа унлилар талаффузи катта эътибор талаб қилиши ҳам тўғри. Бинобарин, турли мойилликларни тахмин қилиш асносида ўзаро қарама – қарши икки далилни бир хил кўринишда тақдим этиш мумкин. Мисол сифатида яна *k* нинг *t* га ўтишини олиб кўрайлик (Қиёсланг: *cédere* → италян тилида *cedere* ‘ўрнини бўшатиб бермоқ’). Агар бу жараённинг фақат кутбий томонлари эътиборга олинса, у холда куч кўп сарфлангандек кўриниши мумкин. Аммо ўзгаришнинг бутун занжири қайта тикланадиган бўлса, бу тасаввур ўзгаради: *k* нинг кейинги унлига ўхшатилиши натижасида танглай(небный)*k* га айланади, лекин бу билан талаффуз қийинлашиб қолмайди, аксинча, *k*га киритилган иккала унсур ҳам ўтиш жараёни натижасида аниқ чегараланади ва *kj* нинг *tj*, *tx* ва, ниҳоят *t* га ўтишида ҳар сафар кам куч сарфланганлиги кузатилади. Шу ерда тадқиқотлар учун кенг кўриқ очилади. Бироқ бу тадқиқотларининг тўлиқ бўлиши учун физиологик нуқтаи назарга (артикулятсия муаммоси, масаласи), психологик нуқтаи назарга (эътибор муаммоси) ҳам қатъий амал қилиш керак. Кейинги йилларда кенг оммалашган фикрга кўра, талаффуздаги ўзгаришлар бизнинг ёшликда олган фонетик тарбиямизга нисбатан берилмоқда. Узоқ тажриба, хато ва тузатишлардан кейингина бола атрофдагилардан эшитган нарсани талаффуз қилишга ўрганади; фонетик ўзгаришлар манбаи гўё шу ерда яширингандек: ёшликда тузатилмаган айрим хатоликлар бутун бошли кишиларда бир умрга ўрнашиб қолади ва ўсиб келаётган авлодни қамраб олади. Фарзандларимиз *k* ўрнида, кўпинча, *t*ни талаффуз қилишади; тилимиз тарихида эса бундай фонетик ўзгариш кузатилмайди. Айрим меъёрдан чекинишлар бундай эмас. Масалан, таржимада кўплаб болалар *l* ни юмшоқ талаффуз қиладилар (Қиёсланг: *fl'eur, fl'anc*); италян тилида эса шундай жараён туфайли лотинча *florem* дастлаб *fl'ore*, кейин *fiore* ‘гул’га ўтади. Бу кузатишлар эътиборга муносиб, лекин муаммони ҳал қилмайди. Ҳақиқатдан ҳам, мазкур авлод ёшликда ўзлаштирилган хатоликлардан фақат айримларини сақлаб қолади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, нотўғри талаффузларнинг сақланиб қолиш соф тасодифий ҳодиса бўлиб, мантиқан асосланмаган. Шунингдек, нега мазкур ҳодиса бошқа даврда ҳам, балки айнан мазкур даврда ҳам содир бўлади дейиш мумкин? Бу тилда у илгари мавжуд бўлмаган жойда пайдо бўлган *Tanne* ‘қорақарағай’, *Pate* ‘қурка’ (товуғи) мос равишда *Thanne*, *Phute* тарзида талаффуз қилинган.

Дарвоқэ, бу мулоҳаза юқорида қайд этилган барча далилларга таалуқли бўлади фақат уларнинг самара бериши мумкинлигига ишонч ҳосил қилинса: об-ҳавонинг таъсири ҳам, сўзловчининг ирқий хусусиятларидаги мойиллик ҳам, кам куч сарфлаш тенденцияси ҳам доимо ёки узоқ вақт кузатилади. Нега улар тасодифий равишда, гоҳ фонологик тизимнинг бир нуқтасида, гоҳ бошқа нуқтасида амал қиладилар? Тарихий воқеада ҳал қилувчи сабаб бўлиши керак, ҳақиқатда эса алоҳида олинган ҳар бир ҳолатда сабаби умумий кўринишда илгаридан мавжуд бўлган мазкур ўзгаришни келтириб чиқарадиган нарсанинг нима эканлиги ноаниқ

бўлиб қолмоқда. Ечимини талаб қилаётган масала айнан шундан иборат-ку. Баъзан ҳал қилувчи бу сабабларни халқ турмушининг мазкур пайтдаги умумий шароитларидан топишга ҳаракат қилишади. Тиллар бошдан кечирадиган даврларнинг бир хиллари бошқаларига қараганда катта силжишлар билан боғлиқ бўлади. Сиёсий барқарорлик билан лисоний барқарорлик ўртасида алоқа борлигини аниқлашиб бундай паллани ташқи сиёсий тарихнинг шиддатли даврларига олиб бориб тақашга ҳаракат қиладилар. Шунга асосланишиб, умуман, тилга нисбатан қилинган хулосаларни фонетик ўзгаришларга қўллаш мумкин, деб ўйлайдилар. Шунингдек, масалан, лотин тилида энг кескин ўзгаришлар роман тилларининг шаклланиш даврида душман тажовузларининг жуда хавотирли даврига тўғри келганлигини ҳам иддао қилишади. Бу масалада чалғиб кетмаслик учун қуйидаги икки ҳолатда эътиборга олиш керак. Сиёсий барқарорлик тил тараққиётига ҳам сиёсий барқарорлик каби таъсир қилмайди; у ерда ҳеч қандай симметрия йўқ. Сиёсий мувозанат тил тараққиётини сусайтирган пайтларда гап, гарчи ташқи бўлса-да, ижобий сабаб ҳақида боради. Таъсири тескари бўлган сиёсий беқарорлик эса фақат салбий таъсир қилиши мумкин. Мазкур тилнинг барқарорлиги, у ёки бу даражада қайд этилганлиги тил (*langue*)га нисбатан ташқи омиллар (сарой, мактаб, академия, ёзув ва ш.к.) асносида таркиб топиши мумкин. Бу омиллар, ўз навбатида, мавжуд ижтимоий ва сиёсий мувозанат негизида шаклланади. Аксинча, халқ тарихида содир бўлган қандайдир ташқи ўзгариш (ағдар - тўнтар) тил тараққиётини тезлаштирадиган бўлса, у ҳолда бу фақат тилнинг яна эркинлик ҳолатига қайтганини ва ўзининг меърий оқимиغا тушганини англатади. Лотин тилининг классик даврдаги барқарорлиги ташқи омиллар билан изоҳланади ва уларни кейинчалик бу тил бошдан кечирган ўзгаришлар билан қиёслаш мумкин эмас. Чунки бу ўзгаришлар тийиб турувчи ташқи сабабларсиз, ўзича содир бўлган. Бу ерда гап тилда содир бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар эмас, балки фақат фонетик ҳодисалар устида бормоқда. Грамматик ўзгаришларнинг юқорида қайд этилган сабаблар билан боғлиқлигини тушунса бўлади: грамматик далиллар ўзининг қайсидир томонлари билан тафаккурга боғланган ва шунининг учун ташқи ўзгаришлар таъсирини ўзила осонроқ акс эттиради. Чунки бу ўзгаришлар киши онгига нисбатан бевосита таъсир қилади. Бироқ бизда халқ тарихидаги кескин даврларга тилдаги кескин фонетик ўзгаришлар мослигини кўрсатувчи ҳеч қандай маълумот йўқ. Қолаверса, фонетик ўзгариш содир бўлмаган бирор даврни (хатто, тилнинг сунъий барқарор даврида ҳам) кўрсатиш имкони йўқ. Шунингдек, илгариги лисоний субстрат ҳақида ҳам фараз билдирилган: гўё айрим ўзгаришлар янги келгиндилар томонидан ютиб юборган ерли халқ туфайли юзага келган. Масалан, *langue d'oc* (Франция жануби шевалари) ва *langue d'oïl* (Франция шимоли шевалари) орасидаги фарқ туб кельт унсурнинг жанубий ва шимолий Галлиядаги нисбатига мос келар эмиш. Бу назарияни италя шевалари орасидаги тафовутларни тушунтиришда ҳам қўллаганлар. Улар жўғрофий жойлашиш тартибига кўра, лигурлар, этруслар ва б. Таъсири билан изоҳланган. Энг аввало, айтиш керакки, бу фараз жуда кам учрайдиган вазиятнинг бўлишини талаб қилади. Бундан ташқари, тил субстрати ҳақида гап кетганда ниманинг назарда тутилаётганини ҳам аниқлаш керак. Агар бу билан ерли халқ янги тилни қабул қилаётганда унга ўзининг талаффуз

кўникмаларидан ниманидир киритади, демоқчи бўлсалар, у ҳолда бу жоиз ва табиий. Агар яна ирқнинг билинар билинмас омилларини далил сифатида келтира бошласалар, биз яна юқорида ва бошқаларга гапирилган сингари қийинчиликларга дуч келамиз. Ниҳоят, бундай номга мутлақо номуносиб охириги изоҳ фонетик ўзгаришларни мода (расм-русум) ўзгаришларига тенглаштиради. Аммо моданинг ўзгариш сабабларини ҳали ҳеч ким очиб берган эмас фақат шу нарса маълумки, улар кўплаб психологларни қизиқтираётган тақлид қонунларига боғлиқ ўзаро содир бўлади. Гарчи бундай изоҳ муаммони ҳал қилмасда, муайян афзалликга эга уни нисбатан катта муаммонинг бир қисми даражасига олиб чиқади: фонетик ўзгаришлар сабаби пировард натижада соф психологик ҳодиса бўлиб чиқади. Фақат бир нарса сирлигича қолмоқда ҳам фонетик ўзгаришларда ҳам мода ўзгаришларида тақлид учун таянч нуқтани қаердан излаш керак. Фонетик ўзгаришлар таъсирининг чекланганлиги (неограниченность) агар кимдир у ёки бу фонетик ўзгаришлар таъсирини аниқламоқчи бўлса, уларнинг чексиз ва сон- саноксиз эканлигига осонгина ишонч ҳосил қилади. Бошқача айтганда, уларнинг қаерда тўхтаб қолишини олдиндан пайқашнинг имкони йўқ. Сўз фақат маълум чегарагачагина ўзгариши мумкин, унда кейинги ўзгаришлардан ҳимоя қилувчи қандайдир нарса бор деб ўйлаш соддаликдан бошқа нарса эмас фонетик ўзгаришларнинг бу хусусияти белгининг маънога боғлиқ бўлмаган ихтиёрийлиги билан шартланган. Хар бир даврда бирор сўзнинг қандай ва қанчалик ўзгарганлигини қайд этиш мумкин, аммо бу сўзнинг қай даражада неузнавальный бўлганлиги ёки бўлишини олдиндан кўришини иложи йўқ. Хиндевропа тилидаги **aiwom* (Қиёсланг: лотинча *aewom*) ‘вечность’, ‘аср’ герман тилидаги шундай кўшимчали бошқа сўзлар каби **avian* **aiva* **aiv* га ўтган. Кейинчалик, **aiw* товушларининг бу гуруҳига эга барча сўзларсингари қадимги немис тилида *ēw* “абдийлик”, “вақт”га айланди. Кейин сўз охирида келган ҳар қандай *w o* га ўзгаргани сабабли *ēo* ҳосил қилинди; *ē o* ҳам, ўз навбатида, худди шундай умумий қонуниятларга мос равишда *eo, io* га ўтган. Кейинчалик *ioie, je* ни ва, ниҳоят, ҳозирги немис тилидаги *jē* ни (қиёсланг: *das schönste, was ich je gesehen habe* (“мен қачонлардир кўрганимдан энг ажойиби”) берган. Агар фақат дастлабки ва охириги нуқталар ўрганиладиган бўлса, ҳозирги сўзларда первоначальных унсурлардан бирортаси ҳам қолмаган. Шунга қарамасдан, алоҳида олинган ҳар бир давр мутлақо аниқ ва мунтазам. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири ўз ҳаракатида чегараланган, мажмуи эса модификациянинг шаклини ўзгартиришларнинг чексиз миқдори тасаввурини ҳосил қилади. Шунга ўхшаш кузатишларни лотинча *calidum* (*calidus* сўзининг тушум келишиги шакли “илиқ”) сўзи устида ҳам олиб бориш мумкин. Бунинг учун аввал бевосита ҳозирги француз тилидаги шакли (*fo, chaud* ёзилади “илиқ”) билан қиёслаш, кейин барча босқичларни қайта тиклаш керак: *calidum, calidu, caldu, cald, calt, tfalt, tfaut, faut, fōt, fo*. Яна қиёсланг: халқ лотин тилида **waidanju-gē* (gain ёзилади) “ютук”, *minus - mwē* (moins ёзилади) “кам”, *hokillī-wī* (oui ёзилади) “ха”. Фонетик ўзгаришлар амал қилиши яна шунинг учун ҳам чексиз ва сон - саноксизки у сифат, от ва б; ўзак, кўшимча, суффикс ва б. деб ўтирмасдан ҳар қандай белгини қамраб олади. Масалан, юнон тилида *n* дан кейин келган грамматик маъно ифодаламайдиган *s* нафақат **khānses* “ғозлар” **mēnses* “ойлар” (*chēnes, mēnes* шулардан пайдо бўлган) да, шунингдек, **etensa, *ephansa*

(éteina, éphéna шу сўзлардан пайдо бўлган) каби феъл шаклларида ҳам тушиб қолган. Кейинги феълларда у аористни тавсифлаб келган. Ўрта юқори немис тилида урғудан кейинги ī, ē, ā, ō унлилари е билан бирлашиб кетган (киёсланг: gibil→Giebel “томнинг тепа қирраси ва унга ёғочдан от бошига ўхшатиб ясалган нарса”, meistar→meister “мастер”, “уста”). Бунинг натижасида, масалан, бирлик сондаги boton “хабарчининг”, “чопарнинг” тушум келишиги шакли ва бирлик сондаги boten “хабарчига”, “чопарга” нинг қаратқич жўналиш келишикларининг шакли boten шаклига ўхшаш бўлиб қолган.

Шундай қилиб, агар фонетик ўзгаришлар ҳеч қандай чеклашга дуч келмаса, умуман, грамматик жисмда хайратланарли ҳолатларни келтириб чиқарган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Адхамжон Аширов Этнология Т., “ЯНГИ НАШР” нашриёти
2. Қ.Азизов, О.Қаюмов. Чет эл адабиёти тарихи. Т., 1994.
3. Ф.Бойназаров, А.Холмуродов. Жаҳон адабиёти. Жиззах. 2008.
4. Қ.Дўстмуҳаммадов. Нобел мукофотини олган адиблар. Т., Маънавият, 2004.
5. Ш.Норматова. Жаҳон адабиёти. Т., 2008.
6. Ф.Сулаймонова. “Шарқ ва Ғарб”. Т., 1997.
7. Petit Robert: dictionnaire alphabétique et analogique de la langue française. - Paris : Societe du Nouveau Littre, 1969. - 1972 p.
8. Montaigne M. Les Essais / edition de Pierre Villey. - Paris : Presses Universitaires de France, 1988. - L. 1-3.
9. Щерба Л.В. Фонетика французского языка М.: Высшая школа, 1963. — 308 с.

MISHEL DE MONTEN FAZILAT TUSHUNCHASI VA UNING AHAMIYATI

Absalamova Gulmira Sharifovna
Toshkent Davlat Agrar Universtiteti Samarqand filiali “Ijtimoiy va Gumanitar” fanlar
kafedراسи assistenti

Kalit soʻzlar. Fazilat, vijdon, yaxshilik, yomonlik, ezgulik, qabihlik, qalb, ruh, jon, tana, donolik, ahloq, ichki dunyo, samimiylik, shuhrat, poklik, jasorat.

Buyuk fransuz gumanisti Mishel de Monten (1533-1592) XV-asr oxirida zodagon savdogar oilasida tugʻilgan. Uning otasi italyan madaniyatini yaxshi bilgan va oʻgʻlini gumanistik maʼrifat ruhida tarbiyalagan. Monten huquqni, falsafani chuqur oʻrgangan, stoiklar, skeptiklar, epikurchilar taʼlimotlarini yaxshi koʻrgan. U axloq masalalari bilan shugʻullangan, chunki u taʼkidlaganidek, odamlar axloqi nihoyatda buzilgan va hayratlanarli tarzda yanada yomonlashishga moyil. Shuning uchun Monten yaxshi va yomon fazilatlarini, yomonlikga sabab boʻluvchi muammolarni oʻrganish, inson oʻz-oʻzini anglash bilan bogʻliq, deb hisoblaydi. U insonlarga fazilatli

hayotni o'rgatishni targ'ib qildi.²³ Monten o'z-o'zini anglash ilmi har bir insonda bo'lishi lozimligi, fazilatlar insonni ezgu hayot kechirishga o'rgatishi kerak deb hisoblagan. Monten ezgulik fazilatlarining yer yuzidagi asoslari bilan shug'ullandi, bu haqda u barqaror va bir xil g'oyani shakllantirish oson emasligini ta'kidlaydi. Qadim zamonlardan buyon mutafakkirlar ushbu muammolar haqida qattiq muhokamali tortishib kelganlar, ammo yechimini topa olmaganlar. Monten tomonidan ko'rib chiqilgan axloqiy holatlarni o'rganishdagi qiyinchiliklar, asosan, insonning hayratlanarli darajada aslida uning harakatlarida chinakam mavjud emasligi bilan belgilanadi. Insonlarning munosabatlari odatiy va axloqiy me'yorlar muhitida shakllanadi, ular aqlan va urf-odatlar asosida yaratiladi. Qalbimizdagi, ichki dunyomizdagi barcha maqul deb topilgan axloqlarni hurmat qilishda har bir insoning o'z mas'uliyati bo'lishi kerak.

Monten yer yuzidagi yaxshilik aynan hayotning o'zi degan fikrni maqullaydi. Ammo hayotni ne'mat deb hisoblash mumkinmi? - deb so'raydi fransuz mutafakkiri. Hayotning o'zi, uning fikriga ko'ra, yaxshi ham, yomon ham emas. U ikkalasi uchun ham, odamning o'zi uni qay biriga aylantirishiga bog'liq. Montening fikricha, tabiat donolik bilan harakat qilish lozim bo'lgan barcha mavjudot cheklangan makon. Abadiy hayot bizga ato etilganidan ko'ra og'riqli. Agar inson o'lmaydigan bo'lsa, u tabiatni umr so'ngida la'natlagan bo'lar edi. Shu boisdan ma'lum bir vaqtni o'lchab, tabiat hayotni ham shirin, ham g'amgin qildi.

Monten ushbu jumalarni qayd etib: borligingizning cheklanganligidan xavotirlanmang, u bilan fikrlaringizni ovora qilmang. Tabiatning o'zi, vaqti kelganda, siz uchun hamma narsani qiladi. O'lim tabiiy holat bo'lgani uchun, hayotga nisbatan nafratlanish bema'ni tuyg'u, hayot uchun, so'ngi tahlilda yaxshilik va azob-uqubat, quvonch va qayg'uga to'lalilik bizning mavjudligimizdir deya takidlaydi. Yana Monten fikriga ko'ra barcha azob-uqubalarimizdan xalos bo'ladigan joyga borishdan xafa bo'lish bema'nilikdir. Bizning tug'ilishimiz biz uchun atrofimizdagi hamma narsaning tug'ilishini keltirib chiqarganidek, bizning o'limimiz ham atrofimizdagi narsalarning ham tugashi bo'ladi. Shuning uchun, biz yuz yil oldin yashamaganimiz kabi, yuz yil ichida biz tirik bo'lmaymiz deb motam tutish ham bema'nilikdir deydi Monten. Birining o'limi boshqasining hayotining boshlanishi. Tabiat bizga shunday deydi: «Bu dunyoni xuddi unga kirganingiz kabi tark eting. Bir paytlar siz o'limdan hayotga beparvolik va og'riqsizlik bilan o'tgan bo'lsangiz, endi hayotdan o'limga o'tasiz. Sizning o'limingiz koinotni tartibga soluvchi zanjirlardan biridir. Siz o'zingiz yoqtiradigan borligingizning yarmi hayotga, ikkinchisi o'limga tegishli.²⁴ Monten bahtli hayot kechiradigan daqiqalarga e'tibor qaratib, baxt yaxshilik bilan uzviy bog'liqdir deb hisoblaydi. Monten tushunchasida yaxshilik - bu bizning ehtiyojlarimizni qondiradigan va hayotni yaxshilaydigan barcha narsalar. Azob-uqubalar rohatlanishning o'ziga xos ta'mini beradi va ularni munosib qadrlaydi. Monten Platonning fikriga qo'shiladi, u jismoniy va kundalik rohatni quyidagi tartibda sanab o'tgan: sog'lik, go'zallik, kuch, boylik, ehtiyotkorlik deya yoritilgan. Bunday omillar insonni baxtli his qilishiga hissa qo'shadi. U o'z ehtiyojlarini shu qadar aniqlik

²³ Qarang.: *Монтень М. Опыты* // В 3 т. М., 1992, т. 2, с. 84.

²⁴ *Монтень М. Опыты* // В 3 т. М., 1992, т. 1, с. 98-99.

bilan o'lchashni biladiki, uning mablag'lari ularni hech qanday qiyinchilik va kuch sarflamasdan qondirish uchun etarli. Mulkni boshqarish yoki uning ko'payishi haqidagi g'amxo'rlik uning temperamentiga mos keladigan, unga nisbatan tinchroq va yoqimli bo'lgan boshqa kasblardan chalg'itmaydigan kishi baxtlidir. Baxtli odamning ruhi olijanob, deydi Monten, xotirjam va mamnun har bir inson o'zi uchun foydali narsani xohlaydi. Boshqalarga nisbatan chiroyli va ezgu ishni bajarish oson kechadi. Bunday holda, har qanday qiyinchiliklarni yengib chiqadi, so'ngida yengib o'tish haqiqati kishiga quvonch, mamnuniyat keltiradi. Bu bizdan hech qachon qochib qutulolmaydigan mukofotdir deydi faylasuf. Boshqalarga yaxshilik qilishni odamlar ezgu ish deb bilishadi, ezgu ish insonning ruhini ochib beradi, deydi Monten. Fazilat nima?

Montenning nuqtai nazariga ko'ra, fazilat bizda namoyon bo'ladigan yaxshilikka moyillik va olijanoblik tushunchasi. Tabiati sog'lom inson aynan shu yo'lni tutadilar va fazilatli, xushxulqli insonlar singari yashashga intiladilar. Fazilat sokin kayfiyatda, aqlning buyrug'iga bo'ysunishdir. Rimliklar orasida "fazilat" (valeur) so'zi "kuch" so'zidan kelib chiqqanligi bejiz emas. Fazilat qarama-qarshiliksiz mavjud bo'lmaydi. Yaxshi va adolatli bo'lishni, fazilatli deb atamaymiz, chunki uning barcha harakatlari hech qanday kuch sarf qilmasdan amalga oshiriladi. Muvozanatli va ezgulikka moyillik olijanoblik ruhiga ega bo'lish bu hukmimiz uchun yetarli emas. Yaxshi tabiiy moyillikka yo'naltirilgan oson, qulay yo'l hali haqiqiy fazilat yo'li emas. Bizning beg'ubor ehtiroslarimiz va nomukammalimiz tufayli yuzaga keladigan tashqi yoki ichki qiyinchiliklarni yengish uchun tikanli yo'l kerak. Ammo biz unutmasligimiz kerakki, - deya eslatadi Monten, insonni har qanday yovuz intilish paydo bo'lishidan himoya qilishga qodir bo'lgan aqlning kuchi va vakolati haqida. "Fazilat uni o'zi uchun kuzatilishini talab qiladi; agar ba'zida ular boshqa maqsadlar ortida yashirinsa, darhol yuzimizdagi niqobni yulib tashlaydi"»²⁵. Yaxshilikka ergashish qalbning odatiy va toza holatdali bizning qalbimizga kirib, unda qolishini anglatadi. Shunday qilib, Monten fazilatni boshqa insonlarga yaxshilik qilish qobiliyatini tushunadi, bu axloqiy va barcha ma'naviy fazilatlarining ulkan kuchini talab qiladi. Fazilat odatdagi tabiiy mehordan farq qiladi, chunki u iroda kuchini ishga solishni talab qiladi. Fazilatga aqlning tayinlanishi bilan erishilmaydi, bu qalb mohiyatidir. Bu uning odatdagi holati, u uyg'onayotgan salbiy tendensiyalarni bostiradi.

Yaxshi odam, boshqalarning roziligini kutmasdan, ezgu ishlarni qiladi. Agar fazilat shunchaki shuhratga asoslangan bo'lsa, juda behuda va beparvo bo'lar edi. Bizning qalbimiz biz uchun barqaror va fazilatli bo'lishi kerak, bu qo'rgonga o'zimizdan boshqa hech kimning nigohi kira olmaydi.

Shuhrat, deydi Monten, ko'pincha hayotning ba'zi bir qulayliklarini olib keladi, u bizni olqishlaydi va hech bo'lmaganda ma'lum darajada adolatsizlik va boshqa odamlarning hujumlaridan himoya qiladi. Monten Aristotelning shuhratga erishish va undan qochish uchun ortiqcha narsalardan qochish kerak degan so'zlariga qo'shiladi. Monten odamlarda qanday axloqiy fazilatlarini yuqori baholaydi? O'z-o'zini boshqarish, iroda, mutanosiblik hissi bilan xatti-harakatlarga rahbarlik qilish

²⁵ *Монтень М. ОПЫТЫ* // В 3 т., т. 2, б. 13. 2 Yana qarang b. 307.

qobiliyati. Xushmuomalalik, muloyimlik, poklik, tiyilish va vazminlik, qiyinchiliklarda sabr-toqat ahloqiy fazilatlaridir deydi faylasuf.

Adolatlilik va adolatsizlikni fazilati. Ma'lumki, barcha odamlar, shu jumladan, "taniqli yovuzlar" ham ularda adolat fazilati borligini tan olishni xohlashadi. Monten ishonganidek, adolatning mohiyatini ma'lum bir mamlakatning urf-odatlariga bog'liq qilib bo'lmaydi. U haqiqat singari, "umume'tirof etilgan va hamma joyda bir xil" deb hisoblanishi kerak. Biroq, buni anglashning iloji yo'q, chunki axloq qonunlari o'zgarmas va doimiy emas, xuddi mevalar va hayvonlar tug'ilishidan bir xil bo'lmaganlaridek.

Fransuz faylasufi nuqtai nazaridan hamma axloqiy tamoyillar va jamiyatning huquqiy normalari to'plami sifatida tan olingan adolat to'g'risida gapirsak, agar huquqiy qonun axloqiy adolat bilan mos kelmasa, unda bunday adolatsizlik yovuzlik ehtimolini yuzaga keltiradi. Yomon ish uchun odam adolatli jazoga tortilishi kerak. Har qanday adolatsiz qilmish adolatli jazo bilan jazolanishi kerak, chunki jazosizlik adolatsizdir. Agar biz jazosizlikni adolat bilan tenglashtiradigan bo'lsak, unda har kuni qanday yomon ishlarni qilmaymiz. Adolat bilan yashash boshqa odamlarning huquqlarini buzmasdan tinchlik va totuvlikda yashashni anglatadi. Xuddi shu "adolat" har kimga munosib bo'lgan narsani berishdir ²⁶. Monten fazilatlar tizimida jasoratga muhim o'rin beradi. Jasoratli harakat jinoyatchida jasoratni anglatmaydi. Haqiqatan mard bo'lgan kishi har qanday sharoitda ham shunday bo'ladi. Jasoratli odam to'shakda kasallikka qarshi jang maydonida jarohat olgani kabi sabr-toqatli bo'ladi va u qal'a bosqini paytida bo'lganidek o'limdan qo'rqmaydi. Harbiy jasoratdan ham muhimroq bo'lgan yana bir jasorat bor. Bu kundalik hayotiy harakatlarni amalga oshirishda qalbimizning qat'iyatliligidir.

Monten odamlar o'rtasidagi axloqiy munosabatlardagi muhim rol do'stlik fazilatidir deydi. Tabiatning o'zi bizni sheriklikka undaydi. Zo'r do'stlikning eng yuqori darajasi - bu shaxslararo adolat. U bizning irodamizning ifodasidir. Do'stlikda iliqlik umumiy va hamma narsani qamrab oladi, unda o'tkir va yarador narsa yo'q. Insonning barcha ma'naviy motivlari axloqan pok va beg'ubordir. Do'stlikda o'zidan boshqa hisob-kitoblar va mulohazalar yo'q. Do'st - bu ikkinchi shaxs. O'zini ikki baravar oshirish - bu buyuk mo'jiza va uning buyukligi haqiqiy do'stlikni orzu qiladigan ko'pchilikning qo'lidan kelmaydi. Do'stlar yaxshilikni boshqasiga qilishdan ko'ra afzal narsani xohlamaydilar. Fazilatlariga qarshi xilma-xil billatlar qarshi turadi. Suqrot nafaqat yaxshilik va yomonlik o'rtasida, balki illatlar o'rtasida ham aniq bir chiziq chizishga da'vat etgan. Aks holda, fazilatli odamni yomon odamdan ajratib bo'lmaydi. Ilm bilan, mehnatsevarlik, jasorat, epchillik va ayyorlik, o'g'irlik va qotillik bilan bog'liq illatlar mavjud. Monten eslatadiki, gunohning mohiyati va darajasi o'rtasidagi farqni ajratmaslik. "Bu qotillar, xoinlar, zolimlar uchun juda foydali bo'lar edi. Falonchi odam dangasa yoki shahvatparast, degan bilim ularni vijdonini yengillashtirmasligi kerak. Har kim o'z qo'shnisining gunohlarining og'irligini ta'kidlashga va o'z gunohini o'ylashga moyil »²⁷. Monten eng qabih illatlardan biri makkorlik deb hisoblagan. Yolg'on gapiruvchi insonlardan qo'rqish lozimligini

²⁶ Q.: *Монтень М. Опыты* //3 jildda, 2-jild 372-373, 53.

²⁷ *Монтень М. Опыты* // 3 jildda, 2-jild, b. 55-56

aytadi. Bizning o'zaro tushunishimiz faqat biz uchun mumkin bo'lgan yagona yo'l bilan, ya'ni so'z orqali amalga oshiriladi. Buni buzgan kishi, bu so'z aytilgan kishiga nisbatan xoinlikdir. Faqat so'z bizni inson qiladi, muloqot qilish imkoniyatini beradi. So'z bizning istaklarimiz va fikrlarimiz haqida bir-birimiz bilan aloqa qiladigan yagona vositadir. Bu bizning ruhimizdan kelib chiqadi. So'zning halolligiga bo'lgan ishonchni yo'qotsak, biz o'zaro tushunishga erishish imkoniyatidan mahrum bo'lamiz. Agar so'z bizni aldayotgan bo'lsa, bu barcha aloqalarni imkonsiz qiladi. Til yolg'on yo'lga o'tgandan so'ng, uni haqiqatga qaytarish juda qiyin bo'ladi.

Haqiqatning yo'q bo'lib ketishi davlat poydevorini buzadi, jamoat axloqiga ziyon yetkazishning muhim belgisi sifatida harakat qiladi, chunki haqiqat barcha ezguliklarning asosida yotadi, Aflotun davlat hukmdoriga qo'ygan birinchi talabi, ayni damda oramizda muomalada bo'lgan haqiqatdir deya ta'kidlaydi Monten, Bizning so'zlarni ishlatishimiz oramizda aylanib yurgan tangaga o'xshaydi: axir biz bu so'z bilan nafaqat haqiqiy tangaga, balki soxta tangaga ham egalik qilamiz. Bunday holda, voqealar eng yomon shaklda bo'ladi: yovuzlik qonuniy deb e'lon qilinadi, adolatsizlik adolat deb hisoblanadi, illat fazilat libosida bo'ladi. Inson har doim ham hammaga to'liq haqiqatni aytishga majbur emas. Bu ahmoqlik bo'lar edi, deydi Monten, masalan, o'zingizning fazilatlaringiz va illatlaringiz, aqliy qobiliyatlaringiz to'g'risida o'zingiz haqingizda haqiqatni aytib berish qiyin. O'zingiz haqingizda gapirish haqoratli, bundanda yomonroq aslida, buni kamtarlik deb atash mumkin emas. Bu bema'nilik. O'zingizni turganingizdan pastroq deb hisoblash - qo'rqqoqlikdir. O'zingizni haddan tashqari ta'kidlash nafaqat behuda, balki ko'p hollarda ahmoqlikdir. Bu illat asossiz xudbinlikka asoslanadi deydi faylasuf. Insonning hiyla-nayranglari ko'pincha g'azab bilan bog'liq bo'lib, bu hukmning ravshanligini qoraytiradi. G'azab - bu o'z-o'zidan hayratlanadigan va zavqlanadigan ehtiros. G'azabini yashirishga urinib, uni ichkariga haydashadi. Aql-idrok dalillari bilan ehtirosingizni jilovlay olish maqul ish. Inson ma'lum illatlarga moyil bo'ladi, lekin o'zini o'zi boshqarish orqali ularni jilovlay oladi. Bizning zaifligimizdan va yomonligimizdan kelib chiqadigan harakatlar o'rtasida aniq chiziq belgilanishi kerak. Ikkinchisini qilish orqali biz ataylab aql va vijdon amrlariga qarshi chiqamiz. Shuning uchun, yovuz qilmishni yashirish mumkin emas, chunki inson o'z vijdonidan qochib qutula olmaydi. Ko'pincha shunday bo'ladiki, yovuz qalblar tashqaridan qandaydir impuls ta'sirida yaxshilik qilishadi, qalblar esa chuqur fazilatlidir - xuddi shu sababga ko'ra - yomonlik. Inson ruhi bir-biriga ziddir. Inson tabiatining doimiyliigi, deya qayd etadi Monten, ba'zi mutafakkirlarni bizda ikkita jon bor deb taxmin qilishga undadi. Biri bizni yaxshilikka, ikkinchisi yomonlikka olib boradi. Monten bu fikrga qo'shilmaydi. Uning nuqtai nazaridan ruh bitta. Odam uni qaysi yo'nalishga burishiga qarab turlicha ko'rinish beradi. Agar men, masalan, o'zim haqimda har xil yo'llar bilan gaplashsam, bu faqat o'zimga turli nuqtai nazardan qarashim tufayli deydi Monten.

Bizning turli xil ehtiyojlarimiz, qiziqishlarimiz, maqsadlarimiz, bir lahzali sevimli mashg'ulotlarimiz, ehtiroslarimiz va boshqalardan kelib chiqadigan ma'naviy nomuvofiqlik. inson tabiatining ma'naviy yaxlitligiga zid emas. Qadimgi mutafakkirlar bu pozitsiyaga e'tibor berib, donolikni eng muhim fazilat sifatida ta'kidladilar. Axir, donolik - bu sizning qalbingizni boshqarish qobiliyatidir, u ehtiyotkorlik va mas'uliyatni his qiladi. Insonning qadr-qimmatini uning qalbida va

irodasida mavjud bo'lib, aql har doim va hamma narsada o'z harakatlarini tartibga solish qobiliyatiga ega. Ruhning buyukligi nafaqat buyuk ishlarda, balki kundalik ishlarda ham namoyon bo'ladi. Ular chinakam fazilatning axloqiy asoslarini belgilaydilar. Bizning hayotimiz, deydi Monten, xuddi dunyo uyg'unligi kabi qarama-qarshi narsalardan, har xil musiqiy ohanglardan, yoqimli va g'amginlikdan, baland va past, yumshoqlik va qattiqqo'llikdan iborat. Faqat ba'zi bir ohanglarni afzal ko'rgan va boshqalarni rad etgan musiqachi nima qilishi mumkin edi? U hamma narsadan birgalikda foydalanishi va ularni aralashtirishi kerak. Shunday qilib, bizning hayotimizni tashkil etadigan quvonch va muammolar biz bilan bo'lishi kerak. Bizning mavjudligimizni bu chalkashliksiz tasavvur etib bo'lmaydi; bu erda ikkala torning ovozi zarur. Narsalarning tabiiy oqimiga mos keladigan har qanday narsa har doim yoqimli bo'lishi kerak. Bizning aql-idrokdan voz kechishimiz zavqlarga qarshi emas, balki ularni ma'lum chegaralarda saqlaydi.

Agar bizda mavjud bo'lgan azob-uqubatlarni, zavq, muhabbat, nafrat va boshqa hayotiy tuyg'ular aqlga bo'ysunadigan bo'lsa, unda biz fazilat deb ataydigan narsa paydo bo'ladi. «Ruh vijdonini tinchlantirganligi va uni qabul qilgan ehtirolari uchun Xudoga qanday qilib minnatdorchilik bildirishi kerakligini anglasin, chunki u tartibli va ehtiyotkorlik bilan barcha yoqimli va shirin vazifalarni bajaradigan tanaga egalik qiladi. Xudo o'z rahm-shafqati bilan bizni o'zining adolati bilan azob-uqubatlarga duchor qilishdan mamnun bo'ldi»²⁸. Fazilat tug'ilishdan odamga berilmaydi, deb ta'kidlaydi Monten. Eng yaxshi axloqiy fazilatlarini shakllantirish kerak. Biz tarkibiga kiradigan tabiat bizning o'qituvchimiz vazifasini bajaradi. Inson tabiatdan uyg'unlikni o'rganishi, bizga xos bo'lgan ijodiy moyillikni rivojlantirishi kerak. Hayotimizning odatiy usuli bo'lishi kerak bo'lgan halollik, fazilat va mehnatsevarlikni tarbiyalash. Boshqa tomondan, bizning odatimizdan shafqatsiz va makkorroq ustoz yo'q. Bo'sh yer begona o'tlar va yaroqsiz o'tlar bilan to'lib-toshganligi sababli va ularni bizning maqsadlarimizga xizmat qilishi uchun avval uni yetishtirish va ma'lum urug'larni ekish kerak, demak, bu bizning ruhimiz deydi Monten. Agar siz uni ushlab turadigan ma'lum bir narsa bilan band bo'lmasangiz, u u yoqdan bu yoqqa shoshila boshlaydi. Ruh bizni axloqiy harakatlarga undashi uchun mashq qilish kerak. Aks holda, u o'z vaqtida yordamsiz qolishi mumkin. Shuning uchun, ba'zi bir mutafakkirlar yanada mukammallikka erishishga intilib, ataylab o'zlarini har qanday qiyin sinovlarga duchor qildilar. Ba'zilar boylikdan voz kechib, ixtiyoriy ravishda qashshoqlikka mahkum bo'lishdi, boshqalari og'ir jismoniy mehnat bilan o'zini yumshatdilar. Monten ezgu insonni tarbiyalashda muhim rol ni ta'limga beradi, ammo u mavjud tizimdagi aniq kamchiliklarni ko'radi.

Ta'lim, uning fikricha, bizni olimlar, bilimdonlarga aylantirishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan. Biz faqat o'zimizni to'ldirish uchun ishlaymiz aql va vijdonni bo'sh qoldirib, xotiraning bo'm bo'shligi bizni ezgulikka o'rgatmaydi. Vijdon va fazilat bizning harakatlarimizda aks etishi va aqldan tashqari biron bir rahbarga bo'ysunmaslikimiz kerak. Bu holda haqiqiy fazilatning qiymati uni kuzatish zavqi bilan belgilanadi. Bu insonga ma'lum bir o'lchovni kuzatib, hayotning afzalliklaridan bahramand bo'lishga, shuningdek, ularni yo'qotib, qat'iy turishga yordam beradi.

²⁸ *Монтень М. Опыты // В 3 т., т. 1, с. 131.*

Ta'lim nafaqat bilimlar yig'indisini berishi kerak. Talabanning odob-axloqi, dunyoviyligi, tashqi qiyofasi uning ruhi bilan birga yaxshilanishini zarur. Axir ular bir jonni ham, bitta tanani ham emas, balki butun insonni tarbiyalaydilar; uni ikkiga ajratish mumkin emas. Montening falsafiy va axloqiy ta'limoti nafaqat fransuz ma'rifatparvarlariga, balki butun Yevropa madaniyatiga ta'sir ko'rsatgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati.

1. Мишель Монтень: Опыты. Автор: Монтень Мишель де
Переводчик: Бобович А., Коган-Бернштейн Ф., Рыкова Н. Редактор: Назарова Е.
Издательство: Эксмо, 2017 г. Серия: Полное собрание сочинений
2. Алейник Г.Б. Семантико-грамматические особенности абстрактных имен существительных : (на материале современного французского языка) : автореф. дис. ... канд. филол. наук. - М., 1970. - 21 с.
3. Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантики : монография. - М. : Гнозис, 2005.-326 с.
4. Комарова В.П. Шекспир и Монтень. - М., 1983. - 167 с.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М. : Советская энциклопедия, 1966. - 606 с.
6. Большой энциклопедический словарь. - М., 2000. - 1256 с.
7. Гак В.Г., Ганшина К.А. Новый французско-русский словарь / В.Г. Гак, К.А. Ганшина. - М. : Русский язык, 1994. - 1195 с.

BOLALARDA MENEJMETLIK QOBILIYATLARINI TARBIYALASH VA RIVOJLANTIRISHDA FAOLIYATNING ROLI

*Nosirova Madina Akbarovna
Marg`ilon pedagogika kolleji, psixologiya fani o`qituvchisi*

Annotatsiya. Mazkur maqolada bolalarning ijtimiy faolligini oshirish orqali menejmetlik qobiliyatlarini tarbiyalash masalalari yoritilgan.

Tayanch atamalar: menejmetlik qobiliyatlari, ijtimiy faollik, bolalar tarbiyasi

Bolalarning ijtimiy faolligini oshirish, ularda boshqaruv qobiliyatlarini tarkib toptirish muhim masala hisoblanadi. Hozir kunda maktabgacha ta'lim jarayonida konstruktorlik, yasash qurush, rabotatexnika masalalari bolalarda bir qator fazilatlar qatori boshqaruv xususiyatlarini ham kamol toptirishda alohida ahamiyat kash etmoqda. Bola u yoki bu faoliyatni o'zlashtirib, faollik ko'rsatadi, ayni paytda shu faoliyat bilan bog'liq bilimlar, malaka, ko'nikmalarni o'zlashtiradi, Shu asosda unda xilma-xil qobiliyatlar va shaxs xususiyatlari shakllanadi.

Bolaning faoliyatdagi faol mavqei uni faqat tarbiya obyektiga emas, shu bilan birga tarbiya subyektiga ham aylantirdi.[1] Bu bolani tarbiyalash va rivojlantirishda faoliyatning yetakchilik rolini belgilaydi. Bolalarning rivojlanishi va tarbiyalanishining yosh bilan bog'liq davrlarida faoliyatning turli xillari yonma-yon bo'ladi va o'zaro ta'sir ko'rsatadi, lekin bunda ularning roli bir xil bo'lmaydi: har bir bosqichda faoliyatning

yetakchi turi ajratiladi, unda bolaning rivojlanishidagi asosiy yutuqlar namoyon bo`ladi. Har bir faoliyat ehtiyoj, sabablar, faoliyat maqsadi, mavzu, vositalari, buyumlar bilan amalga oshiriladigan harakatlar va nihoyat, natija bilan ajralib turadi. Ilmiy ma'lumotlarning dalolat berishicha, bola ularni darhol emas, balki asta-sekin va katta yoshdagi odamning rahbarligida egallaydi. Bola faoliyatining xilma-xilligi va boyligi, uni egallashdagi muvaffaqiyat oiladagi, bolalar bog'chasidagi tarbiya va ta'lim sharoitlariga bog'liq bo'ladi. Bolaning dastlabki yoshlaridan boshlab faoliyatning eng oddiy turlari uning shaxsiy qobiliyatlarini, xususiyatlarini va atrofdagi narsalarga munosabatini shakllantirishning asosi hisoblanadi.

Ilk yoshdagi bolaning kattalar bilan muomalasining (hissiy va hissiy-predmetli muomalasining) eng oddiy turlari unda taassurotlarga bo'lgan ehtiyojini rivojlantiradi, tasavvurlarini shakllantiradi. Yangi harakat usullarini egallab borgan sayin bolalarning faolligi oshib boradi. Biroq faollik darajasi, uning rivojlanishi irsiy jihatdan shart qilib qo'yilgan zaminga, taqlid qilishga ham bog'liq bo'ladi. Hayotning dastlabki yillarida kattalar bilan muomala qilishni va buyumlar bilan ish olib borishni o'z ichiga oladigan yo'l-yo'riq tadqiqot faoliyati bolalar faoliyatining asosiy turlari bo'ladi. Tarbiyachilar bolalar bilan muomalada bo'lar ekanlar, ularni buyumlar dunyosiga olib kiradilar. Shunday yo'l bilan bolalar o'ziga xos buyumlar bilan bog'liq faoliyatni egallaydilar. Bunda muomalaning o'zi bola uchun zarur ehtiyojga aylanadi. Buyumlar bilan bog'liq faoliyatni tashkil etish oilada ham, maktabgacha talim muassasasida ham bir va ikki yoshli bolalarni tarbiyalash vazifalaridan biri hisoblanadi, chunki bu faoliyatda barcha bilish jarayonlari, maqsadlari va xulq-atvor sabablari rivojlanadi. Bu faoliyatda bolalar tarbiyachilar rahbarligida buyumlarning xususiyatlari, ular bilan qilinadigan harakatlar to'g'risida dastlabki bilimlarni o'zlashtiradilar. Bola ikki yarim yoshga to'lganda buyumlar bilan bog'liq faoliyat va muomala ancha yuqori rivojlanish darajasiga erishadi, o'yin va tasviriy faoliyatga o'tish uchun asos yaratiladi. Kattalar uyushtiradigan muloqot va faoliyatda bolalarda o'zini-o'zi anglashning dastlabki shakllari shakllanadi. Bola o'zini atrofdagi odamlardan ajratadigan, o'z imkoniyatlarini anglab yetadigan bo'la boshlaydi. Mustaqillik rivojlanishining ana shu bosqichida bolalar kattalarning vasiyligini qisman cheklashga intiladilar. O'zini-o'zi anglashning dastlabki shakllari xulq-atvor sabablarini shakllantirishning boshlanishi bo'ladi.[2]

Ilk yoshdagi bolalarning faolligi va mustaqilligi bevosita katta odamning ishtiroki va ta'siri ostida ro'y bersa, 4-6 yoshli bolalar xilma-xil faoliyatga tobora mustaqil, o'z xohishlariga ko'ra qo'shiladilar, bunda ongning roli oshadi va ba'zan ijodiy xususiyatga ega bo'ladi.

Mashg'ulotlardagi eng oddiy o'quv faoliyati atrofdagi tabiat, ijtimoiy turmush, odamlar haqidagi bilimlarni o'zlashtirishga, shuningdek aqliy va amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi. Agar 3-4 yoshda ta'lim paytida bolalarning e'tibori tabiat, odamlar hayotidagi aniq faktlar va hodisalarga qaratilsa, 5-6 yoshli bolalarga ta'lim berish muhim aloqalar va munosabatlarni o'zlashtirishga va aloqalarni umumlashtirishga hamda eng oddiy tushunchalarni shakllantirishga karatilgan bo'ladi, bu esa bolalarda tushunish tafakkurining rivojlanishiga olib keladi. O'zlashtirilgan bilimlar va rivojlangan aqliy qobiliyatlarni bolalar xilma-xil o'yinlarda va mehnatda qo'llaydilar. Bularning hammasi bola shaxsining rivojlanishiga ta'sir etadi, unda faoliyatning yangi mazmuniga qiziqishni shakllantiradi.[3]

Мақтабгача yosh davridagi ehtiyojlar, his-tuyg'ular, sabablar, maqsadlarni tarbiyalash va rivojlantirish shu darajaga yetadiki, u bolaga maktabdagi muntazam o'qishga o'tish imkonini beradi.

Tarbiyachi tarbiyalanuvchida kuchli faoliyat ehtiyojini uyg'otib, yangi hulk-atvor sifatlarini shakllantirishga yordam bergandagina kutilgan natijalarga erishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Юлдашева Д.М. Использование зоонимов в колыбельной песне-«алла», как аспект этнолингвистики. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. Научный журнал. Москва, 1-2 февраля, 2013г., с.83-84.
2. G'oziyev E.G'. Ontogenez psixologiyasi, T.: 2010 yil.
3. Daniyarov B.X., Vahobova F.N., Ahmedov F.H., Nabixanova Sh.B. Oilaviy hayot maktabi. -T.: 2010.

INKYLUZIV TA'LIMNING NAZARIY VA AMALIY MASALALARI

Nishonova Zarina

Samarqand viloyati Oqdaryo tumani 44-maktab psixologi

Inklyuziv ta'lim barcha o'quvchilar uchun maxsus ta'lim ehtiyojlari va individual imkoniyatlarning farqliligini inobatga olgan holda ta'lim muassasalarida ilm olishda teng huquqlilikni ta'minlashdir

Ta'kidlab o'tish joizki avval, O'zbekistonning umumta'lim maktablari va bolalar bog'chalarida bo'ladigan o'quv jarayoniga alohida ehtiyojli bolalar an'anaviy usulda jalb qilinadi. Shu paytga qadar ta'lim berish hamda tarbiya usulublari inklyuziv pedagogic uslublarga asoslanmagan edi. Natijada esa, alohida ehtiyojli bolalar egallagan bilim, ko'nikma va malakalar ularning ehtiyojiga to'laqonli javob bermay, imkoniyatlarini to'liq namoyon etishiga to'sqinlik qilar edi. Inklyuziv ta'lim esa, barcha bolalarning imkoniyatlaridan qat'iy nazar, ayniqsa, imkoniyati cheklangan alohida ehtiyojli bolalarning o'z tengdoshlari qatoriga ta'lim olish imkoniyatlarini ta'minlashga yo'naltirilgan. Inklyuziv ta'lim tamoyillariga asosan, hamma bola ta'lim olish huquqiga ega, shunga binoan, u kerakli bilim olish uchun qo'llab-quvvatlanishi hamda bunga tegishli shart-sharoit yaratib berilishi shart. Ta'lim sohasida alohida ehtiyojga ega shaxslar oddiy maktablarda o'qishlari kerak. Buning uchun oddiy umumta'lim maktablarida ularning ehtiyojlarini qondirish maqsadida, ta'lim olishga yo'naltirilgan maxsus pedagogic uslublar ishlab chiqilib, ular yordamida bilim olishga sharoit yaratishlari zarur va kerakdir.

So'zining davomida shuni xam aytishimiz mumkunki inklyuziv ta'lim olish huquqini kafolatlash uchun maktab-internatlarda yashayotgan va ta'lim olayotgan bolalarda deinstitutionalizatsiya jarayonini amalga oshirish kerakligini ta'kidlaydi. Shu munosabat bilan barcha darajadagi mutasaddi tashkilotlar **ushbu guruh tarkibidagi bolalarning deinstitutionalizatsiya qilinishiga qaratilgan tizimli yondashuvlarni** ishlab chiqishi va hayotga tatbiq qilishi kerak. Bu kabi yondashuv ularning jamiyatga qayta integratsiyalashuvini rejalashtirish va amalga oshirish, keyinchalik umumiy ta'lim

muassasalariga yo'naltirishni, institutsionalizatsiya jarayonining oldini olish, ushbu bolalar va ularning oilalari uchun qo'llab-quvvatlash (psixologik, ijtimoiy, moliyaviy, rekreatsion va pedagogik) xizmatlarini yaratishni qamrab olishi darkor.

“Ta'lim to'g'risida”gi qonunning yangi loyihasi shunday ishlab chiqilganki, qonun chiqaruvchilar va unga amal qiluvchilar amaldagi mavjud tizim ustunlariga tayanishmoqchi. Boshqa so'z bilan aytganda, „mutaxassislar“ o'z tavsiyalari bilan nogironligi bo'lgan bolalarning ta'lim olishning qay bir shaklida o'qishlari qaroriga ta'sir o'tkazadilar. Ammo O'zbekistonning ijtimoiy va madaniy yo'nalishdagi tajribasi shuni ko'rsatadiki, institutsional vakolatga ega bo'lgan psixologik-tibbiy-pedagogik komissiyalarning tavsiyalari institutsional kuchga ega bo'lib, **maslahat emas, imperativ xususiyat kasb qiladi**. Bundan kelib chiqadiki, nogiron bolaning qayerda o'qishi borasida psixologik-tibbiy-pedagogik komissiyalarning tavsiyalari ota-onalarda hech qanday shubha qoldirmaydi. Shunday qilib, qonun va uning moddalarini O'zbekistonda nogironlik diskursinining ijtimoiy va madaniy holatidan kelib chiqib o'qish lozim

“Ta'lim to'g'risida”gi qonun loyihasining hozirgi shaklidagi kabi cheklov hech qayerda mavjud emas. Agar biror yordamga ehtiyoj tug'ilsa, demak o'quvchining tanloviga ko'ra har qanday ta'lim muassasasi bu yordamni ko'rsatishi kerak. Agar umumiy ta'lim muassasasida maxsus ta'lim ehtiyojlari bo'lgan o'quvchi tahsil olayotgan bo'lsa, maktab psixologik-tibbiy-pedagogik komissiyaning xulosasiga ko'ra zarur shart-sharoitlarni maktab (rahbariyati) xohishidan qat'i nazar yaratib berishi shart

Huquqlarga ega bo'lish uchun imkoniyatlarni yaratish lozim. 5-moddaga ko'ra, “jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, har kimga ta'lim olish uchun teng huquqlar kafolatlanadi”. Galina Nam mazkur moddaga sog'ligining imkoniyatlariga qaramasdan har kim ilm olish huquqiga ega bo'lishi uchun nogironlikni ham kiritishni taklif qiladi: “Jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqei, nogironlik holati, yoki aks holdagi holatidan qat'i nazar, har kimga ta'lim olish uchun teng huquq kafolatlanadi va to'siqsiz ta'lim olish uchun imkoniyatlar va sharoitlar yaratiladi.”

Nogironligi va rivojlanishida nuqsoni mavjud bolalarning umumta'lim maktablarida tahsil olish huquqi qonun bilan belgilanishi lozim. Agar bola yoki uning ota-onasi bu huquqdan foydalanish istagini bildirsa, maktab zarur shart-sharoitlarni yaratib berishi lozim. Inklyuziya huquq to'g'risida emas, imkoniyatlar to'g'risidagi tushunchalarga asoslangan. Bu yerda katta farq mavjud. Haq-huquq hammadaku bir xil, biroq imkoniyatlarimiz bir xil emas. Inklyuziya hamma uchun teng imkoniyatlar va sharoitlar yaratilishiga qaratilgan.

TARBIYASI QIYIN BOLALAR BILAN ISHLASHNING PSIXOLOGIK OMILLARI

Islomova Bibigul Ziyodullayevna
Navoiy viloyati Karmana tumani 23-maktabi psixologi

O'zbekistonning yangi rivojlanish bosqichida kelajagimiz bunyodkori bo'lgan yoshlarga nisbatan e'tibor yanada kuchaydi. Ayniqsa davlatimiz rahbari Shavkat

Mirziyoyevning “Yoshlarimiz bugungi va ertangi kunimizning hal etuvchi kuchga aylanib borayotgani barchamizga g`urur va iftixor bag`ishlaydi” –deb bildirgan yuksak ishonchlari har bir yoshni maqsad pillapoyalarida odimlashga chorlaydi. Shuningdek xalq ta`limi tizimi sohasida qabul qilinayotgan farmon, qaror va farmoyishlar, kiritilayotgan jiddiy o`zgarishlar ham buning yaqqol dalilidir. Bugungi kunda o`quvchilar bilimi va tarbiyasidagi o`zgarishlarni, ularning har jabhada faolligini, kelajakka bo`lgan ishonch va mas`uliyatini sezish mumkin. Shunga qaramasdan ta`lim tizimida tarbiyasi qiyin bolalarning uchrab turishi kishini xavotirga soladi.

Bola maktab ostonasiga qadam bosgunicha oiladagi yetti yillik hayoti mobaynida dunyoqarashi, xarakteri ozmi-ko`pmi shakllangan bo`ladi. Shunday ekan, bola tarbiyasi maktab bilan oilaning birgalikdagi burchi ekanligini tan olgan holda, bu jarayonda oila birinchi darajada tarbiyachi ekanligini ham nazarda tutilishi lozim. Bolalar narsa va voqealarning mohiyatiga o`zlaricha baho beradilar, ular ezgulik mezonini, intilishlari mo`ljalini dastavval ota-onalari hayoti tarziga qarab belgilaydilar. Yaxshi tarbiya berib, yaxshi kishilarni kamol toptirgan oilalardagi sofdillik, samimiylik, bir-biriga hurmat bolalarda ham shu fazilatlarining kamol topishiga sabab bo`ladi. Ahil oilada bolaning xulq-atvori meyorlari to`g`risida tasavvur va tushunchalari bir –biriga hamohang bo`lgan ota-onalarning farzandlari orasidan tarbiyasiz bola chiqishi mumkin emas. Haqiqat, mehru-oqibat, adolat tushunchalari o`rmini hasadgo`ylik, loqaydlik, ta`magirlik, ma`naviy zaiflik, insoniy munosabatlardagi qashshoqlik, ahloqiy nopoklik hukm surgan oilalarda o`sgan bolalarning tarbiyasi ko`pincha izdan chiqqan bo`ladi. Lekin shuni ham unutmaslik kerakki, tarbiyaning izdan chiqishi uchun goho oddiy bir narsaning o`zigina kifoya. Ota-onaning yengil-yelpi mehnatni oqlab, oson pul topish yo`llarini bolalari oldida maqtab gapirishi, otaning o`z hamkorini mazax qilib, maqtanib aytgan gaplari o`smirga axloqsizlik darajasini ochib beradi.

Odatda tarbiyaning yuksak maqasdlari haqida ko`p gapirib, uning ahloqiy jihatlariga ko`pincha e`tabor bermaymiz, vaholanki, tarbiya to`g`ri bo`lsa, davomiy, uzluksiz bo`lsagina, samara ijobiy bo`ladi.

Tartibsiz, pala-partish, intizomsiz, ishyoqmas, o`qishda qoloq, ta`lim va tarbiyani o`ziga olmaydigan o`quvchilar “tarbiyasi qiyin” bola hisoblanadi. “Tarbiyasi qiyin” bola-shaxsiyatini birdaniga tushunib olish murakkab bo`lgan, o`ziga alohida yondoshishni talab qiladigan shaxsdir.

“Tarbiyasi qiyin” bola yoshligidan diqqat-e`tiborga ,izzat-hurmat,mehr-muhabbatga g`oyat tashna bo`ladi. Bunday bolalar bilan ishlaganda mehribon va g`amxo`r bo`lishni unutmaslik kerak. Chunki bunday bolalar salbiy beqarorlikka yo`liqqanligi uchun ularning xulq-atvori izdan chiqqan bo`ladi. O`qituvchilar ham bunday hollarda sinfdagi xuddi ana shunaqa bolalar bilan shug`ullanishga vaqt topishmaydi, ularga “tarbiyasi qiyin” bolalar deb qaraydilar. Zero, o`smir hayotining shunday mas`uliyatli va qaltis davrida unga to`g`ri yo`l ko`rsatish, unda endigina kurtak otayotgan illatning oldini olish, bolaning kelgusi taqdirida muhim rol o`ynaydi.

Bolani “ tarbiyasi qiyin” holatga olib keluvchi yagona sabab yo`q. Shuningdek ularni axloqsizlik illatlaridan sog`aytirib qo`yadigan yagona shifobaxsh vosita ham yo`q. Bu bolalik davrida tarbiya yaxshi bo`lmaganligidan, kichiklarning kishilarga foyda keltiradigan eng yaxshi fazilatlar, sahovat, mehr-shafqat egasi qilib tarbiyalashlari, shu sifatlarni shakllantirish hamda kamol toptirish fursati boy

berilganligidandir. Kattalarning xatolari, qo`rsligi, aldashi, vijdotsizligi, ma`naviy nopokligi, ularning yomon yo`lga kirib ketishiga sabab bo`ladi.

O`smir kamolotining eng og`ir davri uning xarakterining shakllanish jarayoni maktabda ta`lim olish yillariga to`g`ri keladi. Xarakterining shakllanishi esa o`spirinning atrofdagilar bilan bevosita aloqasiga bog`liqdir. Qaysi hayotiy va kasbiy yo`lni tanlashi, ustozining uni qanday tarbiyalashi va yo`naltirishi kuniga besh-olti soat maktabda bo`ladigan bolaning kelajagini ko`p jihatdan belgilaydi. Uni kamolotning to`g`ri yo`lidan olib boradigan, olamni tanitadigan, oqil, olijanob, abadiy ezguliklarga o`tgatadigan muassasa bu –maktabdir. Ba`zi bir maktablarning “zaif” tomoni shundaki, o`qituvchilarning hammasi ham muallimlik va tarbiyachilik vazifasini birga uyg`unlashtirib olib bora olmasliklaridadir. Odatda ular o`quvchilariga o`z darsini o`zlashtirishi yoki o`zlashtira olmasligiga qarab baho beradilar. Shuni doimo esda tutish lozimki, yomon o`qiydigan bolalar yomon odam emas, ya`ni bilimga qo`yilgan baho shaxsga berilgan baho bo`la olmaydi.

Har qanday kasalni davolagandan ko`ra uning oldini olgan ma`qul. Shuning uchun har bir bola bilan ishlash tizimini izchil yo`lga qo`yish zarur. Ularning qiziqishlari, qobiliyati, layoqati, bilish jarayonlarini, oilaviy ahvoli, shuningdek oiladagi shaxslararo munosabatlarni ham alohida e`tiborga olish lozim. Negaki bugun jamiyatimizda notinch oilalar, qayta tashkil etilgan oilalar, yolg`iz ona yoki ota qo`lida tarbiyalanayotgan oilalarning farzandlari, ijtimoiy hamda alohida himoyaga muhtoj oila farzandlarining umumiy o`rta ta`limda tahsil olayotganligini unutmazlik darkor. Shuningdek ma`lum sabablarga ko`ra ota-onasi chet davlatga ishlash uchun ketgan, hamda farzandlarini yaqin qarindoshlari qaromog`iga qoldirib ketgan, vasiylikka olingan oila farzandlari, ajrashish ostonasida turgan hamda ota-onasi ajrashgan oila farzandlarini ham alohida nazarda tutish lozim. Chunki bunday sharoitda yashayotgan o`smirlarda sog`inch, tushkunlik, stress holatlari uchraydi. E`tiborsiz qoldirilgan hamda mayda-chuyda deb hisoblangan narsadan katta baxtsizlikka duchor bo`lish ehtimoli tug`iladi.

Ta`lim muassasalarida “ tarbiyasi qiyin” bo`lgan bolalar va o`smirlar o`rtasida olib boriladigan tarbiyaviy tadbirlarning samaradorligi ularda faol hayotiy pozitsiyani shakllantirish. o`qituvchi va o`quvchi o`rtasida o`zaro yaqinlik va sog`lom munosabatni o`rnatishga bog`liqdir. Shuning uchun o`qituvchining berayotgan e`tiborini, ularni o`zlariga yaqin olayotganligini va yordam bermoqchi bo`layotganligini o`smir har doim his qilib turishi muhim hisoblanadi. Shuningdek o`smirning shaxs sifatidagi shakllanishi jarayonini, uning o`ziga xos xususiyatlarini, xarakteri va psixologiyasini hisobga olgan holda ish tutish yaxshi natija berishini unutmazlik lozim. Bunday bolalar bilan ishlashning muhim shartlaridan biri ta`lim muassasasi va oila hamkorligini to`g`ri yo`lga qo`yishdir. Ko`pincha oila va muassasasa hamkorligi, ota-ona va o`qituvchi o`rtasidagi o`zaro aloqaning uzilishi tufayli bolalarda uchraydigan bu holatni tuzatish ancha qiyin kechadi.

Kattalar har bir bolaning qanchalik to`g`riso`zligini, mehnatsevarligini, vijdonliligini, do`stlik hamkorlikni qanchalik his qilishini kuzatib, bilib borishi zarur. “Tarbiyasi qiyin” bolalarda tajanglik, qo`pollik, yolg`onchilik, bezorilik, egoizm, qaysarlik, o`jarlik, intizomsizlik, qoidalarga rioya qilmaslik, o`zbilarmonchilik kabilar kuzatiladi va bunday hislatlarga ega bo`lgan yoshlarni tarbiyalashda individual

yondashuv lozim. Chunki ular jamoa yoki ko'pchilik orasida o'zlarining ayblarini oshkor bo'lishini yoki tarbiya, tanbeh berayotgan kishining nasihat yoki ko'rsatmalariga bo'sunishni yoqtirmaydilar. Ular bilan muomalada nihoyatda ehtiyotkorlik, samimiylik, do'stona munosabatda bo'lish talab etiladi.

Yoshlar bilan ishlashda ularning xarakteri, qiziqishlari, shaxsiy xususiyatlarini e'tiborga olish lozim. Ko'p nasihat qilmaslik, ovozni baland ko'tarmaslik, ko'p gapirmaslik maqsadga muvofiq. O'zaro samimiy munosabat, shaxsiy namuna, oila va maktabdagi kishilarning ishga ijobiy munosabatigina yoshlarda shunday bo'lishga havas tug'diradi.

Tarbiya inson uchun kurash demakdir. Bolaning qanday bo'lishi-bu shaxsiy ish bo'lmay balki jamoatchilikni qiziqtiradigan muammodir.

Bolani tarbiyalaganda ,u qilgan gunohining mohiyatini yaxshi anglamasligi, oqibati nima bilan tugashini tasavvur eta olmaganligini hisobga olish ham muhimdir. U chinakam mard inson bilan do'st ,o'rtoq bo'lishni orzu qiladi. Yanglishib yoki adashib yomonlar ta'siriga tushib qolganda esa unga darhol to'g'ri yo'l ko'rsatilsa, har tomonlama maqsadga muvofiq bo'ladi. Zero, birgina daraxt qalin o'rmonzorni boshlab berishi mumkin. Birgina tabassum noxushliklarni bartaraf etishi mumkin, birgina shirin so'z siniq ko'ngillarni shod qilishi mumkin. Birgina umid yuksak muvaffaqiyatga yetaklashi mumkin.

Adabiyotlar:

- 1.Shoumarov Sh."Muhabbat va oilaviy hayot" T.Ibn Sino nashriyoti. 1990
- 2.Karimova V.M "Oilaviy hayot psixologiyasi" T. 2006
- 3.Yodgorova G.T "Tarbiyasi qiyin guruhga mansub bolalar bilan ishlash" T.2007

ФАОЛИЯТНИНГ БОЛА ШАХСИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ ҲАМДА УНИНГ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ

Утеулиева Гулиехра Аблаевна

Қорақолпоғистон Республикаси Қонликул туман 23-мактаб психологи

Фаолият одамнинг ички (психик) ва ташқи (жисмоний) активлигидан иборат булиб, англанадиган мақсад билан бошқарилади. Фаолият билиш ва ирода билан ажралмас боғлиқдир, фаолият билиш ва иродага асосланади ва бу жараёнларсиз вужудга келмайди. У мақсадга қаратилган активлик курсатиш жараёнидир. У махсус инсоний типдаги активликнинг узига хос хусусиятлари мавжуд . Улардан; 1) фаолиятнинг мазмуни шу фаолиятни амалга оширадиган эҳтиёжларнинг узи билангина белгиланмайди . Агар эҳтиёж фаолиятга мотив сифатида мадад бериб, уни рағбатлантирса, фаолиятнинг уз шакли ва мазмуни ижтимоий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олиш сифатларини ривожлантиради.

Одамда ҳар хил турдаги фаолиятнинг пайдо булиши ва тараккиёти жуда мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир. Боланинг фаоллиги унинг камолати давомида фақат секин- аста, таълим ва тарбиянинг таъсири остида онгли мақсадга мос фаолият шакллана олади. Аввало, бу фаоллик импульсив (яъни ихтиёрсиз)

характерда булади. Кейинчалик коммуникатив хулк-атвор ривожланади. Узро муносабат ва информатсия аллашишнинг энг асосий воситаси булган нутк оркали алоқа килишни билиб олади. Нуткни узлаштириш образларни нарсалар ва харакатлардан ажратиш, нарсаларнинг мазмунини фарк килиш ҳамда уларни хотирада мустахкамлаб, иш-харакатларни бошқаришда фойдаланишнинг энг мухим шарт-шароитларини юзага келтиради. Бу эса ушиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш ва уни жамиятимиз учун комил инсон килиб шакллантириш имконини беради.

Тарбия боланинг актив фаолиятини тугри ташкил этиб, йулга солиб турса, ундаги шаклланаётган мавжуд сифатлар фаолиятнинг хар хил турларида намоён булиб, усаётганини хисобга олиб турса, тарбия муваффакиятли булади. Бола психикаси уйин, укиш, урганиш, меҳнат ва ижтимоий фаолият жараёнида усади. Уйин богчагача ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар фаолиятининг етакчи туридир, бола шахсини таркиб топтирадиган фаолиятнинг биринчи тури уйиндир. Уйин бола шахсининг камолга етишига хар томонлама таъсир курсатади. Уйин хар бир ёш даврида боланинг теварак атрофдаги дунёни ва кишилар уртасидаги муносабатларни билиб олишни ифодалайди. Болаларнинг моддий дунёга, кишиларга, узига муносабати узгараётгани уйинда намоён булади. Болаларнинг эҳтиёжлари, истак ва кизикишлари бевосита уйинда ифодаланади. Уйин болаларнинг хаёлпарастликлари сабабли нарсалар ва кишилар дунёсини улар учун маъкул томонга «узгартиш» имкониятини берадиган фаолиятдир. Педагогик нуктаи назаридан, окилона йулга куйилган уйин шахсни хар томонлама устиради: билиш, ирода ва хиссий жараёнларни, характер сифатларини тараккий эттиради ва согликни мустахкамлайди.

Болалар уйинлари маънавий сифатларнинг мустахкамланиши учун ва одоб-ахлоқ коидаларини билиб олиш учун кенг имкониятлар беради. Болаларнинг эҳтиёжлари, истаклари ва мустакилликка интилишлари билан уларнинг реал кучлари ва имкониятлари уртасидаги зиддиятлар уйинда ечилади.

Уйиндан хулоса бошланади. Бу ижтимоий белгисига кура уйин булса ҳам, психологик тузилишига кура, меҳнатга (максад фаолиятнинг узи эмас, балки унинг натижасига каратилган) укишга якинлашади.

Фаолиятнинг 2- тури укиш фаолияти хисобланади. Болалар мактабда укиб ва тарбияланиб малака, одат, куникма ва билимлар хосил киладилар. Уларда шахс сифатлари таркиб топа боради. Укиш-урганишда болаларнинг майл ва кобилиятлари намоён булади ва мустахкамланади. Билиш, ирода ва хиссий жараёнлари укиш-урганишда юзага чиқади ва тараккий килади. Болалар аклий жихатдан анча урганибгина колмай, уларнинг характер сифатлари ҳам узгаради, ахлокий жихатдан ҳам узгарадилар.

Инсоннинг маълум билим, куникма ва малакаларни узлаштиришда онгли максад билан бошқариладиган барча харакатлари таълим билан боглик булади.

Укув фаолияти одамни ижтимоий фойдали активликнинг хар хил турлари учун зарур булган билимлар, куникма ва малакалар билан факат куроллантириб колмайди. Укув фаолияти, шунинг билан бирга хал килаётган, килинаётган масалаларга мос равишда уз психик жараёнларини бошқара олишни, уз харакатлари, малака ва тажрибаларини танлаб олиш, ташкил килиш ҳамда

йуналтира олишни одамда таркиб топтиради ва у одамни меҳнат фаолиятига таёрлайди.

Фаолиятнинг 3- тури меҳнат жараёнидир. Болалар шахсининг таркиб топишига уйин, укиш-урганиш ҳар қанча таъсир этмасин, киши шахси меҳнатда тамомила ва тула туқис таркиб топади. Меҳнатда бола маънавий жихатдан узгаради. Меҳнатни менсимайдиган, тантик, эрка, нозик- ниҳол болаларда ижобий сифатларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Меҳнат жараёнида инсоннинг ҳамма ижобий сифатлари : уз –узини тута билиш, сабр-тоқат, ҳамкорлик, дустлик ва биродарлик, чидам каби ҳислатлари шаклланади. Шунинг учун ҳам меҳнат одам психикасининг таркиб топиш омили сифатида тан олинади. Бу ҳақида К. Д. Ушинский шундай дейди : « Одамда жиддий меҳнатга каттик ҳавас утини ёқиш керак, одам бундай меҳнатсиз инсон шаънига ярашадиган ҳаёт кура олмайди ҳам, бахтли ҳаёт кечири олмайди ҳам» (« Меҳнатнинг психологик ва тарбиявий аҳамияти» мақоласидан)

Меҳнат маълум ижтимоий фойдали, моддий ёқи маънавий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдан иборатдир. Меҳнат фаолияти одамнинг асосий, етакчи фаолиятидир. Агар меҳнат қилишдан тухтаб қолинадиган бўлса, инсоният зоти уз ҳаётини тугатган булур эди. Шунинг учун ҳам меҳнат фаолиятига одамнинг яшашини таъминловчи бошқа турлар устидан галаба қозонтиривчи ҳамда табиат қучлари ва нарсаларидан одамни фойдалантирувчи маҳсус инсоний ҳатти-харакат тури деб қараш мумкин.

Демак, тарбия тараккиётининг қудратли омили бўлиб, тарбия жараёнида боланинг тугма хусусиятлари уқиши билан бирга, ноқулай ирсий белгилари барҳам топиши ҳам мумкин. агар тарбия боланинг ички ативлигини ҳисобга олгандагина, тарбиявий таъсир натижаларининг қандай бўлишини болаларни психик хусусиятларига ва актив фаолиятига қараб олдиндан айтиб бергандагина, тарбия тараккиётнинг қудратли ва ҳал қилуқи омили бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Қаримов. Юқсак маънавият – енгилмас қуч. Т., 2008. 171б.
2. А.Расулова. Мақтаб оиладан бошланади. Т., 2013. 239 б.
3. Л.Божович. Проблема формирование личности. М., 1997. 349с.
4. З. Нишонова. Психик таракқиёт диагностикаси. Т., 2004. 150 б.

БОЛАДА ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Улмасова Дилдораҳон Ҳикмат қизи

ЎзХИАси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси таянч докторанти

Аннотация. Мақолада бола эмоционал интеллекти ривожланишига таъсир этувчи омиллар баён этилади.

Қалит сўзлар: психика, эмоционал интеллект, эмоция, метод, тадқиқот, ёндашув, биологик омил, социал омил.

Жаҳон психологиясида эмоция муаммоси ҳар доим психологиянинг марказий масалаларидан бири бўлиб келган. Психиатр З.Фрейд, психолог В.Вундт ўз асарларида эмоция унинг психофизиологик хоссалари тўхталиб ўтилган. Е.Ильин “Эмоция и чувства” асарида эмоция ва ҳиссиётларнинг фарқини кўрсатиб берган. [5,32-б] Лекин “эмоционал интеллект” атамаси психология фанга XX асрнинг 90-йилларидан кириб келган. Ушбу атамани фанга Питер Словей 1990 йил ўз мақоласида киритган. [2,36-б] Эмоционал интеллект – ўз ҳамда ўзгаларнинг ҳис туйғуларини тушуна олиш, зарур вақтда бошқара олиш қобилиятидир. Бугунги кунга келиб, эмоционал интеллектга оид бир қанча ёндашувлар мавжуд. Уларга мисол қилиб, J. Mayer, P. Salovey, D.R. Caruso; R. Bar-On; D. Goleman; Д.В. Люсин; И.Н. Андреева; И.И. Ветрова; Е.А. Сергиенко ва бошқаларни киритиш мумкин.

1995йил Даниэл Гоулман “Эмоционал интеллект” китобини нашр этди у ўз асарида инсон ҳиссиётларини тўғри акс эттира олиши муҳимлигини ёритиб берди. [3,21-44] Шу ўринда бола ҳаётида эмоционал интеллектнинг аҳамиятига тўхталмоқчимиз.

Бола ҳаёти, муваффақияти, танлов ва қарорлари унинг эмоциялари билан бевосита алақадор. Шунинг учун ҳам болада ўз эмоцияларни бошқариш, зарур вақтда уларни тўғри йўналтира олиш кўникмасини шакллантириш муҳимдир. Ушбу тезисда бола эмоционал интеллекти, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни назарий таҳлил этамиз.

Бола эмоционал интеллекти қай даражада ривожланган бўлишига таъсир қилувчи омилларни ўрганган олимлар қаторига О.И.Власова, Дж.Мэйер, Д.Гоулман, Т.П.Березовская, А.В.Либин, В.М.Русалов, С.И.Дудин, А.Эллис, Х.Джекинс, Д.Д.Гуастелло, С.Дж.Гуастелло, В.Д.Шадриковаларни киритиш мумкин. [1, 28-б]

Эмоционал интеллект ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганган олимлар уларни 2 гуруҳга ажратади:

1. Биологик шарт;
2. Ижтимоий шартлар.

Олимлар биологик шартланганликка қуйидагиларни киритишган: ота-оналарнинг эмоционал интеллекти даражаси, тафаккурнинг типлари, эмоционал таъсирчанликнинг наслий тухфалари, темперамент хусусиятлари, ахборотни қайта ишлаш хусусиятлари киради. Болада эмоционал интеллект ривожланишининг социал шартлари сифатида рационаллик, ўз ўзини англашининг ривожланиш босқичлари, эмоционал компетентликка бўлган ишонч, ота-оналар маълумоти даражаси, оилавий тушум, оиладаги муносабатнинг эмоционал тинч, хотиржамлиги, ташқи локус назоратнинг барқарорлиги ҳамда эътиқод қиладиган дини киритилади.

Д.Д.Гуастелло ва С.Дж.Гуастелло тадқиқотларида болалар ва уларнинг оналари ЭИи даражаси ўртасида сезиларли корреляция аниқланди. Шу билан бир вақтда болалар ва уларнинг оталарининг ЭИи даражаси ўртасида бундай корреляция йўқлиги исботланди. [1,46-б] Бошқа тадқиқотларда эса Ота-онанинг

маълумоти даражаси ва оилавий тушум қанчалик юқори бўлса, ўсмирларда эмоционал интеллект кўрсаткичлари шунчалик юқори натижани кўрсатган.

Шахс ривожланишининг энг эрта босқичларида ўз-ўзини бошқариш механизмлари ҳам шаклланади. Болада “Мен” образи қай даражада ривожланганлиги унинг эмоционал интеллектига ҳам таъсир кўрсатади. Бундан ташқари диний тарбия олган болаларда эмоционал интеллект даражаси юқори бўлиши аниқланган. Чунки дин бола ҳаётида содир бўлаётган стрессли вазиятларда оптимистик кайфиятни сақлаб қолиш, диний ибодатларни амалга ошириш эса катарсис ҳолатига тушириш вазифасини бажариб, инсонни эмоцияларини бошқаришга ҳамда бошқа одамларнинг ҳам кечинмаларига эмпатик муносабатда бўла олишга ўргатади. Шундай экан, В.Д.Шадрикованинг – иймон эътиқод инсон хис-туйғуларини нафақат эмоционал бойитади, балки унинг ички ҳаётини қайтадан қуриб, унга янги сифат бериш билан унинг эмоция ва хис-туйғуларини бойитади, - деган фикрига қўшилиш мумкин.

Бугунги кунда эмоционал интеллектни ривожлантириш мақсадида икки ёндашув олимлари ҳам, уларга қандай қилиб ижобий таъсир кўрсатиш мумкинлиги ҳақида изланишлар олиб бормоқдалар. Эмоционал билим ва малакалар махсус ўқитиш жараёнида эгалланиши ҳам мумкин деган фикрлар ҳам мавжуд. Психолог олимлар бу фикрни ҳам ривожлантиришга интиломоқдалар. Сабаби эмоционал интеллектни ривожлантириш орқали бола жамиятга мослашиши, шахслараро ўзаро таъсирни фаоллаштириш, ижтимоий ва бошқа позитив хулқ-атворни шакллантиришга асос бўлади. Бола хулқ-атворида деструктив фикрларни камайишига кўмак беради. Шундай экан психологлар бола эмоционал интеллектини ривожлантиришга ота-оналар, педагогларга тавсиялар беради. Хусусан, ота-онанинг фарзанди билан суҳбатлашаиши уни эмоцияларини сўзлар билан ифодалаб беришига кўмак бериши боланинг эмоционал компетентлигини ошириш билан бирга дуч келиши кутилаётган стрессли вазиятларни осон енгишига кўмак беради.

Ота-оналар фарзанди ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эртақлар, ҳикоялар ўқиб бериши, сўнгра биргаликда қахрамонлар ҳиссий ҳолатини таҳлил этиш ҳам бола эмоционал интеллектини оширишда яхши самара беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Андреева И.Н. Эмоциональный интеллект как феномен современной психологии. Новополюк: ПГУ, 2011. 388 с.
2. Bar-On R. Emotional Quotient Inventory: a measure of emotional intelligence. NY: Multi-Health Systems, Inc. 2008. 36 p.
3. Fiori M. A new look at emotional intelligence: A dual-process framework // Personality and Social Psychology Review. 2009. Vol. 13. № 1. P. 21—44. doi:10.1177/1088868308326909
4. Mayer J.D. Emotional Intelligence: Popular or Scientific Psychology. N.Y., 2005.
5. Ильин Е.П. Эмоции и чувства. СПб., 2001. С32.

O'SMIRLIK DAVRIDA O'QUVCHILARNING O'QISH FAOLIYATI VA KASB TANLASH MUAMMOSI VA YECHIMLAR

Bibalayeva Dilafruz Eshqulovna
Sirdaryo viloyati Guliston tumani 2-maktab psixologi

Annotatsiya. O'qituvchi va tarbiyachi uchun bolalarning o'smirlik davri psixologiyasini bilish psixologik nuqtai nazaridan ham pedagogik nuqtai nazaridan ham muximdir. Bu davrni biz yana o'tish davri ham deb ataymiz. O'smirlik davri asosan 11-15 yoshdagi bolalarni o'z ichiga qamrab oladi, ya'ni 5-8 sinf o'quvchilarini. O'smir o'quvchilarni ta'lim va tarbiya berish ishlarida uchraydigan ayrim qiyinchiliklar bu yoshdagi bolalarning psixik rivojlanishi va xususiyatlarini ba'zan yetarli darajada bilmaslikdan yoki inkor qilishdan kelib chiqadi. Maqolada o'smirlik davri psixologik xususiyatlari va ulardagi o'qish faoliyatiga ta'sir etuvchi omillar, shuningdek, kasb tanlash muammolari hamda ularning yechimi o'rin olgan.

Kalit so'zlar: O'smirlik davri, ta'lim, tarbiya, o'smir psixologiyasi, yosh xususiyatlari, kasb tanlash motiv.

Kirish qismi: O'smirlarning yosh xususiyatlarining o'ziga xosligi.

Psixologlarning fikricha yosh psixologik xususiyatlari faqatgina yolg'iz biologik jihatidan yetilishi va taraqqiyot etilishining natijasi bo'lmay balki bolaning ijtimoiy hayot sharoitlari va faoliyatlarining o'zgarishi hamda bu jihatdan yangi ijtimoiy omillarning paydo bo'lishi natijasida o'smirning taraqqiyotiga va unga beriladigan maktabdagi ta'lim va tarbiya berishni aniq tashkil qilish o'smirlarning konkret hayot sharoitlari va faoliyatning mahsuli deb qarab bo'lmaydi.

Boshqacha qilib aytganda ijtimoiy sharoitlar rolini konkret hayot sharoitlari va faoliyatlarining rolga almashtirib bo'lmaydi. Mana shu yuqorida aytilganlardan shunday xulosa qilish mumkinki, o'smirning yoshi va uning hususiyatlari absolyut ahamiyatli kasb etmaydi shu munosabat bilan o'smirlik yoshi mutloqo aniq ma'lum va absolyut chegara hamda xarakteritsikaga ega emas bu erda ancha muhim bo'lgan ma'lum fikrlar bor. Bu farqlarni konkret ijtimoiy omillarning ta'siri bilan va o'smirlarga beriladigan turli ta'lim va tarbiya sharoitlarining ta'siri bilan tushuntirish mumkin. Taraqqiyotning asosiy yo'nalishi bolaning o'smirlik davridagi taraqqiyotining asosiy xarakteritsikasini ajratish mumkin. O'smirlik davri organizmning jo'shqin o'sish davridir. Bu davrda tananing intensiv ravishda rivojlanishi yuzaga keladi, qo'l apparatlari mutsahkamlanadi va skeletning suyaklanish jarayoni davom etadi. Bu davrda yurak qon tomirlari sitsemasining taraqqiyotida mos kelmaslik hodisasi kuchlaniladi. Bu paytda yurak xajmi jihatidan ancha kattalashadi, ancha kuchli ishlay boshlaydi. O'smirlarning yoshi ham jismoniy psixik xususiyatga egadir. –Organizm, Pavlov ta'limotiga ko'ra, bir butun sitsemadan iborat bo'lib, bunda barcha to'qimalar va organlar fiziologik jarayonlar uzviy ravishda bir-biri bilan bog'langan bo'ladi. Lekin bir butunlikda nerv sitemasi va uning bilan bog'langan yuqori qismi I.P. Pavlov so'zi bilan aytganda organizmda sodir bo'ladigan barcha hodisalarni boshqarib turuvchi bosh miya po'tsi asosiy yetakchi rolni o'ynaydi. O'smirlik yoshida nerv sitsemasining yuqori qismi sifat jihatidan o'sa boshlaydi va miya ichki tuzilishining murakkablashishga o'tadi.

1. O`smirlik yoshining rivojlanishiga mehnat faoliyatining ta`siri.

O`smirlik yoshida mehnat ancha uyushqoqlik xarakterida bo`ladi. O`smirlik shaxsning tarkib etishida o`yin ahamiyatini yo`qotmaydi. O`yin o`smirlik yoshida yuksak ahloqiy tuyog`ularning irodaviy xarakter xislatlarning o`shishiga yordam beradi. O`yin o`smirni intizomli bo`lishga o`rgatadi, o`yin o`ylashga, fahimlashga eslab qolishga biror narsani qilishdan oldin planlashtirishga va diqqatli bo`lishga da`vat etadi. O`smirlik kollektivi boshlang`ich sinf o`quvchilari kollektiviga qaraganda maktabda ham uyda ham, butunlay boshqa o`rin tutadi. Boshlang`ich sinflarda o`quvchilarning qiziqishi va faoliyatlari asosan sinf ishlari bilan cheklangan bo`ladi. O`smirlik yoshida va o`quvchilar pioner drujinasi barcha ishlarida esa ishtirok bo`ladilar. Bularning hammasi o`quvchilarni aloqasini tobora murakkablashtirib boradi. Bu yerda eng asosiy narsa shundaki, bu narsalar o`quvchilar kollektivining ko`p qirrali ijtimoiy hayoti bilan yashay boshlaydilar va bu hayotdan o`z o`rinlarini topishga harakat qiladilar. O`smir shu yoshning datslabki davrlarida oldin o`zlashtirib bilimlari asosida yangi bilim o`l boshlaydi. Bu bilim boshlang`ich maktabda ham o`qituvchi ham tarbiyachi bo`lgan o`qituvchi emas. U endi bir qator o`qituvchiga ko`nikish har biriga o`ziga yarasha muomala qilishi ularning talablariga ko`nikishi va shunga qarab o`zini tutish kerak. Shu sababli o`quvchi o`smirlar bir xil to`la sezmaydilar ular kattalarning shaxsiy xulqlari faoliyatlari va munosabatlarini quradilar. Ularning kattalar tomonidan o`zlariga shaxslarga berilgan har xil baholarni eshita boshlaydilar. O`smirlik yoshiga etganida bolalarda burch va javobgarlik tuyg`ulari etarli darajada o`sgan bo`ladi. Bolalar o`zlari ongli ravishda tanlagan qobil bo`lib qoladi. Mana shu davrda kattalar bolalarga «bemalol ish topshirishni ishonadilar» o`smirlarni oilada «kichkina» deb hisoblamay ulardan ho`jalik ishlariga yordam berish topshirilgan ishga javob berishni talab qiladilar. Ular bilan maslahatlashadilar ba`zi o`smilar ayniqsa ular o`rta maktab yoshining oxiriga borganda xatto o`ziga yaqinlarini qo`llovchi va tayanchi bo`lib qoladilar.

2. O`smirlarning kun tartibi va o`qish faoliyatini tashkillashtirish bo`yicha so`rovnomalar tahlili.

Mamlakatimizda eng ommapob deb topilgan saytlaridan biri bo`lgan kun.uzning o`smirlarning kun tartibi va o`qish faoliyatini tashkillashtirish bo`yicha so`rovnomalar o`tkazdi. "Ijtimoiy fikr" so`rovnomasi natijalariga muvofiq, o`qish jarayoni o`smirlarga yoqadi, ular umuman olganda o`z ta'lim muassasalaridagi ta'lim va tarbiya jarayonini ijobiy baholashgan. Shuningdek maktabda tengdoshlari bilan muloqot qilish va turli tadbirlarda qatnashish imkonining mavjudligi ham ta'lim muassasasida vaqt o`tkazish foydasiga xizmat qilishi aniqlangan. So`roq qilinganlarning aksariyati maktabda olingan bilimlar ularning kelajagi uchun muhim ahamiyatga ega ekanligiga ishonchi komil. O`smirlarning aksariyati sevimli darsi sifatida matematika va informatikani qayd etgan. Har beshinchi o`quvchi ona tili va tarixni sevimli fani sifatida keltirgan. Har o`ninchi o`quvchi ingliz tili darsini belgilagan. Tadqiqotlar natijalari har ikkinchi o`smirning biror fan bo`yicha qo`shimcha mashg`ulotlar yoki ijodiy to`garaklarga qatnashini ko`rsatgan. Qo`shimcha mashg`ulotlar ko`pincha oliy ta'lim muassasasiga kirish uchun chet tillari, matematika, ona tiliga oid bilimlarni chuqurlashtirish bilan bog`liq. O`smirlik davrida kun tartibini buzishning jiddiy shakllaridan biri - mashg`ulotlarni o`tkazib yuborish. Bu o`smirlarning nafaqat maktab qoidalarini, balki boshqa ijtimoiy normalarni ham buzishga moyilligiga ishora qilishi mumkin. O`quvchilarning izoh

berishlaricha, ular asosan kasallik tufayli darslarni o'tkazib yuborishgan. Ba'zi o'smirlar, asosan qishloq joylarda yashovchi o'quvchilar ota-onalariga yordam berishlari sababli ham mashg'ulotlarga kelmay qolgan vaqtlari bo'ladi. Har o'ninchi o'smir oilaviy tadbir sabab darsni o'tkazib yuboradi. Shu bilan birga, o'quv materialini o'zlashtirmaganlik va uyga vazifani bajarmaganlik tufayli tekshiruvdan qochib, doska oldida javob berishdan qo'rqib, nazorat ishlarini yozishni uddalay olmaslikdan xavfsirab darslarni o'tkazib yuboradiganlar ham mavjud. O'smirlarning uyga vazifalarni bajarishga o'rtacha ikki soat vaqt ketadi. O'g'il bolalarga qaraganda qiz bolalar uy vazifalarini tayyorlashga ko'proq vaqt sarflashar ekan. Ma'lumotlarga ko'ra, 65,2 foiz o'smir uchun o'qishdan bo'sh vaqtda eng ahamiyatli mashg'ulot - do'stlari bilan muloqot qilish. O'smirlarning yana bir sevimli mashg'uloti - televizion ko'rsatuvlarni tomosha qilish. So'rovnoma davomida aniqlanishicha, so'nggi vaqtlarda badiiy adabiyotlar va o'quv qo'llanmalarini o'qish, ijtimoiy tarmoqlarda muloqot qilish, ijodiy to'garaklar va sport seksiyalariga qatnash ham o'smirlar orasida ommalashgan. Shuningdek 75,9 foiz o'smir uy xo'jaligini yuritishda va 72,9 foiz o'smir kichik uka-singillariga qarashga ota-onasiga yordam berishi aniqlandi. Qishloq joylarda yashovchi o'quvchilar esa, bundan tashqari, qoramollarni parvarish qilishda ham kattalarga ko'mak berishadi. Tadqiqot natijalariga ko'ra, deyarli har uchinchi o'smir biror bir jiddiy qiziqishga ega emas va bo'sh vaqtini asosan televizor qarshisida yoki tengdoshlari bilan ko'chada o'tkazadi. Biroq "Ijtimoiy markaz" mutaxassisleri fikricha, aynan shu yoshda o'smirlarning band bo'lishi, ijodga qiziqishi, sport seksiyalariga qatnashi va chet tillarni o'rganishi juda muhim.

Shaxsda kasbiy o'zligini anglash shakllanishini kasbiy mahoratning vujudga kelishidagi asosiy mezonlardan biri sifatida ham bir nechta bosqichlarni ajratish mumkin:

1. Kasblar olami haqidagi aniq – ko'rgazmali tasavvurlarning paydo bo'lishi davri. Bu davr 2,5-3 yoshdan boshlanib 10-12 yoshgacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Taraqqiyot davomida bolaning ongida kasblar olami haqidagi turli-tuman tasavvurlar shakllanib boradi. Boshlang'ich ta'limda esa yetakchi o'quv-biluv faoliyatida o'quvchining kasblar haqidagi tasavvuri yanada kengayib boradi.

2. O'zini kasbiy bilish davri. Ko'plab kasblar haqidagi tasavvurlarni o'zlashtirib olgach, o'quvchi ularni u yoki bu shaklda qo'llay olishi kerak. Kasblar haqida yetarli bilim, ko'nikma va tayyorgarlikka ega bo'lmaganlari sababli ba'zi o'quvchilar o'zlarini biror kasbiy sohada namoyon eta olmaydilar. Biroq ularda yangi yetakchi faoliyat tengdoshlari bilan muloqot jarayonida o'zini bilishga bo'lgan ehtiyoj yanada kuchli namoyon bo'ladi.

3. O'zini kasbiy aniqlash davri. Ushbu bosqichda kasbiy o'zlikni anglash yakunlanadi. Bu davr maktabni tugatgandan keyin ham davom etishi mumkin. O'quvchida kasbni o'rganishning aniq yo'nalishi, barqaror qiziqishlar, kasbning talablariga mos bo'lgan shaxs xususiyatlarining shakllanishi kuzatiladi.

Shaxsning kasbiy shakllanishida ijtimoiy vaziyatlar va yetakchi faoliyat muhim omil hisoblanadi. Kasbiy ta'lim oila va maktabda amalga oshiriladigan kasb tanlangunga qadar davom etgan mehnat ta'limi va tarbiyasi negizida, ya'ni kasb tanlashga psixologik tayyorlash hamda mehnat faoliyatiga ruhan tayyorgarlikka ko'maklashadigan yo'nalish sifatida davom ettiriladi.

3. Xulosa. Ma'lumki, maktab ta'limi o'smir bilish jarayonlarini rivojlanish yo'nalishini sifat jihatidan o'zgarishda asosiy omil bo'lib xizmat qiladi. O'qish o'smirlar hayotida katta o'rinni egallaydi. Ular uchun mashg'ulotlarning mustaqil shakllari yoqadi. Boshqa davr bolalariga nisbatan o'smirlarning fanlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirishlari, qiziqishlarining ortishi, o'qituvchining o'quv materialini tushuntira olish mahoratiga bog'liq. O'qish faoliyati asosida o'smirning o'z-o'zini anglash darajasi kengayadi, boshqa odamlar, atrof olam haqidagi bilimlari chuqurlashadi. Psixik rivojlanishning yangi bosqichi boshlanadi. Bilim o'rganish ehtiyojlari asosida asta-sekinlik bilan o'quv fanlariga nisbatan qat'iy ijobiy munosabat shakllanadi. Bu davrda o'qishning yangi motivlari yuzaga keladi. Bu motivlar o'smirning, hayotiy rejalari, kelajak kasbi va ideali bilan bog'liq bo'lgan holda bilish jarayonlari rivojlanish xarakteriga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Aynan o'smirlik davridan boshlab, bolalar hayotiy, ilmiy, badiiy bilimlarni kengaytirishga alohida ehtiyoj sezadilar va bunga harakat qiladilar. Bilimli bola tengdoshlari orasida hurmatga sazovor bo'ladi. Bilim o'smirlarga alohida bir quvonch bag'ishlaydi va uning tafakkur qilish layoqatini rivojlantiradi. Bilish jarayonlarining rivojlanishida nutq og'zaki va yozma mavjud bo'lishi bilan kuchli vosita hisoblanadi. Maktabdagi o'quv jarayonlarining to'g'ri tashkil etilishi va amalga oshirilishi bilan o'smir nutqining to'g'ri rivojlanishiga qulay sharoit yaratiladi. Nutqni o'zlashtirishga harakat bu o'smirning muomala, bilish va ijodiy faoliyatga kirishiga ehtiyoj va intilish hisoblanadi. Shuningdek, kasbiy layoqatida ham nutqning, muomalaning o'zni beqiyos.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov.I.A «Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori». Toshkent. 1997. 162-b.
2. E.G'oziev. «Pedagogik psixologiya asoslari». Toshkent. 1997.156-b.
3. V.Karimova. «Psixologiya». Toshkent. 2000. 128-b
4. Abdusamatova Sh. “Kasb tanlash motivlarini namoyon bo'lishi”

СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР ДИАГНОСТИКАСИ

*Ҳамидова Гулшода Ҳамидовна
ЎзМУ 1-курс магистранти*

Мақолада спортчи талабаларнинг ижодий фаолияти самарадорлигини диагностика қилишда психологик омиллар таъсири даражаси ва афзаллигини ўрганиш мақсадида муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: ижод, психологик омиллар, ижодий тафаккур, иродавий зўр бериш, оригиналлик, қайишқоқлик, невротиклик, агрессивлик, депрессивлик, таъсирланиш, мулоқотмандлик, мувозанатлашганлик, реактив-

агрессивлик, тортинчоқлик, очиклик, экстраверсия-интраверсия, эмоцианал-лабиллик, маскулизм-феминизм, мотивация.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган улкан ислохотлар ва эришилаётган юксак натижалар мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган давлат сиёсатининг маҳсулидир.

«Жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш-тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан ва бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш»ни тақозо этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, миллий ўйинларни қайта тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг маҳоратларини оширишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов фикрича, «... инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади».

Таъкидлаш жоизки, кўп поғонали ва уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби оммавий спорт мусобақалари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Маълумки, ижтимоий турмуш тараққиётида талабаларнинг қобилияти, салоҳияти, иродавий фазилатларига таъсир этувчи омиллар ва тамойиллар тўғрисидаги таълимотларга нисбатан муносабатлар масаласи ХХІ асрга келиб маълум бир ўзгаришларга сабаб бўлди. Негаки, талабанинг ижодий фаолияти, ўз навбатида етук салоҳиятли ва малакали кадрлар тайёрлашнинг пойдевори ҳисобланади. Ижодий фаолият самараси бугунги кун нуқтаи назаридан кўпроқ муҳитнинг таъсири, гендер фарқлар, ижодий тафаккурга, иродавий зўр беришга ва шахснинг фаоллигига боғлиқ бўлиши эҳтимоли мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазалар билан фарқланмоқда. Ижодиёт муаммоси ҳамма замонларда ҳам, ўрганилиши лозим бўлган илмий-назарий тадқиқотларни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, талабалар илмий ижодий фанда эвристик характерга эга. Дарҳақиқат, уларнинг илмий-тадқиқот фаолияти деганда аввало субъектнинг объектга фаол, изчил таъсири тушунилади. Бу таъсир жараёнида талаба ўзини қуршаб турган муҳитни ўзгартиради, шу пайтгача ё кўрилмаган, англанилмаган, ўрганилмаган, аниқ бир янгиликни яратади ёки кашф этади. Айни шу маънода фаолият деганда кишилиқ жамияти мавжудлигининг зарурий шarti бўлиб, дунёни ўзининг мақсадига кўра ўзгартиришга қаратилган инсон хатти-ҳаракати тушунилади.

Талабаларнинг илмий-ижодий фаолияти – бу уларнинг ўзи ва атрофидаги ўзгаришларни англаб етишга доимий равишда тайёр туриш, янгича тафаккур қилиш асосида ўз қобиғидан чиқа олишидир. Янги нарсаларни ихтиро этишга бўлган интилиш унинг назарий ҳузур-ҳаловатини намоён этади. Шундай экан, ижод жараён сифатида эмас, балки унинг оқибати орқали аниқланади.

Ижоднинг асосий манбаи ва субъекти ижодкор шахс ҳисобланади. Ижодкор шахс эса асосан қуйидаги хислатлари билан алоҳида ажралиб туради:

1. Перцептив хусусиятлар (ғаройиб маъно-мазмунга эга бўлган диққатнинг жамланиши, таъсирчанлик, кўнгилчанлик), интеллектуал хусусиятлар (интуиция, фантазия, ўйлаб чиқариш, олдиндан кўриш қобилияти, кенг дунёқараш), характерли хусусиятлар (бир қолипда ишламаслик, оригиналлик, кунт, юқори даражадаги ўз-ўзини ташкиллаштириш ва меҳнатга лаёқатлилик).

2. Билиш мотивациясининг доминантли ўрни, тадқиқий ижодий фаоллик, субъектнинг янгиликни топишга бўлган қобилиятида ва муаммоларни ечишдаги ўзига хосликда намоён бўлади. Масалан, оригинал ечимларни топиш ва прогнозлаш эҳтимоллиги, юқори баҳоларни таъминлайдиган эстетик, ахлоқий ва интеллектуал идеаллар эталонларини яратиш қобилияти.

3. Ўзида ақлий ва мотивацион омилларни интеграция қилувчи интеллектуал фаоллик.

4. Муаммони топишдаги зукколик, мулоҳазаларнинг узун занжирини яхлитлаш қобилияти, «четдан қараш»га лаёқатлилик, таъсирланишнинг мақсадлилиги, хотиранинг тайёрлиги, фикрлашнинг эгилувчанлиги, баҳолаш қобилияти, ғояларни ҳаётга осон татбиқ қилиш, кўшимча ишланма беришга лаёқат, осонгина яхлитлаш, юмор ҳиссининг мавжудлиги.

5. Юқори ижодий қобилият ва мотивацион-ижодий фаолликнинг органик бирлиги.

6. Оддий ҳодисалар доирасидан чиқувчи, аммо табиат қонунларига зид бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш, келажакда бўладиган нарсани ҳис қилиш, бой фантазия ва интуиция, янгилик ва ноёб нарсаларга катта қизиқиш.

7. Мустақиллик, «таваккал» қилишга мойиллик, фаоллик, қизиқувчанлик, мавжуд нарсага қониқмаслик, қарор қабул қилишга тайёргарлик, эътироф этилишга интилиш, ички мотивация, ўсишга тайёрлик.

8. Оламдаги нарса ва ҳодисалар табиатидаги муқобилликларни кўра билиш ва шакллантириш, фантазияни ифодалай олиш, савол бера олиш ва юзаки изоҳлардан қочиш, кунт, мустақил позиция, «таваккалга» тайёргарлик, ўрганилаётган муаммога катта қизиқиш.

9. Ўз-ўзини шакллантириш, юксалтиришга интилиш, қилаётган ишини бурч деб билиш, шахснинг аутентиклиги, ўз кучига ишонч, юқори даражадаги танқидийлик ва рефлексия.

Спортчи талабалар ижодий фаолиятига таъсир этувчи психологик омилларни ўрганиш ва диагностика қилиш мақсадида қуйидаги методикалардан фойдаланилади: Э.Торренсининг ижодий тафаккурни ўрганишга оид «Расмни тугаллаш» тести, Миннесотскийнинг «Кўп омилли шахс сўровномаси» (FPI) ва ижодий фаолиятини аниқлашга қаратилган сўровномалар.

Адабиётлар рўйхати:

1. «Баркамол авлод йили» давлат дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015.
3. Басин Е.Я. Творчество и эмпатия. // «Вопросы философии», 1987, № 2. –С. 54-66.
4. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1990.
5. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: «Питер», 2009.
6. Туник Е.Е. Диагностика креативности: Тест Е.Торренса Адаптированный вариант: Руководство. Стимульной материал. – СПб: «Речь», 2006.
7. Матюшкин А.М. Мышление, обучение, творчество. – М., Воронеж: «Модэк», 2003.

BOLA SHAXSIDA SALBIY O'ZGARISHNI KELITIRIB CHIQARUVCHI TASHQI TA'SIRLARNING PSIXOLOGIK –PEDAGOGIK ASOSLARI.

*Feruz Haydarova Bobir qizi
Buxoro Viloyati Vobkent Tumani 27-maktab psixologi*

Kalit so'zlar: Ijtimoiy muhit stress, kompyuterdan to'g'ri foydalanmaslik, o'smirlilik davri tashqi muhitni salbiy holatni chaqiradi.

Bola shaxsida salbiy o'zgarishni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarga sotsium muhim ahamiyatga ega. Bu ijtimoiy muhitni bola asta-sekinlik bilan o'zlashtiradi. Agar bola tug'ilgandan keyin asosan oilada rivojlansa, uning keyingi rivojlanishi yangi va yangi muhitlar-maktabgacha ta'lim muassasalari, maktab, maktabdan tashqari tarbiya muassasalari, turli ko'ngilochar maskanlarda kechadi. Yosh ulg'aygan sari ijtimoiy muhit "hududi" kengayib boradi. Bola qanchalik ko'p muhitlarni o'zlashtirsa, u shunchalik keng doira hududini egallashga harakat qiladi. Bola doimo o'zi uchun qulay bo'lgan uni yaxshi tushunadigan, unga hurmat bilan munosabatda bo'ladigan muhitni izlashga urinadi. Shuning uchun u bir muhitdan boshqa muhitga ko'chib yuradi. Muhit bolani shakllantirishda, uning ijtimoiy tajriba to'plashida ijtimoiylashuv jarayoni uchun muhim ahamiyatga ega.

Stress —bola shaxsida salbiy o'zgarishni keltirib chiqaradi . Shu jumladan haddan tashqari zo'riqish, salbiy emotsiyalar yoki oddiygina zerikishga bo'lgan javob reaksiyasidir. Stress chog'ida inson organizmi yechim izlashga undaydigan adrenalin gormoni ishlab chiqaradi. Kichik miqdordagi stress hamma uchun kerak, chunki bu kishini fikrlashga, muammodan chiqish yo'lini topishga undaydi, stresssiz hayot zerikarli bo'lar edi. Boshqa tomondan, agar stress juda ko'p bo'lsa, tana zaiflashadi, kuchsizlanadi va muammolarni hal qilish qobiliyatini yo'qotadi. Maktab o'quvchilarida asosan o'smirlarda ko'proq uchraydi. Sababi faqat men tushunchasi ko'payadi. O'smirlar tashqi ta'sirlarga tez –tez uchrab turadi,masalan uyg'onish davri , ovoz o'zgarishi, o'rtoqlari bilan munosabatlari va ota-onalarining ko'p hollarda sening qo'lingdan hech narsa kelmaydi deb kamsitishlar stress olib keladi.

Stress alomatlari

Amaliy nuqtai nazardan stress nima? Buni tushunish uchun stressning asosiy alomatlarini ko'rib chiqamiz:

- Doimiy bezovtalik, tushkun holatda yurish, ba'zida bu holatlar hech qanday sabablarsiz yuzaga keladi.
- Yomon, notinch uyqu.
- Depressiya, jismoniy zaiflik, bosh og'rig'i, charchoq, biron narsa qilish yoqmasligi.
- Diqqatni kamayishi, bu o'qish yoki ishlashni qiyinlashtiradi. Xotiradagi muammolar va fikrlash jarayonining sekinlashishi.
- Dam olish, ish va muammolarni bir chetga chetga surib qo'ya olmaslik.
- Boshqalarga, hatto eng yaxshi do'stlarga, oila va yaqin kishilarga qiziqishning yo'qligi.
- Doimiy paydo bo'ladigan yig'lash, ko'z yosh to'kish, xafagarchilik, umidsizlik, o'z-o'ziga achinish hissi.
- Ishtahaning pasayishi — ba'zida esa aksincha: oziq-ovqatni ortiqcha yeb yuborish.
- Ko'pincha asabiy odatlar rivojlanadi: kishi labini tishlaydi, tirnoqlarini tishlaydi va hokazo. Kishida befarqlik, odamlarga ishonchsizlik paydo bo'ladi.

Stressdan qutulish uchun

Stressga olib keluvchi omilga tog'ridan-tog'ri ta'sir o'tkazish:

- Stressli vaziyatning asl sababi nimada ekanligini aniqlang .Bolaga men senga ishonaman , seni qo'lingdan faqat yaxshi ishlar keladi.
- Ushbu vaziyatni o'zgartira olish mumkinligi haqida tushuncha beriladi.
- Oqibatlar haqida tushuncha beriladi.
- Treninglardan foydalanish zarur,masalan “Tovush gimnastikasi”,”Antistress” va boshqalar.

Kompyuterning ham bola tarbiyasida ta'sir etadi.O'zi xoxlamgan bilmagan tarzda stressga uchraydi.Shu jumladan kompyuterdagi urush Contur o'yinlari o'smirlilik davrida yutqazsa o'ylab yuradi va yana o'ynashga harakar qiladi. Faqat men yutishim kerak degan tushunchani miyasiga kiradi. Kompyuter oldiga o'tirib ishlash toliqish charchashga energiyasi paslashga olib keladi. Monitordagi elektromagnit nurlanish ta'siri; ko'ruv organlariga tushadigan yuklamalar, ya'ni ko'z toliqishi; qo'l-kaft bo'g'imlariga tushadigan og'irlik; axborotlarning yo'qolib qolish paytidagi stress holatlarini keltirib chiqaradi.

Uzoq muddat o'tirib ishlash (kamharakatlik – gipodinamiya)

E'tibor bersangiz, kompyuter oldida o'tirgan bolada bo'yin, bosh, qo'l va elka mushaklari tarang holda bo'lishi oqibatida umurtqa pog'onasiga ortiqcha og'irlik tushadi. Bolalar ko'proq umurtqa pog'onasi charchashi oqibatida stolga yotgan holda undan foydalanadilar. Bolalarda esa skolioz kasalligi paydo bo'ladi. Kamharakatlilik o'z navbatida moddalar almashinuvining buzilishi xamda "semirish" kasalligiga xam zamin yaratadi.

Kompyuterdagi axborotlarning yo'qolib qolishi, viruslarning tahdid qilishi, internetdan foydalanganda ma'lumotlarning ochilish davomiyligi cho'zilishi asab taranglashishi, ya'ni stressga sabab bo'ladi. Kompyuterdan to'g'ri maqsadlarga

foydalanish maqsadga muvofiq ekanligini to'g'ri tushunchalar va pozitiv fikrlar bilan o'smirlarga tushuncha berish kerak.

Xulosa qilib aytish mumkinki, bugungi ish faoliyatimizda zarur vositaga aylangan kompyuterning inson salomatligiga ta'siri borligini unutmashimiz kerak. Agar uni me'yor darajasida ishlatib, yuqorida ta'kidlab o'tilgan tavsiyalarga amal qilsakgina sog'ligimizni asragan bo'lamiz. Doimo yaxshi kayfiyat bilan to'g'ri foydalanishni, har qanday vaziyatdan ham to'g'ri xulosa chiqarib ijobiy tomonga yo'naltirishimiz kerak. Har bir bola o'z oldiga ijobiy kelajagi porlashi uchun maqsad qoyishi kerak. Maqsadiga erishish uchun o'quvchi yoshlar doimo intiluvchan bo'lishi kerak.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Abduqodir Sattorovning "Asab va Stress" nomli kitob.
2. Stress va uning boshqarish qo'llanmasi pedagoglar va psixologlar uchun trening dastur
3. Ergash G'oziyevning "Yosh davrlar psixologiyasi" nomli kitob.
4. Video motivatsiyalardan foydalanildi.

TO'G'RI MULOQOT FARZAND TARBIYASINING MUHUM OMILI.

Baltayeva Xilola
Ellikqal'a tumani 13-maktab psixologi

Annotatsiya: Oilaviy munosabatlardagi kelishmovchiliklarni farzandlar hayotiga ta'siri,ota-ona o'zaro muommolarni qanday hal qilishi va farzandlar bilan to'g'ri muloqot qilishga yordam beradi,

Kalit so'zlar: Muloqot, kommunikativ, perseptiv, krizis, komil inson, farzand tarbiyasi.

Oila jamiyatning bo'linmas bir bo'g'inidir. Jamiyatning rivojlanishida aholini farovon yashashida tinch-totuv oilalarning o'zni beqiyosdir. Oilaning har bir a'zosi, ayniqsa turmush qurgan va turmush qurish yoshidagi yigit – qizlar ongiga oilaning muqaddasligi to'g'risidagi qadriyatning singdirilganligi oilada bo'lib turadigan arzimagan kelishmovchiliklar,quda – andachilik munosabatlaridan kelib chiqadigan gap – so'zlar, ayniqsa, turmush tajribasi va yoshi bilan bog'liq ravishda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan tanazzul holatlarida qiyinchiliklarni yengib, oilani saqlab qolishga katta yordam beradi.

Oilaviy munosabatlarni yaxshi yo'lga qo'yilgan bo'lishi juda katta hayotiy ahamiyatga ega bo'lgan omildir. Bunda birinchi navbatda muloqotning samimiyligi muhim rol o'ynaydi. Ba'zi oilalarda bolalarning kattalar oldida o'zini muntazam so'roq qilinayotgandek yoki hisobot berayotgandek his qilishlari,bolani ota – ona oldida havotirlanish darajasini muntazam yuqori bo'lishi,bolalarda aybdorlik hissini chuqur singdirilganligi, bola shaxsini haqorat qilib kamsitish orqali uning o'z – o'ziga beradigan bahosini pasaytirish, o'ziga bo'lgan ishonchini yo'qotishga olib keladi.

Salbiy iqtisodiy, ijtimoiy va psixologik muhitda dunyoga kelgan avlod ham xuddi shu muhit ta'sirida voyaga etadi. Ota–onalarda salbiy xususiyatlarning doimiy dominant

bo`lishi asta – sekin farzandlariga o`ta boradi va ular ota-onada bo`lgan ushbu salbiy xususiyatlarni o`z farzandlariga ham yetkazib berish ehtimoli mavjud. Demak, oilalarning mustahkamligi jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, milliy xavfsizligini, uning ravnaqi, taraqqiyotini belgilovchi hal qiluvchi omil hisoblanadi. Hozirgi vaqtda oilalar mustahkamligini ta`minlash va bu masalani to`g`ri hal etilishning asosiy yo`li bo`lmish yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash masalasi hech kechiktirib bo`lmaydigan, sustkashlikka yo`l qo`yib bo`lmaydigan, o`ta jiddiy yondashishlarni talab etuvchi davlat, hukumat miqyosidagi dolzarb masaladir. Buning muvaffaqiyatli amalga oshishiga jamiyatimizning har bir fuqarosi, ota-onalar, hamma birdek mas`uldir. Farzand oilalalar mustahkamligini ta`minlovchi, rishtalarni yanada mustahkamlovchi va umrimiz davomchisidir. Bola tug`ilgandan to 3 yoshgacha bo`lgan davrda asosan oilada tashqi muhit bilan tanishadi va oilada tarbiyalanadi, nutqi shakllanadi. Biologik va psixologik jihatdan rivojlanadi. Bola oiladan tashqaridagi ijtimoiy institutlar – maktabgacha ta`lim muassasasiga, maktabga bora boshlaydi. Bu joylar shunday maskanki, u yerda har bir bolaning qay darajada va qanday ijtimoiylashgani sinovdan o`tadi. Chunki u endi nafaqat o`zi tengqur bolalar bilan, balki kattalar, begonalar, ko`chadagi turli toifali insonlar bilan muomalaga kirisha boshlaydi. Bu muomala jarayonida uning qanchalik hayotga tayyorligi, oilasida qanday ahloqiy va ma`naviy o`g`itlarni olganligi, kimning bolasi ekanligi, oilaviy muhiti qandayligi bilina boshlaydi. Eng muhimi – maktabga kelgach, bolaning aqliy va intellektual salohiyati, intizomi tekshiruvdan o`tadi. Ya`ni, bolasini maktabga berar ekanlar, ota-onalar ham jamoatchilik oldida o`ziga xos sinov va tekshiruvdan o`tayotganday his qiladilar. Yaxshi yoki yomon ota-onalik rollari maktab yillarining dastlabki oy va yillarida bilingani sababli, ko`pgina ota-onalar ayni shu davrlarda kuchli stressni boshidan kechiradilar.

Bola o`smirlik davriga qadam bosganda, u ota-onasidan mustaqillikni, hadeb ta`qib qilavermaslikni da`vo qila boshlaydi. Ota-onaning farzand oldidagi obro`si, kerakligi darajasi pastlay boshlaydi. Bu davrga kelib ota ham, ona ham o`zining farzandiga nisbatan munosabatlarini o`zgartirishga majbur bo`ladi, chunki bolada yangicha talab va istaklar, yangicha fikrlash, urf-odatlar, musiqaga havas, turli xil guruhlar bilan muloqotda bo`lishga intilishlar paydo bo`ladi. Chunki bu davr ham o`ziga krizis bilan o`tadi. Bu davr ota-onaning bolasida paydo bo`layotgan o`zgarishlarga, yoshga oid yangiliklarga qanchalik fahm va farosat bilan, sabr-qanoat bilan turib berishlarini sinovdan o`tkazadi. Sinovdan yaxshi o`tgan ota-onaning bolasi keyingi bosqichga eson-omon yaxshilik bilan, ochiq ziddiyatlarsiz o`tib oladi, aks holda o`smirlik davrining o`ziga xos ziddiyatlari girdobida ota-ona – bola munosabatlari jiddiy yomonlashadi, ayrim bolalar uydan ketib qolish holatlarigacha boradi. Shu holatlarni oldini olish uchun avvalambor bu davrdagi bolalarni fikrlariga keskin qarshi chiqmagan holda vaziyatning oqibatlari haqda gaplashish kerak bo`ladi. Ayrim ota-onalar farzand tarbiyasida “Bog`bon” usulidan foydalanadi. Bu esa har oim ham yaxshi natija bermaydi. Chunki bola nihol emaski noto`g`ri shoxlarini keskan bilan to`g`ri o`sib ketadigan. Masalan: bola qiziqqan biror bir salbiy narsalarni undan olib qo`ysak yoki biror joyga borishini cheklab qo`ysak bu bilan uni o`sha narsalarga nisbatan qiziqishi yo`q bo`lib qolmaydi. Balkim shu narsani vaqtincha to`xtatib turishi mumkun . vaqt o`tib bu holat yana takrorlanishi mumkun. Shu sababdan ota-ona farzandiga o`zi o`rnak bo`lgan holda

kundalik hayotida oltin so'zlardan foydalanib borishi lozim.farzand bilan har kuni salbiy va ijobiy narsalar haqda suhbatlashsa, bu narsalarni inson hayotiga ta'sirini birgalikda tahlil qilib, bolani o'zida shu narsalar haqida to'g'ri fikrlarni shakllantirishi kerak. Har bir bola takrorlanmas beg'ubordir, shuningdek bolaning yomoni ham bo'lmaydi. Faqatgina noto'g'ri tarbiya, noto'g'ri muhit, noto'g'ri muloqot bo'lishi mumkun. Tajribali psixolog A.A. Bodalyev esa shaxs o'yinda, o'qishda, muloqotda, ya'ni faoliyatning turli sohalarida o'zining o'rnini bilishi zarurligini uqtiradi. U o'zining «Shaxs va jamiyat» kitobida bu masalaga katta e'tibor berib, bu muammolar kam o'rganilganligini ta'kidlaydi.Muloqotning muvaffaqiyatli bo'lishida shaxsning shakllangan sifatleri, fazilatlarining ahamiyati juda katta. Jumladan, shaxsda ijobiy fazilatlar yaxshi shakllangan bo'lsa (xushmuomalalik, kamtarlik, insonparvarlik, to'g'ri so'zlilik, vijdonlihk kabilar) muloqot jarayoni yaxshi o'tadi. Chunki shaxslar bir-birini to'g'ri tushunishlari uchun, muloqot muvaffaqiyatli bo'lishi uchun ular samimiy bo'lishlari lozim.Xullas farzand tarbiyasida muloqotni to'g'ri o'rnatish va bolalarda ham samimiy xususiyatlarni shakllantirish juda katta ahmiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

- 1.G.B. Shoumorov . Oila psixologiyasi T.2003
- 2.M.G.Davletshin . Yosh davrlari va pedogogik psixologiya. T.2004
- 3.V.Karimova. Oila psixologiyasi.T.2007
- 4.www.Expert.psychology.ru
- 5.O.Musurmonova .Oila ma'naviyati -milliy g'urur.
6. Deyl Karnegi. Muomala sirlari. T.«Navro'z» nashriyoti. 1992
7. V. Karimova. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot. T. 1999.
8. V. Karimova. F. Akramova. Psixologiya. (ma'ruzalar matni) T. 2000.
9. V. Karimova. Psixologiya. (o'quv qo'llanma). T. 2002.
10. D. Karnegi. Iztirob asoratlari. «Farg'ona» nashr. 2005.

МАКТАБЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ШАКЛЛАРИ

*Касбаева Раушан Джолдасбаевна
Эликқала тумани 34-мактаб психологи,
Балтаев Жасурбек Маткаримович
Эликқала тумани 67-мактаб психологи*

Мактабда ўзларини психолог деб ҳисоблайдиган инсонлар билан учрашганингизда, ҳар-хил инсонларни кўришингиз мумкин. Сизнинг кўз олдингизда кам гап ҳеч билан қўшилмайдиган, унча ўзига тортмайдиган инсон кўриниши мумкин. Шу билан бирга, ҳамма билан чиқишиб кетадиган, хушчақчақ, сергап, чиройли инсон кўриниши ҳам мумкин. Натижада сиз ҳар-хил таассурот оласиз. Кутилмаган ва энг ёқимли таасуротлар олишингиз мумкин.Бироқ барча инсонлар ҳар-хил касбга, ҳар-хил билимга ва ҳар-хил касбий хулқ - атвор усулларига эга бўлсалар-да,ўзларини психолог деб санайдилар. Баъзан «қанча психологлар мавжуд бўлса, шунча психологлар мавжуд», - деб ҳам айтишади. Психология - муаллиф касби бўлиб, унда

инсоннинг индивидуаллиги, ички рухий дунёсини трансляция қилиш қобилияти намоён бўлади. Булардан ташқари, ҳар бир психологнинг индивидуал касбий стилистика муаммоси мавжуд. У қандай мавзунни танлайди? Касбидаги унинг қизиқишлари қандай? Умуман, у нима учун психологияга келган? У нима билан шуғулланишни истайди. Ишда қандай усулни афзал кўради? Қайси ёшдаги мижозлар билан ишлаш афзал?

Ҳар-хил психологларнинг ишдаги фарқи, нафақат ҳар-хил психологларнинг шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб қолмай, «психология» деб номланган умумий касбий соҳадаги 3 нафар психологик касблар ётиши билан ҳам боғлиқдир. Улар: назарий психология, экспериментал психология, амалий психология ва психокоррекция.

Назарий психологияда амалий психология билан боғлиқ бўлмаган фикрлар кураши давом этади: эски назарияларнинг барбод бўлиши ва янгиларининг шаклланиши ғоялар, илмий мактаблар ва йўналишларнинг бир-бирига қарши чиқиши, тафаккурнинг янги усуллари ва мантиқнинг вужудга келиши, тараққиётнинг эски қонунлари очилиши. Назарий психологияда инсон психикаси анотомик кесимларда ўрганилади, яъни психологик кўринишининг жараёнлари, функциялари турлари сифатида ўрганилади. Назарий психология мактаб амалиёти эҳтиёжларини қондиришга бевосита хизмат қилмасада, у жамиятга шунинг учун керакки, унда инсон тафаккури кучларининг ўзига хос ўйини содир бўлади. Назарий психология мактабга тўғридан тўғри таъсир кўрсатмаса-да, «мактаб ғоялари» нинг шаклланишига таъсир кўрсатади: ўқувчига муносабат, таълим ва тарбия концепцияларини ишлаб чиқиш, мактабнинг бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги мактаб таълими ривожланадиган йўналиш бўйича жамиятнинг диний ва кадриятлар тизимини ишлаб чиқиш.

Экспериментал психология академик институтларда кўпроқ инсоннинг психик ҳаёти ҳақидаги фикрларни йиғиш ва умумлаштиришга йўналган. Умуман, экспериментал психологиядаги фактларни йиғиш фақат амалий эҳтиёжлар учунгина эмас, балки назарий психологиянинг ривожланиши учун ҳам хизмат қилади. Экспериментал психология ҳаёт ва амалиётдан узоқ бўлган лаборатория шароитида ўрганилади ва назарий ғояларни тасдиқлаш учун хизмат қилади. Назарий ва экспериментал психологияда амалиётдан узоқ бўлган, фанга қизиққан, ақли ва характери ўзига хос бўлган инсонлар ишлайди.

Амалий психология бўлса инсон меҳнат фаолиятининг ҳар-хил соҳаларига хизмат қилади, жумладан тиббиёт психологияси, педагогик психология, бизнес психологияси ва ҳақозо. Амалий психологиянинг ҳар бир йўналишида ўзига хос методлари, усуллари мавжуд. У ёки бу меҳнат турида иш олиб боровчи психолог унинг ўзига хослиги ва атамалари билан таниш бўлиши керак. Масалан, педагогик психология соҳасида ишлайдиган психолог мактаб ўқитувчиси меҳнатидан чуқур хабардор бўлиши, қийинчиликлари ва муаммоларини билиши, мактаб ҳаётини, ўқувчиларни яхши билиши зарур. Амалий психологнинг муваффақиятли иш олиб боришида педагогик жамоага қўшила олиши ва улар томонидан ижобий қабул қилиниши муҳим омил ҳисобланади.

Психологиядаги психопрактика йўналиши ҳаётимизда ҳар доим мавжуд бўлган, сўнгги вақтларда бу йўналишга қизиқиш ортди. Бу инсоннинг психик ҳолатини бошқаришга, унинг психик кучларини такомиллаштиришга ва ривожлантиришга психотехник машқлар тизими билан боғлиқ. Республикамизда шарқ психопрактикаси ҳамда ғарбда яратилган ҳамда мослаштирилган психотерапевтик дастурлар (гештальттерапия, психодрамма, трансакт анализи, нейролингвистик программалаштириш ва бошқалар) кенг тарқалган. Психопрактика ҳар бир турининг асосида инсон ҳаётига яқин бўлган ҳолат маълум концептуал тамойиллар тизими ётади ва улар муаллифнинг шахслараро муносабати ва ҳаётни кузатишлари асосида содда шаклда баён этилади.

Замонавий психолог имиджи ҳам муҳум егаллигини унутмаслик керак. Луғавий жиҳатдан “имидж” (инг. “image”) тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “қиёфа” ва “образ” маъноларини англатади. Моҳиятига кўра эса ушбу тушунча ёрдамида “жозибба”, “мафтункорлик” маънолари англанади. Психологик имидж психологнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ташқи қиёфаси :

- психолог ташқи кўринишининг ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатиши, уларни эстетик жиҳатдан завқлантира олиши; психолог сочининг таралган, чиройли турмакланган бўлиши; пардоз буюмларидан ўринли фойдаланиш, юзнинг ортиқча бўёқлардан ҳоли бўлиши;
- психолог либосларининг тоза, озода, қоматига ярашган бўлиши, осилиб турмаслиги, ҳаддан ортиқ ҳашаматли бўлмаслиги лозим; заргарлик буюмларидан имкон қадар ҳоли бўлиш, айниқса, товланувчи металлар – олтин ва кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва ўқитувчининг ёш хусусиятларига мувофиқ оддий, ҳашаматли бўлиши.

Мактаб амалиётидан бир мисол келтирамиз. Аёл психолог мактабда ўқитувчилар учун амалий психология бўйича семинар ўтказмоқда. Фарзандларни моддий бойликларга эмас, маънавий бойликларга қизиқтириш, турмишда кийимда ўз-ўзини чегаралашнинг фойдаси ҳақида гапирмоқда. Бунда психолог ўқитувчилар олдида охири медада кийиниб, бор тақинчоқларини тақиб, кўз-кўз қилмоқда. Ўқитувчилар аудиториясининг психолог маърузачига муносабати умуман салбий бўлади: баъзилари умуман қабул қилмаса, баъзилари кўнгилга олмайди. Психолог мактабда жон деб ишлаб, ўзининг иш вақтини ҳамда ишдан бўш вақтини мактабда ўтказса-да, баъзан ўқитувчиларнинг «психологимиз нима қиляпти?», «Психолог мактабда бўлади-ми ўзи?» деган кинояли гапларини эшитиш мумкин. Агар психолог ўз фаолиятини ўзини реклама қилишдан бошламаса, ўқитувчиларнинг бундай кинояларини кўпроқ эшитиш мумкин. Мактаб психологи ўзини доимо реклама қилиши зарур, айниқса иш фаолиятининг бошланишида реклама билан фаол шуғулланиш мақсадга мувофиқ, ўзини-ўзи реклама қилиш 4 асосий босқичдан иборат. Ўзини-ўзи реклама қилишнинг биринчи босқичи. Мактабда олиб бориладиган иш режаси ва жадвални ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Психолог дарсларга қатнашадиган, ўқитувчилар билан суҳбатлашадиган, психологик тадқиқотлар ўтказадиган, маслаҳатлар берадиган ва психотренинглар ўтказадиган кунлар ва соатларни аниқ белгилаб олиши зарур.

Психологнинг иш вақти ҳақида камида учта жойда: психолог хонаси эшигида, ўқитувчилар хонасида ҳамда мактабга кираверишда илинган бўлиши мақсадга мувофиқ. ўзини-ўзи реклама қилишнинг иккинчи босқичи - кичик ва ўрта, катта синф ўқувчилари билан учрашиб психология ҳақида оммавий шаклда суҳбат ўтказиш зарур.

Психология ҳақида ҳикоялар ўқувчилар индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш керак, масалан, бошланғич синф ўқувчиларида кўриш иллюзиялари ёки гуруҳий суггестия факти мавжудлигини исботловчи тажрибаларни ўтказиш мумкин. Психологнинг бошланғич синф ўқувчилари билан психология ҳақида суҳбатлашишидан асосий мақсади болаларда психологияга умумий қизиқиш уйғотишимиз зарур. Психологик суҳбатлар биринчи синфларда 15- 20 дақиқа, учинчи синфларда 35- 40 дақиқа ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Психологик суҳбатлар эътиборини тортадиган, қизиқарли, кўргазмали бўлиши лозим. Ўрта ва юқори синфларда психология ҳақида суҳбатлар бутунлай бошқача ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ўсмир ва ўспиринлар билан мулоқотда қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Психолог ўсмир ва ўспиринларга уларнинг қийинчиликлари ва муаммоларини ҳал қилишда қандай ёрдам кўрсатиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ гапириб бериши зарур. Психолог ёшларда ўзига ишонч ҳосил қилишда ҳар қандай ҳолатда ҳам эркин мулоқот қилишга ўргатишда стрессли вазиятларда кўрқинч ҳиссини енгиш ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда дўстлари билан муносабатларни яхшилашда ёрдам бериши мумкинлигини айтади. Икки ҳар-хил касблар-психолог ва психиатрия каби касбларнинг фарқи ҳақида махсус тўхталиш зарур. Одатда мактабларда ва ҳаётда одамлар психиатр бу психолог, психолог бу психиатр деб ҳисоблашади.

Мактабнинг ҳамма синфларида, айниқса ўрта ва юқори синфларда психолог нормал болалар билан ишлаш, психиатр бўлса - бу врач оғир кулфатни бошдан кечирган инсонларга ёрдам беради, касал инсонларга ёрдам беради, касал инсонларни даъволайди.

Болалар сиздан «психотерапевт ким у психологдан нимаси билан фарқ қилади?», «Невропатолог ва экстрасенс ким, психологдан нимаси билан фарқ қилади?» каби саволларни беришлари мумкин. Бундай саволларга жавоб беришга тайёр тулинг. ўсмир ва ўспиринларда инсонларнинг кундалик ҳаётидаги махсус фактларни ҳикоя қилиб бериб, психологияга қизиқтиришларини орттиришлари мумкин. Бундан ташқари «ўйин тестларидан» фойдаланиб ҳам психологияга қизиқишини орттириш мумкин.

Болаларга «ўзингизни бошқара оласизми», «балки ноёб одамдирсиз» каби тестлар доим қизиқ. ўсмир ва ўспиринлар билан психологик суҳбатларни уларни индивидуал маслаҳатга таклиф қилиш билан тугаллаш зарур. Психолог доимо ота-оналар мажлисларида иштирок этади. Психолог ота-оналар билан суҳбатда психологнинг мактабдаги функцияси нимадан иборатлиги билан таништиради. Ўз-ўзини реклама қилишнинг учинчи босқичида болаларни оилада тарбиялашнинг умумий муаммолари, оилавий муносабатлардаги қийинчиликлар ва уларнинг боланинг психик тааққиёти ҳамда ўқишдаги ўзлаштиришга таъсири ҳақида гапириб беради. Ота-оналар билан суҳбат савол -

жавоб ҳамда ҳоҳловчиларни психологик маслаҳатга таклиф этиш билан тугалланади. Психологнинг ўзини-ўзи реклама қилишнинг тўртинчи босқичида у ўқитувчиларга психолог мактабда нима билан фойдалилиги ҳақида тушунтиради, маъруза қилади. Мактабдаги иш режалари, ғоялари ҳақида гапириб беради (масалан, педагогик клуб ташкил этиш ҳақида). Ўқитувчилар олдида ўзини ижодий ҳамкорликка ҳамда маҳсулдор диалогга интилишини намоён қилиши зарур. Булардан ташқари ҳар бир чорак охирида психолог педагогик йиғилишларда бажарган ишлари ҳақида ҳиссobot бериб боради. Ҳиссobot даврида қанча гуруҳий машғулотлар ўтказилгани (қачон қаерда), қанча индивидуал маслаҳатлар берилгани, қанча марузалар ўқилгани ҳақида тўлиқ ҳиссobot берилиши зарур.

Адабиётлар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” низом 577-сон қарори Адизова Т.М. Психологическая методика изучения личности учащихся в процессе общения. Методическое пособие.-Т.: ТГПУ, 2000 г.
2. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекция ишлари. Услубий қўлланма.- ТДПИ, 1997 й.
3. Давлетшин М.Г. Психологияда шахсни ўрганиш истикболлари.- “Халқ таълими” журнали, 2001 йил 3-5 сонлар.
4. Ғозиев Э. Психология.(Ёш даври психологияси).-Т.: “Ўқитувчи”, 1994 й.
5. Давлетшин М.Г., Дўстмухаммедова Ш. ва бошқалар. Ёш давлари ва педагогик психология.- Тошкент, 2004 й.
6. Матмуратова Н.Б. Ўқитувчиларга психологик ёрдам берувчи ўйин ва машқлар. Ўқув-услубий қўлланма.- Т.: ТДПУ, 2006 й.
7. Отажонов М. Психоанализ асослари.- Т.: «Ўзбекистон», 2004 й.
8. Сатторов Э.Н., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т., 2004.
9. Самаров Р., Садриддинов С. Баркамоллик тизимида касбий лаёқатлилик // Ж. Замонавий таълим. 2013, 6-сон.

SHAXS TARAQQIYOTIDA YOSHI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*Aytbayeva Nilufar
Ellikqal'a tumani 43-maktab psixologi*

Аnotatsiya: Shaxs rivojlanishiga ta'sir etuvchi salbiy va ijobiy omillar, ijtimoiylashuv jaroyoni va har bir yoshning o'ziga xos xususiyatlari.

Kalit so'zlar: Shaxs rivoji, individ, biologik omil, sotsial omil, ta'lim-tarbiya, jismoniy, aqliy, ma'naviy kamol topish, sog'lom avlod, biologik, psixologik asoslar.

Inson hayot ekan, butun umri davomida o'sib, rivojlanib, o'zgarib boradi. Bolalik, o'smirlik va o'spirinlik yillarida shaxsning kamol topishi yaqqol ko'zga tashlanadi.

Rivojlanish deganda biz shaxsning ham jismoniy, ham aqliy va ma'naviy kamol topish jarayonini tushunamiz. Pedagogika va psixologiya fani rivojlanishni

biologik va sotsial xususiyatlari o'zaro chambarchas bog'liq bo'lgan bir butun narsa deb hisoblaydi. Odam bolasining shaxs sifatida rivojlanishi har tamonlama kamol topishining samarali bo'lishiga erishish maqsadida pedagogika fani rivojlanishining qonuniyatlarini unga ta'sir etuvchi omillarni shuningdek, shaxs kamolotida ta'lim va tarbiya hamda faoliyatining ta'siri va ahamiyatini aniqlaydi va tahlil qiladi. Ma'lumki, odam shaxs sifatida dunyoga kelmaydi, balki uning shakllanishi avvalo hayot sharoitlariga bog'liqdir. Shaxs hayot davomida murakkab rivojlanish jarayonini boshdan kechiradi, natijada shaxsga aylanadi. Shu sababli shaxsni ma'lum ijtimoiy tuzumning mahsuli deb tushunishimiz lozim.

Har bir jamiyatda shaxsning shakllanishi, kamol topishi muhim muammolardan hisoblanadi. Shu sababli shaxsning shakllanishi masalalariga to'g'ri yondashish uchun shaxsning tabiatini, tuzilishini, uning xulq-atvorini va unga ta'sir sabab va vositalarini bilish zarur. Shaxsning rivojlanishi jarayoni bir qancha omillar ta'sirida sodir bo'ladi. Bular irsiyat, ya'ni biologik omil hamda muhit, ta'lim va tarbiya, shaxs faolligi (ijtimoiy omil) shaxsni shakllantirishning asosiy omillari deb tushuniladi. Ma'lumki, shaxs, inson tirik organizmdir, shu sababli uning hayoti biologiyaning umumiy qonunlariga, yoshlar anatomiyasi va fiziologiyasining maxsus qonunlariga bo'ysunadi. Shaxsning, ayniqsa bolaning jismoniy rivojlanishi, sog'ligi biologik omilga bog'liqdir. Biologiyaning asosiy tushunchasi bo'lgan irsiyatning, ya'ni bolaning nasl-nasabining roliga olimlarimiz alohida e'tibor bermoqda. Har bir bola insonlarga xos tug'ma xususiyatlar bilan dunyoga keladi. Bola o'zining avlod-ajdodlaridan ko'pgina biologik belgilarni meros sifatida qabul qilib oladi, xatto ayrim kasalliklar ham nasldan naslga o'tadi. Biologik omillar shaxsning jismoniy rivojlanishiga ham ta'sir ko'rsatadi. Shunday ekan, sog'lom ota-onadan sog'lom farzand dunyoga kelishini unutmasligimiz lozim. Shaxsni rivojlantiruvchi asosiy omillari: biologik omil, ijtimoiy omil, psixologik omil.

Muhit – bu shaxsga ta'sir etuvchi tashqi voqea va hodisalar kompleksidir. Bular: tabiiy muhit (geografik, ekologik) ijtimoiy muhit (shaxs yashayotgan jamiyat) oila muhiti va boshqalar kiradi. Bular orasida ijtimoiy muhitning, ya'ni shaxs yashayotgan jamiyatning inson kamoloti uchun yaratilgan imkoniyatlari muhim rol' o'ynaydi. Mustaqil O'zbekistonimizda ta'lim tizimini isloh qilish, kadrlar tayyorlash milliy dasturini qabul qilinishi barkamol avlodni yaratishdagi dastlabki qadamlardir. Shaxs rivojlanishiga erishish har bir jamiyatda amalga oshirilayotgan tarbiya tizimi orqali amalga oshiriladi. Faqat tarbiya orqali insondagi rivojlanish imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish mumkin. Tarbiya jarayonida aniq maqsad va reja asosida shaxsga ta'sir etiladi. Buning natijasida muhitdagi voqealarning to'g'ri ijobiy ta'sirini amalga oshirish imkoni tug'iladi. Muhit bera olmagan narsalar tarbiya orqali hosil qilinadi, xatto tarbiya tufayli shaxsda tug'ma kamchiliklarni ham o'zgartirib shaxsni kamolga yetkazish mumkin. Bundan tashqari muhitning salbiy ta'siri tufayli tarbiyasi izdan chiqqanlarni ham qayta tarbiyalaydi. Rivojlanish shaxs faoliyatidan tashqarida bo'lmaydi. Shu sababli odam faoliyati uning rivojlanishi uchun asos bo'ladi. Pedagogik jihatdan to'g'ri uyushtirilgan har qanday faoliyat xoh o'yin, mehnat, o'qish, sport va boshqalar shaxsning rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi. Shaxs ulg'aya borgan sari uning faoliyati ham mazmunan, ham shaklan o'zgarib boradi, turli yosh davrlarida esa

faoliyat turlari ham o'zgarib boradi. Shu sababli bola hayotida o'yin, o'quvchi hayotida o'qish, kattalar hayotida mehnat faoliyatlari katta ahamiyatga egadir. Aynan shuning ta'sirida shaxs shakllanadi mustaqil hayotga qadam qo'yadi.

O'quvchi va talabalarning rivojlanishida o'quv jarayonlarining ahamiyati va ta'siri beqiyos kattadir. Bilimlarni o'zlashtirish ularning tafakkurini o'stiradi, ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning asosiy vositasi bo'lib qoladi. Bu jarayonda ularda ijtimoiy xulq normalari shakllanadi. Shaxs qaysi yoshda bo'lishidan qat'iy nazar, ularning rivojlanishida mehnat faoliyatining ahamiyati kattadir. Ayniqsa, mehnat insonning hamjismaniy, hamma'naviy kamol topishida muhim manba hisoblanadi. Mehnat jarayonida uning ishtirokchilari bir-birlari bilan aloqada bo'ladilar, o'zlarining nimaga qodir ekanliklarini ko'ratishga harakat qiladilar. Mehnat orqali shaxsning axloqiy sifatleri tarkib topadi, ularda vatanparvarlik, mas'uliyat, intizomlilik, faollik ortadi. Ular o'z-o'zini tarbiyalashga astoydil kirishadilar. O'z-o'zini tarbiyalashga ota-ona, o'qituvchining tarbiyaviy ta'siri yanada samarali bo'ladi. Tarbiya bilan rivojlanishning o'zaro bir-biriga ta'siri va munosabatlari mavjud, chunki qaerda tarbiya jarayoni muammolari to'g'ri hal etilsa, u shaxs kamolotiga samarali ta'sir ko'rsatadi. Kamol topgan shaxs tarbiyaning roli va imkoniyatlariga ishonch bilan qaraydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. M.G. Davletshin. Umumiy psixologiya. T. ToshDPU. 2002. (o'quv qo'llanma).
2. A. Г. Исмагилова. Стиль педагогического общения воспитателя детского сада // Вопросы психологии. 2000. № 5. 65—72-с.
3. Deyl Karnegi. Muomala sirlari. T.«Navro'z» nashriyoti. 1992
4. V. Karimova. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot. T. 1999.
5. V. Karimova. F. Akramova. Psixologiya. (ma'ruzalar matni) T. 2000.
6. V. Karimova. Psixologiya. (o'quv qo'llanma). T. 2002.
7. D. Karnegi. Iztirob asoratlari. «Farg'ona» nashr. 2005.
8. Кан-Калик. Учителю о педагогическом общении. М. "Просвещение". 1987.

SHAXSNING SHAKLLANISHIDAGI PSIXOLOGIK-PEDOGOGIK MASALALAR

*Norbayeva Dilnoza
Ellikqal'a tumani 28- maktab psixologi,
Turimova Aygul
Ellikqal'a tumani 28- maktab psixologi*

Annotatsiya : Shaxsning shakllanishiga ta'sir etuvchi muhim omillar, har bir yosh davrlardagi bolalar psixologiyasi va ular bilan to'g'ri munosabat bo'lish.

Kalit so'zlar: Individ, shaxs, tarbiya, ekstroversiya, introversiya, muloqot. Shaxsning rivojlanib kamol topishi, hayotning hamma bosqichlarida bir xil bo'lmay, balki yosh xususiyatlari va hayot tajribalariga qarab har xil bo'ladi. Tarbiya jarayonida

o'sayotgan avlodning yosh va o'ziga xos xususiyatlarini bilish va hisobga olish juda zarur. Ma'lumki, bir xil yoshdagi bolalarning, o'quvchi-talabalarning har birini o'ziga xos xususiyatlari, psixik jarayonlari mavjud.

Bu o'ziga xoslik rivojlanish jarayonida yaqqol namoyon bo'ladi. Yosh xususiyatlarini hisobga olish, bola xususiyatiga moslashish emas, balki shu yosh davrda bola imkoniyatlarini hisobga olgan holda ta'lim va tarbiya ishlarini tashkil etish demakdir. Shundagina shaxs rivojlanishiga tarbiyaning ta'siri samarali bo'ladi. Bolalarni o'qitish va tarbiyalashning muvaffaqiyati o'qituvchining har xil yoshdagi bolalar o'rtasidagi tafovutlarni qay darajada hisobga olishiga bog'liqdir. Shunday ekan, tarbiyachi maktabgacha yoshdagi va maktab hamda o'rta maxsus va oliy o'quv yurtlarida ta'lim olayotgan o'quvchi talabalarning yosh davrlari bilan xususiyatlarini hisobga olmoqlari lozim. Shaxs, uning xarakteri, xulq-atvori, umuman jismoniy va ma'naviy taraqqiyotini o'rganish shuni ko'rsatadiki, bu jarayon murakkab va ziddiyatlidir. Shu sababli rivojlanish jarayoni bir tekisda bormaydi, balki bunda sakrashlar, notekisliklar hamsodir bo'ladi.

Shaxsning har tomonlama shakllanishida muloqotning ahamiyati katta. Oddiy narsalarni o'rganish uchun ham taqlid orqali o'zaro muloqotda bo'lish zarur. Jamiyat qonun-qoidalariga asoslangan holda munosabatlar rivojlanadi. Individ bilan shaxs muloqoti o'rtasida juda katta farqni ko'rish mumkin. Masalan, go'dak, ruhiy kasal, ongi past rivojlangan kishilarning muloqoti bilan yetuk rivojlangan, ongi yuksak kishining muloqoti o'rtasida katta farq bor. Ongli shaxs muloqotni boshlashdan avval miyasida o'ylaydi, so'zlarini rejalashtiradi. Shaxsning jismoniy, aqliy, axloqiy va estetik rivojlanishida muloqotning o'rni katta. Masalan, axloqiy rivojlanish uchun oilada, maktabda, bog'chada bolaga kattalar muloqot orqali ta'sir qiladilar. Shuningdek, estetik, aqliy, jismoniy rivojlantirish uchun o'quvchiga o'qituvchi muloqot orqali ta'sir etishga harakat qiladi. Demak, muloqot ta'sir qilish vositasi bo'lib ham xizmat qiladi.

Shaxs muloqotini shakllantirishda uning yoshi, jinsi, kasbi, dunyoqarashini hisobga olgan holda ish olib borish lozim. Masalan, biz kichik yoshdagi bolalarga kattalarga nisbatan qo'llaydigan so'zlarni ishlatmaymiz. Har bir yosh davriga kiradigan kishilarga o'ziga xos so'zlar qo'llaniladi. Bunda so'zning ta'sir kuchi hisobga olinadi. Shaxsning temperament (mijoz) xususiyatlariga qarab muloqot usullarini qo'llash katta ahamiyatga ega. Shaxsda ko'nikma, bilim, malakalarning hosil bo'lishida muloqotning o'rnini beqiyos. Oddiy ko'nikmalar («to'g'ri o'tir, qo'lingni yuv, joyingga bor, salom ber») ham muloqot orqali singdiriladi. Shaxs muloqotining shakllanishida uning tarbiyalanganlik darajasi muhim o'rin egallaydi. Masalan, shaxsga kuchli ta'sir etadigan so'zlarni qo'llasangiz ham u qabul qilmasligi, sizning bergan ko'rsatmalarizga amal qilmasligi mumkin. Chunki u yoshligidan muomala madaniyatini egallashi kerak. Muloqotning shakllanishida maqsad to'g'ri qo'yilishi lozim. Muloqot ta'lim-tarbiya jarayonida, turli vaziyatlarda rivojlanadi. Masalan, oilada, mahallada, jamoada, guruhda. Agar oilada kattalar bir-birlariga qo'pol munosabatda bo'lsalar, bola ham ularga taqlid qilib atrofdagilar bilan nizolarga borishi mumkin. Har tomonlama rivojlangan, yetuk, komil inson (shaxs)ni tarbiyalash uchun yoshlarni erkin fikrlaydigan qilib voyaga yetkazish zarur. Demak, muloqot fikrlash bilan uzviy bog'liq holda shakllanadi.

Shaxsning shakllanishida muloqotning ahamiyati haqida psixolog olimlar o'z fikrlarini bayon qilganlar. Jumladan, psixolog B.G. Ananov «Odam bilishning predmeti sifatida»

asarida bu masalani chuqur tahlil qilgan. U bilimning turli elementlarini egallash muvaffaqiyatli o'zlashtirishning garovi ekanligini ta'kidlaydi. Bilimlarni egallash muloqot orqali amalga oshirilishini ham uqtirib o'tadi. Agar kishilar o'zaro bir-birlariga axborot uzatmasalar, tajribalarini muloqot orqali almashmasalar rivojlanmay qolishlari to'g'risida B.G. Ananov asosli fikrlarni keltiradi. B.G. Ananov fikricha muloqot ijtimoiy va individual holatdir. Shuning uchun nutq bilan uzviy bog'liq, kommunikativ vazifani bajarishda pantomimika, imo-ishoralar muloqot shakllari sifatida yuzaga chiqadi.

Demak, olim muloqot tushunchasini umumiy, yosh va pedagogik psixologiya kabi fanlar uchun chuqur tahlil qilib bergan. Hozirgi paytda mamlakatimizda va xorijda muloqot muammosiga qiziqish ortib bormoqda. Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishilarining bir-birlari bilan qiladigan muloqoti katta ahamiyatga ega. Psixolog olim V.N. Myasishev muloqot masalasiga chuqur yondashgan, uni o'rgangan. Boshqa olimlar muloqotni nutq kommunikatsiyasi bilan bog'lab o'rgangan bo'lsalar, V.N. Myasishev muloqotni jarayon sifatida o'rgangan. Ya'ni shaxslarning bir-biriga muloqot orqali ta'sir ko'rsatishlarini, bir-birlarini idrok qilish obyekti sifatida tahlil qiladi.

Uning fikricha: «Shaxs turlicha munosabatlarda qarama-qarshi sifatlarni namoyon qilishi mumkin.»

Samimiylik insonning eng ajoyib fazilatlaridan biri bo'lib, voqea hodisalarga oqilona munosabatda bo'lish, turli ta'sirlarga berilmaslikdir. Bolalar yoshlikdan avvalo oilada, so'ngra ta'lim maskanlarida muloqotga o'rgatib boriladi. Muloqotga o'rgatishning usullaridan biri muloqot ko'nikmasini mashg'ulotlar tarzida shakllantirishdir. Bolani bog'cha sharoitida tarbiyachi turli mashg'ulotlar o'tkazib muloqotga o'rgatadi. Avval elementar o'zini tutish, kattalarga qanday gapirish, salom berish, minnatdorchilik bildirish kabi usullar tarkib topadi.

Maktab yoshi davrida va keyinchalik shaxs ijtimoiy-psixologik treninglar orqali muloqotga o'rgatiladi. Shaxsning o'zi bu usullarga ijobiy munosabat bildirishi, faol harakat qilishi zarur. Chunki shaxs muloqotda bo'lmasdan faoliyat subyekti sifatida ham, individual inson sifatida ham to'laqonli rivojlana olmaydi. A.A. Bodalyev fikricha, hatto o'yin faoliyatida bola muloqotda bo'ladi. Ta'lim jarayonining asosida muloqotga o'rgatish masalasi turadi. Mehnat ta'limi jarayonida kishilar doimo muloqotga ehtiyoj sezadilar. Muloqotning tarbiyaviy ahamiyati shundaki, u insonning dunyoqarashini kengaytiradi va psixikasini rivojlantiradi. Ya'ni barcha ruhiy jarayonlar muloqot orqali shakllanadi.

Jamoa muhitini shakllantirishda ikkinchi yo'nalish jamoa a'zolarining ruhiy madaniyatini shakllantirishdir. Shu maqsadda o'quvchilarga ularning insoniy muloqot, inson shaxsi, bir-birini baholash xususiyatlari («men va boshqalar», «men boshqalarning ko'zi bilan») to'g'risidagi mulohazalarini rag'batlantiruvchi axborotni berish zarur. Uni insholar, suhbatlar, treninglar orqali uyushtirish mumkin.

Maxsus mashqlar orqali muloqot usullariga o'rgatish shular jumlasidan. Ruhiy madaniyatga o'rgatishni o'smirlik yoshidan boshlash muhim, chunki o'z shaxsi haqidagi axborotga qat'iy ehtiyoj xuddi shu davrda vujudga keladi. O'smirlikda o'zining «Men»i xususida ziddiyatli kechinmalar boshlanadi. O'z ruhiy holati haqida xayol surish uchaygan, muloqot juda ahamiyatli va g'oyat tanlab o'tkaziladigan yoshda inson shaxsi, shaxslararo muloqot to'g'risidagi axborot zarurdir.

N.P. Anikeyeva fikricha, boshqa odamlar bilan muloqotda har bir shaxs muayyan ijtimoiy rolni egallaydi. Rollar shaxsning tabiatini to'laroq ochib berishi yoki uni niqoblashi mumkin. Lekin pozitsiya rollarni tanlash albatta insonning o'z mohiyatiga, uning kuchiga, zaifligiga, salohiyat darajasiga, o'z-o'zini tanqid qila olishiga, xulqatvorining puxtaligiga, o'zini chetdan ko'ra bilish qobiliyatiga bog'liq bo'ladi. Ba'zan muloqotdagi muvaffaqiyatsizliklar yoshlarni benuqsonroq, himoyalanganroq bo'lish uchun o'zidagi eng yaxshi xislatni yashirishga, buzishga majbur etadi. Erta o'smirlilik paytida yigit va qizlar yakkalik holatini boshdan kechiradi. Ular his-tuyg'ularini hech kimga aytishmaydi. O'zi haqidagi va atrofdagi kishilar haqidagi axborot muloqot usullarini va mazmunli muloqotni tashkil etishga intilishni belgilab beradi. Buning uchun ruhiy tushdagi muayyan ma'lumotlarga ega bo'lish kerak. Har bir kishiga xos bo'lgan ruhiy xususiyatlar asab tizimi turi bilan belgilanadi va awalo temperamentda: ta'sir ko'rsatish sur'atida, tabiiy signallarda (ovoz, yorug'lik, rang, hid, haroratning o'zgarishi), ijtimoiy signallarda (so'z, voqea, o'ta sezgirlikda, emotsional ko'zg'aluvchanlik, tashvishlilik darajasi, ekstraversiya, introversiya) namoyon bo'ladi. Ekstroversiya bilan introversiya kishining ruhiy tavsifi sifatida muloqot sohasida yorqin namoyon bo'ladi.

Ekstroversiya — individning tashqi dunyoga, introversiya — ichki dunyoga nisbatan qarashidir. Asab faoliyatining kuchli tipi bilan bog'liq ekstroversiya xususiyatlari ustun bo'lgan kishilar ancha kirishimli, aloqalar, tanishishlar borasida erkin muomalaga moyil bo'ladilar. Ular ishtiyoq bilan yangi tanishlar orttiradilar, shovqin-suronli davralarni yoqtiradilar. Introvertlar — bu asab faoliyatining zaif tipiga mansub kishilardir. Ular o'z ichki dunyolariga berilishga, kechinmalarga moyil.

Atrofdagilardan ko'p tashvishlanadilar, ular yaqinlaming tor doirasini ma'qul ko'radilar. «Ekstroversiya-introversiya» o'qining o'rtalarida joylashgan kishilar psixologiyada sentrovertlar degan nomni olgan.

Ular me'yorida kirishimli, me'yorida yolg'izlikka moyildirlar. Nutq bilan ishlash orqali ham muloqotga o'rgatish mumkin. Masalan, ovozni baland chiqarib she'r o'qish, hikoyani so'zlab berish kabi treninglar ham muloqotning shakllanishiga yordam beradi. Maktabgacha yoshdagi bolalarni o'yin faoliyati davomida muloqotga o'rgatish oson kechadi. Muloqotga o'rgatishda o'yin va noo'yin shakllarini qo'shib olib borishning ahamiyati katta.

1. Darsga norasmiy muloqot elementlarini kiritish. Ayni paytda didaktik o'yinlardan foydalanish. Ularda muloqot tashkilotchisi rolini muallim emas, o'quvchilardan biri bajarishi.

2. E'tiborni javobning ijobiy jihatlariga qaratish. O'quvchilar o'rtoqlarining javoblarini xolisona baholashga maxsus o'rgatiladi, ayni paytda eng kichik tafsilot, detallargacha e'tiborni qaratib, o'rtoqlarining javoblaridagi eng muvaffaqiyatli jihatlarini ajratib ko'rsatishni o'rganish. Kamchiliklarni qanday qilib yo'qotish haqida bahslashish, kamchilikni bitta o'quvchining o'ziga aytish orqali ta'sir qilish.

3. Insonlar o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlar Sharqda o'ziga xos xususiyatga ega. Ushbu o'quv qo'llanma jamiyatning yangilanish davrida inson ma'naviyati va ruhiyatida ro'y berayotgan o'zgarishlarning psixologik tabiatini anglashga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. S. Qosimov. N. Mo.minov. Rahbarlik qobiliyati va boshqaruv masalalari. T. 2001. FA ilmiy markazi.
2. E. G'oziyev. Muomala psixologiyasi. T. 2001 .
3. E. G'oziyev. Tafakkur psixologiyasi. T. 1999.
4. E. G'oziyev. Psixologiya. T. «O'qituvchi» nashriyoti. 2003. (darslik)
5. E. G'oziyev. Sh. Azizova . Tashkiliy psixologiya. T. «Universitet» nashr. 1991.
6. F.Akramova. R. Abdullayeva. Oilaviy hayotni o'rganishga oid psixologik testlar. T. 2002. Respublika «Oila» markazi.
7. M. Maxsudova. Umumiy psixologiya. (ma'ruzalar matni) Namangan. 2002.
8. M. Maxsudova. Oilaviy munosabatlar psixologiyasi. (uslubiy qo'llanma) Namangan. 2003.
9. M. Maxsudova. Z. Qurbonova. Umumiy psixologiya. (muammoli ma'ruzalar matni). Namangan. 2004.
10. M. Maxsudova. Muloqot psixologiyasi. (muammoli ma'ruzalar matni). Namangan. 2005.
11. P. S. Ergashev. Muloqot psixologiyasi (ma'ruzalar to'plami). T. 2003.

TALABALAR HAYOTIDA STRESS SABABLARI VA OQIBATLARI

Matchanova Nargiza To'lqinovna (TTAUF)

Hozirgi paytda stress tushunchasi keng tarqalgan atama bo'lib u biologiya, tibbiyot, psixologiya, aniq fanlar, iqtisod hamda ijtimoiy fanlarda organizmning tabiiy va ijtimoiy holatlarning o'ziga xos bo'lgan xususiyatlarini aks ettirishda qo'llaniladi.

Stress haqida ta'limot ancha eski bo'lib, dastlab u fizikada qo'llanilgan va "kuchayish" ma'nosini bergan. Fiziologiya va tibbiyotda ushbu tushuncha ilk bor o'tgan asrning 30 – yillarida Kanadalik buyuk olim Gans Selye tomonidan ilmiy asoslangan. Uning stress haqidagi ta'limoti birinchi marta Angliyada chiqadigan "Tabiat" jurnalida "Umumiy adaptation sindrom" nomi bilan e'lon qilinadi va keyinchalik umumiy adaptatsion sindrom tushunchasi stress tushunchasi nomi bilan yuritila boshlandi. Stress holati sof biologik qonuniyat u odamlar, hayvonlar hamda o'simliklar hayotida bir – biriga o'xshash o'zgarishlarni yuzaga keltirish bilan karakterlanadi. [1; 2]

Hozir shu narsani qayd qilib o'tmoqchimanki, aytib o'tilganidek, stress tushunchasining kashf qilinganiga nisbatan uzoq vaqt o'tmagan bo'lsada u qator fanlarda juda tezlik bilan tarqalib o'ziga xos ustuvor masalalarni aniqlash va ko'p muammolarni aniqlash va ko'p muammolarni yechishda qo'l kelmoqda. Hozirga qadar fanda biror ta'limotning bunday tezlik bilan keng ko'lamda tarqalishi kamdan - kam kuzatilgan holat bo'lib, bu narsani uning odamlar, hayvonlar hamda o'simliklar hayotida ustuvor ahamiyatga ega ekanligi bilan tushuntirish mumkin.

Stress haqidagi ta'limot dastlabki yaratilgan davrlarda uning foydali va zararli bo'lishi haqida ma'lumotlar aniq berilgan bo'lsada, keyinchalik ko'pchilik stress faqat organizmga zarar keltiradigan omil undan qanday bo'lmasin qutilib olish yo'llarini izlash hamda ilojiga qarab hech qanday stress olmaslik lozim degan tushunchaga ega

bo'lish uning tabiatini, hosil bo'lish mehanizmlarini keng ma'noda tushunish, foydali va zararli stresslarni farqiga borish, har xil sharoitlarda stress holatidan ijobiy foydalanishda va boshqa shunga o'xshagan masalalarda cheklanishlar salbiy holat yuzaga kelishiga sabab bo'ladi.

Ruhiy osoyishtalik yoki asabiy muvozanatni ta'minlashning mohiyati katta. Negaki, bizning tanamiz, ichki a'zolarimiz faoliyati asab tizimi orqali boshqariladi. Ichki a'zolarimizning me'yoriy ishi esa ruhiy holatimizni, kayfiyatimizni belgilaydi. Shuning uchun huda – behudaga jizzakilik qilmaslik, yaxshi narsalar to'g'risida o'ylab, oqilona fikrlash, yomon va gunoh ishlardan o'zini tiyish, nafsga erk bermaslik, ota – bobolar o'gitlarini hayotda qo'llash, xushfe'l, xushmuomala bo'lish sog'liqni saqlash va mustahkamlashga xizmat qiladi.

Ma'lumki, ko'pchilik odamlar har kuni stress omillarining ta'siriga uchrab turadi. Masalan, ishga yoki o'qishga kechikish, pul yo'qotib qo'yish, kishilarning jismoniy va aqliy tabiatiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi stress omillardan bo'lib hisoblanadi. Agar odam har kuni shu ahvolda hayot kechirsa aytilgan stress omillarning kuchli ta'sirdan boshqa stress omillarga ham tez beriluvchan bo'lib qoladi. Stress omillar uzoq yillar davomida tibbiyotchilar, biolog va psixolog olimlar tomonidan har tomonlama o'rganilib kelindi va bugungi kunda mehnat qilish sharoitining noqulayliklari havo harorati, shovqin, vibratsiya – tebranish, turli-tuman hidlar va boshqalar, shaxsiy, ruhiy kechinmalar maqsadning noaniq bo'lishi, ertangi kunga ishonchsizlik, istiqbolning yo'qligi va boshqalar sabab bo'lishi mumkin. Ayniqsa, jamoa ichida shaxslararo kelishmovchiliklar, o'zaro janjal, uyushqoqlikning yo'qligi, jamoadan ajralib qolish, o'zaro qo'llab – quvvatlashning sustligi yoki butunlay bo'lmasligi tez – tez stress holatlariga olib keladi.

Shu aytilgan omillarni oldini olish nafaqat ish unumdorligiga balki ishchi xizmatchilarning, rahbar xodimlarning sihat – salomatligini muhofaza qilishda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun har qanday jamoada o'zaro kelishmovchiliklarni oldini olish uchun turli – tuman usullardan foydalanish lozim. Shu narsa muhimki, stress omillar qancha kuchli bo'lmasin kishilarning ularga nisbatan qanday munosabatda bo'lishi oxirgi natijani keltirib chiqaradi. Agar stress oluvchi shaxs stressga nisbatan to'g'ri munosabatda bo'lib yuzaga kelgan vaziyatni har tomonlama tahlil qilib shoshilmasdan masalani yechishga kirishsa, stressdan paydo bo'ladigan zarar uncha kuchli bo'lmaydi. Buning teskarisicha shoshib – pishib masalani mohiyatiga yetmasdan qaror qabul qilinsa, oxirgi natija ancha tashvish keltirishi mumkin. Shuning uchun ham har bir stressga tushuvchi shaxs stress holati haqida hech bo'lmaganida umumiy tushunchaga ega bo'lishi kerak. Kuchli stress omillar shaxsning unga nisbatan noadekvad (mos bo'lmagan) reaksiyani yuzaga kelishiga sabab bo'ladi.

Halqimiz orasida tarqalgan achchig'i chiqqanning aqli ketadi degan maqolning mohiyati ham shu bilan tushuntiriladiki, kishi kuchli stress omili qarshisida dovdirab qolmasdan unga nisbatan ongli munosabatda bo'lib, oqilona ish ko'rishi lozim.[3; 4]

Stress masalalariga bag'ishlangan tadqiqotlarda shu narsa isbotlandiki, kuchli stress omillarga qaraganda unchalik mohiyati yuqori bo'lmagan mayda kuchli bo'lmagan qitiqlagichlar ko'proq kuchli reaksiya ba'zan esa distress reaksiya ham chaqiradi. Buning asosiy sababi shundaki har qanday stress qabul qiluvchi jumladan talabalar kuchli stress omillarga doim tayyor bo'ladi. Har xil mayda stress omillar esa

to'satdan paydo bo'lganligi va kuchli xavf tug'dirganligi uchun organizm unga tayyor bo'lmaydi. Shuning uchun ham bir qaraganda ahamiyati kamroq stress omillar organizmda kuchli stress reaksiyalar keltirib chiqarishi mumkin. Bunday holatlarning tez – tez takrorlanishi esa organizmning tinkasini quritib undagi fiziologik, biokimyoviy jarayonlarni izdan chiqarishi mumkin.[5; 6]

Shu narsani aytib o'tish joizki, har bir shaxsning hayotidagi stress omillar uning shaxsiy hayotida, oilasida, ishxonasida yuzaga kelgan vaziyatlargagina bog'liq bo'lib qolmasdan, bir qator umumiy vaziyatlar ham bu o'rinda tegishli ahamiyat kasb etadi. Bunga misol qilib davlatning ijtimoiy – iqtisodiy holatlari va boshqalarni olish mumkin.

Oliy ta'lim tizimidagi islohatlar (kirish imtihonlarining test savol-javoblari bilan almashtirilishi, imtihon va sinovlarning reyting tizimi bilan almashtirilishi, ta'lim olish uchun yangi pedagogik texnologiyalarning qo'llanilishi va boshqalar) ta'lim tarbiya ishida qator ijobiy natijalar bilan birgalikda ma'lum miqdorda stress reaksiyalar uyg'otuvchi omillar bo'lib ham keladi. Shuning uchun talaba yoshlar orasida turli xil xastaliklarning keyinga vaqtlarda keng tarqalishi kabi holatlarning yuzaga kelishi bejiz emas. Bunday salbiy reaksiyalardan qutulish uchun ham stress haqdagi tushunchalarning keng ma'noda yoyilishi uning mohiyatini tushunish, sabablarini aniqlash, qarshi kurash choralarini ishlab chiqish muhimdir. [6; 7]

Stress holatining asoratlari organizmning fiziologik, psixologik hamda hulq – atvor reaksiyalarida qayd qilinadi. Agar stress reaksiyalar qancha kuchli bo'lsa qator yurak qon tomirlari xastaliklarini, oshqozon ichak yara kasalliklarini hamda asab ruhiy kasalliklarini avj oldirish mumkin. Keyinga yillarda o'tkazilgan tadqiqotlar stress reaksiyalarning organizmdagi barcha tizim va a'zolarga shu jumladan, immun tizimiga ham salbiy ta'sir etadi. Ushbu holatlarni talabalar hayotida ham kuzatish mumkin ya'ni, imtihon va sinovlarning vasvasasi, uyqudan qolish va odatdagi hayot ritmining o'zgarishi immun tizimi faoliyatini pasaytirib yuboradi. Imtihon va sinov sessiyalari paytida 5-6 tadan ziyod bo'lgan imtihonlar talabalarda kuchli salbiy qo'zg'aluvchanlikni oddiy qitiqlagichlarga nisbatan ham kuchli riaksiya berishi va hatto depressiya holatlariga ham olib kelishi mumkin. [4]

Agar talaba doimiy holatda stress reaksiyalariga uchrab tursa, ushbu holat uning bajaradigan ish sifatiga ham salbiy ta'sir etadi. Unda loqaydlik, yurush turush va kiyinishiga etiborsizlik, darslarga, majlislarga va boshqa tadbirlarga kechikib borish, sababsiz darslarga qatnatmaslik holatlari ro'y beradi. Qayd qilingan holatlarga tushib qolgan talabalarni me'yoriy holatga qaytarish uchun uning qanday stress omillarga duch kelganligini va bunday stress reaksiyalarning salbiy oqibatlaridan qutulish yo'llarini izlash lozim. Talabalarning bunday paytlarda narkotik moddalar qabul qilishga moyilligi oshadi. Xususan nos va sigaret chekish, hamda alkogolli ichimliklar ichishga ruju qo'yish ham aynan stress reaksiyalar natijasida kelib chiqadi . [8; 9]

Talabalik hayotining og'irligi va noqulayligi tufayli qiynalib qolgan shaxslar sigaret, nos, pivo va boshqa alkogolli ichimliklardan najot kutib ularni iste'mol qilganda yengil tortgandek, qisman bo'lsada tashvishlardan qutilgandek bo'ladi. Lekin bu holat sarobga o'xshash aldanishdan boshqa hech narsa emas. Boz ustiga bunday talabalar o'qishni tugatguncha narkotiklar ta'siriga o'rganib o'qishga kirayotganida chekmaydigan va ichmaydiganlar yaxshigina ichuvchi va surunkali holda chekuvchi shaxsga aylanadilar.

Ushbu holatga tushib qolmasligi uchun har bir talaba uni shu ahvolga tushirgan stress reaksiyalarning tabiatini o'rganishi va lozim bo'lganida unga qarshi kurash metodlarini o'rganib o'zini bunday salbiy holatlardan qutqara bilishi kerak. Davomli holatda stress reaksiyaga tushgan talabaning nafaqat uning ish qobiliyatida hamda sog'ligida salbiy holatlar ro'y beradi balki uning ijobiy hulq – atvori ham o'zgaradi. U tez achchiqlanadigan, o'zini tuta bilmaydigan har qanday yechimini topishi mumkin bo'lgan masalalarda jig'ibiyroni chiqadigan, janjal ko'taradigan shaxsga aylanib qoladi.

Talabalar hayotidagi stressni to'g'ri tushunish, zararli va foydali stressning farqiga borish, uning to'laqonli kamol topishida muhim ahamiyat kasb etadi. Shu narsani ta'kidlash joizki, talaba yoshlarning hayoti turli – tuman stress omillar ta'siriga studentlik hayotining birinchi kunidanoq duch kela boshlaydi. Mavjud adabiyotlarda keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra, talabalarning sihat – salomatligi ko'p hollarda yuzaga kelgan stress omillardan qanday foydalanishga bog'liq ekan.

O'quv yurtlari va oliygohlarda ta'lim olish paytida yangi fanlarni, predmetlarni o'zlashtirib olish, qishloqdan kelib shahar hayotiga o'rganish, talabalar turar joyidagi yashash sharoiti, joriy, oraliq va yakuniy nazoratlarni topshirish, talabalikda ovqatlanish, kiyinish, hamda madaniy hayot kechirish uchun mablag' topish, ijtimoiy foydali mehnatda qatnashish va boshqalar o'sib va shakllanib borayotgan organizm uchun kuchli sinov bo'lib hisoblanadi. Shu sinovlardan muvofaqiyatli o'tish uchun esa ta'sir etuvchi omillarning zararli xususiyatlarini aniqlash va ulardan qutilish yo'llarini topish stress haqidagi ta'limotni yetarli darajada tushunib olishni talab qiladi. Aks holda turli – tuman omillar ta'sirida salomatlikka ancha - muncha zarar yetkazishi mumkin. Shuning uchun ham birinchi kursga qabul qilingan sog'lom yoshlar o'qishini tugatguncha har xil kasalliklarga chalinishini, aksariyat hollarda stress omillarining zararli ta'siri deb aytish mumkin.

Shuni ta'kidlash kerakki, og'ir stresslar sog'liqqa ta'sir qiladi. Stress immunitetni pasaytiradi va ko'plab kasalliklarga sabab bo'ladi (yurak-qon tomir, oshqozon-ichak va boshqalar). Shuning uchun stressli vaziyatga qarshi tura olish va hayotga ijobiy qaray olishni o'rganishga to'g'ri keladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Селье. Г. Очерки об адаптационном синдроме. Москва, Медгиз, 1960.
2. Селье Г. Стресс без дистресса. Москва, 1979.
3. Трошин В.Д. Стресс и стрессогенные расстройства. Диагностика, лечение и профилактика. Москва, Медицинское информационное агентство, 2007. -784 с
4. Қурбонов Ш. Стресс нима? Илмий оммабоп қўлланма. Тошкент, 1982. 12-18
5. Красивов Ю.В. Стресс, постстрессовые состояния и основы организации реабилитационной работы. Москва, Санкт-Петербург, 2007. -32 с.
6. Кушкерова Н.Ф. и др. Профилактика стрессовых состояний студентов очной формы обучения // Гигиена и санитария. 2007, № 4. С. 47–50.
7. Мерсон Ф.З Адаптация, стресс и профилактика. Москва, Наука, 1981.
- 8.Таробрина Н. Практикум по психологии посттравматического стресса. Санкт-Петербург, 2006, -239 с.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ВА ХУЛҚ-АТВОРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Абдурахмонова Зухра
Низомий номидаги ТДПУ Психология кафедраси
психология фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd), доцент в/б.

Аннотация: ушбу мақолада бола шахсининг соғлом тафаккури ривожланишида ижтимоий психологик омиллар, компонентлари, мезонлари шахс шаклланишида оиланинг ўрни, бу борада олимлар қарашларидан иқтибослар келтирилган.

Калит сўзлар: шахс, оила, қадриятлар, хулқ-атвор, эмпатия, соғлом, саноген ва патоген тафаккур.

Жаҳонда шахсининг саноген тафаккурини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштиришнинг креатив, модулли технологиялари амалиётга киритилган. Шахслараро муносабатлар, меҳр-шавқат, бағрикенглик, ўзаро садоқат туйғулари, шукроналик хусусиятларини ривожлантиришнинг когнитив, креатив, ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш, соғлом тафаккурни ривожлантиришнинг фалсафий-методологик, маънавий-ахлоқий жиҳатларини ривожлантириш, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Б. Мюррейнинг фикрига кўра, инсон ўз умрини ўтказадиган ижтимоий гуруҳлардан энг муҳими - бу оилadır. Шу боис ҳам ҳар бир шахсни ўрганиш унинг оиласини ўрганишдан бошланмоғи лозим-деб таъкидлайди. Аммо, инсон қанчалик биологик тузилмани, ҳиссиётларга бой эмоционал тизимга эга бўлмасин, у секин-аста ўз оиласи қобиғидан ажралиб, шахсий хусусиятларда бошқалардан ўзгача, ажралиб, дифференциаллашиб бораверади.²⁹-деб изоҳ берган.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришда қуйидаги омиллар таъсир қилади: тафаккур хусусиятларини ўстириш, ўқув жараёнига нисбатан билиш жараёнларини мустақамлаш ва шахсининг тафаккур хусусиятлари билан боғлиқ кўникма-малакаларни, эмоционал билимдонликни шакллантириш, оилада маънавий соғлом муҳитни яратиш, болага унинг шахси шаклланишига ёрдам бериш омили, болани ёшлигидан ўқиб ўрганишга одатлантириш омили; ёшлиқдан ҳалоллик, тўғрисиқлик, меҳнатсеварлик фазилатларини, инсон кадр-қиймати, вафо, садоқат, сабр-қаноат, шукроналик туйғуларини шакллантириш омили; оилавий муносабатлардаги таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилганлиги; жамиятда ўрнатилган ижтимоий тартиб-қоидаларга риоя қилиш, эмпатия, таълим муассасаларида кучли билимларнинг берилганлиги ва устоз-шогирд тизимининг рационал равишда кечиши каби омилларга эътиборни қаратиш лозим.

²⁹ Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар: Псих. фан. док. ... дис. – Т.: ТошДУ, 1994.- Б.137.

Шахс хулқ-атворига шаклланишида таъсир этувчи қуйидаги компонентлар ўрганилган: рефлексив, регулятив, мақсадга йўналганлик, муваффақият мотиви, саноген тафаккур даражаси, ижтимоий фикр, тобелик, мустақил, киришимли ва курашувчан, ҳаёт мазмунини англаш, ижтимоий шароит кабиларни ривожлантириш ижобий таъсир кўрсатади.

Шахс позитив дунёқарашининг ривожланишида ушбу мезонлар катта аҳамият касб этиши аниқланган: шахснинг анланган фаолияти, ҳиссий ирода, ҳиссиётларини назорат қилиши, мотивация, шахсий ривожланиш, билим кўникма эгаллаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хулқ-атвор, ўзини-ўзи назорат қилиш, мулоқотмандлик, жамоавийлик психологияси, инсоний муносабатлар ва ижтимоий қоидаларни ва эҳтиёжларни англаш, тўғри хулоса чиқаришга боғлиқ мавжуд ижтимоий хулқни бошқариш кабилар.

Профессор В.Каримованинг ўз тадқиқотларида таъкидлашча ёшларнинг илмли, маърифатли, соғлом руҳиятли бўлиб вояга етишларида жамиятдаги, оиладаги соғлом психологик муҳит асосий омил бўлиб хизмат қилади.³⁰

Шахс ижтимоий хулқ-атворини тартибга солиш ва бошқаришда ижтимоий одатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий хулқ намуналарининг кўп марта такрорланиши одат тусига киради. Шахс ижтимоий хулқи, одобини тартибга солишда саноген тафаккурни ривожлантириш билан биргаликда миллий урф-одатларнинг ҳам хизмати катта бўлиб, улар онгни ортиқча зўриқишдан ҳоли қилади ва кишилардаги истак ва мақсадлар бирлигини юзага келтиради. Ташқи стимул ҳисобланган миллий урф-одатлар, анъаналар ижтимоий хулқни барқарорлаштиради, баркамол шахс қиёфани шакллантиришга асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шахснинг ахлоқий нормалари албатта муайян оила муҳитида таркиб топади.

Саноген тафаккурга эга бўлган ўқувчи ёшларни шакллантиришда жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тутган ўрни беқиёсдир. Бунда, айниқса, ахлоқий қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ўзликни англаш, онг- тафаккур, янгича дунёқараш, руҳий теранлик, ақлий етуклик, ахлоқий мукамаллик маънавиятнинг ўзаги ва интеллектуал салоҳиятнинг асосий тамойилларига айланмоқда. Инсоннинг ахлоқий етуклиги, камолоти жамиятни маънавий-руҳий ва ахлоқий соғломлаштиришда катта аҳамият касб этади. Халқимиз жуда бой ахлоқий қадриятларга эга. Бу қадриятлар ҳар бир фуқаро, айниқса, баркамол авлод учун оила ибрат мактабидир.

Кўпгина психологик адабиётларда «маънавийлик» тушунчаси таҳлил қилинганда, масъулиятлилик, хушмуомалалик ва жамоавийлик каби категорияларга алоҳида урғу берилади. Сабаби, айнан бу феноменлар етуклик даражасига етган шахсгагина хос бўлиб, ижтимоийлашувнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Масалан, ўзбек халқига хос шундай ахлоқий қадриятлар мавжудки, уларнинг номи ҳам, мазмун-моҳияти ҳам бошқа миллатлар маънавиятида ҳамиша ҳам мавжуд бўлавермайди. Ўзбек халқига хос ахлоқий фазилатлар: меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат, мурувват, ҳиммат, орият,

³⁰ Каримова. В.М. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланмаси. - Т.. 2006.- 142 б.

иффат, ибо, тавозе, мулозамат, назокат, ҳалимлиқ, хушфеъллик, латофат, даҳлдорлик, қаноат, диёнат, инсоф, оилапарварлик, қарамлилик кабиларнинг ахлоқий кадрят сифатидаги ифодалаш мумкин.

Оиланинг *ҳиссий-эмоционал* функцияси ҳам айнан шахснинг ижобий ҳиссиётлари ва фикрлашига замин яратишга қаратилган бўлиб, бу унинг ўз оила аъзолари ўртасида муайян илиқ муносабатларни сақлаш, улар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ғамхўрлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, севиш – севилиш каби қобилиятини намоён этишидир. Бу оила учун жуда муҳим бўлиб, инсоннинг руҳий саломатлиги айнан шу вазифани қандай бажараётганлигига боғлиқдир. Оиланинг маънавий-психологик муҳити соғлом деганда, аслида ана шу аъзолар ўртасидаги илиқлик, жамиятда ўзаро бағрикенгликнинг мавжудлиги, меҳр-оқибат каби инсоний ҳиссиётларнинг ижобийлиги тушунилади. **Тарбия ва назорат қилиш** функциясига кўра – оилада ота-оналар ўз зурриётларини қобил ва ақлли, ижобий фикрлаши, имон-этиқодли, соғ-саломат вояга етишини таъминлашлари лозим.³¹

В.Каримованинг илмий қарашларига кўра “Бола ўсмирлик даврига қадам босганда, у ота-онасидан мустақилликни, ҳадеб таъқиб қила-вермасликни даъво қила бошлайди. Ота-онанинг фарзанд олдидаги обрўси, кераклиги даражаси пастлай бошлайди. Бу даврга келиб ота ҳам она ҳам ўзининг фарзандига нисбатан муносабатларини ўзгартиришга мажбур бўлади, чунки болада янгича талаб ва истаклар, янгича фикрлаш, урф-одатлар, муסיқага ҳавас, турли хил гуруҳлар билан мулоқотда бўлишга интилишлар пайдо бўлади.”³²

Ўқувчиларда саноген тафаккур ривожланишига оилада салбий муносабатлар ҳам тўсиқ бўлади. Баъзан ота-она меҳрсизлигидан азият чеккан бола курашиб чарчайди: "Мени севишмайди, керак эмасман, мени тинч қўйинглари", деган маънода бола ўз ночорлигини ифодалай бошлайди. Бундай оиладаги вазият жуда оғир бўлиб, бола ўзини ёлғизликка маҳкум этади, ҳаммадан қочади, ўсмирлар ўртасида содир бўладиган суицид ҳолатларининг аксарияти ана шу психологик вазиятдан келиб чиқади³³[50; 373-б.].

Ёшларнинг микро ва макро муҳитга нисбатан ижтимоий-психологик жиҳатдан мослаша олмасликлари уларнинг ёт ғоялар ва гуруҳлар таъсирига тушиши эҳтимолини ошириши мумкин.

Профессор В.Каримова ижтимоий муҳитдаги носоғлом муҳит киши онги ва хулқида турли оғишишларни келтириб чиқаради. Шахсни манипулятив тарзда бошқаришда аввало, онг фаолиятининг ўрнини, механизм ва қонуниятларини назарий ва амалий талқин қилиб, сўнг антиманипулятив хулқни шакллантириш, ёшларда саноген тафаккурни ривожлантириш ижтимоий зарур вазифа ҳисобланади.³⁴

³¹ Каримова. В.М. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланмаси. - Т.. 2006.- Б.37.

³² Каримова. В.М. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланмаси. - Т.. 2006.- Б.77.

³³ Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар: Псих. фан. док. ... дис. – Т.: ТошДУ, 1994.- Б.373.

³⁴ Каримова. В.М. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланмаси. - Т.. 2006.- Б.150.

Оилавий муносабатлар, ташқи муҳит ва ўсмир шахсининг ички дунёси бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг хулқ-атвори характерини белгиловчи асосий омилдир.

Хулоса қилиб таъкидлаганда, ижтимоий-психологик омилларидан: оилада маънавий соғлом муҳитни яратиш, болага унинг шахси шаклланишига ёрдам бериш, маънавий дунёқарашни бойитишда болани ёшлигидан ўқиб ўрганишга одатлантириш; ёшлиқдан ҳалоллик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик фазилатларини, инсон кадр-қиймати, вафо, садоқат, сабр-қаноат, шукроналик туйғуларини шакллантириш; ўғил болаларга ҳақиқий эр-йигитларга хос хусусиятларни, қиз болаларга аёлларга хос шарм-хаё, андиша, камтарлик, миллий қадриятларга садоқатни сингдириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар: Псих. фан. док. .. дис. – Т.: ТошДУ, 1994.- 309 б.

2. Каримова. В.М. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланмаси. - Т.. 2006.- 142 б.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАХС ХУЛҚ-АТВОРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ПСИХОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ КЕЧИШИДА ТУТГАН ЎРНИ

*Шарипова Иродаҳон Мамиржоновна
Андижон вилояти Марҳамат тумани 47- сонли ИДУМ психологи*

Психология фанининг марказий категорияси ҳисобланмиш шахс ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муайян функцияларни бажариш орқали жамиятнинг таракқиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Баркамол авлод камолоти ғоясини турмушга татбиқ этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий маънавият, миллий таълим иа тарбия муаммоларини ҳал қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Маълумки, таълим-тарбия онгнинг маҳсули ва онгнинг даражаси бўлиш билан бирга онгнинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Сир эмаски, инсоннинг хулқ-атвори ўзгарувчип ва ранг- баранг бўлиб, унинг индивидуал хусусиятлари, ўзига хос «услугларининг манжудлиги ҳеч қачон ва ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бироқ бу хулқ-атворнинг хилма-хиллиги унинг чексиз дегани эмас, зеро инсонларнинг ўзаро мулоқот, ўзаро муносабати, уларни турли ижтимоий гуруҳларга қўшилиши, яшаши учун илиқ психологик муҳитнинг сақланиши заруратдир. Маълумки, ҳар бир жамият ўзининг қатъий белгилан ган ижтимоий хулқ-атвор дастурлари тизимига ва жамоатчилик фикри, одатлар, ахлоқий тамойиллар, анъаналар кучига таянунчи хулқ-атвор қоидаларига эга.

Бугунни кунда ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш жамиятнинг асосий муаммоларидан бири саналади. Очиқ ахборот хуружининг шиддатли босими жамият олдидаги бу муаммони янада мураккаблаштириб

юбормоқда. Бундай вазиятда ёшларни аниқ бир фаолиятга етаклашнинг ўзи катта куч талаб этади. Шахс ҳаётида фаолиятлар ичида меҳнатнинг алоҳида ўрни борлиги ҳеч биримизга сир эмас. Чунки ҳозирги замонда ғайриижтимоий иллатларнинг аксарияти ёшларнинг бўш қолиши, бекор вақтларини кўплигидан келиб чиқмоқда. Шунинг учун бўлса керак, халқимизда “Бекорчидан Худо безор” деган нақл бор.

Меҳнат шахснинг ривожланиш шартидир. Одамнинг психик жараёнлари фақат фаолият жараёнида вужудга келади. Шунинг учун фаолиятнинг турли қуринишларини урганиш кенг психологик аҳамиятга эгадир. Одамнинг ҳаёт кечириш ва билиш фаолиятининг асосий шarti бўлган одам фаолияти одамнинг ўзини пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамдир. Меҳнат жараёнида одам ўз табиатини ўзгартирди.

Меҳнат фаолияти инсон онгини ҳар томонлама шакллантиради. Ҳар томонлама ривожланиш шахсни тарбиялашнинг асосий шarti шахснинг онгли активлигидир. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, одам бирор мақсадни кўзлаб меҳнат қилса, унинг самарасини олдиндан тасаввур қилса, ўша меҳнат унумли бўлади. Меҳнатда ўқувчи шахсининг характери ва иродаси тарбияланади кузатувчанлиги, диққати ривожланади, анализ ва синтез қилишга ўрганади, умумлаштиради ва таққослайди. Қолаверса, у ўқувчининг ахлоқий ривожланиши ва мукамаллашишида катта аҳамиятга эгадир. Болаларни жисмонан чиниқтиради, эстетик дидлари, нерв системасини мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Таълим - тарбия жараёни одамни ижтимоий фойдали меҳнатнинг ҳар хил турлари учун зарур бўлган билимлар, малака ҳамда кўникмалар билан қуролантиради. Меҳнат фаолияти фақат шахсни тарбиялайди деган умумий хулоса чиқариб бўлмайди. Тўғри, меҳнат барча шароитларда ҳамиша шахсни таркиб топтиради, аммо бу ерда гап умуман шахсни таркиб топиши тўғрисида эмас, балки шахсни муайян ҳислатларига, сифатларига, жамиятга, жамоага, дунёқараш ва эътиқодларига муносабатларини тўғри йўналтирган мажмуага - системага эга бўлган мустақил жамият кишининг шахсини таркиб топтириш ҳақида боради.

Инсон шахсини етук, баркамол тарбиялаш воситаси бўлган меҳнатни моҳияти унинг мактаб ўқувчиси ёки ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутганлиги эмас, балки ўқувчининг, ёшларнинг - энг муҳим ижтимоий тушунча муносабатини қандайлигидан, қандай характерда эканлигидан, ўқувчининг меҳнат жараёнида катталар ва ўртоқлари билан қандай муносабатда бўлишларидан иборатдир.

Меҳнат жараёнида ўқувчилар тўғри ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг амалий тажрибасини эгаллайдилар. Инсон шахсининг шаклланиши болани меҳнатга бўлган ижобий муносабати орқали пайдо бўлади. Ёшлар меҳнат қилиш орқали ўз-ўзини англайди, ўз меҳнати самарасини кўриш эса уни фаолиятга ижобий муносабатини шакллантиради.

Таниқли олим К.Д.Ушинский «Меҳнатнинг психологик ва тарбиявий аҳамияти» мақоласида шундай дейди: «Меҳнатнинг моддий самаралари одамзод мулкидир: лекин меҳнатнинг кучи, маънавий ҳаётбахш кучи, одамзод кадр-кийматини манбаи бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга одоб-ахлоқ ва бахт

саодат манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Ишлаётган киши учун қилинадиган шахсий меҳнатгина шундай ҳаётбахш таъсир кўрсатади. Бу куч меҳнат қилган кишида қолади. (Танланган педагогика асарлар, ўқув педагогика давлат нашрети 1959. 153 б)».

Жавобгарлик, сабр-тоқат, интизом, маданий хулқ, ўзаро ёрдам сифатларини, ташаббускорлик, мустақиллик, топшириқларни сифатли бажариш, фахм-фаросатлилик - меҳнатсеварлик даражаси миёридир. Ривожланган мамлакатларнинг меҳнатсеварлик тарбияси бўйича андозаларни ўзбек миллий қадриятлари билан қарама-қарши эмас, аксинча умумийлика эга.

Меҳнат фаолияти бўлган қизиқишни бола дастлаб оилада ўрганади. Бошида муҳим бўлмаган оддий ҳаракатлар вақт ўтган сари мураккаблашиб кўникмаларни ҳосил қилади. Меҳнат фаолиятни шаклланиши тарбия жараёни билан узвий боғлиқ бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, тартиб-интизом, масъулият ҳисларининг шаклланиши айнан меҳнат билан боғлиқдир.

Одамда ҳар хил турдаги фаолиятнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Боланинг фаоллиги унинг камолати давомида фақат секин- аста, таълим ва тарбиянинг таъсири остида онгли мақсадга мос фаолият шакллана олади. Аввало, бу фаоллик импульсив (яъни ихтиёрсиз) характерда бўлади. Кейинчалик коммуникатив хулқ-атвор ривожланади. Ўзаро муносабат ва информация аллашишнинг энг асосий воситаси бўлган нутқ орқали алоқа қилишни билиб олади. Нутқни ўзлаштириш образларни нарсалар ва ҳаракатлардан ажратиш, нарсаларнинг мазмунини фарқ қилиш ҳамда уларни хотирада мустаҳкамлаб, иш-ҳаракатларни бошқаришда фойдаланишнинг энг муҳим шарт-шароитларини юзага келтиради. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш ва уни жамиятимиз учун қомил инсон қилиб шакллантириш имконини беради.

МАКТАБГАЧА YOSHDA GI BOLADA-HISSIY QIYINCHILIKLARNI BARTARAF ETISHDA O'YIN FAOLIYATINING ROLI

Sadridinova Umida Tuxtaboevna

Buxoro viloyati Shofirkon tuman 26- Davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti psixologi

Мактабгача та'лим ташкilotларида болаларни кўзатишларимиз шунини исботлайдики, болалар о'з ҳиссийотларини намойон қилишда- о'yin voqealari tajribalari va o'yinning yuqori motivlari qanchalik muhimligini ko'rsatadi. Tuyg'ular o'yinni kuchaytiradi, uni qiziqarli qiladi, munosabatlar uchun qulay iqlim yaratadi, har bir bolaning ruhiy farovonligi uchun zarur bo'lgan ohangni oshiradi va bu, o'z navbatida, maktabgacha yoshdagi bolaning tarbiyaviy ta'sirga moyilligi va tengdoshlari bilan birgalikdagi faoliyatining shartiga aylanadi. Bundan tashqari, yaxshi o'yin disfunktsional oilalarda tarbiyalangan bolalarda hissiy kasalliklarni tuzatishning samarali vositasidir. O'yinlarida bolalar odatda o'zlarining e'tiborlari va qiziqishlariga sabab bo'lgan voqealar, hodisalar va vaziyatlarni namoyish etadilar. Hayotni aks ettirib, bola taniqli naqshlarga tayanadi: atrofdagi odamlarning harakatlari, ishlari va munosabatlari kabilardir.

Bola uchun o'yin o'zini anglash va o'zini namoyon qilish vositasidir. Bu unga "Maktabgacha Ta'lim Tashkilotlari" ning cheklangan dunyosidan chiqib, o'z dunyosini qurishga imkon beradi. Bolaning atrofdagi dunyoga munosabati kattalarning baholari va voqealar va hodisalarga ularning emotsional ekspressiv munosabati bilan shakllanadi. Voyaga etgan kishining munosabati va uning namunasi asosan bolaning ehtiyojlari, uning qadriyat yo'nalishlari, intilishlari va istaklari, shuningdek, atrofdagi odamlarning ahvoliga javob berish, ular bilan hamfikir qilish qobiliyatini rivojlantirishni belgilaydi. Bu ichki dunyoning mazmuni va o'yin faoliyati tarkibini belgilaydi.

O'yinda, boshqa hech qanday faoliyatda bo'lmaganidek, ma'lum bir yoshdagi bolaning kattalar hayotiga qo'shilish istagi amalga oshiriladi. Bu uning dadasiga, shifokorga o'xshab, haydovchiga o'xshash bo'lish istagini amalga oshiradi. Bolalarning hissiyotlariga o'yinning ta'siri katta. U sehlash, hayajonlantirish, hayajonlanish va zavqlanish uchun jozibali qobiliyatga ega. O'yin, uning mazmuni o'tkir hissiy shaklda berilgan taqdirdagina, haqiqatan ham amalga oshiriladi.

Bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirish uchun didaktik o'yinlar katta muvaffaqiyat bilan, jismoniy mukammallikni shakllantirish uchun - mobil o'yinlar, va insonning ijtimoiy hissiyotlari va ijtimoiy fazilatlarini rivojlantirish uchun qoidalar, syujetli - rol o'ynash o'yinlari qo'llaniladi. Ba'zan bolalarning o'ynashga qodir emasligi bolaning ijtimoiy fazilatlarini, uning ijtimoiy ongi rivojlanishining sustlashishini anglatishi mumkin.

Hissiy qiyinchiliklarni tuzatishning turli usullari orasida o'yin muhim o'rin tutadi. U yosh bolalarning alohida sevgisidan mamnun, u kattalar tomonidan majburlanmasdan paydo bo'ladi, u psixologlar aytganidek, faoliyat olib boradi. Bu shuni anglatadiki, bola psixikasidagi, uning ijtimoiy hissiyotlari rivojidadagi, xulq-atvoridagi eng muhim o'zgarishlar. o'yinda sodir bo'ladi.

Hissiy jihatdan noqulay bo'lgan bolalar o'ynashda turli xil qiyinchiliklarga duch kelishadi. Ular, masalan, xafa bo'lgan, qiynoqqa solingan yoki jazolangan qo'g'irchoqlarga nisbatan shafqatsiz munosabatni namoyish etadi. Bunday bolalarning o'yinlari monoton takrorlanadigan jarayonlar xarakteriga ega bo'lishi mumkin. Boshqa hollarda, ma'lum bir toifadagi o'yinchoqlarga va ba'zi bir harakatlarga, maktabgacha yoshdagi bolalarning normal aqliy rivojlanishiga qaramay, tushunarsiz birikma mavjud. Hissiy sohaning noto'g'ri rivojlanishining sanab o'tilgan xususiyatlari, maxsus tarbiyaviy yondashuvni, maxsus pedagogik tuzatishni talab qiladi. Aks holda, bu buzilishlar ruhiy nuqsonlarga, ijtimoiy fazilatlar va umuman bolaning shaxsiyati shakllanishining kechikishiga olib kelishi mumkin. Bolalarning emotsional rivojlanishi bilan o'yinni rivojlantirish o'rtasidagi bu yaqin bog'liqlik, o'yin jarayonida olib boriladigan psixologik va pedagogik metodikalar hissiy sohani normallashtirishi, hissiy to'siqlarni olib tashlashi va hissiy xulq-atvorning ancha rivojlangan, progressiv shakllari paydo bo'lishiga olib kelishi kerakligini ko'rsatmoqda.

Hissiy xulq-atvorning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda turli xil o'yin turlaridan foydalanish kerak: rol o'ynash, drammatizatsiya o'yinlari, qoidalar bilan o'ynash va o'yinni bola shaxsining nomaqbul fazilatlarini yoki salbiy his-tuyg'ulari muvaffaqiyatli engib o'tadigan tarzda boshqarish kerak.

Biroq, maktabgacha yoshdagi bolalarning ba'zilar qanday o'ynashni bilishmaydi. Buning sabablaridan biri shundaki, oilada hech kim bolalar bilan o'ynamaydi. Yana bir

sabab shundaki, bolalar erta yoshda, turli sabablarga ko'ra o'z tengdoshlari bilan aloqadan mahrum bo'lib, ular bilan munosabatlarni o'rnatishni o'rganmaganlar. Bunday bolalarning o'yini individualdir va odamlar o'rtasidagi munosabatlar kamdan-kam hollarda o'yinlarning mazmuniga aylanadi. O'yinning past darajasida bolalar faqat ob'ektlarni boshqaradilar. Ushbu ob'ektiv harakatlar bolalarning ijobiy hissiy munosabatining ob'ekti hisoblanadi. Shu munosabat bilan, ba'zi bolalar bir xil tanish o'yinlarni tanlaydilar ("qizlari-onalar" va boshqalar) o'ynashadi. Har bir qo'g'irchoq - bu bola turli xil his-tuyg'ularga ega bo'lgan o'yindagi belgi. Va biz bola nafaqat ba'zi majburiyatlarni bajarishi, balki o'z rolini chuqur his qilishi uchun ham g'amxo'rlik qilishimiz kerak.

Shuningdek, bolaning umuman o'yin tarkibiga bo'lgan hissiy munosabatini rivojlantirish kerak. Bolalar nafaqat o'yin mazmunini bilishlari, balki ular ushbu tarkib bilan muayyan tarzda aloqador bo'lishlari, shu bilan ularga tegishli rolni egallashga bo'lgan ehtiyojlari bo'lishi kerak.

O'yinda bir xil ahamiyatga ega bo'lgan vazifalar - bu hissiy va axloqiy rivojlanish uchun asos bo'lgan vazifalar. Ushbu vazifalar bolaning e'tiborini xarakterning pozitsiyasiga, uning holatiga yo'naltiradi, unga xushyoqishni bildirishga va yordam berishga o'rgatadi. O'yin vazifalarini belgilash orqali kattalar maktabgacha yoshdagi bolaning boshqa bolalar bilan hamkorligini qo'llab-quvvatlaydi. Voyaga etgan kishining rol o'ynash xatti-harakatlari bolaning tengdoshlari bilan ishbilarmonlik aloqalari asosi hisoblanadi.

Bola muvaffaqiyatli o'yinlardan katta zavq oladi. U o'zini rovida ta'kidlaydi, chinakam mag'rurlikni his qiladi. O'yindagi ijodiy imkoniyatlarni amalga oshirish, improvizatsiya, g'oyalarni amalga oshirish bolalarning hissiy ilhomlanishiga, ularning bo'ronli quvonchiga, o'yinni takrorlash talablariga sabab bo'ladi. O'yinning hissiy ko'tarilishi maktabgacha yoshdagi bolaga boshqa bolalarga nisbatan negativizmni engishga, ularni sherik sifatida qabul qilishga yordam beradi. Rollarni o'ynash o'yinlari rollarni taqsimlash holatlarida bolalarning hissiy namoyon bo'lishiga ta'sir qiladi, ammo xarakter sheriklarining fazilatlarini nomlanmaydi. Bunday hollarda, bola o'zining hayotiy tajribasiga qarab, inson munosabatlarining me'yorlari va qoidalarini sharhlaydi. Bir tomonlama ijtimoiy tajribaga ega bo'lgan bolalar aksariyat hollarda rol o'ynash o'yinida yordamsiz bo'lib qolishadi, chunki ular muayyan sharoitlarda qanday harakat qilish kerakligi, ma'lum bir belgi qanday fazilatlarga ega bo'lishi kerakligi haqida kam tasavvurga ega.

Shunday turli xil tasniflarni, o'yin turlari va ularning asosiy vazifalarini ko'rib chiqib, maktabgacha yoshdagi bolaning hissiy qiyinchiliklarini engish uchun o'yinning ahamiyatini aniqlab, quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

O'yin - bu bolaning aqliy rivojlanishidagi ko'plab yutuqlarni o'zida mujassam etgan, o'z yo'nalishidagi asosiy rivojlanish, ijodiy va bilim faoliyati. O'yin jarayonida bolalar o'zlarini, atrofdagi dunyoni bilishadi, ular inson munosabatlarining asosiy tushunchalarini shakllantiradi.

HULOSA VA TAVSIYALAR

Bolalarda rivojlanish sohalarini o'yinlar orqali shakllantirishda - bunda maktabgacha yoshdagi bo'lgan bolaning asosiy faoliyati ko'z o'ngimizga kelishi muqarrar. O'yin bola uchun doimo jozibali bo'lib, uning intilishlarini amalga oshirishga

imkon beradi. Ko'pincha, o'yinda bola o'zida o'zi yoki atrofida uchun ilgari sezilmaydigan xususiyatlarni kashf etadi, o'zida yangi imkoniyatlar ochadi. O'yin - muayyan ko'nikmalarni o'rgatishning eng yaxshi usuli. O'yin davomida bolada rivojlanishi mumkin bo'lmagan bunday ijobiy fazilatlar yo'q. O'yin bu fazilatlarni rivojlantirishning asosiy usuli hisoblanadi, chunki bu bolalar uchun yanada jozibali bo'lib, bolalar buni, masalan, shunchaki maktabda o'qishdan ko'ra ko'proq zavq bilan bajaradilar. O'yin orqali siz bolaning kognitiv xususiyatlarini rivojlantirishingiz, uni zamonaviy jamiyatda hayotga tayyorlashingiz, uning kuchi va imkoniyatlariga ishonishingiz mumkin. O'yin, keyinchalik, bola maktabni tugatgandan so'ng, o'zini kattalar hayotida biznes va "kattalar" rol o'ynash o'yinlari sifatida anglaydi. Zamonaviy inson uchun jamiyatda o'zini o'yinsiz amalga oshirish juda qiyin. Demak, o'yin bola rivojlanishidagi eng muhim omil bo'lib, nafaqat ushbu rivojlanishni amalga oshirish, balki kattalarning mahorat va ko'nikmalarini oshirishga ham yordam beradi.

Maktabgacha yoshdagi bolaning hissiy rivojlanishi bu ta'lim va tarbiya jarayoni samaradorligini, uning turli jihatlarini ta'minlaydigan muhim shartlardan biridir. Voyaga etgan kattalarni xarakterlaydigan va uni buyuk ishlarga va ezgu ishlarga undashga qodir bo'lgan yuksak axloqiy, estetik va intellektual tuyg'ular bolaga tug'ilishidan tayyor holda berilmaydi. Ular bolalik davrida hayot va tarbiyaning ijtimoiy sharoitlari ta'siri ostida paydo bo'ladi va rivojlanadi.

O'yin bola yashaydigan ob'ektiv munosabatlarni aniqlash uchun samarali vosita bo'lib xizmat qiladi: sheriklari bilan haqiqiy munosabatlarda o'yinga kirish orqali u o'ziga xos shaxsiy fazilatlarini namoyon qiladi va hissiy tajribalarni ochib beradi. Shu bilan birga, o'yinga yangi hissiy tajribani kiritish (tengdoshlari bilan muloqot qilishdan yoki rolda reenkaratsiyadan quvonch tajribasi va boshqalar) bolalarda salbiy hissiy namoyonlarni zararsizlantirishga yordam beradi, ularda yangi ijobiy fazilatlar va intilishlar, yangi motivlar va ehtiyojlar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha "Harakatlar strategiyasi". O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 yil, 6-son, 70-modda.

2. Aksarina NM Erta yoshdagi bolalarni tarbiyalash. - M.: "Tibbiyot" nashriyoti, 1

3. O'yinda bolalarni tarbiyalash: bolalar tarbiyachisi uchun qo'llanma. bog ' / Komp. A.K. Bondarenko, A.I. Matusik. - 2-nashr 969 yil.

4. Boguslavskaya ZM, Smirnova EO Kichik maktabgacha yoshdagi bolalar uchun o'quv o'yinlari: Kitob. tarbiyachi bolalar uchun. bog '. - M.: Ta'lim, 1991 yil.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Ашуров Нодирбек Алишер ўгли
Ташкентский Государственный Педагогический университет имени Низами,
2 курс

Страна, в которой не заботятся о детях и молодежи, не имеет будущего и если в ближайшее время не произойдет существенных изменений, мы обречены

на вымирание. Молодежь - это социально-демографическая группа, переживающая период становления социальной зрелости, адаптации к миру взрослых и будущие изменения. Молодежь имеет подвижные границы своего возраста, они зависят от социально-экономического развития общества, уровня культуры, условий жизни. Чтобы рассмотреть проблемы молодёжи, необходимо представить себе, что же такое молодёжь, чем она отличается от других общественных групп.

Сегодня учёные определяют молодёжь как социально-демографическую группу общества, выделяемую на основе совокупности характеристик, особенностей социального положения и обусловленных теми или другими социально-психологическими свойствами, которые определяются уровнем социально-экономического, культурного развития, особенностями социализации в российском обществе. Молодость-это путь в будущее, который выбирает сам человек. Выбор будущего, его планирование - это характерная черта молодого возраста; он не был бы таким притягательным, если бы человек заранее знал, что с ним будет завтра, через месяц, через год.

В возрастной психологии молодость характеризуется как период формирования устойчивой системы ценностей, становление самосознания и формирования социального статуса личности.

В современных условиях усложнился и удлинился сам процесс социализации, и соответственно другими стали критерии её социальной зрелости. Они определяются не только вступлением в самостоятельную трудовую жизнь, но и завершением образования, получением профессии, реальными политическими и гражданскими правами, материальной независимостью от родителей. Действие данных факторов не одновременно и не однозначно в разных социальных группах, поэтому усвоение молодым человеком системы социальных ролей взрослых оказывается противоречивым. Он может быть ответственным и серьёзным в одной сфере и чувствовать себя как подросток в другой. Становление социальной зрелости молодёжи происходит под влиянием многих относительно самостоятельных факторов: семьи, школы, трудового коллектива, средств массовой информации, молодёжных организаций и стихийных групп.

Молодость-пора, когда каждый должен сам определить свою судьбу, найти единственно верный, ведущий к успеху жизненный путь, который позволит максимально реализовать свои способности и дарования. Это период, сопряжённый с мучительно трудным процессом самопознания, обретения собственного "Я". Человеку нужно определить границы своих реальных возможностей, понять, на что он способен, утвердить себя в обществе. С другой стороны, в это же время ему необходимо сформировать максимально достоверное представление об окружающем мире, систематизировать ценностные ориентации, политические, нравственные, эстетические воззрения. Жизнь ставит молодого человека перед необходимостью принятия ряда важнейших решений в условиях дефицита жизненного опыта. Выбор профессии, выбор спутника жизни, выбор друзей - вот далеко не полный перечень проблем, то или иное решение которых в значительной степени формирует образ последующей жизни.

Тема, затрагивающая социально-психологические проблемы современной молодежи, является в настоящее время одной из самых актуальных. Молодые люди сталкиваются с целым рядом проблем, таких как социальные, связанные с нахождением своего места в социуме, психологические, продиктованные стремлением к самореализации.

«Молодежь» в возрастном отношении обозначает молодое поколение, молодых людей. Сравнительно недавно стало активно употребляться понятие «современная молодежь», хотя оно, конечно, существовало всегда. Уже во времена возникновения и расцвета древних цивилизаций, существовала своя «молодежь», и уже тогда, по свидетельствам исторических источников, молодые люди испытывали сложности во взаимоотношениях с взрослыми и окружающим миром.

Что именно склонно понимать большинство из нас под термином «современная молодежь»? Это новое поколение, которое стремится определять социальную и отчасти экономическую ситуацию в стране. Совсем недавно, во времена наших бабушек и дедушек, молодежь воспитывало старшее поколение, но теперь наблюдается обратная тенденция - молодежь «воспитывает» общество, пытаясь навязать ему свои взгляды. Нетрудно догадаться, что это приводит к конфликтам отцов и детей, которые в настоящее время превосходят по своим масштабам все конфликты, описываемые в истории, литературе и искусстве. Наверное, поэтому у современной молодежи возникает так много социально-психологических проблем.

Социально-психологические проблемы - это проблемы, возникающие по большей части при взаимодействии человека с социумом. От умения человека контактировать, взаимодействовать, сотрудничать с людьми и находить свое место в обществе напрямую зависит его психологическое состояние. Социальные и психологические проблемы неразрывно связаны друг с другом и вытекают одна из другой. Эти проблемы действительно существуют и, можно отметить, что чем более высокого уровня развития достигает общество, тем больше проблем оно порождает.

В числе основных направлений деятельности вновь созданной молодежной организации были определены, в частности, защита прав, свобод и законных интересов молодежи, создание достойных условий для приобретения юношами и девушками современных профессий, обеспечение занятости, развитие их деловых способностей, широкое вовлечение в предпринимательство, стимулирование инициатив, содействие в реализации интеллектуального и творческого потенциала, организация целевой работы по оказанию материальной и моральной поддержки молодым семьям, молодежи с инвалидностью и нуждающейся в социальной защите, созданию для них достойных жилищных и социально-бытовых условий.

Так как тридцать процентов населения нашей страны составляет молодежь от 14 до 30 лет. Созданы широкие условия для приобретения ею образования и профессий. Вместе с тем актуальным вопросом является организация содержательного досуга молодежи. Чем выше духовность молодежи, тем сильнее ее иммунитет к чуждым явлениям и идеям. Глава нашего государства ранее

выдвинул пять важных инициатив по организации социальной, духовно-просветительской работы по новой системе.

Как мы знаем 2021 год объявлен годом и молодёжи. И мы уже видим значительные шаги на улучшения, и внимание на молодежь увеличился. Указы которые вышли еще в 2018-2019 годах, тоже дают свои результаты. Можно видеть работы по 5 инициативам тоже. И что радует наше государство стало больше внимание обращать к молодежи и вести молодежной политику. И уже видны результаты активных работ со стороны страны. Как всё ведётся по пяти инициатив. И, конечно, в скором времени можно увидеть большие результаты и успехи молодежи. Так как государство очень большое внимание уделяет молодёжью страны.

MAKTABDA PSIXOLOGIK XIZMAT KO'RSATISH

*Alibekova Shohidaxon Erkinjonovna
Andijon viloyati Andijon tumani 26-maktab psixologi*

Bolalar shaxsida salbiy ozgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning pedagogik va psixologok asoslariga oid bolgan mavzulardan biri o'quvchilarga maktabda psixologik xizmat ko'rsatish hozirgi kundagi dolzarb mavzu, shunindek u muammoli vaziyatlarni yengillashtiradi.

O'quvchilarga psixologik xizmat ko'rsatish maktab psixolog tomonidan amalga oshiriladi. O'quvchilar o'rtasidagi ziddiyatlar, kelishmovchiliklar, oiladagi kelishmovchiliklar, sevgi mavzulari, ularni to'g'ri yetarlicha bilim olishlariga to'sqinlik qiladi. Bunday holatlarni oldini olish maqsadida Maktab psixologi tomonidan psixologik xizmat ko'rsatish jadvali ishlab chiqiladi. Jadvalda o'quvchilarning muammoli vaziyatlari mavzu qilib yoziladi. Hafta davomida o'quvchilarning psixologik xizmatga psixolog yoniga kirishlari ushun jadvalda keltirilgan sinf hamda mavzusi ko'rib olib kirishadi. Psixolog tomonidan jadval shakllantirilib direktorga tasdiqlangan holda e'lonlar doskasiga yopishtirib qo'yiladi. Psixologik xizmat ko'rsatishga o'quvchilar jadvalda ko'rsatilgan kun va so'atiga qarab psixologga murojat etishlari mumkin.

Maktabda psixologik xizmat ko'rsatish jadvali

O'quvchilarning o'zlaridagi muammolariga qarab, masalan oilasida muammo bo'lsa dushanba kuni 13.30 da psixolog oldiga kelishi suhbatlashishi yoki psixologik xizmat ko'rsatishga soatiga qarab kirishlari mumkin. Psixologik xizmat ko'rsatish mashg'ulotida yolg'iz gaplashmoqchi o'quvchilar soati 14.30 da kelishlari aytiladi.

Psixologik xizmat ko'rsatish mavzulari maktab o'quvchilarining muammoli vaziyatlaridan kelib chiqib tuziladi. Maktabda yuqqori sinf o'quvchilari o'rtasida sevgi ,muhabbat mavzulari ko'plab uchrab turganligi tufayli "Sevgi" mavzusida suhbat olib borilishi kuni sanasi bilan belgilab qo'yiladi. Maktabda o'g'ilbolalar hamda qiz bolalar o'rtasida ko'p uchraydigan bu holat, psixologik korreksiya qilish yo'li bilan o'rganiladi tuzatiladi. Bunday o'quvchilar maktabda psixologik xizmat ko'rsatishga "Sevgi" mavzusi belgilab qo'yilgan kunda kirishlari mumkin yokimaktab psxologi, sinf

rahbarlari birgalikda psixologik diagnostika ishlari olib boriladi. Sevgi mavzusida maktab psixologi oldiga kirgan o'quvchilar suhbatga qo'yiladi. Suhbat jarayonida sevib qolgan har ikkala yoshlarning harakter xususiyatlari, oilasi, imkoniyatlari psixolog tomonidan o'rganiladi. Ularni o'qishga, ilm olishga bo'lgan ishtiyoqlarini oshirib borish maqsadida psixolog tomonidan kundalik yozib beriladi. Bu yo'lda borishi to'g'ri emasligi sevgi o'zi yo'q, bu asarlarda jumladan hazrati Navoiyning "Farxod va Shirin". "Layli va Majnun" kabi obrazlarni misol tariqasida keltirib aytish ammo bular insonlarning tushunchasida "Sevgi" "Muhabbat" mavzulari samimiy tuyg'ular ekanligini tushuntirish kerak bo'ladi. O'quvchilarga "Sevgi" tushunchasi bor u qalbimizda xis qilamiz yashaydi ammo bu hayotda tashqi olamda uning umri qisqa voqea hodisalarga aylanib borishini tushuntirish zarur.

"Mening oilam" mavzusida maktabda tashkil etilgan psixologik xizmat ko'rsatish markaziga kiradigan o'quvchilar jadvalga ko'ra belgilangan muddatda psixolog oldiga kirib borishadi.

"Mening oilam" mavzusida kiradigan o'quvchilar o'z oilasidan qoniqmayotgan bolalar bo'lishlari mumkin bu ularning fikrlari. Otasi yoki onasining mehriga muhtoj bolalar bo'lishadi. To'liq oila farzandlari ham bo'lishi mumkin. Bunday o'quvchilar oila a'zolari o'rganiladi. Maktabdagi 1-4-sinf o'quvchilar psixologik xizmat ko'rsatishga kirsam, oila testi proektiv metodikadan foydalanish tavsiya etiladi. Yuqqori sinf o'quvchilari psixolog tomonidan tinglanadi, va o'quvchiga oila muqaddas, undagi insonlar kechirimli bo'lishlari kerak ekanligini tayinlab to'g'ri yo'l ko'rsatib boriladi. "Mening oilam" mavzusida psixolog oldiga kirgan o'quvchilarga ona aziz, muqaddas zot, ota hurmatli zot jigarlari aziz qondoshlari ekanligi aytib o'tiladi. Psixolog tomonidan "Hadislar" aytish lozim o'quvchiga islomiy tushunchalarni me'yorida aytib o'tish lozim.

Maktabda Psixologik xizmat ko'rsatish jadvalida "Mening muammolarim" deb nomlangan mavzuda o'quvchilar jadvalda belgilangan kunda psixolog oldiga kirishlari mumkin. O'quvchilar orasida o'z muammolari bilan kirgan o'quvchilar yoshiga mos ravishda saralanadi psixolog tomonidan, shundan so'ng psixokorreksion trening mashg'ulotlari o'tkaziladi. Jumladan Yuqqori sinf o'quvchilari bo'lsa "Bog'dagi gular", "Xayr stress", "Kechirib yuborish", "Relaksaksiya" kabi psixorreksion trening mashg'ulotlarni o'tkazish tavsiya etiladi. Mashg'ulotlar maktab psixologi tomonidan bir soat davomida olib borilishi maqsadga muvofiq.

Maktabda psixologik xizmat ko'rsatishning yana bir mavzusi "Dostlarim" mavzusi bo'lib, bunda o'quvchilar do'st deb bilgani yaqin ko'rgani dilini og'ritgani uchun kirishlari, murojat e'tishlari ko'proq uchraydigan hollardan biri. "Do'stlarim" mavzusida psixolog oldiga kirgan o'quvchilar sozlari maktab psixologi tomonidan tinglanadi. O'quvchining do'stlik tushunchasi haqida so'raladi.

-Psixolog.-Do'st tushunchasini aytib beraolasizmi?

Oquvchi

-Ha do'st bu har kuni birga dars qiluvchi, boshqalar oldida do'stini uyaltirmaydigan bola.

-Yaxshi kimlarning do'stligini havas qilasiz?

-Yana bir sinfdoshlarim masalan Nodir bilan Azizbeklarni sababi ular doim bir birini himoya qiladi.

- Yaxshi.

Psixolog shu tarzda bu bolalarning ozlari qanday va do'stlari qanday bolalar ekanligini bilib ilishi hamda kerakli psixologik tavsiyalarni berishi mumkin.

Maktab psixologi tomonidan maktabda psixologik xizmat ko'rsatish markazi ish faolayati olib borsa maktab muhiti sog'lom, psixolog ishi ham samarali bo'ladi. O'quvchilar o'zlaricha psixologga murojat etmasligi mumkin. Ammo maktabda psixologik xizmatning tashkillashtirilishi o'quvchilar o'rtasida, oilasida turli muammolarning ijobiy tomonga o'zgarishiga olib keladi. Psixolog tomonidan psixologik daftarlari yuritiladi. Psixologik suhbat amalga oshiriladi. Dars jarayoniga halal bermagan holda trening mashg'ulotlari muntazam ravishda o'tkazib boriladi.

T.R	Mavzular	muddati	Soati	sinfi	Ma'sul
1	“Sevgi” mavzusida	Dushanba	13.30	7-11	psixolog
2	Mening oilam	chorshanba	13.30	1-11	psixolog
3	Mening muammolarim	juma	13.30	5-6-7	psixolog
4	“Do'stlarim”	shanba	13.30	5-11	psixolog

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Psixokorreksion trening mashg'ulotalri.
2. “Oilam bilan har bir hayot darsi o'rganamiz”. Abdumurod Tilabov. Abdumurod Tilabov. Oila kuubxonasi.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАМДА ПЕДАГОГЛАРДАГИ КАСБИЙ СЎНИШ ҲОЛАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ПСИХОЛОГНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Елена Николаевна Иванова
 Сергели тумани ХТБ методист психологи,
 Ахмедова Фазилатхон Рахмонберди қизи
 300-ИДУ мактаб психологи

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш жамиятимизнинг ижтимоий - иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёти истиқболдаги вазифаларни амалга ошириш учун энг зарур омил ҳисобланади. Юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар барча соҳаларга, шунингдек, таълим жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Таълим жараёнида шахсни камол топтириш шарт-шароитларини яратиш, таълим муассасаларида ишларни тўғри ташкил этилганлиги бевосита психологик хизматни тўғри ташкил этишга ҳам боғлиқдир.

Психологик хизмат ҳозирги замон таълим тизимининг ажралмас компонент (бўлак)и бўлиб, болаларга таълим ва тарбия беришда ва уларнинг шахсий имкониятларини, болада мавжуд қизиқиш ва интилишларни ўз вақтида аниқлаш ва улардан максимал тўлиқ равишда фойдаланишни таъминлаб беради. Таълим тизимидаги психологик хизмат ечадиган навбатдаги муҳим вазифа-педагогик жараёнининг бевосита иштирокчилари: ўқитувчилар, ота-оналар ва таълим тизимидаги раҳбарларга психологнинг амалий таъсир кўрсатишдан иборатдир. Бу вазифа ушбу одамларга таълим ва тарбия жараёнида бевосита психологик ёрдам кўрсатишни назарда тутди. Бу ерда психолог- педагог, психотерапевт, консультант, корректор ролларида фаолият кўрсатади.

Таълим тизимининг бошқарув тузилмаси ходимлари психологик ёрдамдан ташқари гуруҳдаги ва жамоадаги бошқаришга таалукли бўлган бошқарув психологияси бўйича билимларга ҳам муҳтож бўладилар. Таълим тизимининг раҳбар ходимларига бошқарув психологиясидан, одамларнинг ўзаро муносабатларидан, фаолиятининг самарадорлигидан қўшимча билимлар зарур. Бундай билимлар минимал – зарур миқдорда педагогик олий ўқув юртларида берилади, аммо вақт ўтиши билан бу билимлар қисман ёки бутунлай эскиради, унутилади, яъни уларни тўлдириш ва янгилаш зарурияти туғилади. У ёки профессионал иши давомида бундай билимларни коррекция қилишни ҳам психологик хизмат амалга оширади.

Мактаб Психологи мактада Психолог воситачи, Психолог-адвокат, Психолог-дўст, Психолог - ўт ўчирувчи , Психолог-диагност, Психолог – новатор, Психолог – эрудит бўлиши ва жамоани мактаб мухитини тўлиқ назоратига олиши лозим. “Агар дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”. Инсонни шахс бўлиб шаклланишида устоз-мураббийларнинг ўрни бекиёсдир. Педагогларнинг фаолияти мураккаб жараён бўлиб, улардан масъулиятлилиқ талаб қилинади. Иш жараёнида ютуқлар билан биргаликда камчиликлар, муаммолар учраб туради. Шунинг натижасида зўриқиш, турли касалликлар ҳам келиб чиқади. Бу борада бир неча педагог олимлар изланишлар олиб бориб, ўзларининг илмий асарларини ёзганлар. Масалан, Зиёмуҳаммадов Бўрининг ўқув қўлланмасида педагогик фаолият, маҳорат, технология ҳақида батафсил баён этилган. Бу китобдан хулоса қилиш мумкинки, педагогик маҳоратга эга бўлмаган киши баъзи касалликларга дуч келади. Ҳамда педагогик фаолият ҳақида Мунавваров А., Баженова И., Қосимова З., Каримова В., Ғозиев Э., Иванов П., Зуфарова И. психологик муаммолар ҳақида қўлланмаларида тўлиқ маълумот келтириб ўтганлар. Жадал ақлий фаолият, мушаклар тизимидаги зўриқишлар, ҳаракат фаоллигининг чекланиши, уйқу тартибининг бузилиши, ижтимоий мавқеининг ўзгариш эҳтимоли билан боғлиқ зўриқишлар ҳам ҳиссий зўриқишларнинг манбаи ҳисобланади. Юқоридагиларнинг барчаси организм нормал ҳаёт фаолиятини таъминловчи вегетатив нерв тизимининг ҳаддан зиёд зўриқишига олиб келади. Ҳиссий зўриқиш вақтида юрак қисқаришлари частотаси ортади, артериал босим ўзгаради, психоэмоционал зўриқишлар юқори даражага кўтарилади. Фаолият яқунланиши билан бу кўрсаткичлар нормага қайтиши учун кўп вақт хатто бир неча кун талаб қилинади. Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф

этилишича, ўқув фаолияти билан боғлиқ ҳиссий зўриқишлар ўқитувчи саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин. Юрак қон томир тизими, ошқозон ичак тракти тизими билан боғлиқ касалликларнинг кўпчилиги психоген асосга эга эканлигини ҳозирги кунда исботланган. Худди шундай одамнинг эндокрин тизими ҳам, хатто хулқ-атвори ҳам шундай асосга эга. Бу соҳада амалий иш билан шуғулланар экан, психолог бу кўринишдаги касалликларнинг пайдо бўлиши ва зўрайишини олдини олишга ҳаракат қилади, касалликни даволаш учун яхши органик реакциялар чақириш мақсадида одамнинг психологиясига ва хулқ-атворига таъсир кўрсатадиган махсус методларни қўллайди.

Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммолардан бири – ўқитувчи ва педагогик, меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади. Ўқитувчининг мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни одобли, ахлоқли қилиб тарбиялаш, уларни билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади.

Ҳиссиётнинг барқарорлиги – руҳий ҳолатнинг барқарорлигига боғлиқ. Ўқувчилар билан ишлаш, уларга тарбия беришда педагог руҳий-ҳиссий томондан кучли бўлиши керак. Иш фаолияти жараёнида турли муаммолар келиб чиқса, ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрната олмаса зўриқиш жараёнининг илк босқичлари шакллана бошлайди. Шу сабабдан муаммоларни бартараф қилишга ҳаракат қилиш керак. Асосий муаммоларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

-иш жойига кўника олмаслик;

-ҳамкасблар, ўқувчилар билан муносабатни тўғри йўлга қўя олмаслик;

-ўқув материалларининг етишмаслиги;

-синф-хоналардаги шароитнинг яхши эмаслиги;

“Психолог Н.В.Сомоукина томонидан ҳиссий зўриқишларни келтириб чиқарувчи сабаблар қуйидагича таснифланади:

1.Муваффақиятга эришиш билан боғлиқ ҳолатлар;

2.Рақобат муҳити;

3.Хато қилиб қўйишдан кўрқиш;

4. Жамоада психологик мосликнинг мавжуд эмаслиги”

Ўқув фаолиятидаги ҳиссий зўриқишларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин. Объектив омиллар ўқув жараёни билан боғлиқ бўлса, субъектив омиллар эса шахснинг соф психологик хусусиятлари (ўзига ишончнинг пастлиги, омадсизликдан кўрқиш, хатолар, мотивациянинг пастлиги, келажакка бўлган ишончнинг йўқлиги, саломатликнинг ёмонлиги, малаканинг етишмаслиги, тажрибанинг камлиги, шахслараро муносабатлардан қониқмаслик) билан боғлиқдир. Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти ва жамоатчилиги катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, дарсларини кузатиш, метод бирлашма ишларига жалб этиш раҳбариятининг вазифасидир. Мактабда ўқитувчининг ўз устида ишлашига илмий-назарий ва методик билимларини тинмай ошириб боришига катта аҳамият берилади. Ўқитувчи аста-секин ўз касбини ўзлаштириб бориш билан бирга, ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади. Ўқитувчилик касбига кириш ва педагогик маҳоратни эгаллаш жараёни уни мактаб ўқитувчилари жамоасига киритиб, унда ўз ўрнини топиб кета олишига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз

ўғирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни йўқотиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради. Педагогик фаолиятнинг самараси ҳақида гапирилар экан, ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даража шаклланганлигига эътибор қаратиш даркор. Зеро, мактабга илк бор қадам қўйган бола дунёнинг ҳаётнинг қонун ва қоидаларни, сир-асрорларни ўқитувчидан ўрганади. Ўқитувчи эса болага ўз билганини ўргатади. Агар болани чуқур билимли, эътиқодли, маданиятли қилиб тарбияламоқчи булсак аввало педагогларда мана шуларнинг бари мужассамланган бўлмоғи зарур. Ўқитувчи доимий изланишда бўлиши керак. Бир жойда қотиб қолмасдан касбини шакллантириб бориши лозим.

Чет эл психологиясида турли қийинчиликлар шахснинг ички структураси бузилганда (З.Фрейд, М.Клайн ва ҳ.к.) ёки муҳит бузилганлигида, ёки иккала сабаб бирлашганда юзага келади, деб ҳисоблашади. Пировардида, таъсир кўрсатишнинг мақсади шахс уйғунлиги ва психодинамик кучлар балансини тиклашдан иборат, деб тушунилади.

Психологнинг педагоглар билан ташкил этадиган коррекцион ишнинг техникаси ва усулларининг танланиши унинг мақсадлари билан белгиланади. Мақсадларни конкретлаштиришда қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиш лозим:

- 1.Коррекция мақсадлари негатив эмас, позитив шаклда тузилиши керак. Мақсадлар инкор сўзлари билан тузилмаслиги шарт, уларнинг таъқиқловчи ҳарактерга эга бўлиши мижознинг ривожланиш имкониятларини, ташаббусларини чегаралаб қўйиши мумкин. Коррекция мақсадларини аниқлашнинг *негатив шакли* бартараф этилиши лозим бўлган хулқатвор хусусиятлар тавсифидан иборат. Коррекцион муддаоларнинг *позитив шакли* педагогда шаклланиши керак бўлган хусусиятларни ўз ичига олади.
2. Коррекция мақсадлари реал тузилиши керак. Агар мақсадлар реал ҳолатдан узоқ бўлса, унда психокоррекцион дастур фойдадан кўра кўпрқ зарар келтириши мумкин.

- 3.Умумий мақсадлар қўйилганда, шахс тараққиётининг яқин ва олис истиқболини ҳисобга олиниши керак. Шахснинг,нафақат коррекция тугаган вақтидаги кўрсаткичларини, балки кейинроқ рўй берадиган ривожланиш босқичларидаги ўзгаришларни ҳам камраб олиши керак.
4. Коррекцион ишнинг самараси анча узоқ вақт давомида намоён бўлишини ёдда тутиш лозим. Коррекцион иш жараёнида, унинг яқунланишида; ва ниҳоят таҳминан ярим йил ўтгандан кейин, коррекцион ишнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсизлиги ҳақида гапириш мумкин.

Коррекцион таъсир кўрсатишда психологнинг касбий тайёрлигининг асосий мезонлари:

- 1.Назарий мезон – коррекцион ишларнинг назарий асосини билиш.
- 2.Амалий мезон – аниқ корректив метод ва методикаларни билиш.
- 3.Шахсий тайёрлик – психолог ўзининг шахсига доир муаммоларини ҳал қилганлиги, айниқса мижознинг муаммоларига ўхшаш. Алоҳида коррекцион ишларни юритувчи психолог, таянч фундаментал тайёрликкаэга бўлиб, коррекцион таъсир эта олиш методларини билиши керак.

Назарий мезон деганда қуйидагилар назарда тутилади: психологик тараққиётнинг онтогенездаги умумий қонуниятларини билиш, психологик тараққиёт даврлари хусусидаги билимларга эга бўлиш, таълим ва тараққиёт, улар ўртасидаги қиёсий ўхшашлик ва тафовутларни билиш, шахс назарияси, моделлари ва типлари хусусидаги тасаввурлар, гуруҳларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисидаги зарурий билимлар. Профессионал тайёрликга нисбатан 3 та асосий ёндашув мавжуд: 1) Бир назарияга таяниб ишлаш, бир ҳил ёндашув, 2) эклектизм – тури назарияларга ёндашиш, 3) умумий ёндашув.

Тайёрликнинг амалий компоненти.

Тайёрликнинг амалий компонентининг моҳияти аниқ коррекцион метод ва методикаларни эгаллашдан иборат. Конкрет метод ва методикаларни чуқур ўзлаштириш шахснинг касбга доир деформациясини олдини олишга ёрдам беради. Бундай шахсга доир деформацияларга “қуйиб адо бўлиш” синдромини киритиш мумкин. “Қуйиб адо бўлиш” синдроми ўз ишида хусусий, шахсга доир захиралардан фойдаланувчи турли тоифалардаги мутахассисларда учрайди. У касбдаги зўриқиш сабабли юзага келиб, эмоционал, жисмоний ва когнитив ҳолсизлик билан ҳарактерлидир. Бундай синдромни вужудга келишига: мутахассиснинг шахсий ечилмай қолган муаммолари; ҳамкасблари томонидан кам қўллаб, қувватланган ҳолда улар томонидан юқори талаблар қўйилиши; мотивацияси паст гуруҳлар билан ишлаш оқибатлари; иш самарадорлигининг пастлиги, турғунлик; профессионал билимларининг ошкор бўлишидан қўрқиш; иш тажрибасини ўргатиш ва тарғиб этишга йўл қўйилмаслиги кабилар сабабчи бўлиши мумкин.

Ҳар бир психологда касбий салоҳиятини тиклаш ва ривожлантиришда гоҳо онгли, гоҳо онгсиз қўллайдиган, умумий ва махсус усуллар туркуми бўлиши мумкин. Умумийларига:

-ўз ҳис-туйғуларини эркин ифода этиш имконияти киради. Зотан психологлар ўз миждларидан салбий ҳиссиётларни ўзлаштиришлари мумкин, “дард босиши”, улар эса йиғилиб қолиш хусусиятига эгадирлар. Айнан шунинг учун ҳам психологлар ўз ҳиссиётларини баъзи-баъзида ташқарига эркин чиқариб туришлари муҳимдир. -фақатгина ўз хоҳиш - истакларини бажариш имконияти. Зеро, кўплаб психологлар “бўлиши керак”, “шарт” деган тушунчалар оламида яшайдилар. Бундай истакларнинг асосий қисмини ёлғиз қолиш хоҳиши ташкил қилади. Шахсий тайёрликнинг мавжуд эмаслиги коррекцион ишларда психологик тўсиққа айланиши мумкин. Агар психологни ёшлиқда қаттиқ уришган ёки жазолашган бўлса, у шахсиятга тегиш каби камситилишни бошидан кечирган бўлса – унда миждни камситмаслик каби коррекцион қоидага бўйсунмаслиги мумкин. Катталар бу қоидани нотўғри деб билмасликлари мумкин. Масалан: мени ҳам ёшлиқда уришишган, жазолашган, лекин мен яхши инсон бўлдим деб ҳисоблашишлари мумкин. Бу ҳолатда психолог ва мижд ўртасида психологик резонанс пайдо бўлади. Албатта, мна шундай қоидаларга амал қилган ҳолда ҳар бир мактаб психологи коррекцион ишлар олиб борса мақсадга тўлиқ эришилади .

Адабиётлар рўйхати

1. Адизова Т М Психокоррекция Учеб пособие- Ташкент 2005.
2. Волков В.Т., Караваева Е.В., Цветкова Н.Н., Психология пациента./ Монография . – Томск, 1999.
3. Еникеев М.И. Энциклопедия. Общая и социальная психология.- М., 2002.
4. Колесникова Г.И. Основк психопрофилактики и психокоррекции. – Ростов-н/Д: Феникс, 2002.
5. Кочюнос Р. Основы психологического консультирования. – М., 1999.
6. Осипова А.А. Общая психокоррекция. – М., 2005.

YOSHLARDA YANGILIK YARATISHNI NAMOYON ETISH JIHATLARI.

*Tajiddinova Muqaddas Abidjonovna
Sergeli tumani 300-IDU maktab psixologi*

Bolalar urug'ga o'xshaydi; ular o'sishi uchun suv va quyoshga muhtoj bo'lib, ijodkorligi rivojlanishi va psixik rivojlanishi uchun. Muxtasar qilib aytganda, bolalar, maktab bog'chasidan boshlab, o'rta maktab orqali doimo rag'batlantirilishi kerak. Duch keladigan muammolar va ularni nimaga jalb qilish uchun nima kerak?

Birinchi muammo bolalar va yoshlar yashaydigan mamlakatning umumiy muhiti bilan bog'liq. Bu ijodkorlikni rag'batlantiradimi? Yangi g'oyalarni va turli fikrlashlarni toqat qiladimi? Ular, albatta, bir necha satrda javob bera olmaydigan katta savollardir.

Ikkinchidan, yoshlarning texnologik xabardorligini oshirish uchun, ba'zilarning fikricha, bu yetarli emas. Eng muhimi, ijodiy fikrlashni rag'batlantiradigan tarzda yo'naltirilishi kerak bo'lgan ta'lim tizimi. Shunday qilib, ta'lim ilmni kashf qilish va bilimlarni passiv o'rganishga emas, balki tanqidiy nuqtai nazarlarning rivojlanishiga asoslanishi kerak. Va bu barcha intizomga tegishli.

Afsuski, maktabda o'qitish - bu butun dunyoda trend bo'lib, odatda bolaning yodlash qobiliyatiga asoslangan. Eng yaxshi belgilar odatda o'zlarining darslarini yaxshi o'rganganlar uchun beriladi! Ijodiy tomoni yanada rivojlangan o'quvchi, ba'zida sinfdagi bezovtalik element sifatida qaraladi. Ba'zi ilm-fan klublari va ilmiy yarmarkalar faqatgina fanni o'rgatadigan o'rta maktab o'quvchilari uchun ochiqdir. 6 yoshdan 12 yoshgacha bo'lgan bolalar e'tiborga olinmaydi. Biroq, ijodiy fikrlashni o'rgatishning yoshi yo'q; juda erta yoshda boshlash ham foydali bo'lishi mumkin. Keling, bu borada ayrim mamlakatlar tajribasini ko'rib chiqaylik.

Yaponiyaning Yaponiya kashfiyot va innovatsiya instituti (JIII) tomonidan har yili tanlov o'tkaziladi. Bolalar ikkita variantdan birini tanlashadi: 1) ular tashkilotchilar tomonidan tavsiya etilgan yil mavzusiga mos keladi, ya'ni, kundalik hayot uchun xavfsizlik asboblari yoki ta'lim sohasida foydalanish uchun materiallar;

2) ular o'zlarining mavzularini erkin tanlashadi.

Har ikkala holatda ham, bola ixtirochisi dizaynga qo'shimcha ravishda namuna taqdim etishi kerak.

AQShda 1928 yildan beri amerikacha maktablarda qo'llaniladigan taniqli davriy jurnal - Haftalik o'quvchi tomonidan uyushtirilgan umummilliy ixtirochilik tanlovida ishtirok etayotgan bolalar modelni taqdim qilishlari shart emas. Tanlovga qatnashish uchun tanlov yoki fotosurat yetarli bo'lib, uning maqsadi sinfdagi barcha talabalar o'rtasida ijodiy fikrlashni rag'batlantirishdir, ularning hammasi ixtiro jarayonida alohida yoki kichik guruhlarda ishtirok etadilar. Keyinchalik sinf milliy tanlov darajasida taqdim etiladigan eng yaxshi ixtironi tanlaydi.

Shunga qaramay, Yaponiyada erta yoshdagi bolalar va qizlarga e'tibor qaratiladi. Ba'zi bolalar o'z ixtirolari uchun model yaratish uchun juda kichikdirlar, shuning uchun ular qog'ozga faqat rasmni taqdim etishadi.

Gollandiyada 1990 yilda birinchi marta 13 yoshgacha bo'lgan bolalarga mo'ljallangan musobaqa boshlandi. 1) Ulardan beshta muammodan birini topib olishgan: ular sherning tishini qanday yuvishlari kerak? 2) O'yin-kulgini ixtiro qilish; 3) Uydan uzoqda bo'lganingizda, chorva hayvonini urib qo'yadigan mashinani ixtiro qiling; 4) Qanday qilib tezda kimdirning boshidagi sochlar sonini sanashingiz mumkin? 5) Vannada yoki dazmol ostidagi kitobni ho'llamasdan qanday o'qiysiz? Tashkilotchilarga olti ming yechim taqdim etildi! Sovrinlar o'g'il bolalar uchun 60%, qizlarga esa 40%, birinchi beshta sovrinlardan uchtasi qizlarga beriladi.

Senegallik ixtirolar va innovatsiyalarni rivojlantirish assotsiatsiyasi (ASPI) maqsadlaridan biri yoshlarda ijodkorlik va ijodkorlikni rag'batlantirish uchun real siyosatni o'rnatishdir. Kattalarnikidan farqli o'laroq, ularning hayotga bo'lgan asosiy hissasi hali-xanuz keladi. Yoshlar kattalar markazida bo'lgan dunyoda yoshlik kichik ahamiyatga ega bo'lgan atrof-muhit elementi deb hisoblangan jamiyat o'z kelajagiga putur yetkazadigan statik vaziyatni yaratadi. Bugungi yoshlar ertangi kunning rivojlanishining asosiy omili.

Yoshlarni ixtiro qilish va ijodkorlikni rag'batlantirish zarurati har qanday davlatning rivojlanishi uchun juda muhim, ammo bu yetarli emas. Ijodiy salohiyatni rag'batlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni aniqlash kerak. Ta'lim - bugungi yoshlarni ertangi kun jamiyatiga tayyorlashning buyuk vazifasi bilan ulug'vor vositadir.

Ammo bizning mamlakatimizda institutsional ta'lim nafaqat umumiy aholi sonining aksariyat qismini tashkil etadigan yoshlar guruhiga tegishli. Oddiy o'quv yurtlariga kirish imkoniga ega bo'lmagan yoki vaqtincha tark etishga majbur bo'lgan yoshlar ixtiro va ijodiy salohiyatlarini maksimal darajada rag'batlantirishi kerak. Ijobiy va ijodiy iste'dodlarni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlarni yaratishning usullari va vositalarini aniqlash muhimdir.

1. Ta'lim muassasalarining ahamiyati, jumladan umumta'lim maktablari: ixtiro va ijodiy yondashuvlarning rivojlanishi – 1-sinfdan o'rta maktabga qadar - yoshlarni yangidan izlash va taraqqiyotga erishishga da'vat qilish vositasi: erkinlashtiruvchi muhit, talabalarning mas'uliyati va tashabbuskorlik ruhi. Kichik ahamiyatga ega bo'lgan mavzular (masalan, chizilgan, modellash, kesish va yopish), lekin ko'pincha yoshlarga o'z orzularini yetkazish uchun taqdim etilgan yagona imkoniyatlarni aks ettiradigan sub'ektlar qayta baholashi kerak.

Kasb-hunar maktablari: Kelajak avlodlar texnologik evolyutsiyaga tayyorlanishi kerak va har qanday sohada o'zgarishlarga psixologik qarshilikni yengib o'tishni o'rganish kerak. Bunga quyidagilar orqali erishish mumkin: takomillashtirish hissini

rivojlantirish; tashabbuskorlik ruhini mustahkamlash; kundalik muammolarni hal qilish uchun original yechimlarni topish uchun tanqidiy nuqtai nazarni rag'batlantirish; turli ta'lim muassasalari ichida ham, orasida ham eng yaxshi yosh ijodkorlar uchun tanlov imtihonlarini tashkil etish; maxsus marosimlarda imtihon natijalarini maksimal darajada ommaviy ravishda yoritib berishni e'lon qildi.

2. "noan'anaviy" sektor. Ushbu sohada savdo-sotiqni o'rganishga ko'proq e'tibor qaratiladi, shuningdek, yoshlarni nazorat qilish uchun treninglar ham kiritilgan. Bu yerda boshqa joylardan ko'proq, ijodkorlik va ijodkorlikni rag'batlantirish uchun shart-sharoitlarni izlash mas'ullarning fikri chizig'ini belgilashi kerak. Orientatsiya intitativ rivojlanishni, mas'uliyatni va aslligini qidirishni ta'kidlashi kerak.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yosh ixtirochilar beparvolik va g'ayriinsoniy shaxslar emas, aksincha yoshlar qiziqish bilan to'la, ilm-fanga intilishadi, ularning harakatlari da'vat qilinishi kerak. Bu bolalar va qizlar belgilangan tartibdagi xavfli shaxslar emas, balki yaxshiroq dunyoni quchoqlashadi.

Adabiyotlar ro'yhati

1. Михайлова О.Б. Виды активности как детерминанты развития инновационного потенциала личности // Вестник РУДН. Серия «Психология и педагогика». — 2012. — № 4. — С. 35—44. [Mikhailova.O.B. Vidy aktivnosti kak determinanti razvitiya innovatsionnogo potentsiala lichnosti // Vestnik RUDN. Seriya "Psikhologiya i pedagogika". — 2012. — N 2. — S. 35—44.]

2. Михайлова О.Б. Психология становления инновационного потенциала личности: монография. — М.: РУДН, 2013. [Mikhailova O.B. Psikhologiya stanovleniya innovatsionnogo potentsiala lichnosti: monografiya. — M.: RUDN, 2013.]

GLOBAL AXBOROT MAKONNING SALBIY TA'SIRLARIDAN HIMOYALANISHNING IJTIMOYIY-PSIXOLOGIK MASALALARI

*Shamatova Dildora Muratovna
Qarshi tumani 35- maktab psixologi*

Bugungi kunda axborot maydoni qudratli kuchga aylanib, global makonni to'liq qamrab oldi, u barcha hududlarni zabt etib davlatlararo chegaralarni yo'qqa chiqarmoqda. Axborotlashuvning jamiyat hayotining barcha sohalarida ko'rsatayotgan ta'siri borgan sari kuchayib bormoqda. Ayniqsa, internet, uning turli tarmoq va saytlari keksayu yoshni, erkagu ayolni ohangrabodek o'z domiga tortib bormoqda.

Bugun jamiyatimiuzga ma'naviy tahdid solayotgan xavf-xatar haqida ziyolilarimiz osdhkora fikr aytmoqdalar. Aslini olganda jamiyatda shunday muammolar bo'ladiki, ularning ijobiy hal etish uchun yillar davomida, ehtimolki, abadiy kurashishga to'g'ri keladi. Shunday muammolardan biri- " ommaviy madaniyat" niqobi ostidagi tahdidlardir. Bugungi globallashuv davrida farzandlarning jismoniy sog'lom yurishini ta'minlashning o'zigina yetarli bo'lmay qoldi. Zamonga xos va mos yuksak ma'rifatli, bunyodkor, shijoatli avlodni tayyorlash zarurati jamiyat, eng avvallo oila instituti zimmasiga g'oyat katta ma'suliyat yuklamoqda.

Bugun ko'pchilik axborot manbai sifatida internetga murojaat qiladi va u hayotimizning ajralmas tarkibiy qismiga aylanib ulgurgan. Ta'bir joiz bo'lsa, internetni pichoqqa o'xshatish mumkin. Chunki, pichoq jinoyatchining qo'lida qotillik quroli sifatida namoyon bo'lsa, jarroh undan insonlar hayotini saqlab qolish, oshpaz esa kishilar uchun taom tayyorlash, odamlarga hizmat qilish maqsadida foydalanadi. Ayni nuqtai nazardan, internetning vazifalari imkoniyatlarini to'g'ri anglash va undan maqsadga muvofiq foydalanishni har bir fuqaro uddalashi lozim.

Internetning ijobiy tomonlarini inkor etmagan holda, uning yoshlar orasida samarali destruktiv faoliyat olib borish imkoniyati mavjudligini ham ta'kidlash lozim. Har kuni yuzlab ijtimoiy tarmoqlarda milliardlab insonlar bir- birlari bilan virtual muloqotga kirishmoqdalar, har xil bloglarda o'z fikrlarini bayon etib, boshqalarning mulohazalari bilan tanishmoqdalar. Yoshlarda buzg'unchi, destruktiv g'oyalarga qarshi hali mafkuraviy immunitet to'la shakllanmagani, ularning eshitgan yoki o'qigan ma'lumotiga juda tez ishonishini nazarda tutsak, bu ancha e'tibor qaratish zarur bo'lgan jarayondir.

Axborot- psixologik xavfsizlik borasidagi bunday tahdidlarga qarshi kurashishda eng avvalo, huquqiy asosni mustahkamlash lozim. Bu boradagi tahdidlar doim ham mamlakat ichkarisida chiqavmasligini, ularni chetdan turib tashkillashtirishga urinish hollari mavjudligini ham unutmaslik zarur. Psixologlar tomonidan hozirgi ikiunda "axboriy- qo'poruvchi omil" degan tushuncha iste'molga kitritilgan. Haqiqatdan ham internetdan tarqatilayotgan qo'paruvchilik ruhidagi axborotlar ba'zan harbiy harakatlarni amalga oshirgandan ham ko'proq samara berishi mumkin. Xususan mazkur axborotlarning shaxsga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan jihatlari quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- a) Kishilarning ahloqiy –psixologik holatini, dunyoqarashi siyosiy nuqtai nazari va e'tiqodini maqsadli ravishda o'zgartirishga nisbatan qaratilgan axbotiy bosim, xuruj;
- b) Noto'liq, ataylab buzilgan, noto'g'ri ma'lumotlar axborotlarning tarqatilishi;
- c) To'g'ri ma'lumotning kishilar tomonidan noto'g'ri idrok etilishini ta'minlashga intilish.

Axboriy ta'sirning foyda yoki zarari uning o'zi emas, balki ko'rsatishi mumkin bo'lgan natijasi bilan tavsiflanadi. Jamiyatda "zombi" lar sharqona til bilan aytganda "manqurtlar" paydo bo'lmasligi uchun shaxsga boshqalarning salbiy ta'sir o'tkazishga yo'l qo'ymaslik maqsadida axborot iste'moli madaniyati, mafkuraviy immunitetini tarkib toptirish va rivojlantirish masalasi hanuz dolzarbligicha qolmoqda.

So'ngi o'n yilliklar davomida makabgacha yoshdagi va umumiy o'rta ta'lim o'quvchilari, ayniqsa 5-9 sinf o'quvchilari ekran san'ati asarlarining ommaviy ta'sir ob'ektiga aylangan. Namoiish etilayotgan zo'ravonlik va shavqatsizlik sahnalari, to'qima superqahramonlarning turli tryuklari bolaning ongiga ta'sir o'tkazib beixtiyor ularni takrorlash istagini tug'diradi. Suiqasd va halokat oqibatlarini tasvirlangan kadrlarni tomosha qilgan bollalarda dahshat, uyquning buzulishi, alahsirash kuzatiladi.

Yoshlarni internetning salbiy ta'sirlaridan himoyalash uchun bir qator ishlarni amalga oshirish zarur.

Eng avvalo, yoshlarning kompyuret oldida o'tkazadigan vaqtini me'yorga solish lozim. Buning uchun turli badiiy, ilmiy kitoblarni o'qish, sport bilan shug'ullanishga undash maqsadga muvofiq. Shifokorlarning tavsiyalariga ko'ra, 1- sinf o'quvchilari

kuniga 10, 2-5 sinf o'quvchilari 15, 6-9 sinf o'quvchilari 20-25 daqiqa, o'rta maxsus kasb- hunar ta'lim muassasalari o'quvchilari kuniga yarim soatdan 1 soatgacha kompyuter qarshisida o'tirishlari tavsiya etiladi.

Shu bilan birga internetning ma'lum bir saytlari va portallariga kirishni chegaralovchi dasturlardan foydalanish ham maqul. Bu ishlarni amalga oshirish orqali internetning o'smirlar psixikasiga ko'rsatadigan salbiy ta'sirini kamaytirish mumkin.

Shuning uchun ta'lim muassasalarida ta'lim va tarbiyani uzviy holda birga olib borish zaruriyati haqida bot-bot gapirilmoqda ekan, ta'lim berish jarayonida yoshlarni maqsadga muvofiq tarbiyalab borish, ta'limga oid ma'lumotlar usullardan o'rinli foydalanish har doim ham dolzarb ahamiyat kasb etib kelgan. Ta'lim muassasalari pedagogik jamoalaridagi oshkoralik, xayrixoxlik, bag'rikenglik, tanqidiy- tahliliy mushohadaga asoslangan o'zaro munosabatlar tizimini yo'lga qo'yishga alohida e'tibor qaratish lozim. Mazkur tizim yoshlarni destruktiv g'oyalar ta'siriga tushishdan saqlashda ularning psixologik salomatligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Shu bilan birga ta'lim muassasalarida ijtimoiy fanlarni o'qitish jarayonida asosiy e'tiborni o'quvchilarda tanqidiy tafakkurning rivojlantirilishiga shuningdek, ularda axborot-psixologik xavfsizlikning ta'minlanganligi, psixologik himoya mehanizmlarini shakllanishiga qaratish darkor. Amaliy psixologik va pedagogik faoliyat tajribasi asosida ta'lim muassasalariga buzg'unchi guruhlar mafkurasi kirib kelishining asosiy sabablari, usul va vositalarini tahlil qilish, ta'lim muassasalari o'quvchilari o'rtasida yot g'oyalar psixologik monopulyatsiyasi hamda salbiy ta'sirining oldini olishga qaratilgan chora- tadbirlar ijtimoiy – psixologik dasturlar natijalarini bayon etish mazkur yo'nalishdagi profilaktik ishlar mazmunini boyitishga hizmat qiladi. Ayniqsa, yosh davrlari bilan bog'liq shaxs inqiroz holatlari mavjudligini ota-onalar inobatga olishlarini mazkur holatlar o'smirlik davrida alohida e'tibor talab qilishini bilishlari zarur. Chunki inqiroz davrida inson biron –bir yaqin kishisining maslahati, ma'naviy qo'llab-quvvatlashiga ehtiyoj sezadi. Agar yonida shunday kishisi bo'lmasa, uning faoliyatida salbiy xususiyatlar, xulq atvorida og'ishlar kuzatilishi mumkin. Ularda psixologik madaniyat, mafkuraviy immunitet yetarli darajada shakllangan bo'lsa bu jarayon salbiy asoratsiz kechadi.

Globalashuv sharoitida farzandlarimiz tarbiyasini virtual olam ixtiyoriga berib qo'yish esa yomon oqibatlarga olib kelishi mkumkin.

Jamiyatimizning, mamlakatimiz fuqarolarining jismoniy, psixologik, ahloqiy, ma'naviy, madaniy jihatdan sog'lom bo'lishi barchamizga bog'liqligini e'tibordan soqit qilmaslik zarur. Bunda esa albatta, oila ,ta'lim muassasalari , jamoatchilik, fuqarolik institutlari hamkorligi kuchaytirilib borilishi barcha faol fuqarolik pozitsiyasini egallashi muhim ahamiyatga egadir.

Umuman olganda farzandlarimizda axborot iste'molini shakllantirish jarayonida oilada bola bilan ota- ona munosabatlari demokratik tamoillar asosida qurilgani ma'qul. Ayrim oilalarda kuzatiladigan farzandga nisbatan haddan tashqari qattiqqo'llik avtoritar muomala bolaning lapashang, bo'sh o'zgalar ta'siriga tushib ketavetadigan mustaqil fikri yo'q odam bo'lib shakllanishiga, yohud ,o'jar, zolim, kek saqlaysigan, qasoskor muammolari uchun boshqalarni aybdor bilib hammadan o'ch olishga harakat qiladigan inson sifatida voyaga yetishiga olib kelishi mumkin. Farzandini haddan tashqari erkalatadigan yoki uni qarovsiz nazoratsiz qoldiradigan ota-onalar ham borki, ularning

bollalari ko'pincha o'ta hudbin, o'z manfaatidan boshqa hech narsani tan olmaydigan, ba'zan esa , ijtimoiy xavfli shaxslar bo'lib yetishadilar. Shunday ekan farzandlariga e'tiborli bo'lish ular kelajagi uchun ma'sullikni anglab, mamlakat taraqqiyoti rivoji uchun xizmat qiladigan barkamol shaxslar yetuk mutaxasislarni yetishtirishga harakat qilish har bir ota- onaning burchi bo'lmog'i zarur.

Zero, Islom Karimov takidlaganlaridek, “ dunyodagi zo'ravon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o'ziga tobe qilib, bo'ysundirmoqchi, uning boyliklarini egallamoqchi bo'lsa, avvalambor, uni qurolsizlantirishga, ya'ni eng buyuk boyligi bo'lmish milliy qadriyatlarini, tarixi va ma'naviyatidan judo qilishga urinadi. Binobarin ma'naviyatga qarshi qaratilgan har qanday tahdid o'z-o'zidan mamlakat xavfsizligini, uning milliy manfaatlarini, sog'lom avlod kelajagini ta'minlash yo'lidagi jiddiy xatarlaridan biriga aylanishi va oxir-oqibatda jamiyatni inqirozga olib kelishi mumkin.

Xullas, bugungi kunda yoshlarni turli yot g'oyalar virtual olamning salbiy ta'sirlaridan himoyalash e'tiborga mufofiq davlat siyosati darajasidagi masala ekanligidan kelib chiqib bu yo'nalishdagi ishlarni susaytirmaslik, ularni izchil va tizimli olib borish yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda mafkuraviy immunitetni axborot iste'moli madaniyatini shakllantirish keng ilmiy jamoatchilik, ona-onalar va har bir ongli fuqaro oldida turgan dolzarb vazifalardan biridir.

Adabiyotlar ro'yhati:

1. Mirziyoyev Sh.O Ilm- fan rivoji taraqqiyotga, bunyodkorlik farovonlikka xizmat qiladi. Xalq so'zi. 2018 21.07
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch.- Toshkent: Ma'naviyat, 2008
3. Rashidova D,Muratova N, Internet jurnalistikasi. Toshkent 2007
4. O'quv tarbiya jarayonlarini takomillashtirishning milliy psixologik asoslari – ilmiy amaliy konferensiya-Qarshi 2019 yil 19 aprel
5. N.A.Sog'inov,Z.T.Nishanova, X.K.Karimov, B.M.Umarov, E.Sh.Usmonov Psixologik atamalarruscha- o'zbekcha izohli lug'ati- T: “ Fan va texnologiya” -2019.

YOSHLARNING DUNYOQARASHI VA XULQ – ATVORIGA TA'SIR ETUVCHI IJTIMOIIY PSIXOLOGIK OMILLAR

*O'ktamova Gulshana Yusubjonovna
Toshkent viloyati Chirchiq shaxar 7-maktab psixologi*

Milliy istiqlol tufayli taraqqiyotning barcha sohalarida jadal rivojlanib borayotgan mamlakatimizda yosh avlodni jahon andozalari talablariga javob beradigan, fan-texnika yangiliklaridan xabardor, mustaqil fikrlay oladigan, hayotga dadillik bilan kirisha oladigan, tadbirkor, ma'naviy jihatdan barkamol qilib voyaga yetkazish dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

Bugungi kunda mamlakatimizda 18 yoshgacha bo'lgan yoshlar aholining taxminan 45 foizini tashkil etadi.Shuni alohida ta'kidlash joizki, bu yoshda insonning

ongi, axloqi, ma'naviy qiyofasi shakllanadi. Shu bois mamlakatimizda bunday yoshlarga e'tibor kuchaytirilgan.

Yoshlik davri 23-28 yoshlardan iborat bo'lib, bu davrning o'ziga xos xususiyatlaridan biri ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida kamolga erishgan shaxs sifatida faol ishtirok qilish va ishlab chiqarishda mehnat faoliyatini amalga oshirishdan iboratdir.

Yoshlarning dunyoqarashi, xulq-atvori va komil inson sifatida shakllanishuda ta'sir etuvchi muhim ijtimoiy psixologik omillardan ijtimoiy muhit va bu jamiyatda axborot kommunikatsion texnologiyalarga bo'lgan talab va ehtiyojning kuchayishidir. Kun sayin jadal rivojlanib borayotgan axborot asrida zamonaviy texnika vositalaridan foydalanmaslikning yoki ularga murojaat etmaslikning hech bir iloji yo'q. Chunki dunyoqarashning shakllanishida, ma'naviy olamining yanada kengayishida ayniqsa kompyuter texnologiyasi asosiy vosita rolini bajarmoqda. Bu bir tomondan quvonarli holat. Bugungi kunda biz yoshlar mana shunday katta imkoniyatlardan xohlagancha foydalanib, O'qish yoki ish davomida vaqtimizdan ancha unumli foydalanmoqdamiz. Ammo... Shiddat bilan yuksalib borayotgan fan texnika asrida, internet va ijtimoiy tarmoqlarning ijobiy jihatlari bilan bir qatorda uning yoshlar ma'naviyatiga, yangiliklarga chanqoq ongiga, dunyoqarashiga salbiy ta'sirning ham guvohi bo'lyapmiz. Zimdan e'tibor bersak, internet kafelariga serqatnov yoshlar u yerga borishib, har xil buzg'unchi g'oyalar ruhidagi o'yinlarni tomosha qilayotganliini, vaqtlarini besamar o'tkazayotganligini guvohi bo'lyapmiz. Eng achinarlisi, befarq otanalar farzandim internetda o'tirib, bilim olyapti, deb o'ylashadi. Shu ma'noda turli ma'naviy tahdidlardan hayotimizni asrash, ma'naviy bo'shliqqa yo'l qo'ymaslik, yoshlarimizni dunyoqarashiga, xulq-atvoriga ta'sir salbiy etuvchi omillardan asrash uchun, avvalambor, sog'lom g'oyalar orqali jahon maydonida yuz berayotgan keskin aql zakovat va iste'dod musobaqasida bellashuvga qodir bo'lishimiz lozim. Bunday bellashuvga kirishadigan shaxsning nafaqat bilimi, balki uning axloqiy qarashlari yuqori darajada shakllangan bo'lishi lozim.

Buyuk mutaffakir Voiz Koshifiyning " Insonning qadr-qimmati uning mol-mulki yoki ijtimoiy kelib chiqishi bilan emas, balki ma'naviy qiyofasi, axloqiy sifatleri bilan o'lchanadi deb, aytgan edi.

Ijtimoiy muhit - bu insonning aniq maqsadlar va rejalar asosida faoliyat ko'rsatadigan dunyosidir. Shaxs ijtimoiy xulqiga turli tashqi kuchlar ta'sir qiladi: siyosiy, mafkuraviy, iqtisodiy, ma'naviy, axloqiy va boshqalar. Bu ta'sirotlar mohiyatan aslida jamiyat a'zolari bo'lmish shaxslar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning ayrim alohida yo'nalishlarini belgilab beradi. Shunday qilib, shaxs turli ijtimoiy munosabatlar tizimi ta'sirida bo'ladi va ko'plab ijtimoiy institutlar (oila, mahalla, o'quv maskanlari, mehnat kollektivlari, norasmiy tashkilotlar, din, san'at, madaniyat va boshk.) bilan bog'liq bo'ladi. Masalan, shaxsdagi turli g'oyalar, fikrlar va mafkura mafkuraviy munosabatlar tizimi ta'sirida shakllanib, ular bevosita oila, bog'cha, maktab, boshqa o'quv va tarbiya muassasalari orqali ongga singdiriladi. Agar bu ta'sir uning e'tiqodi darajasida ko'tarilsa va unda yana yangidan - yangi fikrlar va g'oyalarning paydo bo'lishi, o'sishiga olib kelsa, shaxs taraqqiyoti jarayonida shunday faoliyat sohasini tanlaydiki, o'z qobiliyatlari, malaka va ko'nikmalarini rivojlantira borib, ziyoli sifatida yo o'qituvchi, yoki shifokor, yoki olim, kashfiyotchi, muhandis bo'lib, elu - yurtiga xizmat

qiladi. Iqtisodiy munosabatlar ham shaxs ongi va uning insoniy xususiyatlari shakllanishida katta rol o‘ynaydi.

Psixologlarning ma’lumot ko‘rsatishicha, xulq-atvorning muhim motivlaridan biri e’tiqod hisoblanadi. Ba’zi manbalarda unga mana bunday ta’rif berilgan: e’tiqod shaxsni o‘z qarashlariga, prinsiplariga, dunyoqarashiga muvofiq tarzda qarorga kelishga undaydigan muhim motivlar tizimidir. Boshqa so‘z bilan aytganda, e’tiqod shaklida namoyon bo‘ladigan ehtiyojlarning mazmuni- bu tabiat, tevarak atrofdagi olam to‘g‘risidagi bilimlar va ularning muayyan tarzda tushunilish demakdir. Bu bilimlar falsafiy, estetik, tabiiy-ilmiy nuqtai-nazardan tartibga solinsa va ichki uyushgan tizimi tashkil etilsa, u taqdirga shaxsning dunyoqarashi sifatida talqin qilinishi maqsadga muvofiq.

Dunyoqarash - tartibga solingan, yaxlit ongli tizimga aylantirilgan bilim, tasavvurlar va g‘oyalar majmui bo‘lib, u shaxsni ma’lum bir qolipda, o‘z shaxsiy qiyofasiga ega tarzda jamiyatda munosib o‘rin egallashga chorlaydi.

Yoshlarni ma’naviy shakllanishida ijtimoiylashuv maskanlarining roli katta. Bular orasida bizning sharoitimizda *oila va mahallaning* roli o‘ziga xosdir. Insondagi dastlabki ijtimoiy tajriba va ijtimoiy xulq elementlari aynan oilada, *oilaviy munosabatlar* tizimida shakllanadi. Shuning uchun ham xalqimizda “Qush uyasida ko‘rganini qiladi” degan maqol bor. Ya’ni, shaxs sifatlarining dastlabki qoliplari oilada olinadi va bu qolip jamiyatdagi boshqa guruhlar ta’sirida sayqal topib, takomillashib boradi. Bizning o‘zbekchilik sharoitimizda oila bilan bir qatorda *mahalla* ham muhim tarbiyalovchi - ijtimoiylashtiruvchi rol o‘ynaydi. Yoshlik davrida yigit-qizlar kamolotiga uchta muhim psixologik mexanizm, ya’ni atrof – muhit, mehnat jamoasi, oila mikromuhiti va norasmiy ulfatlar ta’sir ko‘rsatadi. Masalan, mehnat jamoasidagi psixologik iqlim, ma’naviyat olami, barqarorlik, ijtimoiy ong, ijtimoiy qadriyatlar, muayyan an’analar va odatlar yangi a’zoning xarakterida ijobiy yoki salbiy o‘zgarishni vujudga keltirishi mumkin. Mazkur ta’sir natijasida asta-sekin umuminsoniy fazilatlar tarkib topishi yoki muayyan shaxsiy nuqtai nazar yo‘qolishi mumkin. Yoshlarni mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash eng muhim vazifalardan biridir. Buning uchun:

1-dan, ularni yoshligidan boshlab yosh xususiyatlarniga xos mehnat turlarini bajarishga o‘rgatish;

2-dan, yoshlarni mehnatini sirdan nazorat qilish;

3-dan, mehnat anjomlaridan foydalanish malakasini xosil qilish

4-dan, ularni asrab-avaylab saklashga va undan foydalangandan keyin uni joyjoyiga qo‘yishga odatlantirish;

5-dan, o‘z mehnatini maxsuli va undan foydalanishga o‘rgatish;

6-dan, kattalar mehnatiga taqlid qilish va uni xurmatlash;

7-dan, o‘z va jamiyat mulkini avaylashga o‘rgatib borish muximdir.

Yoshlarni mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash va uni jahon andozalari darajasiga etkazish hozirgi zamon talabidir.

Yoshlik davri 23-28 yoshlardan iborat bo‘lib, bu davrning o‘ziga xos xususiyatlaridan biri ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida kamolga erishgan shaxs sifatida faol ishtirok qilish va ishlab chiqarishda mehnat faoliyatini amalga oshirishdan iboratdir. Yoshlarning mehnat faoliyati quyidagi uchta muhim belgisi bilan boshqa yosh davrlaridan farqlanadi:

1) mutaxassislikning mohiyatiga, ishlab chiqarish shart-sharoitiga va mehnat jamoasi aozolarining xususiyatiga moslashish - mehnat faoliyatining dastlabki yillari yoki jamoada o'z o'rnini topish va qadr-qimmatga erishish;

2) mutaxassis sifatida o'zini takomillashtirish uchun ijodiy izlanishni amalga oshirish yoki kasbkorlik mahoratini egallash;

3) mahorat sirlaridan foydalanish, tashabbus ko'rsatish, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishda ijtimoiy etuklikni namoyish qilish yoki mehnat faoliyatidagi barqaror ijod bosqichida bir tekis 10 yillab ishlab sifatli mahsulot yaratish namunasini ko'rsatish.

Yoshlarimizni "Yangicha O'zbekiston – Yangicha dunyoqrash" ruhida tarbiyalash uchun, yuqorida keltirilgan, yoshlarning dunyoqarashi va xulq – atvoriga ta'sir etuvchi ijtimoiy psixologik omillardan asrash va ularni yetuk, komil, madaniyatli, hayotning barcha jabhalarida kamolga erishgan shaxs sifatida kamol toptirishda oila, mahalla, maktab doimiy hamkorlikda ish olib borsada maqsadga muvofiq bo'lar edi!

YOSHLAR XULQ-ATVORI VA DUNYOQARASHINING SHAKLLANISHIDA IJTIMOY-PSIXOLOGIK TA'SIRLARNING TUTGAN O'RNI.

Ismoilova Shahlo Valijonovna

Tosh viloyati Bo'stonliq tumani 37-maktab psixologi

Mustaqillikka erishilgandan so'ng pedagogikada fikrlashga to'liq imkoniyatlar yuzaga kela boshladi. Natijada pedagogikada sog'lom aql, ijodiy muhit, milliy ruhiyat, fuqarolik madaniyati va an'analar, marosimlar, urfodatlariga mos tarzda ta'lim-tarbiya olib borish itko-niyati yaratildi. Mustaqil O'zbekiston Respublikasida shakllanayotgan milliy maf-kura fuqarolarni Respublika Konstitutsiyasida e'tirof etilgan inson-parvarlik, dernokratik davlat va huquqiy jamiyatni barpo etishdek ezgu maqsad atrofida birlashtirishga xizmat qiladi. Har bir fuqaro-ning ijtimoiy-siyosiy, huquqiy faolligini yuzaga keltirish, fuqarolik madaniyatini qaror toptirish - fuqarolik jamiyatning asosiy talabi sanaladi. Ushbu talab mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasi huku-mati tomonidan qabul qilingan qator qonun va qarorlar, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov asarlari mazmuni-da o'zining yorqin ifodasini topdi. Ijtimoiy tarbiyaning samarali, izchil tizimini yaratish, jamiyatda fuqarolik madaniyatini shakllanti-rish muammolarining ijobiy hal etilishi jamiyat ijtimoiy hayoti uchun rnuhim ahamiyatga egadir. Bo'lajak mutaxassislarning ijtimoiy tarbiyasini keng ko'lamda fuqarolik tarbiyasi bilan uyg'un holda tashkil etish bugungi kunning da'vati va talabi bo'lib qolmoqda. Mazkur talabni ijobiy hal etish «Davlat-ta'lim muassasalari jamiyat jamoatchilik» uyg'unligini yaratish asosida amalga oshiriladi.

Fuqarolik tarbiyasining vazifalari:

1. Yosh avlodni doimiy ravishda jamiyatda ustuvor mavqega ega bo'lgan axloqiy va huquqiy me'yorlarga ongli ravishda rioya etishga o'rgatib borish;

2. Talaba-yoshlarga fuqarolik huquq va burchlari to'g'risida ma'umotlar berib borish, ularda fuqarolik faoliyatini tashkil etish borasida ko'nikma va malakalar hosil qilish;

3. Vatanni himoya qilish borasida harbiy vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish;

Bugun xalqaro hayot, kishilik taraqqiyot shunday bosqichga kirganki, endi unda harbiy qudrat emas, balki intellektual salohiyat, aql-idrok, fikr ilg'or texnologiyalar ham xalq qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Amir Temur bobomizning "Kuch adolatda" degan mashhur ta'birini bugungi kunga nisbatan qo'llab aytadigan bo'lsak, men unga qo'shimcha qilib "Kuch bilim va tafakkurda" degan bo'lar edim".

Inson faolligi harakat, faoliyat, xulq tushunchalari bilan chambarchas bog'liq bo'lib, shaxs va uning ongi masalasiga borib taqaladi. Shaxs aynan turli faolliklar jarayonida shakllanadi, o'zligini namoyon qiladi ham. Demak, faollik yoki inson faoliyati passiv jarayon bo'lmay, u ongli ravishda boshqariladigan faol jarayondir. Inson faolligini mujassamlashtiruvchi harakatlar jarayoni faoliyat deb yuritiladi. Ya'ni, faoliyat - inson ongi va tafakkuri bilan boshqariladigan, undagi turli-tuman ehtiyojlardan kelib chiqadigan, hamda tashqi olamni va o'z-o'zini o'zgartirish va takomillashtirishga qaratilgan o'ziga xos faollik shaklidir. Bu - yosh bolaning real predmetlar mohiyatini o'z tasavvurlari doirasida bilishga qaratilgan o'yin faoliyati, bu - moddiy ne'matlar yaratishga qaratilgan mehnat faoliyati, bu - yangi kashfiyotlar ochishga qaratilgan ilmiy - tadqiqotchilik faoliyati, bu - rekordlarni ko'paytirishga qaratilgan sportchining mahorati va shunga o'xshash. Shunisi xarakterliki, inson har daqiqada qandaydir faoliyat turi bilan mashg'ul bo'lib turadi. Ijtimoiy faollik kishilarning ijtimoiy voqelikning biror bir sohasidagi fikrlari, his-tuyg'ulari va hatti-harakatlarini jamlashga jamiyat hayotiga baho berishga va shu asosda ijtimoiy voqelikning tegishli tomonlarini o'zgartirishga ta'sir ko'rsatadi. Yuqoridagi fikrlardan kelib «ijtimoiy faollik»-shaxsning har sohadan xabardorlik, komillik darajasini ko'rsatuvchi mezon, deyish mumkin. Ijtimoiy faollikka intilib yashashning o'zi g'oya hisoblanadi. Uning mazmunini esa jamiyat ma'naviy yuksalishini ta'minlaydigan bilim, odob axloq, iste'dod, qobiliyat, ijobiy ko'nikma va malakalar, bular asosida shakllangan dunyoqarashlar majmui tashkil etadi.

Bo'lajak o'qituvchi talabaning ijtimoiy faolligi shaxs sifati bo'lib, jamiyat ravnaqi yo'lidagi g'oyaviy, siyosiy, kasbiy-madaniy va fuqarolik mas'uliyatining qonuniy ifodasidir. har bir bo'lajak o'qituvchi o'z faniga oid ilmiy bilimlarni egallash bilan bir qatorda jamiyatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar mazmunini, mamlakatda yuz berayotgan o'zgarishlarni anglab etishi, g'oyaviy jihatdan qurollangan bo'lishi ham talab etiladi.

Talaba-yoshlarni O'zbekiston prezidenti I.A.Karimov asarlarida bayon qilingan ijtimoiy faol va raqobatbardosh, kadrlar tayyorlashga oid nazariy g'oyalar, sharq mutafakkirlarining barkamol inson tarbiyasiga oid qarashlari, shuningdek, «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» asosida ma'naviy jihatdan shakllantirish ularga kasbiy bilimlar berish o'qituvchi kasbiga tegishli malaka va ko'nikmalarni hosil qilish jarayoni bilan uzviylikda olib boriladi.

Bu uzviylik pedagogika fanlari hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturi mazmunidagi o'zaro aloqador xususiyatlarga bog'liq. Demak, talaba-yoshlarni tarbiyalashda pedagogika oliy o'quv yurtlari oldida turgan muhim vazifa hozirgi davr

talabiga javob bera oladigan, erkin fikrlaydigan, o'z fanini chuqur biladigan, kasbiy mahorati kuchli, tashabbuskor, dunyoqarashi keng, ijtimoiy faol, yuqori malakali raqobatbardosh mutaxassis kadrlarni tayyorlashdan iborat. Buning uchun Kadrlar tayyorlash milliy modeli asosida ijtimoiy faol o'qituvchi shaxsini shakllantirish mexanizmini quyidagi jadval ko'rinishida belgilashni maqsadga muvofiq deb topdik.

Xarakatli-operatsion komponenti o'quv faoliyatidagi xatti-xarakat va operatsiyalarni uzida mujassamlashtiradi. Bunday xatti-xarakat davomida ilgari tuzib chikilgan dastur amalga oshiriladi.

O'quv faoliyati strukturasi pertseptiv, mnemonik, predmetli, nutkli va aqliy faoliyat xarakatlarini ajratib kursatish mumkin. O'quv faoliyatining tarkibi, avvalo, o'quv materialining mazmuni, o'quv faoliyatining maksadi, yoshlar tomonidan o'quv ishlari usullarining egallab olish darajasi muayyan pedagogik vaziyatda yoshning munosabati bilan belgilanadi. Operatsiyalar o'quv faoliyatini amalga oshirish usuli xisoblanadi. N. F. Talizina ta'kidlab utganidek, operatsiyalarni izchil bajara borish faoliyat jarayonini tashkil etadi. O'quv faoliyatini amalga oshirish usullari karab chikilar ekan, bu erda E. N. Kabanova – Meller fanga kiritgan o'quv ishining usuli degan tushuncha bilan tanishib chikish maksadga muvofikdir. O'quv ishining usuli – bu bir kator o'quv xarakatlarining yigindisi bulib, ular muayyan bir tizimga birlashadi. Mazkur tizimning ishga solinishi qo'yilgan o'quv maksadiga erishishni ta'min etadi.

Bilimni egallash murakkab ziddiyatli jarayon bo'lib, u insondan eng avvalo fiziologik jihatdan barkamollikni, Ya'ni 5 asosiy sezgi organlarini but-butun bo'lishini, hamda bilim olish uchun tinimsiz mashq qilishni, kunt bilan mehnat qilishni talab qiladi.

Dunyoning va butun borliqning ko'rki insondir. Inson o'z go'zalligi va murakkabligi bilan er yuzidagi barcha mavjudotlardan afzaldir. Insonning tafakkuri, aqli bor. U shu aql yordamida ilm egallaydi. Ilm tufayli dunyoni biladi va uni boshqaradi. Hayvonlar tabiatga u qanday bo'lsa, Shundayligicha moslashib yashayveradilar. Inson esa tabiatni o'ziga moslashtiradi, o'zgartiradi.

Ilmiy dunyoqarashni hamma vaqt bir zaylda, o'zgarmay turaveradigan bilimlar deb qaramay, bilimlar tula bo'lmagan bilimlardan tula bilimlarga qarab borishligini unutmashlik zarur. Masalan, qayta qurish munosabati bilan dunyo o'zgardi, oldingi tushunchalar ham o'zgardi. Yangi tarkib topayotgan jamiyatdagi hamma yangiliklar ham, qabul qilinayotgan qaror va farmonlar ham o'zgarmas emas. Shu bois ilmiy dunyoqarash bu hodisa va voqealarning hammasiga kishilar oddiy tomoshabin bo'lib turaverishi kerak emasligini, bu o'zgarishlarning faol ishtirokchilari bo'lishlik, tahlil yo'li bilan umumlashtira bilishni talab qiladi

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi. –T.: «O'zbekiston» 2000
2. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi. –T.: «O'zbekiston» 2000
3. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot. Toshkent, - 1999.- 96 b.

O'SMIRLIK DAVRIDA STRESS HOLATI VA UNI BARTARAF ETISHNING BA'ZI PSIXOLOGIK USULLARI

Yadgarova Ozoda Ibragimovna

SamdChTI o'qituvchisi,

Nafasova Munira Anvarovna

Samarqand Abu Ali ibn Sino nomidagi Jamoat salomatligi texnikumi psihologi

Kalit so'zlar: Stress, o'smirlik, xulq-atvor, ong, “o'tish davri”, “og'ir davr”, “inqiroz davri”, temperament, ekstrovert, introvert.

Respublikamizda amalga oshirilayotgan ta'lim siyosatining muhim jihatlaridan biri yosh avlodni har tomonlama barkamol insonlar qilib tarbiyalashdan iboratdir. Barkamol inson ma'naviy jihatdan yetuk, o'z vatanining tarixi, buguni va kelajagi uchun kayg'uradigan, shuningdek, jamiyatning-ijtimoiy iqtisodiy taraqqiyotiga o'z hissasini qo'shish ishtiyoqida yonib yashaydigan shaxs bo'lib, bunday shaxsni tarbiyalash bugungi kun talabidir. Sir emaski, insonning xulq-atvori o'zgaruvchan va rang-barang bo'lib, uning individual xususiyatlari, o'ziga xos “uslublari”ning mavjudligi hech qachon va hech kimda hech qanday shubha tug'dirmaydi. Biroq bu xulq – atvorning xilma-xilligi uning cheksiz degani emas, zero, insonlarning o'zaro muloqoti, o'zaro munosabati, ularni turli ijtimoiy guruhlarga birikuvi, yashashi uchun iliq psixologik muhitning saqlanishi zaruratdir.

Har bir jamiyatning kelajagi shu mamlakatning kelajagi bo'lgani kabi, bizning vatanimizning ravnaqi va gullab yashnasi yoshlarimizning bilimli, zukko shu bilan birga ruhan sog'lom bo'lishiga har tomomlana bog'liqdir. Yoshlarni har taraflama komil shaxs bo'lib kamol topishida psixologiya fani va fan tomonidan berib borilayotgan ruhiy salomatlik bo'yicha bilimlar ham asosiy o'rinni egallaydi. Shiddat bilan rivojlanib borayotgan texnika va axborotlar asridagi o'zgarishlar yoshlarimizga nafaqat chuqur bilim manbaini berish bilan birgalikda ruhiy jihatdan ham katta zo'riqishlarga sabab bo'lmoqda. Shu o'rinda psixologik zo'riqish inson organizmiga qanday salbiy ta'sirlari mavjudligi va bu borada atroflicha ma'lumot berib o'tamiz. Psixologik zo'riqishlar organizmning turli funksional tizimlaridagi o'zgarishlarda namoyon bo'lsa, uning jadalligi yoki kuchi kayfiyatning buzilishidan tortib, oshqozon yarasi yoki yurak infarktigacha olib kelishi mumkin. Bu kabi kasalliklarni negizida esa inson hissiy olami turadi. Hissiy zo'riqishlarning namoyon bo'lishini esa turlicha tasniflash mumkin. Biroq psixologiya uchun ularni quyidagicha tasniflash maqsadga muvofiq:

1. Xulq-atvorga xos reaksiyalar.
2. Aqliy faoliyatdagi reaksiyalar.
3. Hissiy sohadagi reaksiyalar.
4. Fiziologik jarayonlardagi o'zgarishlar.

Ongning doimo hissiy zo'riqishni vujudga keltirgan sabablarini tahlil qilish bilan bandligi, undan chiqish yo'llarini axtarish xotira ko'lamini toraytiradi, zarur materialni qayta esga tushirishni qiyinlashtiradi. Shuningdek, hissiy zo'riqishlar paytida ikkita yarim sharning o'zaro ta'sirining o'zgarishi ham mumkin, ya'ni “emotsional” – o'ng yarim shar “mantiqiy” – chap yarim shardan ustun bo'ladi. Aqliy faoliyatning susayishi

stressni vujudga kelishiga ta'sir ko'rsatgan vaziyatdan chiqish yo'llarini topishni qiyinlashtiradi.

Stressning intellektual faoliyatdagi belgilari:

Diqqat – to'planishi qiyinlashadi, tez chalg'iydi, ko'lami torayadi.

Tafakkur – mantiqiylikning buzilishi, tarqoqligi, qaror qabul qilishning qiyinlashuvi, ijodiy imkoniyatlarning pasayishi.

Xotira – operativ xotiraning yomonlashuvi, qayta esga tushirishning qiyinlashishi.

Hissiy zo'riqishlar organizmdagi barcha fiziologik jarayonlarga – hazm qilish, qon aylanishi, nafas olish tizimi faoliyatiga o'z ta'sirini o'tkazadi.

Stress vaqtida quyidagi ob'ektiv o'zgarishlarni qayd etish mumkin:

- puls chastotasining ortishi yoki uning bir maromda bo'lmasligi;
- qon bosimining ko'tarilishi;
- oshqozon-ichak trakti ishining buzilishi;
- terining qarshilik ko'rsatish quvvatining pasayishi va boshqalar.

Bu ob'ektiv o'zgarishlar o'z navbatida turli sub'ektiv kechinmalarda ham namoyon bo'ladi:

- yurak va boshqa a'zolaridagi og'riq;
- nafas olishga qiynalish;
- mushaklarning zo'riqishi;
- ovqat hazm qilish tizimida noxush hisslarning paydo bo'lishi va boshqalar.

O'smirlar bilan o'tkazilgan tadqiqotda o'zlaridagi hissiy holatga baho berib, fiziologik jarayonlarda namoyon bo'lishini quyidagicha ta'kidlab o'tishgan:

- bosh og'rig'i – 5,7 ball;
- pulsning tezlashishi yoki yurak sohasidagi noxush hislar – 4,2 ball;
- mushaklardagi zo'riqishlar – 3,9 ball;
- oshqozon-ichak traktidagi buzilishlar – 3,5 ball;
- nafas olishning qiyinlashuvi – 2,8 ball.

Tortinchoq, odamovi, uyatchan, pessimist, asab tizimi kuchsiz, introvert kishilarda stress bilan bog'liq psixosomatik o'zgarishlar boshqalarga nisbatan yaqqol ifodalanadi.

O'smirlar davrining yirik tadqiqotchilaridan biri nemis faylasufi va psixologi E. Shpranger (1924) o'smirlar yoshi qizlarda 14-18 va o'g'il bolalarda 13-19 yoshlargacha davom etib, uning birinchi bosqichi 14-17 yoshlarga to'g'ri kelib, bu yoshda bolalikdan qutulish sodir bo'lishini izohladi. U o'zining o'smirlar yoshining madaniy-psixologik konsepsiyasida rivojlanishining uch tipi mavjudligini ajratadi.

Birinchi tip- keskin, krizisli, shiddatli kechadi va o'smir o'zining ikkinchi tug'ilishini his etadi, oqibatda yangi “Men” vujudga keladi.

Ikkinchi tip- o'smirning kattalik hayotida bosiqlik, sokinlik, uzluksizlik sezilib, uning shaxsiyatida chuqur va jiddiy o'zgarishlar ro'y bermaydi.

Uchinchi tip- bu rivojlanish jarayonining shunday bosqichiki, o'smir o'z ichki kechinmalari va krizislarini matonat bilan yengib, o'zini faol anglagan holda, shakllantiradi hamda tarbiyalaydi. Shunday qilib, E. Shpranger mazkur yoshning tashkil etuvchilari o'z individualligini anglash, refleksiyaning vujudga kelishi, “Men” ning ochilishi ekanligini isbotlab, o'smirning dunyoqarashlarini, qadriyatlarini, o'zini o'zi anglashini o'rganishning sistematik tadqiqotiga asos soldi.

O'smirlik davrini o'rganuvchi ko'pchilik olimlar agressiya, emotsional qo'zg'alishni, jahl chiqqan holatlarda balog'atga yetmagan bolalarda psixologik muammolar qanday namoyon bo'lishiga ko'proq e'tibor qaratadilar. Chunki, bu yoshda ularda hayot tajribalari yetarli bo'lmaydi, lekin boshqalar tomonidan tan olinishga va mustaqil bo'lishga intiladilar. O'smirlik davri insonni bolalikdan -yoshlikka o'tuvchi va o'z navbatida boshqa davrlardan o'zining nisbatan keskinroq, murakkabroq kechishi bilan farqlanib turuvchi inson ontogenetik rivojlanishining eng xarakterli davrlaridan biridir. Bu davr psixologik pedagogik adabiyotlarda "o'tish davri", "og'ir davr", "inqiroz davri", kabi iboralar bilan ataladi. Bu davr taxminan bolalarning 5-8 sinflarda o'qish paytlariga to'g'ri keladi va 11-12 yoshdan 14-15 yoshgacha bo'lgan davr oralig'ida kechadi. Ayrim bolalarda bu davr 1-2 yil ertaroq yoki kechroq kuzatilishi ham mumkin. Shuni hisobga olgan holda aytish mumkinki, o'smirlik davri ayrim bolalarda (aksariyat hollarda qiz bolalarda) 9-10 yoshlardan boshlanib, yana boshqalarida 16-17 yoshlargacha davom etishi mumkin. O'smirlik davrning og'ir, murakkab davr ekanligi ko'plab psixologik, fiziologik, ijtimoiy omillar bilan bog'liq. Bu davrda rivojlanishning barcha jihatlari: jismoniy, aqliy, axloqiy, ijtimoiy va shu kabilarning mazmun mohiyati ham o'zgaradi. Bu davrda o'smir hayotida, uning ruhiyati, organizmining fiziologik hamda ijtimoiy holatida jiddiy o'zgarishlar sodir bo'ladi. Aksariyat holatlarda ularda bir-biriga qarama-qarshi bo'lgan turli xil holatlar kuzatiladi. Bu davrga kelib bola endi "bola" emas va shu bilan birga hali "katta" ham emas. Uning o'z-o'ziga va atrofdagilarga nisbatan bo'lgan munosabatlari butunlay boshqacha xarakter kashf etib boradi. Uning qiziqishlari tizimi, ijtimoiy yo'nalganligi qaytadan shakllanadi, o'z-o'zini anglashi, o'z-o'zini baholashi, qadriyatlar tizimi o'zgaradi. Uning uchun o'z "men" i va shu "men"ning ahamiyati ortadi.

O'smir yoshlarda stress holatiga tez-tez tushib turish holatlari kuzatiladi. Shu o'rinda biz stress holati va bu holatdan chiqishning ba'zi usullarini tavsiya etamiz. Stress — inglizcha (stress) so'zidan olingan bo'lib, asabiylik, keskinlik degan ma'nolarni anglatadi. Asabiylik turli jismoniy va aqliy ishlar haddan oshib ketishi, xavfli vaziyat tug'ilgan paytlarda, zarur choralarni zudlik bilan topishga majbur bo'lganda vujudga keladigan ruhiy holatdir. Stress kishining o'ta faol yoki o'ta sust harakatida ifodalanadi. Hissiy zo'riqish holatida individning hatti-harakati kishi nerv tizimining tipiga, nerv jarayonlarining kuchliligi yoki o'zligiga jiddiy ravishda bog'liqdir. (Masalan, imtihon oldidagi holat). His-tuyg'ularning hissiyot (emotsiyalar), kayfiyatlar, kuchli hayajonlanish tarzida boshdan kechirilishi chog'ida ma'lum darajada seziladigan tashqi belgilariga ham ega bo'ladi. Yuzning ifodali harakatlari (mimika), qo'l va gavdaning ma'noli harakatlari, turqi-tarovat, ohang, ko'z qorachigining kengayishi yoki torayishi kabilar shular jumlasiga kiradi. Kishi o'zining qahr-g'azabini tevarak atrofdagilarga qo'llarini musht qilishi, ko'zlarini chimirib qarash, do'q-po'pisali ohang bilan namoyish qiladi. Stress holatga tushgan kishilarga nisbatan: "u asabiylashdi", deb aytishadi.

Shu ma'noda asabiy tushunchasi:

- salga asabiylashaveradigan, bo'lar-bo'lmasga qizishib, tutaqib ketadigan, zardasi tez, jizzaki kishi;
- asablarning kasalligi tufayli yuz bergan, asablar faoliyatining buzilganligi natijasida yuzaga kelgan xastalik;

• asablarning buzilishi bilan bog'lik bo'lgan holat (janjal, boshqarish) kabilar ma'nosida talqin qilinadi. Kanadalik buyuk fiziolog Gans Sels asabiylashishni odam yoki hayvon organizmining har qanday ta'sirga o'ziga xos munosib javob, deb baxolaydi. Asabiylashish uch bosqichga bo'linadi:

1. Boshlang'ich ta'sirchanlik (emotsional) tuyg'usi(g'alayon); a'zoi badandagi kuchlarning safarbarlikka tortilishi.
2. Qarshilik ko'rsatish bosqichi.
3. Toliqish bosqichi.

Bundan tashqari shaxsdagi individual-tipologik xususiyatlarning shakllanish darajasi ham insonda stressga moyillikni belgilab beradi. Taniqli psixologlardan biri G.Yu.Ayzenk o'zining shaxs tuzilishi modelida shaxs tuzilishini quyidagicha ifodalaydi:



Shaxsning qaysidir temperament xususiyatiga mansubligi, hissiy-emotsional jihatdan barqaror yoki beqarorligi, o'z-o'ziga beradigan bahosining pastligi, adekvatligi, yuqoriligi, ichki dinamik streotiplar unda stress holatini keltirib chiqarishi mumkin.

Stress holatiga tushgan shaxs xuddi shu stressga qarshi quyidagi usul va vositalarni qo'llash yaxshi natija beradi:

- a) stress holatiga nisbatan antistress kayfiyatini shakllantirish (ro'y bergan vaziyat, holat, emotsiyalarga nisbatan o'z ruhiyatidagi munosabatni o'zgartirish);
- b) ko'proq jismoniy mashqlar bilan shug'ullanish (badantarbiya, sport turi, jismoniy mehnat);
- v) o'z-o'zini bo'shashtirish (rasslabneniya) tananing oyoq uchi qismidan to qo'l barmoqlarigacha bo'shashishga erishish ;
- g) autotrening (o'z-o'zini ishontirish) ;
- d) relaksatsiya (o'z-o'zini yengillashtirish) orqali stress holatiga barham berish mumkin.

Shuni ta'kidlash lozimki jismoniy mashqlar bilan muntazam shug'ullanadigan inson har qanday holatda ham stress holatini yenga oladi. Aksincha tushkun kayfiyatga moyil, o'z kuchiga ishonmaydigan odam osonginia stress holatiga tushib qoladi.

Yuqorida stress holati va uni bartaraf etish yo‘llariga to‘xtalib o‘tdik, shu o‘rinda savol tug‘iladi. Stress holatiga moyillik psixologik jixatdan shaxsda qanday sabablar asnosida kelib chiqadi ?

Taqqoslash bolaga ota-onasi, yaqinlari tomonidan tarbiya berish jarayonida yo‘l qo‘ygan katta xatolardan biri. Shaxsga tarbiya berish jarayonida bevosita boshqa tengdoshlarida uchrovchi xususiyatlar bilan uning xususiyatlarini taqqoslansa bolada o‘z ichki salohiyatlarini, qobiliyatini rivojlantirish, induvidualligini ro‘yobga chiqarishga intilish susayadi. Shuning uchun, bolaning o‘z induvidualligini ro‘yobga chiqarish uchun imkoniyat berish lozim.

Bundan tashqari, o‘z-o‘ziga bahoning past bo‘lishi- ko‘pincha atrofdagilarning shaxsga nisbatan qo‘yayotgan talablarining o‘ta ortiqligi, ularni uddalay olmaslik, turli xil e‘tirozlarning doimiy tarzda bildirilishi, oilada, ishda, o‘qishda va muomala jarayonida muvaffaqiyatsizliklar natijasida bo‘lishi mumkin. Men obrazining hamma vaqt boshqalardan ustun qo‘yilishi, doimo o‘z meni nuqtai nazridan kelib chiqib ish tutish, boshqalar bilan hisoblashmaslik. Shuning natijasida shaxs mag‘lubiyatga uchraganda, o‘zida nochorlik, uquvsizliklarni sezganda buning sababi o‘zgalarda deb biladi va shunga o‘zini ishontiradi. O‘smirlik davrida stress holatoga tushganida foydalanish mumkin bo‘lgan bir necha mashqlarni tadbiq etamiz.

Relaksatsion mashqlar

O‘tkazish sharti: Sokin musiqa ostida, sokin holatda, haftada bir –ikki marta, 10-15 minut bajariladi.

1. Tinch, salgina yoritilgan xonada o‘zingiz uchun qulay holatda yoting, kiyimingiz harakatlaringizni chegaralamasligi kerak.

2. Ko‘zingizni yumib, sekin-asta chuqur nafas oling. Nafas oling va 10 sekundga nafasni ushlab turing. Nafasni shoshmasdan chiqaring va ichingizda qaytaring: “Nafas olish va chiqarish, kuchayish va pasayishdek”. Bu muolajani 5-6 marta takrorlang. So‘ng 20 sekund dam oling.

3. Ayrim mushaklarni yoki ularning guruhlarini kuch bilan qisqartiring va 10 sekund ushlab turing, so‘ngra mushaklarni bo‘shashtiring. SHu tariqa tanangizdagi barcha mushaklarni qisqartirib, bo‘shashtiring.

4. Imkoni boricha bo‘shashish holatini tanangizni pastidan tepasigacha his qilishga harakat qiling: oyoq barmoqlaringizdan boldiringiz va soningiz orqali, tanangizdan boshingizgacha. Ichingizda qaytaring: “Men tinchlanyapman, meni hech narsa xavotirga solmayapti, o‘zimni yaxshi his qilyapman”

5. Bo‘shashish holati tanangizning barcha qismlariga tarqalayotganini tasavvur qiling. Zo‘riqish sizni tark etayotganini his qilyapsiz. Yelkalarinigiz, bo‘yningiz, yuz muskullaringiz bo‘shashayotganini his qilyapsiz. Tinch yoting.

6. Yigirmagacha sanang. O‘zingizga gapiring: “Yigirmagacha sanagunimcha ko‘zlarim ochiladi, o‘zimni tetik his qila boshlayman”

«Ichki nur» mashq.

O‘rindiqqa qulay o‘tirib, ko‘zingizni yuming. Fikrlaringiz tiniqlashmoqda. Tasavvur qiling boshingizning tepasida yorqin nur paydo bo‘lmoqda. Bu nur asta-sekin yuqoridan pastga qarab iliq va tiniq nuri bilan ichingizdan sizning yuzingizni yoritib turibdi, Nurning bir maromdagi harakatidan qoshingiz va labingiz atrofidagi chiziqlar silliqlashib, yuzingizning muskullari bushashmoqda. Ensa qismingizdagi zo‘riqish

yo`qolmoqda, yelkalarigiz ham zo`riqishdan ozod bo`lmoqda. Ichki nur sizning yangi qiyofangizni shakllantirmokda. Bosiq, vazmin, o`ziga ishongan, o`z hayotidan mamnunlik seza boshlayotgan yangi qiyofa. Mashg`ulotni quyidagi so`zlar bilan yakunlang: «Men yangi inson bo`ldim!». «Yosh va sog`lomman!», «Bosiq va vazminman!».

“Vaziyat” mashqi

Siz kim bilandir janjallashdingiz. Bundan keyin Siz bu janjalning faqat salbiy oqibati haqida uzoq vaqt o`ylab yurasiz. Qanday qilib bu xavotirni bartaraf etish mumkin. Toza oq qog`oz oilng va uning chap tomoniga shu nizoning salbiy oqibatlarini yozing. So`ngra varaqning o`ng tomoniga sanab o`tilgan xarakteristikalarni pozitiv tomoniga aylantirib yozing.

Masalan chap tomonga Siz quyidagilarni yozdingiz:

1. Muammo yechimini topmadi.

2. O`zingizni aybdor his qilyapsiz, Siz o`zingizni bunday vaziyatda boshqacharoq tutishinig kerak edi.

3. Janjallashgan odamingizni ko`rgan zahoti, Sizda unga nisbatan nafrat uyg`onadi.

O`ng tomonga esa:

1. Muammo yechimini topmadi, shuning uchun bu muammoni hal etish uchun Sizda imkoniyat va vaqt bor.

2. Agar o`zingizni ayblayotgan bo`lsangiz, demak, Siz o`z kamchiliklaringizni ko`ra olasiz. Demak, Sizda o`z ijtimoiy mavqeingizni takomillashtirish uchun imkoniyat bor.

3. Siz tirik odamsiz. Samimiy bo`lishingiz va o`zingiz hohlagan his-tuyg`ularni boshingizdan kechirishingiz mumkin.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Z.T.Nishanova. Bolalar psixodiagnostikasi. Toshkent, 1998, 87-bet.
2. Davaetshin M.G., To`ychieva S.M. Umumiy psixologiya, Toshkent 2002.
3. V.Karimova. Psixologiya Toshkent. 2002y.
4. G`oziev E.G`. Psixologiya. Toshkent, 1994.

YOSHLARNING IJTIMOYIY-PSIXOLOGIK MUAMMOLARI, SABAB VA YECHIMLARI

Imomova Nigora Paziljonovna

*Andijon Davlat Universiteti Ijtimoiy-gumanitar fanlarni o`qitish metodikasi yo`nalishi
1-kurs magistranti*

Annotatsiya: Ushbu maqola hozirgi kundagi barcha yoshlarning muammolarini batafsil o`rganish, ularni oldini olish va yordam berish, jamiyat hayotida faolligini oshirish, qobiliyat va kasbiy tushuncha va qiziqishlarini oshirishga intilish, bu muammolarini yechimini topishga harakat qilish, ular hayotida psixologik muhitni yaratish va jamiyatda faoliyat olib borishga yordam berish kabilarni o`z ichiga oladi.

Kalit so'zlar: Oilaviy psixologik muhit, shaxsning jamiyatdagi o'rni, ijtimoiy ta'lim-tarbiya insoniyat tarbiyasiga ta'sir ko'rsatadigan omillar, muammo, qobiliyat, imkoniyatlar, kasbiy tushuncha va qiziqishlar, xulq-atvor, xatti-harakat, shaxs, psixologik xususiyatlar

Yoshlarning psixologik muammolari. Yoshlarning psixologik muammolari, asosan, aniq hayot yo'riqnomasi yo'qligi bilan bog'liq. Ota-onalar, maktablar va kitoblar nafaqat o'g'il-qizlar hayotining qonunlarini, balki ko'cha, ommaviy madaniyat mahsulotlari, ommaviy axborot vositalari va o'zlarining tajribalarini taqdim etadi. Quvvat va qonunsizlikda ishtirok etishning yetishmasligi, yosh maksimalizm yoshlarning befarqligi yoki tajovuzkorligini rivojlanishiga olib keladi, yoshlar norasmiy guruhlarga qo'shilishga majbur qiladi.

Bundan tashqari, yoshlar - insonning bir qancha muhim vazifalarni hal qilishlari kerak bo'lgan vaqt: kasb tanlash, ikkinchi yarmi, do'stlar, hayot yo'lini belgilash, o'z dunyoqarashini shakllantirish.

Yoshlar muammolarini hal qilish usullari nafaqat qog'ozda va nutqlarda, balki davlatning maqsadli tizimlashgan siyosatida ham mavjud. Hukumat, yosh o'g'il-qizlarning mamlakat kelajagi ekanligiga ishonch hosil qilishi kerak.

Zamonaviy yoshlarning madaniyat muammolari.

Yoshlarning turmush darajasining 'asayishi ham ularning madaniy hayotiga ta'sir ko'rsatdi. Hayotga bo'lgan iste'molchi munosabatlarining G'arb g'oyalari mashhur bo'lib, pul va modaga hurmat ko'rsatish, moddiy farovonlikka erishish va lazzat olishdir.

Bundan tashqari, yoshlar uchun dam olish muammolari ham mavjud. Ko'pgina shahar va qishloqlarda madaniy bo'sh vaqt uchun shartlar mavjud emas: bepul hovuzlar, sport bo'limlari yoki qiziqish doiralari yo'q. Bu yerda bolalar va qizlar televizor yoki kompyuter oldida, sigareta bilan tengdoshlari va qo'llarida bir shisha bilan o'tirishadi.

Ruhiy qashshoqlik zamonaviy yoshlarning nutq madaniyati masalasida o'z aksini to'di. Ta'limning past darajasi, Internetda muloqot qilish, yoshlarning subkulturalarini yaratish odob-axloq me'yorlariga mos kelmaydigan jarlikni rivojlantirishga yordam berdi. Modaga rioya qilib, yosh avlod so'zda, jarangdor so'zlarda shafqatsiz so'zlardan foydalanadi, tilshunoslik me'yorlarini buzadi.

Zamonaviy dunyo juda faol va tez o'zgarib turadi. o'zgarishlar odamlar, ayniqsa, yoshlar sodir bo'ladi. Yoshlarning dolzarb muammolari butun jamiyatning kamchiliklari va kamchiliklarini aks ettiradi. Shuning uchun bu qiyinchiliklarni hal qilish butun jamiyatning farovonligiga ta'sir qiladi.

Internet va yoshlar jins psixologiyasi muammolari

Mamlakatimizda istiqlol yillarida erishgan yutuqlardan eng muhimi bu jamiyat ijtimoiy fikrining azaliy qadriyatimiz bo'lgan oilaga, nikohning muqaddasligiga qaraganligidir. Chunki inson bolasi dunyoga kelar ekan u mustaqil harakatlanish, yurish, o'qish, yozishdan boshlab, tabiat va jamiyatning barcha murakkab qonunlari bilan yuzma-yuz kelganda, nimalar qilish kerakligiga o'rgatiladi yoki bunga maxsus o'qitiladi. Shu bilan birga umrining yarmidan ko'p davrini qamrab oladigan, insoniy baxtni in'om etadigan yoki aksincha, har tomonlama ta'minlanganligiga qaramasdan, baxtsiz qiladigan oilaviy hayotdir. Oilada esa bola tarbiyasi insoniyat mavjudligining muhim sharti hisoblangan, u dunyoga kelmasdanoq, tarbiyaviy tadbirlar boshlab

yuboriladi. Shunday bo'lsa-da, jamiyatda qanchalik tarbiyaviy ta'sir ko'rsatilmasin, xulq-atvori bilan salbiy illatlarga moyillik, ijtimoiy me'yorlarni qabul qila olmaslik xohishi, xatti- harakatlarni nazorat qilishdan holi bo'lmagan bolalarni uchratamiz.

Ularni tabiatan shunday xulq-atvorga ega deb, e'tibordan chetda qoldirish yoki chora-tadbirlar ishlab chiqmaslik jamiyat uchun katta yo'qotishlarga olib keladi. Shu bois o'g'il va qiz bolaning jins psixologiyasini o'rganish hamda jinsiga qarab tarbiya berish katta ahamiyatga molikdir. Bundan tashqari, keyingi vaqtlarda internet orqali tanishuv keng tus olib bormoqda. Shu sababli masofadan turib, boshqa jins vakiliga xos bo'lgan xislatlarni qanday aniqlash va baholash zarurligini yoshlarimiz anglamog'i shart va muhimdir.

O'smirlar o'rtasidagi suitsid muammosi

Voyaga yetmaganlar o'rtasida sodir etilgan suitsid holatlarining sabablari tahlili shuni ko'rsatmoqdaki, 62% holatda o'smirlar tomonidan sodir etilgan suitsidda oiladagi nizolar va nosog'lom muhit, kattalar tomonidan sodir etilgan tazyiq, ayrim pedagoglarning loqaydligi sabab bo'lgan.

Suitsid (lot. "suicaedere", "sui"-men; "caedere"-o'zimni o'ldiraman)– ongli ravishda o'z joniga qasd qilish, degan ma'noni anglatadi.

Suitsidal xulq-atvor va *suitsid* tushunchalari orasida ma'lum bir tafovut bor. Ya'ni, suitsidal xulq-atvor kengroq tushunchaga ega bo'lib, o'z joniga qasd qilish harakatlari, ko'rinishlarini ifodalaydi.

Suitsidni amalga oshirmoqchi bo'lgan o'smir aksariyatda stress chuqur tushkunlik holatida bo'lishi, "boshi berk ko'cha"ga kirib qolganligi, muammolari ko'pligi bilan ajralib turadi.

10-13 yosh oralig'ida suitsid nisbatan kamroq uchraydi, 14-16 yosh oralig'ida esa o'z maksimumiga yetadi.

Qanday qilib suitsidning oldini olish mumkin? *Birinchi*dan, bola bilan suhbat qilish, uning ahvoli bilan qiziqish, kelajak haqida gapirib, hamkorlikda rejalar tuzish darkor. Bolani qo'llab-quvvatlab, o'ziga, kelajagiga ishonchni shakllantirish zarur, o'z maqsadiga erisha olishiga umid berish kerak.

Bolani hech qachon "qovog'i soliqligida", "farosatsizligida" ayblamang, undan ko'ra, uning shaxsiy fazilatlarini yanada kuchliroq qilib ko'rsatishga urining. Bolani chaqqon, a'lochi, omadli tengdoshlari bilan hech qachon taqqoslamang. Bu taqqoslashlar u siz ham past bo'lgan o'z-o'zini qadrlash hissini yanada pasaytirib yuboradi. Aksincha,, kechagi holati bilan bugungi holatini solishtiring, ancha ijobiy o'zgarishlarga ega bo'layotganiga unda ishonch hosil qiling.

*Ikkinchi*dan, bola bilan astoydil shug'ullaning, yangilikka intiling, u bilan yangi mashg'ulotlar, avval qilmagan ishlarni birgalikda bajarishga urinib ko'ring, bola o'zining kerakligini, sizning mehringizni tuyishi zarur. Bir xillikda kechayotgan turmush tarzingizni ozgina bo'lsa ham o'zgartirishga harakat qiling. *Uchinchi*dan, o'smir kathiy kun tartibiga rioya qilishi lozim. Vaqtida dam olishi, yaxshi ovqatlanishi, xarakatli mashqlarni bajarishiga alohida e'tibor bering. Tushkunlik-psixofiziologik jarayon ekanligini unutmang, bunday holatda o'smirning jismoniy holatiga e'tibor bering.

Ruhiy tushkunlik suitsidga zamin yaratishini unutmang! *Hammasini birgalikda!* Farzandingiz televizorda nimalar tomosha qilayotgani va kompyuterda qanday o'yinlar

bilan mashg'ulligini nazorat qiling. Shuningdek, ular bu zamonaviy texnikalar ro'parasida uzoq qolib ketishmasin. Shu bois, ko'proq jonli o'yinlar o'ynab, kino va tearlarga birgalikda yo'l oling. Agar biror-bir chet tilini o'rganishga ko'maklashsangiz, farzandingiz va o'zingiz uchun katta tuhfa taqdim etgan bo'lasiz.

Ijodiy qiziqishlar! Farzandingizning ijod yo'lidagi turli tajribalariga e'tibor va qiziqish bilan yondashing. So'zlar yetmagani bois, tasvirlar yordamida his-tuyg'ularini ifodalash osonroq kechadi. «Ijodiy terapiya», psixologik inqiroz davrida bola uchun samarali choralardan biri sanaladi.

Namuna bo'ling ! O'smir farzandining tarbiyasi bilan jiddiy shug'ullanayotgan ot-onalar «ichma», «chekma» deb turib, o'zlari bunday zararli odatlardan voz kechishmasa, kutilgan natijaga erishish amrimahol. Gapirilgan gap, pand-nasihatlar xatti-harakatlaringizga mos bo'lsin. Farzandingizga, avval o'zingiz namuna bo'lishingiz kerak. Sabr-toqat, mehr-muhabbat, o'zaro hurmat, do'stona munosabatlar o'smirning kelajagini porloq etadi. Albatta, farzandingiz va taqdiringiz o'z qo'lingizda. Shuni ham unutmangki, o'smir farzandingizning tarbiyasini, avval o'zingizdan boshlashingiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Nishonova E.T. Bolalar psixik taraqqiyoti muammolari bo'yicha psixologik maslahatlar berish. T., 1997.
2. Shoumarov G. Oila psixologiyasi. T.Sharq. 2001. B. 24-25.
3. Nishonova Z. O'smirlik davri psixodiagnostikasi va psixokorreksiyasi. O`quv qo`llanma. – T., Sharq. 2003. B. 25 -26.
4. Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya. T. O`zbekiston. 1998. B. 90-95.

O'SPIRINLIK DAVRIDA STRESS HOLATI VA UNI BARTARAF ETISHNING PSIXOLOGIK JIHLARI

*Мўминова Дилдор Махмуджонова
Шайхонтоҳур тумани 84-мактаб психологи*

Kundalik hayotning tobora shiddatli tus olayotgani insonga bo'layotgan axborot xurujining ko'pligi, ijtimoiy muammolarning haddan ziyod zidlashuvi natijasida asablarning taranglashishi juda ko'p insonlarni stress holatiga duchor etmoqda. O'z navatiga ko'ra o'spirinlik davri xam udan mustasno emas. Bu kabi muammolar insonlarning yosh davrlar psixologiyasiga ko'ra har xil namoyon bo'ladi. Olimning talqiniga binoan, go'daklik hayvonlarga xos taraqqiyot pallasini qaytarsa, bolalik davri esa qadimgi odamlarning asosiy mashg'uloti bo'lgan ovchilik va baliqchilik davriga aynan mos keladi. 8-12 yosh oralig'ida o'sish davri o'smir oldi yoshidan iborat bolib, toki 12-13 yoshga qadar davom etadi. Bu davr olimlar tili bilan aytganda yovvoyilikning oxiri va sivilizatsiyaning boshlanishidagi kamolot cho'qqisiga hamohangdir. O'spirinlik esa jinsiy yetilishidan (12-13) boshlanib, to yetuklik davri kirib kelgunga qadar (22-25 yoshgacha) davom etib boradi.

Psixologik zo'riqishlar organizmning turli funksional tizimlaridagi o'zgarishlarda namoyon bo'lsa, uning jadalligi yoki kuchi kayfiyatning buzilishidan tortib, oshqozon yarasi yoki yurak infarktigacha olib kelishi mumkin. Hissiy zo'riqishlarning namoyon bo'lishi har bir shaxs uchun turlicha bo'ladi. Kimdadir kayfiyat yoki hayajon bo'lsa, kimdadir stres va tushkunlik ko'rinishida o'tadi. Kun tartibining buzilishi, uyquning qisqarishi, ish vaqtining tungi davrga o'tib qolishi, foydali odatlardan voz kechish, hissiy zo'riqishlarni bartaraf etishning mos keluvchi usullarini topa olmaslikda ko'rinadi. Ijtimoiy rollarga xos vazifalardagi buzilishlar, yaqinlar va do'stlar bilan munosabatga yetarlicha vaqt yetishmasligi, nizolarning kuchayishi, muloqot davomida sezgirlikning pasayishi, ijtimoiy qoidalarga zid xulq-atvor belgilarining ko'rinishida namoyon bo'ladi. Shuningdek, uzoq muddat hissiy zoriqishda bo'lgan o'spirin ijtimoiy me'yor va standartlarga e'tiborsiz bo'lib qoladi. Hatto o'zining tashqi ko'rinishiga ham e'tibor bermasligi mumkin. Bunda muhim ob'ektlar ustida diqqatning to'planishi qiyinlashadi, tez chalg'ish kuzatiladi.

Ongning doimo hissiy zo'riqishni vujudga keltirgan sabablarini tahlil qilish bilan bandligi, undan chiqish yo'llarini axtarish xotira ko'lamini toraytiradi, zarur materialni qayta esga tushirishni qiyinlashtiradi. Aqliy faoliyatning susayishi stressni vujudga kelishiga ta'sir ko'rsatgan vaziyatdan chiqish yo'llarini topishni cheklaydi.

Bu salbiy ko'rsatkichlarni bartaraf etish eng katta vazifalardan biridir. Psixologiya fanining markaziy kategoriyasi hisoblanmish shaxs ijtimoiy hayotning barcha sohalarida muayyan funksiyalarni bajarish orqali jamiyatning taraqqiyotiga o'z hissasini qo'shib kelmoqda. O'spirinlik davrida psixologik muammolarni bartaraf etish hamda tarbiyalash masalalari hozirgi davrning eng dolzarb muammosiga aylangan. Bugungi kunda kelajak avlodga ta'sir qilayotgan hamda uning kechinmalarini o'zgartiradigan ichki va tashqi omillarni ko'z oldimizga keltirish juda qiyin. Shunday qilib stress o'zi nima?

Stress – inglizcha (stress) so'zidan olingan bo'lib, asabiylik, keskinlik degan ma'nolarni anglatadi. Asabiylik turli jismoniy va aqliy ishlar xaddan oshib ketishi, xavfli vaziyat tug'ilgan paytlarda, zarur choralarni zudlik bilan topishga majbur bo'lganda vujudga keladigan ruhiy holatdir. Stressning psixologik ta'rifiga kora affektiv holatga yaqin turadi. Stress kishining o'ta faol yoki o'ta sust harakatida ifodalanadi. Hissiy zo'riqish holatida individning hatti-harakati kishi nerv tizimining tipiga, nerv jarayonlarining kuchliligi yoki o'zligiga jiddiy ravishda bog'liqdir. (Masalan, imtihon oldidagi holat). His-tuyg'ularning hissiyot (emotsiyalar), kayfiyatlar, kuchli hayajonlanish tarzida boshdan kechirilishi chog'ida ma'lum darajada seziladigan tashqi belgilariga ham ega bo'ladi. Yuzning ifodali harakatlari (mimika), qo'l va gavdaning ma'noli harakatlari, kabilar shular jumlasiga kiradi. Kishi o'zining qahr-g'azabini tevarak atrofdagilarga qo'llarini musht qilishi, ko'zlarini chimirib qarash, do'q – po'pisali ohang bilan namoyish qiladi.

Stressning sodir bo'lishiga asosan ikki yo'nalishdagi omillar sabab bo'ladi: Ish faoliyatidan qoniqmaslik stressga sabab bo'luvchi eng muhim omillardan hisoblanadi. O'spirin undan nima kutilayotganligini, bu ishni qanday qilish kerakligi va bu ish qanday baholanishini bilsagina xotirjam ishlaydi. Ish qobiliyati va omadsizlik inson salomatligiga qattiq ta'sir ko'rsatadi. Haddan tashqari ko'p ish yoki, aksincha, ishsizlik xam stressga olib keladi. Bunday sabablar tufayli sodir bo'lgan asabiylashish

eng ko'p tarqalgandir. Tekshirishlar shuni ko'rsatadiki, ish qancha qiziqarli bo'lsa, inson shuncha kam bezovtalanadi, kam betob bo'ladi. Yana bu sabablarga qo'shimcha yomon ish sharoitlari, ish jarayonida odamlarning bir-biriga asossiz talablarni qo'yishi, o'quvsiz ota-onaningning o'quvsiz muomalasi, demotivlashtirishning ustuvor ekanligi va boshqalar ham stressni vujudga keltiradi. Xullas o'spirinlik davrida stressni bartaraf etish,uning tasir doirasini kamaytirish eng muhim choradir.

Stressni bartaraf etish uchun birinchi navbatda shaxs psixologik jihatdan tashqi ta'sirlarga nisbatan ongli munosabat (psixologik immunitet)ni shakllantira olishi zarur.

1. Har qanday stress holatini yengish uchun uni keltirib chiqaruvchi sabablarni aniqlash va xolisona baholash darkor.

2. Yuz bergan stress holatini bartaraf etish uchun aniq yo'l-yo'riq izlab topish kerak.

3. Biror muammo va tashvishga duchor bo'lsangiz, bu haqda kamroq o'ylashga va doimo nima bilandir band bolishga harakat qiling. Mehnat sizning qalbingizdan behalovatlik tuyg'usini siqib chiqaradi.

4. Arzimagan narsalarni deb asabingizni yeb tugatmang. Hayotda nima muhim va nomuhimligini anglab oling. Arzimas narsalarning aksariyati umringizni qisqartiradi.

Stress holatiga tushgan shaxs xuddi shu stressga qarshi quyidagi usul va vositalarni qo'llash yaxshi natija beradi:

a) stress holatiga nisbatan antistress kayfiyatini shakllantirish (ro'y bergan vaziyat, holat, emotsiyalarga nisbatan o'z ruhiyatidagi munosabatni o'zgartirish);

b) ko'proq jismoniy mashqlar bilan shug'ullanish (badantarbiya, sport turi, jismoniy mehnat);

v) o'z-o'zini bo'shashtirish (rasslabneniya) tananing oyoq uchi qismidan to qo'l barmoqlarigacha bo'shashishga erishish ;

g) autotrening (O'z-o'zini ishontirish)

d) relaksatsiya (o'z-o'zini yengillashtirish) orqali stress holatiga barham berish mumkin.

Yuqoridagi fikrlarga xulosa qilib shuni aytish mumkinki: Stress,nafaqat o'spirinlik,balki barcha yosh davrlarida xam shaxs taraqqiyotiga muxim to'siq bo'luvchi omildir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. E.G'oziyev "Umumiy psixologiya" Toshkent 2008 y.
2. Y.Jumanazarov"Yosh davrlar psixologiyasi" Namangan 2013 y.
3. T.Sodiqova "Sevib qolgan qizning onasiga maslaxat" qo'llanma. Toshkent 2018.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ.

*Эшонкулова Зохидахон Усмоновна
Студенка 1 курса магистратуры МГУ им. Ломоносова Ташкентского филиала*

Аннотация. Статья посвящена актуальным проблемам педагогики и психологии. Данная тема очень объемна по своему содержанию. В данном исследовании затронуты лишь часть вопросов, актуальных в условиях

современности в области педагогики и психологии. Педагогика и психология сейчас находятся в сложных условиях, зависящих от политической и социально-экономической ситуации в целом по стране. Сфера образования претерпевает изменения, происходит непрерывный процесс модернизации. Вышесказанное обуславливает актуальность и выбор темы данной статьи.

Ключевые слова: образование, педагогика, психология, качество образования, воспитательная система, образовательный процесс.

Психология и педагогика в настоящее время играют большую роль в образовании, воспитании подрастающего поколения, формировании общества в целом. От того, как будет образовано и воспитано общество, поколения зависит развитие государства, динамика развития всех сфер жизнедеятельности общества.[2]

В рамках данной статьи мы не можем охватить весь пласт актуальных проблем сферы педагогики и психологии. Остановимся подробно лишь на части проблем, которые касаются сферы образования.

Одна из существующих проблем современности – это проблема качества образования. Спектр образовательных услуг представлен разнообразием образовательных организаций разного уровня – государственных и частных дошкольных образовательных организаций, школ, организаций профессионального образования, высших учебных заведений, организаций дополнительного образования детей и взрослых. Все они ведут образовательную деятельность либо по уже принятым и утвержденным Министерством программам обучения, либо разрабатывают и внедряют в учебный процесс авторские программы и методики обучения и воспитания. Также в системе образования в настоящее время много средств обучения - учебных и методических пособий. Их выбор тоже определяется не всегда рационально.

При всем разнообразии образовательных продуктов и технологий, не всегда качество и результат обучения соответствуют требованиям.

Для того чтобы создать целостную систему мониторинга учебного процесса, которая позволяла бы объективно оценить работу ученика и учителя, целенаправленно планировать деятельность коллектива в этом направлении, в каждом образовательном учреждении должна быть создана программа мониторинга качества образования. Данные мониторинга должны входить в единую муниципальную и региональную базу данных. Единая информационная база должна быть достоверной, прозрачной, должна давать представление о качестве образования в целом. К сожалению, в настоящее время не во всех регионах и городах данная система функционирует. Наблюдается и другая тенденция – данные мониторинга показывают высокие результаты, тем не менее уровень образования обучающихся образовательных учреждений и компетентность педагогов низкие.

В контексте модернизации системы образования одним из приоритетных направлений является совершенствование управления образованием на основе информационных технологий. Система управления образованием является важной частью государственного и муниципального управления.

Улучшение качества управления образованием должно осуществляться в рамках программы электронного правительства. Это новое явление для нашей страны подразумевает как автоматизацию самого административного процесса управления образованием, так и вовлечение широких слоев населения в процесс управления образовательной системой. Эта проблема довольно активно обсуждается в научных исследованиях. Исследователи согласны с тем, что присутствие образовательных органов в Интернете должно вести диалог с субъектами учебного процесса с постоянной практикой и обеспечивать прозрачность принятых решений.

Информационные потоки и информационное взаимодействие, необходимые для эффективного управления образованием, обеспечивает наличие информационной культуры среди всех субъектов образовательного процесса.

Отчетная документация образовательных учреждений после обобщения в Управлении передается в Министерство образования, взаимодействующее с помощью средств массовой информации и Интернет с населением.

Процесс цифровизации управленческой деятельности в системе образования осуществляется посредством внедрения различных программ и мероприятий федерального и регионального уровня.

Необходимо создание электронной информационно базы, доступной всем региональным ведомствам и организациям. Пусть черпают информацию не из школы десятками запросов, а из общей базы - оперативную, достоверную. Ведь нередко бывает так: идет межведомственное обсуждение какой – то проблемы, и у всех ведомств разные данные.

На данный момент при управлении образованием на всех его уровнях информационные технологии используются недостаточно эффективно. Существует необходимость разработки подходов, позволяющих объединить все компоненты образовательной среды в единую и согласованную систему, с которой легко управлять и прогнозировать последствия предпринятых управленческих действий; решить проблемы формирования информационной и технологической инфраструктуры системы образования, повысить эффективность и качество управления, основанные на внедрении современных ИТ.

Можно выделить ряд проблем в управлении образовательным процессом: отсутствует единая информационная система управления и мониторинга образовательным процессом; не выработаны единые требования к уровню информационной культуры управленческих кадров в образовании; информационная культура субъектов образовательного процесса формируется стихийно и не всегда на должном уровне.

Проблема культуры профессиональной деятельности педагога для педагогической науки не является новой. Исследовательский интерес в этой теме выводит нас не только на описание этого педагогического феномена, выявления его структуры, составляющих, но и на изучение механизмов, под влиянием которых происходит ее становление, необходимых условий

Проблема компетентности современных преподавателей стоит особенно остро. Связано это, в первую очередь, с нехваткой педагогических кадров в образовательных организациях всех уровней. Преподаватели вынуждены, пройдя

переподготовку, преподавать несколько предметов. При этом страдает качество преподавания, поскольку в рамках переподготовки невозможно постичь ту или иную науку достаточно глубоко.

Еще одна проблема – средний возраст педагогического состава любой организации. В большинстве случаев он высок. Люди старшего возраста не всегда имеют возможность и желание осваивать новые современные технологии, обучать детей с использованием интерактивных средств обучения и т.д. Аргументом в пользу таких преподавателей служит «советская» система обучения, где они получали свою профессию. Глубина знаний и профессионализм данных преподавателей не вызывает сомнений. Но современные дети растут в информационном обществе, в условиях цифровизации и технического прогресса. И их необходимо готовить к будущей «взрослой» жизни именно современного общества.

Касаясь проблем психологии, которые актуальны в наше время, можно назвать наиболее важные. Прежде всего, это психологические проблемы воспитательного процесса современных детей.

Следует отметить, что по статистике сейчас очень много детей с патологиями и дефектами развития, ослабленным здоровьем. Все это накладывает отпечаток на образовательную и воспитательную деятельность. Педагоги и психологи вынуждены искать новые подходы к таким детям. [1]

Также в современном обществе стало очень много негативных проявлений со стороны молодежи – суицид, агрессия, асоциальное поведение, ранняя сексуальная жизнь, игрозависимость и интернет-зависимость и т.д. Все вышеперечисленное также является проблемой, решением которой занимается как педагогика, так и психология.

Повышение воспитательного потенциала образовательного процесса и обеспечение условий эффективной реализации воспитания в образовательном учреждении является одной из ведущих задач реформирования структуры и содержания общего образования.

Глобальной проблемой психологии в современных условиях является и работа со взрослым поколением. В условиях образовательного пространства – это работа, как с педагогическим составом, так и с родителями.

Таким образом, в условиях современности существует достаточное количество проблем педагогики и психологии, которые оказывают негативное влияние на жизнь современного общества, заставляют специалистов и ученых искать пути и средства их решения.

Литература:

1. Гребнева, В. В. Теория и технология решения психологических проблем. Учебное пособие / В.В. Гребнева. - М.: ИНФРА-М, 2014. - 192 с.
2. Демидова, И. Ф. Педагогическая психология / И.Ф. Демидова. - М.: Академический Проект, Трикста, 2013. - 224 с.
3. Педагогика и психология: актуальные вопросы теории и практики: материалы III междунар. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 27 нояб. 2014 г.) / редкол.: О. Н. Широков [и др.]. – Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2014 – 220 с.

ПСИХОЛОГИЯДА АГРЕССИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ НАМАЁН БЎЛИШ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Юсупова Гўзалхон Давлатназаровна

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицей
психология ўқитувчиси*

Инсон фаоллигини ўзига хослиги шундаки, у муттасил бошқа одамлар ёки ўзи яратган нарсалар билан ўзаро муносабатда кечишидадир. Улар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи табиий қонунлардан ташқари ижтимоий ҳаётнинг гоҳида муносабатлар вариативлигини муайян даражада белгилаб турувчи ахлоқий нормаларнинг қатъий қоидалар шаклидаги қонунлари кучга киради. Пировардида инсонлараро ўзаро муносабатларни идора қилувчи бир-бирининг хатти-ҳаракатини ва хулқини, шунингдек бошқа инсонларга қаратилган хусусий ҳаракатларни баҳолаш тизими ишга тушади. Инсонлар томонидан белгиланадиган муносабатларни акс эттирувчи мазкур баҳоларнинг нисбийлиги асосий фалсафий ва ахлоқий масаладир. Кимнингдир нуқтаи-назарига кўра заруриятдай туюладиган нарса бошқа бир инсон учун нафақат бефойда, балки зарарли деб ҳисобланиши мумкин, бир маданиятда маъқул саналган нарса бошқа бир маданиятда номаъқулдек эътироф этилиши мумкин.

Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда инсонлараро муносабатларни белгиловчи хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим характеристикаларидан бири агрессивликдир. Психологияда “агрессия” тушунчаси турлича ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиб, бир гуруҳ тадқиқотчилар агрессивияни негатив хулқ-атвор модели сифатида баҳоласалар, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар бу хулқ-атворнинг позитив томонлари ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар.

Биз, - деб ёзади Р. Кратчфилд ва Н. Левинсонлар – агрессия ахлоқийликнинг зидди демоқчи эмасмиз: зотан агрессиянинг баъзи бир шакллари ахлоқсизлик сифатида қарамайди. Бироқ у аксарият ҳолларда ахлоқсизликдир, шунинг учун ахлоқийликни ўзлаштирилишига маъсул механизмлар агрессив импульслар ижтимоийлашуви негизида ҳам ётади. Улар агрессиянинг икки бир-бирини инкор этмайдиган ва бирдай маъқул тавсифларини берганлар. Биринчиси, хулқ-атворнинг зохирий (ташқи) аломатларига асосланади: “Агрессия” - кимгадир зиён етказувчи хулқ-атворнинг ҳар қандай кўринишидир. Иккинчиси, одамнинг ботини (ниятлари) билан боғлиқ, яъни инсонни ҳаракатга ундовчи кучларни ўрганиш билан англаш мумкин бўлган ҳолатлар билан муштарак: “Агрессия - бошқа бир инсонга зиён етказишни мақсад қилиб олган ҳар қандай хатти-ҳаракатдир”.

Агрессиянинг юкоридаги зикр этилган тавсифларига монанд тушунчаларга таянган ҳолда кўпгина психологлар агрессивияни жонли оламнинг, яшаш учун кўраш билан боғлиқ, ўзвий характеристикаси деб ҳисоблайдилар.

В. Клайн агрессивликнинг салбий жихатларини инкор этмаган ҳолда агрессивияда “маълум маънодаги соғлом жихатлар” ҳам мавжуд бўлиши, улар фаол ҳаёт кечириши учун асқотиши мумкинлигини эътироф этади.

Агрессия ва агрессивлик тушунчаларини бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш лозимдир. Агрессия - бу одамлар, одамлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Агрессивлик - шахснинг нисбатан барқарор хусусияти бўлиб, у агрессияга тайёргарликни ифодалаш билан бирга душманлик асосида бошқаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини қабул қилиш ва тушунишга мойилликни билдиради. Агрессивлик барқарорлик кучи ҳамда шахс тўзилишининг бир қисми сифатида хулқ-атворнинг умумий тенденциясини олдиндан аниқлаш имкониятига эга бўлади. Демак, агрессия - бу жисмоний ёки руҳий зарар етказишга йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир. Ушбу таърифда таъкидланишича, агрессия - бу эмоция ёки мотив эмас, балки хулқ-атвор моделидир. Гарчи агрессия аксарият ҳолларда ҳақоратлаш ёки зарар етказишга интилиш билан боғлиқ бўлган мотивлар асосида ҳамда негатив эмоциялар жумладан, қаҳр, ғазаб, тажанглик билан боғлиқ тарзда ассоциация қилинди. Албатта, юқоридаги омиллар агрессив хулқ-атворга маълум маънода катта таъсир кўрсатади, лекин уларнинг мавжудлиги бундай хулқ-атворни юзага келишида зарур бўлган шароит ҳисобланмайди. Агрессиянинг хилма-хил таърифлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Бошқаларга хавф солувчи ёки зиён етказувчи ҳар қандай хулқ-атвор агрессия деб аталади. (Басс).

- Бошқаларни ҳафа қилиш, уларга зиён етказиш нияти бўлган хатти-ҳаракатлар агрессия деб аталади. (Берковитц).

- Бошқаларга жисмоний зарар етказиш нияти билан амалга оширилган ҳаракатлар агрессия деб аталади. (Зильманн).

- Бошқа тирик мавжудотларга зиён етказишга қаратилган, бироқ ўзига нисбатан қўлланилишга қарши бўлган ҳар қандай хулқ-атвор агрессия деб аталади. (Р.Берон, Д. Ричардсон).

“Криминал психология”га оид китобларда агрессияга шундай таъриф берилади:

Бошқа бировга жисмоний ва руҳий зарар етказиш мақсадида қилинган ҳаракатга ҳамда бирор шахс ёки объектни йўқ қилиш мақсадидаги ўринишга агрессия дейилади. Баъзи бир ижтимоий психологлар агрессияни бошқа бировга атайин жисмоний ёки ижтимоий зарар етказиш, баъзи ҳолларда эса ҳужумкор объектни йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракат деб таърифлайдилар.

Мавжуд бу таърифларга асосланиб, шартли равишда агрессив хулқ-атворни 2-гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Мотивацион агрессия. Агрессия - мотивацион фаолият сифатида норма ҳамда қоидаларни бўзиш, атрофидагиларга зарар ва азоб-уқубат келтириш деб тушунилади. Шу ўринда инструментал ҳамда ғараз билан қилинган (олдиндан ўйланган) агрессия типлари ҳам фарқланади.

2. Инструментал агрессия. Инсон агрессив ҳаракат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки бу шароит билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Айни ҳолда мотив мавжуд бўлади, лекин англалмаган тарзда намоён бўлади.

3. Ғараз билан қилинган (олдиндан қилинган) агрессия. Агрессив хулқ-атвор яъни зарар ёки зиён етказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар анланган мотив асосида амалга оширилади.

Агрессиянинг ижтимоий маъқул ва асоциал агрессив хулқ-атвор турлари фарқланади. Ижтимоий маъқул агрессия турида фрустрация ва низо натижасида келиб чиқувчи зўриқиш ҳамда ҳавотирланиш ижтимоий нормаларга мос келувчи ҳаракатлар орқали ҳал қилинади. Асоциал агрессив хулқ-атвор нормаларга зид бўлган (уришиш, сўқиш) ҳаракатларда намоён бўлади. Агрессив хатти-ҳаракат асосида агрессивлик мотиви ётади. Агрессив хатти-ҳаракатлар одамларга маънавий, руҳий, моддий ва жисмоний зарар етказди. Агрессивлик бошқа одамга била туриб зарар етказиш демакдир. Бундай хатти-ҳаракатларни бартараф этишнинг психологик жиҳатдан қийин томони шундаки, агрессив хулқ-атворли шахс ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун осонгина кўплаб мантиқий далилларни келтиради ва айбни ўз бўйнидан соқит қилишга уринади.

O'SMIRLARDA XARAKTER AKSENTUATSIYASINI ANIQLASH

Toxirova Shahnoza

Surxondaryo viloyati Sariosiyo tumani Sharg'un shahri 5-maktab psixologi

Abstract. Ushbu maqolada o'smirlar deviant xulq-atvorining ko'plab determinantlari orasida eng muhimlaridan biri shaxsning xarakter aksentuatsiyasi aniqlashda qo'llanilishi mumkin bo'lgan Shmishek-Leongard test- savolnomasi haqida so'z boradi. Nega savolnoma bunday nomlangan?

Germaniyalik olim Karl Leongard(1904-1988) fikricha aksentuatsiyalar- bu har bir insonga xos bo'lgan ba'zi bir individual xususiyatlarning "keskinlashgan, o'tkirlashgan" ko'rinishidir. Gans Shmishek esa K.Leongardning belgilab bergan shaxs xarakter aksentuatsiyasini aniqlash uchun savolnomasini tuzadi va ro'yxatdan o'tkazadi.

Kalit so'zlar: Muamoli o'smir, psixologik trening, xarakter aksentuatsiyasi

Kirish.

Xarakter aksentuatsiyasi-ba'zi xarakter xususiyatlarining o'ta kuchayib ketishi va oqibatda ayrim turdagi psixogen omillar ta'siriga berilishning ortishi va aksincha, boshqa ba'zi omillar ta'sirida beriluvchanlikning susayishidir. O'smirlik davrida xarakter aksentuatsiyasi xususiytlari ayniqsa kuchayib, tashqi tomondan psixopatiyani eslatib yuboradi .

O'smirlarning xakeri aksentuatsiyasi tipini aniqlash katta amaliy ahamiyatiga ega. Aniqlangan tip xarakterdagi zaif nuqtalarni ko'rsatadi, bu esa moslashuvchanlikning buzulishiga qanday omillar sababchi bo'lishi mumkinligini oldindan ko'ra bilish imkoniyatini beradi. Bularning barchasi psixoprofilaktika ishi uchun keng imkoniyatlar yaratadi.

Shimshek-savolnomasi yordamida o'smirlarning xarakter aksentuasiyasini aniqlash

Eslatma: Keltirilgan savollarga javob berishingizni so'raymiz. To'g'ri yoki xato javob bo'lmasligini esda tuting. Shuning uchun savollarga ko'p o'ylamasdan birdan tez

javob bering. Agar fikr sizga ma'qul kelsa unda "1" qo'ying, agar yoqmasa "0" qo'ying. Savolga faqatgina "1" yoki "0" deb javob berish kerak.

Natijani hisoblang: Aksentuatsiya Formula asosida ballarni koeffisientga ko'paytiriladi. 12 va undan ortiq yuqori ball jamlanmasi ma'lum tipga xos xarakter aksentuatsiyasini ifodalaydi.

Savollar ro'yxati

1. Ko'pincha kayfiyatingiz beg'am va ko'ngilli bo'ladimi?
2. Kamsitishlar sizga qattiq ta'sir etadimi?
3. Kino ko'rganda, teatrda yoki gaplashayotganda ko'zingizga yosh keladimi?
4. Bir narsa ishlab bo'lgandan keyin, bu to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligiga ishonmay qayta-qayta tekshirasizmi?
5. Sinfdoxlaringiz kabi kuchli va dovyurakmisiz?
6. Xursandchilikdan g'am-anduhga yoki g'am –anduhdan xursanchilikka oson ko'cha olasizmi?
7. Ko'pchilikning diqqat markazidamisiz?
8. Besabab yomon kayfiyatda bo'lganingizda birovning gapini tinglay olmaslik holati kuzatiladimi?
9. Siz jiddiy odammisiz?
10. Qandaydir narsaga ham quvonasizmi?
11. O'zingizni uquvli deb o'ylaysizmi?
12. Kimdir xafa qilgan bo'sa, tezda unitasizmi?
13. Ko'ngilchanmisiz?
14. Telefon orqali xabar jo'natgach u o'z egasiga yetib borganini tekshirib ko'rasizmi?
15. Maktabda yaxshi o'quvchi bo'lishga intilasizmi?
16. Kichkinaligingizda momoqaldiroq va itlardan qo'rqarmidingiz?
17. Har doim ,hamma vaqt ozodamisiz?
18. Sizning kayfiyatingiz uydagi va maktabdagi ishlarga bog'lik bo'ladimi ?
19. Ko'pchilik tanishlaringiz sizni yaxshi ko'radi, deb aytish mumkinmi?
20. Gohida sizda ichki qo'rqinch, xavotir bo'ladimi?
21. Odatda biroz g'amgin yurasizmi?
22. Sizda ruhiy tushkunlik bo'lganmi?
23. Uzoq vaqt bir joyda o'tira olasizmi?
24. Sizga nohaqlik qilishganda o'zingiz uchun kurashasizmi?
25. Tovuq yoki qo'y so'ya olasizmi?
26. Parda yeki dasturxon qiyshiq turgan bo'lsa uni darrov tuzatasizmi?
27. Bolaligingizda bir o'zingiz uyda yolg'iz qolshidan qo'rqarmidingiz?
28. Sababsiz xursand yoki g'amgin bo'lib turasizmi?
29. Sinfingizda yoki ishda eng yaxshi o'quvchining birimisiz?
30. Jaxlingiz tez chiqadimi?
31. Butunlay beg'am va sho'x bo'la olasizmi?
32. Bazida o'zingizni baxtiyor his qilasizmi?
33. Hazilomuz spektaklda boshlovchi bo'la olasizmi?
34. Biror kishi haqida o'ylayotgan fikringizning hammasini yuziga ayta olasizmi?
35. Qondan qo'rqasizmi?
36. Shaxsiy mas'uliyatli ishlarni yoqtirasizmi?

37. Kimdir nohaklik qilingan bo'lsa, uning yonasi olasizmi?
38. Qorong'u, bo'm-bo'sh xonaga kirish siz uchun yoqimsizmi?
39. Sifati ahamiyatsiz bo'lgan, biroq tez bajariladigan ishda ishlashni xohlaysizmi?
40. Siz samimiymisiz?
41. Maktabda she'ni siz oson ayta olasizmi?
42. Uydan qochib ketgan paytlaringiz bo'lganmi?
43. Hayot sizga og'ir tuyuladimi?
44. Bolalar yoki o'qituvchilar bilan bo'lgan janjaldan keyin maktabga bormaslik darajasigacha xafa bo'lganmisiz?
45. Muvaffaqiyatsizlikka uchraganingizda ham yuqori kayfiyatingizni saqlab qola olasizmi?
46. Sizni biron xafa qilsa, birinchi bo'lib gap boshlaysizmi?
47. Hayvonlarni yaxshi ko'rasizmi?
48. Uydan keta turib, biror narani qoldirib ketmadimmikan, deb tekshirgani qaytib kirasizmi?
49. Sizga yoki sizning yaqinlaringizga nimadir bo'lgandey xavotirda yurasizmi?
50. Sizning xulqingiz juda o'zgaruvchan deb o'ylaysizmi?
51. Ko'pchilik oldida erkin gapira olasizmi?
52. Sizni xafa qilgan odamni ura olasizmi?
53. Boshqa odamlar bilan gaplashish zaruratini sezasizmi?
54. Biror ishni bajara olmasangiz umidsizlikka tushasizmi?
55. Tashkilotchilik, ijodkorlikni talab qiladigan ishni yoqtirasizmi?
56. Agar yo'lda qiyinchilika duch kelsangiz ham, maqsadingizga astoydil intilasizmi?
57. Kino ko'rayotganingizda yoki g'amgin kitob o'qiyotganingda yig'laysizmi?
58. Biror tashvishdan uxlashingiz qiyin bo'ladimi?
59. O'rtoqlaringizga darsda pichirlab aytib turasizmi yoki ko'chirib olishga berasizmi?
60. Qorong'i ko'chada yolg'iz o'zingiz yura olasizmi?
61. Har bir narsa joy-joyida bo'lishini xohlaysizmi?
62. Uyga yaxshi kayfiyat bilan yotib, yomon kayfiyat bilan uygonish hollari bo'ladimi?
63. Yangi vaziyatlarga tez moslashasizmi?
64. Boshingiz tez-tez og'rib turadimi?
65. Tez-tez kulib turasizmi?
66. Agar siz biror kishini hurmat qilmasangiz, u bilan turganinigizda uni hurmat qilmasligingizni sezdimaysizmi?
67. Siz chaqqonmisiz?
68. Nohaqlik sizni qattiq tashvishlantiradimi?
69. Tabiatni yaxshi ko'rasizmi?
70. Uydan ketayotganda yoki uyqu oldidan siz gaz o'chirildimi, eshik qulflandimi, chiroq o'chirildimi deb qayta tekshirasizmi?
71. O'zingni qo'rqqoqman deb o'ylaysizmi?
72. Spirtli ichimliklar oldida kayfiyating o'zgaradimi?
73. Sahnaga chiqishni yaxshi ko'rasizmi?
74. Siz hayotga noumid qaraysizmi?
75. Sayohat qilishni yaxshi ko'rasizmi?

76. Xursamdchilikdan g'amgilikka bexosdan o'tib qolish hollari bo'ladimi?
77. Do'stlaringiz kayfiyatini chog' qila olasizmi?
78. Uzoq muddat xafa bo'lib yurasizmi?
79. O'zgalarning dardini o'zingizga qabul qilasizmi?
80. Xato tufayli daftar varog'ini uzib olib, qayta ko'chirgan bo'larmidingiz?
81. Odamlarga bo'lgan ishonchsizlik sizda yuqorimi?
82. Tez-tez daxshatli tush ko'rasizmi?
83. O'tib borayotgan "poyezd tagiga tushishim yoki ko'p qavatli uyning derazasidan qulab ketishim mumkin "deb o'ylaysizmi?
84. Atroflagilarning hammasi vaqtichoqlik qilayotgan bo'lsa, sizning ham vaqtingiz chog' bo'ladimi?
85. Yechim talab qiladigan muammolardan o'zingizni oz vaqt bo'lsada yiroq tuta olasizmi?
86. Spirtli ichimlik iste'moldan so'ng o'zingizni erkin tuta olasizmi?
87. Odatda ko'p gapirasizmi?
88. Agar spektaklda o'ynasangiz rolga kirishib keta olasizmi?

Natijalarni bahlash

Savollarga javobingiz to'g'ri kelsa "1" ball qo'yiladi, so'ng ballar summasini har bir shkala bo'yicha koeffisientga ko'paytirish kerak.

Shkala bo'yicha hosil bo'lgan birlamchi ballar, jadvalda ko'ratilgan koeffisientga ko'paytiriladi. Agar hisoblab chiqilganda, ballar 12 balldan oshsa, xarakter aksentuatsiyasining namoyon bo'lishi ko'riladi

Shkala raqami	Aksintyasiya tiplari	Koeffisient	Kalit	Aksentuatsiya ko'rsatkichi birlamchi ballarning koeffisientiga ko'paytirilgani
1	Gipertim	3	"Ha"-1,12,25,36, 50,61,75,85 "Yo'q"-	
2	Xavotirlanuvchi	3	"Ha"- 17,30,42,54,79 "Yo'q"- 5,67	
3	Distim	3	"Ha"- 10,23,48,83 "Yo'q"- 34,58,73	
4	Rasmiy	2	"Ha"-4,15,19,29,43, 53,65,69,78 "Yo'q"-40	
5	Qo'zg'aluvchan	3	"Ha"- 8,22,33,46,57,72,82 "Yo'q"-	
6	Emotiv	3	"Ha"-3,14,52,64,77, 87 "Yo'q"-28,39	
7	Rigid	2	"Ha"-2,16,26,38,41,	

			62,76,86 “Yo’q”- 13,51	
8	Namoyishkor	2	“Ha”-7,21,24,32,45, 49,71,74 “Yo’q”- 56	
9	Sikloid	3	“Ha”-6,20,31,44,55, 70,80 “Yo’q”-	
10	Ekzaltir	6	“Ha”-11,35,60, 84 “Yo’q”-	

1.Gipertim. Yuqori kayfiyatga ega va hissiyotga boy degani. Bu toifaga kiruvchi shaxs yuqori darajada harakatchanligi, so’zamolligi, mimikalar-ga boy xatti-harakatlari, dilkashligi bilan ajralib turadi. U har qanday odam bilan tezda muloqotga kirishib keta oladi, ulfatchilikni xush ko’radi, shum va sho’x bo’ladi. Suhbat chogida dastlabki mavzudan tezda chetga chiqib ketadi, gohida buni o’zi ham sezmay qoladi. O’z tengdoshlari orasida e’tiborda bo’lishni, iloji bo’lsa ularga yo’lboshchi bo’lishni va shovqin-suronli hayotni xush ko’radi. Deyarli doimo a’lo kayfiyatda bo’ladi. O’zini yaxshi ko’radi, yuqori hayotiy quvvat va ishtahaga ega bu odamning, yuzi-ko’zi kulib turadi, hayotdan quvonib yashaydi. Qattiq tartib-intizomga toqati yo’q. bir xillikni va yolg’izlikni yoqtirmaydi. Ba’zan axloqsiz ishlarga qo’l urib qo’yadi.

2.Xavotirlanuvchi. Bu toifaga kiruvchi shaxs birovlar bilan darrov muloqotga kirishib ketalolmaydi, doimo xavotirda yuradi, qo’rqoq va uquvsiz bo’ladi, o’ziga ishonmaydi. Qorong’ulikdan, uyda yolg’iz qolishdan va hayvonlardan qorqadi. O’z tengdoshlariga qo’shib keta olmaydi, ulardan o’zini chetga oladi, shovqunli, o’yin-kulguli joylarni yoqtirmaydi, mobodo bunday joylarda baydo bo’lib, qolsa ham uyalib, chetda tomoshabin bo’lib turadi. Kattalar himoyasiga o’zini jon deb otadi. Unda burchga sadoqat, mas’uliyat hissi erta rivojlanadi. Nojo’ya voqealarda o’zini himoya qila olmagan uchun osonlikcha unga ag’darishadi.

3. Distim. Bu toifaga kiruvchi shaxs o’znini jidiyligi bilan ajralib turadi, o’ta bosiq bo’lib, kayfiyati past odamni eslatadi uning harakatlari sust bo’lib, kelajakka tushkun ruhda qaraydi, o’z imkoniyatlarini ham past baholaydi, birovlar bilan kam muloqotga kirishadi, davralarda suhbatga aralashmaay jim o’tirishni hush ko’radi. U odatada ko’cha-kuylaraga chiqmay uyda o’tirishni avzal ko’radi, g’ala-g’ovur va shovqunli joylardan chetroq yuradi. To’g’rilik va haqiqatga intilsa-da, o’z fikrini bayon etishi ancha sust.

4.Rasmiy. Sinchkov, maydakash va o’ta rasmiyatchi shaxs. Janjal va kelishmovchiliklarga kam aralashadi, agar janjalli vaziyatlarda paydo bo’lib qolsa, o’zini chetga oladi yoki passiv ishtirokchiga ayalandi, holos. Shunday bolsada shakilanib qolgan tartib-qoidalarning buzulishiga tezda diqqatini qaratadi. Rasmiyatchilikning hayot tarziga aylanib qolgan bo’lsa ham, vaziyat taqozo etsa osonlik bilan mansabdan voz kechadi. Ruhij jarohatlarni uzoq vaqt esida saqlab yuradigan, og’ir tabiatli va o’ch olishga moyil inson.

5.Qo’zg’atuvchi. Jizaki, o’z his-tuyg’ularini jilovlay olamaydigan, qo’pol janjalkash va tez g’azablanadigan kishi. Uning xulq-atvorida instinktiv intilishlar ustun

turadi. U batqavoq va zaharxanda kishi bo'lib, birov bilan osonlikcha murosaga bormaydi, odamlar orasida kelishmovchiliklarning yuzaga kelishida faol ishtirokchidir. Tez-tez yuzaga keladigan kelishmovchiliklar sababli bir ishdan boshqa ishga o'tib yuradi. O'zidan kuchsizroq odamlar bilan muloqot qilishga va ularni o'ziga bo'ysundirishga harakat qiladi. Bu shaxsni boshqarish qiyin bo'lib, uning xatti-harakatlari atrofdegilar uchun xavfli vaziyatlarni yuzaga keltirishi mumkin.

6. Emotiv. Bu toifaga kiruvchilarning hulq-atvoridagi xislatlar bir qaraganda hushchaqchaq toifaga kiruvchlarga oxshab ketadi. Biroq emotsional shaxslar o'zlarining his-tuyg'ularni yaqqol nomoyon qilishavermaydi, ya'ni biroz niqoblangan tusda bo'ldi. Emotsional shaxs uchun hissiyotga beriluvchanlik, ta'sirchanlik, vahima, qo'rqqoqlik, xavotir ko'p so'zlash xosdir. U tabiatni sevadi, o'simliklar parvarish qilishni va hayvonlarni yoqtiradi, bu ishdan zavqlanib yuradi.

7. Rigid. Muloqotga hadeb kirishib ketmaydigan, kam gap, takkabur odam. Kam gapirsa-da, nasihat qilishni xush ko'rdi. Unga nisbatan aslida mavjud bo'lmagan adolatsizlikdan aziyat chekib yuradi. Shu sababli uning xatti-harakatida odamlarga nisbatan ishonchsizlik va ehtiyotkorlik ustun turadi. Gina va xafagarchilikka beriluvchan, tez ranjiydigan voqea va hodisallarga shubha bilan qaraydi. Unga chuqur hissiy kechinmalar ro'y bersa ham, uni darrov yuzaga chiqaravermaydi, ichida saqlashga harakat qiladi va bu borada uning fikrini tez bilib olish ancha mushkul.

8. Namoyshkor. Bu toifaga mansub shaxsning xulq-atvorida namoyishkorlik doim sezilib turadi, u barcha xatti-harakatlarini namoyishkorona bajarishini hush ko'radi. Atrofdegilar bilan tez va osonlikcha muloqotga kirishadi, ishchan va harakatchan bo'ladi. Xiyla va nayrangga usta, yolg'on gapirishga moyil, olifta va xayolparast o'z shaxsini bo'rtirib ko'rsatuvchi bo'ladi. Uning oldida birovni maqtashning foydasi yo'q, chunki bu uning kayfiyatini tushirib yuboradi.

9. Siklotimik shaxs. Gipertimik (yuqori kayfiyat) va distimik (buzuq kayfiyat) holalarini bir-biri bilan almashinib turishi bilan nomoyon bo'ladi, bunday shaxsning kayfiyati tashqi ta'sirlarga juda bog'liq bo'lib, tez-tez o'zgarib turadi. Ba'zan hech qanday sababsiz uning kayfiyati buzilishi mumkin. Kayfiyatni ko'taruvchi voqealar ro'y bersa uning faolligi oshib, juda ishchan bo'lib qoladi. Tashlab qo'ygan ishlarini zavqlanib qayta boshlaydi.

10. Ekzaltir. Bu toifaga kiruvchi shaxsning xulq-atvorida yaqqol ko'zga tashlanib turadigan xislatlar o'ta baxtiyorlik, zavqlanish, hushchaqchaqlik, shodlanish, huzurlanish hissidir. O'zgina bo'lsada, quvonchli voqealar darrov uning e'tiborini tortadi va kayfiyatini ko'taradi. Huddi shunday g'amgin voqealar esa kayfiyatini tushuradi. U muloqotga tez kirishib ketishi bilan boshqalardan ajralib turadi.

Xulosa: O'smirlar ongiga etnik xususiyatlarini shakllantirishni aniqlashga qaratilgan tadqiqot natijalari nazarda tutilgan ilmiy farazlarni tasdiqladi. Olingan empirik ma'lumotlarni umumlashtirish va ularning natijalarini tahlil qilish quyidagi xulosalarni chiqarish imkonini berdi. 1. O'smirlik yoshi murakkab bo'lganligi ular ongida etnik xususiyatlarni shakllantirish va singdirishda ijtimoiy muhit va hayot tarzining o'rni alohida ahamiyatga egadir. Ayniqsa bu yoshga ta'sir etuvchi etnosdagi o'ziga xos urf-odatlar, an'analar, qadriyatlar, etnopsixologik xususiyatlarni shakllanishiga ta'sir ko'rsatadi. 2. O'smirlik yoshidagi krizislar va ularning zamonaviy taraqqiyot jarayonlarini taxlil qilishdagi va ta'lim tarbiyaning o'ziga hosligi ularga

nisbatan murakkabroq kechishi va asosan milliy urf-odatlar, an'analar, qadriyatlar bilan bog'liq xulq-atvor shakllarini o'zlashtirishdagi qiyinchiliklar bilan xarakterlanishi aniqlandi. 3. Barqaror-ekstravert va beqaror-intravert tipga mansub o'smirlarda milliy etnik xususiyatlarga nisbatan munosabati yuqoriroq ko'rsatkichlarga ega. 4. Ma'naviy-ahloqiy tarbiya, ijtimoiy munosabatlari xarakteri, oila, maxalla, milliy urf-odatlarga ijobiy munosabat motivlarining shaklanishi o'smir ongida milliy g'urur, milliy qadriyatlarni hurmat qilish va o'z millatidan faxrlanish tuyg'ularini rivojlanishiga ta'sir ko'rsatishi ma'lum bo'ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Ibodullayev,Z. Asab va ruhiyat ilmiy ommabop risola-Toshkent:<<Sharq>>, 2015.174-183 b
 2. Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni-xalq, millatni-millat qilishga xizmat etsin. – T.: O'zbekiston, 1998. – B. 15-89 b
 3. E. G'oziev, R.Toshimov "Psixodiagnostika va amaliy psixologiya" T.2004 y
 - 4.Psixologik treninglar va metodikalar to'plami (Amaliyotchi psixologlar uchun) Jizzax 2019 yil 132-127 b
 - 5.Maktab o'quvchilari orasida suisid, huquqbuzarlik va jinoyatchilik holatlarini oldini olishda amalga oshiriladigan kompleks profilaktik tadbirlar yuzasidan amaliyotchi psixologlar va pedagog xodimlar uchun metodik qo'llanma. Namangan 2019.67-71b
 - 6.Muamoli o'smir: Tashxis,Tadqiqot metodlari: Toshkent-2002 36-39 b
- 7.m.vk.com@info undtime

ХУЛҚДАН ОҒИШ МУАММОСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ ТАСНИФИ

Рахмонова Маърифат Алимбаевна

Хоразм вилояти Қўшкўтир тумани 3-сонли мактаб амалиётчи психологи

Инсон хулқи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар бир ахлоқий ҳодисанинг моҳияти унинг шахс хулқининг умумий тўзилиши-даги ўрни билан боғлиқ. Индивидуал ривожланиш жараёнида ахлоқий тизимлар индивидуал ахлоқий стратегиянинг мураккаб мажмуига айланади ва шахснинг ахлоқий типини ҳосил қилади.

Анъанага кўра, ғайриижтимоий хулқ сабаблари икки гуруҳга - ижтимоий ва биологик сабабларга ажратилади. Бироқ, ахлоқ - одоб меъёрлари (қоида)дан оғувчи хулқнинг кўплаб кўриниш-ларини таҳлил қилиш мазкур муаммони бошқачароқ, яъни тизимли-интеграциялашган (бирлашган) ҳолда ўрганиш зарур, деган хулосага олиб келади.

Ижтимоийлик ёки биологиклик омилларига «руҳийлик» номли тизим ҳосил қилувчи омилни киритиш ҳамда инсон хулқининг сабабий боғланишлари (детерминацияси) билан боғлиқ барча муаммолар мажмуини ижтимоий-психологик-биологик сабаблар деб аташ зарур. Бунда «психологик» жиҳатнинг

ўртада жойлашгани унинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик омил учун бирлаштирувчи функцияга эгаллигини англатади.

Ғайриижтимоий хулқ сабаблари ҳақида сўз борар экан, аввало, муаммони таҳлил қилишнинг асосий принципларини келтириб ўтамиз.

1. Ғайриижтимоий хулқ, нормадаги хулқ каби, кўп омил- лидир, у бир ёки ҳатто бир қанча сабабларнинг оқибати эмас. Бироқ, алоҳида олинган индивидуал ахлоқий кўринишнинг кўп омиллар билан боғлиқлиги ва эҳтимолли хусусияти уни ўрганиб бўлмаслигини билдирмайди. Бу ўринда шахснинг типик индивидуал-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини аниқлаш устун аҳамиятга эга. Ижтимоий ва биологик омиллар ўз- ўзича эмас, балки жинойтчи хулқининг типини ҳосил қилувчи унинг шахсий-психологик хислатларида бирлашган ҳолда ғайриижтимоий хулқнинг аниқловчиларига айланади.

2. Ғайриижтимоий хулқ ижтимоий ижобий хулқдан йўналиш- шининг мазмуни бўйича ҳам, психорегуляцион хусусиятлари бўйича ҳам ажралиб туради. Шахс хулқи унинг эҳтиёжлари, анланган ва анланмаган майллари тизими, олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Агар уни схема тарзида тасвирлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш ҳосил қилади.

Аксарият жинойтчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар ҳосилдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари паст даражада бўлганида, ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади.

3. Ғайриижтимоий хулқ индивиднинг ўз ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиш (ўзини оқлаш) мотивацияси, умум қабул қилинган ижтимоий қадриятларнинг қадрсизланиши асосида амалга оширилади. Инсон хулқи унинг эҳтиёжлари ва йўналганлик соҳаси, қабул қилган қадриятлар тизими, умуминсоний маданиятдан баҳрамандлик даражаси билан боғлиқдир. Инсон ҳайвондан фарқли равишда қандайдир ягона хулқ тизимларига маҳкум эмас, у кўп функциялидир. Унинг хулқини аниқ инстинктив (туғма) майллари эмас, балки ижтимоийлашув даражаси юзага келтиради.

Ғайриижтимоий хулқ - можароли хулқ бўлиб, доимо жамиятда, ижтимоий гуруҳларда, шахс билан ижтимоий гуруҳ, айрим шахслар ўртасида ва, ниҳоят, шахснинг ўзидаги ички зиддиятларга асосланган. Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шаклланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

- қадриятлар тизими;
- ахлоқий йўналганлик;
- хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари;
- ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусият- лари.

4. Инсон хулқида на объектив, на субъектив омилларни алоҳида ажратиш мумкин. Ижтимоий омиллар одамлар хулқига бевосита ички шахсий, индивидуал-психологик ҳодисалар орқали таъсир кўрсатади (ва бу, баъзан «жинойт табиат» иллюзиясини юзага келтиради).

5. Шахс қанчалик кам ижтимоийлашган бўлса (бу, одатда, жинойтчи

шахсининг ўзига хос хусусиятидир), биологик омилларнинг устун (доминанта) бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Инсон онгининг ривожланиши қанчалик чекланган бўлса, унинг хулқида иерархик жиҳатдан қуйи турадиган мотивация даражалари шунчалик катта роль ўйнайди.

Криминолог олим З.С.Зарипов ва И. Исмаиловлар жиноий хулқ шаклланиш жараёнини қуйидаги тоифаларга ажратишади: а) шахс эҳтиёжи ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноий хулқ шаклланиш жараёни; б) шахс эҳтиёжи (манфаати) ва имконияти ўртасидаги фарқ (қарама-қаршилик) билан боғлиқ жараёнлар; в) шахс маънавий ва ҳуқуқий тасаввўрининг, қадриятлар ва ижтимоий йўналишининг бузилиши билан боғлиқ жараёнлар; г) қарор қабул қилиш ва амалга оширишдаги нуқсон ва камчиликлар билан боғлиқ жараёнлар¹.

Жиноий хатти-ҳаракат жараёни қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади: мотивация, қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш. Ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат бу шахсдаги ўзига хос хусусиятлар билан ташқи муҳитнинг ўртасидаги алоқанинг натижаси деган фикрга асосланган ҳолда муайян жиноий хатти-ҳаракат жараёнини қуйидагича тасвирласа бўлади:

Маълум бўлишича, руҳий аномалия ҳолатида шахслар томонидан жисмоний куч ишлатиш (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш) ва безорилик жиноятлари содир этилган. Масалан, ақли расо деб тан олинган ва одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган вояга етмаганлар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказилганда уларнинг ҳар беш нафаридан уч нафарида ақли расо бўлган ҳолда ўз жиноий қилмишларига йўл очувчи турли аномалия ҳолатлари борлиги аниқланган.

Юқорида хулқдан оғиш муаммосининг асосий сабаблари келтирилган бўлиб, улар мутлақ бўлмасдан, бошқа сабабларини ҳам санаб ўтиш мумкин. Ва уларни деярли барсачи нотўғри тарбиянинг ҳосиласи ҳисобланади.

UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA PSIXOLOGIK XIZMATNING AHAMIYATI, HAMDA PEDAGOGLARDAGI KASBIY SO'NISH HOLATLARINI BARTARAF ETISHDA RAHBARNING MAS'ULIYATI

Umarova Xurshida

Toshkent shahar Chilonzor tumani 173-maktabning amaliyotchi psixologi

Annatsiya: ushbu maqolada umumta'lim maktablarida psixologik xizmatning ahamiyati hamda pedagoglarning kasbiy so'nish holatlarini bartaraf etishda rahbarlarning ma'suliyati yoritib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Umumta'lim maktablarida psixologik xizmatning ahamiyati, rahbarlik ma'suliyati, pedagoglar va rahbarlar o'rtasidagi munosabat.

Rahbar va xodim munosabatlari, guruhdagi psixologik muhit, mehnat jamoasi faoliyatining samaradorligi ko'p jihatdan rahbar qo'llaydigan boshqaruv uslubiga

bog'liq. Boshqaruv uslubi – rahbarning o'z xodimlariga nisbatan, ular orasida ishni tashkil etish bo'yicha qo'llaydigan odatiy xatti-harakatlari majmuasidir. Hozirga kelib boshqaruv fanida boshqaruv uslubini farqlashga turli yondoshuvlar mavjud bo'lib, ularning hech biri boshqaruv vaziyatiga mos keluvchi mukammal bir uslubni tavsiya etolmaydi. Har bir uslub albatta bironta cheklanishga ega. Quyida rahbarlik uslubiga turli yondoshuvlar haqida qisqacha izoh berib o'tamiz va bu matndan rahbar o'z faoliyatida uchraydigan vaziyatdan kelib chiqqan holda, muvofiq keluvchi usullar majmuasidan birontasini qo'llash haqida xulosa chiqarishi mumkin. Tizimli yondoshuv tamoyiliga asoslanish boshqaruv uslubi mavzusiga bir muncha to'la tahlil berishi mumkin. Bunga binoan, qo'llanilayotgan boshqaruv uslubi tashkilot hayoti, uning oldiga qo'ygan maqsad va birlamchi ravishda amalga oshirilayotgan vazifalariga mos kelishi kerak. Tizimli yondoshuvga binoan rahbar o'zi boshqarayotgan tizimni yaxshi bilishi, uning holatini to'g'ri baholashi, kelajakdagi qiyofasini tasavvur eta olishi hamda o'zgarishlarni amalga oshirishda ishtirok etuvchi xodimlarni faollikka jalb eta olishi lozim.

Zamonaviy boshqaruvga oid fanlarda rahbarlik uslubini turli nuqtai nazarlarda turib yoritiladi. Quyida ularning qisqacha izohini berib o'tamiz.

An'anaviy yondoshuv. Boshqaruv uslubini farqlashdagi an'anaviy yondoshuvlardan biri Kurt Levin tomonidan kiritilgan tipologiyaga asoslanib, bunda rahbarlikning avtoritar, demokratik va liberal uslublari farqlanadi. Avtoritar uslubda rahbar hamma boshqaruv qarorlarini o'z qo'liga oladi, qaror ijrosini qattiq nazorat ostiga oladi va yo'l qo'yilgan xatolar yuzasidan beshafqat jazolash shahdini namoyish etadi, xodimga inson sifatida qiziqish bilan qaramaydi. Bunday sharoitda, doimiy nazoratning mavjudligi iqtisodiy jihatdan yuqori ko'rsatkichni ta'minlaydi. Lekin, psixologik nuqtai nazardan bunday uslubda qator kamchiliklar kuzatiladi:

- 1) xatoga yo'l qo'yish ehtimoli oshadi;
- 2) tashabbusni, xodimlarning ijodiy faoliyatini so'ndirish, ixtirolar joriy etishning sekinlashuvi, xodimlarning sustligi;
- 3) xodimlarning ishdan, jamoadagi mavqeidan qoniqmasliklari;
- 4) nosog'lom psixologik muhit natijasida jismoniy va ruhiy zo'riqishlar oshishi va sog'liqqa salbiy ta'siri.

Bunday uslub rahbar va xodim orasidagi kasbiy malakalar farqi kattaligida, qattiq intizom va itoatgo'ylik zarur bo'lgan sharoitda maqsadga muvofiq va o'zini oqlashi mumkin (avariya holatlari, inqirozli, urush sharoitlari va h.k.). Yangi xodimlar ishlaydigan jamoada bunday boshqaruv uslubi moslashuv jarayoniga salbiy ta'sir etadi, yosh xodimda kasbiy malakalar sekin shakllanadi.

Demokratik uslub, ba'zan sheriklik, hamkorlikka asoslangan boshqaruv uslubi ham deb ataladi. Bunday uslub hukm surgan jamoada boshqaruv qarorlari xodimlar bilan muhokama qilish orqali, ularning fikri va tashabbusini hisobga olgan holda qabul qilinadi. Shuningdek, qaror ijrosining nazorati ham rahbar, ham xodimlar tomonidan amalga oshiriladi, rahbar xodimga shaxs sifatida qaraydi, uning ehtiyoj, manfaat va qiziqishlarini inobatga oladi. Boshqaruv pog'onalarida qaror qabul qilish "pastdan tepaga" qarab boradi, ya'ni avval quyi bo'g'in rahbarlaridan yig'ilgan fikrlar asosida yuqori bo'g'inda qaror ishlab chiqiladi. Rahbar jamoadagi norasmiy liderga tayanadi va kezi kelganda uning faolligi uchun ham imkoniyat yaratadi. Hamkorlik tamoyiliga

asoslangan rahbar vazifani bajarishning aniq ko'rsatmasiga nisbatan umumiy yo'nalishni belgilashni ma'qul ko'radi, hamda xodimning o'zi ijro etish rejasini ishlab chiqishi uchun imkoniyat yaratadi. Demoratik uslub eng samarali boshqaruv vositalaridan hisoblanib, uni qo'llashda to'g'ri qaror qabul qilish ehtimoli oshadi, mehnat samaradorligi ta'minlanadi, bajarilayotgan ishdan va jamoaga a'zolikdan qoniqish o'sadi, guruhning ahilligi oshib psixologik muhit ijobiylashadi. Bunday jamoada odatda mavjud echimlarga tanqidiy ko'z bilan qarovchi, xatoliklarni aniqlovchi xodim va bu xatoliklarni bartaraf etish yo'llarini taklif etuvchi mutaxassis hamkorligi mavjud. Bu tavsiflardan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, demokratik tamoyilga asoslangan jamoalarning ham bir necha darajasi bo'lishi mumkin. Birlamchi darajadagi jamoalar asosan mehnat vazifasini bajarishga yo'nalgan bo'lsa, yuksak pog'onadagi jamoalar xizmat maqsadidan tashqari shaxslararo munosabatlarni ijobiylashtirish bo'yicha faollikka ham egadirlar. Demokratik uslubni amalga oshirish rahbarning aqliy, tashkiliy va kommunikativ qobiliyati yuqori rivojlangan sharoitda o'rinlidir.

Liberal uslubda jamoada demokratik tamoyillar hukm suradi, xodimga butkul erkinlik beriladi, u o'z xizmat vazifalarini belgilaydi va ijro etish vositasini tanlaydi, guruhda xulqni nazorat etish deyarli kuzatilmaydi. Bunday uslub yuqori ijodiy kuchga ega bo'lgan va ishlab chiqarish jarayoni benuqson yo'lga qo'yilgan jamoada qo'llanishi mumkin. Ammo, bunday uslub noo'rin qo'llanilganda guruhning har bir a'zosi tashabbuskor bo'lishi bilan birga, ularni ma'lum maqsad sari yo'naltiruvchi kuch jamoada bo'lmaydi, qabul qilingan qarorlar nazorati sust bo'lgani uchun ular bajarilmay qolib ketishi ham mumkin. Natijada xodimlar o'z mehnatidan va rahbariyatdan qoniqmaydi, ish samaradorligi past, jamoada hamkorlik yo'q, bir-biri bilan kirishmaydigan guruhlar bo'linish ehtimoli ko'payadi va guruhlararo ochiq yoki yashirin nizo yuzaga keladi.

Yuqorida sanab o'tilgan rahbarlik uslublari har bir rahbar faoliyatida u yoki bu darajada namoyon bo'ladi va ayrim rahbarda bu uslublarga xos belgilar aniq ko'rinsa, ikkinchisida sust ko'zga tashlanadi. Ba'zi bir rahbar biron uslubga moyilligini anglasa, ikkinchisi o'z xulqida aniq bir uslub belgilarini ajrata olmaydi. Shunga muvofiq ravishda psixologik tavsiyalarda rahbar shaxs sifatida uslubdan o'zini ajrata olishi va uslubdan foydalanishni ixtiyoriy darajaga olib kela olishi maslahat beriladi.

Psixologik xizmatning maqsad va vazifalari

Psixologik xizmatning maqsadi o'quvchilarning ma'naviy va aqliy rivojlanishi, barkamol shaxs sifatida shakllanishi, faol ijtimoiy moslashuvi va ularning yosh davrlari bo'yicha rivojlanishida salomatligini muhofaza qilish, uzluksiz ta'lim jarayonida o'zligini anglashi, individual psixologik xususiyatlari, shaxsiy imkoniyatlari va qobiliyatlarini namoyon etishlari uchun psixologik-pedagogik shart-sharoitlar yaratishdan iborat.

Quyidagilar psixologik xizmatning asosiy vazifalari hisoblanadi:

ta'lim muassasalarida psixologik xizmat faoliyatini tashkil etish ishlarini sifatli tashkil etish, shu jumladan, ish faoliyatiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash orqali o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish ishlari samaradorligini oshirish;

o'quvchilarning qobiliyati, layoqati, qiziqishlari hamda kasb-hunarga moyilliklari asosida kasb-hunarni to'g'ri tanlashlariga ko'maklashish;

turli yosh davrlarida o'quvchilarning shaxsiy, aqliy va ijtimoiy rivojlanishini psixologik jihatdan kuzatib borish, ta'lim-tarbiyadagi psixologik nuqsonlarni aniqlash, ularning aqliy rivojlanishida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan har qanday salbiy og'ishlarning oldini olish;

o'quvchilar ta'lim muassasasining ijtimoiy muhitiga moslasha olmasligi holatlarini korreksiyalash, ularni ijtimoiy reabilitatsiya qilish bo'yicha tadbirlarni tashkil etish va amalga oshirish;

pedagogik jamoalarda sog'lom psixologik muhitni yaratish va qo'llab-quvvatlash, jamoa a'zolarining hissiy-emotsional holatlari, shaxslararo munosabatlar va ziddiyatli xatti-harakatlarni korreksiyalash, ularning psixologik madaniyatini yuksaltirish;

iste'dodli va iqtidorli o'quvchilarni aniqlash, ularning individual-psixologik, fiziologik xususiyatlari va qiziqishlarini o'rganish, qobiliyatlarini namoyon etishlari va rivojlantirishlari uchun shart-sharoitlar yaratish;

axborot-psixologik xurujlarning xavfi, Internet jahon axborot tarmog'ining salbiy ta'siri, yoshlar tarbiyasiga xavf solayotgan "ommaviy madaniyat"ning kirib kelishi holatlarining oldini olishga qaratilgan tadbirlarni o'tkazish;

pedagog xodimlar, o'quvchilar hamda ota-onalarning psixologik-pedagogik bilimlarini oshirishga ko'maklashish, pedagog xodimlar, ota-onalar va jamoat tashkilotlarining samarali hamkorligini ta'minlash.

O'SMIRLIK YOSHIDAGI O'G'IL VA QIZLARNING O'ZIGA XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

*Umarova Xurshida Qadamboyevna
Toshkent shahar Chilonzor tumani 173-maktab psixologi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'smir yoshidagi o'g'il va qizlarda bo'ladigan psixologik o'zgarishlarni yoritib o'tilgan.

Kalit so'zlar: o'smirlik davri haqida tushuncha, o'smir organizmida ro'y beradigan o'zgarishlar, o'smirlarda do'stlik, yoqtirish, sevgi hislari.

Аннотация: В этой статье освещаются психологические изменения, происходящие в подростковом возрасте у девочек и мальчиков.

Ключевые слова: понятие о подростковом возрасте, изменения происходящие в организме подростков, чувства дружбы, симпатии, любви у подростков.

Annotation: Psychological challenges faced by teenagers.

Key words: 1. What is teenage period?

2. Physical and psychological process in teenagers body and mind.

3. Friendship, love and relationship among teenagers.

Psixologiya fanining muhim sohalaridan biri bo'lmish yosh psixologiya fani bevosita inson psixologiyasining namoyon bo'lishi va rivojlanishi turli yoshlarda qanday kechish xususiyatlari namoyon bo'lishi va rivojlanishini turli yoshlarda qanday kechish xususiyatlari, qonunlari, mexanizmlarini organadi. Psixologik xususiyatlarni namoyon bo'lishining yosh xususiyatlari organilar ekan, shuni nazarda tutish kerakki, yosh

psixologiyada turli yosh davrlari bir-biridan sezilarli farqlanadi. Bular: chaqaloqlik, ilk bolalik, maktabgacha ta'lim yoshi, kichik maktab yoshi, ösmirlik, ilk yoshlik, yoshlik, yetuklik va keksalik davrlaridir

Biz ösmirlik davri psixologiyasi haqida toxtalib ötamiz

Ösmirlik davri insonni bolalikdan-yoshlikka ötuvchi va öz navbatida boshqa davrlardan özining nisbatan keskinroq, murakkabroq kechishi bilan farqlanib turuvchi davrdir. Bu davr taxminan bolalarning 5-8sinflarda öqish paytlariga tögri keladi va 11-12yoshdan 14-15 yoshgacha bölgan davr oraliğida kechadi. Ayrim bolalarda bu davr 1-2 yil ertaroq yoki kechroq kuzatilishi ham mumkin

Ösmirlik davrining oğir, murakkab davr ekanligi köplab psixologik, fiziologik, ijtimoiy omillar bilan boğliq. Bu davrda rivojlanishning barcha jihatlarini: jismoniy, aqliy, axloqiy, ijtimoiy va kabilarning mazmun-mohiyati ham özgaradi. Bu davrga kelib bola endi "bola" emas va shu bilan birga hali "katta" ham emas. Uning öz-öziga va atrofdagilarga nisbatan bölgan munosabatlari butunlay boshqacha xarakter kashf etadi. Uning qiziqishlari tizimi, ijtimoiy yöналganligi qaytadan shakllanadi, öz-özini anglashi, baholashi, qadryatlari özgaradi. Uning uchun öz "men" i va shu "men" ning ahamiyati ortadi.

Ösmir organizmida röy beradigan özgarishlar shundan iboratki, bola rivojlanishining ayni shu davrida biologik, fiziologik yetukligi borasida tub özgarishlar amalga oshadi. Fiziologik rivojlanish va jinsiy baloğatga yetish jarayonining yangi bosqichi boshlanadi. Organizmdagi özgarishlar bevosita ösmir endokrin sistemasining özgarishi bilan boshlanadi. Bu davrda gipofiz bezining vazifalari faollashadi. Uning old qismidan ajralib chiqadigan garmon organizm töqimalarining ösishi va boshqa muhim ichki sekretiya bezlari (qalqonsimon bez, buyrak usti va jinsiy bezlar) ishlashni kuchaytiradi. Ularning faoliyati ösmir organizmida köplab özgarishlarni yuzaga keltiradi, jumladan böy ösishining keskin tezlashishi (bir yilda oğil bolalarda 4-5sm, qizlarda 3-4sm ösishi kuzatiladi), jinsiy baloğatga yetishi (jinsiy organlarning rivojlanishi va ikkilamchi jinsiy belgilarning paydo bölishi) amalga oshadi. Bu jarayonlar qiz bolalarda 13-15yoshlarida nisbatan jadal kechadi. Jismoniy rivojlanish va jinsiy yetilishning akseleratsiyalashuvi kuzatilayotgan hozirgi vaqtda ayrim qizlar 9-10 yoshda, oğil bolalar esa 11-12yoshlatda jinsiy baloğatga yetishning boshlanish bosqichida bölish mumkin.

Ösmirlik davrida endokrin va nerv sistemalari faoliyatining bolalik davrida mavjud bölgan muvozanati buziladi, yangisi esa endigina örnatilayotgan böladir. Bunday qayta qurilishlar albatta ösmirning ichki holati, kayfiyati, ruhiyatiga ta'sir körsatadi va köpincha uning umumiy noturğunligi, ta'sirlanuvchanligi, serjahlligiga, harakat faolligiga, vaqti-vaqti bilan hamma narsalarga befarq bölib qolishligi va lanjligiga asos böladir. Bunday holatning yuzaga kelishi köpincha qizlarda menstrual sikl boshlanishidan biroz oldinroq yoki sikl davrida köproq kuzatiladi.

Jinsiy baloğatga yetish va jismoniy rivojlanishdagi ösish ösmir ruhiyatida yangi psixologik tuzilishlarning yuzaga kelishida muhim ahamiyatga ega. Birinchidan, bu ösmir uchun juda sezilarli bölgan özgarishlar bölib, ular ösmirning katta bölganini his qilishining yuzaga kelishining obyektiv manbasi bölib xizmat qiladi (uning asosida ösmir özining kattalarga öxshashligini his qiladi). Ikkinchidan, jinsiy baloğatga yetish boshqa jins vakliga qiziqishni rivojlantiradi, yangi kechinma, hissiyot, tuyğularni yuzaga

keltiradi. Ösmirning ichki balandligi va yangi taassurotlar, kechinmalarga munosabati darajasi ularning ösmir hayotidagi örne keng ijtimoiy sharoitlar bilan, ösmir hayotining konkret individual sharoitlari, uning tarbiyasi va muloqati xususiyatlari bilan belgilanadi. Bu örinde ösmir shaxsi shakllanishiga faqat kattalar uchun möljallangan kitoblar va kinofilmlar salbiy ta'sir körsatishi mumkin. Bularning barchasi, shuningdek öртоqlari bilan sevgi va jins muammolari haqida özgarishlar ösmirlarda odamlar munosabatlarining intim jihatlariga kötarinki qiziqishni yuzaga keltirishi, erotik an'analar va ilk seksuallikni rivojlantirishi mumkin. Har ikkala jins ösmirlari uchun bu davrda ilk romantik hislarning yuzaga kelishi "birinchi muhabbat"ga duch kelishi, birinchi bösalarni olish kabilar me'yoriy hol hisoblanadi.

Ba'zida ög'il-qizlarning kayfiyati kötariladi, ba'zida esa tushkunlik holatida özini sezishi ham mumkin. Yonidagi öртоqlari va tengdoshlariga nisbatan döstlik, yoqtirish yoki yoqtirmaslik kabi hislarni ham boshidan kechirishi yoki bölmasa tengdosh ög'il yoki qizlarga nisbatan sevgiga öxshash hislarni özidan ötkazishi ham mumkin. Bir xil qiziqishlar, mashqlar, manfaatlar birligi asosida öртоqlik va döstlik munosabatlari vujudga keladi. Döstlar bilan suhbatlashuv gohida shunchalik yoqimli va muhim böladiki, qarindoshlar bilan bunchalik zavqli bölmaligi mumkin. Chunki bu davrda yaqin, tushunadigan kishi bilan dardlashish, sirlashish ehtiyoji yuqori böladir. Shuning uchun bu davrda har bir ösmirning orzusi chin döst topish va unga ham döst bölishdir. Unda bu davrda döstlarga ehtiyojlik yuzaga keladi, öz his-tuygulari va muammolarini öртоqlashmoqchidek körinadi va haqiqatan ham bunga intiladi. Psixolog tili bilan aytganda, döst-bu "alter Ego", ya'ni ikkinch "Men" bölib, u ösha paytdagi "Men" ning bir qismi sifatida idrok qilinadi. Döst ösmir uchun shunday odamki, u bilan barcha dard-u hasratlarini muhokama qiladi. Qalbidagi muammolarini unga tökib solgisi keladi. Döstlik tuygusi psixologik jihatdan öz-özini anglash va boshqa odamni tushunishga yordam beradi. Muloqotni kutish-murakkab öziga xos holat bölib, bunda ösmir shartli va shartsiz ravishda qiziqarli va muhim, takrorlanmas uchrashuv muloqotni kutadi. Shu sababdan ular ota-onalari , atrofdagi kattalar va umuman boshqalarga diqqat va qiziqish bilan qaraydilar. Muloqot köpayishi natijasida döstlik kelib chiqadi va bu döstlik ösmir uchun özini mustaqil va katta odam sifatida hisoblay olishiga turtkiy böla oladi

Qiz bola bilan ög'il bolaning orasida döstlik hislari va munosabatlari böladir, buni inkor etib bölmaydi. Bu döstlik tufayli ular bir-birlariga ijobiy ta'sir etadilar. Qizlar bilan ög'il bolalar döstlik munosabatida bölmalilar, ög'il bolalar johil, qöpol, shavqatsiz bölib qolishlari mumkin.

Tanada bölayotgan özgarishlar va jinsiy rivojlanish mobaynida yigit va qizlarning özaro qiziqishi kuchayadi va bu kuchayish yoqtirish, sevgi tarzida ham namoyon böladir. Sevgi bu nafaqat hissiyot , balki boshqalarni seva olish qobiliyati va sevimli böla olishdir. Shu sababdan ösmirlar uchun bu hissiyotning borligi juda katta ahamiyatga egadir. Ösmirlar bir-biriga mehr qöyishganida asosan tanlagan odamlarning tashqi körinishlari, aqliy imkoniyatlari va obrölariga e'tibor beradilar. Lekin keyinchalik yosh ulg'ayib borgan sari odamlar sevgi obyektini tanlashda uning tashqi qiyofasi, aqli yoki qandaydir afzalliklariga emas, balki uning insoniy fazilatlariga köproq e'tibor berishlari kuzatiladi. Aytish mumkinki, sevgi hissini dastlabki bosqichi-özaro yoqtirib qolish, yoki simpatiya bölib , bunda tanlagan odamning tashqi qiyofa belgilariga köproq ahamiyat

beradilar. Ösmirlik davridagi o'g'il-qizlar ko'pincha davralarda bo'lishni, birovlarga yoqish uchun tashqi ko'rinishlariga alohida e'tibor beradilar. Ösmirlarda sevgi munosabatlarning kechishida faqat qarama-qarshi jins vakili emas, balki aynan shu davrda ota-onaning qadrlanishi va ularga nisbatan sevgi-muhabbat, yaqin aka-uka yoki opa-singilga nisbatan muhabbat, qiziqqan predmeti yoki narsasiga nisbatan muhabbat ko'rinishlari yuzaga kelishi va namoyon bo'lishi mumkin.

Sevish va sevilish ajoyib tuygu bo'lib, bunda o'ziga xos hayajonli daqiqalarda bezovtalanish, tanlagan kishisi bilan birga ko'proq vaqt o'tkazish haqida oylash ko'payadi va bu holat asosiy maqsadga aylanib qoladi. Xayoliy muhabbat o'g'ushida inson ko'pincha boshqalarning kamchiligini payqamaydi chunki xayolot va tasavvur ko'proq ifodalanadi.

Har bir odamning sevish qobiliyati qaysi yoshda qanday kechishi mumkinligi olimlar tomonidan aniqlangan. Bu davrlarni keltiradigan bolsak, bu uch yosh atrofidagi davr, bunda birdaniga bolaga o'oz yoshi yoki kattaroq yoshdagi qiz yoki o'g'il bola yoqa boshlaydi. O'sha yoqtirib qolgan odamiga o'zining yaxshi konfeti, pecheniysi, olmasini ravo ko'ra boshlaydi. O'zaro iliqlik munosabatlari asosida yarim bolalarcha muhabbat kichik maktab yoshidagi davrda, ya'ni 7-8 yoshlarda ko'rinadi. Ösmirlik davrida ham qarama-qarshi jins vakliga nisbatan bu kabi hissiyot namoyon bo'ladi. Ösmirlik davridagi o'g'il -qizlar hali to'la shakllanmagan shaxs pallasida ekanliklari tufayli ulardagi sevgi hislari o'ziga xos belgilarga ega ekanligi ko'rinadi:

Birinchiidan, sevgi hislari masalan ularni sevgi hislari paydo bo'lishidan ancha oldinroq qiziqтира boshlaydi, o'qigan kitoblari, eshitgan qo'shiqari, ko'rgan filmlaridan va kattalarning suhbatlaridan ular sevgi qanday ekanligini, bu hisga odamlar intilishi va kutishlarini yaxshi biladilar. Bu sirli tuyilgan hisni o'zlarida ham his etish, sevib ko'rish, uni o'zida kechirish istagi kuchayib boradi. Bu o'ziga xos o'smir organizmida yuz berayotgan fiziologik jarayonlar ta'siriga ham bo'g'liqdir.

Ikkinchiidan, bu yangi sohada o'z-o'zini anglash, sevib ko'rish va sevilish ehtiyoji yuzaga keladi. Shuning uchun o'smirlik davridagi o'g'il-qizning sevgi hislari va sevgi debochasi bo'lib, bu hali jiddiy parvarishni taqozo etuvchi nozik tuygudur.

Uchinchiidan, o'smir sevgisida hali ko'p fantaziya bor. Sevib qolgan kishisi timsolida u xayolidagi kishining eng yaxshi sifatlarini tasavvur etadi. Muloqot olib orish ehtiyoji kuchliligi, ko'ngil yaqinligini his etish xohishi mavjudligi kabilar bilan xarakterlanadi. Shuningdek unda o'ziga ishonch hislari ham kuchsizdir, unda uyatchanlik bor.

To'rtinchiidan, o'smirning sevgi hislari u uchun o'ziga xos qiziqarli kitobga o'xshaydi, shuning uchun uu hayotdan uzilgan va hayot bilan bo'g'langandir.

Bu keltirilgan xususiyatlarni bilgan holda, o'smirlar uchun sof sevgi tuygusini his qilishda adashmaslik, har qanday hissiyotlar qurboni bo'lmay, aql-u farosat bilan yondashishni tavsiya qilamiz.

Yaxshilik qilgan yaxshilik ko'radi

Bir vaqtlar kemada sayohatga chiqqan ikki do'st dengizga tushib ko'rdila. Shu vaqt to'lg'in kuchayib ketadi. Yo'lovchilar hammasi baqirib chaqira boshlaydilar.

Kema dar'gasi darhol dengizga o'zini tashlab, do'stlardan yoshro'g'ini qutqarib qoladi. Boshqasini qutqarishga esa harakat qilmadi, ikkinchi do'st b'chokib ketdi. U yerdagilarning bir qanchasi dar'gaga:

-Darğa ,agar tezroq harakat qilganingda ikkinchi odamni ham qutqarsa bōlardi.Juda imillading,--dedilar.

Darğa bunday javob berdi

-Menga yaxshilab quloq soling.Bu yigitni qutqarishni xohlagan edim,qutqardim.Chunki u menga aavvaldan yaxshilik qilib kelgan.Boshqasini chōkib ketishini xohlagan edim ,u chōkib ketdi.Chunki uning kōp yomonligini kōrganman.U meni ranjitgan ,kōnglimni oğritgan.Shuning uchun uning chōkib ketishini istagandim,-ded.

Bir donishmand:

-Gapirmoqdan eshitmoq ma'qul,-deydi.

-Nima uchun?-deb sōrashibdi undan.

Shunda donishmand:-Bōlmasa xudo bitta til-u quloq bermas edi-da debdi. Abdulla Qahhor ushbu hikmatli sōzni aytib ketgan:"Taningda filning kuchi,chumolining ğayrati bōlsin".

BOLA SHAXSINING RIVOJLANISHIGA SALBIY TA`SIRLAR.

*Go`zalxon Egamberganovna Tajiyazova
Xorazm viloyati Yangibozor Pedagogika kolleji maxsus fan o`qituvchisi*

Kalit soʻzlar: shaxs, bola shaxsi, ijtimoiy muhit, irsiyat, zamonaviy onalar, telefon, salbiy taʼsir, rivojlanish.

Odamning ijtimoiy mavjudot sifatida shaxs nomini olish uchun unga ijtimoiy iqtisodiy hayot va tarbiya kerak. Shu sababli pedagogika fani bolaning shaxs sifatida rivojlanishi, uning har tomonlama kamolga etish qonuniyatlarini, unga taʼsir etuvchi obʼektiv va subʼektiv omillarni, rivojlanish jarayoniga aloqador davrlarini aniqlash kerak. Shunga asosan pedagogika fani shaxsning rivojlanishda va taʼlim, oʻqitish, tarbiya hamda bola faolligi, oʻz-oʻzini tarbiyalash bosqichlarini aniqlash lozim. Oʻzbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov Oliy Majlisning I chaqiriq I sessiyasida qilgan maʼruzasida hur Oʻzbekistonda demokratik tuzumni barpo etishda amalga oshirilayotgan ulkan oʻzgarishlarni asosiy ishtirokchilari boʻlgan jamiyatimiz aʼzolarining maʼnaviyatini butunlay yangicha qaror toptirish lozimligini taʼkidlagan edi.

Chunki taʼlim tarbiya - ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini xam belgilaydigan omildir. Binobarin, taʼlim-tarbiya tizimini oʻzgartirmasdan turib ongni oʻzgartirib boʻlmaydi.

Shaxs tarbiyaning obʼekti va subʼekti hisoblanadi. Shaxsning kamol topishida ijtimoiy va biologik omillarning taʼsir kuchi bir xil boʻlmaydi. Shaxsning rivojlanish holatini toʻgʻri baholash va bilish uchun uni turli munosabatlar doirasiga qoʻyib tuzatish lozim. Pedagogika shaxsning kamoliga etishishning murakkab va ziddiyatli jarayon deb biladi. Shaxs qaysi oʻquvchilarda oʻz-oʻzini tarbiyalashda yaʼni oʻz ustida ongli batartib ishlashga ehtiyoj paydo boʻlgandagina,tarbiya jarayoninisamarali deb hisoblasa buladi.

Kishilik jamiyati taraqqiyotida shaxsni tarbiyalash muammosi. Odam shaxs bo'lishi uchun psixik jihatdan rivojlanishi, o'zini yaxlit inson sifatida his etishi, o'z xususiyatlari vasifatlari bilan boshqalardan farq qilmog' i kerak.

“Individ” nima? Bola ma'lum yoshga qadar “individ” sanaladi. Individ «yagona» ma'nolarini anglatadi) xatti-harakatlarini shartli refleks yordamidagina tashkil eta oluvchi biologik mavjudotdir.

Individuallik esa shaxsning o'ziga xos xususiyatlari bo'lib, uning namoyon bo'lishi, tarbiya jarayonini amalga oshirishda bola shaxsini puxta o'rganish, uning yashash sharoitlaridan etarli darajada xabardor bo'lish va ularning hisobga olinishini taqozo etadi.

Shaxs tarbiyasiga ta'sir etuvchi omillar. Fanda odamning shaxs sifatida rivojlanishiga biologik va ijtimoiy omillarning ta'siri o'rtasidagi munosabatni belgilashga oid munozara ko'pdan buyon davom et moqda. Insonning shaxs sifatida rivojlanishida ijtimoiy hodisalarning ta'siri kuchli bo'ladimi? Yoki tabiiy omillar etakchi o'rin tutadimi? Balki tarbiyaning ta'siri yuqoridir? Ular o'rtasidagi o'zaro munosabat qanday?

Fanda biologik yo'nalish deb nomlangan nuqtai nazar etakchi o'rinlardan birini egallab, uning vakillari Aristotel, Platonlar tabiiy-biologik omillarni yuqori qo'yadi. Ular tug'ma imkoniyatlar, taqdir, tole har kimning hayotdagi o'rnini belgilab bergan, deydilar.

XVI asr falsafasida vujudga kelgan preformizm oqimi namoyandalari esa shaxs rivojlanishida naslning roliga katta baho berib, ijtimoiy muhit va tarbiyaning rolini inkor etadi. Xorij psixologiyasidagi yana bir oqim— bixeviorizm XX asr boshlarida yuzaga kelgan bo'lib, uning namoyandalari, ong va aqliy qobiliyat nasldan-naslga o'tib, insonga u tabiatan berilgan, deyiladi. Mazkur ta'limot vakili amerikalik olim E.Torndaykdir. Shaxsning, ayniqsa bolaning rivojlanishi va shakllanishi biologik omil (irsiyat)ga bog'liqdir. Irsiyat deganda, bolaga ota-ona va umuman yaqin ajdodlardan, ya'ni nasldan-naslga o'tadigan biologik xususiyat va o'xshashliklar tushuniladi. Odam shaxsining va xulqining rivojlanishida biologik omillarning ta'sirini yuksak baholab, shaxsni naslga bog'lab o'rganuvchi oqimlardan biri bixeviorizm bo'lib, u XX asrning boshlarida psixologiya fanida keng tarqaldi.

Bunga amerikalik pedagog va ruhshunos E. Torndayk asos soldi. Uning fikricha, shaxsning barcha xususiyatlari, jumladan ong va aqliy qobiliyat ham nasldannaslga o'tadi, guyo odamning ko'zi, tishlari va barmoqlari kabi aqliy qobiliyat ham tabiatan berilgandir.

Jamiyatning bolalar ongiga ta'sir o'tkazishi asosan ta'lim-tarbiya orqali amalga oshiriladi. Inson kamolotida ta'lim-tarbiya etakchi rol o'ynaydi. Chunki: 1. Ta'lim-tarbiya jarayonida kishi organizmining o'sishi va muhitning stixiyali ta'siri bera olmaydigan narsalarni o'rganib oladi. Masalan, tilni odamlarning ta'sirida o'rganib olish mumkin. Lekin o'qish, yozishni maxsus ta'lim orqali o'rganadi. 2. Ta'lim-tarbiya yordamida hatto kishining ba'zi tug'ma kamchiliklari ham kerakli tomonga o'zgartirish mumkin (ko'r, kar, soqov). 3. Ta'lim-tarbiya yordamida muhitning salbiy ta'siri natijasida yuz beradigan kamchiliklarini ham tugatish mumkin. (Bolalarning karta o'ynashi,

so'kishi, chekishi).

4. Ta'lim-tarbiya natijasida bolada bilimlar, ko'nikma va masalalar hosil bo'libgina qolmay, balki dunyo qarash ham shakllanadi, kamolotga etib boradi. Bilmlarning egallanishi uning jismoniy va ma'naviy jihatdan o'sishiga yordam beradi. Masalan, Sarimsoqov 29 yoshida akademik, N. I. Lobachevskiy 14 yoshida Qozon universitetiga o'qishga kirgan, 23 yoshida professor darajasiga erishgan. O'zbek olimlaridan SHavkat Alimov, SHavkat Ayupov, va Rahim Hayitovlar ham shu yoshlarda professorlik nasib etgan.

Hayot qarama-qarshiliklardan iborat, har bir narsaning ikki tomoni bo'lgani kabi bola tarbiyasida zamonaviy texnikalarning insonlar hayotiga kirib kelishi faqatgina ijobiy emas salbiy ta'sirlarini ham ko'rsatmoqda. Ma'limki, go'dak dunyoga kelgan kundan boshlab ona bilan emotsional muloqatda bo'ladi. Atrof-olamni onasi orqali taniy boshlaydi. Ayni shu davrda zamonaviy onalarimiz bolani tarbiyalash va voyaga yetkazishda hattoki ona allalariniyam telefonlar orqali bolaga yetkazib berishi achinarli hol albatta. To'g'ri telefonlar uzog'imizni yaqin, mushkulimizni oson qiladi lekin shu bilan birga insonlar hayotining ajralmas bo'lagi, yaqin yordamchimiz, kezi kelsa do'stimiz, qarindoshimiz o'rniniyam egallab borayotganini hech o'ylab ko'rdikmi? Uyda doimiy ravishda televizor, kompyuter va telefon bilan band bo'lishimiz farzandlarga tarbiya berish, ularga vaqt ajratish kabi ota-onalik burchlarimizni esdan chiqartirayapti. 1,5-2 yashar bolalar qo'lga yig'lamay ovinib o'tirsin deb telefon tutqazamiz. Bunday be'tiborlik va ma'suliyatsizlik muhitida katta bo'layotgan bolalar xuddi ota-onalari kabi voyaga yetadilar. Bunday bolalar real hayotda jonli ravishda o'rtoqlari bilan o'ynash, ular bilan muloqat qilish o'rniga xonasiga bekinib vertual olamga sho'ng'iydi. Aslida bunday qurilmalardan farzandlarimizga foydalanishga ruxsat berish mumkinma? Bunday qurilmalarning afzallik va kamchilik tomonlarini o'rganib chiqish lozim. Ulardan doimiy emas faqat zarur bo'lgandagina foydalanish mumkinligini bolalarga tushuntirish va albatta bu masalada o'zlarimiz o'rnak ko'rsatishimiz shart.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Asqarov M, Xaytboyev M, Nishonov M. Pedagogika. Dars. T. Talqin, 2008.
2. O'zbekiston Respublikasining —Ta'lim to'g'risidagi qonuni. //Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. —Toshkent; —Sharq, 1997, 20-29 betlar.
3. O'zbekiston Respublikasining —Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risidagi qonuni. //Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. —Toshkent; —Sharq, 1997.
4. Mavlonova R. Pedagogika. -T.: 2002.- 80 str.
5. Pirmuxamedova M. Pedagogik mahorat asoslari.- T.: 2001.
6. Sayidaxmedov N.S. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya. — T., O'zMU
7. Ibragimov X. I va boshqalar. Pedagogik psixologiya. O'quv qo'llanma. — T.O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. 2007 y.
8. Raximov B. H va boshqalar. Pedagogika. O'quv uslubiy qo'llan. GulDU. 2008
9. <http://www.edustorng.ru/main/book/pedagogtechno.htm>

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН МУАММОЛАР.

*Абдуқаҳҳоров Анваржон Насибжонович
Андижон вилояти Андижон тумани 37-мактаб психологи*

Таълимни ташкил этишда умумтаълим мактаблари амалиётчи психологлари олдида турган муаммолардан бири – бу ёшларга Интернетнинг салбий таъсиридир. Албатта бугунги ахборот асрида яшаётган болалар ҳамма нарсага қизиқиш билан қарайдилар, ҳамма янги нарсани қилиб кўришга ҳаракат қиладилар. Болаларда тақлид қилиш иштиёқи кучли бўлгани учун улар Интернетда ўтириб, компьютерда жангари ва кўрқинчи кинофильмлар кўришга қизиқадилар. Интернетнинг ёшлар дунёқарашига ва руҳиётига таъсири жуда катта. Интернет вақтни тежайди, яъни ёшлар адабиёт қидириб сарсон бўлмайдилар, Интернет дунёқарашни кенгайтириши мумкин. Аммо Интернетнинг салбий таъсири кўпроқ. Масалан, Интернетдан айрим ёшлар фақат бўш вақтларини ўтказиш учунгина фойдаланадилар. Масалан, вояга етмаган ўсмирлар Интернет орқали ёшига мос келмайдиган кўрқинчли киноларни кўришлари орқали уларда салбий характер хислатлари шаклланади, жумладан, бемехрлик, шафқатсизлик, ўч олиш, кескирлик, уятсизлик, бетгачопарлик кабилар. Болаларнинг Интернетда кўп ўтиришлари улар диққатининг паришонлиги, нутқининг бузилиши, яъни турли хил бемаъни сўзларни ишлатишлари, фантазияларининг бузилиши, иродасининг кучсиз бўлиб шаклланишига олиб келади. Бугунги кунда ўқувчиларнинг дарс машғулотларига қизиқишларининг пасайиб кетишига, мактабга бормасдан вақтларини Интернет олдида ўтказишлари сабаб бўлмоқда. Катталар Интернетдан тўғри фойдаланишни фарзандларига ўргатишлари керак.

Айрим ўқувчиларда ўз жонига қасд қилиш, яъни суицидал ҳатти-ҳаракатлар ҳам кузатилади. Бунинг олдини олиш ҳам олдимизда турган муаммолардан биридир. Суицид - суиқасд деган маънони билдиради. 67 % 25 ёшгача бўлган кишиларда учрайди. Суицидда йигитлар ўлимни танласа, қизлар тақлидий, жонига қасд қилишга ҳаракат қиладди.

Суицид сабаблари: 1) боладан меҳрни аяш; 2) бошқа фарзандлардан ажратиш; 3) алкоголь ота-оналар; 4) руҳий тараққиётдан орқада қолиш.

Суицид турлари: 1. Ҳақиқий суицид. 2. Тақлидий суицид. 3. Аутоагрессив суицид. 120 та суицид қилган ёшларнинг атиги 2 тасининг ота-онаси ёрдам сўраб мурожаат қилган холос. Демак, суиқасд ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига бефарқлигидан келиб чиқади. Суицид кўпроқ холерик ва меланхоликларда учрайди. Чунки суицид асаб тизимига боғлиқ.

Биз психологларга суициднинг олдини олишга қаратилган қуйидаги тавсияларни берамиз:

- Ҳар бир таълим тизимида фаолият юритаётган психолог ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини яхши билиши, жамоадаги руҳий-маънавий муҳитдан бохабар бўлиши ва уни яхшилаши зарур;

- Психолог тарбияси оғир ва турли воқеалар сабаб тушкунлик ҳолатига тушиб қолган ўқувчиларни аниқлаши, уларнинг оиласини тўлиқ ёки нотўлиқ турга мансублигини ўрганиши лозим;
- Ота-оналар ва коллеж ёки мактаб ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш, педагогларда ота-оналар билан ишлаш режасини ўқувчи психологиясига, унинг ўтиш давридаги руҳий ҳолатига қаратиши;
- Оилада ота-оналарнинг фарзандларининг барчасига бир хил муносабатни шакллантириш, болани камситмаслик ёки уни ҳаддан зиёд эркаламаслик, оилада кун тартибини тўғри йўлга қўйишни ота-оналарга тушунтириш;
- Ўқувчини ёлғизлатиб қўймаслик, ўқувчидаги ҳар бир ўзгаришни катталар илғаш ва олдини олиш чорасини топиш, болани дўст танлашига кўмаклашишни педагоглар ва ота-оналарга тушунтириш;
- Суицид содир этган ўсмир билан суҳбатни у хоҳлаган пайтда олиб бориш, бошқалардан олган маълумотни унга билдирмаслик;
- Ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашиш, унинг муаммоларини қандай ҳал этиш йўллари топиш;

3. Яна бир муаммо - бу тарбияси оғир болалар. Ижтимоий психологияда тарбияси қийин болалар жиноий (ҳуқуқий) ва оддий (ахлоқий) қонунбузарлар гуруҳига бўлиб ўрганилади. Тадқиқотчилар томонидан бундай болалар куйидаги гуруҳларга бўлинган:

Балоғатга етмаган андишасиз, қайсар ўсмирлар. Бундай ўсмирлар шахсий қараш, ўзгаларга баҳо бериши ахлоқ нормасига зид бўлгани сабабли қонунни бузгилар, ўз қарашларини мактаб, оила ва жамоатчилик фикрига қарши қўйишга ҳаракат қиладилар. Ўртоқларини кўрқитиш, руҳан азоблаш, катталарнинг иззат-нафсига тегиш орқали роҳатланадилар. Уларда “ўзини кўрсатиш” иштиёқи кучли бўлади. Бундай иштиёқдан педагоглар унумли фойдаланишлари мумкин. Масалан, уларни спорт тўғаракларига жалб қилиш, тадбирларда тартибни назорат қилиш вазифасини юклаш, ижтимоий меҳнат участкаларида масъулиятли ишларни топшириш, дарсдан ташқари вақтларда раҳбарлик ишларини бериш орқали тарбияси қийин ўсмирларни соғломлаштириш мумкин.

Беқарор ёки суббутсиз, яъни ўз мустақил фикрига эга бўлмаган болалар ва ўсмирлар. Бундай болалар барқарор ахлоқий эътиқод, маънавий ҳис ва шахсий қарашлари шаклланиб улгурмаганлиги туфайли иккиланиб турадилар. Уларнинг кишиларни баҳолаш фаолияти фавқулудда вазиятларга боғлиқ бўлади. Ирода кучининг заифлиги, маънавий дунёсидаги беқарорлик, воқеа - ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ва ташқи таъсирларга тез берилишлик туфайли хулқ-атворида ўзгаришлар келиб чиқади. Бундай болаларнинг кўнгли бўшлиги, характери ўзгарувчанлиги натижасида баъзан ҳуқуқбузарликлар келиб чиқиши мумкин. Бундайлар билан ишлашда уларни мустақил фикрлашга, ўз-ўзини танқид қилишга ўргатиш фойда беради.

Хусусий кечинмаларга бой болалар ва ўсмирлар. Бундайларда худбин шахсий эҳтиёж ва истакнинг кучлилиги ёрқин намоён бўлади. Улар маънавий кашшоқликни ҳис қиладилар ва изтироб чекадилар. Бошқаларга яхшилик

қилишни истайдилар, лекин худбинликлари сабабли яхшилик қилолмайдилар. Бундайларни раҳбарлик ишларига жалб қилиш, ижодий фикрини ўстириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби шахсий сифатларни шакллантиришга эътибор бериш лозим.

Аффектив кечинмали, эҳтиросларга бой, кўзгалувчан, руҳий беқарор болалар ва ўсмирлар. Бундайлар жамоада ўз ўрнини топа олмайдилар, доимий равишда руҳий изтиробда бўладилар, кўпчиликнинг назарида бўлишни ёқтирмайдиган, ноаниқ сабабларга кўра азобланувчан бўладилар. Бундайларга оқилона маслаҳатлар бериш, аффектив ҳаракатларнинг олдини олиш, иродавий сифатларни шакллантиришга доир тадбирларни кўпроқ олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

“Тарбияси оғир болалар” билан ишлашда аввало уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, “кўнгилочар ўйинлар”да иштирок этишларига, беъмани “ҳордиқ чиқариш” ва кўча-кўйда мақсадсиз юришларига йўл қўймаслик лозим.

“Тарбияси қийин ўсмирлар” билан ишлашда педагоглар қуйидагиларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир:

1. “Тарбияси қийин ўсмирлар”нинг психологик хусусиятларини, жумладан, кизиқишлари, темперамент (мижоз)и, характери, иродавий хислатларини аниқлаб берувчи психологик тестлардан ўтказиш ва ота-оналарга тавсиялар бериш.
2. “Тарбияси қийин ўсмирлар”нинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига амалий ёрдам бериш масаласини раҳбарият олдида қўйиш.
3. “Тарбияси қийин ўсмирлар”нинг ота-оналари билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш.
4. “Тарбияси қийин ўсмирлар”ни доимий назоратга олиш.
5. “Тарбияси қийин ўсмирлар”ни масъулиятли ишларга кўпроқ жалб қилиш.

Мактаб психологи мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, раҳбарият олдида ўта масъулиятлилиги билан ажралиб туриши лозим. У жамоанинг психологик муҳитини назорат қилиб туриши, жамоа аъзолари ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиши, ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириши, уларнинг психологик хусусиятларини ривожлантириб бориши керак.

Психологнинг вазифаси ўқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтириши, билимлар, кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Психолог ўқувчи шахсини ҳурмат қилиши шарт. Психолог касбий фаолиятида ҳалоллик намоён қилишга ва унга билдирилган ишончни оқлашга мажбур. Психологнинг касбий фаолияти ўз соҳасида ўта билимдон бўлишни талаб қилади. Соҳасининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиши шарт. Психолог ўз ишида синаб кўрган илмий методларни қўллаши лозим.

PEDAGOGIK MULOQOTDA O'QITUVCHI VA O'QUVCHI O'RTASIDAGI PSIXOLOGIK TO'SIQLAR VA ULARNI BARTARAF QILISH ZARURATI

*Usmonova Mahmuda Nasibjonivna
Andijon viloyati Andijon tumani 30-umumta`lim maktabi psixologi*

Bugungi shiddatli davr barchamizdan axloqiy va ma'naviy jihatdan tarbiyaviy ishlarni yanada kuchaytirish lozimligini talab etmoqda. Ma'naviyat yo'q ekan, inson ongli ijtimoiy shaxs bo'la olmaydi. Shuning uchun ham sinf rahbarlari va butun o'qituvchilar jamoasi oldida o'quvchilarga milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida hayot kechirishni o'rgatishdek muhim vazifa turadi. Hozirgi globallashuv jarayonlari kuchaygan, turli g'oyalar o'rtasidagi kurash keskinlashgan, "ommaviy madaniyat" xurujlari butun dunyoga tarqalib borayotgan, internet tarmog'i orqali uzatilayotgan buzg'unchi axborotlar inson qalbi va ongini o'ziga qaram qilishga urinayotgan tahlikali zamonda kelajagimiz bo'lgan yosh avlodni hayotga tayyorlashning samarali shakl va uslublarini izlash davlat siyosati darajasidagi masalaga aylangan.

Ta'limni samarali tashkil etishda ta'lim va tarbiyaning insonparvar, demokratik tamoyillarga asoslanganligi dolzarb masaladir. Bugungi kunda ta'limning asosiy masalasi ta'limning uzluksizligi va izchilligini ta'minlash buir qator qonun va qarorlar asosida belgilab berilgan. Shu asosda bolaning turli yosh davrlariga oid psixologik taraqqiyoti xisobga olib ta'lim-tarbiyani tashkil qilishini taqozo qilmoqda.

Bu dolzarb vazifa barcha kasblarning onasi jamiyatda eng mo'tabar zot o'qituvchi murabbiy shaxsi orqali amalga oshiriladi. Biroq o'qituvchi faoliyati davomida turli muammolarga duch keladi. Ulardan biri pedagogik muloqotda o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi psixologik to'siqlardir.

Bular nimalar va ularni bartaraf qilish yo'llarini izlab toppish orqali ta'lim va tarbiya sifatini yaxshilanishiga erishish mumkun.

Ma'lumki, pedogogik jarayon murakkab va turli xil vaziyatlarga boydir. Shunday murakkab vaziyatlardan biri o'qituvchi fan asoslarini o'qitishi, o'zlashtirishi zarur, o'quvchi esa o'qishi, o'zlashtirishi kerak. Mana shu "zarur", "kerak" vaziyatlardagi psixologik to'siqlarni asosiylari deb xisoblaymiz.

Bunda avvalo o'qituvchi bilan o'quvchining o'zaro bir birini to'g'ri idrok etish, tushunish yoki bir-birini qabul qila olish, olmaslik masalalarini qadryatlar tizimida anglash mumkin, so'ngra anglab bo'lmaydigan xollarni kuzaatish, muloqot maromini belgilay olmaslik, dunyoqarash va maqsadning mos kelmasligi xamda oxir oqibat shaxs kamolot darajasi bilan bog'liq ko'pgina jixatlar ko'zga tashlanadi.

"Ta'lim to'g'risida qonun" har bir o'quvchidagi tashabbuskorlik, ijodiylik, mustaqil fikrlay olishlik o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi muloqotda to'siqlar bo'lmasligi zaruratini taqazo qilib turibdi. Bu esa o'qituvchilar o'quvchisiga o'z fanini fidoiylilik bilan o'rtaga turib, shaxsiy namuna sifatida ularga fanni o'rganishiga qiziqish uyg'otish yo'li bilan katta ta'sir ko'rsatadi.

Mavzuga oid fikr yuritgan D. Shabbozova "Umumiy ma'noda kommunikativ to'siq-bu pedogogik muloqot ishtirokchilari o'rtasidagi o'quv ma'lumotlarini to'g'ri

uzatish yo'lidagi psixologik g'ov yoki to'siq xisoblanadi" deb xisoblaydi. Bu g'ovni qanday psixologik nuqtai nazardan ekanligini yoritib berilmagan. Muammo: o'quvchilar bilan muloqot usulubini tanlash prinsipini tanqid etish extimoli va zaruriyati. Xozirgi kunda o'qituvchilarga har bir o'quvchi xech takrorlanmas individual xususiyatga va ruxiy rivojlanishni o'z tarixiga ega ekanligi takrorlashni zarurat yo'q. Har bir o'quvchi uni tushunishlariga va to'laqonli muloqotda bo'lishlikka muxtoj. Masalan, mexrga, yaxshi baxolanishga, shaxsini xurmat qilishiga zor.

O'qitish jarayoninig obekti darsda va darsdan tashqarida paydo bo'ladigan barcha munosabatlar bo'lsa, uning predmeti o'zaro yaxshi muloqotlarga erishish yo'lini izlab topish xisoblanadi.

O'zaro muloqotni takomillashtirish uchun quydagi sharoitlarni yaratish zarur:

1. Darsda va darsdan tashqarida ham aynan muloqotning xar bir daqiqasida ijobiy psixologik muxit yaratish;

2. O'qituvchilarni yosh va psixologik xususiyatlarini xisobga olishni unutmastik zarur;

3. Xar bir muayyan xolat uchun eng maqul muloqot usulini tanlash;

“O'qituvchi dars larni rivojlantirish asosida mashg'ulot materiali o'zlashirish yo'llarinigina emas, balki o'quvchi o'z-o'zini anglashi uchun, xis tuyg'ularini ifodalash uchun sharoitlar yaratishni xam o'ylashi kerak. Eng avvalo o'qituvchi yordamga muxtoj o'quvchilar taqdiri xaqida qayg'urmog'i darkor. Ular bilan xamkorlik yo'llarini izlab topishi kerak”.

Yuqoridagi fiklarda ta'limning pedogogik tomoni yoritilgan. Bu tadqiqot o'qituvchi bilan o'quvchi o'rtasidagi psixologik to'siqlarni bartaraf qilinishiga to'liq imkon bermaganligi uchun biz tadqiqotimizda mazkur masalani ehtiyojga bog'liq holatda hal qilinishini rejalashtirdik.

O'qituvchining asosiy vazifasi o'quvchilarga bilim berish, ma'naviyatini shakllantirish, ularni har tomonlama yaxshi o'zlashtirishi va uni tushinishga intilishidan iborat. O'quvchinig vazifasi: o'qituvchi bergan bilimni ongli ravishda egallash, amal qilish, bilim ko'nikma malakalarini hosil qilib, hayotga tadbiiq eta olish, o'z fikrini tengdoshlariga bayon qilish, ayrim hollarda o'qituvchidan ko'mak so'rashdan iboratdir. Bundan tashqari o'quvchi o'zlashtirgan bilimlarini amaliyotda qo'llab olishlikdan zavqlanish. O'qituvchi darsda o'quvchi fikrini yo'naltirishga, ixtiyoriy diqqatni markazlashtirishga halaqit berayotgan har qanday narsani yo'qotish zarur.

Shuning uchun o'quvchi yuzi, ko'zi, harakatlaridagi ozgina bo'lsada har bir o'zgarishlarni o'qituvchi darhol seza bilishi, unga tezada reysiya qilishi, ularning diqqatini boshqarishi, jonlantirishi va mavzuga yo'naltira bilmog'i talab qilinadi.

Demak, o'qituvchi har bir o'quvchining individual- psixologik xususiyatlarini o'rganib, ular bilan to'g'ri muloqotni ta'minlay olsagina ta'lim va tarbiya ishini samarali bo'lishi ilmiy isbotlangan. O'qituvchi yuksak bilimga ega bo'lishi mumkin, lekin uni o'quvchilarga yetkazib bera olmasligi mumkin. Shuningdek, o'zida bor bilimni o'quvchilarga to'liq yetkazib bera olishi qobiliyatiga ega bo'lishi mumkin. Masalan, biron sababga ko'ra o'zlashtira olmaydi, o'quvchi bilan olishni hohlamas, qiziqmas, balki yetarli darajada bilimni olishga qobiliyati yetishmasligi mumkin, darsligi yo'q, kasal, o'yinqaroq va boshqalar.

Tabiiyki, o'qituvchi dars davonida o'zlashtirmaslik sabablarin topib uni bartaraf qilinsa o'quvchi o'zlashtiraveradi. O'zlashtirmaydigan o'quvchi yo'q, o'zlashtirgiza olmaydigan o'qituvchi bor.

Pedagogik muloqotning munosib yechimini tanlash bir necha bosqishlarni o'z ichiga oladi:

1. Sinf o'quvchilari bilan bo'ladigan muloqotning munosib yechimini tanlash pedagog tomonidan modellashtirish;
2. O'zaro xarakatni boshlanish davrida bevosita muloqotni tashkil qilishi;
3. Pedagogik jarayon davomida muloqotni bosharish;
4. Amalga oshirilgan mulloqot tizimi taxlili va uning kelgusu faoliyati uchun modellashtirish.

Yuqorida sanab o'tilgan pedagogik muloqotda stil tanlash pedagogik munosabatlarda o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi to'siqlarni yetarli bartaraf qila olmaydi deb xisoblaymiz. Shuningdek mazkur mazuga tegishli ya'ni psixologik to'siqlarni bartaraf qilishga doir boshqa tadqiqotlarni ham uchratmadik.

Bizningcha pedagogik munosabatlarda o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi psixologik to'siqlardan biri o'qituvchi va o'quvchining ma'naviy extiyojlari bo'lmish o'zlashtirgizish va o'zlashtirib olishdir.

Pedagogik munosabatlarni o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi munosabatlarni psixologik to'siqlar qancha tez bartaraf qilinsa, maktablarda o'quv tarbiyaviy ishlar sifati shuncha tez yaxshilanadi.

ЎСМИР ЁШИДАГИ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ ОЛИБ БОРИШ

*Саттарова Моҳира Мухиддиновна
Чироқчи тумани 142-мактаб психологи*

Калит сўзлар: психологик маслаҳат, ўсмирнинг психологик ривожланиши, конфликт, ижтимоий хулқ, психологик тўсиқ, мулоқотнинг ижобий малакалари.

Ўсмир ёшидаги фарзанди бор ота-оналар ва ўсмирларда психологик маслаҳатни талаб қилувчи қуйидаги муаммолар тез-тез вужудга келиб туради.

1-вариант. Ота-оналар ва ўсмир ёшидаги болалар ўртасида турли саволлар бўйича доимий конфликтлар бўлиб туради.

2-вариант. Қандайдир сабаб билан ўсмирлар таълим олишни хоҳламайди, ўзини сурбетларча тутди, уйда ўз вазифаларини виждонан бажармайди, ота-онасига берган ваъдаларини бажармайди ва ҳ.к.

3-вариант. Ота-оналарга ўсмир фарзанди ниманидир яшираётгандек кўринади. Шунингдек, ота-оналар фарзанди вақтини одатда уйдан ташқарида ўтказётганини, улар билан мулоқотдан қочаётганлигини сезадилар.

4-вариант. Ота-оналар нуқтаи назарида ўсмир ҳеч қандай жиддий ишлар билан қизиқмайди ва ўзининг ривожланиши устида ишламайди.

Бу вазиятларда психологик маслаҳатлар бериш амалиётини кўриб ўтамиз .

1-вазият. Оилада ота-оналар ва ўсмир ёшидаги болалар ўртасидаги доимий конфликтлар - энг кўп учрайдиган ҳодисадир. Бу маълум даражада табиий ҳол ҳисобланади. Бу конфликтлар боланинг психологик ривожланишининг янада юқорироқ даражаси, болалиқдан балоғат даврига ўтиши билан боғлиқ, шунинг учун бу ҳолат ота-оналарда фарзанди келажаги билан боғлиқ алоҳида безовталиқни келтириб чиқармаслиги керак. Ўсмир ёшидаги меъёрий инқироздан фарқли ўлароқ, ўткир шахслараро зиддиятлар атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатларнинг кескинлашувига олиб келади ва бу меъёрий ҳолат ҳисобланмайди. Бундай ҳолат тез ва ўз вақтида бартараф этилмаса, ўсмирнинг психологик ривожланишига тўсқинлик қилади. Ҳар қандай ёшдаги одамнинг меъёрда ривожланиши учун атрофдаги одамлар билан ижобий эмоционал асосга эга бўлган, доимий, очиқ ва ишончли ўзаро муносабатлар зарур. Болалар учун бу – ота-оналар, ўқитувчилар ва тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабатлардир. Ахир улар ёрдамида ўсмир ўзини ўтиш даврида безовта қилаётган қийин ички муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишлари мумкин. Ота-оналар билан ўсмир ёшидаги шахслараро зиддиятларни ҳал қилиш усуллари турлича бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этишда ташаббусни катталар яъни ота-оналар ўз қўлларига олишлари керак. Улар бу пайдо бўлган зиддиятли вазиятда ўсмирларга қараганда малакали ва ақлли одамлар бўлганликлари учун ўсмирлар билан муносабатларда ўзларини эгилувчан ва тафаккурли одамлар сифатида тутишлари лозим.

2-вазият. Бу - ўсмирнинг катталар ўртасида қабул қилинган хулқ нормалари ва қоидаларини бузувчи ижтимоий хулқидир. Бу муаммо билан боғлиқ бўлган ёмон хулқ белгилари умумий ўсмир ёши инқирозининг психологик натижаси ёки акс этиши ҳисобланади ва ўсмир катта бўлиши ва унинг тафаккури ўзгариши билан йўқолиб кетади.

Бироқ, юқорида кўрсатилган ўсмир хулқининг салбий белгилари билан фаол кураш олиб борилмаса, ўсмирлик даври инқирози чўзилиши мумкин, бу эса психологик ривожланишининг кечикиши ва кейинчалик ўсмир хулқида ёқимсиз характер хусусиятларнинг намоён бўлиши, уларнинг ҳаётий одатларга айланишига олиб келади. Буни муҳокама этилаётган масала бўйича психологга мурожаат қилган ота-она ёки ўқитувчилар билан психологик маслаҳат ишларини олиб бориш орқали ҳал этиш мумкин.

Сўнгра қуйидаги саволлар устида холис ва батафсил ишлаш лозим. Биринчидан, ўсмирларда ижтимоий мослашмаган хулқ қандай вазиятларда ва қанчалик тез пайдо бўлишини аниқлаб олиш керак. Иккинчидан, ота-оналар фарзандларининг бундай хулқига қандай қарашларини аниқлаб олиш керак. Учунчидан, ота-оналар томонидан кўрилган чоралар қандай натижаларга олиб келганлигини аниқлаштирилади. Тўртинчидан, ўсмирнинг ўзи ота-онасига хулқини қандай тушунтирганлигини билиш лозим.

Бу саволларни таҳлил қилгач, психолог содир бўлган вазият ҳақида билиб олади ва тағҳлил натижасида аниқ ва асосланган қарорлар қабул қилади. Ҳар қандай вазиятда, муаммони ҳал қилишда ёрдам берадиган қуйидаги амалий тавсияларга эга бўлиши керак:

1. Ўсмирнинг сурбетларча ҳаракатлари ва хулқига, унинг катталарнинг оқилона мулоҳазаларига қаршилигига ҳиссий салбий таъсирланишни тўхтатишга ҳаракат қилиш керак. Аслида нима бўлаётганига, ўсмир ўзини нега бундай тутаётганлигига холис баҳо бериш керак. Бу саволга ўсмир хулқини тушунтирувчи, нафақат тушунтирувчи балки оқловчи аниқ жавоб олиш керак.

2. Ўсмирга ўзининг хулқини ўзгартиришга ишонтириш йўллари топиш керак.

3. Қарор қабул қилиш ва мажбурламасдан эътиқодини ўзгартиришга ҳаракат қилиш керак.

4. Ўзининг қатъий ҳаракатларини муаммо ҳал бўлмагунча амалга оширишда давом этиши лозим.

3 вазият. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўсмирнинг ичидагини ҳеч кимга айтмаслиги, уларнинг ғайриодатий одамовилиги ва катталардан ажралиб қолганлиги - бу тўлиқ меъёрий ҳолат бўлмасада, етарлича тез-тез вужудга келадиган ҳодисадир. Шунинг учун бу ҳолат ўсмирларнинг ота-оналарида алоҳида безовталиқни келтириб чиқармаслиги керак. Умуман ўсмир учун ёшга доир қизиқишлар ва хусусиятлар доирасида катталар билан эмас, балки тенгдошлари билан бўладиган мулоқотга қизиқиш юқори бўлиши характерланади. Ўзларининг тенгдошлари доирасида улар ўзларини ҳаяжонлантирувчи, аммо катталар учун аҳамиятли бўлмаган масалаларни муҳокама қиладилар. Катталарга келадиган бўлсак, улар ўсмирларни ҳаяжонлантирувчи бундай масалаларни бачкана ва соддалик деб баҳолайдилар ва билан ўсмирларни ўзидан янада бездирадилар.

Бу маънода ўсмирлар мулоқотининг одамовилиги - худди табиийдек, ёшга доир ўткинчи характер сифатида намоён бўлади. Бу ҳодиса қизиққонлик ва ўсмирнинг ижтимоий психологик ўсиши, ҳамда уларнинг болалиқдан катталиққа ўтиши ҳақида далолат беради.

Ўсмирлар ўзаро муҳокама қиладиган масалаларнинг ечими уларнинг муҳокамасига катталар жалб қилинганда тезроқ ҳал бўлиши мумкин. Бироқ, катталар ўзларининг шахсий муаммолари билан банд бўлганлиги сабабли, ўсмирлар ҳаёти билан қизиқмайдилар, ўсмирлар муаммолари муҳокамасида қатнашмайдилар ёки шунчаки ўсмирлар билан тенг бўлиб ушбу муаммолар юзасидан гаплаша олмайдилар. Бунинг натижасида ўсмирлар ўз қобикларига ўралиб оладилар, катталар ва улар ўртасида психологик тўсиқ пайдо бўлади. Мана шу ердан тушунмаслик, бегоналашиш ва ўсмирларнинг катталардан ажралиб қолиши бошланади.

Бунинг ҳаммасини психолог ундан ёрдам сўраган ота-оналарга тушунтириб бериши ва улардан биринчи навбатда улар ва фарзандлари ўртасидаги психологик тўсиқни олиб ташлашга даъват этиши лозим. Ота-оналарга қуйидаги ҳаракатларни давомий равишда амалга ошириш тавсия қилинади:

1. Ўсмирнинг ўзи ишлари ҳақида сўзлаб беришни рад этишига салбий муносабат билдиришни тўхтатиш. Ўсмирнинг тенгдошлари билан уйдан ташқарида кўпроқ вақт ўтказишга интилишига тушуниш ва ҳурмат биан қараш.

2. Ўсмирни ҳаяжонлантирувчи масалаларни жиддий муҳокама қилишни рад этишни, эътиборга олмасликни тўхтатиш лозим.

3. Ўсмирлар ўзаро нима ҳақида гаплашаётгани ва муҳокама қилаётганини мунтазам ва диққат билан эшитишлари лозим.

4. Ўсмирлар суҳбатларига сездирмасдан, лекин самимий ва кўнгилчан, тенг равишда кўшилиш, ўсмирлар катталарни ўз жамиятларига кўшишлари ва ўзларини ҳаяжонланатирувчи масалаларни улар билан ишончли муҳокама қилишларига эришиш лозим.

4-вазият. Ҳаётда биринчи навбатда нима билан шуғулланиш ҳақидаги ўсмирлар ва катталарнинг тасаввурлари ажралиб туради. Ўсмир катталар уни нимага ундаётганини аҳамиятини охиригача тушуниб етмайди. Ўсмир ўз келажаги ҳақида ўйламайди, ўзини келажакка тайёрламайди, ҳозирги пайтдаги истаклар ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Бундан ташқари, ўсмирнинг ота-оналарга ва уларнинг фикрига боғлиқ бўлмаган қандайдир ўз режалари ва қизиқишлари бўлиши мумкин.

Шунинг учун аслида ўсмирни нима безовта қилаётганини, у ота-онасига қулоқ солмасдан ўзини нима учун бундай тутаётганлигини диққат билан тушуниб олиш лозим. Буни ҳар хил йўллар билан амалга ошириш мумкин. Биринчидан, ўсмир хулқини маълум вақт давомида диққат билан кузатиш керак. Иккинчидан, уларни очик суҳбатга чақириб, батафсил сўроқ қилиш лозим. Кейин, ўсмир истакларига қандай ва нима билан чиқиш, унинг психологияси ва хулқини қандай қайта куриш ҳақида ўйлаб олиш керак. Ўсмирга таъсир қилишнинг олдин самарасиз бўлган ва ўсмир томонидан аниқ салбий реакциялар келтириб чиқарган усулларида фойдаланишдан воз кечиш керак. Ота-оналар сабот билан мулоқотнинг фақат ижобий малакаларини қўллашлари лозим. Бу ерда уларга психолог билан доимий равишда маслаҳатда бўлиш кўл келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Р.С.Немов. Психологическое консультирование. Москва. "Владос". 2000 г.

МАКТАБГАЧА БО`ЛГАН БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Umarova Dilnoza Utkurovna

Toshkent shahri Uchtepa tumani 297-maktab psixologi

Аннотация: Maktabgacha bo`lgan bolalar analizatorlari ham tobora takomillashib boradi. Ularning ko`rish, eshitish, tam va hid bilish, teri hamda xarakat sezgilarining sezgirligi ancha o`tkirlashadi. Bu davrning eng muxim jixatlaridan yana biri otalarning e`tiborli bo`lishidadir.

Аннотация: Улучшаются и анализаторы дошкольников. Их чувствительность к зрению, слуху, вкусу и запаху, коже и движениям намного острее. Еще один важный аспект этого периода - внимание родителей.

Analyzers of preschoolers are also improving. Their sensitivity to sight, hearing, taste and smell, skin and movement is much more acute. Another important aspect of this period is parental attention.

Kalit so`zlar: nerv-asab tolalari, xarakter-bu tashqi olam ta'sirida orttirilgan fazilatdir. Temperament- tu`gma qobilyatdir.

«Maktabgacha bo`lgan bolalar psixologiyasi»

Bolalarning maktabgacha bo`lgan rivojlanish jarayonida, ularning psixologiyasi turli yosh davrlarga xos xususiyatlarini beradi. Shuning uchun «yosh» va «bolalik» tushunchalari bilan yashaydi. Yosh davri o`z tuzilishi va dinamikasiga ega.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda aqliy rivojlanishning sifat jixatidan maxsus bosqichini anglatadi va rivojlanishning ushbu bosqichida bolaning shaxsiyat tuzilishining o`ziga xosligini tashkil etuvchi ko`plab o`zgarishlar bilan ajralib turadi.

Psixologiyada **L.Vigotskiyning** yoshga oid ikkita fikr bildirgan: jismoniy va psixologik yosh.

Jismoniy yosh- bolaning xayotini uning tug`ilishidan boshlab o`tgan yillar, oylar va kunlar bilan tavsiflaydi,

Psixologik yosh- esa bu vaqtgacha erishilgan psixologik rivojlanish darajasini ko`rsatadi. Psixologik yosh- bolaning xronologik yoshiga to`g`ri kelmasligi mumkin.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda aqliy funksiyalarning rivojlanishi va bolaning shaxsiyati, boshqalar bilan munosabatlarining o`ziga xos xususiyatlari va asosiy faoliyati bilan ma`lum chegaralarga ega. Ammo bu xronologik chegaralar siljishi mumkin va bitta bola yangi asrga oldinroq, boshqasi esa keyinroq kirib keladi. Bolalarning ontogenetik potensialning nazoratsizligi tufayli amalga oshiriladigan, umumiy sezgirlik nuqtai nazaridan erta yoshning bevosita davomi. Bu yosh davr bolaning yaqin kishilar bilan muloqat orqali, shuningdek o`yin va tengdoshlar bilan xaqiqiy munosabatlarning ijtimoiy maqomini o`zlashtirish davri.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning tez-tez o`zgarishi, intellektualizasiya va xis-tuygularning barqarorligi bilan ajralib turadi. Bola o`z o`zini anglash, boshqalarga nisbatan xurmat qilishning barqarorligi bilan bog`liq davr.

Bola xabardorlik va muammolardagi xis tuygular tilini o`rgana boshlaydi.

Emosional nazorat, yuqori, axloqiy va estetik xissiyotlarning boshlanishi. Bolaning so`zlashuv tendensiyasi, jumjalarning og`zaki tarkibini tushuntirish, nutqning kamunikativ funksiyasi paydo bo`ladi.

Ilk bolalik davrining boshlariga kelib bolada birinchi tafakkur operatsiyalari yuzaga keladi. Bu davr ya`ni maktabgacha bo`lgan yoshdagi bolalarda ko`zga tashlanib turuvchi jixatlardan biri bolalar nerv sistemasining rivojlanishida shartli tormzlanishning oddiy turlari yuzaga kela boshlaydi. Shartli tormzlanishning ishlay boshlashi tufayli bu yoshdagi bolalar ayrim xarakatlardan o`zlarini darhol to`xtata oladigan bo`ladilar. Masalan , 2 yoshli bolaga «tegma, jim bo`l, to`xta, yo`q» kabi so`zlarni tegishli qo`l yoki boshqa ishoralar bilan aytilsa, u o`zini ba`zi xarakatlardan tiya oladi.

Bu «chiroyli- xunuk» degan narsalarga aqli eta boshlaydi. Bu davrda bolada hissiyotning jadal, xattoki, zo`r berib avj olishi, qo`zg`aluvchanlikning oshganligi va maktabgacha yoshda be`aror bo`lishi bilan xarakterlanadi. Bolalarda maktab yoshida oliy hissiyotning rosmana rivojlanishi bilan xarakterlanadi. His –tuyg`uni tarbiyalash katta ahamiyat kasb etadi . U umuman tarbiyaning doimiy hamrohi bo`lmog`i lozim. Asosan 3-7 yoshgacha bo`lgan davr bog`cha yoshi davri xisoblanadi.. Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasida juda tez sifat o`zgarishlari bo`lishini inobatga olgan holda.

Uch davrga (3-4 yosh) kichik maktabgacha davri (4-5 yosh), kichik bog`cha Yoshi o`rta maktabgacha davr (o`rta bog`cha yoshi) 6-7 yosh va katta maktabgacha davr katta bog`cha yoshlarga ajratish mumkin. Bola rivojlanish jarayonida odamlarning ilgari o`tgan avlodlari tomonida yaratilgan predmet va xodisalar olami bilan alohida maxsus munosabatga kirishadi. Bola insoniyat qo`lga kiritgan barcha yutuqlarni faol ravishda o`zlashtirib, egallab boradi. Bunda predmetlar olamini, hamda ular yordamida amalga oshiriladigan xatti-xarakatlarni, tilni, odamlar orasidagi munisabatlarni egallab olishi, faoliyat motivlarini rivojlanishi, qobilyatlarning o`sb borishi, katta yoshli kishilarning bevosita yordamida amalga oshirilib borilmog`i kerak.

Mashxur rus pedagoglaridan biri Lestgafning fikricha insonning bog`cha yoshdagi davri shunday bir davrki, bu davrda bolada kelgusida qanday xarakter xislatlari paydo bo`lishi belgilanadi va ahloqiy xarakterning asoslari yuzaga keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.Vohidov. «Bolalar psixologiyasi»- T. «O`qituvchi» 1882y.
2. Запарожец А.В., Элконин Д.Б. Психология детей дошкольного возраста.- Москва. Просвещение.-1964.
3. N.M. Aksarina. «Go`dag bolalar tarbiyasi». – Toshkent. Meditsina.-1983.
4. N.V. Latipova. «Kichkintoy tarbiyasi».- Toshkent. Meditsina.-1989.
5. S.H.Jalilova, S.M.Aripova «Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi». Toshkent. «Faylasuflar» nashriyoti-2017.

NOTINCH OILALARDAGI NIZOLARNING BOLAGA PSIXOLOGIK TA`SIRI

Ramazonova Lobar Ilyosovna
Buxoro viloyati Vobkent tumani 10-maktab psixologi

Bejizga so`zlarimizni birinchi prezidentimiz I.A.Karimov va prezidentimiz SH.M.Mirziyoyevning so`zlari bilan boshlamadik. Chunki bu so`zlarning zamirida ulkan ma`no va mazmun yotadi. Bugungi kunda bilib bilmaymi yoki ba`zi bir kamchilik va xatolar tufayli farzandlariga yetarli e`tibor berolmayotgan, aksincha ularga o`z xatolari bilan ruhiy zarba berayotgan, jamiyatimizning og`riqli nuqtasi „notinch oilalar“ ham uchraydi.

Xalqimizda „qush uyasida ko`rganini“ qiladi degan maqol bor. Ota-ona uyda qanday kayfiyatda bo`lsa, farzandlariga ham bu ta`sir qiladi. Ota-ona farzandini qanday kayfiyatda maktabga uzatsa, o`quvchi ham shunday kayfiyatda maktabga keladi. Agar o`quvchi uyidan yomon kayfiyatda maktabga kelsa, darslarda ham o`tirgisi kelmaydi, kun bo`yi shunday kayfiyatda bo`ladi.

Har bir insonning rivojlanishida va yuksalishida oilaning o`rni nihoyatda katta. Chunki insonning ilk hayotiy qarashlari, vatan va ota-onaga bo`lgan muhabbat, do`stlik, ezgulik, bag`rikenglik kabi tuyg`ulari aynan oila bag`rida shakllanadi. Ota-onalar farzandlariga oilda ibrat bo`lishlari ularni har tomonlama qo`llab- quvatlab, ruhlantirishlari lozim.

Yaqinda bir o`quvchi bilan suhbatlashdim. Kayfiyati yo`q, yomon ahvolda kirib keldi.Nima bo`lganini so`rasam yig`lab yubordi.Keyin esa uyida ota-onasi har kuni

janjal qilishlarini, orada uni ham jerkib, so'kib urishishlarini, shuning uchun maktabga kelishni xohlamasligini va sinfdoshlaridan uyalishini aytib berdi.

Men ham boshqa sinfdoshlarim singari ota-onam bilan faxrlanishni, ular bilan dars tayyorlashni, oilamiz davrasida hammamiz xotirjam o'tirishimizni xohlayman degan so'zlaridan, naqadar qiynalganini sezilib turardi.

Oiladagi nosog'lom muhit bolaga katta ta'sir qiladi. Oilada ota-ona kelisholmay tortishishsa, janjallashishsa, bolaga yetarli e'tibor berishmasa, bola ham shunga o'rganib qoladi. Natijada bolaga hech narsaga qiziqmaslik, hech kimning gapiga quloq solmaslik, yolg'izlikni xohlash kabi odatlar paydo bo'ladi. Oqibatda bolada ruhiy zo'riqish, stress holatlari paydo bo'ladi. Tabiiyki hech qaysi ota-ona farzandini bu ahvolda ko'rishni xohlamaydi.

Bugungi kunda yurtimizda yoshlar uchun juda katta imkoniyatlar yaratilgan. Farzandlarimizni ana shu imkoniyatlardan foydalangan holda tarbiyalash, ularni yurtimiz uchun foydasi tegadigan yetuk insonlar qilib tarbiyalash har bir ota-onaning ham orzusi ham burchidir.

Psixolog olimlarning fikricha, bola bu – oppoq qog'oz. Oppoq qog'ozdagi yozuvlarning chiroyli bo'lishi- ota-onaning qilgan mehnatlari qolaversa, obro'- e'tibor va hayotlarining mazmunidir.

Ota- onalar! Farzandlarimizga har tomonlama ibrat bo'laylik, toki bizning qilgan xato va kamchiliklarimiz farzandlarimiz kelajagiga ta'sir qilmasin. Farzandlarimizning ko'ngliga ozor bergandan ko'ra, ularning ruhan va jismonan sog'lom bo'lishlari uchun farzandlarimizni har tomonlama qo'llab-quvvatlaylik.

Kelajagimiz umidlarini, nihollarini asrab-avaylaylik!

MUSTAQIL BILIM OLISH JARAYONIDA MANTIQUIY FIKIRLASHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI.

*Po'latova Muniraxon Akramovna
Farg'ona viloyati Buvayda tumani 10-maktab psixologi*

Annatatsiya. Maqolada mustaqil bilim olish jarayonida mantiqiy fikrlashning pedagogik shart-sharhitlariga qaratilgan fikr va mulohazalar keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: fan, ta'lim, taraqqiyot, tarbiya, mantiq, fikrlash, bilim, mustaqil bilim olish, rivojlantirish, vazifa, faoliyat.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturida chuqur nazariy va amaliy bilimlar bilan bir qatorda tanlagan sohasi bo'yicha mustaqil faoliyat ko'rsata oladigan, o'z bilimi va malakasini mustaqil ravishda oshirib boradigan, masalaga ijodiy yondashgan holda muammoli vaziyatlarni tog'ri aniqlab, tahlil qilib, sharoitga tez moslasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash asosiy vazifalardan biri sifatida belgilangan.

Fan-texnika taraqqiyoti jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy, ma'naviy, madaniy, ilmiy-texnikaviy, ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda ta'lim tizimi oldiga muayyan maqsad va vazifalarni qo'ydi. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da bu talablar o'z aksini topgan. Bu talablarning maqsadi bozor iqtisodiyoti sharoitiga har tomonlama moslashgan, kamol topgan,

jamiyat, davlat va oila oldidagi o'z burchini his etadigan kishilarni tarbiyalashdan iborat. Bu talablarni bajarish uchun o'qitishning samarali usullaridan foydalanib ta'lim jarayonlarini tashkil etish zaruratini tug'diradi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida, "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda ta'lim-tarbiyani insonparvar, demokratik harakterda ekanligi, ta'lim jarayonining uzluksizligi, izchilligi, dunyoviyligi, bilim olishni hamma uchun ochiqligi yozilgan. Hozirgi kunda davr talabidan kelib chiqib mustaqil bilim olish jarayonlari amaliyotga joriy qilindi. Mustaqil bilim olish jarayonlarini tashkil etishda pedagoglar quyidagi jarayonlarga asoslanadilar.

1. Mustaqil bilim olishni samarali usullarini o'quvchilar uchun joriy etish.
2. Bilim olish jarayonlarida o'quvchining qobilyati va o'zlashtirish darajasini hisobga olish.
3. Zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari orqali o'qitishni tashkil etish.

Bu jarayonlar orqali o'quvchilarning mustaqil bilim olishlari samarali tashkillanadi va ko'zlangan maqsadlarga erishishi osonlashadi. Mustaqil bilim olish jarayonida o'quvchilar uchun qulayliklar ham mavjud. O'quvchilar bu jarayonda o'zlaridagi qobilyat va imkoniyatlarini namoyon eta oladilar. Mustaqil bilim olish orqali o'zlashtirilgan bilimlar mustahkamlanadi, yangilarini o'zlashtirish va ijodiy ishlash malakasi o'quvchida shakillandi. Mustaqil ravishda bilim olish uchun mavzuning asosiy mohiyatini yoritib berishga xizmat qiluvchi adabiyotlar yordamida mavzuni o'zlashtirish samarali hisoblanadi. Bu jarayonda o'quvchi adabiyotlar bilan ishlashni ham o'rganadi. Mustaqil bilim olish jarayonlarida ketma-ketlika ahamiyat berish kerak. Chunki, o'quvchining o'zlashtirayotgan bilimi bir-biri bilan bog'lanib, bir-birini to'ldirilib bormasa o'zlashtirish jarayonlarida uzilish yuzaga keladi. Fikrlash jarayonida qiyinchiliklar paydo bo'ladi. Pedagoglar bunday holatni oldini olish uchun mustaqil bilim olish jarayonini oldindan rejalashtirishlari lozim. Reja asosida beriladigan yuklamalar vazifa va topshiriqlar ketma-ketlkida amalga oshirilsa natijaga tezroq erishiladi. Mustaqil bilim olish jarayonida o'quvchilarning individual faolligi oshadi. Qobilyatli o'quvchilar o'z bilimlarini namoyon etishiga, o'rta o'zlashtiradiganlarni bilim olishga qiziqishi ortadi. Bu jarayon o'quvchining aqliy va amaliy ish uslublarini mustahkamlaydi, o'quvchiga o'z yutuq va faoliyatini baholashni o'rgatadi, o'rganish jarayonida o'quvchidan bor imkoniyatini ishga solishni talab etadi. Aynan shu jarayon o'quvchida mantiqiy fikrlash jarayonlarini yuzaga keltiradi. "Mantiq-yunon tilidan tarjima qilinganda "to'g'ri fikrlash, fikrlash san'ati"-, degan ma'nolarni bildiradi. Mantiqiy fikrlashning birnechta turlari mavjud.

1. Tasviriy-mantiqiy fikrlash.
2. Mavhum- mantiqiy fikrlash.
3. Og'zaki -mantiqiy fikrlash.

Mantiqiy vositalardan foydalanish inson faoliyatining barcha sohalarida foydalidir. Shu jumladan mustaqil bilim olish jarayonida ham. Mustaqil bilim olish o'quvchining mantiqiy fikrlash qobilyatini , amaliy imkoniyatlarini kengaytiradi. Mantiqiy fikrlashni rivojlantirish har bir insonga yoshidan qat'iy nazar zarur sanaladi. Mantiqiy fikrlash qobilyati insonlarga tezroq qaror qabul qilishni, turli ob'ektlar orasidagi munosabatlarni topish va natijasini qisqa muddatda oldindan belgilash imkonini beradi. Bundan tashqari boshqalarning xatti- harakatlarini tahlil qilib, sabablarini aniqlay oladilar. Mantiqiy fikrlash tug'ma qobilyat emas. Maxsus tadbirlar,

o'yinlar va mashqlar orqali erishiladigan qobilyat hisioblanadi. Ta'lim jarayonlarida K.D.Ushiniskiy fikricha "Mantiq barcha fanlarni ostonasida turishi kerak". Boshlang'ich ta'lim jarayonlarida o'quvchilarga mantiqiy fikr yuritishlari uchun qiziqarli topshiriqlar ko'proq berilsa, o'quvchida og'zaki nutq rivojlanadi. Fikr yuritish jarayonida so'z boyligi ortib boradi. Fikrning to'g'ri yoki xatoligini emas o'quvchining bu jarayonda qanday yondashgani muhim sanaladi. O'quvchida mustaqil ishlashi uchun ilk ko'nikmlar hosil qilinadi. Mustaqil bilim olish jarayonida mantiqiy fikrlashni shakllantirish uchun pedagog o'quvchini ongli ravishda o'z bilimini baholashga o'rgatish, mustaqil bilim olish jarayonini rag'batlantirish va belgilangan maqsadga yo'naltirish, ularning individual faoliyatini cheklamaslik, o'quvchining hohish va istaklarini ham hisobga olishi zarurdir. O'quvchi o'zi qiziqqan fan bo'yicha mustaqil bilim olishni boshlagan paytida unga berilgan topshiriq va vazifalar mantiqan fikrlashni talab etadi. Masalan adabiyot fanidan vazifa berildi.

Sarvigulning soyasinda,
So'ndi gul netmoq kerak?
Sarviddin tobut yasab ,
Guldan kafan bichmoq kerak.

Bu to'rtlik mualliflari o'z misralarida nima demoqchi bo'lganlarini topish uchun o'quvchi mantiqiy fikrlashni, tafakkur qilishni boshlaydi. Eng to'g'ri va aniq javobni topishga harakat qiladi. Bu misralar Alisher Navoiy va Husayn Boyqaroning bir-birlariga yozgan maktublari edi. Maktubda, malika kasal bo'lib yotgan paytda Husayn Boyqaro safarda bo'ladi va malika vafot etadi. Malikani vafotini Alisher Navoiy shu tarza Husayn Boyqaroga yetkazadi. Shoh ham shu tarzda yozma javob qaytaradi. Mantiqiy fikrlashga o'rgatish uchun pedagoglar birinchi berilgan topshiriqni o'zi tushuntirib va yechimni asoslab berishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Keying topshiriqlarda o'quvchini o'zini ishlashiga o'rgatiladi. Ta'lim mantig'ining ikki asosiy jihati bor. Nazariy va amaliy. O'quvchi mantiqiy mohiyatni egallash uchun nazariy va amaliy jihatlarni birlashtirish kersk. Yaniy, nazariy olgan bilimlarini amalda qo'llashni o'rgatadigan vazifalarni bajara olishi kerak.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, mustaqil bilim olish o'quvchiga jiddiy talablarni qo'yadi. Pedagog va o'quvchi hamkorligidagi faoliyatning yakuni oldindan aniq bo'lgan o'qitish jarayonidan farqli o'laroq, mustaqil bilim olishda o'quvchi oldindan aniq bo'lmagan va rejalashtirilmagan natijani qayd etishi, bilim, ko'nikma va malakalarning aniq hajmini o'zlashtirishi zarur. Pedagog ishtiroki kamroq kuzatiladigan mustaqil bilim olish jarayonida o'quvchi shaxsini kamol topishi kuzatiladi. O'quvchi o'ziga berilayotgan topshiriq va vazifalarni bajarish jarayonida mantiqiy fikrlashi uchun keng imkoniyat tug'iladi. Individual ishlash ko'nikmasi shakillanadi. O'quvchida aniq natijaga erisha olishga bo'lgan ishonch mustaqil bilim olish jarayonlarida mantiqan fikrlashining rivojlanishida kuzatiladi. Mustaqil bilim olishning muhim xususiyatlaridan yana biri – o'qitish maqsadlari va tamoyillari, mazmuni, metod va vositalarini aniqlash hamda tanlash, ularni qiynalmasdan atrofdaqlar yordamisiz amalga oshirish o'quvchining qobilyatini yuzaga chiqarishdir. Mustaqil bilim olish –o'quvchining shunday faoliyatiki, bunda o'quvchining izchillik bilan fikr yuritishi, aqliy va amaliy harakatlarining faolligi o'ziga bog'liq bo'ladi. Mustaqil bilim olish jarayonida mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga qaratilgan

mashg'ulotlar bilan bir qatorda darsdan tashqari va ixtiyoriy darslar ham katta ahamiyat kasb etadi. Pedagog o'quvchining qiziqish va qobiliyatiga qarab unga qo'shimcha topshiriqlarni berishi mumkin. Bir so'z bilan aytganda o'quvchi uchun mustaqil bilim olish bu- o'z bilimini boyitish va o'zini namoyon etishi uchun katta imkoniyatdir. Pedagoglardan esa o'quvchilarni o'zini kshf etish uchun ularga to'g'ri yo'l ko'rsatishi va qo'llab-quvvatlashi kutiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O'zbekiston Respublikasining " Ta'lim to'grisidagi qonun"ni. – Toshkent 2020- yil.
2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. – Toshkent 1997 – yil.
3. Pasyayeva K.Z. "Diqqat va mantiqiy fikrlashni rivojlantirish" Boshlang'ich maktab 2005-yil.
4. Jarova L.M. "Mustaqillikka o'rgatish " – M. Ta'lim 2009-yil.

TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISH JARAYONLARIDAYOSHLARDA AXBOROT OLISH MADANIYATINI SHAKILLANTIRISH.

*Po'latova Muniraxon Akramovna
Farg'ona viloyati Buvayda tumani 10-maktab psixologi*

Annotatsiya. Maqolada ta'limni axborotlashtirish jarayonlarida yoshlarda axborot olish madaniyatini shakillantirishga qaratilgan taklif va mulohazalar keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar. Tarbiya, axborotlashtirish, ta'lim tizimini axborotlashtirish, kompyuter texnikasi, innovatsiya, mediya texnologiyalar, kompyuter texnologiyasi.

Ma'lumki, mustaqilligimizning ilk kunlaridan boshlab yurimizda yoshlarimizning ta'lim-tarbiyasiya alohida e'tibor qaratila boshlandi. Yoshlarimizga jahon talablari darajasida bilim olishlari va dunyo yoshlari bilan raqobatlasha olishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratildi va yaratilib kelinmoqda. 2020-yil 23-sentyabrda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi "Ta'lim to'g'risidagi" Qonunining yangi tahriri ham ta'lim jarayonlarini isloh qilishga qaratilgan. Bugungi kunda yurtimizdagi barcha maktablar zamonaviy kompyuter o'quv xonalari bilan ta'minlangan. Bu ta'lim tizimini axborotlashtirishda pedagoglarimiz uchun qulaylik yaratildi demakdir. Ta'lim tizimini axborotlashtirish- bu butun ta'lim jarayonini samarali tashkil etishdir. Ta'lim tizimini axborotlashtirish- hayotdan yangi usullarni izlash jarayonidir. Ta'lim tizimini axborotlashtirish – bu kompyuter texnikasi va axborot texnologiyasidan dars jarayonida foydalanish, ta'limda yangi sifat ko'rsatkichlariga erishishdir. Buning uchun ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishda o'qituvchilarning malakasini oshirish va qo'llab-quvvatlash zaruz. Har bir pedagogning AKT bo'yicha bilimlarini oshirish maqsadida mamlakatimizda pedagoglar uchun maxsus o'quv jarayonlari tashkil etildi. Hozirgi davrda insonga mediya texnologiyalarning ta'siri kun sayin ortib borayotgani kuzatilmoqda. Bu holat kitob o'qishga nisbatan televizorni qiziqib tomosha qiladigan bolalarga ta'sir etmoqda. Axborotlarning katta oqimi

televideniya, telefon, internet, kompyuter o'yinlari, kompyuter, elektron o'yinchoqlar oilalarda mustahkam o'rin egallab borayotganligi bola tarbiyasi hamda atrofdagi olamni anglab borishiga kattalardan alohida e'tibor talab etmoqda. Bola voyaga yetgani sari uning sevimli mashg'uloti o'zgarib boradi. O'yinlari, sevimli qahramonlari, qiziqishlari ham o'zgaradi. Ta'lim jarayonida ham o'quvchilar ilgari axborotni darslik, adabiyotlar, dars jarayonlarida o'qituvchining ma'ruzalaridan, radio va televideniya orqali olgan bo'lsa, bular safiga endilikda axborot texnologiyalari va internet ham qo'shildi. Ta'lim tizimini axborotlashtirishda o'qituvchidan darsni yangi innovatsiyon va pedagogik texnologiyalar asosida dars o'tishni talab etmoqda. Pedagog AKT dan foydalanib dars o'tish jarayonida bu o'sib kelayotgan yosh avlod uchun mo'ljallangan saboq ekanligini unutmasligi lozim. Darsga tayyorgarlik ko'rish jarayonida dars rejasini maqsadga ko'ra tayyorlash, mavzuga oid o'quv materialini tanlashda asosan: tizimlilik hamda muntazamlilik, qulaylik, ilmiylik va boshqa didaktik tamoyillarga rioya etishi zarur. Ta'lim jarayonlariga axborot texnologiyalrini tatbiq etish, pedagogning ish jarayonin osonlashtiradi, sifat jihatidan yuqori bo'lishiga va samarali ish usullarini tashkil etishga imkon beradi. Biroq, shuni alohida takidlab o'tish kerakki ta'lim jarayonlarida yoshlarga axborot vositalaridan samarali va maqsadli foydalanishni, axborot olish madaniyatini ham o'rgatishlariga e'tibor berish lozim. Ta'lim tog'risidagi qonunda belgilab berilganidek, ta'lim sohasidagi munosabatlarni tartibga solishda aynan axborot olish madaniyatini ham tartibga solish nazarda tutilgan. Axborot olish jarayonida yoshlarimiz internet tarmoqlaridan o'zi uchun kerakli bo'lgan manzillardan ma'lumot qidirish va olishlari kerakligini pedagoglar muntazam tushuntirib borishi zarur. Bu tushuntirishlarni o'zlari tayyorlagan video darslar va slaydlarni ma'lum qismini ma'naviy bilimlarga ajratib olib borishsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Masalan: adabiyot darslarida o'quvchilar uchun videodars tayyorlandi. Pedagog bu jarayonda qaysi internet mazillariga murojat qilganligi ko'rsatib ketishi kerak. Yoki uy vazifalarini bajarishda yordam berishi mumkin bo'lgan aniq internet manzillarini o'quvchilarga tavsiya sifatida berishi ham mumkin. Xulosa o'rnida axborotlashtirishning milliy tizimining shakillantirish shu kunning eng dolzarb vazifalaridan biri bo'lib, jamiyat taraqqiyotining asosiy omili hisoblanadi. Ta'lim jarayonlarini axborotlashtirish ta'lim muassasalaridagi o'qitish sifatini tubdan yaxshilashga hissa qo'shadi. Biroq, ta'lim jarayonlariga axborotlashtirinish tadbiiq etilayotgan bir paytda jamiyatimizda axborot olish madaniyatini, axborotdan maqsadli foydalanish madaniyatini ham oshirib borish lozim. Axborot olish madaniyati va axborotdan maqsadli foydalanish ta'lim muassasalarida yoshlarimizga o'rgatib borilsa, kelajakda biz axborot olish madaniyatiga ega kishilarni ko'rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'grisidagi qonun"ni. – Toshkent 2020- yil.
2. Maxsuda Tillashayxova. Axborot texnologiyalari ta'lim tizimini takomilashtirish omilidir. InfoCOM.UZ 23.04.2009.
3. Maftuna Gapporova. Ta'lim tizimini axborotlashtirish davr talabi. InfoCOM.UZ 07.11.2012
4. R. X. Alimova va boshqalar. "Axborot tizimlari" -Toshkent 2013.

OILADAGI NOSOG'LOM PSIXOLOGIK MUHITNI MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARGA SALBIY TA'SIRI

Rahmonova Feruza Shuhratjon qizi

Sirdaryo viloyati Mirzaobod tumani 11-maktabgacha ta'lim tashkiloti psixologi

Annotatsiya: Tarbiya har qanday jamiyatini muhim vazifasidir. Tarbiya – bu shaxsning ijtimoiy ma'naviy va ishlab chiqarish faoliyatiga tayyorlash maqsadida uning ma'naviy, jismoniy kamolotiga muntazam ravishda ta'sir ko'rsatish jarayonidir. Mazkur maqolada oiladagi nosog'lom psixologik muhitni maktabgacha yoshdagi bolalarga salbiy ta'siri xususida bayon etiladi.

Kalit so'zlar: maktabgacha ta'lim, psixologiya, oila, psixologik muhit, tarbiya.

Insonning tabiatini o'zgartiradigan, uning shaxsini tarkib topishiga ta'sir qiladigan kuch ijtimoiy omillar yoki boshqacharoq qilib aytganda, jamiyat ishlab chiqarish kuchlari, hamda ishlab chiqarish munosabatlarining o'sishi va o'zgarishidir. Bundan tashqari yana inson shaxsining tarkib topishiga ta'sir qiluvchi kuchli omil – inson orttirgan tajribalarning tarbiya vositasi orqali bolalarga berilishidir. Shunday qilib, inson shaxsi juda murakkab psixologik kategoriya bo'lib, u kishining individual hayoti davomida ma'lum konkret omillarning ta'siri ostida sekin-asta tarkib topadi. Ilmiy manbalarga qaraganda inson shaxsi uchta faktorlar ta'sirida tarkib topadi. Ulardan birinchisi odam tugilib o'sadigan tashqi ijtimoiy muhitning ta'siri bo'lsa, ikkinchisi odamga uzoq muddat davomida sistemali beriladigan ijtimoiy ta'lim-tarbiyaning ta'siridir va nihoyat, uchinchisi odamga nasliy yo'l bilan beradigan irsiy omillarning ta'siridir.

Hozirgi kunda xalqimiz orasidan yetishib chiqqan iste'dodli olimlar, muhandis-tirochilar, yozuvchi va shoirlar, davlat va jamoat arboblari, iste'dodli artistlar, rassomlar va boshqa kishilarimizga nasliy yo'l bilan berilgan barcha imkoniyatlarning ro'yobga chiqishi uchun harkanday sharoit maydonga kelganligini dalili bo'la oladi. Insoniyatni komil inson qilib, ularni baxtli etgan, yuksaklikka yetaklagan bu – yaxshi tarbiyadir. Tarbiyaning bosh maqsadi – yosh avlodni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda, xalqning boy milliy-ma'naviy, tarixiy an'alariga, urf-odatlariga hamda unutilmas qadriyatlariga asoslanib tashkiliy ijtimoiy – psixologik shakldagi vositalarni ishlab chiqish va uni amalda joriy etish borasida soha mutahassislaridan yanada mas'uliyat talab etadi. Inson shaxsining kamol topishi juda murakkab va uzluksiz jarayon davomida shakllanadi, uning tarbiyasiga ota-onasi, maktab, mahalla, do'stlari, jamoat tashkilotlari, atrof muhit, ommaviy axborot vositalari, san'at, adabiyot, tabiat va boshqalar bevosita ta'sir ko'rsatadi. Yuqoridagi barcha hayotiy ehtiyojlarni vujudga keltirishda o'zaro hamkorlikning ta'sir doirasi orqali shaxsni tarbiyalash va tarbiyaning birligini ta'minlash katta ahamiyatga ega.

Tarbiya kishilik jamiyati paydo bo'lishi bilan boshlandi va rivojlanib bordi. Bola tug'ilishi bilanoq ota-onasining parvarishi orqali atrof-muhit bilan tanishadi. Insonning shakllanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan muhitdan ya'ni ichkilikbozlik, giyohvandlik, kashandalik va boshqa illatlardan himoya qilish esa nihoyatda murakkab jarayon. O'zbek halqining yosh avlodni hayotga tayyorlashda qo'llagan usul va vositalari, tadbir

shakllari, o'ziga xos urf-odati va an'analari, tarbiya g'oyalari va hayotiy tajribasi yillar davomida mukammallashib keldi. Hali tarbiya muassasalari bo'lmagan davridayoq, qabila a'zolarining bolalarda mehnatsevarlik, jangovorlik, axloq-odob, nafosat, do'stlik, mehr – shafqatlilik, insonparvarlik xislatlarini shakllantirish va o'stirish sohasidagi aqlidroki va usullari o'sha davrdagi hayotiy tajribaning mevasi sifatida ijtimoiy hayotga bog'liq holda shakllandi va rivojlandi. Bola, asosan, oila muhitida tarbiyalanib, inson sifatida shakllanadi. Tarbiya esa hayotning eng muhim tergagi, ya'ni tayanchi hisoblanadi. Har bir bolani shunday tarbiyalash lozimki, u, avvalo, yaxshi o'qishi va so'ngra esa, yozishni o'rganishi bilan eng yuksak pog'onaga ko'tarilsin. Ma'lumki, sharqning buyuk allomalari ta'lim va tarbiya masalalariga alohida e'tibor berishgan. Abu Ali Ibn Sino ham mazkur ustuvor masalalarga doir bir qancha asarlar, o'zidan boy ilmiy meros qoldirgan. Ibn Sino bolani maktabda o'qitish oila jamiyatning asosiy instituti hisoblanishi, u tarbiya o'chog'i sifatida shaxsning shakllanishida muttasil ishtirok etadi.

Oilaning ijtimoiy ahamiyatiga molik funksiyasini ta'minlanishida undagi ijtimoiy psixologik muhit, shaxslararo munosabatlar, sub'ektlarning kamolot darajasi belgilaydi. Agar rollar, status va o'zaro hamjihatlik inqirozga yuz tutgan holatda oiladagi psixologik muhitni tasavvur qilishni o'zi murakkabdir. Oilada shaxslararo munosabatlarning o'ziga xos tomonlari uning barqarorligini ta'minlashga xizmat qiladi. Albatta, bu holatni asoslovchi omillarni tadqiq qilishda quyidagicha yo'l tutishni lozim topdik: Hozirgi zamon oilalarida inqiroz shakllanishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini yoritish. Oilada shaxslararo munosabatlarda tenglikni ta'minlashning ijtimoiy-psixologik mexanizmlari (fenomenlari)ni ochib berish.

Zamonaviy oilalardagi ijtimoiy psixologik muhit, u bilan jamiyatning o'zaro uyg'unligi, sub'ektlarning maqsad va maslaklarining birligi, qadriyatlar darajasining saqlanayotganligi, etnik va madaniy muhitning undagi munosabatlarda saqlanishi, avlodlar o'rtasidagi ziddiyatlarga barham berish, ijtimoiy kutishlar, rollar taqsimoti so'zsiz inqirozlarni oldini olishga puxta zamin hozirlaydi. Bugungi kunda oila muammosiga aloqador masala uning barqarorligini ta'minlash, undagi inqirozli holatlarni bartaraf etish choratadbirlarini ishlab chiqishga davat etadi. Oilada bola nutqni egallashi uchun nutq sharoitida, mehnat qilish uchun mehnat sharoitida, aqliy taraqqiy etmog'i uchun aqliy faoliyat sharoitida yashamog'i kerak. Ana o'shanda bolaning nimaga, qanday sohaga layoqati borligi namoyon bo'ladi. fiziologik va psixologiya fanining ko'rsatilishicha inson bolasi tayyor qobiliyat bilan emas, balki biror xil qobiliyatni ro'yobga chiqishi va rivojlanishiga ta'sir etadigan potensial imkoniyatlar, ya'ni shaxs xususiyatini ifodalaydigan layoqat bilan tug'iladi. Tug'ma layoqat o'z holicha rivojlana olmaydi, go'yo u «mudroq» holatda bo'lib, uning uyg'onishi rivojlanishi uchun qulay muhit kerak. Agar bola o'z layoqatiga mos sharoitda o'sib zarur faoliyat bilan shug'ullansa, layoqat erta ko'rinib, rivojlanishi, aksincha bu bo'lmasa yo'q bo'lib, ketishi mumkin. Sog'lom turmush tarzini shakllantirish muammosi insoniyat oldida turgan eng muhim muammolardan biridir. U o'zida jismonan sog'lom, aqlan barkamol yangi avlodni voyaga yetkazishni, kishilarning mehnat qilishi, dam olishini va ijtimoiy faoliyat ko'rsatishini to'g'ri tashkil etishni, oqilona hayot kechirishi mujassamlashtiradi. Shuning uchun sog'lom turmush tarzini shakllantirishning ijtimoiy-iqtisodiy va tabiiy-gigienik, ma'naviy jihatlarni har

tomonlarni o'rganish, vujudga kelgan haqiqiy ahvolni hisobga olib tadqiq etish davr talabidir. O'zbekiston aholisining hayot tarzini oiladan tashqarida tasavvur qila olmaymiz, shuning uchun sog'lom turmush tarzini shakllantirish bevosita oilaga, oilaviy hayot tarziga, «oila-tabiati-jamiyat-inson» tizimiga bog'liqdir. Zero, sog'lom turmush tarzi va oilaning farovonligi iqtisodiy va ma'naviy omillar bilan belgilanganda edi, u vaqtda aholining moddiy farovonligi oshgan sayin, sog'liqni saqlash, uy-joy bilan ta'minlash masalasi to'la hal etilganda sog'lom turmush tarzining barqarorligini belgilovchi barcha o'z-o'zidan hal bo'lgan va jamiyat uchun nomaqbul bo'lgan hodisalar ham yo'q bo'lib ketgan bo'lar edi.

Demak oila muhitini uch toifaga: ijobiy, o'zgaruvchan va salbiy toifalarga ajratish imkoniyati tug'ildi. Bu esa, oilada shaxsni shakllantirish jarayonini o'rganish baxtli bolalik – bu oiladagi quvonchli hamjihatlikning hamda ota-onalarning bolalariga g'amxo'rlikning samarasidir, degan xulosaga keldi. Shu asosda oilada farzand tarbiyasiga yondashishning oilalarni yo'nalishiga qarab, uch toifaga mansub ekanligini ko'rsatib berish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Axatova D. «Abdurauf Fitratning oilaviy munosabatlarga oid qarashlari» «Xalq ta'limi» jurnali Toshkent, 2006 y. 4-son
2. Zunnunov A. «Pedagogika nazariyasi» Toshkent, «Aloqasi» 2006 y.
3. Uzoqov X., G'oziev E., Oripova L. «Oila axloqi va odobi» Majmua. Toshkent; «O'qituvchi» 2005 y
4. Xolmatova M. «Oilada sog'lom turmush tarzini shakllantirish – sog'lom avlod tarbiyalash omilidir» «Xalq ta'limi» jurnali. Toshkent; 2008 y, 1-son

BOLA SHAXSIDA SALBIY O'ZGARISHLARNI KELITIRIB CHIQRUVCHI TASHQI TA'SIRLARINING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI

*Dilnoza Egamberdiyeva Muzaffarjon qizi
Farg'ona viloyati Uchko'priq tumani 47-maktab psixologi*

Aksariyat hollarda oiladagi salbiy shart-sharoit tarbiyasi og'ir bola shaxsining shakllanishiga zamin yaratib beradi: oilada sog'lom muhit bo'lmasligi asosan xudbinlik va boshqa salbiy xislatlarni tarbiyalaydi.

Kalit so'zlar: o'z o'ziga baho berish, pedagogik qarovsizlik, kriminal, ijtimoiy omil, oilaviy omil, shaxsiy omil, fiziologik omil.

Kishining boshqa odamlarga bo'lgan munosabatlarida va xatti – harakatlarida uning o'z-o'ziga bo'lgan munosabatlarini ifodalovchi xarakter hislatlari ham namoyon bo'ladi. Bu o'z o'ziga baho berish deb ataladi.

Jamiyat o'rtasidagi xilma-xillik munosabatlarida bola ixtiyoriy yoki ixtiyorsiz ravishda o'zini boshqalar bilan taqqaslaydi va o'zida boshqalarga o'xshash yoki farq qiladigan hislarlar topadi. Bolada o'zi haqida, uning o'zligi haqida ma'lum bir fikr paydo bo'ladi.

Bola asosan oilada va maktabda boshqalar bilan munosabatda bo'ladi. Oilaning muhim ahamiyatga ega bo'lgan yana bir vazifasi tarbiyalashdir. Bolalarning aqliy, jismoniy, axloqiy, estetik tarbiyasiga oilada asos solinadi. Oila inson deb ataluvchi binoni faqat poydevorini qo'yish bilan cheklanmasdan, balki uning so'nggi g'ishti qo'yilguncha javobgardir. Ota-ona — san'atkor, bola — san'at asari, tarbiya jarayoni esa san'atning o'zidir. Mustaqillikka erishganimizdan so'ng milliy qadriyatlarimizning tiklanishi va xalqimiz azaldan saqlab kelayotgan milliy urf - odatlarimiz, an'analarimiz (bola tarbiyasida ota-onadan tashqari, buvi-buva, qarindosh-urug', mahallaning ham ta'siri) bu borada katta ahamiyatga ega. Lekin ba'zan oilaning tarbiyaviy vazifasining susayishi va targ'ibot-tashviqot ishlarining kamligi natijasida oila a'zolari xulqida yomon odatlarning (ichish, chekish, narkomaniya, turli diniy oqimlar ta'siriga berilish, ma'naviy buzqlik yo'liga kirish) paydo bo'lishi tashvishlanarli hollardan biridir. Jamiyatning komil fuqarosini shakllantirish, tarbiyalash hozirgi zamon oilasining mazkur vazifasi darajasiga kiradi.

Chunki shaxsning ijtimoiylashuvi dastavval oilada amalga oshadi. Oiladagi tarbiya orqali shaxsga ma'lum bir siyosiy - g'oyaviy dunyoqarash, axloqiy me'yorlar va xulq namunalari, jismoniy sifatlar singdiriladi. Xalqimizda «Qush uyasida ko'rganini qiladi», - deb bejiz aytilmagan. Oilada amalga oshadigan ijtimoiylashuv jarayoni natijasida shaxs ijtimoiy me'yorlar va qadriyatlarni o'zlashtiradi, ijtimoiy hayotga kirib boradi.

Bola shaxsida salbiy xususiyatlarni kelib chiqishining asosiy sabablaridan biri ularda o'qishga nisbatan salbiy munosabatning paydo bo'lishidir. Odatda bunday munosabatning paydo bo'lishiga boshqa sabablar ham ta'sir ko'rsatishi mumkin. Jumladan, o'quv faoliyati usuli, malakalari to'la tarkib topmaganligi sababli nisbiy bilim olish bilan qanoat hosil qilish, o'zlashtirish qobiliyatining sust rivojlanganligi, muayyan vaziyatlarda hukm va xulosa chiqarishda qiyinchilikka duch kelish, o'qituvchilar tomonidan o'quvchiga ob'ektiv baho bermaslik, o'qituvchining boladagi individual-psixologik va intellektual imkoniyatiga yetarlicha e'tibor bermaslik, o'qitish saviyasining pastligi, darslarni qiziqarsiz o'tilishi va boshqalardir. Bola shaxsida salbiy xususiyatlarning kelib chiqishining yana bir sababi – ularning sinf jamoasi va turli xil jamoatchilik tashkilotlari bilan yaxshi aloqada bo'lmasligidir. O'quvchi bilan jamoa fikrining mos kelmasligi uning jamoa ichida o'z o'rnini borgan sari yo'qotib borishiga sabab bo'ladi. Unutmaslik kerakki, bolaning har bir xatti-harakati u bilan hisoblashish kerakligidan boshqa narsa emas. Shuning uchun jamoa a'zolari bunday bolaning qarashlarini vaqti-vaqtida hisobga olishlari yaxshi natija beradi. Bolaning fikr va qiziqishlarini jamoaning qo'llab-quvvatlamasligi yoki beparvoligi uni qonunbuzarlikka undaydi va xulq og'ishining kelib chiqishi uchun imkoniyat yaratadi. Natijada bola uchun kelajak rejalarining poymol bo'lish xavfi tug'iladi. O'qishdan va jamoadan yuz o'g'irgan bola o'z kelajagini, orzu-umidlarini maktab va jamoa faoliyatiga bog'lashdan ko'ra, yangi ulfatlari bilan aloqa qilishni afzal ko'radi va boshqa kishilardan najot izlaydi. Natijada bola nosog'lom xulqli bolalar to'dasiga tushib qoladi va ular xulq-atvoriga xos bo'lgan xarakterga ega bo'ladi. Oilaviy sharoitning salbiy ta'siri ham bola shaxsida salbiy xususiyatlarning kelib chiqishiga sabab bo'ladi. Ayrim oilalarda bola uchun zaruriy imkoniyatlar mavjud emasligi sababli u noxush holat bilan yolg'iz kurash olib borish kechinmalari bilan yashaydi. Bola dunyosida oilaviy sharoitga nisbatan

paydo bo'lgan norozilik hissi kundan kun avj olib, ichki qo'zg'olonga aylanib boradi. Bundan tashqari ota-ona o'rtasidagi munosabatlarning nosog'lomligi, ba'zi otalarning spirtli ichimliklarga ruju qo'yishlari ham bolaning ruhiy dunyosiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Kuzatishlarimizdan ma'lum bo'lishicha, ko'pincha o'quvchilardagi salbiy xususiyatlarning paydo bo'lishi oiladagi va ta'lim tizimidagi pedagogik qarovsizlik natijasida yuzaga keladi. Pedagogik qarovsizlik quyidagi darajalarda tavsiflanadi:

1. Past. Xatti-harakat, xulq-atvordagi beqarorlik. O'z "men"iga ortiqcha baho berish. Asosan yoshiga xos bo'lgan xarakter belgilarning ustunlik qilishi.

2. O'rta. Kattalar va tengqurlari bilan aloqaning buzilishi. O'qish va mehnatga qiziqmaslik, nizolar egoistik yo'nalishga asoslanishi. Pedagogik ta'sir choralari to'g'ri qabul qilinadi, lekin unga amal qilmaydilar.

3. Yuqori. Salbiy xarakter xususiyatlari yaqqol namoyon bo'ladi. Huquqbuzarlik oshkora qilinadi. Kattalar bilan o'zaro munosabatda tajovuzkor bo'ladi. O'zlari to'g'ri deb qabul qilgan "axloq"larini oqlashga urinadilar. Ular huquqbuzarlik chegaralarini tushunib yetmaydilar.

4. Kriminal. Voyaga yetmagan huquqbuzarlar bo'lib, ularning xulq-atvorini boshqarib bo'lmaydi. Bundaylar har qanday tarbiya vositalariga qarshilik ko'rsatadilar. Xatti-harakatlarida tajovuzkorlik ko'proq uchraydi. Ular o'zlarining huquqbuzarlik motivlarini o'zlari belgilagan "axloqiy me'yor"lar bilan o'lchaydilar, natijada jinoyatga qo'l uradilar.

Bo-la shaxsida salbiy xususiyatlarni keltirib chiqaruvchi ijtimoiy-psixologik omillar
Ijtimoiy omillar - Erkinlik hamda ijtimoiy tartib qoidalardan qochish, qulay sharoit qidirish, hissiy xotirjamlik, o'z (men) iga past nazar bilan qarash, boshqalarga tobelik, moddiy kam ta'minlanganlikni his qilish, ota-ona xulq-atvoridan uyalish, ijtimoiy tartib qoidalarni buzish, huquqbuzarlik, bezorilik, mayda o'g'irlik, fohishalik, giyohvand moddalarni iste'mol qilish, kam ta'minlanganlik, ota-onalarni ishsizligi, bola hayotida ijtimoiy-iqtisodiy tomondan qiyin vaziyatlariga tushishi, jamiyat tuzilmasi, ijtimoiy institutlar, turmush tarzi, ijtimoiy me'yorlar.

Oilaviy omillar- Ota-ona, o'qituvchi, kattalar va bolalar o'rtasidagi muloqotdagi muammolar, bolalarga kattalar tomonidan diqqat-e'tiborning yetishmasligi, ota-onalar bilan farzandlar o'rtasida o'zaro tushunishning yo'qligi va ikki tomonlama intilishning yetishmasligi, ota-onalarning o'g'il va qiz bolalarga nisbatan qo'pol muomalada bo'lishlari, ko'r-ko'rona otalik va onalik mehr-muhabbatining hukm surishi, oila davrasida, muhitida doimiy janjallarni qaror topganligi va ularni bartaraf etishga intilish yo'qligi, ota-onalarning beqaror his-tuyg'ulari, kayfiyatlari, ularning tartibsiz, tasodifiy xarakterga ega bo'lishi, farzand va ota-onalarning shaxsiy qiziqishlarini o'zaro mos tushmasligi va tubdan qarama-qarshi ekanligi, farzandlar nazarida ota-onalarning salbiy xulq-atvori, ularning ichish va chekishlari, giyohvandligi va intim qiliqlari, ota-onalarning muntazam ravishda o'zaro janjallari, noto'liq oilalar, bolalarning qobiliyatini kattalar tomonidan salbiy baholanishi, ota-onalarni ma'naviy axloqsizligi.

Shaxsiy omillar- O'rtoqlar, sinfdoshlari, boshqa tengdoshlari bilan o'zaro aloqa, o'z-o'zini tushunmaslik va o'ziga salbiy munosabat, hayotiy yo'nalish-lardagi orzu va havaslar, ichki ruhiy yolg'izlik, o'zgalarning bolalarni tushunmasligi, baxtsizlikdan qiynalish, shaxsiy qiyinchiliklar, shaxsiy muvafaqqiyatsizlik, muammolardan xavotirga

tushish, irodasizlik, tashkilotchi emasligi, o'qishdagi qiyinchilik, og'ir vaziyatlarga uchrash, hissiy xavfsizlik "himoya qiluvchi"ni qidirish, spirtli ichimlik ichish va jamoat joyida chekish, toksikomaniya, maktab qoidalarini buzish, dars qoldirish, uyga berilgan vazifani bajarmaslik, mustaqil bo'lishga intilish, o'zgalarga tobe bo'lmaslik, o'ziga ishonchning yetarli emasligi, irodaviy - hissiy jihatdan zaifligi, yolg'izlik, o'zgalarni tushunmasligi, ijtimoiy xulq-atvor ko'nikmasini kamligi, bo'sh vaqtni to'g'ri tashkil qilinmaganligi, o'ziga e'tiborni xohlashi.

Fiziologik omillar- Agressivlik, jahldorlik, asabiylashish va ruhiy zo'riqish, bolaning ko'p kasal bo'lishi, qo'zg'aluvchanlikning kuchayishi, o'zini o'zi boshqara olmaslik, o'zlashtirishda aqlan qolib ketish, o'quvchining aqlan zaiflashishi, psixofiziologik va jinsiy tomondan bir xilda rivojlanmaganlik, tug'ma xususiyatlar, tug'ma nuqsonlar, orttirilgan nuqsonlar.

Bolalar yashashni hayotdan o'rganadilar.

Agar bola muntazam tanqid qilinsa, u nafratga o'rganadi.

Agar bola adovat(yovgarchilik, zidlik, xusumat) muhitida yashasa, u tajovuzkorlikka o'rganadi.

Agar bola muntazam mazax qilinsa, u indamas, odamovi bo'lib qoladi.

Agar bola faqat tanbeh eshitib katta bo'lsa, uning o'ziga ishonchi yo'qoladi.

Agar bola sabr-toqat muhitida katta bo'lsa, u boshqalarni fikrini hurmat qilishga, ular bilan murosada bo'lishga o'rganadi.

Agar bolaning fikrini ham tez-tez inobatga olib turilsa, uning o'z-o'ziga bo'lgan ishonch hissi ortadi.

Agar bola tez-tez maqtab turilsa, unda minnatdorlik hissi shakllanadi.

Agar bola faqat rostgo'ylik muhitida yashasa, u adolatli bo'lishga o'rganadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. P.J.Ivanov, M.E.Zufarova. "Umumiy psixologiya", - Toshkent, 2008, O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti.

2. G'.B. Shoumarov, I.O. Haydarov, N. A. Sog'inov, F. A. Akramova, G. Solihova, G. Niyozmetova "Oila psixologiyasi", - Toshkent — 2010 «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati

3. Internet ma'lumotlari.

ЎСМИРЛАРДА КУЗАТИЛАДИГАН САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

Наргиза Хужамуродовна Исомова

Навоий вилояти Зарафшон шаҳар 11-МФЧЎИДУ мактаби психологи

Аннотация. Ушбу мақолада бола шахсида салбий ўзгаришлар тажавужкорлик хулқ атворининг жиноятчиликнинг келтиришга сабаб бўлувчи омиллар ёритилган ва ота-оналар учун тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Ўсмир, шахс, жиноятчилик, жисмоний агрессия,негативлик

Ўзбекистонда ижтимоий тарбиянинг энг олий мақсади ҳар бир фуқарода комил инсонга хос фазилатларни шакллантиришдир. Ўсмирлик ёши болалалиқдан катталиққа ўтиш жараёни содир бўлади. Ҳозирги даврда ўсмирларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имкониятлари ҳамда механизмлари мавжуд ва ўсмирлар тақдири масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўсмирлик даври тақлидчанлиги, муҳим нуқтаи назарни шаклланмаганлиги, ҳиссиётлилиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам ташқи таъсирларга берилувчан ўсмир ўғил-қизларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўсмирликдаври эинг мураккаб ва энг муҳим тараққиёт босқичидир. Илк ўсмирлик 11-13 ёшларни катта ўсмирлик 14-15 ёшларни ўз ичига олади. Бу давр “ўтиш”, “қийин”, “оғир” давр деб аталадики бу давр болалиқдан ўспиринликка, катталиққа ўтиш даври ҳисобланади.

Ҳозирги ўсмирлар ўтмишдошларига нисбатан жисмоний ақлий ва сиёсий жиҳатдан бирмунча устунликка эга уларда жинсий етилиш, ижтимоийлашув жараёни, психик ўсиш олдинроқ намаён бўлмоқда. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш, асосан, 5-синфлардан бошланади. “Энди ўсмир бола эмас, бироқ катта ҳам эмас”-айни шу таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характери билдиради.

Ўсмирлик-болалиқдан катталиққа ўтиш даври бўлиб уларда янгиликларга интилиш, ҳаётдаги турли нарсаларга қизиқиш ортади, маънавий дунёси бойийди, характери шаклланади, зиддиятлар авж олади. Шунга кўра ўсмирлик даври бир томондан қувватнинг кескин ортиши ва иккинчи томондан патоген таъсирларга ўта сезгирлиги билан характерланади. Шунинг учун ақлий ёки жисмоний ортиқча толиқиш, узоқ муддатли асбий зўриқиш, аффектлар, кучли салбий ҳиссиётлар (кўрқиш, ғазаб ,хафагарчилик) эндокрен бузилишлар, нерв системаси функциясининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай бузулишлар тасирланувчанликнинг ортиши , ўзини тута билмаслик, паришонхотирлик, мактабда баҳоларининг пасайиши ёки умуман эътиборсизлик, лоқайдлик, уйқунинг бузулиши кабиларда намаён бўлади.

Олимлар ўсмирларда етилиб чиққан муҳитнинг ўзгарганлиги сабаб салбий носоғломлик вужудга келиб қолишини тушунтирганлар. Вояга етмаган болалар жиноятчилигини бошқа сабабларига боланинг таълим ва муомаласини ҳисобга олган ҳолда болалиқдан етим қолиши ёки ота-онасининг ажрим сабаблари жиноятчилигининг ошириши мумкин. Шу билан биргалиқда оилада ота-онанинг ўрни катта, лекин гоҳида онанинг судланганлиги болага қаттиқ таъсир қилиши мумкин.

Ўсмирлик даврининг 14-15 ёшларига келиб у хурматталаб бўлиб қолади. Бу даврда ўсмирлик ёшидаги фарзанд ва ота-оналар ўртасида турли тушунмовчиликлар, уларнинг устозлари билан зиддиятларга бориш ҳолатлари кўп кузатилади. Улар бу даврда кўпроқ дўст ортириб вақтини дўстлар даврасида ўтказа бошлайди. Унинг ҳаёт марказидан ота-она тушиб энди марказга дўст, ўртоқлар чиқади. Ташқи назоратдан қутилиш, мустақилликка бўлган эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўзи ёқтирган юлдузларга тақлид қилиб хатти ҳаракат қилади, уларнинг соч турмагини қила бошлайди хаттокихонасига ёки қўл телефонига қарасангиз фақат ўзи ёқтирган юлдузларнинг суратлари ва улар ҳақидаги

маълумотларни йиғиб бораётганини кузатасиз. Бу ёшда ҳаёт режаларини тузиш бошланади. Шу билан бирга ёмон таъсирларга берилиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Бу даврга ҳос ҳолат бу- ўзини ёлғиз ҳис қилишдир. У ўзини тўлақонли деб фақат дўстлар даврасида ёки бирор гуруҳ аъзоси бўлганда ҳис қилади. Агар гуруҳ Камолотга етакловчи гуруҳлар бўлса бу яхши аммо акси бўлса ундан ёмони йўқ. Бу давр назоратни кучайтиришни талаб этади. Аммо 10 ёшли бола назоратидек эмас. Бу даврда онажонларимиз қизлари билан, оталарлар эса ўғиллари билан дўстона муносабат ўрнатишлари мақсадга мувофиқ. Яна шуни унутмаслигимиз керак оиладаги психологик муҳит ҳам боланинг келажагини белгилайди. Шунинг учун ота-оналар аввало бир бирларига чиройли муносабатда бўлишлари ва фарзандларига наъмуна бўлишлари керак. Ҳар бир ота она фарзандининг ҳаётда ўз ўрнини топиб бахтли ҳаёт кечириши учун мана шу даврни бошидан кечираётган фарзандига елкама - елка туриб ёрдам берсагина фарзанди ота-онаси ҳоҳлагандан ҳам ортиқ комил инсон бўлиб вояга етади.

Жиноятчи инсонлар ёки енгил ҳаёт тарзини танлаган аёлларнинг ҳаёт йўлига эътибор қаратадиган бўлсак мана шу даврда ота- онанинг фарзанди тарбиясига эътиборсизлик қилганликларини ёки ҳаддан ташқари зулм қилиш ҳолатларини кўрамыз. Бу даврдаги ўзгаришлар вақтинчалик, ховотир олиб болани дўппослаб, жаҳл устида ҳар хил сўзлар билан фарзандингизни дилини оғритиб қўйиб ўзингизда йироқлашишига сабаб бўлманг азиз ота-оналар. Болангизни эрталаб уйғотганда ширин сўзлар билан уйғотинг. Фарзандингизни ҳаддан ташқари қилган иши учун қаттиқ жазолаб уни ҳақоратламамг. Фарзандингизга бироз эркинлик беринг. Болани мустақил қарор қабул қилишга ўргатинг. Болага имкон қадар кўпроқ мустақиллик беришга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда биринчи синфда у қарор қабул қилишни билмаслиги, чунки ҳаддан ташқари кичиклик қилиши мумкин, иккинчи синфда ҳам шундай, 8-синфга бориб эса у бу борада ҳеч қандай тажрибага эга эмаслиги ва буни мутлақо билмайдиган бўлиб чиқади. Фарзандингиз ёнида ҳеч қачон жанжал қилманг. Фарзандингиз билан тез-тез суҳбатлашинг ва унинг орзу истаклари билан танишинг. Фарзандингиз билан унга қизиқарли бўлган машғулотлар билан бирга шуғулланинг. Фарзандингизга келажакда ўзингиз истаган инсон бўлишини айтиб унинг орзуларини сўндирманг. Фарзандингизга кўпроқ китоблар ўқиб беринг. Фарзандингиз билан дўстлик муносабатини ўрнатиш сиз учун тўғри йўл.

Фарзанд тарбиясида Абдулло Авлонийнинг қуйидаги ҳикматли сўзларига эътиборимизни қаратайлик “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат –ё фалокат масаласидир” деб бежизга айтмаганлар. Ҳақиқатдан ҳам тарбия шундай нарсаки агар ҳар бир ота-она фарзандлари тарбиясига қай даражада эътиборли бўлса ҳамда уларнинг юксак маънавиятли комил инсон сифатида етишиб чиқишлари учун ўз вақтларини ва эътиборларини аямасдан ҳаракат қилсалар. Бу нафақат юртимиз балки ўзлари учун меҳр оқибатли, ҳурмат иззатли ва юрт равнақи учун фойдаси тегадиган фарзандларни тарбиялаган бўладилар.

Адабиётлар рўйхати

1.Ш.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Тошкент-“Ўзбекистон” 2016.19 б

2. Каримова Г. Бердаев “Муроса қилиш одоби ёки конфликтлар ёки уларни бартараф қилиш мумкинми” 2003 йил.
3. Исломов Д “Бақорчилар боласи” 1-сони 1999 йил.
4. Отажонов М “Деленквент хулқ” 2003-йил.

INTRODUCING WITH SEL-DESTRUCTIVE BEHAVIOR: WHAT IT IS AND CAN WE CONTROL IT?

Atakhujaeva Shahlo Anvarovna

*The muster student of the ChSPI, The faculty of Pedagogics,
The department pedagogics and psychology*

Abstract

This article is about self-destructive behavior and controlling the pupils with the self-destructive behavior. In our pedagogical life we meet some pupils with bad behavior. In this position every teacher has problems to find the contact with these pupils. The article can help solve our problems.

Key words: definition, mental health, formulate, behavior, semantic confusion, taxonomirs, risk.

It is rather hard to formulate a clear cut definition on concept regarding human behavior and disorders of mental health. The study of self-destructive behavior has been hampered by semantic confusion, protean concepts and contradictory taxonomies. In a very broad sense self-destructive behavior can be defined to consist either in taking or in considering to take a life threatening risk, that need not necessarily aim at or lead to self-destruction. Thus, it has nowadays become increasingly common to speak separately of indirect self-destruction and on the other hand direct self-destruction in a narrower sense, the latter includes three phenomena: suicidal thoughts, suicidal attempts and suicides. Indirect self-destructive behavior may be defined as a behavior characterized by taking a life threatening risk without the intention of dying, mostly repeatedly and often unconsciously, in such a way that the consequences are likely to be destructive to the individual before long (Lounqvist, 1978).

Self-destructive behavior was first studied in 1895 by Freud and Ferenczi when they first recognized how traumatic experiences affected the development of children. Freud and Ferenczi noticed that children who were raised in an unhealthy environment were more often the ones to act out and take part in self-destructive behavior. Freud concluded that self-destructive behavior is influenced by one's ego or superego and aggression. Depending on how strongly influenced one is, it will increase the intensity of one's destructive behavior. Guilt is a leading factor for one's superego. For instance, growing up with alcoholic parents can increase one's self-destructive behavior because they feel guilty that they didn't provide them with the help they needed. Since they failed to help their parents overcome these obstacles, they feel as if their parents failed because of them. Then, they use harming themselves as a coping mechanism to their guilt and failure.

Freud additionally states that the aggression in self-destructive behavior is influenced by a personal motive. Just as cultural and environmental factors can play an important role of this, social factors can as well. For example, say a child was bullied all through middle school, the way to get rid of his pain the child would take action in self-destructive behavior, such as self-harm or yelling. With investigations Freud and Ferenczi formed a hypothesis that people with self-destructive behavior suffer from "forbidden fantasies, not memories," meaning that since the action isn't supposed to be done, self-destructive people get a stronger drive to take part in these actions. Self-destructive behavior comes in many different forms that varies from person to person. Therefore, superego and aggression is different in every person.

Childhood trauma via sexual and physical abuse, as well as disrupted parental care, have been linked with self-destructive behavior. Usually, behavior like this results from the lack of realization of healthy coping mechanisms. Because there's not a lot of focus on specific mental health problems, such as self-destructive behavior, people aren't being educated on specific ways that could benefit or even prevent these people from acting out.

Additionally, people who have experienced some form of childhood trauma, such as abuse or neglect, can develop psychological issues that can lead to bigger problems. Aside from this, a need for attention or a feel good sensation can ultimately cause this behavior. A prime example of this would be addiction to drugs or alcohol. In the beginning stages, people have the tendency to ease their way into these unhealthy behaviors because it gives them a pleasurable sensation. However, as time goes on, it becomes a habit that they can not stop and they begin to lose these great feelings easily. When these feelings stop, self-destructive behavior enhances because they aren't able to provide themselves with that feeling that makes mental or physical pain go away.

Suicide is the act of intentionally causing one's own death.[9] Mental disorders (including depression, bipolar disorder, autism spectrum disorders, schizophrenia, personality disorders, anxiety disorders), physical disorders (such as chronic fatigue syndrome) and substance abuse (including alcoholism and the use of and withdrawal from benzodiazepines) are risk factors. Some suicides are impulsive acts due to stress (such as from financial or academic difficulties), relationship problems (such as breakups or deaths of close ones), or harassment/bullying. Those who have previously attempted suicide are at a higher risk for future attempts. Effective suicide prevention efforts include limiting access to methods of suicide—such as firearms, drugs, and poisons; treating mental disorders and substance misuse; careful media reporting about suicide; and improving economic conditions. Even though crisis hotlines are common, they have not been well studied.

Suicide

>70 and 15–30 years old

Risk factors

Depression, bipolar disorder, autism spectrum disorders, schizophrenia, personality disorders, anxiety disorders, alcoholism, substance abuse.

Prevention

Limiting access to methods of suicide, treating mental disorders and substance misuse, careful media reporting about suicide, improving social and economic conditions.

Frequency

12 per 100,000 per year[6]

Deaths

793,000 / 1.5% of deaths (2016)[7][8]

The most commonly used method of suicide varies between countries, and is partly related to the availability of effective means. Common methods of suicide include hanging, pesticide poisoning, and firearms. Suicides resulted in 828,000 global deaths in 2015, an increase from 712,000 deaths in 1990. This makes suicide the 10th leading cause of death worldwide. Approximately 1.5% of all deaths worldwide are by suicide. In a given year, this is roughly 12 per 100,000 people. Rates of completed suicides are generally higher among men than among women, ranging from 1.5 times as much in the developing world to 3.5 times in the developed world. Suicide is generally most common among those over the age of 70; however, in certain countries, those aged between 15 and 30 are at the highest risk. Europe had the highest rates of suicide by region in 2015. There are an estimated 10 to 20 million non-fatal attempted suicides every year. Non-fatal suicide attempts may lead to injury and long-term disabilities. In the Western world, attempts are more common among young people and among females.

Views on suicide have been influenced by broad existential themes such as religion, honor, and the meaning of life. The Abrahamic religions traditionally consider suicide as an offense towards God, due to the belief in the sanctity of life. During the samurai era in Japan, a form of suicide known as seppuku was respected as a means of making up for failure or as a form of protest. Sati, a practice outlawed by the British Raj, expected the Indian widow to kill herself on her husband's funeral fire, either willingly or under pressure from her family and society. Suicide and attempted suicide, while previously illegal, are no longer so in most Western countries. It remains a criminal offense in some countries.[In the 20th and 21st centuries, suicide has been used on rare occasions as a form of protest, and kamikaze and suicide bombings have been used as a military or terrorist tactic. Suicide is often seen as a major catastrophe for families, relatives and other nearby supporters, and it is viewed negatively almost everywhere around the world.

References:

1. Achte, K. (1978): Some forms of indirect self destruction and their psychopathology. In proceedings of symposium on psychopathology of direct and indirect self-destruction. Edited by Achte, A and Lonnqvist? I. Psychiatrica Fennica supplementum. Google Scholar

2. Eysenck, H.J.; Tavant, M.; England, L. (1960): Smoking and personality. Br. Med. J., 1:1456–1460. PubMedCrossRefGoogle Scholar

3. Eysenck, H.J.; Eaves, L.J. (1980) The causes and effects of smoking. London: Maurice Temple Smith. Google Scholar

4. Farberow, N.L. (1978): Research in indirect self-destructive behaviour. In proceedings of the symposium on psychopathology of direct and indirect self

destruction. Edited by Achte, Lonnqvist, I. Psychiat. Fennica supplementum. Google Scholar

5.Freud, S. (1927) Beyond the pleasure principle. London: Boul and Liveright. Google Scholar

6.Hainus, A.P. Jemeson, J.D.; Meade, T.W. (1980) Psychoneurotic profiles of smokers and non-smokers. Br. Med. J., 1:1422. CrossRefGoogle Scholar

7.Jarvik, M.E. (1970) The role of nicotine in the smoking habit. In Hunt, W.A. (ed.) Learning mechanism in smoking. Google Scholar

YOSHLARNING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK MUAMMOLARI , SABAB VA YECHIMLARI

*Ibrogimova Yulduz Baxodirovna
Xorazm viloyati Xiva tumanidagi 27-maktab psixolog*

Kalit soʻzlar: Yoshlar davrlar psixologiyasi, yoshlar, ijtimoiy muhit , shaxs.

Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 7-iyundagi 472-son qaroriga Oʻzbekiston Respublikasida psixologik xizmat koʻrsatishni yanada takomillashtirish boʻyicha soʻngi yillarda mamlakatimizda psixologiya sohasida pedagog karlarni tayyorlash hamda amaliyotchi psixologlar faoliyatini qoʻllab-quvatlashga oid bir qator ishlar amalga oshirildi.

Olib borilayotgan ishlar koʻlamiga qaramasdan sohada zudlik bilan bartaraf etilishi talab etiladigan qator muammolar saqlanib qolmoqda.

Xususan: Taʼlim tizimining barcha bosqichlarida yoshlarning psixologik holati diagnostikasiga ixtisoslashgan psixolog kadrlar hamda tashkilotlar mavjud boʻlsada, ularning faoliyatini muvofiqlashtirish va boshqarishni amalga oshiradigan yagona tuzilmaning mavjud emasligi psixologik xizmatlar faoliyati samaradorligining past darajada qolishiga taʼsir koʻrsatmoqda;

Aholiga psixologik xizmat koʻrsatish yetarlicha yoʻlga qoʻyilmaganligi oqibatida jamiyatda ijtimoiy-psixologik, jumladan, oilaviy muammolar (ajrimlar, oiladagi nizolar, ota-ona va farzand munosabatlari, qarindoshlar oʻrtasidagi nikoh, erta tugʻruq) , “ommaviy madaniyat” ning salbiy taʼsirlariga tobeklik, oʻz joniga qasd qilish holatlari davom etmoqda; va hakazo shunday davom etaverad Psixologiya sohasiga maʼlumki yosh davrlar psixologiyasi (antagenez) shaxsni oʻrganadi. Yosh - muyyan belgilangan davr boʻlib ushbu davrda inson ham aqliy, ham jismoniy, ham ruhiy talablarga javobberishishi keyingi davrga zamin yaratishi lozim. Yoshlik davri 23-28 yoshlardan iborat boʻlib, bu davrning oʻziga xos xususiyatlaridan biri ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida kamolga erishgan shaxs sifatida faol ishtirok qilish va ishlab chiqarishda mehnat faoliyatini amalga oshirishdan iboratdir. Yoshlarning mehnat faoliyati quyidagi uchta muhim belgisi bilan boshqa yosh davrlaridan farqlanadi:

1) Mutaxassislikning mohiyatiga, ishlab chiqarish shart-sharoitiga va mehnat jamoasi aʼzolarining xususiyatiga moslashish - mehnat faoliyatining dastlabki yillari yoki jamoada oʻz oʻrnini topish va qadr-qimmatga erishish;

2) Mutaxassis sifatida o'zini takomillashtirish uchun ijodiy izlanishni amalga oshirish yoki kasbkorlik mahoratini egallash;

3) Mahorat sirlaridan foydalanish, tashabbus ko'rsatish, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishda ijtimoiy yetuklikni namoyish qilish yoki mehnat faoliyatidagi barqaror ijod bosqichida bir tekis 10 yillab ishlab sifatli mahsulot yaratish namunasini ko'rsatish.

Yuqoridagi bosqichlar barcha kasb-kor egalariga xos bo'lsa-da, lekin ishlab chiqarishga ertaroq va kechroq kirib kelgan odamlar o'rtasida yosh jihatdan tafovut mavjud bo'ladi. Masalan, hunar-texnika bilim yurtini tamomlagan yigit-qizlar o'z mehnat faoliyatini oliy ma'lumotli yoshlardan oldin boshlaydilar, biroq ular ham mazkur bosqichlarni bosib o'tishlari shart.

Hozirgi mutaxassislarning ko'pchiligi o'quv yurtlaridagi nazariy bilimlar bilan amaliy ko'nikmalar o'rtasida uzilish mavjudligi sababli mustaqil faoliyatning dastlabki kunlaridan boshlab qator qiyinchiliklarga duch keladilar. Bu qiyinchiliklar o'z mohiyatiga ko'ra uch xildir; ular:

a) Ijtimoiy qiyinchiliklar: notanish muhiti shart-sharoitlari, shaxslararo munosabatlar, mehnat jamoasining saviyasi, undagi kishilarning xarakter xislatlari, ishlab chiqarish jamoasining qadriyatlarini, maonaviyati, anhanalari va hokazo;

b) Bilim va bilishga oid qiyinchiliklar: maxsus o'quv yurtida olgan bilimlardagi uzilishlar, saviyaning cheklanganligi, ijodiy izlanish faoliyatining zaifligi, tashabbuskorlikning etishmasligi va boshqalar;

d) Mutaxassislik bilan bog'liq o'ziga xos qiyinchiliklar; ishlab chiqarishning mohiyati, xususiyati, texnologiya, qurilmalar, asboblari, amaliy ko'nikmaning bo'shligi yoki ular bilan yetarli darajada tanishmaganlik, kasbning iqtisodiy negizini to'la anglab yetmaslik, xavfsizlik texnikasi mahsulot ishlab chiqarishning chizma-yoyilmasi va grafik irodasini taqqoslash murakkabligi, muammolar oldida lol qolish. Bu qiyinchiliklarni engish davrida insonning ruhiy holatlari, jarayonlari va xususiyatlarida miqdor hamda sifat o'zgarishlari ro'y beradi.

Mehnat jamoasidagi psixologik iqlim, ma'naviyat olami, barqarormaslik, ijtimoiy ong, ijtimoiy qadriyatlar, muayyan an'analar va odatlar yangi a'zoning xarakterida ijobiy yoki salbiy o'zgarishni vujudga keltirishi mumkin. Mazkur ta'sir natijasida asta-sekin umuminsoniy fazilatlar tarkib topishi yoki muayyan shaxsiy nuqtai nazar yo'qolishi mumkin. Mehnat jamoasiga yangi qo'shilgan a'zo unda o'z o'rni va qadr-qimmatini qaror toptirish uchun bir qator yon berishga, o'z maslagidan sal bo'lsada chetlashishga majbur bo'ladi. Bu yo'l jamoadagi psixologik iqlimga moslashishi maqsadida ichki ruhiy ziddiyatlarga, murakkab kechinmalarga, unsiz tug'yonga qarshi qo'yilgan qadam hisoblanadi. Shuning uchun yakka shaxs xarakterini shakllantiruvchi yoki uning mustahkam ichki rishtalarini yemiruvchi omil mehnat jamoasidagi ijtimoiy fikrdir. Jamoaga bo'ysunish har bir a'zoning burchidir. Ayrim hollarda ko'pchilikning tazyiqiga uchragan shaxsda printsiptalilik, adolatlilik singari hislar, shaxsiy nuqtai nazar bo'shashib qoladi, natijada unda ikkilanish tuyg'usi paydo bo'ladi.

Inson uchun psixologik mexanizm rolini bajaruvchi yana bir omil ulfatlar davrasidir. Ulfatlar odatda shaxsiy mayli, qiziqishi, intilishi, orzu-istagi, maqsadi, qarashlari, yoshi va xulqi bir-biriga mos tengdoshlardan iboratdir. Ko'ngilchanlik,

do'stlar rahyiga qarshi bormaslik tufayli yoshlar xarakterida o'zgarishlar yuzaga keladi. Yuksak hislar, barqaror ehtiqod, ilmiy dunyoqarash, ichki kechinmalar, mustaqillik va tashabbuskorlik tuyg'ulari poymol bo'ladi, ya'ni «Do'sting uchun zahar yut» qabilida ish tutiladi. Natijada mashuliyatsizlik, yuzakilik, loqaydlik, ikkiyuzlamachilik, bevafoqlik singari illatlar tarkib topa boshlaydi. Shuni alohida tahkidlash kerakki, ulfatlar davrasida yangi fazilatlarini ishbilarmolikni, amaliy ko'nikmalarni egallash imkoniyati ham bo'ladi. Shu boisdan ulfatchilikka faqat maishat nuqtai nazaridan yondashmay, uning mazkur imkoniyatlaridan foydalanishga ham harakat qilish ayni muddaodir.

Yoshlik davri insonning kuch-quvvatga, orzu-havasga, ijodiy rejalarga, izlash va izlanishlarga, aqliy imkoniyatlarga boy davridir. Kelajak taqdiri, mo'l-ko'lichiligi, farovonligi, qudrati, madaniyati - yoshlarga boliq, shuning uchun ularning istiqbol rejalari, yaratgan loyihalari, shakllanayotgan ma'naviy va ruhiy olami hech kimni befarq qoldirmasligi kerak. Har bir shaxsning o'ziga xos xususiyatlari mavjud. Xarakteri, qobiliyatlari, temperamenti, faoliyat motivatsiyasi va boshqalarga aloqador sifatleri majmui bir xil bo'lgan odamni topib bo'lmaydi.

Xususan prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2020 yil 15-iyun kuni Toshkentda bo'lib o'tgan "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi" mavzuidagi anjumanda so'zlagan nutqida yosh avlod tarbiyasi haqida alohida to'xtalib o'tdi. "Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan", deya ta'kidladi Prezidentimiz.

Bu vazifalar maktab, oila, mahalla, butun jamoatchilikka katta mas'uliyat yuklaydi. Mamlakatimizda ta'lim-tarbiya sohasining barcha bo'g'inlari – maktabgacha ta'lim, maktab, o'rta maxsus va oliy ta'lim tizimini takomillashtirish, yangi muassasalar bunyod etish va mavjudlarini qayta ta'mirlash bo'yicha olib borilayotgan ishlar yoshlar kamolotida o'z samarasini beradi. (Manba: O'ZA)

Respublikamizdagi amalga oshirilayotgan qayta qurishdan asosiy maqsad va uning xarakatlantiruvchi kuchi inson, shaxsning har tomonlama rivojlanishi va farovonligi hisoblanadi. O'zbekiston taraqqiyot va islohotlarning o'ziga xos jahon hamjamiyati tomonidan takrorlanmas deb tan olingan yo'lni tanladi. Bugungi kunda inson, uning har tomonlama uyg'un kamol topishi va farovonligi, shaxs manfaatlarini ro'yobga chiqarishning sharoitlarini va ta'sirchan mexanizmlarini yaratish, eskicha tafakkur va ijtimoiy xulq-atvorning andozalarini o'zgartirish, respublikada amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi va xarakatlantiruvchi kuchidir. Insonning bir kuni yo'qki, u maqsadsiz yashagan bo'lsa, Maqsadsiz hayot - besamar umrdir.

Shuning uchun har bir insondan tortib, murakkab ijtimoiy hayotgacha orzu, ideal va aniq ravshan maqsad bilan yashaydi. Agar alohida shaxs maksadi uning aql-idroki, turmush tarzi va salohiyatlari natijasi sifatida ko'zga tashlansa, jamiyat,

mamlakat va millat maqsadi juda ko'p ijtimoiy, siyosiy, moddiy va ma'naviy jarayonlarni qamrab oladi. Jamiyat, mamlakat va millat maqsadi, ideali ana shu tariqa muayyan davrning taraqqiyot va istiqbol ko'zgusi bo'lib gavdalanadi.

Demak biz pedagog-psixologlardan tamonidan amalga oshiriladigan ishlar quyidagicha bosqichlardan iborat bo'lishi kerak:

Demak tavsiyamiz shundan iboratki:

-bola xulq-atvorida ijobiy sifatleri shakllantirish uchun ota-onalar, maktab jamoatchiligi va maxalla hamkorligini tashkil etish lozim;

-milliy an'analarimiz yoritilgan badiiy asarlarni mutolaa va tahlil qilish, ular orasida sahnaviy ko'rinishlar, turli viktorinalar, baxslarni tashkil etish o'qituvchilar tamonidan amalga oshirilishi kerak;

-qadimiy milliy obidalarimizga va muqaddas qadamjolariga sayohat qilish o'qituvchilar va ota-onalar tamonidan amalga oshirilishi kerak;

-o'quvchilarning uchrashuv va sayohatdan olgan taassurotlarini birgalikda muhokama qilish o'qituvchilar va ota-onalar tamonidan amalga oshirilishi kerak;

-dars davomida o'uvchining mustaqilligi, erkinligini, faolligini uzliksiz ravishda ta'minlash o'qituvchilar tamonidan;

-o'quvchilarning milliy qadriyatlar borasidagi o'z qarashlari bilan ommaviy axborot vositalarida qatnashib turishlarini yo'lga qo'yish o'qituvchi tamonidan amalga oshirilishi kerak;

-oilada amal qilinayotgan urf-odatlar va an'analarning nima uchun qo'llanilishi, milliy urfodatlarini diniy urf-odatlaridan farqlay olishga erishish (ota-onalar) kabilar tadqiqot natijalaridan kelib chiqqan holda tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Karimova .V.M . Ijtimoiy psixologiya asoslari. T.:1994

2.Davletshin M.G. va boshqalar. Yosh davrlari va pedagogik texnologiya.T.2004

3.G'afforova T. Boshlang'ich ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar. - T., 2012.

4. "Pedagogika: muammolar, bahslar, yechimlar" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. – T. 2003.

5.<https://www.psychologs.ru/articles/view/psihologicheskaya-kultura>.

YOSHLARDA XULQ OG'ISHI VA TARBIYA BUZILISHI KELIB CHIQUISHINING IJTIMOIIY PSIXOLOGIK SABABLARI

*Nuraliyeva Ozoda Shuhrat qizi
Xalqaro islom akademiyasi 2-kurs talabasi*

Kalit so'zlar: Tarbiya, axloq normalari, xulq-atvor, "Tarbiyasi qiyin bola", obyektiv va subyektiv sharoit, xulqi og'ishganlik, individual psixologik xususiyat, obyektiv baho.

Ma'lumki, biror bir ijtimoiy va biologik hodisaning sodir etilishi uchun qandaydir bir sabab va sharoit bo'lishi talab etiladi. Qandaydir bir sabab ikkinchi bir hodisaning yuzaga kelishiga turtki bo'ladi. Bu falsafiy nuqtai nazardan sababiy bog'lanishlar

jarayoni tarzda tushuntiriladi. Xuddi shunday tarbiya buzilishining kelib chiqishi ham qandaydir sabablarga bogʻlangan holda sodir boʻladi.

Tarbiyaning umumiy ijtimoiy vazifasi – yosh avlodda bilim, koʻnikma, ijtimoiy tajriba va axloq normalarini shakllantirishdan iborat. Shu maqsadda yosh avlodga tarbiya berish maqsadga yoʻnaltirilgan tarbiyaviy taʼsir, ijtimoiy hayotda munosabatga kirishish meʼyorlarini va shu asosda zaruriy shart – sharoit yaratishni nazarda tutadi.

Maktablarda bolalarga nisbatan baʼzan “Tarbiyasi qiyin” jumlasini ishlatiladi. Asosan tarbiyasi qiyin bolalar deganda, koʻp holatlarda voyaga yetmaganlar bilan ishlash nazoratchilari roʻyxatida hisobga olingan yoki olinmagan, gijohvandlik va spirtli ichimliklar ichishga qiziqishi, oʻgʻirlik va bezorilikka moyil oʻquvchilar nazarda tutiladi.

Tarbiyasi qiyin bolalarning kelib chiqishining asosiy sabablaridan biri ularda oʻqishga nisbatan salbiy munosabatning paydo boʻlishidir. Odatda bunday munosabatning paydo boʻlishiga boshqa sabablar ham taʼsir koʻrsatishi mumkin. Jumladan, oʻquv faoliyati usuli, malakalari toʻla tarkib topmaganligi sababli nisbiy bilim olish bilan qanoat hosil qilish, oʻzlashtirish qobiliyatining sust rivojlanganligi, muayyan vaziyatlarda hukm va xulosa chiqarishda qiyinchilikka duch kelish, oʻqituvchilar tomonidan oʻquvchiga obyektiv baho bermaslik, oʻqituvchining boladagi individual – psixologik va intellektual imkoniyatiga yetarlicha eʼtibor bermaslik, oʻqitish saviyasining pastligi, darslarni qiziqarsiz oʻtilishi va boshqalar.

Tarbiyasi qiyin bolalarning kelib chiqishining yana bir sababi – ularning sinf jamoasi va turli xil jamoatchilik tashkilotlari bilan yaxshi aloqada boʻlmasligidir.

Oʻquvchi bilan jamoa fikrining mos kelmasligi uning jamoa ichida oʻz oʻrnini borgan sari yoʻqotib borishiga sabab boʻladi. Unutmaslik kerakki, oʻsmirning har bir harakati u bilan hisoblashish kerakligidan boshqa narsa emas. Shuning uchun jamoa aʼzolari bunday oʻsmirning qarashlarini vaqti – vaqtida hisobga olishlari yaxshi natija beradi. Oʻsmirning fikr va qiziqishlarini jamoaning qoʻllab -quvvatlamasligi yoki beparvoligi uni qonunbuzarlikka undaydi va xulq ogʻishining kelib chiqishiga imkoniyat yaratadi. Natijada oʻsmir uchun kelajak rejalarining poymol boʻlish xavfi tugʻiladi. Oʻqishdan va jamoadan yuz oʻgʻirgan oʻsmir oʻz kelajagini, orzu – umidlarini maktab va jamoa faoliyatiga bogʻlashdan koʻra, yangi ulfatlari bilan aloqa qilishni afzal koʻradi va boshqa kishilardan najot izlaydi. Natijada oʻsmir nosogʻlom xulqli bolalar toʻdasiga tushib qoladi va ular xulq – atvoriga xos boʻlgan xarakterga ega boʻladi.

Oilaviy sharoitning salbiy taʼsiri ham tarbiyasi ogʻir oʻsmirlarning kelib chiqishiga sabab boʻladi. Ayrim oilalarda bola uchun zaruriy imkoniyatlar mavjud emasligi sababli u noxush holat bilan yolgʻiz kurash olib borish kechinmalari bilan yashaydi. Oʻsmir dunyosida oilaviy sharoitga nisbatan paydo boʻlgan norozilik hissi kundan – kun avj olib, ichki qoʻzgʻolonga aylanib boradi.

Bundan tashqari ota-ona oʻrtasidagi munosabatlarning nosogʻlomligi, baʼzi ota – onalarning spirtli ichimlikka roʻju qoʻyishlari ham oʻsmirning ruhiy dunyosiga salbiy taʼsir koʻrsatadi.

Shu oʻrinda bolalar va oʻsmirlarda xulq ogʻishi va tarbiya buzilishining kelib chiqishiga taʼsir etuvchi sabab va omillarni oʻrganar ekanmiz, ularning subyektiv va obyektiv koʻrinishlarini bir – biridan farqlash lozim boʻladi.

Xulq og'ishi va tarbiya buzilishining subyektiv sabablariga – o'smir shaxsining qiziqish va extiyojlari, dunyoqarash va ma'naviy olami, maqsad va yo'nalishlari, qadriyatlarini, huquqiy ongi, hayot rejalarini, turmush tarzi va motivlari kiradi.

Obyektiv sababalar sifatida jamiyatdagi nosog'lom muhit, shart – sharoit, iqtisodiy va siyosiy barqarorlik, kichik ijtimoiy guruhlardagi ijtimoiy – psixologik muhit, kishilar bilan bo'ladigan o'zaro shaxslararo munosabatlar namoyon bo'ladi.

Xulq og'ishi va tarbiya buzilishining kelib chiqishi sabablarini aniqlash eng avvalo, u yuzaga kelgan ijtimoiy muhit xususiyatlarini o'rganib chiqishni taqozo qiladi. Chunki xulq og'ishini umumiy ko'rinishda oladigan bo'lsak, u biror bir shaxsga xos bo'lgan subyektiv xulq-atvor natijasi emas, balki subyektiv va obyektiv jarayonlar, shart-sharoitlar, munosabatlar natijasi sifatida yuzaga keladi. Shu nuqtai nazardan olib qaralganda ijtimoiy jarayonlarning individual xatti – harakatlarga ta'siri masalasiga oydinlik kiritish zarur bo'ladi.

Inson ijtimoiy munosabatlar qurshovida yashaydi. Ijtimoiy munosabatlar va jarayonlarning shaxsga ta'siri masalasi ijobiy yoki salbiy ko'rinishda bo'lishi mumkin. Individga ijtimoiy jarayonlarning ijobiy yoki salbiy ta'sir etishi birinchidan, individual – psixologik xususiyatlariga bog'liq bo'lsa, ikkinchidan, ijtimoiy muhit voqea hodisalari va shart – sharoitlari mazmuniga ko'ra namoyon bo'ladi. Ya'ni ijtimoiy muhitning sog'lom yoki nosog'lomligi va uning ta'sirchanlik darajasiga ko'ra, individga u yoki bu ko'rinishda ta'sir etadi va jinoyatchilik xulqining kelib chiqishi uchun qandaydir ma'noda imkoniyat yartadi.

Shaxs xulq - atvoridagi buzilish ijtimoiy muhitning o'ziga xos jihatlari, ya'ni sog'lom va nosog'lomligiga, individning fe'l – atvori, xarakter xususiyatlari, ijtimoiy me'yorlar va shaxs o'rtasidagi ziddiyatlar hamda ularning zo'rayib borishi kabilarga bog'liq bo'ladi. Shaxsning dunyoqarashi, ya'ni qadriyatlar orientatsiyasi, ijtimoiylashuvi va individual hissiyotlarning ijobiy tarzda shakllanishi va namoyon bo'lishi kishini jamiyat va insoniyat uchun foydali bo'lgan xatti – harakatga undaydi.

Shuningdek, oilada bolalarga tarbiyaviy ta'sir etish sifatini oshirish uchun ota – ona va oilaning katta a'zolari tomonidan bolaga qo'yiladigan talablar va ularga tarbiyaviy ta'sir o'tkazishda so'z bilan ish birligi bo'lsa, yaxshi natija beradi. Oilada bunday birlikning bo'lmasligi, bola xulq – atvoriga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ko'proq bolalar va o'smirlar bilan munosabatda bo'lishda ularning yosh xususiyatlariga, psixologiyasiga e'tibor bermaslik, oilalarda bir - birini haqoratlash, do'q – po'pisa va zulm o'tkazish asosida qilinadigan munosabat bolalarda qo'rqqoqlik, asabiylik, yolg'onchilik, shafqatsizlik, qo'pollik, andishasizlik kabi sifatlarning shakllanishiga olib keladi.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, ota – onalar yoki oilaning katta a'zolari bolalar bilan munosabat o'rnatishda ular bilan hamfikir, do'st kabi munosabatda bo'lsalar, bolalarda o'zini-o'zi baholash, berilgan topshiriqlarga mas'uliyat bilan yondashish hissiyotining shakllanishiga olib keladi. Shuni unutmaslik kerakki, tashqi muhit yoki ijtimoiy hodisalar har doim ham xulq og'ishi va tarbiya buzilishining kelib chiqishi uchun asos bo'lib xizmat qilmaydi. Qachonki, ijtimoiy hodisalar va individ o'ratsida qarama-qarshilik va ziddiyatlar yuzaga kelsa, jamiyatda hukm surayotgan ijtimoiy normalar individ tomonidan qabul qilinmasa hamda ijtimoiy muhitda xulq

og'ishining kelib chiqishi uchun yetarlicha shart – sharoit mavjud bo'lsa, xulq og'ishi kelib chiqishi mumkin.

Adabiyotlar ro'yxati :

1. Ta'lim tizimida psixologik xizmatni amalga oshirishda psixodiagnostika vositalaridan foydalanish (Umumta'lim maktablari, kasb – hunar kollejlari, akademik litsey va tashxis maktablari psixologlari uchun uslubiy qo'llanma) /Tuzuvchi psixol.fan.nomz.,dot. N.A.Sog'inov. – Toshkent – 2001. – 40 b.

2. Umarov B.M. O'zbekistonda voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining ijtimoiy – psixologik muammolari. Monografiya. – Toshkent, "Fan" nashriyoti – 2008, 314 b.

3. Umumiy o'rta ta'lim muassasa o'quvchilarini kasbga moyilligini aniqlovchi psixologik tashxis metodikalar (Amaliyotchi psixologlar uchun metodik qo'llanma). /Tuzuvchilar psixol. fan. nomzod, dotsentlar R.I. Sunnatova, N.A.Sog'inov – Toshkent 1999. – 52 b.

4. Yodgorova G.T., Avlayev O.U. Tarbiyasi qiyin, qaltis guruhga mansub bolalar bilan ishlash (Uslubiy qo'llanma) T.: 2007 y.

5. Shoumarov G'.B. , Sog'inov N.A., Habibullayev F.G'. oilani o'rganish psixodiagnostika metodikalari. – T.: 1998 y.

6. Воспитание трудного ребенка: дети с девиантным поведением. М.И. Рожкова. " ВЛАДОС " , 2003 г.

7. Личко А.Е. О динамике акцентуаций характера. Л., 1981 г.

КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Усмонжонов Асилбек Улугбек ўгли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Психология йўналиши 4-курс талабаси

Баркамол авлод камолоти ғоясини турмушга тадбиқ этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий маънавият, миллий таълим ва тарбия муаммоларини ҳал қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Масъулият ҳисси анъанага кўра, ё “қонун ташувчи”, ё алоҳида топшириқни бажарувчи сифатида, ёки оддий ҳаётий кундалик қоидаларни бажарувчиси сифатида чиқувчи субъектнинг ролини ўзгартириш орқали тадқиқ этилган. Шу сабабли реал масъулиятлилик хулқнинг ташқи кўрсаткичи бўлиб, у ёки бу юклатилган вазифанинг амалга ошириш меъёри бўлиб хизмат қилган. Масъулиятлилик эса концептуал равишда кўпинча шахс сифатида кўрилиб, шундан барча экспериментлар шакллантирувчи характер касб этган.

Мутахассис шахсининг шаклланиш муаммоси қоида бўйича у ёки бу мутахассислик фаолиятида зарур бўладиган сифатлар, қобилиятлар, билим, кўникма, малакалар тизимида ўрганилади. Бу турдаги тадқиқот касбий таълимни оптималлаштириш учун ўта муҳим бўлиб, таълим жараёнида шахсининг қайси хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш учун эътибор қаратилиши кераклиги ҳақида билимлар беради.

Касб танлашни шундай ҳолда анланган деб айтиш мумкинки, агар шахснинг фаоллиги унинг кейинги ижодий ва маънавий кучларини муваффақиятли ривожланишини давом этишига умид бўлса, яъни шахс ва меҳнат ўртасида шундай ўзаро муносабатларга олиб келса шахснинг бундай ривожланишини башорат қилишни асосий шартларидан бири касбий йўналганликнинг юқори даражаси ҳисобланади.

Шахснинг касбий фаолиятга “кириши”, касбий таълим шахснинг шаклланишининг муҳим босқичи ҳисобланади. Бунда шахсий касбий ўзига хосликлар нафақат бевосита касбий фаолият соҳасида балки одамнинг ҳаётий фаолиятининг барча соҳасида намоён бўлади. Кундалик ҳаётда биз сезамизки касбий мансублик одамда, унинг тафаккурида, хулқ-атворида, оламга муносабатида ўзига хос из қолдиради (мисол сифатида машхур ажратишни келтириш мумкин “физиклар” ва “лириклар”).

Ушбу феномен бизнинг нуқтаи-назаримизча “касбий йўналганлик” тушунчаси билан тўғрироқ аниқланади. Йўналганлик ижтимоий-психологик установкалар, идрок услублари, ҳис этиш ва фикрлаш услублари сифатида тушунилади. Йўналганлик жамоавий онгнинг кундалик кўринишини ифодалайди.

Шахснинг касбий йўналганлиги ўз ичига эҳтиёжлар, қизиқишлар, мотивлар, установкалар, лаёқат, қобилиятларни қамраб олади. Буларнинг барчаси таълим жараёнида ҳисобга олиниши талабанинг етук мутахассис бўлиб етишиши ва ўз фаолиятини самарали амалга ошириши асоси ҳисобланади.

Касбий масъулият ва у шахснинг психологик, индивидуал, шахсий хусусиятларига боғлиқлиги масалалари бир қатор хориж психологлари томонидан турли мутахассисликдаги талабаларда ўтказилган тадқиқот ишлари, илгари сурилган назариялар, ёндашувлар, турли фикрлар орқали очиб беришга ҳаракат қилинган.

Мутахассислаштиришни ўрганувчи концепциялардан кўпроқ машхур бўлгани, уни бутун, узлуксиз жараён тадқиқ этувчи Сьюпер ва Т.В Кудряцевалар ҳисобланади.

Сьюпернинг кенг маълум бўлган концепцияси 50-йилларнинг ўрталарида ривожлана бошлади ва мутахассислаштириш муаммосини тадқиқ қилиниши шахсий статистик ёндашувга хос реакцияси бўлди.

Т.В.Кудряцеванинг концепциясини асосий тузулиши “касбий шаклланиш” тушунчаси орқали кўриниши мумкин. Касбий шаклланиш бирор бир касбий таълим муассасасининг таълим ва тарбия даврини қамраб оладиган қисқи муддатли фаолият эмас. У бир неча босқичларни қамраб олувчи жараён ҳисобланади. Ҳар бир босқичга ўтиш аввалгисининг кечишида амалга оширилади ва субъектда бир қатор қарама-қаршиликларни ва ҳаттоки кризисли вазиятларни келтириб чиқариши кузатилади.

Касбий шаклланишнинг ушбу даври психологик жиҳатдан жуда кўп тадқиқ этилган. Бунда қоида бўйича талаба шахси психик тараққиётининг алоҳида кўрсаткичлари кўрилади. Бизга маълумки касбий йўналганликда ва мутахассиснинг шаклланишида талабанинг турли индивидуал хусусиятларини ривожланиши ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада Б.В.Блинов ва В.П.Петровларнинг олиб борган тадқиқот ишларига эътибор қаратишимиз зарур.

Ушбу тадқиқотда ўзаро “ривожланиш мезони” бўйича фарқланадиган бешта хусусиятлар ажратилган, яъни уларда таълим олиш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар даражаси.

В.Н. Мясищевнинг боланинг маълумотларига оралиқ тушунча (лаёқатлар ва қобилиятлар орасига) киритиш нуқтаи-назари эътиборга моликдир. Маълумотлар – бу ҳали қобилият бўлмаган ва лаёқатларнинг мувофиқлиги билан шартланган нисбатан элементар психик ўзига хослик. “Қобилиятлар анализи уларнинг тузилишида умумийроқ ва оддийроқ хусусиятларни аниқлаш имконини беради, қайсики улар ўзининг уйғунлигида, энг асосийси ўзи ишланганлигида қобилиятларга айланади. Маълумотлар деб аталувчи бу элементар хусусиятлар ўзида келажакда қобилиятлар шаклланиши мумкин бўлган материалларни намоён этади”.

Мутахассис шахси шаклланиши муаммосига бағишланган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, касбий шаклланиш етарли даражада ўрганилмаган деган хулоса келтириб чиқаради. Биз бу ерда катта ижтимоий гуруҳларнинг психик тузилишининг умумий йўналишларини шаклланганлигини назарда тутяпмиз. Катта гуруҳларнинг ижтимоий психологик анализи индивиднинг психикасини билишга калит сифатида қаралади, модомики “инсон психикасининг ижтимоий-аҳамиятли сифатлари таркиби айнан макросоциал даражада шаклланади”.

Хулоса қилиб айтганда, касбий масъулият шахсининг мотивлар тизимининг сифатий ўзига хослиги, у касбий ўз-ўзини англаш тизимида қизиқишлар ва шахсни бирлигини намоён этади. Касбий йўналганлик даражасини ошириш унинг ривожланишини асосий таркибини ташкил этади. Етук мутахассиснинг камол топишида ва фаолиятини муваффақиятли амалга ошира олиши танланган касбнинг талабларига шахсининг мойиллиги ва қобилиятларини мос тушиши муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Климов Е.А. Как выбирать профессию. - М.: Просвещение, 1990. - 159 с.
2. Акрамов, М. Р. (2014). Психолого-педагогические особенности экологического образования. *The way of science*, 78.
3. Акрамов, М. Р. (2015). Шахс ички зиддиятларининг табиатга бўлган муносабатидаги ифодаси. *Современное образование (Узбекистан)*, (10).
4. Акрамов, М. Р. (2020). Психологические аспекты формирования экологического сознания личности. *Science and world*, 80.

БОЛА ШАХСИНING РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

*Акбарова Мушарраф Мансуралиевна
Наманган вилояти Чуст тумани 16-мактаб*

Инсон ривожланиши-жуда мураккаб жараён. У ташқи таъсирлар ва ички кучлар таъсирида содир бўлади. Ташқи омилларга инсонни ўраб турган табиий ва

ижтимоий муҳит, шунингдек болаларда муайян хислатларни шакллантириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият киради. Ички омилларга эса биологик, ирсий омиллар киради.

Ривожланиш жараёнида бола фаолиятнинг ҳар хил турларига (ўйин, меҳнат, ўқув, спорт ва бошқа) жалб қилинади ва мулоқотга киришади (ота-она, тенгдошлар, бегона кишилар ва бошқалар билан). Бунда у ўзига хос бўлган фаолликни намоён этади. Бу эса ўз навбатида, муайян бир тажрибани эгаллашга ёрдам беради. Бола ривожланишининг ҳар бир даври учун фаолият турларидан бири асосийси, етакчиси бўлади. Бу тур бошқаси билан алмаштирилади, бироқ ҳар бир фаолиятнинг янги тури олдингисининг ичида юзага келади.

Бола туғилишидан бошлаб нормал ривожланиши учун мулоқот муҳим аҳамиятга эга. Фақатгина мулоқот жараёнида бола инсон нутқини ўзлаштириб олиши мумкин. Бу ўз навбатида бола фаолиятида ва атроф-муҳитни билиш ва ўзлаштиришда етакчи вазифани бажаради. Инсондаги биологик ва ижтимоий омиллар-бу бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки параллел чизиқлар эмас. Ҳар бир шахсда улар шундай чамбарчас қўшилиб кетадики, уларнинг фарқлари шундай турли-туманки, тадқиқотчилар бола ривожланиши асосида икки ўта муҳим бўлган омилни: ирсият ва муҳитни ажратади, Улар (ирсият ва муҳит) инсон ривожланиши манбалари ва шартлари ҳисобланади. Биологик ирсият инсонни инсон қиладиган умумийликни ҳамда инсонларни ташқи ва ички жиҳатдан турли қиладиган фарқланишни аниқлайди. Ирсият деганда болалар генетик дастурига киритилган муайян хислат ва хусусиятларнинг ота-онадан болага турли хил ўхшашлик, хусусиятларнинг ўтиши тушунилади. Ирсиятга кўра болага ота-онасидан инсон организми, асаб тизими, мия ва ҳис-туйғу органлари, шунингдек, қомат тузилиши, соч, тери ранги ўтади. Булар инсонни бошқа инсонлардан ажратиб турувчи ташқи омиллар ҳисобланади. Бола қобилиятларининг намоён бўлиши унинг ҳаёт, таълим-тарбия жараёнларига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда бола ривожланишига экологик муҳит, атмосферанинг бузилиши каби ташқи омиллар ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида жисмоний нуқсонли бўлиб туғилаётган болалар сони кўпаймоқда. Бундай болаларнинг муомалага киришиши ва фаолият юритиши ниҳоятда оғир кечади. Шунинг учун уларга ўқитишнинг янги методлари жорий қилинмоқда ва бу методлар уларнинг ақлий ривожланишга эришишларига ёрдам беради. Жисмоний нуқсонли болалар билан махсус педагоглар шуғулланишади.

Тананинг вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти-булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши даркор. Бу рухий имкониятларнинг чиндан ҳам ривожланмоғи, рўёбга чиқмоғи учун бола фақат ўсибгина қолмай, балки шу ўсиш жараёнида инсонлар орасида яшамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак. Шунда боланинг нимага, қандай соҳага лаёқати борлиги намоён

бўлади. Туғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, гўё у “мудроқ” ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши, ривожланиши учун қулай муҳит керак.

Жамиятнинг қанчалик ривожланганлиги оила фаровонлигида, шахснинг камолотида кўриниши мумкин. Ёки шахснинг баркамоллиги, оиланинг тўла-тўқислигига қараб, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий аҳволини билиш мумкин. Чунки, шахс-оила-жамият муносабатлари ўзаро мустақкам боғланган. Шунинг учун шахс оила-жамият муҳитида шаклланади, камол топади. Абу Али Ибн Сино жамоадан, жамиятдан ажралиб тарбия топган боланинг бахтсиз бўлиб қолишини таъкидлайди. У айниқса оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши қилиши керак. Агар оилада тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса оила бахтли бўлади, деган фикрни илгари суради. Абу Наср Фаробийнинг фикрича, “инсоннинг ва жамиятнинг ақлий ва ахлоқий мукамалликка эришуви инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир”. У инсон камолотида таълим-тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб; “муносиб инсон” бўлиши учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришади, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий кадр-қимматни ва амалий фаолиятни яширишга олиб борадиган йўлдир, дейди.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишчанлик керак. Бу фазилятлар фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилятлардир. Гарчанд инсон камолотига таъсир этадиган омиллар бир қанча бўлса ҳам, лекин махсус тарбия муассасаларида тарбиячи раҳбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида турли фазилятлар ўзлаштирилади ва билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникмалар, малакалар ҳам тарбия орқали ҳосил қилинади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб, шахсни камолга етказиш мумкин. Масалан, кўзи ожизлар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам бартараф қилиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Шу туфайли, у шахснинг камолга етишини тезлаштирувчи рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон фақат фаолиятда ривожланади. Бола жуда ёшлигидан бошлаб катталар ёрдамида ташқи муҳит билан алоқада бўлади. Мактаб ёшида бу алоқалар ўқиш ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан ююқланади ва булар ривожланиш учун манба саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. Тошкент. Ўқитувчи. 1992 йил.
2. “Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари”. Тошкент. Фан. 1990 йил.
3. А. Ж. Жўраев. Тарбиявий дарсларни ўқиш. “Ўқитувчи”. 1994 йил.
4. А. Н. Фаробий. “Фозил одамлар шахри”. Тошкент. 1993 йил.

BOLA SHAXSIDA SALBIY O'ZGARISHLARNI KELITIRIB CHIQRUVCHI TASHQI TA'SIRLARINING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI

Otamurodova Zulayxo Ziyodullayevna
Navoiy viloyati Karmana tumani 17-maktab

Annotatsiya: *Mazkur maqolada bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarda izchil olib boriladigan vazifalar, hamda bola ruhiyatidagi o'zgarishlarni tartibga soluvchi talablar yoritilib, muammo va yechimlar yuzasidan nazariy va amaliy ma'lumotlar ochib berilgan.*

Kalit so'zlar: komil inson, yetuk shaxs, axloqiy fazilatlar, mas'uliyat, e'tibor va daraja, kechirish va kechirimli bo'lish

Farzand-yaratganning ota-onaga eng yuksak in'omi. Farzand qalbi esa xudoning ota-ona qo'liga parvarishlash uchun bergan eng katta omonati. Ota-onalar hamisha farzandiga hamisha vaqt ajratish ularni xudoga e'tiqodli, odamlarga ishonchi baland qilib tarbiyalash hamda hayotdagi eng ishonchli do'stiga aylanishi lozim.

Kattalar doim uch narsani bolalardan o'rganishlari lozim. Bular hech bir sababsiz xursand bo'la olishni, nima bilandir doimo shug'ullanishni, o'zi xohlagan maqsadiga erishish uchun butun vujudi bilan intilishni.

Pedagogik nuqtai nazar bilan qaraganda, o'ylaymanki bolani komil inson qilib tarbiyalash, kelajakda yetuk bir shaxs sifatida ko'rish har bir ota-ona uchun katta baxt. Buning uchun bola tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi atrof-muhitda sodir bo'layotgan voqealar (ichkilikbozlik, jinoyatchilik, o'g'rilik, birovni g'iybat qilish, yolg'on gapirish, birovni ko'ra olmaslik, bolani oldida qo'pol so'zlardan foydalanib so'kinish (ba'zi ota-onalar ataylab bolalarga so'kinishni o'rgatishadi)), uyda muntazam bolani ko'z oldida ro'y beradigan oilaviy janjallar, bola shaxsini kamsitilishi, uni o'z menligini anglashiga xalaqit qilish, qobiliyati ustida ishlamaslik kabi va yana bir qator sabablardan bolalarni yiroq tutish lozim. Bilamizki bola besh yoshigacha diniy va dunyoviy bilimlarning 70 % ini egallaydi. Demak, bolam hali yosh deydigan ota-onalarga eslatma sifatida aytmoqchiman. Aziz ota-onalar! Biz bolalarimiz uchun dunyodagi eng yaxshi inson hisoblanamiz va biz beradigan tarbiya kamchiliklar, xatoliklar bo'lmasligi lozim. Bolani oldida har qanday vaziyatda ham o'zimizni tuta bilishimiz, biz qilayotgan har bir harakatimiz va berayotgan tarbiyamiz bilan uning xotirasi va ong ostida yomonliklar, uning shaxsiga ta'sir ko'rsatuvchi salbiy holatlar saqlanib qolishiga sababchi bo'lmaylik!

Xayol qiling: oldingizda bir piyola choy turibdi. Unga bir qoshiq shakar qo'shing. Lekin aralashtirmang. Ichib ko'ringchi, shakarning mazasi chiqdimikan? Albatta, yo'q. Piyolaga biroz boqib turingda, so'ngra choydan ho'plang. Xo'sh? Maza kiribdimi? Menimcha, yo'q. Vaqt o'tib, choy sovib boryapti, biroq siz hali biror ho'plam shirin choy icholganingiz yo'q. Bu turishda choy sovib, oxiri hech kim ichgisi kelmay ham qoladi. Bola tarbiyasini ham xuddi shunga o'xshatish mumkin. Ya'ni bola bir piyola choy kabidir. Siz unga o'rgatayotgan axloqiy fazilatlar esa shakar kabidir. Bolaga tarbiyani to'g'ri yo'naltirmas ekansiz, shakarning mazasini bila olmaysiz.

Ko'pchilik bolasiga men sening kelajakda muhandis yoki fan olimi yoki shifokor yoki boshqa nufuzli soha egasi bo'lishingni istayman deydi. Lekin kimdir "Qayerda bo'lsang ham, barakali bo'lsang bo'ldi", deydi. Mana shu jumla biroz fikrlashga undaydi. Bolalarga shuni uqtirishimiz kerakki, u tanlagan yo'l yoki erishmoqchi bo'lgan maqsadiga halollik bilan, to'g'rilik bilan va o'z kuchi bilan erishmog'I lozimligini va har bir qiladigan ishini barakasi bo'lishi lozim. Barakali farzand salohiyatli bo'ladi.

Bola shaxsini shaxs sifatida shakllanishida salbiy ta'sir ko'rsatuvchi jihatlardan biri bu yolg'onchilikdir. Bunga bir hikoyani misol qilmoqchiman.

"Farzand yolg'on gapirsa"

Tirik ekanman bir kuni olloh tahmat qilgur otamdan olgan darsimni hech unutmayman. O'sha kuni noto'g'ri ish qilib qo'ygan edim. O'rtoqlarim bilan o'yinga berilib, otam bilan bir muhim uchrashuvimizdan kech qolib ketdim. Otam nega kech qolganimni so'raganida haqiqatni aytishdan qo'rqib yolg'on gapirdim. Otam kech qolishimning haqiqiy sababini bilar edi. Endi meni qattiq koyib, og'ir jazoga tortsa kerak, deb kutdim, lekin olloh rahmat qilgur otam menga muhabbat bilan qarab, shunday dedi: "O'g'lim, men sendan uzr so'rayman, chunki menga yolg'on gapirishingga majbur qildim. Qachondir senga qilgan muomalam tufayli menga ochig'ini aytishdan qo'rqadigan qilib qo'ygan bo'lam kerak. Hechqisi yo'q, o'g'lim. Bugun o'zimga jazo sifatida uyga piyoda qaytaman. O'zimni sarhisob qilib, xatoyimni topaman. Sen xijolat bo'lma, sen emas, men mas'ulman". Men o'sha kuni mas'uliyatni ko'tarishni amaliy o'rgandim....

Hikoyaning mazmunidan kelib chiqadigan bo'lsak, farzandlarimiz yolg'on gapirsa asl sabab kimda ekanini bir o'ylab ko'raylik. Balki, biz uni yolg'on gapirishga majbur qilgandirmiz. Balki, o'zimiz bilmagan holda ibrat bo'lgandirmiz. Bolalarga pand-nasihat sifatida Luqmoni hakim "Yolg'on gapirishda juda ehtiyot bo'ling, chunki yolg'on ditingizni buzadi va odamlar oldida obro'sizlantiradi. Natijada e'tibor va darajangizni yo'qotasiz",- deya o'z fikrlarida ta'kidlab o'tganlar.

Bolangizga ruhiy va jismoniy zo'ravonlik qilayotganingizda nega bunchalik tinchlanishingizni hech o'ylab ko'rganmisiz? Yoxud bolangizga jahl-g'azabingizni sohib qilgan muomalangizni xotiningiz, eringiz, do'stingizga yoki aka-uka, opa-singlingizga qila olarmidingiz? Bolasiga tarsaki tushirishga o'rganib qolgan juda ko'p ota-onalarni ko'rdim. Agar bolangizga qilgan muomalangizni atrofingizdagi odamlarga qilganingizda, ishonchim komilki, yoningizda hech kim qolmasdi! Xullas, nega hech kimga qilolmaydigan muomalangizni bolangizga xotirjam qilasiz, bilasizmi? Chunki u sizga muhtoj! Sizga ham xuddi unga qilgan muomalangizni qilolmaydi! Sizni tashlab ketolmaydi, yoxud baqirib-chaqirolmaydi. Faqat jim bo'ladi yoki yig'laydi. O'n daqiqadan keyin kelib, hech narsa bo'lmagandek, siz uni og'rintirmagandek, jajji yurakchasi hech og'rimagandek yana bo'yningizdan quchadi. Siz o'zingizga shunday qo'pollik qilgan odamni juda tez kechirib yuborasizmi? KECHIRMAYSIZ!!!! o'n daqiqa oldin sizni haqorat qilib, yuzingizga tarsaki tushirgan kimsani o'n daqiqadan keyin asli qucha olmaysiz! Bag'ringizga bosmaysiz! Sizni urib haqorat qilgan kishini "Koshki meni bag'riga bossa" deb o'ylamaysiz. Siniqligingiz qalbingizda dard bo'lmaydi. Bo'yningizni qisib-qimtib o'tirmaysiz. Lekin bolangiz bo'ynini bukadi, qisinib-qimtinib turadi. Siz uni urasiz, lekin u sizdan uzr so'rab, kechirishingizni kutadi. Kaltakni yeydiyuu, sizni xafa qilganini o'ylab jajji yurakchasi siqiladi. Sizni bir

zumda kechirib yuboradi. Hatto kaltak yegani uchun o'zini aybdor his qiladi. Bolajonlar nihoyatda mas'um. Ularning bu mas'umliklaridan foydalanmang! Jismonan sizga hech narsa qila olmaydilar, lekin ruhan sizni tark etadilar! Ko'ngillarining tub-tubida siz tirnagan jarohatlar izi qoladi. Islohi mushkul holatlarga tushirasiz. Urish, haqorat qilish-kishining ojizligidan dalolat. Gaplashish, tushuntirish, o'rgatish uchun inson himmatli va zakiiy bo'lishi kerak.

Agar bola qilish mumkin bo'lmagan biron ishni qilsa.....

Muammo: Bolaning mitti miyasi turli g'oyalarga to'la. Ularning hammasi ham onaga ma'qul kelavermaydi. Bola onasi noma'qul deb hisoblaydigan o'yin o'ylab topgan bo'lsa nima qilish kerak?

Yechim: Shunchaki ta'qiqlagandan ko'ra, bolaga boshqa yo'lni xayrixohlik bilan taklif qilgan yaxshiroqdir. Shunchaki "mumkin emas" deyish o'rniga qanday qilish "mumkin"ligini o'rgatish kerak.

Muammo: Ona hatti-harakatlarini tarkibiy qismlarga bo'ladi va ularning har biri uchun maqbul yo'lni o'ylab topadi. U bolasi biror noma'qul ish qila boshlashi bilan to'xtatadi. Shunda uning to'xtashi va onasi tomonidan taklif qilingan yo'llarning qaysi biri o'ziga ko'proq to'g'ri kelishini o'ylab ko'rishi osonroq.

Yechim: Karavotda sakrash kerak emas. Sen karavotda yotishing yoki polda sakrashing mumkin.

Muammo: O'ylab topilgan g'oyani amalga oshirishdan shunchaki voz kechgandan ko'ra ikkita yo'ldan o'z maqsadlariga ko'proq mos keluvchisini tanlashga rozi bo'lish bolaga ancha osonroq. Kattalar bola maqsadlarining aksariyatini amalga oshirishning maqbul yo'llarini topishlari mumkin.

Yechim: Otmoqchi bo'lsang mana senga ko'ptok. Yoki telefon bilan ehtiyot bo'lib o'yna.

Muammo: Tanbeh berishda oldin ona aynan nima noma'qul ekanligi ustida o'ylanib ko'radi. Bu unga bola tomonidan o'ylangan hatti-harakatning boshqacha turini topishga yordam beradi.

Yechim: Oshxonada suvni faqat ichamiz. Suvni hammomda quyish mumkin.

Muammo: Ona xotirjam ishonch bilan so'zlaydi-u bolani jazolamaydi, balki unga hali notanish bo'lgan qoidalarni tushuntiradi.

Yechim: Yo oyoq kiyimingni yech, yoki boshqa joyda o'yna!

Muammo: Bola o'ynash joyini almashtirishi yoki ketgisi kelmasa, shu joyda boshqa bir ish qila boshlashi, o'rtasida tanlovni amalga oshirishi mumkin.

Yechim: yo chetga o'tib tur, yoki bu yerda boshqa o'yin o'yna.

Muammo: Bola umuman yo'l qo'yib bo'lmaydigan biron ishni qilgan taqdirida ham ona achchiqlanmasligi kerak, shunchaki u hozircha o'zini nazorat qila olmaydigan yoshda ekanligini tushunadi. Ona bolani jazolash emas, unga yordam berishi kerak.

Yechim: O'ysisini silash mumkin, urishni xohlasang yostiqni ur.

Muammo: Bola uchun bir xildek tuyulgan hatti-harakatlar nimasi bilan farqlanishini ko'rsatish va tushuntirish muhimdir.

Yechim: Ha, muhim. Siz bolangizga kitoblarni biz ehtiyotkorlik bilan ko'ramiz. Agar sahifalarni yirtgning kelsa, mana senga eski jurnal deyishingiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1.E.G'oziyev "Yosh davrlari psixologiyasi"

2. Jaloliddin Rumi “Qalb ko’zingni och”
3. “Bolalarimiz bamisoli javhar, lekin biz temirchimiz” kitobi
4. “Yoshlarning innovatsion faolligini oshirish, ma’naviyatni yuksaltirish va ilmfan sohasidagi yutuqlari mavzusidagi Respublika ko’p tarmoqli, ilmiy-amaliy konferensiya materiallar to’plami” jurnali 2020 yil 31 avgust 3-son

TALABALAR O’QUV FAOLIYATINING XUSUSIYATLARI

Nabiyeva Odina Rafikjonovna
Namangan Davlat Universiteti tayanch doktoranti

Kalit so’zlar: Talabalar - moddiy va ma’naviy ishlab chiqarishda ijtimoiy hayotga va mutaxassislikka oid rollarni muayyan qoida va maxsus dastur asosida bajarishga tayyorlanayotgan ijtimoiy guruh

Ta’lim-maxsus tayyorlangan mutaxassislar yordamida bilim berish va ulardagi ko’nikma hamda malakalarni shakllantirish jarayoni

Bilim-o’quvchilar ongida muayyan tartibda mustaxkamlangan ma’lumotlar, ilmiy nazaryalar, qonunlar, tushunchalardir.

Hozirgi eng dolzarb muammolardan biri oliy o’quv yurtlaridagi ta’lim-tarbiya ishlari samaradorligini keskin oshirishdan iboratdir. Chunki respublikamizning rivoji, ravnaqi va istiqboli ko’proq oliy maktab tayyorlayotgan mutaxassislarning mahoratiga bog’liqdir. SHuning uchun o’qitishning yangi ilg’or, faol usullarini qo’llash, oqilona vositalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Talabalar o’quv faoliyati muvaffaqiyatining muhim sharti oliy o’quv yurtidagi ta’lim jarayonining o’ziga xos xususiyatlarini o’rganish, diskomfort tuyg’usini bartaraf qilish, mikromuhitda yuz beradigan ziddiyatlarning oldini olishdan iboratdir.

Odatda quyi kurslardagi talabalar o’quv faoliyatini mumkin qadar to’laroq tasavvur etishga harakat qiladilar, lekin uni boshqarish to’g’risida yetarli ma’lumotga ega bo’lmaydilar. Ko’pincha ular o’quv faoliyatini boshqarish deganda, o’quv materiallari o’zlashtirilishini rejalashtirish, nazorat qilish, baholash kabilarni tushunadilar. Talabalar o’rtasida o’tkazilgan so’rovnoma savollariga bergan javoblardan ma’lum bo’lishicha, ularda o’quv faoliyati tizimini tasavvur etishdan tashqari, uni boshqarishning ayrim imkoniyatlari yuzasidan muayyan bilimlar ham bo’ladi. Tajribada ishtirok qilgan 730 nafar sinalluvchilarning 15 foizi shaxsiy faoliyatni boshqarish deganda o’zlashtirilayotgan o’quv materiallarini ko’p marta takrorlash jarayonini tushunadilar, uning bosh maqsadi matnning mohiyatini aniq anglashdan iborat deb biladilar. Masalan, «Materiallarni o’zlashtirish uchun ularni o’qiyman, takrorlayman, lekin hech qachon uni o’zlashtirish maqsadida oqilona yo’l, usul yoki vositalarni qidirib o’tirmayman...» Talabaning bu mulohazasi ana shu toifadagi barcha tengdoshlariga ham xosdir.

Ayrim talabalar o’z javoblarida biror xususiyatga ega bo’lgan materiallarni o’zlashtirishning usullarini ham yozganlar. Quyi kurs javoblaridan biri «Men avval o’quv materialini qismlarga ajrataman, so’ng ular o’rtasida mantiqiy uyg’unlikni

vujudga keltiraman, muhim va birlamchi alomatlarni topishga harakat qilaman. Mazkur materialni oldingisi bilan solishtiraman, o'xshash va farqli jihatlarini aniqlayman». Xuddi shunga o'xshash javoblar talabalarning to'rtidan bir qismidan olindi. Ularning 85 foizi o'quv faoliyatini boshqarishning ayrim tarkibiy qismlarini ifodalay olganlar. Ammo ko'pchiligi o'quv faoliyatini boshqarishning umumlashgan usullarini ta'riflash, anglash, faoliyatning harakatlarini qanday-tartibda amalga oshirishni tasavvur qilishdan ancha yiroqdirlar. SHunga qaramay, talabalarda taqqoslash, reja tuzish, maruza va birlamchi manbalarni konspektlashtirish bo'yicha ma'lum tushunchalar mavjud. Biroq, bu borada ham ayrim nuqsonlar uchrab turadi. CHunonchi talabalar rejalashtirish, konspektlashtirish, ta'limiy usullardan foydalanishga qo'yiladigan umumiy talablarni aniq ko'rsatishda qiynaladilar, muammo doirasidan chetlashadilar va hokazo.

Mana shu qiyinchiliklarni mohiyati va shakliga ko'ra uch guruhga ajratish mumkin:

1. Bilishdagi qiyinchiliklar: o'rta maktab va oliy o'quv yurtidagi o'quv materiallarining mazmun va ko'lami jihatdan keskin farqlanishi; oliy o'quv yurtida o'qitishning turli shakl va usullari (maruzalar, seminar mashg'uloti, kollokvium, sinov, bahs, amaliy mashg'ulot, maxsus praktikum, maxsus seminar, maxsus kurs va hokazolar) mavjudligi o'quv matni, maruza va seminar materiallarining murakkabligi, muammoligi, ilmiyligi, talabalarda mustaqil bilim olish malakalari yetishmasligi; ularning murakkab oliy ta'limga to'la tayyor emasligi.

2. Ijtimoiy-psixologik qiyinchiliklar: atrof-muhit va hayot sharoitining o'zgarishi; hayot va faoliyatning barcha jabhalarida mustaqillikka o'tilishi: irodaviy zo'r berish, qobiliyat, aqliy imkoniyatlar bo'yicha qat'iyatsizlik: masalan, sessiyalarda, o'qishdan haydalanishdan cho'chish, qo'rqish, xavfsirashning paydo bo'lishi.

3. Kasbiy qiyinchiliklar: oliy o'quv yurti mutaxassisligini tanlashdan ikkilanish; oliy maktab shart-sharoitlariga moslashish jarayonini noto'g'ri tasavvur qilish; ta'lim olish usullari va vositalarini ko'nikma, malaka va odatlarini egallashda orqada qolish, turli xususiyatga ega bo'lgan mutaxassislik — ixtisoslik amaliyotidan unumli foydalana olmaslik; nazariy bilimlar bilan amaliyotning ajralib qolgani; talabalarning professiogrammadan xabarsizligi yoki professiogramma talablariga javob beradigan kasbiy fazilatlarga ega emasligi.

Mana shu qiyinchiliklarning barchasi oliy maktab muhitiga moslashish bilan bog'liqdir. Tajribadan malumki, oliy maktab muhitiga moslashishda talabalarning o'ziga xos tipologik va yosh xususiyatlari, aqliy imkoniyatlari, aql-zakovati, axloqiy fazilatlari, etnik alomatlari ma'lum darajada rol o'ynaydi.

Qiyinchilikning asosiy sabablari talabalar o'quv faoliyatining to'g'ri usullarini bilmasligi, aqliy mehnatda kuch va imkoniyatlarni bir tekis taqsimlay olmasligidan iborat bo'lib, bular aqliy zo'riqishning negizi hisoblanadi. Talabalarda vujudga kelgan aqliy zo'riqish tasodifiy psixologik hodisa emas, uning zamirida shaxsiy o'quv faoliyatini oqilona boshqarish uquvining zaifligi yotadi.

SHunga ko'ra oliy o'quv yurti talabalari ko'pincha o'quv materiallarini o'zlashtirishda bu faoliyatni tasodifiy boshqarishga harakat qiladilar. Bunda muayyan materiallar mantiqiy harakat bilan eslab qolinsa, qolganlari mutlaqo diqqatdan uzoqlashtiriladi. Natijada ular ma'ruzaning bir qismini tinglaydilar, uning mohiyatini ba'zo'r angelaydilar, uni konspektlashtirishga ulgurmaydilar. O'quv yili mobaynida ana

shu holning davom etishi imtixon sessiyalarini talaba uchun qattiq sinovga aylantiradi. SHunga ko'ra oliy o'quv yurtining asosiy vazifalaridan biri talabani o'quv materiallarining asosiy manbalari bilan ishlashga o'rgatishdan, uning mustaqil bilish faoliyatini tashkil qilishdan, uni o'zini boshqarish usullari bilan tanishtirishdan iboratdir. Ma'lumki, oliy maktabda mustaqillik va mustaqil o'quv faoliyatini uyushtirish talab qilinadi.

Oliy ma'lumot olish talabaning maqsadga muvofiq, muntazam, rejali, izchil o'quv faoliyatini ta'limning barcha bosqichlarida amalga oshirishini taqozo etadi.

Oliy maktab psixologiyasi fanida talabalarning o'quv faoliyati auditoriya va auditoriyadan tashqari qismlarga ajratiladi. SHu bilan birga talabalar oldiga o'quv faoliyatining tarkibiy qismlari bilan bog'liq muayyan qoidalarga rioya qilib hal etiladigan masalalar ko'riladi:

- 1) qanday yo'l bilan auditoriyada to'g'ri o'qish va o'qitish mumkin?
- 2) qay yo'sinda auditoriyadan tashqari vaqtlarda mustaqil faoliyatning umumlashgan usullaridan foydalansa bo'ladi?
- 3) ma'ruzada talabaning aqliy faoliyati uchun optimal shart-sharoitlar qanday yaratiladi?
- 4) talabaning imtixon va sinovlarga tayyorgarlik saviyasini aniqlash imkoniyati bormi va hokazo. Mazkur fanda ma'ruzaning muhim beshta turi qonuniy ravishda tavsiflangan. Ular axborot beruvchi, yo'naltiruvchi, rag'batlantiruvchi, metodik, rivojlantiruvchi va tarbiyalovchi ma'ruzalar deb ataladi. Ana shu ma'ruzalarning sifatini baholashda quyidagilar hisobga olinadi:

1. Ma'ruzaning mazmuni (g'oyaviy-siyosiy yo'nalishi, ilmiyligi, ommabopligi, nazariya bilan amaliyotning birligi, empirik materiallar ko'lami, bayon qilish shakli va boshqalar).

2. Talabani o'ylashga, bosh qotirishga yetaklovchi materiallarning muammoli bayon qilinishi (uning darajalari, jabhalari, jihatlari, davriyligi kabilar).

3. Ma'ruzaning asosliligi (yaqqol dalillar bilan mustahkamlanuvchi nazariy qoidalarning haqqoniyligi, lo'ndaligi).

4. Ma'ruzaning mutaxassislar kasbiy tayyorgarligi darajasiga bog'liqligi (qay darajada, qay shaklda, qay yo'sinda).

5. Ma'ruzaning tizimi (rejaliligi, tartibliligi, yig'inchoqligi, umumlashganligi).

6. Ma'ruza o'qish usuli (ko'rsatmalilik, jonli nutq, his-tuyg'uga boyligi, material bayonining sur'ati, o'rinli to'xtalish, mantiqiy urg'u).

7. O'qituvchining talabaga munosabati (e'tiborliligi, talabchanligi, samimiyligi, mehribonligi, odobliligi).

8. Auditoriya bilan aloqa qilish (bevosita, jonli, yakkama-yakka, guruhiy, jamoaviy, uzluksiz, ahyon-ahyonda).

9. Talabalarning maruzadagi davomati (akademik guruhning to'la qatnashuvi, bir oz kamchiligi, umuman kamchiligi).

10. Ma'ruzani konspektlashtirish (ko'pchilik tomonidan, yarmisi, ayrimlari).

11. Maqsadga erishish (ishlab chiqilgan yo'llar, sinalgan vositalar, egallangan usullar, shaxsiy nuqtai nazarni bayon qilish, talabaning mustaqil holda ishlashi uchun imkoniyat yaratish va boshqalar).

Маълумки, oliy maktabdagi o'quv-tarbiya asosan talabalarda tafakkurning tanqidiyligi, mahsuldorligi kabi aqlning zarur tarkibiy qismlari shakllanishiga qaratilgan bo'ladi. Seminar mashg'ulotlarida o'qituvchi o'rganilayotgan muammo yuzasidan talabalarning bilimlarini tekshirishi, ularda tafakkurning mustaqilligini, mahsuldorligi va teranligini oshirishi, atrof-muhitga munosabatni shakllantirishi, ularga ilmiy nazariyalar, kontseptsiyalar bo'yicha shaxsiy fikrlarini bildirishni o'rgatishi kerak.

Seminar mashg'uloti talabaning o'z o'quv faoliyatini boshqarishida muhim rol o'ynaydi. Masalan, ta'limning turli shakllarida (mustaqil ishlar, to'garak mashg'ulotlari, ilmiy-tadqiqot, maruza va bahslarda olingan bilimlar yaqqollashadi, tartibga tushadi, yanada chuqurlashadi, mustaqil bilim olish malakalari o'sadi, aqliy mehnat usullari o'zlashadi, og'zaki va yozma nutq takomillashadi).

Oliy maktabda ko'pincha seminar mashg'ulotining ikki turidan foydalaniladi: **a)** seminar rejasiga kirgan masalalardan har birini alohida keng muhokama qilish; **b)** har bir talabaning o'rganilayotgan mavzu yuzasidan ma'ruzasini tinglash. Bizningcha, seminarning ikkinchi turi keng ko'lamda axborotlar almashishi imkoniyatiga ega. Chunki unda dolzarb muammolar, qonuniyatlar, xususiyatlar bo'yicha mulohaza yuritiladi va tegishli qarorga kelinadi.

Maruza va seminar mashg'ulotlari samaradorligini oshirish uchun quyidagi psixologik holatlarga e'tibor berish lozim:

1. Matn va birlamchi manbalar bo'yicha muhim va muhim bo'lmagan belgi hamda alomatlarini ajratish yoki mavhumlashtirish.

2. O'zlashtirilayotgan o'quv materiallarini o'z vaqtida tahlil qilib borish va umumlashtirish.

3. Talaba o'quv materialini idrok qilishi uchun aqliy faoliyatining barcha jabhalari bo'yicha yo'l-yo'riqlar berish.

4. O'qituvchi nutqidan xayolan ilgarilab ketib, uning yakunlovchi fikrini oldindan anglay olish va boshqalar.

SHunday qilib, maruza va seminar mashg'ulotlarining samaradorligini oshirish bilan oliy maktabdagi ta'lim va tarbiya jarayonida kamol toptiruvchi hamda tarbiyalovchi prinsiplarni amalga oshirish, talabalarga o'zini-o'zi boshqarishni o'rgatish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. E. G'oziyev. Oliy maktab psixologiyasi. T. 1996 y.
2. E. G'oziyev. Psixologiya. T. 2002 y.
3. Yo. Jumanazarov. Yosh va pedagogik psixologiya. O'quv-uslubiy majmua Namangan 2009 y. (199-202 betlar)

ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ МУЛОҚОТНИНГ ШАХС ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

*Ибодуллаева Ирода Нурулла қизи
НДПИ докторанти*

Инсон индивид сифатида дунёга келар экан, у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиш, ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб қонунлари

билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигига ўргатилади ёки бунга махсус ўқитилади. Маълумки, ҳаётимизнинг ярмидан кўпини қамраб оладиган, чинакам, тўлақонли инсоний бахтни инъом этадиган ёки аксинча, ҳар томонлама таъминланганлигимизга қарамасдан, бизнинг бахтимизни яримта қиладиган куч бу- оилавий ҳаёт бўлса, бошқа томондан бу ўқув-тарбия жараёни саналади.

Ўсиб келаётган ёш авлодга замон талаблари асосида билим бериш учун, табиийки, ўқитувчи-педагоглар малакаси ва маҳорати юксак даражада шаклланган бўлиши керак. Айниқса, бугун ёшлар жуда илғор фикрламоқда. Дарсларни уларнинг талабига мос, юқори даражада ташкил этиш учун ўқитувчи мунтазам равишда ҳар бир машғулотга алоҳида тайёргарлик кўриши зарур. Ўқув-тарбия жараёнидаги ҳар бир янги билим, албатта ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот воситасида эгалланади ва мустаҳкамланади. Мулоқот одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у бола ривожланишидаги энг муҳим эҳтиёжни — жамиятда яшаш ва ўзини тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлган шахсий сифатлар билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради.

Маълумки, гуруҳидан узоқлашган, улар назаридан қолган инсоннинг қўли ишга ҳам бормайди, борса ҳам жамиятга эмас, балки фақат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, кўплаб тадқиқотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишнинг унинг руҳиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узоқ вақт термокамерада бўлган одамда олий психологик функциялар яъни идрок, тафаккур, хотира, ҳиссий ҳолатларнинг бузилиши қайд этилган. Олимларнинг олиб борган тадқиқодларига кўра тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг мақсадли фаолият турлари билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаган. Ўқув-тарбия жараёнида айниқса, гуруҳдаги энг аълочи болалар билан машғулотларни олиб бориш ва мулоқотни яхши йўлга қўйиш педагогга анча қулайлик ҳисобланади. Аммо, гуруҳда темперамент хусусиятлари, психологик таъсирлар натижасида тортинчоқ, ўзига бўлган ишончи паст даражадаги болалар, фикрини гуруҳ олдига баён этишга куч тополмайдиган ўқувчилар билан ишлашиш педагог-психологдан анча меҳнат талаб қилиши мумкин. Сабаби, болада айни шу вазиятда ундаги шахсий сифатларининг салбий хусусиятга эга эканлиги, унинг нимага бунақа эканлиги ҳақида гапирилиши унинг янада ўз қобиғига ўралим гуруҳдан яккаланиб қолиш хавфини ошириб юборишини ўқитувчи англамоғи шарт. Айниқса ўсмирлик ёшидаги муносабатларнинг асосий мақсади-дўстлик, ўртоқликдаги элементлар нормаллигини аниқлаш ва эгаллаш саналади. Ўсмир улғайгани сари унда “Идеал мен”, “Ахлоқий мен” ва “Ҳақиқий мен” сингари шахсга оиб тизим, дунёқараш, эътиқод, муносабатлар шакллана боради ва ундаги ўзи тўғрисидаги тасаввур анча аниқ ва барқарор бўлиб боради. Бу даврдаги мана шу энг муҳим сифат яъни катталик ҳисси атрофдаги катталар томонидан тўғри қабул қилиниши зарур, агар қандайда бир шахсига нисбатан айтилган тақиқлов ва чекловларнинг берилиши, боланинг шахс сифатидаги ривожланиши, ўз имкониятларини намоён қила олмаслигига сабаб бўлади. Бу, таълим жараёнида айниқса яққол кўзга ташланади. Айтайлик, гуруҳдаги энг “тўполончи” аслида ички кучга, ғарайтга тўла болани ўриб-ўришиб тинчлантиришга уриниш ва билимсиз ва тажрибасиз педагоггагина хос, унга қизиқарли, ёки кўшимча

машғулот бериш, ёки айнан сардор сифатида ўқитувчига кўмаклашиш каби масъулиятли топшириқ бериш билан унинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ижобий фаолиятга йўналтириш мумкин. Аксинча, уни гуруҳдан четлаштириш ўз менига бўлган баҳонинг пасйиб ктишига, қзиқишларининг сўнишига сабаб бўлади. Чунки, ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги болада мувозанатсизлик, ҳиссиётга берилувчанлик, хадиксираш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш ва хавотирланиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлган инсонлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки ҳис қилаётган нарсаси хусусидаги гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси ҳам болада ички кўзғолонга айланиб боради. Бундан ташқари, ўқув-тарбия жараёнида муносабатларнинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга ружу қўйишлари ҳам боланинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатади. Кўпинча, ўқувчилардаги тарбияси қийинлик оиладаги ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзага келади. Педагогик қаровсизлик қуйидаги даражаларда тавсифланади:

Паст. Ҳатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз “мен”ига ортикча баҳо бериш. Асосан ёшига хос бўлган характер белгиларининг устунлик қилиши.

Ўрта. Катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатга қизиқмаслик, низолар эгоистик йўналишга асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилинган ҳолда унга амал қилмаслик.

Юқори. Салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарлик ошқора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовўзкор бўлади. Ўзлари тўғри деб қабул қилган “ахлоқ нормалари”ни оқлашга уринадилар. Улар ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайдилар.

Бу давр айниқса ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар. Шунингдек, уларга мардлик, жасурлик, тантиқлик ҳам хосдир. Ташқи таъсирларга берилувчанлик ўсмирда шахсий фикрни юзага келишига сабаб бўлади, лекин бу шахсий фикр аксарият ҳолларда асосланмаган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар ота–оналарнинг, атрофдаги катталарнинг шунингдек, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бу даврда боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунёсида юзага келади. Кўпгина ўсмирларда ўзидан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи хақидаги мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлашишига олиб келади. Бу эса ўсмирда ўзи хақида салбий фикр ва кўрқувни юзага келтириши мумкин. Ўқув-тарбия жараёнидаги муносабатнинг тўғри йўлга қўйилиши бу ривожланиб келаётган боланинг келажагига қўйилган катта ишонч ёки аксинча бўлиши мумкин. Сабаби, гуруҳда педагог томонидан қўлланилган жазо, масалан у билан уришиш, калтаклаш, унга қарши доимий фикрлар оқимини йўналтириш, ва уни ёлғизлатиб қўйиш ўсмирда, ўзини ҳурмат қилишни, ўз фикрини ва қизиқишини ҳимоя қилишга бўлган истакни пасайтириб юборади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дўсмухаммедов Ш.А, Нишанова З.Т ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Тошкент, 2013
2. Климов Е.А. Общая психология. М., Питер, 2001
3. Давлетшин М.Г. Психологиядан луғат. Т. ТДПУ, 1998

O'QUVCHI SHAXSIDA IJOBIY SIFATLARNI SHAKLLANTIRISHDA O'QITUVCHINING O'RNI.

Eshchanova Xolida Xudayarovna

Xorazm viloyati XTXQTMOXM "Pedagogika va psixologiya, ta'lim texnologiyalari"
kafedrasi o'qituvchisi,

Xusainov Sherzod Yusupovich

Urganch tumani 11-son Umumiy o'rta ta'lim maktabining matematika fani o'qituvchisi

Tarbiya masalasi hozirgi davrda yanada ko'proq dolzarb masalaga aylanib bormoqda. Ayniqsa, o'quvchilar shaxsida ijobiy sifatlarni shakllantirish va yuksaltirish tarbiyaning kechiktirib bo'lmas yo'nalishidir.

Bugungi kunda mamlakatimiz rivojlanishning yangi bosqichiga ko'tarilib borayotgan ekan ta'lim - tarbiya sohasida ham zamon talablaridan kelib chiqqan holda ish tutishni davrning o'zi taqazo qilmoqda. Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularni bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha beshta muhim tashabbusning qabul qilinishi shular jumlasidandir. Hozirgi zamonaviy interfaol usullardan foydalanish orqali ta'lim – tarbiya olgan o'quvchilar kelajakdagi faoliyatlarida uddaburon, tashkilotchi, faol, ishbilarmon, qobiliyatli har taraflama mukammal bo'lib shakllanadi.

Har bir bola o'z xulq-atvoriga, xarakteriga ega. Bolalarni tarbiyalashda ularning ana shu o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish, o'rganish nihoyatda murakkab. Bunda odamlar o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlarning murakkabligiga mos keladigan maxsus usullardan foydalaniladi. Pedagogik faoliyatga tayyorgarlik ko'rayotgan yoshlar uning ana shunday, xususiyatlarini bilishlari lozim.

O'quvchi shaxsining xususiyatlari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- **mafkuraviy sohada** — ilmiy dunyoqarash va e'tiqod, sotsial ehtiyoj va axloqiy zaruriyatlarni chuqur tushunish, ijtimoiy va fuqarolik burchini anglash, ijtimoiy faollik;
- **etakchilikda** - tashkilotchilik, haqqoniylik, dilkashlik, talabchanlik qat'iylik va maqsadga intilish, vazminlik o'zini tuta olish;
- **bilish sohasida** – keng ilmiy saviya, ma'naviy ehtiyoj va qiziqish, yangilikni his qila bilish, bilimlarni oshirishga intilish.

Shaxsga xos ijobiy sifatlarni faoliyat jarayonida paydo bo'ladi va rivojlanadi. Shaxsga xos sifatlarni malaka va uddaburonlikdan farq qiladi. Malaka va uddaburonlik mashq, o'qish natijasi hisoblansa, ijobiy sifatlarning rivojlanishi uchun esa iste'dod, layoqat, zehn, ya'ni inson asab sistemasida anatomo-fiziologik xususiyat ham bo'lishi zarur.

Barkamol shaxsni tarbiyalash uchun o'qituvchida ijobiy sifatlarni quyidagi turlari mavjud bo'lmog'i va o'quvchi shaxsida yuksaltirilmog'i lozim:

1. Muloqotchanlik
2. Tashkilotchilik
3. Yetakchilik
4. Faollik
5. O'zini idora eta bilish
6. Kuchlilik, zehnlilik.
7. Faoliyatga ijodiy yondasha bilish sifatlari

O'quvchiga zarur fazilatlardan yana biri - maqsadga intilish. O'quvchi o'z oldiga aniq maqsad qo'ya olishi va uni bajarishga intilishi shart. Insonga xos intilishni 2 toifaga bo'lish mumkin: birinchisi, maqsadga intilish bo'lsa, ikkinchisi, mag'lubiyatdan qochish. [3, 542-b.]

Ma'lumki, hech bir inson yuqorida aytilgan xislatlar bilan birga tug'ilmaydi. Bular inson yashash tarzining, ta'lim-tarbiyaning mahsulidir. Yoshlarda ijobiy sifatlarni va yaxshi xulq-atvorni rivojlantirish orqali yuksak ma'naviyatli yoshlarni tarbiyalash, ularni mamlakatimiz taraqqiyoti va uning istiqboli uchun yo'naltirish talab etiladi. Bunda o'qituvchi quyidagi vazifalarni bajarishi lozim:

- O'quvchi shaxsiga xos ijobiy sifatlarini shakllantirishning ilmiy-nazariy asoslarini chuqur o'rganish;
- davlatimiz tomonidan yoshlarda ijobiy sifatlarni shakllantirish sohasida olib borilayotgan ishlarni tizimli tahlil qilish;
- yoshlarda ijobiy sifatlarni shakllantirishga ta'sir etuvchi turli ehtiyoj va omillarni o'rganish;
- o'quvchilar faolligini yanada oshirish orqali ularning yangi qirralarini yuzaga chiqarish.

Yuksak ijobiy sifatlarga ega bo'lgan kadrlar jamiyat uchun ijtimoiy buyurtma hisoblanadi. Shunday ekan o'quvchilarda shaxsiga xos ijobiy sifatlarni shakllantirish, milliy mafkurani shakllantirish bilan birgalikda olib borilishi lozim.

Tadqiqotlar natijalaridan shu narsa ma'lum bo'ldiki, o'quvchilarda sinfdan tashqari mashg'ulotlarda ijobiy sifatlarni shakllantirishda quyidagi tamoyillarga rioya etish muhimdir:

1. Sinfdan tashqari o'tkaziladigan ta'lim jarayonini aniq maqsadda tashkil etish, uning natijalarini xolis baholash, tarbiyaviy jarayonda tutgan o'rnini aniqlash, uni pedagogik va psixologik tahlil etish va baholash.

2. Bu jarayonni ilmiy, uzluksiz, izchil, tizimli asosda tashkil etish.

3. O'quv fanlarni o'qitishda ta'lim-tarbiya jarayonining (sinf va sinfdan tashqari mashg'ulotlar) uzviyligini ta'minlash. [2, 51-b.]

O'quvchilarda ijobiy sifatlarni shakllantirish ta'lim - tarbiya jarayoniga uzviy va tizimli yondashishni talab etadi. Bu vazifani amalga oshirishda o'qituvchi chiqaruvchi tarbiyachilar zimmasiga katta mas'uliyat yuklatiladi. Chunki o'qituvchi ta'lim-tarbiya berish jarayonining asosiy ishtirokchisidir. Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy iborasi bilan aytganda: «Inson zebi-ziynati bilim va odobdir. Bularni shogirdlariga singdirgan ustozlargina chinakam ustozlardir» [1, 64-67-b.]

O'quvchi shaxsida ijobiy sifatlarni yuksaltirishda, tarbiyaviy ishlarning

samaradorligini oshirishda o'qituvchi ma'naviy qiyofasining ahamiyati haqida gapirilar ekan, undagi barcha shaxsiy va kasbiy fazilatlar qatorida zamon talabini to'g'ri his etish, zamon ruhi bilan hamnafas bo'lish eng zarur omillar ekanini his etish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Bulatov S. Ustozning shaxsiy va kasbiy fazilatlarini. // «Xalq ta'limi» jurnali, 1998, 1-son. –64–67-b.
2. Ochilov M. O'qituvchi – qalb me'mori. – Toshkent: O'qituvchi, 2001.
3. G'oziev E. Umumiy psixologiya. Toshkent – 2010. 542bet.
4. www.Expert.psychology.ru
5. www.Ziyonet.uz

BOLA SHAXSIDA SALBIY O'ZGARISHLARNI KELTIRIB CHIQRUVCHI TASHQI TA'SIRLARINING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI

*Ashurova Yulduz Zoirovna
Buxoro viloyati Romitan tumani 22-maktab psixologi*

Kalit so'zlar; shaxs, ma'naviy poklik, kasb-hunarga intilish, oilani muqaddas bilish, ta'lim, tarbiya, psixologik, pedagogik, individuallik.

Ilm-ma'rifat va kasb-hunarga intilish, oilani muqaddas bilish, ma'naviy poklik, kattalarga hurmat, kichiklarga shavqat, ezgu-qadriyatlarga sadoqat kabi fazilatlar azaldan xalqimiz va millatimizning qonida bo'lib kelgan. Biz mana shunday bebaho merosimizni nafaqat asrashimiz, balki uni yanada boyitishimiz, kelgusi avlodlarga bezavol yetkazishimiz kerak. Shu o'rinda men hurmatli ota-onalarimiz, bobolarimiz va momolarimiz, jonkuyar ustoz va murabbiylar ni, nuhtaram ziyolilarimiz, keng jamoatchiligimizni bu masalaga befarq bo'lmasdan, yoshlar tarbiyasiga qaratilgan ishlarimizni yanada kuchaytirishga da'vat etaman.. Qanchalik qiyin bo'lmasin, biz yoshlar tarbiyasi bo'yicha o'ziga xos va ta'sirchan, bugungi kunga hamohang usullar ni izlab topishimiz kerak. „-- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston yoshlari forumida so'zlagan nutqidan

Darhaqiqat bugungi kunda axborot ko'lamining shiddat bilan o'sib borishi, uni qabul qilish shakli, vosita ko'rinishlarining tobora kengayib borishi, hayotdagi har qanday vaziyatni to'g'ri idrok qilishning natijasi har bir odamda (yosh davrlaridan qat'iy nazar) paydo bo'layotgan psixologik holatlar, jarayonlar undan o'zini-o'zi boshqarishning muvaffaqiyatli yo'llarini topib shakllantirishni talab qiladi. Hech kimga sir emaski, bugungi kun bolalari o'zlarining yigirma yil oldingi tengdoshlaridan farq qilishadi. Hozirgi yoshlar tez ta'sirlanuvchan, mustaqillikka moyilligi yuqori va shu bilan birga nisbatan befarq, o'z vaqtlarini mazmunli ijtimoiyfoydali faoliyatga sarflagilari kelmaydi. Vaholanki inson tabiatan o'ziga xos oson va ko'ngilochar mashg'ulotlarga moyil bo'ladi. Inson xulq-atvori tarkibining aksariyati tabiiy instinklari tazyiqi ostida bo'lishi inobatga olinishi kerak. Ushbu tazyiqlarni to'g'ri muvofiqlashtirish insondan irodaviylikni talab qiladi. Bu holatni zamonaviy texnikaning rivojlanganligi ta'siri deb

ham izohlash mumkindir . Ko'pchilik hollaqda bolalardagi bu o'zgarishlarga e'tiborsizlik va befarqlik ularning xulq- atvorida salbiy o'zgarishlarning boshlang'ich sababi va asosi bo'lishi mumkin. Demak , olimlarning fikricha bolada mavjud noto'g'ri salbiy o'zgarishlarni ruhiy rivojlanishning me'yor darajasiga yetkazish orqali bola tarbiyasidagi qiyinchiliklarni yo;qotishga erishish mumkin ekan. Inson shaxsining psixik rivojlanishi va uning shakllanishi murakkab tadqiqod jarayonidir. Zero uning o`ziga xos xususiyatlari va asosli ilmiy bilish, o`quvchi shaxsiga pedagogik jihatdan ta'sir ko`rsatishning zarur shartidir.

Inson shaxsining tarkib topishi va psixik rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillarning muammosi o`z mohiyati jihatidan g`oyaviy xarakterga ega.

Ma'lumki, odam shaxs sifatida muntazam, qandaydir faoliyatda tarkib topib boradi , rivojlanadi, uning faolligi namoyon bo'ladi. Agarda hayvonlar tevarak-atrofdagi tashqi muhitga passiv moslashib, hayot faoliyatlarida, ya'ni tashqi muhitdagi tayyor narsalardan foydalansalar, odam esa tevarak atrofdagi tashqi muhitga faol ta'sir ko`rsatib, uni o`z irodasiga bo'y sindiradi, hamda o'zgartirib,o'z ehtiyojlarini qondirishga xizmat qildiradi.

Kuzatishlar jarayonida shu narsa ma'lum bo'ldiki, odamdagi tug'ma, irsiy mexanizmlari uning psixik rivojlanishiga ta'sir ko`rsatadi-yu, biroq uning mazmunini ham, shaxsiy fazilatlarini ham belgilab bera olmaydi. Takidlash zarurki, muhit ham bola psixikasini rivojlantirishda muayyan rol o`ynaydi. Faqat, buning uchun bolani o`qitayotgan kishilarning ta'siri natijasida bola ana shu muhitni faol ravishda o`rganib olishi tabiiydir.

Ya'ni bola shaxsi tarkib topishida atrof –muhit va ta'lim –tarbiya jarayonlari hamda irsiyat muhim hisoblanadi. Bola shaxsi shakllanishida u yashayotgan muhit, kishilar , jamiyatning roli juda kattadir .Masalan ,biron mahallada inson shaxsining tarkib topishiga faol ta'sir ko`rsatuvchi yuzta o`ziga xos ijtimoiy muhit bor degan ma'noni bildiradi.Bunga misol qilibbirgina mahallani oladigan bo'lsak bir-biriga mehribon ,jonkuyar insonlar ya'ni kattalar orasida kuzatilsa , o'sha avlod vakillari ya'ni yoshlar ulardan o`rganadigan jihatlari oz bo'lsada sezilib turadi. Bu yerdashunday bir savol tug'iladi: "Tashqi muhit inson shaxsining tarkib topishiga qanday ta'sir qiladi?" Birinchidan , ijtimoiy muhitdagi turli hodisalar odamning ongiga bevosita ta'sir qilib , unda chuqur iz qoldiradi.Bir o'quvchim :”ustoz qaysi kasbni tanlashni bilmay turganimda : hayotimda bo'lib o'tgan bir voqea, dadam kechki payt ishda b'olganlari sababli oyim kasal bo'lib qolganda, qo'shnimiz vrach Olim aka men bilan birgalikda oyimni kasalxonaga yetkazib ertalabgacha qarab oyoqqa turishlariga sabab bo'lganliklari uchun men vrach terapevt bo'lishga qaror qildim .”degan edi . Albatta bu niyatiga erishdi. Ikkinchidan , tashqi ijtimoiy muhit ta'sirining chuqurroq va mustahkamroq bo'lishiga odamning o'zi yordam beradi. Ma'lumkiki bolalar o'z tabiatlariga ko'ra , ilk yoshlik chog'laridan boshlab ,nihoyat darajada taqlidchan bo'ladilar .Bolalar katta odamlarning barcha hatti –harakatlariga bevosita taqlid qilish orqali bu hatti –harakatlarni, yaxshi- yomon fazilatlarini o'zlariga singdirib boradilar.Bolalar oilada, ko'cha –kuyda , katta odamlarning har bir harakatlarini, o'zaro munosabatlarini zimdan kuzatib turadilar .Bolalar” Assalomu – alaykum “ deyishni o`rganish jarayonini eslasak ,oiladagi katta insonlar har tongda bir- birlariga

“Assalomu –alaykum “ yaxshi yotib- turdingizmi “degan soʻzni ishlatsalar , oʻz-oʻzidan bolalar ham bu aʼanaga qiynalmasdan oʻrganadi.

Bundan tashqari inson shaxsining tarkib topishiga taʼsir qiluvchi yana bir kuchli omil- inson orttirgan tajribalarning tarbiya vositasi orqali bolalarga berilishidir . Barcha uchun umumiy boʻlgan yoki oʻquvchilarga individual tavsiyalar berishda umumiy psixologiya va yosh davrlar psixologiyasiga tayaniladi . Tarbiya jarayonida doimiy va oʻzgarmas maqsad qoʻyilmaydi, chunki oʻzgarmas maqsad har qanday jamiyatga mos boʻlavermaydi. Tarbiyaning maqsad va vazifalaridan biri bu jamiyat taraqqiyotining zamonaviy rivojlanish bosqichlariga javob bera oladigan maxsus tashabbuskor oʻquvchilarni yetishtirish , shaxsni oʻz- oʻzini hurmat qiladigan va intiluvchan qilib tarbiyalashdan iboratdir. Yana aytib oʻtganimizdek bola shaxsiga taʼsir etuvchi nasliy yoʻl mavjud . Bularga misol qilib :tanasining tuzilishi , sochi va koʻzlarining rangi , ovozi,gapirish uslublari , ayrim harakatlari tugʻma ravishda berilishi mumkin . Lekin shuni hech qachon esdan chiqarmaslik kerakki , odamga hech vaqt uning psixik xususiyatlari , yani uning aqliy tomonlari bilan bogʻliq boʻlgan sifatlari nasliy yoʻl bilan berilmaydi.Yana xarakter ,temperament , iroda kabi individual psixologogik xususiyatlari ham doim turli xil omillar ostida vujudga keladi.Br oʻquvchim boshlangʻich sinfda yaxshi – aʼlo baholarda oʻqimagan boʻlsada keyinchalik 5-sinfdagi ona tili va adabiyot oʻqituvchisining bergan eʼtibori va ishonchi tufayli ,yana onasining(boshqa farzandlari chaqaloq yoshidan oʻtib) katta farzandiga ishonchi, qoʻllab quvvatlash jarayonida oʻquvchida keskin oʻzgarish ,temperamenti flegmatikdan – sangvino-flegmatikka aylanib, irodasi mustahkamlanib , oliy oʻquv yurtiga kirishga muvaffaq boʻldi.Oliy oʻquv yurtida oʻqish jarayonida ham 3- 4-kurslarda olimpiadalarda qatnashdi. Yoki yana bir misol oquvchi aʼlo baholarda oqish jarayonida ota- ona uni ishonchini soʻndirib, yoki fan oʻqitu chilari eʼtiborsiz qoldirib adolat yuzasidan bilim berib baholamagani ,sinf yoki uni oʻrab turgan tashqi muhit taʼsirida oʻquvchim hayotda oʻz oʻrnini topa olmay qiynalib yuribdi. Insonning shaxs sifatida shakllanishi uning biologikva ijtimoiy omillariga bogʻliq ekan . Demak bolalar xulq-atvorining salbiy tomonga ogʻisida ham bevosita oʻziga xos yuqoridagi ikki omilning orni bor . Bolaning xulq atvori koʻpincha oʻz oldiga qoʻygan maqsadlari , qiziqishlari , ideallari va eʼtiqodlari majmuida yaqqol namoyon boʻladi.Xulq –atvordagi oʻzgarishlar bevosita yosh krizis davrlarning kechishi bilan bogʻliq yuz berishi tabiiydir. Bola shaxsida :yolgʻonchilik,xudbinlik,beodoblik ,axloqsizlik , urushqoqlik, dangasalik, irodasizlik, qatʼiyatsizlik, tajanglik , qoʻpollik ,manmanlik kabi salbiy oʻzgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi taʼsirlarni oldini olib barkamol shaxsni tarbiyalash uchun albata yosh davrlar psixologiyasini ham keng oʻrganmoq lozim deb oʻylayman . Maʼlumki har bir yosh davr , oʻziga xos xususiyatlari bilan belgilinadi , bularga :oilada va maktabda bola holatining oʻzgarishi , taʼlim va tarbiya shakllarining oʻzgarishi hamda bolaning yangi faoliyat turlari , organizmdagi ayrim xususiyatlarining yetilishi singari jarayonlarni kuzatish muhim.. Insonning individualligi esa dunyodagi barcha insonlarning betakrorligi , ular har birining xususiyati , oʻziga xosligi ular intellektual , emotsional irodaviy sifatlari bilan belgilanadi.

Xulosa qilib aytadigan boʻlsak farzandlarimizning rivojlanishiga oʻzining ijobiy yoki salbiy taʼsirini koʻrsatuvchi omllarga alohida e,tibor qaratish tarbiyachi va

o'qituvchilar hamda ota-onalar zimmasiga o'ta mas'uliyatli vazifalarni yuklaydi. Biz yurtimizning kelajagi yosh avlod qanday tarbiya topishiga, axloqiy go'zal fazilatlar egasi bo'lib yetishiga, o'quvchilarimizning hayotda nechog'li faol munosabatda bo'lishiga, o'zi sevgan kasb-hunarni egallab, yurtimiz oliy maqsadlariga bog'liq ekanini hamisha yodda tutishimiz lozim. Farzandlarimizning barkamol ruhiy dunyosi, ma'naviy va axloqiy jihatdan yetuk bo'lishi uchun badiiy adabiyot, kitobxonlikni targ'ib qilmog'imiz kerak. Pedagoglar har bir yosh davrni o'ziga xos psixologik rivojlanish darajasini aniqlab, bola tarbiyasidagi sodir bo'layotgan salbiy o'garishlarni o'rganib, tarbiyasi og'ir bolalarning psixologik rivojlanishini meyorlashtirilgan har bir o'quvchiga individual tarzda yondashib maxsus dastur va trening hamda korreksion mashg'ulotlar ishlab chiqish lozim.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Yoshlar forumida so'zlagan nutqidan. 2020yil 25 dekabr.

2. Z.G.Nishanova, Sh.A.Dustmuxamedova, Sh. G. Tulyaganova "Pedagogik psixologiya" 2011 yil 70-bet

3. M. G.Davlatshen va boshqalar "Yosh davrlar va pedagogik psixologiya" Toshkent. 2009 yil 25-bet

4. Z.N. To'yeva, I. A. Qosimov, E.Z.Halimov, U.S.Jumayev, D. H.Qayumova, S. M. O'rinova, N.N.Solixova, "O'smirlarda inqirozdagi depressiv holatlarni oldini olish va korreksiyalash" Toshkent 2015yil 10-bet.

5. D. Fayziyeva, M.N.Rahmonov, T. N. Olimov, A. X Gadoyeva, M. E. Saidjonova, N. A. Kozimova "O'quvchi yoshlarda inqiroz holati va deviant xulq-atvorga olib keluvchi omillarni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalar" Buxoro 2017 yil 7-bet.

INKLYUZIV TA'LIM TIZIMIDA OILANING O'RNI

Navbaxorova Hurshida

Farg'ona viloyati Farg'ona tumani 4-maktab psixologi

Anotatsiya: Ushbu maqolada inklyuziv ta'limni rivojlantirishda oilaning o'rni haqida ma'lumot berilgan. Shu bilan birgalikda nogiron bolaning oilada paydo bo'lishi har doim barcha oila a'zolari uchun og'ir psixologik stress paydo qilishi ko'pincha oilaviy munosabatlar zaiflashishi, kasal bola uchun doimiy tashvish, chalkashlik hissi, ruhiy tushkunlik oilaning buzilishiga sabab bo'lishi haqida va shu muamolarning yechimi haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: inklyuziv ta'lim, nogironlik, zaiflashish, imkoniyat, fiziologik nevrologik.

Ta'kidlash mumkinki, inklyuziv ta'lim muammosi murakkab, ko'p o'lchovli va ko'plab tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi. Nogiron bolalar ta'limini rivojlantirishning nafaqat samarali, balki iqtisodiy usulini ham ta'minlab, keng tarqalgan xurofot va pedagogik stereotiplardan xalos bo'lishda ijtimoiy to'siqlarni va to'siqsiz muhit deb nomlangan tashkiliy qiyinchiliklarni ta'kidlash zarur. Ta'lim muammolari, maktab o'quvchilari, ularning ota-onalari, o'qituvchilarning oddiy bolalar bilan birgalikdagi

ta'lim sharoitida nogiron bolalar ta'limining afzalliklari va kamchiliklari to'g'risida fikrlarini o'rganish bo'yicha jamoatchilik fikrini o'rganish alohida dolzarbdir. Inklyuziv ta'limni tashkil etish ma'lum shart-sharoitlarni yaratishni nazarda tutadi. Shunday qilib, ota-onalar va o'qituvchilarning aksariyati rivojlanish muammolari va sog'lig'i buzilgan o'quvchilarni o'qitish uchun o'qituvchi, o'qituvchi-psixolog (ota-onalarning 79% va o'qituvchilarning 92%) va maxsus o'qituvchi (ota-onalarning 46% va o'qituvchilarning 84%) bilan birgalikda zarurdir, deb hisoblaydilar. O'qituvchilar ushbu jarayonga tibbiyot mutaxassislarini (fiziologlar, nevrologlar) qo'shishni taklif qilishadi. Maktablarda ota-onalar uchun bolalarni tarbiyalash va ular bilan muloqot qilishda ularning vakolatlarini oshirish uchun psixologik treninglar (so'ralgan ota-onalarning 53%) va psixologik maslahatlar (so'ralgan ota-onalarning 56%). O'qituvchilar nuqtai nazaridan, zarur inklyuziv ta'limning sharti - bu nogiron va rivojlanishida nuqsonli bolalarni ijtimoiy himoya qilish muammolari, ularni maktab hayoti sharoitlariga moslashtirish bo'yicha ota-onalar uchun seminarlar va davra suhbatlarini tashkil etish (bu fikrni o'qituvchilarning 65 foizi qo'llab-quvvatlaydi). Shunga o'xshab, ota-onalar va o'qituvchilar bir ovozdan, sog'lig'ining o'ziga xos xususiyatlariga qaramay, barcha bolalar sinfdan tashqari ishlarda, shu jumladan sport bilan shug'ullanishlari mumkin. Ushbu fikrni so'rovda qatnashgan ota-onalarning 67% va o'qituvchilarning 69% tashkil qiladi.

Zamonaviy rus ta'limi jarayonida alohida ta'lim ehtiyojlari bo'lgan bolalarni o'qitishga tobora ko'proq e'tibor berilmoqda. So'nggi o'n yilliklarda jamiyatning nogironiga bo'lgan munosabati keskin o'zgarishni boshladi, uni jamiyatning teng huquqli va munosib a'zosi deb tan oldi, ammo baribir o'zining qo'shimcha muammolari mavjud. Odatda oilada nogiron bola paydo bo'lishi bilan moddiy, maishiy, moliyaviy va uy-joy muammolari ko'payadi. Tahlillar shuni ko'rsatdiki, nogiron bolalari bo'lgan oilalar orasida eng katta foiz to'liq bo'lmagan onalar oilalari. Ota-onalarning 15 foizi nogiron bola tug'ilishi sababli ajrashgan, onaning qayta turmush qurish imkoniyati yo'q. Shu sababli, nogiron bola oilasining muammolari to'liq bo'lmagan oilaning muammolariga qo'shiladi. Oiladagi psixologik iqlim shaxslararo munosabatlarga, ota-onalar va qarindoshlarning axloqiy va psixologik manbalariga, shuningdek, tarbiyalash, o'qitish va tibbiy-ijtimoiy reabilitatsiya qilish shartlarini belgilaydigan oilaning moddiy va turmush sharoitlariga bog'liq. Ota-onalarning nogiron bolaning paydo bo'lishiga bo'lgan munosabati bo'yicha oilalarning 3 turi mavjud: mavjud muammoni tushunmaslik bilan bog'liq passiv reaksiya bilan; giperaktiv reaksiya bilan, ota-onalar intensiv davolanayotganda, ular "shifokorlar-nuroniylar" ni, qimmat dori-darmonlarni, etakchi klinikalarni va boshqalarni topadilar; o'rtacha ratsional pozitsiya bilan: barcha ko'rsatmalarning izchil bajarilishi, shifokorlar, psixologlarning tavsiyalari. Ijtimoiy ishchi o'z ishida 3-turdagi oilaning pozitsiyasiga tayanishi kerak.

Nogiron bolaning oilada paydo bo'lishi har doim barcha oila a'zolari uchun og'ir psixologik stressdir. Ko'pincha oilaviy munosabatlar zaiflashadi, kasal bola uchun doimiy tashvish, chalkashlik hissi, ruhiy tushkunlik oilaning buzilishiga sabab bo'ladi va faqatgina kichik foizlarda oila birlashadi. Nogiron bolaga ega bo'lish oiladagi boshqa bolalarga salbiy ta'sir qiladi. Ularga kam e'tibor qaratiladi, madaniy hordiq chiqarish imkoniyatlari kamayadi, ular yomonroq o'qishadi va ota-onalarning nazorati tufayli kasal bo'lib qolish ehtimoli ko'proq. Ko'pincha, bunday oila yaqin atrofdagi mavjud

bo'lgan noqulay sharoitlardan bezovtalanadigan atrofdagilarning, ayniqsa qo'shnilarning salbiy munosabatini boshdan kechirmoqda (xotirjamlik, sukunatning buzilishi, ayniqsa aqliy zaifligi bo'lgan nogiron bola yoki uning xatti-harakatlari bolaning atrof-muhitining sog'lig'iga salbiy ta'sir ko'rsatsa). Atrofdagi odamlar ko'pincha muloqotdan qochishadi va nogiron bolalar deyarli to'laqonli ijtimoiy aloqalar, ayniqsa, sog'lom tengdoshlari bilan etarlicha aloqa doirasiga ega emaslar. Jamiyat har doim ham bunday oilalarning muammolarini to'g'ri tushunmaydi va ularning ozgina qismi boshqalarning qo'llab-quvvatlashini his qiladi. Shu munosabat bilan, ota-onalar nogiron bolalarni teatr, kino, ko'ngilochar va hokazolarga olib bormaydilar, shu bilan ularni tug'ilishidan boshlab jamiyatdan butunlay ajralib qolishlariga yo'l qo'yadilar. Yaqinda shunga o'xshash muammolarga duch kelgan ota-onalar bir-biri bilan aloqa o'rnatmoqdalar. Nogironlar bizning jamiyatimizning bir qismidir. Ularga munosabat madaniyat va ijtimoiy rivojlanish darajasini belgilaydi. Nogironlarga nisbatan befarqlik va shafqatsizlik butun jamiyatni ma'naviy tanazzulga olib keladi. Ta'lim muassasalari o'qituvchilarining nogiron bolalari bo'lgan oilalar bilan uyg'unlik bilan tashkil etilgan ishi ta'lim va tarbiya jarayonining muvaffaqiyati, nogiron bolalarni bolalar jamoasiga moslashish garovidir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Inklyuziv ta'lim texnologiyasi D.S.Qaxorova Toshkent 2020 y.
2. Nogiron bolalarni tarbiyalashda oila va maxsus muassasa hamkorligini taminlashning metodik asoslari L.Nurmuxamedova Toshkent 2019y.
3. Ziyonet.uz

ИНТЕРНЕТДАН КЕЛАЁТГАН ТАҲДИДЛАРНИНГ ЎСМИРЛАР РУҲИЯТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ: КИБЕРБУЛЛИНГ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

*Дилрабо Полванова Тагаймуратовна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси*

Калит сўзлар: Интернет, ижтимоий тармоқлар, буллинг, агрессив ҳаракат, агрессия, кибербуллинг, таъқиб қилувчилар, жабрланувчилар, кузатувчилар, психологик таъқиб, руҳий тушкунлик, жабрланиш, ўз жонига қасд қилиш.

Инсон фарзанди Индивид сифатида дунёга келади, ирсият (насл), мақсадли таълим-тарбия ва оила каби ижтимоий муҳит омилларнинг таъсирида шахсга айланади. Бугунги кунда ушбу фаол омиллар қаторида Интернетни кўрсатиш мумкин. Унинг бола шахсини шаклланиш ва ривожланиш жараёнига нечоғли таъсир кўрсатаётганини исботлашнинг холати йўқ.

Албатта, Интернет жамиятда ахборотнинг алмашинув тезлигини таъминламоқда, ҳар биримизнинг шахсий ва касбий жиҳатдан ривожланишимизга фаол ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Танганинг икки томони бўлгани каби, Интернетнинг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий таъсирлари бўлиши эҳтимолини назардан қочирмаслик зарур.

Узоққа бормайлик, айти кунларда 25-45 ёш оралиғидаги ота-оналарнинг фарзандлари тарбияланаётган муҳит, ушбу ёш ота оналарнинг ўзлари тарбия топган ижтимоий муҳитдан кескин фарқ қилмоқда. Бу фарқ бевосита Интернетнинг ҳаётимизга жадал кириб келиши билан боғлиқ эмасми?

Шундай экан, уларнинг ўзларидан кўра Интернет билан кўпроқ мулоқот қилаётган фарзандларининг фикрлаши, дунёқарашлари, болаларнинг ўзаро мулоқот усулларида ҳам ўзига хослик мавжуд.

Замонамизнинг илғор педагог ва психологлари томонидан ота-оналаримизга Интернетдан фойдаланиш, унинг фойдалари, Интернетдан келиши мумкин бўлган хавф ва таҳдидлар тўғрисида маълумотларни бериб борилиши замон талабидир. Хусусан ўсмирлар жамоасида юзага келиши мумкин бўлган анъанавий буллинг ҳолатларининг вертуал муҳитга кўчиб ўтаётганлиги, яъни кибербуллинг ва унинг оқибатларини олдини олиш йўллариининг тўлиқ тадқиқ этилмаганлиги боис ўқитувчилар ва ота-оналар жамоасига ушбу муаммоларнинг характеристикасини бериб бориш лозим.

Хусусан, норвегиялик психолог Д.Олвеус анъанавий буллингга куйидагича таъриф берган. “Ўқувчи қачон буллингга тортилади ёки жабрланувчисига айланади, қачонки бир ёки бир неча ўқувчилар томонидан бир неча маротаба ва даврий равишда такрорланувчи негатив фаолият, ҳаракатларнинг нишонига айланса”³⁵ Е.Роландга кўра: “Буллинг бир индивид ёки гуруҳ томонидан айти вазиятда ўзини ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлмаган индивидга қаратилган, давомли жисмоний ва психологик тажовузлардир”.³⁶

Буллинг мулоқотнинг шавқатсиз усули – муомала, муносабатлар динамикаси ва балансининг бузилиши бўлиб, жисмонан ёки руҳий жиҳатдан кучлироқ ўсмирларнинг ўзидан кучсизроқ ўсмирга жисмоний куч ишлатиш ёки камситиш орқали руҳиятини жароҳатлашдан роҳатланишдир. “Буллинг” – “зўравонлик” тушунчаси “агрессив ҳаракат”, “агрессия” каби компонентларни ўз ичига олади.³⁷

Кўплаб тадқиқотчилар “агрессияни” зарар етказиш мақсадидаги ҳаракат деб белгилайди. Ўз-ўзини ҳимоялаш ва яшаш учун кураш мақсадидаги инстинктив ҳулқ-атвор сифатида ҳар бир инсонда агрессия мавжуд бўлиб барча ўсмирларда агрессиянинг у ёки бу даражада намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Ёш ўтиши билан улар ўзларининг агрессив ҳулқини бошқаришни ёки уни атрофдагиларга ошкор қилавермасликни ўрганиб оладилар. Буллинг- бу зўравонлик, девиант ҳулқ шаклларида биридир.³⁸ Одатда зўравонлик якка шахс ёки гуруҳ томонидан содир этилади.

Буллинг – шахсга нисбатан, юзма-юз амалга оширилган жисмоний ёки оғзаки муносабатларга оид тажовузкор хатти-ҳаракатлардир. Жисмоний тажовузкор хатти-ҳаракатларга калтаклаш, уриш, тепиш ёки шахсни итариб юбориш (ёки шунчаки уни кўрқитиш), шунингдек, буюмларни ўғирлаш, яшириш

³⁵ Olweus D. *Bullying in schools: what we know and what we can do*. Oxford, UK: Blackwell, 1993.

³⁶ Lawrence Robinson and Jeanne Segal, Ph.D. *Bullying and Cyberbullying* Last updated: June 2019.

³⁷ Lawrence Robinson and Jeanne Segal, Ph.D. *Bullying and Cyberbullying* Last updated: June 2019.

³⁸ Pellegrini A. D., Bartini M., Brooks F. School bullies, victims, and aggressive victims: Factors relating to group affiliation and victimization in early adolescence. *Journal of Educational Psychology*, 1999, V. 91 (2), pp. 216–224.

ёки йўқ қилиш, таъқиб қилиш ёки таҳқирлаш киради. Оғзаки муносабатлардаги таҳқирлашга исмларни бузиб чақириш, масхара қилиш, ҳақоратлаш ёки бошқа усуллар киради. Зўравонлар кўпинча шафқатсиз бўлиб, узоқ вақт давомида қайта-қайта таҳқирлашади. Жабрланувчи тинимсиз кўрқув остида яшаши мумкин, қабихлик қачон ва қандай содир бўлади, улар нималар қилишади каби саволлар унга азоб беради. Таҳдидли муносабатларга инсон билан гаплашишни рад қилиш, гуруҳларга ёки фаолиятларга жалб қилиш, шахсга нисбатан ёлғон миш-мишларни тарқатиш, унга қилишни истамаган ишларни қилдириш киради.³⁹

Кибербуллингнинг асосий жиҳати шундаки, мулоқот жараёнида ахборот коммуникацион технологиялар орқали ёлғон маълумотларни тарқатиш, камситиш ва ажратиб қўйиш билан жабрланувчига таъсир кўрсатилади. Ҳатто яқка шахслар ҳам кимнингдир ҳаётини етарлича заҳарлаши, уни ҳар куни кўрқувда яшашга маҳкум қилиши мумкин.

Кибербуллинг одатда жабрланувчига таҳдид қилинган хабарларни юбориш, камситувчи фотосуратлар ва видеоларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ёки ясама, ёлғон маълумотларга эга сохта веб-сайтларни яратишда намоён бўлади. Кибербуллинг оқибати қандай тугаши ҳар доим ҳам маълум эмас.⁴⁰

Бугнги кунда болалар ва ўсмирлар ўртасида ахборот-технологияларнинг имкониятларидан фойдаланиб, ижтимоий тармоқларда, электрон почта ва SMS орқали инсонларни ҳақоратловчи ва камситувчи фотосуръатларни ёки таҳдид қилинган хабарларни юбориш, ўсмир ёки ўспиринларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари, бошқа тенгдошларининг калтаклангани Смартфон ёки Камера орқали суратга олишлари ва бу лавҳаларни ижтимоий тармоқларга жойлаштираётганлиги, сохта профиллар яратиш ҳамда бошқаларга юбориш орқали ўзгаларнинг ҳаётини заҳарлаш каби ҳолатлар учрамоқда. Ушбу киберхужумлар кўп ҳолларда қайғули ва ҳатто фожиали оқибатларга олиб келиши кузатилган.

Психолог олимлар томонидан бу хатти-ҳаракатлар келиб чиқиши инглиз тилидан бўлган **“кибербуллинг”** сўзи билан номланмоқда.

Психологлар кибербуллинг иштирокчиларини хусусиятларига кўра учта гуруҳга ажратадилар: таъқиб этувчи, жабрланувчи ва кузатувчилар.

Таъқиб қилувчилар - импульсив, ўзи ғайратли бўлмаган, аммо ўзини дадил кўрсатишни истайдиган, етакчилик хусусиятларига эга, тажовузкор хатти-ҳаракатни намоёиш эта оладиган, *атрофидагиларнинг кечинмаларни ҳис қилмайдиганлар ўсмирлар*.

Жабрланувчилар - уятчан, хавотирли, кўз ёшларига мойил, мулоқотга киришишга қийналадиган ўсмирлар.

Кузатувчиларга келсак, улар кўрқувни қисман ҳис қилувчи, ёрдамга муҳтож ва шу билан бирга таъқиб қилувчини қўллаб-қувватлайдиганлардир.⁴¹

³⁹ Lawrence Robinson and Jeanne Segal, Ph.D. Bullying and Cyberbullying Last updated: June 2019.

⁴⁰ А.А.Баранов, С.В.Рожина. Копинг-стратегии подростка в ситуации кибербуллинга / Вестник Удмуртского университета. – 2016. –Т. 13 – вып 2

⁴¹ Pellegrini A. D., Bartini M., Brooks F. School bullies, victims, and aggressive victims: Factors relating to group affiliation and victimization in early adolescence. *Journal of Educational Psychology*, 1999, V. 91 (2), pp. 216–224.

Кибербуллингдан жабрланган шахсларда, қуйидаги психологик оқибатлар ажратиб кўрсатилган. Ўз “Мен”ига бўлган ишончнинг пасайиши, ўзини англашнинг пасайиши, тушкунлик, тажовузкор хатти-ҳаракатлар, ташвиш, ишончсизлик, тез-тез кайфият ўзгариши, кўрқув, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа тенденциялар

Кибербуллинг қурбонлари психологик ёрдамга мухтож бўлган энг заиф гуруҳлардир. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, кибербуллинг оқибатида нафақат жабрланувчи, балки таъқиб қилувчилар ва кузатувчилар ҳам жабр кўриши мумкин. Таъқиб қилувчилар ўз хатти-ҳаракатларининг психологик оқибатларидан азият чекишлари мумкин. Камолотга етгач, улар ёлғиз қолишлари эҳтимол, чунки бошқаларни таҳқирлаш, унинг ўз-ўзини юқори баҳолаши, нарциссизм, агрессия, авторитаризм, кинизм, ижтимоий мослашув билан боғлиқ муаммоларни ривожлантиради. Кибербуллинг гувоҳларига келсак, улар вақт ўтиши билан, ҳатто балоғат ёшида ҳам улар ҳиссий хафагарчилик, асабийлашиш, ўзига ишончсизлик ва ҳоказоларни бошдан кечиришлари мумкин.⁴²

Жисмоний зўравонликдан фарқли ўлароқ, психологик таъқиб, зўравонликнинг таъсири узоқ муддатли бўлиши ва алал-оқибат инсоннинг руҳий саломатлигига салбий таъсири ўтказиш эҳтимоли катта.

Мактабда ва оилада фарзандларимизга ўз хатти ҳаракатлари билан бошқаларнинг ҳуқуқларини поймол қилмасликка ва тенгдошларини ҳурмат қилишга, ўзгаларнинг руҳий ҳолатини тушунишга ўргатсак, ўз мақсадларимизни амалга оширишда бошқаларга зиён бермаслик кераклигини амалий мисоллар билан тушунтирсак ўзаро ҳурмат устувор бўлган бағрикенг жамиятни шакллантиришга хизмат қилган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Olweus D. *Bullying in schools: what we know and what we can do*. Oxford, UK: Blackwell, 1993.
2. Lawrence Robinson and Jeanne Segal, Ph.D. *Bullying and Cyberbullying* Last updated: June 2019.
3. Pellegrini A. D., Bartini M., Brooks F. School bullies, victims, and aggressive victims: Factors relating to group affiliation and victimization in early adolescence. *Journal of Educational Psychology*, 1999, V. 91 (2), pp. 216–224.
4. А.А.Баранов, С.В.Рожина. Копинг-стратегии подростка в ситуации кибербуллинга / Вестник Удмуртского университета. – 2016. –Т. 13 – вып 2
5. Макарова, Е. А. Психологические особенности кибербуллинга как формы интернет-преступления / Е. А. Макарова // Российский психологический журнал. – 2016. – Т. 13. – № 3. – С. 293-311.

⁴² Макарова, Е. А. Психологические особенности кибербуллинга как формы интернет-преступления / Е. А. Макарова // Российский психологический журнал. – 2016. – Т. 13. – № 3. – С. 293-311.

BOLA SHAXSIDA SALBIY O'ZGARISHLARNI KELTIRIB CHIQUARUVCHI TASHQI TA'SIRLARNING PSIXOLOGIK-PEDOGOGIK ASOSLARI

*Jo'rayeva Shahnoza Shokir qizi,
O'zbekiston Milliy Universiteti talaba*

Kalit so'zlar: stress, biologic, omil, normal o'sish, psixolog, ruhiyat, irsiyat, muloqot, rivojlanish, jinsiy tarbiya, ruhshunos, tashqi omil, intellect, kognitiv, tafakkur, xotira.

Inson tug'ilganidan to umrining oxirigacha rivojlanishda bo'ladi. Inson rivojlanishi murakkab jarayon. Bu rivojlanish tashqi ta'sirlar va ichki kuchlar ta'sirida kechadi. Tashqi ta'sirlar bu insooni o'rab turgan atrof-muhit bo'lsa, ichki ta'sir esa biologik, irsiy omillar hisoblanadi. Bolalarda ham xuddi shunday kechadi.

Bola shaxsining shakllanishida, ijtimoiylashuvida ijtimoiy muhit muhim ahamiyatga ega. Bola sekinlik bilan ijtimoiy muhitni o'zlashtiradi. Aksariyat bolalar rivojlanishi dastlab oilada boshlanadi, keying rivojlanshi esa maktabgacha ta'lim muassasalari, maktab, oliygoh, atrofidagi do'stlari davrasida kechadi. Bola doimo o'zi uchun qulay bo'lgan, atrofdaulari uni tushunadigan, yaxshi aloqa o'rnata oladigan muhitni tanlaydi.

Bola shaxsining rivojlanishidagi dastlabgi "hududi" bu - oila. Bolaning shaxsining rivojlanishida oila muhim ahamiyat kasb etadi. Lekin shunday bo'lsa-da, oilada bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi bir necha omillarni kuzatishimiz mumkin. Misol tariqasida shularni aytishimiz mumkin-ki, ota-ona ajrimi, moddiy yetishmovchilik, otasi bilan yoki bo'lmasa onasi o'rtasidagi tushunmovchilik, oilada e'tiborning yetishmasligi, ota-onaning farzandlariga baravar muomulada bo'lmasligi kabilar.

Ota-ona ajrimini ta'sir ko'satishini aytadigan bo'lsak, buning natijasida bolaning oilada ota yoki onasining mehriga to'ymasligi, tengdoshlari yonida kamsitilishi o'ziga bo'lgan ishonchning yo'qolishiga olib keladi. Bolaning dunyosi ikki qismdan iborat: biri otasiga, boshqasiga onasiga tegishli. Bu ikki qism ajrab ketsa, usha ikki dunyosi parchalansa, bola ham haqiqiy iztirobni boshdan kechiradi. Katta yoshlilar buni yodda saqlashi zarur. Usha holatda bolaning boshi og'riy boshlaydi, qo'rqinchli tushlar ko'radi. Ayrim vaziyatlarda o'zi uchun qaltis harakatlarni qilib, natijada biror joyiga zarar ham yetkazishi mumkin.

Bola shaxsining rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadigan muhim "hudud"lardan yana biri bu - maktab hisoblanadi. Bu bosqichning boshlang'ich sinfdan boshlab yuqori sinfgacha mujim ahamiyat kasb etadi. Boshlang'ich sinfdan ko'proq bolaning nutqini rivojlantirishga e'tibor qaratishga kerak. Agar e'tibor qaratilmasa salbiy oqibatlariga olib kelishi mumkin ya'ni muloqotga kirishga qiyinchiliklarga duch kelishi mumkin.

Shuningdek maktab davrida bola shaxsining rivojlanishi uchun muhim hisoblangan tafakkur, intellekti, diqqat, kognitiv faoliyatini, xotirasini ayniqsa shaxslararo munosabatini rivojlantirish muhim hisoblanadi. Shaxslararo munosabat jarayoni ya'ni bolaning atrofdaulari bilan muloqoti, aloqasini rivojlantirish tufayli bolaning

bilimlar, g'oyalar, fikrlar, axborot almashinuvini, turli ma'lumotlar uzatish va qabul qilish, munosabat o'rnatgan odami bilan bir-birini tushunishi ta'minlab berilgan bo'ladi. Bundan tashqari, bola bitta partada kim bilan o'tirishi, kim eng yaqin o'rtog'i, ularning nima haqida gaplashishi, shuningdek, bola tanaffus va katta tanaffus paytlarida kimlar bilan yaqin munosabatda bo'lishini aniqlash lozim. Bu ishlarni albatta o'qituvchi va psixolog hamda ota-onalar hamkorlikda olib boradilar. Biroq, bu tekshirishlar bolaning izzat-nafsigiga tegmasligi kerak, iloji boricha bola bu haqida bilmasligi kerak.

Bolalarda shu salbiy illatlarni yo'qotish, ularni zamon talablari asosida tarbiyalash birinchi navbatda o'qituvchi, psixolog ko'pincha ota-onasi zimmasiga tushadi. Shunday ekan tarbiyachi-o'qituvchi, psixolog ota-onalar bilan kelishgan holda bolalarda paydo bo'layotgan nuqsonlar ildizini o'rgangandan keyin tarbiya ishiga kirishadilar. Tarbiya ishlari har bir sinfda har metod bilan olib borilishi zarur. Bu yerda maktab o'quvchilarining yosh xususiyatlarini ham inobatga olgan ma'qul. Shundagi-na biz kutagn natijaga erisha olamiz.

Dunyoni ishlarini qarang-ki, stress deganimiz yosh tanlamas ekan. Bola shaxsining rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillardan yana biri bu-stressdir. Bolaning yoshi, o'tish davri, jinsidan qat'i nazar stressga tushish hollarini kuzatishimiz mumkin. Bolaning ichki dunyosi ruhiyati uchun yangi nimadir bilan buzib yuborilganda bolada stress holati yuzaga kelishi mumkin.

Maktabgacha ta'lim muassasasidagi davrni aytadigan bo'lsak bola bog'chaga qatnay boshlagani uchun yaqin odamlarini ko'rmaslik, hojatxonaga mustaqil boorish, atrofdagi yangi odamlar bolada stressni yuzaga keltirib chiqaradi. Shuningdek, bu shifokor yoki sataroshga borish, dori ichish bilan ham bog'liq bo'lishi mumkin. Bolaning bu voqealarga munosabati birinchi navbatda yaqinlarining ko'proq ota-onasining qanday qabul qilishiga bog'liq.

Odatda ko'pchilik ota-onalar boladagi stressni payqashmaydi. Bolada kechayotgan stressni bolaning normal o'sish va rivojlanish jarayonida kuzatiladigan holatlardan farqlab olishi qiyin boladi. Agar farzandi stressni boshidan kechirayotgandek tuyulsa, zudlik bilan buning sabablarini aniqlashi lozim. Bolalar o'zini nima bezovta qilayotganini har doim ham so'z bilan ifodalay olmaydi, shuning uchun ham bu borada ota-ona ruhshunos, psixolog yordami bilan bolada kechayotgan o'zgarishlarni, salbiy sabablar, stressni bartaraf qilish usullari bilib olishi zarur hisoblanadi.

Bundan xulosa qilish mumkinki, ota-onalar bola stress vaziyatiga imkon qadar kechroq to'qnash kelishiga harakat qilishi lozim.

Salbiy omillardan yana biriga to'xtaladigan bo'lsak bu – qo'rquv. Bolalardagi an'anaviy qo'rquvlar haqida ham unutmaslik kerak. Ular ham psixolog, ruhshunoslar fikricha bola shaxsining rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi sabablardan biri hisoblanadi. Qo'rquv haqida gap borganda dastlab, bolani yolg'iz qolishdan instinktiv qo'rqishi haqida bormoqda. Doim o'z oilasi bilan birga bo'lishga intilish har bir oilaning ongida tabiataan mavjud. Masalan, farzandingiz gapingizga kirmasa “ yalmog'izga berib yuborish” ko'chaga chiqarib qo'yish shart emas. Kattalar uchun beozor tuyulgan bunday gaplar yosh bolalar uchun o'ta jiddiy hisoblanadi.

Yana bir narsani alohida ta'kidlashimiz kerak-ki, ayrim ota-onalar farzandlarini kiyintirishda jiddiy xatoga yo'l qo'yadilar, ushbu goh boyligini ko'z-ko'z qilish uchun,

goh avvalo yolg'iz bolam deb, qimmatbaho kiyim-kechak, qizlarga rang-barang taqinchoqlar olib beradilar. Bu bolalarda takabburlik, xudbinlik, kibrli yashash kabi illatlar keltirib chiqaradi.

Tarbiya tarixiy-ijtimoiy tajribaga tayangan holda bolani umuman shaxsni ma'lum maqsad asosida ijtimoiy hayotga tayyorlovchi faoliyat jarayoni hisoblanadi. Jamiyat ma'naviyati va shaxs kamolotida muhim o'rin tutuvchi ma'naviy va axloqiy poklik, iymon, insof, diyonat, or-nomus, mehr-oqibat, keksalarga hurmat singari fazilatlar o'z-o'zidan shakllanmaydi. Yuqorida aytib o'tganlarimizning asosida oila, maktabgacha ta'lim, o'rta maxsus, kasb-hunar tizimlarida amalga oshirilayotgan ta'lim-tarbiya mazmuni yotadi.

O'sib kelayotgan yosh avlodni zamon talablariga mos, barkamol inson bo'lib shakllanishlari uchun ijtimoiy tarbiya ya'ni, aqliy, ma'naviy-axloqiy, jismoniy, mehnat, estetik, huquqiy, ekologik, iqtisodiy hamda jinsiy tarbiyani tashkil etish bola shaxsining rivojlanishiga albatta ijobiy ta'sir ko'rsata oladi va biz kutgan natijani beradi.

Hayot qarama-qarshiliklardan iborat. Ko'pincha qandaydir yangiliklar yaratilishi, muhim ishlarning oshirilishi turli qarama-qarshi fikrlar yuzaga kelishi mumkin. Zamonaviy texnologiyalar haqida shunday qarama qarshi fikrlar ko'plab uchraydi. Kompyuter, mobil telefon, planshet va smartfonlar foydalanuvchilarga yordam berish maqsadida hayotimizga kirib kelgan bo'lsa, endi hayotimizning bir qismiga aylandi desam adashmayman.

Hozirgi kunga kelib, nafaqat kattalar balki jajji bolajonlar ham ulardan foydalana boshladilar. Ma'lumki, go'dak dunyoga kelgan kundan boshlab onasi bilan emotsional bog'liq. Ko'pincha go'daklik chog'idanoq atrof-olamni faqat onasi orqali taniy boshlaydi. Bugungi kundagi yosh onalarimiz esa farzandlarining dunyoga kelgan dastlabki kunlaridanoq go'daklari ko'z oldida zamonaviy qurilmalardan foydalanadilar. Hatto smartfon kabi mobil telefon bilan birga "nafas oladilar". Bunday holat tabiiy-ki bola ulg'aygandan so'ng ham davom etadi. Ayrim ota-onalar o'z ishlarini bajarib olish uyun bolalarning qo'lga mobil telefon berib qo'yadilar.

Bunday holatlarning tez-tez takrorlanishi bir necha omillarga sabab bo'lishi mumkin. Bular: bola boshqalar bilan munosabat jarayonida qiyinchiliklarga duvh keladi.doimo qiziqarli multifilm yoki o'yinlar bilan shug'ullanish imkoniyatini taqdim etadigan qurilmalarga bog'lanib bog'lanib qolish odati shakllana boshlaydi. Haqiqiy hayotdagi rivojlantiruvchi o'yin va kitob o'qib erish kabi mashg'ulotlardan bahra olmaganlillari sababli qiziqish mavjud bo'lmaydi, kelgusi o'qish, dars tayyorlashlarida qiyinchiliklar yuzaga keladi. Shu tariqa onalarimiz farzandlarining tarbiyaviy jarayonlarida xatoga yo'l qo'yadilar.

Adabiyotlar ro'yhati:

1. Alvido stress yoxud ruhiy halovat sirlari. 2015.
2. M.Vohidov. Bolalar psixologiyasi 1982 9-b
3. R.To'rxonova. Tarbiyasi og'ir bolalar psixologiyasi va ularni tarbiyalash. 5-b
4. Z.Nishonova, Z.Qurbonova, S.Abdiyev. Psixodiagnostika va eksperimental. 2011. 92-93-b

МАКТАБ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДАГИ ПЕДАГОГИК ЖАМОА КЕНГАШЛАРИ ИШ ТАЖРИБАЛАРИ

*Шаисматова Надира Абдуважитовна
Ангрен шаҳар 6-мактаб амалиётчи психологи*

Таянч сўзлар: Соғлом турмуш тарзи, жамоа, педагогик жамоа, илғор ўқитувчилар тажрибасининг.

Инсон олий ва етук мавжудот сифатида ўзининг ширин орзулари, умидлари, ўй хаёллари оғушида яшайди. У ўз умрини мангуликка дахлдор ишлар билан безаш ва маънавий юксалиш сари интилишга бағишлайди. Шу йўлда у тинимсиз меҳнат қилишни истайди. Хар бир инсон ўз иш жойида ўзига хос ва ўзига мос йўл билан ижод қилади ва меҳнати натижаларидан завқланиб яшайди. Бироқ хаёт хамиша ҳам бир маромда кечмайди, режалар осонликча амалга ошавермайди. Унинг йўлида турли тўсиқлар ва машаққатлар пайдо бўлади. Инсон уларни енгиб ўтиши учун курашади. У кураш учун яратилган, зеро хаёт-курашлар майдонидир. Бу кураш гоҳо ғалаба олиб келса, гоҳо ғам ташвишлар олиб келади. Бироқ иродали инсон тушкунликка тушмай курашни давом эттиради-бу унинг инсонийлик моҳиятида бор. Моҳият эса кураш шаклини белгилайди. Умр эса ўтаверади. Афсуски умр абадий эмас. Инсон хаёти Яратгандан унга «қарзга» берилган. Буларни ўйлаб у шошилади. Эзгу ишлар эса узоқ умр кўришни соғлом бўлишни талаб қилади. Афсус инсоннинг жисми темир эмас-да. У тинимсиз меҳнати жараёнида сарфланган куч-қувватини тиклашга муҳтож -турли хил касалликлардан ўзини асраши керак, тўғрироғи асрай билиши лозим. Ўзини узоқ умр кўришга, соғлом ва фаровон хаёт кечиришга тайёрлаш керак. Бунинг йўли бормикан? Бу йўл соғлом турмуш тарзи йўлидир.

Соғлом турмуш тарзи-бу ирода ва фаолликни тарбиялаш, зарарли одатлардан воз кечишни тарбиялашдир. Касалликларнинг олдини оладиган муҳим восита соғлом хаёт тарзи ҳисобланади. Бутун жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган, рад қилиб бўлмас баъзи далиллари ҳам соғлом турмуш тарзининг нақадар зарур ва муҳим босқич эканлигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино (Авиценна) минг йил аввал инсоннинг жисмоний, маънавий, рухий ва тиббий ҳолати уйғунлигини соғлом турмуш тарзи сифатида белгилаб берган. Шунинг учун, соғлом турмуш тарзи тушунчаси-бу нафақат жисмоний фаровонликка интилиш, балки маънавиятга, хотиржамликка интилишдир, унинг оқибати соғлиқни тиббий жиҳати билан белгиланади.

Республикамизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш тизими яратилди. Асосий мақсад эса, инсонларнинг ўз саломатлигига бўлган маъсулиятини ошириш, саломатликка энг олий қадрият сифатида қарашни шакллантиришдир. Бу мақсадга эришиш на фақат тиббиёт ходимлари шунингдек барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришни талаб этади. Саломатлик ва тиббий статистика институти қуйидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради:

- Халқ таълими вазирлиги
- Олий ва ўрта таълим вазирлиги
- Хокимиятлар
- Мудофаа ва ички ишлар вазирликлари
- Махала жамғармаси
- Диний бошқарма

Соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида шакллантириш ва касалликларни олдини олиш мавзуларида дунё тажрибаларини ўрганиш ва самарадор усулларини амалиётга татбиқ этиш борасида МДХ, Саломатлик ва тиббий статистика институти оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Шахсни ўқувчилар жамоасида тарбиялаш ва шакллантириш-баркамол шахс тарбиясининг қонидасидир. Бола шахси фақат жамоадагина, унинг таъсиридагина ҳақиқий шахс сифатида шаклланади. Ҳозирги шароитда жамиятнинг ҳар бир аъзоси бирор бир педагогик жамоанинг фаол аъзоси бўлиши зарур.

Жамоа–деб, муайян ижтимоий мақсадбирлигига қаратилган уч ёки ундан ортик кишиларнинг бирлашмалари ёки тузилмаларига айтилади.

Демак, педагогик жамоа бу – таълим муассасасида фаолият юритаётган, ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришни мақсад қилиб олган барча педагог-ўқитувчилар бирлиги.

Илғор ўқитувчилар тажрибасининг кўрсатишича, ўқувчилар ахил жамоа бўлиб уюшгандагина тарбия ишларини амалга ошириш анча енгил бўлади ва муваффақияти таъминланади. Яхши уюшган, соғлом жамоада ўқувчиларнинг фикри жуда катта тарбиявий кучга эга бўлади ва тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг таянчига айланади. Ўқитувчиларнинг нутқ маданияти ва маҳоратини тинмай оширишларига эришиш, уларнинг тилдан фойдаланишда намуна сифатидаги фазилатларни эгаллашларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида эшиттириш, кўрсатувлар ва материалларни ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилган ҳолда, юқори савияда тайёрлаш, бошловчилар, журналистларнинг нутқ маданиятини ошириш, рекламалар тили аниқ, мазмунли, давлат тилида бўлишига, пешлавҳалар давлат тили қонуни талаблари асосида ёзилишига эришиш лозим.

Таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида тарбиявий соатлар, эрталабки сафланиш, маънавият кунларида “Бухорий аждодлари”, “Марғиноний авлодлари”, “Мотуридий авлодлари”, “Нақшбанд авлодлари”, “Ислом цивилизация билимдони” шиори остида очик дарсларни ўтишда умумтаълим мактаб ўқувчиларини ватанпарварлик эътиқодини шакллантиришнинг энг муҳим асосларидан бири – ёшларда Ватан, унинг моҳияти, инсон ҳаёти ва фаолияти учун аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилишдир. Ватанни севмоқ учун даставвал унинг маъносини, тарихини, тақдири ва истиқболини чуқур англаб етмоқ керак.

ALISHER NAVOIYNING SHAXS KAMOLOTIDA O'QITUVCHI-MURABBIYNING O'RNI HAQIDAGI FIKRLARI

*Kanayeva Shahnoza Qodiraliyevna
Chust tumani 43-maktab ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi*

Ushbu maqolada buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning shaxs kamolotida ta'lim-tarbiyaning roli va ahamiyati haqida fikr bildirilgan. O'qituvchi-murabbiy faoliyati, uning kasbiy va shaxsiy sifatlari e'tirof etilgan bo'lib, ishda asosiy o'rganish obyekti sifatida "Mahbub ul-qulub" asari olingan.

Tayanch tushunchalar: ustoz-murabbiy, komillik, ilm-fan, ta'lim-tarbiya, ma'rifat, barkamol inson, shaxs kamoloti, maktab, ma'naviy meros.

O'tmishdagi buyuk mutafakkirlarning dono fikrlari, o'g'itlari, tafakkur mevalari, ijodiy yutuqlarini o'rganish xalqimizning ma'naviy dunyosini kengaytirish bilan bir qatorda, yosh avlodning barkamol inson bo'lib yetishishida muhim vositalardan biri sanaladi. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, Sharq murafakkirlaridan biri, o'zbek adabiyotining zabardast siymosi, komil inson kuylovchisi, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy merosini o'rganish, undan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish har bir pedagogning vazifasi hisoblanadi. Buyuk alloma, shoir Alisher Navoiy umuminsoniy tarbiya sohasida bir butun asar yaratmagan bo'lsa ham, o'zining bu haqidagi fikrlarini deyarli barcha ilmiy va adabiy asarlarida ifodalagan. Alisher Navoiyning ilm-ma'rifat, ta'lim-tarbiya masalalaridagi fikrlarida insonparvarlik g'oyalari bosh o'rinda turadi. Uning fikricha, inson dunyoda hammadan yuksak, aziz va qadrlidir. Alisher Navoiyning barcha asarlari yoshlar tarbiyasi uchun muhim xazina hisoblanadi. U o'z asarlarida har bir so'zdan unumli va o'rinli foydalana olgan. Har bir hikmati biz uchun ibratlidir. Alisher Navoiyning hayoti va merosi yoshlarda umuminsoniy fazilatlarni tarbiyalashda bizga har tomonlama namuna bo'ladi. Ulug' shoir o'zining ta'lim-tarbiyaga oid fikr-mulohazalari bilan barkamol avlod tarbiyasiga katta hissa qo'shdi, umuminsoniy fazilatlarni to'g'risidagi fikrlari hozirgi davrimiz uchun ham muhimdir. Har bir o'qituvchi-pedagog faoliyat yuritar ekan, berayotgan ta'lim-tarbiyasining yanada samarali bo'lishi uchun o'z ustida muttasil ishlashi, bilimni, mahoratini o'stirishi, o'quvchilar bilan bo'ladigan munosabatlarni puxta o'ylab, ularning ko'ngliga ozor yetkazmasdan ish olib borishi lozim. Muomala madaniyati, o'zini tuta bilishini nazorat qilishi kerak. Har bir tarbiyachining dunyoqarashi uning muomalasida namoyon bo'ladi. Muomalaning asosiy vositasi – tildir. Xalqimizda shunday naql bor "Bola – shirin so'zning gadosi". Shunday ekan, tarbiyachi muomala jarayonida juda ehtiyotkor bo'lishi maqsadga muvofiqdir. Alisher Navoiy muomala qiluvchi shaxsning mahorati haqida shunday deydi: "Shirin so'z ko'ngillar uchun bamisoli asaldir".

Shuning uchun ham o'qituvchi har on nutq madaniyatiga qattiq e'tibor berishi, o'zining psixologik, estetik, jismoniy, axloqiy jihatlarini namuna holatda namoyon etishi muhim. O'qituvchi o'zining pedagogik faoliyatida to'g'riso'z bo'lishi, ishlarni adolat bilan olib borishi kerak. Bu xislat tarbiyachi bilan o'quvchi o'rtasida yaqinlikni oshiradi, chunki adolat insonlar xulqini baholovchi muhim mezondir. Hazrat Alisher

Navoiy aytganidek: “Loaqal bir harf oʻrgatgan ustozning haqqini yuz ming ganj-u xazina bilan ham uzib boʻlmaydi”. Biz ulardan umrbod qarzdormiz. Alisher Navoiy yoshlarga chuqur bilim berish uchun muallimlar, mudarrislar va ustoz-murabbiylarning oʻzlari ham bilimli va tarbiyali boʻlishi zarurligini uqtiradi. U nodon mutassib johil domlarni tanqid etadi va oʻqituvchi maʼlumotli, oʻqitish yoʻllarini biladigan muallim boʻlishi zarur, deydi. Masalan, “Mahbub ul-qulub” asarida maktabdorlar haqida fikr yuritar ekan, ularni oʻta qattiqqoʻl, jo-hil va taʼmagirliklarini qoralaydi. Darhaqiqat, johil muallimlar gunohsiz yosh bolalarga jafo qiluvchidir. U yosh bolalarni azoblashga, kaltaklashga oʻrgangan, gʻazabli, qoshi chimirilgan, gunohsizlar bilan achchiqlanishga odatlangan. Ularning koʻpchiligida koʻngil qattiqligi va taʼb xastaligi oshkor. Buning ustiga ular aql kamligiga ham giriftor. Ular qiynash yoʻli bilan bolalar koʻnglini oʻzlariga rom qilmoqchi va kichkintoylarning beqaror tabiatini doʻq-poʻpisa bilan tartibga solmoqchi boʻladilar. Ulardagi koʻrinib turgan qoʻpollik, yosh bolalardagi kelishmagan xatti-harakatni silliqlashga yirik egovdir. Ular ishi odam qoʻlidan kelmas, odam emas, balki dev qila olmas. Bir kuchli kishi bir yosh bolani saqlashga ojizlik qiladi. Lekin ustoz bolaga ilm va odob oʻrgatadi. Darhaqiqat, mu-allim bu kabi hollarda yuzlab mashaqqat chekadi. Shu jihatdan olganda bolalarda uning haqi koʻp, agar shogird ulgʻaygach podshohlik martabasiga erishsa ham oʻz muallimiga qulluq qilsa arziydi. Ayni oʻrinda oʻqituvchi mehnatining mashaqqatli ekanligini taʼkidlab oʻtadi: “Uning ishi odam qoʻlidan kelmas, odam emas, balki dev ham qila bilmas. Bir kuchli kishi bir yosh bolani saqlashga ojizlik qilardi, u esa bir toʻda bolaga ilm va adab oʻrgatadi, koʻrkim bunga nima yetsin. Shunisi ham borki, u toʻdada fahm-farosati ozlar boʻladi, unday kishiga yuzlarcha mashaqqat kelsa qanday boʻladi. Har qanday boʻlsa ham, yosh bolalarga uning haqqi koʻpdir. Alisher Navoiy inson tafakkuri, aqli, bilimni va ilmiy bilimlarini yuksak qadrlagan. U “Bilim va donishmandlik insonning bezagidir”, deb yozadi. A. Navoiy farzand tarbiyasiga va uni shaxs sifatida shakllantirishga katta ahamiyat berib, tarbiyalanuvchini “hayot chirogʻi” deb taʼriflaydi. Farzand oilaga baxt va saodat keltiruvchi ziyodir. Uning fikricha, shaxsga kichik yoshligidanoq bilim, maʼlumot va tarbiya berishlikni koʻrsatib, oʻgʻil-qizlarni 6 yoshdan tarbiyachiga, muallimga berish lozim, deb hisoblaydi. Shuningdek, Navoiy hayotda oʻz ilmiga amal qilish, oʻrganganlarini hayotga tadbiiq etish masalasiga alohida eʼtibor beradi. Masalan, u “Mahbub ul-qulub” asarida ilm oʻqib uni ishlatmagan kishi, shudgor qilib dehqonchilik qilmagan yoki urugʻ sochib hosildan bahra olmaganga oʻxshaydi, deydi.

Ilm oʻqib qilmagan amal maqbul,
Dona sochib koʻtarmadi mahsul.

Olim bilim olishda barcha fanlarni oʻrganishni targʻib etadi. Bunda u olim-u fozillarni yigʻib, ular orqali ilm-fanni taraqqiy ettirishga eʼtibor beradi. Alisher Navoiyning fikricha, bilimlarni tinmay uzluksiz oʻrganish zarur, bunda har qanday qiyinchiliklarni yengib oʻtish muhimligini, qunt bilan ishlash, tirishqoqlik bilan harakat qilish, izchillik bilan kurash, uni oxirigacha yetkazish, chidam va sabot bilan oʻrganishni taʼkidlaydi. Demak, buyuk alloma ilm olish tamoyillarini oʻz davrida toʻgʻri ifodalab, hatto taʼlim tizimini belgilab beradi: yaʼni Alisher Navoiy taʼlim tizimini oʻz davrida oʻquv muassasasi, madrasalarda oʻqish, olim, hunarmand, sanʼatkorlarga shogird tushib yoki mustaqil holda ilm olish imkoniyatlaridan foydalanishni tavsiya

etadi. Alloma yoshlarga chuqur bilim berishda muallimning, mudarrislar hamda ustoz murabbiylarning o‘zlari ham bilimli va tarbiyali bo‘lishi zarurligini uqtiradi. Bunday muallimlar shogirdlarni yonida yuzlari yorug‘ bo‘lib, doimo izzatda, hurmatda bo‘ladilar, deb ta’kidlaydi.

Shunday qilib, biz Alisher Navoiyni pedagog-mudarris deb atashimiz mumkin. Chunki ta’lim-tarbiya masalalariga alohida e’tibor berib, tarbiya jarayonlarini, vositalarini, talablarini ko‘rsatib o‘tadi. U ta’limda ilmiylik, asoslanganlik, tarixiylik kabi talablarni asos qilib olgan buyuk pedagogdir. Chunki boqiy hayotga intilgan Navoiy fikricha, dono inson o‘zining kuch-quvvatiga aql-u zakovatiga ishonadi. Shuning uchun Navoiy ilm-fanning ahamiyatini yoritib berar ekan, ilmni qorong‘ulikni yoritadigan chiroq, hayot yo‘lini nurafshon etadigan quyosh, odamlarning haqiqiy qiyofasini ko‘rsa-tadigan olim sifatida ta’riflaydi. Bu fikrni “Nazm ul-javohir” asarida: Kim olim esa nuqtada barhak de oni, Gap bazm tuzar bihishti mutlah de oni, Har kimsaki yo‘q ilmga anga ahmoq de oni, Majlisdaki ilm bo‘lsa uchmas de oni. Yoki ilmli, aqlli odam o‘z maqsadiga erishish uchun har qanday qiyinchilikka ham chidaydi, kim ilmni o‘ziga tayanch qilib olsa, u hech qachon qoqilmaydi, xor bo‘lmaydi va ilmning vazifasi inson baxt-saodatiga xizmat qilishdir, – deb ta’kidlaydi. Demak, Alisher Navoiy o‘zining badiiy asarlari bilan bir qatorda ta’limiy–axloqiy asarlarida o‘zi orzu etgan komil insonga xos axloqiy fazilatlari deb qanoat, adolat, saxovat, himmat, muruvvat, vafo, to‘g‘rilik, rostgo‘ylik va boshqalarni tushungan, ana shu xislatlar tarkib topgan insonga yomonlik razillik bo‘lmasligi, bunday inson yashagan jamiyat ham ravnaq topishi, barcha xalq baxt-saodatga erishish mumkin, – deb hisoblagan. Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiyning komil insonni shakllantirishga oid fikrlari, uning ta’limiy-axloqiy qarashlari pedagogik fikr taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Allomaning qarashlari o‘zidan oldin o‘tgan olimlarning bu boradagi ilg‘or ta’limotiga, shuningdek, komil insonni tarbiyalashga oid an’anaviy Sharq xalqlari ta’lim-tarbiya yo‘riqlariga asoslanadi. Alisher Navoiy ta’lim-tarbiya masalalariga alohida e’tibor berar ekan, tarbiya jarayonlarini, vositalarini, talablarini ko‘rsatadi. U ta’limda ilmiylikka asoslanganlik tarixiylik kabi talablarni asos qilib oladi. O‘z davridagi musulmon maktablarining yutuq va kamchiliklarini tahlil etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami. Yigirma jildlik. 16-jild. – T.: “Fan”, 2000. – B. 26.
2. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami. Yigirma jildlik. 14-jild. T.: “Fan”, 1998. – B. 83.
3. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub. Asarlar. O‘n besh jildlik. 13-jild. – T.: “Badiiy adabiyot” nashriyoti, 1966. – B. 189-190

ЁШЛАРНИНГ ДУНЁКАРАШИ ВА ХУЛҚ-АТВОРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОЙ - ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

*Мамажоновна Дилноза Ахмаджоновна
Избоскан тумани 8-мактаб психологи*

Инсоннинг, нафакат ёшларнинг моддий ҳаёт тарзига, шу билан бирга маънавияти, рухий оламига “Глобаллашув” жараёни узининг сезиларли таъсирини курсатмоқда. Глобал тармок афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсоният, айниқса ёшлар маъданиятига тугдираётган хавф-хатари тугрисида суз юритишга тугри келади. Бу нохуш гайринсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармокдаги ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда таркатиш буйича имкониятлардан фойдаланиш оркали жамоатчилик фикрини тугри йулдан буриш, узлари таргиб этаётган нопок гоё ва манфаатлар томон йуналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан богликдир. Сузсиз, бундай таъсирга интернет аудиториясининг энг фаол, энг куп кисми тафаккури етилиб, дунёкараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлардир.

Хар бир янгилик ва кашфиётларнинг ижобий ҳамда салбий окибатлари булганидек, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи жихатлари йук эмас.

Бугунги ёшлар интернет тармогидан факат илм эгаллаш, ахборот олиш йулида фойдаланмоқда десак, янглишамиз. Интернет клубларига кирганда, уни тулдириб утирган ёшларни куриб хурсанд буламиз. Аммо, айрим оила даврасида куриб булмайдиган шахвоний ёки вахшиёна видеофильмларни томоша килиш, турли вилояту- шаҳарлардаги киз ва йигитлар билан севги номалари алмашиш, ушбу тармокка уз суратларини киритиб, реклама килиш билангина бандлигига гувоҳ буламиз. Бу каби ҳолатлар, аввало, ёшларнинг онгини эгаллашга йуналтирилган булиб, халкимизнинг маънавий хазинаси булган одоб-ахлоқ, шарму-хаё, иффат, андиша каби юксак фазилатларимизга тажовуз килиб, куп минг йиллик миллий кадрятларимизнинг илдизига путур етказётгани ҳам, таассуфки, бор гап.

Бугун аксарият ота-оналар фарзандларини инжик, кайсар урушқоклигидан шикоят килмоқда.

Уларни биз катталар эмас, балки телевизор, интернет, тик-токдаги бемаза нарсалар тарбияламоқда. Биз катталар эса-рузгорни гори катта эканлигини баҳона килиб, уйга келиб ё телевизор каршисида сериал томоша килиб, ёки телефон титкилаб утирамыз, натижада, мурувват уйига ота-онасини топшираётган узбек оилаларини, 14 ёшда “Кучани куриб куйган” кизлар, ёинки тик-токдаги турли беандишаларча килинган хатти-ҳаракатли бемаза ҳолатларни куриб, беихтиёр таклид ҳам килмоқда.

Инсон шахсининг таркиб топиши ташқи ижтимоий мухитнинг роли хакида гап борар экан, шунини ҳам таъкидлаб утиш зарурки, айрим гайртабиий ходисалар

инсон шахсининг таркиб топишида ташқи мухит таъсирининг хал килувчи ахамиятга эга эканлиги тула тасдиқлайди.

Маълумки, таълим-тарбия инсон онгини шакллантиради, унинг дунёкараши, эътиқоди, ҳаётга булган муносабатини таркиб топтиради. Агар болаларнинг рухий тараккиётлари ва шахсий хусусиятларининг таркиб топиши фақат ташқи ижтимоий мухит билан таълим тарбиянинг узигагина боғлиқ эмас. Сарҳадсиз интернет дунёсига кирган шахс вақт, умр ганимат эканини доимо ёдда сакламоғи лозим. Зеро, бу глобал тармок бепаён ҳудудларга эга бўлиб, унда инсон, айниқса ёшлар адашиб соатлаб, кунларини самарасиз утказиб юбориши мумкин.

Бирок, бугун ахборот-коммуникатсия технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган тезкор даврда, интернетни чеклаб қуйиш ёки ахборот олишни чеклаб, тақиқлаш билан муаммо хал бўлмайди. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизни онгини ураб-чирмаб, уни уқима, буни курма деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ураб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад- муддаоларимизга ҳам тугри келмайди.

Миллий конунчилигимизда ҳам ёшларни носоглом ахборотлардан химоялаш механизмлари мавжуд.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юксак маънавият, пок ахлоқ асосида угил-қизларни тарбиялаш вазифаси, айниқса таълим тизимидаги сайтларнинг маълумотлар баъзасини соғлом тарзи талабларига мос равишда гиёҳвандлик, кашандалик, ичкиликбозликка қарши курашга оид ахборот ва маълумотлар билан бойитиш зарур.

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган булиши лозимки, улар виртуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараккиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Фақат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларига қур-қурона эргашиш, уларни нотугри талқин қилишнинг олди олинадди. Ахборот истеъмоли маъданиятга эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

Фарзандларнинг истикболини, ёрқин келажагини истайдиган ҳар бир ота-она тарбия масаласига жиддий эътибор бермоғи зарур. Бола тарбияни турли компьютер уйинлари, интернет ва ижтимоий тармоклардан эмас, энг аввало ота-оналаридан, бобо-момоларидан, эзгуликка-поқликка ва дину-диёнатга чақирувчи яхши китоблардан олиши мақсадга мувофиқдир.

“Қимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгаллик қилади”,-деган фикр бугунги кунда барча томондан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малақасини шакллантириш ҳаётий-амалий ахамиятга эга.

Фарзандларимиз бетакрор, ундаги қобилиятлар жамланмаси фақат унга тегишли, у шахс, ички потенциалини юзага чиқаришга интилаётган шахс. Унинг бугунги ютуқларидан завқлана олсак, тугри йулга йуналтирсак, эртанги қуни учун узи қанчалик ҳаракат қилишидан хайратланамиз!

Адабиётлар:

1. Гозиев Э. Психология: (Ёш даврлар психологияси): -Т.: ”Укитувчи”, 1994 й-224 б.
2. Каримов.И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 й.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 8 т. 2004.- Б. 263.
4. Асқарова Ў.М. Педагогика. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик/ Асқарова Ў.М., М. Хайитбоев., М.С. Нишоннов. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: “Талқин”, 2008.-288 б.
5. АКТ:тезкор ва илгор//Халк сузи-2012.-24-апрель.

БОЛАГА ХОЗИР КАНДАЙ МУОМИЛА ҚИЛИШ БУ СИЗ ВА БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

*Эрисова Маъсуда Рашидовна
САМДЧТИ 2 бўлим муҳандиси*

Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги кўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутди. Бола ота-она томонидан кўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, бу унинг табиатига салбий таъсир қилади.

Бу эса ўз навбатида оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оилада ота-оналар “оммавий маданият” таъсирига берилиб кетиши оқибатида фарзандларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Албатта бола тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан баҳобар бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараён дир. Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада болага эстетик, жинсий тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини кўяди. Таълим-тарбия, одоб-ахлоқ болалиқдан берилгани маъқул. Расулulloҳ (с.а.в.): “*Бирон тангиз ўз фарзандларингизни тартиб-интизомга ўргатса, бу ҳар куни садақа бергандан яхшироқдир*”, дея марҳамат қилганлар. Болаларни интизомга ўргатиш оила мустаҳкамлигига асос бўлади. Ислом шу маънода ота-оналарни ўз фарзандларига

соғлом тарбия беришга рағбатлантиради. Ҳадиси шарифда “*Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши хулқ билан хулқлантиринг*” деб таъкидланган.

Фарзанд тарбияси жараёнида бола ҳуқуқларининг камситилмаслиги талаб этилади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбияга нисбатан болаларнинг руҳий оламига, ҳиссиёти ва туйғуларига чуқур таъсир кўрсатади. Фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак?, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Кўпчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деб жавоб берган. Яна шу сўзга қўшимча қилиб таниқли педагог А.С.Макаренко беш ёшгача бўлган тарбия боланинг шахсияти шаклланишида ўта муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этиб ўтган. Бу ҳақда у шундай деб ёзган: “...тарбиянинг бош асоси беш ёшда ниҳоясига етади, демак, сиз беш ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади, кейинги тарбия эса қайта тарбиялаш негизида давом этади”. Мана шу жараёнда бола тарбиясига ўта эътиборли бўлиш лозим. Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган. Шарқ алломалари ўз асарларида фарзандларга тарбия ва таълим бериш, уни маърифату маданиятга етаклаш муаммоларига эътибор берганлар. Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбияси, гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини таъкидлаганлар. Жумладан, Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” асарларида фарзандларга юксак инсоний фазилатларни камол топтириш тараннум этилган. Юртимиз уламолари ўз асарларида фарзандининг чиройли одобидан умид қилган ота-она, уни мунтазам равишда ҳусни хулқ асоси бўлган муомала одобининг қуйидаги қирралари билан таништириб бориши муҳим эканини алоҳида таъкидлаганлар:

– фарзандингиз одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига эътибор қаратинг;

– одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андухидан қайғуриш, мол-мулкига хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш ҳусни хулқ эгаларига хос фазилатлардандир. Шунинг учун фарзандингизга ана шу хислатларни болалиқдан сингдириш пайида бўлинг;

– фарзандингизга ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ўзгаларни менсимаслик, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муносабат кўрсатиш ҳам одобсизлик эканини уқтириб боринг;

– ёши улуғ кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, буйруқларини сидқидилдан бажариш ҳам болалар қалбига жо қилишга эътибор беринг.

Ота-боболармиз азалдан ўғил қизларнинг гўзал хулқли, одобли бўлишига катта аҳамият берганлар

Бола шахсий усиши ва унинг ҳаётга нисбатан қизиқишини ошириш усуллари.

1. Болага ҳозир қандай муомила қилиш бу СИЗ ва БИЗНИНГ келажагимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

2. Болани ҳар тамонлама эркин қуйиш бу эркин сузларини очиқ айта олиш имкониятини оширади

3. Бола билан дустана муносабатларда булиш

4. Мақсад қуйиши ўргатиш ва орзуларини амалга ошишига кумаклашиш
Бола уз хаёллари билан ёшлигида улкан орзуларни амалга ошириш ҳақида кўп уйлайди аммо ташқи таъсирлар ва оиладаги муҳитдан сунг болада умуман орзу ва мақсадларга ишонч қолмаслиги мумкун. Бола тарбиясида энг катта хато бу ота-онаси у хоҳлаган касб эгаси булишни истайди, аслида бунақа булиш керак эмас бола узи хоҳлаган касб эгаси булсин уни фикирлари ҳар доим ҳурмат қилишимиз керак

5. Оилада боланинг роли бўлиши ҳамда унинг фикирлари инобатга олиниши керак.

6. 12 ёшдан катта болаларга мактабда исломий билимлар ҳамда куникмалар берилиши лозим.

Боланинг асосий вақти мактабда утади шундай экан ҳар бир болага алоҳида индвудални кумаклашадига устозлар тайинланиши лозим сабаб бола учун устозлари идеал ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда бола таърибиясида ташқи муҳит тасири катта булади уқтувчининг мағрурлигиданда урناق олади, ота-онасининг муносабатларини узида сингдириб атрофга шундай муносабатда булади.

Болага бу сузларни ишлата курманг

-Сен буни уддалай олмадинг

-Сен буни қила олмадинг

-Сен қачон беш баҳо оласан

-Сенга мумкун эмас (касб танлаётганда ёки оддий узи қизиқиш билдирган тугаракларига қатнашда ота оналар қаршилик қилишади)

-Болани алдаманг унинг олдида сиз ҳам бошқаларга ёлғон гапирманг (бази ота оналаримиз болаларни алдаши ёки даданга айтма? Дейишади асло бундай иш қилманг)

-Болангиз қачон 5 баҳо олиб келса сунг уни рағбатлантирманг ёки сизга ёкадиган иш қилса кейин мақтаманг ҳар доим нимадир қилсам мақтайди деб урганиб қолади.

Болага айтиладиган сузлар

Сенга ишонаман

Сен кучлисан

Сен яхши кураман

Сен менинг ҳаётим

Ҳар куни бағризга босинг

Бўлар болада узига ишонч ва мақсадлар сари олға интилишга ундайди

Хулоса урнида шуни таъкидлаш кераки фарзандларимизни шахс сифатида туғри таълим тарбия бериш учун нафақат ўзимиз рўвожланишимиз ўзимиз ҳаракат қилишимиз лозим.

БОЛА ТАРБИЯСИ БЎЙИЧА ОТА-ОНАЛАРГА ТАВСИЯЛАР

*Санақулова Дилбар Совурхановна
Навбахор тумани 36-мактаб психологи*

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пайдеворини барпо этилишида эркин фуқаро маънавиятини шакиллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. И. А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида такидлаганларидек бугунги кунда барчамизга аён бўлиши керакки, қайердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳуқум сурса енг долзарб масала ўзи буларчиликка ташлаб қўйилса ўша ерда маънавият енг ожиз ва заиф нуқтага айланади.

Аксинча, қайерда хушёрлик ва жонкуярлик юксак ақл, идрок ва тафаккур ҳуқумрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади. Юртбошимиз айтган сўзлари замирида бугунги кунда фарзандларнинг нафақат физиологик, саломатликлари балки руҳий саломатликларига ҳам аҳамият қаратишга ундайди. Маънавиятли ёш авлодларни тарбиялаш бугунги даврда ота-оналарга катта масъулият ва вазифаларни юклайди. Зероки, маънавият инсон ҳаёти руҳида болаликдан шакилланадиган бюук кучдир. Бугунги кунда аксарият ота-оналар бола тарбияси билан 7 ёшдан жиддий шуғулланиб ундаги камчиликлар фикр мулоҳазасизлиги тўғрисида психологларга мурожаат етадилар. Биз нега айнан 7 ёшдалигига эътибор қаратадиган бўлсак, болалар шу ёшда мактабнинг 1- синфига қабул учун психолог куригига олиб борилади. Психолог ва мутахассислардан фарзандини руҳий ривожланиши нормал ривожланишидан кечикаётганини эшитган ота-оналар биз фарзандимизнинг тарбияси билан нечча ёшдан шуғулланишимиз керак деган саволни берадилар. Психологик кузатувлар болажонларнинг 3 ёшда «менлик» даври бошланиши билан сизнинг фарзандингиз айнан шу ёшда узларини инсон сифатида кашф этишларини маълум қиладилар. Шу ёшда сиз фарзандингиз сизга у ким? Бу нима? деган саволларни бера бошлашади.

Сиз ота-она сифатида фарзандингизни саволларига тўлиқ жавоб қайтариб, унинг ҳаёл кўлами ва тафаккурининг мантиқийлигига эришасиз. Кўпчилик ота-оналар фарзандининг бу каби саволларига аҳамият қаратишмаслиги болаларнинг атроф муҳитни ўз қараши билан идрок этишига олиб келади. Бунда болаларнинг идроки торайиб, фикрлари саёзлиги кузатилади. Баъзида сиз овқатни ўз кўли билан емоқчи булаётган фарзандингиздан жаҳлингиз чиқади. Сиз уни бу ҳаракатдан тўхтатиб тартибга чақирасиз. Аммо сиз, бу ҳаракатни тез-тез такрорлаб борсангиз келажакда фарзандингизни тортинчоқ ва кўмакка мухтож этиб тарбиялашингизни уйлаб кўрганмисиз? Бу ҳолатда фарзандингиз улғайсада ҳаётидаги ҳар бир вазиятда сиздан кўмак кутади. Сизга суянишда таянишда давом етаверадилар. Хурматли! ота-она. Сиз психологга жажжигина қизингизни қизил рангли қаламда расм чизиб буяшини айтиб бу ҳодисани оддий ҳолат сифатида айтишингиз мумкин. Шу ўринда нега фарзандингиз қизил рангга урғу қаратади? Билингки, фарзандингиз бошқа тенгдошларига нисбатан уруш жанжалга мойиллик руҳида тарбияланмоқда. Бундай вазиятда сиз фарзандингизни расм

чизиш вақтида бирга бўлинг. Расмларни очик рангли ва турфа хил рангда буяшга ўргатинг. Бу жараён билан сиз фарзандингиздаги агрессивликни вақтида тузатишга эришасиз. Ўз фарзандингиздаги кичик хатоларни ўз вақтида тузатиш билан бирга унинг баркамол инсон бўлиб улғайишига кўмаклашасиз. Ота-она сифатида фарзандингизни ҳар бир ёшда кузатинг. Унинг ёшга оид ўзгаришлари балоғат давридаги тушунмовчиликлардан дўст сифатида олиб чиқинг. Улардан ширин сўзингизни аяманг. Тавсиялардан фарзандингизни улғайтиришда фойдаланар экансиз келажакда унинг ютуқларидан фаҳирланасиз.

Фойдали тавсиялар.

1. Фарзандингиз расм чизганида қаламларни босим кучи билан ушлаб фойдаланса ундаги ички хаяжоннинг кучлилигини билдиради.

2. Агар фарзандингиз одамдар гавжум ерларда юришни истамаса уни тезда мактабгача тарбия муассасасига беринг.

3. Фарзандингиз сизга хархаша қилиб асоссиз талаб кўп қўядими? Демак у сиздан укаси ёки синглисига нисбатан ўзига кўпроқ эътибор талаб қилади.

4. Фарзандингиз ўйинда графикани танлайдими? Билингни у келажакда ижодкор инсон бўлибетиши шумкин.

5. Фарзандингизга баъзида автомат ёки шунга ўхшаш ўйинчоқ совға қилиб сиз унинг агрессив бўлиб улғайишига сабабчи бўлманг.

6. Фарзандингизга янги ўйинчоқ олиб бермоқчимисиз? Сиз кубик рубик ёки йиғиладиган турини танланг. Бу билан сиз болада мантикий фикрлашни ривожлантирасиз.

7. Фарзандингиз ўз хонасини тартибсиз қилиб ўйнаса уни дархол урушишга шошилманг. Унинг ўйин орқали ўз характерини образларини шаклланишига халақит берасиз. Сиз ўйин тугаганини кутиб кейин хонасини тартибга чақиринг.

8. Фарзандингизни кўчада болалар даврасидаги уйинини кузатинг. Сиз уни харбий шифокор тарбиячи ролини ўйнаётгани кўрсангиз билингни унинг илк касбий қизиқишлари уйғонмоқда.

9. Сиз фарзандингизни доим сабр билан тингланг. Баъзида унинг фикрини бўлиб ёки тез гапиришини талаб қилиб нутқи ривожига салбий таъсир кўрсатасиз.

10. Хар доим фарзандингизни барча талабларини сабр билан эшитинг. Баъзида бу талаблар ичида сиздан дўстимнинг отаси-онаси сиздан яхшироқ деган фикрларни тингладингизми? Демак тарбиялаш жараёнидаги камчиликларингиз хақида жиддий уйлаб кўришингиз лозим.

ОММАВИЙ СПОРТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

*Санақулова Дилбар
Навбаҳор тумани ХТБга қарашли 36-мактаб психологи*

Инсон танасидаги суяк, мускул ва қон томирлар тухтовсиз ҳаракатланар экан, ҳар кунлик танамизнинг ички энергияси йиғилиб қолаверади.

Бунинг натижасида, инсонда буғимларда туз йиғилиши, қон босимида томирлар муртлиги, тана ҳаракатида суяклар муртлиги, каби физиологик сабабларни келтириб чиқаради.

Ақлий жиҳатдан эса, “**шезофриния**” каби касалликларда нозиклашиш ва ўсмирлик даврларини, ички импатия билан кечиши каби турли босимли ҳолатларга сабаб бўлади.

5-6-ёшли болакай спорт билан шуғулланиш даврини бошлаши билан, унда ички стресс ҳолатлари ёки ёшга оид депрессия ҳолатларини енгил ўтиб кетишини таъминлайди.

Спорт билан оммавий шуғулланиш, бу соғлом турмуш тарзи ва соғлом ҳаёт гарови ҳамдир.

Биз бир кунда истеъмол қилган ёғли ва оғир к\калорияли маҳсулотларни ҳаракат қилибгина тезда парчаланиб, фойдали моддаларни танага сингиб боришини таъминлаймиз. Акс ҳолда, юрак ва қорин соҳасини ёғ қоплаши, ортиқча тана семизлиги каби хуник ҳолатларга сабабчи бўламиз.

Ортиқча ёғ ва кучли калорияни ташкил этадиган маҳсулотлар, масалан “**кофе**” каби маҳсулотлар таркибидаги зарарли ва миқдоран ҳазми қийин маҳсулотлар, инсонлар ўртасида турли ҳил тобелик ва қарамлик сендиromини келтириб чиқаради.

Овқат ҳазм системаси бўйича, Павлов итда қилган тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, чироқ ёниқ ҳолатдаги итдаги сўлак рефлекси ва чироқ худди шу ҳолатдаги овқат берилмай туриб итдаги сўлак ажралиш жараёни итда нафақат овқатга бўлган мотивацияни, балки эҳтиёжга қараб қарамлик ҳиссининг кучлилигини кўрсатади.

Инсонлар турли ўқиш, иш ва шунга ўхшаш кундалик фаолият натижасида, соғлом овқатланиш ва спорт билан шуғулланиш каби жиҳатлар иккинчи масала сифатида қараб келинмоқда.

Яна ҳар кунлик машғулотларга вақт тополмасликлари ва овқатланиш вақтларини тартибини бузишлари сабабли, ошқозон ва ун икки бармоқли ичак касалликлари кучли босим ортиши натижасида онг заифлашуви каби, салбий иллатларга чалинмоқдалар.

Таълим соҳасида ўқувчиларни эрта тонгги бадантарбия машғулотлари, оммавий кроссларни ташкил этилиши, оммавий жамоа ўйинларини ташкил этиш, ҳар бир инсонни физиологик, психологик ва потологик, саломатликларини таъминлабгина қолмай, ишга бўлган иштиёқни ошишига олиб келади.

Инсонлар кундалик ўқиш ва иш жараёнларига бориб келишдаги ҳаракатини спорт билан шуғулланиш сифатида қабул қиладилар.

Аммо, спорт билан шуғулланганда ҳар бир машқ натижасида ўз нуқталари, мускуллар ҳаракатларини тўғрилиги билан характерланади.

Вилятимизда, иккинчи касаллик сифатида суяк емрилиши ва буғимларда туз касаллигини ортирган, 50-65 ёшли беморлар кўпчиликини ташкил этади.

Танадаги тузни сурилиб кетиши учун, якка чупда тортилиш ва эрта тонгда кросс билан шуғулланишни тавсия қилишади.

Касаллик туфайли, инсонларда ортиқча асабийлик ва стресс ҳолатлари ўз – ўзидан келиб чиқади.

Ёши кекса инсонлар буни оилам, уйим жойим, деб кўп йиллар ҳаракатлангандан кейинги инқироз сифатида изоҳлайдилар. Аммо кундалик 1-2 соатлик “фитнис машғулотлари”га маблағ ва вақт ажратиш бу каби хунук ҳолатларга олиб келмаслигини билмасликлари, ёки сабр билан шуғулланишни истамаслик каби иллатлар натижасида юзага келади.

Соғлом турмуш, бу- кашандалик, спиртли ичимликларсиз ортиқча маҳсулотларга тобийлик каби онгни тўғри бошқара олмаслик ўз-ўзини ақлан чеклаш каби миёрлар кишиларга соғлом ҳаёт, соғлом табассумни тухфа этади. “Оммавий спорт ва жисмоний тарбия”ни катталар шуғулланиши натижасида ёшларга ўрнатилган бўлишлари зарур.

Соғлом турмуш тарзи бу-соғлом авлод ва соғлом келажак таъминоти ҳамдир.

50-60 ёшида ҳам миллий кураш тушган алп боболаримиз, нафақат соғлом турмушни балки, ёшлардаги спортга бўлган мотивацияни шаклланишига сабабчи бўлишган.

Хитой ҳалқига ҳос **ИОГО** ва кўл жанги каби, спорт турлари саънат даражасига кўтарилган. Биз ишонамизки ёшларимиз ота- боболаримиз каби, тош кўтариш, миллий кураш спорт турларига яна қизиқадилар. Спорт билан шуғулланиш, соғлик учун фойдали эканликларини англаб етадилар. Ўқувчилар ўртасида, спорт усталари ёш грасмистирларимиз билан фахрланамиз.

Шахмат ўйинини бобосидан ўрганиб, Ҳинд диёрига мен ўзбекистонликман деб борган болакайни кўрганимизда, ижобий имотцияни ҳис қилган эдик. Шахмат нафақат спорт тури балки, онг сайқаллигининг таъминоти ҳамдир.

Ёшлиқдан ҳаётни шахмат тахтаси деб, “**МОТ**” қилиш каби усулларни ўрганган фарзандларимиз, келадакда турли иллатлар ва оқимларга осон кўшилмайдилар.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб етайлик, ёшларимизга соғлом табассумни тухфа етайлик. Спорт нафақат саломатлик гарови, соғлом фикр асосчиси дир. Ички ҳаракатланиш ва соғлом турмуш тарзини тартиб ва қоидаларга амал қилиш натижасида ҳозирги глобал муаммо коронавирус пандимиясидан ҳам сақланишни таъминлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Одам ва унинг саломатлиги И. Павлов
2. Умумий психология Иванов
3. Каронавирус инфо онлайн маълумот.

O`SMIR PSIXOLOGIYASIDA SALBIY SIFATLARNI KELITIRIB CHIQRUVCHI TA`SIRLARNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI

*Latipova Chinnigul Nasriddinova
Buxoro davlat universiteti 1-bosqich magistranti*

Аннотация. Mazkur maqolada, o`smir yoshlar tarbiyasiga salbiy ta`sir ko`rsatadigan sabablar, ma`lumotlar o`rganilgan. Bola xulq-atvorining psixologik

xususiyatlari, o`smirlarning xatti-harakatlarini ijobiy tomonga burishda yordam beradigan diniy tarbiya usullari va sharq mutafakkirlari fikrlari, ularning tarbiyasida uchraydigan turli salbiy og`ishlardan asrab qolish imkonini beruvchi o`g`itlar keltirib o`tilgan.

Kalit soʻzlar: tarbiya, oila, barkamol shaxs, ota-ona, muloqot, ruhiy rivojlanish, moddiylik, fitrat,

Tarbiya uzluksiz jarayon bo`lib, inson dunyoga kelishidan to umrining oxirigacha davom etadi. Bu jarayon asosan oila tarkibida shakllanadi. Insoniy fazilatlarining qay darajada shakllanganligi oilada olgan tarbiyasiga qarab belgilanadi. Bugungi kunda jamiyat oldida turgan eng dolzarb muammolardan biri kelajak avlodni komil, yetuk, barkamol shaxs sifatida shakllanishini ta`minlashdan iboratdir. Afsuski, ayrim o`smirlar orasida salbiy sifatlar avj olib ularning tarbiyasi va psixologiyasiga o`z ta`sirini ko`rsatib kelmoqda. Hozirgi kunda yoshlarimiz orasida hech birimizga xush kelmaydigan so`z ya`ni “tarbiyasi og`ir” yoki “noqobil bolalar” iborasining ishlatilishi achinarli holat bo`lishiga qaramay, bu muammolar tez-tez uchrab turishi va ular sonining keskin ortishi ta`kidlanadi.

Xo`sh yoshlarimiz, o`smirlarimiz orasida yuqoridagi muammolarning kelib chiqish sabablarini nima bilan bog`lashimiz mumkin? Salbiy sifatning kelib chiqishiga asosiy sabab nimada? Bu muammolarni bir qancha tashqi sabablar bilan bog`lab ko`rsatish mumkin, ya`ni

1. Hozirgi vaqtda axborot oqimining juda yuqoriligi(uzluksiz televizor ko`rish, kompyuterdagi har xil o`yinlar epizodlariga taqlid qilish va internetdan notog`ri foydalanish yoki norasmiy saytlar orqali har xil nomaqbul axborotlarni o`zlashtirish),

2. Yoshlarning oila, ota-ona e`tiboridan chetda qolishi,

3. Oiladagi iqtisodiy yetishmovchilik yoki krizis .

Bu muammolarga asosiy tub sababini olib qaraydigan bo`lsak oilada “MULOQOT” munosabatlarining yo`qligi va chegaralanib qolishi deb ko`rsatsa bo`ladi.

Ma`lumki, insoniyat jamiyati taraqqiy etib borgani sari insonlarning o`zlari ham, ularning bir-biri bilan bo`ladigan munosabatlari ham, shaxslararo munosabatlar orasidagi eng samimiy, eng yaqin bo`lgan oilaviy munosabatlar ham takomillashib, shu bilan birgalikda o`ziga xos tarzda murakkablashib bormoqda. Bularning sababini hozirgi zamon fan-texnika taraqqiyoti, ishlab chiqarish munosabatlari va texnik jarayonlarning jadal joriy etilishi deb qarash mumkin, ya`ni texnik texnologiyalarning jadal sar`atlarda rivojlanishi inson oldiga o`ziga xos tarzda talablar qo`ymoqda. Masalan: bundan 100 yil oldin ota-bobolarimiz yerga ishlov berishi uchun hech qanday texnik texnologiya mavjud bo`lmagan va ulardan foydalanmagan ya`ni qo`l kuchi bilan oila a`zolari bilan birgalikda yumushlar bajarilgan. Bundan ko`rinib turibdiki, oila a`zolari bilan birga olib borilgan mehnat oilada o`sib kelayotgan farzandlarning tarbiyasiga o`ziga xos tarzda ijobiy , o`rnak namuna sifatida xizmat qilgan. Qolaversa, birgalikdagi mehnat jarayonida oilada muloqot shakllangan. Bu muloqot oilada farzandlar tarbiyasiga o`zining ijobiy xislatlarini tarkib topishiga zamin hozirlagan.

Endi, shu holatni, bugungi kun bilan ko`rib chiqadigan bo`lsak, hozirgi kunda texnik-texnologiyalarning yuqori sur`atda rivojlanishi har bir inson uchun qulayliklar yaratmoqda. Biror yumushni bajarish kerak bo`lsa qo`l mehnati yoki inson kuchidan foydalanish shart emas. Texnikaning o`zi yetarli. Albatta bu holat quvonarli va barcha

uchun keng imkoniyatlar ochib beradi. Insonlarda o'z ustida ishlash va vaqtini mazmunli sarflashga xizmat qiladi. Lekin hozirgi yoshlarimiz mustaqillikga moyilligi yuqoriligi, befarqlik va o'z vaqtlarini ijtimoiy foydali faoliyatga sarflagilari kelmaslik kabi salbiy xislatlarning ko'payib borishiga, qaysidir ma'noda, oilada o'zaro muloqotning yo'qligi cheklanishi kabilar sabab bo'lmoqda desak mubolag'a qilmagan bo'lamiz. Aynan shu holatlar yoshlar va o'smirlarning xulq-atvorida salbiy og'ishlarning boshlang'ich sababi va asosi bo'lib hisoblanadi.

Psixologik xizmat doirasida bola tarbiyasidagi salbiy o'zgarishlarni oldini olishda eng avvalo bolaga ta'sir ko'rsatish zarurligi muhim hisoblanadi. Buning uchun oiladagi muhitni o'rganish, ota-onaning bolaga munosabatini aniqlash, Oiladagi o'zaro muloqot darajasini o'rganish va yaxshilashga yordamlashish hamda bolani o'zini o'zgartirishga tayyorlash, ya'ni,

-turli muhit ta'siridan sarosimaga tushmaslikka

- turli xil qiyinchiliklarni yengib o'tishga o'rgatish lozimdir.

Bundan ko'rinib turibdiki, bolada mavjud noto'g'ri salbiy o'zgarishlarni **ruhiy rivojlanishning me'yor darajasiga yetkazish** orqali hamda ota-onaning farzandiga bo'lgan munosabatini yaxshilash orqali bola tarbiyasidagi qiyinchiliklarni yo'qotishga erishish mumkindir. Demak, boladagi ruhiy rivojlanish muhim hisoblanib, bu avvalo, oiladagi muhitni taqqozo etadi. Shu o'rinda buyuk mutafakkirimiz Beruniy bola xulq-atvorining mo'tadilligi natijasida tan va ruh sog'lomligi, kelib chiqishini ilmiy asoslab bergan.

Beruniy tan va ruh pokligi masalasida oilada tozalik, pokizalik va tartib mavjud emas ekan, u yerda ma'naviy poklik ham bo'lmaydi deb aytadi. Beruniyning bu fikrida faqatgina tanani toza tutish bilan cheklanish bo'lmaydi, balki ko'proq harakat qilish kerakligini uqtiradi. Bu harakat mehnat qilish demakdir. Bu narsa bola tarbiyasida jismoniy sog'lomlik bilan ma'naviy kamolot o'rtasidagi o'zaro muvofiqlik, mutanosiblik haqidagi bugungi kun talabi bilan hamohangdir.

Beruniy ota-onalarga qarata bolani mo'tadillikda saqlashni tavsiya etadi. Bunga asosan bolani qattiq g'azablanishdan, qo'rqish va xafalikdan, uyqusizlikdan saqlash orqali yetilishini aytib, ularni xoxlagan va foydali narsasini topib berishga, sevmagan narsasidan uzoqlashtirishga harakat qilish kerakligi uqtiriladi. Ota-onaning bolaga turli munosabati ularda turlicha xulqlarni keltirib chiqaradi. Yaxshi xulqlarning paydo bo'lishi bola ruhiyatiga ta'sir qilibgina qolmasdan, uning fiziologik o'sishiga ham yordam beradi. Yomon xulq esa turli mijoz buzilishariga ham olib keladi. Aksincha bola organizimidagi o'zgarishlar uning ruhiyatidagi, xatti-xarakatidagi o'zgarishlarni keltirib chiqaradi.

Dinimizda ham tarbiya borasida juda qimmatli fikrlar keltirilgan bo'lib, tarbiya dinimizda vojib amal, deb e'lon qilingan. Biz eng ko'p ishlatadigan tarbiya, murabbiy so'zlari Allohning «Rob» ismi bilan bitta o'zakdan olingani tarbiyachilar, ota-onalar mas'uliyatini oshirsa kerak, deb o'ylayman. Demak, bu yengil ish emas. Tarbiya – faqat ta'sir, tartib yoki nazorat, taftish emas, u ilohiy narsa. Tarbiya farzandni doim nazoratga olish, kuzatib borish degani, chunki Alloh taolo surai Fotihaning birinchi oyatida olamlarning robbisi Allohga maqtovlar bo'lsin, degan.

Bu oyatda Alloh Rob ismini keltirgan. «Robbil a'lamiyn» – butun olamlarning murabbiysi degani. Agar Alloh murabbiyligi, ya'ni nazorati, kuzatuvini lahza to'xtatsa,

olamlar izdan chiqib ketadi. Agar murabbiy yoki ota-ona farzandiga bir lahza e'tiborsiz bo'lsa, farzandlar tarbiyasi buzilib ketadi. Rasuli akram sollalohu alayhi vasallam marhamat qilganlarki, har bir tug'iladigan bola fitratda tug'iladi, ya'ni har bir chaqaloq pokiza bo'ladi, u oq qog'oz kabidir. Bu hadisni muhaddislarimiz ota-ona bobida keltirmasdan taqdir bobida keltirganlari tarbiyaning taqdirga bog'liqligini bildiradi. Tarbiyaga kech qolinmasa bo'ldi, deb ta'kidlanadi.

Darhaqiqat, psixologik tadqiqot natijalariga ko'ra inson fe'l atvorining 80 foizi u 5 yoshgacha bo'lgan davrda shakllanib ulgurur ekan. Ayni shu davrda ota-onaning tarbiyadagi e'tibori, oilaviy muhitning sog'lomligi farzand kamolida katta ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun ham bo'lsa kerakki, islomda ham ilmda ham tarbiya jarayoniga kech qolmang, bu jarayonni hatto bola ona qornida bo'lgan vaqtdan boshlang, zero, bir kun kelib nadomatda qolmang kabi fikrlar bejizga keltirilmagan. Bolalar kattalarga hech qachon quloq solishmagan bo'lishsa ham, ular kattalarga taqlid qilishda hech qachon xato qilishmagan.

- *Jeysms Boldvin*

Xulosa qilib aytganda, o'smirning psixik taraqqiyotida, shaxsiy va salbiy sifatlarni tarkib topishida, tashqi ijtimoiy muhit, tarbiyaning roli va irsiy faktorlar ahamiyatli hisoblanadi. Bundan ko'rinib turibdiki, bolaning xarakter xususiyatidagi ijobiy va salbiy sifatlarning kelib chiqishi, har uchala sababga bog'liq bo'lishi mumkin. Bu kabi salbiy sifatlarni kelib chiqishini oldini olish va bola shaxsiy sifatlarini ijobiy tus olishi uchun, avvalo, oiladagi tarbiya, muhit, umumiy qilib aytganda OILADA MULOQOT ning o'rni juda muhim sanaladi. Oiladagi o'zaro muloqot bolada har doim ham o'ziga ishonchni va ijobiy sifatlarni rivojlanishiga yordam beradi. Bu borada, Psixologlarning ta'kidlashlari ham bejizga emas albatta, ya'ni, ota-ona farzandini har kuni kamida 3 marotaba bag'riga bosib mehr ko'rsatishi, farzandi bilan dildan suhbatlashishi, bolada o'ziga va kelajakka bo'lgan ishonchini tarkib topishida, va farzandlarimizning har tomonlama yetuk, barkamol shaxs sifatida shakllanib, jamiyatda o'z o'rinlarini topishda ko'maklashadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Abdumannotov A. Navoiy farzand adobi haqida. /Boshlang'ich ta'lim, 1996. №3, 38-b.
2. Ma'naviyat darsligi (tuzuvchi S.Nishonova) – T.: O'qituvchi, 1997 y, 320 b
3. Tarbiyasi qiyin guruhga mansub bolalar bilan ishlash (Uslubiy qo'llanma)-T: 2007 y 86 b

ДИНИЙ ЭЪТИҚОДНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Сайдалиева Меҳринисо
ТерДУ 1-курс магистр талабаси

Барчамизга маълумки, бугунги кунда юртимизда мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ёшлар истиқболи ва буюк келажаги йўлида кенг имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Бутун дунё бўйлаб ижтимоий-сиёсий-

иктисодий соҳаларда ҳамда фан-техникада турли хил инновацион ғоялар асосида жадал ривожланиш кетмоқда. Бу каби ривожланиб бораётган замонда у билан ҳамоҳанг яшаш, онгли тарзда унинг ижобий ёки салбий жиҳатларини ўзимизда акс эттириш, албатта ҳар бир инсоннинг ички дунёқараши, онги, эътиқодига боғлиқдир. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, инсоннинг шахс, эртанги кунда юрт тараққиётига ўзининг муносиб хиссасини қўша оладиган комил инсон сифатида шаклланишида, фарзанд тарбиясида диний эътиқоднинг тутган ўрни ниҳоятда муҳимдир. Инсон ва жамиятнинг психик саломатлик ҳолати бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг энг асосийларидан бири айнан диний эътиқод масаласидир. Диний эътиқод масаласи алоҳида психологик феномен сифатида, психология фанининг ўрганилиш предмети бўлиб ҳисобланади. Эътиқод ўзи нима? Эътиқод (ишонч, иймон) – муайян мақсад, ғоя, таълимот ёки қадриятнинг тўғрилигига қатъий ишонч ҳамда шу асосда шаклланган тафаккур тарзидир. Ғарб олимлар эътиқодни табиатига кўра иккига бўлишадилар. Баъзиларининг фикрича, диний ва нодиний эътиқодлар битта нарса – уларнинг иккаласи ҳам динга бориб тақалади, динга тааллуқли бўлган масалалардир. Масалан, К.К.Платонов шундай деб ёзади: “Эътиқодни диний онг тузилмасининг зарурий компоненти ҳисобланган туйғу деб таърифлаш мумкин. У ўзининг иштирокида яратилган фантазия асосида билишнинг ва воқеликнинг иллюзиясини яратади”⁴³. Яъни олим диний ва нодиний эътиқодларни битта нарса деб қабул қилапти.

Иккинчи қарашга кўра, бу иккала тушунча икки хил маъно касб этади, деб тушунтирилади. Нодиний эътиқод динга тааллуқли бўлмаган масалаларни қамраб олади. Масалан, фандаги кашфиётлар, қонунлар, табиат ва жамиятдаги тартиботлар. Буларнинг динга алоқаси йўқ, бироқ уларда ҳам маълум ҳодисанинг содир бўлишига нисбатан қатъий ишонч бор.

Шарқда эса эътиқод масаласида Мотуридий таълимоти қуйидаги шарҳни беради: “Бандалар масъул бўладиган иккинчи аъзо қалб ҳисобланади. Қалбнинг иши мутлақо эътиқод қилишдир. Тўғри бўладими ёки нотўғри бўладими қалб қайси тушунчага боғланса, ўша тушунча “эътиқод” ва “ақида” деб номланади. Шунинг учун қалб ҳеч қачон ақидасиз бўлмайди. Яъни мўмин кишининг ақидаси иймон бўлса, кофирнинг ақидаси куфр бўлади. Ўзини гўё ҳеч нарсага иймон келтирмайдиган, деб ҳисоблайдиган кимсанинг ақидаси иймон келтириш лозим нарсаларга иймон келтирмаслик бўлади. Қалбга тааллуқли муҳим ишлардан бири ният ҳисобланади. Қилинаётган амалларнинг савобли бўлиши ёки аксинча бўлиши ниятга боғлиқ бўлади. Аллоҳ таолога ва У нозил қилган барча нарсаларга иймон келтириш ҳар бир ақли расо балоғатга етган мусулмон зиммасига фарз бўлган эътиқоддир”⁴⁴.

Юқорида айтилганлардан бир қанча хулосалар чиқарса бўлади. Биринчидан, инсоннинг эътиқоди унинг қалби билан кечадиган жараёндир. Иккинчидан, эътиқод қалбнинг бирорта тушунча, ғоя ёки мафкура билан боғланиши кўринишида содир бўлади.

⁴³ Платонов К.К. Психология религии. М., 1967. с. 94

⁴⁴ Аҳмад Зёуддин Ал-Кумушхонавий. Жомий ул-мутун. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. - 313 б. – 32-бет.

Дарҳақиқат, фарзандларни дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлигида тарбиялаш орқали амалда соғлом эътиқод шаклланади ҳамда ҳар хил бидъат-хурофот амалларни бир-биридан фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш имконини яратади. Бола ижтимоий муҳит билан муносабатга киришиб, шахс сифатида шакллана бошлайди. Албатта, бунда бола биринчи навбатда шахс сифатида шалланишга бўлган қадамни ўз оиласидан бошлайди. Боланинг ички “Мен”и, психикаси, борлиққа, инсонларга муносабати, эътиқоди ота-онанинг бераётган тарбияси ва уларнинг болага ва атрофидаги инсонларга бўлган муносабати асосида шаклланиб, ривожланиб боради. Шу сабабли ҳам Психология фанида шундай фикр бор: “Фарзандингизни тарбия қиламан деб оввора бўлманг, тарбияни аввало ўзингиздан бошланг. Чунки бола сизнинг панд-насихатларингизни эмас, балки хатти-харакатларингиздан ўзига хулоса чиқариб, сизнинг босаётган йўлингиздан қадам ташлайди”. Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кучлироқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ деб таъкидлайди И.Н.Навиков.

Оиладаги муҳит – бу ота-оналарнинг ва катта ёшдаги кишиларнинг ҳар томонлама олиб борган тарбиявий иш натижалари, оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидир. Муҳитни қандай яратилиши асосан ота-онанинг психологиясига боғлиқдир. Боладаги эътиқод масаласига тўхталадиган бўлсак, болада маълум бир эътиқод ҳамда гўзал хулқ-атворнинг шаклланиши аввало ота-онага боғлиқдир. Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг куйидаги хадисларига эътибор қаратайлик: “Хар бир гўдак (Ислому) фитратида туғилади, ота-онаси уни яхудий ёки насроний қилади”, (Бухорий ривояти). Диний тарбиянинг фарзанд ҳаёти ва унинг шахс сифатида шаклланишида ғоятда катта аҳамият касб этишини бугунги кунда рўй бераётган ходислардан ҳам англаб олишимиз мумкин. Бунга мисол тарзда, телевидения, ижтимоий тармоқларда узатилиб борилаётган ваҳший қотилликлар, онанинг никоҳсиз фарзанд ортириб, туғилган захоти каналларда, кимсасиз жойларда ташлаб кетаётгани ёки мўмай пул евазига ўз фарзандини сотаётганлиги, уканинг ўз акасини қотили бўлиши, хиёнат туфайли қанчадан-қанча оилаларнинг бузилиб кетиб, фарзандларнинг кўнгли ярим бўлиб қолиши, харом йўл орқали пул топишга уринаётган фирибгарларнинг кўпайиб бораётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Хўш бу каби чиркин ишлар нега айнан кўпроқ ёшлар томонидан содир этилмоқда? Буларнинг барчаси оилалардаги носоғлом психологик муҳит, диний билимсизлик, нотўғри тарбия натижаси десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019-йилнинг 6-апрел куни Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Термиз шаҳри яқинидаги Султон Саодат мақбарасини зиёрат қилиш жараёнида ушбу қадамжо улкан маънавий мерос, мусулмонлар учун табаррук маскан эканини қайд этиб, унинг тарихини мукаммал ўрганиш, халқимиз ва чет элликларга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, юртбошимиз ўз нутқларида: “Ислому нур эканлигини одамлар тарбиясига сингдира олмадик. Фожеамиз мана шунда”,-дея таъкидлаб ўтдилар.

Давлат раҳбаримизнинг ушбу сўзлари хам юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларимиз исботидир.

Социал психологлар М.Аргайл ва Б.Бейт Халламининг фикрича, ота-оналарнинг диний установакалари янги авлод диндорлиги шаклланишининг муҳим омилидир. Ўрганилиш натижасида маълум бўладики, ота-оналарнинг фарзанд эътиқодига таъсири, кейинчалик айнан уларнинг динини ўзларида сақлаб қоладилар. Олимларнинг таъкидлашларига кўра, оиланинг болага кўрсатадиган эътиқод борасидаги таъсири, бола муносабатга киришган бошқа микромуҳит омиллари яъни, мактаб, дўстлари, ён-атрофидаги инсонлар, оммавий ахбарот воситаларига қарама-қарши эмас, балки улар билан биргаликда уйғунлашади. “Кичик ёшдаги болалар ота-оналари нимани ўргатса, ўша нарсага нисбатан ишонувчан бўлади. Бу ҳолатни болаларда шахсий ҳаётининг тажриба ва билимнинг деярли йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг фаолиятида тақлид қилиш ҳосилдир. Тақлид қилиш ташқи тақлиддан ички, ихтиёрсиз тақлиддан ихтиёрий тақлидга ўзгариб, мураккаб йўлни босиб ўтади. Улар учун тақлид қилиш ҳосилдир. Тақлид қилиш ташқи тақлиддан ички, ихтиёрсиз тақлиддан ихтиёрий тақлидга ўзгариб, мураккаб йўлни босиб ўтади”. (Қ.М.Калашников. Молодое поколение религия.-С.148.)

Инсонда оилавий муносабатлар жараёнида диний эътиқоднинг пайдо бўлишини биринчи бўлиб Ж.Фловлер ўрганган. У болада диний эътиқоднинг шаклланишини қуйидаги босқичларга ажратган:

1-Босқич: интуитив-проектив, 3-7 ёшларга тўғри келади

2-Босқич: мифик ва тўғридан-тўғри, 7-12 ёшларга тўғри келади. Хар бир ҳодисани тўғридан-тўғри идрок қилиш;

3-Босқич: синтетик-конвенционал, ўсмирлик даврига тўғри келади.

4-Босқич: индивидуал-рефлексив, инсон ўзи мустақилликка қадам қўйган даврга тўғри келади. Эътиқодини мустақил шакллантиришга ҳаракат қилинади.

5-Босқич: бу даврда инсон диний амаллар бўйича ҳаётини давом эттиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги жадал ривожланиб бораётган замонда, бола психологияси ўта мураккаб масала бўлиб, ота-онадан фарзанд тарбиясида нафақат психологик саводхонлик шунингдек диний саводхонликни хам талаб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмад Зёуддин Ал-Кумушхонавий. Жомий ул-мутун. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. - 313 б. – 32-бет.

2. Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурдоналари. Масъул муҳаррир / Жалолиддин Ҳамроқулов. – Т.: “Sharq”, 2016. – 480 б. – 40 б

3. Платонов К.К. Психология религии. М., 1967. с. 94

4. Х.Алимов. Дин психологияси. Т.:2019.-70б

5. Ўзбекистонда Дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари/ Илмий тўплам.-Т, 2019.-308 б

BOLA SHAXSIDA SALBIY O'ZGARISHLARNI KELITIRIB CHIQRUVCHI TASHQI TA'SIRLARINING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI

Bahriddinova Mahbuba Asatullayevna
Navoiy viloyati Karmana tumani 17-maktab

Annotatsiya: *Ushbu maqolada bolalar tarbiyasidagi muhim jihatlar, aksariyat ota-onalar bola tarbiyasida yo'l qo'yayotgan kamchiliklar, bolaning shaxs bo'lib shakllanishidagi muhim jihatlar ochib berilgan.*

Kalit so'zlar: bola tabiati, yolg'on gapirmaslik, e'tiborsizlik, axloq me'yorlari, tushuna olish.

Ko'pincha e'tirozlarga sabab bo'ladigan ota-onaning bolaga vaqt ajrata olmasligi tufayli biz bolada uning kamchiliklari yuzaga chiqqanda e'tibor qaratamiz. Biz farzandlarimizni tarbiya qilishga qancha harakat qilmaylik, baribir ular o'zimizga o'xshashadi. Boshqa tarafdin, biz kattalar o'z ustimizda ishlab, qayta tarbiyalash bilan shug'ullanib, odamlarning eng yaxshisiga o'xshashga harakat qilishimiz zarur. Rasululloh sollallahi alayhi vasallamning siyratlaridan u zot bolalar bilan yaratganning ularga bo'lgan muhabbati haqida ko'p suhbatlashganlari borasida bir qancha misollarni ko'rishimiz mumkin. Kichik yoshdagi bolalar qo'rquv va nafrat tushunchalarini butkul boshqacha qabul qiladilar. Ularning boy fantaziyalari hamma narsani bo'rttirib yuboradi. Shuning uchun payg'ambar alayhissalom kichkina bolalar bilan faqat uning muhabbati va rahmati haqida gaplashardilar, keyinchalik bolalar ulg'ayib qabul qilayotgan ma'lumotlari va harakatlarini tanqidiy baholashni o'rganganlaridan so'ng Rasululloh sollallahi alayhi vasallam ularga boshqacha nasihat qilar edilar. Bundan ko'rinib turibdiki, farzandlarimiz katta bo'lishgach, ollohga maqbul bo'lmagan amallar, uning qahriga duchor bo'lmaslik uchun nimalarni chetlab o'tish kerakligi haqida suhbatlashishimiz mumkin ekan. Hadisi sharifda shunday marhamat qilinadi "Har bir tug'ilgan bola faqat fitrat ya'ni sof tabiat ila tug'iladi. Bas, ota-onasi uni yahudiy va nasroniy yoki majusiy qiladi". Mazkur hadisdan ko'rinib turibdiki har bir bola qalbiga ollohga nisbatan muhabbat joylangan va u yolg'iz yaratganning o'zigagina suyanishga o'rgangan. Ota-onalarning vazifasi-bolalardagi bu holatni saqlash mazkur xislatni tarbiyalab katta qilish va mustahkamlshdir. Xo'sh, buni qanday amalga oshirish mumkin? Birinchi navbatda bizda mavjud bo'lgan barcha yaxshi narsalarni olloh bilan bog'lashimiz lozim. Farzandingizga sovg'a yoki shirinlik ulashayotganingizda doim shu kabi so'zlarni aytishingiz kerak: "Olloh seni bunchalar yaxshi ko'rmasa! U o'ta saxiy zot!". Ammo bunday so'zlarni nafaqat yangi narsa olganda balki kundalik hayotda tez-tez takrorlab turish kerak. "Olloh bizni juda yaxshi ko'radi, u bizga sayr uchun o'ta yoqimli ob-havo berdi, olloh sevuvchi, u barchamizni bir joyga yig'di, olloh seni yaxshi ko'radi, qara senda qancha kiyimlar, o'yinchoqlar, kitoblar, bilim, o'rtoqlar bor, axir bu hammaga ham nasib etmaganku!", "Olloh seni juda yaxshi ko'radida u senga bugun ko'plab qiziqarli mashg'ulotlarni ato etdi" va hokazo. Kun davomida siz o'zingiz ko'raverib o'rganib ketgan, unchalik e'tibor bermaydigan ne'matlarga imkon qadar ko'proq ahamiyat berishga harakat qiling! Doim ega bo'lgan narsalarimizga shukr qilishimiz, bolaga nima uchun olloh bizni boy va kambag'al holatimizda ham yaxshi

ko'rishini tushuntirishimizga yordam beradi. Ammo bola faqatgina yaxshi narslarni olloh bilan bog'lashga o'rganib qolmasligi uchun parvardigor bizga sinov uchun yuborgan holatlarni ham tahlil qilishimiz kerak: "Olloh seni bugun xafa holatga tushirishining sababi seni yaxshi ko'rishidadir. Ha, u seni yaxshi ko'radi, g'azabingni jilovlashni o'rganishingni xohlaydi. Jahlini tiya olganlarga qanday mukofotlar berilishini bilasanmi?", "Sen bugun og'riqni his qilding, bu ollohning xohishi, albatta. Sababini bilasanmi? Chunki u seni juda yaxshi ko'radi, axir kimda-kim hatto zirapcha kirishiga sabr qilsa, bu ishi evaziga olloh uning gunohlarini o'chiradi, olloh bizga dard bersa, bizni yaxshi ko'rganidan beradi, axir u tufayli jannatdagi maqomimiz ko'tariladi!". Farzandlaringiz bilan bemorlik, g'am-tashvish mavzulari bayon etilgan hadisi shariflarni birgalikda o'qib, muhokama qiling bunda hikmat katta.

O'zingiz shukr qiluvchi banda sifatida farzandingizga namuna bo'ling. Ularning rizqlari halol bo'lishiga alohida ahamiyat bering. Bunda nafaqat taomning tarkibi, balki uni sotib olishga sarflangan mablag' ham halol yo'l bilan qo'lga kiritilgan bo'lishi kerak. Bu musulmonlar uchun juda muhim, chunki harom luqma butun organism: yurak va aqliy faoliyatga ham o'z ta'sirini o'tkazadi.

Bolalarni aldamang! Ota-onalar vaqtlari yo'qligida mana shu yolg'onni ishlatishadi. Lekin derazadan mashina oynasidan parklar yoki bolalar maydonchalarida o'ynayotgan bolalarni ko'rib qolgan bola endi siz haqingizda nima deb o'ylaydi? Demak, yolg'on gapirish mumkin ekan, degan fikrga keladi. Undan ko'ra "Bugun mening vaqtim yo'q, ishim ko'p" deb to'g'ri tushuntirish lozim.

Bolalaringiz bilan samimiy bo'ling. Ular xato qilganda "Men sening yoshingdaligimda bunday qilmaganman" deb ularni aldamang. Bolalar biz ham adashganimizni, xatolar qilganimizni, har qanday odam biror ishni bir necha bor uringanidan so'ng uddasidan chiqishini bilishlari lozim. Mening yuqoridagi gapim esa boladagi o'ziga bo'lgan ishonchni sindirib qo'yadi.

Uyga kirganingizda farzandingiz kutib olmasa va shodligidan sizni quchoqlamasa, axloqingizni va ularga muomalangizni bir sarhisob qiling. Chunki tarbiya va g'amxo'rlik qilishda xatoga yo'l qo'ygansiz!

Farzandingizga har kuni 15 daqiqa kitob o'qib berishning 15 foydasi Amerika pediatrlari uyushmasi tadqiqotlarining natijasiga ko'ra, bola bilan har kun 15 daqiqa davomida kitob mutolaa qilishning foydasi katta ekan.

1. Bola miyasining 90 % uning 3 yoshiga qadar rivojlanib bo'ladi. Shu davrda bolaga kitob o'qish miya rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

2. 3 yoshli bolaning so'z boyligiga qarab u 3-sinfda o'qishdan necha olishini oldindan bilsa bo'ladi.

3. Kuniga 15 daqiqa davomida bolaga kitob o'qib berilsa, u bir yil mobaynida bir millionga yaqin yangi so'zni eshitgan bo'ladi.

4. 1-sinf kitoblarini o'qiy olmagan bola, keyinchalik 4-sinf kitoblarini ham o'qiy olmaydi.

5. Maktabgacha yoshdagi bolalarga ko'p kitob o'qilgan bo'lsa, ular birinchi sinfga qadar boshqalarga nisbatan tezroq alifbeni o'rganadi, 20 gacha sanay oladi va o'z ismlarini yoza oladi.

6. Bolaning maktab yoshigacha bo'lgan davrida ota-onasi bilan kitob o'qishi, uni maktab davrida kitobga qiziquvchanligi oshishiga olib keladi.

7. Yoshligidan kitob o'qishga odatlangan bolada til nuqsonlari, gapirishda qiyinchiliklar bo'lishi kam namoyon bo'ladi.

8. O'qish boshqalarning hissiyotlarini tushunishga yordam beradi.

9. O'qish bolaning bilimlari asosidir.

10. Kitobdan olingan ma'lumot televizor, internet va radiodagi qabul qilingan ma'lumotdan ko'ra ko'proq miyaga ijobiy ta'sir qiladi. Undan tashqari kitob o'qish, zehnni charxlab, bola diqqatini bir joyda uzoq vaqt ushlay olish qobiliyatini kuchaytiradi.

11. Statiskani ko'rsatishicha, maktabgacha yoshdagi bolalarga ota-ona kitob o'qib bersa, kitobga bo'lga qiziqish 100 % bo'ladi. 4-sinfga kelib kitobga bo'lgan qiziqish 54% gacha tushib ketadi. Buning sababi bola bilan ota-ona birga o'qimasligida ekan.

12. Kitob tili adabiy va chiroylidir.

13. Kitobni qiziqish va ishtiyoq bilan bolaga o'qib berish, keyinchalik unda kitobga mehr uyg'onishiga olib keladi.

14. Televizordagi berilayotgan lug'atdan ko'ra kitobda berilayotgan matndagi lug'at ikki barovar ko'pdir.

15. Uyda 6-8 yoshli bolalarga ota-onasi kitob o'qib berish davrini bolalarning biri kitobni sevganlari uchun xush ko'rsalar biri ota-onasi bilan ajoyib vaqt o'tkazayotganlari uchun yaxshi ko'rар ekanlar.

Siz aytadigan har bir lafz, ish harakatingizning ta'siri farzandingizda namoyon bo'ladi. Bilingki bolangiz siz va suratingizning aksidir.

Unutmang, ana shunday kundalik hayotda ko'zga ko'rinmaydigan, e'tibordan chetda qoladigan holatlarning e'tiborga olinishi farzand kelajagi yaxshi bo'lishining asosiy shartlaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. E.G'oziyev "Yosh va pedagog psixologiyasi"
- 2." Payg'ambarlar rivoyati" kitobi
- 3."Bolalarimiz bamisoli javhar, lekin biz temirchimiz"kitobi
4. "Bola maskani" telegram kanali
5. Psixologiya telegram kanallari

BOLANING (SHAXSNING) JISMONAN, AQLAN VA RUHAN RIVOJLANISHIDA SPORTNING AHAMIYATI

Risbayeva Nazira Tadjikulovna
Guliston olimpiya zaxirlari kolleji sport psixologi

"Har qanday rag'bat va mukofotlar bolaning yanada yuqori cho'qqilarga erishishiga sabab bo'ladi!"

Albatta har bitta ota-ona borki, farzandi dunyoga sog'lom tug'ilashini va sog'lom bo'lib voyaga yetishini istaydi. Jismonan, ruhan va aqlan sog'lom bo'lib voyaga yetgan, baquvvat, chiniqqan farzand har qanday oilaning, ota onaning orzusidir. Bola esa o'z o'zidan har tomonlama sog'lom, baquvvat va chidamli bo'la olmaydi. Bu

esa ota-ona, oila va atrof-muhitning o'z tasiriga bog'liq bo'ladi. Buning uchun bolaning dunyoga kelishi bilanoq o'sayotgan organizmda tashqi muhit bilan moslashtira olishni o'z vaqtida o'rganish va uni imkon qadar amalga oshirish lozim bo'ladi. Aks holda yuqorida kutilgan natija o'z samarasini bermasligi mumkin. Birinchi navbatda bolani tabiiy muhitga moslashtirish zarur. Ya'ni bolani issiq va sovuq ob-havo iqlimiga organizmini moslashtirish orqali chiniqtirish mumkin. Organizmi chiniqqan bola shamollashdan qo'rqmaydi, har qanday ob-havoda bemalol yuradi va jismonan sog'lom bo'lib voyaga yetadi.

Bolaning jismonan sog'lom bo'lib voyaga yetishida sportning ahamiyati katta. Sport inson hayoti davomidagi faoliyat turlaridan biridir. Yoshu qari borki umri davomida sport bilan shunchaki xavaskorlik yoki professional shug'llanadilar. Xavaskorlik bilan sportda shug'ullanuvchilar hayoti davomida turli sabablar bilan shugullanishlari kuzatiladi. Masalan sog'ligini tiklash yoki qiziqish bilan, yani biron bir sportchiga yoki sport turiga qiziqishi ustun bo'lsa, yana biron bir insonning taklifi va maslahatiga ko'ra sport bilan shug'ullanadilar. Xavaskorlik bilan shug'ullanuvchi sportchilar turli sabablar tufayli ham hammasi sport bilan umrining oxirigacha shug'ullanishi yoki ko'p vaqt davomida shugullanmasligi yoki butunlay sportni tark etishlari ham mumkin. Sport bilan shug'ullanishning dastlabki bosqichi asosan bolalarda kuzatiladi. Ularda sportning turli yo'nalishiga qiziqishi mavjud bo'lib, muayyan bir sport turini qat'iy tanlashi qiyin. Bola sport turini tanlashda eng avvalo atrofdagi muhit sabab bo'ladi: oilada biror shaxsning sport bilan shug'ullanishi, tabiiy shart-sharoitlar yoki biror sport bazasining yashayotgan uyiga yaqinligi va boshqa sabablar. Lekin bolani sport turi bilan shug'ullantirishda eng avvalo bir qancha omillarga e'tibor qaratish lozim. Masalan bolaning jinsi sport turini tanlashda eng muhim omillardan biridir. Chunki ayrim sport turlari bolaning jinsiga qarab bir biridan ancha farq qiladi. Masalan o'gil bolalar uchun ko'proq murakkab sport turlari tanlanadi. Masalan, kurash sport turlarining barchasi (kurash, belbog'li kurash, erkin kurash, dzyudo, yunon-rum kurashi, sambo), og'ir atletika, futbol, boks, karate, taekvondo, velosport, qo'l jangi kabi sport turlari bilan asosan dunyo miqyosida ko'proq o'gil bolalar shug'ullanishi kuzatilagan. Tabiatan esa erkak jins vakillari nisbatan ayollarga qaraganda jismonan ko'proq kuchlidirlar. Chunki ushbu sport turlarida o'ta katta kuch talab etiladi. Shuning bilan birga ushbu sport turlari bilan shugullanuvchilar o'z o'zidan tanlagan sportiga ham tashqi tomondan va ruhan ma'lum vaqt davomida moslashadilar. Masalan jangga tushganda yoki mashg'ulot davomida olgan tan jarohatlari hatto bir umr o'z izini qoldirishi mumkin. Hatto o'ta og'ir olingan tan jarohati tufayli sportdan butunlay xayrlashganlar ham kuzatilgan. Bunday murakkab bo'lgan sport turlarida shug'ullanuvchilar fe'l-atvori ham ma'lum darajada o'zgarishi mumkin. Ya'ni qo'pol, jaxldor, baqiroq bo'lib qoladilar. Hattoki o'z kuchini nafaqat jang maydonida, balki turli muhitda o'zi bilmagan yoki atayin ham oshkora namoyish etishi va buning natijasida ko'plab ko'ngilbuzarlik holatlarini yuzaga keltirib chiqarishlari mumkin. Bunday sport turlariga bolaning qiziqishi bugungi kunda OAV orqali namoyish etiladigan sport musobaqalari yoki turli jangovar kinofilmlar, kompyuterda o'ynaladigan jangovar o'yinlar ham ko'p sabab bo'lmoqda. Lekin ushbu sport turlariga qiziqishi uyg'onayotgan bolani nima maqsadda shug'ullanmoqchi ekanligini ota-onalar o'z vaqtida bilishlari va unga to'g'ri yo'l-yo'riq ko'rsatishlari va doimiy nazorat qilishlari

maqsadga muvofiqdir. Buning natijasida bola boshqa sport turini tanlashi yoki sport bilan qonun-qoidalariga rioya qilgan holda shug'ullanishi mumkin. Ba'zi ota-onalar esa ushbu sport turlarini inson hayotiga xavfli deb biladilar va farzandining qiziqishini va xoxish istagini so'ndiradilar. Bunday holatlarda esa farzandlarning ichki xis tuyg'ulari va kechinmalari turli ko'rinishda o'tadi: ba'zi bolalarda vaqtinchalik bo'lib, ular bunga tez ko'nikadilar va boshqa sport turini tanlashi va qiziqishi paydo bo'lishi yoki butunlay boshqa faoliyat bilan shug'ullanishni davom ettirishi mumkin, ba'zi bolalarda esa bunday taqiq uni uzoq vaqtgacha umidini uzolmaydi va asta-sekin o'z qalbini jarohatlaydi. Bu esa ba'zi farzandlarning hayoti va kelajagi uchun juda katta salbiy ta'sir qilishi mumkin. Masalan o'qishga bo'lgan qiziqishining so'nishi, do'stlari davrasidan qochishi, qo'rs va qo'pol, ishyoqmas va umuman olganda hayotga bo'lgan qiziqishini so'ndirishi mumkin. Bu esa inson hayoti faolyatidagi katta fojeadir. Chunki shunday insonlar toifasi borki, ularga bolalik davridagi eng katta orzularidan birining mahrum bo'lishi ular uchun butunlay boshqa bir hayotni boshlab beradi. Hayotga va yashashga boshqacha nazar bilan qarashni boshlaydilar. Hattoki bunday holatlar ba'zi insonlarda qalbi va ongida boshqalarga nisbatan nafrat tuygusi uyg'onishiga sabab bo'ladi. Buning oqibatida esa bunday insonlar nafaqat o'zi, balki atrofidagi boshqa insonlarga ham o'z ta'sirini o'tkazishi mumkin. Shuning uchun har doim ham ota-onalar farzandlarining hoh sport faoliyati bo'lsin yoki boshqa faoliyat bilan qiziqib qolib shug'ullanmoqchi bo'lsa, avvalo farzandining kelajagi va salomatligi uchun astoydil birgalikda qiziqayotgan faoliyat turi bilan yaqindan tanishib, birgalikda ushbu faoliyat turi bo'yicha joylarga borib kuzatishlari va o'rganishlari maqsadga muvofiqdir. Zarur bo'lsa ushbu faoliyat bo'yicha maxsus mutaxassislar bilan maslaxatlashish lozim. Bu esa ota-ona va farzandning kelajagi va salomatligiga katta ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Mutaxassis tavsiyasi bilan bolaning tanlagan sport turi yoki umuman boshqa bir faoliyat bilan shug'ullanishi yoki umuman davom ettirmasligi ham mumkin. Chunki mutaxassis bolaning tanlamoqchi bo'lgan sport faoliyati uning kelagakda salomatligiga salbiy ta'sir ko'rsatibgina qolmay, balki bolada boshqa faoliyat bilan shugullanishi uchun iqtidor va qobiliyatini aniqlab, to'g'ri tushuntirishlar, maslahat va yo'l-yo'riqlar ko'rsatib berishi orqali fikrlarini va dunyoqarashini o'zgartirishi va yoki aksincha bolaning harakatlarida qiziqqan va tanlagan sport turi bilan aynan to'g'ri tanlaganini va ushbu faoliyat bilan davom ettirishiga imkon beradi.

Bolaning sport faoliyati bilan oz vaqt shug'ullanganmi yoki ko'p vaqt davomida shug'ullanmoqdami uni har doim ham qo'llab quvvatlamog lozim. Chunki har qanday rag'bat va mukofotlar bolaning yanada yuqori cho'qqilarga erishishiga sabab bo'ladi. Shunday holatlar ham kuzatiladiki, bolaning xohish istagi emas ota-ona yoki biror oila a'zolarining xohishiga qarab bolani majburan sport faoliyatiga shug'ullantirishga harakat qiladilar. Bu esa bolaning sport faoliyatiga qiziqishi ma'lum vaqt davomida ijobiy yoki salbiy tomonga o'zgarishi mumkin. Bunday holatlar oilada yoki sulolada sport yoki biror faoliyat turi bilan ko'p yillar davomida shug'ullanib kelgan oilalarda kuzatiladi va bu aksariyat hollarda bolaning faoliyat turi bilan shug'ullanishi ijobiy natijalar ko'rsatgan. Chunki sport yoki biror faoliyat turi bo'lsinki, bu – nafaqat alohida shaxslarning, balki, butun boshli bir oila, sulola, qolaversa jamiyat va davlatning sha'ni va obro'sini yuksaklarga ko'tarishga sabab bo'luvchi ijtimoiy hodisadir.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Gapparov Z.G. Sport psixologiyasi. Darslik.- T.: Mehridaryo, 2011.
2. Adam Jekson. Sog'lom va baxtli bo'lishning o'nta siri. Adabiy-badiiy nashr. – T.: Cho'lpon, 2016.
3. Sport psixologiyasi. O'quv-uslubiy qo'llanma. – T.; 2016
4. Sport pedagogikasi. O'quv-uslubiy qo'llanma. – T.;2016
5. www.psyedu.ru
6. www.ziyonrt.uz

ЎСМИР- ОТА – ОНА МЕХРИГА МУХТОЖ

Шахло Эргашовна Аллабердиева
Бухоро вилояти Олот туман касб-ҳунар мактаби

Ўсмирлик инсоннинг болалиқдан ёшлиққа ўтувчи бошқа даврларига нисбатан кескинроқ , мураккаброқ кечиши билан фарқланиб турадиган босқичдир. Шунинг учун бу даврни биз психологлар ўтиш даври, яъни инқироз даври деб атаيمиз. Бу болалиқнинг 11-16 ёш оралиғига тўғри келади. Бу даврда усмир ота-она меҳрига, насихату уғитларига мухтожлик сезади ва бу уз навбатида ўсмирни маънавий-ахлоқий жихатдан етук инсон булишига, уни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга ҳамда олдини олишга асос була олади. Дарҳақиқат, бунинг учун ота-она ўсмирни ўз меҳрига зор қилмасдан, асосий вақтини боласига сарфлаши, қолаверса, фарзанди ёлғизликни ҳис қилмаслиги учун уни кўпроқ бағрига олиши, уларнинг хारेактерига қараб муомала қилиши лозим.

Ўсмирлар бу даврда таъсирчан бўлганлиги сабабли уларга танбех бермаслик, овозни баланд кўтариб гапирмаслик муҳимдир. Ўсмирнинг қалбига йўл топиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун унинг ёши, кучи, қобилиятлари ва қизиқишларини инобатга олиб, болага топшириқлар бериш, уй ишларини бажартириш айти муддаодир. Энг муҳими фарзандимизга ишонишимиз керак. Тенгқурлари орасида ёлғизланиб қолишига йўл қўймаслигимиз, енида доимо дўстлари бўлшини ва уларнинг бир-бирига бўлган муносабатига эътиборли бўлишимиз лозим. Фарзанд уз дўстига ишонгандай сирларини ота-онасига айтса, унинг ишончини оклашимиз лозим.

Баъзан болаларнинг ёмон қилиқларини, ота-оналарини ҳурмат қилмаганликларини кўрсак, одатда ғазабланамиз, уларни тартибга чақириб қўямиз, аммо биз шундай пайтларда бир адолатсизликка йўл қўямиз: болада юз берган ёмон хулқ-атворда ота-онанинг ҳам айби борми-йўқми, бу ёғи билан ишимиз бўлмай қолади. Баъзи бир ота-оналар фарзандларининг уст-бошлари, ейиш-ичишлари ғамини ейишади-ю, лекин афсуски, маънавий ва жисмоний этиёжларини аввал боғчага, кейин мактабга ҳавола қилиб қўйиб, фарзанд тарбиясидаги бениҳоя катта бурчларини ҳис қилмайдилар. Бошқа бир ота-оналар эса болаларини ёшлиқдан талтайтириб, танги қилиб ўстирадидилар, меҳнатда тарбияламай, ўз ихтиёрларини ўзларига ташлаб қўядилар. Уларнинг хулқ-атворларига, ўқиш-ўрганишларига, юриш-туришларига бепарво қарайдилар.

Ўзбек оиласининг энг муҳим вазифаси – фарзандларини давримизга муносиб кишилар жамиятнинг баркамол кадрлари қилиб тарбиялашдир. Ота-оналар фарзандларининг тарбияси учун жамият, давлат олдида жавобгар эканликларини яхши тушуниб олишлари лозим. Боланинг хулқ-атвори, ирода ва характер сифатлари, фикрлари аввало оилада таркиб топа бошлайди. Унинг қобилиятлари ҳам, яхши одат, кўникма ва малакалари ҳам, оилада ҳосил қилинади. Мактаб таълими жараёнида эса боланинг шахси билан алоқадор бўлган юқоридаги ҳамма хусусиятлар маълум система воситасида янада такомиллашиб боради. Болалар мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланган тақдирда ҳам оила тарбиясининг аҳамияти камаймайди. Болалар мактабга қатнай бошлагандан кейин ҳам оила тарбия масалаларини бўйнидан соқит қила олмайди. Унинг ўсмирлик давридаги салбий ўзгаришларини олдини олиш учун ҳам тарбияда ота-оналар доим қойим бўлишлари лозим.

Биз деярли ҳаммамиз, касбимиздан, жамиятда тутган ўрнимиздан, ишимиз кўп ё озлигидан, шахсий сифатларимиздан қатъий назар, **Ота** ва **Она** деган юксак номга эгамиз. Бу ном эса, албатта, катта масъулият юклайди. Иш кунимиз тугагандан сўнг биз ўз уйимизга – бола-чақа ёнига шошилаемиз. Бу ерда бизни фақат ҳордиқ чиқариш, хонадондаги ва турмушимиздаги қувончларгина эмас, балки, шу билан бирга, хилма-хил ота-оналик ташвишлари ҳам кутиб туради. Кўпчилик ота-оналар оилада бола тарбиясини тўғри йўлга қўйишда педагогика фани тавсияларига ва ўзбек оилаларининг бола тарбияси соҳасида орттирган бой ва илғор тажрибаларига таяниб иш кўрмоқдалар. Жамиятимизда болаларимизнинг ҳар томонлама мукамал ўсиб, камол топишлари учун ҳамма шароитлар яратилиб берилган. Лекин шуни унутмаслик лозимки, бола учун оиланинг, жиддий тартибнинг ота-она меҳрига асосланган ҳар кунги, ҳар соат ва ҳар дақиқадаги сабр-тоқат, кунт билан олиб борилган тарбиянинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Шунинг учун ҳам А. С. Макаренко бола тарбиясида оиланинг масъулияти ҳақида фикр юритар экан, бу жамият олдидаги катта бурч эканлигини такрор таъкидлаган эди. “Агар сиз бола кўрган бўлсангиз, - деган эди у, - демак, сиз кўп йиллар учун олдиндан ўз фарзандингизга тинимсиз фикр-ўйларингизни, ўзингизнинг бутун диққат-эътиборингиз ва бутун иродангизни берган бўласиз. “Агар сиз болани дунёга келтириб, ота-она муаббатисиз ундан қутулмоқчи бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, ўзингизнинг разиллик қилмоқчи эканлигингиз ҳақида жамиятни огоҳлантириб қўйинг”.

Агар инсоннинг эътиқоди, маънавий баркамоллиги, руҳий турғунлигига эътибор берилмас экан, бундай инсон онгини осонлик билан заҳарлаш мумкин.

- ✓ *Агар бола кўп танқид қилинса* - у тергашни ўрганади;
- ✓ *Агар болага қаршилик кўрсатилса* - у урушқоқликка кўникади;
- ✓ *Агар бола кўп мазах қилинса* - у ўта тортинчоқ бўлиб қолади;
- ✓ *Агар бола кўп шарманда қилинса* - у ўзини айбдор деб билади;
- ✓ *Агар болани кўп қўллаб-қувватлашса* - у ўзида ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди;
- ✓ *Агар болани кўп мақташса* - у баҳолашни ва таққослашни ўрганади;
- ✓ *Агар бола билан ростгўй бўлишса* - у адолатли бўлишга интилади;

- ✓ *Агар бола хавфсизлик ҳисси билан яшаса - у ўзига яхши муносабатда бўлади;*
- ✓ *Агар бола самимийлик ва меҳр муҳитида тарбияланса - у бу дунёда меҳр - мухаббатни қадрлайди.*

Шу боисдан улардан диққат эътиборимизни ҳамда меҳримизни дариф тутмаслигимиз лозим.

Фарзандимизнинг ўз хулқ-атворини ўзи баҳолашига ўргатишимиз керак. Шундагина биз ота-оналар ўсмирнинг калбига йўл топган бўламиз.

ZAMONAVIY PSIXOLOGIYANING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Madumarova Umida Turdaliyevna

Andijon viloyati Baliqchi tumani 9- sonli sanatoriy maktab internatida psixolog

Annotatsiya: Mazkur maqola – bugungi kunda psixologiyani ahamiyati, rivojlanish tahlili, zamonaviy psixologiyaning rivojlanish istiqbollari o'rganishga mo'ljallangan.

Kalit so'zlar: zamonaviy psixologiya, psixoanalitik, psixologik yondoshuvlar, agressiya, psixologiyani rivojlanishi, psixologik bilimlar, Evolyutsion psixologiya.

Psixologiya (qad.yunon ψυχή — «ruh, qalb, ong, xarakter» va λόγος — «ta'limot») — odam va odamlardan iborat guruhlarining psixikasi va psixik faoliyatining funktsiyasi, rivojlanishi va yuzaga kelishi qonuniyatlarini o'rganadigan fan. Psixologiya tushunchasi murakkab bo'lib, u o'zida gumanitar va tabiiy fanlar yondashuvlarini birlashtiradi. son xulq-atvori haqida juda ko'p turli xil fikrlash usuli mavjud. Psixologlar odamlarning qanday fikrlashlari, his qilishlari va o'zini qanday tutishlarini o'rganishda turli istiqbollarni qo'llaydi. Ba'zi tadqiqotchilar biologik nuqtai nazar kabi muayyan muayyan maktabga e'tibor berishadi, boshqalari esa ko'p fikrlarni o'z ichiga olgan ko'proq eklektik yondashuvga ega. Boshqa nuqtai nazaridan "yaxshiroq" bo'lgan yagona istiqbol yo'q; har bir kishi oddiy insoniy xulq-atvorning turli jihatlarini ta'kidlaydi. Bugungi kunda zamonaviy psixologiyaning dunyo psixologlari tan olgan asosiy istiqbollari mavjud Psixologiyaning dastlabki yillari turli xil fikrlaydigan maktablarning hukmronligi hukmronligi bilan ajralib turardi.

Maktabda psixologiya kursini olgan bo'lsangiz, Stivitsizm, funktsionalizm, psixoanaliz, xulq-atvorlik va insonparvarlikni o'z ichiga olgan turli maktablar haqida bilib olishingiz mumkin. Psixologiya rivojlanganidek, psixologlar tomonidan o'rganiladigan mavzularning soni va xilma-xilligi ham mavjud. 1960-yillarning boshidan beri psixologiya sohasi rivojlanib, tez sur'atlarda o'sib bormoqda va shu bilan psixologlar tomonidan o'rganiladigan mavzularning chuqurligi va kengligi bor.

Bugungi kunda bir necha psixologlar o'z nuqtai nazarlarini muayyan fikr maktabiga muvofiq belgilaydilar. Agar siz hali ham ba'zi sof xatti-harakatchilarni yoki psixoanalistlarni topishingiz mumkin bo'lsada, psixologlarning aksariyati o'z ishlarini mutaxassislik sohasi va istiqboliga ko'ra tasniflaydi.

Xuddi shu mavzuda turli yondashuvlar psixologiyada har bir mavzu turli xil yo'llar bilan qarash mumkin.

Masalan, agressiya masalasini ko'rib chiqaylik. Biologik nuqtai nazarni ta'kidlaydigan kishi, miya va asab tizimining tajovuzkor xatti-harakatga qanday ta'sir qilishini ko'rib chiqadi. Xulq-atvor nuqtai nazarini ta'kidlaydigan mutaxassis, atrof-muhit o'zgaruvchilari tajovuzkor harakatlarni qanday kuchaytirishi mumkinligini ko'rib chiqadi. O'zaro madaniy yondashuvdan foydalanadigan boshqa psixolog ham madaniy va ijtimoiy ta'sirlar tajovuzkor yoki zo'ravon xatti-harakatlarga qanday hissa qo'shishini ko'rib chiqishi mumkin. Bu erda zamonaviy psixologiyada ettita asosiy istiqbol mavjud.

1. Psixodinamik kuzatish

Psixodinamik kuzatish Zigmund Freydning ishlaridan kelib chiqdi. Psixologiya va insoniy xulq-atvorga bo'lgan nuqtai nazari ongsiz ongni, erta bolalik tajribalarini va odamlarning xatti-harakatlarini tushuntirish va ruhiy kasalliklar bilan og'rikan odamlarni davolash uchun shaxslararo munosabatlarning rolini ta'kidlaydi.

Psixoanaliz Freydning ishi va ta'siri tufayli psixologiyaning dastlabki asosiy kuchlaridan biri bo'ldi. Freyd fikrni uch asosiy unsurdan iborat deb hisoblaydi: id, ego va superego. Id - barcha boshlang'ich va behush istaklarni o'z ichiga olgan ruhning bir qismi. Ego - haqiqiy dunyodagi talablarga javob beradigan ruhning bir tomoni. Superego psixikaning oxirgi qismi bo'lib, uning ichki dunyoqarashini, me'yorlarini va ideallarini boshqarishni topshiradi.

2. Behavioral Perspective

Xulq-atvor psixologiyasi - bu o'rganilgan xatti-harakatlarga yo'naltirilgan kuzatasiz. Behavioristik boshqa ko'plab nuqtai nazarlardan farq qiladi, chunki ichki davlatlarni ta'kidlash o'rniga, u nafaqat kuzatiladigan xatti-harakatlarga qaratilgan. Bu fikr maktabi yigirmanchi asrning boshida psixologiya hukmronlik qilgan bo'lsa-da, 1950-yillarda o'zidan ajrala boshladi. Bugungi kunda xulq-atvor nuqtai nazaridan xulq-atvorni o'rganish va takomillashtirish masalalari hali ham mavjud. Xulq-atvor qoidalari odatda ruhiy salomatlik sharoitida qo'llaniladi, bu erda terapevtlar va maslahatchi turli xil kasalliklarni tushuntirish va davolash uchun ushbu texnikadan foydalanadi.

3. Kognitiv Perspektiv

1960 yillarda, bilim psixologiyasi sifatida tanilgan yangi istiqbolga ega bo'la boshladi. Ushbu psixologiya sohasi xotira, fikrlash, muammolarni hal qilish, til va qaror qabul qilish kabi aqliy jarayonlarga qaratilgan.

Jan Piaget va Albert Bandura kabi psixologlarning ta'siri bu so'nggi o'n yilliklarda juda ko'p kuzatildi. Kognitiv psixologlar insonni ongli kompyuterga solishtirish, axborotni olish, qayta ishlash, saqlash va ishlatish kontseptsiyalashish uchun ko'pincha axborotni qayta ishlash modelini qo'llaydi.

4. Biologik Perspektiv

Fiziologiyani o'rganish psixologiyani alohida fan sifatida rivojlantirishda muhim rol o'ynadi. Bugungi kunda, bu kuzatasiz biologik psixologiya sifatida tanilgan. Ba'zida biopsiya yoki fiziologik psixologiya deb ataladigan bu nuqtai nazar, xatti-harakatlarning jismoniy va biologik asoslariga urg'u beradi.

Psixologiyaga biologik nuqtai nazardan qaraydigan tadqiqotchilar genetikaning turli xulq-atvorga qanday ta'sir qilishini yoki miyaning muayyan hududlari xulq-atvori va shaxsiyatiga qanday zarar yetkazayotganiga qarashlari mumkin. Asab tizimi, genetika,

miya, immunitet tizimi va endokrin sistemalar kabi narsalar biologik psixologlar qiziqtiradigan mavzulardan bir nechtasi.

So'nggi yillarda, ayniqsa, inson miyasi va asab tizimini o'rganish va tushunish qobiliyatimiz rivojida bu kuzatasiz sezilarli darajada o'sdi. Magnit-rezonans tomografiya (MRG) va pozitron emissiya tomografiyasi (PET) kabi vositalar tadqiqotchilarga turli sharoitlarda miyaga qarashga imkon beradi. Olimlar endi miyaning zararlanishiga, dori-darmonlarga va kasalliklarga o'tmishda mumkin bo'lmagan usullarni ko'rib chiqishlari mumkin.

5. Madaniyat nuqtai nazari

Madaniyatlararo psixologiya - bu so'nggi yigirma yil mobaynida sezilarli darajada o'sib borayotgan yangi nuqtai nazar. Ushbu maktabdagi psixologlar va tadqiqotchilar turli madaniyatlarda odamlarning xulq-atvoriga qarashadi. Ushbu farqlarga qaraganda, madaniyat bizning fikrlash va xatti-harakatlarimizga qanday ta'sir qilgani haqida ko'proq bilib olishimiz mumkin.

Masalan, tadqiqotchilar ijtimoiy harakatlarning individualistik va kollektiv madaniyatlarda qanday farqlanishiga qaramoqda . Qo'shma Shtatlar kabi individualistik madaniyatlarda , odamlar guruhning bir bo'lagi bo'lganda, odamlar kamroq harakat qiladilar, ijtimoiy nosozlik deb ataladigan hodisa. Biroq, Xitoy kabi kollektiv madaniyatlarda odamlar guruh tarkibida bo'lishganda ko'proq ishlashadi.

Evolyutsion Perspektiv

Evolyutsion psixologiya, evolyutsiya fiziologik jarayonlarni qanday tushuntirganini o'rganishga qaratilgan. Psixologlar va tadqiqotchilar evolyutsiyaning asosiy printsiplarini, shu jumladan tabiiy selektsiyani olib, ularni psixologik hodisalarga qo'llashadi. Bu nuqtai nazar, bu aqliy jarayonlarning mavjudligini ko'rsatadi, chunki ular evolyutsion maqsadga xizmat qiladi - ular omon qolish va ko'paytirishda yordam beradi.

7. Gumanistik kuzatasiz

1950 yillar davomida insoniy psixologiya deb nomlanadigan fikr maktabi paydo bo'ldi. Karl Rogers va Ibrohim Maslow singari taniqli insonparvarlik ishlarining ta'siri katta ta'sirga ega bo'lib , bu nuqtai nazar g'oyalar va xatti-harakatlarda g'ayratning rolini ta'kidlaydi.

O'z-o'zini anglash kabi tushunchalar bu kuzatasizning muhim qismidir. Gumanist nuqtai nazarga ega bo'lganlar, odamlarning shaxsiy salohiyatini rivojlantirish, o'zgartirish va rivojlantirishga yo'naltirilgan yo'llariga e'tibor beradi. Odamlarga baxtli, sog'lom hayot kechirishga yordam berishga qaratilgan ijobiy psixologiya - bu psixologiyaning gumanist nuqtai nazardan kelib chiqqan ilgarigi harakatidir.

Final tushunchalar-inson fikrlash va xatti-harakatlari haqida o'ylashning turli xil usullari mavjud. Zamonaviy psixologiyaning istiqbollari tadqiqotchilarga va o'quvchilarga muammolarni hal etishga yordam beradi va ularga xatti-harakatlarni tushuntirish va prognozlashning yangi usullarini topishga yordam beradi, bu esa muammoni hal qilish uchun yangi davolash uslublarini ishlab chiqishga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Internet manbalari.
2. Maxsudova Z. Psixik taraqqiyot diagnostikasi. T.:TDPU,2004.
3. Radugina A. A. Pedagogika I psixologiya.M., 2007.

GLOBALLASHUV JARAYONIDA O'SMIRLARDA YUZAGA KELADIGAN MUAMMOLAR VA ULARNING IJTIMOYIY-PSIXOLOGIK OMILLARI

Malika Olimovna Roziqova

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti 1-kurs magistranti

Kalit soʻzlar: globallashuv, oʻsmir, inqiroz, ijtimoiy tarmoq, agressiya, depressiya.

Bugungi murakkab va shiddatli XXI asrda har birimiz, butun xalqimiz yosh avlod tarbiyasiga har qachongidan ham jiddiy eʼtibor qaratishimizni hayotning oʻzi barchamizdan talab etmoqda.

Farzandlarimizni mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallagan, sogʻlom hayotiy pozitsiyaga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun hech qachon oʻzining dolzarbligini yoʻqotmaydigan masala hisoblanadi. [1,295-296-b.]

Haqiqatdan ham bugun biz ilm-fan, axborot va innovatsion texnologiyalar shiddat bilan rivojlanayotgan zamonda yaʼni globallashuv davrida yashayapmiz. Bu davrda esa barkamol shaxs tarbiyasi har qachongidan ham dolzarbdir.

Globallashuv – turli mamlakatlarning, xalqlarning jamiyat hayotining siyosiy, iqtisodiy, maʼnaviy sohalaridagi oʻzaro taʼsiri va bogʻliqligining keskin kuchayishidir.

Globallashuv jarayoni hayotimizga tobora tez va chuqur kirib kelayotganining asosiy omili va sababi xususida gapirganda shuni obyektiv tan olish kerak-bugungi kunda har qaysi davlatning taraqqiyoti va ravnaqi nafaqat yaqin va uzoq qoʻshnilar, balki jahon miqiyosida boshqa mintaqa va hududlar bilan shunday chanbarchas bogʻlanib boryaptiki, biror mamlakatning bu jarayondan chetda turishi ijobiy natijalarga olib kelmasligini tushunish, anglash qiyin emas. [2, 111-b.]

Albatta globallashuv jarayoning ijobiy tomonlari juda koʻp, lekin shu bilan birga salbiy tomoni ham mavjud. Bugungi murakkab globallashuv davrida har bir shaxs axborot taʼsiriga uchraydi. Afsuski bunday axborot oqimlarining aksariyat qismi noqonuniy va ijtimoiy jihatdan salbiy mazmunga ega boʻlgan axborotlardir. Bu kabi axborotlar esa shaxs xulq-atvoriga, psixologiyasiga oʻz tasirini koʻrsatib bir qancha muammolarni yuzaga keltiradi. Taʼkidlash joizki, Butunjahon Internet axborot tarmogʻi, mobil aloqa tizimi, kompyuter oʻyinlari, video va kino mahsulotlari orqali «ommaviy madaniyat» niqobi ostida milliy manfaatlarimiz, mafkuramiz, maʼnaviy-axloqiy qarashlarimizga yot zararli gʻoyalarni yoshlar ongiga singdirishga urinishlar ham kuzatilmoqda.

Tashqi taʼsirlarga juda ham beriluvchan boʻlgan oʻsmir oʻgʻil-qizlarga esa bugungi tahlikali davrda alohida eʼtibor berish zarur. Xoʻsh nega endi boshqa yosh davrlariga qaraganda aynan oʻsmirlik davriga bu davrda yuzaga keladigan muammolarga koʻproq eʼtibor qaratish zarur?

Oʻsmirlik insonning balogʻatga yetish davri boʻlib, oʻziga xos xususiyati bilan kamolotning boshqa pogʻonalaridan keskin farqlanadi. Oʻsmirda roʻy beradigan biologik oʻzgarishlar natijasida uning psixik dunyosiga tub burilish nuqtasi vujudga keladi. Balogʻat davriga 11 (12)- 15yoshli qizlar va oʻgʻil bolalar kiradilar .

Kamolotning mazkur pallasida jismoniy o`shish va jinsiy yetilish amalga oshadi. [3,124-b.]

O`smirlik yoshida psixologik jihatdan eng muhim xislat - voyaga yetish yoki kattalik hissining paydo bo`lishi alohida ahamiyatga ega. Kattalik hissi ijtimoiy-axloqiy sohada, aqliy faoliyatda, qiziqishda, munosabatda, ko`ngil ochish jarayonida, xulq-atvorning tashqi shakllarida o`z ifodasini topadi. O`smir o`z kuchi va quvvati, chidamliligini ortayotganini, bilim saviyasi kengayayotganini anglay boshlaydi. Bularning barchasi unda kattalik hissini rivojlantiradi. Unda g`ashga tegadigan rahbarlikdan, o`rinsiz homiylikdan, ortiqcha nazoratdan, zeriktiradigan g`amxo`rlikdan xoli bo`lish istagi vujudga keladi. [3, 131-b.]

O`zini xuddi katta his qila boshlagan o`smir boshqalardan ham xuddi shunday munosabat kutadi. Aslida esa o`smir bola emas ammo u katta inson ham emas. O`smir o`zining hatti-harakatlarida o`zini imkoniyatlarini ko`rsatish, atrofdagilarga kuchini ko`rsatib qo`yish, hayotda birovga tobe bo`lmay erkin yashay olishini isbotlash kabilarni ko`rishimiz mumkin. Ammo ichki imkoniyatlarning yetarli emasligi, hayotiy tajribalarning ozligi o`smirlarga pand beradi va mana shu paytda o`smir psixikasida zo`riqish yuzaga keladi va yoshga oid inqiroz boshlanadi. Avvallari soddagina, yuvosh ota-onasi yoki o`qituvchisi nima desa bajaradigan beozor bola butunlay boshqa tomonga o`zgaradi. Gormonal o`zgarishlar natijasida bolada ovoz o`zgarishi, yuzda husnbuzarlar chiqishi kuzatiladi va bu holat ko`pchilik o`smirlarda o`z tashqi ko`rinishidan qoniqmaslik hissini uyg`otadi. Shu kabi omillar natijasida o`smirlarda jizzakilik, asabiylik, tajanglik, depressiya va agressivlik kabi salbiy jihatlar yuzaga keladi.

Yuqoridagi fikrlardan shuni anglash mumkinki o`smirlik davridagi organizmdagi gormonal o`zgarishlar va buning natijasida yuzaga keladigan muammolar, o`smirlik davri inqirozni keltirib chiqarish uchun yetarli hisoblanadi, buning ustiga tashqi muhit ya`ni o`smir yashayotgan ijtimoiy muhitning yuqorida kaytilganidek globallashuvning salbiy ta`sirlari natijasida esa o`smirdagi mavjud muammolar yanada chuqurlashadi va eng yomoni bu o`smirlarda xulqiy og`ishlarga ham sabab bo`ladi. O`smir psixologiyasini o`rgangan ko`plab tadqiqotlar natijasi shuni ko`rsatadiki ularning rivojlanishi jinsiy rivojlanish bilan izohlanadi. Jinsiy bezlar faoliyati kuchyishi natijasida qarama-qarshi jinsga qiziqish ortadi.

O`smirlar jinsiy yetilish sirlarini 17 foizini ota-onalardan, 9 foizini o`qituvchilardan, 4 foizini maktab vrachidan va qolgan yashirin jihatlari, holatlari tog`risidagi ma`lumotlarni ko`cha-ko`ydan, o`rtoqlari va dugonalaridan eshitib bilib oladilar. [3,125-b.]

Hozirgi kunda internet tarmoqlari orqali istalgan ma`lumot va axborotlarni bir necha soniyada topib bilib olish mumkin, ijtimoiy tarmoqlar orqali xoxlagan turdagi videolarni tomosha qilish mumkin. Internet tarmoqlaridan foydalanishda yetarli darajada immunitet mavjud bo`lmagan o`smirlarda esa olingan ma`lumotlar ularning hatti -harakatlarini jigallashtiradi, ba`zi o`smirlarda yakkalik olamiga berilish boshlanadi. Fe`l atvorida ham salbiy illatlar paydo bo`ladi. Gohida esa o`smirlar orasida axloqiy buzuqlik holatlari kuzatiladi. Bundan tashqari o`smir o`gil bolalarda darsdan keyingi bo`sh vaqtlarni kompyuter o`yinlarini o`ynash hollari ham ko`p kuzatiladi. O`zida jangari va agressivlik ruhini mujassam etgan bu o`yinlar orqali

агрессиyaning ko`proq shakllariga guvoh bo`lgan o`smirlar zo`ravonlik va dushmanlik ijtimoiy jihatdan maqbul ekanligiga ishonishadi. Buning misoli sifatida Albert Banduraning mashhur Bobo qo`g`irchog`i eksperimentini ko`rsatish mumkin. Katta yoshli model Bobo qo`g`irchog`iga nisbatan tajovuzkor bo`lgan videokliplarni tomosha qilgan bolalar, imkoniyatdan foydalanib, bunday harakatlarga taqlid qilishadi. Xuddi shu kabi o`smirlarda ham jangari o`yinlar orqali agressiv xulq-atvor shakllana boshlaydi.

O`smirlarda yuzaga keladigan bu kabi muammolarni oldini olish va bartaraf etish uchun ota-onalar va pedagoglar o`smir psixologiyasi haqida bilimga ega bo`lishlari zarur.

O`smirlik davrida yetakchi faoliyat – bu o`qish, muloqot hamda mehnat faoliyatidir, o`smirlik davri muloqotning asosiy vazifasi – bu do`stlik, o`rtoqlikdagi elementar normalarini aniqlash va egallashdir, o`smirlar muloqotining asosiy xususiyati shundan iboratki u to`la o`rtoqlik kodeksiga bo`ysunadi. [4,64-b.]

Ushbu davrda ularning o`ziga nisbatan har qachongidan ham ko`proq ko`proq e`tibor xohlashadi, mehrga muhtoj bo`lishadi. Ammo buni bildirishni istashmaydi. Shularni hisobga olgan holda ular bilan o`zaro hamkorlikda do`stona munosabat o`rnatib olishlari, o`rnida va o`z vaqtida nazorat qilish hamda eng asosiysi to`g`ri kun tartibini tashkil etish yuzaga keliadigan muammolarni oldini olish va bartaraf etishga ijobiy ta`sir etadi.

O`smirlik davri qiyin, muammolarga to`la davrdir. Ammo insonning kelajakda qanday shaxs bo`lib yetishi ko`p jihatdan o`smirlik davrining qanday kechishi bilan bog`liq. Ushbu davrda ta`lim-tarbiya jarayoni to`g`ri tashkil eta olsak, ertaga jamiyatimizga foydasi tegadigan insonlarni tarbiyalab, kamolga yetkazamiz.

Adabiyotlar ro`yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. T.: «O`zbekiston»,2017 y. 484 b.
2. Karimov I.A.Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch.T.: «Ma`naviyat», 2008 y.173 b.
3. G`oziyev E. Ontogenez psixologiyasi. T.: 2010 y. 298b.
4. M.G.Davletshin, Sh. Do`stmuhammedova, M. Mavlonov, S.To`ychiyeva. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya. O`quv metodik qo`llanma. T.:2004y 129b.

ТАЪЛИМДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Қодирова Фотима Қаҳҳоровна
Марғилон педагогика коллежи психология фани ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада психологик хизмат кўрсатиш масалаларининг қисқаса тарихи ҳақида фикр билдирилади.

Калит сўзлар: инсон омили, психологик хизмат кўрсатиш, шахс

Ҳозирда фанлараро интеграцияда инсон омили масаласи бош масалага айланиб бормоқда. Фан,таълим, ишлаб чиқаришнинг интеграция жараёнида психологик хизмат кўрсатишнинг ҳам муҳим ўрни бор. Шу боис таълим тизимини

психологик қўллаб-қувватлашнинг роли сезиларли даражада ўсиб бораётганлиги ва таълимнинг амалий психология соҳаси жадал ривожланиши кузатилмоқда. Амалий психологияга бўлган қизиқиш инсоннинг бундай кадриятларини босқичма-босқич англаш, ҳар бир инсоннинг инсонпарварлик позициясини мустаҳкамлаш, унинг ривожланиши, ўз келажагини ўзи белгилаб олиши ва ўз-ўзини англаш жамиятнинг асосий мақсади эканлигидан келиб чиқади.

Халқаро ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари хусусан, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби давлатларнинг таълим тизимида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда етакчи ўринни олий таълим муассасалари эгаллаши сир эмас, уларнинг асосий мақсади эса профессионал фаолиятни самарали амалга оширадиган ижтимоий фаол шахсни тарбиялашдир. Бундай шароитда бўлажак педагог-психологларнинг профессионал фаолиятга тайёргарлигини методик жиҳатдан бойитиб бориш муаммолари долзарб бўлиб бормоқда.

Таълимда психологик хизматнинг пайдо бўлиши билан касбий фаолиятга йўналтирилган педагог-психологларга бўлган талаб ҳам пайдо бўлди. Маълумки яқин вақтларгача педагог-психологларни тайёрлаш академик тавсифга эга эди. Педагог-психологлар керакли маълумотларга эга бўла туриб, уни амалиётда қўллашда қийинчиликларга дуч келишар эди. Бу мазкур фан соҳасидаги методик масалаларни такомиллаштириш эҳтиёжини юзага келтирди. Психологик хизмат соҳаси дастлаб XIX асрдан АҚШ ҳамда Франция давлатларида ривожлана бошлади. Франциялик Олим Алфред Бине психологик хизмат соҳасида илмий изланишлар олиб бориб 1905 йилда умумий дастур бўйича ўқий олмайдиган болаларни текшириш муаммосини ўрганиб, ақлий тараққиётда орқада қолган болаларни ажратадиган Бине-Симон тестини яратди. Европа мамлакатларида биринчи бўлиб Эстония ва Чехославакия давлатларида мактабда психологик хизмат ташкил этилди. Эстонияда 1975 йилда мактабда психологик хизмат ташкил этилиб психолог олимлар Х.И.Лийметс, Й.Л.Сиэрдлар тарбияси қийин ўсмирлар учун махсус мактабларда илмий изланишлар олиб бордилар. Чехославакияда 1980 йилларда мактаб психологик хизмати туман ёки вилоят психологик-педагогик марказлари шаклида ташкил этилган. Бунда психологик хизматнинг асосий мақсади соғлом шахснинг ўсишини таъминлаш, шахс ривожланишидаги турли қийинчиликларни коррекция қилиш, касб танлаш муаммоларини ижобий ҳал қилишга қаратилган. Россияда 1982 йилда давлатларида мактабда психологик хизмат ташкил этилди. Эстонияда 1975 йилда мактабда психологик хизмат ташкил этилиб психолог олимлар Х.И.Лийметс, Й.Л.Сиэрдлар тарбияси қийин ўсмирлар учун махсус мактабларда илмий изланишлар олиб бордилар. Россияда 1982 йилда мактабларда психолог штати ташкил қилинди. Россияда И.В.Дубровина психологик хизмат мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган ва бир қанча илмий асарлар яратиб соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган. Психологик хизмат соҳаси барча ривожланган мамлакатлар қатори республикамизда ҳам кенг тадқиқ қилиб келинмоқда. Бу борадаги илк изланишлар Ўзбекистонда ўтган асрнинг 30-йилларида хизмат фаолияти замирида ўрганилган.

Ўзбекистондаги умумтаълим тизими билан боғлиқ изланишлар ва тадқиқотлар П.И.Иванов, В.Э.Чудновский, М.Г.Давлетшин, М.Воҳидовлар томонидан ишлаб чиқилган қатор илмий ва методик тавсиялар мактабда психологик хизмат татбиқини яратиш учун маълум даражада асос бўлиб келди. Республикамизда илк бор қатор меҳнат ва ишлаб чиқариш жамоаларида инсон ва меҳнат фаолияти, шахс ва шахслараро муносабатлар, ишчи ва раҳбар, раҳбар ва жамоа психологияси билан боғлиқ илмий-амалий ишлар олиб борилди.

Ғарбда яратилган когнитив назариялар психологик хизмат методологияси учун муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Л.Фестингернинг инсоннинг фаолият объектига нисбатан хулқ-атвори ёки муносабатини онгли равишда ўзгартиришга асосланган когнитив диссонанслар назарияси, Т.Нюхоннинг ўзгаларга ва умумий фаолият объектига ижобий муносабатларни таркиб топтиришга асосланган ҳамкорлик коммуникатив назарияси, С.Х.Осгуд ва П.Таненбауманинг инсон когнитив тузилиши асосидаги объектни баҳолашга қаратилган “конгруэнтлик” назарияси, Г.Олпорт, А. Маслоу, К.Роджерс каби ижтимоий психологларнинг гуманистик доирадаги қатор тадқиқий изланишлари шулар жумласидандир. Бу борада америкалик таниқли психолог Абрахам Харолд Маслоунинг «Инсонга бир бутун ёндашув концепцияси» психологик хизмат жараёнида инсонни тушуниш ва ижтимоий мотивацион ривожлантириш муаммоси устида тадқиқотлар олиб борилиши учун муҳим аҳамият касб этади. Маслоунинг фикрича, инсоннинг барча туғма имкониятлари фақатгина ижтимоий шарт-шароитнинг яратилиши билан рўёбга чиқиши ва камол топиши мумкин. Албатта, мазкур фикрларнинг нечоғлиқ ҳақиқат эканлигини бугунги кунда ҳар бир инсоннинг ўзига хос ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи имкониятлари кўламини ўрганиш ҳамда тарбиялаш асосий вазифа саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдиназарова З.Х. Педагогик технологияларнинг талабалар ақлий тараққиётига психологик таъсири. Псих.фан.номз...дисс.- Тошкент, 2012. – 144 б.
2. Абдурахмонов Ф.Р, Абдурахмонов З.Е. Касб психологияси. Тошкент: Баркамол файз медиа. 2018.-208 б.
3. Абдуқодиров А., Пардаев А. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан ва технологиялар. 2012. – 44 б.

АУТОАГРЕССИВ ҲУЛҚ ПРОФИЛАКТИКАСИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА КОРРЕКЦИЯСИ (СУИЦИД)

*Тошматова Раъно Жалоловна
Тошкент вилояти Бўка туманидаги 1-мактаб психологи*

Маълумки инсон жисми тана ва руҳдан иборатдир. Тананинг соғлом бўлишида руҳнинг ҳиссаси каттадир. Руҳни бошқарувчи онгдир. Инсоннинг Аллоҳ томонидан маҳлуқот қилиб яратилганлиги, ҳиссиётларни бошқариш учун эса онг деган неъмат берилганлиги динимиз асосларидан биридир. Шунга кўра

инсон танасида эзгу фикр бўлмас экан, эзгу амаллар ҳам бўлмаслиги аён. Тарбияда хулқ –атворнинг бузилишига маълум бир муҳит сабаб бўлади. Инсон ўз онгини тарбиялаши, тозалаш ва ҳис туйғуларни бошқариши каби тушунчалар ҳозирги замоннинг долзарб мавзулардан бирига айланиб қолмоқда.

Ҳис туйғуларни бошқариш. Агрессия нима?

Агрессия – бу бошқа бир одамнинг кучидан қўрқиш, кейин кеч бўлмасидан биринчи бўлиб ҳужум қилиш истаги.

Агрессия ҳам ички қўрқув туфайли юзага келади. Сабаби ички хотиржамлик ва ишонч ҳисси йўқолган руҳда агрессия туғилади. Аслида агрессия бу ҳимоя механизми. Соғлом агрессияда инсон танаси табиий ўзини ҳимоя қилади. Масалан, ёввойи ҳайвонлардан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қарши ҳужум. Лекин маълум бир ҳимояга ўтишнинг чегарадан ноўрин чиқиб кетиши бу танада йиғилиб қолган ички агрессиянинг портлашидир. Мактаб ўқувчилари томонидан керагидан ортиқ агрессив ҳаракатлар мана шу ички ҳисларнинг жунбушга келиши оқибатида юзага келмоқда. Агрессияга мойил ўқувчиларда ички ва ташқи нафрат, ўч олиш, аламзадалик, ғазаб, тажовузкорлик, йиғлаш, сиқилиш, тушкунлик, жаҳлдорлик, нолиш, кайфиятсизлик каби салбий ҳиссиётлар устун кўринади.

Агрессияга сабаб бўладиган ҳолатлар.

1. Ҳоҳишларга тўсқинлик.
2. Таҳқирланиш.
3. Тушкунлик
4. Гормонларнинг ошиши.
5. Душманлик ҳисси.
6. Адолатсизлик
7. Меҳр кўрмаслик .
8. Ёмон гаплар эшитиш.
9. Оилавий жанжаллар.
10. Уйқусизлик .
11. Ҳиёнат .
12. Боланинг ҳис туйғуларига бефарқлик
13. Ноҳақ жазоланиш.
14. Телефонга тобелик.
15. Ва бошқалар.

Агрессия асосан оилада шаклланади. Ота-оналарнинг нотўғри муносабатлари масалан, бемехрлик, камситишлар, диний саводсизлик, отанинг қаттиқўллиги, онанинг ҳаддан ташқари кўнгилчанлиги. Ота-онанинг ўзларининг агрессив ҳатти-ҳаракати болада психик бузилишларни вужудга келтиради. Бундай муҳитда ўсаётган болаларнинг баъзилари жамиятдан ажралиб қолади. Вазиятдан чиқиш йўлини топа олмайдилар. Шу тариқа тушкунлик, дерессия босқичига ўтиб, ўз жонига қасд қилишгача боради. Агрессив болаларнинг ота –оналари кўпинча қуйидаги тарбия воситаларини қўллайдилар:

- жисмоний жазо;
- таҳдидлар;
- кўпинча болани яққалатиб қўйиш;
- имтиёзлардан маҳрум қилиш;

-чекловлар киритиш, рағбатлар қўлламаслик;
-меҳр ва ғамхўрликдан маҳрум қилиш.

Агрессив хулқ-атворни коррекция қилиш мақсадида аввало мактаб ўқувчиларида агрессияни тўғри бошқаришни йўлга қўйиш лозим. Унинг сабабларни бартараф этишга ҳаракат қилиниши лозим. Агрессия ички ва ташқи ҳолатда бўлади. Агрессияни камайтириш мақсадида мактаб жамоаси биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Масалан мактабда тадбирлар қизиқарли ўказилиши, спорт мусобақалари ташкил қилиниши, театршунослик, мусиқа, совринли меҳнат турлари , қизиқарли заковат ўйинлари, саёҳатлар уюштирилиши лозим. Отаналар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим. Бундан ташқари мактаб психологи томонидан турли психокоррекцион машғулотлар, тренинглари, нафас олувчи машқлар олиб борилади. Ғазабни намойиш этишнинг биринчи босқичида қуйидаги метод ва усуллар самарали бўлиб , психологлар томонидан кенг қўлланилади.

- 1) Қоғозни ғижимлаш ва йиртиш;
- 2) Ёстик ва боксёрлар қопини уриш;
- 3) Оёқларни тапиллатиш;
- 4) Ватмандан қилинган стакан ёки труба ёрдамида қаттиқ бақариш;
- 5) Айтишни истаётган сўзни қоғозга ёзиш, ғижимлаш ва ташлаб юбориш;
- 6) Картон ёки пластилинни ишқалаш;

Кейинги босқичларда нафас олувчи машқлар, мускулларни бўшаштирувчи машқлар, ва “Ўз ғазабингни чиз” каби машғулотлар олиб борилиши мумкин.

Бундан ташқари ҳозирги вақтларда мактабда амалиётчи психологларнинг фикрига кўра, болаларни иложи борича виртуал оламдан узоқлаштириш тавсия этилади. Болалар мактабга телефон олиб келишида ҳеч қандай маъно йўқлиги ўз исботини топмоқда. Дарс жараёни ва тадбирлардан завқ олишнинг ўрнини телефонга тобелик эгалламоқда. Минг афсус, дарсда телефон у ҳоҳ чўнтакда бўлсин, ҳоҳ сумкада ўчириб қўйилган тақдирда ҳам ўқувчининг онг остида телефондаги хабарларни кутишни келтириб чиқаради. Лекин доимий чўнтакдаги телефон ҳам шундай таъсир кучига эга эканлиги ва онг остини бошқараётганини унутамиз. Қолаверса, телефоннинг зарарли нурлари ёш организм мия фаолиятини зўриқтириб, хотира ва диққатнинг сустлашишига олиб келади..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. З.Т.Нишанова, Н.А.Асқарова, Ф.Ф.Расулова, Г.А.Тарсинва. Агрессив хулқ-атворли болалар диагностикаси ва психокоррекцияси. Тошкент-2011 й.

БОЛАЛАРДА ЖАҲЛИ ТЕЗЛИК ВА УНИ ЙЎҚОТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Нарзуллаева Маърифат Фаттуллаевна
Бухоро вилояти Гиждувон туман 45-мактаб психологи*

Жаҳл бошқа эмоциялар сингари инсоннинг атроф муҳитга мослашиш вазифасини бажаради. Жаҳл одамларда ҳам, ҳайвонларда ҳам маълум мақсадга етишиш йўлида пайдо бўладиган тўсиқларни енгиш учун керак бўлади. Шунинг

учун жаҳлни ҳамиша ҳам касаллик деб қараш нотўғри. Жаҳл – маълум вазият тақозоси билан пайдо бўладиган ҳаракат ва шунинг учун ўша вазиятдан инсон чиқмас экан, унда жаҳл сақланиб қолаверади. Агар жаҳл маълум вазиятда эмас, доимий сақланиб қолса, буни энди соғломлик деб бўлмайди. Бу маълум маънода ўз-ўзини бошқариш механизмининг бузилганлигидан далолат беради.

Б.Спокнинг фикрича, куйидагилар нормал ҳолат ҳисобланади: бир ёшга кирган бола онаси қилган нохуш ҳаракатга қаршилиқ кўрсатса; - икки яшар боланинг ўзга болани уриши; агар унинг бирор нарсасини тортиб олишсалар ва ҳ.к. Мазкур жаҳлдор ҳаракатлар маълум вазиятлардан келиб чиқаяпти. Бироқ улар касаллик чегарасига ҳам ўтиб қолиши мумкин. Ҳар қандай бузилиш ўз ибтидосини маълум вазиятдан олиши мумкин.

Нормал жаҳл ҳолатининг касаллик ҳолатига ўтиб қолиш шартлари куйидагилар:

Ота-оналарнинг доимий жаҳлли ҳатти-ҳаракатлари. Бундай ҳулққа болалар тақлид қиладилар, беихтиёр ўша жаҳлни ўзларига юқтирадилар. Бу ҳодисанинг психологик механизми куйидагича: боланинг эмоционал ўз-ўзини бошқариш типига мослашади;

- болага ота-она муҳаббатининг берилмаслиги. Бу нарса болада ҳимоясизлик туйғусини шакллантиради, атрофдагиларга нисбатан шафқатсизликни пайдо қилади;

- ота-она томонидан боланинг ҳақорат қилинишини ва камситилиши. Бу тарбиядаги хусусий ҳол бўлиши мумкин, бироқ бола шахси ривожда бу нарса ўта муҳим аҳамият касб этади;

- икки йўлдан бирини танлаш ҳолатини болада тез-тез пайдо қилиш. Бола қай томонни танлашга қийналади. Агар нотўғри қуйилган қадам учун жазо оладиган бўлса, жаҳл касалликка айланиб кетиши мумкин.

Бундай ота-оналар билан ишлаш жуда мураккаб, чунки жаҳлдор боласи бор ота-она одатда унга нисбатан ўзларида адоват туйғусини ҳис қилади ва улар психолог-консультантга ёрдам учун эмас, балки уни тинчлантириб қўйиш учун мурожаат қилишади. Уларга қолса болани тинчлантирувчи битта дори беришсаларда, бола бирданига жаҳлидан тушиб қолса. Улар билишмайдиларки, боладаги жаҳлнинг илдизлари уларнинг турмуш тарзларига бориб тақалади. Аксарият ҳолларда ўша ота-оналарнинг ўзлари ёшлигида сержаҳл бўлган бўлишадилар. Улар ўзларидаги психологик ҳолатларини ўз фарзандларига узатишади. Шунинг учун психолог одатда илк ишини жаҳли тез боланинг ота-оналаридан бошламоғи керак.

Биринчидан, улар билан ишлаганда уларнинг ўз-ўзини баҳолашига салбий таъсир кўрсатиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак. (Сиз ўз болангизни яхши билмайсиз, мен сизга ўргатиб қўяман қабилдаги гаплар уларнинг шахсиятига тегиши мумкин). Аксинча, уларни ўз фарзандларини янада билишликка чорлаш лозим.

Иккинчидан, ота-онанинг болага бўлган муносабатини ўзгартириш зарур. Улар сержаҳл боласини ношукурликда айблашадилар. Улар болани тергаганларида, уришганларида болалари кечирим сўрашларини, айбдор эканлигини айтишини кутишади. Бола бу ишни қилмаганлигини кўргач, уларнинг жаҳли чиқади ва болани

беодобликда бузилиб кетганликда айблашади. Иложи борича, ота-оналарда ўз болаларига нисбатан раҳм-шафқат туйғусини уйғотиш керак. Сержаҳл бола-бу аввалом бор бахтсиз бола эканлигини уларга уқдириш керак. Ота-оналарга жаҳлнинг пайдо бўлиш механизмини, жаҳлитезлик боланинг эмоционал жиҳатдан касалланиши эканлигини тушунтириш лозим.

Учинчидан, ота-оналарнинг ўз болаликлари ҳақидаги хотираларини тиклаш керак. Ўзларининг ҳам қилган жаҳлли хулқ-атворининг сабабларини биргаликда муҳокама қилиш зарур. Эҳтимол, бу нарса бола билан ота-оналар ўртасидаги муомаланинг шахсий сабабларини очишга ёрдам берар ва шу йўл билан психологик ёрдам олар.

Тўртинчидан, ота-онанинг болага туғилгунча ва туғилгандан кейинги биринчи ойлардаги муносабатини аниқлаб олиш зарур. Агар бола бошиданоқ исталмаган бўлса (балки бола тасодифан ёки мажбурликдан туғилгандир), ота-она билан ҳамкорликда аниқ бир қарорга келиш зарур. Масалан, бола исталмаган бўлса-да, ҳар қалай унга ғамхўрлик кўрсатиш зарурлиги уқтирилиши даркор. Эҳтимол, болага нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлиши сабабини аниқлангач ота-она ўзгариб қолар. Агар бола исталган бўлса, унда улардаги бу муносабат бола сержаҳл бўлганидан сўнг пайдо бўлган бўлади. Бундай ҳолда ота-оналарнинг шахсиятига тегмасдан бола уларнинг хатти-ҳаракатларига мос жавоб қайтараётганлигини тушунтириш зарур.

Сержаҳл хатти-ҳаркатни ёмон деб бўлмайди. Кутилмаган вазиятларда у химоя вазифасини бажаради, баъзида маълум вазиятдан чиқишга хизмат қилади. Америкалик психолог Э.Эриксон инсон ҳаётида 8 та кризисни фарқлайди. Булар қуйидагилар:

1) Биринчи кризисни бола умрининг биринчи йилида бошидан кечиради. Бу бола физиологик эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ. Агар яхши қондирилмаса, болада атрофдагиларга ишончсизлик пайдо бўлади.

2) Иккинчи кризис боланинг тозалikka ўргатиш пайтига тўғри келади. Агар болага қатъий ташқи назорат ўрнатилса, унда уят ва шубҳа пайдо бўлади.

3) Учинчи кризис иккинчи болалик даврига тўғри келади. Бунда бола мустақил фаолият кўрсата бошлайди. Агар унинг омадсизлигини ҳадеб рўқач қилинса, унда айбдорлик туйғуси шаклланади.

4) Тўртинчи кризис мактаб ёшида содир бўлади. Мактабдаги муҳитга мослаша олмаган ўқувчида ўзига ишончсизлик туйғуси пайдо бўлади.

5) Бешинчи кризис ўсмирларда кузатилади. Ундаги биологик етилиш билан социал жиҳатдан етилмаганлик ўртасидаги зиддият бу кризисни келтириб чиқаради.

6) Олтинчи кризис ёш йигит-қизларда кузатилади. Бунда айрим ёшларда изоляция яъни ўз-ўзи билан бўлиш кузатилади.

7) Еттинчи кризис 40 ёшда кузатилади. Унда ҳам оилавий муносабатларда турғунлик кузатилади.

8) Саккизинчи кризис қариликда содир бўлади. У ўлимдан кўрқиш ва янгидан ҳаёт бошлай олмаслигидан надомат туйғуси билан характерланади.

Шу 8 та кризиснинг ҳар биридаги салбий ҳолатлар одамда жаҳлни чиқаради ва у хулқ-атворида таъсир қилади. Жаҳлитезликни таҳлил қилганда албатта бу психосоциал кризисларни ҳисобга олмоқ лозим.

Бола хулқ-атворидаги сержаҳллик улар билан муносабатни қийинлаштиради ҳам жаҳлни мутлақо салбий сифат деб баҳолаш нотўғри. Унутмаслик керакки, боладаги фаолликнинг ошиши унинг бўлиши мумкин. Агар махсус тузатиш ишларини олиб борилса, унда атрофдагилар билан нормал муомала пайдо бўлади.

Боладаги жаҳлни тузатиш ишлари уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлашдан бошланади. Агар жаҳл боланинг эмоционал – мотивацион оламидаги бузилиш бўлмаса, унда ишлар жаҳлни олиб ташлаш йўлидан эмас, балки бола хулқ-атворидаги жаҳлни юмшатиш, болага яхши томондан таъсир қилиш ишларини олиб бориш талаб қилинади. Бундан ташқари, ота-оналарни боладаги ўзгаришларга тайёрлаш керак.

Жаҳли тезликни йўқотиш йўлида қўлланиладиган психокоррекцион усуллар уни келтириб чиқарган сабабларнинг характерида боғлиқ. Коррекцион методларни танлашда конкрет ҳодисадан ва конкрет боладан келиб чиққан ҳолда танлаш керак бўлади.

Биз жаҳлитезликка таъсир қилишнинг қуйидаги бир қанча йўлларида тўхталиб ўтамиз:

1. Жаҳлитезликни инкор қилиш ва атрофдагиларга унга эътибор қилмасликларини таъкидлаш.

2. Жаҳлдор ҳаракатни ўйин кўринишига кўчириш ва унга янги ижтимоий эмоционал маъно сингдириш. Унда биз боланинг атрофдагилар билан бўладиган муомаласига зарар етказмасдан мақсадимизга эришишимиз мумкин. (масалан, қароқчилар ўйинида сержаҳл болага қароқчи роли берилади ва ҳ.к.)

3. Жаҳл билан қилинаётган ҳаракатларни таъқиқлаш керак. (жаҳл қилмасликка болани ўргатиш).

4. Тарбиячи ёки психолог ўйин кўринишида кўркув замирида ётадиган жаҳлни боланинг ўзига аниқлаш зарур.

5. Психодрамма. Ихтиёрий кўринишда жаҳлни чиқариш ва ўйин сўнгида жаҳлни сўндириш. Бунда бола ўзидаги пайдо бўладиган жаҳлга эътиборни қаратади ва уни йўқотиш малакасини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Е.И.Рогов. Настольная книга практического в образовании. М. “Владос” 1996.

2. Ж.Годфруа. Что такое психология. Том 2. М. “Мир” 1992

“INDIGO-SAMOVIIY BOLALAR”-OTA-ONALAR UCHUN PSIXOLOGIK TAVSIYALAR

*Nafisa Abduxamidova Muxammadovna
Namangan viloyati Yangiqo'rg'on tumani 63-maktab psixologi*

Farzandlarimiz bizga o'qituvchi...

Oxirgi paytlarda borliq olam, jamiyat munosabatlari, qadriyatlarimiz yangilanayotgan bir davrda ommaviy ko'rsatuvlar va teledasturlarda indigolar-samo

bolalari haqida ko'p ma'lumotlar bilan tanishib boryapmiz. Ho'sh yangi bolalar bo'lsa nima bo'пти deb qo'ya qolishingiz mumkin, biroq bunday bolalarning ruhiyati, fikrlashi, qadriyatlarga munosabatlari o'zgachadir. Ular o'zlarining xohish-istaklariga, ya'ni-nafsga podshoxlik qilish istagi bilan his etishni va o'z qadriyatlarini yaxshi bilishlari bilan ajralib turishadi. Yangi bolalardagi ijodkorlik, bunyodkorlik, yaratuvchanlik sababi bosh miya o'ng yarmini faol ishlashi bilan bog'lanadi. Ular kazo-kazolar, obro'-nufuzni tan olishmaydi, tanlash erkiga bo'ysunishadi, o'zlarini hamma bilan teng deb bilishadi. Odamlarni katta-kichigi, amalmansabi, millati Yangi bolalar uchun qizig'i yo'q, shohu-gado barovar, ya'ni hamma birday Odam, deb bilishadi. Ular o'z erkiga dahl qilishimizga yo'l qo'yishmaydi, chunki odamning erk ixtiyori o'zida ekanligini yaxshi tushunishadi. O'z qadriga yetadilar, biron bir ishga bejiz qo'l urmaydilar, o'zi xohlamagan ishga esa majbur eta olmaysiz, bunga yo'l qo'yishmaydi. Ular isyonkor, gap uqmasday tuyuladi, aslida unday emas. Ular bizga emas, o'zlariga ko'proq ishonishadi.

Agar yangi bola nomaqbul ish qilayotgan bo'lsa dabdurisdan uni ta'qiqlamang, aksincha bunday qilish yaxshi emasligini tushuntirib, boshqa mashg'ulotni tavsiya eting. Yangi bola nomaqbul ishdan o'zi to'xtashi darkor. Ta'qib qilish unda g'azab, o'z-o'zini himoya qilish tuyg'usini uyg'otadi. Ota-onalik huquqingizni ro'kach qilib balanddan kelsangiz, sizga ishonchi yo'qoladi. Hamisha qarshilik qilsangiz, o'rtada dushmanlik paydo bo'ladi. Yaxshisi irodangizni ishga solib, amalda qanday bo'lish kerakligini ko'rsatishingiz maqul. Ular aytilganlarga emas ko'rganlariga ishonadilar. Yangi bola g'oyat ichki qudratga ega bo'lib, o'z vazifalarini yaxshi bilishadi. Botiniy bilish rivojlanganligi esa boshqalarni tushunishga yordam beradi. Tegralaridagi olamni teran idrok etadilar, his tuyg'ularini boshqara oladilar. Ularni aldolmaysiz, botin ko'zlari sizni ko'nglingizni ko'rib turganday. Yolg'on yashiq gaplarga ochiq qarshilik qilib, his etib turishadi. Ular bajarayotgan yaxshi ishni rag'batlantirib, boshqa vazifaga o'tishni buyurgan ma'qul. Samovot bizga Indigolarni- Yangi bolalarni ishonib jo'natgan ekan, o'zimizni o'zgartirib bu ishonchga munosib bo'lmog'imiz shart, aziz birodarlar. Zero, bolalaringiz, nabiralaringiz, jiyanalaringizga razm soling, ular ichida albatta Yangilari bor. Ularni qanday tarbiyalashni o'zlari sizga o'rgatishadi. Oqilona maslahatlariga quloq tutib, do'stingizday ko'ring.

Erklariga tajovuz qilib, eski qonun-qoidalar bilan ularni majruh qilib qo'ymang. O'z vazifalarini bajarishsin. Farzandlaringizni kuchli antibiotiklar bilan davolamang, kuchli dori-darmonlar bermang.

Omon bo'ling, qadrdon ota-onalar

БОЛАНИ ЎСМИР ЁШ ДАВРИДА ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Зуфарова Малика Хусан қизи
Шайхонтоҳур тумани 136-мактаб психологи*

Психологияда ўсмирлик даври ўзи хос бир қанча хусусиятлар билан ажралиб туради. Бу ажралиб туриш айниқса психик ўзгаришларда яққол намайён бўлади.

Ўсмирлик даврида назарий тафаккур юқори ривожланиши аҳамиятга эга бўла бошлайди. Чунки бу даврдаги ўқувчилар атроф оламдаги боғланишлар мазмунини максимал даражада билишга ҳаракат қиладилар. Бу даврда ўсмирнинг билшга бўлган қизиқишда прогресс содир бўлади. Илмий назарий билимларнинг эгаллаб олиниши туфаккурнинг ривожланишига олиб келади. Бунинг ҳисобига исбот, далиллар билан фикрлаш қобилияти ривожланади. Унда дедуктив хулосалар чиқаришга қобилият пайдо бўлади. Мактабда ўқитиладиган фанлар ўсмир учун ўз тахминларини юзага келтириш ёки текшириш учун шароит бўлиб хизмат қилади. Ж.Пиаженинг таъкидлашича «Ижтимоий ҳаёт уч нарсанинг таъсири – тил, мазмун, қоидалар асосида шакллантирилади». Бу борада ўзлаштирилган ижтимоий муносабатлар ўз – ўзидан тафаккурнинг янги имкониятларини яратади.

11–12 ёшдан бошлаб ўсмир энди мантикий фикрлаб ҳаракат қила бошлайди. Ўсмир бу ёшда худди катталар сингари кенг қамровли таҳлил этишни ўргана бошлайди. Ўсмир тафаккурнинг назарий даражага қанчалик тез кўтарила олиши ўқув материалларни шунчалик тез, чуқур эгаллаш ва унинг интелектини ҳам ривожланишини белгилаб беради. Ўсмирлик даври юқори даражадаги интелектуал фаоллик билан фарқланади. Бу фаоллик асосан ниҳоятда қизиқувчанлик ҳамда атрофдагиларга ўз лаёқатларини намойиш этиш, шунингдек улардан юқори баҳо олиш эҳтиёжининг мавжудлиги билан белгиланади. Ўсмирнинг катталарга берадиган саволлари кўпгина мазмунли, чуқур ўйланган ва айнан ўша масала юзасидан бўлади. Бу ёшдаги болалар турли гипотезалар туза оладилар, таҳминий фикр юрита оладилар, тадқиқ ўтказа оладилар ҳамда маълум бир масала бўйича алтернативларни таққосла оладилар. Ўсмир тафаккури кўпинча умумлаштиришга мойил бўлади. Республикамизнинг бозор иқтисод шароитига ўтишда кишилардаги амалий тафаккурнинг аҳамияти ошмоқда. Амалий тафаккур тизимига қуйидаги ақлий сифатлар киради:

- тадбиркорлик, тежамкорлик, ҳисобилик, юзага келган муаммоларни тез еча олишлик.

Кўрсатилган барча сифатлар бўлган тақдирдагина амалий туфаккурини ривожланган деб ҳисоблаш мумкин. Бу сифатларни 1–синфданок бошлаб ривожлантира бориш ниҳоятда муҳим. Ўсмирлик даврида ишбилармонлик сифатини ўқувчилар ўз–ўзини бошқаришни йўлга қўйиш шунингдек, умумий фойдали тадбиркорлик ишларида иштирок эттириш орқали ривожлантириш мумкин. Бу борада ўқувчи ижрочи ролида эмас балки бошқарувчи, мустақил йўл танловчи ва тадбиркорлик муносабатларига ўзи киритувчи бўлган тақдирдагина ривожланиш амалга ошиши мумкин. Бу ёшда тадбиркорликни ривожлантиришда кўпроқ мустақилликни берилиши ўсмир амалий тафаккурининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Ўсмир ёшдаги болаларда тежамкорликни ривожлантириш ақлниг бошқа сифатларига нисбатан осонроқ кечади, буни кўпроқ уларни қизиқтирадиган нарсаларга мустақил равишда ҳисоб – китоб қилиб боришга йўллаш орқали амалга ошириш мумкин. Ўсмирларда юзага келган муаммоларни тез ва оператив ҳолда ечиш малакасини шакллантириш бир мунча қийинроқ кечади. Албатта бу боланинг темпераментига ҳам боғлиқ. Барча ўсмирларни ҳам тез ўйлаб, тез ҳаракат

қилишга ўргатиш мушкул, лекин уларни муаммо юзага келиши билан орқага ташамай тез ечишнинг умумий қоидаларга ўргатиб бориш мумкин.

Ўсмирлик даврида интелектнинг юқори даражада ривожланган бўлиш ҳимматли ва обрўли ҳисобланади. Ўсмир шахсида ва унинг билишга қизиқишидаги ўзгаришлар ўзаро боғлиқ бўлади. Ихтиёрий психик жараёнларнинг ривожланиши ўсмирдаги шаклланиб келаётган шахс мустақиллигига таянади, ўзининг шахсий хусусиятларини англаш ва шакиллантириш имкониятлари эса ундаги тафаккурнинг ривожланиши билан белгиланади.

Ўсмирлик даврида диққат, хотира тасаввур тўла мустақиллик касб этиб, энди ўсмир уларни ўз ифодасига кўра бошқара оладиган бўлади. Бу даврда қайси етакчи функция (диққатми, хотирами ёки тасаввур) устунлик қилаётгани яққол намоён бўлиб, ҳар бир ўсмир ўзи учун ахамиятлироқ бўлган функцияни эътиборга олиш имкониятига эга бўлади.

Ўсмирлик даврида асосан билиш жараёнлари юқори даражада ривожланади. Бу йилларда ўсмирларга ҳаёт давомида керак бўладиган асосий шахсий ва тадбиркорлик хусусиятлари очик кўрина бошлайди. Хотира механик хотира даражасидан мантиқий хотира даражасига кўтарилади. Нутқ асосан юқори даражада ривожланган, хилма-хил ва бой тафаккур эса ўзининг барча кўринишлари: ҳаракатли, образли, мантиқий даражасида ривожланади. Ўсмирларни энди турли амалиёт ва ақлий фаолиятларга ўргатиш мумкин. Шунингдек, бу даврда умумий ва махсус лаёқатлар шаклланади ва ривожланади. Бу даврига жуда кўп зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар хос. Мактаб дастури ва бошқа ишлар билан боғлиқ турли масалаларни ечишда кўзга ташланадиган ўсмирларнинг интеллектуал ривожланганлиги катталарни улар билан бирга жиддий муаммолар бўйича фикрлашга ундайди, ўсмирларнинг ўзлари ҳам бунга ҳаракат қиладилар. Бошқа томондан эса айниёса, келажак касб, ҳулы атвор этикаси, шз мажбуриятларга мажбуриятларига маосуллик каби муаммолар муҳокамасида инфантилликни (ёш боларларга хос жисомний ва психологик ҳолат) кузатиш мумкин.

5-6 синф ўқувчиларига синфдаги ўзи эгаллаган мавқеига катта эътибор бериш хусусияти хос. Айниқса 6 синфдан бошлаб ўқувчилар ўз ташқи кўринишларига, шунингдек қарама-қарши жинсдаги болалар ва улар билан ўзаро муносабатларига эътибор бера бошлайдилар.

7-синф ўқувчиларида эса ўз лаёқатларини ривожлантиришга хос қизиқиш юзага келади. 8 синф ўқувчилари эса мустақиллик, ўзига ҳослик, дўстлик ва ўртоқлик билан боғлиқ бўладиган шахсий хислатлар юқори баҳоланади. Ўсмирларнинг ана шу кетма-кет юзага келадиган қизиқишларига асосланган ҳолда фаол равишда иродавий ишбилармонлик ва бошқа фойдали сифатларни ривожлантириш мумкин.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ўсмирлар бу даврда психик ва эисмоний ривожланишнинг муҳим жиҳатини босиб ўтади. Катталар эса бу даврда улардан огоҳ бўлиб йўл-йўриқ кўрсатиб туришлари лозим.

ЁШЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯ БУЗИЛИШИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНING ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК САБАБЛАРИ

*Улжаева Зилола Данияровна
Кармана тумани 25-мактаб интернат психологи*

Ёш авлодга тарбия бериш умумижтимоий мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, тарбиявий таъсир, ижтимоий ҳаётда муносабатга киришиш меъёрларини ва шу асосда зарурий шарт-шароит яратишни назарда тутлади. Тарбиянинг умумижтимоий вазифаси эса ёш авлодда билим, кўникма, ижтимоий тажриба ва ахлоқ нормаларини шакллантиришдан иборат.

Маълумки, ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилиши келиб чиқишининг ўзига хос ижтимоий-психологик сабаблари мавжуддир. Оғишган хулқ – бу умумқабул қилинган ёки расман ўрнатилган ижтимоий меъёрларга мос тушмайдиган ахлоқ. Ёки бошқача айтганда, бундай хулқ мавжуд қонунлар, қоидалар, анъаналар ва ижтимоий буйруқларга мос тушмайди хулқ-атвор. Бундай хулқ-атворга эга болаларга нисбатан мактабларда, таълим муассасаларида баъзан “Тарбияси оғир” жумласи ишлатилади. Бундай хулқ-атворга эга болалар шаклланишининг шарт-шароитларни, сабабларини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш ва келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар ва сабабларнинг илмий педагогик-психологик ечимларини топиш ҳамда ўз вақтида бартараф этиш ижтимоий ҳаётда ва таълим-тарбия жараёнида ўта муҳимдир.

Таълим жараёнида тарбияси оғир болаларнинг шаклланишининг асосий сабабларидан бири уларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Одатда бундай муносабатнинг пайдо бўлишига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўқув фаолияти усули, назоратсизлик ва ўқитувчи-мураббийларнинг ўқувчилар билан индивидуал шуғулланмаслиги, ўзлаштириш даражасининг сустлиги, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо бермаслик, ўқитувчининг боладаги индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор бермаслик, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларни қизиқарсиз ўтилиши ва бошқалардир.

Тарбияси оғир болаларнинг келиб чиқишининг яна бир сабаби – уларнинг синф жамоаси ва ўз тенгдошлари билан яхши алоқада бўлмаслигидир. Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Унутмаслик керакки, ўсмирнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати у билан ҳисоблашиш кераклигидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун жамоа аъзолари бундай ўсмирнинг қарашларини вақти-вақтида ҳисобга олишлари яхши натижа беради. Ўсмирнинг фикр ва қизиқишларини жамоанинг қўллаб-қувватламаслиги ёки бепарволиги уни қонунбузарликка ундайди ва хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада ўсмир учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилади. Ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва жамоа фаолиятига боғлашдан кўра, янги улфатлари билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан

нажот излайди. Натижада ўсмир носоғлом хулқли болалар тўдасига тушиб қолади ва улар хулқ-атворида хос бўлган характерга эга бўлади.

Оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли у нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан-кун авж олиб, ички кўзғолонга айланиб боради.

Бундан ташқари оиладаги носоғлом муҳит, ота-она ўртасидаги муносабатларнинг носоғломлиги ҳам ўсмирнинг руҳий дунёсига салбий таъсир кўрсатади.

Хулқ оғишининг келиб чиқиши ҳам қандайдир сабабий боғланишга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқишига таъсир этувчи сабаб ва омилларнинг субъектив ва объектив кўринишларини бир-биридан фарқлаш лозим.

Хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг субъектив сабабларига – ўсмир шахсининг қизиқиш ва эҳтиёжлари, дунёқараш ва маънавий олами, мақсад ва йўналишлари, қадриятлари, ҳуқуқий онги, ҳаётий режалари, турмуш тарзи ва мотивлари характери, темпераменти, ёши ва жинси, феъл-атвори киради.

Объектив сабаблар сифатида жамиятдаги носоғлом муҳит, шарт-шароит, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, кичик ижтимоий гуруҳлардаги ижтимоий-психологик муҳит, кишилар билан бўладиган ўзаро шахслараро муносабатлар намоён бўлади.

Шунингдек, хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш энг аввало, у юзага келган ижтимоий муҳит хусусиятларини ўрганиб чиқишни тақозо қилади. Чунки хулқ оғишини умумий кўринишида оладиган бўлсак, у бирор бир шахсга хос бўлган субъектив хулқ-атвор натижаси эмас, балки субъектив ва объектив жараёнлар, шарт-шароитлар, муносабатлар натижаси сифатида юзага келади.

Шахс хулқ-атворидаги бузилиш ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни соғлом ва носоғломлигига, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддиятлар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши кабиларга боғлиқ бўлади. Шахснинг дунёқарашини, яъни қадриятлар ориентацияси, ижтимоийлашуви ва индивидуал ҳиссиётларининг ижобий тарзда шаклланиши ва намоён бўлиши кишини жамият ва инсоният учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатларга ундайди.

Шуни унутмаслик керакки, ташқи муҳит ёки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Қачонки, ижтимоий воқеа-ҳодисалар ва индивид ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар юзага келса, жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий нормалар индивид томонидан қабул қилинмаса ҳамда ижтимоий муҳитда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун етарли шарт-шароит мавжуд бўлса, хулқ оғиши келиб чиқиши мумкин.

PSIXOLOGIYA SOHALARI

Navro'zbek Soyimnazarov
O'zbekiston Milliy universiteti Jizzax filiali

Annotatsiya: Psixologiya sohalari jamiyatimizning har bir jabhalarida kerakligi va ularning tub mohiyati bayon etilgan. Psixologiyaning har bir yo'nalishi jamiyatimiz taraqqiyoti va tashkilotlar nufuzini yanada oshirish yo'lida tadbiiq etilishi bayon etilgan.

Kalit so'zlar: Yuridik, ijtimoiy, differensial, eksperimental, klinik.

Psixologiya hozirgi kundagi eng dolzarb sohalardan biridir. Psixologiya psychelogs yunoncha so'zdan olingan bo'lib, u jon va ruh haqidagi ta'limot degan ma'noni anglatadi. Psixologiya sohasiga hozirda qiziquvchilar soni ko'p va qaysi sohasini tanlash uchun bosh qotirishmoqda. Jahon psixologiya fani tajribasidan quyidagi sohalar mustaqil tadqiqot predmetiga ega ekanligi haqida ishonchli dalillar mavjud: Mehnat psixologiyasi: (Muhandislik psixologiyasi, aviatsiya psixologiyasi, kosmik psixologiya). Pedagogik psixologiya, tibbiyot psixologiyasi, yuridik psixologiya, harbiy psixologiya, savdo va reklama psixologiyasi, sport psixologiyasi, yoshlar psixologiyasi, qiyosiy psixologiya, psixofiziologiya eksperimental va amaliy psixologiya kabilar. Hozirgi kunda bizning mamlakatimizda ushbu sohalar haqida va ushbu yo'nalishlar o'qitilayotgan oliy ta'lim muassasalarini tanishtirib o'tamiz. Amaliy psixologiya-aniq bir talabgor bilan ish yuritadi, noma'lumlikni ilmiy tarzda ochib beruvchi keng hajmli va chuqur tadqiqotlarni olib bormasdan, mijozning amaliy ehtiyojlari, masalan; savdo tashkiloti, vazirlik yoki idora, harbiy kasalxona yoki umumta'lim maktablari bilan ish ko'radi. Mazkur ta'lim sohasi mamlakatimizning barcha davlat universitetlarida o'qitiladi.

• Sport psixologiyasi-sport musobaqalari va mashq qilish faoliyatida inson psixikasining rivojlanishi, guruhiy munosabatlarning psixologik qonuniyatlarini tadqiq qiladi. Mazkur ta'lim yo'nalishi Jismoniy tarbiya va sport universitetida, Buxoro davlat universitetida o'qitiladi.

• Yoshlar psixologiyasi-shaxsning psixik rivojlanish qonuniyatlarini inson tug'ilganidan to umrining oxirigacha bo'lgan davrni ya'ni ontogenezni o'rganadigan psixologiya sohasidir. Ushbu yo'nalish O'zbekiston Milliy universitetida o'qitiladi.

• Din psixologiyasi-psixologik va ijtimoiy psixologik omillarining diniy ong bilan shartlanganligining, dinning insonga ta'sirini o'rganuvchi sohadir. Mazkur yo'nalish O'zbekiston xalqaro Islom akademiyasi va Buxoro Davlat universitetida o'qitiladi.

• Oila psixologiyasi-oila psixologiyasini o'rganuvchi fanlararo tadqiqotlarni amalga oshirishini o'ziga maqsad qilib olgan. Oila psixologiyasi oilaning psixologik muammolarini o'rganadi u oilaga ta'sir qiluvchi omillarini, oila har bir a'zosining o'rnini belgilashni, er-xotin munosabatini, shaxslararo munosabatni, yosh xususiyatlarini o'rganadi. Mazkur yo'nalish O'zbekiston Milliy universitetida o'qitiladi.

• Ijtimoiy psixologiya-odamlarning ijtimoiy guruhlariga birlashishini, bu guruhiy tavsifni, shaxsning guruhiy faoliyati va xulq-atvorini, ijtimoiy psixologik qonuniyatlar,

holatlar hodisalar, ijtimoiy ustanovka kabilarni tadqiq qiladi. Mazkur ta'lim yo'nalishi O'zbekiston Milliy universitetida o'qitiladi.

- Pedagogik psixologiya-ta'lim va tarbiya muammolarini tadqiq qiladigan psixologiya sohasidir. Pedagogik psixologiya shaxsning maqsadga muvofiq rivojlanishi, bilish faoliyatining va shaxsda ijtimoiy, ijobiy sifatlarini tarbiyalashning psixologik muammolarini o'rganadi. Mazkur ta'lim yo'nalishi mamlakatimizning pedagogika institutlarida va davlat universitetlarida o'qitiladi.

- Tibbiyot psixologiyasi-kasallarning davolanishi, gigiyena, profilaktika diagnostika jabhalarini tadqiq qiluvchi psixologiya sohalaridan iborat. Tibbiyot psixologiyasida tadqiqotlar tizimiga kasallikning kechishi, ularning shaxs psixologiyasiga ta'siri qonuniyatlari insonning kasaldan sog'ayishiga mikrosotsial guruhning ta'siri o'rganiladi.

- Yuridik psixologiya-huquq doirasidagi munosabatlar, odamlarning psixik faoliyatini huquqiy boshqarish mexanizmlari va qonuniyatlarini o'rganuvchi sohadir.

- Harbiy psixologiya-harbiy faoliyatning inson psixikasiga ta'siri, harbiy faoliyatning xususiyatlarini, psixologik qonuniyatlarini o'rganuvchi, tadqiq qiluvchi psixologiya sohasidir.

- Siyosiy psixologiya-bu jamiyatning siyosiy hayotidagi psixologik xususiyatlari, holatlar, qonuniyatlar, ta'sirchanlik va ta'sir o'tkazish jarayonlari kabi jabhalarini tekshiruvchi psixologiya sohasidir

- Qiyosiy psixologiya-psixologiyaning murakkab bo'limlaridan bo'lib, u psixikaning filogenetik holatlari va ularning shakllarini tadqiq qiladi. Qiyosiy psixologiyada hayvonlar psixikasi odamlarniki bilan qiyoslanadi va xulq-atvoridagi o'xshashlik va tafovutlarning sabablari tekshiriladi, harakatlanuvchi kuchlar, ta'sir o'tkazuvchi vositalar, omillar aniqlanadi.

- Differensial psixologiya-shaxslar o'rtasidagi tafovut va farqlarni hamda guruh a'zolari orasidagi nomutanosibligining psixologik tomonlari ya'ni psixologik farqlarni o'rganuvchi psixologiya sohasidir.

- Kompyutrlashtirish psixologiyasi-kompyuterning ishlab chiqarish roli, psixik aks ettirishga ta'siri, shaxs tuzilishining o'zgarishini o'rganuvchi psixologiya sohasidir. Mazkur soha kompyuter va inson o'rtasidagi dialogik munosabatni ham tadqiqot qiladi, natijada texnika-inson-texnika o'zaro ta'siri mexanizmini tekshiradi va zarur jabhalar o'zaro ta'sirini aniqlaydi. Kompyutrlashtirish inson psixologiyasida muayyan o'zgarishlarni yuzaga keltiradi, sarmahsul texnika yaratish tizimini tezlashtirishga muhim psixologik asos yaratadi. Kompyutrlashtirishning bosh muammosi uning insonga ta'sir o'tkazish mexanizmlarini tadqiqot qilishdir.

- Ijodiyot psixologiyasi-badiiy qadriyatlarni o'zlashtirishda, ularning yangi ko'rinishlarini ijod qilishda va shu qadriyatlarni inson tomonidan idrok qilishda kechadigan psixologik holatlarni hamda bu holatlarning shaxs hayoti, faoliyatiga ta'sirini o'rganuvchi psixologiya sohasidir.

- Eksperimental psixologiya-eksperimental metodlar yordamida psixik hodisalarni tadqiq qilishning umumiy sohasi. Psixologiya fan sifatida falsafadan ajralib chiqishda eksperimental tadqiqotlar o'tkazish asosiy rol o'ynagan. 19-asrning o'rtalarida

psixologik hodisalar ustidan ilk bor amaliy eksperimental-psixologik tadqiqotlar o'tkazilgan.

Psixologiya-jamiyatimizda juda ham kerak sohalardan biridir. Psixologiya sohalarini rivojlantirish esa kuchli mutaxassislar tomonidan amalga oshirilmoqda. Hozirgi rivojlanayotgan zamonda psixologiya sohalari ham yanada rivojlanib bormoqda ekan: sohalarga tegishli bo'lgan masalalar tezda bartaraf etiladi. Oilalardagi ajrimlar, yoshlardagi buzg'unchilik va yod g'oyalarga qarshi ma'naviy qo'llab-quvvatlash ko'lamini kengaytirish ham psixologiyaga bog'liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Ergash G'oziyev Umumiy psixologiya (Psixologiya mutaxassisligi uchun darslik) 2010-yil.
2. E.G'oziyev Psixologiya (Kasb-hunar kollejlari uchun darslik) 2008-yil.

ОИЛАДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

*Жамолиддинова Адолат Тухтасиновна
Наманган вилояти Чортоқ тумани 8 мактаб психолог*

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, аҳоли саломатлигини, айниқса, оналик ва болаликни, ёшларни, оилани ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳукуматимиз сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта - ҳозир биз инсоният тарихида унутилмас бўлган бир даврда – илм-фан, техника, умуман цивилизация кучли тараққий этган ХХI асрда яшамокдамиз ва қолаверса, юртимизда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни кечмоқда. Умумжаҳон ҳамжамияти билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиш, олдимизда турган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда сиёсий масалалар ечимини халқимиз фаровонлигини таъминлаш нуқтаи назаридан мўътадил равишда амалга ошириш вазифалари фуқароларимизнинг, оила ва келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол (ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом), доно, илғор фикрли ва заковатли бўлишини тақозо этади.

Бугунги кунда соғлом турмуш тарзининг негизи ҳисобланган психик саломатлик - қисқа муддат давомида йирик тадқиқотлар соҳасига айланиб улгургани айни ҳақиқатдир. Мазкур ҳолатни куйидаги рақамлар исботлаб турганини қайд этишимиз лозим. Агар 1975 йили АҚШда психик саломатликни муҳофазасига оид 200 дастур татбиқ этилган бўлса, 1990 йилга келиб бундай дастурлар 5000 га ортган. Ҳозирги кунда улар салмоқли иқтисодий самарадорликни кўрсатмоқда [1]. Айни пайтда АҚШдаги психологларнинг ҳар ўн нафаридан биттаси психик саломатликнинг у ёки бу муаммоси билан шуғулланмоқда, шунингдек, инглиз забон психологик журналларда чоп этилаётган ҳар учта мақоладан биттаси ушбу соҳанинг турли жиҳатлари билан боғлиқлигини эътироф этиш жоиз [2].

Соғлом турмуш тарзи ҳақида сўз борар экан, унинг энг аввало инсон тани ва вужудининг бетоб бўлишига сабаб бўлувчи зарарли одатлардан фориғ бўлишни тасаввур қилишга ўрганиб қолганмиз. Бу атама, энг аввало, соғлиқни сақлаш ходимлари фаолияти билан боғлиқ тарзда тушунтирилади. Аммо, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда - тан ва вужуд, ақл ҳамда идрок бевосита одамники, унга боғлиқ бўлгани учун ҳам инсон руҳияти қонуниятлари ва сирларини ўрганувчи фан бўлмиш психологиянинг унга алоқаси бор. Шунга кўра, психология фанида соғлом турмуш тарзи психологияси тушунчаси мавжудки, у соғлом турмуш тарзига энг аввало, инсон онги ва тафаккурининг инъикоси сифатида қарайди. Демак, ҳар биримиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган соғлигимизни таъминлаш ва бунга эришиш учун соғлом турмуш тарзига одат қилиш нафақат тиббиёт ходимлари, балки психологларнинг, психология фанининг ҳам изланиш предмети сифатида намоён бўлади.

Шу маънода, психология соғлом турмуш тарзини шакллантиришда инсон феъли, хулқ-атвори ва турли психологик ҳолатлари нуқтаи назаридан ўрганганда: асосан, ҳар биримиз гуёки сирдек туюлган руҳиятимизнинг ўзимизни соғ-саломат, бешикаст ва тетик ҳис қилишимизга алоқадор қандай жиҳатлари борлигини, уни бошқариш орқали ўз бойлигимиз – саломатлигимизни сақлаш борасида қўлимизда қандай имкониятлар мавжудлигини, соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш ҳар биримизга ўз руҳий ҳолатимизни бошқариш, онгу-шууримизда рўй бераётган ўзгаришларни вақтида илғаш орқали уни мўтадил тутиш, ўзгарувчан шарт-шароитларга мослашиш йўлларини, бу борадаги профилактикани ўрганадиган фан ҳамда фойдали амалиёт сифатида тобора ҳаётимизга дадил кириб келмоқда.

Қолаверса, соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг психологик жиҳатларига - инсон феъл-атворини; соғлом турмуш тарзига нисбатан шахснинг муносабатини; соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик омилларини; шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини; шахс ўсиб-ўлғайган оила муҳитнинг таъсири, яъни ташқи омилларни киритиш мумкин.

Манбаларда таъкидланишича, тиббиёт ходимлари турли омилларни ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзининг йўналишларини белгилаганлар ва унга риоя этиб яшашни тавсия этадилар [3]. Айтиш лозимки, инсон саломатлиги нафақат биологик омилларга, балки яшаётган ижтимоий муҳит, шахснинг ўзи, атрофидаги инсонлар билан ўзаро мулоқотига ҳам боғлиқ. Инсоний муносабатлар эса, аввало, оиладан, оила муҳитидан бошланади. Соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш кўникмаси инсонда бирдан пайдо бўлиб қолмайди, у ўзига хос малака ҳам талаб этгани боис илк болалик чоғлариданок, унга оилада ўргатиб бориш лозим бўлади. Бу ота-она зиммасидаги энг муҳим, масъулиятли вазифалардан биридир. Барча ота-оналар фарзандларини тарбиялар эканлар, доимо огоҳ бўлишга, сергак туришга интиладилар. Бу эътибор боланинг барча нарсалари етарли бўлиши, сиҳат-саломатлиги жойидалиги, дарсларига мунтазам қатнашишини назорат қилиш каби меъёрлар билан чегараланиб қолиши мумкин эмас. Энг аввало, инсоннинг асосий ҳаёти ўтадиган маскан - оиланинг турмуш тарзи соғлом бўлмоғи даркор[4].

Оила энг мураккаб гуруҳлардан ҳисобланади. У нафақат жиддий ёндошувни, оила кураётганлар бир бирларини синчковлик билан ўрганиб чиқишини, балки кейинчалик ҳам бутун ҳаёт давомида деярли ҳар куни, керак бўлса ҳар соатда умр йўлдошлар бир-бирларига бўлган муносабатлари хусусида чуқур фикр юритишларини талаб қилади. Шундагина оила бахтли, соғлом ва узоқ давом этади. Шунга кўра, муваффақиятли оила моделини (модулини) яратиш учун соғлом турмуш тарзини белгиловчи барча жиҳатларнинг андозаларини аниқлаб чиқиш керак. Аввалига бўлажак турмуш ўртоқларнинг ҳар бири учун алоҳида, сўнг ушбу андозаларни амалий бажарилишига қўмаклашувчи механизмларни топиш даркор, яъни фаровон оилани яратиш йўллари аниқлаш зарур, бошқача қилиб айтганда, алгоритмларни ишлаб чиқиш лозим. Бунда маънавий; психологик; жисмоний; тиббий жиҳатлар инobatга олиниши лозим.

Маънавий жиҳатлар меъёрлари - эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам бир хил, яъни оила фаровонлигини таъминловчи ижобий фазилатларга асосланган бўлиши зарур: билим даражаси, ўқимишлилик даражаси, масъулият, дунёқарашнинг бир бирига мослиги, маданияти, такомиллашишга интилиш туйғуси.

Психологик жиҳатлар меъёрлари - қуйидаги фазилатларда намоён бўлиши мумкин; толерантлик, яъни ҳамжиҳатликда, жон қуярликда, оқилаликда, одобахлоқда ва хушмуомалаликда. Аёллар эса бокиралик, мулойимликни шакллантиришлари лозим, ҳамиша ўзиникини уқтиришга интилишдан қочишлари керак. Рухий меъёрларни шакллантирувчи алгоритм бевосита маънавий алгоритм билан боғлиқ ва кўп жиҳатдан ёшларнинг таълим-тарбиясига бориб тақалади.

Жисмоний жиҳатлар меъёрлари - жисмонан комиллика интилиш, тренажёр заллар, фитнес клубларга бориб туришга ундовчи ҳаракатларда ўз аксини топади, яъни жисмоний соғломлашиш нуқтаи назаридан ҳаёт тарзи фалсафасини тараққий эттириш омилларини ҳисобга олиш зарур.

Тиббий жиҳатлар меъёрлари - авваламбор турли касалликларни аниқлаш, айниқса наслдан наслга ўтувчи ёки ижтимоий хасталиклар (туберкулёз, ОИВ/ОИТС, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар)ни аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Лекин бошқа томондан ёндошадиган бўлсак, ижобий меъёрлар бўлажак турмуш ўртоқларнинг ўз саломатлигига масъулиятли бўлишларига даъват этиши шарт. Хўш, муваффақиятли оила қуриш меъёрлар белгиланган натижаларга қандай қилиб эришиш мумкин? Соғлом турмуш тарзи психологиясини шикллантириш йўллари ҳамда механизмлари ёки алгоритмлари бир тизимга асосланган, бир мақсадга йўналтирилган ва ўсиб бораётган авлод тарбиясидаги босқичма-босқичлик асосида белгиланади. Жараёнга давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларини, энг муҳими таълим муассасаларини жалб қилган ҳолда ижобий натижага эришиш мумкин. Боғчалардан бошлаб, мактаб, лицейлар, коллеж ҳамда Олий ўқув юртларида ҳам жамоат ташкилоти тариқасидаги аҳамияти муҳимлиги сезилиши лозим, чунки айнан маҳалла оилада фаровонликни шакллантиришга таъсир ўтказди. Шу билан бир қаторда ёшлар ўртасида ижобий меъёрларни шакллантиришда халқимизнинг анъаналари,

менталитетимиз, урф-одатларимиз ва ҳар бир оиланинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналарига асосланиш керак. Аждодларга бўлган эҳтиром ёш авлод тарбиясида катта малҳамдир.

Ёшлар орасида маънавиятни шакллантириш - мураккаб ва кўп қиррали, у ёки бу оиланинг ўзига ҳосликлари, атроф-муҳит ҳамда шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ёндошувни талаб қиладиган жараён. Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясида маънавият масаласига жуда катта аҳамият берилади. “Маънавият-маърифат” марказлари, “Оила илмий-амалий тадқиқот” марказлари ва маҳаллалар самарали фаолият юритибгина қолмай, ёш авлод тарбиясидаги маънавият масаласи давлат миқёсидаги мавқега эга ва барча таълим муассасаларида ёшларнинг маънан комил бўлиб вояга етишлари учун жавобгар бўлиши зарур.

Адабиётлар

1. Bennet, G. (1987) *The Wound and the Doctor: Healing Technology and Power in Modern Medicine*. London: Seeker & Warburg.

2. Borril, C. S., Wall, M. A., West, G. E., et al (1996) *Mental Health of the Workforce in NHS Trusts*. Leeds: Institute of Work Psychology, University of Sheffield & Department of Psychology, University of Leeds.

3. Обидов А. О., Новиков Ю. В. Соғлигимиз ўз кўлимизда. Тошкент. “Медицина” 1989.

4. В. М. Шапиро Л. Н. Башмакова. *Здоровый образ жизни. Пособие для учителей*. Алмата. 2003.

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ГУРУХГА МАНСУБ АГРЕССИВ ХУЛҚЛИ БОЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИ БИЛАН ИШЛАШ МУАММОЛАРИ

*Ахмаджанова Холিদа Умархон кизи
Наманган вилояти Чортоқ тумани 8 мактаби, психолог*

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлагини белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, шу мақсадга қаратилган бўлиб, келажак авлодни комил шахс сифатида шаклланишини таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, барча мамлакатларда бўлгани сингари бизнинг ўсиб келаётган ёшларимиз орасида ҳам тарбияси оғир ва ноқобил фарзандлар мавжуд бўлиб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб этади.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёнида барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳатлиги таъминлансагина, у ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

Тарбияси оғир болалар билан ишлаш азалдан энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган.

Бу муаммонинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил қилар эканмиз, энг аввало, туғилган боланинг уни дунёга келтирган шахсларнинг кимлиги, иккинчидан, у қандай ижтимоий муҳитда туғилиб вояга етиб, улғаётганлигига эътиборни қаратишимиз лозимдир.

Агар биз фарзандларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбияламоқчи бўлсак, яъни комил инсонни вояга етказишимиз учун уни, аввало ҳар томонлама ўрганишимиз лозим. Тарбияси қийин болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини психологик таҳлил этиш ва уларга амалий жиҳатдан кўмак бериш, мазкур йўналишда ҳеч бўлмаганда содда ва бажарилиши осон бўлган амалий машғулотлар ўтказиш кўникма ва малакаларига эга бўлишимизни талаб этади.

Бу жуда мураккаб ишлардан бири ҳисобланади. Агрессив хулқли болаларнинг ота-оналари тез-тез болага нисбатан ёқимсиз ҳиссиётни бошдан кечирадилар ва болага ёрдам бериш учун эмас, балки болани «ювошлантириш» учун психологик консультацияга мурожаат қиладилар. Улар боланинг тинчлантирилишини ва бола уларни хафа қилувчи ишларини тугатишини истайдилар.

Кўп ҳолларда агрессив хулқли боланинг ота-онаси тушкунликка тушган ва ҳаётдан норози одамлар бўлишади. Кўпинча собиқ агрессив хулқли болалар ўзларининг психологик қийинчиликларини ўз болаларига ўтказадилар. Шу сабабли психолог биринчи навбатда боланинг ота-онаси билан психотерапевтик иш олиб бориши лозим. Психолог қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Биринчидан, ота-онанинг кадр – қимматига негатив таъсир этишдан қочиш лозим (Сиз ўз болангизнинг шахси бузилиши ҳақида ҳеч нима билмайсиз, ҳозир мен сизга тушинтириб бераман). Ота-онанинг шахсиятига тегмаган ҳолда вазиятни аниқлаб олиш лозим. Ота-оналар баъзан ўзлари ҳаётида эришолмаган нарсаларига фарзандлари эришишини ҳохлайдилар ва ундан талаб қиладилар (Масалан, мен таниқли рассом, врач ёки бирор бошқа касб эгаси бўла олмадим, болам бўлиши керак).

Иккинчидан, ота-она болага бўлган установақасини ўзгаритириши лозим. Улар агрессив хулқли болани ношукур деб ҳисоблашади. Ўзларининг жаҳли ва таъна маломатларига жавобан боланинг айбдорлик туйғусини ҳис қилишини, афсусланишини, кечирим сўраши ва уларни тинчлантиришини кутадилар. Бу юз бермаганидан улар аччиқланади ва болани «беъмани, бузилаган, ёмон» ҳисоблашади. Ота-онани болага ачинишга чақириш лозим ва кўрсатиб ўтиш керакки, ҳар доим агрессив бола биринчи навбатда бахтсиз бола. Ота-онага психолог ғазабнинг намоён бўлиш механизмларини ва яна агрессивликни эмоционал бузилиш сифатида кўрсатиб ўтиши лозим.

Учинчидан, ота-онага ўзларининг болалик хотираларини, ўша даврдаги агрессив қилмишларининг сабабларини эслатиш керак. Балки бу кўпгина шахсий комплексларни очиши мумкин. Бу ҳолатда уларга психик ёрдам кўрсатиш ва шахсиятини барқарорлаштириш керак бўлади. Болалар муаммоси ҳар доим оилавий муоммоларни кўтаради. Болани ўраб турган одамлар ёрдамсиз унинг

ўзига алоҳида ёрдам кўрсатиш деярли мумкин эмас. Боланинг ўзини алоҳида ажратиб олиб ёрдам кўрсатилганда ҳам бу яхши самара бермайди, чунки оиладаги муаммолар агрессиянинг яна қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, бола туғулгунча ва чақалоқлигининг биринчи ойларида ота-онанинг унга бўлган муносабатини аниқлаб олиш лозим. Баъзан бола онанинг «мажбурий» ёки «тасодифий» хомиладорлиги асосида дунёга келган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ота-она қаттиқ бир қарорга келиши лозим. Агар бола уларнинг ҳохишисиз туғилган бўлса ҳам барибир ота-она унга ғамхўрлик қилишга бурчли. Мабодо ота-она унинг дунёга келишини хоҳлаган бўлсалар ҳам, аммо у «жаҳлдор, қулоқсиз, чидаб бўлмайдиган бўлиб қолганидан кейин унга бўлган муносабатини ўзгартирган бўлсалар, уларнинг шахсиятини ерга урмаган ҳолда шуни кўрсатиш керакки, бола ўзининг хулқи билан уларнинг ҳаракатларига жавоб беряпти холос.

Агрессив хулқни «ёмон» билан бир хил ҳисоблаш мумкин эмас. Оғир, хавфли вазият пайдо бўлганида агрессивлик ҳимоя, баъзида эса вазиятни бартараф этувчи функцияни бажаради. Агрессив хулқ айниқса болада ёшга хос бўлган ўтиш даврида кузатилади. Бу шундан далолат берадики, ёш даврлари кризиси пайтида боланинг яшаши қийинлашади, ҳар қандай мураккаб вазиятда бола қийинчиликни ҳис қилади ва шу сабабли агрессив хулқнинг элементларини кузатиш мумкин. Бу нормадаги болага ҳам, агрессив хулқли болага ҳам бирдек тегишли. Аффектив бузилиш бўлганида агрессия одатий ҳодисага айланади, ҳатто хулқ-атворнинг бирдан бир шакли бўлиб қолади. Бироқ бунга қарамасдан, бола хулқида агрессивликнинг бор бўлиши улар билан ўзоро муносабатда қийинчилик туғдиради. Агрессив тенденцияларни тасодифий салбий ҳолат деб баҳолаб бўлмайди.

Шуни эсда тутиш керакки, аффектив тараққиёт жараёнида бола активлиги қонуний равишда ошиши мумкин. Одатда, катталар ёрдамида ўтказилган психокоррекциянинг бу зарурий босқичида бола ўзини қуршаган реаллик билан нисбатан адекват турдаги мулоқотни ўзлаштириши мумкин.

Бола агрессиясини коррекция қилишни унинг сабабини аниқлашдан бошлаш лозим. Агар агрессия эмоционал мотивацион сферанинг бузилиш сабабли бўлмаса коррекцион фаолиятни уни йўқотишга эмас, балки салбий оқибатларга олиб келувчи агрессив хулқни юмшатиш ва унинг намоён бўлишига йўл қўймасликка қаратиш лозим. Шу билан бирга катталарни унинг агрессив реакциясига адекват идрок қилишга тайёрлаш лозим.

Бошқа ҳолатда, яъни агрессия эмоционал мотивацион сферанинг бузилишини намоён бўлиши бўлса, психолог ёки тарбиячи ҳаракати боланинг мустақамланмаган агрессив ҳаракатига йўналтирилиши лозим.

Коррекцион методиканинг қўлланиши тўлиқлигича агрессив хулқнинг сабабига боғлиқ бўлади. Коррекция методи конкрет ҳодиса ва конкрет болани ҳисобга олган ҳолда танланади. Бу қуйида шарҳланган коррекция методларини диққат билан кўриб чиқишни тақозо этади.

1. Агрессияга мойилликни эътиборга олмай қўйиш, унга атрофдагиларнинг диққат қаратмаслиги.

2. Агрессив ҳаракатларни ўйин мазмунига киритиш ва унга янги эмоционал мазмун бериш. Бу орқали боланинг атрофдагиларга зарар етказмаган ҳолда агрессив мойиллигини чиқариб юбориш (масалан, қароқчи ва казаклар ўйинида агрессив хулқли болага қароқчи ролини бериш).

ALISHER NAVOIYNING ASARLARIDA TARBIYA VA INSONPARVARLIK MASALALARI

Sanobar Abdurahmonova

NamDU filologiya fakulteti, o'zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o'qituvchisi

Qomusiy bilimlar sohibi, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy fan va san'atning turli sohalari: adabiyot, tarix, til bilimlarini rivojlantirish bilan birga, ta'lim-tarbiyani takomillashtirishga ham e'tibor berdi. U o'z «Xamsa»sida, «Maxbub ul-qulub» kabi yirik ta'limiy-axloqiy asarida, shuningdek, «Munojot», «Vaqfiya», «Majolis un-nafois», «Muhokamat ul - lug'atayn» kabi asarlarida Adurahmon Jomiyning «Arba'in» nomli asari tarjimasi «Chihil hadis («Qirq hadis)da tarbiyaga oid o'z qarashlarini ifoda etadi. Alisher Navoiy o'zining badiiy asarlarida komil inson obrazlarini yaratib, ta'lim-tarbiya to'g'risidagi fikrlarini ifodalagan bo'lsa, ta'limiy-axloqiy asarlarida esa komil insonni shakllantirishning mazmuni, usullarini bayon etdi.

V. Zohidov ta'kidlaganidek, «Navoiy ijodining, amaliy faoliyatining eng asosiy, markaziy masalasi, yo'nalish nuqtasi har narsadan oldin inson, uning taqdiri, baxti, saodati, uning yashashi, zarur jamiyat masalalaridir».

Alisher Navoiyning qarashlariga ko'ra inson tabiatan tabiat bilan bog'liq, shunga ko'ra xudoning mevasi sanaladi, chunki tabiatning o'zini ham Olloh yaratgan. Shuning uchun ham u hayotda hamma narsadan yuqori turadi, borliqning, butun mavjudotning bebaho boyligi sanaladi. Inson o'ziga xos xislatga, xulqqa, xatti-harakatga ega bo'lganligi uchun ham boshqa mavjudotlardan farq qiladi. «Bular xush ovoz bilan kuy kuylashdan, yoqimli soz chalishdan tortib, to do'stga vafodorlikkacha, ilm-u hunar o'rganib tog'ni tolqon qilishdan, tabiatni o'z manfaatlari xizmatiga qo'yishdan, qahramonlikdan tortib, to halol, o'z kuchi bilan mehnat qilib, shod-xurram yashashligigacha, insofli, vijdonli bo'lishdan tortib, to qanoatli sabrli, matonatli bo'lishigacha, ozodlikni, hurlikni sevishdan tortib, to inson uchun zararli bo'lgan yomonlikni nafratga uchratishgacha, shafolatli, shafqatli, adolatli bo'lishdan tortib, to razillarga ayovsiz kurash e'lon qilishgacha, shirin so'zlikdan tortib, to ochiq ko'ngillikgacha, sofdillikgacha..», - namoyon bo'lmadi, deydi V. Zohidov yuqoridagi fikrini davom ettirib.

Shuning uchun ham Alisher Navoiy butun umri davomida yiqqan tajribasi asosida «Mahbub ul-qulub» («Ko'ngillarning sevgani») asarini yozadi va ana shu asarida o'zining «Hayrat ul-abror», «Nazm ul- javohir» va boshqa ta'limiy-axloqiy asarlaridagi axloqiy qarashlarini rivojlantiradi.

Uning mazkur asarni yozishdan maqsadi ham muqaddimada bayon etilgan: "har ko'cha-ko'yda yuguribman va olim ahlidan har xil kishilarga o'zimni yetkazibman.

Yaxshi va yomonning fe'l-atvorini bilibman, yomon-yaxshi xislatlarni tajriba qilibman". Alisher Navoiy muqaddimada kishilarni ikki guruhga «munosib kishilar» va «nomunosib kishilar»ga bo'lib, hayotda inson ana shu nomunosib kishilardan o'zlarini tiyishi va yaxshi-yomonni ajrata olishda «Mahbub ul-qulub»dan foydalanishi zarurligini ta'kidlaydi. Demak, Navoiy hayot tajribalari asosida yoshlarni haqiqiy, komil inson bo'lishga undaydi va hayot saboqlaridan xulosa chiqarishda ushbu asaridan foydalanish mumkin, deydi.

Yaxshilik va yomonlikning aslini ham, zahrini ham tortib ko'rdim. Xasislar va karamlilar yetkazgan yara va bergan malhamni ko'nglim tag-tugi bilan sezgandirman. Zamon ahlidan ba'zi hamsuhbatlar va davr kishilaridan ayrim do'stlar bu hollardan xabarsiz va ko'ngillari bu yaxshilik va yomonlikdan asarsizdir... Bu xildagi hamsuhbat va do'stlarni xabardor qilmoq va bu hollardan ogoxlantirmoq lozim ko'rindiki, har toifaning xislatlaridan ma'lumotlari va tabaqaning ahvolidan bilimlari bo'lsin, keyin munosib kishilar xizmatiga yugursinlar va nomunosib odamlar suhbatidan tortinishni zarur bilsinlar va barcha odamlar bilan maxfiy sirlardan so'z ochmasinlar. Shayton sifatlar hiyla va aldovlariga o'yinchoq bo'lib qolmasinlar. Kimki har xil kishilar bilan suhbatlashish va yaqinlashishni havas qilsa, bu kaminaning tajribasi yoshlar uchun yetarlidir». Asar uch qismdan iborat bo'lib, Navoiyning o'zi ta'kidlaganidek, birinchi qismi har xil toifa odamlar fe'l-atvori va ahvoli, kayfiyati; ikkinchi qism yaxshi fe'llar va yomon xislatlar xosiyati; uchinchi qism esa xilma-xil foydalar va hissalar ko'rinishi, ya'ni yaxshi fe'llar va xislatlarga oid tanbehlardan iboratdir. Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy o'z davrining ilg'or, ma'rifat allomasi sifatida inson kamolotida ilm-fanning o'rni, aql va idrokning ahamiyati, aqliy tarbiyaning mohiyatini yoritib beradi.

Navoiy tasavvuridagi komil insonga xos bo'lgan eng yuksak fazilatlarga ijodkorlik, qobiliyat, ilm-fanga muhabbat ham kiradi. Chunki baxtli hayotga intilgan Navoiyning ijodkor, oqil, qobiliyatli, dono inson o'zining kuch-quvvatiga, aql-u zakovatiga ishonadi. Shuning uchun Navoiy ilm-fanning ahamiyatini yoritib berar ekan, ilmni qorong'ulikni yoritadigan chiroq, hayot yo'lini nurafshon etadigan quyosh, odamlarning haqiqiy qiyofasini ko'rsatadigan omil sifatida ta'riflaydi. Bu fikrni «Nazm ul-javohir» asarida:

Kim olim esa nuktada barhaq de oni.

Gar bazm tuzar bihishti mutlaq de oni.

Har kimsaki yo'k ilm anga ahmoq de oni.

Majlisdaki ilm bo'lsa uchmoq de oni.

«Hayrat ul-abror» dostonining o'n birinchi maqolatida ilmni shunday sharhlaydi: «Ilm sehrining baland axtarligidakim, jahl tunin yoritmoq uchun «ayn»i, quyoshdan «lom»i oydin va «mim» kunduzdin nishona aytur. Va jahl shomi tiyra manzarlig'idakim, g'aflat chohini zalolat kechasida zohir qilib, bu kechada saxovatdin fasona aytur. Va olimning bovuji falokat quyoshdek sarv balandligi va johilning bovujudi ganj-u mol tufroq aro najandlig'i». Bunda arab tilida aynning ma'nosi quyosh, lomning ma'nosi esa oy bo'lib, yana lom shaklli oyga o'xshaydi va abjad hisobida «o'ttiz»ni bildiradi. Mim esa kunduz ma'nosini bildiradi.

Alisher Navoiy ilmni quyosh va oy hamda kunduzga o'xshatib, u insonni baxt-saodatiga eltadi demoqchi bo'ladi, ya'ni bu maqolat «ilm osmonining yulduzlardek baland martabaliligi haqidakim, bilimsizlik tunni yoritish uchun «ayn» quyosh, «lom»

oy, «mim» kunduz belgilarini ko'rsatadi; bilimsizlik shomining qorong'i ko'rinishi haqidakim, g'aflat chaqini pastlik kechasida zohir qilib, bu kechada baxtsizlikdan hikoya aytadi; olimning butun baxtsiz vujudining quyoshdek yuksakligi joxilning esa butun borlig'i boylik, mol bo'lsa ham tuproqdek xorligi» haqida fikr bayon etadi.

Demak, Alisher Navoiy ilmni inson kamoloti uchun eng zarur fazilatlardan biri deb biladi. U ilmni insonni, xalqni nodonlikdan, jaholatdan qutqaruvchi omil sifatida ta'riflaydi. Alisher Navoiy orzu qilgan komil inson ham faqat ilmi bo'lishi bilan qanoatlanib qolmaydi. Uni haqiqiy inson sifatida ta'riflashga yana sabr-qanoat, saxiylik, himmat, to'g'rilik, rostgo'ylik, tavoze', adab, ishq-vafo va hokozolar ham asos bo'ladi. Navoiy insonning axloqiy xislatlari-yaxshi fe'l-atvorlar xususida to'xtalib o'tar ekan, avvalo har bir insoniy fazilatning ta'rifini beradi.

U yaxshi fe'llarga qanoat, sabr, tavoze' va adab, ishq va vafo, saxovat, himmat, karam, muruvvat, yumshoq ko'ngillik (hilm) kabi xislatlarni kiritib, har birining ta'rifidan so'ng tanbeh va hikoyatlar vositasida o'z fikrini tomdiradi. Navoiy asarda mazkur xislatlarga ta'rif berish bilan birga, ularga qarama-qarshi bo'lgan yomon illatlardan qutulish yo'llarini bayon etadi.

Axloqlilikning eng muhim mezoni sanalgan odob haqida fikr yuritar ekan. «Adab kichik yoshdagilarni ulug'lar duosiga sazovor etadi va u duo barakati bilan umrbod bahramand bomadi. Adab kichkinalar mehrini ulug'lar ko'ngliga soladi va u muhabbat ko'ngilda abadiy qoladi...» - deb ta'kidlaydi.

Demak, yaxshi xulq asosi - odob Navoiy tahsilida barcha insoniy xislatlarning boshlanishi sanaladi. Komil insonga xos xislatlar ana shunga bog'liq ravishda ta'rif beriladi. Zero, haqiqiy insonga xos xislatlar - qanoat, sabr, tavozu, ishq, vafo, saxovat, himmat, karam, muruvvat, hilm (yumshoq ko'ngillik) xuddi shu odobli kishida tarkib topadi.

Masalan, «qanoat-buloqdir-suvi olgan bilan qurimaydi, xazinadir-naqdini sochgan bilan kamaymaydi, ekinzordir-urug'i izzat va shavkat mevasini beradi; daraxtdir-shoxi tortinchoqlik va hurmat mevasi yetkazadi» - deb ifodalaydi.

Navoiy qanoatni tomdiruvchi insoniy fazilatlardan sabr, saxiylik, karam, muruvvat, himmat, bir-biriga hamkor va g'amxo'r bo'lishini, bularni inson shaxsini ulug'lashga yetaklaydigan, uni sof va pokiza inson darajasiga ko'taradigan xislatlar sifatida ko'rsatib o'tadi. «Sabr achchiqdir - ammo foyda beruvchi, qattiqdir - ammo zararni daf' etuvchi... Sabr shodliklar kalitidir va bandlar ochqichidir.

Achchiq so'zli nasihatday tabiat undan olinadi, lekin zaminda maqsad hosil bo'ladi. Badxo'r dori beruvchi tabibday kasal undan qiynaladi, ammo so'nggida sog'liq yuz beradi.»

Saxiylik esa insoniylikning haqiqiy mezoni sifatida ta'rif beriladi. Saxovatni Navoiy odamlarning mushkulini oson qilishda unga beriladigan minnatsiz yordam sifatida tushunadi va shunga da'vat etadi. qimmatlilik, muruvvat, karam saxovatning tarkibiy qismlari sifatida yoritiladi. «Yaxshilik, karam-bir jabrlanganning qattiqchilik yukini ko'tarmoq va uni o'sha qiyinchiliklardan qutqarmoqdir. Karam birovning mashaqqat tikani og'irligini ko'tarmoq va tikan uchidan guldek ochilmoq va o'sha qilingan ishni qaytib tilga keltirmaslik, og'izga olmaslik, kishiga minnat qilmaslik va uning yuziga solmaslik», - deb, uning asl mohiyatini yoritib beradi. Muruvvatni esa ana shu «karamning urug'-avlodi, egizak qarindoshi, kimki bu xislatlarga ega bomsa izzat

va hurmatga sazovor bo'ladi», - deydi alloma. U karam va muruvvatni ota-onaga o'xshatsa, vafo va xayoni egizak farzandlarga o'xshatadi. Lekin alloma har bir qanday ehsonni saxiylik deb tushunmagan. Saxovat deb isrofgarchilik qilishni, minnatni qoralagan. Ularni (saxovat, himmatni) tor ma'noda olmagan, aksincha, chuqur ijtimoiy ma'noda, keng ko'lamda olgan, ularda, bir tomondan, aqliy, yirik didaktik qoidalardan, jamiyatni tuzatadigan vosita va odamlar ulug'langan tekinxo'rlar qoralangan.

Qanoatni — sharaf va izzatning tantanasi desa, davlatli ta'magirni xor va pastkash deb ataydi. Shuning uchun ham yoshlikning qadriga yetish, eng yaxshi xislatlarni o'zida tarkib toptirish, nafs istagidan o'zining tiyishini ulug'laydi, takabburlik, manmanlik, faqat o'z foydasini ko'zlab ish yuritish, yolg'onchilik, nodon va johillik, ikkiyuzlamachilik, ta'magirlik, shoshma-shosharlik, yalqovlik, haromdan hazar qilmaslik kabi illatlarni qoralab, ulardan xalos bo'lish yo'llarini ham bayon etadi.

Uning quyidagi ruboiysi ana shu yomon illatlar insonni ma'naviy olamga olib borishi mumkinligi haqidagi hukmidek tuyiladi:

Uch fe'l erur kishiga qotil oxir,
Qotillik aro zahri halohil oxir.
Buxl atla birin, birin havo bil oxir,
Kil ujbin ham alarga dohil oxir.

Demak, Alisher Navoiy o'zining asarlari bilan bir qatorda, Ilmiy-axloqiy asarlarida o'zi orzu etgan insonga xos axloqiy fazilatlar deb qanoat, saxovat, himmat, muruvvat, vafo, to'g'rilik, ilm, rostgo'ylik, tavozu', adab va boshqalarni tushungan, ana shu xislatlar tarkib topgan insonda yomonlik, razillik bo'lmasligi, unday inson yashagan jamiyat ham ravnaq topishi, barcha xalq baxt-saodatga erishishi mumkin deb hisoblagan.

Adabiyotlar:

- 1.Hoshimov K, S.Ochil. O'zbek pedagogikasi antologiyasi. T.: O'qituvchi, 2010.
- 2.Xasanboyev J., To'raqulov X., Xaydarov M, Xasanboeva O. Pedagogika fanidan izohli lug'at. – T.: Fan va texnologiya, 2009.– 672 b.
- 3.Kaldbekova A.S. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyotidan laboratoriya mashg'ulotlari. T.: 2013.
- 4.A.Sohibov. Milliy pedagogika taraqqiyoti tarixi. O'quv qo'llanma. Toshkent. "Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti". 2004 yil.
- 5.Niyozov G'. Axmedova M. Pedagoika fanidan seminar mashg'ulotlari. T.: Noshir. 2010.
- 6.Ismoilova Z. Pedagogikadan amaliy mashg'ulotlar. T.: 2001.
- 7.Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq. – Toshkent: O'qituvchi 1993.
- 8.Pedagogika / O'quv qoml. J.Hasanboev va boshq. – Toshkent: "Fan", 2006.
- 9.O'zbek pedagogikasi antologiyasi/Tuzuvchilar: K.Hoshimov. – Toshkent: "O'qituvchi", 2010.

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Азамат Назаров,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, “Дин психологияси ва
педагогика” кафедраси ўқитувчиси*

*Баходир Бахтиёров, Нодирбек Иброҳимов, Ойшахон Холматова
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Психология (Дин социопсихологияси) йўналиши 2 курс талабалари*

Азалдан инсон жамоавий ҳаёт кечирган ва самовий бошқарув таъсири натижасида унинг ижтимоий фаолиятида ҳам бошқарувга талаби тобора кучайган, раҳбарликка интилиш ривожлана борган. Бошқарувга талаб инсониятнинг ижтимоий фаолияти билан бирга пайдо бўлган. Қаерда икки инсон умумий мақсад сари фаолият бошлар экан, бу ерда биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришга эҳтиёж туғилди. Бу шароитда бир инсон раҳбар, бошқарув фаолиятини олиб боради, иккинчиси эса фаолиятни бажарувчисига айланади.

Давлатимиз раҳбари кадр танлашга эътиборни кучайтириш, уларнинг раҳбарликка доир қиёфасини ўрганиш, уларни мақсадли тарбиялаш, ўргатиш, бу мақсадга етиш учун хорижий тажрибадан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтган. “Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз.”

Ҳар қандай ижтимоий меҳнат жараёни у ҳоҳ кичик доирада, ҳоҳ катта доирада бўлсин, бошқарувни талаб қилади. Кимдир ходимлар олдига мақсад қўйиши, вазифаларни тақсимлаши, унинг бажарилишини назорат қилиши, кишиларни меҳнат қилишига ундаши, уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириши лозим.

Бошқариш жараёнида доимо бирон-бир масалани ҳал қилишга тўғри келади. Чунки турли сабаблар туфайли белгиланган параметрлардан оғиш содир бўлади, янги жараёнларга зарурият туғилади, натижада ишлаб чиқариш олдига пайдо бўлган

Қарор қабул қилиш жараёнида бир қатор тамойилларга таянилади. Қуйида улардан айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Холислик тамойили. Ҳар қандай қарор қабул қилинганда қарор қабул қилувчи маълумотларни холислик билан таҳлил қилмаса, унинг чиқарган қароридан бир ёқламалик, қарорни маълум томонларга буриш ҳодисаси

кузатилади. Холислик билан чиқарилган қарорда ҳеч бир томоннинг манфаатлари алоҳида қаралмайди ва қарор ҳис-туйхуларга берилмасдан чиқарилади.

2. Ўз вақтидалилик тамойили. Мазкур тамойилда қарор қабул қилувчи биринчи навбатда вақт омилига алоҳида эътиборини қаратади. Чунки қарорнинг ўз вақтида чиқарилиши унинг ижросини ҳам оптимал ҳолга келтиради. Қарор уч хил кўринишда қабул қилиниши мумкин: шошилиб қарор қабул қилиш, ўз вақтида қарор қабул қилиш ва вақтидан ўтказиб қарор қабул қилиш. Ўз вақтида чиқарилмаган қарор натижаси кутилгандай бўлмайди.

3. Далилларга асосланганлик тамойили. Маълумки, қарор қабул қилишдан олдин муаммоли вазиятга тааллуқли бўлган маълумотлар йиғилади. Мазкур маълумотлар турли хил манбалардан, турли хил ишончлилик даражасига эга бўлган ҳолда тўпланади. Маълумотларни саралаш босқичида ҳар бир маълумотнинг далилига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Далилланган маълумотлар асосида чиқарилган қарорлар оптималроқ бўлишлиги тажрибада исботланган.

Қарорларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳам бир қанча талаблар ҳам борки, қуйида уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Қарорларни бажариш - бу оқибат натижасида юқори бўғинда қабул қилинган режаларни, шунингдек шу режалар асосида қуйи бўғинлар (цех, участка, бригада, смена, ҳар бир ходим) учун тузилган режа ёки топшириқларни бажариш демакдир. Қарор энг аввало буйруқ ёки фармойиш тарзида расмийлаштирилади, сўнгра у маъмурий хужжат тусини олади. Унда аниқ ижрочилар, бажариш муддатлари, назорат қилиш усуллари ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.

Қарорнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш - бу ташкилот, корхона, цех, участка, бригаданинг бошқариш аппарати томонидан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида раҳбарлик қилиш бўйича аниқ масалаларни ҳал этиш демакдир.

Бунда ҳар бир бўлинма ўзининг функционал вазифасини бажариш билан банд бўлади. Бинобарин, бошқаришнинг ягона тизими амал қилади. Шу тариқа барча бошқарув бўлинмалари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб, бош режаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Раҳбарнинг асосий вазифаси бошқарув тизимини мақсадга мувофиқ уюштиришдан ва ўзи учун ишлаб чиқаришнинг туб масалалари билан шуғулланиш мқониятини яратишдан иборатдир.

Қарорларни бажарилишига раҳбарлик қилиш жараёнида раҳбарнинг вазифаси ходимларнинг шахсий манфаатларини умумманфаатлари билан мувофиқлаштиришга эришишдан иборатдир. Жамоага мувффақиятли раҳбарлик қилиш фармойиш бериш ва назорат қилиш усуллари, шакллари ва техникасини билишгина эмас, балки топшириқларни бажаришга ходимларни сафарбар эта олиш қобилиятини ҳам талаб қилади.

Эришилган ютуқларни раҳбар фақат ўзининг хизматлари этиб кўрсатмаслиги лозим. Қарор ижро этилмай қолганда айбдорни жазолашдан олдин бунинг сабабларини диққат билан ўрганиш зарур.

Кўпчилик раҳбарлар яхши қарор қабул қилишни билмасликлари туфайли эмас, балки уларни амалга оширишни ташкил қила билмасликлари сабабли ўз лавозимларига мос келмай қоладилар. Баъзида бир масала юзасидан икки-уч марталаб қарор қабул қиладилар. Қарорларнинг бажарилмай қолиш сабаблари ҳам мана шундадир.

Қарорларни бажарилишига раҳбарлик қилиш муайян меъёрий ҳужжатга таянади. Корхона, Ташкилот тўғрисидаги қонун ёки Низом ана шундай меъёрий ҳужжатлардан ҳисобланади. Бу ҳужжатда мазкур корхона (бўлинма)нинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташқари унинг штат жадвали ва маъмурий раҳбар (бошлиқ, мудир) кўрсатилган бўлади.

Қарорни бажарилишини назорат қилиш ҳулосалар чиқаришни ҳам ўз ичига олади. Бундан мақсад қарорнинг ҳақиқий натижаси ва самарасини аниқлаш, шунингдек, қарор қабул қилиш воситаларидан фойдаланиш тажрибасини умумлаштиришдир.

Фойдаланилган адабиётлар

5. Анфилатов В. С. Системный анализ в управлении М.: Финансы и статистика, 2002.

6. Назаров А. Принятие управленческих решений как психологическая проблема // Вестник интегративной психологии. – Международный научный журнал. г. Ярославль, 2019., №19.

7. Назаров А. Принятие управленческих решений как основная функция современного менеджера // Вопросы экономики и управления. - Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №2.

5. Nazarov A. Psychological analysis of levels of administration of management decisions. // Вопросы экономики и управления.-Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №3.

ЭКОЛОГИК ОНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ РОЛИ

Акрамов Мирмухсин Рустамович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси

Ҳозирда жаҳон миқёсида илмий тадқиқотлар инсон реакцияларининг табиий муҳит билан бўлган ўзаро таъсирини тадқиқ қилишда ҳулқ-атворнинг ҳудудий ва атроф-муҳитни идрок этиш билан боғлиқлиги, табиатга муносабатнинг индивидуал, ижтимоий ва оммавий чегаралари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва иқлим ўзгаришининг шахс ҳулқ-атворига таъсири, психика билан атроф-муҳитнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари тадқиқ этилмоқда [1].

Экологик тасаввурлар тизими сифатидаги экологик онг моҳияти, мазкур тушунчанинг йўналганлиги ва ўзига хослигини таҳлил қилар эканмиз В.А. Скребец берган экологик онг белгилари, унинг тавсифий характеристикаси ва уни замонавий жамиятда шакллантиришнинг устувор йўллари хусусида тўхталган фикрларини кўздан кечиришимиз лозим бўлади.

Воқеликни акс эттириш жараёнидаги сингари уни конструктив-ижодий қайта қуришда ҳам инсоннинг барча психик жараёнлари иштирок этади, пировардида, хулқ-атвор, фаолиятда ўз ифодасини топадиган олам тўғрисидаги билимлар тизими шаклланади. Ушбу жараёнлар, ўз навбатида, киши томонидан олам субъективлигини англашни таъминлайдиган турфа муносабатлари (эмоционал, иродавий ва ҳ.) билан бирга кузатилади.

Экологик онг ижтимоий тасаввурларнинг алоҳида кўриниши бўлганлиги боис ижтимоий тасаввурларга ҳам таъриф бериб ўтмоқ жоиз. Ижтимоий тасаввурларни илмий психологик муаммо сифатида В.М.Каримова тадқиқ этган. Унинг фикрига кўра: “шахснинг атроф-борлиқ тўғрисидаги билимлари унинг шахсий тажрибаси билан боғлиқ бўлиб, унда тасаввурлар тизимини ташкил этади. У ёки бу объект ёхуд ходиса ҳақида билимнинг йўқлиги тасаввурнинг ҳам йўқлигидан дарак беради” [3,25]. Бундан ташқари ижтимоий тасаввурлар қотиб қолган маълум когнитив нарсалар эмас, улар доимий ривожланишда, ҳаракатда ва тараққиётда бўлади. Ижтимоий тасаввурларда рўй берадиган ўзгариш хусусида Московиси шундай ёзган эди: “... ўзгариш рўй беради, лекин янги маълумотга қарши турадиган эски тасаввурлар схемасининг қайта тикланиши тариқасида дарёдаги оқимга ўхшаш ўзгариш рўй беради. Яъни, ҳар бир одамнинг ўзи ўрганиб қолган, барқарор когнитив тизими бўладикки, у ҳар қандай янги, “кутилмаган” маълумотларга ўзига хос муносабатда бўлади. Уни қабул қилиш учун эса ижтимоий тасаввурларини қайта қуриш зарур. Лекин бу жараёндаги қайта қуриш охиригача ёки тубдан бўлмайди, балки тизим бироз янгиланади, холос. Тасаввурларига мос келмайдиган маълумотга нисбатан эса унда “ҳимоя” кучлари пайдо бўлади. Янгини ташлаб юбормаган ҳамда ўз мавқеини ўзгартирмаган ҳолда, субъект ўзида илгаридан бор бўлган билимлари билан янги қабул қилинган маълумот ўртасида эквивалент ўрнатишга ҳаракат қилади” [3,33].

Демакки, экологик тасаввурлар мажмуи бўлган онг – бу табиат олами ва уни конструктив-ижодий қайта қуриш билан боғлиқ ўзига хосликка ва йўналганликка эга ўша тасаввурлар мажмуининг ўзидир. Экологик онг муаммоси сўнгги йилларда қўйила бошланганини, экологик психология предметига эса охириги ўн йилликларда айланганини алоҳида эътироф этишимиз лозим.

С.Д. Дерябо ва В.А. Ясвин экологик онгнинг мухолиф тоифаларини фарқлар эканлар (антропоцентрик ва экоцентрик) қуйидаги саволларни ўртага ташлагандай бўлади: мавжуд оламда олий қадрият ўзи нима; оламнинг иерархик

манзараси борми; инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирга киришишдан мақсад нима ва ҳ. Пировардида антропоцентрик ва эоцентрик экологик онгнинг саккизтадан хусусиятлари фарқланади, улар ўз навбатида кўрсатилган экологик онгнинг ягона тузилмасини тавсифлайди [4].

Ижтимоий экология муаммолари билан шуғулланувчи кўплаб замонавий олимлар томонидан мазкур “антропоцентрик экологик онг” терминининг қўлланилиши номақбул ҳисобланади, зотан экологик онгнинг ушбу тоифаси моҳиятан аксилэкологикдир.

Экологик онг ривожланишини тадқиқ этишнинг методологик асосларига кўра, биз қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

- психологик диагностика ёрдамида олинган маълумотларни миқдор ва сифат ҳамда математик-статистик методлар орқали тақлил қилиш олинган натижалар негизидаги хулосаларнинг илмийлигини таъминлаб беради.
- шахсни ўрганишга мўлжалланган таркиблаштирилган тестлар кўплаб маданиятларда фойдаланиш зарурияти туғилганда осон адаптация қилиниши мумкин;
- дунё маданиятларининг аксарият қисмига хос универсал ёки ғарб маданияти шароитларида ишлаб чиқилган шахс ўлчамларига мос шахс тузилмалари мавжуд методикалар хусусида сўз юритиш мумкин

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь). Халқ сўзи. 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883)
2. Дерябо, С. Д. Экологическая психология / С.Д. Дерябо, В.А. Ясвин. – Ростов-на-Дону, 1998.
3. Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар: психол.ф.д-рлик диссертацияси / В.М. Каримова. -Фарғона., 1994.
4. Ясвин В.А. Психолого-педагогические основы формирования субъективного отношения к природе: Дис. док. психол. наук. М., 1998.

ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА МУСТАҚИЛ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Содиқова Гулбарно Одилжон қизи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Бугунги кунда қарор қабул қилишнинг илмий асосларини таҳлил қилиш борасида кўпгина қарашлар мавжуд. Лекин, аксарият тадқиқотларда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратилганлиги

кўзга ташланади. Қарор қабул қилиш жараёнининг ижтимоий-психологик жиҳатлари бугунги кунда жаҳон психологиясида етарлича ўрганилмаганлиги кўзга ташланади.

Қарор қабул қилиш деб, инсон фаолиятининг муқобил йўллардан яхшисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. “Қарор” сўзининг турли таърифлари мавжуд. Қарор-бажарилиши лозим бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олишдир.

“Қарор”,-деб ёзади Э.Смирнов,-инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келадиган хулосасидир. Қарор муайян мақсадга қаратилган бўлиб, бирор қисқа ёки узоқ муддатли вазифани амалга оширишга, содир бўлаётган жараёни давом эттиришга ёхуд тўхтатишга йўналтирилган бўлиши мумкин[1].

Замонавий психологик тадқиқотларда диний қарорлар қабул қилишнинг ижобий ва салбий психологик хусусиятларига доир тадқиқотлар амалга оширилган. Шундай тадқиқотлардан бирини Америкалик психологлардан Ано тадқиқ этган. У 1967 йилдан 2005 йилгача бўлган тарихий маълумотларнинг репрезентатив танланмасини таҳлил қилиб чиқади. Ўз изланишларида метаанализ методидан фойдаланган. Тадқиқотларнинг натижалари шуни намоён қиладики, ўтган асрдаги инсонлар ҳаётида кўплаб таъсирларга қарамай диний қарорларнинг салбий жиҳатида физиологик ва психологик турли ҳил омиллар таъсир қилган бўлса, бугунги кунга келиб эса, бу омиллардан ташқари маданий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий омиллар ҳам ўзининг таъсирини кўрсатганлиги акс эттирилган. Натижада бугунги кун одамларида депрессиянинг кучайиб бориши, диний тусдаги маълумотларни нотўғри идрок этишининг мавжудлиги ва мистик кучларнинг кўпайганлиги ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга келиб, турли ҳил ёш қатламлари ўсмир, ўспирин, етук ва қарилик давридаги шахсларнинг психотерапевтларга мурожаати кўпайганлиги кузатилмоқда. Бу шуни англатадики, диний қарорлар қабул қилишнинг ижобий томонига нисбатан, салбий сифатларнинг ортиб борганлигини кўриш мумкин. Замонавий психотерапия эса, бу салбий психологик омилларни олдини олшининг турли ҳил усул ва методларидан фойдаланишади[2].

Шахснинг қарор қабул қилиш билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш давомида мустақил қарорларни қабул қилишда ёш хусусиятларини ҳам эътиборга олиш қўйилган мақсад ва вазифаларни аниқлаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун қарорларни қабул қилишда геронтопсихологик хусусиятларни ўрганиш мустақил қарор қабул қилиш жараёнини тадқиқ этиш имконини беради. Кексалик даврига қадам қўйган кишиларда мустақил қарорларни қабул қилиш жараёни ёш даврларининг бошқа палласига қараганда бироз пасаяди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, кекса ёшдагиларда бу система билиш қобилиятларининг сусайиши ва мотор қўзғатувчилар яъни физиологик ўзгаришларнинг гормонал ўзгаришлари билан узвий боғлиқ бўлади[3].

Мустақил қарорларни қабул қилиш масаласи бошқарув психологиясининг тадқиқот предмети сифатида янги асрда ривожлана бошлади. Жумладан, М.В. Лукин муниципал бошқарувда мустақил қарор қабул қилишга таъсир этувчи психологик омилларни тадқиқ этган. Бунда асосан, раҳбар ва ходимлар ўртасида

шахслараро муносабатларни ўрнатишни мустақкамлаш, жамоада гуруҳий психологик иқлимни шакллантириш, қарорларни қабул қилишда раҳбар бевосита қўл остидаги ходимларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини инобатга олиши ва бирдамлик руҳида фаолият олиб бориши каби масалалар таҳлил қилинган. Бу турдаги тадқиқотлар нафақат биргина мамлакатга эмас, балки, дунёдаги ҳамма давлатдаги бошқарув секторларида раҳбар-ходим муносабатларини параллел равишда амалга оширилиши ҳам иқтисодий ҳам жамоадаги психологик муаммоларнинг олди олинади ва ишнинг унумдорлиги янада ошади[4].

Давлат бошқаруви тизимида қарорлар қабул қилишнинг психологик жиҳатларини яна бир олим З.Р. Алижонов ва тадқиқ этган. Унинг ишларида давлат хизмати тизимида қарорлар қабул қилишнинг масалалари кўпроқ ижтимоий-психологик томонлама очиб берилган. Ҳар қайси жамиятда қарорларни қабул қилишининг охириги нуқтасида бевосита ўша давлатнинг фуқаролари туради. Шунинг учун қарорлар қабул қилинганда бир ёки бир нечта кишилар албатта, мустақил равишда ҳар бир масаланинг илдизига чуқур кириб бормоғи лозим. Давлат бошқарув жараёнида ҳам мустақил қарорлар қабул қилишнинг психологик хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари Алижонованинг ишларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш моделлари ва тизимлари таҳлил қилинган[5].

Мустақил қарор қабул қилишнинг ёш ва психологик хусусиятларига оид тадқиқотлар бугунги кунга келиб фавқулодда вазиятлар ва қутқарув ишларида ҳам кўзга ташланмоқда. Чунки, фавқулодда ҳолатларда тули ҳил мудҳиш ҳодисалар содир бўлганда тезкорлик билан онгли равишда қарорларнинг қабул қилиниши содир бўлган вазиятларни олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари ёнғин хавфсизлик хизмати ходимларида ҳам бу ҳолат кўп учрайди. Яъни ёнғин содир бўлган жойга зудлик билан етиб бориш ва ёнғинни олдини олишда тезкор мустақил қарорлар қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Шундай илмий-назарий изланишлар Буюк Британиянинг Кардиф университети олимлари Р. Сабрина ва Р.К. Хонейлар томонидан амалга оширилган. Улар мақсадга йўналган қарорлар қабул қилинишини тренинг дастурлари асосида ситимуляция қилинган ёнғин ва қутқарув ишларида ҳарбий бошлиқлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг натижалари билан тавсифланган. Бунда асосан, тез ва аниқ қабул қилинган қарорлар, пухта ишланган режаларнинг иш жараёнига таъсири, қутқарув жараёнига жалб қилинган ҳарбий хизматчиларнинг психологик ҳолатларини эътиборга олиш, таваккалчиликка қўл урмаслик ва аниқ режалаштирилган қарорларнинг ҳарбий бошлиқлар иш самарадорлигига таъсири каби масалалар инобатга олинган. Фавқулодда вазиятлар ва ёнғин хавфсизлик хизмати ходимларида мустақил қарорларни қабул қилишга доир кўникмаларни ҳосил қилишда мақсадли йўналган чора-тадбирларни қўллаш, ҳарбий машғулотлар жараёнида тезкор қарорлар қабул қилишга тайёрлаш, бир-бирларини ўзаро тушунишга ёрдам берувчи муносабатларни йўлга қўйиш ва фавқулодда ҳолатларга тезкорлик билан тайёрлаш каби хусусиятларга эътибор қаратиш зарур. Мустақил қарорларнинг айнан фавқулодда вазиятлар ва қутқарув ишларида фаолият юритувчи ҳарбий хизматчиларда ўрганлиши Сабрина ва Хонейлар уч босқичга бўладилар. Биринчиси, уйда, ташкилотдаги ёки йўл

ҳаракатидаги тўқнашувлар ва ёнғин содир бўлган жойга тезкорлик билан етиб бориш ва бирламчи ёрдамни амалга ошириш; иккинчиси, воқеа жойида содир бўлган ноҳуш вазиятни зудлик билан олдини олиш ва учинчиси, бартараф этилган ҳолатларни яна бир бор синчковлик билан кўздан кечириш. Бу каби вазиятларнинг олдини олиш шу соҳада фаолият юритадиган ходимларда мустақил қарор қабул қилишининг шаклланганлиги ва тезкор фаоллик каби психологик хусусиятларнинг ривожланганлиги билан изоҳланади[6].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозиргача замонавий психологияда ягона умумлаштирувчи қарорларни қабул қилиш назарияси мавжуд эмас. Ушбу масалани кўриб чиқишда метадологик ёндашувнинг асосини аниқлашга уринишдан аввал психология ва унга оид фанларда тўпланган барча маълумотларни, уларнинг илмий тажрибасини синаб кўриш зарур.

Адабиётлар рўйхати

1. Смирнов Э.А. Управленческие решения. – М.: Инфра+М., 2001,- 39 стр.
2. Ano G.G., Vasconcelles E.B. Religious coping and psychological adjustment to stress: A meta-analysis // Journal of Clinical Psychology. 2005. Vol. 61 (4). P. 461-480. doi:10.1002/jclp.20049
3. Valsecchi M., Billino J., Gegenfurtner K. R. Healthy aging is associated with decreased risk-taking in motor decision-making. // Journal of Experimental Psychology: Human Perception and Performance. 2018. vol. 44. P. 154–167
4. Лукин М.В. Проблемы оценки эффективности деятельности исполнительных органов государственной и муниципальной власти Российской Федерации / М.В. Лукин, Е.А. Лубашев // Теория и практика сервиса. №4 (14), 2012. С. 99-111
5. Алижоновна З.Р. Оценка эффективности управления в системе государственной службы. // Социология власти. 2015. №2. С. 195-202
6. Sabrina R., Honey R.C. Goal-oriented training affects decision-making processes in virtual and simulated fire and rescue environments. // Journal of Experimental Psychology: Applied. 2015, Vol. 21, No. 4, P. 395– 406

OLIV TA'LIM JARAYONIDA PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYANING AYRIM MASALALARI

Ergashova Muxlisa Azizjon qizi
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi dintsopsixologiya 2-kurs talabasi

Аноттатсия: Bugungi kunda barkamol yosh avlodni tarbiyalashda zamonaviy psixologiya va pedagogikaning o'rni va uni qo'llashning ahamiyatini yoritish .

Калит со'злар: Zamonaviy psixologiya, pedagogika, zamonaviy psixologik maktablar, psixoanaliz, milliy pedagogika .

Pedagogika -bu yosh avlodning tarbiyasini zamon ruhiga mos amalga oshirish. Yangicha modeldagi shaxsni kamol toptirish, uning chuqur bilimlar sohibi bo'lib yetishishi, barkamollikni kafolatlovchi shart-sharoitlar orasida yangi pedagogik texnologiyalarini ta'lim va tarbiya jarayonlarini tadbiiq etishda pedagogikaning o'z uslub va qoidalari yetarli bo'lmaydi.

Shuning uchun psixologiya bilan hamkorlikda, yosh avlod ongining ta'lim olish davridagi rivojlanish tendensiyalaridan tortib, toki yangicha o'qitish texnologiyalarini bola tomonidan o'zlashtirilishi va undagi aqliy va intellektual qobiliyatlar nechog'lik ta'sir ko'rsatganini o'rganish va shu asosida ishni tashkil etish psixologiyadagi metodlarni didaktik metodlar bilan uyg'unlashtirishni taqozo etadi. Yangilanish jarayonida milliy pedagogika fanining joriy etilishi jahon andozalariga moslashishni taqozo etadi. Milliy pedagogika amalyoti va markaziga tarbiyalanuvchi shaxs-inson chiqariladi. Masalaning bunday tus olishi pedagogik amalyotda tarbiyaning ustuvor mavqega ega bo'lishini taqozo etadi .

Negaki, yangilangan pedagogik fikrlar uchun ta'lim va tarbiya jarayoniga tortilgan shaxs egallagan bilimlar hajmi emas, balki unda qanday fazilatlar shakllanganligi muhim bo'lib qoldi.

Pedagogika fani asosiy masalari fan uchun ham amalyot uchun ham tarbiyalanuvchi shaxsi bosh qadriyatga, uni imkoni boricha barkamol inson qilib shakllantirish bosh maqsadga aylangach, maktab, akademik litsey, oliy o'quv yurti o'qituvchi va pedagoglari barcha vositalar va o'quv tarbiya anjomlari tarbiyalanuvchilar o'quvchi-talabalar uchun ekanligini anglab yetilgach, pedagogika ilmi beradigan xulosalarning xarakteri ham tubdan o'zgarishi avvalgilardan tamomila boshqacha tabiiy hisoblanadi .

Ayniqsa ma'naviy barkamollik tamoyillarini maktabda va yangi tipdagi ta'lim muassasalarida joriy etish hamda shaxs psixologiyasini teran bilgan holda o'qitishning eng ilg'or va zamonaviy shakllarini amalyotga tadbiiq etishni tashkil etadi .

Shaxsni ta'lim va tarbiya berishning alohida emas, birgalikda qaralishida pedagogika va psixologiya fanlarining o'zaro uzviyligi muhimdir. Hozirgi kunda ta'lim sifati va samadorligini oshirish uchun ta'lim oluvchining psixologik xususiyatlarini bilgan holda, unga pedagogik ta'sir ko'rsatish va uni yangi bilimlarga yo'naltirish texnologiyasi joriy etilganligi ham bu ikki fan bir-biriga chambarchas bog'liq ekanligini ko'rsatadi . Pedagogika mustaqil fan sifatida uzoq taraqqiyot yo'lini bosib o'tib, hozirgi vaqtda ilmiy bilimlar yaxshi rivojlangan , katta nazariy va amaliy materiallarni o'z ichiga olgan tarmoqqa aylandi .

Bularning barchasi pedagogikaning alohida tarmoqlariga aylanishiga sabab bo'ldi.

Milliy pedagogika- Xalqning milliy-ma'naviy merosi va ta'lim-tarbiya sohasida erishilgan yutuqlar asosida shakllangan hamda millatning muayyan tarixiy rivojlanish talablariga javob beruvchi ta'lim-tarbiya nazaryasi , usul va usullarini ifodalovchi ilm-fan majmuidir.

Psixologiya – inson faolyati va hayvonlar xatti-harakati jarayonida voqelikning psixik aks ettishi, ruhiy jarayonlar, hodisalar , hislatlar to'g'risidagi fan. Psixologiya asosiy masalalariga sezgilar va idrok, tafakkur va hissiyot, faolyat va muomala kabi psixologik jarayonlar kategoriyalar kiradi. Psixologiyaning vazifasi -psixologik

qonuniyatlar, inson ruhiy holati shakllanishini filogenetik va ontogenetik ochib berishdan iboratdir.

Bugungi kunda psixologiyaning amaliy masalaridan biri ong va o'z-o'zini anglashni tadbiiq etishdir. Dastlabki psixologik qarashlar ham falsafa va tibbiyot negizida paydo bo'lgan va ajralib chiqqan.

Hozirgi zamon psixologiyasi turli tarmoqlararo faolyat yuritmoqda: umumiy psixologiya, harbiy psixologiya, pedagogik psixologiya va boshqalar. Zamonaviy psixologiyada yangi maktablar paydo bo'lishi tub burilish bo'ldi. Aynan 1960-yildan boshlab psixologiya jadal rivojlandi va olimlar o'zlarning fikrlarini xulq-atvor, psixoanaliz, insonparvarlik asosida bildirishd .

Bulardan eng muhim yo'nalish vakillaridan biri Z.Freyddir. U o'zining Psixonalizga asos solgan . Freyd fikrni uch asosiy unsurdan iborat deb hisoblaydi: Id, ego va super ego. Id - bu barcha boshlang'ich va behush istaklarni o'z ichiga olgan ruhning bir qismi . Ego- haqiqiy dunyodagi talablarga javob beragigan ruhning bir qismi. Super ego – psixikaning oxirgi qismi bo'lib, uning ichki dunyosi, me'yorlari va idealarini boshqarishni topshiradi .

Bunda Freyd odamning xatti-harakatlari nafaqat ongli ,balki ongsizlik bilan ham belgilanadi, degan fikrga asoslanadi .Bunda inson o'zi tan olmaydigan yoki shu sababli onga kirishga yo'l qo'ymaydigan, taqiq qilingan istaklar, hislar, tajribalarni o'z ichiga oladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, psixologiya va pedagogika doim bir -birini o'rnini to'ldirishi kerak. Jamiyatda har bir shaxs shakllanishida uning xulqi va tarbiyasi psixik holatiga bog'liq bo'ladi. Psixik jihatdan unda buzilish bo'lsa xulqida yaqqol namoyon bo'ladi. Bu psixologiya va pedagogikaning asosiy masalalaridir.

Foydalaniladigan adabiyotlar:

1. Ivanov. Umumiy psixologiya.T.: 2009.
2. E.G'oziev. Umumiy psixologiya. T.: 2008.
2. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. T.: 2010.

PROBLEMS OF SOCIAL-PSYCHOLOGICAL SUPPORT OF THE MANAGEMENT DECISION-MAKING PROCESS

*Nazarov Azamat Sottarovich,
teacher International Islamic Academy of Uzbekistan*

Annotation: *This article analyzes the levels of managerial decision-making, the factors that influence it, as well as the role of temporary and informational factors in making managerial decisions.*

Keywords: *personality, personnel, manager, individual personality characteristics, management, decision making, management decisions.*

One of the important issues in the psychology of management is the analysis of levels of managerial decision-making and the study of factors influencing it. In the management process, there are four levels of decision-making, within each of which certain skills are required to work. The first level of decision making is the ordinary, everyday level. In this case, the instructions and rules are strictly followed, the situation is assessed properly and control is established. The emerging problem is compared with a set of existing solutions, from which the best option is adopted and implemented. Usually this is done according to the principle «In such situations, you need to do this». Difficulties in such situations may arise due to the incompetence of the decision maker, ignorance of existing guidelines, incorrect assessment of the situation or lack of courage. At this level of decision-making, a creative approach is not required because the decisions of the situation are already predetermined.

The second level of decision-making is the level based on selection, at which the goals are studied, planned and analyzed data. He compares a number of possibilities on an existing problem and focuses on the most effective and economical, which is most suitable for solving this problem.

The third level of decision-making is called the flexible level at which a problem is identified that is solved in a systematic way. Working groups are created, existing risks are analyzed. Making decisions on a flexible level is a little more complicated, and the manager has to abandon the old-fashioned approach to a familiar problem and come up with a creative solution. In this context, the success of the decision maker is based on his personal initiative, his ability to take a bold step into the unknown. The fourth level of decision-making is called the innovation level, where decisions related to the introduction of innovations are more complex. In an uncertain situation, a person should be able to use a new approach, creative ideas of other specialists.

When a decision maker faces a problem situation and needs to make a specific decision, he or she must compare the situation and the expected decision with the group of solutions listed above and determine which category it belongs to. Such an action allows him in any case to imagine what the solution of the problem will be and in what form it will appear. This, together with information about how correctly or not the chosen path, creates the basis for changing the style of movement if necessary. In any case, a deliberate decision is to include it in some category and compare it with the requested sample, even if only partially predict the result.

In the process of making managerial decisions, the principle of multifactor comes into force. One such factor is the factor of personal competence.

To show the role of this factor in the decision-making process, the «Rings» method can be used. The «Rings» method is widely used in Japanese business. According to

this method, a decision is made with consent upon request, and not at meetings, and is carried out in several stages:

1. The first stage. At this stage, the leadership of the Organization, together with the experts involved, will provide a general opinion on the problem (for example, the production of a new type of product), on which the problem should be solved.

2. The second stage. The problem is transferred «down», ie to the stage at which work on the project will be organized.

3. Third stage. At this stage, all aspects of the project will be discussed in detail with the executors. In fact, this is the stage of overcoming contradictions, conflicting views.

4. The fourth stage. Special councils and conferences will be held to resolve the issue.

5. Fifth stage. At this stage, the executors sign the document, everyone puts their stamps, and the document is approved by the leadership of the Organization.

In Japan, it is customary to consider the «Ringy» method as one of the manifestations of a management philosophy that encourages caution, frugality, and social responsibility. Although this method has been criticized in the Japanese press for its excessive bulkiness, nothing is said about the refusal to use it.

For strategic and tactical management, rational decisions are made based on economic analysis and optimization. The management process always has to solve a certain problem. Due to deviations from the set parameters for various reasons, there is a need for new processes, which leads to the need to know, analyze and solve problems that arise before production.

After determining the necessity of making a decision and a specific situation on the analyzed object, the goal of the decision is formed, which can be achieved in various ways, and tasks for its solution are determined. The purpose of the decision may be indicated by a higher authority. For example, the goal was to dramatically increase grain production and achieve grain independence. Based on a number of considerations, areas that are best suited for growing crops will be identified. The ministry decides to change their specialization, and for this it is developing a plan for the transfer of districts to grain farming. As soon as the district leaders receive the assignment, they carefully prepare for the implementation of the solution in production.

The main goal and task here is to grow the grain necessary for the republic. Thus, the identification of the problem begins with the determination of the situation and the causes of the problem. Identifying a situation means analyzing the causes of the problem. Also, when deciding in such a situation, the analysis of the time factor is the primary task.

The time factor in the decision-making process is explained from two different points of view: firstly, is the time limited when making a decision, and secondly, the

time required to complete the decision. In both cases, the time factor affects the quality of the decision. We use the time factor in the first sense below.

It is known that the passage of time can make a difference. If a decision made on time becomes obsolete, the decision made may also lose its force. Of course, making decisions in a limited time can be a daunting task for a person. There are people who can lose themselves when time is limited. As a result, a poor or incorrect decision is made. The choice of a limited period of time, especially in uncertain situations, further complicates the situation. Therefore, the manager must consider the time factor when making a decision.

It is also necessary to take into account the unit of time allocated for the implementation of the decision when making the decision. Long-term decision making and short-term execution are also important aspects of decision making.

References:

8. Анфилатов В. С. Системный анализ в управлении М.: Финансы и статистика, 2002.

9. Воробьев С. Н. Управленческие решения Текст. / С. Н. Воробьев, В. Б. Уткин, К. В. Балдин. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. — 317 с.

10. Назаров А. Принятие управленческих решений как психологическая проблема // Вестник интегративной психологии. – Международный научный журнал. г. Ярославль, 2019., №19.

11. Назаров А. Принятие управленческих решений как основная функция современного менеджера // Вопросы экономики и управления. - Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №2.

5. Nazarov A. Psychological analysis of levels of administration of management decisions. // Вопросы экономики и управления.-Международный научный журнал. г.Казан. 2020., №3.

6. Nazarov A. Adoption of management decisions as the main function of the modern manager // Проблемы современной экономики: материалы IX Междунар. науч.конф. г. Казань, апрель, 2020 г.

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” – САОДАТГА ЭЛТУВЧИ АСАРДИР

Жалолиддин Алиқулович БЎРИЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Аннотация. Қорахонийлар давлатининг низомномаси ҳисобланган “Қутадғу билиг” — XI-аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган,

туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган.

“Қутадғу билиг”да, яъни “билим” маъносида, инсонга дунёда ва охирада бахтли бўлиш йўллари кўрсатилган тавсиялар мавжуд.

Калим сўзлар: Юсуф Хос Ҳожиб, Қутадғу билиг, адолат, одоб, қадрият, ҳукмдор.

“Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) - Юсуф Хос Ҳожибнинг ушбу асари туркий адабиётнинг нодир намунаси бўлиб, 1069-70 йилларда яратилган. Муаллиф асарнинг муқаддимасида хабар беришича, бу китоб ўз давридаёқ кенг тарқалиб, машҳур бўлган. Чин (Шимолий хитой)ликлар уни “Адаб ул-мулук” (“Ҳукмдорлар одоби”), мочин (Жанубий хитой)ликлар “Ойин ул-мамлакат” (“Ҳукмдорлик қонун-қоидалари”), Шарқий хитойликлар “Зийнат улумаро” (“Ҳукмдорлар зийнати”), эронликлар “Шоҳнома”и туркий (“Туркий “Шоҳнома”), баъзилар “Пандномаи мулук” (“Ҳукмдорлар пандномаси”), туронликлар эса “Қутадғу билиг” деб атаганлар [4,125]. Асар исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам кўтарган. У нафақат туркий халқлар адабиёти анъаналари, балки қардош халқлар, жумладан, форсий адабиёт тажрибаларини ҳам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган.

“Қутадғу билиг” — XI-аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган.

Адиб “Қутадғу билиг” дostonини яратар экан, ўз олдида қорахонийлар давлати ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Тавғачхон билан Элоқхонлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, ҳукмрон доираларнинг турли ижтимоий табақаларга муносабатини белгилаш, маърифат ва ободончилик учун кураш, яхши хулқ-одобни тарғиб қилиш каби мақсадларни кўйган. Бу билан Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг йирик маърифатпарвари ва донишманди сифатида гавдаланади.

“Қутадғу билиг” асарининг марказига тўрт масала қўйилиб, улар тўрт образ воситасида очиб берилган: биринчиси-адолат бўлиб, у подшоҳ Кунтуғди тимсолида, иккинчиси — давлат бўлиб, вазир Ойтўлди, учинчиси — ақл бўлиб, вазирнинг ўғли Ўғдулмиш, тўртинчиси — каноат бўлиб, унинг қариндоши Ўзгурмиш қиёфасида тасвирланади [1,58]. Шунга мувофиқ равишда қўйилган масалалар воқеалар ривожини, қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбати, баҳс-мунозараси, савол-жавоблари, панд-насихатлари воситасида ҳал қилинади. Муаллиф баҳсли масалалар юзасидан ҳам ахлоқ-одоб, илм, инсонийлик ва адолат доирасида фикр юритади ҳамда подшоҳ ва амалдорлардан тортиб деҳқону ҳунармандгача — жамиятдаги барча тоифаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради.

“Қутадғу билиг” қорахонийлар ҳокимиятининг ўзига хос назмий низомномаси бўлиб, бу рамзий-тимсолий асар юрт эгалари бўлмиш ҳукмдорлар ва катта-кичик амалдорларга атаб ёзилган ва асарда уларга мамлакатни адолат билан бошқариш, тинчликни сақлаш, раиятга зулм қилмаслик, билъакс, халқнинг оғирини енгил қилиш, турмушини фаровон айлаш, жамиятнинг маънавий-

ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, илм-маърифатга кенг эътибор бериш, истеъдод соҳибларини кўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ, бурч, адолат бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилган. Ҳукмдорлар адабномаси — “Қутадғу билиг” қорахонийлар сулоласи мисолида туркий давлатчилик асослари янги босқичга кўтарилган даврда замон кун тартибига қўйган сиёсий-ижтимоий масалаларни ҳал қилишда асосий дастур бўлган. Шоирнинг у ёки бу масала бўйича панд-насихатлари худди ҳикматдай жаранглайди, халқ мақолларига ўхшаб кетади, уларнинг бадиий юксаклиги ва маърифий аҳамияти ҳам шунда.

“Қутадғу билиг” достони бадиий жиҳатдан жуда юқори, ҳали ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган асардир. Асарнинг ўзига хос жиҳати, дostonда воқеалар тасвири деярли йўқ, яъни муаллиф қизиқарли бир воқеани ҳикоя қилиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Юқорида зикр қилганимиздек, асарнинг қаҳрамонлари Кунтуғди, Ойтўлди, Ўғдулмиш ва Ўзғурмишдир. Достон марказида Кунтуғди тимсоли туради. Аслида Кунтуғди – чиққан кун, янги кун деган маъноларни англатади. Шоирнинг дoston марказига Кунтуғди тимсолини қўйиши ўринлидир. Чунки, “Кунтуғди” дostonда адолатни ифода этади. Бу ерда адолат кун ёки қуёшга ўхшатиляпти. Ҳаётнинг манбаи қуёшдир. Қуёш бўлмаса, ҳаёт бўлмаганидай, адолат бўлмаса, жамиятда инсонлар яшай олмайди. Ойтўлди-Давлат, Бахт, Омад тимсоли. “Ойтўлди” аслида тўлган ой демакдир. Бу ерда ҳам чуқур маъно бор. Ой тўлади, камаяди, шу жиҳатлари билан давлат бойликка ўхшайди: давлат кенгаяди-тораяди, бойлик кўпаяди-озаяди. Дostonдаги учинчи тимсолга эътибор қаратадиган бўлсак, у ақл ва билим рамзидир. Агар Бойлик, Бахт, Омад ўткинчи бўлса, киши кўлида доимий турмаса, Ақл ва Билим уларнинг ўрнини боса олмайди. Шоир дoston марказига Ақл ва Билим тимсолини қўймаган бўлса-да, ушбу асарини “Қутадғу билиг”- “Саодатга элтувчи билим” деб номлади.

Баласоғундан Бағдодгача туркий сулолалар ҳукм сурган даврда сулолалар тарихи эмас, давлат бошқариш одоби муҳим эди. Асарнинг яна бошқа шуҳрат топган номлари “Адаб ул-Мулук” (“Ҳукмдорлар одоби”) ва “Ойин ул-мамлакат” (“Мамлакатни идора этиш қоидалари”) худди шу жиҳатни акс эттиради [2,50].

Туркий сулолалар бутун ислом минтақасида ҳукмронликни ўз қўлига олаётган бир пайтда, ижтимоий жиҳатдан “Шоҳнома”дан кўра “Қутадғу билиг”, яъни “ҳукмдорлар Адабномаси” кўпроқ зарур ва бу китоб айнан туркий тилда ёзилмоғи керак эди. Адиб ушбу ижтимоий заруратни вақтида англаб етди, унга юксак савияда жавоб бера олди.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятни тубдан ўзгартиришни эмас, мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш, такомил бахш этишни мақсад қилиб қўяди. Чунки XI аср ислом жамиятининг шаклланиб, юксалиб келаётган даври бўлиб, унда такомиллаштириш таклифлари ўринли эди.

“Қутадғу билиг”нинг бадиийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир қирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир хаёли ўзаро ниҳоятда уйғун. Шоирнинг тасвирлари ёрқин, тили ниҳоятда ширали, мазмунга бой. Унинг жуда кўп байтлари ҳикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган. Ҳар бир байт тугал тасвир беради.

Хуллас, туркий тилда яратилган бу буюк асар минтақа адабиёти ривожининг биринчи босқичи учун маълум маънода яқунловчи асар бўлди. Бу босқичнинг ўзига хос икки жиҳатини қайд этиб ўтмоқ керак.

Биринчидан, бу даврда илм-фан ва ёзма бадиий адабиёт, асосан, турли ҳукмдорлар саройи қошида, улар ҳомийлигида ривож олиб, гуллаб-яшнади. Агар Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърият, Сомоний ва Ғазнавийлар ҳузурида форс тилидаги адабиёт ривож топган бўлса, Қорахонийлар даргоҳида туркий шеъриятнинг буюк намунаси дунёга келди [3,636].

Иккинчидан, бу адабиётнинг ўзига хос томони маърифатчилик эди. Нафақат адабиёт, балки бу даврнинг бутун маънавиятида етакчи руҳни ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, марғуб ахлоқни ақл, заковат кучи билан ўрнатишга ишонч ташкил қилар эди. Бу адабиёт биринчи навбатда ҳукмдор табақага, беклар, зодагонларга мўлжалланган ва ўшаларга тўғри йўлни кўрсатишни мақсад қилган эди.

“Қутадғу билиг”дан байтлар

* * *

*Билимни буюк, ўқувни улуг бил,
Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди.
Заковат қаерда бўлса, улуглик бўлади,
Билим кимда бўлса буюклик олади.*

* * *

*Ўғил-қизга билим, ҳунар ўргатиш керак,
Токи бу ҳунарлар билан феъл-атвори гўзал бўлсин.
Кимнинг хулқ-атвори, феъли яхши бўлса,
У тилагини топади, ою кун унга кулиб боқади.*

* * *

*Билимсиз, шубҳасиз, аниқ кўрдир,
Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.
Заковатли уқади, билимли билади,
Билимли, заковатли тилакка етади [6,556].*

* * *

Адабиётлар рўйхати

1. А.Ёқубов. “Қутадғу билиг”да давлатчилик концепцияси. Тошкент. “А.Қодирий”, 1997.
2. Содиқов Қ. Мангу Қумару, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2010 йил 50-сонидан олинди.
3. Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг” Тошкент, 2015. (Ф.Равшанов таржимаси)
4. Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”. Тошкент, “Фан”, 1971.(Қ.Каримов таъдбири).
5. Qutadg’u bilig. J.26:Yusuf Xos Hojib. – Toshkent: G’G’ulom nomidagi nashriyot uyi, 2018. – 556 b. (Adabiyot xrestomatiyasi).

ОИЛАДА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

Исаева Муштарий Алишер қизи

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Дин психологияси ва педагогика
кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Мақолада оилавий муносабатлар жараёнида шахс ва унинг диний эътиқоди шаклланиши масаласи ёритилган. Шунингдек, бу борада хориж психологларининг илмий-назарий қарашлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: оила, оилавий муносабатлар, дин, диний эътиқод, эътиқод психологияси.

Азалдан жамият ва турли диний таълимотларда оила муқаддас саналиб, оилавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Оиланинг ижтимоий маскан сифатида фарзанд камолотида тутган ўрни, унинг ўз қобилияти ва иктидорини намоён этишига таъсири масалалари ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бу мавзу инсоният тарихида яшаган кўплаб алломаларнинг эътиборидаги муҳим муаммолардан саналади. Оилавий муҳит жамият учун соғлом фикрдаги авлодни тарбиялашнинг асосий бўғини ҳисобланса, ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда диний эътиқодни тарбиялаш асосий воситадир.

Эътиқод психологияси ҳақида сўз юритилганда диний дунёқараш тушунчаси муҳим ўрин эгаллайди. Дунёқараш инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланади. Демак, шахснинг онги билан боғланган индивидуал дунёқараш пайдо бўлади. Дастлаб ҳар бир шахс дунёни ҳиссий сезади. Кейин воқелик ҳақида тўплаган билимлари асосида дунёқараш пайдо бўлади. Бу дунёни англаш дейилади. Шахснинг дунёни англаши орқали унинг ўзини англаши ҳам шаклланиб боради [1: 14].

Дарҳақиқат, оиладаги турмуш тарзининг соғломлиги кишиларни жамиятда эгаллаб турган социал статусларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки турмуш тарзи кишиларнинг маънавий дунёси билан ҳам узвий боғлиқдир. Оила муҳити инсоннинг фикрлаш туйғуси борасида ҳам муҳим ўрин тутади. Кишиларнинг турмуш тарзига мавжуд ижтимоий шарт-шароитлар сезиларли таъсир кўрсатади. Кундалик ҳаёт фаолиятида уларнинг ахлоқий-эстетик қарашлари, хулқи, муомаласи, ҳаётий турмуш тасаввурлари, ички дунёсига, диний эътиқодига сингиб кетади ва турмуш тарзига, фикрлаш тарзига айланади. Турмуш тарзининг энг муҳим ижтимоий томони жамият аъзоларининг ижтимоий меҳнати, ўзаро муносабатлар, оила ва тарбия жараёнидаги диний эътиқод кишиларнинг жисмоний ва маънавий

имкониятларини атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳит билан қай тарзда намоён бўлишидадир.

Шу билан бир қаторда, оилавий муносабатларда диний эътиқоднинг шаклланишини психологик жиҳатдан тадқиқ этган бир қанча олимларнинг қарашларини келтириб ўтамиз. Улар диний эътиқод шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишган. Хориж психологларидан С. Гроф ва Д. Хелифакслар ўз асарларида инсоннинг маълум динга нисбатан эътиқод ва амал қилишини ижтимоий ҳодиса деб баҳолайдилар. Шунингдек, диний амалнинг кучайиши ва шахсни бирор-бир диний ҳаракатларни содир этиши сабаби сифатида гуноҳлардан қочиш ёки ўлим олдидаги кўрқувни енгишнинг йўли сифатида эътироф этадилар [2: 86].

Инсонда оилавий муносабатлар жараёнида диний амаллар ва эътиқодни шаклланиши ва ривожланишини амалда биринчи бўлиб, Ж. Фловлер таклиф қилган. Қуйида Фловлер шахс диний эътиқодини шаклланиш босқичларини қуйидагича ифодалаган:

1 – босқич: интуитив – проектив, 3 – 7 ёшларга тўғри келади; эътиқод имитация, идрок ва фантазия кўринишларида бўлади.

2 – босқич: мифик ва тўғридан – тўғри, 7 – 12 ёшларга тўғри келади; характер хусусиятларида ҳар бир воқеа – ҳодисани тўғридан – тўғри идрок қилиш, фикрий чекланганлик, оилавий можаролар билан боғлиқ реакциялар кўзгатиш мумкин.

3 – босқич: синтетик – конвенционал, ўсмирлик даврига тўғри келади; ташқи авторитетлардан ғоявий тизимлар ўзлаштирилади.

4 – босқич: индивидуал – рефлексив: инсон ўзи мустақилликка қадам қўйган даврига тўғри келади; бу даврда демифиологизация кузатилади. Эътиқодини мустақил шакллантиришга ҳаракат қилинади ва олий таълим жараёни билан бирга амалга оширади.

5 – босқич: парадоксал – консолидациялашган, ўрта ёшларга тўғри келади; рационал онг шакли намоён бўлади яъни шахсий уйининг доимий эгаси.

6 – босқич: универсиаллашган, бу даврга келиб инсон ўз қадриятлари доирасида яшашни бошлайди. Диний амаллар тизими бўйича ҳаётни давом эттиради [3: 31-37].

АҚШда нафақат тиббиёт йўналишида, шунингдек, анъанавий динлардаги оилалар тизимида медитациянинг психотерапевтик хусусиятларидан фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Катарсис, медитация, тавба-тазарру каби психологик ҳолатлар диний амалларнинг ажралмас қисмига айланиб боряпти. Шу сабабдан Ғарб ва Шарқ оилаларида диндан психотерапевтик мақсадларда фойдаланиш масаласи кун тартибиде турибди. АҚШлик протестант руҳонийси ва

психологи А.Бойзен фикрича, инсон ҳаётидаги инқирозли вазиятлардан чиқишда дин ижобий таъсир этиш кучига эга.

В.М. Бехтерев номидаги Санкт-Петербург нейропсихофизиология илмий текшириш институти раҳбари профессор Валерий Слезин инсонга оилавий муносабатларга таъсир қилувчи диннинг психологик хусусиятини текшириш давомида қуйидаги хулосага келади: ёшлиқдан олган диний тарбия жараёнида диний эътиқод ва ибодат инсон организмида бўладиган ҳамма билиш жараёнларини тартибга солиб қолмай, балки онгнинг зарарланган қисмларини ҳам қайта тиклайди дейди. Бундан ташқари яна бир қатор Санкт-Петербурглик олимлар эмпирик тадқиқотлар ўтказиб, диний амалларни бажариш жараёнидаги руҳий ўзгаришлар билан боғлиқ механизмни топишга ҳаракат қилдилар ва бунинг натижасида муайян натижаларни ҳам қўлга киритганлар. Улар илоҳий ҳодисалардан бўлган – ибодат билан даволашнинг ва психотерапевтик хусусиятларини кашф этишди, ибодат кучли даволаш воситаси деган хулосага келишди [4: 36].

XX аср охирида ғарб психологлари томонидан тавсия этилган инсон руҳий саломатлигини сақлашда зарур бўлган муҳим тавсиялар динлар таълимотларида аниқ кўрсатиб берилган. Мана шундай кўрсатмалардан бири инсоннинг биринчи навбатда руҳий мувофиқлиги, сўнгра ижтимоий мувофиқлигини, яъни бошқалар билан муносабатидаги ўзаро келишувни таъминлайдиган ҳислатларга эга бўлишидир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон феъл-атвори ва табиати жиҳатидан ижтимоий шахс ҳисобланади. Чунки у яқка ўзи яшай олмайди ва ҳаётий фаолиятида бошқа инсонлар билан ўзаро оилавий муносабатлар жараёнида шаклланади. Инсон оилавий муносабатларда тинч ва хотиржам яшай олиши учун ҳамжиҳатлик, жавобгарлик, ўзаро келиша олиш каби ҳислатларга эга бўлиши керак. Руҳий саломатликни таъминлашдаги энг муҳим кўрсатмалар диний эътиқодни руҳий ва ижтимоий мувофиқлаштириш учун инсон ахлоқий, ақлий ва ижтимоий сифатларга эга бўлиши зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Сафронов А.Г. Психология религии: Монография.-Киев: Ника-Центр, 2002. – 170 с.
2. Гамезо М.В. Психология. М., 2007. – 134 с.
3. Джемс У. Многообразие религиозного опыта. М., 1993. – 263 с.
4. Александр М. История религии. М., 2001. – 167 с.

БОЛАНИНГ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИДА ТИЛ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Мухиддинова Умида Асомиддин қизи
ЎзДЖТСУ “Спорт психологияси ва педагогика” кафедраси ўқитувчиси,
Мухиддинова Феруза Асомиддин қизи
ЎзДЖТСУ 1-курс талабаси

Ҳозирги пайтда содир бўлаётган глобал, геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар инсонларга ўзининг қатъий талабларини қўйиши билан ажралиб турмоқда. Бир неча тилларда эркин мулоқот қилишга бўлган эҳтиёж янада ўсиб бормоқда. Инсонларда ахборотни қабул қилиш усули ва ҳажми ҳам ўзгариб бораётганлиги туфайли энди таълимга бўлган ёндашувни ҳам ўзгартириш зарурияти юзага келмоқда.

Инсонлар ўртасида, болага мактабгача таълим даврида чет тилини ўргатиш унга қийинчилик туғдириши ва болалигидан маҳрум қилиши, нутқи ўсишида муаммолар келиб чиқиши ва умумий интеллект ривожланиши учун тўсик бўлиши мумкин, деган қарашлар мавжуд эди. Лекин тадқиқотларда аниқланишича, машғулотларни тўғри ташкиллаштириш болани ривожлантириши билан бирга унинг билими, маданий даражасини ҳамда ўз она тилиси ва умумий интеллектуал ўсишини таъминлар экан.

Чет тилларини эрта ўрганиш ўзга тилда коммуникатив компетенция шаклланиши жараёнини тезлаштирибгина қолмай, балки боланинг умумий ривожланишига ҳам ижобий таъсир этади. Чет тилини эрта ўргатиш деганда, бола туғилганидан то мактабга чиққунига қадар бўлган даврда интуитив-амалий ёндашув асосида тил ўргатиш тушунилади.

Мия ва психика функциясининг юқори пластиклик хусусияти туфайли ҳам болалар ривожланиши катта потенциал имкониятларга эга ва бу жараён уларнинг атрофидаги катталар берадиган таълим ва тарбияга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам болани туғилганидан бошлаб турли соҳаларда ривожлантиришни бошлаш керак.

Штатларда таниқли шифокор бўлган Гленн Доман бошчилигидаги Филадельфия (АҚШ) институтида ўтказилган тадқиқот орқали энг самарали ўқитиш мия ўсаётган даврда амалга ошиши исботланган. Шунинг учун ҳам кичкина болага ниманидир ўргатиш осон кечади. Болада нутқни эгаллаш қобилияти туғилганидан бошланади ва ҳаётининг биринчи йилидаёқ намоён бўла бошлайди. Агар болани тарбияловчи шахслар унинг учун турли тиллар муҳитини (табиий ёки сунъий равишда) яратиб бера олишганида, бола бемалол бир қанча тилда эркин сўзлаша олган бўлар эди. Бола улғайгани сари чет тилини ўзлаштириши ҳам қийинлашиб бораверади.⁴⁵

Бундан ташқари, агар бола бирон бир фаолиятни эрта ўрганса (жумладан, чет тилини эрта ўрганишни бошласа) ва ҳаётининг кейинги давларида уни давом

⁴⁵ Мкртычева Н.С., Тонкошнур П.С. Влияние изучения иностранных языков на развитие ребёнка // Молодой ученый. – 2012. – №4. – С.439-441.

этирса, бу нарса ўзига ёқимли туюлади, ҳамда ўз хоҳиши билан бажаради ва бекорчилик, зеркиш ҳисси бўлмайди. Шу тариқа болада ижобий ўқув мотивацияси шаклланади.

Л.С.Выготский ва Л.В.Щерба сингари психологларнинг фикрича, чет тилларини ўрганиш ўз она тилисини ривожланиши учун яхши таъсир кўрсатади. Россияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, чет тилларини ўрганиш бола ривожланишига, унинг турли ҳаётий вазиятларга адекват муносабат билдиришига ҳамда ўз она тилисини яхшироқ ўзлаштиришига ижобий таъсир этиши аниқланган. Психологларнинг таъкидлашича, чет тилларини ўрганишни бошлаш учун энг мақбул пайт 2 ёшдан 8 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Икки тиллиликни кузатиш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг ичида энг кўзга кўринганларидан бири Ж.Ронжнинг методик тадқиқотлари ҳисобланади. Бундан ташқари, сербиялик лингвист М.Павловичнинг Парижда ўсиб серб ва француз тилларини ўзлаштирган фарзандини, геолог Фольц эса ўзининг малай ва немис тилини ўрганган икки ўғлини кузатишлари орқали келган хулосалари Ж.Ронж келтирган методик тадқиқотларга мос келади.

В.Штерннинг фикрича, бола психикасида ҳар икки тил учун махсус жой, ўзига хос установка шаклланади ва бу тилларнинг оддий механик тарзда қўшилиб кетишига тўсқинлик қилади. Аммо шу билан бирга, тадқиқотларда аниқланишича, болага турли тилларнинг тасодифий, тартибсиз аралашмаси орқали таълим берилса, нутқнинг ривожланишида қийинчиликлар юзага келиши мумкин экан. Шунинг учун ҳам педагог бу жараённи шундай тўғри ва тизимли ташкиллаштириши керакки, бола тил ўрганишни зерикали бир дарс сифатида эмас, балки қизиқарли машғулотдек қабул қилсин.

Болага хорижий тилни ўргатишда шуни ёдда тутиш керакки, турли мамлакатларда тил ўргатишнинг психологик-педагогик концепцияси яқин вақтларгача мавжуд бўлган боланинг тил ўзлаштириш назариясига асосланган. Мазкур назарияга мувофиқ, бола тилни имитатив йўл билан катталар нутқига тақлид қилиш орқали ўзлаштиради.⁴⁶ Айнан шу назария асосида бола иккинчи тилни ҳам худди биринчиси сингари спонтан, қоидаларга амал қилмасдан, йиллар давомида йўқолиб кетадиган ғаройиб имитатив қобилияти орқали ўрганади.

Байналмилал оилада катта бўлган ва болалигиданоқ икки тилда гапиришни бошлаган болаларнинг мия фаолияти анчайин эгилувчан ва тез бўлиб, катта когнитив қобилиятларга эга бўлади. Бу натижа Ж.Мейлер ва А.М.Ковачнинг Триест шаҳридаги Илфор тадқиқотларнинг олий интернационал мактаби (Sissa) да ўтказган ва «Science» журналида нашр этилган тадқиқотлари томонидан тасдиқланган⁴⁷. Маълум бўлишича, икки тилда сўзлашувчи оилада тарбия топган бола когнитив жиҳатдан устунликка эга бўлиб, уларда нафақат вербал функциялар, балки исталган фаолиятни бошқариш учун муҳим бўлган жараёнлар

⁴⁶ Амонашвили Ш.А. Психологические особенности усвоения второго языка школьниками. // Иностранная литература в школе, 1986. - №2.

⁴⁷ Kovacs A.M., Mehler J. Flexible learning of multiple speech structures in bilingual infants // Science. 2009. Jul 31; 325(5940). P. 611-612

тезроқ ривожланади. Бу жараёнлар қўйилган вазифага мувофиқ диққатни масаланинг бир томонидан бошқасига ўтказиш орқали маълум бир ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва бошқаларини тормозлаш имконини беради.

Бундан ташқари, тил ўрганиш мияни ўстиради ва ривожлантиради. Аниқроғи, миянинг айрим соҳалари – гиппокамп ва катта ярим шарлар пўстлогининг баъзи бир қисмлари ўсади. Профессинал таржимонлар миясини ўрганган тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, камида уч ой давомида тил ўрганиш билан чуқур шуғулланган синалувчининг миясида кулранг модда ҳажми кўпайиши кузатилган.

Албатта, тил ўрганишнинг бола ривожланишига таъсирини ўрганиш масалалари махсус тадқиқот ишларини амалга оширишни тақазо этиши билан ажралиб туради. Лекин шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, чет тилини ўрганиш бола шахсининг шаклланиши учун салбий таъсир кўрсатмайди. Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда тил ўрганиш бола ривожланишига ижобий таъсир этишини айтишимиз мумкин.

ШАХС ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Маратов Темур Ғайрат ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада шахсда идентификация ижтимоий феномен сифатида шаклланиши, унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари муҳокама қилинган. Шунингдек, идентификация муаммосини фундаментал тадқиқ этиш масалалари ёритилган.

Kalit so‘zlar: идентификация, шахс, психология, ахборот олами, инқироз, онг.

Аннотация: В статье рассматриваются формирование идентичности как социального явления, его социально-психологические особенности. Также освещаются вопросы фундаментальных исследований проблемы идентификации.

Ключевые слова: идентификация, личность, психология, информационный мир, кризис, сознание.

Abstract: This article discusses the formation of identity as a social phenomenon, its socio-psychological features. It also covers issues of fundamental research on the problem of identification.

Keywords: identification, personality, psychology, information world, crisis, consciousness.

КИРИШ

Замонавий инсоният юксак илмий-технологик тараққиёт билан бирга инсон руҳий борлиғи билан боғлиқ масалаларга бўлган қизиқиш, жу жумладан, турли хил омилларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ўзига хос тусга эга бўлиб бораётган даврни бошдан кечирмоқда. Айти вақтда шахс шаклланишида идентификация жараёнининг тўғри ёки нотўғри кечиши унинг барча фаолият кўринишларида ўзининг ижобий ёки салбий таъсирларини кўрсатиши мумкин. Инсон бутун ҳаёти давомида ўзликни англаш, инсониятни қийнайдиган азалий масалаларнинг ечимини топишга интиланган, аввало, бу жараённинг психологик қонуниятлари ва, биринчи навбатда, унга таъсир кўрсатувчи шахс омилини чуқур ўрганиш бу йўналишдан келиши эҳтимол тутиладиган хавф-хатарлар олдини олиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни тўғри ташкил этиш нуқтаи назаридан долзарб аҳамият касб этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Идентификация психология фанлари тармоғида фундаментал муаммо сифатида қаралади. Идентификация феномени кўп қиррали категория сифатида, инсонларнинг дунёни англаши, ўзини-ўзи таниши, ўзини шахс сифатида қабул қилиши тўлиқ ўрганилмаган жараён бўлиб, узоқ йиллардан буён олимларни тадқиқот ўтказишга ундаб келмоқда. Шахс идентификацияси Ф.Е. Василюк, А.А. Галкинанинг, ижтимоий идентификация А.Г. Асмолова, Г.Л. Берднернинг, гендер идентификация Т.С. Баранова, Дж.Г. Беннетнинг, этник идентификация у Ф.Е. Василюк ва бошқаларнинг асарларида кенгрок ёритилган. Муаммонинг бундай хилма-хиллиги ва ноаниқлиги идентификация муаммосини амалий ўрганишда ва унинг терминологик таърифида қийинчиликлар туғдиради. Бугунги замонавий жамиятдаги ўзгаришлар, инсониятнинг ижтимоий-маданий яшаш шароитларининг тараққий этиши, мислсиз ахборот оламидаги таъсирлар остида ҳаёт кечириш шахс ўзини-ўзи идентификация қилишини мураккаблаштириб юбормоқда, шунингдек, бу тушунча феноменга айланиб бормоқда

Жадаллик билан ўсиб борувчи техника тараққиёти ва тарихий жараёнларга ижтимоий-психологик мослашиш турли хил субъектлар учун ҳар хил кўринишда амалга ошади. Инсоният онги мунтазам оммавий хужумларга учрамоқда: янги мобилликларнинг пайдо бўлиши, кундалик ҳаётнинг чалкашликлари, глобаллашув, ва ҳ.к. Инсоният ўзини идентификация қилиш учун қайсидир маънода кучини йўқотиб бормоқда. Натижада шахс идентификацияси инқирози пайдо бўлмоқда. Баъзи тадқиқотчилар шахс идентификациясини аллақачон глобал инқироз деб баҳолашган.

Э.Эриксон тадқиқотларида “Идентификация”ни инсоннинг онгли равишда яхлитлигини, бир бутунлигини, доимийлигини вақт ва маконда барқарорлигини ифодаловчи “Мен” тушунчаси атрофида ўрганилганлигини кўришимиз мумкин.

Кўпгина тадқиқотчилар идентификацияни инсоннинг индивидуал потенциали ва жамият билан ўзаро таъсирлашуви натижасида пайдо бўлувчи шахснинг таркиб топиш жараёни деб таърифлашади.

И.О. Коннинг таъкидлашича, «инсон учун идентификация шунчаки ўзини анлаши, таниши эмас балки эътиқодлари ва установкалари орқали аниқ белгиланган ўзига нисбатан муносабатидир».

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шахс ўз идентиклигини англаши учун маълум бир ижтимоий гуруҳда ўз-ўзини тавсифлай олиши ва қандайдир ролни бажариши талаб этилади. Э.Эриксон Идентификацияни олтига параметрини таклиф этади:

1. Идентификация - бу индивидуаллик асосида ҳам, ижтимоий-маданий турмуш тарзи асосида ҳам локализация қилинган жараён.

2. Идентификациянинг шаклланиши инсоннинг барча психик фаолиятида доимий онгсиз акс эттириш билан боғланган.

3. Идентификациянинг шаклланиши – бу доимий ўзгаришдаги ва ривожланишдаги жараёндир.

4. Идентификациянинг шаклланиши – бу маълум бир шахснинг айна вақтдаги ички инқирозлари тарихий инқирозлар таъсири натижасида келиб чиқувчи жараёндир.

5. Идентификациянинг шаклланиши – бу фақат ижтимоий ёки индивидуал психология шартларига тўғри келмайдиган доимий ривожланаётган инсоннинг жараёни.

6. Идентификациянинг шаклланиши – бу инсоният дунёсининг янги қирраларини очувчи янги методлар зарурати билан боғланган янги фикрлаш ва кузатиш жараёнидир.

Дж. Марсия идентификацияни «ўзини-ўзи яратадиган, қобилиятларни, эътиқодларни ва инқирозларни енгиб чиқадиган индивидуал-тарихий динамикани ташкил этувчи» эго тузилиши деб таърифлайди.

А. Ватерман идентификацияни аксиологик жиҳатларини таърифлашга ҳаракат қилади. «Идентификация инсонда ўзини-ўзи англаши ва ҳаётда кузатадиган эътиқод ва қадриятларни танлаш асосида шаклланади». А. Ватерманга кўра, «Шахсда идентификацияни шакллантиришнинг энг муҳим йўналишлари: ижтимоий ролларни қабул қилиш, касб танлаш, сиёсий қарашларни ривожлантириш, маънавий, ахлоқий ва диний эътиқодларни қайта баҳолашдир».

Ж.Миднинг таъкидлашича Идентификациянинг бир нечта тамойиллари мавжуд бўлиб, улар:

1) Англоланган идентификация: бунда инсон бутунлай мустақил ва еркин.

Хулқ-атворини таҳлил этади, аниқ мақсадга эга бўлади;

2) Англоланмаган идентификация: инсон ритуалларни, одатлар ва хулқ-атвор нормаларини қабул қилади лекин уларни ўзида акс эттирмайди.

Когнитив-йўналтирилган психология йўналиши валиллари Х. Тэджфел, Дж. Тернер, Г. Брейкуэллар идентификацияни хулқ-атворни тартибга солиш ролини ўйнайдиган когнетив: лингвистика ва ижтимоий тизимдан иборат деб таъкидлашади. Бунда идентификация инсон ҳаёти давомида мунтазам ривожланиб боради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Идентификация икки жараён ёрдамида амалга оширилади:

–янги таркибий қисмларни ўзлаштириш ва уларни мослаштириш орқали

–янги ва эски компонентларнинг маъноси ва қийматларини аниқлаш орқали.

Идентификация муаммосига оид собиқ иттифоқ психологиясининг ёндошувлари ҳақида гап кетганда, авваламбор, Л.С.Виготскийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: "инсон психикаси жараёнлари шахслараро муносабатларга асосланади. Шахс ўзининг ички дунёсини фаолиятининг тарихий шаклланган шакллари ва турларини интериоризатсия қилиш орқали шакллантиради. С.Л. Рубинштейннинг фикрича: «Инсон мавжудлигининг ўзига хослиги инсонни ўзини-ўзи ва бошқалар томонидан эътироф этиши билан белгиланади.»

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 90-йилларига қадар собиқ иттифоқ давлатларида идентификация муаммоси амалий жиҳатдан деярли ўрганилмаган. Собиқ иттифоқ психологиясида идентификация муаммосини турли жиҳатларини тадқиқ этиш борасида И.С.Коннинг ишларини мисол келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра шахсда учта идентификация тури мавжуд:

1. Психофизиологик идентификация – организм тузилишидаги физиологик ва руҳий жараёнларнинг бирлиги ва узлуксизлиги;

2) Ижтимоий идентификация – бунинг натижасида шахс жамият ва гуруҳ аъзосига айланади ва шахслар ижтимоий мавқеи ва ўрнатилган меъёрларга кўра ижтимоий синфларга мансублигига қараб бўлинади;

3. Шахсий идентификация - ҳаётнинг бирлиги ва давомийлиги, мақсадлари ва мотивлари.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Агар шахс идентификацияси шахс ҳаётининг мазмунини ўзга инсонларнинг ҳаёт мазмуни билан қиёслаш механизми бўлса демак, идентификация – бу айнан ўша механизмнинг харакатланишидир. Идентификация феноменини ўрганишнинг мураккаблиги шундаки, ушбу ҳодиса мураккаб таҳлилларни талаб этувчи жуда

кўплаб психо-ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқдир. Шу боисдан ушбу феноменни мавжуд назарий тушунчаларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. G'oziyev, E. (2010). Umumiy psixologiya. Yangi asr avlodi.
2. Davletshin, M. (2002). Umumiy psixologiya. TDPU.
3. Баранова Т.С. (1993) Теоретические модели социальной идентификации личности // Социальная идентификация личности. М.
4. Василюк Ф. (2004)., Исповедь и психотерапия // Московский психотерапевтический журнал, №4.
5. Василюк Ф. (2003)., Молитва и переживание в контексте душепопечения // Московский психотерапевтический журнал, №3.
6. Демченко О.Н., Мытиль А.В. Социальная (1995)., идентификация и адаптация личности, // Социологические исследования. - - №6. – С. 110-119
7. Заковоротная М.В, - Идентичность человека. (1999)., Социальнофилософские аспекты. - Ростов - на - Дону: СКНЦВШ. - - 261 с.
8. Рубинштейн С. Л. (2001)., Основы общей психологии. – СПб.: Питер,. – 866 с.
9. Хантингтон С. (2003). Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ.
10. Шнейдер Л.Б. (2000)., Профессиональная идентичность. – М.
11. Samarova Shoxista Rabidjanovna, Rakhmonova Muqaddas Qahramanovna, Mirzarahimova Gulnora, Ikromovna, Maratov Temur Gayrat ugli, Kamilov Bobir Sultanovich. (2020). Psychological aspects of developing creative personality and the concept of reduction of creativity to intellect. JCR. 7(17): 498-505. doi: 10.31838/jcr.07.17.6
12. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБУЧЕНИЯ ДЕТЕЙ СОЗИДАТЕЛЬНОМУ МЫШЛЕНИЮ

*Юсунов Жасур Зоир угли,
Сулаймонов Бекзод Улугбек ўгли
студенты Чирчикский государственный педагогический институт*

В статье рассматриваются психологические особенности дошкольников. Обсуждаются также психологические механизмы обучения детей самостоятельному и творческому мышлению.

Ключевые слова: творчество, феномен, игра, игровая терапия, творчество, творчество, прогрессивные изменения.

Сегодня человек живет в постоянно меняющейся социально-экономической и социокультурной среде. Чтобы выжить в столь быстро меняющемся мире, он должен обладать личными знаниями, которые помогут ему адаптироваться к новым условиям для постоянного развития и адаптации. Одна из таких важных компетенций сегодня - это творческое мышление, высокая творческая активность и творческое поведение. Сегодня деятельность, ориентированная на творчество, изобретательность, новаторство, понимается как творческая деятельность. Творчество происходит от английского слова «create», которое происходит от слова «креативность», способности человека быть творческим, уровня творческого таланта, далеких от традиционной или привычной схемы мышления человека, принципиально нового. «Готовность создавать гнезда, а также уникальным образом решать проблемы - это способность восприниматься как независимый фактор таланта.

Проблема формирования творческого мышления у детей дошкольного возраста изучается на протяжении многих лет как проблема, интересующая многих исследователей. По мнению П.Ф. Легафта (1837–1909), именно на этом этапе жизни человека определяется его будущий характер и закладываются основы нравственного облика[1].

В.Н. Дружинин, А. В. Запорожец, А. Н. Леонтьев, Н. Н. Поддяков, Д. Б. Богоявленская, В. А. Кудрявцев, О. М. Дьяченко, А. М. Матюшкин, К. Хеллер, Н. С. Лейтес, Дж. Гилфорд и другие ученые внесли свой вклад. В своей работе они описывают творчество как уникальный аспект мышления, который отличает его от других психических процессов. Они связали творчество с личными качествами детей и их воображением. Творческое мышление и творческое воображение - важная составляющая творческих способностей человека. Дошкольное учреждение является наиболее продуктивным периодом для формирования творчески активной личности, поскольку именно в этот период происходят прогрессивные изменения психических процессов (память, речь, внимание, мышление, воображение, восприятие) и быстро развиваются личностные качества. Креативность в дошкольном учреждении развивается с помощью различных детских занятий, таких как коммуникативные, практические игры. В практике дошкольных образовательных учреждений наблюдается тенденция к усилению внимания воспитателей к творческому развитию учащихся. Можно сделать вывод, что одна из самых актуальных задач, стоящих сегодня перед методистами и психологами - личностно-ориентированная работа с ребенком, которая помогает раскрыть творческий потенциал дошкольника, - это совершенствование методов взаимодействия[1].

Для анализа психолого-педагогической литературы и практической деятельности дошкольного образования необходима образовательная программа, способная в полной мере развить творческие навыки в дошкольном образовании, в том числе творческие способности дошкольников.

Недавние исследования образовательных и исследовательских учреждений показали, что качественные изменения психофизиологии, психики и личностных качеств современных детей высоко ценятся. В частности, было отмечено, что у детей резко снижается воображение, любознательность, творческие способности[5].

Один из американских психологов Д.Дж.Гилфорд впервые в своей научной работе сравнил творчество и интеллект. Пол Торренс определил творческие способности с точки зрения мышления и создал программу для развития творческих способностей детей, а также тесты для определения творческих способностей у маленьких детей. Узбекские ученые Э. Газиев, П. Суннатова, З. Нишонова внесли большой вклад в научное обоснование психофизиологических особенностей психологии мышления, самостоятельного мышления, творческого мышления[2].

Движущей силой четвертой по величине индустриальной цивилизации в мире сегодня является творчество. Если вы посмотрите вокруг, то повсюду увидите уникальные и удивительные образцы человеческого творчества: электронные сервисы, виртуальную реальность, прямоугольные арбузы, беспочвенный урожай ... Все это продукт человеческого воображения и мышления. Книжки, музыка, здания, самолеты и даже лампы, которые кажутся нам сегодня такими знакомыми, когда-то были мечтой и воображением, а позже были созданы в результате интеллекта.

Чтобы развить в человеке творческие качества, в первую очередь необходимо знать содержание этого понятия. Творчество происходит от английского слова «создавать», что означает создавать. Креативность - это творческая способность человека вводить новшества и решать проблемы. В его основе оригинальность, практичность, необычность и свобода[3]. Кроме того, творческое мышление означает всестороннее мышление по конкретной проблеме, подход к вопросу с разных сторон.

Творчество как категория, развивающая личность, является неотъемлемой частью человеческого мышления, духовность проявляется не в многогранном характере знаний, которыми обладает индивид, а в поиске новых идей, реформировании и изменении устоявшихся стереотипов. Сама в принятии неожиданных и необычных решений. То есть творчества нельзя достичь повторением данных знаний, главным условием в процессе творческого мышления является появление новой идеи, новой идеи.

Человеческий мозг использует шаблоны и стереотипы, чтобы «облегчить» свою работу. Стереотипы - это известные и общепринятые идеи. Размышление о них не дает нам новых идей. В формировании стереотипов также преобладает общественное мнение, формы и проявления, представленные в СМИ. Все согласны с тем, что людей нельзя изолировать от общества. Кроме того, «плавать в потоке» кажется проще, чем думать самостоятельно. При осмыслении стереотипов, когда человеческий разум «задается вопросом» по определенной теме, возникает обычная информация и обратная связь. Например, когда мы говорим «Новый год», мы имеем в виду богатый стол, газированные напитки, которые не падают с рекламы, елку и т.д., А в образе деда - старик в очках,

держаний палку. в его руке. Творчески мыслящие люди могут создавать образы, отличные от обычных, и создавать новые вещи.

Есть несколько способов думать, основанных на стереотипах и стереотипах. Например, полярное мышление предполагает восприятие всего двумя способами - хорошего или плохого, видение мира в черно-белом цвете. На самом деле не бывает хорошего или плохого, это то, во что превращаются наши мысли. У каждой ситуации и процесса есть свои плюсы и минусы. Односторонние подходы и необоснованные выводы также являются проявлениями стереотипного мышления[3].

Упражнения:

«Творчество - это произвольный процесс», - говорит Томас Эдисон. Но каждый день многие профессионалы считают необходимым находить нестандартные решения проблем. Могут ли они добровольно участвовать в этом принудительном процессе? В природе нет «волшебной палочки» для создания новых идей, но есть много способов помочь любому профессионалу мыслить творчески. Для этого необходимо потратить время на творческое мышление, реализовать творческий потенциал.

На наш взгляд, использование творческих игровых заданий, жизненных и сказочных ситуаций, творческих упражнений и игр, комплекса мероприятий, разработанных с использованием методов активизации творчества, будет более эффективным в развитии творческого мышления у детей дошкольного возраста.

Наши творческие дети быстро усваивают и быстро усваивают и реализуют все образовательные, педагогические и профессиональные наставления взрослых. Дошкольники, умеющие творчески мыслить и развивать творческое мышление, в будущем сделают великие изобретения и открытия, которые, безусловно, будут способствовать развитию их Родины.

Литература:

1. Р.Г.Кодиров (2005). Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: (6-7).
2. Г.Р Тўхтасинова, Т.И. Ўрмонова (2005). Болалар боғчасида интеллектуал психологик ўйинлар Т.:(4-5)
3. Болалар иқтидорини эрта аниқлашнинг психологик-педагогик методикалари мажмуаси (2010).
4. Гармонично поколение-условие стабильного развития Республики Узбекистан. Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук имени Т.Н Кари-Ниязи. (2019). Сборник научно-методических статей. Ташкент. 3 том. С (325-327)
5. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАР КЎЛАМИ

*Абдусаматова Каромат Нуриддиновна
Ўрта Чирчиқ тумани 72-мактаб психологи*

Таянч сўзлар: ота- оналар кўмитаси, вакиллар, кўмита, мактаб қоидалари, тарбия

Таълим муассасасининг педагоглар жамоаси болалар тарбиясида ижобий натижаларга эришиши учун ўқувчиларнинг ота-оналари билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

Оила билан ҳамкорликнинг самарали шаклларида бири — мактабда ота-оналар кўмитаси фаолиятини йўлга қўйишдир. Мактабнинг ота-оналар кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Умумий ўртатаълим муассасалари ота-оналар кўмитаси тўғрисидаги Низом» асосида ташкил этилади. Ота-оналар кўмитаси ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш ва таълим- тарбия ишларининг кенг қамровли бўлишини таъминлаш, мактаб ҳудудидаги болаларни умумий мажбурий таълимга тўла тортиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот-ташвиқот ишлари-ни олиб бориш, мактаб ва оила ҳамкорлигидаги тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва ота-оналарининг ўз фарзандларини тарбиялашдаги масъулиятларини ошириш, ўқувчиларнинг умумтаълим мактабида ва мактабдап ташқарида «Ўқувчилар учун қоидалар» га амал қилишларини таъминлаш, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни йўлга қўйишда ва болалар қаровсизлигининг олдини олиш, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш, мактабнинг хўжалик ва санитария ишларини яхшилаш, ўқувчиларнинг оилалари билан алоқа боғлашда педагогларга ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни амалга оширади. Ота-оналар кўмитаси таълим муассасаси томонидан тасдиқланган иш режаси асосида фаолият кўрсатади. Ота-оналар кўмитасининг қарорлари таълим муассасаси директори тасдиқлагандан кейингина кучга киради. Ота-оналар кўмитаси таркибига ҳар бир синф ўқувчиларининг ота-оналар кўмиталаридан вакиллар киритилади. Таълим муассасаси Ота-оналар кўмитасининг раиси мактаб педагогик кенгаши ҳамда васийлик кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

Ота-оналар кўмитаси кундалик ишда ота-оналар йиғилиши қарорларига, мактаб директорининг ва педагогик кенгашининг кўрсатмаларига амал қилади. Шунингдек, ота-оналар кўмитаси ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказиш, кўмита аъзоларини ўқувчиларнинг уйларига юбориш, кўмита йиғилишларига маҳалла фаолларини суҳбат учун таклиф этиш, умуммактаб ва синф ота-оналар мажлисларини чақириши йўли орқали ота-оналар билан яқин ҳамкорлик алоқасини йўлга қўяди. Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ривожлаштиришда қуйидаги мақсад ва вазифаларми амалга ошириш лозим: биринчидан, умумтаълим мактаблари таълим-тарбия жараёнида мактабдан

ташқари таълимни ривожлантириш, яъни ўқувчиларининг умумтаълим давлат таълим стандартларига нисбатан кўшимча билимлар эгаллашлари ҳамда қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра уларнинг ижодий қобилиятларини намоён этувчи, касб-хунарга йўналтирувчи замонавий тизимни шакллантириш, уни мазмунан такомиллаштириш ва услубий таъминотини амалга ошириш.

Синф раҳбарлари услубий бирлашмасида — услубий бирлашма аъзолари рўйхати, йиллик иш режаси, услубий бирлашма мажлис басилари, фаолият дастури ва лойиҳалари, тахлилий материаллар, синф раҳбарларининг илғор тажрибалари, иш жилдлари, ҳужжатлари бўлиши лозим.

Услубий бирлашма раҳбари услубий бирлашма фаолиятини режалаштириш, ўтказиш ва таҳлил этиб бориш, бирлаиша иши ҳақидаги ҳужжатларни ўз вақтида тузиш, расмийлаштириш, услубий тажрибаларни жамлашга масъулдирлар.

Синф раҳбарининг тарбиявий ишларга онгли ёндашуви, аниқ таҳлиллар асосида вазифаларни белгилаши кутилган самаралар беради.

Ўзбек халқи ўзининг тарбияга оид улкан меросига эга. Бу мерос бугунги авлодни инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, оқибат, меҳнат-севарлик, ватанпарварлик, мардлик, юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Тарбия — ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидаги энг мукамал зот бўлиши учун аввало тарбиялаши зарур. Бунинг учуи унга энг аввало тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим.

Хуллас, тарбия масаласи, ҳар томоилама етук комил инсонни тарбиялаш эса бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Болага инсоний муносабатда бўлиш, унинг ички дунёсини ўрганиш, қайғу-аламларига, дардига шерик бўлиш тарбиянинг тўғри бўлишига хизмат қилади. Тўғри тарбия ўз олдида боланинг қобилиятини йўқ қилиб ташлашни эмас, балки ҳар томонлама ривожлантиришни, унинг иродасини, характерини мустаҳкамлаш вазифасини қўяди. Бу ерла педагогик усуллардан фойдаланишимиз лозим. Бу масъулиятли, шарафли ишни оила, мактаб, маҳалла, жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Т., 1997.
2. Ж.Ғ.Йўлдошев.Талаба маънавиятини шакллантириш (қўлланма) – Тошкент – 2011й.
4. Рахимжонов Н. “Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли” Т., 2015 (Б.М.И.)

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ХУЛҚ-АТВОР ХУСУСИЯТЛАРИ

*Алимова Алия Абдухакимовна
Қибрай тумани 41-мактаб психологи*

Таянч сўзлар: тобе, ёш даврлари, онтогенетик, кичик мактаб ёши, психологик тайёргарлик.

Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Ёш авлод ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитратнинг қуйидаги фикрлари “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлишиёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. Илмий кузатиш ва тадқиқотларда инсон ўз ҳаёти давомида оладиган барча маълумотнинг етмиш фоизини ёшлигида олиб улгуриши келтирилган. Ўқувчи болалар шахси шаклланиши ўз моҳияти жиҳатидан катта кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларига фаол тақлид қилишдан иборат бўлиши туфайли болаларда маънавий сифатларнинг мустаҳкамланиши учун ва одоб-ахлоқ қоидаларини билиб олишлари учун кенг имкониятлар беради. Ёш даврлари муаммосини ўрганиш кўпгина олимларни қизиқтириб келган муаммолардандир. Л.С.Выготский биринчилардан бўлиб шахс онтогенетик ривожланишини даврлаштиришда тарихийлик тамойилига амал қилиш лозимлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, болалик – бу мураккаб ижтимоий маданий ҳодиса бўлиб, табиатан тарихий келиб чиқиш характерига эга. *Кичик мактаб ёши даври* – ҳамкорлик ва мулоқот малакалари ривожланади, ўз-ўзини англай бошлайди, унда спорт, ўқиш ва тақлид қила билишга оид кенг қамровли лаёқатлар таркиб топади. Бу ёш босқичи ўзгалар билан келишиш лаёқатининг шаклланиши билан бошқа ёш босқичларидан фарқ қилади. Эндиликда бола ўз фикрларини мулоҳаза қилади ва ҳаракатларини бошқаларнинг қизиқишларига қараб тартибга солади. Оддийроқ қилиб айтганда, бола - бирор иш, яъни фаолият тури билан шуғулланар экан, ўзгаларнинг истак ва қизиқишларини ҳисобга олади;

- ўз фикри мавжудлигини намоён этади, бошқаларнинг мулоҳазаларига солиштириб, ўз фикрини шакллантира билади;
- болада ота-онага боғлиқликнинг камайганлиги сезилади;
- у ўз фикр-мулоҳазасига эга бўла боради;
- қизиқишларини асослаш ва уларни ҳимоя қилишга интилади;
- ўз ишларини мустақил ҳал этади;
- қийинчиликка учраса, катталардан маслаҳат ва кўмак олиши лозимлигини билади.

Одатда психология фанида кичик мактаб ёши даврига 6 ёшдан 10 (11) ёшгача бўлган бошланғич синф (I-IV) ўқувчилари киритилади. Ушбу ёшдаги бола ўз идрокининг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, унинг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, хаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги билан бошқа ёшдаги ўқувчилардан (жумладан, ўсмирлардан) ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрлик кўраётган болада диққат нисбатан узоқ муддатли ва шартли равишда барқарор кўринишга эга, деб ҳисоблаш мумкин. Диққатнинг хусусиятлари (тақсимланиши, кўчиши, кучи, барқарорлиги, бўлиниши, тебраниши ва бошқалар) унинг роли ва сюжетли ўйин фаолиятларида, расм чизиш ва кўриш, яшаш машғулотларида, лой ҳамда пластилиндан нарса яшашда, катта ёшдагилар ва тенгқурлари нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни бажаришда, ҳикоя тинглаш ҳамда

шахсан ўзи ҳам тузишда бевосита намоён бўлади. Бу даврга келиб, бола ўз диққатини муайян объектга, нарса ва ҳодисаларга йўналтиришга, тўплашда ва уни мустақкамлашда ҳамда тақсимлашда маълум даражада кўникмани эгаллаган бўлиб, ўз диққатини бошқариш, зарур пайтда, уни шахсан ташкил қилишга интилади. Унинг хотираси кизиқарли ажойиботларга, ғаройиботларга бой, вояга етган кишини таажжубга соладиган маълумотлар ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эгадир. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни эгаллаб келган бўлса, энди у ўз хоҳиш иродаси билан, муайян мотивацияга асосланган ҳолда зарур маълумотлар олишга, ўз олдига яққол мақсад ва аниқ вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг муайян тараққиёт даражасига эришганлигини унинг хотираси фаоллиги намоён қилади. У ўзининг унча бой бўлмаган шахсий тажрибасига асосланиб, шеър, хикоя, эртакларни эсда қолдириш учун уларнинг такрорланганлиги, ёд олишнинг қулай йўл ва усуллари билан фойдаланганлиги таълим жараёнида унга жуда қўл келади. Демак, у ўқиш, идрок қилиш, ўзлаштириш техникаси билан яқиндан танишишга эришади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. Э. Ғозиев. «Ёш давлари психологияси» Тошкент. 1992 й.

3. Нишонова З., Алимova Г. Болалар психологияси ва ўқитиш методикаси. Т. 2007

4. Нишонова З.Т. «Умумий психологияси» укув кулланма. – Т., 2006 й.

ПСИХОДИАГНОСТИКА МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Кучқарова Хадича Собиталиевна
Ўрта Чирчиқ тумани 56-мактаб психологи*

Таянч сўзлар: психологик диагностика, ҳулқ атвори ва психик фаолияти, психологик-педагогик коррекция

Мактаб таълим муассасалардаги психологик диагностика таълимнинг зарурий таркибий қисмидир. Унинг зарурийлиги мактаб таълим муассасалар эҳтиёжларидан келиб чиқади. Ҳар бир болада ҳаётга ижодий муносабат ва индивидуал хусусиятларнинг тараққиётини таъминлаганлигини психодиагностика ишлари тўғри ташкил этилган дейиш мумкин. Психолог ўзининг инсон ҳулқ атвори ва психик фаолияти, психик тараққиётнинг ёш қонуниятлари ҳақидаги касбий билимларига, уларнинг ўқувчилар ва катталар, тенгдошлари билан ўзаро муносабат хусусиятларига, ўқув – тарбия жараёнини ташкил этишга боғлиқлигига таяниб, болага индивидуал ёндашув имкониятларини таъминлайди, унинг қобилиятларини аниқлайди, нормадан четлашишларнинг бўлиши мумкин бўлган сабабларини психологик-педагогик

коррекция қилиш йўллари аниқлайди. Бу билан мактаб таълим муассасасида ўқув тарбия ишининг махсуддорлигини оширишга, ижодий фаол шахсни шакллантиришга имкон беради.

Барча методларни Л.Ф.Бурлачук бўйича тадқиқотчилик ва диагностик методларга ажратиш мумкин. Тадқиқотчилик методлари ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) Ноэкспериментал методларга кузатиш, суҳбат, фаолият маҳсулини ўрганиш методларини киритиш мумкин.
- 2) Экспериментал методлар тадқиқ қлинаётган омилларни ўрганиш учун мақсадга қаратилган шароитларни яратишга асосланади ва тадқиқотчининг синалувчи фаолиятига фаол тарзда аралаштириш имкониятини беради. Ушбу метод негизида психологияда анъанавий бўлган кўп сонли лаборатория ва табиий эксперимент методлари яратилади.

Психодиагностик методнинг асосий хусусияти унинг ўлчаш-текшириш характерда эканлигида бўлиб, шу туфайли ўрганилаётган ҳолатни миқдорий ҳамда сифатий тавсифлашга эришилади. Л.Ф.Бурлачук фикрига кўра, психодиагностик методларни уч хил ёндашув асосида таснифлаш мумкин.

1. Объектив ёндашув - диагностика фаолиятни бажариш самарадорлигига қараб амалга оширилади.
2. Субъектив ёндашув – синалувчининг ўзи ҳақида берган маълумотлари ўз-ўзини тавсифлаш ва баҳолаш асосида диагностика қилинади.
3. Проектив ёндашув – ташқи жиҳатдан нейтрал, ноаниқ стимул билан ўзаро таъсирни таҳлил қилиш асосида диагностика қилинади.

Психодиагностик методикалар қўлланилишидан олдин юқори сифат ва самарадорлигини кўрсатувчи мезонлар асосида текширувдан ўтказилиши лозим. Психодиагностик методикаларни баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида ишонччилик ва валидлик олиниши мумкин.

Валидлик – методика ёрдамида олинган маълумотларнинг методиканинг нимани аниқлашга қаратилганлиги, яъни методика моҳияти билан мослиги.

Ишонччилик – психодиагностик методиканинг сифати бўлиб, натижалар барқарорлиги ва такрорланишини кўрсатувчи мезон.

Шахсни ўрганиш тестларини конструкциялаш ўзида психометрик асосий талабларга жавоб берувчи ўлчаш воситаларининг яратиш жараёнини талаб этади.. Ҳар қандай тест ишонччи, валидди ва стандартлаштирилган бўлиши керак.

Диагностик методларни қўллаш ҳуқуқи маълум малакага эга бўлган мутахассисларга берилган. Ҳозирда эса имкони бор киши улардан фойдаланмоқда. Америкалик психологлар фикрига кўра, методикаларга эга бўлиши учун мутахассис психолог ёки унинг тўғри қўлланилишини ўз масъулиятига олган кишиларнинг имзоси бўлган тақдирдагина фойдаланишлари мумкин.

Психодиагностика методларига қуйидагилар киради:

- 1.Кузатиш
- 2.суҳбат
- 3.тест-сўров
- 4.Проектив

5. Социометрия
6. Моделлаштириш
7. Эксперимент

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Нишонова З.Т. «Ёш даврлари психологияси» укув кулланма. – Т., 2006 й.
2. Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование. СПб.: Питер, 2001.
3. Андрущенко Т.Ю. Диагностические пробы в психологическом консультировании. М.: Академия, 2004.

ТАФАККУР ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Мамирова Барно Хасановна

Оққўрғон туани 29-мактаб аммалиётчипсихологи

Таянч сўзлар: тафаккур, янгилик очиш, башорат қилиш, ижодий тафаккур, алломалар

Тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ (тўғри), тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттиришга (билишга), инсоннинг тагин ҳам оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради, деб таърифланади. Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, ижтимоий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир. Тафаккурнинг энг муҳим хусусиятлари ва функцияси, яъни сўз (фикр) билан умумлаштириб, ижтимоий-сабабийлик, янгилик очиш, башорат қилиш, жараён, фаолият ва бошқалар. Тафаккур операцияси: анализ ва синтез операциялари. Анализ шундай бир тафаккур операциясидирки, унинг ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларни фикран ёки амалий ва хусусиятларини тахдил қиламиз. Алломаларнинг айтишича, маймуннинг ёнғокни чақшининг ўзиёқ бошланғич оддий анализдир. Болалар, ёшлар турмушда ва дарс жараёнида анализ ёрдами билан кўпгина ишларни амалга оширадилар, топшириқлар мисол ва масалаларни ечадилар. Демак, табиат ва жамиятдаги билим ва тажрибаларни инсон томонидан ўзлаштириб олиш анализдан бошланар экан.

Ўқувчи болаларда ижодий тафаккурни ривожлантирувчи методикалар «Почта қутиси» методикаси. Мақсад: катталиқни фарқлаш даражаси, кўرғазма-ҳаракатли тафаккурнинг шаклланганлигини текшириш.

Жиҳоз: пластмасса ёки ёғоч қути, унинг устида шакллар формаси кесилган ва қути устидаги ўйилган шаклларга мос ҳажмли шакллар.

Ўтказиш техникаси: болага берилади: а) сўз кўрсатмаси, «Сен ёнингда ҳар хил шакллар қирқилган қути турибди. Қўлингдаги шакллардан қути устидаги шаклга мосини танлаб, қути ичига ушбу шакл орқали ташла»; б) имо-ишорали кўрсатма (эшитиши ва нутқида камчилиги бор болаларга). Эксперимент ўтказувчи битта шаклни олиб, мос шаклли тешик орқали қути ичига ташлайди ва имо-ишора орқали болага давом эттиришни таклиф этади.

Агар бола топшириқни тушунмаса ва бажармаса унга ёрдам кўрсатилади: «Яхшилаб қара, ушбу шаклни қаерга ташлаш мумкин» ёки имо-ишора орқали шаклнинг қирраларига диққат қаратилади.


Агар бола топшириқни қабул қилмаса ва ноўрин ҳаракатда давом этса, унга ўргатувчи ёрдам берилади, нутқий шакли: «шаклни олиб галма-галдан ҳар бир тешикка қўйиб кўрамиз, токи тўғри келадиганини топмагунча» ёки имо-ишора орқали: болага танлай олиши учун шаклни ҳар бир тешикка тикиб кўришни, то керагини топмагунча давом эттириш кераклиги кўрсатилади.

Агар бола ушбу ёрдамдан кейин ҳам ноўрин ҳаракат қилса, текшириш тўхтатилади. Агар бола ҳаракатларини тушуниб бажара олса, кути ўгирилади ва мураккаброқ вариант берилади.

“Гуруҳларга бўлиб кўрчи” методикаси

Болага расмдаги тасвирлар; кўрсатилиб, қуйидаги йўриқнома берилади:

«Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ва уларни иложи борича кўп гуруҳларга бўляб чиқ. Ҳар бир гуруҳга, умумий белгиси бир хил бўлган фигураларни кирит ва ҳар бир фигуранинг номини айт, ҳамда қандай белгилар асосида бўлиб чиққанингни тушунтириб бер».



Топшириқни бажаришга 3 дақиқа вақт берилган.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл — бола ҳамма фигураларни 2 дақиқадан кам вақтда гуруҳларга бўлиб чиқса қўйилади. Бу фигуралар гуруҳи қуйидагича: учбурчак айланалар, квадратлар, ромблар, қизил фигуралар, (расмда улар қора рангда берилган), кўк фигуралар (улар тўғри чизик билан штрих қилинган), сариқ фигуралар (улар катаклар билан белгиланган), катта фигуралар, кичик фигуралар;

8-9 балл бола ҳамма фигураларни 2,0 дақиқадан 2,5 дақиқагача бўлиб чиқса қўйилади;

6-7 балл — бола ҳамма фигураларни 2,5 дақиқадан 3,0 дақиқада бўлиб чиқса қўйилади;

4-5 балл — 3 дақиқа мобайнида бола 5 дан 7 гача гуруҳга бўлиб чиқса қўйилади;

2- 3 балл— 3 дақиқа мобайнида бола 2 дан 3 тагача гуруҳга бўлиб чиқса қўйилади;

0-1 балл—3 дақиқа мобайнида бола 1та гуруҳдан кўп гуруҳга бўла олмаса қўйилади.

Мактаб ўқувчиларда тафаккур ривожланишининг илдам кадамлар билан олга қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. «Илк қадам» таянч дастури, Тузувчилар: С.Мирджалилова, М.Расулева ва бошқалар. Т., 2007 й.

2.Вохидов М.. «Болалар психологияси» Тошкент. 2008 й..

3.Нишонова З., Алимова Г. Болалар психологияси ва ўқитиш методикаси.Т 2007

4.Нишонова З.Т. «Болалар психологияси» укув кулланма. – Т., 2006 й.

ЎҚУВЧИЛАРДА ХОТИРА ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МАШҒУЛОТЛАР

*Партиева Малика Хамзаевна
Тошкент тумани 12-мактаб психологи*

Таянч сўзлар: хотира, эсда сақлаш, мотор-ҳаракат хотира, образли хотира, сўз-мантиқ хотира.

Хотира инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида қат-нашиши туфайли унинг намоён бўлиш шакллари, ҳолатлари, шарт-шароитлари, омиллари ҳам хилма-хил кўринишга эгадирлар. Одатда, хотиранинг турларига ва уларни муайян турларга ажратишда энг му-ҳим асос қилиб, унинг характеристикасини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушириш, таниш сингари жараёнларни амалга оширувчи фаолиятнингхусусиятларига боғлиқлиги олинади. Умумий психологияда хотира 5 та муҳим мезонга (бизнингча) мувофиқ равишда турларга, кўринишларга ажратилади.

Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира қуйидаги турларга бўлинади:

- а) ҳаракат ёки мотор-ҳаракат хотираси;
- б) образли хотира;
- в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
- г) сўз-мантиқ хотира.

Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан;

- а) ихтиёрсиз,
- б) ихтиёрий,
- в) механик.



Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- а) қисқа муддатли хотира;
- б) узоқ муддатли;
- в) оператив (тезкор) хотира.

Руҳий фаолият кўзгатувчисининг сифатига кўра:

- а) мусиқий,
- б) эшитиш хотираси.

Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб

- а) феноменал,
- б) касбий.

Мактаб таълим муассасаси психологи, ўқитувчилари ўқувчиларда ўтказишлари учун методикалар.

“Рангли кафтлар”

Тренер уч хил (қизил, сариқ ва кўк) “рангли кафт”лардан бирини иштирокчиларга кўрсатганда, уларнинг ҳар бирига мос кўриш (саломлашиш) ҳаракатлари билан жавоб қайтиришлари керак. Масалан: қизил кафт - қўлни сиқиб, сариқ кафт – орқага қоқиб, кўк кафт – елкани силаб. Иштирокчилар кўрсатмага биноан иложи борича кўпчилик билан кўришишга эришишлари керак.

“Идеал, замонавий ва ёмон ўсмир”

Мақсад:-болаларда маънавий сифатлар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш
Иштирокчилар уч гуруҳга ажраладилар. Биринчи гуруҳ- аъзолари “идеал” ўсмирга хос сифатларни, иккинчи гуруҳ- замонавий ва учинчи гуруҳ ёмон сифатларни ёзма қайд этадилар. Сўнгра барча иштирокчилар уларнинг ҳар бирини муҳокама қиладилар.

“Ярим оғиз сўз”

Иштирокчилар доира бўлиб ўтирадилар. Уларнинг ҳар бири хурсанд ҳолда саломлашиш учун айтмоқчи бўлган сўзларининг ярмини айтадилар, қолганини эса ёнларидаги шериклари давом эттиради.

“Ойна”

Иштирокчилар “етакчи” ва “бошқарувчи” ролида. Етакчи танаси бўйлаб ҳаракатларни бажаради, бошқарувчи эса унинг ҳар бир ҳаракатини гўё “ойнадаги тимсоли” каби қайтаради.

Ижтимоий психологик ходисалар намоён бўлишининг асосий механизми сифатида *хотира* жараёнини қабул қилиш кўпчилик олимларнинг нуқта назарига хосдир. Хотира туфайли ва унинг таъсирида шахс шаклланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Вохидов М.. «Болалар психологияси» Тошкент. 2008 й..
2. Нишонова З.Т. «Ёш даврлари психологияси» укув кулланма. – Т., 2006 й.
3. Ғозиев Э. Психология. Т., “Ўқитувчи”, 1994

ОСНОВНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФУНКЦИИ РЕЧИ

Режебов Зуриёд Абдумаликович
Школьный психолог Юқори Чирчиқ тумани 36-школа

Психология в наши дни рассматривает речь как сложный психофизиологический процесс воспроизводства сознательной деятельности. Также речь можно рассмотреть как одно из основных отличий человека от животного. Речь всегда обуславливается определенными обстоятельствами, отношением собеседников между собой и целью самого общения. Изучением психологии речи занимается отдельная дисциплина в психологии психолингвистика.

Психология речи или психолингвистика наука молодая, и появилась она заре 19 века, став самостоятельной наукой. Изначально данная дисциплина рассматривала тесно два понятия, а именно : психологию речи и психологию языка. Однако к началу 20 века известный лингвист Ф. де Соссюр сопоставил понятия язык и речь. Соссюр считал, что речь рождается под действием активных состояний психики, она является объектом психологии; в языке же подчеркивал его устойчивую системную организацию и квалифицировал его как явление социальное, формируемое под воздействием социума и подлежащее изучению со стороны лингвистики. Это разделение оказало большое влияние на мнение авторитетных психологов. Если разобрать само слово психолингвистика, то мы увидим прямую связь языка и психологии.

В данной статье, я бы хотела раскрыть тему психологии речи, нежели ее лингвистическую сторону. Под основными психологическими функциями речи понимают функции, которые речь человека выполняет в стабилизации психики и поведения.

Под основными психологическими функциями речи имеются в виду следующие ее функции:

1. коммуникационная
2. интеллектуальная
3. регуляционная
4. психодиагностическая

5. психотерапевтическая

Коммуникационная или коммуникативная функция речи направлена на то, чтобы посредством речи передать нужную информацию другому индивиду. Эта функция речи используется в различных видах общения людей друг с другом и тем самым является первичной функцией речи. Свою коммуникативную роль речь человека приобрела благодаря существованию языка, в символике которого представлена информация, передаваемая от человека к человеку с помощью речи. Интеллектуальная функция речи заключается в том, что для человека она также служит средством мышления. Наиболее явным образом эта функция проявляет себя в словесно-логическом мышлении, где само слово выступает как отдельное понятие, а заключенная в этом слове мысль преобразуется по законам логики. Дополнительно она проявляет себя во внутренней речи, и одновременно во внешних формах речи, таких как диалог и монолог. Диалог является мыслью коллективной. Она рождается и изменяется в прямом общении друг с другом, а монолог — мысль, которая рождается и изменяется в сознании отдельного индивиду.

Регуляционная функция выражается в том, что речь служит фактором управления собственной психикой и поведением человека, который ею пользуется, а также психикой и поведением других людей. Например, человек для произвольной регуляции своего восприятия, внимания, воображения, памяти и мышления пользуется внутренней речью. Через нее он осуществляет контроль за внутренними, психологическими процессами. Посредством внутренней речи человек самому себе дает команды и сам же их выполняет. В этом и состоит произвольная, сознательная регуляция человеком своего поведения.

Психодиагностическая функция речи заключается в том, что по речи человека можно судить о психологических особенностях данного человека, о его познавательных процессах, психических состояниях и свойствах. Этой функцией речи в общении с людьми мы пользуемся постоянно, внимательно прислушиваясь к тому, что они говорят, и пытаемся по высказываниям человека судить о нем самом как о личности.

Психотерапевтическая функция речи состоит в том, что с ее помощью люди оказывают терапевтическое влияние на себя и на других, рассчитанное на психологическую помощь, поддержку, а также на предупреждение и лечение многих психогенных заболеваний. Данная функция речи широко используется в различных методах современной психотерапии, практической психологии, причем как индивидуальной, так и групповой.

Используемая литература:

1. Маклаков А. «Общая психология»
2. Интернет ресурс: <http://all-psychology.ru>
3. Богачкина Н.А. «Психология: конспект лекций»

МАКТАБ ЖАМОАДАГИ ЭМОЦИОНАЛ ТОЛИҚИШ СИНДРОМИ ПСИХОПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ИШЛАРИ

Таджибаева Шоҳида Абдуразаковна

Қори Ниёзий номли Илмий тадқиқот институти 2-курс мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: ушбу мақолада ҳозирги кунда долзарб бўлган педагог-узтозлардаги эмоционал толиқиш синдромлари келиб чиқиш сабаблари ва уларни психопрофилактика қилиш масалалари хусусида мулоҳаза юритилган.

Таянч тушунчалар: *ҳиссий бузилиш, деформация, касбий психогигиена, касбий реабилитация, касбий адаптация.*

Ўқитувчи - ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ, ифодадай олишни билмоғи зарур, дейди Ал Форобий. Педагоглик мураккаб, лекин шу билан бирга шарафли касбдир. Педагог фаолиятининг негизида эмоциоген омиллар бисёрдир. Бундай эмоциоген омиллар таъсирида касбий дезадаптация ва шу билан бирга касбий яроқсизлик ҳолатлари келиб чиқиши табиий. Деярли 80% педагоглар ўзларида — “қуйиш синдроми”, яъни доимий эмоционал зўриқиш билан боғлиқ бўлган эмоционал, жисмоний ва ақлий тўйинишни ўзида мужассамлаштирган мураккаб психофизиологик феноменни мавжудлигини таъкидлайдилар. Мазкур синдром депрессив ҳолат, чарчоқ ҳисси ва лоқайдлик, шижоат ва энтузиазмнинг етишмаслиги, ўз фаолиятининг ижобий томонларини кўра олмаслик ва ишга, умуман ҳаётга нисбатан муносабатда салбий установкаларда намоён бўлади. Педагогнинг эмоционал ҳолатига жамоадаги муҳит ва раҳбариятнинг муносабати таъсир қилади. Агар таълим муассасаси раҳбарияти ходимлар учун касбий ўсиш учун шароит яратса, қўллаб-қувватласа, жавобгарликни тенг тақсимласа бундай муҳит педагоглар жамоасидаги ижобий эмоционал муҳитни шаклланишига хизмат қилади.

Толиқиш – организмнинг алоҳида физиологик ҳолати бўлиб, узоқ вақт ёки зўр бериб ишлаш натижасида пайдо бўлади ва иш қобилиятининг пасайиши билан ифодаланади. Обьектив жиҳатидан ёмонлашувида ва миқдорий камайишида юзага чиқади. Субьектив жиҳатидан толиқиш одамнинг чарчоқ ҳис қилиши билан ифодаланади. У қатор физиологик (диққат функциясининг ёмонлашуви, мушак чидамнинг пасайиши, иш бажариш билан боғлиқ процесслар координациясининг бузилиши) ва биокимёвий (қонда қанд миқдорининг пасайиши ва бошқалар) кўрсаткичлар бўйича аниқланади. И.М.Сеченов биринчи марта толиқишнинг ҳис қилиш манбаи марказий нерв системасидагина бўлади, деган ғояни баён қилди. И.П.Павлов толиқишнинг асосий сабаби МНХ функционал ҳолатининг ўзгаришида – бош мия пўстлоғида деб ҳисоблади. Ишлаш натижасида бош мия пўстлоғида тарқалган тормозланиш процесси вужудга келади, бу пўстлоқ хужайраларини ҳолсизланишидан сақлаб туради. Бу назария шунингдек шу қобилиятига одамнинг эмоционал ҳолати таъсирини ҳам тушунтиради (рухлантирадиган сўз, мусикадан кейин, ишга қизиқиш бўлганда ва шу кабиларда толиқишнинг бартараф бўлиши). Толиқиш,

афтидан, бутун организм функционал ҳолатининг ўзгариши билан изоҳланиб, бунда марказий нерв системасидаги ўзгаришларнинг роли етакчи ҳисобланади. Ўта толиқиш учун бош оғриғи, уйқусизлик, арзимас нарсаларда аччиқланиш, хотиранинг сусайиши, кабилар. Ф.Зеева Э.Е.Соманюкларнинг тадқиқотларига кўра касбий деформация 4 кўринишда амалга ошади:

1. Умумкасбий деформация – “одам-одам” типидagi касбларга хосдир.
2. Махсус касбий деформация
3. Касбий типологик деформация
4. Индивидуаллашган деформация

Педагогик фаолиятдаги ҳиссий толиқиш синдроми қуйидаги сабабалар билан боғлиқ бўлади:

1. Информациянинг ҳаддан зиёд кўплиги;
2. Вақтни тўғри тақсимаслик;
3. Методик таъминотнинг нотўлиқлиги;
4. Қарор қабул қилишнинг вақтга боғлиқлиги;
5. Педагогик жамоадаги маъсулиятнинг нотўғри тақсимланганлиги;
6. Педагогик жамоадаги нотурғунлик ва бошқалар.

Педагог жамоасидаги ҳиссий толиқишнинг психпрофилактикаси айнан мана шу симптомларга нисбатан толерант муносабатни шакллантириш орқали амалга оширилади. Бунинг учун касбий психпрофилактика қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Маълумотли – асосий мақсад касбий янгиликлар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш.
2. Ташкилий – турли таълим муассасаларидаги ишни тўғри тақсимланиши.
3. Адаптив психпрофилактика – шахснинг касбий мослашуви, яъни педагогик жамоага мослашувини ўз ичига қамраб олади.
4. Педагоглардаги депрессияни олдини олишга қаратилган профилактик ишлар
5. Педагогик жамоадаги ҳамкорлик бузилганда, низолар юзага келганда олиб бориладиган коррекцион профилактика.
6. Касбий реабилитация.
7. Шахсдаги касбий йўналганликни оширишга қаратилган манипулятив профилактика.

Педагогик жамоада айнан ҳиссий толиқишларни, эмоционал қуйинишни бартараф этиш учун комплекс чора-тадбирлар режаси ташкил қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нишонава З.Т., Алимова Г.К. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.

2. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. Назарий- экспериментал таҳлил Т.: Ношир 2010. – 356 б.

3. Дўстмухамедова Ш.А., Нишонава З.Т., Жалилова С.Х. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.

4. Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вўзов. – М.: Гардарики, 2007. – 349 с.

МАКТАБ ЁШДАГИ БОЛАЛАР ХАЁЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*Тошматова Мўътабар Мухиддиновна
Олмалиқ шаҳар 23-мактаб ҳ психологи*

Таянч сўзлар: хаёл, ижодий хаёл, ихтиёрий хаёл, ихтиёрсиз хаёл, агглюцинация

Хаёлнинг ривожланиши учун болага турмуш тажрибаси, тасаввурлар заҳираси ҳамда жуда кўп билимлар керак бўлади. Тажриба эса боланинг ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўзи кўрсатиши, воқелик ҳамда турли соҳаларга доир тасаввур ҳосил қилиши, катта одамлар билан кенг муносабатда бўлиши натижасида ортиб боради. Ижодкорликнинг барча соҳаларида ижодий хаёлнинг роли катта. Агар ихтирочи бирор буюм ясамоқчи бўлса, аввало у шу моделни хаёл ёрдамида мияда ясайди. Ёзувчи бирор образ яратмоқчи бўлса, у шу образга ҳос хусусиятларни хаёл ёрдамида мияда системалаштиради. Демак, ижодий хаёл натижасида одам онгининг янги мазмуни рўёбга чиқади. Муайян мақсад асосида аниқ образ яратишга қаратилган хаёл тури билан банд бўлганда унинг ихтиёрий хаёли намоён бўлади. Гарчи ихтиёрий хаёл жараёнида ирода кучи сарфланса ҳам у ҳамма вақт фаолиятнинг мураккаб тури эмас, оддий ҳаракатларда ҳам ифодаланади. Ихтиёрий хаёл айниқса бадиий ижод учун жуда зарурдир. Ихтиёрий (мақсадли) хаёл ёрдамига ёзувчи ўз асарининг мазмуни ва темасини аниқлайди, композициясини белгилайди. Ихтиёрий хаёл одамнинг эҳтиёжи, мақсади, ҳиссий кечинмалари, тафаккури ва маслағи кабиларни ифодалайди, ҳамиша маълум мақсад ва вазифани бажариш билан боғлиқ бўлади. Масалан, олим яратмоқчи бўлган асарининг мазмуни, шоир ёзмоқчи бўлган бадиий асарнинг ғояси, рассом яратмоқчи бўлган асарининг мазмуни, мақсади ва вазифаларини ихтиёрий хаёл туфайли рўёбга чиқаради. Мақсади аниқ бўлмаган ва иродавий кучнинг иштироқи пассив бўлган хаёл ихтиёрсиз хаёлдир. Ихтиёрсиз хаёл процессини одам аввалдан ўйламаган, режалаштирмаган бўлади. Ихтиёрсиз хаёл баъзан одам турли орзулар оғушига берилганда ўз-ўзидан пайдо бўлади. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хаёллар ҳамиша бир-бири билан чамбарчас - боғлиқдир, уларни ўзаро чегаралаш мумкин эмас. Амалий фаолиятда ихтиёрий хаёл ихтиёрсиз хаёлдан батамом ажралган ҳолда рўй бермайди, ҳамиша беихтиёр қилинадиган хаёл маҳсулини ўз ичига камрайди. Ҳар қандай касб эгаси у ёки бу нарсани ихтиёрий тарзда яратаётганда баъзан- ихтиёрсиз равишда бошқа фикрларга ҳам. берилади.

Хаёл процессларида агглюцинация ва акцентировка ҳолларининг ҳам аҳамияти каттадир. Агглюцинация хотира тасаввурларининг бир-бирига қўшиб, ёки улардан фойдаланиб, янги нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат бўлган хаёл фаолиятидир. Агглюцинация процессида тасаввурлар қайтадан тикланади, янги тасаввурларнинг мазмунига мослаштирилади. Масалан, инсон хаёлининг маҳсули бўлган сув парисининг боши ва гавдаси хотинга, думи балиққа, сочи яшил сув ўсимлигига қиёс қилинган. Ана шу уч қисми хаёл

ёрдамида бириктириш натижасида янги образ яратилган. Шахс социализацияси тўғрисида гап кетаркан, айтиш керакки, социализация соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, у — индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради, чунки индивидда шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, ундаги шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин (масалан, чақалоқлардаги бевосита эмоционал мулоқотга эҳтиёжнинг борлиги).

Хаёл қилиш жараёни ҳамиша нутқ орқали амалга оширилиши туфайли нутқнинг нерв-физиологик асосида иккинчи сигналлар тизимининг фаолияти ҳам фаол қатнашади. Бундан ташқари хаёл қилиш жараёнида диққат, хотира, тафаккур ва ирода жараёнлари ҳам исхтирок қилади. Ана шу нуқтаи назардан олганда хаёлнинг (хусусан ижодий хаёлнинг) нерв физиологик механизмларни тўла тушунтириб бериш учун етарли илмий маълумотлар йўқ. Ҳозирги кунда фан ва техниканинг жуда тез темп билан ривожланиши ижодий хаёл жараёнининг олдида катта вазифалар қўймоқда. Масалан, космик фазони забт этиш, инсоннинг ойга чиқиши, мураккаб ақлли машиналарнинг яратилиши ва шу кабилар инсон тафаккури ҳамда ижодий хаёлнинг юксак тараққети натижасида қўлга киритилмоқда. Одамнинг уйғоқ пайтида юзага келадиган хаёл жараёни маълум даражада тартибот ва ихтиёрий характерга эга бўлади. Шунинг учун одам ўзининг хаёл қилиш жараёнини олдидаги мақсад ва вазифаларга бўйсиндира олади. Одам ўзининг билимлари, тушунчаларига асосланган ҳолда хаёлий образларнинг пайдо бўлишини идора қила олади.

Мактаб ёшдаги болаларда хаёлнинг ривожланишининг илдам кадамлар билан олга қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нишонова З., Алимова Г. Болалар психологияси ва ўқитиш методикаси. Т. 2007
2. Нишонова З.Т. «Ёш даврлари психологияси» укув кулланма. – Т., 2006 й.
3. Ғозиев Э. Психология. Т., “Ўқитувчи”, 2004

АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГ ИШ ФАОЛИЯТИДА КОУЧИНГ

*Хидирова Озода Йўлдошевна
Бўка тумани 35-мактаб психологи*

Аннотация: ушбу мақолада ҳозирги кунда долзарб бўлган мактаб амалиётчи психологлар ишида ижтимоий тармоқ орқали ўқувчи ёшларга, ота-оналарга, ҳамкасабаларга ёрдам бериш масалалари хусусида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: коуч, коучинг, профессионал коучинг, ижтимоий тармоқ.

Коуч сўзи – кулоғингиз учун жуда ҳам оғир ва ғалати эшитилсада, маъноси – устоз, мураббий каби маъноларни англатади. Сиз ўзингизга қўйган мақсадларга ҳеч қандай тўсиқларсиз эришишга ёрдам берадиган одам – коучдир. Коучинг биринчи бўлиб спорт соҳасида пайдо бўлди, лекин аста секинлик билан менеджмент яъни бошқарув соҳасида, бизнес соҳасида пайдо бўлди. Коучинг – дарслари жараёни давомида, корхонанинг энг юқори коэффицентли муваффақиятига эришиши, жамоанинг ҳар бир аъзосининг юқори даражадаги салоҳиятини ўрганиб чиқишга, жамоани тўғри бошқариш йўллари ва бошқа буларга ўхшаган натижаларга эришган бўласиз.

Коучинг – мижозлар билан муаммони ечимини топишга қаратилган консультация ёки таълим жараёни. Коучинг мижознинг мақсадларини англашида аниқлик тизимини яратишга хизмат қилади, шу тариқа мижоз ўзининг асосий мақсади, унинг узок муддатли мақсадлари билан боғлиқлиги ва уларга эришиш йўллари аниқлаб олишига ёрдам беради. Шу билан бирга коучинг бу муаллиф позициясида турган мижозга психологик ёрдам. Мижозга жуда қизиқ: —Қандай қилиб қарор қабул қилишдан кўрқмаслик керак? Мақсадни қандай қилиб кўриш ва унга бориш мумкин? Тўғри қилипманми? Ёки унданам яхши: —Менда шунақа мақсадларим бор, уларга эришишнинг шундай йўллари кўряпман. Менга сизнинг кўмагингиз, танқидингиз ва қўллаб қувватлашингиз керак ҳамда узок муддатга. Мана шу коучинг хисобланади, мижозни маълум мақсадга эришишига кўмаклашиш. Шу қаторга психологик консультация ва мижознинг маълум бир кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал тренировкалар ҳам киради. Шу билан биргаликда биз уларнинг вазифаларини, ҳаётни идрок қилишларини, қадриятларини ҳал қилишларида ёрдам берамиз ва йўл йўриқ кўрсатиб борамиз. Баъзида психотерапияга ҳам юзланамиз, лекин мижознинг асосий талаби даъво эмас балки таълимдир. Ҳар бир инсон ўз мақсади, унга эришиш йўллари ва натижалари учун жавобгардир. Коучингнинг вазифаси шахсни ўзини такомиллаштириш ва янада яхши ҳаётга эришиш учун ёрдамлаш йўлдир. Коучингда асосий фокус тайёр қарорларни тақдим этишга эмас, балки мустақил тарзда жавобларни излашга, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга, содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилишга йўналтирилган. Коучингда шахснинг ўзи кўпроқ ишлашига тўғри келади. Бу жараёнда асосий фаолиятни мижознинг ўзи бажаради (олдига мақсад қўяди, амалга ошириш воситаларини излайди), коуч маслахатчи уни фақатгина қўллаб қувватлаб туради.

Профессионал коучинг- бу мижозларга ўзларининг шахсий ва касбий соҳаларида самарали ривожланишларга олиб келадиган профессионал муносабатлардир. Коучинг жараёни мижозларнинг билишларини чуқурлаштиришга, самарадорликларини оширишга ва ҳаёт тарзи сифатини яхшилашга имкон яратади.

Форматига кўра коучингни индивидуал ва гуруҳий, шахсий коучинг (life) ва бизнес коучинг, алоҳида биринчи шахс коучинглари (executive coaching) ва турли ёндашувлардаги коучинглар, масалан касбий коучинглар ажратилади.

Коучинг йўналишлари бўйича: ҳаракат коучинглари, натижага йўналтирилган коучинг, когнитив ҳаракатли коучинг, НЛП коучинг, трансперсонал коучинг, интегратив коучинг, маданиятлараро коучинг, антистресс коучинг турларига ажратилади.

Россияда илк бора Н.И.Козлов ўзининг коучинг тизимини ишлаб чиқан ва изоҳлаб берган. Унинг —Дистанция шахсий кўмаклашиш тизимидан бир неча минглаб инсонлар ўтган ва Синтоннинг энг яхши тренерлари тарбияланган, буларнинг барчаси муаллифнинг — “Истинная правда” (Чин ҳақиқат) китобидан ўрин олган. Бугунги кунда бу тизим Россияда ўз устида иш олиб борувчилар учун энг машҳур тизимдир. Буни Дистанция онлайн орқали кўриб ўрганишингиз мумкин.

Ҳозирги кунда бизда ҳам ижтимоий тармоқ орқали коучинг ишлари жуда кенг оммалашган. Мактаб психологлари телеграмм орқали таълим олувчиларга, ота-оналарга, ҳамкасабаларга ва боринки барчага хизмат қилмоқда. Тошкент вилоятида жуда кўп мактаб психологлари ўз ишларида дуч келган муаммоларга жавоб, йўналиш топмоқдалар. Телеграммда гуруҳлар ташкил этилиб ҳамма ўз тажрибаси билан улашмоқда. Ёки иш фаолиятидаги баъзи қийинчиликларни ёзиб савол-жавоблар қилишмоқда. Унда шукуроналикка, тарбияси қийин ўқувчилар билан ишлашга, сиуцидга мойил бўлганлар, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги тушунмовчиликка, қайси вақт ота-она фарзандини қўллаб –қувватлашига муҳтож бўлишлари ҳақида кўпгина маълумотлар берилади.

Фойданилган адабиётлар:

- 1.Йўлдошев У.А., Пўлатов М. Амалий психологнинг иш китоби.-Навоий, 2000 й.
2. Муомала тренинги (Тузувчилар:Ғозиев Э.,Тошимов Р.).– Т.:«Университет»,1994 й.
3. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлари психологик диагностикаси ва коррекцион ишлар. –Т., 1995 й.
4. Аникеев Н.П. Жамоада руҳий муҳит. –Т.: —Ўқитувчи, 1993 й.

SHAXS KAMOLOTIDA JISMONIY TARBIYA MUHIM OMIL SIFATIDA

*Allayorova Latofat Jurayevna
Qashqadaryo viloyati Qarshi tumani 42-maktab jismoniy tarbiya o'qituvchisi*

Jismoniy tarbiya o'quvchilarda jismoniy va irodaviy sifatlarni shakllantirish, ularni aqliy va jismoniy jihatdan mehnat hamda Vatan mudofaasiga tayyorlashga yo'naltirilgan pedagogik jarayon bo'lib, ijtimoiy tarbiyaning ajralmas tarkibiy qismi sifatida namoyon bo'ladi. Yuqori darajada rivojlangan ishlab chiqarishga asoslangan

mavjud ijtimoiy sharoit jismonan baquvvat, ishlab chiqarish jarayonida yuqori unum bilan ishlashga qodir, qiyinchiliklardan cho‘chimaydigan, shuningdek, vatan himoyasiga doimo tayyor bo‘lgan yosh avlodni tarbiyalash zarurligini ko‘rsatmoqda.

Jismoniy tarbiyaning vazifalari quyidagilardan iborat:

- o‘quvchilarning sog‘lig‘ini mustahkamlash, ularni to‘g‘ri jismoniy rivojlantirish;
- o‘quvchilarning aqliy va jismoniy ish qobiliyatlarini oshirish;
- ularning tabiiy harakatchanligini rivojlantirish va mukammallashtirish;
- o‘quvchilarni harakatning yangi turlariga o‘rgatish;
- ularning irodaviy sifatleri (kuch, chaqqonlik, uquvlilik va boshqalar)ni rivojlantirish;
- o‘quvchilarning gigiyenik ko‘nikmalarni rivojlantirish;
- ularda ma‘naviy-axlohiy sifatlar (dadillik, qat‘iyatlik, intizomlilik, mas‘uliyatlik, jamoa bilan bo‘lish)ni tarbiyalash;
- o‘quvchilarda jismoniy tarbiya va sport bilan doimiy va muntazam shug‘ullanishga bo‘lgan ehtiyojni shakllantirish;
- o‘quvchilarning sog‘lom va baquvvat bo‘lishlariga erishish.

Jismoniy tarbiyani bolalarning maktabgacha yoshidan boshlab muntazam tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Jismoniy tarbiya ta‘lim muassasalarida o‘qitilishi yo‘lga qo‘yilgan fanlardan biri sanaladi. Sinfdan va maktabdan tashqari sharoitlarda tashkil etiluvchi jismoniy mashg‘ulotlar jismoniy tarbiya darslarining samaradorligini ta‘minlovchi qo‘shimcha tadbir hisoblanadi. Jismoniy tarbiya tarbiyaning boshqa tarkibiy qismlari bilan mustahkam bog‘langan hamda ular bilan birgalikda har tomonlama rivojlangan shaxsni shakllantirish vazifalarini hal etadi.

Jismoniy tarbiya o‘quvchilarda jismoniy va irodaviy sifatlarni shakllantirish, ularni aqliy va jismoniy jihatdan mehnat hamda Vatan mudofaasiga tayyorlashga yo‘naltirilgan pedagogik jarayon bo‘lib; ijtimoiy tarbiya tizimining muhim tarkibiy qismlaridan biri sanaladi.

Yoshlarni sog‘lom bo‘lib voyaga yetishlarini ta‘minlash masalasi xalq pedagogikasi, og‘zaki ijodi hamda mutafakkirlar asarlarining bosh g‘oyalaridan biri bo‘lib kelgan. Jumladan, «Alpomish», «Go‘ro‘g‘li» kabi dostonlarda ham o‘z ifodasini topgan. «Alpomish» dostonida Hakimbek (Alpomish)ning jismoniy mashq qilishi, tabiat qo‘ynida voyaga yetganligi, uning alpligi quyidagicha tasvirlanadi: «Alpinboyning bobosidan qolgan o‘n to‘rt botmon birinchdan bo‘lgan parli yoyi bor edi. Shunda yetti yashar bola Hakimbek shul o‘n to‘rt botmon yoyni qo‘lga ushlab ko‘tarib tortdi, tortib qo‘yib yubordi. Yoyning o‘qi yashinday bo‘lib ketdi. Asqar tog‘ining katta cho‘qqilarini yulib ketdi, ovozasi olamga yoyildi. Shunda barcha xaloyiq yig‘ilib kelib aytdi: «Dunyoda bir kam to‘qson alp o‘tdi, alplarning boshlig‘i Rustami doston, oxiri bu Alpomish alp bo‘lsin».

Abu Ali ibn Sino ham insonga xos bo‘lgan ijobiy fazilatlaridan sanab o‘tar ekan, quyidagilarga alohida urg‘u beradi:

1. Jasurlik – biror ishni bajarishda kishining jasurligi, chidamliligi, inson boshiga tushgan yomonlikni to‘xtatib turuvchi quvvat.
2. Aqllilik – biror ishni bajarishda shoshma-shosharlik qilishdan saqlovchi quvvat.

3. Ziyraklik – sezgi bergan narsalarning haqiqiy ma’nosini tezlik bilan tushuntirishga yordam beruvchi quvvat.

Alisher Naoiy «Farqod va Shirin» dostonida Farhodning jismoniy qobiliyatlarini alohida ko’rsatib o’tadi. Dostonda ta’riflanishicha, Farhod aqliy kamolotga erishish bilangina cheklanib qolmay, jismoniy va harbiy mashqlar yordamida chiniqadi. Suvda suzish, chavandozlik, qilichbozlik va boshqalar uning kundalik mashg’ulotiga aylangan. Farhod, mutafakkirning fikriga ko’ra, 10 nafar 20 yoshli yigitning quvvatiga ega bo’lgan.

Abdulla Avloniyning fikricha, sog’lom fikr, yaxshi axloq va ilm-ma’rifatga ega bo’lmoq uchun badantarbiya bilan shug’ullanishi zarur: «Badanning salomat va quvvatli bo’lmog’i insonga eng kerakli narsadir. Chunku o’qimoq, o’qitmoq, o’rganmoq va o’rgatmoq uchun insonga kuchli, kasalsiz vujud lozim. Sog’ badanga ega bo’lmagan insonlar amallarida, ishlarida kamchilikka yo’l qo’yurlar. ... Badan tarbiyasini fikr tarbiyasiga ham yordami bordur. Jism ila ruh ikkisi bir choponning o’ng ila tersi kabidur. Agar jism tozalik ila ziynatlanmasa, yomon xulqlardan saqlanmasa, choponni ustini qo’yib asatirini yuvib ovora bo’lmak kabidirki, har vaqt ustidagi kiri ichiga uradur. Fikr tarbiyasi uchun mehnat va sog’lom bir vujud kerakdur».

Jismoniy tarbiya kishilarga katta ta’sir ko’rsatib, salomatligini mustahkamlaydi, ishlash qobiliyatini oshiradi, uzoq umr ko’rishga yordam beradi. Sport har qanday yoshda ham qaddi-qomatni tarbiya qilish kuch-quvvatini saqlab turishning ajoyib vositasidir. Sport dam olish bilan mehnatni almashtirib turish manbai bo’lib xizmat qiladi. Mustaqillik yillarida O‘zbekiston Respublikasida sport, shu jumladan, bolalar sportini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Mazkur yo’nalish davlat siyosatining ustuvor yo’nalishlaridan biri sifatida e’tirof etilib, ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda. Chunonchi, yoshlarni jismoniy tarbiyalashning kopleks dasturi ishlab chiqildi. «Sog’lom avlod dasturi» yoshlarning salomatligini mustahkamlashda muhim ahamiyatga ega. Mazkur dastur talablariga muvofiq respublika miqyosida quyidagi uch bosqichli sport musobaqalarining o’tkazilishi yo’lga qo’yildi:

1. Umumiy o’rta ta’lim maktablari o’quvchilar o’rtasidagi «Umid nihollari» bellashuvi.

2. O’rta maxsus kasb-hunar ta’limi muassasalarining o’quvchilari o’rtasidagi «Barkamol avlod» bellashuvi.

3. Oliy o’quv yurtlarida tahsil olayotgan talabalar o’rtasidagi «Universiada» bellashuvi.

Shuningdek, sportning turli yo’nalishlari bo’yicha joylarda ommaviy sport bayramlari, musobaqalarning tashkil etilishi ommaviy tus oldi. Yangi turdagi o’quv muassasalarda ham o’quvchilar o’rtasida jismoniy tarbiyani samarali tashkil etilishiga e’tibor qaratilmoqda. Jismoniy tarbiya mazmuni o’quvchilarning harbiy chaqiriqqacha tayyorgarligiga erishish bilan uzviy bog’liqdir.

Maktabdan tashqari sharoitlarda jismoniy tarbiyani tashkil etuvchi muassasalarning soni ortib bormoqda. Bugungi kunda yoshlar o’rtasida sportning futbol, shaxmat, suvda suzish, tennis, boks, karate, ushu va takvando kabi turlari tobora ommalashib bormoqda. Respublikada sportning ommalashuvi turli yo’nalishlarda xalqaro maydonlarda mamlakat sharafini himoya qiluvchi sportchilar sonining o’sishiga imkon berdi. Bugungi kunda sportchilarimiz orasida olimpiada chempionlari yetishib

chiqmoqda. O'quvchilarga olimpiada sovrindorlari hamda xalqaro musobaqalarning g'oliblari bo'lgan M.Abdullayev, L.Cheryazova, A.Grigoryan, R.Chagayev, B.Sultonov, O'.Haydarov, A.Doktorashvili, A.Taymazovlar haqida hikoya qilib berish, ularning ishlarini davom ettirishga rag'batlantirish o'zining samarali natijalarini beradi.

MULOQOT SHAXS RIVOJLANISHINING MUHUM OMILI SIFATIDA

Eshonqulova Shaxlo Toxirovna
Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani 21-maktab psixologi

Muloqot deganda o'zaro munosabatlarning shakllanishi, ro'yobga chiqarilishi va namoyon bo'lishini ta'minlovchi informatsion emotsional va predmetli o'zaro ta'sir jarayoni tushuniladi. Bola shaxsining shakllanishida muloqotning roli benihoya kattadir.

Muloqot odamlar amalga oshiradigan faoliyatlar ichida yetakchi o'rinni egallab, u insondagi eng muhim ehtiyojni — jamiyatda yashash va o'zini shaxs deb hisoblash bilan bog'liq ehtiyojini qondiradi. Shuning uchun ham uning har bir inson uchun ahamiyati kattadir.

Muloqot - odamlarning birgalikdagi faoliyatlari ehtiyojlaridan kelib chiqadigan turli faolliklari mobaynida bir-birlari bilan o'zaro munosabatlarga kirishish jarayonidir. Ya'ni, har bir shaxsning jamiyatda bajaradigan faoliyatlari (mehnat, o'qish, o'yin, ijod qilish va boshqalar) o'zaro munosabat va o'zaro ta'sir shakllarini o'z ichiga oladi. Chunki har qanday ish odamlarning bir-birlari bilan til topishishni, birbirlariga turli xil ma'lumotlarni uzatishni, fikrlar almashinuvi kabi murakkab hamkorlikni talab qiladi. Shuning uchun ham har bir shaxsning jamiyatda tutgan o'rni, ishlarining muvaffaqiyati, obro'si uning muloqotga kirisha olish qobiliyati bilan bevosita bog'liqdir.

Bir qarashda osongina tuyulgan shaxslararo muloqot aslida juda murakkab jarayon bo'lib, unga odam hayoti mobaynida o'rganib boradi. Muloqotning psixologik jihatdan murakkab ekanligi haqida B.F. Parigin shunday yozadi: «Muloqot shunchalik ko'p qirrali jarayonki, unga bir vaqtning o'zida quyidagilar kiradi:

- a) individlarning o'zaro ta'sir jarayoni;
- b) individlar o'rtasidagi axborot almashinuvi jarayoni;
- v) bir shaxsning boshqa shaxsga munosabati jarayoni;
- g) bir kishining boshqalarga ta'sir ko'rsatish jarayoni;
- d) bir-birlariga hamdardlik bildirish imkoniyati;
- e) shaxslarning bir-birlarini tushunishi jarayoni».

Muloqot jarayonida muayyan shaxsiy munosabatlar shakllanadi. Bolada qanday shaxsiy sifatlarning tarkib topishi kun jihatdan uning atrofdagilar bilan bo'lgan o'zaro munosabati harakteriga bogliqdir. Bolaning kattalarga munosabati ishonchli yoki ishonchsiz, yoqimli yoki yoqimsiz va hokazo bo'lishi mumkin. Xo'sh, bolalarning kattalarga bo'lgan munosabati nima bilan belgilanadi? Bu munosabat asosida nimalar yotadi? Bunday masalalar hozircha ham tadqiq qilingan.

Biroq nega bo'lmasa onasidan ayrilib qolgan bolalarning ham jismoniy va psixik jihatdan normal rivojlanishi holatlari uchraydi. Bolaning uni oziqlantirmagan u bilan

faqatgina o'ynagan yoki muloqotga kirishgan kattalarga qattiq bog'lanib qolishini neofreydistik pozitsiyadan turib qanday qilib tushuntirish mumkin?

M.I.Lisina boshchiligidagi eksperimental tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, inson extiyojining dastlabki 7 yili davomida bolalar va kattalar o'rtasidagi muloqotning bir necha shakli ketma-ket paydo bo'ladi, hamda bir-birining o'rnini almashtiradi.

Muloqot shakllarining asosiylari quyidagilardir: bevosita emotsional muloqot, biror bir ish yuzasidan vujudga keluvchi muloqot (ishchan muloqot), ayni paytdagi vaziyatga bogliq bo'lmagan va bilishga yo'naltirilgan muloqot (bilish muloqot), odam bilan bog'liq masalalar yuzasidan bo'ladigan muloqot (shaxsiy muloqot).

Dastlab bevosita - emotsional muloqot paydo bo'ladi. Muloqotning bu shakli asosida bolaning unga nisbatan diqqat -e'tiborli va mehribon bo'lishlariga extiyoj xis etishi yotadi. Keyinchalik muloqotdagi tashabbusni bola o'z qo'liga oladi.

Yilning ikkinchi yarmidan boshlab, nafaqat mehribonlikka extiyoj, balki kattalar bilan hamkorlik qilishga bo'lgan extiyoj ham kiritiladi. Bunday extiyoj ishchan muloqot davomida qondiriladi. Bola ishchan muloqotga kirishganda, kattalardan yordam so'rashi, ularni ma'lum bir faoliyat bilan shugullanishga taklif etishi va boshqalarni amalga oshirishi mumkin. Lekin bu bilan bitta bola biror ish bilan mashg'ul bo'lmagan vaziyatda bilishga yo'naltirilgan yoki odam bilan bog'liq masalalar yuzasidan bo'ladigan muloqotga ham kirishadilar.

Jamiyat miqyosida oladigan bo'lsak, odamlarning turli sharoitlarda o'zlarini tutishlari, xulq-atvorlarining boshqarilishi ma'lum psixologik qonuniyatlarga bog'liqligini ko'rish mumkin. Bunga sabab jamiyatda qabul qilingan turli normalar, qonun-qoidalardir. Chunki, o'zaro muloqot va o'zaro ta'sir jaraenlarida shunday hatti-harakatlar obrazlari kishilar ongiga singib boradiki, ularni har bir kishi norma sifatida qabul qiladi. Masalan, o'smir bola, umuman yoshlar jamoat joylarida kattalarga o'rin bo'shatib berishlari kerakligi ham xulq-atvorning bir normasi. Shu normaga amal qilish yoki qilmaslik ijtimoiy nazorat tizimi orqali boshqariladi. Ya'ni, yuqoridagi sharoitda agar o'smir bola avtobusda qariyaga joy bo'shatmasa, jamoatchilik o'sha zahoti uni ijtimoiy tartibga chaqiradi.

Demak, har bir shaxs turli sharoitlarda turlicha rollarni bajaradi, bu rollarning qanday bajarilaetganligi, odamlarning kutishlariga mos kelishligi ijtimoiy nazorat tizimi orqali kuzatib turiladi. Shuning uchun ham muloqotga kirishgan kishilar doimo o'z xulq-atvorlarini, qolaversa, o'zgalarning xulq-atvorini nazorat qilib, harakatlarda bir-birlariga moslashadilar. Lekin gohida shaxsdagi rollarning ko'p bo'lishi rollarning ziddiyatiga olib kelishi mumkin. Masalan, maktab o'qituvchisining o'zi o'qitayotgan sinfda farzandi bo'lsa, dars paytida shunday ziddiyatni boshdan kechirishi mumkin, ya'ni bir vaqtning o'zida ham ota yoki ona, ham o'qituvchi rolini bajarishga majbur bo'ladi. Yoki xulqi yomon o'quvchining uyiga kelgan o'qituvchi bir vaqtning o'zida ham o'qituvchi, ham mehmon rollari o'rtasida qiynaladi.

Bilish muloqotida bola kattalar bilan atrof -olamdagi narsa va hodisalarni muhokama qiladi. Bunda bola biror bir narsa haqida aytib berishi, savollar bilan murojaat qilishi, kattalardan biror narsa aytib berishlarini iltimos qilishi mumkin.

Bunday turdagi muloqotga kirishishdan maqsad kattalardan zarur bo'lgan axborotni olishdan iborat, shaxsiy muloqotda esa bola kattalar bilan odam haqida suhbatlashadi. Bunda u o'zining emotsional holatini tariflab berishi, kattalarni o'zlari haqida gapirib

berishlariga undashi mumkin. Bolaning emotsional qo'llab quvvatlashiga bo'lgan extiyoji atrof-olamga bo'lgan munosabati va unga berayotgan bahosi kattalarning munosabat va bahosiga mos kelishiga intilishi shaxsiy muloqotning asosini tashkil etadi. M.I.Lisinaning fikricha, aynan shu narsalar bolaning ijtimoiy extiyojlari tarkibida markaziy o'rinni egallaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. G'oziev E.G. Umumiy psixologiya. Toshkent. 2002.1-2 kitob.
2. Abduraxmonov F. Davletshin M.G. «Odamlar bilan kandy mulokotga kirishish va endashish kerak».-Toshkent.1996 y.

SHAXS MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDA KITOBXONLIKNING O'RNI

*Mamatova Lobar Islomovna
Qashqadaryo viloyati Qarshi tuman 44-maktab psixologi*

Bugungi kunda jamiyatimizda ijtimoiy tarmoqlar, internet va mobil telefonlarning shiddat bilan rivojlanayotganligi, axborot olamining kengayib borayotganligi hech kimga sir emas. Bu esa yoshlar ma'naviyatiga salbiy ta'sir o'tkazmoqda. Mana shunday salbiy ta'sirlarning oldini olish, ularga qarshi kurashish uchun bolalarimizni kitobga muhabbatli, kitobsevar etib tarbiyalashimiz lozim. Bu jarayonni esa oiladan, MTM va boshlang'ich ta'limdan boshlash zarur.

Kitobxonlik- bu ijodiy mehnat. Buyuk mutafakkir olimlar, fan va madaniyat arboblari avvalambor iste'dodli kitobxon ham bo'lganlar.

O'quvchilar ma'naviy madaniyatini shakllantirishda kitob kuchli vosita bo'la oladi. Kitob mutolaasidan o'tgan inson, undan o'ziga xulosa chiqaradi. Natijada o'z bilimini, dunyoqarashini kengaytiradi. Bilimli, savodli, madaniyatli, jismonan baquvvat, ma'naviy etuk, ruhan tetik va e'tiqogon mustahkam inson bo'lib etishadi.

Inson hayoti atrof-olamdagi narsalarni tushunish, hayotda o'zini anglashga bo'lgan ehtiyoj, milliyg'urur, yashash uchun kurashishdan iboratdir. Shaxs ma'naviy kamoloti jamiyat taraqqiyoti darajasini belgilar ekan, barcha zamonlarda ham yosh avlodni ma'naviy barkamol etib tarbiyalashga katta e'tibor berilgan. Yosh avlodni ma'naviy shakllantirishda kitobxonlikning o'rni o'ziga xos.

Shunga ko'ra bu muammo mustaqillikni mustahkamlash uchun kurash ketayotgan hozirgi jarayonda yanada dolzarblik kasb etmoqda. Bugun mustaqillikni mustahkamlash uchun bo'lgan kurash shaxs ma'naviy kamolotida har bir shaxsning o'z-o'zini anglashi, vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirishda kitobning o'rni, kitobxonlikning o'rni benihoya. Zero, kitob avlodlar zanjirini mustahkamlovchi ma'naviy merosdir. Lekin bilim manbai va tarbiya vositasi bo'lgan kitob va kitobxonlik bugun paydo bo'lgan emas. U inson ruhiga ta'sir etib, ularni ma'naviy-axloqiy kamolotga eltuvchi adabiyotning, kitobning so'z sehridir. Shu so'z sehri orqali kitobxon hissiyotiga ta'sir etadi va bilim berish bilan birga insonga zavq bag'ishlaydi hamda aqlni charxlab, uni tarbiyalaydi.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgan kundan boshlab yurtimizda milliy-ma’naviy qadriyatlarni tiklash muammosi dolzarb masalaga aylangan.

Mustaqillik tufayli Respublikamizning ijtimoiy, iqtisodiy, ma’naviy hayotida tub islohotlar amalga oshirilayotgan bir sharoitda yangilanayotgan jamiyat fuqarosini tarbiyalash muhim vazifalardan sanaladi. Zero, har bir madaniyatli jamiyatdagi demokratik asoslar, tartib va intizom, uning iqtisodiy gullab yashnashi, aholining ma’naviy darajasiga bog‘liqdir.

Mustaqillik o‘zbek xalqiga o‘z qadr-qimmatini, madaniyatini va an’analarini, dinu e’tiqodini, tili va ma’naviyatini qayta tiklab olishga, milliyg‘urur va milliy tafakkur, Vatanga muhabbat tuyg‘ularini kamol toptirishga zamin yaratgan.

Bu vazifani yechish uchun yosh avlod ma’naviyatini shakllantirishda ular ongi va qalbiga milliy istiqloqg‘oyasini singdirish asosida o‘z Vatanga, xalqiga mehr-muhabbat va sadoqat tuyg‘ularini paydo qilish, o‘zligini anglash, milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash, ular ongi, dunyoqarashi, tafakkurini o‘zgartirish, mamlakatimizda sodir bo‘layotgan islohotlarning mohiyatini anglab olishiga erishish muhimdir. Bularning barchasidan yosh avlodni ba’zan yot ta’sirlarga berilib ketishidan saqlash, iymonli, e’tiqodli, dunyoqarashi keng etib tarbiyalash zaruriyati kelib chiqadi. Bunday avlod, albatta, dastavval oila muhitida tarbiyalanadi.

Ma’lumki, islom dunyosi xalqlari orasida Qur’oni Karim oyatlari va muqaddas hadis ta’limotlari muhim o‘rin egallaydi. Ulardan bolani o‘qitish, uni katta hayotga tayyorlash masalalariga oid ko‘plab misollar keltirish mumkin. hadislardan birida yozilishicha, har bir ota-onaning zimmasiga bir qator vazifalar yuklatiladi. Bular: o‘g‘il-qizlarga yaxshi nom qo‘yish, jismoniy va ma’naviy tomondan tarbiyalash, maktablarda o‘qitish, biron bir hunar o‘rgatish va boshqalar.

Oilada va maktabda farzandlarga ilm berish, kitobxonlikni tarbiyalash Qur’on va hadislardagi ilgari surilgan bilim va aql inson kamolotining mezoni sifatidagi aqidaga asoslangan. Islomda faqat ilohiy ilmlargina emas, balki dunyoviy bilimlar – tibbiyot, psixologiya, jo‘g‘rofiya, sotsiologiya va boshqa fanlar haqida ham ma’lumotlar beriladi. Masalan, “Qur’on”ni sinchiklab o‘rganar ekanmiz, osmon va erning yaratilishi, suv va mevalar, tog‘larning ranglari, insonning yaratilishi to‘g‘risida biologiya, insonning o‘z nafsini tiyishi haqidagi fikrlar bilan psixologiya ilmiga, xalqlar tarixini o‘rganishga da’vat bilan tarix faniga, jamiyat taraqqiyoti, farovonligi yoki inqirozga yuz tutishi haqidagi fikrlari bilan sotsiologiya faniga aloqadorlikni ko‘rishimiz mumkin. Shuning uchun ham ilm-fan taraqqiyoti yunonlardan va rimliklardan so‘ng islom tarqalgan mamlakatlarga o‘tgan. Xorun ar-Rashid, Ma’mun xalifaligi davrida Bag‘dod ilm-fan markaziga aylangan.

Sharqda farzand ham oilani, ham yurti shon-shuhratga burkashni o‘zining ilk burchi deb biladi. Islom olamida shunday hikmat mashhur egan: “Joy kishini emas, kishi joyi aziz etadi”. Buning quyidagicha sharhlari bor:

Birinchidan, sen farzandlik burchingni o‘tamog‘ing uchun dunyoga chiq, dunyo seni va tug‘ilgan joyingni tanisin. Qadimda bu hol “el kezish” deb atalargan.

Ikkinchidan, ilmida, axloqda va faoliyatda farishtasimon bo‘l, toki tug‘ilgan yurtingga olam sajda qilsin.

Uchinchidan, tug‘ilib o‘sgan joying bilan g‘ururlanma, bu o‘tkinchi haqiqatdir. Qo‘lingdan kelsa joy nomini aziz qil.

Sharqda farzandlar butun hayotida ana shu aqidani amalga oshirishga intilganlar. Misol uchun Bahouddin Naqshband (XIV asr) tug'ilgan qishloq "Qasri hinduvon" (hindlar yashaydigan qishloq) deb atalar ekan. Bahouddin Naqshband olamni valiylik nuriga to'ldira boshlagach, qishloq "Qasri Orifon"(Xudoni taniganlar – bilimlilar qishlog'i) deb atala boshlangan. Bu darajada o'z joyini shon-shavkatga burkash uchun Oilada va maktabdan qalbg'a nur-ilm bilan chiqish lozim.

O'sha davrda Buxoroda katta kitob bozori bo'lgan, kitob do'konlarida olim va fozil kishilar uchrashib, ilmiy muloqot, munozaralar o'tkazgan. Abu Ali ibn Sino kitob do'konlaridan birida Forobiyning Aristotel "Metafizika"sig'a yozgan sharhlarini sotib olganligini tarjimai holida hikoya qiladi.

Buxoro amiri saroyida esa yirik kutubxona mavjud bo'lgan. Amir kutubxonasini o'sha davrdagi Sheroz kutubxonasi bilan bellasha oladigan yagona kutubxona sifatida tan olganlar. Lekin Sheroz kutubxonasida kitoblar maxsus javonlarda saqlansa, amir kutubxonasida esa sanganqlarda saqlangan.

Demak, har qanday davlatning kelajagi yosh avlodning qanday tarbiyalanganligiga bog'liq, chunki, kelajak ularning qo'lida bo'ladi. Yosh avlod tarbiyasining samaradorligi uni qanchalik erta boshlanishi bilan uzviy bog'liqdir. Ayniqsa, bugungi kunda yosh avlodni ma'naviy-axloqiy barkamol etib tarbiyalashni davrning o'zi taqozo etmoqda. Shunday ekan, mustaqil respublikamizning kelgusi taraqqiyoti, uning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va ma'naviy rivojlanishi hozirgi davrda hayotga qadam qo'yayotgan yosh avlodga, ularning kamolotiga bevosita bog'liqdir. Demak, jamiyat istiqboli ham, halqimiz istiqloli ham har tomonlama yetuk, komil insonlarni tarbiyalab voyaga etkazishni taqozo etadi.

TARBIYA JARAYONING SHAXS SHAKLLANISHIDA O'RNI

Maxammadiyeva Nasiba Xasanovna

Qashqadaryo viloyati Qarshi tumani 42-maktab amaliyotchi psixologi

Tarbiya jarayonida kishining turli qobiliyatlari rivojlanadi, harakteri, g'oyaviy, axloqiy, irodaviy, estetik hislatlari shakllanadi, tabiatga, jamiyatga ilmiy qarashlar tizimi tarkib topadi, jismoniy kuch-quvvatlari mustahkamlanadi.

Bola kattalarning tajribalarini sust holda emas, balki faol ravishda o'zlashtiradi: bu o'zlashtirishda uning ongli harakati, tirishqoqligi ahamiyatga ega bo'ladi. Tarbiyalanuvchilar muayyan darajada faol faoliyat ko'rsatmasalar tajriba va bilimni o'zlashtira olmaydilar. Bolaning yoshi ulgayib borgan sari bu faollik tobora ko'proq mustaqillik hususiyatlariga ega bo'lib boradi: tarbiyalanuvchilar o'zlarida dunyoqarashni tarkib toptirishga, o'z-o'zini takomillashtirish, tabiat, jamiyat va turmushda uchraydigan hodisalarni tushunishga hamda idrok etilgan narsalarga tanqidiy munosabatda bo'lishga ko'nika boradilar.

Hamma davrlarning ilg'or kishilari tarbiyaga yuqori baho berganlar. Xalq donishmandlari va mutafakkirlaridan Abu Nasr Farobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu

Ali Ibn Sino, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Zavqiy, Furqat, Avaz O'tar, Hamza, Abdulla Avloniy inson kamolotini ilm-fan va tarbiyada deb bildilar.

Tarbiya jarayonida kattalar, tarbiyachilar va tarbiyalanuvchilar jamoasi o'zaro munosabatda bo'ladi. Bu munosabat o'zaro tushunish, ishonch, hamkorlik asosida qurilishi lozim.

Tarbiya yosh avlodni muayyan maqsad yo'lida har tomonlama o'stirish, uning ongi va xulq-atvorini tarkib toptirish jarayonidir.

Tarbiya – ma'naviy manbalar va hozirgi zamon talablari va ehtiyojlarini nazarda tutgan holda, o'qituvchining o'quvchi bilan aniq bir maqsadga qaratilgan o'zaro amaliy va nazariy muloqotidir.

Tarbiya – tarbiyachi xohlagan sifatlarni tarbiyalanuvchiga singdirish uchun tarbiyalanuvchining ruhiyatiga muayyan suratda ma'lum bir maqsadga qarata va muntazam suratda ta'sir qilishdir. Bu xildagi ta'rif tarbiya tushunchasiga kiradigan hamma narsani, chunonchi: muayyan dunyoqarash, ahloq, ijtimoiy xulq-atvor qoidalarini singdirish, muayyan harakter va iroda, odat va ahloq yaratishni o'z ichiga oladi.

Tarbiya – shaxsni maqsadga muvofiq takomillashtirish uchun uyushtirilgan pedagogik jarayon bo'lib, tarbiyalanuvchining shaxsiga muntazam va tizimli ta'sir etish imkonini beradi.

Tarbiya jarayoni o'zaro bog'liq bo'lgan ikki faoliyatni – o'qituvchi va o'quvchi faoliyatini o'z ichiga oladi. Tarbiya jarayonida o'quvchining ongi shakllana boradi, his va tuyg'ulari rivojlanadi, ijtimoiy hayot uchun zarur bo'lgan va ijtimoiy aloqalarga xizmat qiladigan xulqiy odatlari hosil bo'ladi.

Tarbiya jarayonida bolalarning hayoti va faoliyatini pedagogik jihatdan to'g'ri uyushtirish g'oyat muhimdir.

Faoliyat jarayonida bola tashqaridan kelayotgan tarbiyaviy ta'sirga nisbatan ma'lum munosabatda bo'ladi. Bu munosabat shaxsning ichki ehtiyoji va hohishlarini ifodalaydi.

Psixologlar va pedagoglarning tadqiqotlari shaxsga tashqi omillarning (hoh ijobiy, hoh salbiy) ta'siri bolaning ularga munosabatiga bog'liqligini ko'rsatadi. Bolaning shaxsiy tajribasi ehtiyojlari tashqi ta'sirga munosabatini belgilab beradi va uning xulqida aks etadi. Shuning uchun bola faoliyatini uyushtirishning o'zigina kifoya qilmaydi. To'g'ri tarbiyalash uchun tarbiyalanuvchining bu faoliyatga nisbatan qalbida paydo bo'layotgan munosabatni, turli xil kechinmalarni qanday anglashni, baholashni, his qilishni hamda ulardan o'zi uchun nimalarni maqsad qilib olayotganini bilish zarur. Yana shuni hisobga olish kerakki, bularning barchasi turli kishilar bilan aloqa qilish, jamoadagi munosabatlar asosida ro'y beradi. Bola ulg'aya borishi bilan bu xil aloqa va munosabatlar murakkablashib boradi va bola shaxsning kamolga yetishida yo ijobiy yoki salbiy ta'sir etadi. Shuning uchun tarbiya maqsadga muvofiq muntazam ta'sir etishni ko'zda tutadi, zeroki shu yo'l bilan jamiyatning shaxsga qo'yadigan talablari tarbiyalanuvchining hulqini idora qilib turuvchi ichki ehtiyojga aylanadi.

Tarbiya jaaryonida o'quvchining onginigina emas, balki his-tuyg'ularini ham o'stirib borish, unda jamiyatning shaxsga qo'yadigan ahloqiy talablariga muvofiq keladigan xulqiy malaka va odatlarni hosil qilish lozim. Bunga erishish uchun

o`quvchining ongiga (ta`lim jarayoni asosida), hissiyotiga (darsda va sinfdan tashqari ishlarda) va irodasiga (faoliyatni uyushtirish, xulqni idora qilish jaaryonida) muntazam ta`sir etib boriladi. Agar o`quvchini tarbiyalashda bulardan birortasi (ongi, hissiyoti, irodasi) e`tibordan chetda qolsa, maqsadga erishish qiyinlashadi. Shuning uchun tarbiya jarayoni ko`p qirrali va murakkabdir. Maktabdagi tarbiya jarayoni to`xtovsiz davom etadigan jarayon bo`lib, unga o`qituvchi tarbiyachi rahbarlik qiladi va u tarbiyaning ayni vaqt uchun zarur bo`lgan maqsadini, shu maqsadni hal qilishga xizmat etadigan faoliyatini belgilaydi. O`quvchilarning shu faoliyatiga ishtirok etishini ta`minlab, ular o`rtasida ijtimoiy, jamoa va o`rtoqlik aloqalari va munosabati uchun sharoit yaratadi.

O`quvchilarni faoliyatda qatnashishlari orqali ularning mustaqilligi ijodiy tashabbuskorligi o`sib borishiga erishiladi. Ana shu jarayonda bolaning qarashlari, e`tiqodlari va voqea hodisalarga o`z nuqtai nazari vujudga keladi va mustahkamlanib boradi. Bular bolaning atrof-muhitning ta`siriga nisbatan qanday munosabatda bo`lishini belgilaydi.

Shunday qilib, maktabdagi tarbiya inson shaxsini tarkib toptirish va kamolga etkazish jarayonidan iborat bo`lib, uning mazmuni ta`limdagidek alohida predmetlarda emas, balki o`quvchilarning hayot-faoliyatlari va o`zaro munosabatlaridan tashkil topadi. Mana shulardan tarbiya jarayonining o`ziga xos hususiyatlari kelib chiqadi.

Pedagogik talab tarbiya jarayonida boshlang`ich usuli bo`lib, tarbiyalanuvchining muayyan faoliyatini rag`batlantirishni yoki to`xtatishni va aniq amaliy hamda insoniy sifatlarni namoyon qilishni ta`minlaydi.

Talab qilish usuli o`quvchilarning ko`pgina ahloqiy sifatlarini shakllantirishga yordam beradi, shu bilan birga tarbiyalanuvchilarda o`ziga nisbatan mas`uliyat va talabchanlikni rivojlantirishda alohida vazifani bajaradi.

Yagona pedagogik talablarni qarab chiqar ekanmiz, faqat bizning jamiyatimizdagina xalqning ma`naviy-siyosiy birligini mustahkamlashda pedagogik talab tarbiya jarayonining ta`sirchan usuliga aylanishi mumkin.

O`qituvchi o`quvchilar bilan ishlar ekan, ularni faoliyatini tashkil etar ekan, o`z ko`rsatmalari bilan o`quvchilarning ayrim harakatlarini rag`batlantiradi. O`quv va tarbiyaviy ishlar jarayonida ularga muayyan mulohazalar bildiradi, tanbeh beradi yoki rag`batlantiradi, yakun yasaydi. Uning ayrim buyruqlari qisqa va lo`nda bo`lib, sezilar-sezilmas majbur qilishga o`xshab ketsa-da boshqalari acha keng tushintirish yo`l-yo`riqlar shakliga ega bo`ladi. Bir xillari o`quvchilarni faqat ishga jalb qilish zaruriyati tufayli, boshqalari bolalarning ayrim ko`nikma va malakalarini o`zlashtirishga tuzatish kiritish ehtiyoji bilan vujudga kelgan; ayrimlari o`quvchilarning keraksiz va noto`g`ri harakatlarini to`xtatsa, boshqalari muvaffaqiyatli harakatlarni mustahkamlaydi va qo`llab quvvatlaydi. Pedagogning talabisiz o`quvchilarning o`quv va ijtimoiy foydali faoliyatini tashkil etishni tasavvur etib bo`lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. B.Ziyomhammadov. Pedagogika.-T.:“Turon-Iqbol”. 2006.-112 b.
2. Azizxo`jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. Toshkent, TDPU, 2003.
3. Pedagogika. /prof. M.X.Toxtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida.- T.: ”O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010,- 400 b.

SHAXSNI TARBIYALASHDA OILA, MAHALLA VA TA'LIM MUASSASASI HAMKORLIGINI AMALGA OSHIRISH TAMOYILLARI VA BOSQICHLARI

Niyozova Feruza Boboyevna
Qashqadaryo viloyati Qarshi tumani 12-maktab psixologi

Yosh avlodni yaxshi xulqli, davlat ramzlariga sadoqatli qilib tarbiyalashda ularning yosh jihatlariga, xarakteriga alohida ahamiyat berish lozim, chunki bularsiz tarbiyada ko'zlangan maqsadga erishib bo'lmaydi. Oila, mahalla, o'quv bilim yurti hamkorligida quyidagi tamoyillarga va bosqichlarga amal qilinganda samaradorlik yanada yuqori bo'ladi:

- ta'lim va tarbiya sohasida hamkorlik jarayoni ishtirokchilari harakatlarining ish birligi;
- tarbiyalanuvchiga hurmat va talabning uyg'unligi;
- hamkorlik jarayoni sub'ektlarining teng huquqliligi va yuksak mas'uliyati;
- faoliyat jarayonida millat va davlat manfaatlarini ustuvorligi;
- hamkorlikning ilmiy asoslanganligi;

Birinchi bosqich. Yosh oilalar bilan ishlash. Yosh ota-onalarga farzand va uning tarbiyasi haqida falsafiy, tibbiy tushunchalarni berish va bu masalalarga tibbiyot xodimlari, obro'li xotin - qizlarni, ota-onalarni jalb qilib, "Yosh onalar va otalar o'quv muassasasilari" faoliyatini yo'lga qo'yish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ikkinchi bosqich. Farzandning o'quv muassasasigacha bo'lgan davridagi jismoniy, aqliy va ma'naviy rivojlanishini ta'minlash borasida ularga rasm chizish, voqealarni bayon qilish, o'ziga o'zi xizmat qilish, harf tanish, qo'shiq, aytish va raqs tushish, turli o'yinlarda ongli qatnashish tushunchalarini singdirish va mustaqil ravishda bilim olish ko'nikmalarini shakllantirish yuzasidan o'quv muassasasiga tayyorlash sinflari, "Yakshanbalik o'quv maskanlar" ishini tashkil qilish.

Uchinchi bosqich. Kichik yoshdagilar uchun mo'ljallangan (6-11 yosh) o'quv muassasalarida shaxslarning jismoniy, ma'naviy va ijtimoiy shakllanishini ta'minlash, uning ilk iqtidori, qiziqishi va aqliy imkoniyatlarini aniqlash, o'z hatti - harakatlariga javobgarlik hissini tarbiyalash, bo'sh vaqtini to'g'ri tashkil qilishni o'rgatish, atrof-muhitga ongli munosabatda bo'lib, do'stlik, baynalmilallik, vatanparvarlik xislatlarini shakllantirish.

To'rtinchi bosqich. O'smirlarning (11-16 yosh) qiziqishini, bilimga chanqoqlik va aql zakovatini hisobga olgan holda ijtimoiy faoliyatga tortish, jismonan baquvvat bo'lishini ta'minlash, maishiy mehnat faoliyati orqali turli kasblarga yo'naltirish, o'smirlar sinflari va jamoatchilik orasida o'z o'rnini topa olishiga ko'maklashish, o'z hatti-harakatlari uchun jamiyat, qonun va ota-onalari oldida javobgarlik tuyg'usini shakllantirish, ijtimoiy faolligi va mustaqil dunyoqarashini yuzaga keltirish.

Beshinchi bosqich. Yoshlarni (16 yosh va undan yuqori) dunyo andozalariga mos bilim olishlari, kasb tanlashlari, mustaqil hayotga tayyorgarliklarini ta'minlash. Ularning imkoniyatlari darajasida ta'lim olishlariga, tanlagan kasblari bo'yicha ish bilan

ta'minlanishlariga, iqtisodiy mustaqil bo'lishlariga shart-sharoit yaratish. Vatan, Davlat va jamiyat oldidagi fuqarolik burchlarini ado etishga javobgarlik hissini to'la shakllantirish, mustaqil oila qurishga tayyorlash.

Ta'lim va tarbiya sohasiga e'tiborni kuchaytirish, bu borada hukumatimiz tomonidan qabul qilingan qonun va hujjatlarni, direktiv ko'rsatmalarni samarali bajarish uchun oila, mahalla, o'quv muassasasi hamkorligi faoliyati o'ziga xos pedagogik tizim, uslub va shakllarga ega bo'lishi zarur⁴⁸.

O'tkazilgan tadbirlar har tomonlama puxta, shuning bilan qatnashchilarning yoshlariga mos pedagogik va psixologik mujassamlashgan, mantiqan teran, qiziqarli va ko'rgazmali, ta'sirchan, ommabop, amaliy jihatdan qisqa va lo'nda, estetik jihatdan keng ko'lamli bo'lishi kerak.

Hamkorlikda olib borilayotgan ishlar mahalla hududidagi barcha yoshlar va toifadagi fuqarolarni qamrab olishi hamda ularning qiziqish va intilishlariga mos bo'lishi lozim. Hamkorlik tadbirlarining mavzulari "Sog'lom avlod uchun", "Ota-onangga rahmat", "Odobinga balli", "Sog' tanda sog'lom aql", "Mehr chashmasi", "Qizlar ibosi", "Bir yigitga qirq, hunar oz", "O'g'lim posbonim", «Hayot—ustoz, xalq—muallim", "O'zbekiston Vatanim manim!", "Milliy burch va mas'uliyat", "Oila saboqlari", "Oila etikasi", "Oila tinch — mahalla tinch", "Mustaqil hayot bo'sag'asida", "Askarlik — yigitlik o'quv muassasasi", "Oila baxti — Vatan baxti", "Sportchi oila", "Oilamiz ohanglari", "Vatan ostonadan boshlanadi", "Biz kimmiz" kabi tadbirlardan iborat bo'lishi mumkin.

Bahslar, bellashuvlar, uchrashuvlar va turli sanalarga bag'ishlangan anjuman va tantanalardan iborat bo'lishi mumkin.

Joriy qilingan jamoatchilik kengashi o'z faoliyati to'g'risida mahalla ahliga har chorakda bir marotaba hisobot beradi. Zarurat tug'ilganda o'quv-tarbiya muassasalari, mahalla faollari, mahalla hududida joylashgan tashkilot, korxonalar va idoralarning ta'lim-tarbiya yuzasidan olib borilayotgan ishlari to'g'risida hisobotlarini tinglab, ularga amaliy va nazariy yordam berishi ish samarasiga va uning izchilligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Oila boshqa tarbiyaviy muassasalardan farqli paviyishda odamning butun hayoti davomida uning barcha tomonlariga, qirralariga ta'sir ko'rsatishga qodirdir va odatda ta'sir ko'rsatadi. Oila tarbiya vazifasining bu ulkan miqyosi uning mafkuraviy va psixologik ta'sir ko'rsatishning chuqur o'ziga xosligi bilan uyg'unlashib ketadi. Bu esa uni oliy darajada ta'sirchan qilibgina qolmay, shu bilan birga shaxsni shakllantirish jarayonining zarur buginiga ham aylantiradi.

⁴⁸ Yo'ldoshev J. «Zamonaviy o'zbek oilalarida o'smir bolalar shaxsining shakllanishi» nomzodlik disser. T., 2002

МУНДАРИЖА

<i>Акрамов Мирмухсин, Шарипова Хурматой Нуралиева Озода</i>	Реклама ижтимоий-психологик муносабатлар воситаси сифатида	4
<i>Назаров Азамат</i>	Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини ижтимоий-психологик таъминлаш муаммолари	6
<i>Кубаев Маъруф</i>	Ижтимоий иллат тушунчаси. унинг ижтимоий-психологик асослари	8
<i>Қаххоров Сарвар</i>	Диний мутаассиблик муаммосини психологияда ўрганилиши	13
<i>Абдурахмонова Зухра</i>	Бола шахсида саноген тафаккурни ривожлантиришнинг долзарблиги ва ижтимоий психологик хусусиятлари	16
<i>Умарова Махбуба</i>	Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda tafakkur va хотirasini rivojlantirish metodikalari	20
<i>Абдуллаев Ақобир</i>	Мақтаб психологлари томонидан педагогик жамоага кўрсатиладиган психологик хизматнинг айрим назарий ва амалий асослари	23
<i>Алимжоновна Нафосат</i>	Бошланғич синф ўқувчиларини самарали ўқитишнинг педагогик-психологик жиҳатлари	27
<i>Юсупова Гулбаҳор</i>	Креатив тафаккурли ўспиринларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	29
<i>Ҳабибуллаев Баҳодир</i>	Диний экстремистик ғояларнинг тарқалишида ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти	32
<i>Орзикулова Чарос</i>	Ёшларда ахборот хурижларига нисбатан иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий – психологик усуллари	34
<i>Жаббор Алишер</i>	Шахсда когнитив услублар шаклланишининг психологик омиллари	37
<i>Ро'латова Nodira</i>	Maktabda giperaktiv bolalar bilan olib boriladigan ishlar va ularni tashkillashtirish: muammo va yechimlar	38
<i>Kasimov Ulugbek, Yusupov Ravshanbek</i>	The process of globalization in the formation in the youth background	40
<i>Каримова Хадича</i>	Imkoniyati cheklangan bolalarning ijtimoiylashuvida oilaning o'рни	46
<i>Berdieva Fotima</i>	Barkamol shaxsni shakllantirishda psixologik mezonlar	48
<i>Hamrayeva Shahnoza, Isakova Dilbar</i>	Sog'lom yetuk qilib bolalarni tarbiyalashda ota-ona va maktabgacha ta'lim tashkilotining hamkorligi	51
<i>Sayilxonova O'g'iloy</i>	Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni vatanga mehrli va ma'naviyatli qilib tarbiyalash	53
<i>Rasulova Sarvinoz</i>	Tarbiya jarayonida ota-ona va tarbiyachining o'рни	55
<i>Bozorova Yulduz</i>	Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda oilaning o'рни	57
<i>Nazarova Muhabbat</i>	“Ommaviy madaniyat”ning yoshlar tarbiyasiga salbiy ta'siri	59
<i>Dilnoza Bekmuradova</i>	Ta'lim – tarbiya jarayonida o'smir yoshdagi bolalarning muammolarni yechishda psixologik yondashuv	60
<i>Sanobar Asilova</i>	Ta'limni axborotlashtirish jarayonlarida yoshlarda axborot olish madaniyatini shakllantirish	62
<i>Aziza Mirzabekovna</i>	Ijtimoiy-psixologik tadqiqotlarda maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda kreativ tafakkurning shakllantirish muammosini o'rganilganligi	64
<i>Raximova Барно</i>	Глобаллашув ва таълим-тарбия муштараклиги	67
<i>Хамроева Умида</i>	Ўзбекистонда психология фанининг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати	69

<i>Федюнина Диана</i>	Социально-психологические факторы, влияющие на мировоззрение и поведение молодежи	72
<i>Mardiyeva Sarvinoz</i>	Kichik maktab yoshidagi o`quvchilar psixikasi	74
<i>Ro`ziboyeva Zilola</i>	Chet tilini o`rganishning interaktiv usullari	76
<i>Икрамжанова Нодира</i>	Оиладаги зўравонликка учраган аёлларнинг ижтимоий – психологик хусусиятлари	78
<i>Хабибуллаев Боходир</i>	Власть и властическое мышление в знании	80
<i>Ҳайдарова Ҳилола</i>	Мактабгача ёш даври психологик ривожлантириш хусусиятлари	82
<i>Зарина Зарифовна</i>	Мактабгача таълим ташкилотида маънавий-маърифий тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти	85
<i>Латинова Шаҳноза</i>	Мактабгача ёш даврининг асосий фаолияти – бу ўйиндир	87
<i>Усмонова Дилноза</i>	Бошланғич таълим ёшидаги болаларни мактабга мослашувининг айрим психологик жихатлари	90
<i>Yigitaliyeva Shahnoza</i>	Oilaviy qadriyatlarining yoshlarning dunyoqarashi va xulq-atvoriga ta'siri	92
<i>Ёдгорова Насиба</i>	Шахс такомиллашувида болаликнинг ўрни ва ижтимоий омиллар	94
<i>Райимшикурова Мунисахон</i>	Бола ижтимоийлашувида оила масканининг роли	97
<i>Пайзиев Аббос</i>	Ёшларни гиёҳвандлик иллатидан сақлаш асосий бурч	100
<i>Raxmanova Dilfuza</i>	Ta'lim olishda ma'lumotlarni idrok etish usullari	103
<i>Gulbahor Yuldosheva</i>	Innovatsion texnologiyalar orqali maktabgacha ta'lim tashkilotlari ma'naviyatini shakllantirish omillari va imkoniyatlari	107
<i>Юсупова Шохиста, Сайидкулова Одина</i>	Тасвирий санъат дарсларида рангларнинг психологик аҳамияти	110
<i>Qalandarova Sarvinoz</i>	Past o`zlashtiruvchi o`quvchilar bilan psixologik mashg`ulotlar o`tish	113
<i>Бекчанова Холида</i>	Касб танлаш мотивларининг ижтимоий-психологик механизмлари	116
<i>Мухтарова Гулюз</i>	Ўқувчи ёшларда ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришда мактаб ва оиланинг ўрни	120
<i>Мухтарова Гулюз</i>	Ta'lim tizimida bola nutqining rivojlanishi muloqot madaniyatini shakllantirish asosi	122
<i>Эркаев Маъмуржон</i>	Ислом ҳуқуқида ижара муносабатларини тартибга солинишда ёшларнинг ўрни	124
<i>Ashurova Dilxumor</i>	Boshlang`ich sinf o`quvchilarida mantiqiy fikrlashni shakllantirishning psixologik omili	128
<i>Назарова Шохиста</i>	Карантин вақтида кўркув ва стрессни енгишда нима ёрдам беради? психологдан маслаҳатлар	130
<i>Bo'riyeva Zebiniso</i>	Shaxs kreativligini rivojlantirishda art-terapiya usullari	132
<i>Hasanov Umarbek</i>	Bola shaxsida salbiy o`zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	135
<i>Qosimova Shahnoza</i>	O`quvchilarini kasb-hunarga yo`naltirish	138
<i>Musoev Xurshedjon</i>	Ta'lim muassasalarida inklyuziv ta'lim modulidan foydalanish zaruriyati	140
<i>Musoev Xurshedjon</i>	Uyali telefonlarning odamlarga zarari	143
<i>Umarova Gulhayoxon</i>	Kichik maktab yoshida o`qishga bo`lgan qiziqish	146
<i>Turdiboyeva Omatoy</i>	Bola shaxsida salbiy o`zgarishlarni keltirib chiqaruvchi informatsion xurujlar va ularning pedagogik-psixologik asoslari	149
<i>Abdug'afforova Ozoda</i>	O`quvchilarda kasbiy qiziqishlarning shakllanishiga ta'sir etuvchi omillar	151

<i>Xolliyeva Shoxista</i>	Психологик хизматни ташкил қилиш масалалари	153
<i>Biyyemirova Dilfuza</i>	Мақтада гиперактив болалар билан олиб бориладиган ишлар ва ularni tashkillashtirish: muammo va yechimlar	156
<i>Маматқулова Рано</i>	Психология стресса и методы его профилактики	158
<i>Маматқулова Рано</i>	Влияние семейных взаимоотношений на психику детей	162
<i>Тлеумбетова Қаллигул, Seitmuratova Venera</i>	Qaraqalpaq balalar ádebiyatini mektepke shekemgi bilimlendiriw shólkemlerinde qollaniw-búgingi kúnniń dawir talabi	166
<i>Рахимова Хуршида</i>	Ота-оналарнинг ўз болаларига эътиборини кучайтиришнинг психологик аҳамияти	169
<i>Раззақова Шарофат</i>	Оилада шахслараро муносабатнинг фарзанд тарбиясидаги аҳамияти	171
<i>Пўлатова Маҳбуба</i>	Ғайриижтимоий хулқ-атворли ёшларни тарбиялашнинг психологи асослари	174
<i>Igamberdiyeva Dilnoza</i>	Sog'lom oila – barkamol avlod yaratuvchisi	177
<i>Oqilova Ziyodaxon</i>	O'smirlik davr gender xususiyatlarni tadqiq etilishi	179
<i>Мансурова Гулжаҳон</i>	Ўсмирларда агрессив хулқни юзага келишининг ижтимоий-психологик омиллари	184
<i>Boboxolova Shahnoza</i>	Bola xulq-atvorini shakllanishida oilaning roli va tashqi muhitning ta'siri	187
<i>Rahimova Dilnoza</i>	Temuriy zoda malikalarning ta'lim va tarbiya jarayonidagi xizmatlari	190
<i>Матажонова Ра'но</i>	Xulq - atvor va odatlarni shakllanishining psixologik tavsifi	192
<i>Райимова Шаҳноза</i>	Бола шахси шаклланиши – психо-педагогик жараён сифатида	194
<i>Юсупова Мунисхон</i>	Таълимда нуқсонли бор ўқувчиларга психологик ёрдам кўрсатиш	197
<i>Avlayev Orif, Valieva Munajatxon</i>	Bolalar deviant xulq-atvorining psixologik tahlili	200
<i>Tilloyeva Sarvinoz</i>	Giperaktiv bolalar va ularni tarbiyalash muammolari	204
<i>Садикова Муаттар</i>	Ёшларнинг дунёқараши ва хулқ-атворига таъсир этувчи ижтимоий психологик омиллар. Шартли рефлекслар	206
<i>Soyibjonovna Mohinur</i>	Ta'limda psixologik xizmatning asosiy vazifalari: yoshlarning ijtimoiy-psixologik muammolari, sabab va yechimlari	209
<i>Mirdjalilova Bargida</i>	Ўқувчи қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришнинг психологик асослари	212
<i>Яхшимбекова Сайёра</i>	Ўсмирлик даврида стресс ҳолати ва уни бартараф этишнинг психопрофилактикаси	216
<i>Samatova Xolida</i>	Bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	220
<i>Абсаламова Гулмира</i>	Европа уйғониш даври буюк намоёндалари асарларида бугунги кунда фонетик эволюция оқибатлари	222
<i>Absalamova Gulmira</i>	Mishel de monten fazilat tushunchasi va uning ahamiyati	226
<i>Nosirova Madina</i>	Bolalarda menejmentlik qobiliyatlarini tarbiyalash va rivojlantirishda faoliyatning roli	232
<i>Nishonova Zarina</i>	Inkyluziv ta'limning nazariy va amaliy masalalari	234
<i>Islomova Bibigul</i>	Tarbiyasi qiyin bolalar bilan ishlashning psixologik omillari	235
<i>Утеулиева Гулшехра</i>	Фаолиятнинг бола шахсига психологик таъсири ҳамда унинг тарбия жараёнидаги аҳамияти	238
<i>Улмасова Дилдора</i>	Болада эмоционал интеллект ривожланишига таъсир этувчи омиллар	240
<i>Bibalayeva Dilafuz</i>	O'smirlik davrida o'quvchilarning o'qish faoliyati va kasb tanlash muammosi va yechimlar	243

<i>Ҳамидова Гулшода</i>	Спортчи талабаларнинг ижодий фаолиятига таъсир этувчи психологик омиллар диагностикаси	246
<i>Haydarova Feruza</i>	Bola shaxsida salbiy o'zgarishni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik - pedagogik asoslari	249
<i>Baltayeva Xilola</i>	To'g'ri muloqot farzand tarbiyasining muhim omili	251
<i>Касбаева Раушан, Балтаев Жасурбек</i>	Мактабларда замонавий психологик хизмат шакллари	253
<i>Айтбайева Нилуфар</i>	Shaxs taraqqiyotida yoshi va o'ziga xos xususiyatlari	257
<i>Norbayeva Dilnoza Turimova Aygul</i>	Shaxsning shakllanishidagi psixologik-pedagogik masalalar	259
<i>Matchanova Nargiza</i>	Talabalar hayotida stress sabablari va oqibatlarini	263
<i>Абдурахмонова Зухра</i>	Ўқувчи ёшлар дунёқараши ва хулқ-атворида таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар	267
<i>Шарипова Иродахон</i>	Меҳнат фаолиятининг шахс хулқ-атвори шаклланиши ва психологик жараёнларни кечишида тутган ўрни	270
<i>Sadridinova Umida</i>	Maktabgacha yoshdagi bolada-hissiy qiyinchiliklarni bartaraf etishda o'yin faoliyatining roli	272
<i>Ашуров Нодирбек</i>	Социально-психологические проблемы современной молодёжи и пути их решения	275
<i>Alibekova Shohidaxon</i>	Maktabda psixologik xizmat ko'rsatish	278
<i>Елена Николаевна, Ахмедова Фазилятхон</i>	Умумтаълим мактабларида таълим сифатини оширишда психологик хизматнинг аҳамияти ҳамда педагоглардаги касбий сўниш ҳолатларини бартараф этишда психологнинг масъулияти	280
<i>Tajiddinova Muqaddas</i>	Yoshlarda yangilik yaratishni namoyon etish jihatlari	285
<i>Shamatova Dildora</i>	Global axborot makonning salbiy ta'sirlaridan himoyalashning ijtimoiy-psixologik masalalari	287
<i>O'ktamova Gulshana</i>	Yoshlarning dunyoqarashi va xulq - atvoriga ta'sir etuvchi ijtimoiy psixologik omillar	290
<i>Ismoilova Shahlo</i>	Yoshlar xulq-atvori va dunyoqarashining shakllanishida ijtimoiy-psixologik ta'sirlarning tutgan o'ri	293
<i>Yadgarova Ozoda, Nafasova Munira</i>	O'smirlik davrida stress holati va uni bartaraf etishning ba'zi psixologik usullari	296
<i>Itomova Nigora</i>	Yoshlarning ijtimoiy-psixologik muammolari, sabab va yechimlari	301
<i>Мўминова Дилдор</i>	O'spirinlik davrida stress holati va uni bartaraf etishning psixologik jihatlari	304
<i>Эшонкулова Зохидахон</i>	Актуальные проблемы психологии в образовании	306
<i>Юсупова Гўзалхон</i>	Психологияда агрессия тушунчаси ва унинг намаён бўлиш хусусиятлари	310
<i>Toxirova Shahnoza</i>	O'smirlarda xarakter aksentuatsiyasini aniqlash	312
<i>Рахмонова Маърифат</i>	Хулқдан оғиш муаммосининг ижтимоий-психологик омиллари таснифи	318
<i>Umarova Xurshida</i>	Umumta'lim maktablarida ta'lim sifatini oshirishda psixologik xizmatning ahamiyati, hamda pedagoglardagi kasbiy so'nish holatlarini bartaraf etishda rahbarning mas'uliyati	320
<i>Umarova Xurshida</i>	O'smirlik yoshidagi o'g'il va qizlarning o'ziga xos psixologik xususiyatlari	323
<i>Tajiyazova Go'zalxon</i>	Bola shaxsining rivojlanishiga salbiy ta'sirlar	327
<i>Абдуқаҳҳоров Анвар</i>	Таълим тизимида умумтаълим мактаблари амалиётчи	330

	психологлари олдида турган муаммолар	
<i>Usmonova Mahtuda</i>	Pedagogik muloqotda o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi psixologik to'siqlar va ularni bartaraf qilish zarurati	333
<i>Саттарова Моҳи́ра</i>	Ўсмир ёшидаги психологик-педагогик муаммоларни ҳал этишда ота-оналар билан психологик маслаҳат олиб бориш	335
<i>Umarova Dilnoza</i>	Мақтабгача бо'лган болалар психологiasi	338
<i>Ramazonova Lobar</i>	Notinch oilalardagi nizolarning bolaga psixologik ta'siri	340
<i>Po'latova Muniraxon</i>	Mustaqil bilim olish jarayonida mantiqiy fikirlashning pedagogik shart-sharoitlari	341
<i>Po'latova Muniraxon</i>	Ta'limni axborotlashtirish jarayonlaridayoshlarda axborot olish madaniyatini shakllantirish	344
<i>Rahmonova Feruza</i>	Oiladagi nosog'lom psixologik muhitni maktabgacha yoshdagi bolalarga salbiy ta'siri	346
<i>Egamberdiyeva Dilnoza</i>	Bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	348
<i>Исомова Наргиза</i>	Ўсмирларда кузатиладиган салбий ўзгаришлар ва уларнинг сабаблари	351
<i>Atakhujaeva Shahlo</i>	Introducing with sel-destructive behavior: what it is and can we control it?	354
<i>Ibrogimova Yulduz</i>	Yoshlarning ijtimoiy-psixologik muammolari , sabab va yechimlari	357
<i>Nuraliyeva Ozoda</i>	Yoshlarda xulq og'ishi va tarbiya buzilishi kelib chiqishining ijtimoiy psixologik sabablari	360
<i>Усмонжонов Асилбек</i>	Касбий масъулият ривожланишининг психологик жиҳатлари	363
<i>Акбарова Мушарраф</i>	Бола шахсининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар	365
<i>Otamurodova Zulayxo</i>	Bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	368
<i>Nabiyeva Odina</i>	Talabalar o'quv faoliyatining xususiyatlari	371
<i>Ибодуллаева Ирода</i>	Ўқув-тарбия жараёнидаги мулоқотнинг шахс шаклланишига таъсири	374
<i>Eshchanova Xolida, Xusainov Sherzod</i>	O'quvchi shaxsida ijobiy sifatlarni shakllantirishda o'qituvchining o'rn	377
<i>Ashurova Yulduz</i>	Bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	379
<i>Navbaxorova Hurshida</i>	Inklyuziv ta'lim tizimida oilaning o'rn	382
<i>Полванова Дилрабо</i>	Интернетдан келаётган таҳдидларнинг ўсмирлар руҳиятига салбий таъсири: кибербуллинг ва унинг оқибатлари	384
<i>Jo'rayeva Shahnoza</i>	Bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	388
<i>Шаусматова Надира</i>	Мақтаб таълим муассасалардаги педагогик жамоа кенгашлари иш тажрибалари	391
<i>Капаева Shahnoza</i>	Alisher navoiyning shaxs kamolotida o'qituvchi-murabbiyning o'rn haqidagi fikrlari	393
<i>Мамажонов Дилноза</i>	Ёшларнинг дунёкараши ва хулк-атвориға таъсир этувчи ижтимоий - психологик омиллар	396
<i>Эрисова Маъсуда Рашидовна</i>	Болага хозир кандай муомила қилиш бу сиз ва бизнинг келажагимиз	398
<i>Санақулова Дилбар</i>	Бола тарбияси бўйича ота-оналарга тавсиялар	401
<i>Санақулова Дилбар</i>	Оммавий спорт ва жисмоний тарбия	402
<i>Latipova Chinnigul</i>	O'smir psixologiyasida salbiy sifatlarni keltirib chiqaruvchi	404

	ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	
<i>Сайдалиева Меҳринисо</i>	Диний эътиқоднинг бола тарбияси ва психологиясида тутган ўрни	407
<i>Bahriddinova Mahbuba</i>	Bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixologik-pedagogik asoslari	411
<i>Risbayeva Nazira</i>	Bolaning (shaxsning) jismonan, aqlan va ruhan rivojlanishida sportning ahamiyati	413
<i>Шахло Эргашовна</i>	Ўсмир- ота – она меҳрига мухтож	416
<i>Madumarova Umida</i>	Zamonaviy psixologiyaning rivojlanish istiqbollari	418
<i>Roziqova Malika</i>	Globalashuv jarayonida o'smirlarda yuzaga keladigan muammolar va ularning ijtimoiy-psixologik omillari	421
<i>Қодирова Фотима</i>	Таълимда психологик хизмат кўрсатиш масалалари	423
<i>Тошматова Раъно</i>	Аутоагрессив хулқ профилактикаси, диагностикаси ва коррекцияси (суицид)	425
<i>Нарзуллаева Маърифат</i>	Болаларда жаҳли тезлик ва уни йўқотиш йўллари	427
<i>Nafisa Abduxamidova</i>	“Indigo-samoviy bolalar”-ota-onalar uchun psixologik tavsiyalar	430
<i>Зуфарова Малика</i>	Болани ўсмир ёш даврида психик ривожланишининг асосий хусусиятлари	431
<i>Улжаева Зилола</i>	Ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилиши келиб чиқишининг ижтимоий-психологик сабаблари	434
<i>Soyimnazarov Navro'z</i>	Psixologiya sohalari	436
<i>Жамолiddинова Адолат</i>	Оилада соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш психологияси	438
<i>Ахмаджанова Холида</i>	Тарбияси қийин гуруҳга мансуб агрессив хулқли болалар ва уларнинг ота-онаси билан ишлаш муаммолари	441
<i>Abdurahmonova Sanobar</i>	Alisher Navoiyning asarlarida tarbiya va insonparvarlik masalalari	444
<i>Назаров Азамат, Бахтиёр Баходир, Иброҳимов Нодирбек, Холматова Ойшахон</i>	Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини оптималлаштиришнинг психологик асослари	448
<i>Акрамов Мирмухсин</i>	Экологик онг ривожланишида ижтимоий тасаввурларнинг роли	450
<i>Содиқова Гулбарно</i>	Замонавий психологияда мустақил қарор қабул қилишнинг назарий асослари	452
<i>Ergashova Muxlisa</i>	Oliy ta'lim jarayonida pedagogika va psixologiyaning ayrim masalalari	455
<i>Nazarov Azamat</i>	Problems of social-psychological support of the management decision-making process	457
<i>Бўриев Жалолiddин</i>	“Қутадғу билиг” – саодатга элтувчи асардир	460
<i>Исаева Муштарий</i>	Оилада диний эътиқод шаклланишига доир ёндашувлар таҳлили	464
<i>Мухиддинова Умида, Мухиддинова Феруза</i>	Боланинг психик ривожланишида тил ўрганишнинг аҳамияти	467
<i>Маратов Темур</i>	Шахс идентификацияси ижтимоий-психологик феномен сифатида	469
<i>Юсупов Жасур, Сулаймонов Бекзод</i>	Психологические аспекты обучения детей созидательному мышлению	473
<i>Абдусаматова Каромат</i>	Умумтаълим мактабларида ўқув фаолиятини ташкил этишда ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар кўлами	477
<i>Алимова Алия</i>	Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари	478

Қучқарова Хадича	Психодиагностика методлари ва улардан фойдаланиш	480
Мамирова Барно	Тафаккур ва уни ривожлантириш усуллари	482
Парпиева Малика	Ўқувчиларда хотира жараёнини ривожлантирувчи машғулотлар	484
Режебов Зуриёд	Основные психологические функции речи	486
Таджибаева Шоҳида	Мактаб жамоадаги эмоционал толиқиш синдроми психопрофилактикаси бўйича ишлари	488
Тошматова Мўътабар	Мактаб ёшдаги болалар ҳаёлининг ривожланиши	490
Хидирова Озода	Амалиётчи психолог иш фаолиятида коучинг	492
Allayorova Latofat	Shaxs kamolotida jismoniy tarbiya muhim omil sifatida	493
Eshonqulova Shaxlo	Muloqot shaxs rivojlanishining muhim omili sifatida	496
Mamatova Lobar	Shaxs ma'naviyatini shakllantirishda kitobxonlikning o'rni	498
Maxammadiyeva Nasiba	Tarbiya jarayoning shaxs shakllanishida o'rni	500
Niyozova Feruza	Shaxsni tarbiyalashda oila, mahalla va ta'lim muassasasi hamkorligini amalga oshirish tamoyillari va bosqichlari	503
МУНДАРИЖА		505

